

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
575 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади

81.2 (Ўз-4)

АЛИШЕР НАВОИЙ

қомусий луғат

Биринчи жилд

А – С



"SHARQ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016

2482/15
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
AXBOROT-RESURS MARKAZI



Алишер Навоий халкимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум килган ўлмас сўз санъаткоридир. Тасаввур жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўкки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садокат ва эътикод билан карамаса.

Агар бу умуман зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Ислом КАРИМОВ

УЎК 821.512.133(038)
КБК 81.2(Ўз–4)
Н – 14

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

А.Қаюмов, С.Ғаниева, А.Мансур, М.Имомназаров, М.Муҳиддинов, А.Турсунов, С.Ҳасанов, Ҳ.Кудратуллаев, В.Рахмонов, Н.Жумахужа, С.Олим, А.Эркинов, Н.Жабборов, И.Мирзо, О.Юнусов, О.Ғуломов, А.Аҳмедов.

ИЖОДИЙ ГУРУҲ:

С.Ғаниева, А.Эркинов, О.Давлатов, Э.Очилов, К.Муллахужаева, Д.Юсупова, З.Мамадалиева, И.Исмоилов, А.Маликов, Л.Жураева.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Ш.Сирожиддинов,
филология фанлари доктори, профессор

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Д.Салоҳий,
филология фанлари доктори
О.Жўрабоев,
филология фанлари номзоди

Н – 14 **“Алишер Навоий: комусий луғат”** / Масъул муҳаррир: Ш.Сирожиддинов. – Т.: “Sharq”, 2016. – 536 б.

ISBN 978-9943-26-459-5

УЎК 821.512.133(038)
КБК 81.2(Ўз – 4)

“Алишер Навоий: қомусий луғат” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгашининг 2015 йил 25 ноябрь 4-сонли мажлисида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-26-459-5

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2016.

"АЛИШЕР НАВОИЙ: ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ" НАШРИ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг, ўзбек халқи ҳаётининг барча соҳаларида кузатилгани каби, навоийшунослик ҳам ривожланишнинг янги босқичига кутарилди. Мустақилликнинг биринчи йили Алишер Навоий йили, деб эълон қилиниши ҳамда ўша йилдаёқ Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам Навоий энди озодликка эришган ўзбек халқи учун ҳурлик, озодлик ва ўзлик тимсоли бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ўтган давр ичида ҳазрат Навоийнинг асарлари икки марта мукаммал ҳолатда нашр этилди, унинг ҳаёти, фаолияти ва ижодиёти ҳақида қатор адабий, илмий, фалсафий асарлар яратилди. Энг муҳими, Навоийнинг тафаккур даҳосига муносабат тубдан ўзгарди. Навоий ижодиётини бир томонлама ўрганиш, уни ҳукмрон мафкура қолипига солиш каби самарасиз ва ғайриилмий уринишларга чек қўйилди. Жавоҳир тошлардек серқирра ва замонлар оша сайқал топиб, мумтоз адабиётимиз тожидек жилоланиб турган бу ўлмас маънавий меросни халқимизнинг кунгил мулкига айлантириш янада долзарб моҳият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида айтилганидек, "**инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйгуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айникса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик кудратли маърифий қуролга эга бўламиз**".

Ана шу шарафли ва айни пайтда ўта масъулиятли вазифани амалга ошириш йўлида ўз ҳиссаларини қўшишга ният қилган бир гуруҳ навоийшунос олим ва тадқиқотчилар томонидан қўлингиздаги "Алишер Навоий: қомусий луғат" яратилди. Ушбу қомусий луғатда узбек миллий маънавиятининг яловбардори, мумтоз адабиётимиз ва тилимизнинг асосчиси, ўлмас асарлари билан жаҳон тафаккури хазинасига бебаҳо улуш қўшган мутафаккир ва шоир Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг ҳаёт йули, асарлари, поэтикаси, образлар олами, устозлари, замондошлари ҳақида навоийшуносликнинг илмий натижалари асосида мухтасар маълумот берилди. Қомусий луғатнинг мазмун ва мундарижасини белгилашда жаҳон қомусчилиги анъаналаридан, бу соҳада мамлакатимизда орттирилган ижобий тажрибадан фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Тақдим этилаётган китоб тузилиши бўйича қомусий луғат эканлигини назарда тутиб, ундаги мақолаларда асосан 15-асргача бўлган адабий ҳаёт ҳамда Навоий ва унинг замони билан боғлиқ давр доирасини қамраб олишга эътибор қаратилди. Хусусан, шахслар ва асарлар билан боғлиқ мақолаларда замон масаласида 15-аср асосий чегара қилиб олинди, айрим ҳоллардагина, фан учун аҳамиятини ҳисобга олиб, 16-аср билан боғлиқ баъзи маълумотлар (масалан, Навоий асарлари қўлёзмалари ва хаттотлар) ҳам келтирилди.

Бош мақолада Алишер Навоийнинг шахсияти, ҳаёт йули, илмий ва адабий мероси, қўлёзмалари, Навоий ижоди ва адабий алоқалар, Навоий ижодининг Ўзбекистон ва хорижда ўрганилиши, Навоий асарлари нашрлари, буюк мутафаккир ижодининг Шарқ адабиётига таъсири каби масалалар ёритилди.

Алишер Навоий асарлари ҳақидаги материаллар "Алишер Навоий: қомусий луғат"и умумий ҳажмининг асосий қисмини ташкил этади.

Қомусда мақолаларнинг номлари (сўзлар, истилоҳлар) имкони борича қисқа шаклда (кўпинча бир ёки икки сўз, айрим ҳоллардагина бир неча сўз билан) берилди. Улар алифбо тартибида жойлаштирилиб, янги сатрдан катта қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилди.

Мақолаларнинг номи аксари бирликда, айрим истилоҳларгина илмий терминологияга мувофиқ қилиб, кўплик сонида берилди.

Мақола номи бир неча сўздан таркиб топган бўлса, мақолаларни жойлаштиришда биринчи сўз асос қилиб олинди. Номлар таркибида бир сўз такрорланса, ички алифбо кейинги сўз асосида қўлланилди.

Бир неча сўздан иборат тарихий шахслар номлари имкон даражасида қисқа шаклда берилди. Унда шахс тахаллуси биринчи ўринга қўйилди ва катта қора ҳарфлар билан, тўлиқ исми эса вергулдан кейин кичик қора ҳарфлар билан ёзилди (масалан, **ЖОМИЙ, Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон ибн Низомиддин Аҳмад**). Ижодкор исми ва тахаллусидан ҳосил қилинган жуфт тахаллусни шундайлигича, халққа сингиб кетган тарзда бериш лозим кўрилди (масалан, **НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ**). Айрим ҳолларгагина шахс номлари Навоий асарларида келтирилган шаклда берилиши лозим топилди.

Биографик мақолаларда шахснинг туғилган ва вафот этган вақтини билдирувчи саналар исм ва тахаллусдан сўнг қавс ичида араб рақамида йил, кун, ой тартибида берилди. Туғилган ва вафот этган жойи саналардан вергул (,) билан ажратилди. Туғилган ва вафот этган жойи айни бир жойда бўлса, у ҳолда бу маълумот ўртада ҳар икки тарафдан тире (–) билан ажратиб ёзилди. Агар фақат туғилган ёки вафот этган йилигина маълум бўлса, бу маълумот қавс ичида (*ваф.* ёки *туғ.*) қисқартмасини қўллаш билан изоҳланди. Айрим ҳолларда шахсларнинг яшаган даври аср кўринишида (масалан, 15-аср) бериш лозим кўрилди.

Навоий асарларида зикр этилган номлар ҳамда арабча ва форсча сўзларни ёзишда ўзбек тилининг имло қоидалари асос қилиб олинди.

Китобда бир-бирига алоқадор мақолаларда баъзи маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши учун, шунингдек, баъзи бир мақолаларни китобхоннинг қийналмай топишига ёрдам бериш мақсадида ҳавола тизимидан фойдаланилди. Ҳавола этилаётган мақола номи *қия ҳарфлар (курсив)* билан ёзилди.

Барча рақамлар араб рақамлари шаклида берилди. Навоий асарлари ва бошқа тегишли манбаларда кўрсатилган ҳижрий-қамарий йиллар милодий хронологияга айлантирилиб, зарур бўлган ҳолларгагина ёнма-ён (масалан, 767 ҳ.қ / 1366 м.) келтирилди.

Қомусий луғатда жойни тежаш мақсадида кўп қўлланилган сўзлар қисқартириб ишлатилди *(қисқартмалар рўйхатига қаранг)*. Хусусан, мақола номини ташкил этган сўзлар матнда уларнинг биринчи ҳарфлари билан олинди.

Мақолалар сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини беришда фақат Алишер Навоий асарларига бағишланган асосий мақолаларга адабиёт илова қилинди, қолган барча адабиётлар рўйхати луғат сўнгида келтирилди. Бунда фойдаланилган манба ва адабиётлар такрорланиб қолмаслиги ҳамда луғат ҳажмининг кенгайиб кетмаслигига эришиш асосий тамойил қилиб олинди.

Навоий ижоди маънавий ворислари учун битмас-туганмас илҳом ва ижод манбаи бўлганлигини, асрлар давомида ўзбек ижодкорлари ушбу умрбоқий маънавий сарчашмага қайта-қайта мурожаат қилишганини, бугунги кунда ҳам бу жараён давом этаётганини алоҳида таъкидлаш мақсадида зарварақларда Навоий асарлари қўлёзмалари, ўтмишдаги ва замондош мусаввирлар томонидан ишланган миниатюра ва портретлар, Навоий асарларининг нашрлари, хорижда ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ўрнатилган ҳайкаллар, Навоий номи билан боғлиқ жойлардан намуна тариқасида суратлар берилди.

Навоий муҳиблари ва тадқиқотчилар учун қулайлик туғдириш мақсадида луғат сўнгида Алишер Навоий ижодига бағишлаб ёзилган тадқиқот ва диссертацияларнинг қисқача аннотацияси келтирилди. Бунда Ўзбекистонда яратилган илмий тадқиқотлар ва ўзбек олимларининг асарларини қамраб олишга ҳаракат қилинди.

Илова қилинган сўзлик-мундарижада мақола муаллифларининг исми шарифи келтирилди.

Қўлингиздаги ушбу китоб Алишер Навоий шахсияти ва ижодига бағишланган дастлабки қомусий луғат сифатида тайёрланган учун унда келгусида янада такомиллаштириш талаб этиладиган жиҳатлар, баҳсли ўринлар, айрим камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Халқимизнинг маънавий савиясини янада юксалтириш, ёшларимизни Алишер Навоийга муҳаббат руҳида тарбия қилишда жонкуярлик кўрсатаётган олим ва зиёлиларимиз, ушбу соҳада билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар, кенг жамоатчилик ушбу нашр тўғрисида холис фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз.

“АЛИШЕР НАВОИЙ: ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ”ДА ҚАБУЛ ҚИЛИНҒАН АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР

(а.) – алайҳиссалом
авес. – авесто тилига мансуб сўз
ад-т – адабиёт
акад. – академик
ар. – арабча
б-н – билан
ва б. – ва бошқалар
ва ҳ.к. – ва ҳоказо
ваф. – вафот этган
дис-я – диссертация
инв. – инвентарь
ИУК – Истанбул университети кутубхонаси
й. – йил (лар)
м. – милодий
мажс. – мажозан ёки мажозий
мас. – масалан
маъ-ий – маънавий
маъ-ят – маънавият
мил.ав. – милоддан аввалги
наз-я – назария
ОзФА – Озарбайжон Фанлар академияси
пед.ф.д. – педагогика фанлари доктори
проф. – профессор
(р.а.) – разияллоҳу анҳу (Аллоҳ ундан рози бўлсин)
РМК – Россия Миллий кутубхонаси
(с.а.в.) – соллаллоҳу алайҳи васаллам (у Зотга Аллоҳнинг саломи ва салавоти бўлсин)
СамДУ – Самарқанд Давлат университети
см. – сантиметр
т.ф.н. – тарих фанлари номзоди
тас. – тасаввуф
тас-ий – тасаввуфий
тахм. – тахминан
ТошДШИ ШКМ – Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази
туг. – туғилган йили
ф. – форс ва тожик тилларига мансуб сўз
ф.ф.д. – филология фанлари доктори
ф.ф.н. – филология фанлари номзоди
фал. – фалсафа
фал.ф.д. – фалсафа фанлари доктори
ш. – шаҳар (шаҳри)
ўзб. – ўзбекча
УзМУ – Ўзбекистон Миллий университети
ЎзФА – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
қад. – қадимги
қар. – қаранг
ҳ.ш. – ҳижрий шамсий
ҳ.қ. – ҳижрий қамарий
ҳинд. – ҳиндча
ҳоз. – ҳозирги
ҳук.й. – ҳукмронлик йиллари

Амир Низомиддин Алишер Навоий ўзбек халқи ҳамда бутун туркий оламнинг таниқли шоири, мутафаккири сифатида жаҳон бадиий тафаккури тарихида ўз ўрни ва мақомига эга ижодкордир. Унинг жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган шоҳ асарлари, 15-асрнинг иккинчи ярми Темурийлар салтанати даври илм-фани ҳамда санъатини ривожлантириш йўлидаги хизматлари аллақачон олимлар томонидан эътироф этилган.

Алишер Навоий яшаган даврда форс тили – шеърият тили, араб тили эса илм ҳамда дин тили сифатида қабул қилинган эди. Туркий тилга авом тили сифатида қараш устувор бўлиб, бу тилнинг имкониятлари инсон туйғулари, гўзал фикрларни ифода қилиш учун етарли эмас деб ҳисобланиларди. Шундай шароитда Алишер Навоий туркий тил ҳимоячиси ҳамда бу тил имкониятлари доираси кенглигини исботловчи адиб сифатида тарих саҳнасига кўтарилди. У туркий тилда "Хамса", жами тўрт девонга жамланган уч мингдан ортиқ шеърлар, диний-маърифий манзумалар, фаннинг қатор соҳаларига доир кўплаб насрий асарлар яратиб, она тилининг ифода имкониятлари бошқа тиллардан қолишмаслигини исботлаб берди. Шу ўринда Алишер Навоий улкан шоир ҳамда туркий адабий тилни бадиий ижодда юксак такомилга етказган ижодкор сифатида намоён бўлади. Бу – унинг феноменига оид энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Алишер Навоий мамлакат сиёсий жараёнида ўз сўзига эга шахс ҳисобланган. Буни унинг саройда эгаллаган лавозимлари ҳамда Темурийлар саройига яқинлиги муносабати билан мамлакат сиёсий ҳаётида амалга оширган ишлари ҳам яққол тасдиқлайди. Мамлакат тинчлигини сақлаш, халқ осудалигини таъминлаш, подшоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, мамлакат миқёсида кенг кўламли бунёдкорлик ишларини олиб борганлиги, давлат даражасидаги муаммоларни ҳал этишда беназир сиёсатчи бўлганлиги учун мамлакат ҳукмдори уни ҳаж сафаридан ҳам олиб қолгани билан боғлиқ маълумотлар, тарихий манбаларда келтирилган қатор далиллар Алишер Навоийнинг нуктадон сиёсатчи ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятидан далолат беради. Айнан шу сабабли ҳам Ғарб олимлари тадқиқотларида Алишер Навоийнинг жамоат ҳамда давлат арбоби сифатидаги фаолиятига кўпроқ эътибор қаратилган. Бу Алишер Навоий феноменига хос бўлган яна бир муҳим жиҳатдир.

Олам ва одам, азал ва абад, ибтидо ва интиҳо, яшашдан мурод, бу дунё ҳаётининг мазмун ва моҳияти билан боғлиқ қарашлар инсониятнинг абадий муаммоларидандир. Одамзод яралибдики, ана шу муаммолар устида бош қотиради. Фалсафа фани ҳам айни шу нуқтада пайдо бўлган. Илмнинг бошланиши инсоннинг ўзини англашга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ. Мутафаккирларнинг даҳолиги уларнинг олам ҳамда одам ҳақида бошқалардан фарқли қараш ҳамда тушунчаларга эга бўлганидадир. Улар қарашларини ўзгача шаклда ифода этганлар ёки ўз ҳаёт ва аъмоллари воситасида кўрсатганлар. Зотан, кишилик жамиятида тарих саҳифаларига ўз сўзи, қарашлари ва номини қолдириш осон иш эмас. Алишер Навоий ўз асарларида ҳаёт ва ўлим, одам ва олам, Яратган ва яратилмиш ўртасидаги муносабатларни кўрсатувчи чуқур фалсафий қарашларини баён қилди. Шоир асарларида инсон маънавий-ахлоқий камолоти ғояси биринчи ўринда туради, одамийлик, багрикенглик, эзгулик эса шоир фалсафасининг асосини ташкил этади. Унинг бетакрор услуби шунинг учун ҳам ҳамиша жозибали. Алишер Навоий феноменидаги навбатдаги жиҳат унинг буюк файласуф ва мутафаккир эканидир.

Алишер Навоий катта мол-мулк эгаси бўлган. У 1481 йили ўзининг бор мол-дунёсидан воз кечиб, хайрия, яъни вақф мулкини ташкил қилади. Ушбу мулкдан тушган даромаднинг катта қисми таълим муассасалари, мусофирхоналар ва дарвешлар, қаландарлар, камбағал-муҳтожлар, етим-есирларнинг эҳтиёжини қоплашга қаратилади, бошқа бир қисми эса илм-фан ва адабиётни ривожлантиришга сарфланади. Навоийнинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб олимлар илмий фаолият олиб бордилар, тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилди, тасвирий санъат усталарининг ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳиротда Навоийнинг шахсий ташаббуси ва маблағи билан Халосия, Шифоия, Низомия каби бир неча мадраса ва хонақоҳ қурилиб, уларда машҳур олимлар дарс бериш ҳамда илмий тадқиқот билан шуғулландилар. Бу даврда риёзиёт, илми нужум, ҳандаса, мантиқ, фиқҳ, ислом тарихи ва бошқа соҳаларга оид кўплаб асарлар яратилди. Халқ ғамини ейиш ва илм ҳамда санъат аҳлларига ҳомийлик қилиш Алишер Навоий феноменининг яна бир қиррасидир.

Навоий ҳақидаги тарихий манбаларда унинг номи юксак ҳурмат билан тилга олинган. Алишер Навоийдан кейин қўлига қалам олган туркий шоирлар авлоди унинг изидан боришни, шеърий маҳорати йўлида асар яратишни ўзлари учун шараф деб билганлар. Бу ҳам Навоийга, ҳам у орқали Темурийларга эргашиш сифатида баҳоланиши мумкин. Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларида котиблар унинг шахсияти ва ижодига юксак эҳтиром кўрсатганлиги яққол сезилиб туради. Қўқон, Хива ва Бухоро хонликларидан тортиб, усмонлилар ҳамда Озарбайжон саройи адабий муҳитигача Навоийга эргашиш, унинг асарларига жавобия ёки назиралар ёзиш кенг авж олганлигини кузатиш мумкин.

Собиқ шўро замонида шоир ижоди ўша давр сиёсий қолипларига солиб ўрганилди. Фақат мустақиллик шарофати билан Алишер Навоий феноменини тўлиқ ўрганиш ва тадқиқ қилиш, ёш авлодга аслидагидек етказиш имконига эга бўлдик.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Ҳиротда туғилди. Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" асарида маълумот берилишича, шоирнинг туғилган санаси ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-кунида бўлиб, товуқ йилига тўғри келади. Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад (Амир Темурнинг Умаршайх исмли ўғлига набира бўлган шаҳзода Ғиёсиддин – Ҳусайн Бойқаронинг отасидан фарқлаш учун Алишернинг отасини Ғиёсиддин Кичкина деб ҳам атаганлар) Темурийлар саройининг амалдорларидан бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" ("Икки бахтли сайёранинг келиб чиқиши ва дарёлар қўшилиши") ва Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" ("Софлик боғи") асарларида келтирилишича, Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмикдош (кўкалдош) бўлган. Навоий "Вақфия" асарида ўз ота-боболарининг Темурийлар саройида юқори мавқеда бўлганликлари ҳақида шундай ёзади: "...бу хокисорнинг ота бобоси ул ҳазрат (Султон Ҳусайн Бойқаро)-нинг бобо ва аждоди хизматларида... улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор

бўлғон эрдилар". Алишернинг тоғалари Мирсаид Кобулий ҳамда Муҳаммад Али Ғарибий ҳам шоир бўлишган.

Алишер Навоийнинг болалик йиллари Шоҳрух Мирзо ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келган. У темурийзода, бўлажак подшоҳ Ҳусайн Бойқаро билан бирга тарбияланган. Кичиклик чоғидан замонасининг машҳур олиму фозиллари даврасида улғайган шоирнинг ўзи "Мажолис ун-нафоис"да маълумот беришича, унинг илк ёдлаган шеъри шоир Қосим Анворнинг:

Риндему ошиқему жаҳонсузу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок —

(Мазмуни: Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчи ва ёқавайронлармиз, сенинг ғаминг турганда дунё фикридан не фойда) деб бошланувчи ғазали бўлиб, бу пайтда бўлажак шоир уч-тўрт ёшларда бўлган. У бир йилдан сўнг, яъни 1445 йили мактабга боради ва ёш Ҳусайн билан бирга ўқийди.

1447 йилда Шоҳрух Мирзо вафот этади ва Темурий шаҳзодалар орасида тож-тахт учун кураш бошланади. Ҳиротда рўй берган нотинчлик сабабли Алишерлар оиласи Ироққа йўл олади. Йўлда, Тафт шаҳрида ёш Алишер замонасининг машҳур тарихчиси, "Зафарнома"нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади. Улуғ тарихчи олти ёшли Алишерни дуо қилади. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи кейинчалик "Мажолис ун-нафоис" ва "Насойим ул-муҳаббат" асарларида маълумотлар келтиради. Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларини ўқийди, Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонини ёд олади.

1451 йилда Хуросон тинчиб, Алишерлар оиласи Ҳиротга қайтади. Хондамир "Макорим ул-ахлоқ"да карвон Язд чўли оркали Ҳиротга қайтаётганда ухлаб қолган Алишер кечаси эгар устидан ерга тушиб кетгани, тонгда уйғониб, узоқда кўринган нуқтани кўзлаб йўлга чиққанлиги ва ахийри уни излаб келаётган мулозимни учратганлиги ҳақида маълумот беради.

1452 йилда Абулқосим Бобур Хуросон тахтига ўтирганидан сўнг нотинчликлар анча босилади. Абулқосим Бобур маърифатли ҳукмдор бўлиб, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, табъи назмга мойил шахс эди. Алишер шу йиллардан шеър ёза бошлаган эди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"даги маълумотига кўра, унинг шеърлари ўша вақтлардаёқ Абулқосим Бобурга манзур бўлган. Абулқосим Бобур Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммадни Сабзаворга ҳоким қилиб тайинлайди. Бу ҳақда шоир "Мажолис ун-нафоис"нинг Мир Шоҳий билан боғлиқ бобида айтиб ўтади. Ғиёсиддин Муҳаммад ўз оиласи билан Сабзаворга кўчиб ўтади. Алишер шу ерда ўқишни давом эттиради. Сабзаворда ўз даврининг шоиру фозиллари Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Яҳё Себак, Дарвеш Мансур, Ҳофиз Али Жомий, Хожа Маҳмуд, Мавлоно Номий билан танишади, Дарвеш Мансурдан аруз илмини ўрганади.

1453 йилда Алишер мактабдош дўсти Ҳусайн билан Абулқосим Бобур хизматига киради. 1456 йилда мамлакат пойтахти Ҳиротдан Машҳадга кўчирилади, Абулқосим Бобур ёш Алишерни ҳам, ўз хизматида бўлган Ҳусайн Бойқарони ҳам Машҳадга олиб кетади. 1457 йилда тўсатдан Абулқосим Бобур вафот этади. Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" ("Дўстлар сийрати", 1521–1523)да келтиришича, Навоий султон вафотидан кейин ҳам бир муддат Машҳадда қолиб, илм такомили билан машғул бўлади.

Шу йиллари Навоий зуллисонайн шоир сифатида халқ орасида кенг танила бошлайди. Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ"да маълумот беришича, у Лутфий ҳузурида қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазалини ўқиган:

Оразин ёпқоч, кузумдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Ушбу ғазалдан таъсирланган Лутфий "Агар муяссар бўлса эди, узимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирар эдим..." деб ёш шоирнинг истеъдодига юксак баҳо беради.

Хуросон тахтини Абу Саид Мирзо эгаллагач, Ҳусайн Бойқаро тахт учун курашга киришади. Навоий Ҳиротта келади, лекин бу ерда узоқ қололмай, яна Машҳадга қайтади. Шоирнинг ўзи "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарида ёзишича, уни Машҳадга чорасизлик, фалокат, тақдир тақозоси ва хафагарчилик етаклаб келган. Навоий Машҳаддаги Имом Ризо зиёратгоҳида қўним топиб, ўша ердаги ҳужрада истиқомат қилади ва Камол Турбатий, Паҳлавон Муҳаммад каби зотлар билан танишади. 1460-йилларнинг иккинчи ярмида Навоий Самарқандга кетади. Абдураззоқ Самарқандий ва Мирхонд шоирнинг Самарқандга бориш сабабларини илм ўрганишга интилиш билан боғлайдилар.

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир "Хулосат ул-ахбор" ("Хабарлар хулосаси", 1500) асарида ҳам шунга яқин фикр билдиради. Лекин Навоий вафотидан сўнг ёзилган "Ҳабиб ус-сияр" асарида воқеалар баёнига аниқлик киритилиб, унинг иқтидори Хуросонда яхши баҳоланмагани ва қадрланмагани туфайли Самарқандга кетгани айтилади. Захириддин Муҳаммад Бобур эса шоирнинг Самарқандга кетиш сабабини подшоҳ томонидан қилинган "ихрож" (сургун) бўлса керак деб гумон қилади. Алишер Навоийнинг ўзи сафарнинг сабабини бевосита Абусаид билан боғламаган. У Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган "Маснавий" мактубида Самарқандга кетишининг бир неча субъектив сабабларини кўрсатади:

1. Хуросонда ижод қилиш учун имконият йўқ: шоир назмда қобилият жиҳатидан Низомийга тенг, Фирдавсий ва Низомий 30 йил вақт сарфлаб ёзган "Шоҳнома"ю "Хамса"ни 30 ойда ёза олишга ўзида қувват сезаяпти, лекин бунинг учун шароит ва фурсат йўқ.

2. Юртдаги нотинчлик: одамларда бир-бирига вафо йўқ. Вафонинг ўрнини нифоқ, саховатнинг ўрнини бахиллик эгаллаган. Кўнгил ором топадиган бир ҳужра йўқ. Тасалли берувчи бирор киши, кетаман, деса этагидан тутадиган умр йўлдоши, кетса айриликдан эзиладиган дўсти йўқ.

3. Илм эгаллашга бўлган эҳтиёж: шоирнинг фикрича, "Ҳақ сирринг маҳрами" қилиб яратилган инсон Аллоҳни маърифат орқали таниши керак.

Шоирга Самарқандда шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек ҳомийлик кўрсатади. Аҳмад Ҳожибек фозил ва шоиртабъ ҳукмдор бўлиб, Вафоий тахаллуси билан шеърлар битган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг 6-мажлисини айнан шу ижодкор-ҳукмдор таърифидан бошлайди, унга "сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигит" деб баҳо беради. Алишер Навоий Самарқандда икки йил машҳур олим Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс ҳузурида фиқҳ илмидан сабоқ олади. Мавлоно Улойи Шоший, Хожа Хурд, Мавлоно Муҳаммад Олим, Мавлоно Сойилий, Дарвеш Аҳмад Самарқандий, Мирзобек, Юсуфшоҳ Сафоий каби олим ва шоирлар билан танишади. Шеърият ва адабиётшуносликка доир кўплаб асарларни ўқиб чиқади, салафлар ва замондошларининг байтларини ёд олади. "Муҳокамат ул-луғатайн"да бу ҳақда шундай маълумот берилади: "Йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпроқ шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутубмен ва алар завқ ва хушҳоллигидин ўзумни овутупмен".

Алишер Навоий Самарқандда давлат ишлари билан ҳам шуғуллана бошлайди. У давлат ишларини бошқаришда дастлабки тажрибани шу ерда олади.

1468 йили Хуросон ҳукмдори Абу Саид Мирзо Эрон учун бўлган жангда ҳалок бўлади ва 1469 йилнинг бошида Ҳусайн Бойқаро тахтни эгаллайди. У Самарқандга мактуб йўллаб, Навоийни ўз ёнига чақиради ва Навоий Ҳиротга қайтади. 1469 йил 14 апрель куни рамазон ҳайити муносабати билан уюштирилган қабул маросимида Алишер Навоий ўзининг Ҳусайн Бойқарога ёзган "Ҳилолия" қасидасини тақдим этади. У Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқишини янги ой – ҳилолга киёс этиб, Ҳусайн Бойқаро ҳаёти ва унинг орқали Темурийлар давлати тараққиётида янги давр бошланганлигига ишора қилади.

Подшоҳ Навоийни ҳукумат ишларига жалб қилиб, муҳрдорлик мансабига тайинлайди. Навоий муҳрдор лавозимида 1469–1471 йилларда фаолият олиб боради. Алишер Навоийнинг мақсади саройда маслаҳатчи бўлиб қолиб, кўпроқ ижодий иш билан

шуғулланиш эди. Бироқ Ҳусайн Бойқаро 1472 йил февраль ойида уни бош вазирликка тайинлаб, "амири кабир" унвонини беради. Навоий янги лавозимда аввало бутун кучини мамлакатда осойишталик ўрнатишга қаратади. Вақф ишларини тартибга солишга киришади. Шаҳарларда савдо-сотиқни, ҳунармандчиликни ривожлантиришга эътибор қаратади. Навоий бош вазир сифатида турли халқ йиғинлари ва умумхалқ тадбирларини ташкиллаштириш, улуғ мехмонларни расмий қабул қилиш ва кузатиш, фавқулодда ҳолатлар, исёнлар ва чегара муаммолари, порахўрлик, талончилик ва босқинчиликка қарши кураш, суд-адлия, вилоятлардан тушган ариза ва шикоятларни текшириш, афв этиш (амнистия) масалалари билан шуғулланади.

Алишер Навоий вазирлиги даврида Хуросон анча ривожланади. Маданият, санъатнинг адабий марказига айланган Ҳиротда катта ижодий кучлар тупланади. Хондамир маълумотларига кўра, Навоий ўз маблағи ҳисобидан Ҳирот ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган ёки таъмирлатган. Улар орасида Ҳиротдаги "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, "Халосия" хонақоҳи, "Шифоия" тиббиёт муассасаси, Марвдаги "Хусравия" мадрасаси, Машҳаддаги "Дорул-ҳуффоз" хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморий обидалар бор.

Бу даврда Ҳиротда адабий ҳаёт юксак даражага кўтарилади. Юзлаб инсонлар шеър ёзиш билан шуғулланадилар, фаннинг турли соҳалари тараққий этади. Ҳиротда Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Хожа Осафий, Биноий каби ўнлаб шоирлар, Ҳасан Ноий, Хожа Абдулла Марворид, Қулмуҳаммад Удий, Шохқули Ғижжакий каби ўнлаб созандалар, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Султонали Коиний, Муҳаммад Хандон, Мавлоно Ҳижроний каби машҳур котиблар, Камолиддин Беҳзод каби мусаввирлар қизғин ижодий мехнат билан банд эдилар. Навоий қурдирган мадрасаларда ўнлаб таниқли олимлар табиий ва аниқ фанлардан дарс берадилар, кўплаб асарлар яратилади.

Алишер Навоий давлат ва халқ хизматини ўз манфаатидан қанчалик устун деб билмасин, ҳамиша ижоддан узоқлашиб бораётганига кўника олмаган. Шу жиҳатдан у мавриди билан бир неча марта Султон Ҳусайн Бойқародан уни давлат ишларидан озод этишини сўрайди. 1476 йилда Навоийнинг илтимоси қабул қилинади. Унинг ўрнига Маждиддин Муҳаммад тайинланади.

Алишер Навоий вазирлик лавозимидан кетганидан сўнг ҳам Султон Ҳусайн саройида энг нуфузли сиёсий арбоб бўлиб қолаверади. Ҳусайн Бойқаро уни ўзига ғоят яқин тутар, ҳар бир масалада у билан маслаҳатлашар ва шоирнинг фикрини ниҳоятда қадрлар эди. 1480-йилларнинг охирларига келиб Хуросоннинг ғарбий чегараларида уруш хавфи туғилади. Ардабил мулки соҳиби бўлган бадавийлар сулоласи вакилларидан Шайх Ҳайдарнинг ўз мулкини кенгайтириш сиёсати Ҳусайн Бойқарони ғарбий чегараларни мустаҳкамлаш ва урушнинг олдини олиш чораларини кўришга ундайди. Бунинг учун у, аввало, чегара вилоят бўлган Астарободга тажрибали ва сиёсатдон донишманд ҳоким қўйишни мўлжаллайди. Бу лавозимга Алишер Навоийдан бошқа одам муносиб эмаслигини тушунади.

Алишер Навоий 1487–1488 йилларда Астарободда ҳокимлик қилади. Мирхонднинг ёзишича, Астаробод адолатпарвар амирнинг келиши билан Эрам боғининг рашкини келтирадиган даражада яшнаб кетади. Алишер Навоий Ҳиротга қайтгач, яна ижодий ишга шўнғиб кетади. Бироқ, бу даврда мамлакатда бошланган тартибсизликлар унга тинч ижод қилишга имкон бермайди.

Сарой фитналари, малика Хадичабегим ва бош вазир Низомулмулк найрангларига учган Султон Ҳусайн Бойқаро мастлик чоғида шаҳзода Мумин Мирзонинг қатл фармонига қўл қўяди. Оқибатда, Султон ва унинг фарзандлари ўртасида муросасиз кураш авж олади. Мўмин Мирзо Султоннинг бош фарзанди Бадиуззамоннинг ўғли бўлиб, валиаҳдликка даъвогар эди. Малика Хадичабегим эса ўғли Муҳаммад Музаффар Мирзонинг валиаҳд бўлишини истарди. Мўмин Мирзонинг қатли Хуросонни ларзага келтиради.

Алишер Навоий бутун куч-ғайратини мамлакатда тинчлик ўрнатиш, шаҳзодаларни ҳовуридан туширишга сарфлайди. Аммо қанча уринмасин, сарой амалдорлари ҳаракатларини чиппакка чиқариб, уни Султонга қарши гуруҳларни қўллаб-қувватлашда айблайдилар. Алишер Навоий умидини узиб, ҳаж сафарига отланади. Шу пайтда, яъни 1499 йили Марвда Ҳусайн Бойқаронинг яна бир ўғли Абулмуҳсин отасига қарши бош кўтаради. Шоҳ исённи бартараф қилиш учун қўшин билан Марвга отланади. Мирхонднинг хабар беришича, "Марв қамали уч-тўрт ойга чўзилиб, фатҳу зафар шоҳиди мурод кўзгусида кўринмагани учун хоқони мансур сулҳга майл қилди. Абулмуҳсин мирзо ҳам қалъадорликнинг чўзилиб кетганидан ғам чекиб, отаси қошига чопар юборди ва амир Алишерни талаб қилдиким, то ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ иши воқе бўлсин". Шоҳ Машҳад остонасига етиб қолган Алишер Навоийга чопар юборади. Алишер Навоий Машҳад улуғлари ва ҳамроҳлари билан ҳажга бориш ёки уни қолдириш хусусида маслаҳатлашади. Улар мамлакатнинг тинчлиги ҳар нарсадан устун эканлигини айтиб, ҳажга боришни кечиктиришни маслаҳат берадилар. Алишер Навоий ортга қайтади ва ота-ўғил орасида сулҳ тузишга эришади.

1500 йил декабрининг охирларида Ҳусайн Бойқаро Астаробод юришидан қайтади. Анъанага кўра, саройнинг барча эътиборли кишилари шоҳни кутиб олишга йўлга чиқадилар. Соғлиги жуда ёмонлашганига қарамай, шоир ҳам сафардан қайтган султонни қарши олишга чиқади. Султон билан кўришиш асносида ҳушидан кетади. Шоирни оғир аҳволда уйга олиб келадилар. Уч кун ҳушсиз ётган Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида сакта касаллиги туфайли вафот этади.

Алишер Навоий 24–25 ёшларидаёқ халқ ичида истеъдодли шоир сифатида машҳур бўлган. Буни 870/1465-66 йил Навоий шеърияти мухлислари тартиб берган ҳамда Султонали Машҳадий кўчирган, фанда шартли равишда "Илк девон"деб номланган шеърий мажмуа ҳам яққол тасдиқлайди.

Алишер Навоий шеърларининг довруғи Шерозу Табризга ҳам ёйилади. "Илк девон" тузилганидан 5 йил ўтгач, 1471 йил Оққуюнлилар салтанатидаги мухлислар Алишер Навоий шеъриятининг янги мажмуаси – "Оққуюнли мухлислар девони"ни тузади. Уни шу сулола саройида ижод билан шуғулланган машҳур хаттот ва шоир Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий (Анисий) кўчиради. Девондаги шеърларнинг катта қисми 1465–1471 йиллар орасида ёзилган бўлиши мумкин. Яхлит олиб қараганда, мазкур девон Навоийнинг 30 ёшгача бўлган шеърияти ҳақида муайян тасаввур бера олади.

1470-йилларнинг охирларида Алишер Навоий ўзининг эски ўзбек тилида ёзган шеърларини биринчи расмий девони – "Бадоеъ ул-бидоя" ("Бадиийлик ибтидоси")да жамлаб, унинг учун ёзган махсус дебочасида девон тартиб бериш масалаларига тўхталиб ўтади. "Бадоеъ ул-бидоя"дан кейинги даврда яратилган ўзбекча шеърлари асосида 1480–1490-йилларда "Наводир ун-ниҳоя" ("Беҳад нодирликлар") девонини тартиб беради.

Алишер Навоий 1492–1498 йилларда Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан ўзининг барча шеърлари, жумладан, аввалги расмий девонларига кирган шеърларини ҳам тўплаб, "Хазойин ул-маоний" ("Маънолар хазинаси") номли йирик куллиёт яратади. Куллиёт тўрт девонни ўз ичига олганлиги учун "Чор девон" деб ҳам аталади. Алишер Навоий тўрт девоннинг ҳар бирига инсон умрининг фаслларига мослаб ном берди. Шу маънода 7–8 ёшдан 20 ёшгача бўлган даврни инсон умрининг баҳори деб атади ва куллиётнинг биринчи девонини "Гаройиб ус-сигар" ("Болалик гаройиботлари") деб номлади. 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврни инсон умрининг ёзи деб белгилади ва "Наводир уш-шабоб" ("Йигитлик нодирликлари") деб атади. 35–45 ёшни умрнинг кузига қиёс этди ва "Бадоеъ ул-васат" ("Ўрта ёш гўзалликлари") деб номлади. 45-60 ёшини умрининг қишига ўхшатиб, "Фавойид ул-кибар" ("Кексалик фойдалари") деб атади. Ҳар бир девонга 650 газал киритди, шунга мувофиқ бошқа шеърий жанрларга ҳам жой ажратди.

Жомий, Анварий, Хоқоний, Салмон Соважий ва бошқа қасиданавислар анъаналари асосида яратилган.

"Фусули арбаа" туркумига 4 қасида киритилган бўлиб, улардан "Баҳор" 57 байтдан, "Саратон" 71 байтдан, "Хазон" 33 байтдан, "Дай" 70 байтдан иборат. Қасидаларда йилнинг тўрт фасли – баҳор, ёз, куз ва қишнинг ўзига хос гўзаллиги завқ билан тасвирланган. Уларнинг тўртталаси ҳам замон подшоҳи – Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган. Умуман, Навоий форс тилидаги асарлари билан ҳам замондошлари, хусусан, Абдураҳмон Жомийнинг таҳсинига сазовор бўлган.

Алишер Навоий бадиий ижод билан бирга илмий фаолиятни ҳам тенг олиб бора олган ижодкор эди. Унинг адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, тасаввуф, дин тарихи ва назариясига доир қатор асарлари бугунги кун илм-фани учун ҳам аҳамиятлидир.

Алишер Навоий адабиётшуносликка доир уч асар яратган, унинг "Муфрадот" ёки "Рисолаи муаммо" асари форс тилида 890/1485 йил ёзилган. Рисола муаммо жанридаги шеърни ечиш қонун-қоидаларига бағишланган. Унда 121 муаммо ва уни ечиш усуллари 3 амал, 15 қисм, 48 усул қоидаларига боғлиқ ҳолда кўрсатиб берилган (қар.: *"Муфрадот"*). Алишер Навоий "Мезон ул-авзон" асарида аруз илмининг етук билимдони ва тадқиқотчиси сифатида намоён бўлади. Ушбу асар 1493 йили ёзилган. Унда Навоий 19 баҳр, 160 вазн ҳақида маълумот беради ва ҳар бир вазнга туркий тилда мисоллар келтиради. Шу орқали туркий тилнинг аруз қонун-қоидаларига мос келиши ҳамда арузий шеър ифодаси учун қулайлигини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб беради. Алишер Навоийнинг адабиётшунос олимлигини кўрсатиб берувчи яна бир асар бу – "Мажолис ун-нафоис" тазкираси бўлиб, Навоий уни 1491–1498 йиллар давомида ёзади. Тазкирада 15-асрда яшаб, ижод этган 459 шоир ҳақида энг муҳим маълумотлар келтирилади.

Навоий туркий тил ривожига ўзининг шоҳ асарлари билангина ҳисса қўшиб қолмай, уни назарий жиҳатдан ҳам бойитган. Бу борадаги хизматларидан бири – 1499 йилда яратилган "Муҳокамат ул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси") асаридир. Мазкур асарида Навоий туркий (ўзбек) ва сорт (форсий) тилларини бир-бирига қиёслаш асносида туркий тилнинг бой ва кенг имкониятларга эга эканлигини исботлади.

Алишер Навоий ўзининг уч устози ва дўстларига бағишлаб уч ёднома – мемуар яратган. Булар пири ва ҳамкори Абдураҳмон Жомийга бағишланган "Хамсат ул-мутаҳаййирин" ("Беш ҳайрат"), "вафоу сахо кони" Сайид Ҳасан Ардашер хотирасига атаб ёзилган "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер" ҳамда Навоий учун ҳам ота, ҳам устоз мақомида бўлган улуғ зот – Паҳлавон Муҳаммадни хотирлаб ёзилган "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарларидир. Ушбу ёдномалар ўша давр адабиёти, фани ва маданиятининг йирик намояндалари, юксак фазилатлар соҳиби бўлган буюк зотларнинг ҳаётини ўрганишда қимматли манбалар ҳисобланади.

Навоийнинг тарихшунослик фанига қўшган ҳиссаси унинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" ҳамда "Тарихи мулуки Ажам" асарларида намоён бўлади. Бу асарлар аслида умумий тарих китобининг бўлаклари бўлиб, Навоий яшаган давр тарихшунослиги анъанасига кўра, унда аввал пайғамбарлар тарихи, сўнгра тўрт Ажам сулолалари тарихи, Ислом даври тарихи берилган. Шундан кейингина замона тарихига ўтилган ва Навоий ушбу қисмлардан сўнг Султон Ҳусайн Бойқаро тарихини яратишни ният қилган эди. "Тарихи анбиё ва ҳукамо" рисоласи ислом дини манбаларига асосланган асар бўлиб, пайғамбарлар – расул ва набийлар ҳамда ҳаким зотлар – алломалар тарихига бағишланган. Асарда олтмишдан зиёд пайғамбар ва пайғамбар авлодларининг ҳаёти, таржимаи ҳоли; Луқмони ҳаким, Фишағур (Пифагор), Жомосб, Буқрот (Гиппократ) каби юнон олиму файласуфлари, Содиқ, Бузургмеҳр каби форс ҳакимлари, жами ўн уч нафар олимнинг қисқача тарихи ёритиб берилган. "Тарихи мулуки Ажам" ("Араб бўлмаган шоҳлар тарихи") асарида эса Эрон ва Турон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар тарихи батафсил ҳикоя қилинади.

Изланишлар шуни кўрсатдики, Навоий "Хазойин ул-маоний" куллиётини тузиш устида бир неча йил тинимсиз меҳнат қилиб, 1498 йилдагина уни ҳозирги ҳолатда – тугал тарзда якунлаган. Навоий куллиёт девонларини ўзаро ички мустаҳкам боғлиқлик ва қатъий мутаносибликда тузган. "Хазойин ул-маоний"даги 4 девоннинг ҳар бирида 650 тадан жами 2600 ғазал, 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржиъбанд, 4 мустазод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома – жами Шарқ шеъриятнинг 16 жанри мавжуд (қар.: *"Хазойин ул-маоний"*).

Навоийшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида Алишер Навоий лирикасига яратилиш даври буйича қуйидаги хронологик кўринишда тартиб бериш мумкин:

1. "Илк девон" (1465-66 йиллар)
2. "Оққуюнли мухлислар девони"(1471 йил)
3. "Бадоеъ ул-бидоя"(1470–1480 йиллар)
4. "Наводир ун-ниҳоя" (1480–1487 йиллар)
5. "Хазойин ул-маоний"(1492–1498 йиллар)

Алишер Навоий ёшлик чогларидаёқ ўз олдига улуғ мақсад – туркий тилда "Хамса" яратишни ният қилиб қўйган эди. Буюк мутафаккир бу ниятини 1483–1485 йилларда амалга оширди. "Хамса" нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналаридан бирига айланди.

"Хамса" 5 достондан иборат бўлиб, булар – "Ҳайрат ул-аброр" ("Яхшилар ҳайрати"), "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр" ("Етти сайёра"), "Садди Искандарий" ("Искандар девори") достонларидир. Форсий адабиётдаги хамсачиликка жавоб сифатида туркий тилда биринчи маротаба яратилган Навоий "Хамса"си бу тилнинг чексиз имкониятларини амалда исбот этди. Навоий ўз "Хамса"си мисолида анъанавий шакл доирасида ҳам янги фикр айта олиш имкониятини, белгилаб берилган шаклларни жозибали усуллар воситасида ифодалаш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унинг бу асари умумжаҳон адабиётининг юксак чўққиси бўлиб қолди. Ушбу шоҳ асар аждодларимиз маънавияти кўзгуси бўлиб, унда ўтмиш давр ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги Навоий қарашларини акс эттиради. Унда буюк шоир замонасининг барча долзарб масалаларини қаламга олади. "Ҳайрат ул-аброр"да шоир умр, унинг мазмуни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир саволларни қўйса, кейинги достонларда муайян тақдирлар, воқеалар мисолида уларга жавоб беради. Достонлар муқаддималардаёқ буюк мутафаккирнинг олам ва одам, табиат, кишилик жамияти, умр ва унинг мазмуни ҳақидаги фалсафий-ахлоқий қарашлари, ижодкор сифатидаги буюк салоҳияти у қўллаган бадиий тимсоллар, ташбеҳу тамсиллар воситасида бутун бўй-басти билан намоён бўлади (яна қар.: *"Хамса"*).

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида (1499) ўзининг "Лисон ут-тайр" ("Қуш тили") достонини яратади. Достон форсигўй улуг адиб Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарига жавобан ёзилган. "Лисон ут-тайр" тасаввуфий-фалсафий достон бўлиб, унда Навоий мажозий тимсоллар воситасида ўзининг борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини баён қилиб, тасаввуф таълимоти билан боғлиқ ғояларини акс эттиради (яна қар.: *"Лисон ут-тайр"*).

Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида туркий тил билан бирга форсий тилда ҳам баракали ижод қилди. Унинг форсий шеърлари "Девони Фоний" номли девонига жамланган. Девон "Дебоча"дан ташқари, 10 қасида, 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 қитъа, 73 рубоий, 16 таърих, 373 муаммо, 9 луғз каби жанрлардан ташкил топган (қар.: *"Девони Фоний"*).

Шоир ўзининг форсий қасидаларини алоҳида тўпламлар шаклига келтирган бўлиб, уларга "Ситтаи зарурия" ("Олти зарурат") ва "Фусули арбаа" ("Тўрт фасл") деб ном берган. "Ситтаи зарурия" туркумидан 6 қасида ўрин олган, улар Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон

Алишер Навоий "Сирож ул-муслимин", "Арбаъин" ва "Назм ул-жавоҳир" асарлари орқали шариат ва диншунослик илмининг чуқур билимдони, назариётчиси сифатида намоён бўлади. "Сирож ул-муслимин" ("Мусулмонлар нури") асари соф диний йўналишда бўлиб, ислом дини аҳкомларини ёритишга бағишланган. Асар маснавийда ёзилган бўлиб, 197 байтдан иборат. У ҳамд ва наът, китоб ёзилишининг сабаби, исломга оид фиқҳий ва ақидавий масалалар шарҳи, хотимани ўз ичига олади.

"Арбаъин" асари алоҳида танлаб олинган қирқ ҳадиснинг шеърий таржимаси бўлиб, уларнинг деярли барчаси комил инсон ахлоқига оид қарашларни ўзида акс эттиради.

"Назм ул-жавоҳир" ("Назм гавҳарлари") асари насрий усулда ёзилган муқаддима ва Ҳазрат Алининг араб тилидаги икки юз олтмиш саккиз ўгитининг туркий тилда рубоий шаклида берилган талқинидан иборат.

Алишер Навоийнинг "Вақфия" асари 1482 йил яратилган бўлиб, Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, вақф қилдирган ерлари, қурдирган бинолари ҳақида маълумот берувчи асардир. Асарда Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро саройида давлат арбоби сифатидаги фаолияти, хайрия ишлари ва вақф қилдирган мулк, ерлари; вақфия жойлардаги идора усули, хизмат учун белгиланган лавозимлар, тайин этилган маош, ўрнатилган тартиб-қоидалар баёни келтирилган.

"Муншаот" асари буюк мутафаккирнинг турли вақтда турли шахсларга йўллаган мактубларидан иборат тўплам бўлиб, мусулмон Шарқи иншо санъатининг туркий тилда яратилган юксак намуналаридан ҳисобланади. Ушбу мактублар подшоҳлар ва шаҳзодалар, илм ва адабиёт аҳллари, шоирнинг яқин кишилари ва дўстлари билан олиб борган ёзишмалари мажмуидир.

"Маҳбуб ул-қулуб" ("Кўнгилларнинг севгани") Алишер Навоийнинг умри поёни – 1500 йилда ёзган сўнгги асаридир. Асар ахлоқий-таълимий мазмунда, буюк мутафаккирнинг бой ҳаётий тажрибаси ва хулосалари асосида яратилган. "Маҳбуб ул-қулуб" ижтимоий табақалар тавсифи, ахлоқий масалалар ва панд-ҳикматларни ўз ичига олган уч қисмдан иборат. У мутафаккир меросининг муҳим ва қимматли ёдгорлиги сифатида 15-асрдан кейинги бадиий наср тараққиётига самарали таъсир кўрсатди.

Шоир асарларининг номлари Шарқу Ғарбда машҳур бўлган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўтмишда асарларга ном қўйиш ҳамма вақт ҳам бугунги кунда тушунилган тарзда ўта қатъий (фақат битта номга эга) бўлмаган. Бир асар бир неча ном билан ҳам аталган: Навоий ўз "Хамса"сида Жомийнинг "Юсуф ва Зулайхо" достонини "Ошиқу Маъшуқ" ("Ошиқ ва маъшуқа") ва "Аҳсанул қисас" ("Қиссаларнинг сараси") деб номлайди. Бунда, албатта, унинг мазкур асар мазмунига нисбатан бадиий муносабати ҳам мужассам.

Асар номларининг турлича берилиши кўпроқ қўлёзмаларда учрайди. Масалан, Навоий "Хамса"сининг 898/1492-93 йил Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган нусхасида Навоий достонлари Низомий Ганжавий бешлигидаги достонлар номи остида қуйидагича келтирилган:

"Ҳайрат ул-аброр" –"Махзан ул-асрор" тарзида;

"Фарҳод ва Ширин" – "Хусрав ва Ширин";

"Лайли ва Мажнун" – "Лайли ва Мажнун" (чунки икки бешликда ҳам достонлар номи бир хил);

"Сабъаи сайёр" – "Ҳафт пайкар";

"Садди Искандарий" – "Искандарнома".

Мана шундай ҳолат Навоий ҳаётлигида кўчирилган қўлёзмада амалга оширилганлиги номланишдаги турлилик, бир асарни бир неча ном билан аташ ўша давр учун табиий ҳол бўлганлигини кўрсатади. Навоий "Хамса"сининг нусхаларидан яна бирида (928/1521-22 йил Шоҳрухияда кўчирилган) Навоий достонларидан фақатгина "Сабъаи сайёр" Низомийдагидек "Ҳафт пайкар" тарзида берилган. Қолган достонлар номи ўзгартирилмаган. Навоий "Хамса"си қўлёзмаларида достонлар номлари қуйидагича берилган: "Фарҳод ва Ширин" – "Фарҳоднома"; "Сабъаи сайёр" – "Баҳромнома", "Баҳром",

"Достони шоҳ Баҳром", "Ҳафт пайкар", "Садди Искандарий" – "Искандар", "Достони Искандар", "Искандарнома", "Қиссаи Малик Искандар", "Ҳазрати Искандар". Бир қанча қўлёзмаларда Навоий "Хамса"си достонлари номлари умуман ёзилмаган. Ёки достонлар тартиб рақамидан келиб чиққан ҳолда, 1-дафтар, 2-дафтар каби кетма-кетликда ё китоб, ё жилд тарзида санаб кўрсатилган.

Шунингдек, Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони "Мантиқ ут-тайр" шаклида ҳам учрайди. Бунда "Лисон ут-тайр" достонига асос бўлган Фариддидин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достони Навоий достони номи сифатида келтирилмоқда. Тарихнавис Мирзо Ҳайдар Дуғлот Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарини "Тазкират ул-авлиё" ("Валийлар тазкираси") деб номлайди. Бунда ҳам Фариддидин Атторнинг шу номдаги асари Навоий ижоди маҳсули сифатида аталган. Навоий билан ёшлигида кўришган Зайниддин Восифий "Бадоеъ ул-вақоеъ" ("Ғаройиб воқеалар") асарида Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасини "Тазкират уш-шуаро" ("Шоирлар тазкираси") деб атайди. Бу асар "Мажолис ун-нафоис"нинг баъзи қўлёзмаларида ҳам "Тазкират уш-шуаро" деб аталган. Навоийдан илгарироқ яратилган Давлатшоҳ Самарқандий тазкираси ҳам "Тазкират уш-шуаро" деб номланган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Давлатшоҳ Самарқандийнинг ана шу тазкирасини "Мажмуат уш-шуаро" ("Шоирлар жамланмаси") деб атайди. Ҳар икки ном ҳам Давлатшоҳ Самарқандий асари мазмун-мундарижасига мос. Номланишларнинг турлича бўлишида даврий ёндашувнинг ҳам таъсири бор. Ҳ.Сулаймонов фикрича, Навоийнинг тўрт девондан таркиб топган "Хазойин ул-маоний" шеърий тўплами 19-асрдан бошлаб "Чор девон" ("Тўрт девон") деб атала бошланган.

Навоийнинг ўзи ҳам асарлари номларини бизга одатий бўлган тарздан бошқача атаган ўринлар мавжуд. Масалан, "Тарихи мулуки Ажам" ва "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарларини умумий ном билан "Зубдат ут-таворих", "Хазойин ул-маоний" дебочасини "Хутбаи давонин" ("Девонлар бошланмаси") номи билан атаган. Бундай ҳолатлар ўтмишда асарларни номлашда нисбатан муайян эркинлик мавжуд бўлганлигини намоён этади.

Алишер Навоий асарлари асрлар давомида ўнлаб халқларнинг тилларига таржима қилинган. Масалан, "Мажолис ун-нафоис" 16-асрдаёқ форс тилига Фахрий бин Султон Муҳаммад Амирий, Муҳаммад Қазвиний ва Шоҳали Абдуали Нишопурий томонидан 3 марта таржима қилинган. Бугунги кунда бу асарнинг 6 та таржимаси фанга маълум. Кейинги асрларда таржима намуналари янада кўпайиб борган. Айниқса, 20-асрга келиб Шарқ ва Ғарб тилларига қилинган таржималар миқдори кескин ошди. Навоий асарлари жаҳон бўйлаб инглиз, француз, немис, рус ва бошқа ғарб тилларида янграй бошлади.

Бу соҳа Навоий ҳаётлиги давридаёқ бошланган. Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Хондамир каби адибларнинг улуғ шоир шахсияти ва шеърияти ҳақида билдирган фикрларини Навоий ижодини ўрганишнинг илк намуналари сифатида баҳолаш мумкин.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илк маълумот берувчи манба бу, шубҳасиз, улуғ шоирнинг ўз асарларидир. Шоир гарчи ўз таржимаи ҳолини махсус ёзиб қолдирмаган бўлса-да, лекин Навоийнинг деярли барча асарларида унинг шахсияти, ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида муайян фикрлар келтирилади. Хусусан, "Вақфия" ва "Муншаот" асарларида улуғ шоирнинг ижтимоий фаолияти акс этса, "Мажолис ун-нафоис", "Хамса", "Муножот", "Хазойин ул-маоний" каби асарларида шахсий ҳаёти, "Муҳокамат ул-луғатайн", "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер" каби асарларида шоир қаламига мансуб баъзи асарларнинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ маълумотларни учратиш мумкин.

Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асари шоир ҳақида маълумот берувчи илк манбадир. Бу асар 1467–1470 йиллар оралиғида бевосита Навоийнинг назорати остида якунланган. Асардаги маълумотлар кейинчалик бошқа тарихий асарларда айнан такрорланади. Ўша даврнинг яна бир тарихчиси Муҳаммад Хон

INV № 130104

Хондшоҳ Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" ("Софлик боғи") асарида ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир қимматли маълумотлар келтирилган. Асар 7 жилддан иборат бўлиб, Навоийнинг бевосита топшириғи ва ҳомийлигида яратилган. "Равзат ус-сафо" Ўрта Шарқ ва Осиё тарихига бағишланган бўлиб, Навоий ҳақидаги маълумотлар асарнинг асосан 7-қисмида – Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати даври тавсифида учрайди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" ("Шоирлар тазкираси") асари Алишер Навоий номи зикр этилган илк тазкирадир. Тазкирада беш аср давомида яшаб ижод қилган 150 га яқин ижодкор ҳақида маълумот келтирилади. Асар 1486 йилда яратилган бўлиб, муқаддима, 7 қисм ва хотимадан иборат. Ҳазрат Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумот асарнинг хотима – муаллифга замондош шоирлар ҳақидаги қисмида келтирилган.

Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг "Равзат ул-жиннот" ("Жаннат боғи", 1492) асарида ҳазрат Навоийнинг Бодғис вилоятининг Чиҳил духтарон қасабасида работ қурдиргани, Фаридиддин Аттор мозори устида равоқли иморат солгани ҳақидаги маълумот келтирилади.

Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон", "Ҳафт авранг" ("Етти тахт"), "Нафаҳот ул-унс" ("Дўстлик таровати") асарларида ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ кўплаб маълумотлар келтирилади. Хусусан, Саъдий Шерозийнинг "Гулистон"и таъсирида яратилган "Баҳористон" асари 8 равза (боб)дан иборат бўлиб, 7-равзада 39 шоирдан бири сифатида Алишер Навоийга оид маълумотлар берилади, унинг комил ахлоқи ижодидан ҳам юксакроқ эканлиги таъкидланади.

Ҳусайн Бойқаро "Рисола"сида ҳам Навоийнинг туркий тилдаги ижоди, хусусан, шеърияти ҳамда "Хамса" асарига юксак баҳо берилади. Буюк шоир "сўз мулкининг кишварситони, соҳибқирони" деб улуғланади.

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор" ва "Ҳабиб ус-сияр" асарларида Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига ўтириши ва Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан бошлаб, улуғ шоирнинг вафот этишигача бўлган давр оралиғидаги воқеалар баён қилинади. Тарихчининг "Макорим ул-ахлоқ" (1501) асари эса Навоийга бағишланган махсус рисола бўлиб, шоир таржимаи ҳолига доир муҳим далил, маълумотлар келтирилганлиги билан аҳамиятли.

Зайниддин Восифий қаламига мансуб "Бадоеъ ул-вақоеъ" хотиралар тўпламининг тўрт боби (14–17) Алишер Навоий шахсиятига бағишланган. Унда шоирнинг феъли-сажияси, замондошлари билан ижодий мулоқотлари, Навоий билан боғлиқ турли қизиқарли воқеалар ҳақида сўз боради.

Абдуллоҳ Ҳотифийнинг "Лайли ва Мажнун", Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Жавоҳир ут-тафсир" ("Тафсир жавоҳирлари", 1494), Атоуллоҳ Асилийнинг "Равзат ул-аҳбоб" ("Дўстлар боғи"), Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ" ("Бадиий санъатлар"), Шамсиддин Муҳаммад Бадахшийнинг "Рисолаи муаммо", Ҳусайн бин Муҳаммад Ҳусайнийнинг "Рисолаи муаммо" (1499), Аҳлий Шерозийнинг "Куллиёти Аҳлий Шерозий"даги мувашшаҳ-қасидаи маснуъси ва бошқа кўплаб асарларда ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Алишер Навоий ҳақидаги маълумотлар 15-асрдан кейин ёзилган тазкира, тарихий ва бадиий асарларда ҳам келтириб ўтилади. Хусусан, Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" тазкираси Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси асосида яратилган бўлиб, тазкиранинг биринчи боб, тўртинчи фаслида Навоийнинг "Хамса"си ва туркий ғазалларининг умумий ҳажми, форсий тилдаги шеърларидан парча келтирилади.

Фахрий Ҳиротийнинг "Латоифнома" асари Алишер Навоийнинг форсигўй халқлар орасида машҳур бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асар аслида "Мажолис ун-нафоис"нинг форс тилига қилинган таржимаси бўлиш билан бирга, унга муаллиф қўшимча тарзда киритган 9-мажлис бевосита Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. "Латоифнома"да

буюк шоирнинг ота-боболари, Султон Ҳусайн Бойқаро билан болаликдан давом этиб келган дўстлик робиталари, Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, мол-мулки ҳажми, вафоти тафсилотлари билан боғлиқ муҳим маълумотлар келтирилган. Фахрий буюк шоир асарларининг 14 таси номини ҳам санаб ўтади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари Алишер Навоий шахсияти ва унинг ижодига берилган баҳонинг ўзгачалиги билан алоҳида ажралиб туради. Асарда Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро билан ҳаммактаб эканлиги, Султон Абу Саид Мирзо томонидан сургун қилинганлиги, Самарқандда Аҳмад Ҳожибек ҳомийлиги остида яшаганлиги, табъи нозиклиги, олти маснавий ("Хамса" ва "Лисон ут-тайр), тўрт девон ("Хазойин ул-маоний") тартиб берганлиги, "Муншаот"ни тузганлиги ҳақида маълумотлар келтирилиши асносида шоирнинг "Мезон ул-авзон" ва "Девони Фоний" асарлари хусусида баъзи танқидий фикрлар ҳам билдирилади.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида (1541–1545) Навоийнинг Султон Ҳусайн билан болаликдан дўст эканлиги, кейинчалик унинг саройида хизмат қилганлиги, фазлу ҳунар аҳлига ҳомийлик кўрсатганлиги, кўплаб иморату бинолар, масжидлар қурдирганлиги, табъи нозиклиги билан боғлиқ фикрлар бошқа тарихий манбалардаги маълумотларга мос келади.

Лутф Алибек Озарнинг "Оташкадаи Озарий", Сом Мирзо Сафавийнинг "Туҳфаи Сомий", Ризоқулихон Ҳидоятнинг "Мажмуъа ул-фусаҳо" ("Гузал сўз эгалари тўплами") каби асарларида ҳам Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ муайян фикрлар баён этилган.

Бу даврда Алишер Навоий асарларини чуқурроқ ўрганиш учун махсус луғатлар ҳам тузила бошлайди. Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида унинг асарлари асосида "Бадоеъ ул-луғат" (тузувчи Толеъ ал-Иймоний ал-Ҳиравий), бир оз кейинроқ "Луғати Навоий" тузилади. 1560 йилда Алойи бинни Муҳибий "Ал луғат ун-Навоий ва-л-истишҳодат ул-чиғатоия" ("Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари") луғатини тузади. Бу даврда Навоий асарларидаги кўпгина сўзларни усмонли турк тилида тушунтириш мақсадида "Абушқа" луғати ҳам тузилади. 18-асрда Мирзо Махдийхон тузган "Мабони ул-луғат" ("Луғат пойдевори"), 19-асрда Фатҳ Али Кожарийнинг "Луғоти атрокия" ("Туркилар луғати"), Муҳаммад Хоксор томонидан 1798 йилда тузилган "Мунтахаб ул-луғат" ("Танланган луғатлар") ҳамда Шайх Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатойи ва турки усмоний" асари, "Фарҳанги ҳазрат Мир Алишер мулаққаб ба ал-Навоий" ("Навоий девонидаги мураккаб сўзлар изоҳи учун луғат", 1849) каби луғатларда ҳам Алишер Навоий ижодидан олинган парчаларга кенг ўрин ажратилади.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш Европа ва Россияда ҳам ўзига хос тарихга эга. 1697 йилда француз олими Бартолеме д'Ербело "Шарқ кутубхонаси" номли энциклопедияда Навоий таржимаи ҳоли ва асарлари номини келтирса, шарқшунос Сильвестер де Саси (1758–1838) ўз тадқиқотларида Алишер Навоийнинг шоир ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига тўхталиб ўтади.

19-асрга келиб Европада Алишер Навоий асарлари ва унинг асарлари асосида тузилган луғатларни нашр этиш ишлари бошланади. Париждаги Шарқ жонли тиллари мактабининг туркий тиллар кафедрасини ўз вақтида бошқарган француз шарқшуноси Этьенн-Марк Катрмер 1841 йил босилган хрестоматиясида Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" ва "Тарихи мулуки Ажам"ини эълон қилади, И.Н.Березин "Турк хрестоматияси"да унинг бир неча асарларидан парчалар келтиради. Рус шарқшуноси В.В.Вельяминов-Зернов 1868 йил Алойи бинни Муҳибийнинг "Ал луғат ун-Навоият ва-л-истишҳодат ул-чиғатоият" ("Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари") луғатини Санкт-Петербургда нашр эттиради. Француз шарқшуноси Паве де Куртейл эса Навоий асарларидан фойдаланиб луғат тузади.

Ғарбда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини илмий аспектда ўрганиш 19-асрдан бошланган деб айтиш мумкин. 1818 йилда немис олими Иосиф фон Хаммер

Пургштал "Навоийга оид битиклар" асарини яратиб, унда Алишер Навоийнинг насл-насаби, шоирлик, давлат арбоби ва бунёдкорлик ишларига тўхталиб ўтади. Рус шарқшуноси П.Савельев 1835 йил шоир ижодига бағишлаб махсус "Алишер Навоий" номли мақола ёзади.

1856 йилда М.Никитскийнинг "Эмир-Низам-Эд-Дин-Али-Шир в Государственном и литературном его значении" ("Амир Низомиддин Алишер: давлат арбоби ва адиб сифатида") номли шоир ижодига бағишланган магистрлик диссертацияси ёқланади. М.Никитский Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини анча кенг ўрганади, унинг шоир, олим ҳамда давлат арбоби сифатидаги ишларига юқори баҳо беради, лекин Шарқ мумтоз адабиётидаги ижодий анъаналарни тўлиқ англаб етмагани учун Алишер Навоийни "форс адабиётининг таржимони" деб атайди. Шу тарздаги ғайриилмий қарашлар, Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусиятларини етарлича англамаслик айрим Ғарб шарқшунослари ишларида ҳам учрайди. Навоийшунос олим Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ва Фаридиддин Аттор достонларини қиёсий ўрганиш орқали ("Навои и Аттар" мақоласи) Навоийнинг оригинал шоир эканлигини исботлайди. Шу тариқа Алишер Навоий ижодини хорижда кенг илмий аспектда холис ўрганиш ишлари бошлаб юборилади.

Немис олими А.Курелланинг "Буюк шоирнинг қайта кашф қилиниши" номли тадқиқоти Ғарб навоийшунослигида янги босқични бошлаб берди. Ушбу тадқиқотдан сўнг Ғарбда Навоий шахсияти энди икки йўналишда: ҳам буюк ижодкор, ҳам давлат арбоби сифатида тадқиқ қилина бошланди. Инглизабон олимлардан М.Сабтелни, В.Фельдмен, Д.Генчтурк, Д.Девис, К.Адахл, Г.Дикнинг илмий изланишлари ва таржима борасидаги фаолиятлари, Берлин шаҳрида Алишер Навоий ижодига бағишланган симпозиумнинг ташкил қилиниши ва унда олимлар ва шоир асарлари таржимонлари Б.Хайнкел, К.Шёниг, Ю.Паул, М.Кирхнер, З.Клайнмихел, Э.Таубе ва бошқаларнинг турли мавзулардаги маърузалари Ғарбда Навоий ижодига қизиқиш ортаётганидан ёркин далолат беради.

Туркистонда 20-аср бошларидаги маърифий уйғониш Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда ҳам намоён бўлади. Фитрат, Вадуд Маҳмуд ва бошқа олимлар Навоий ижоди ҳақида фикрлар билдиради. Бу соҳадаги дастлабки қадам сифатида Абдурауф Фитратнинг "Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида" ("Маориф ва ўқитғучи" журн., 1925) ва "Фарҳоду Ширин" достони тўғрисида" ("Аланга" журн., 1930) мақолаларини кўрсатиш мумкин. Собиқ Шўролар иттифоқи миқёсида Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан "Хамса"нинг қисқартирилган варианти (Садриддин Айний, 1939), "Чор девон", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб" асарлари нашр қилинди, турли тадқиқот ва монографиялар яратилди, шоир асарлари рус, украин, тожик, озарбайжон ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинди. Олим Шарафиддинов ("Алишер Навоий", 1939), М.Шайхзода ("Гениал шоир", 1940), В.Абдуллаев ("Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида", 1940) каби олимларнинг тадқиқотлари яратилди; А.Боровков, Е.Э.Бертельс, Ҳ.Олимжон, Ҳ.Зариф, О.Усмонов, М.Шайхзода ҳамда бошқа ижодкор ва олимларнинг илмий мақолаларини ўз ичига олган "Родоначальник узбекской литературы" ("Ўзбек адабиётининг асосчиси", 1940) тўплами эълон қилинди.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида 1941 йил II жаҳон уруши бошланганлиги сабабли Алишер Навоий юбилейи 1948 йил май ойида нишонланди ва шу муносабат билан Е.Э.Бертельс ("Навои. Опыт творческой биографии"), О.Шарафиддинов ("Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти"), Садриддин Айний ("Алишер Навоий")ларнинг илмий рисолалари эълон қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу жараён давом этиб, 1950-60-йилларда Порсо Шамсиев "Хамса" илмий-танқидий матнини, Ҳ.Сулаймонов эса "Хазойин ул-маоний" нашрини амалга оширди. Матншунослик йўналишидаги ишлар самараси ўлароқ Алишер Навоий "Асарлари"нинг 15 жилдлиги эълон қилинди. Аста-секин Навоий ижодини ўрганиш ва оммалаштириш кенг тус олди. Адабиётшунослик фанининг навоийшунослик

деган соҳаси юзага келди. Бу соҳада олимлар ва адиблардан Ойбек, Олим Шарафиддинов, Садриддин Айний, Евгений Бертельс, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Азиз Қаюмов, Порсо Шамсиев, Мақсуд Шайхзода, Воҳид Абдуллаев, Ҳамид Сулаймонов, Натан Маллаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Содир Эркинов, Алибек Рустамов, Суйима Ғаниева, Ботир Валихўжаев, Нажмиддин Комилов, Ёқубжон Исҳоқов, Раҳим Воҳидов, Муҳаммаджон Ҳакимов, Эргашали Шодиев, Лутфулла Зоҳидов ва бошқалар салмоқли ишларни амалга оширдилар. Алишер Навоий ижоди бўйича ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, жамият ҳаётидаги туб ўзгариш ва эркинлик туфайли Навоий асарлари ўзининг асл талқинини топа бошлади, шоир меросини ўрганишнинг янги уфқлари очилди.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ибратли, фаолияти серқирра, ижоди ранг-баранг бўлганлиги сабабли, ўзбек навоийшунос олимлари ҳам бир неча йўналишда қизғин фаолият олиб бордилар ва ўтган давр ичида муайян ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистонни дунё навоийшунослиги марказига айлантиришга эришдилар. С.Ҳасановнинг "Навоийнинг етти туҳфаси" (1991), М.Муҳиддиновнинг "Икки олам ёғдуси" (1991), Ҳ.Кудратуллаевнинг "Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари" (1991), А.Ҳайитметовнинг "Навоийхонлик суҳбатлари" (1993), "Темурийлар даври ўзбек адабиёти" (1996), Р.Воҳидовнинг "Алишер Навоийнинг ижод мактаби" (1994), "Алишер Навоий ва илоҳиёт" (1994), А.Абдуғафуровнинг "Буюк бешлик сабоқлари" (1995), С.Олимовнинг "Ишқ, ошиқ ва маъшуқ" (1992), "Нақшбанд ва Навоий" (1996), Н.Жумаевнинг "Сатрлар силсиласидаги сеҳр" (1996), С.Ғаниеванинг "Навоий насри нафосати" (2000), "Наво топти Навоий" (2012), Н.Комиловнинг "Хизр чашмаси" (2005), "Маънолар оламига сафар" (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар, 2012), А.Ҳожиаҳмедовнинг "Навоий арузи нафосати" (2006), И.Ҳаққуловнинг уч китобдан иборат "Навоийга қайтиш" (2007, 2011, 2016), А.Қаюмовнинг ўн икки жилдлик "Асарлар"и тўрт жилди (2010), "Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар" (2011), А.Рустамовнинг "Ҳазрати Навоийнинг эътиқоди" (2010), Ш.Сирожиддиновнинг "Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий типологик, текстологик таҳлили" (2011), Д.Юсупованинг "Алишер Навоий "Хамса"сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги" (2011), М.Имомназаровнинг "Навоийшуносликка кириш" (2015) каби тадқиқотлари; М.Рашидованинг "Алишер Навоий "Назм ул-жавоҳир" асарининг матний тадқиқоти" (1991), М.Ҳамидованинг "Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи" (1994), М.Муҳиддиновнинг "Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси" ("Хамса"ларнинг биринчи достони асосида, 1995), Қ.Эргашевнинг "Ўзбек насрида иншо" (Навоийнинг "Муншаот"и мисолида, 1996), Ш.Сирожиддиновнинг "Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари" (киёсий-типологик, текстологик таҳлил, 1998), А.Эркиновнинг "Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV-XX аср манбалари" (1998), А.Абдуллажоновнинг "Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш" (1998), Ф.Ҳайитметовнинг "Алишер Навоий ғазаллари қофиясида мантиқ ургусининг берилиши" (1998), Ҳ.Эшонқуловнинг "Алишер Навоий шеъриятида самовий тимсоллар" (1999), Д.Салоҳийнинг "Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомили" (2001), "Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бош бўлакли гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари" (2001), Н.Бековананинг "Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва "Руҳ ул-кудс" қасидасининг бадиияти" (2003), К.Муллахўжаеванинг "Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги: "Бадоеъ ул-бидоя" девони мисолида, 2005), С.Ўтановананинг "Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси" (2007), З.Мамадалиевананинг "Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги рамзий образлар тизими" (2011), "Алишер Навоийнинг "Илк девон"идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини" (2011) каби диссертацион ишлари шулар жумласидандир.

Алишер Навоий "Хамса"си таркибига кирувчи беш достон 2006 йилда асл матни ва насрий баёни билан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан лотин имлосида нашр этилди.

Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан шоир асарларининг 10 жилдлиги эълон қилинди. Шунингдек, "Хазойин ул-маоний" куллиёти таркибига кирувчи 4 девон луғат, изоҳ ва шарҳлари билан нашрдан чиқди. Янги навоийшунослик фани қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни асосий мақсад қилиб белгилаб олди:

– Алишер Навоий асарларини матншунослик ва манбашунослик мезонлари бўйича тадқиқ этиш, янги манбаларни излаб топиш ва амалиётга жорий этиш, Навоий асарларининг турли нашрлари (илмий-танқидий, йиғма-қиёсий, академик, факсимил, оммабоп ва х.к)ни тайёрлаш ва чоп этишни изчил давом эттириш;

– Алишер Навоий даври, ҳаёти ва фаолиятига доир адабий, тарихий манбаларни танқидий ўрганиб, таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар асосида унинг тўлиқ биографиясини тиклаш;

– Алишер Навоий асарлари тилини лингвистик ва лингвопоэтик мезонлар асосида тадқиқ этиш ва шу орқали ўзбек адабий тилининг тарихий тадрижи ҳақида аниқ хулосалар бериш;

– Алишер Навоий асарлари мисолида ўзбек мумтоз адабиётининг назарий масалаларини ўрганиш;

– Мусулмон Шарқи минтақасида бақамти ривожланиб келган араб ва фрос-тожик адабиётининг анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги мазмун ва моҳият билан бойитган Алишер Навоий ижоди туфайли учинчи кучли адабий жараён – туркий халқлар адабиётининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденцияларини илмий ўрганиш ҳамда бу эврилишларда Навоий ижодининг роли ва аҳамиятини кўрсатиш;

– таржимашунослик мезон ва меъёрлари асосида Алишер Навоий асарларининг жаҳондаги турли тилларга қилинган таржималарини ўрганиш, шоир асарларининг янги таржималарини амалга ошириш;

– ўзбек тасаввуф шеъриятида Алишер Навоий асарлари роли ва аҳамиятини комплекс равишда ўрганиш, шеърияти ва насрий асарларида илоҳиёт ва диний маърифат масалаларини тадқиқ этиш;

– Алишер Навоий ва адабий алоқалар масалаларини компаративистик нуқтаи назардан ўрганиш, анъана ва новаторлик масалаларини таҳлил этиш;

– достонларнинг насрий баёнини яратиш, лирик асарларга шарҳ ёзиш, насрий асарларни ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлаштириш каби усул ва воситалар орқали Навоийнинг синоатларга тўла ижод оламига яқинлашиш ва ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш йўлларини излаб топиш ва амалда татбиқ этиш;

– зуллисонайн шоирнинг "Девони Фоний" ҳамда бошқа форсий меросини таржима ва тадқиқ қилиш, Навоийнинг форс-тожик мумтоз шеърияти ривожига кўрсатган таъсирини ўрганиш, анъана ва новаторлик, татаббуъ, тавр ва мухтараъ ғазаллар ўртасидаги муштарак ва тафовутли жиҳатларни аниқлаш.

Алишер Навоий туркий тилда бадиий ижод билан шуғулланган адиблар ичида қўлёзмалари энг кўп миқдорда кўчирилган ва тарқалган ижодкордир. Мазкур кўрсаткич Навоий асарларининг ўқилиш ва тарқалиш миқёси қанчалар кенг эканлигини намойиш этади. Навоийнинг машҳур "Хазойин ул-маоний" асари ва унинг таркибидаги шеърлар ҳам асрлар давомида Шарқда машҳур бўлганлиги сабабли кенг миқёсда тарқалган ва кўплаб нусхаларда кўчирилган. 16-асрдан бошлаб "Хазойин ул-маоний" таркибидаги шеърлар танлаб олиниб, қўлёзма ҳолида алоҳида "Терма девон"лар тузилган. Навоийнинг бундай "Терма девон"лари нусхалари миқдори Навоий меросига оид қўлёзма нусхалар ичида энг катта кўрсаткичга эга. Умуман, "Хазойин ул-маоний" таркибидаги шеърлар асосида тартиб берилган қўлёзмалар миқдор жиҳатидан кўп бўлиб, улардан кейинги ўринда Навоий "Хамса"си қўлёзмалари туради. Навоий насрий асарлари ичида энг кўп кўчирилгани

асарларининг Европадаги мазкур биринчи нашрининг бир дона нусхаси ҳозирги кунда Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир китоблар бўлимида сақланади.

19-асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётида катта воқеалар содир бўла бошлади. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлигида типо-литографик усулда китоб чоп этувчи босмахоналар ташкил этилди. Литографик (тошбосма) усулда китоб нашр этишда асосий ишни хаттотлар бажарганлар. Бунинг учун хаттот босиладиган китобнинг матнини махсус қоғозга кўчирган. Бу қоғоздаги матн тош қолип сиртига ўтказилган ва унга кимёвий ишлов берилган. Мана шу тош қолиплардан нусха олинаверган. Навоий асарлари 1879–1917 йиллар мобайнида Туркистон шаҳарларидаги қарийб йигирмата матбаада тошбосма усулида етмиш мартага яқин чоп этилган.

Бизда дастлабки тошбосма матбаа 1291/1874 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) саройида ташкил этилган. Бу матбаада 1297/1879 йили Муҳаммад Раҳимхон II фармойиши билан Навоий "Хамса"си тўла ҳолида чоп этилди, уни шоир Комил Хоразмий нашрга тайёрлаган ва уч саҳифали муқаддима ёзган. Мазкур нашр учун Навоий "Хамса"си нусхасини хаттот Мулло Муҳаммадюсуф ибн Бердимурод Суфи Хоразмий кўчирган. 640 саҳифали мазкур "Хамса" нашри Навоий асарларининг ўлкамизда босилган даслабки тошбосма нусхаси ҳисобланади. "Хамса" кейинчалик ҳам тўлиқ ҳолда икки марта босилди: 1322/1904 йили Тошкентдаги Порцев матбаасида босилган нусхани хаттот Шоҳмурод Шоҳнеъматуллоҳ ўғли кўчирган. Бу матбаа 1323/1905 йили "Хамса"нинг хаттот Абдуманноф Қори битган матнини ҳам чоп этган. Булардан ташқари Навоий "Хамса"сининг қисқартирилган ва насрга айлантирилган варианти 1326/1908 йили Тошкентдаги Орифжонов матбаасида "Насри "Хамса"и беназир" (Ўхшаши йўқ насрий "Хамса") номи билан (351 саҳифа) босилиб чиққан. Китоб ноширн сифатида Мирмахдум ибн Шоҳюнус кўрсатилган. "Хамса" достонларини насрий вариантга ким айлантирганлиги кўрсатилмаган. "Насри "Хамса"и беназир"да достонлар мазмунига оид 38 расм ишланган. Нашрнинг мусаввири Раҳматулло ибн Мулло Абдушукур бўлган. Навоий "Хамса"сига кирган достонларнинг айримлари "Фарҳод ва Ширин", "Мажнуну Лайли" достонларининг насрий баёнлари халқ китоби вариантида Тошкентда 1908, 1909, 1910, 1912 ва 1915 йилда тошбосмада қайта-қайта нашр этилган. Бунда Сайид Ҳайбатуллахожа Сайид Орифхожа ўғли Хислат (1880–1945)нинг хизматлари катта бўлган.

Ўзбекистонда "Хазойин ул-маоний"нинг биринчи марта нашр этилиши ҳам Хива матбааси билан боғлиқ. Бу асар ўша даврларда халқ орасида машҳур бўлган "Чаҳор девон" ("Тўрт девон") номи билан Муҳаммад Раҳимхон II фармонига мувофиқ 1882 йили Хива матбаасида чоп этилган. Уни ҳам Комил Хоразмий нашрга тайёрлаган. Матнни тошбосма учун хаттот Иброҳим Султон Эроний кўчирган. Бунда тўрт девон матни ҳам мукаммал бўлиб, "Хазойин ул-маоний"нинг тошбосма нусхалари ичида энг тўлиғи шу нашр ҳисобланади. Хива матбааси 1300/1882 йил "Хазойин ул-маоний"нинг учинчи девони "Бадоеъ ул-васат"ни ҳам мукаммал ҳолда алоҳида чоп этган. Бу нусхани ҳам Муҳаммад Раҳимхон II фармони асосида Комил Хоразмий нашрга тайёрлаган. "Хазойин ул-маоний"дан танлаб олинган терма (интихоб) девонлар 1306/1888–1335/1916 йиллар давомида қирқ мартадан ортиқ тошбосма ҳолида чоп бўлган. Улар Тошкентнинг "Лахтин", "Ака-ука Каменскийлар", "Брейденбах", "Ильин", "Орифжонов", "Туркистон ҳарбий округи штаби", "Туркистон курьери газетаси" матбааларида, Самарқанднинг "Демуров" матбаасида, Янги Бухоронинг "Когон", "Левин" матбааларида чоп этилган. Навоий терма девонларини Истанбулнинг "Ориф афанди", "Сайид Маҳмудбек" матбаалари ҳам нашр қилган. Навоий терма девонларини чоп этишда Тошкент матбаалари асосий ўрин тутган: терма девонларни "Ака-ука Каменскийлар" матбааси 1311/1893 йили уч марта, "Брейденбах" матбааси 1315/1897 йили уч марта, "Ильин" матбааси ҳам 1324/1906 йили уч марта нашр этган. "Орифжонов" матбаасида 1333/1914 ва 1334/1915 йилларда

эса унинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридир. Ҳозирда биргина Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида Навоий "Хамса"сининг 15–20-аср аввалида кўчирилган 170 га яқин турли қўлёзмалари сақланади. Шу жумладан, 80 қўлёзмада "Хамса"даги беш достон ҳам (беш достоннинг умумий ҳажми 50 000 мисрага яқин) ўрин олган. Навоий меросининг шоҳ асарлари – "Хазойин ул-маоний" ҳамда "Хамса" қўлёзмалари тарқалиши ва миқдорини ўрганиш унинг Ўрта Осиё интеллектуал ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлганлигини намоён этади.

Навоий асарлари қўлёзмалари Ўзбекистондан ташқари хорижий мамлакатларда ҳам сақланади: улар бутун дунё бўйлаб тарқалган. Қўлёзмалар Ашхобод, Берлин, Боку, Вена, Дублин, Душанбе, Ереван, Истанбул, Кобул, Кэмбриж, Лондон, Мюнхен, Нью-Йорк, Оксфорд, Париж, Санкт-Петербург, Теҳрон, Упсала, Қозон, Қоҳира, Ҳайдаробод каби шаҳарлардаги Шарқ қўлёзмалари фондларидан ўрин олган. Мазкур марказларда Навоий асарлари киритилган қўлёзмаларни ўнлаб, баъзида юзлаб нусхаларда учратиш мумкин. Мана шу қўлёзмаларни кўчирган хаттотлар ҳақидаги маълумотларнинг ўзи бир китобни ташкил этган. Унга, асосан, Ўрта Осиё ва Кавказда кўчирилган қўлёзмаларнинг катта қисми киритилган. Ваҳоланки, Усмонли туркlар салтанати ва ҳозирги Эронда ҳукм сурган туркий салтанатлар ҳудудида кўчирилган Навоий асарлари қўлёзмалари ўнлаб нусхаларда учрайди. Европа давлатлари ва Америка кутубхоналари ҳамда санъат музейларида ҳам Навоий асарларининг ноёб нусхалари сақланади. Мазкур қўлёзмалар ва улар таркибига доир маълумотлар ҳозиргача яхлит ҳолда тавсифланмаган. Шу сабабли, ҳозирча, Навоий асарлари барча қўлёзмалари миқдори ва хусусиятлари тўғрисида яхлит хулоса чиқариш мушкул. Умуман, Навоий асарлари қўлёзмалари 500 йил – 15-аср охири – 20-аср бошларигача бўлган давр мобайнида юзлаб нусхаларда кўчирилганлиги ва тарқалганлиги Навоий ижодига бўлган эҳтиёжнинг кўламини яққол намоён этади. Келажакда Навоий асарлари қўлёзмаларининг бутун дунёдаги ялпи миқдорини аниқлаш ва турли мамлакатлар бўйлаб тарқалиши харитасини яратиш шоир ижодининг жаҳоншумул аҳамиятини янада кенгроқ миқёсда намоён этиш имкониятини яратади.

Навоий асарларини хаттотлар асрлар давомида юзлаб нусхаларда кўчирганлар. Ҳатто ўз умрининг катта қисмини Навоий асарлари қўлёзмаларини кўчиришга бағишлаган хаттотлар ҳам бўлган. Турли қўлёзма манбалар ва хаттотлар ҳақидаги илмий китобларда Навоий асарларини қўлёзма ва тошбосма нашрлар учун кўчирган икки юздан ортиқ хаттотлар ҳақида маълумот келтирилган. Аммо бу китобларда келтирилган хаттотлар номларини аниқлаш учун кўпроқ Ўрта Осиё ва Кавказда кўчирилган қўлёзма ва тошбосмалар асос бўлган. Ваҳоланки, Усмонлилар салтанати, ҳозирги Эронда ҳукм сурган туркий сулолалар ҳудуди ва мусулмон Шарқининг бошқа ҳудудларида ҳам Навоий асарлари юзлаб нусхаларда кўчирилган. Лекин уларни кўчирган хаттотлар ҳақида атрофлича маълумот тўпланмаган. Бундан ташқари, мусулмон Шарқида қўлёзмада уни кўчирган хаттот ўз исмини келтириши мажбурият ёки қатъий анъанага айланмаган. Шу туфайли Навоий асарларининг барча қўлёзмаларига хаттотлар ўз номларини қўймаганликлари унинг асарларини кўчирган хаттотларнинг барчасини аниқлаш масаласини мураккаблаштиради. Шундай бўлишига қарамай, Навоийни туркий, кенгроқ олиб қараганда, мусулмон Шарқи адабиётида асарларини кўчиришда энг кўп хаттот иштирок этган адиблардан деб ҳисоблаш мумкин. Шарқ мамлакатлари, Европа ва Америка кутубхона ҳамда санъат музейларида тўпланган Навоий асарлари қўлёзмаларини кўчирган барча хаттотга оид ахборотларнинг бир ерга жамланиши Навоий феноменининг янги қирраларини очиши мумкин.

Навоий асарларини Европада кенг йўлга қўйилган китоб босиш дастгоҳида тошбосма усулида чоп этиш 18-аср охирларидан бошланган. Навоий "Тарихи мулуки Ажам" асарининг Фаноий томонидан усмонли турк тилига қилинган таржимаси "Тарихи Фаноий" номи билан 1785 йилда Вена шаҳрида матбаа усулида нашр этилди. Китоб охирида арабчада "Бу марғуб нусха Румия императорлигининг азим шаҳри Бач (Вена)-да ҳижрийнинг 1199 санаси (милодий 1785)да табъ бўлди" деган гаплар ёзилган. Навоий

босилган, ҳажми 150 саҳифа атрофида бўлган иккита нашрга "Куллиёти девони Амир Алишер Навоий" деб ном қўйилган.

Алишер Навоийнинг "Арбаин" асари "Чиҳил ҳадис" номи билан тошбосмада ўн мартага яқин нашр қилинган. Бу асар Тошкентдаги "Лахтин" матбаасида 1310/1893 йили, "Акаука Каменскийлар" матбаасида 1311/1894 йилда, "Орифжонов" матбаасида эса 1328/1910 йил босилган. Барча нашрда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий қитъалари ҳамда уларга асос бўлган ҳадислар ёнма-ён келтирилган.

Биз учун юртимизда Навоийнинг тошбосмада босилган насрий асарларидан фақат "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис ун-нафоис" ва "Муҳокамат ул-луғатайн" маълум, холос. "Маҳбуб ул-қулуб"ни Бухородаги "Гесинский" матбааси хаттот Муфти Мираҳмад кўчирган матндан 1325/1907 йил; "Мажолис ун-нафоис"ни Тошкентдаги "Орифжонов" матбааси хаттот Абдуманноф Қори кўчирган матндан 1336/1917 йили нашр қилган. "Муҳокамат ул-луғатайн"ни Ашурали Зоҳирий ўзи кўчириб, 1336/1917 йил Қўқондаги "Вайнер" матбаасида чоп қилдирган. "Маҳбуб ул-қулуб"нинг Боғчасарой (1320/1902 йил)-да михбосма (типография) усулида босилган нашрлари ҳам мавжуд.

Бизга ҳозирча 1879–1917 йиллар давомида тошбосма нашрлар учун Навоий асарларини кўчирган 25 хаттот номи маълум. Улардан айримлари Навоий асарларидан битта нашр матнини, баъзилари эса бир неча нашр матнини кўчирган. Масалан, Шоҳмурод котиб Шоҳнеъматуллоҳ ўғли Навоий "Терма девон"лариниг 1888, 1893, 1900 йилги, "Арбаин"ни 1894 йилги, "Хамса"нинг 1904 йилги нашрларини тошбосма учун кўчирган. Навоий асарларини тошбосма учун кўчирган 25 хаттотнинг аксарияти Тошкент хаттотлик мактабининг намояндаларидир. Шоҳмурод ибн Шоҳнеъматуллоҳ, Сирожиддин Махдум Сидқий Хондайлиқий, Мулло Ортуқ Абдурасулбой ўғли, Абдуманноф Қори, Шоҳислом Шоҳмуҳаммад ўғли, Юсуфжон Зокиржон ўғли, Мулло Ўтаб Расулмуҳаммад ўғли, Абдулқодир Муродий ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Умуман, Тошкент хаттотлик мактаби ва унинг намояндалари 19-аср охири – 20-аср бошларида Туркистонда тошбосма хаттотлиги ишини йўлга қўйиш ва уни матбаа хаттотлиги санъати даражасига кўтаришда муҳим роль ўйнаганлар.

Лекин тошбосмада босилган барча нашрда ҳам хаттотлар ўз номларини қайд этмаганлар. Шу сабабли Навоий асарлари тошбосма нашрларининг баъзиларини қайси хаттот босмага тайёрлагани номаълум. Масалан, бунга терма девонларнинг 1300/1882 йили Хивада, 1309/1891-92 йили Ёркандда, 1311/1893,1314/1896-97, 1315/1897, 1318/1900, 1320/1902, 1321/1903-04, 1324/1906-07, 1329/1911, 1332/1913, 1333/1914, 1334/1915, 1335/1916 йилларда Тошкентда, 1319/1901-02 йили Истанбулда, 1322/1904 йили Самарқандда, 1330/1912, 1332/1913, 1335/1916 йиллари Бухорода нашр этилган нусхаларини мисол сифатида келтириш мумкин. "Арбаин"нинг 1310/1893, 1311/1894 йиллари Тошкентда; 1325/1907 йили Боғчасаройда босилган нашрларида ҳам хаттот исми қайд этилмаган.

Алишер Навоийнинг тошбосмада босилган асарлари бошқа китоблар қаторида Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг йирик шаҳарларида тарқатилган. Шундай қилиб, Туркистонда 19-аср охири – 20-аср бошларида тошбосма матбааларнинг пайдо бўлиши билан ўзбек халқи тарихида китобат маданиятининг янги бир даври бошланди. Бунда Навоий асарлари тошбосма нашрлари салмоқли ўрин эгаллади. Ғарбда 18-асрда, юртимизда эса 19-аср охири – 20-аср бошларида бошланган Навоий асарлари тошбосма нашрлари унинг мероси ёйилиши ҳамда асарларига бўлган қизиқиш даражасини яққол намоён этади.

Навоий ижодига эргашиш, Навоий ижодидан таъсирланиш у яшаган даврдан бошланиб, асрлар мобайнида давом этган. Ўзбек адабиётида Навоийдан кейин яшаб ижод этган ўзбек мумтоз адабиётининг деярли барча вакиллари унинг ижоди, хусусан, шеъриятидан илҳомланган. Навоийга эргашиб шеърлар битганлар, шоир газалларига мухаммаслар ёзганлар. Мусулмон Шарқининг турли сулолалари саройларида Навоийга тақлид ва унинг ижодига эътибор Темурийлар, хусусан, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги

Шеърда Умархон саройидаги маданий юксалишни таъкидлаш учун Қўқон адабий муҳитига шундай муболағали баҳо берилган. "Мажмуаи шоирон"да унинг тузувчиларидан бири саналган Фазлий Намангонийнинг қуйидаги фахрияси ҳам бор:

Манам Фазлии номвар дар замон,
Низомии аср худам дар сухан.
Ба гуфтор дорам зи Жомий нишон,
Ба ашъори туркий Навоий баён.

(Таржимаси: Мен замонанинг шуҳрат топган Фазлийсиман, сўзда ўз асримнинг Низомийсиман, шеърда Жомийдек шоирман, ўзбекча шеърлар ёзишда эса Навоийдекман)

Хива хонлигида Навоий шеъриятига эътибор 19-асрдан бошлаб кучаяди. Хива адабий муҳитининг кўзга кўринган намояндаларидан бўлган Мунис (1778–1829) Навоий ижодига алоҳида эҳтиром билан қарайди. Навоий ижодидан жуда кўп нарсаларни ўрганганлиги учун уни ўз бадиий ижоди ҳомийси, деб билади:

Қилса ҳосид даҳли бежо суз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.

Бир рубойсида Мунис Навоийни шундай таърифлайди:

Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдурур,
Мунисга маоний йўлида пирдурур.
Йўқ ғайрият андин ўзгаким айтурлар,
Бу Шермуҳаммад, ул Алишердурур.

19-аср Хива адабий муҳити ва, умуман, Навоийдан кейинги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Огаҳий (1809–1874) эди. У ҳам Мунис каби Навоий ижодидан таъсирланган. Хива адабий муҳитининг икки вакили – Мунисниг "Мунис ул-ушшоқ" ва Огаҳийнинг "Таъвиз ул-ошиқин" шеърий девонлари бунинг исботи бўла олади. Хива хонлигида Навоий ижодига қизиқиш Хива ҳукмдорлари орасида ҳам ёйилган эди. Хива хони Сайид Муҳаммад (1856–1864) ўз саройи шоирларига Навоий ғазалларига мухаммас ёзишни фармойиш этган. Шоирлар яратган мухаммаслар алоҳида баёзга тўпланган бўлиб, бизгача етиб келган. Хива хонлари ичида адабиёт ва санъатга алоҳида эътибор қаратган Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) ҳукмронлиги даврида Навоий ижодига қизиқиш янада кучайган. Феруз тахаллуси билан шеърлар битган бу ҳукмдор саройида ўзига хос адабий муҳит шаклланган. Унда ўттиздан ортиқ шоир бадиий ижод билан шуғулланган. Улар ижодида Навоий шеърияти таъсири яққол сезилиб турарди. 1908 йили Муҳаммад Раҳимхон II саройига туркийшунос олим А.Н.Самойлович (1880–1938) ташриф буюради. У Хива шоирлар пешвоси Аҳмад Табибий билан учрашиб, сарой адабий муҳити ҳақида суҳбатлашади. Самойлович билан учрашув чоғида Аҳмад Табибий Хива саройидаги барча шоирлар учун Алишер Навоий шеърлари ўрнак эканлигини таъкидлайди. Биз учун 20-аср бошида ҳам Навоий ижодига эргашишнинг сарой адабий муҳити шоирлари учун мавжудлиги ҳодисаси диққатга сазовордир.

Навоий ижодига қизиқиш, бадиий ижодда унга эргашиш усмонлилар сулоласида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлган. Масалан, Навоий Султон Боязид Ига ўттиз учта ғазалини юборган. Ҳукмдор уларга назира ёзишни шоир Аҳмад Пошога буюрган ва ижодкор айнан шундай масъулиятли вазифани муваффақият билан амалга оширган. Усмонли турклар муҳитида 16–20-асрлар мобайнида ҳам Навоий асарларини мутолаа этиш ва шеърларига эргашиш давом этган. Бизга ҳозиргача Усмонли ёки усмонлилар императорлиги муҳитида яшаган ҳамда эски ўзбек тилида шеър ёзган 40 га яқин шоир номи маълум. Мазкур шоирлар катта қисмининг эски ўзбек тилида шеър ёзишига айнан Навоий ва унга эргашиш сабаб бўлган. Бунга мисол сифатида 16-асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган, усмонлилар саройида хизматда бўлган машҳур денгизчи Сайид Али Раис (1498–1563)ни ёдга олиш мумкин. У Навоийга тақлид қилиб Котибий тахаллуси билан эски ўзбек тилида шеърлар битган. У ўзини Навоийи соний, яъни иккинчи Навоий деб атаган. Навоийнинг "Хамса"си ҳам

давридаги Ҳирот маданий муҳитини ўзлари учун ўрнак деб билишдан келиб чиққан. Шундай интилишни Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийдек улкан арбоблар шахсиятига тақлид қилишда ҳам кузатиш мумкин. Чунки Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Ҳирот шаҳри дунё миқёсидаги маданий марказга айланиб, унда адабиёт, санъат ва фан жуда тараққий этганди. Алишер Навоийдек шахснинг юзага чиқишига мана шу даврда замин яратилганди. 15-аср сўнгидаги Ҳирот маданий муҳитига тақлид қилиш Ўрта Осиё, усмонлилар ҳамда Сафавийлар сулолалари муҳитида мавжуд бўлган. Ҳатто Темурийларни ўзларига рақобатчи деб билган Шайбонийлар ҳам уларга тақлид қилганлар.

Навоий ижоди асрлар мобайнида Шарқнинг турли маданий марказлари, хусусан, туркий шеърият учун ўрнак бўлган. Навоий яшаган даврдаёқ унга, ўша давр муҳити ва ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро яратган шароитга ҳавас билан қарашган. Оққуюнлилар сулоласи ҳукмронлиги ҳудудларида ҳам Навоий шеърияти машҳур бўлган. Буни мазкур сулола ҳукмдори Султон Яъқуб (1478–1490) даврида яшаган шоир Кишварийнинг Темурий Ҳусайн Бойқаро саройига ҳавас билан қараганлигини кўрсатувчи қуйидаги байти ҳам тасдиқлайди:

Кишварий шеъри Навоий шеъридин аксик эмас,
Бахтина душсайди бир Султон Ҳусайн Бойқаро.

(Яъни, Кишварийнинг шеърлари Навоий шеърларидан қолишмайди, қанийди унинг ҳам Ҳусайн Бойқародек ҳукмдор ҳомийси бўлса эди.) Усмонлиларда ҳам Ҳусайн Бойқаро саройи маданий муҳитига ҳавас билан қараш мавжуд бўлган. Усмонлилар саройининг таниқли тарихчиси Мустафо Олий (1541–1600) Навоий каби бўлишни орзу қилган. Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги давридаги маданий муҳит усмонлилар учун кейинги асрларда ҳам ўрнак бўлиб қолган. Усмонлилар даври таниқли сайёҳи Авлиё Чалабий (1611–1682) ўзининг машҳур "Саёҳатнома" асарида Ҳусайн Бойқаро саройидаги шеърият кечаларини ("Ҳусайн Бойқаро мажлислари" номи билан) тез-тез эслайди. Чалабий асарида мазкур йигинлар юқори даражадаги маданият белгиси сифатида таърифланади. Бу Темурий Ҳусайн Бойқаро саройи маданий муҳити Усмонлилар даври учун ўрнак бўлганлигига яққол мисол бўла олади. Навоий мана шундай шеърият кечаларининг пешво шоирларидан бўлган. Ўз шеърлари билан бу адабий мажлисларга зеб берган.

Умархон фарзанди Муҳаммадалихон отасидан кейин Қўқонда ҳукмронлик қилган (1822–1842). Унинг буйруғи билан 1254/1838-39 йили Қўқонда олти ой ичида бир хил ҳажм ва таркибда Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девони 300 нусхада кўчирилган (ТошДШИ ШҚМ 1-фонд, №1230; 1709...). Муҳаммадалихоннинг Темурийлар сулоласи давомчиси эканлигига даъвоси маънавий ҳамда маданий жиҳатдан уларга мос бўлишга, ўхшашга интилишида намоён бўлади. Навоий девонининг 300 нусхада кўчирилиши унинг ўзига хос исботидир.

Умархон ўзини Темурийлар авлоди деб тақдим қилиши асносида улар маданий анъаналарининг давомчиси сифатида кўринишга ҳаракат қилади. 19-аср биринчи чорагида Қўқон саройида Умархон бошчилигида адабий муҳит вужудга келади. Умархоннинг ўзи шеър ёзарди, унинг шеърларида Навоий шеъриятига эргашиш сезилади. Умархон ўз саройига етмишдан ортиқ шоирни жалб қилади. Мазкур шоирлар 19-аср биринчи чорагидаги Қўқон адабий муҳитини Ҳусайн Бойқаро ва Навоий яшаган давр – 15-аср Ҳирот адабий муҳитига монанд тарзда тасвирлар эдилар. Бу шоирларнинг шеърлари "Мажмуаи шоирон" ("Шоирлар мажмуаси") деб номланган, 1821 йилда тузилган баёзда келтирилади. Улар орасидан шоир Султонхонтўра Адонинг ҳам шеърлари ўрин олган. Адонинг айниқса, қуйидаги байти машҳур саналган:

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,
Шаҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайни Бойқаро.

Яъни агар Адо сўз(шеър)да Навоийдан ўзиб кетса нима қилибди,
(Ахир) шоҳ Умархон зўрми ёки Султон Ҳусайн Бойқаро.

усмонлилар муҳитига таъсир этган. 19-асрда эса Навоий насрий асарларидан баъзилари усмонли туркчасига таржима қилинган ва нашр этилган. Булар жумласига "Маҳбуб ул-қулуб"нинг 1872 йили Истанбулдаги нашрини, "Муҳокамат ул-луғатайн"нинг 1889 йили Бурсада ва 1897 йили Истанбулдаги нашрларини, "Чиҳил ҳадис"нинг Истанбулда икки марта – 1893 ҳамда 1913 йили амалга оширилган нашрларини киритиш мумкин. 1881 йили Шайх Сулаймон Афанди Бухорий тузган "Луғати чиғатойи ва турки усмоний" Истанбулда нашр этилади. Бу луғатда эски ўзбек тилида қўлланилган 6650 сўзга изоҳ берилган. Шундан 400 сўз Навоий асарларидан олинган. Мазкур луғатнинг вужудга келиши ўзбек мумтоз адабиёти ва Навоий асарларига бўлган алоҳида эътиборнинг намунасидир. Навоий асарлари қўлёзмаларининг юздан ортиқ нусхалари Туркия кутубхоналарида сақланади. Буларнинг барчаси усмонлилар даврида Навоийнинг ижодий таъсири алоҳида ўрин тутганлигини намоён этади.

Навоий шеърлари туркий тилли муҳитда аслият ҳолатида – эски ўзбек тилида, таржима қилинмай тарқалган. 1940 йил озарбайжон шоири Самад Вурғун "Мен ва менинг дўстларим яқин-яқингача Навоий ўзбек шоири эканлигини билмасдик. Бизда унинг исми ҳамма вақт озарбайжон шоири сифатида қайд этиб келинарди", – деган эди. Бу Навоий ижоди озарбайжон адабий муҳитига ҳам кучли таъсир қилгани, озарбайжонлик шеър ихлосмандлари уни ўз шоирлари сифатида эъзозлаганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий ҳақида ёзувчи Ойбек "Навоий" романини, Л.Бать "Ҳаёт бўстони" қиссасини, Миркарим Осим ҳикоялар туркумини яратди. Иззат Султон ва Уйғуннинг "Алишер Навоий" драмаси (1945, 1948), И.Махсумовнинг бастакорлар Ю.Ражабий ва С.Жалил билан ҳамкорликда "Навоий Астрободда" мусиқали драмаси (1967) дунёга келди. 1947 йили Иззат Султон, В.Шкловский, А.Спешнёв ҳамда Уйғун сценарийси асосида "Алишер Навоий" бадиий фильми суратга олинди (Навоий ролини Раззоқ Ҳамроев ижро этган). Навоий достонлари асосида яратилган "Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмаси (1937), "Лайли ва Мажнун" операси (1942), "Суҳайл ва Меҳр" балети (1967), "Дилором" операси (1958), "Искандар" драмаси (1991) театр санъатининг энг яхши асарлари намуналарига айланди. Ёзувчи Ойбекнинг "Навоий" романи асосида "Алишер Навоий" видеофильми (режиссёр М.Юнусов), Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони матни асосида "Лайли ва Мажнун" видеофильми (режиссёр М.Юнусов) яратилди. Алишер Навоий асарларини кенг китобхонлар оммасига етказиш ва тушунтириш мақсадида теле ва радио каналларда кўрсатув ва эшиттиришлар ("Навоийни англаш", "Навоий олами", "Навоий соғинчи", "Навоий набиралари") ташкил этилди.

Навоий портрети турли давр рассомлари назаридан ҳам четда қолмаган. Буларнинг дастлабкиси Маҳмуд Музаҳҳиб чизган Навоий портретидир. 20-асрда Навоий портретини А.Абдуллаев, В.Е.Кайдалов, Б.Б.Пестинский каби рассомлар ҳам чизган. Чингиз Аҳмаров эса Навоий достонлари қаҳрамонларини чизган расмлари билан шуҳрат қозонди. Рассом Темур Саъдуллаев ҳам ўз ижодининг катта қисмини Навоий асарлари қаҳрамонларининг расмларини чизишга бағишлади. Кўплаб ҳайкалтарош, рассом ва бастакорлар ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб асарлар яратишган.

Бир вилоят ва шаҳар, олий ўқув юрти (Самарқанд давлат университети), Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Адабиёт музейи, Тошкентдаги Катта академик опера ва балет театри, Санъат саройи, метро бекати, Миллий боғ, ўнлаб кўчалар унинг номи билан аталган.

Тошкентда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи олдида, Миллий боғ марказида ҳамда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган. Москва (Россия), Токио (Япония), Боку (Озарбайжон) каби жаҳоннинг машҳур шаҳарларида ҳам Навоий ҳайкали қад ростлаб турибди.

Алишер Навоий асарлари мамлакатимиз ёшларини баркамол инсон қилиб тарбиялашда, уларнинг маънавий оламини бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни

канчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз".

Ас.: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2 жилдлик. Т., 2008. 2-ж; *Алишер Навоий.* Илк девон. 1466 й. кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрл. Ҳ.Сулаймон. Т.,1968; *Алишер Навоий.* Оққуюнли мухлислар девони. 1471 й. кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрл. А.Эркинов / Alī Shīr Nava'ī. Dīvan of the Aq qoyunlu Admirers (1471). Tokyo, 2015; *Алишер Навоий.* ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 1–10-ж.; *Алишер Навоий.* МАТ. 20 жилдлик. Т., 1987–2003. 1–20-ж.; *Алишер Навоий.* Хазойин ул-маоний. Нашрга тайёрл. Ҳ.Сулаймон. 4 жилдлик. Т., 1959–1960. 1–4-ж.; *Алишер Навоий.* Хазойин ул-маоний. Нашрга тайёрл. О.Давлатов. 4 жилдлик. Т., 2011. 1–4-ж.; *Давлатшоҳ Самарқандий.* Шоирлар бустони ("Тазкират уш-шуаро"дан). Т., 1967; *Ғиёсиддин Хондамир binни Ҳумомиддин.* Макорим ул-ахлоқ. Т., 2015.

Ад.: Абдуғафуров А. "Хазойин ул-маоний"дан четда қолган ғазаллар// Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). Т., 2001; *Абдуғафуров А.* Буюк бешлик сабоқлари (мақолалар). Т., 1995; *Айбек, Дейч Ал.* Алишер Навои. Т., 1968; *Алиев Г.Ю.* Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. М.,1985; Алишер Навоий "Хамса"сининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчилар: Қ.Муниров, М.Ҳакимов. Т., 1986. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар: XV-XIX асрлар / Миниатюры к произведениям Алишера Навои XV-XIX веков / Miniatures Illustrations of 'Alī Shīr Navoi`s works of the XV-XIXth centuries. Тузувчилар / Составители Х.Сулаймонов, Ф. Сулаймонова / H.Sulaymonov, F.Sulaymonova (eds.). Т., 1982; Алишер Навоий "Хамса"си: (тадқиқотлар). Т., 1986; Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Т., 1993; *Афсахзод А.* Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. М., 1988; *Аҳмедов Т.* Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони Т., 1970; *Бартольд В.В.* Мир Али-Шир и политическая жизнь // Сочинения: М., 1964. Т. II(2); *Бертельс Е.Э.* Суфизм и суфийская литература. М., 1965; *Бертельс Е.Э.* Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965; *Бертельс Е.Э.* Навои и Джами. М., 1965; *Валихўжаев Б.* "Хамса" такмили // Алишер Навоий "Хамса"си. Т., 1986; *Валихўжаев Б.* Алишер Навоий "Хамса"си ва унинг Шарқ халқлари адабиёти тараққиётида тутган мавқеи // Алишер Навоий "Хамса"сини ўрганиш масалалари. Самарқанд, 1987; *Валихўжаев Б.* Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., 1993. *Воҳидов Р.* "Мажолис ун-нафоис"нинг таржималари. Т., 1984; *Воҳидов Р.* Навоийнинг икки дурдонаси. Т., 1992; *Воҳидов Р.* XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. Т., 1983; *Воҳидов Р.* Шарқнинг буюк алломаси. Т., 1989: *Жалолов Т.* "Хамса" талқинлари. Т., 1960; *Зоҳидов Л.* Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. Т., 1986; *Имомназаров М.* Ҳақиқат ва мажоз // Шарқ юлдузи, 1988; *Исҳоқов Ё.* "Хамса" поэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986; *Исҳоқов Ё.* Навоий поэтикаси. Т., 1983; *Исҳоқов Ё.* Сўз санъати сўзлиги. Т., 2006; *Комилов Н.* Бу қадимий санъат. Т., 1988; *Комилов Н.* Маънолар оламига сафар. Т., 2012. *Комилов Н.* Тасаввуф. Т., 2009; *Комилов Н.* Фақр нури порлаган қалб (Алишер Навоийнинг форсий қасидалари). Т., 2001; *Конрад Н.И.* Запад и Восток (статьи). М., 1972; *Маллаев Н.* Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т., 1974. *Муродов А.* Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т., 1971. *Муҳиддинов М.* Икки олам ёғдуси. Т., 1991. *Муҳиддинов М.* Комил инсон — адабиёт идеали. Т., 2006; *Нагиева Дж.* Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку, 1986; *Нагиева Дж.* Навои и азербайджанская литература: XV–XIX вв. Т., 1990; *Олимов С.* Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. Т., 1992; *Рустамов А.* Навоийнинг бадиий маҳорати. Т., 1979; *Рустамов Э.* Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963; *Сирожиддинов Ш.* Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т., 2011; *Султонов И.* Навоийнинг қалб дафтари. Т., 2010; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 2-жилд. Т., 1977; *Хасанов*

С. Роман о Бахраме. Т., 1988; *Шамсиев П.* Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т., 1986; *Шодиев Э.* Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. Т., 1989; *Шодиев Э.* Навоийшиноси дар Тожикистон: Фехрист. Хўжанд, 1996; *Эркинов С.* Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. Т., 1971; *Қаюмов А.* "Ҳайрат ул-аброр" талқини. Т., 1985. *Қаюмов А.* Садди Искандарий. Т., 1975. *Қаюмов А.* "Назм ва тафаккур қуёши". Т., 1992; *Қаюмов А.* Нодир саҳифалар. Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида. Т., 1991; *Кудратуллаев Ҳ.* Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари. Т., 1991; *Ғаниева С., Неъматов Ҳ.* Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуф оҳанглари //Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Т., 1993; *Ҳайитметов А.* Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Т., 1959; *Ҳайитметов А.* Навоийхонлик суҳбатлари. Т., 1993; *Ҳайитметов А.* Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т., 1996; *Ҳайитметов А.* Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан: (X–XV асрлар). Т.,1970; *Ҳакимов М.* Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Т., 1991; *Ҳакимов М.* Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Т., 1979; *Ҳакимов М.* Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Т., 1983; *Ҳасанов С.* Навоийнинг етти туҳфаси. Т., 1991; *Ҳаққулов И.* Тасаввуф ва шеърият. Т.; 1991; *Ҳаққулов И.* Навоийга қайтиш (2-китоб). Т., 2011.

Ш.С.СИРОЖИДДИНОВ, А.С.ЭРКИНОВ

А

ААЗЗ (ар.) – энг азиз, азизроқ. А. сўзи Навоий ижодида икки ҳолатда ишлатилган:

А.и аҳбоб – дўстларнинг энг азизи, эҳтиромлиси, улуғи:

Агарчи аларким, ахасси асҳоб ва аззи аҳбоб эрдилар, кўп қатла бу иш иртикобига илтимос ва таклиф қилур эрдилар

("Хазойин ул маоний", дебоча)

халқнинг А.и – Муҳаммад алайҳиссалом:

Ҳақдин азизлик тиласанг,
элдин уз тамаъ,
Ким халқнинг аззи деди:
Азза ман қанаъ.

("Бадоеъ ул-васат", 288-ғазал)

АБАД (ар. – доим, ҳар доим, доимий, ҳамиша, чегарасиз замон) – сўнгсиз, ибтидоси бўлмаган вақт ўлчови, *азал*нинг муқобили. Ибн Сино замоннинг чексиз давом этишини А. деб атаган. Араб файласуфи Ал-Киндий фикрича, ўзининг мавжудлиги ва давом этиши учун бошқага муҳтож бўлмаган ва борлиғи иллат (сабаб)га боғланмаган нарса доим ва абадийдир. Абулбаракот Бағдодий ҳар бир яратилган нарса азалий ва абадий булади, дейди. Шаҳобиддин Суҳравардий ҳам вужуд (борлиқ)нинг утмиш томонга қараб узайиши (давоми)ни А. деб атаган. Насириддин Тусийнинг нуқтаи назарича, азал ва А.нинг ҳар иккаласи бир маънони англатади. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, азалиятнинг ибтидоси, абадиятнинг эса интиҳоси йўқ. "Кашшофу истилоҳот ил-фунун" муаллифи айтганидек, Аллоҳнинг А.и айни азал ва азали айни А.дир. Бу икки сўз (азал ва А.) унга нисбат берилган икки томон (ўтмиш ва келажак)нинг узилишидан иборатдир. Бу орқали У (Аллоҳ) ўз зоти б-н ягоналикда бокийлиги англашилади. Азал ва А. Аллоҳнинг икки сифати бўлиб, унинг мавжудлиги зарурлиги (вожиб ул-вужудлиги) ақл воситасида англаш учун замонга нисбат берилган. Аслида Аллоҳ учун на А. ва на азал бор. У бор эди, у б-н бирга ҳеч нарса мавжуд эмас эди.

Навоий асарларида А. сўзи фалсафий-ирфоний маъноларидан ташқари, охират (зоди А. – охират озиғи), заволсиз (бақойи А. – доимий боқийлик), ҳамиша (саиди абадий – ҳамиша бахтли), мангулик (ҳаёти А. – абадий тириклик), қиёмат (шоми А.) маъноларини ифодалашга ҳам хизмат қилган. А. сўзи якка ҳолатда Ҳақ таоло ўрнида қўлланилган.

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал
бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ
интиҳо пайдо.

("Бадоеъ ул-васат", 2-ғазал)

АББОДОНИЙ Абу Абдуллоҳ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий*нинг хос муридларидан. Шиблий Бағдодий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Унинг суҳбатидан дарвешлар ўзининг мақоми ва мартабасини қай тарзда тафтиш килиб туриши лозимлигини ўрганган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаёти ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБДОЛ (ар. – бадал бўлган, ўзгарган) – тариқат йўлидаги киши, валийларнинг бир тоифаси. Тас. талқинига кўра, Аллоҳ со-

батр сайёралар ҳаракатида яширин бўлган ҳикмат сирриня А.лар учун очган ва улар башарий сифатларидан қутулиб, ботинларини Аллоҳнинг сифати б-н зийнатлаганлар. А.ликнинг асосий шарти – ҳеч кимга, ҳаттоки зарарли жонзотларга ҳам зиён етказмаслик, беозорликдир. А.лар – каромат соҳиби, улар томонидан кўп каромот зоҳир бўлган. А.ларнинг яна бир хислати – фарзандсиз бўлишлари ёки ўғил фарзанд кўрмасликларидир. А.лар мурид тарбияламаганлар. Сулламийнинг айтишича, А.ларнинг ўзак хислатлари тўртта: тақвога ташналик, ирода мустаҳкамлиги, қалбнинг яхши хулқлар б-н собитлиги, одамларни насиҳат йўли б-н эзгуликка даъват қилиш.

Абдураҳмон Жомий талқинида, А.лар – етти иқлимни муҳофаза этувчи валий зотлар, етти пир. "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Нажмиддин Абдуллоҳ Исфаҳоний тилидан келтирилган ҳадисга кўра, А.ларнинг сони қирқтага етади. Навоий ушбу далилга қўшимча тарзда, Ҳиндистонда Қирқ А. мозори борлигини ҳам таъкидлаб ўтган. "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида Али бин Абдулҳамид Ғазоирий, Закариё бин Яҳё Ҳиравий, Мирчаи Сафолфуруш, Шайх Абу Аҳмад Абдол Чиштий каби А.лар, Абу Абдуллоҳ Хусрий, Абу Жаъфар Сомоний, Шайх Шаҳобуддин Суҳравардий сингари валийларнинг А.лар б-н мулоқот қилгани ва уларнинг суҳбатидан файз топгани ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида айрим замондошларини "абдолваш" деб, А.ларнинг беозорлик сифатига ишора қилган.

...Сайид Муслимий... абдолваш йигит эрди... ("Мажолис ун-нафоис", 2-мажлис)

...Шайх ул-ислом дебдурки, ҳақиқат каромот била дуруст бўлмаским, ҳақиқат худ каромотдур ва каромот зуҳҳод била абдолға бўлғай. ("Насойим ул муҳаббат", 253-фасл)

"АБДОЛНОМА" – Абдулваҳҳоб Суҳоийнинг асари. Тас-ий мавзуда битилган бўлиб, авлиёлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Суҳоий шу ном б-н китоб битганлигини, лекин ўзи ҳали кўрмаганлигини айтиб ўтади: *"Китобе, дерларким, жамъ қилғондур ва отин "Абдолнома" қўйғондур. Аммо фақир кўрмадим"*.

АБДУЛЛАТИФ ҲУСАЙН ОМИДИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттот. "Лисон ут-тайр" достонини 1537 й.да кўчирган. Бу қўлёзма Боку шаҳрида, ОзФА қўлёзмалар институтида С 310-рақами остида сақланади. Ҳажми 93 варақдан иборат.

АБДУЛЛАТИФ МИРЗО (1423–1450.8.5, Самарқанд) – темурий шаҳзода. Мирзо Улуғбекнинг ўғли. Шоҳрух Мирзо саройида тарбия топган, ҳарбий юришларда қўшиннинг ўнг қанотига қўмондонлик қилган. Гавҳаршод бегим ва тархон амирлар Шоҳрух ўлимидан сўнг (1447 й.) А.М.ни олий бош қўмондонликка тайинлаб, унинг амакиваччаси Алоуддавлани тахтга ўтқазишган. Бу қарордан норози бўлган А.М. Алоуддавлага қарши уруш очган, лекин Нишопур яқинидаги жангда (1447 й.) енгилиб, асир тушган. Улуғбек фарзанди ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Алоуддавла б-н сулҳ тузишга мажбур бўлган. Битимга кўра, Алоуддавла Хуросон ҳукмдори деб тан олиниб, А.М.га Балх улуси берилган. А.М. дастлаб Улуғбек б-н бирга Алоуддавла ва *Абулқосим Бобурга* қарши жанг қилган. Сўнг тож-тахтни эгаллаш мақсадида отасига қарши Абулқосим Бобур б-н иттифоқ тузган. А.М. Улуғбекка қарши фитналарда иштирок этиб, охири 1449 й.да отасига қарши қўшин тортган. Самарқандда қолган беклар исёни туфайли Улуғбек пойтахтга қайтишга мажбур бўлган. Натижада А.М. Амударёдан ўтиб Термиз ва Шаҳрисабзни ишғол қилган. Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғи ёнида отасини енгиб, тахтни эгаллаган. А.М.нинг розилиги б-н Мирзо Улуғбек ва укаси – Абдулазиз Мирзо қатл этилган. А.М.ни 1450 й.да олти ойлик ҳукмронлик қилганидан сўнг, Самарқанд шимолидаги Боғи майдон ёнида Улуғбекнинг хос навкарларидан Бобо Ҳусайн баҳодир ўлдирган. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарининг еттинчи мажлисида А.М. ҳақида берган маълумотида унинг табиатига хос бўлган васваса, савдойилик ва шафқат-

сизликни кўрсатиб, бу фоний дунёни деб донишманд ва подшоҳ отасини ўлдирганлигини афсус б-н таъкидлайди. Инчунин, Навоий А.М.нинг яхши табъи назмга эгалигини ҳам таъкидлаб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Бар дилу жон сад бало аз
як назар овард чашм,
Чун бигуям шукри ин, ё раб,
набинад дард чашм.

(Мазмуни: Бир қараш б-н бу кўз дил ва жонга юз бало келтирди. Ё Раб, бунинг шукрини қандай адо қилай? Ул кўз асло дард кўрмасин!)

АБДУЛВОСЕЪ БОХАРЗИЙ, Мавлоно Низомиддин (ваф. 1504, Ҳирот) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир, тарихчи, мунший. Алишер Навоийга замондош бўлган. А.Б.нинг аждодлари Нишопур шаҳрининг сайидларидан. Отаси Жамолиддин Мутаҳҳар Бохарзий Жомийнинг яқин дўсти бўлган. Бу дўстлик сабаб, А.Б. ҳам Жомий суҳбатидан баҳраманд бўлиб, унинг асарларини оққа кўчириш ва таҳрирдан ўтказишда бевосита қатнашган. А.Б. иншо санъатида алоҳида иқтидорга эга бўлиб, Ҳусайн Бойқаро саройидаги тарассул девони (канцелярия)да мунший лавозимида ишлаган. Унинг қаламига мансуб руқъа ва мактубларни шогирди Шаҳобиддин Аҳмад Хавофий тўплаб, "Маншаъ ул-иншо" ("Иншо санъатининг сарчашмаси") номи б-н мажмуа тузган. Хондамир А.Б. ўз асарларида дабдабали сўзлар ва мураккаб ташбеҳларни кўп ишлатгани, шу сабабли Султон Ҳусайн Бойқаро даври воқеаларига бағишланган "Жомеъ ул-бадоеъи Султоний" тарихий асари подшоҳга маъқул келмагани, Навоийнинг илтимоси б-н Жомийнинг ҳаёт йўли ҳақида "Мақомоти Жомий" асарини ёзганлигини айтади. "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да А.Б.нинг ушбу асари ҳақида илиқ фикрлар билдирилган. "Мажолис ун-нафоис"да А.Б. иншо санъати баробарида шоирликда ҳам истеъдод эгаси бўлиб, ҳажвий шеърлари, айниқса, Маждиддин Муҳаммадга бағишланган ҳажвиялари Ҳиротда шуҳрат топгани ҳақида маълумот берилади.

АБДУЛЖАМИЛ КОТИБ (ваф. 1505–1506, Ҳирот) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Алишер Навоийнинг шахсий котиби. Абдулжамил, асосан, котиблик б-н машғул бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадида кўчирган қўлёзмаларининг охирида исмига "Котиб" тахаллусини қўшиб, "Абдулжамил Котиб" шаклида имзо чеккан. Мирхонд "Равзат ус-сафо" асарида Абдулжамил Ҳиротнинг Султония мадрасасида мударрислик қилгани, сарфу наҳв (морфология ва синтаксис)дан дарс бергани ҳақида маълумот қолдирган.

А.К. кўчирган қўлёзмалардан ҳозирча фан оламида иккитаси маълум. Улардан бири Алишер Навоийнинг "Хамса"сидир (ТошДШИ ШҚМ, инв. № 5018. Ҳажми 325 варақ, ўлчови 19х27,5 см). Навоий "Хамса"ни 1483 й.да ёзишга киришиб, 1485 й.нинг бошларида тугатади. А.К. ҳам "Хамса"нинг ёзилган қисмини дастхат-мусаввададан пешма-пеш оққа кўчириб бораверган. А.К. кўчирган қўлёзмада "Хамса"нинг биринчи достони – "Ҳайрат ул-аброр" охирига 889 й.нинг рабиъуссоний (м. 1484 й.нинг апрель-май) ойи китобат тарихи сифатида қайд қилинган. Кейинги достонлари китобат тарихида ҳам ана шу сана кўрсатилган. Бешинчи достон – "Садди Искандарий" 1485 й.да кўчирилган. Демак, А.К. "Хамса"ни Алишер Навоий б-н кетма-кет оққа кўчирган. Мазкур қўлёзма навоийшуносликда "Хамса"нинг тўнғич нусхаси ёки Абдулжамил нусхаси деб юритилади. "Хамса"ни ўрганиш, илмий-танқидий матнини тузиш, оммалаштиришда А.К. кўчирган нусха энг ишончли ва таянч нусха сифатида хизмат қилиб келмоқда. А.К. кўчирган иккинчи қўлёзма Алишер Навоийнинг "Наводир ун-ниҳоя" девонидир (ТошДШИ ШҚМ, инв. № 11675, 149 варақ). Қўлёзма сўнгида А.К. ўз номини ва китобат тарихини (893 х.қ./1487–88 м.) қайд этган.

А.К. Навоий асарларини узоқ йиллар китобат қилиш б-н шуғулланган учун унинг шеърлари (кўпроқ ғазаллари)дан энг яхши байтлар (шоҳбайтлар)ни танлаб, бир тўплам тузган. Бу тўплам "Туҳфат ус-салотин" ("Султонларнинг туҳфаси") деб аталади. "Туҳфат ус-салотин"нинг ягона нусхаси Лондондаги Британия музейи-

да сақланмоқда. Ушбу мажмуани котиб Муҳаммад ибн Ҳасан Жумъон Ансорий Ҳирот шаҳрида 1508–1509 й.да кўчирган. "Туҳфат ус-салотин" 408 байтдан иборат бўлиб, улар мавзулар бўйича 45 кичик сарлавҳа – "туҳфа" остига жамланган. "Туҳфат ус-салотин"га А.К. муқаддима ёзган. Муқаддимада у бутун умри давомида Алишер Навоий асарлари китобати б-н шуғулланган ҳақида шундай дейди: *"Арз этким, фақири ҳақир Абдулжамил Котиб... ҳамиша мукарраб ул-ҳазрати султон (яъни Алишер Навоий) балоғат бобида якқаламлик садосини сипеҳр муншисидин ошурубтур, куллиётларин китобат қилиб маҳзуз (баҳраманд) бўлур эрдим..."*. А.К.нинг муқаддимадаги "куллиётларин китобат қилиб маҳзуз бўлур эрдим" деган сўзига қараганда, у Навоий куллиётининг фанга номаълум бўлган яна бир нусхасини кўчирган бўлиши мумкин.

«Туҳфат ус-салотин» С.Ғаниева томонидан табдил ва нашр этилган (2007).

АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ, Абуисмоил Абдуллоҳ ибни Абулмансур Муҳаммад Ансорий Ҳиравий (1006, Ҳирот – 1088) – форс-тожик шоири, муфассир, фақиҳ, тасаввуф шайхи. У "Пири Ҳирот" ва "Шайхулислом" номлари б-н катта шуҳрат қозонган. "Насойим ул-муҳаббат"да ўз тилидан берилган маълумотга кўра, тўрт ёшида мактабга боради. 9 ёшида Абу Мансур ва Жорузий асарларини кўчиради. 14 ёшидан илмий давраларда иштирок этади. Мактаб таҳсили даврида шеър ҳам ёза бошлаган. Араб ва форс шеъриятидан 100 минг байт шеър, ровийлар силсиласи б-н бирга 300 минг ҳадис ёд билган.

А.А.нинг араб ва форс-тожик тилида кўплаб асарлари мавжуд: "Муножот", "Рисолаи дилу жон" ("Дил ва жон ҳақида рисола"), "Ганжнома", "Қаландарнома", "Канз ул-соликин" ("Соликлар хазинаси"), "Зод ул-мусофирин" ("Сайр қилувчиларнинг йўл озиғи"), "Ҳафт ҳисор" ("Етти қалъа"), "Сад майдон" ("Юз майдон" (мақом маъносида), "Насоеҳ" ("Насиҳатлар"), "Муҳаббатнома", *"Табақот ус-суфия"* ("Тасаввуф табақалари"), *"Манозил ус-сойирин"* ("Сайр қилувчиларнинг манзиллари") ва ҳ.к. Араб тилида 6 минг байтдан ортиқ шеър ёзган, бир қанча рисолаларга шарҳ ёзган. Насрий асарлари ичида келган 2000 та рубоий ҳам унга нисбат берилади. Бундан ташқари, ғазал, қитъа ва бошқа жанрларда ҳам ижод қилган.

Ўзидан кейинги форс-тожик ад-тига кучли таъсир кўрсатган: дидактик достончилик, сажъли наср ва тас-ий шеъриятнинг шаклланиши ва тараққиёти унинг номи б-н боғланади. Юсуф ва Зулайхо қиссасини "Анис ул-муридин ва шамс ул-мажолис" ("Муридлар дўсти ва мажлислар куёши") номи б-н насрий шаклга солган. Жами 14 мажлисдан иборат мазкур асарида тас.га оид рамзларни бадиий шаклда достоннинг асосий образлари воситасида баён қилган. Бу йўлни кейинчалик *Ҳаким Саноий* ва *Носир Хусрав* каби забардаст сўз санъаткорлари ҳам муваффақият б-н давом эттирди.

Навоийнинг А.А.га ихлос-эътиқоди баланд бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"да "ҳар ердаким Шайхулислом воқеъдурур, мутлақ мурод ондиндур", дейилади. Умрининг охирида барча расмий мансаб ва лавозимлардан воз кечиб, А.А. мозори жорубкашлигини (супурувчиси, ходими) афзал билгани ҳам бежиз эмас.

Навоий "Лисон ут-тайр"да А.А. б-н боғлиқ "Кўнгилнинг хушлиги – унинг Ҳаққа машғуллиги" мазмунидаги бир нақлни келтиради. "Ҳайрат ул-аброр", "Мажолис ун-нафоис", "Маҳбуб ул-қулуб" асарларида ҳам Ансорий таърифи, у б-н боғлиқ нақл ва иборалар ўрин олган. "Насойим ул-муҳаббат" А.А.нинг "Табақот ус-суфия" тазкираси асосида ёзилганлиги маълум. Жомий уни кейинги тўрт асрдаги янги маълумотлар б-н тўлдирган ҳолда таржима қилган бўлса, Навоий унга туркий машойихлар ҳақидаги маълумотларни қўшган.

А.Ҳабибуллаевнинг ёзишича, Алишер Навоий ижодида унинг Ансорийга муносабати уч хил кўринишда намоён бўлади:

1) А.А.нинг тарихий шахс, яъни шайх ул-ислом сифатидаги фаолияти;

2) А.А. ижодкор сифатида; унинг адабий мероси, образларидан ўз ғояларини илгари суриш учун фойдаланиш;

3) А.А. мутафаккир сифатида; унинг фалсафий дунёқарашига бўлган муносабат алоҳида-алоҳида ўз аксини топган.

АБДУЛЛОҲ БИН МУҲАММАД МАНОЗИЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопурда яшаган. *Ҳамдун Қассор*нинг шогирди. Иброҳим бин Шайбон Кирмоншоҳий б-н мулоқот қилган. Дунё ва унинг аҳлидан буткул узилган валий зот. Сўз ва амалда сидқ ва риёдан холи бўлишни саодатнинг асосий белгиси, деб ҳисоблаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБДУЛЛОҲ БИН МУҲАММАД ХАРРОЗ (ваф. 932 й.дан олдин) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Рай шаҳрида туғилган. Этикдўзлик касби б-н шуғулланганлиги учун "Харроз" лақаби б-н машҳур бўлган. Жавонмардлик тариқатининг йирик намояндаларидан. Шайх Имрон Кабирнинг шогирди. Абу Ҳафс Ҳаддод, Али бин Бундор Сўфий Сайрафий, Абулаббос Динаварий, Абу Абдуллоҳ Муқрий, Юсуф Бин Ҳусайн Розий, Музаффар Кирмоншоҳий б-н суҳбатдош бўлган. Ҳақ сўз, ҳақиқат йўлида жасоратли шайх сифатида шуҳрат топган.

АБДУЛЛОҲ МАРВОРИД, Хожа Шаҳобиддин Абдулло бин Муҳаммад Кирмоний (ваф. 1516 й., Ҳирот) – шоир, олим, мунший, мусиқашунос ва бастакор. Вазир оиласида таваллуд топиб, яхши таълим олган. Ҳусайн Бойқаро салтанатида муҳрдор, вазир ва парвоначи вазифасида хизмат қилган. Шоирликда Жомийни ўзига устоз деб билган, Баёний тахаллуси б-н ижод қилган. Қасида ва ғазаллар девони, "Хусрав ва Ширин" достони ҳамда "Мунис ул-аҳбоб" ("Дўстлар ҳамрози") рубоийлар тўпламининг муаллифи. Роқимий уни "маънолар денгизи ғавҳарининг ғаввоси" деб таърифлайди. "Тамсилот" ("Ташбеҳлар") мажмуаси ҳам машҳур бўлган. "Муншаоти Марворид" ("Марворид иншолари") китобида давлат аҳамиятига молик фармонлар, мактублар, таъзияномаларни тўплаган. Бу ҳужжатлар тўплами ўша даврдаги Хуросон, Мовароуннаҳр, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-адабий ҳаётини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

"Муншаоти Марворид" асари "Иншо", "Маноқиб", "Тарассул" ("Мактублар"), "Шарафнома" каби номлар б-н ҳам аталган. Унинг қўлёзмалари жаҳоннинг кўплаб фондлари, жумладан, бир нусхаси ТошДШИ ШҚМда сақланади. Немис олими Р.Ремер 1952 й. уни таржима қилиб, изоҳлар ва фотонусхаси б-н бирга нашр эттирган.

"Муншаот" Навоий ҳаёти ва ижодини ёритишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ундан шоирнинг Ширвон ҳукмдори Фаррухшоҳ, Хожа Шамсиддин Али ва б.га ёзган, Жомийнинг Навоийга йўллаган мактублари ўрин олган. Навоийнинг ҳажга бориши учун Ҳусайн Бойқаро берган ижозатномадан шоҳнинг улуғ шоирга муносабатини билиб олиш мумкин. "Муншаот"дан Ҳусайн Бойқаронинг 1487 й.да Навоийни Астарободга ҳоким этиб тайинлангани муносабати б-н оққуюнлилар ҳукмдори Султон Яъқубга йўллаган мактуби ҳам ўрин олган.

А.М. Навоийнинг ёрдами ва раҳбарлигида мусиқадан яхши сабоқ олади, моҳир мусиқашунос бўлиб етишади ва мусиқа ҳақида махсус рисола ёзади. У Навоийнинг "Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур" деп бошланадиган машҳур мустазодига "Сармасту яқо чок" номи б-н куй басталаган. Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида маълумот берилишича, "бу кўшиқ ўша вақтда Ҳиротда жуда машҳур бўлган: у куйланмайдиган бирор уй ва бу ашулани эшитиб ёқасини чок қилмайдиган бирор тингловчи топилмаган".

АБДУЛЛОҲ МЕҲНАИЙ (15-аср) – форс-тожик шоири. Орифлар султони *Абусаид Абулхайр* авлодидан бўлиб, кўп илмларда ўз даврининг ягонаси эди. Ҳирот адабий доирасида ўз ўрнига эга бўлган. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"да маълумот беришича, "агарчи мажнуншиор кишидир, аммо чун салим фитрати бор, гоҳ-гоҳ тилига назмлар ўтар". Асосан ғазал ёзган, ижодидан жуда оз намуналар етиб келган.

АБДУЛЛОҲ МУБОРАК, Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Ханзалий ал-Марвазий (736–797) – суфий, муҳаддис,

фақих. Ҳадис, фиққда ўз даврининг етук олими бўлган. Хоразм туркийларидан Муборак ибн Возиҳнинг ўғли. Марвда туғилган. Бутун умрини ҳаж, мужоҳада, илм ва ибодатга бахшида этган. Кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Саёҳатларида *Абу Ҳанифа* б-н кўришган ва унинг энг мумтоз шогирдларидан бири бўлган. Суфийлик, фиқҳ, ҳадиснуносник, тарих, филология ва тафсирга оид асарлар ёзган. "Уламо шаҳаншоҳи" деган фахрий унвонга сазовор бўлган. Арбаъиннавислик анъанасига асос солган. *Ҳамдун Қассор*нинг муриди. Суфён Саврий, Фузайл бин Иёз, Саҳл бин Али Марвазий, Мусо бин Муҳаммад Сулламийлар суҳбатидан баҳраманд бўлган.

"Ҳайрат ул-аброр"даги 16-мақолатга илова қилинган ҳикоят А.М. ҳаётидан олинган. "Насойим ул-муҳаббат"да А.М.нинг тавба мақомига қандай эришгани ҳамда васиятлари ҳақида маълумот берилган.

АБДУЛЛОҲ ҲОЗИР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Юсуф бин Ҳусайн Розийнинг тоғаси. *Зуннун Мисрий*нинг яқин суҳбатдоши. "Нафаҳот ул-унс"да маломатийлик тариқатининг тарафдорларидан бири сифатида тилган олинган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБДУЛМАЛИК ИСКОФ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Мансур Ҳалложнинг* шогирди. Шариф Ҳамза Уқайлий, Абулҳасан Табарий, Пири Форс, Абу Мансур Муҳаммад бин Али Ансорий (*Абдуллоҳ Ансорий*нинг отаси), Абулқосим Ҳаннона б-н суҳбатдош бўлган. Балхда яшаган. Бир юз йигирма йил умр кўрган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ, Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолиддин Исҳоқ (1413.7.11–1482, Ҳирот) – машҳур сайёҳ, элчи ва тарихчи. Тафсир, ҳадис, тарих, тил ва ад-т фанларини пухта эгаллаган. Ҳаётининг кўп даври Самарқандда ўтгани учун Самарқандий нисбасини олган. Араб тили грамматикасига бағишланган "Рисолаи Азудия"га шарҳ ёзган. Шоҳрух саройида дипломатик ёзишмаларни олиб боришда қатнашади, 1442–44 й.да элчиларга бошлиқ бўлиб, Ҳиндистон жанубидаги Каликут, Хиновар, Мангалур, Билур, Боканур ва Вижаянагар рожалигига сафар қилади. Шоҳрух 1446–47 й.да уни дипломатик топшириқ б-н Гилонга жўнатади. Ҳаётининг сўнгги даврларида Абулқосим Бобур саройида хизмат қилади. Бобурнинг Мозандаронга (1453), сўнгра Самарқандга (1454) қилган юришларида қатнашади. Абу Саид Мирзо 1463 й. А.С.ни Ҳиротдаги Шоҳрухия хонақоҳига шайх этиб тайинлайди. А.С. Мовароуннаҳр ва Урта Шарқ мамлакатларининг 14–15-аср тарихига оид бой маълумотларни ўзида жамлаган "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшиляш жойи") номли тарихий асари (1467–69 й.да форс тилида ёзилган) б-н шуҳрат қозонган. Навоий А.С.ни "Мажолис ун-нафоис"нинг 2-мажлисида "Мавлоно Абдураззоқ" номи б-н эслаб, хушсуҳбатлиги, тарих илмида маҳоратли эканлигини алоҳида таъкидлайди ва мисол тариқасида қуйидаги байтини келтиради:

Боз абрў кард боло турки
тийрандози ман,
Оламеро кушту дорад ин
замон андози ман.

(Мазмуни: Менинг мерган гўзалим яна қошларини чимирди, бутун оламни маҳв этиб, энди менга ўқ отмоқчи бўлади).

АБДУРАҲИМ ИСТАХРИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Амр. Рувайм, Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Жаъфар Ҳаззо б-н суҳбатдош бўлган. Маломатийлик тариқатининг намояндаларидан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБДУРАҲИМ КОТИБ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Ҳирот хаттотлик мактабининг вакилларидан. 1551–52 й. Навоийнинг терма девонини китобат қилган. Қўлёзма 147

варақдан иборат бўлиб, настаълиқ хатида кўчирилган (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами 2790).

АБДУҚАҲҲОР (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг отаси саройда амир лавозимида ишлагани, баҳодир киши бўлгани, лекин ўғлига бундай хислатлардан ҳеч бири ўтмагани, муаммо илмида қобилияти борлиги ҳақида маълумот беради. Хондамир "Ҳабиб ус-сияр"да А.нинг Абулқосим Бобур ҳамда қози Қутбиддин Муҳаммад вафотига бағишланган икки таърихини келтиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Ҳумом" исмига битилган бир муаммоси тилга олинган.

АБО – олди очиқ, жундан тўқилган устки кийим, тўн. Зоҳидлар ҳамда сипоҳийларнинг устки кийими. А. ҳам оддий, ҳам нақш солинган ҳолда тикилган.

Турфа абойи анга истаб кўнгул,
Ранги сақарлот била долу гул.

("Ҳайрат ул-аброр", 16-мақолат)

АБОБИЛ (ар.) – қанотлари узун кичик қуш тури. Қуръони каримнинг "Фил" сурасида А.га боғлиқ қисса келтирилган. Диний манбаларга кўра, Яман подшоҳи – Абраҳа милодий 570 й. Каъбани бузиш ниятида Макка томон қўшин тортади. Шу пайт осмонда тўсатдан А.лар пайдо бўлиб, филга минган Абраҳа қўшини устига лойдан пиширилган тош улоқтириб, сон-саноқсиз қўшинни қурт еган ўсимлик сингари илма-тешик қилиб ташлайди. Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида такаббур ва худобехабар ҳукмдорнинг тақдири қандай аянчли якун топиши мумкинлигини кўрсатиш мақсадида А. б-н боғлиқ қиссани далил сифатида келтиради:

Кўрки, не бир лаҳзада бўлди қатил
Тайри абобил ила асҳоби фил.

("Ҳайрат ул-аброр", 20-мақолат)

АБР (ф.) – булут. Алишер Навоий ижодида А. б-н боғлиқ жуда кўп иборалар учрайди: А.и бало – бало булути, офатли булут; А.и баҳор – баҳор булути, кўклам булути; А.и баҳорий – баҳорги булут, серёғин булут; А.и гуҳарбор – гавҳар ёғдирувчи булут; *маж.* саховатли, қўли очиқ киши; А.и гуҳарсанж – гавҳар ёғдирувчи булут; А.и эҳсон – *маж.* карам ва саховатда мардоналик, лутфу карам б-н тўкин-сочин қилувчи; А.и кофурбез – қор ёғдирувчи булут; А.и карам – саховат, икром булути; А.и мутир – серёғин булут; А.и навбаҳор – эрта баҳордаги серёғин булут; А.и найсон – апрель ойидаги серёғин булут; А.и пурбор – қалин, серёғин булут; А.и раҳмат – раҳмат ва барака ёмғирини келтирадиган булут; А.и қийрмонанд – қора булут; А.и ҳасрат – *маж.* армон, қайғу ва ҳасратни кўпайтирувчи ҳодиса.

А. ирфоний рамз шаклида банда ва Илоҳ ўртасидаги ҳижоб – парда. Бу шундай пардаки, истидлол ва ижтиҳод орқали Мутлақ Ҳақиқатга етишиш имконини беради. Шунингдек, А. илоҳий файз тимсоли сифатида ҳам қўлланилган.

Юзунг ғамида эрур абри навбаҳор кўзум,
Не айб, ер юзини қилса лолазор кўзум.

("Ғаройиб ус-сиғар", 434-ғазал)

АБРОР (ар.) – яхши хулқ соҳиблари, покиза инсонлар, софдил кишилар. Ирфон фалсафасининг таянч ахлоқий атамаларидан бири. Ирфон аҳлининг фикрига кўра, А. Аллоҳнинг хос бандалари бўлиб, сайри илаллоҳнинг муайян босқичларини босиб ўтган ва маъ-ий камолотнинг юксак даражаларини эгаллаган зотлардир. А.лар йўли тариқатнинг учта асосий таркибининг ўртанчаси бўлиб, бу нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликдан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланади. Хоҳ Ҳақ б-н, хоҳ халқ б-н бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ва тўғриликдан чекинмаслик – ушбу йўлнинг бош мақсади. А.лар руҳий камолот йўлида *муқарраб*лардан кейин турадилар.

Навоий ғазалларида А.ларнинг маъ-ий дунёси, уларга хос бўлган юксак инсоний фазилатлар баланд пардаларда куйланган. Қолаверса, унинг ўзи ҳам мамлакат ободлиги, диний ва дунёвий ҳаётни ўзаро уйғун ҳолатда ривожлантиришда жонкуяр бўлгани, катта улуш қўшгани А.лар б-н маслакдош эканлигини яққол кўрсатади. Навоий "Хамса"-

нинг илк достонини "Ҳайрат ул-аброр" деб номлагани сабабини қуйидагича изоҳлайди:

Ҳайрати аброр куруб зотини
"Ҳайрат ул- аброр" қўюб отини.

Шунингдек, "Насойим ул-муҳаббат"да Абу Туроб Нахшабийнинг устози Абу Ҳотам Атторни А.лар тоифасига мансуб, дея таърифлайди.

АБУ АБДУЛЛОҲ АНТОКИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шариат ва тариқат илмининг етук билимдони. Бишр Ҳофий, Сарий Сақатийга яқин маслакдош. Ҳорис Муҳосибийнинг шогирди. Ансорий, Жомий ва Навоий тазкираларида унинг асл исми Аҳмад бин Осим Антокий, деб тилга олинган. Аммо ушбу тазкиралардан шу номдаги бошқа бир шайхнинг таржимаи ҳоли ҳам ўрин олган. Бу икки шайх аслида бир киши эканлиги эҳтимолдан холи эмас.

АБУ АБДУЛЛОҲ ЖАВПОРАИ СЎФИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Али Заққоқ суҳбатидан баҳраманд бўлган. Шубҳали луқмадан буткул парҳез қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ АБДУЛЛОҲ МАВЛО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиротда яшаган. Пир Абусаид Дунийга замондош. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ АБДУЛЛОҲ МАҒРИБИЙ, Муҳаммад бин Исмоил (794–912) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Асли термизлик бўлган Абулҳусайн Али Разин Ҳиравийнинг шогирди. Иброҳим Хаввос, Иброҳим бин Шайбон Кирмоншоҳий ва Абубакр Байкандийнинг устози. Заҳрун Мағрибийнинг замондоши ва дўсти. Тур тоғидаги муқаддас саналган харнуб дарахти остига дафн қилинган.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан келтиради.

АБУ АБДУЛЛОҲ МОНАК, Аҳмад бин Иброҳим Монак – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бундор Аргунийнинг шогирди. Абубакр Шиблий ва Жунайд Багдодий суҳбатидан баҳраманд булган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ АБДУЛЛОҲ МУХТОР БИН МУҲАММАД БИН АҲМАД ҲИРАВИЙ (892) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. "Сайид Имом" номи б-н машҳур булган. Ҳам шариат, ҳам тариқат илмини чуқур эгаллаган. Абу Али бин Мухтор Алавий каби валийсифат муридларни тарбия қилган. Ҳиротда вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан келтиради.

АБУ АБДУЛЛОҲ ХАФИФ ШЕРОЗИЙ, Муҳаммад бин Хафиф бин Исфикшор Заббий (882 – Шероз–943 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, муҳаддис ва фақиҳ. Куняси – Абулҳасан. Асли нишопурлик булиб, Шерозда туғилган. Шайх Абу Толиб Хазраж Багдодий ва Абу Муҳаммад Атойидийнинг муриди. Кўп мамлакатларда сафарда бўлиб, Рувайм, Абубакр Каттоний, Юсуф бин Ҳусайн Розий, Абу Яъқуб Зизий, Абулаббос Сурайж, Абубакр Ушноний, Абулхайр Моликий, Абубакр Шаъроний, Абу Муҳаммад Атойидий, Муъаммил Жассос, Жаъфар Ҳаззо, Ҳишом бин Абдон, Абу Муҳриз Шерозий, Али бин Шуллуя, Абубакр Искоф, Абу Заҳҳок, Абдуллоҳ Қассор, Абу Али Ворижий, Жаъфар Жаъдий, Абулқосим Қасрий, Абдулазиз Баҳроний, Али бин Абу Али бин Муҳаммад Аккор, Мусо Имрон, Абу Зуръа Ардабилий, Шайх Абдуллоҳ Боку, Яҳё бин Аммор Шайбоний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Абулҳусайн Бишр Сижзий ва Бундор бин Ҳусайн бин Муҳаллаб Шерозийнинг устози. Мансур Ҳалложнинг ўлимига қарши чиққан. Ғайбат ва ҳузур тушунчаларига илк марта назарий тавсиф берган. "Рисолаи васият", "Шараф ул фуқаро" ("Дарвешлар шарафи"), "Авсоф ул қулуб" ("Кўнгиллар васфи"), "Китоб

ул иқтисод" каби 28 асар муаллифи. Хафифия тариқатининг асосчиси. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ АБДУЛЛОҲ ҚАЛОНИСИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кўп тас-ий манбаларда сафардошлари филнинг боласини еб ҳалокатга учраган, лекин она фил А.Қ.ни кўтариб, манзилига етказиб қўйгани ҳақида ҳикоят келтирилган. Жумладан, Румийнинг "Маснавийи маънавий"сида ҳам бу ҳикоят батафсил ёритилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ АЛИ ЗАРГАР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абулаббос Қассоб Омулий*нинг муриди. *Абдуллоҳ Ансорий*нинг пирларидан бири. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ АЛИ КАЙЁЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Сейистонда яшаган. Маломатийлик тариқатининг йирик намояндаси. Шайх Аҳмад Наср, Шайх Абулҳусайн Молиний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ АЛИ СИНДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Боязид Бистомий*нинг устози. Фано ва тавҳид илмининг юксак билимдони. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ АМР ДИМИШҚИЙ (ваф. 932) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Жалло, Зуннун Мисрий, Али бин Бундор Суфий Сайрафий, Абулҳусайн Даррож, Абулҳасан Суфий Фушанжий, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Валийлар ўз кароматларини пинҳон тутишлари фарз, деган ақидани илгари сурган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ АМР ЗУЖОЖИЙ, Муҳаммад Иброҳим (960 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопурда туғилиб, Маккада яшаган. *Жунайд Бағдодий*нинг муриди. Рувайм, Иброҳим Хаввос, Абу Амр Нужайд, Абубакр Каттоний, Абулҳусайн Музаййин Кабир суҳбатидан баҳраманд бўлган. Абу Амр Нужайднинг гувоҳлик беришича, у ўз давридаги етук шайхларнинг имоми ва пешвоси ҳисобланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ АМР НУЖАЙД, Исмоил бин Нужайд бин Аҳмад Сулламий (ваф. 977) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абдураҳмон Сулламий*нинг бобоси. Нишопур шаҳрида туғилган. *Абу Усмон Ҳирий*нинг шогирди. Абулҳасан Бишр Сижзий, Абу Салама Бовардий, Абу Наср Қаббоний, Абу Амр Зужожий, Абубакр Каттоний, Абулҳусайн Музайййин суҳбатидан баҳраманд бўлган. Тас.да кўпроқ маломатийлик тариқатига рағбат билдирган. Ҳадис илмида "Ал-жузъ фил-ҳадис" ("Ҳадис илмида китоб") номли асар ёзган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУ АҚҚОЛ БИН ИЛВОН МАҒРИБИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Ҳорун Андалусийнинг суҳбатдоши. Маккага бориб, тўрт йил ҳеч нарса емай, ўша ерда вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЖАЪФАР, Аҳмад бир Ҳамдон бин Али бин Синон (ваф. 924) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопур шаҳрида туғилган. Хавф, тақво ва зуҳдга алоҳида аҳамият қаратган.

Абу Ҳафс Ҳаддод б-н учрашган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЖАЪФАР ДОМҒОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Афғонистондаги Домғон ш.да туғилган. Мадинада яшаган. Шайх Абубакр Каттоний б-н учрашган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЖАЪФАР МУЪОЗ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мисрда яшаган. Абу Жаъфар Ҳаддод ва Абу Абдуллоҳ Барқий б-н учрашган. *Абулҳусайн Сирвоний Сағир*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЖАЪФАР СОМОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Луком тоғида *абдоллар* б-н учрашган. Ўз манфаатини маслакдош биродарларидан устун қўйган киши ҳеч қачон юксак маъ-ий мақомларга эришолмайди, деган ғояни тарғиб қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЖАЪФАР СУМОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абдуллоҳ Ансорий уни Жунайд Багдодийнинг замондоши деб атаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЖАЪФАР ҲАДДОД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ансорий берган маълумотга кўра иккита шайх А.Ҳ. номи б-н аталган. Биринчиси – А.Ҳ. Кабир бағдодлик ва Жунайднинг яқин сафдошларидан бўлган. У Бундор бин Ҳусайн Муҳаммад бин Муҳаллаб Шерозий, Рувайм б-н учрашган. Золим бин Муҳаммаднинг устози. Иккинчиси – Абу Жаъфар бин Букайр Ҳаддод Миср аҳлидан бўлиб, А.Ҳ. Кабирнинг шогирди. Абу Жаъфар Муъоз Мисрий ва Ибн Ато б-н учрашган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЖАЪФАР ҲАФФОР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Багдодий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЗАЙД МАРҒАЗИЙ ХУРОСОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Марвлик фақиҳ. Ҳажга борганида Иброҳим бин Шайбон Кирмоншоҳий б-н учрашгач, унга мурид тушади. Бир йил сабоқ олиб қайтганидан сўнг яна уч марта ҳаж қилади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУ ЗАРР ТЕРМИЗИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хуросоннинг улуғ шайхларидан. Ансорийнинг маълумот беришича, у ўз ҳожатини одамлардан эмас, фақат Худодан сўраб оладиган зотлардан бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ЗАҲҲОК – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан келтиради.

АБУ ИСҲОҚ БИН ЗАРИФ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Муҳйиддин ибн ал-Арабий*нинг устозларидан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУ ЛАҲАБ/БУЛАҲАБ, Абулъузза бин Абдулмуталлиб бин Ҳошим (ваф. 623 м.) – Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиси ҳамда ислом динининг ашаддий душманларидан бири. Аслида куняси Абу Утба бўлиб, икки ёноғи қизилликка мойил

бўлгани учун "А." лақабини олган. Жоҳилият даврида А. билан Муҳаммад (а) ўзаро якин муносабатда бўлишган. А.нинг икки ўғли – Утба ва Утайба Пайғамбаримизнинг қизларига уйланишган. Ислом дини нозил бўлганидан кейин А. унинг ашаддий душманига айланган ва ўғилларини Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизларини талоқ қилишга мажбур қилган. Ҳижрат йили А. қурайшийлар билан тил бириктириб, Муҳаммад (с.а.в.)ни тушагида ўлдиришга қасд қилади, аммо бунга эришолмайди. Ислом дини ва унинг пайғамбарининг душманлари ичидан фақат А.нинг исми Қуръони каримда ("Масад" сураси) зикр этилган.

Қаҳр барқи бирла
раҳмат ёмғури гар буйладур,
Эмин эрмас Булъало,
навмид эмастур Булаҳаб.
("Гаройиб ус-сиғар", 45-ғазал)

АБУ МАНСУР ГОВКУЛОҲ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Сарахс шаҳрида яшаган. Маломатийлик тариқати намояндаси. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ МАНСУР ИСФАҲОНИЙ, Муъаммар бин Аҳмад – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Исфаҳон шаҳрида имом Аҳмад Ҳанбал мазҳабидаги жомеъ масжидда имом бўлган. Шайх Аҳмад Куфоний б-н учрашган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУ МАНСУР МУҲАММАД АНСОРИЙ (ваф. 1040 й., Балх) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абдуллоҳ Ансорийнинг отаси. Абдулмалик Искоф, Абулмузаффар Термизий, Пири Форсий, Абулҳасан Табарий, Яҳё бин Аммор, Шайх Аму б-н суҳбатда бўлган. *Шариф Ҳамза Укайлий*нинг мурид и. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУ МАНСУР СЎХТА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиротнинг Кухандиз мавзеида яшаган. Ўзини пири учун ўтга солганида олов зиён етказмагани учун "Сўхта" (бағри куюк) номини олган. Қабри – Ҳиротнинг Хиёбон мавзеида. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУ МУЗОҲИМ ШЕРОЗИЙ (ваф. 956) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Форс минтақаси машойихи. Маърифат бобида Жунайд ва Шиблий б-н бўлган баҳсларда ғолиб чиққан. Ҳадис илмининг билимдони. Абу Ҳафс Ҳаддод б-н мулоқот қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ МУСО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. *Худойқули Шайх*нинг муридларидан. Ишқия тариқатида фақру фано мақомига мушарраф бўлган ориф. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни Навоий ёзиб, "Насойим ул-муҳаббат"га киритган.

АБУ МУҲАММАД ХАФФОФ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган шерозлик тасаввуф шайхи. Ковуш тикиш б-н шуғулланганлиги учун "Хаффоф" номи б-н машҳур бўлган. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Муъаммил Жассос, Ибн Саъдон Муҳаддис б-н мулоқот қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ МУҲРИЗ ШЕРОЗИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Зуннун Мисрий*нинг муридларидан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУ НАСР САРРОЖ (ваф. 988 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. "Товус ул-фуқаро" (Фақр аҳлининг товуси) номи б-н ҳам машҳур бўлган. "*Ал-Лумаъ фит-тасаввуф*" китобининг муаллифи. *Абу Муҳаммад Муртаъиш*нинг муриди. Сарий Сақатий, Саҳл Тустарий, Абу Мансур Гозур б-н учрашган.

*Абулфазл Ҳасан Сарахсий*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ САИД АЪРОБИЙ, Аҳмад бин Муҳаммад (вафо. 932–933) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, олим ва фақиҳ. Басрада туғилиб, Маккада яшаган, Масжид ул-Ҳарамнинг имоми бўлган. Тавҳид ва тас.га оид китоблар ёзган. Жунайд Багдодий, Амр бин Усмон Маккий, Абулҳусайн Нурий, Ҳасан Масуҳий, Абу Жаъфар Ҳаффор, Абулфатҳ Ҳаммол суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ САИД МУАЛЛИМ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Иброҳим Кайёл суҳбатидан баҳраманд бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг замондоши. Оқ хирқа кийиб юрган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ СОЛИҲ МУЗАЙЙИН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Касби – сартарош. Хилват ва узлатда ибодат қилишни афзал билган. Абулаббос бин Ато ва Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ТОЛИБ ИХМИМИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Каромот соҳиби бўлган. Абу Усмон Мағрибийнинг гувоҳлик беришича, у қушлар тилини ҳам билган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ УСМОН МАҒРИБИЙ, Саъид бин Саллом (вафо. 935 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тунис ш.дан 156 км. узоқликда жойлашган Қирвон мавзеида туғилган. *Абулҳусайн Сойиғ Динаварий*нинг муриди. Хирқани *Абу Али Котиб* қўлидан кийган. Ҳабиб Мағрибий, Абу Амр Зажжож, Абу Толиб Ихмимий, Абу Яъқуб Наҳражурий, Абулҳусайн Бунон, Абу Саид Харроз, Абулҳусайн Сўфий Фушанжий, Абулқосим Насроболдий б-н суҳбатда бўлган. Ўттиз йил Маккада яшаб, умри охирида Нишопурга кўчиб кетишга мажбур булади ва ўша ерда оламдан ўтади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ УСМОН ҲИРИЙ, Саъд бин Исмоил (вафо. 910 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Рай ш.да туғилиб, бир муддат Марвда яшаган. Шоҳ Шужоъ Кирмоний б-н Марвда танишгач, у б-н Нишопурга келади ва умрининг охиригача Нишопур шаҳрининг Ҳийра мавзеида яшаганлиги учун Ҳирий нисбасини олган. Тас. сирларини Шоҳ Шужоъ Кирмоний, Яҳё Маъоз Розий ва Абу Ҳафс Ҳаддоддан ўрганган. Муҳаммад бин Фазл Балхийга мактуб ёзган. Закариё Дулувийя, Талҳа бин Муҳаммад Сабоҳ Нилий, Али бин Бундор бин Ҳусайн Сўфий Сайрафий, Маҳфуз бин Маҳмуд, Абу Жаъфар бин Аҳмад бин Ҳамдон бин Синон, Абу Жаъфар Фарғоний, Шайх Абулҳусайн Варроқ, Абубакр Шабаҳий, Абубакр Муфид, Абу Али Сақафий, Иброҳим Нозувайҳ, Абу Жаъфар Муҳаммад бин Али Насавий, Абулҳасан Сўфий Фушанжий, Абу Амр Нужайд, Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Абдураҳмон Розий, Абу Абдуллоҳ Турғбадий унинг суҳбатидан баҳраманд бўлганлар. А.У.Ҳ. оз илм б-н муридларни улуғ манзилларга етказа олгани учун "Муқтадойи Раббоний" унвони б-н ҳам эсланади. Футувват ва жавонмардлик бобида баён этган фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ҲАМЗА БАҒДОДИЙ, Муҳаммад бин Иброҳим (вафо. 902 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Баъзи манбаларда Басра қозиси, ханафийлик мазҳабидаги фақиҳ Исо бин Абон Садақа (вафо. 836 й.)нинг ўғли,

*Абулфазл Ҳасан Сарахсий*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ САИД АЪРОБИЙ. Аҳмад бин Муҳаммад (ваф. 932–933) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, олим ва фақиҳ. Басрада туғилиб, Маккада яшаган, Масжид ул-Ҳарамнинг имоми бўлган. Тавҳид ва тас.га оид китоблар ёзган. Жунайд Бағдодий, Амр бин Усмон Маккий, Абулҳусайн Нурий, Ҳасан Масуҳий, Абу Жаъфар Ҳаффор, Абулфатҳ Ҳаммол суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ САИД МУАЛЛИМ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Иброҳим Кайёл суҳбатидан баҳраманд бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг замондоши. Оқ хирқа кийиб юрган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ СОЛИҲ МУЗАЙЙИН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Касби – сартарош. Хилват ва узлатда ибодат қилишни афзал билган. Абулаббос бин Ато ва Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ТОЛИБ ИХМИМИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Каромот соҳиби бўлган. Абу Усмон Мағрибийнинг гувоҳлик беришича, у қушлар тилини ҳам билган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ УСМОН МАҒРИБИЙ, Саъид бин Саллом (ваф. 935 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тунис ш.дан 156 км. узоқликда жойлашган Қирвон мавзеида туғилган. *Абулҳусайн Соиғ Динаварий*нинг муриди. Хирқани *Абу Али Котиб* қўлидан кийган. Ҳабиб Мағрибий, Абу Амр Зажжож, Абу Толиб Ихмимий, Абу Яъқуб Наҳражурий, Абулҳусайн Бунон, Абу Саид Харроз, Абулҳусайн Суфий Фушанжий, Абулқосим Насрободий б-н суҳбатда бўлган. Ўттиз йил Маккада яшаб, умри охирида Нишопурга кўчиб кетишга мажбур бўлади ва ўша ерда оламдан ўтади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ УСМОН ҲИРИЙ. Саъд бин Исмоил (ваф. 910 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Рай ш.да туғилиб, бир муддат Марвда яшаган. Шоҳ Шужоъ Кирмоний б-н Марвда танишгач, у б-н Нишопурга келади ва умрининг охиригача Нишопур шаҳрининг Ҳийра мавзеида яшаганлиги учун Ҳирий нисбасини олган. Тас. сирларини Шоҳ Шужоъ Кирмоний, Яҳё Маъоз Розий ва Абу Ҳафс Ҳаддоддан ўрганган. Муҳаммад бин Фазл Балхийга мактуб ёзган. Закариё Дулувийя, Талҳа бин Муҳаммад Сабоҳ Нилий, Али бин Бундор бин Ҳусайн Суфий Сайрафий, Маҳфуз бин Маҳмуд, Абу Жаъфар бин Аҳмад бин Ҳамдон бин Синон, Абу Жаъфар Фарғоний, Шайх Абулҳусайн Варроқ, Абубакр Шабаҳий, Абубакр Муфид, Абу Али Сақафий, Иброҳим Нозувайҳ, Абу Жаъфар Муҳаммад бин Али Насавий, Абулҳасан Суфий Фушанжий, Абу Амр Нужайд, Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Абдураҳмон Розий, Абу Абдуллоҳ Туруғбадий унинг суҳбатидан баҳраманд бўлганлар. А.У.Ҳ. оз илм б-н муридларни улуғ манзилларга етказа олгани учун "Муқтадойи Раббоний" унвони б-н ҳам эсланади. Футувват ва жавонмардлик бобида баён этган фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ҲАМЗА БАҒДОДИЙ, Муҳаммад бин Иброҳим (ваф. 902 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Баъзи манбаларда Басра қозиси, ҳанафийлик мазҳабидаги фақиҳ Исо бин Абон Садақа (ваф. 836 й.)нинг ўғли,

дейилади. Сарий Сақатий, Бишр Ҳофий, Абу Туроб Нахшабий б-н суҳбатда бўлган. Абу Бакр Каттоний ва Хайр Нассож ундан ҳадис ривоят қилган. Тарсус ш.да эканлигида сукр ҳолида шатҳ айтгани учун уни шаҳардан четга чиқариб юборишган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ ҲАМЗА ХУРОСОНИЙ (ваф. 902) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопурдаги жавонмардлик тариқати шайхларидан. Ироқ шайхлари б-н яқин алоқада бўлиб, Жунайд Бағдодий, Ҳорис Муҳосибий, Абутуроб Нахшабий ва Абу Наср Саррож б-н мулоқот қилган. Важд ва ҳол мақомида ўз даврида беназир саналган. Айрим тас. манбаларида уни *аброр*лар тоифасига киритишган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУ ҲАНИФА, Нуъмон ибн Собит ал-Куфий; Имоми Аъзам (699, Куфа – 767, Бағдод) – илоҳиётчи, фақиҳ, муҳаддис, ҳанафийлик мазҳаби асосчиси. "Имоми Аъзам" (буюк имом) – унга улуглиги эътироф этилиб берилган унвон. Узига тўқ, зодагон оиладан бўлиб, олим ва фозил инсонлар орасида вояга етган. Отасидан қолган катта бойликни ҳам илм йўлида сарф этган. Ёшлигидаёқ Қуръонни ёд олган, калом илми ва мантиқни ўрганган. 22 ёшида ироқлик улуғ аллома, илоҳиётчи Ҳаммод ибн Абу Сулаймонга шогирд тушган. Кейин Куфа ва Басранинг энг обрўли фақиҳи даражасига етиб, ўзи шогирдлар тарбиялаган. Камтар, меҳрибон ва ўта саховатли, ниҳоятда тақводор инсон сифатида ҳурмат қозонган. Унинг қирқ йил мобайнида хуфтон таҳорати б-н бомдод намозини ўқигани, 55 марта ҳаж қилгани ҳақида ривоятлар бор. 747–748 й.да А.Ҳ. Ироқ ҳокими ибн Ҳубайра таъқибидан қочиб Маккага кетади. Аббосийлар ҳокимият тепасига келгач, Ироққа қайтиб уламолик фаолиятини давом эттиради. Халифа ал-Мансур (ҳук.й. 754–775 й.) унга янги пойтахт – Бағдодда қозилик ёки бошқа истаган юксак лавозимни сўрашини таклиф қилади. Бироқ А.Ҳ. бу таклифни қатъиян рад этади. Шунда Мансур уни қамаб, қийноққа солади. А.Ҳ. орадан кўп ўтмай Бағдодда вафот этади. Мансур А.Ҳ.га заҳар ичирган ва у шу сабабли шаҳид бўлган, деган ривоят ҳам бор.

А.Ҳ. фиқҳ илмини биринчи бўлиб тасниф қилган, бобларга ажратиб, тартибга солган ва китоб шаклига киритган. Фиқҳ илмида қиёс ва истиҳсон (иккита бир-бирини рад этмайдиган фиқҳий хулосадан осонроқ ва яхшироғини ихтиёр этиш) усулларини илк марта татбиқ этган. А.Ҳ. илми калом, фиқҳ, ҳадис, сарфга оид бир неча китоблар ёзган. "Китоб ас-салот" ("Намоз аҳкомлари китоби"), "Китоб ал-Маносик" ("Ҳаж китоби"), "Китоб аш-шурут" ("Шартномалар ҳақида китоб"), "Китоб ал-фароиз" ("Мерос илми ҳақида китоб"), "Китоб ал-олим вал-мутааллим" ("Устоз ва шогирд ҳақида китоб"), "Китоб ал-фиқҳ ал-акбар" ("Катта фиқҳ китоби"), "Китоб ал-васия" ("Васиятнома китоби") ана шулар жумласидандир.

А.Ҳ. фақиҳларнинг устози, имом Шофиъий табъири б-н айтганда: "барча олим фиқҳда унинг шогирди" эди. У ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайдиган даражадаги аниқ ҳужжат ва далиллар асосида ҳукм чиқарадиган олим бўлган. А.Ҳ.нинг ҳадисга оид асарлари ҳам мавжуддир. Ўрта аср фақиҳи Абул Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд Хоразмий А.Ҳ. муснадларини жам қилиб, китоб шаклига киритган. 1907 й.да Мисрда чоп этилган бу китоблар даврлар оша мусулмонлар учун илмий манба ва асос бўлиб келмоқда.

А.Ҳ.дан таълим олган шогирдлар ўз даврининг етук пешволари бўлиб етишган. Улардан бири Абу Юсуф бўлиб, Ҳорун ар-Рашид даврида қозилик вазифасида ишлаган. Иккинчи шогирди имом Муҳаммад ибн Ҳасан имом Шофиъийга таълим берган. Ҳадисларни саралашда ниҳоятда моҳир бўлган, ҳар бир масалани далил б-н исботлай оладиган Зуфар ибн Ҳузайл ҳам А.Ҳ.нинг кўзга кўринган издошларидан бўлган. Яна бир шогирди Ҳасан ибн Зиёд А.Ҳ.нинг "Ал-Мужаррад", "Қозининг одоби", "Нафақалар", "Фароиз" ("Мерос илми"), "Хислатлар" каби китобларини

ниҳоясига етказган. А.Ҳ.нинг ўғли Ҳаммод ва набираси Исмоил ҳам шаръий илмлар борасида етук аллома бўлган, турли шаҳарларда қозилик қилган. Хуросонда биринчи бўлиб ҳадис ёзиб олган Абдуллоҳ ибн Муборак ҳам А.Ҳ.дан таълим олган. Мовароуннаҳрдаги мамлакатлар ҳамда дунёнинг бошқа кўпгина жойларида мусулмонлар А.Ҳ. мазҳаби қоидалари асосида ибодат қиладилар.

"Насойим ул-муҳаббат"да маълумот берилишича, А.Ҳ. Имом Жаъфар Содиқ б-н суҳбатда бўлган, Фузайл Иёз, Иброҳим Адҳам, Бишр Ҳофий, Довуд Тоий каби тас. шайхларидан сабоқ олган.

АБУ ҲАФС ҲАДДОД (ваф. 877 й., Нишопур) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Асл исми – Амр бин Салама. Темирчилик қилгани учун Ҳаддод номи б-н машҳур бўлган. Тас. илмини *Абдуллоҳ бин Маҳдий Бовардий ва Муҳаммад бин Мансур Тусий*дан ўрганган. *Абу Муҳаммад Ҳаддод ва Абу Усмон Ҳирий*нинг устози. Аҳмад Хизравайҳ, Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Ҳамдун Қассор, Абу Жаъфар Аҳмад бин Ҳамдон, Абу Али Сақафий, Иброҳим Нозувайҳ, Абдуллоҳ бин Муҳаммад Муртаъиш б-н суҳбатда бўлган. Тас. тарбиясида нафс тазкияси ва гўзал ахлоқ б-н зийнатланишга катта аҳамият қаратган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУ ҲОЗИМ МАККИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Тобеъинлардан бўлиб, Анас бин Молик, Абу Ҳурайра каби улуғ саҳобалар суҳбатига мушарраф бўлган. Тас. сирларини Ҳасан Басрийдан ўрганган. Уммавий халифа Ҳишом ибн Абдулмаликнинг эҳтиромига сазовор уламо сифатида танилган. Абу Толиб Маккий "Қут ул-қулуб" асарида А.Ҳ.М. ҳақида алоҳида фасл ажратиб, тақво, зуҳд ва руҳий тарбия ҳақидаги ҳикматларидан кўп иқтибос келтирган. Навоий ушбу шайх ҳақидаги фаслни Абутолиб Маккийнинг асари ҳамда Атторнинг "Тазкират ул-авлиё"си асосида ёзиб, "Насойим ул-муҳаббат"га киритган.

АБУ ҲОТАМ АТТОР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Унга "Зоҳирда тужжор (савдогар)га, ботинда аборга ўхшаш", деб таъриф беришган. *Абу Туроб Нахшабий*нинг муриди. Бағдоддаги тас. мактабининг асосчиларидан. Абу Саид Харроз ва Жунайднинг устози. Унинг "Саёҳат қалблар б-ндир", деган фикри нақшбандийлик тариқатидаги "Сафар дар Ватан" ғояси б-н уйғун ва ҳамоҳанг. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУБАКР БИН АБИ САЪДОН, Аҳмад бин Муҳаммад бин Аби Саъдон – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Жунайд Бағдодий*нинг муридларидан. Абу Али Рудборий, Абулқосим Муқрий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУБАКР МАВОЗИНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мисрлик тасаввуф шайхи. *Шайх Абулҳусайн Сирвоний*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУБАКР МИРЗО (1455– 1479) – темурий шаҳзода, Султон Абусаиднинг ўғли. Баҳодирлиги ва қиличининг зарби б-н ўз даврида машҳур бўлган. Навоий унинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг еттинчи мажлисида тилга олиб, назмий иқтидори борлигини алоҳида таъкидлайди ва баҳодирлик б-н боғлиқ қуйидаги туюғини келтириб ўтади:

Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
Ёра еб ётса отининг ёлина.
Ит улуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманиға ёлина.

Ушбу туюқда "ёлина" сўзи тажнис сифатида келтирилган бўлиб, бунда "ёлина" биринчи мисрада "машъал, ёлқин", иккинчи мисрада "отнинг ёли" ва тўртинчи мисрада "ялинмоқ" маъноларини англатади.

АБУБАКР МИСРИЙ, Муҳаммад бин Иброҳим (вафо. 956) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодий, Абулҳусайн Нурий, Абу Али Котиб Мисрий, Абулҳусайн Сирвоний Саҳир, Али бин Бундор Суфий Сайрафий суҳбатидан баҳраманд бўлган. *Абубакр Дуққий* ва *Қарофий*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУБАКР САЙДАЛОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Форс ўлкасида туғилиб, Нишопурда вафот этган. Шиблий Бағдодийнинг яқин суҳбатдоши. Хилват ва узлатга кўп эътибор қаратган, машҳурликни офат, деб билган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУБАКР СИДДИҚ (571/572, Макка – 634.23.8, Мадина) – "хулафои рошидин" ("тўғри йўлдан борган халифалар") ёхуд "чорёрлар" деб аталувчи дастлабки тўрт халифанинг биринчиси (ҳук.й. 632–634). Муҳаммад (с.а.в.)нинг энг яқин сафдоши ва қайноталари (Ойша (р.а.)нинг отаси). Қурайшлик йирик савдогар. Муҳаммад (с.а.в.) даъватлари б-н исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган. Исро ва Меърож мўъжизасини биринчи бўлиб тасдиқлаганлиги сабаб, Муҳаммад (с.а.в.) унга Сиддиқ, яъни имони кучли деб лақаб берганлар. Маккадан Мадинага ҳижрат қилишда Муҳаммад (с.а.в.)га ҳамроҳ, ғорда ҳамнишин бўлган (қар.: *Анкабут*). Бадр, Уҳуд, Хандақ, Худайбия ва б. жойлардаги жангларда иштирок этган. А. С. (р.а.) умр бўйи тўплаган 40 минг дирҳамини ислом йўлига сарф қилган, чунончи, Билол Ҳабашийни сотиб олиб, кулликдан озод этган. Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин биринчи халифа бўлиб сайланган (632). Араб қабилаларининг Мадина ҳокимиятига қарши кўтарган қўзғолонларини бостирган. А.С. (р.а.) халифалиги даврида арабларр Ироқ ва Сурияни фатҳ этган. 634 й.да Византия императори (Рум султони) Ираклий (Хирақил) юборган юз мингдан ортиқ қўшин ҳам ислом лашкарларидан енгилган. Қуръони каримни тартибга солиб, жилд ҳолига келтиришга киришган. Саҳобаи оламдан 142 ҳадис ривоят қилган. Мамлакатни бошқариш учун Маслаҳат кенгаши, ҳар бир вилоятга волий (ҳоким) тайинлаш, Байтулмол ташкил этиш каби тартиблар жорий этган. А. С. (р.а.) Муҳаммад (с.а.в.) васиятларига содиқ қолиб, жуда камтарона ҳаёт кечирган. Муҳаммад (с.а.в.) ёнларига дафн қилинган.

"Насойим ул-муҳаббат"да Аҳмад Жомий, Абусаид Абулхайр, Шаҳобиддин Суҳравардий каби тариқат шайхларининг силсиласи А.С.дан бошланиши ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, тас. аҳли нисобга етган молни тўлиқ закотга бериб, шукронасига яна бир миқдор пулни қарзга олиб, шукронасига садақа қилишни А.С.нинг йўли, деб баҳолашган. "Лисон ут-тайр"нинг 5–6-боблари А.С. таърифида бўлиб, унда Навоий бу зот ҳақида нозил бўлган оятлардан иқтибос келтириб, Расулуллоҳга бўлган садоқати ва муҳаббатини шоирона талқин этган.

Шарҳ ишига улки мундоқ қилса жаҳд,
Ким онинг осори қолғай то бу аҳд.
Ким қила олғай бу ишни ошкор,
Жуз Абубакр улки эрди ёри ғор.

("Лисон ут-тайр", 6-боб)

АБУБАКР ҚАСРИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фурот дарёсининг қирғоғида жойлашган Қасри Ҳубайра ш.да туғилгани учун "Қасрий" тахаллусини олган. Асосан Шероз шаҳрида яшаган. Ладунний илмининг соҳиби. *Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий* б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУЛАББОС БИН АРИФ САНҲОЖИЙ АНДАЛУСИЙ, Аҳмад бин Муҳаммад (вафо. 1140 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Испаниянинг Андалусия шаҳрида туғилган. Муҳйиддин ибн Арабий, Абуррабиъ Кафиф Молақий ва Абу Абдуллоҳ Газзолийнинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУЛАББОС БИН АТО, Муҳаммад бин Муҳаммад бин Саҳл Ато Адамий (ваф. 921) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Қуръони карим тафсири муаллифи. Тери сотиш б-н шуғулланганлиги учун "Адамий" номини олган. Тас. сирларини Иброҳим Мористоний ва Хайр Нассождан ўрганган. Жунайд Бағдодий, Абу Солиҳ Музаййин, Абулаббос Динаварий, Абу Жаъфар Сайдалоний, Абу Жаъфар Мажзум, Абулҳасан Сўфий Фушанжий, Абу Абдуллоҳ Муқрий, Абулқосим Муқрий, Абу Муҳаммад Росибий, Али бин Бундор Сўфий Сайрафий, Абулқосим Розий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Ибн Жалло уни тўртта беназир шайхнинг бири, деб таърифлаган. Мансур Ҳалложни қатл этишга қарши чиққани учун халифа ал-Муқтадир Биллоҳ томонидан улдирилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛАББОС БИН МАСРУҚ, Аҳмад бин Муҳаммад бин Масрук (ваф. 911) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Эроннинг Тус шаҳрида туғилиб, Бағдодда яшаган. Муҳаммад бин Мансур Тусий, Ҳорис Муҳосибий, Сарий Сақатий, Муҳаммад бин Ҳусайн Буржалонийдан тас. сирларини ўрганган. *Абу Абдуллоҳ Рудборий*нинг устози. Жунайд Бағдодийнинг яқин сафдоши. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛАББОС ҲАМЗА БИН МУҲАММАД (ваф. 855) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Имом Аҳмад Ҳанбалнинг издошларидан. Ҳиротда ҳанбалийлик мазҳабини ёйишда ҳисса қўшган. Иброҳим Ситанбаҳ б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛАДЁН, Абулҳасан Али – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулҳасан. Турли дин намояндалари б-н мунозарага киришиб, уларни баҳсда маглуб этгани учун "Абуладён" (динларнинг билимдони) номи б-н машҳур бўлган. Жунайд Бағдодий, Абу Саид Харроз б-н мулоқот килган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛАСВАД МАККИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. А.М. ҳақидаги маълумотлар Ансорий, Жомий ва Навоий тазкираларида бир хилда келган бўлиб, уларда руҳни поклаш ва нафсга қарши риёзат чекиш барокатидан ғайб оламига йўл топган авлиёларни зиёрат қилиш одоби ҳақида сўз юритилади.

АБУЛАСВАД РОЪИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Олдин чўпонлик қилган мажзуб соликлардан. Ансорий, Жомий ва Навоий тазкираларида обдастасидан таҳорат пайти сув, оч қолганида сут оққанлиги ҳақида бир хил маълумот берилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛБАРАКА (15-аср) – самарқандлик қози. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг қозилик фаолияти ҳақида Хожа Хурд исмли қозининг *аксидир деб* ёзади ва бадфеъллиги туфайли Хуросон ва Самарқандда уни билмаган киши йўқлигини айтади. А. аввал Шаҳрисабзда қозилик қилган, халқ унинг эулмидан норози бўлгач, Хуросонга борган. У ерда ҳам номаъқул ишлар қилгач, Самарқандга кетган ва тарафдорларининг ёрдами б-н яна қозилик мансабини эгаллаган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг таърифида замондошлари битган қуйидаги байтни келтиради:

Деви шайтон сифат Абулбарака,
Бод жояш ба ҳафтумин дарага.

(Мазмуни: Шайтонсифат дев Абулбаракаининг жойи еттинчи дўзах бўлсин!)

АБУЛБАРАКОТ, Тақиюддин Али Дўстий Симноний – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Пири Рукниддин Алоуддавла Симноний унинг суварий тажаллий мушоҳадаси ва танзеҳ мақомига эришгани ҳақида маълумот берган.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛВАЛИД АҲМАД БИН АБИ РИЖО (ваф. 846 й.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳирот яқинидаги Озодон қишлоғида туғилган. Имом Аҳмад Ҳанбалнинг шогирди. Имом Бухорий ундан ҳадис ривоят қилган. "Мужмали Фасиҳий"да 15–16-асрда Ҳирот аҳолиси ҳар чоршанба куни унинг қабрини зиёрат қилишга боришгани ҳақида маълумот берилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛВАФО ХОРАЗМИЙ (ваф. 1432, Хоразм) – тасаввуф олими, мутасаввиф шоир. Илмий-адабий манбаларда унинг *"Лавойиҳи асрор"* ("*Равшанлик сирлари*") ва *"Наср ул-жавоҳир"* ("Наср дурдоналари") номли илмий-тасаввуфий руҳда рисолалар ёзганлиги тўғрисида маълумот берилган. Лекин у асосан рубоийлари б-н машҳур бўлган. Таниқли афғон ад-тшунос олими Нажиб Мойил Ҳиравий Теҳронда нашр этилган "Дар шабистони ирфон" ("Ирфон хилватхонасида") асарида А.Х. ҳақида ҳам мухтасар гапириб, унинг 146 та рубоийсини илова тариқасида келтиради. Бу рубоийлар Теҳрон Миллий кутубхонасида 306-рақам остида сақланаётган "Жунги асрори ирфон" ("Ирфон сирлари дафтари") тўпламидан олинган. Теҳронда 1993 й. чоп этилган "Рубоийнома" тўпламига эса шайх-шоирнинг 98 та рубоийси киритилган.

А.Х. рубоийлари ваҳдат ул-вужуд таълимотининг шеърий ифодаси ҳисобланади. У тас. наз-яси талаб-қоидаларини шеърий усулда баён қилиб берган. Бу дунёнинг ўткинчилиги, нафс ва жисмнинг Ҳақ йўлида тўсиқлиги, ҳақиқий ҳаёт Аллоҳ ҳузурида эканлиги, бунинг учун камолот касб этиб, хулқни поклаб, комиллик мартабасига эришиш зарурлиги, Аллоҳ ҳақиқатлар ҳақиқати эканлиги, уни ақл б-н англаб бўлмаслиги, фақат юксак мақомга кўтарилган кўнгил ҳоли б-н уни таниш мумкинлиги, Аллоҳ эҳтиёжсиз зот эканлиги, бу дунёни ошкор қилиб, ўзини пинҳон тутганлиги, банда кўнглига илоҳий ишқ Аллоҳнинг ўзи томонидан солиниши, ўзини билган ҳою ҳавасга қул бўлмаслиги, дарвешлик, завқу талаб, дардмандлик, фақру фано, Ҳақ йўлида ўзни унутиш, ному нишонсизлик ва б. А.Х. рубоийларининг асосий мавзуси ҳисобланади.

А.Х.нинг номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлиси ва "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинади. Навоий унинг авлиё зот эканлигини, Хоразм халқи орасида "ер фариштаси" номи б-н шуҳрат қозонганлигини, зоҳирий ва ботиний илмларни яхши ўзлаштирганлигини айтиб, тас. ва мусиқа илмига доир рисола битганлиги ҳақида маълумот беради ва қуйидаги рубоийсини келтиради:

Бад кардаму эътизор бадтар зи гунох,
Зеро, ки дар ин ҳаст се даъвийи табоҳ:
Даъвийи вужуду даъвийи қуввату феъл,
Лоҳавла вало қуввата илло биллоҳ.

(Мазмуни: Уч ноҳақ даъво сабаб ёмон иш қилдимки, узри гуноҳдан баттар: улар вужуд, қувват ва феъл даъвоси бўлиб, барча куч ва қудрат соҳиби Аллоҳдир).

АБУЛМУЗАФФАР ТЕРМИЗИЙ, Ҳаббол бин Аҳмад – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Муҳаммад Ҳомид Дошгард*нинг мурид и. Хизр алайҳиссалом б-н юйибона суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУЛҲАСАН БИН ШАЪРА, Амр бин Усмон бин Ҳаким бин Шаъра – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. А.Ш. ҳақида Абу Саъид Молиний *"Арбаъин"* асарида маълумот берган. Айтишларича, унинг қабридан мудом Қуръон тиловати эшитилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛҲАСАН МУСАННО, Али бин Мусанно – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Астарободда яшаган. Абубакр Шиблий ва Шайх Абусаид Абулхайр б-н суҳбатда бўлган. Навоий

"Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛҲОМИД АСВАД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Қора танли бўлгани учун "Занжий" нисбаси б-н ҳам эсланади. *Абу Али Рудбо-рий*нинг устози. Масжид ул-Ҳарамда ўттиз йил эътикофда ўтирган. Важд ҳолига тушганда ранги оқариб, ўзига келганида яна асл рангига қайтган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУЛҲУСАЙН БИН БУНОН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Усмон Мағрибий ва Абу Саъд Харроз б-н суҳбатда бўлган. Самоъ мажлисларига алоҳида аҳамият қаратган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУЛҲУСАЙН БИН ҲИНД ФОРСИЙ, Али бин Ҳинд Кураший – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жаъфар Ҳаддод, Амр бин Усмон Мағрибий, Жунайд Багдодий, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУЛҲУСАЙН ҲАДДОД ҲИРАВИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Темирчилик касби б-н шуғулланган. Абулаббос Қассоб суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АБУНАСР ХАББОЗ ВА АБУЛҲАСАН СУҲОН ОЖАН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиротлик тасаввуф шайхлари. Гозургоҳда Ансорий б-н деярли бир вақтда яшаганлар. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайхлар ҳақидаги бобни айнан киритган.

АБУРРАБИЪ КАФИФ МОЛАҚИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абулаббос бин Арифнинг* муриди. Испаниядаги Андалусия ш.нинг машҳур машойихларидан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АБУСАЙИД АБУЛХАЙР, Фазлуллоҳ ибн Абулхайр Аҳмад (967 – Меҳна – 1049) – тасаввуфнинг таниқли намояндаларидан бири. Уни болалигида суфий шоир Қосим Башр ибн Ёсинга кўрсатганларида, Башр ибн Ёсин А.А.нинг тас.да юксак мақомларга эришишини башорат қилади. А.А. ўсмирлик чоғида Марвга бориб, беш йил Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хусарий, яна шунча й. Абу Бакр Абдуллоҳ ал-Қаффол (ваф. 1026 й.)дан шофиъийлик фиқҳи бўйича сабоқ олади. Сарахсда Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад (999 й.)дан тафсир, ҳадис ва калом илмини ўрганади. Дарвиш Луқмон Сарахсий (тахм. 997 й.) А.А.ни Абулфазл Ҳасан Сарахсийнинг хонақоҳига бошлаб келади. У шайх Абулфазл Сарахсий таъсирида олимликни тарк этиб, тариқат одобини ўрганади. А.А. Меҳнада 15 й. умр кечириб, шунинг деярли етти йилини тўлиқ узлат (ёлғизлик)да ўтказган, одамлар нигоҳидан четда, ярим оч ҳолда яшаган. Бу даврда у "чиллаи маъкус" – бошини пастга эгиб осилган ҳолда зикр қилиш вазифасини адо этган. А.А. биринчи шайхлик хирқасини машҳур суфий Абу Абдураҳмон Сулламий (ваф. 1021 й.)дан Нишопур ш.да, иккинчисини Омулда суфий Абул Аббос Аҳмад бин Қассобдан олган. А.А. ҳаётининг иккинчи ярмида ўз юртида тариқат аҳлининг пешвоси сифатида танилиб, хонақоҳи ҳамиша мурид ва мухлислар б-н гавжум бўлган. А.А. тас.ни нафс тарбияси ва қалб тасфиясига оид таълимот, деб билган. Унинг таълимотида одоб-ахлоқ, соликнинг маъ-ий олами ва одобига алоҳида аҳамият қаратилган. А.А. тас.да биринчи бўлиб мурид ва муршид-шайхнинг одоби ҳақида ҳар бири 10 бандан иборат ахлоқий дастур яратган. Унда самоъ мажлисларида шеър, куй ва қўшиққа кенг ўрин берилгани аҳоли орасида тарикатининг оммалашуви, шу

б-н бирга расмий диндорларнинг кескин эътирозига сабаб бўлади. А.А. таълимотига эргашувчилар асосан ўз юртида бўлиб, бу таълимот 1154 й.гача амал қилган. Меҳна 1154 й. ўғузлар томонидан забт этилганидан сўнг, А.А.нинг авлод ва издошлари буткул қатл қилинади.

"Насойим ул-муҳаббат" муқаддимасида А.А. "султони тариқат" дея улуғланиб, валийликнинг асосий шартларидан бири – риёзатни шарҳлашда у бажарган "чиллаи маъкус" вазифаси ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, Шайх Абулқосим Гургоний, Хожа Музаффар бин Ҳамдон, Хожа Муҳаммад Маъшуқ Тусий каби шайхлар б-н суҳбатда бўлгани, Шайх Абу Али Формадий, Шайх Аҳмад Зиндапили Жом, Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кўсўий Жомийнинг хирқа ва силсиласи унга бориб тақалиши билдирилган. А.А.нинг авлодларидан Хожа Муайяд Меҳна ва Хожа Рукнуддин Меҳна каби тариқат пешволари етишиб чиққан. Шайх қаламига мансуб "Ҳавроия" рубоийси дардларга шифо тумор сифатида машҳур бўлган. Унга Хожа Аҳрор Валий, Мавлоно Яъқуб Чархий ва б. шарҳлар ёзишган. "Мажолис ун-нафоис"нинг 7-мажлисида ушбу рубоийни Амир Темур ҳам ёд билгани ва бир қаландар қошида "Абдол эи бим чанг дар Мусҳаф зад"ни ўқиганлиги ҳақида ҳикоят келтирилган. "Лисон ут-тайр"да келтирилган ҳикоятда эса, риёзат туфайли Шайхга ҳидоят эшиклари очилгани баён қилинади.

АБУССУЪУД БИН ШАБЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Абдулқодир Жилий*нинг мурид и. Зоҳиран бой, ботинан дарвеш киши бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

"АБУШҚА" – изоҳли луғат. Алишер Навоий асарларидан фойдаланувчилар учун 16-асрда Туркияда тузилган. Муаллифи номаълум. Унда Навоий замондошлари асарларидан ҳам айрим мисоллар келтирилган. "А". луғати "абушқа" сўзига изоҳ бериш б-н бошлангани учун шу ном б-н машҳур. Бу сўз эски ўзбек тилида "кекса", "қари", "нуроний" маъноларини англатади. "А."ни тузишда ҳиротлик Толеъ Имонийнинг 15-асрда Навоий асарлари асосида юзага келган ўзбекча-форсча "Бадоеъ ул-луғат"идан кенг фойдаланилган. "А."ни даставвал венгриялик шарқшунос Г.Вамбери Будапештда венгер тилида (1862 й.), кейин рус шарқшуноси В.Вельяминов-Зернов "Ал-луғат ун-Навоий ва-л-истишҳодат ил-чиғатоия" ("Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари") номи б-н нашр эттирган (1868 й).

АБУҲОШИМ СЎФИЙ (ваф. тахм. 779) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куфа ш.да туғилган. Шомда шайхлик мартабасига эришган. Суфён Саврий б-н суҳбатда бўлган. Тас. тарихида "Сўфий" номи б-н машҳур бўлган биринчи шахс. Рамла шаҳрида биринчи сўфийлар хонақоҳига асос солган. Риёсиз ибодат ва хоксорлиги б-н машҳур бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АВБОШ – 1) бебош, дайди, безори:

Қачон жавқ-жавқ улса авбоши маст,
Тушар тақви аҳлиға кўп-кўп шикаст.
("Садди Искандарий", 85-боб)

2) тасаввуфий истилоҳ. Муҳаббат ва жазба ғалабасидан гуноҳ ёки савобни ўйламай, онгсиз равишда ёки бехудлик б-н кўнглига келган ишни амалга оширадиган киши; мажзуб соликнинг сифати:

Бенаволар оллида умри
абаддин яхшироқ
Ким, Навоий дайр ичинда
дохили авбош эрур.
("Гаройиб ус-сиғар", 148-ғазал)

АВЖ I (ар.) – оҳанг ёки қўшиқдаги энг баланд парда. А. қўшиқнинг тузилиши ва таркибига кўра ўртанча қисмларидан бири бўлиб, энг баланд пардада ижро этилади. Қўшиқнинг тузилиши ва оҳанг хусусиятига кўра, А. икки-уч ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Мумтоз қўшиқчиликда А.и Дунаср, А.и Турк ва Зебопарий номли А.лар маълум. "Ушшоқ"нинг шўъбаларидан бири ҳам "А." деб номланади. "Баҳжат ур-руҳ"да берилган маълумотга кўра, А. бир бонг (октава)дан иборат.

АВЖ II – "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да тилга олинган шахс номи. Мусо (а.) даврида яшаган. А. бин Унуқ жуссаси катта киши бўлган, Шомда яшаган. Мусо (а.) юборган қўшинга осонликча ва жиддий шикаст етказган. А. Мусо (а.) ҳассасининг зарби б-н ҳалок бўлади.

АВЛИЁ – валийлар, Худонинг дўстлари. Жомийнинг талқини бўйича, А. сўзи "валйун" (яқин киши, дўст) сўзидан олинган бўлиб, икки – умумий ва хос ҳолатларда қўлланилади. Умумий ҳолатда барча имонли кишилар А. ҳисобланади, чунки Аллоҳ жамийки бандаларидан фақат муайян қисминигина имон саодати б-н мушарраф этиб, Ўзини билиш ва таниш йулида собитқадам қилган. Иккинчи, хос ҳолатда эса имонли бандалар ичидан нияти пок ва тўғрисўз, ёмон ишлардан тавба қилиб, умрини фақат эзгу ишларга сарф этган, тоат-ибодатини бекам-кўст бажариб, бандалик ва илоҳийлик мақомларини англаган, чексиз риёзати ва гўзал хулқи б-н бошқаларга намуна бўлган, пайгамбарлар илмининг меросхўри сифатида танилган, эгаллаган билимига риёсиз амал қилган зотлар А.лик даражасига етган бўладилар.

А.ларнинг мартабаси пайғамбарлардан кейин туради, уларнинг кимлиги Аллоҳ таоло ва хослар – ўз тоифадагиларига маълум. Абу Абдуллоҳ Сижзийнинг ақидасига кўра, А.нинг учта аломати бор: риёсиз тавозе орқали улуғворлик касб этиш, Мутлақ Қудрат соҳибига ўзини буткул таслим этиш, барча ҳолатда ўзини ожиз банда, деб ҳисоблаш, руҳий ва жисмоний қувватни ножўя ва беҳуда ишларга сарфламаслик. Абдуллоҳ бин Солимнинг фикрига кўра, яхши сўз, гўзал хулқ, очиқюзлилик, саховатпешалик, эътирознинг камлиги, яхши-ёмон кимсаларнинг узрини қабул қилиш каби хислатлар А.ларнинг аломатларидан ҳисобланади. Хожа Абдуллоҳ Ансорий барча ҳолатда ўз ҳурматини сақлай билиш, беҳуда сўзламаслик, фақат ҳалол ризқ талабида бўлиш, Ҳақ таолодан ўзга ҳеч ким ва ҳеч нарсага бўйсунмасликни А.нинг хислатлари сифатида кўрсатган.

А.ларнинг сони, табақа ва даражалари ҳақида турли фикр мавжуд. *"Кашф ул-маҳжуб"*да А.нинг биринчи табақаси ахёрлар, деб номланган, уларнинг умумий сони 300 га етиши айтилган. Ахёрлар – маънавият оламининг посбонлари. Улардан юқори бўлган хослар абдоллар (жами 40 киши), кейингилари аброрлар (етти киши), автод (тўрт киши), нақиб (уч киши) ва қутб ёки ғавс (бир киши) деб аталади. Ҳаким Термизийнинг "Хатм ул-авлиё" асари ва Ибн ал-Арабийнинг "Футуҳот ул-Маккия" асарида бунга бироз бошқачароқ ёндашилган. Бундай фикрий хилма-хиллик А.ларнинг умумий сони ва мартабаси Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч кимга аниқ ва равшан эмас, деган қарашни мустаҳкамлайди.

"Насойим ул-муҳаббат"нинг муқаддимасида А.лар имонли кишиларга тўғри йўлни кўрсатувчи ва имонларининг мукаммал бўлишига раҳнамолик қилувчи зотлар экани айтилган. Тавба, ҳалол луқма, бирор касб орқасидан кун кечириш, шариат амалларига бекам-кўст риоя қилиш, одоб, ҳалимлик, сабр, ризо, сидқ ва тўғрисўзлик, риёсиз риёзатга бел боғлаш А.ларга хос бўлган умумий амаллардан ҳисобланади. А. – каромот соҳиби ва у ўз карокатини имкон борича пинҳон тутиши шарт. Уларнинг ибратли ҳаёти, ҳикматли сўзлари ва кашфу карокатлари Навоий учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлган. Навоий нафақат "Насойим ул-муҳаббат", балки деярли барча асарларида ахлоқий масалаларни ёритишда А.лар ҳаётидаги ибратли воқеа ва ривоятларга мурожаат қилган.

АВЛОСИЙ, Абулҳорис Файз ибн ал-Хизр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Иброҳим бин Саъд Алавийнинг шогирди. Алавий уни узлат ва қаноатга иршод қилган. А. Зуннун Мисрийни излаб Мисрга боради, лекин у шу куни вафот этган бўлади. Бироқ Зуннунни тушида кўриб, ундан барча саволларига жавоб олади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

"АВОРИФ УЛ-МАОРИФ" – Шайх Шаҳобиддин Суҳравардийнинг асари. Араб тилида ёзилган, олтмиш уч бобдан иборат. Унинг ҳар бир бобида сайр ва сулук одоби, шартлари, соликнинг вазифалари, маърифат, ҳол ва мақомларнинг таърифи, орифларнинг сулуки, суфийлар истилоҳлари ҳақида Қуръон ва суннатга асосланган ҳолда сўз юритилган. Китоб тас.нинг асосий манбаларидан бири сифатида машҳур бўлиб, форс тилига таржима қилинган. Навоий Шаҳобиддин Суҳравардийнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапириб, ушбу асарга ҳам тўхталиб ўтган, форс тилига Заҳириддин бин Али Бузғуш таржима қилгани ҳақида маълумот берган.

АВТОД I (ар. – қозиқлар) – аруз илмига доир истилоҳ. Ватаднинг кўплиги. "Мезон ул-авзон"да фақат А.дан таркиб топган бир байт келтирилган:

Қади ҳавосидин гаҳи шажар
сари назар қилай,
Юзи хаёлидин гаҳи чаман
сари гузар қилай.

АВТОД II – валийлик назариясига оид тушунча. А. – дунёнинг тўрт бурчагида яшовчи валийлардан иборат бўлиб, улар оламдаги барқарорлик ва баракотнинг кафилларидир. Бу оламда А.лар токи бор экан, қиёмат қоим бўлмас. А.ларнинг мақоми қутбдан қуйи, нақибдан устун. А.ларнинг ҳар бири Асмоул-ҳуснодаги муайян илоҳий сифатнинг мазҳарларидир. "Кашшофу истилоҳотил-фунун"да машриқдаги А.нинг номи Абдурраҳмон, мағрибдаги А.нинг номи Абдулвадуд, жанубдаги А.нинг номи Абдурраҳим, шимолдаги А.нинг номи Абдулқуддус, деб аталган. Абдураззоқ Кошоний А.ларнинг номини Абдулҳай, Абдулъалим, Абдулмурид ва Абдулқодир, деб атаган, Фахриддин Ироқий А.лар сонини еттита деб кўрсатган. А. сўзи муайян тариқатдаги кишиларга ҳам, бутун руҳоният оламига дахлдор, барча тариқатда эътироф этилган улуғ валийларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин:

Шайх Санъон восили даргоҳ эди,
Кўнгли ғайб асроридин огоҳ эди.
Каъбада автод ила ақтоб аро,
Уйла эрдиким наби асҳоб аро.

("Лисон ут-тайр", 79-боб)

АВҲАДИДДИН КИРМОНИЙ, Ҳомид ибн Абуфахр Авҳадиддин Кирмоний (1168, Кирмон – 1236, Бағдод) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси, шоир. Таҳсил олиб, камолга еткач, мусулмон Шарқининг Дамашқ, Бағдод каби кўплаб ш.ларига саёҳат қилади, улуғ орифу донишмандлар суҳбатидан баҳраманд бўлади. *Шайх Рукниддин Синжонийнинг* халифаси. Муҳйиддин ибн Арабий ва Шамсиддин Табризий б-н учрашган. *Фахриддин Ироқий* ва *Авҳадий Марағий* унинг шогирдларидан. У форс-тожик ирфоний шеъриятининг устозларидан саналади. Ундан бизгача 1180 байтли "Мисбоҳ ул-арвоҳ" ("Руҳлар машъали") маснавийси ҳамда 1807 рубоийдан иборат тўплам етиб келган.

"Насойим ул-муҳаббат"да ниҳоятда улуғ киши эмиш, гўзал шеърлари бор, деб таърифланган. Тас.даги мақоми ҳақида эса "дерларки, ул ҳақиқат шуҳудида мазоҳир суратиға тавассул қилғон экондур ва мутлақ жамолин муқайядот суварида мушоҳада қилур эрмиш", дейилади. "Маҳбуб ул-қулуб"да у "ҳақиқат асрорига мажоз тариқин" омухта қилган шоирлар гуруҳига киритилган.

АВҲАДИЙ МАРОҒИЙ, Рукниддин (ёки Авҳадиддин) ибн Ҳусайн Марағий Исфаҳоний (1274 – Марога – 1338) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Диний-тасаввуфий руҳдаги шеърлари б-н шуҳрат қозонган А.М. ўз даври адабий ва фалсафий илмларини чуқур ўзлаштириб, шофиъийлик мазҳабига майл кўрсатган. Эрон элхонлари саройига йўл топиб, уларга бағишлаб қатор қасидалар ёзади. 1308 й.ги сафари давомида, Султония, Ҳамадон, Исфаҳон, Карбало, Дамашқ, Куфа, Бағдод каби бир қанча ш.да бўлиб, 1311 й.да Марағага қайтади. 1314 й. яна Исфаҳонга бориб, у ерда 20 й. яшайди, кўплаб асарлар битади. 1333 й.дан умрининг охиригача Марағада яшайди.

А.М.дан шеърлар девони, "Даҳ нома" ("Ўн нома"), "Мантиқ ул-ушшоқ" ("Ошиқлар мантиғи") ва "Жоми Жам" ("Жамшид жоми") маснавийси етиб келган. Девони қасида, газал, қитъа, ру-

боий, таркиббанд, таржиъбанд ва мураббаъ жанридаги шеърлардан иборат. Маснавийлари ирфоний мазмунда бўлиб, "Жоми Жам" Саноийнинг *"Ҳадиқат ул-ҳақиқа"* асарига эргашиб ёзилган. Тас.да Авҳадиддин Кирмоний издошларидан саналади, ўз тахаллусини ҳам пирининг номидан олган.

Девони ва "Жоми Жам" маснавийсига Абдураҳмон Жомий ва Навоий юксак баҳо беришган. Чунончи, "Насойим ул-муҳаббат"да ўқиймиз: *"... анга шеър девони бор, ғоят латофатда бир таржеъоти бор мутолим ҳақойиқу маорифқа ва "Жоми Жам" отлиғ маснавийси бор. Шайх Саноийнинг "Ҳадиқа"си услуб ва вазни била. Ва анда кўп латойиф дарж қилибдур... Ва Шайх Саноийнинг "Роия" қасидасиға яхши жавоб айтибдур ва абётининг адади юз олтмиш бўлғусидур"*.

"АДАБ УЛ-МУРИДИН" ("Муридлар одоби") – *Шайх Зиёиддин Абуннажиб Абдулқоҳир Суҳравардий*нинг асари. Муридлар одоби б-н боғлиқ масалаларга бағишланган. Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да ушбу асар номини Шайх Суҳравардий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

АДАБИЙ ИЛМЛАР – адабнинг луғавий маъноси яхши ахлоқ, эзгу амал, иффат ва ҳаё, билим ва ҳунар, таълим ва ҳ.к. бўлиб, ўрта асрларда икки маънода қўлланилган. Биринчи маъноси хатодан холи амаллар, одамларга зиён етказмаслик, жамиятнинг умумий ахлоқий меъёрларига сўзсиз итоат этишни англатса, иккинчи маънода назм ва насрда равон ва аник, фикрни гўзал ва образли қилиб ифода этиш малакаси тушунилади. Адаб биринчи маънода амалий этиканинг категорияси бўлса, иккинчи маънода ад-тга тегишлидир.

А.и.ни "Ғиёс ул-луғот" муаллифи 12 тадан иборат деб билади: 1) сарф (морфология) илми; 2) иштиқоқ илми – сўзлар ясалиши қонун-қоидаларини ўргатувчи фан; 3) луғат илми (лексикология); 4) баён илми; 5) маоний илми; 6) бадеъ илми; 7) наҳв илми (синтаксис); 8) кофия илми; 9) аруз илми; 10) танқидчилик илми; 11) иншо илми; 12) китобат илми.

Адабий билимга эга бўлиш кишидан бир неча хислатни камолга етказишни талаб қилади: заковат, тахайюл, хофиза, туйғу ва завқ. Иккинчидан, балоғат аҳлининг асарларини пухта ўрганиб, савод чиқариш ҳам А.и.га эга бўлишнинг муҳим омилидир. Учинчидан, назм ва насрнинг ўзига хос қонуниятлари, ижод сирларидан хабардор бўлиш талаб этилади. Тўртинчидан, тарихдаги ижодкорларнинг услуби б-н ҳам яхши танишмоқ керак. Ўтмишда А.и.ни тўлиқ ўзлаштирган киши адиб, деб аталган. Уларнинг бу фазли баъзида тахаллус сифатида ҳам қўлланилган. Мас., Адиб Аҳмад Югнакий, Низомий Арузий Самарқандий, Абдужамил Котиб ва ҳ.к. Адиб б-н олим ўртасида фарқ бор: адиб ҳар бир нарсадан энг яхшиси ва мақбулини танлаб олади, олим эса мақсадга эришиш йўлида барча нарсаларни изчил ўзлаштирмоғи шарт. А.и. ўрта асрларда филологияга асос бўлган, наср ва назмнинг наз-я ҳамда амалиёти, тил ўрганишнинг қонун-қоидалари, ифода тарзи, бадиий санъатлар, аруз ва қофия каби масалаларни ўз ичига қамраб олган.

АДАМ (ар.) – йўқлик. Борлиқ, вужуднинг акси. А. ўрта аср фал-сида икки маънода ишлатилган. Агар А. мутлақ Борлиқ – вожиб ул-вужуднинг акси сифатида қўлланилса, унда у мутлақ йўқлик маъносини ҳам англатади. Имкон ул-вужуд – олам борлиғининг антитезаси сифатида қўлланган ҳолатда А. шартли маъно касб этади, яъни мутлақлик сифати унга бегона бўлади. А. сўзи бошқа сўзлар б-н "йои ваҳдат" ёки қаратқич келишиги орқали боғланган ҳолларда салбий маъно пайдо бўлишига сабаб бўлади. Навоий асарларида А. б-н боғлиқ қуйидаги ибораларни учратиш мумкин: А. вилояти – йўқлик, фано водийси; А. дарёси – йўқлик дарёси, йўқлик оқими; А. дуржи – ўзликни йўқотадиган жой; А. иқлими – йўқлик мамлакати; А. кишвари – йўқлик мамлакати, нариги дунё; А. кунжи – йўқлик бурчаги; А. мисри – йўқлик шаҳри; А. мулки – йўқлик мамлакати; А. ниҳонхонаси – яширинлик, кўринмаслик; А. риштаси – йўқлик тузоғи; А. тариқи – йўқлик, фано йўли; А. туни – мутлақ йўқлик, вужудга келишдан аввалги йўқлик;

А. хонақоҳи – ўзлигини, Худодан ўзгани унутиш маскани; А.и муносабат – боғлиқлик, алоқанинг йўқлиги, боғланмай қолишлик; А.и ризо – норозилик, А.и таайюн – бетайинлик, ишончсизлик; А.и тамаъ – тамаъсизлик, беғаразлик; А.и тарбият – тарбиясизлик; А.и улфат – дил яқинлигининг бўлмаслиги, ноошнолик, ўзаро қадрсизлик. А. сўзи Навоий ижодида асосан фано бўлмоқ, вафот этмоқ, йўқлик, мутлақ йўқлик маъноларида қўлланилган.

АДВОР – ўрта асрлар мусиқа илмининг амалий қисми. Оҳанг ё қўшиқ ижросининг зарб ва усулини махсус белгилар – ўлчов доиралари (нақралар) ва фосилалар (буъд) билан белгилаш илми. А. илми икки шаклда ривожланган: 1) А.и ийқоъ (доиранинг зарб ва усулларини махсус ўлчовлар ва рақамлар билан белгилаш); 2) А.и буъд (оҳангнинг пардалари доираларининг чегараларини ҳарфлар билан ифода этиш). А. ўтмишда мусиқа илмининг алоҳида тармоғи сифатида ривожланиб, ўрта асрларда нотага туширишнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланган.

АДИБ ГУМАНДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Али бин Ҳасан Ҳужвирийнинг замондоши. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АДИЙ БИН МУСОФИР ШОМИЙ (ваф. 1162) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шомда Шайх Абдуллоҳ Манбижий ва Шайх Ҳаммод Даббос б-н суҳбатда бўлган. Кўп мурид тарбиялаган. Умри охирида Мавсилдаги Ҳаккория тоғида чиллахона қуриб, ўша ерда узлат ва хилватни ихтиёр этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АДЛ (ар.) – 1) адолат, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик. Ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойилларига амал қилиш. Инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маъ-ят, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири. Навоий ижодида уни қуйидаги маъно ва таркибларда учратиш мумкин: А. авзони – адолат меъёри, ҳақиқат мезони; А. аёғи – мурувват жоми; яхшилик; А. аҳли – одиллар; А. бозуси – адолат кучи; ирода; А.у дод – адолатпарварлик; А. жўйбори – *маж.* адолат устуворлиги; А. тариқи – адолатпарварлик йўли; А. созини тузмоқ – *маж.* адолат ўрнатмоқ; А. уйини маъмур айламоқ – *маж.* одиллик бурчини яшнатмоқ; А. қилмоқ – адолат б-н иш тутмоқ.

Ҳадисида ҳам бу ишоратдурур,
Ки адл аҳли сори башоратдурур:
Ки адл ичра ўтканга бир соате,
Эрур беҳки, жину башар тоати.

("Садди Искандарий", 20-боб)

2) *Асмо ул-ҳусно*нинг бири:

Адолатқа етганда қилмиш Худо,
Ўз отини "Ал-адл" бирла адо.

("Садди Искандарий", 20-боб)

АДЛ ЗАНЖИРИ – адолат силсиласи, адолат занжири. Анушервон Одил саройида осилган занжир. Бундан мақсад, шоҳ ҳузурига адолат истаб келган ҳар бир киши ташқаридаги А.з.ни силкитганда, занжирнинг бу четидаги қўнғироқ чалиниб, шоҳни огоҳлантирган. Шунда шоҳ адолат истаб келган кишини чақирган, арзини эшитиб, адолат б-н ҳукм чиқарган. Ана шу А.з. сабабли Анушервонга "одил" унвони берилган. Бу амал "Тарихи мулуки Ажам"да Анушервон давридаги хайрли ишларнинг энг аҳамиятлиси сифатида қайд қилинган.

Кисро тоқин ул ясади ва адл занжирин ул ости.

("Тарихи мулуки Ажам")

АДҲАМ – 1) Қора, қора тўриқ от. *Ашҳаб*нинг муқобили. Сарой таомилига кўра, шоҳлар А.ни асосан ҳарбий юришлар ва узоқ сафарларда минишган. Мажоз тилида қалам, кеча маъноларини ҳам билдиради.

Туну кун адҳамию ашҳабини,
Чархи тавсаннинг икки маркабини.

("Сабъаи сайёр", 1-боб)

2) атоқли от, кишининг номи:

Улки бу йулда иши таслим эди,
Ибни Адҳам шоҳ Иброҳим эди.

("Лисон ут-тайр", 123-боб)

АДҲАМИЙ Иброҳим (15-аср) – туркман бекларидан, асл исми Шоҳ туркман. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни хуш табъ ва зариф киши сифатида таърифлаб, девони ҳам борлиги ҳақида маълумот беради ва қуйидаги матлаъсини келтиради:

Ҳаргизам дил бе хаёли анбарин
холе набуд,
Ин дили девона ҳаргиз холи
аз ҳоле набуд.

(Мазмуни: Ҳеч вақт кўнглим қора хол хаёлисиз яшамади; бу девона дил ҳеч қачон бу ҳолдан холи бўлмади).

АЁЛҒУ – ўтмишда машҳур бўлган ўлан ва яллаларнинг муайян тури. А. ўзининг таъсирли ва оҳангдорлиги билан ажралиб турган. А. ҳақидаги маълумотларнинг манбаларда камлиги сабабли бу мусиқий жанр хусусида тўлиқ тасаввур этиш имкони йўқ. Бу атама билан аталган мусиқий чолғу ҳам бўлганлиги тахмин қилинади.

Ҳолимға ҳажр базми аро
тортсам суруд.
Бор навҳа мадди телба
кўнгулнинг аёлғуси.
("Гаройиб ус-сиғар", 597-ғазал)

АЖАМ (ар.) – 1) араб мамлакатларидан ўзга ўлкалар. Асосан, Хуросон ва Мовароуннаҳр минтақалари назарда тутилган:

Навоий ёр ила бўлса,
ҳарамдур анга дайр ичра,
Агар майли Ажам қилғай,
ғар оҳанги Ҳижоз этқай.
("Бадоеъ ул-васат", 613-ғазал)

2) Форс тилида сўзлашувчи халқлар:

Учунчи доиранинг тўртунчи баҳри ҳафифдур ва бу баҳрнинг матбуъ авзонида Ажам шуароси маснавийлар битибдурлар.
("Мезон ул-авзон")

3) Шашмақом шўъбаларидан бири:

Эй Навоий, то муҳаррар
қилдим оҳанги Ҳижоз,
Гаҳ Ироқу гаҳ Ажам сори
тараннум айларам.
("Бадоеъ ул-бидоя", 448 ғазал)

А. сўзининг луғавий маъноси билмаслик, бехабарликни ҳам англатади. Шунинг учун бу сўзнинг негизидан ясалган "аъжамий" сўзи гўл, нодон маъносида ҳам қўлланилади:

Ким аъжамий айлаб ўзни ёна,
Бу навъ сурар лабинг фасона.
("Лайли ва Мажнун", 12-боб)

Алишер Навоийнинг тарихий мавзуда ёзган асарларидан бири "Тарихи мулуки А." деб номланади (қар.: *Тарихи мулуки Ажам*).

АЖДАҲО (авес.) – оғзидан ўт пуркаб, кишини ўз домига тортувчи баҳайбат афсонавий махлуқ. Аждар, аждарҳо шаклида ҳам қўлланилади. "Ажойиб ул-махлуқот" муаллифининг ёзишича, узунлиги уч газ (2,7 метр) ва ёши уч юз йилдан ошган илон А.га айланади. А.нинг ёши беш юз йилга етганидан сўнг балиқ каби икки ёнидан қанот чиқариб, сувда ҳам бемалол сузган, сув жонзотларини ов қилган. Авом кишиларнинг эътиқодича, А.нинг юрагини истеъмол қилган одам қўрқмас, ботир, агар терисини ошиқ кишининг таомига қўшиб берилса, ишқ дардидан фориғ бўларкан. Афсоналарда келтирилишича, А.лар асосан ер тагида яшириниб ётган хазиналарни қўриклаб ётган. А.га қарши курашиш халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз ад-тда жасорат ва қаҳрамонлик тимсолига айланган.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Шис пайғамбарнинг ўғли Ануш ҳамда Асҳоби Ухдуд бобида тилга олинган обид йигит А.ни енгади. Шунингдек, ушбу асар ҳамда турли муносабатлар б-н "Хамса" ва "Хазойин ул-маоний"да ҳам Мусо (а.)нинг мўъжизавий ҳассаси ерга ташланганда, А.га айланиб, Фиръавн сеҳргарларининг жодуларини ютиб юборгани қайд қилинган. "Тарихи мулуки Ажам"да шоҳ Гуштоспнинг А. ва каркидонни ўлдиргани қаҳрамонлик сифатида тилга олинади. "Хамса"нинг икки асосий қаҳрамони – Фарҳод ва Баҳром Гўр ҳам А.ни маглуб этган баҳодирлар сифатида тасвирланган. "Насойим ул-муҳаббат"да *Имраатун Мисриятун* ухро – мисрлик валий аёл зикр қилган пайтда атрофида А.лар ва илонлар ҳалқа уриб юриши аёлнинг каромати сифатида берилган.

А. лирик асарларда турли маъно ва образларни ифодалаган. Айниқса, тун ва зулф тимсолларини тавсифлашда А. образига

кўп мурожаат қилинган. Ирфон фал-сида А. – нафси аммора тимсоли:

Меҳнат утидин ёруқтур
ҳар тараф кошонамиз,
Бўлди гўё аждаҳо коми
бизинг вайронамиз.
("Гаройиб ус-сиғар", 241-ғазал)

"АЖОЙИБ УД-ДУНЁ" ("Дунё ажойиботлари") – *Шайх Озарий Тусий*нинг асари. Асар номи баъзи манбаларда "Ғаройиб уд-дунё ва ажойиб ул-аъло" ("Дунё ғаройиботлари ва само ажойиботлари") тарзида ҳам келади. Навоий ушбу асар номини "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида Шайх Озарий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

АЗАЛ (ар. – қадим, қадимги замон, ибтидо) – замонга кўра бошланиши бўлмаган нарса; фазо ва вақтдан ташқари ибтидосиз замон; Аллоҳ файзининг бардавомлиги, *абад*нинг муқобили. Ибтидосиз замон, ўтмишнинг чегарасизлиги, беинтиҳолиги, бошланишнинг қадимийлиги. А. *Асмо ул-ҳусно*нинг сифатларидан бири, азалият фақат Унга хос. Аввали, илк ибтидоси бўлмаган нарса ёки ҳодиса А. дейилади. А. қадимдаги интиҳосизлик, абад эса келажакдаги интиҳосизликни ёхуд А. – ибтидонинг йўқлиги, абад – интиҳонинг йўқлигини англатади, ҳар иккаласи Руҳи мутлақнинг замон ва макон б-н чегараланмаслиги, интиҳою ибтидоси йўқлигини англатувчи тушунчалардир. А. ҳам абадийлик каби замон ва вақтдан ташқари ҳолатни ифода этиш ва ақлга мувофиқлаштириш учун қўлланиладиган тушунча ҳисобланади. Бундай ҳолатда А. айни абад, абад эса айни А.дир.

Айрим ҳолатларда узоқ ўтмишни ифодалаш учун ҳам А. сўзи борлиқнинг турли кўринишларига нисбат берилади. Бунда А. маж. доимийлик, ўзгармаслик маъносини англатади.

Навоий асарларида А. сўзи б-н боғлиқ А. девони – Лавҳ ул-маҳфуз, қисмат, тақдир, пешонада ёзилган толе; А. наққоши – Яратувчи, Аллоҳ; А. соқийси – Худо; А. субҳи – яралишнинг илк дамлари; А. хатти – ўзгармас тақдир; А. қассоми – қисмат битувчи, Худо; А. қисмати – тақдир. А.ий – А.га мансуб, доимий каби маъноларни англатувчи ибора ва ташбеҳлар кўп учрайди.

Ташналаб ўлма Навоий,
чун азал соқийсидин
"Ишрабу, ё айюҳал аттшон" келур
ҳар дам нидо.
("Гаройиб ус-сиғар", 1-ғазал)

АЗИЗ – 1) топилмас, ноёб:

Эрур озки, фируза бўлмиш азиз,
Чу хармуҳра кўпдур – уни бир пашиз.
("Садди Искандарий", 37-боб)

2) улуғ, қадру қимматли, муҳтарам, мўътабар:

Фақир ул азиз фарзанд марсияси била ул азиз ота дуоси бобида бу байтни айтиб эрдим.
("Ҳамсат ул-мутаҳаййирин", 1-мақолат)

3) тенги кам, тенгсиз; улуғвор:

Мавлоно Лутфий... азиз ва мутабаррик киши эрди.
("Мажолис ун-нафоис", 2-мажлис)

4) Қадимги Мисрдаги юксак лавозим. Давлат ғазнаси ва барча иқтисодий масалаларнинг раҳбари. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Зулайхонинг биринчи эри ҳамда Юсуф (а.) ана шундай лавозимда ишлагани айтилган. "Садди Искандарий"да шоҳ, ҳукмдор маъносида қўлланилган:

Ёниб Миср фатҳиға қилди ситез,
Сипеҳр они Миср узра этти азиз.
("Садди Искандарий", 23-боб)

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ, Азизиддин ибн Муҳаммад ан-Насафий (13-аср, Насаф – Язд) – тасаввуф назариётчиси. Бошланғич маълумотни туғилган шаҳрида олиб, таҳсилни ўша даврнинг йирик илм-фан маркази бўлган Бухорои шарифда давом эттиради. Бу ерда у тас., фал., калом ва тиб илмларини чуқур ўзлаштиради. 1243–1251 й.да Хуросонда тариқат пири Нажмиддин Кубронинг шогирди Саъдиддин Ҳумувийга қўл бериб, унинг воситасида тас. йўлига киради. Нажмиддин Кубро ва Муҳйиддин ибн Арабий тариқатларини уйғунлаштирган кубравия шайхларидан ҳисобланади. Элхонийларнинг Бухорога ҳужумидан сўнг (1273) илму ижод учун тинч жой қидириб Эронга кетган, Баҳробод, Исфаҳон, Шероз

шаҳарларида яшаган. Олимнинг 100 йил умр кўргани ривоят қилинади. Язднинг Абркўҳ деган жойида вафот этган. Қабри ўша ерда.

А.Н.нинг кўплаб асарлари бизгача етиб келган. "Кашф ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар кашфи"), "Зубдат ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар қаймоғи"), "Мақсад ул-ақсо" ("Сўнгги мақсад"), "Инсони комил" ("Комил инсон"), "Манозил ус-сойирин" ("Сайр этувчиларнинг манзиллари"), "Усул ва фуруъ" ("Асос ва рукнлар"), "Баён ат-танзил" ("Нузул этиш баёни"), "Мабдаъ ва маъод" ("Асл манба ва унга қайтиш"), "Мифтоҳ ул-асрор" ("Сирлар калити"), "Нафси инсоний" ("Инсоний нафс"), Вахдати вужуд" ("Борлиқнинг ягоналиги") ана шулар жумласидандир. Навоий "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер"да Сайид Ҳасаннинг севимли китоблари қаторида А.Н.нинг рисолаларини ҳам қайд этган. Шунингдек, "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да набий б-н расул ўртасидаги тафовут ҳақидаги жумлалар А.Н.нинг "Комил инсон" китобидаги матн б-н ўхшаш эканлиги А.Н.нинг рисолалари Навоий учун ҳам асосий илҳом ва ижод манбаи бўлганлигидан далолат беради.

АЗҲАР ИСФАҲОНИЙ, Али бин Саҳл – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулҳасан. *Муҳаммад бин Юсуф Банно*нинг шогирди. Амр бин Усмон Маккий ва Абу Туроб Нахшабий б-н суҳбатда бўлган. Тас.нинг дақиқ масалалари юзасидан Жунайд Бағдодий ва Муъаммил Жассос б-н мактуб асосида фикр алмашган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АЙЛАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн саккизинчиси. Бу феълнинг асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, *доира шаклида ҳаракат қил* маъносини англатган *ай-* феълига эски ўзбек тилида *такрор* маъносини ифодаловчи *–ла* ва *ўзлик* маъносини ифодаловчи *–н* қўшимчалари қўшиб ҳосил қилинган. А. феъли Навоий асарларида турли маъноларда қўлланилган:

1) айланмоқ, буралмоқ; ён атрофида юрмоқ:

Икки парвонаки, бир шамъ
устига айлансалар,
Гаҳ мувофиқ, гаҳ мухолиф,
шак йўқ улмоқ мухтариқ.

("Фавойид ул-кибар", 310-ғазал)

2) кезмоқ; ҳозир бўлмоқ:

То бузуғ кўнглум аро
зулфунг хаёли айланур,
Аждаҳоедурки, бир вайрона
ичра тўлғонур.

("Фавойид ул-кибар", 139-ғазал)

3) ўзгармоқ:

...бу адолат авжининг тўлун ойиға камлик юзланмасун ва бу салтанат буржининг хуршиди оламоройи камол даражасидин айланмасун.

("Мажолис ун-нафойис", 8-мажлис)

4) қайтмоқ, юз ўгирмоқ:

...ўз ақидаларидин айланиб, фақирнинг ақидасиға келдилар.

("Хамсат ул-мутаҳаййирин", 1-мақолат)

5) ўгирилмоқ, бурилмоқ:

Таважжуҳ ҳақ субҳонаҳу таолоға юзланмак ва ул ён айланмоқдур ва халқдин тааллуқ торини узуб, анга уланмоқдур.

("Маҳбуб ул-қулуб", 86-танбеҳ)

"АЙН УЛ-ЖАМЪ" ("Бирлашган чашмалар") – Мансур Ҳалложга нисбат берилувчи асар. Тасаввуфий руҳда ёзилган. Навоий асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Абубакр Атуфий б-н боғлиқ қисмда тилга олади.

АЙН УЛ-ҲАЁТ (ар.) – 1) ҳаёт чашмаси. Маж. руҳни тирилтирувчи маърифат; тириклик суви:

Уйла ғарқи майдурурлар
халқ бу давр ичраким,
Шарънинг айн-ул-ҳаётидин
асар мафҳум эмас

("Наводир ун-ниҳоя", 29-қитъа)

2) "Фарҳод ва Ширин" достонида Армания мамлакатидаги тоғнинг шарқ томонидаги зилол чашма. Фарҳод тоғни қазиб ариқ ўтказгач, тог чўққисида Ширин учун қаср бунёд этиб, унинг олдида бир ҳовуз ясайди ҳамда қаср атрофини ариқ б-н ўраб олади. Кейин унга "Айн ул-ҳаёт" чашмаси сувини оқизади. Фарҳод қазган ҳовузга "Баҳр ун-нажот" ("Нажот денгизи"),

ариққа "Наҳр ул-ҳаёт" ("Ҳаёт дарёси") деб ном қўядилар.

Окар шарқисида бир чашма ҳоли,
Суйи ул навъким, ҳайвон зилоли.
Дебон "Айн ул ҳаёт" ул чашмани хайл –
Ки ўлгон ичса, айлар жон сари майл.
("Фарҳод ва Ширин", 30-боб)

"АЙН УЛ-ҲАЁТ" ("Ҳаёт чашмаси") – *"Ситтаи зарурия"* қасидалар туркумига кирувчи иккинчи қасида. 106 байтдан иборат. Мазмунига кўра наът қасида ҳисобланади. Қасиданинг яратилган йили номаълум. "А."да олам сарвари, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак меърожлари, уларнинг дийдорларига барча сайёралар, Ою Қуёш, Аршу Курси, фаришталар мунтазир эканлиги, Пайғамбаримизнинг Парвардигор б-н мулоқотлари тасвирланади. "А." тузилишига кўра тўлиқ қасида бўлиб, уни шартли равишда бир неча қисмларга ажратиш мумкин. Биринчи қисм насиб (кириш)дан иборат бўлиб, 22 байтни ўз ичига олади. Унда меърож тунининг тасвири, яъни Расулуллоҳ йўлга чиққунларигача бўлган осмон ҳолати, бурж ва сайёралар, юлдузлар туркуми ҳақида сўз боради.

Қасида шундай бошланади:

Ҳожибони шаб чу шодурвони
савдо афгананд,
Жилва дар хайли бутони
моҳсимо афгананд.

(Мазмуни:
Тун пардадорлари қора чодирларини
ёйган чоғларида
Ой юзли бутлар тўдаси
(юлдузлар)га жилва қиладилар).

Қасиданинг 23-байтидан бошлаб тасвир тунги осмондан Ерга кўчирилади, Навоий дастлаб тунлари бедор ошиқлар тавсифини келтиради, сўнгра тонг саҳарда шоҳ мулозимларининг ноғора чалиши, ғафлатда ётган халқ, турли эътиқод эгаларининг ибодатга машғул бўлиши б-н боғлиқ тасвирлар берилади. 52-байтдан турли тоифа инсонларнинг кундалик юмушлари баён қилинади. Навоий инсонларни икки тоифага: ҳақпараст соликлар ва гуноҳкору фосиқларга ажратиб тасвирлайди, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ташбиҳ ва истиора санъатлари воситасида таърифу тавсиф қилади. "А."нинг 67-байтидан Пайғамбар меърожи тасвири бошланади. Энди Арш аҳли, осмон жисмлари Расулуллоҳнинг сайри б-н боғлаб тасвирланади. Жаннат ҳурлари пешвоз чиқиб, беҳишт эшигини супурадилар ва мушки анбар сепадилар, Арш аҳли Пайғамбарнинг Буроқ отига пойандоз қилиб юлдуз дурларини сочадилар. Бир эмас, ҳатто юз минг қуёш унинг қуёши олдида сўнади, чунки у ҳам рисолат, ҳам нубувват соҳибидир. Қасиданинг сўнгги қисми (93-106 байтлар) Навоий Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га мурожаат қилиб, ўзининг умидвор умматлардан эканлигини айтади ва қиёматда у кишидан шафоат тилайди, қасиданинг ҳажми "оби бақо" жумласининг абжад ҳисоби асосида 160 байт эканлигига ишора қилади. "А." аруз тизимининг *рамали мусаддаси мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилон - V-- /- V-- / - V~) вазнида ёзилган.

"АЙНИЯ" – *Шайх Аҳмад Ғаззолий*нинг *Айн ул-Қуззот*га ёзган мактублари мажмуаси. Панду насиҳатлар, Қуръони Карим оятлари ва ҳадислар маъноси, арабча шеърлар мазмуни, шайхларнинг сўзлари, турли саволларга жавоблар баён этилади. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Айн ул-Қуззот Ҳамадоний б-н боғлиқ қисмда тилга олади.

АЙНУЗЗАМОН ЖАМОЛИДДИН ГИЛИЙ (ваф. 1253) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Нажмиддин Кубро*нинг мурид, кубравия тариқатининг йирик намояндаси. Араб ва форс тилларида шеърлар ёзган. Қазвин шаҳрида вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АЙНУЛҚУЗЗОТ, Абулмаоний ибн Абдуллоҳ ибн Абубакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Али Миёнжий Ҳамадоний (1099 – Ҳамадон – 1131) – форс-тожик мутасаввиф шоири, олим ва мутафаккири. Ўз даврининг барча илмида тенгсиз бўлиб, "замон орифлари пешвоси", "аср ягонаси" сифатида улуғланган. Тас. назариётчиси. Муҳаммад Ғаззолий таъсирида бўл-

ган. Кейин Абу Али ибн Сино асарларини чуқур мутолаа қилиб, фал.ни ўрганишга киришган. Тас-ий асарларида эркин мушоҳада юритиб, баъзи қалтис фикрларни баён этгани, айрим диндорларни танқид қилгани учун дорга осилиб, жасади ўтда куйдирилган.

Унинг илоҳий ҳикматга оид "Яздоншинохт" ("Худони таниш"), тас.нинг ўн асосини талқин қилувчи "Тамҳидот" ("Текислаш"), Худонинг сифатлари ва зотига бағишланган "Зубдат ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар қаймоғи"), шунингдек, "Тафсири Қуръон" ("Қуръон тафсири"), "Мактубот" ("Мактублар"), "Шарҳи калимоти қисори Бобо Тоҳир" ("Бобо Тоҳир сўзларининг қисқача шарҳи") асарлари машҳур.

Навоий унга "Насойим ул-муҳаббат"да алоҳида фасл ажратиб, Шайх Муҳаммад Ҳаммуя ва Муҳаммад Ғаззолий б-н суҳбатда бўлгани, Аҳмад Ғаззолийга мактуб ёзиб ўзаро фикр алмашгани, кўп каромат соҳиби эканлигини қайд этган.

АЙЮБ – Исми Қуръони каримда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Онаси – Лут (а.)нинг қизи, баъзи манбаларга кўра, отаси Ийс бин Исҳоқ (а.) авлодидан. Румда туғилиб, Шомда яшаган. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да айтилишича, А.нинг ўнта ўғли ва беҳисоб мол-мулки бўлиб, доим ибодатда бўлган. Аллоҳ таоло А.ни фаришталарга ўрнак қилиб кўрсатганида, фаришталар: "Бу банданг эҳтиёж нималигини билмай яшагани сабабли шунча ибодат қилади", деган маънода эътироз билдиришади. Аллоҳ таоло А.нинг мақоми юксак эканлигини исботлаш учун унга турли бало ва офатларни юборади: мол-мулкидан ҳеч нарса қолмайди, ўнта ўғли том остида қолиб, ҳалок бўлади. Бадани қуртлаб, сасиб кетганидан халқ уни шаҳардан чиқариб юборади. Бироқ у шу ҳолатда ҳам Аллоҳ таолога шукур айтиб, ибодатини канда қилмайди. Хотини – Яъқуб (а.)нинг қизи Раҳима б-н тиланчилик қилиб, кун кечиришга мажбур бўлишади. Бир куни Раҳима шайтоннинг гапига кириб, А.нинг рухсатисиз сочини кесиб, сотади ва пулига егулик олиб келади. А. дарғазаб бўлиб, Раҳимани хивчин б-н юзта уришга қасам ичади, шундан сўнг фаришталар А.нинг сабрини кўриб, истиғфор айтадилар ва Аллоҳдан А.нинг сабри эвазига мукофот беришини сўрайдилар. А.нинг икки томонидан булоқ қайнаб чиқади ва у ана шу булоқда чўмилиб, буткул соғаяди. Хотини Раҳимани супургининг юзта шохчасини бир-бирига боғлаб бир марта уради ва шу б-н ичган касамини адо этган бўлади. А.нинг исми Қуръони каримда тўрт марта ("Нисо", 163-оят, "Анъом", 84-оят, "Анбиё", 83-оят, "Сод", 41-оят) келтирилган. А. Навоий шеъриятида собирлик ва тавбакорлик тимсолидир.

Гар Айюб сабр этти турлук балода,
Вале кўрмади ҳажр шоми балосин.
("Фавойид ул-кибар", 452-ғазал)

АККОР, Абу Али Ҳусайн бин Муҳаммад – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий*нинг муриди. *Шайх Абу Исҳоқ Козирунийнинг* устози. Хуросон, Ироқ, Ҳижозга сафар қилиб, кўп шайхлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Қабри Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий мақбарасининг остонасида. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АЛДАМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн тўртинчиси. *Ёлғон гапирмоқ* маъносидаги бу феъл қадимги турқий тилдаги *ҳийла-найранг, ёлғон* каби маъноларни англатган *а:л* отидан *–ла* қўшимчасининг *–да* шакли орқали ясалган; кейинроқ *а:* унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган. А. феъли Навоий асарларида ҳийла, макр, ёлғон сўзламоқ, лақиллатмоқ маъноларида кенг қўлланилган:

Топақўр они, чу топсанг,
ҳар қаён озим эса,
Бошиға эврул қуюндек,
даҳи алдаб қайтару.
("Фавойид ул-кибар", 509-ғазал)

АЛИ ибн Абу Толиб (тахм. 600, Макка – 661.21.1, Куфа) – "хулафои рошидин" ("тўғри йўлдан борган халифалар") ёхуд "чорёрлар" деб аталувчи дастлабки тўрт ха-

лифанинг тўртинчиси (ҳук.й. 656 – 661-й.). Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёви (Фотиманинг эри). Отаси – Абу Толиб ибн Абдулмутталиб, онаси – Фотима бинти Асад ибн Ҳошим. 9 ёшидан Муҳаммад (с.а.в.)нинг тарбиясида бўлган. Лақаби – Ҳайдар. Исломда вужудга келган шиалик ҳаракати бевосита А. (р.а.) исми б-н боғлиқ. 7-аср ўрталарида халифа Усмон (р.а.) сиёсатидан норозилик оммавий тус олган. Муҳаммад (с.а.в.)нинг барча юришларида иштирок этган, қўрқмас ва содиқ жангчи, ўта тақводор инсон, моҳир нотиқ А. (р.а.) халифаликка муносиб номзод сифатида кўпчиликка маъқул бўлган. 656 й. июнида Усмон (р. а.) ўлдирилган ва А. (р.а.) халифа деб эълон қилинган. Аммо саҳобалардан Талҳа, Аз-Зубайр ҳамда А. (р.а.)га нисбатан хусуматда бўлган Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари Ойша (р.а.) тарафдорлари унга қарши бош кўтарган. Қатл этилган Усмон (р.а.)нинг қариндоши Сурия ҳокими Муовия ибн Абу Суфён ҳам А. (р.а.)га қарши уруш эълон қилган. 657 й.да Фурот дарёси ўнг қирғоғидаги Сиффин деган жойда юз берган жангда А. (р.а.)нинг қўли баланд келган бўлса-да, рақиблари б-н келишишга кўнган. Бундан норози бўлган А. (р.а.)нинг аскарларидан 12 минг киши жанг майдонини тарк этган ва хорижийлар деб аталган диний-сиёсий оқимни ташкил қилган. Хорижийлар рақибларига нисбатан якка террор усулини қўллай бошлаган. 661 й. 19-январда Абдураҳмон ибн Мулжам ас-Соримий деган шахс А. (р.а.)ни Куфа масжидидан чиқиш пайтида жароҳатлаган ва икки кундан сўнг вафот этган. Жасади ана шу масжид яқинига дафн этилган, кейинчалик Нажаф қасабасига кўчирилган. Расулуллоҳдан 586 та ҳадис ривоят қилган. Аҳли суннат ва жамоат шиалар ҳамда хорижийлардан фарқли ўлароқ А. (р.а.) шахсига муътадил ва тўғри баҳо берган. А. (р.а.) тарафдорлари кейинчалик исломдаги шиалик (ар. – гуруҳ, бу ўринда "Али тарафдорлари" мазмунида) оқимини ташкил этган. А. (р.а.) шиа имомлари шажарасини бошлаб берувчидир. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда бир неча қадамжо ва мозорлар А. (р.а.) номи б-н боғланиб, муқаддаслаштирилган. Ҳақиқатда эса А. (р.а.) Ўрта Осиё ва Эронда ҳеч қачон бўлмаган.

"Равзат ус-сафо"да келтирилишича, 1480-1481-й. шиа уламолари томонидан Балх яқинида (ҳоз. Мазори шариф ш.) Ҳазрат А.нинг қабрини аниқлаб, бу ерда Султон Ҳусайн Бойқаро бошчилигида катта мақбара бунёд этилган. Навоий асарларида А. (р.а.)нинг шахсияти ва фаолияти кўп улуғланган. Жумладан, "Маҳбуб ул-қулуб" асарида А. (р.а.)ни илоҳий маърифат куйчиларининг сардафтари ва пешвоси деб таърифланиб, шеърий девони борлигини айтиб ўтади. "Насойим ул-муҳаббат"да кубравийлик тариқатидаги шайхларнинг хирқа силсиласи А. (р.а.)га етиб бориши ҳақида маълумот берилади. "Лисон ут-тайр" достонида Ҳазрат А.га алоҳида фасл ажратиб, унинг ҳаётидан бир ҳикоят келтиради. "Назм ул-жавоҳир" асарида Ҳазрат А. (р.а.)нинг 284 ҳикматини рубоийи тарона жанрида таржима қилади. Шунингдек, "Хазойин ул-маоний"да Ҳазрат А. (р.а.)нинг "Унзур лимо қола ло танзур лиман қола" (Ким гапираётганига эмас, нима деяётганига қара) ҳикматини қуйидагича таржима қилган:

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини
Кўрма ким дер они, кургилким не дер.
("Бадоеъ ул-васат", 5-қитъа)

АЛИ АККИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Ироилнинг шимолида жойлашган Аккад шаҳрида туғилган. А.А. ҳақидаги дастлабки маълумот Сулламийнинг "Табақот ус-сўфия" асарида берилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АЛИ АТО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тас. шайхи. Кумушкентда яшаган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб киритган.

АЛИ БИН БАККОР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулҳасан. Иброҳим Адҳам суҳбатидан баҳраманд бўлган. Ши-

молий Кавказ б-н чегарадош Массиса ш.да от боққан. Ваҳший ҳайвонлар б-н унсият пайдо қилган қаромот соҳибларидан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АЛИ БИН МУВАФФАҚ БАҒДОДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кўп сафар қилган. *Зуннун Мисрий*нинг шогирди. Умри давомида етмиш тўрт марта ҳаж қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АЛИ БИН ШУЛЛУЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шерозда яшаган. Муъаммил Жассос б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АЛИ ДАРДЎЗД (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астароболдлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг қуйидаги матлаъсини "яхши воқеъ бўлубтур" деб ёдга олади:

Гузашт умру намеёрам аз
шароб гузаштан
Ки, маст хоҳам аз ин олами
хароб гузаштан.

(Мазмуни: Умр ўтса-да, майдан воз кечолмайман, чунки бундай хароб оламдан маст кетмоқчиман).

АЛИ ИБН НУР (15-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Ҳиротда фаолият кўрсатган. Навоийнинг ўзи томонидан тузилган биринчи расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя"нинг нусхаларидан бирини кўчирган. Бу девон қўлёзмаси ТошДШИ ШҚМ, 3-фондда 216-рақам остида сақланади. Котиб қўлёзмага шундай имзо чеккан: "Котиб ал-абд Али ибн Нур фи ашарул авсат мин шаҳри жумодиул аввал сана 891 балдат ул-Ҳирот" (Котиб Али ибн Нур 891 й. жумодиул аввал ойининг ўнинчисида Ҳирот шаҳрида бу девонни кўчириб тугатди (яъни м. 1486 й., 15 май). Мазкур қўлёзма ҳажми 216 варақдан иборат. Қулёзма Ҳирот хаттотлик ва бадиий қўлёзма санъатининг ноёб намунаси ҳисобланади.

АЛИ САФИЙ, Фахруддин Али Сафий ибн Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий (1463, Сабзавор – 1534, Ҳирот) – шоир, адиб. Илк сабоқни даврининг машҳур олими, отаси *Ҳусайн Воиз Кошифий*дан олади. Ундан сўнг таҳсилни Ҳирот мадрасаларида давом эттиради. Жомий ва Навоий назарига тушади. Унга Сафий тахаллусини ҳам Жомий тавсия этган. 1484 й. йигирма ёшида Қаршига, Хожа Аҳрор Валий хизматига боради. 1487 й. Самарқандда яна 8 ой шайх суҳбатидан баҳраманд бўлади. 1503 й. ана шу суҳбатлар асосида "Рашаҳот айн ул-ҳаёт" ("Оби ҳаёт томчилари") асарини ёзади. Асар бевосита Хожа Аҳрор ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса-да, унда Ўрта Осиёда яшаган юзлаб шайхлар ҳақида ҳам маълумот берилган.

1504 й.дан Ҳиротдаги Жомеъ масжидда отасининг ўрнига воизлик қилади. Шаҳар шайбонийлар тасарруфига ўтгач, бир йилга яқин зиндонда ётади. Кейин Гуржистонга ҳижрат қилади. Ҳирот сафавийлар ҳукмронлиги остига ўтганидан сўнг қайтиб келиб, воизлигини яна давом эттиради.

А.С.га шуҳрат келтирган яна бир асар "Латойиф ут-тавойиф" ("Турли тоифалар ҳақида латифалар") 24 бобдан иборат бўлиб унда 88 шоир ва 20 бадиий санъат ҳақида маълумот берилган. "Кашф ул-асрор" ("Сирлар кашфи") асари отаси Ҳусайн Воизнинг "Асрори Қосимий" асарининг мухтасар баёни бўлса, "Анис ул-орифин" нотиқлик санъатининг муҳим масалалари ва нозик жиҳатларига бағишланган. Хондамирнинг маълумот беришича, у Низомийнинг "Лайли ва Мажнун" достони таъсирида "Маҳмуд ва Аёз" номли достон ҳам ёзган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да А.С. нинг дарвештабиат, фонийсифат ва дардмандшева йигитлиги, Хожа Аҳрор суҳбатига муяссар бўлгани, ундан қабул шарафи ва иршод талқинини топиб Ҳиротга қайтгани ҳақида маълумот беради. Шеърий салоҳиятини таърифлаб, намуна сифатида бир байтини келтиради.

АЛИ ШИҲОБ (15-аср) – туршиалик форсигўй шоир. *Бойсунғур мирзо*нинг мулозими. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг шеърни "ҳам равон, ҳам пухта" айтиши ҳақида ёзиб, қуйидаги байтини келтиради:

Чу парда аз рухи чун офтоб бардори,
Ба жону дил кунадат муштари
харидори.

(Мазмуни: Юзингдаги пардани қуёш янглиг кўтарсанг, ҳатто Муштарий сайёраси ҳам жону дили б-н харидоринг бўлади). Бунда *муштарий* сўзи "талабгор", "сотиб олувчи" маъносида ҳам қўлланилган.

АЛИ ҚУТЛУҚШОҲ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абдуллоҳ Тусийнинг мурид и. Пири вафотидан кейин унинг ўрнида шайх бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АЛЛОҲ, Оллоҳ – ислом динида бутун борлиқни яратган яккаю ягона олий куч; ўз зотига кўра яккаю ягона, барчанинг ҳожатини раво этувчи, аммо бутун оламдагилардан беҳожат, туғилмаган ва туғмаган (ота-онаси ёки фарзандлари йўқ), азалий ва абадий зот, тенгсиз Илоҳ. А. Қиёмат кунининг эгаси, бутун оламнинг подшоҳи ва мураббийси, илм, ирода, қудрат соҳиби. Дунёдаги жамийки мавжудотнинг борлиғи ва йўқликка юз тутиши, мавжудлиги пайтидаги жараёнлар, ҳаёт, ўлим, ризқ, бахт – барча-барчаси А.нинг ихтиёри, илми ва қудратига тобе. Абадий ва мангу барҳаёт, буюк қудрат эгаси бўлмиш А.нинг сифатлари Қуръони каримда ўз ифодасини топган. А.нинг Биру Борлигига ишониш ва иқрор бўлиш, унинг пайғамбарлари, фаришталари, китоблари, қиёмат куни ва боқий оламга ишониш – имоннинг белгиларидан ҳисобланади.

Навоий асарларида А. сўзидан ташқари асмо ул-ҳусно (мазмунан А.нинг сифатларини ифодалайдиган, Қуръони каримда зикр этилган 99 та исм)нинг аслияти ва таржимаси, форсча (Худо, Парвардигор, Кирдигор, Эзид, Подшоҳ, Яздон ва б.) ва туркий (Тенгри) муқобиллари ҳам кенг қўлланилган. Шунингдек, А.ни тавсифлашда тас. истилоҳлари ёрдамида мажозий таъбир ва истиоралардан (Ёр, боғбон, меъмори сунъ, наққош ва ҳ.к.) ҳам фойдаланилган. А. сўзи такрор келган (Аллоҳ-Аллоҳ, Оллоҳ-Оллоҳ) шаклида ҳайрат ва ҳаяжон ифодаси сифатида қўлланилган.

Навоий талқинига кўра, А. одамларни икки тоифа – аҳли нажот ва аҳли ҳалок (аҳли қабул ва аҳли рад) этиб яратган. А.нинг борлигига имон келтирган, унинг кўрсатмаларига амал қилганлар, гуноҳлари учун тавба қилган зотлар – аҳли нажот, А.га осий бўлиб, унинг борлигини тан олмай, куфр ва залолатга юз бурганлар – аҳли ҳалок ҳисобланадилар.

Навоий барча асарларида ҳамд ва муножот мавзусида қалам тебратиб, уларда А. таолонинг буюклиги ва мислсиз қудратини тараннум этган (яна қар.: *Ҳамд, Муножот*).

Навоий, фақр куйида
тааллук куфри маҳз эрмиш,
Бир Аллоҳ дўстдин неким,
насибинг бўлса, бўл кониъ.
("Гаройиб ус-сиғар", 291-ғазал)

"АЛ-ЛУМАЪ ФИТ-ТАСАВВУФ" – Абу Наср Саррож Тусийнинг тасаввуф назариясига оид китоби. Асар кичик кириш сўзи ва 13 китоб (қисм)дан иборат. Биринчи китоб ("Муқаддимот")да тасаввуф илмининг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақида сўз юритилиб, ҳадис ва фиқҳ илмлари билан қиёсий равишда таҳлил қилинади. Иккинчи китобда эса ҳол ва мақомларнинг таърифи, мақомлар ва ҳолларнинг таснифи берилган. Учинчи ва тўртинчи китобда тас. нинг Қуръон ва ҳадислардаги ҳукмларга мувофиқлиги исботланган. Бешинчи китоб мустанбитот (оят ва ҳадислар маъносининг суфиёна талқини)дан иборат. Олтинчи китоб саҳобаларнинг зуҳд ва тақво бобидаги ибратлари, еттинчи китобда суфийларнинг расм-русумлари ва одоби ҳақида сўз юритилади. Саккизинчи китобда тас. тилидаги рамз ва тимсолларнинг моҳияти очиб берилган. Тўққизинчи китобда суфийларнинг ёзишмалари ўрин олган. 10-12 китоблар самоъ мажлиси, важд, каромат ҳақида бўлиб, сўнгги китобда тас.да гумроҳ бўлиб, турли

уйдирма ва нотўғри қарашларни ишлаб чиққан сохта шайхларга раддия берилган.

"Ал-Л." тас. тарихида энг муҳим манбалардан ҳисобланади. Инглиз олими Р.Никольсон "Ал-Л." китобининг танқидий матнини инглизча таржимаси, изоҳ ва кўрсаткичлари билан нашр этган (1914 й.). Навоий "Насойим ул-муҳаббат"даги Абу Наср Саррож ҳақидаги фаслда "Ал-Л." ҳақида маълумот берган.

АЛОУДДИН КИРМОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ўз даврида зуҳд ва тақвода ягона бўлган. Қуръони каримни тўлиқ ёд олган. Қабри Деҳли шаҳрининг марказий жомеъ масжиди ёнида. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни тазкирага Навоий ўзи ёзиб киритган.

АЛЯСАЪ – яҳудийлар қавми пайғамбари. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да келтирилишича, А. Илёс пайғамбариинг халифаси бўлган, деҳқончилик б-н шуғулланган. Турли мўъжизалар кўрсатиб, яҳудийларни имонга, тўғри йўлга даъват этса-да, аммо яҳудийлар адашаверганлар. А. бундан малул бўлиб, ўзига Ҳақ таолодан ўлим тилайди. Аллоҳ А. нинг бу илтимосини қабул қилади:

Илёс чу Алясаъни волий этти,
Ҳақдин анга аввори нубувват етти.
Гар ул кочиб эл малолатидин кетти,
Ул кетгондек бу доғи кетмай нетти.

АЛҲОН / ИЛҲОН (ар.) – куйлар, оҳанглар, қўшиқлар, шунингдек, чолғу ва ашула йўлларининг умумий намунаси, мусиқа. "Лаҳн" сўзининг кўплик шакли, мусиқий асарларнинг ифодаси. Бастакорликка тааллуқли бўлган мусиқа асарлари ўтмиш олимлар яратган назарий рисолаларда А. атамаси билан аталади. Манбаларда кўрсатилишича, А. узунлиги жиҳатидан чекланган вақт ўлчовларида тартибланган турли баландликлардаги нағма (товуш)лар бирикмасидир. 10–13-асрларда А. турлари руҳий таъсир этиш характери нуқтаи назаридан уч хил, деб кўрсатилади: 1) *А.и мулаззаа* (лаззатбахш А.) – бундай мусиқа асарлари гўзалликни ифодалайди ва инсон кайфиятини кўтарувчи таъсир кучига эгадир. 2) *А.и мухаййила* – хаёлий мусиқий, тасвирий характердаги асарлар. Бу ерда ҳоз. замон мусиқасидаги "фантазия" характеридаги асарлар тушунилмаслиги керак. А.и мухаййила деб, кишини хаёлга чўмдириб қўядиган ва кучли тасвирий кучга эга бўлган куй ва ашулалар кўзда тутилади. Унда кўпроқ табиат ва жониворлар тасвирланади. 3) *А.и инфиолийя* (ғамгин куйлар), кишига ғамгин кайфият бағишлайди. Ўрта аср мусиқасидаги А.нинг бу турларига оид фактлар умуман Шарқ халқларида мавжуд бўлган мусиқа асарларининг хусусиятларини ифодалайди. А.нинг бундай турлари ўзбек ва тожик халклари мусиқасида, айниқса, мақом йўлларида ҳам кўп учрайди. Бизгача етиб келган халқ мусиқа асарлари – "Тўрғай"да тўрғайнинг учиши, "Сувора" ва Сарбозча кабиларда отлиқ киши ва асарларни отда юриш ҳаракати тасвирланади. Утмишда А. нинг турлари кўп бўлиб, ҳоз. замон тушунчасидан бошқачароқ таърифланган.

А. сўзи шунингдек, шеърни вазнга мослаб, оҳанг б-н ўқиш, хутба ва Қуръон қироатида оҳангдорликка риоя қилиш, кўчма маънода булбул каби хушовоз қушларнинг сайраши каби маъноларни ҳам ифодалайди.

Эй Навоий, дема лаҳнига
недин булдунг сайд,
Халқ сайдиға қони уйла хуш алҳон ҳофиз.
("Наводир уш-шабоб", 287-ғазал)

АМАЛ I (ар.) – орзу, истак, умид, тилак:
Навоий, амал хирмани ичра ут сол
Ки, бўлмоқ керакмас бу мазраъда ҳорис.
("Наводир уш-шабоб", 89-ғазал)

АМАЛ II (ар.) – 1) иш, ҳаракат, фаолият:
Дема, эй носиҳки, қилмайсен
сўзум бирла амал,
Хотиримда қайда колмиш
мунча колмошинг сенинг.
("Бадоеъ ул-васат", 353-ғазал)

2) лавозим, мансаб:
Амал ҳирси чоғи асос мужримнинг ту тулмоғиға соний, амадо ўз матлубини ҳосил қилғонидин сўнгра қутулмоғиға доий
("Маҳбубул-қулуб", 1-қисм, 30-фасл)

АМАЛ III (ар.) – куй ёки ашуланинг маълум услубда яратилган шакли, жанр. А.ларнинг ўтмишдаги шаклини ҳозирги кунда аниқ тасаввур этиб бўлмайди. А.

шакли Навоий б-н бирга Жомий, Кавкабий, Бобур ва Дарвишали Чангий асарларида кўп қайд этилган. А. – "Шашмақом", Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари таркибидаги тароналарнинг муайян хили ҳисобланади. А. ашула шаклида ҳам байтлардан олдин мустаҳалл (ашуладан олдин чалинадиган чолғу муқаддимаси) бўлади. А. шаклида миёнхона билан бозгўй қисмлари бўлиши шарт. Агар шундай куй бўлаклари бўлмаса, уни Савт ул-амал (А.нинг савти) дейилади. А.нинг фазилати шуки, унга ҳар қандай доира усулини боғлаш мумкин. Лекин усул бир хил бўлиши шарт. А.нинг бозгўйига боғланган усул – Усули гардон дейилади.

Арғунун савтию ноқус уни бирла ҳар ён,
Юз муғона амалу қавл ила ғавғо эрди.

("Фавойид ул-кибар", 612-ғазал)

АМИН (ар.) – 1) омонатни сақловчи, ишончли киши:

Ишқ сиррига амин кимса хаёл
айламангиз,
Қисмингиз халқдин андуху малол
айламангиз.

("Фавойид ул-кибар", 215-ғазал)

2) Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг сифати:

Эй Навоий, чорайи дардингни қилғай
улки бор
Ҳам расулу ҳам амин, ҳам мустафо,
ҳам мужтабо.

("Наводир уш-шабоб", 7-ғазал).

АМИР АЛИ АБУ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Айнулқуззот Ҳамадоний* ўз "Мактубот"ида у ҳақда маълумот бериб, туркнинг мажзуб соликларидан деб атайди. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

АМИР КАМОЛИДДИН ҲУСАЙН (15-аср) – давлат хизматчиси, шоир. Навоийнинг жияни, акаси Шайх Баҳлулбекнинг ўғли. Фақирлик йўлини танлаб, таркидунё қилган. Яхши назмий табъи бўлиб, "Хатмий" тахаллуси б-н шеърлар ёзган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг ижодидан қуйидаги матлаъ келтирилади:

Маро бисёр мушкил менамояд
фурқати жонон,
Видои жони ширин аст душвор,
эй мусулмонон.

(Мазмуни: Жонондан жудо бўлиш мен учун жуда мушкул, чунки, эй мусулмонлар, ширин жон б-н видолашиш бениҳоя қийин).

АМИР МАҲМУД БАРЛОС (15-аср) – самарқандлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дарвештабиат, фониймашраб ва бетакаллуф киши эканлигини айтиб, яхши табъга эгалиги ва нома битганлиги ҳақида маълумот беради. А.М.Б. Кирвон вилоятида бек бўлиб, бир муддат подшоҳ девонида муҳрдорлик ҳам қилган. Бобурнинг ёзишича, у Абусаид Мирзо даврида ҳам, кейинчалик унинг учинчи ўғли Султон Маҳмуд Мирзонинг ҳам бекларидан бўлиб, ҳарбий салоҳият соҳиби, шеърият б-н ҳам шуғулланган, девон тартиб қилган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Магуки, ҳаст рухи ман зи об равшантар,
Ки ҳаст пеши ман аз офтоб равшантар.

(Мазмуни: Менинг юзим сувдан ҳам тиниқ дема. Менинг назаримда, у офтобдан ҳам равшанроқдир).

АМИР ТЕМУР. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул (1336.09.04, Шаҳрисабз яқинидаги Хожа Илғор қишлоғи – 1405.18.02, Ўтрор шаҳри, Самарқандда дафн этилган) – ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, Темурийлар сулоласининг асосчиси. Отаси Амир Тарағай Баҳодир барлос қабиласи зодагонларидан бири, замонасининг кўзга кўринган бадавлат кишиси ҳисобланган, онаси Тегина бегим эса бухоролик бўлган. А.Т. ёшлигиданоқ иродали, яхши ташкилотчи, ботир жангчи эканлиги намоён бўла бошлади. У ўз кучи, ғайрати ва иродасини чиниқтириш мақсадида йигирма беш ёшгача бир қанча ҳукмдорлар хизматида бўлди. Бу даврда Мовароуннаҳр бир

қанча амирликларга бўлинган, таркоқлик кучайган, қабилалар ва элатлар ўртасидаги низолар авжига чиққан эди. Шундай мураккаб вазиятда А.Т. ҳарбий ва дипломатик қобилияти туфайли Кеш (Шаҳрисабз) ҳокими даражасига кўтарила олди. 1370 й.да А.Т. Кешдан Балхга юриш қилиб, Амир Ҳусайн қўшинларини енгди, рақиби қатл этилгач, унинг хотинларидан бири Сароймулкхоним (Бибихоним)га уйланди. Хон қизига уйланганлиги муносабати б-н А.Т. "кўрагон", яъни "хоннинг куёви" номини олди. Ўша 1370 й. кучманчи зодагонлар, ўтроқ феодаллар ва мусулмон уламолари А.Т.ни Мовароуннаҳр амири деб эълон қилдилар. А.Т. Самарқандни давлат пойтахтига айлантирди. 1386 й.дан "уч йиллик юриш", 1392 й.дан "беш йиллик юриш" ва 1399 й. дан эса "етти йиллик юриш"ларни бошлаб, уларни изчиллик б-н амалга оширади. 1404 й.да Самарқандга қайтиб, Хитойга юришни тайёрлашга киришди ва 1405 й.да қўшинлари б-н йўлга чиқиб, Тошкентдан шимоли-шарқдаги Ўтрор шаҳрига келганда касалланиб вафот этди.

А.Т. Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғигача бўлган ҳудудда марказлашган улкан салтанатга асос солган ҳукмдор сифатида тарихда ёркин из қолдирган. Тарихда яшаб ўтган бошқа жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, А.Т. умр бўйи бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган. А.Т. забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарлари (Бағдод, Дарбанд, Байлақон)ни қайта тиклади, кўп шаҳарларда масжид ва саройлар, мақбара ва боғлар бунёд этди. Айниқса, Кеш ва Самарқанд унинг даврида гуллаб яшнади. Савдо, ҳунармандчилик, илм-фаннинг ривожига берган алоҳида аҳамияти ва эътибори туфайли А.Т. ва унинг ворислари даврига олимлар "Шарқнинг иккинчи Ренессанси" деб баҳо берадилар.

Амир Темур исми Навоийнинг олтита асарининг тўққизта жойида эҳтиром билан тилга олинган. "Ҳайрат ул-аброр"да "Тўрт улус хони Темур Кўрагон" (38-боб), "жаҳон хони Темур Кўрагон" (48-боб), "Фарҳод ва Ширин" достонида "Темурхон" (53-боб), "Мажолис ун-нафоис"да "мулук шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни: Темур Кўрагон" (7-мажлис) ва "Муҳокамат ул-луғатайн"да "Султони соҳибқирон Темур Кўрагон" (534-бет), "Муншаот" (56-мактуб) ҳамда "Насойим ул-муҳаббат"да турк авлиёлардан Хожа Боязид ва Бобо Сунгу зикридаги бобларда "Темурбек" номлари билан эсланган.

Навоий асарларида А.Т. исми зикр этилган ҳолатларни ўз моҳият-муддаосига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) Муайян ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-дидактик масалаларнинг талқини жараёнида А.Т.ни мисол келтириш; 2) А.Т. билан боғлиқ ривоятнамо ҳикоятлар; 3) А.Т. ҳаётидан тарихий лавҳалар; 4) Турк машойихининг Амир Темур билан боғлиқ кечган кароматлари.

Навоий назарида А.Т. буюк салтанат асосчиси, номи афсоналарга йўғрилган ўтмиш подшоҳлари билан бўйлаша оладиган ҳукмдор. Унинг давлатчилик бобида қилган ишлари, асос солган қудратли давлати Каюмарс, Жамшид, Фаридун, Доро, Искандар, Чингизхондек оламни ўз забтига олган султонлар шавкатидан заррача кам эмас. А.Т. қаҳри қаттиқ шоҳ бўлиш билан бирга, кечиримлилик ва бағрикенглик унинг туғма фазилатларидан бўлган. Шунингдек, унинг қўшинидаги сипоҳийлар ҳам ўз хоҳишлари билан эмас, балки ўз ҳукмдорининг амрини сўзсиз бажариш учун жангга киришган.

Ўзбек тилининг адабий тил мақомига кўтарилиши, араб ва форс тиллари каби мусулмон Шарқи оламида илм ва адаб тили сифатида тан олинган тиллар б-н бемалол беллаша олиш салоҳиятига эга бўлиши А.Т. асос солган давлатнинг олиб борган сиёсати туфайли амалга ошди. Айнан темурийлар давридан бошлаб туркий тилда шеър айтган шоирлар салмоғи ортгани бунинг тасдиғидир. Навоий биринчилардан бўлиб темурийларнинг ўзбек халқи маданияти ривожига қўшган ушбу тарихий хизматларини илғаган ва илмий жиҳатдан асослаб берган.

А.Т. шеър ёзишга рағбат билдирмаган бўлса ҳам, шеърни нозик тушунган ва бадиий сўз қадрига етган. У илм-фан ва маданиятнинг ҳомийси сифатида ижодкор-

ларни қўллаб-қувватлаган ҳамда керакли пайтда шеърият дурдоналарини нуктадонлик б-н истифода этган. Бу эса темурий ҳукмдорларнинг табиатидаги маърифатпарварлик, адабиётсеварлик айнан улуғ аждодларидан мерос бўлиб ўтган фазилат эканлигига гувоҳлик беради.

Буюк сохибқироннинг жаҳонгирлигига муҳим омил бўлган фазилатлардан яна бири – Худонинг азиз бандаларининг кўнглини овлаш, уларнинг иззатини жойига қўйиши, шоҳнинг қудрати – унинг сон-саноқсиз жангчиларида эмас, балки шод бўлган синиқ кўнгилларнинг дуоси баракотидан эканлигини дилдан ҳис этиш ва бунга изчил амал қилишида бўлган. А.Т. ўзидан олдин ўтган подшоҳларнинг қисматидан қандай тўғри хулоса чиқариб, уларнинг ижобий томонларини ўзида татбиқ этган бўлса, худди шу каби адолат ва ҳақиқатни ўзига шиор этган ҳар қандай юрт эгаси А.Т.нинг шахсияти ва фаолиятидан имкони борича кўпроқ баҳраманд бўлишга интилмоғи лозим.

Ана шундай ҳаётий ҳақиқатларни Навоий А.Т. номи билан боғлаб тушунтираркан, ўз замондошлари ва келажак авлод учун ибратли ўгит, инсонларнинг бахт-саодати учун курашадиган, айниқса, миллат ва мамлакат тараққиётига мутасадди шахсларга дастуруламал бўлишини кўзлаган ва ниятига эришган ҳам.

АМИРИЙ, Мавлоно Юсуф Амирий (15-аср, Ҳирот) – зуллисонайн шоир. Шоҳрух ва унинг ўғли Бойсунғур саройида хизмат қилган. Туркий ва форсий тилларда ижод қилган. Туркий девони *қасида, ғазал, туюқ* ва *маснавий* жанридаги намуналардан иборат. У туркий ад-тда энг кўп туюқ ёзган шоирлардан саналади. Ғазалнависликда Камол Хўжандийга пайравлик қилган. Форс тилидаги меросидан "Мажолис ун-нафоис" ва Яқинийнинг "Ўқ ва ёй" мунозараси орқали икки байтгина етиб келган. Хоразмий таъсирида ёзган "Даҳнома" ("Ўн нома") маснавийси ва Убайд Зоконийга эргашиб битган "Банг ва Чоғир" мунозараси машҳур. "Даҳнома"нинг 16-аср бошларида кўчирилган ягона нусхаси Британия музейида, фотонусхаси эса Беруний номидаги ТошДШИ ШҚМда, туркий девони Туркиядаги Дорилфунун кутубхонасида сақланади. Бу асарлари б-н у ўзбек ад-тида нома ва мунозара жанри тараққиётига муносиб ҳисса қўшган.

Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да Амир Темур замонидан то ўғли Шоҳрух ҳукмронлигининг охиригача етишиб чиққан туркий шоирлар қаторида А.ни ҳам ҳурмат б-н санаб ўтади. "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг биринчи мажлисида эса унга алоҳида фасл ажратиб, "Мавлоно Амирий турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубдур, аммо шуҳрат тутмабдур", деб маълумот беради ва шоирлик маҳоратига мисол тариқасида "Даҳнома"дан қуйидаги байтни келтиради:

Не емакдин, не уйқудин солуб сўз,
Емакдин тўюб, уйқудан юмуб кўз.

Форс тилидаги ижодида Камол Хўжандийга татаббуъ қилганини айтиб, намуна тариқасида бир матласини беради:

Рўзи қисмат ҳар касе аз айш
бахши худ ситонд,
Ғайри зоҳид, к-у риёзатҳо
кашиду хушк монд.

(Мазмуни: Насиба тақсим қилинаётган кунда айшдан ҳар ким ўз улушини олди, ҳар қанча ранжу машаққат чекса-да, фақат зоҳид бундан қуруқ қолди).

АМИРЧАИ САФОЛФУРУШ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Чаёнга ҳам озор бермайдиган абдоллар тоифасидан бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АМОНАТ (ар.) – вақтинчалик сақлаш учун берилган нарса. Навоий асарларида бу сўз кўп ҳолатда луғавий маъносидан ташқари, "Аҳзоб" сурасининг 72-ояти мазмунига ишора қилинган тарзда қўлланган: "Биз бу омонатни осмонларга, Ерга ва тоғларга таклиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у ўзига зулм қилувчи ва нодондир".

"Риёз ус-солиҳин"да, А. бу оятда адолат, валийлик ва имомат маъноларида келганлиги айтилган. *Абдуллоҳ Ансорий* "Кашф

ул-асрор"ида А.дан мурод – муҳаббатдир, дейди. Унинг фикрича, айнан шу А. юки, яъни Илоҳий муҳаббат инсонни бошқа мавжудотларга нисбатан юксак ва афзал қилди.

Етти иқлим ила тўққуз гардун,
Балки бу дабдабаи кунфаякун,

Бўлғанидин сен эдинг барча ғараз
Ким, яратилмади зотингға эваз.

Ул амонатки, еру кўк била тоғ
Ҳамлиға тўзмади арз этган чоғ.

Бу оғир юкка сен эрдинг ҳомил,
Сирру розиға амину комил.

("Соқийнома")

АМР БИН УСМОН МАККИЙ (вафт. 909) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Абдуллоҳ. *Жунайд Бағдодий* ва *Абу Саид Харроз*нинг яқин маслакдоши. *Абу Яъқуб Наҳражурий* қўлидан хирқа кийган. Абулҳусайн бин Ҳинд Форсий, Али Саҳл, Абу Абдуллоҳ Набожий, Абу Саид Аъробий б-н суҳбатда бўлган. Шайх Исмоил Қассор, Нажмиддин Кубро, Мажиддин Бағдодийнинг хирқа силсиласи унинг номи б-н боғлиқ. Асли яманлик бўлиб, бир муддат Маккада яшаган. Муътазилийлар уни калом илмининг тарафдори сифатида айблаб, шаҳардан сургун қилади. Бир муддат Жидда шаҳрида қозилик қилган. Ибн Жавзий унинг Бағдод шаҳрида вафот этганлигини айтади. Ҳусайн бин Мансур Ҳалложга устозлик қилган. "Тазкират ул-авлиё"да Ҳалложнинг вафотига устозининг қарғиши сабаб бўлганлиги келтирилган.

АНАС ИБН МОЛИК, Анас ибн Молик ибн ан-Назр ан-Нажжорий ал-Хазражий ал-Ансорий (610, Мадина – 712, Басра) – Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан. Ҳижратнинг аввалида, ўн йил Расули Акрам (с.а.в.)нинг хизматида бўлган. Абу Бакр, Умар, Усмон, Убайй бин Каъб ва б. кўп саҳобалардан 2630 ҳадис ривоят қилган. Ҳасан Басрий, Зуҳрий, Қатода, Яҳё ибн Саид каби зотлар унинг ўзидан ҳам ҳадис нақл этган.

А. исми "Хазойин ул-маоний"нинг икки жойида ҳадис ровийси маъносида келтирилган:

Ёр исидур ком, келтурсин сабо
ёхуд шамол,
Дўст тақририға ровий хоҳ Бузар,
хоҳ Анас.

("Наводир уш-шабоб", 224-ғазал)

АНБАР – қора ё кулранг хушбўй модда. Ҳинд ва Тинч океанидаги кашалотларнинг ичагидан олиниб, тиббиёт ва парфюмерия саноатида ишлатилган. Янги А. (А.и соро) сочга суртилган, қуритилгани тутатилган. Мажоз тилида, асосан, Ёрнинг сочи ва ундан тараладиган хушбўй ифор, муқаддас қадамжоларнинг тупроғи ва висол кечалари А. билан сифатланган. Навоий асарларида А. негизида ясалган қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: Анбарин – А.ли, хушбўй; анбарбез – хушбўй; анбарафшон/анбарфишон – хуш ифор таратувчи; анбарсиришт – А. билан қорилган; анбаршамим – А. ҳиди таратувчи; анбарнасим – ёқимли шамол; анбарвош – қора рангли ва хушбўй соч; анбаролуд – А. қўшилган; анбарфом – қора рангли (тун ё соч); анбарсой – А. суртадиган нарса; А.и соро – сара, янги А.; А. суда – янчилган А.; А.и тар – янги А.; муанбар – ифорли А.

Кўзунг фусунгар, анинг
ўти оташин лаълинг,
Лабингда хол анинг ўт
узра анбари янглиғ.

("Фавойид ул-кибар", 301-ғазал)

АНВАРИЙ Авҳадиддин Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Анварий Абивардий (1105, Абивард – 1187, Балх) – форс-тожик шоири. Тус мадрасасида таҳсил олиб, ўз даврининг асосий фанлари, жумладан, нужум, ҳандаса, риёзиёт, мусиқа, ҳикмат, тиб ва фал.ни чуқур ўзлаштирган. Мадрасадалигидаёқ Ховарий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Йигирма ёшида Султон Санжарга бағишланган қасидаси б-н унинг эътирофига сазовор бўлиб, Амир Муиззий раҳбарлигидаги сарой шоирлари сафидан жой олади. Султон Санжар тахтдан кетгандан сўнг саройни тарк этиб, аввал Марвдан Нишопурга, кейин Балхга боради ва шу ерда вафот этади.

А.дан қолган адабий мерос 15 минг байтга яқин бўлиб, 250 қасида, 337 ғазал, 557 қитъа, 472 рубоий ва бошқа шеърлардан иборат. У Абулфараж Рунийга эргашиб, ироқий услубни янада ривожлантирган.

Навоий уни "Маҳбуб ул-қулуб"да "назмида мажоз тариқи адоси юлиб" шоирлар гуруҳига киритади. "Хамса" ниҳоясида сўз санъаткорларининг устози қаторида ҳурмат б-н тилга олади. "Муҳокамат ул-луғатайн"да Ҳирот фозиллари ўртасида А. шеърлари юзасидан бўлган баҳсга ечим топиб берганини айтади.

АНИСИЙ, Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий – Навоий шеърияти ихлосмандлари 1471 й. кўчирган "Оққуюнли мухлислар девони"нинг хаттоти. Оққуюнли ҳукмдорлар Султон Халил (1478) ва Султон Яъқуб (1478–1490) даврида Табриз ва Шерозда фаолият олиб борган. 1460–1494 й.да шу сулола вакиллари учун қўлёзмалар кўчирган. Қози Аҳмаднинг хаттотлар ва рассомлар ҳақидаги рисоласида, А. тахаллусини унга Оққуюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб берганлиги айтилган. Отаси Абдураҳмон Хоразмий ва укаси Абдулкарим Хоразмий ҳам ўз даврининг таниқли хаттотлари бўлишган. А. *Султон Али Машҳадий* б-н бирга хаттотликдан Заҳириддин Азҳар Табризий қўлида таҳсил олган. А. устози Азҳарнинг хат услубини янада такомиллаштириб, отаси б-н ҳамкорликда настаълиқ хатида ўзига хос услуб кашф этади. Мазкур услуб "Услуби А." ёки "Шеваи А." деб аталади.

Саъдийнинг "Бўстон"и, Ҳофиз Шерозий девони, Низомий Ганжавийнинг "Хамса"си ва хаттотнинг ўз шеърлари мажмуаси – "Девони А."ни А. кўчирган қўлёзмалар жумласига киритиш мумкин. У Алишер Навоийнинг шеърларини 1471 й. 26 декабрда кўчириб тугаллаган. Мазкур девонга Навоийнинг, асосан, 1466–1471 й.да ёзган шеърлари киритилган. Навоийнинг ана шу девони тилида Оққуюнли ҳудудида истиқомат қиладиган туркий ўғузларга хос унсурлар ҳам учрайди. Лекин бу девонни хаттот А.нинг ўзи тузганми ёки бошқа ихлосмандларми, ҳозирча маълум эмас.

"АНИС УЛ-ОШИҚИН" ("Ошиқлар дўсти") – *Амир Қосим Анвор*нинг суфийлар ҳақидаги асари. Навоий ушбу асар номини "Мажолис ун-нафоис"да Қосим Анвор б-н боғлиқ мақолада эслаб ўтади.

АНКАБУТ (ар.) –1) ўргимчак:

Кўнгул қушидур анинг зулфи
тобдори била
Чибинки, боғлиғ эрур анкабут
тори била.
("Ғаройиб ус-сиғар", 571-ғазал)

2) Қуръони каримдаги 29-суранинг номи. Ислом тарихига оид манбаларда келтирилишича, Макка мушриклари мусулмонларга нисбатан қанча зулму зўравонлик қилишмасин, уларни исломдан қайтариш иложини тополмаганларидан сўнг пайғамбаримизнинг жонларига қасд қилиш пайига тушадилар. Шунда Тангри таолодан у зотга милодий 622 й. Мадинага ҳижрат қилиш – кўчиш амр этилади. Тангрининг ёрдами б-н коронғи бир кечада уларни ўлдириш учун тайёрланиб турган кофирларнинг ёнидан соғ-саломат ўтиб, Абу Бакр Сиддиқ ҳамроҳлигида Макка яқинида ғор ичида яширинадилар. Мушриклар изқувар б-н уларнинг ортидан тушишади. Лекин улар ғорнинг ичига киришгач, из йўқолади, ғор оғзини бир зумда ўргимчак тўри қоплаб, бир қуш ин қуради. Шундан сўнг мушриклар ноумид бўлиб, таъқибни тўхтатишади. Ушбу воқеани Навоий "Ҳайрат ул-аброр", "Лисон ут-тайр", "Вақфия" асарларида маҳорат б-н тасвирлаган:

Агар Сиддиқ булди ғри ғори,
Ҳам ўлди анкабути пардадори.
("Вақфия")

АНОНИЯТ (ар. – манманлик) – ахлоқий тушунча. Ёмон хислатлардан бири. Ўзига ҳаддан ортиқ ишониш, бино қўйиш, барча ишда ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятини кўз-кўз қилиш:

Мунча анонияту пиндор анга,
Ким берибон нафси ситамгор анга.
("Ҳайрат ул-аброр", 16-мақолат)

АНТОКИЙ, Абдуллоҳ бин Ҳубайқ Собиқ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Фақат ҳалол ризқ талабида бўлгани, барча ҳолатда ҳам тақвони мустаҳкам тутгани учун суфийларнинг зоҳиди сифатида машҳур бўлган. Куфада туғилиб, Антокияда яшаган. Фазл бин Шахраф б-н суҳбатда бўлган. Тас.да Суфён Саврий тариқатида

бўлиб, унинг шогирдларидан таълим олган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

АНУШ – Шис пайғамбарнинг ўғли. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да А. валий бўлгани айтилган. Хурмо дарахтини экиш, садақа бериш каби одатларни жорий қилган. Унинг даврида халқ фаровон яшаган. "Тарихи Жаъфарий"да А. даврида Сувод мулкида бир аждаҳо пайдо бўлиб, одамларга кўп зарар етказгани, А. Одам Атодан мерос қолган ҳасса б-н уни уриб ўлдиргани ёзилган. Уч юз олтмиш йил умр кўрган.

Минг йил дағи сурса эрди давронни Ануш,
Ҳам айлагуси эрди ажал жомини нўш.

АНУШЕРВОН (паҳ. Аношакруван – мангу руҳ соҳиби) – Сосонийлар сулоласининг 21-намояндаси бўлган Хусрав I га хос сифат. 531–579 й.лар ҳукмронлик қилган. Унинг даврида Сосонийлар давлати юксак тараққиётга эришган. Адолатли сиёсат олиб боргани сабабли "Одил" сифати б-н машҳур бўлган.

"Ҳайрат ул-аброр"да адабга оид 6-мақолатдан кейин А. ҳаётидан бир лавҳа келтирилиб, унинг одоби ва ҳаёси таъриф қилинади. Ҳирот шаҳри таърифидаги 19-мақолатда Ҳусайн Бойқаро ҳам А. каби адолатли подшоҳ бўлгани қайд қилинган. Айни шу маъно "Сабъаи сайёр"нинг 9-бобида ҳам учрайди. "Садди Искандарий" достонининг 14-бобида Сосоний ҳукмдорлари қаторида А. исми ҳам баён этилган. "Лисон ут-тайр"нинг "Истиғно водийси таърифида"ги бобда А. Бухтуннаср б-н қарама-қарши қўйилган.

"Тарихи мулуки Ажам"да А. ҳақида анча батафсил маълумот берилган. Унда, А.нинг онаси оддий деҳқон фарзанди бўлгани, А. туғилган пайт салтанатидан мосуво бўлган отаси Қубод ўз тахтини қайтариб олгани айтилган. Ўзини пайғамбар деб атаб, барча мол-мулк ва оилани жамият мулкига айлантирмоқчи бўлган Маздак қўзғолонини қатъият б-н бостиргани уни адолат тимсолига айлантирган. А. даврида Ислом дини пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) таваллуд топган. Навоий барча асарида А.ни адолат ва барқарорлик тимсоли сифатида таърифлаган.

Ануширвон гарчи кофир эди,
Вале адл зотида зоҳир эди...
Ул утгандин ар минг йил андозадур,
Адолатдин овозаси тозадур.

("Садди Искандарий" 20-боб)

АНҚО (ар.) – афсонавий қуш номи. "Нафоис ул-фунун" асарида келтирилишича, А. боши одам қиёфасида, бўйни ва қанотлари узун қуш. Ривоятларга кўра, одам қадами тегмаган ороллларда яшаркан. "Ғиёс ул-луғот" ва "Бурҳони қотеъ"да А. Қоф тоғида яшовчи Симурғ сифатида таърифланган. А. бошқа қушлардек тухум қўйиб эмас, тирик жўжа туққани учун камёб ёки ноёб нарсага нисбатан мажозан "А.нинг тухуми" деб таъриф беришади. А. ирфон фал-сида комил инсоннинг тимсоли. Баъзи файласуфлар А.ни ҳаюло (материя)нинг рамзи деб атаган. Чунки ҳаюлони ҳам алоҳида ҳолда кўриш мумкин эмас. Шеъриятда, асосан, нодир, ноёб, ягона нарсаларга таъриф беришда қўлланилади:

Ҳам Тури фазилат узра Мусо,
Ҳам Қофи қаноат узра Анқо.

("Лайли ва Мажнун", 5-боб)

АРАСТУ – юнон файласуфи Аристотелнинг шарқона номи. Афлотуннинг шогирди. Мил.ав. 384 й.да Эгей денгизи бўйидаги Стагир ш.да туғилган. Шу сабабли у баъзан А. Стагирий номи б-н ҳам эсланади. А.нинг отаси Никомах табиблар наслидан бўлиб, Македония шоҳи Эмента III саройида хизмат қилган.

А. мил.ав. 367 й.да Афинадаги машҳур Афлотун академиясига ўқишга киради. 12 йил таҳсил олгач, шу академияда ўқитувчилик қила бошлайди.

Мил.ав. 340 й. Филипп II тахтга ўтирганидан сўнг, Македония пойтахти Пеллага таклиф этилиб, унинг ўғли, 13 ёшли Александрга мураббий этиб тайинланади.

А. шогирди Александрни Ҳомернинг "Илиада" достонида куйланган қаҳрамонликлар руҳида тарбиялайди. Александр кейинчалик: "Мен Арастуни отамдай ҳурмат қиламан, чунки отам менга ҳаёт берган бўлса, Арасту ҳаёт қадриятларини ўргат-

ди", дейди. Александр мил.ав. 339 й. тахтга ўтиргач, А. Стагирга қайтади. Филипп II даврида урушлар туфайли вайрон бўлган бу ш.ни Александр устозининг ҳурмати учун қайта тиклайди.

А.нинг илмий мероси Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқа кўплаб файласуфлар томонидан чуқур ўрганилган, шу боис А. Шарқ фал.си ва ундан таъсирланган бадиий ад-тда улкан бир сиймо сифатида шаклланган.

Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарида Александр (Искандар)нинг устози А. Аристотолис номи б-н тилга олинади. Низомий Ганжавийнинг "Искандарнома", Хисрав Деҳлавийнинг "Оинаи Искандарий" асарида А. Искандарнинг асосий устози, надиму мулозими сифатида тасвирланади. А. Искандарга афсонавий кўзгу ясаб беради ва денгиз сайёҳатида у б-н бирга бўлади. Жомийнинг "Хирадномаи Искандарий" асарида ҳам А. шу вазифани бажаради.

А. "Садди Искандарий" достонида ҳам донишманд, ҳам Искандарнинг устози сифатида тасвирланади. Искандар тахтга чиққанидан то умрининг охиригача унинг насиҳатларига амал қилади. А. "Садди Искандарий" достонининг 18-бобидан бошлаб тилга олинади. Достон давомида Искандар А.га ахлоқий муаммолар хусусида турли хил савол б-н мурожаат қилади. Бу савол-жавоблар достонда "Ҳикмат" деб номланган. Ҳикматлар достон воқеалари б-н бевосита боғлиқ бўлиб, ахлоқий-таълимий ва орифона мазмун-мундарижага эга.

Шаҳ этмай бу сўзларга ҳеч илтифот,
Арасту била етти ул ерга бот.

("Садди Искандарий", 35-боб)

А. панд-насиҳатлари, ўгитлари жаҳонгир фотиҳнинг улуг донишманд бўлиб етишишида беқиёс аҳамиятга эга бўлади. А. Буқрот б-н бирга юз нафар олимга Искандарга жаҳонни кўрсатувчи ойина ясаб беришда раҳбарлик қилади.

Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да А.ни Аристотолис деб атайди:

Аристотолис ҳаким Афлотуннинг шогирдидур, Искандарнинг вазири эрди.

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

"Лисон ут-тайр" достонининг 110-бобида А. мажозий ишқ ҳақидаги саволга жавоб бериб, бир соҳибжамол ишқига гирифтор бўлган шогирдини бу дарддан халос қилиш учун унинг маъшуқасига сурги дори бергани б-н боғлиқ ҳикоят келтирилган. Навоий ушбу ҳикоят воситасида зоҳирий гўзаллик ўткинчи эканлигини таъкидлайди.

"АРБАЪИН", "Чиҳил ҳадис" – Алишер Навоийнинг асарларидан бири. "А." инсон ахлоқ-одобига доир 40 ҳадиснинг шеърий таржимасидан иборат. Қисқача кириш қисмида келтирилишича, назмий ва насрий асарлари билан кенг шуҳрат қозонган Абдураҳмон Жомий ҳижрий 886 (мил. 1481-й.)йилда 40 саҳиҳ ҳадисни танлаб олиб, ўқувчига 40 марта чилла ўтирган соликнинг завқу ҳолини бағишлайдиган асар яратади. Навоий бундай фойдали асардан туркийзабон халқлар ҳам баҳраманд бўлишини истаб, устози Жомийнинг дуосини олиб, қисқа муддат – икки-уч кун ичида унинг шеърий таржимасини ниҳоясига етказади.

"А." асарига асос қилиб олинган ҳадисларнинг 6 таси муттафақун алайҳ (Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг "Саҳиҳ"ларида келтирилган муштарак ҳадислар) бўлиб, 8-таси Имом Термизийнинг "Сунани Термизий" асари, 8-таси Имом Аҳмад Ҳанбалнинг "Сунани Аҳмад" асари, қолганлари Имом Бухорийнинг "Ал-адаб ал-муфрад", "Ат-Тарих ал-кабир" асарлари ҳамда Имом Доримий, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Байҳақий, Суютий, Табароний, Дайламий каби машҳур муҳаддисларнинг ҳадислар тўпламидан олинган. Асарда танлаб олинган хадисларнинг аксари саҳиҳ ва машҳур ҳадислардир. Уларнинг ичида мавзуъ (тўқима) ҳадис учрамайди. Фақат иснод (ровийлар силсиласи) қисми заиф ҳисобланган айрим ҳадислар Суютий, Байҳақий, Дайламий ривоятларида келтирилган. Ҳадисларни келтиришда иснод қисмини қисқартириб, матннинг ўзини бериш (айрим ҳолатларда узун ҳадислардан муайян қисмини иқтибос келтириш)дан ҳам шу нарса англашиладики, муаллифларнинг асосий мақсади – ҳадис ё фиқҳ илмига оид асар яратиш эмас, балки ушбу ҳадисларда акс топган мангу ва барҳаёт ғояларнинг бадиий талқинини яратиш, шу тариқа жами-

ятнинг маънавий-руҳий асосларини янада мустаҳкамлашдан иборат бўлган. Қолаверса, фазилатли амалларни тарғиб этишда заиф ҳадислардан руҳий тарбиянинг самарали воситаларидан бири сифатида фойдаланишни диний уламолар ҳам ижозат берган. "Агар менинг номимдан айтилган бирор ҳадис эшитсангиз-у, кўнглингизга урнашмаса, билингизки, у менинг сўзим эмас" мазмунидаги ҳадисга мувофиқ Жомий ва Навоий кунгилда абадий тарзда урнашиб оладиган ҳадисларни саралаб, адабий-бадиий талқинини беришган.

"А."да ҳақиқий мўминга хос фазилатлар тарғиб ва талқин қилинади: мўмин киши ўзига раво кўрган нарсанигина биродарига раво кўради (1-қитъа); муҳаббати ва адовати, бирор нарсани бериш-бермаслиги – барчаси Аллоҳ учун бўлади (2-қитъа), унинг тили ва қўлидан диндош биродарлари омонда (3-қитъа); бахиллик ва бадхулқлик унга бегона (4-қитъа); шукроналик (6-қитъа), раҳмдиллик (7-қитъа) каби хислатлар эгасидир ва ҳоказо. Таржима қилинган ҳадислар мазмун-моҳиятига кура, амри маъруф ва наҳйи мункар шаклида бўлиб, айрим қитъаларда юксак инсоний фазилатлар тараннум этилса, айримларида нопойиста амаллар мазаммат қилинган. "А."да имкони борича ҳадис мазмунидан четга чиқмаслик, қўшимча маъно-мазмун ва тасвир унсурларни келтирмасликка ҳаракат қилинган. Жумладан, "Қаноат битмас-туганмас молдир" ҳадиси "А."да қуйидагича таржима қилинган:

Ҳирсдан кечгил, ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят анга эмас пайдо.
Тут қаноатким, ул эрур моле,
Ки ниҳоят эмас анга пайдо.

Дастлабки байтда қаноатнинг муқобили бўлган ҳарисликдан ҳосил бўладиган ҳадсиз-ҳисобсиз ғуссадан кечишга даъват қилинган бўлса, иккинчи байтда ҳадиснинг мазмуни тўлалигича таржима қилиниб, қўшимча сўзлар ёрдамида вазнга мувофиқлаштирилган. Худди шу ҳадис "Ғаройиб ус-сиғар" девонининг 42-қитъасида қуйидагича таржима қилинган:

Қаноат гўшасин тутқилки,
чун анқо бу даъб этти,
Анга қушлар ичинда
қурб кофида нишимандур.

Чу парворий товуғнинг
оғзи тинмас туъмадин гарчи,
Ўлар охир анга аввал
катак зиндони маскандур.

Бу таржимада Навоий ҳадис матнига анча эркин ёндашиб, ҳадис мазмунини содда ва тушунарлироқ ифода этиш учун қаноат тимсоли бўлган Анқо ҳамда очкўзлик билан танилган товуқни ўзаро қиёслайди. "А."да ҳарислик ва қаноат антитезасидан фойдаланилган бўлса, юқорида келтирилган қитъада қўлланилган қўшимча бадиий образлар ҳадиснинг мазмунини очиб беришга хизмат қилган.

"А."даги қитъалар бир-бирини тўлдириб, муайян масаланинг турли қирраларини ёритишга хизмат қилади. Жумладан, 8-ҳадисда дунё ва ундаги нарсаларни Ҳақ таоло лаънатлаганлиги, фақат Ҳақ зикрига машғул бўлган киши илоҳий раҳматга сазовор бўлиши ҳақида сўз юритилган бўлса, кейинги қитъада дирҳам ва диноргa қул бўлган киши Аллоҳ ғазабига дучор бўлиши мазмунидаги ҳадис таржима қилинган:

Раҳмат озодагоким, ул олмас
Дунйию дирҳамин жаве ғамға.
Лек лаънат ангаки, қул бўлғай:
Хоҳ динору хоҳ дирҳамға.

"А."да келтирилишича, кураш тушиб енган паҳлавон ҳақиқий паҳлавон эмас, ғазаби келган чоғида уни енга олган одам паҳлавондир:

Эмас ул паҳлавонки ўз қадарин
Бош уза элтибон нигун қилғай.
Паҳлавон они билки, етса ғазаб
Нафси амморани забун қилғай.

Худди шу маъно ғазалларининг бирида ҳам ўрмондаги шер устидан зафар қучиш ҳамда ит каби гуноҳ ишларга ундовчи нафс устидан юлиб келиш билан қиёсланади:

Беша шерин гар забун қилсанг,
шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун,
оламда йўқ сендек шужоъ.
("Ғаройиб ус-сиғар", 288-ғазал)

"А." учун танлаб олинган ҳадисларнинг асосий қисми 15-аср зиёли қатлами учун маълум ва машҳур бўлиб, жонли мулоқотда мақол ва ҳикматли сўзлардек тез-тез такрорланиб турган. Жомий ва Навоийнинг "А."даги ёндашуви – ҳадисдаги ўзак маънони аниқ ва тушунарли тилда оммага

етказиш ҳамда аслиятдан узоқ бўлган турли уйдирма талқин ва шарҳларнинг олдини олиш, шу орқали ислом динининг софлиги учун курашиш ҳамда гўзал ахлоқ намуналари тарғиб қилинган ҳадисларнинг таъсир кучидан фойдаланиб, ўқувчиларни инсонийликка даъват этиш б-н изоҳланади.

Навоий "А."ни "Лисон ут-тайр" ва "Насойим ул-муҳаббат" каби таржима асар, деб атаган бўлса ҳам, унда Навоийнинг таржимонлик маҳоратининг янги қирралари намоён бўлганини кузатиш мумкин. Агар "Лисон ут-тайр" ва "Насойим ул-муҳаббат"да аслият матнига эркин ёндашиб, қисқартириш ва тўлдириш, айрим ҳолатларда буткул янги гоя ва муддаоларни ифода этиш йўлидан борган бўлса, "А."да имкони борича асл матндан узоқлашмасдан, туркий тилнинг имкониятларидан келиб чиқиб, қофия танлаш ҳамда ҳадиснинг мазмунини ўзбекча жаранглатиш учун янги ифода воситаларидан фойдаланишга интилган. Жомийнинг аксар қитъаларида дастлабки икки мисра ҳадис моҳиятини тушунишга очқич вазифасини бажариб, ҳадиснинг таржимаси охирги мисраларда берилган бўлса, Навоий ҳадис мазмунини кўпинча биринчи байтда талқин қилиб, иккинчи байтда Жомий фикрларини умумлаштириб, ривожлантириб ва тўлдириб ифодалайди. Чунончи, "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир" мазмунидаги ҳадиснинг шоирона талқинини беришда Жомий ўз қитъасини она хизматидан бўйин товламаслик кераклиги, инсон бошидаги улуғлик тожи оналар оёғининг гардидан ҳосил бўлиши мазмунидаги хулоса билан бошлаб, шундан кейин ҳадиснинг мазмунидан келиб чиқиб, жаннат оналарнинг оёғи остида эканлиги айтилади:

Сар зи модар макаш, ки тожи шараф
Гарде аз пои модарон бошад.
Хок шав бар пои ӯ, ки бихишт
Дар кадамҳои модарон бошад.

Навоий эса биринчи байтда ҳадис мазмунига урғу бериб, иккинчи байтда Жомийнинг биринчи байтидаги хулосани келтиради. Жомий "Онанинг оёғи тупроғи бўлки, жаннат оналарнинг оёғи остидадир" деса. Навоий қитъасидан "Жаннат боғи висолини истар эсанг, оналар оёғи тупроғи бўл", мазмунидаги хулоса ҳосил бўлади:

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг ичида "А." энг кўп тарқалгани ҳисобланади. ТошДШИ ШҚМ қўлёзмалар хазинасида унинг 18 қўлёзма нусхаси сақланади. Уларнинг айримларида ҳадисларнинг арабча матни кўрсатилган бўлса, айримларида Жомийнинг "А."и матни билан бирга берилган. Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид тайёрлаган "А."нинг илмий-қиёсий матни учун қуйидаги қўлёзмалар асос қилиб олинган:

1. Туркиянинг Тўпқопи музейидаги Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланаётган Алишер Навоий куллиёти (548–550-саҳифалар). Қўлёзмани Дарвеш Муҳаммад Тоқий 1495-1500-й.да кўчирган. Матн Хуросоннинг жилоли ипак қоғозига қадимий настаълиқ хатига ёзилган, ҳар саҳифага тўрт устунда 27 қатор жойлаштирилган. Ҳар бир асарнинг биринчи саҳифаси нақшлар билан безатилган. Китоб фотонусхаси Алишер Навоий номидаги давлат музейи архивида сақланади.

2. Истамбулдаги Султония кутубхонаси Фотиҳ фондида 4056 рақами остида сақланаётган, Алишер Навоийнинг 26 асарини қамраб олган куллиёти. Огоҳ Сирри Левенднинг тавсифига кўра, бу куллиёт 16-асрда кўчирилган бўлиб, котиби номаълум. Матн майда настаълиқ хатида ёзилган, ҳар саҳифада тўрт устун жойлашган. Китоб 787 варақдан иборат, саҳифалар ўлчами 24x6 см. Китоб фотонусхаси Алишер Навоий номидаги давлат музейи архивида сақланади.

3. ТошДШИ ШҚМ қўлёзмалар хазинасида 9762 рақами остида сақланаётган "А." қўлёзмаси. 1616 йили Мисрда Муҳаммад ибн Довуд томонидан кўчирилган. Настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, ҳар бир саҳифа 20 сатрдан иборат. "А." ушбу қўлёзманинг 108б–112а саҳифаларида жойлашган бўлиб, саҳифаларнинг ўлчами 28x15,5 см.

4. ТошДШИ ШҚМ қўлёзмалар хазинасида 1315 рақами остида сақланаётган "А." қўлёзмаси. Котиби номаълум. "А." ушбу қўлёзманинг 648–650-саҳифаларида жойлашган бўлиб, настаълиқ хатида ёзилган. Саҳифалар ўлчами 22,5x38 см. Ҳар бир саҳифада 19 қатор бор.

"А." 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами (16-жилд) ҳамда 10 жилдлик тўла асарлар тўплами (10-жилд)дан ташқари алоҳида китоб ҳолида ҳам уч марта нашр этилган.

Ас.: Алишер Навоий. Арбаин. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000, 16-ж; *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 10-ж.

Ад.: Абдулмажидов Ҳасан, Абдулмажидов Ҳусайн. Навоийдан чу топқайлар навое. Т., 2014.

АРДАШЕР – Сосонийлар сулоласи асосчиси. Навоий А. аслида каёний малика Ҳумойнинг Сосон исмли ўғли авлодидан экани, она томондан ўз даврида машҳур бўлган бобоси Бобакка бориб тақалишини ёзган. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да А. ашконийларнинг сўнгги подшоҳи Ардувон (Артабон V) ва унинг ўғиллари устидан ғалаба қозониб, Ардувоннинг қизини ўз никоҳига олгани, лекин бу қиз қасос олиш мақсадида А.га заҳар бермоқчи бўлгани, А. эса буни сезиб қолиб, қизни ўлимга маҳкум этгани, бироқ вазири қизнинг А.дан ҳомиладор эканлигини билиб қолгач, уни яширинча асраб юргани, туғилган бола кейинчалик А.нинг валиаҳди бўлгани, ўттиз йил ҳукмронлик қилгани, ўн тўрт йил ҳукми бутун оламга ўтадиган ҳукмдорга айлангани ҳақида сўз юритилади. "Садди Искандарий"да А.ни баъзи манбаларда валий, деб билишгани айтилади.

Жаҳон мулкини олди чун Ардашер,
Тавоноу доно шаҳ эрди далер.
Ўларда не нафъ этти донолиғи,
Не дафъ айлай олди тавонолиғи.

АРДАШЕР бинни Шеруя – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Отаси Шеруя вафот этганида балоғат ёшидаги валиаҳд шаҳзода йўқлиги сабабли А. подшоҳ, Хусрав Парвизнинг хонсолори (дастурхончиси) Меҳрижис унга вазир этиб тайинланади. Хусрав Парвизнинг нуфузли аъёни Шаҳрирод А.га қарши чиқиб, шоҳ ва унинг вазири Меҳрижисни қатл этиб, Мадойинда тахтга ўтиради. А. бир йилу олти ой подшоҳлик қилгани айтилган. А. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам" ҳамда "Садди Искандарий"нинг 14-бобида маълумот берилган.

Яна Ардашер эрди тифле нажанд,
Ки бўлди маҳоми сарири баланд.
Бийик тахтдин чархи бевафму бок
Қуйи ташлаб, ул тифл бўлди ҳалок.
("Садди Искандарий")

АРДАШЕР бинни Ҳурмуз – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Шопур Зулактофнинг укаси. Шопур Зулактоф ўғли балоғат ёшига етгунга қадар тахтга ўтиришни А.га васият қилади. Навоий А. тақдири ҳақида бир-бирига қарама-қарши икки далил киритган: "Тарихи гузида"да берилишича, подшоҳ А. одиллиги сабабли Некукор (солиҳ киши) сифатига эга бўлгани, Шопур Зулактофнинг ўғли балоғатга етгач, васиятга асосан тахтни унга топшириб, ўзи сиёсатдан четга чиққани айтилади. "Банокатий тарихи"да эса бунинг батамом акси келтирилган: А. золим бўлгани учун халқ исён кўтаради, уни тахтдан қулатиб, ўрнига Шопурнинг ўғлини шоҳ этиб сайлашади. А. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам" ҳамда "Садди Искандарий"нинг 14-бобида маълумот берилган.

Чу Шопур ўтуб, Ардашер олди мулк,
Басе биму уммид аро қолди мулк.
Неким олам аҳлиға қилди писанд,
Анга они еткурди чархи баланд.
("Садди Искандарий")

АРЖОСП, Аржосб (авес. Аржита аспа – Қимматбаҳо от эгаси) – Турон подшоҳи, Афросиёбнинг ўғли. "Авесто"га асосан, А. Туроннинг хюн (хун) қабиласидан. Эронда зардуштийлик дини пайдо бўлгач А. Эронга қўшин тортиб, Балхда Гуштоспнинг отаси Луҳроспни ўлдиради. Кўп ўлжа қатори Гуштоспнинг сингилларини ҳам ўзи б-н олиб келади. Шунда Исфандиёр отасининг буйруғи б-н Туронга қўшин тортиб, асирга тушган сингилларини озод қилади, А.ни ўлдиради.

А. "Тарихи мулуки Ажам"да икки марта тилга олинган.

АРЗИЗИЙ, Абулаббос – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абулаббос Аббодоний* ҳаётидан ҳикоятлар киритган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АРИЗ – (ар. – кенг, энли) – форсий арузга хос баҳрлардан бири. А. аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмаддан кейин форс-тожик арузшунослари томонидан кашф қилинган. Асосан форсий, қисман туркий шеъриятда қўлланилган. Туркий арузшуносликда А. ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асарида келтирилган. Рисолада мазкур баҳр тавил, *тавил* баҳри эса жазил номи б-н аталган. А. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим руклари *мафоийлун (V – – –), фаувлун (V– –), мафоийлун (V – – –) фаувлун (V– –)* бўлиб, шеъриятда А.нинг асосан *мусаммам* рукнли вазнларидан фойдаланилган. "Хазойин ул-маоний" куллиётида А.нинг фақат бир вазни истифода этилган. Алишер Навоийнинг бир ғазали ушбу ўлчов асосида яратилган. Навоий "Мезон ул-авзон"да А. ҳақида маълумот бермаган.

Аризи мусаммани мусаббағ (рукнлари ва тақтиъи: *мафоийлун фаувлун мафоийлун фаувлон, V – – – / V – –/ V – – – / V – ~*) – Алишер Навоий туркий шеъриятда илк марта қўллаган вазн номи. Унинг бу вазнда ёзган ягона ғазали "Хазойин ул-маоний" куллиёти "Наводир уш-шабоб" девонига 322-рақам б-н киритилган:

Санойи зотинг ичра топиб ажз,
аҳли идрок,
Гаҳи лоуҳси айтиб замоне мо арафнок.

АРКОН I (ар.) – устун, таянч, суянчик. Рукннинг кўплик шакли. Ислом А.и – исломнинг бешта асосий рукни – шаҳодат калимаси, намоз, рўза, закот ва ҳаж.

Ўйлаки бу шартлар имкони бор,
Шартдин айру доғи аркони бор.

Беш ясамиш тенгри таборак ани,
Деса булур хамси муборак ани.
("Ҳайрат ул-аброр", 2-мақолат)

АРКОН II – аруз илмида шеърнинг мавзунлигини таъминловчи таркибий қисмлари.

Комил ҳамд ва вофир шукр ул сониъеқим инсон хилқати байтининг назмин аносир турт рукни била тузди ва бу байт арконин назм аҳлининг солим табъ ва мустақим зеҳни икки мисраи била манзум кургузди.
("Мезон ул-авзон")

АРКОН III – давлат арбоблари, давлатнинг таянч кучлари, амалдорлар:

Талаб қилди аркони давлатни бот,
Жулус амри этти қилиб илтифот.
("Садди Искандарий" 52-боб)

АРЛОТ – ўзбек халқи таркибига кирган туркий элатларнинг бири. А.лар 13-асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, мўғуллар босқини даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўтроқлашган. "Вақфия"да келтирилишича, А. беклари Темурийлар сулоласи даврида барлослардан кейинги энг нуфузли амалдорлардан ҳисобланган. Навоийнинг лирик асарларида А. гўзал маҳбуба тимсоли ва илоҳий ишқ мазҳари сифатида қўлланилган:

Санамлар ҳуснидин мақсуд
ёр улмиш Навоийға,
Агар барлос, агар тархон,
агар арлот, агар сулдуз.
("Бадоеъ ул-васат", 212-ғазал)

"АРОЙИС" – *Шайх Рўзбеҳон Бақлий*нинг асари. Тўлиқ номи "Аройис ул-баён фий тафсир ил-Қуръон" ("Қуръон тафсирлари баёнининг гўзалликлари"). Қуръони Карим тафсирига бағишланган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Рўзбеҳон б-н боғлиқ қисмда тилга олади.

АРУЗ (ар.) – Мусулмон Шарқи адабиёти, жумладан, араб, форс ва туркий халқлар шеъриятида кенг қўлланилиб келаётган асосий шеърий тизим, вазн тури. Чўзиқ, қисқа ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг мисралар таркибида маълум тартибда такрорланиб келишига асосланади. Манбаларда А. сўзининг бир-биридан фарқ қилувчи кўплаб лугавий маънолари келтирилган:

– Водий номи;
– Макка шаҳрининг номларидан бири;
– Тараф, жиҳат, минтақа, ён;

– Булут;
– Саркаш туя;
– Чодирнинг ўрта устуни;
– Ўлчов.

Алишер Навоий ўзининг "Мезон ул-авзон" ("Вазнлар ўлчови") асарида аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмад яшаган ҳудуд яқинида "Аруз" деган водий бўлгани, унда араблар чодирдан уй тикиб, уларни безатиб, сотишгани ҳақида маълумот беради. Навоийнинг айтишича, улар уйни "байт" деб аташган. Байтнинг мавзун-номавзун (вазнли-вазнсиз) эканлиги аруз ўлчовига солиб кўрилганидек, безатилган чодир уйларни ҳам аввал ўлчаб, кейин баҳолашган. Ушбу шеърий тизим шу тариқа мазкур водий номи б-н "*Аруз*" деб атала бошланган. А. вазнида қисқа унли (а, қисқа и, қисқа у, қисқа ў)лар б-н тугаган ҳижолар қисқа (ярим) ҳижо, чўзиқ унли (о, чўзиқ и, чўзиқ у, чўзиқ ў)лар ҳамда қисқа унлилар ундошлар б-н тугаса (мас.: кел, бар, бир,) чўзиқ (бир) ҳижо саналади. Чўзиқ унлилар ундошлар б-н тугаса (мас.: оҳ, дод, ёр ва ҳ.к.) ҳамда икки ундош б-н тугаса (қалб, дард, илм) бир ярим ҳижо (бир чўзиқ ва бир қисқа) ҳисобланади. Баъзан чўзиқ ҳижо қисқа ҳижо, қисқа ҳижо чўзиқ ҳижо тарзида ҳам ўқилиши мумкин. Бу ҳодиса "имола" деб юритилади. А. вазнида мисранинг ритмик бўлаклари, яъни ҳижоларнинг бирикишидан ҳосил бўладиган қисм рукн деб аталади. Рукнлар ҳижоларнинг миқдори, чўзиқ ёки қисқалигига қараб, саккиз аслга бўлинади ва ҳар бир асл ар. "фаъала" (ҳаракат) сўзидан ясалган махсус ном (қолип) б-н юритилади: 1) фаувлун; 2) фоилун; 3) мафоийлун; 4) фоилотун; 5) мустафъилун; 6) мафъувлоту; 7) мафоилатун; 8) мутафоилун. Бу асллар айрим ўзгаришларга учраб, турли ритмик бўлакларни вужудга келтиради ва улар фуруълар (тармоқ рукнлар) деб аталади. Рукн бир, икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ ҳижоли бўлиши мумкин. Бир байтда нечта рукн қатнашганига қараб, байтлар мураббаъ (тўрт рукнли), мусаддас (олти рукнли), мусамман (саккиз рукнли), муашшар (ўн рукнли) бўлиши мумкин. А. вазнида қайси рукн асос бўлишига қараб "рамал", "ҳазаж", "ражаз", "мутақориб" каби туркумларга ажратилади ва бу туркумлар "баҳр" деб аталади. Бир-бирига яқин бўлган баҳрлар гуруҳидан доиралар ҳосил бўлади. Мумтоз арузшуносликда А.нинг асосий ритмик бирликлари сифатида ҳарф, жузв, рукн ва *баҳр* қўлланилган. 20-асрдан, хусусан, Фитрат давридан бошлаб ўзбек арузшунослигида ҳижо энг кичик ритмик бирлик сифатида қабул қилинди.

А. вазнида яратилган ва бизгача етиб келган илк туркий достон Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" (1069–1070) асари бўлиб, унда мутақориб баҳри қўлланилган.

А. вазни Шарқ шеъриятининг асосий турларидан бири сифатида дастлаб араб ад-тшуноси Халил ибн Аҳмад томонидан маълум бир тизимга солинган бўлса, кейинчалик араб олимлари Ибн Абду Раббиҳнинг "Ал-иқду-л-фарид", Ибн ас-Саррожнинг "Меъёр фи авзони шеър", Соҳиб ибн Аббоднинг "Ал-иқнаъ" ва "Ал-Ваъфа", Абу Закариё ал-Хатиб Табризийнинг "Ал-кофи фи-л аруз ва л-қавофий", Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг "Мафотиҳ ул-улум" ва б. асарлар воситасида янада такомиллашди.

А. илмий-назарий таълимот сифатида, айниқса, ўрта аср форс-тожик арузшунослигида юксак чўққига кўтарилди. Бу даврда шеършуносликка доир ўнлаб асарлар вужудга келди. Жумладан, Шамси Қайс Розийнинг "Ал-муъжам", Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор", Ваҳид Табризийнинг "Жамъи мухтасар", Юсуф Азизийнинг "Аруз", Сайфий Бухорийнинг "Арузи Сайфий", Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ", Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи аруз", Муҳаммад Фиёсиддиннинг "Фиёс ул-луғат" асари А.нинг назарий асослари чуқур ва батафсил тарзда баён қилинганлиги б-н алоҳида аҳамиятга эга.

Туркий ад-тда яратилган Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға", Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Мухтасар" ("Рисолаи аруз"), Фитратнинг "Аруз ҳақида" асарлари ҳам арузшунослик илмининг янада такомиллашувига катта ҳисса қўшди. Айниқса, туркий А.нинг назарий ва амалий жиҳатдан шаклланишида Алишер Навоий ижоди алоҳида аҳамиятга эга. Навоий ўзининг аруз қонун-қоидаларига бағишланган

"Мезон ул-авзон" асарида 19 баҳр, 160 вазн ҳақида маълумот беради, ҳар бир вазнга туркий тилда мисоллар келтиради. "Муҳокамат ул-луғатайн"да туркий тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритар экан, унинг А. қолипларига мос келиши ва арузий шеър ифодаси учун қулайлигини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб беради.

Алишер Навоийнинг лирик ва эпик шеъриятида 13 баҳр, 100 дан ортиқ вазн истифода этилган бўлиб, унинг 90 га яқини "Хазойин ул-маоний" куллиёти таркибига кирган девонларида қўлланилган. Буларнинг барчаси А. тизими туркий шеъриятнинг ажралмас таркибига айланганлигини, бу шеърий тизимнинг туркий тил қонуниятларига ҳар томонлама мос келишини асослаб беради.

АРУЗ ДОИРАЛАРИ – аруз илмида рукнлар, улардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларнинг гуруҳлаштирилган айланаси. Аруз наз-ясининг асосчиси *Халил ибн Аҳмад* баҳрларнинг ўзлаштирилишини осонлаштириш мақсадида ушбу доираларни кашф қилган. Бунда бир-бирига яқин бўлган баҳрлар бир мисра шеър мисолида бир доира ичида келтирилади. Ҳар қайси доира қанча баҳрни ўз ичига олса, шунча бўлакка бўлинади ва уларда шу баҳрларнинг рукнлари ҳам келтириб ўтилади. Доира атрофида берилган мисрани биринчи сўздан бошлаб ўқилса, бир баҳр; иккинчи сўздан бошлаб ўқилса, иккинчи баҳр, учинчи сўздан бошлаб ўқилса, учинчи баҳр ва шу тарзда нечта баҳр жамланган бўлса, барчаси келиб чиқади. Доиралардан мақсад баҳрлар орасидаги фарқ ва умумийликни очиш ҳамда шу билан бирга уларни ўзлаштириш ва шеър вазнларини аниқлашни осонлаштиришдир.

Мумтоз арузшуносликка доир рисолаларда аруз доиралари сон жиҳатидан бир-биридан фарқланишини кузатиш мумкин. Хусусан, Халил ибн Аҳмад 5 доира (баъзи манбаларда 4 ёки 6 доира) келтирган бўлса, Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" асарида 4 та, Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" асарида 5 та, Сайфи Бухорийнинг "Арузи Сайфий" асарида 5 та, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ" асарида 5 та, Воҳид Табризийнинг "Жамъи мухтасар" асарида 6 та, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Мухтасар" асарида 9 та доира келтирилган.

Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарида 7 та доира келтирилган бўлиб, улар *муъталифа, мухталифа, мунтазиа, муттафиқа, мужтамиа, мухталита* ва *муштабиҳа* доираларидир.

АРУН БИН ВАССОБА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абуласбаъ. Аҳмад бин Абулҳаворий китобида берилган маълумотларга кўра, Макка шаҳрининг шайхларидан бўлиб, Шомда вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АРҒАДАМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн бешинчиси. *Алдамоқ, ҳийла б-н енгмоқ, фирибгарлик қилмоқ, пистирма қўймоқ* сингари маъноларни ифодалаган. Бу феъл "Муҳокамат ул-луғатайн"дан ташқари Навоий шеъриятида ҳам қўлланилган:

Мени бедил санга жон ўйнамоқ
бирла ярайдурмен,
Бале сен тифлни бу туҳфа
бирла арғадайдурмен.
("Гаройиб ус-сиғар", 452-ғазал)

АРҒУВОН – бурчоқдошлар оиласига мансуб баҳорда гуллайдиган қизил гулли дарахтлар туркуми. Европа ва Осиёда кенг тарқалган. Ёввойи ҳолда Ўрта ер денгизи атрофида ҳам учрайди. Ўрта Осиё, Қрим ва Кавказда хушманзара ўсимлик сифатида экилади. А.нинг ёввойи тури Афғонистон, Ўрта Осиёнинг Помир-Олой ва Ғарбий Тяньшан тоғларида ҳам учрайди. Ўзбекистонда асосан Қурама ва Угам тоғларида ўсади. Баҳорда танасидан оқадиган ширасидан истеъмол қилинса, бош оғришини қолдиради. Икки йиллик бўлганида бинафшаранг оч қизил гул очади.

А. Навоийдан олдинги туркий ад-т, хусусан, "Қутадғу билиг" асарида, Атоий ва Лутфий ижодида ҳам учрайди. Лекин На-

воий бу образга алоҳида эътибор қаратган. Уни турли рамзларда қўллаган.

1. Қизил гул:

Юзунг ҳажрида билким, қон ёшим
оқмиш чаман ичра,
Қачон кўрсангки, ҳар бир шох уза гул
арғувон бўлмиш.

("Ғаройиб ус-сиғар", 244-ғазал)

2. Маъшуқа рухсори:

Қоматингдек боғи ҳусн ичра йўқ сарви
равон,
Оразингдек ҳуд қони сарф узра арғувон.

("Наводир уш-шабоб", 444-ғазал)

3. Маъшуқа либоси:

Ул баҳори ҳусннинг рухсорини
деҳқони сунъ
Арғувони тўн уза айлабдурур олу гули.

("Бадоеъ ул-васат", 35-қитъа)

4. Ошиқ кўзидаги ёш:

Қон ёшим сайлики тутмиш
дашт бирла тоғни,
Арғувону лоладин ўзга не
буткай ул судин.

("Бадоеъ ул-васат", 459-ғазал)

"Ғаройиб ус-сиғар"да арғувон ва сарвга бағишлаганган 447-рақамли махсус ғазал бор.

АРҒУНУН/АРҒАНУН – дамли-клавишли, трубаларга юборилган ҳаво ёрдамида чалинадиган мусиқа чолғу асбоби; орган. А.дан асосан черковларда диний маросимларда фойдаланилгани сабабли самоъ мажлисларида чалиш манъ этилган. Тас-ий ад-тда А. дунёвий истаклардан буткул узилиш, шариат расм-русумидан асл моҳият сари юксалиш, касрат оламидаги суратлардан ваҳдат оламининг маънолар томон интилиш самарасида ҳосил бўлган муҳаббат ва ишқ тимсоли сифатида келади:

Майи муғона агар бизга
тутса муғбачалар,
Гар арғанун уни йўқ эрса,
басдурур ноқус.

("Фавойид ул-кибар", 230-ғазал)

АРҒУШТАК – рақсга мосланган мусиқий усул. Оёқ б-н ер тепиб, рақсга тушишни ҳам А. деб билишган. Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарида А. кўчманчи арабларнинг ҳуди – туячилар кўшиғи вазни билан мос бўлганлиги ҳақида маълумот берилган:

Хуш улки, базмда
ойлар тепарда арғуштак,
Шаҳ анда танбура чолиб,
Навоий деса қўшуқ.

("Бадоеъ ул-васат", 328-ғазал)

АСАС – ўрта асрларда кечки пайт шаҳардаги тартиб-интизомни сақловчи масъул киши, миршаб. А. кечки пайтдаги ўғриликлар ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш, тартибни сақлаш, шаҳар дарвозасини қўриқлаш ва асрдан кейин шаҳарга бегона киши киришига йўл қўймаслик, зиндон ва бошқа муҳим жойларни қўриқлаш каби вазифаларга масъул ҳисобланган. Лирик асарларда А. ўзининг асл маъносидан ташқари ринд ва ошиқларнинг рақиби, ишқ дардидан бехабар кимса маъносида ҳам талқин қилинади.

Зулф аро холинг кўнгуллар
хайлини торож этар
Қалб шабравлар либосин
кеча олғандек асас.

("Ғаройиб ус-сиғар", 241-ғазал)

"АСЛ УЛ-ВАСЛ" ("Ҳақиқий васл") – Алишоҳнинг мусиқа назариясига оид асари. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Устод Қулмуҳаммадни кичиклигида мусиқий билимларни пухта эгаллаши учун Алишоҳга шогирдликка берганлигини қайд этади ва унинг юқоридаги асарини тилга олади.

"АСМОУЛЛОҲ" "(Аллоҳнинг исмлари") – Шайх Муҳаммад Табодгонийнинг асари. Асарда Аллоҳнинг 99 муборак исми ва уларнинг зикр этилиши ҳақидаги фикрлар келтирилган. "А." "Асмои ҳусно" деб ҳам юритилади. Асарга жуда кўп шарҳ битилган бўлиб, Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да фақат *Шарафиддин Али Яздий ва Али бин Шаҳоб бин Муҳаммад ал-Ҳамадоний* шарҳларини тилга олади.

АСОИ КАЛИМ – Мусо Калимуллоҳ (а.)нинг мўъжизакор ҳассаси. Диний манбаларга асосан, Шуайб пайғамбар (а.) Мусо (а.)га бир ҳасса беради. Ҳасса ерга ташланганда, аждаҳога айланиб, Фиръавн сеҳргарларининг барча жодусини ўз домига

тортади. Қулга олинганда яна оддий ҳассага айланиб қолган:

Аждар эмаским, эмас аждар салим,
Балки дегил они асои Калим.

("Ҳайрат ул-аброр", 12-мақолат)

"АСОС УЛ-ИҚТИБОС" ("Иқтибослар асоси") – Ихтиёриддин ибн Фиёсиддин ал-Ҳусайнийнинг асари. Масаллар ва ҳикматли сўзлар жамланмасидан иборат. Навоийнинг илтимоси б-н ёзилган.

"АСРОР УН-НУҚТА" ("Нуқта сирлари") – Али бин Шаҳоб бин Муҳаммад ал-Ҳамадонийнинг рисоласи. Араб тилида ёзилган. Асарда баъзи тас-ий тушунчалар хатдаги нуқталар ҳаракатига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиниб, ушбу боғлиқлик орқали тасаввур аниқроқ бўлиши мумкинлигига эътибор қаратилади. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Ҳамадоний б-н боғлиқ бобда тилга олади. Рисола форсий тилга таржима қилиниб, Шерозда (1961) нашр этилган.

АСТАРОБОД, Астробод – Хуросоннинг шимоли-ғарбида жойлашган вилоят ва шаҳарнинг номи. Ҳоз. Эроннинг Гургон ш. яқинида жойлашган. А. сўзининг этимологияси қад. форсий тилдаги "астра" – чекка ва "бод" ("боз") – шаҳар сўзидан олинган бўлиб, "чеккадаги шаҳар" маъносини билдирган. "Тарихи Байҳақий"да "Астаробод" шаклида берилган бўлиб, унинг минтақа маъмурий марказига айланиши Эронни фатҳ этган саҳоба Саъд бин Ваққос номи ва даври б-н боғлиқлиги ҳақида маълумот мавжуд. Амир Темур вафотидан кейин у асос солган давлат ҳудуди бирмунча кичрайиб, А. Хуросон темурийлари давлатининг чегара вилояти маркази сифатида стратегик аҳамиятга эга бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаро даврида дастлаб амир Ҳасан Шайх Темур, амир Валибек, Муғулбек каби нуфузли беклар А.га ҳоким этиб тайинланган. Оққуюнли ҳукмдор Султон Яъқуб даврида икки давлат ўртасидаги муносабат анча кескинлашади. Султон Ҳусайн Бойқаро ана шу кескинликни бартараф этиш мақсадида 1487 й. Навоийга амирлик унвонини бериб, А.га ҳоким этиб тайинланди. "Равзат ус-сафо" муаллифининг гувоҳлик беришича, бу даврда Мозандарон, Рустамдор, Гилон ҳокимлари ҳам А.нинг янги ҳокимига бўйсунганлар. Навоий А.да икки йил ҳокимлик қилиб, сиёсий вазиятни муътадиллаштиради ҳамда ўлканинг ободончилигига катта аҳамият беради. Жумладан, А.да катта жоме масжидининг бунёд этилиши бевосита Навоийнинг ҳиммати ва раҳбарлигида амалга ошади. Навоий яна Ҳиротга қайтиб келгач, вилоят бошқаруви дастлаб Муғулбекка, ундан сўнг Бадиуззамон ва Музаффар Мирзога ўтади. "Макорим ул-ахлоқ" ҳамда Навоийнинг мактуб ва ғазалларидан ўз она шаҳри ва маслакдош дўстларидан узоқда юрган улуғ шоир учун бу давр анча оғир кечганини англаш мумкин. Жумладан, А.дан Ҳиротга қайтиши муносабати б-н ёзган ғазалининг мақтаъида Навоий шундай ёзади:

Беша ичра девлар
мақтули ўлсун, эй парий,
Гар Навоий ёна азми
Астаробод айлагай.

("Бадоеъ ул-васат", 621-ғазал)

АСҚАЛОНИЙ, Абулхайр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фаластиннинг жанубида жойлашган Асқалон ш.да туғилган. Бағдодга келиб, у ердаги шайхлардан тас. сирларини ўрганган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АСҲОБ УР-РАС (ар.) – Қуръоний истилоҳ. "Фурқон" (38-оят) ва "Қоф" (12-оят)да Од ва Самуд қавмлари б-н бир қаторда А.Р. қавми ҳақида ҳам оят бор. Тафсирларда А.Р.нинг кимлар бўлгани ва қайси замонда яшаганлари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи ривоятларда, А.Р. (расс нураган қудуқ маъносини англатади) Ямомада яшовчи Самуд қавмидан бўлиб, асосан қудуқлар атрофида яшашгани айтилади. Улар улкан қонхўр қушлардан азият чекканлар. Ханзала ибн Сафвон дуо қилиб, уларни ушбу балодан қутқаради. Аммо қавм унинг даъватига қулоқ солмайди ва нураган қудуққа тушиб ҳалок бўлади.

Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да маълумот беришича, Мағриб (Шим. Афри-

кадаги мамлакат)да Рас исмли подшоҳ Ҳақ динидан юз ўгириб, Худолик даъвосини қила бошлайди. Қавм орасида фисқу фужур, биржинсли никоҳ авж олади. Хантала ибн Сафвон уларни бундай ишлардан қайтармоқчи бўлади, аммо А.Р. унинг гапига қулоқ солмайди. Хантала қарғиши сабабли мамлакатда қурғоқчилик юз беради. Рас бошчилигидаги мушриклар Ханталага қарши қўшин тортади ва мағлуб бўлади. Раснинг ўзи қочиб, мис ва қўрғошиндан ясалган қалъага беркинади, аммо Азроил унинг жонини ўша ерда олади.

АСҲОБ УЛ-УХДУД (ар. – чоҳ эгалари) – "Буруж" сурасининг 4-оятидан келтирилган иқтибос. А.У. ҳақида "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да қуйидагича маълумот берилган: улар асли яманлик бўлиб, ўзларига ўхшаш имонсиз Зулвос уларга подшоҳ бўлган. Зулвоснинг сеҳргар вазири қариган чоғида бир йигитни шогирдликка олиб тарбиялай бошлайди. Ўша йигит тасодифан бир имонли обидга учраб, пинҳона тарзда шогирд тушади ва юксак руҳоний мартабаларга эришади. Йигит бир куни одамларга ҳамла қилаётган аждаҳони ўз ҳукмига бўйсундиради. Подшоҳ ҳожибининг кўзини даволаганидан кейин ҳожиб ҳам Аллоҳга имон келтиради. Подшоҳ ҳожибдан қандай шифо топганининг сабабини билгач, обид ва йигитни ўз ҳузурига чақириб, диндан қайтишини буюради. Улар рози бўлмагач, ҳожиб ва обидни ўлдириб, йигитни денгизга ташлашни буюради. Йигитнинг дуоси б-н мулозимлар сувда ғарқ бўлиб, йигит соғ-саломат қайтиб келади ва подшоҳни динга даъват қилади. Подшоҳ йигитни тоғдан ташлаб юбормоқчи, тошбўрон қилмоқчи, ўққа тутмоқчи бўлади, аммо унинг барча ҳаракати зое кетади. Йигитда Ҳақ таоло васли ва ишқи ғолиб келгани сабабли, уларга Аллоҳнинг номини тилга олиб ўқ узишни маслаҳат беради. Шундагина йигитга ўқ тегиб ҳалок бўлади. Йигит ўлгач, А.У. ҳам ўтда буткул куйиб кетади:

Магар оҳ урди ул дам обиди пок,
Ки яксар куйдилар ул қавми бебок.

АСҲОБИ КАҲФ – ўз даври подшоҳи Дақёнус (император Деций) зулмидан қочиб, имонларини сақлаш мақсадида ғорга кириб яширинган ва Аллоҳ таолонинг иродаси, илоҳий мўъжиза б-н кўп йиллар ухлатиб қўйилган ёш йигитлар ва уларнинг ити. А.К.нинг неча киши бўлганлиги ҳақида (3, 5, 7 киши) ихтилоф бор. Улар Аллоҳнинг инояти б-н 309 й.дан сўнг уйғониб, Тамлихо деган шерикларини егулик учун шаҳарга юборишади. Тамлихо сотувчига егулик ҳаққини тўлаш учун Дақёнус давридаги тангани беради. Сотувчи бу эски пулни кўриб, Тамлихони подшоҳ ҳузурига олиб келади. Подшоҳ бу ҳолатга ойдинлик киритиш учун олимларни чақиради. Олимлар Инжилда бу ҳақда башорат келганини айтишади. Подшоҳ бу ишдан хурсанд бўлиб, Тамлихо б-н ғорга келади ва А.К. суҳбатига мушарраф бўлади. А.К. таомни еб бўлишгач, яна уйқуга кетишади ва уйқу чоғида Ҳақ таоло амри б-н вафот этадилар. Подшоҳ ана шу ғорда улкан бир мақбара қурдиради.

А.К. ҳақида "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да маълумот берилган. Шунингдек, Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да Низомий, Амир Хусрав ва Жомийни фано Каҳфининг асҳобига, ўзини эса уларнинг итига менгзаган:

Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам улай робиуҳум калбуҳум.
("Ҳайрат ул-аброр", 13-боб)

"Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Согарий деган шоир ушбу байтга жавоб ёзгани ва бу жавоб Навоийга ҳам, Жомийга ҳам мақбул тушмагани ҳақида маълумот берилади.

АСҲОБИ ФИЛ (ар. – фил эгалари) – Қуръоний ибора. Диний манбаларда келтирилишича, 570-й. Яман ҳукмдори Абраҳа бошчилигида филларга миниб, Каъбатуллоҳни бузишга отланган бутпарастларни Аллоҳ таоло энг ожиз яратиқларидан бири – абобил (чивиндан каттароқ бир нав қуш)ларнинг тумшуқларида келтириб отилган сопол тошлар билан ҳалок этади. Ушбу воқеа Қуръони каримнинг "Фил" сурасида аниқ-равшан баён этилган бўлиб, Худони эсдан чиқарганлар ҳамда ўз куч-қудратига ишонганларга сабоқ-эслатма ҳисобланади.

"Ҳайрат ул-аброр"даги 20-мақолатда Бадиуззамонга насиҳат бериб, шоҳликнинг асоси – Худодан ғофил бўлмаслик ҳамда такаббурлик қилмаслик эканлигини А.Ф қисматига ишора қилиб, далиллаштиради:

Кўрки не бир лаҳзада бўлди қатил,
Тайри абобил ила асҳоби фил.

("Ҳайрат ул-аброр", 20-мақолат)

"Маҳбуб ул-қулуб"нинг 3-қисмида эса А.Ф.нинг тақдири Аллоҳ таолонинг қудрати ва азаматига далил сифатида келтирилган.

АТО БИН СУЛАЙМОН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Басра зоҳидларидан. Нафсга қарши курашишга кўп аҳамият берган. Саъдун Мажнун б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АТОЙИ (14-аср охири – 15-асрнинг биринчи ярми) – ўзбек шоири. Асл исми номаълум. Машҳур шайхлар – Аҳмад Яссавий, Иброҳим ота, Исмоил оталар авлодидан эканлиги учун ўзига "А." тахаллусини танлаган. А.нинг номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олиниб, Навоий уни "дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит киши" деб таърифлайди ва Балхда яшаганлигини, туркигўй эканлигини, ўз замонида шеъри туркийлар орасида машҳур бўлганлигини таъкидлайди. А.нинг:

Ул санамким, сув қирағинда
паридек ўлтурур,
Ғояти нозуклугидин
сув била ютса бўлур.

– деган байтини келтириб, "қофиясида айб-нуқсони бор"лиги ҳақида айтиб ўтади. Навоий бу уринда "ўлтурур бўлур" қофиядош сўзларида равий ҳарфининг мос келмаганлиги("р" ва "л")га ишора қилади. Лекин унинг кўпроқ туркона услубда (фикрни мураккаб ташбеҳу истиораларсиз содда баён қилиш, халқона оҳангдаги вазнлар ва халқ оғзаки ижодига яқин қофиялардан фойдаланиш – Ё.Исҳоқов) шеър битиши ва қофия эҳтиётига боғланиб қолмаганлигини таъкидлайди.

Шунингдек, Навоий А.ни "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ҳам эслаб, унинг номини туркий тилда юзага келган шеъриятнинг хуштаъб вакилларидан бири сифатида тилга олади. А.дан бизгача бир девон етиб келган бўлиб, рус шарқшуноси А.Самойлович томонидан фанга маълум қилинган. Девон ҳозирда Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг шарқ қўлёзмалари бўлимида 22 В-2456 рақами остида сақланади. Девондан 260 ғазал ўрин олган. Уларнинг умумий ҳажми 1718 байт. Ғазалларнинг каттагина қисми, яъни 109 таси халқона оҳангга яқин турувчи *рамали мусаммани мақсур* вазнида ёзилган. А. ғазалларини мавзу кўламига қараб: ошиқона, диний-тасаввуфий ҳамда пейзаж характеридаги ғазалларга ажратиш мумкин (С.Рафиддинов).

АТОРУД – Шарқ илми нужумидаги етти сайёрадан бирининг номи. Меркурий сайёраси, Само котиби, умуман, донишмандлик раҳнамоси. Мумтоз шеърият, хусусан, Навоий ижодида тимсол сифатида кенг қўлланилган. Навоий унга асосан меърожномаларда мурожаат этиб, ўзига мададкор бўлишини сўрайди:

Аторуд бодпойидин бўлуб шод,
Бериб авроқу ажзосини барбод.

("Фарҳод ва Ширин", 5-боб)

"Сабъаи сайёр" достонида А. чоршанба куни, бешинчи иқлимга ҳомийлик қиладиган мовий рангли сайёра сифатида талқин этилади. Шу куни Баҳром мовий қасрда А. дан ҳам гўзалроқ хилқат ҳузурида меҳмон бўлиб, бешинчи иқлимдан келган мусофир унга "Меҳр ва Суҳайл" ҳақидаги ҳикоятни айтиб беради. Ҳикоятда унинг воситасида вафо ва жўмардлик хислатлари куйланади.

Чун Аторидқа барқдек сурди.
Хораи сум хомасин синдурди.

("Сабъаи сайёр", 4-боб)

АТТОР МАҚБАРАСИ – Шайх Фаридиддин Аттор қабри устидаги меъморий ёдгорлик. Нишопур ш.нинг жанубида, Шодях мавзесида жойлашган. Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракати б-н бунёд этилган. Муҳаммад Алишоҳ Қожор даврида А.м. қайта қурилган (яна қар.: *Фаридиддин Аттор*).

АТУФИЙ, Абубакр Аҳмад бин Али бин Ҳусайн бин Ваҳб Атуфий (вафо. 956) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Жунайд Бағдодий*нинг шогирди. Устозидан ҳикматлар ривоят қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "На-

фаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АФЛОТУН, Филотун – юнон донишманди Платоннинг Шарқдаги номи. Афина шаҳрида туғилиб ўсган. Унинг асл исми Аристокл бўлиб, "Платон" – тахаллуси. Бу сўз юнонча "кенг елкали", "бўлимли" деган маънони англатади. Бу тахаллусни унга Суқрот берган. А.нинг оиласи гарчи бадавлат бўлмаса-да, лекин насабда аслзодалардан эди. Отаси Аристон Афинанинг охирги шоҳи Кодр авлодига мансуб бўлган. А. аслзода афиналикларга хос бўлган риёзиёт, мусиқа, грамматика ва гимнастикадан таълим олган. Гераклит, Парменид, Зенон фал.си б-н танишган, мил.ав. 407 й.да Суқрот б-н учрашган. Суқротнинг ўлимигача унинг энг яқин шогирдларидан бири бўлган. А. кўп вақтини шеъриятга бағишлайди. Манбаларга кўра, у кўп достон, лирик асар, фожиа ва комедияларнинг муаллифи бўлган. Шеърий усулда битилган 25 га яқин миниатюра-эпиграммалари бизгача етиб келган. Бундан ташқари, унинг 23 асл нусхадаги ва 11 таси унинг қаламига мансуб дея тахмин қилинадиган суҳбати, *"Суқрот мадҳи"* деб номланган нутқи, 13 мактуби маълум.

А. ижоди Форобий, Ибн Сино каби Шарқ файласуфлари томонидан ўрганилгандан сўнг унинг номи Шарқ бадиий ад-тида тимсол сифатида қўлланила бошланди. Хусусан, "Хамса"нинг Искандар б-н боғлиқ барча достонида А.нинг номи тилга олинган. Хусрав Деҳлавийнинг "Ойинаи Искандарий" асарида Искандарнинг устози сифатида талқин қилинади. Достонда тасвирланишича, Искандарнинг Юнон мулкига қилган жанг сафари чоғида жангу жадалдан йироқда бўлиши учун тоққа чиқиб кетган олимлар орасида А. ҳам бўлган. Тоғдаги ғорда илм б-н машғул бўлган чоғида Искандар уни ҳузурига чақиртиради. Афлотун эса "Менга Искандар керак эмас, агар мен унга зарур бўлсам, ўзи ҳузуримга келсин", деб жавоб беради. Бу мунозара Александр Македонскийнинг замондоши, файласуф Диоген б-н бўлган савол-жавобига ўхшаб кетади.

Абдураҳмон Жомийнинг "Хираднома"сида А. Искандарга шоҳман, деб такаббурлик қилмасликни, дунёга ружу қўймасликни ва илм олишдан тўхтамасликни маслаҳат беради.

Навоий А. ҳақида "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида шундай маълумот беради: *"Афлотун ҳаким Суқротнинг шогирдидур. Ва Дороб замонида зуҳур қилди ва Искандари Румийға мусоҳиб бўлди"*.

"Садди Искандарий"да А. Искандарга мусоҳиб бўлган донишмандлардан бири сифатида гавдалантирилади. Достонда у Кашмир подшоси Маллу сеҳргарларининг тилсими сирини очиш йўлини Искандарга ўргатади ва шоҳ топшириғига асосан Суқрот б-н бирга осмонни текшириш учун *устурлоб* ясашда юз нафар олимга раҳбарлик қилади.

Ҳам Шарқ ад-ти, ҳам Навоий лирикасида А. доно ва ақлли инсон тимсолида гавдаланади:

Эй ҳаким, этма жунунум айбким,
кургач ани,
Тухтата олмас димоғи ичра
Афлотун хирад.
("Наводир уш-шабоб", 128-ғазал)

АФРОСИЁБ – Турон мамлакатининг подшоҳи, саркарда ва паҳлавон. Фаридуннинг эвараси. Навзарни мағлуб этганидан кейин Эронда ҳам ун икки йил ҳукмронлик қилган. Ковуснинг ўғли, Эрон тахтининг валиаҳди Сиёвушга бир муддат бошпана бериб, сўнг иғво ва фитна туфайли уни ҳам қатл этади. Рустам Туронга қўшин тортиб, у ерда етти йил подшоҳлик қилади. А. яна тахтни қайтариб олишга эришади. Сиёвуш ва А.нинг қизи – Фарангис никоҳидан туғилган Кайхусравнинг қўли б-н қатл этилади.

Чу Афросиёб ўлди олам шаҳи,
Эмас эрди иш сирринг огаҳи.
Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон.
Ани ҳам чиқарди ародин жаҳон.
("Тарихи мулуки Ажам")

АХЁР (ар.) – яхши кишилар, танланганлар. Валий кишиларнинг бир тоифаси. Сулук аҳлига кўра, А. уч юз олтмиш беш кишидан иборат ғайб олами эранлари ичидан етти кишига нисбатан қўлланилади. А.ларнинг аниқ манзили маълум эмас. Улар оламнинг етти иқлимига тарқалган бўлиб, мартаба жиҳатдан нақиб ва абдолдан устун, қутб ва ғавсдан қуйироқ

мақомга эга. Уларнинг йўли – зуҳд, тақво ва ибодат йўли. А.лар илмга амал қилишни устун қўйганлар.

"Ахёрдин бирав дебдурки, бирав Адан дарёсидин кечрак чиқиб, шаҳрға кира олмади".

("Насойим ул-муҳаббат")

АХИЙ – 1) биродар, қардош, қариндош:

"Битта ўтмакни икки бўлуб, ярмини бир очға берганни сахий де, ўзи олмай барини муҳтожқа берганни ахий де".

("Маҳбуб ул-қулуб")

2) олий саховат эгаси, энг сахий киши:

Сен худ борасен кўнгулни
қайтарғил, ахий,
Бедиллиқ ўтидин мени
кўтқарғил, ахий.
Ё тийғ чекиб тўш-тўшидин ёрғил,
ахий,
Бир порасини бизга бериб борғил, ахий!

("Ғаройиб ус-сиғар", 116-рубоий)

3) Тас.да: йигит, жавонмард, айёр, фатий, жўмард. Футувват жамоасига мансуб кишига берилган унвон. Футувват ва ҳунармандлар жамоаси вакили (*қар.: Ахийлар*).

4) "Сабъаи сайёр" достонидаги биринчи ҳикоят қаҳрамони. Ҳалаб шаҳрида яшаган меҳмондўст ва сахий кишининг исми. А. ўзида юқоридаги хислатларнинг барчасини мужассамлаштирган образ бўлиб, Навоийнинг бу борадаги эстетик идеалини ифодалашга хизмат қилади.

Ҳикоятда тасвирланишича, Ҳалаб шаҳрида олийҳимматликда ном қозонган А. олдин мутлақо танимаган, бир хароба жойдан топиб олган дарвишсифат Фаррухни ўзига дўст тутиб, унга ҳиммат ва мардлик б-н дастурхон ёзади. Кечаси б-н чеккан азоби, тортган нолалари сабаби ишқ эканлигини англагач, уни маст қилиб, маъшуқаси ким эканлигини сўрайди. Фаррух айтган ишоралардан у ғойибона ошиқ бўлган гўзал ўзининг хотини эканлигини билгач, Ахий тан маҳрамининг қаршиликларига қарамай талоқ қилиб, Фаррухга никоҳлаб беради.

А.нинг ёш йигитлиги, олийжаноб-сахийлиги, меҳмонининг дилидаги сирини билиш учун ишлатган айёрлиги (фатийларнинг айёрлиги фақат эзгулик учун хизмат қилган) ва ниҳоят меҳмон кўнглини олиш учун ҳатто ўз оиласини хонавайрон қилиши, мардлиги футувват аҳлига хос хусусият ва талаблардир.

Ҳикоят давомида у ўзининг бундай олийҳимматлилиги б-н ўша давр шаҳзодаси бўлган Фаррухга ҳам ибрат кўрсатади.

Кўнгли беҳад раҳиму табъи сахий,
Шаҳр халқи ичинда оти Ахий.

("Саъбаи сайёр")

АХИЙ АЛИ ДЕҲИСТОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Рукниддин Алоуддавла Симнонийнинг* муридри. Аллоҳ таолонинг "ас-Самад" (барча нарсага ҳожатсиз) сифатининг тажаллийси туфайли (емоқ ва ичмоқдан ҳожатсиз бўладиган руҳий мақом) ўзида илоҳий қувват сезиб олти ой ҳеч нарса емаган. Пири тарбияси б-н бу руҳий ҳолатдан ҳаж сафарида фориғ бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АХИЙ АЛИ МИСРИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ироқ ва Румда кўп муридри бўлган. Рукниддин Алоуддавла Симнонийнинг ҳузурига истеъдодли муридларининг бир гуруҳи б-н келиб, шогирд тушган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АХИЙ ФАРАЖ ЗАНЖОНИЙ (вафо. 1065) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абуаббос Ниҳовандий*нинг шогирди. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АХИЙЛАР – футувват жамоасининг бир тоифаси. Салжуқийлар даврида (11-аср) пайдо бўлган. А.нинг асосий маслаги – бева-бечора, мискинларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳожатини чиқаришдан иборат эди. А. кундузи халқнинг оғирини беминнат енгиллатиш, кечалари хонақоҳда зикр ва суҳбат б-н машғул бўлганлар. Бир-бирларига "Ахий" (биродарим) деб мурожаат қилишгани ҳамда ҳар бир мусулмонни ўз биродаридек яқин олишгани учун А.лар деб аталган.

"Ғаройиб ус-сиғар" (116-ғазал), "Наводир уш-шабоб" (641-ғазал), "Бадоеъ ул-васат" (632-ғазал) девонида "ахий" радифли ғазаллар мавжуд. "Сабъаи сайёр" достонида Ахийнинг ишлари ҳам А.лар маслагига мос тушади (қар. *Ахий*).

"АШИҲАТ УЛ-ЛАМАЪОТ" ("Порлоқ шуълалар") – Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-ирфоний шарҳномаси. Фахриддин Ироқийнинг "Ламаъот" асарига битилган ушбу шарҳ Навоийнинг илтимоси б-н ёзилиб, 1481 й. тугалланган. Асар батафсил муқаддима, 28 ламъа (боб) ва хотимадан иборат. Жомий ушбу рисоласида дастлаб "Лаъмаот"нинг илмий-танқидий матнини, сўнг ҳар бир боб охирида ўзининг талқинини беради. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да ушбу рисола юзасидан Жомий ҳузурида таълим олганини қайд этган. "Насойим ул-муҳаббат"да эса бу ҳақда шундай ёзади: *"Махдуми Нуран бу хоксор илтимоси била ул китоб шарҳида "Ашиҳат"ни битдиларки, мутолаа қилиб маонидин файз олғайлар ва анинг анфоситин бу билимда билғайлар"*.

АШК – Эрондаги Ашконийлар сулоласининг асосчиси. Мил.ав. 250 й. Салавкийлар сулоласи намояндаси Антиоксни мағлуб этиб, Эронда мил.ав. 226 й.гача ҳукмронлик қилган сулолага асос солган. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да А. Ажамнинг иккинчи – Ашконийлар сулоласининг асосчиси экани ва уч йил ҳукмронлик қилгани ҳақида маълумот берилган.

АШКОНИЙЛАР – "Тарихи мулуки Ажам"да тилга олинган учинчи сулола. Навоий берган маълумотга кўра, Ашк ибн Доро ушбу сулоланинг биринчи вакили бўлгани сабабли улар А. деб аталган. Тарихий манбаларда бу сулола унинг асосчиси исми б-н – Аршакийлар деб ҳам аталган. А. турли ўлкаларнинг подшоҳлари – "мулуки тавойиф", деган маънони ҳам англатади. Навоий берган маълумотга асосан, Искандар Арасту маслаҳати б-н Эронни босиб олганидан кейин мамлакатни бўлиб ташлаб, ҳар бир ўлкага алоҳида подшоҳ тайинлайди. Форс империяси шу тариқа парчаланиб, Юнон қудратли рақибидан омон қолади. Тарихий манбаларга кўра, А. мил.ав. 250–226 й.да ҳукмронлик қилган. Навоий А. салтанатининг 300 йилдан ортиқ муддат давом этганлигини айтган. "Низом ут-таворих"да А.дан ўн киши, "Тарихи Баноқатий"да 14 киши, Жалолийнинг "Жомеъ ут-таворих"ида 10 киши, Ҳамдуллоҳ Муставфийнинг "Тарихи гузида"сида 21 киши ҳақида маълумот берилган. Навоий эса уларнинг барчасини умумлаштириб, 15 киши ҳақида қисқача маълумот берган.

АШМУИЛ – пайғамбар. Унинг даврида Қуддус тоғидаги вулқоннинг кўзи очилиб, узоқ вақтдан бери топилмаётган Сакина тобути пайдо бўлади. А.нинг кўрсатмаси б-н Яъқубнинг кенжа фарзанди Ибни Ямин наслидан бўлган Шорак (тарихда Толут номи б-н машҳур) яҳудийларга подшоҳлик қилади ва Фаластинда золимлиги б-н ном қозонган Жолут устидан ғалаба қозонади. А. эллик икки ёшида вафот этади. Пайғамбарлик муддати – 12 йил.

Чун қавмға Ашмуил бўлди ҳодий,
Жазм ўлди анга расуллик исноди.
Элга қилибон Ҳақ йўлининг иршоди,
Азм этти, чу етти умрнинг мийъоди.

АШРАФ, Абу Али Ҳусайн ибни Ҳасан Марағий Табризий (ваф. 1459) – форс-тожик шоири. Дарвеш Ашраф Хиёбоний номи б-н ҳам машҳур бўлган. 837–843 ҳ.к./1434–1440 м. й.да Низомийга жавобан "Хамса" ёзган. Унинг "Хамса"си "Минҳож ул-аброр" ("Солиҳ кишиларнинг ҳақ йўли"), "Риёз ул-ошиқин" ("Ошиқларнинг машаққатлари" ёки "Ширин ва Хусрав"), "Ишқнома" ёки "Лайли ва Мажнун", "Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал") ва "Зафарнома" достонларидан иборат. А. сермаҳсул шоир бўлиб, қасида, ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа жанрлардаги шеърлари жамланган тўртта девон тузган. Улар – "Унвон уш-шабоб" ("Ёшлик нишонаси"), "Хайр ул-умур" ("Эзгу амал"), "Боқиёт ус-солиҳот" ("Эзгуликлар абадияти") ва "Мужаддадот ут-тажаллиёт" ("Зуҳуротнинг янгиланиши" деб номланган. Унинг "Сад панди Али" ("Алининг юз панд-насиҳати") асари Ҳазрати Алига нисбат берилган юз ҳикматнин

арабчадан амалга оширилган шеърий таржимасидан иборат. Алишер Навоий "Назм ул-жавоҳир" рубоийлар тўпламини яратишда бошқа салафлари қатори А.дан ҳам таъсирланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат" ва "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида А.га алоҳида тўхталиб, унинг дарвештабиат ва хилватнишин киши эканлигини, кўп вақтини "Хамса"га татаббуъ боғлаш б-н ўтказганини айтади. "Сабъаи сайёр" достони муқаддимаси (6-боб)да А.га шундай таъриф беради:

Гарчи бир нуктагуй Ашраф улуб,
Узи мақдурига мушарраф ўлуб.
Яхши ёхуд ёмон деди, ғам эмас,
Яхши гар бўлмаса, ёмон ҳам эмас.

Шунингдек, Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да ўз асарларига туртки берган манбалар ҳақида тўхталар экан, А.нинг "Ҳафт пайкар"и "Сабъаи сайёр" достони учун асос бўлганини айтиб ўтади.

АШРАФ, Амир Шарафиддин – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Сайидлар авлодидан. Зоҳидлик ва тақводорлиги б-н шуҳрат топган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб киритган.

АШҲАБ – оқимтир, кулранг тусдаги от. *Адҳам*нинг муқобили. Сарой таомилига кўра, А., асосан, байрамлар ва қабул маросимларида минилган. Восифийнинг гувоҳлик беришича, Султон Ҳусайн Бойқаронинг А. лақабли оти бўлган.

Магар шаҳ ашҳаби оллинда
пайк бўлди сипеҳр
Ки, қилмиш ўн кечалик
ойни эгнида ночах.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 108-ғазал)

Навоий асарларида А. сўзи мажозий маънода кун, қуёш, фалак, Бурок маъноларини ҳам билдиради.

"АЪЛОМ УТ-ТУҚО" ("Аҳли тақво илмлари") – *Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий*нинг асари. Тўлиқ номи "Аълом ул-худо ва ақидат арбоб ит-туқо". Муҳаммад (с.а.в.)нинг авлиё умматларига тегишли одатлар, карамотлар ва мўъжизалар баён этилган асар. Алишер Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Шаҳобиддин Суҳравардийга бағишланган бобда эслаб ўтади.

АҚД (ар. – иккита нарсани бир-бирига мустаҳкам боғламоқ, тугиш) – Қуръон оятлари ва ҳадислар матнини шеърий асарларда вазн ва қофия талабига мувофиқ жузъий ўзгартишлар билан келтириш. А.га мумтоз адабиётшунослик манбаларида турлича таъриф берилган. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайний оят, ҳадис ё бирор машҳур манбадан бирор гапни жузъий ўзгартишлар билан шеърда жойлаштиришни А. санъати деб билган. Ҳусайн Воиз Кошифий эса фақат оят ва ҳадис матнини вазн ва қофия талабларига мослаштириш учун жузъий ўзгартишлар билан келтиришни А. ҳодисаси деб ҳисоблаган. Шоир бундай ҳолатларда мазкур оят ё ҳадиснинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва ўқувчига етказишни асосий мақсад қилгани боис оятнинг ташқи тузилишига камроқ эътибор қаратади. Алишер Навоийнинг "Фавойид ул-кибар" девонидан жой олган мана бу байтлар оятнинг композицион яхлитлигини сақламасдан ҳам ундаги маънони ўқувчи зеҳнида акс эттириш мумкинлигига далилдир:

Эй етти манзар тарҳиға
меъмори сунъунгдин бино,
Маснуълар фоний, вале
маслуби сониъдин фано.
Чекмай фалак лутфунг
туни жуз зикр ила тасбиҳ уни,
Одам дебон қаҳринг куни
ҳар дам заламно раббано.

"Заламно раббано" сўзлари "Аъроф" сурасининг 23-оятидан олинган бўлиб, у: ***"Қоло раббано заламно анфусано"*** деб бошланади. Ушбу оят, Одам Ато билан Момо Ҳавво жаннатдан ҳайдалгандан кейин Тангрига қилган тавбасининг мазмунидир: ***Иккиси айтдилар: "Эй, Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз"***. Навоий шеър вазни талабига мувофиқ "раббано" ва "заламно" сўзларининг ўрнини алмаштиради, аммо бу усул

оятнинг маъносини ўзгартириб, ўқувчи фикрини чалғитмайди.

Ислом динининг барча мазҳаб ва фирқалари якдиллик билан Қуръон оятлари ва ҳадис сўзларини кўчма маънода ишлатиш ёки раббоний ва набавий каломни бировни ҳақорат қилиш ёхуд камситиш қуролига айлантиришни маън этганлар ва буни куфрга элтувчи ҳаром амаллардан, деб билганлар. Шунинг учун ҳам, А. санъатини қўллаш шоирлар зиммасига катта масъулият юклайди. Оят ва ҳадисларга киритиладиган ўзгаришлар ҳам жузъий бўлиб, бу ўзгаришлар, асосан, шеърнинг вазн ва қофиясига мувофиқ амалга оширилиши шарт қилиб қўйилган.

АҚТАЪ, Абу Яъқуб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Макка шаҳрида яшаган. Жунайд Бағдодийга мактублар ёзган. Абу Яъқуб Музаййин унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

АҲАД – Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири. А. ўз табиатига кўра, ягоналикни ифода этувчи сон бўлиб, Аллоҳ ўз Зотига кўра ҳеч қандай шериги йўқлиги, яккаю ёлғиз, ягона эканлигини англатади. А. сўзи "ё-и накира" б-н бирга келганда, "ҳеч ким" маъносини ифода этади.

Меҳнатим тоғича йуқтур Уҳуди,
Ани тортарға менингдек аҳаде.

("Наводир уш-шабоб", 643-ғазал)

АҲБОР – донишмандлар, дин пешволари. Асосан Мусо динига эътиқод қилувчи роҳибларга нисбатан қўлланилган:

"Уламо ва А. анинг қавлин мункири кўр дилар".

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

АҲЛИЙ ШЕРОЗИЙ, Мавлоно Муҳаммад (1454 – Шероз – 1535) – форс-тожик шоири. Ёшлигида Ҳиротга келиб, бир муддат Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган. Ундан 6 минг байт ҳажмдаги бир девон мерос қолган бўлиб, ўз ичига қасида, ғазал, мухаммас, таркиббанд, таржиъбанд, мустазод, қитъа жанридаги намуналарни жамлаган. Бундан ташқари, "Шам ва парвона" номли маснавийси, рубоийлардан иборат "Зубдат ул-ахлоқ" асари, 120 рубоий асосида ёзилган соқийномаси мавжуд. Котибийнинг зул-қофиятайн ва зул-баҳрайн санъатлари асосида яратилган *"Мажмаъ ул-баҳрайн"* асарига жавобан "Сеҳри ҳалол" маснавийсини яратган. Салмон Соважийнинг маснуъ қасидасига боғлаган назираси бошдан-оёқ Алишер Навоийга бағишланган. "Мажолис ун-нафоис"да А.Ш. ўз шеърларини мунтазам Навоий назаридан ўтказиб тургани айтилган. Ҳофиз Шерозий қабри ёнига дафн этилган.

А.Ш. моҳир машшоқ ва бастакор ҳам бўлиб, ундан кўп куй мерос қолган. "Рости панжгоҳ" ана шулар жумласидан.

АҲМАД БИН АБУЛҲАВОРИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулҳасан. Дамашқ шаҳридан. *Абу Сулаймон Дороний*нинг муриди. Абулҳусайн Нурий, Абу Абдуллоҳ Набожий, Довуд бин Аҳмад Дороний, Аҳмад бин Осим Антокий ва б. кўплаб шайхлар б-н суҳбатда бўлган. Умр йўлдоши машҳур орифа аёл – Робиаи Шомия. Укаси Муҳаммад бин Абулҳаворий, отаси Маймун Абулҳаворий ҳам зуҳд ва тақвода Шом ўлкасининг парҳезкор ва тақводор зотларидан саналган. Тас. тарихи бўйича китоб ёзган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АҲМАД БИН ВАҲАБ (ваф. 883) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Жаъфар. Басралик шайхлардан. Бағдодга сафар қилиб, бир муддат Шунизия масжидида тавакқул б-н ибодат қилган. Абу Ҳотам Аттор б-н суҳбатда бўлган. Абу Яъқуб Зайётнинг пири. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АҲМАД БИН ОСИМ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф

шайхи. Куняси – Абу Али. Бишр Ҳофий, Сарий Сақатий, Ҳорис Муҳосибийнинг яқин сафдоши. Фузайл бин Иёз б-н суҳбатда бўлган. Аҳмад бин Абулҳаворийнинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АҲМАД БИН ХИЗРАВАЙҲ (761– Балх– 854) – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Ҳомид. *Ҳотам Асамм*нинг шогирди. Хуросондаги футувват ва жавонмардлик тариқатининг йирик намояндаси. Солиҳ бин Абдуллоҳ Термизийдан тафсир илми бўйича сабоқ олган. Боязид Бистомий ва Абу Ҳафс Ҳаддод билан ҳаж сафарига кетаётиб ҳамсуҳбат бўлган. Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий, Абубакр Варроқ ҳамда Муҳаммад бин Ҳомид Термизийлар унинг суҳбатидан файз топганлар. Хотини Фотима Умму Али ҳам орифа аёллардан саналган. А.Х. дафн этилган қабристон ҳозир унинг номи билан аталиб, Балхнинг гавжум зиёратгоҳларидан ҳисобланади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АҲМАД БИН ҲУСАЙН БИН МАНСУР ҲАЛЛОЖ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мансур Ҳалложнинг ўғли. Ҳўжандлик Абу Абдуллоҳ Боку б-н суҳбатда бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"да Мансур Ҳалложнинг ўғлига қилган сўнгги васияти келтирилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АҲМАД ЖОМИЙ, Абунаср ибн Абулҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Номиқий (1049, Ҳирот – 1141) – форс-тожик олими, шоири, тариқат арбоби. Зиндапил ёки Жандапил номи б-н машҳур бўлган. Жом вилоятининг Номиқ қишлоғида зодагон оиласида туғилган. Ёшлигида асосан, айшу ишрат б-н машғул бўлади. Бироқ 22 ёшида тавба қилиб, тас. йўлига киради, ўз даврининг асосий илмларини эгаллайди. 12 йил Номиқ, 6 йил Безд тоғида, жами 18 йил хилватда ўтиради. Марв, Сарахс, Нишопур, Бузжон, Ҳирот, Бохарз, Бистом каби ш.ларга сафар қилиб, Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Мавдуд Чиштий, Имом Муҳаммад, Мансур Сарахсий каби уламою авлиё суҳбатидан баҳраманд бўлади. Хирқани шайх *Абусаид Абулхайр* қўлидан қийган. Ҳаж зиёратига боради. Жомга қайтиб, муридлар тарбияси б-н шуғулланади. Шайхулислом мартабасига эришади.

Тас. одоби, сайру сулук мақомлари, сўфийлар ҳоли ва қоидаларига бағишланган "Анис ут-толибин" ("Толиблар дўсти"), "Кунуз ул-ҳикмат" ("Ҳикмат хазинаси"), "Сирож ул-сойирин" ("Сайр қилувчилар маёғи"), "Мифтоҳ ун-нажот" ("Нажот калити"), "Равзат ул-мунзабин" ("Хилват боғлар"), "Бурҳон ул-ҳақиқат" ("Ҳақиқат далили"), "Футуҳ ал-қулуб" ("Қалблар кашфи"), "Футуҳ ал-руҳ" ("Жон кашфи"), "Эътиқоднома", "Ал-зуҳдиёт" ("Зуҳднома") каби кўплаб асарлари мавжуд. Бизгача 4 минг байтдан иборат ғазал ва рубоийлари етиб келган. Шеърлари халқ ичида машҳурлигидан "Сабзпари ва Зардпари" ("Яшилпари ва Сариқпари") ҳамда "Чаҳор пари" ("Турт пари") достонларидан жой олган.

Шогирдлари ва издошлари томонидан унинг ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб мақомотлар яратилган. Минглаб муридлари бўлгани нақл қилинади.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АҲМАД МУЖАЛЛИД (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг шўх табъ, аммо беҳаё киши эканлигини айтиб, ўз даврида у шеър ёки муаммо б-н ҳажв қилмаган одам деярли қолмаганлигини ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Журда" исмига ҳажв тариқасида битган муаммоси келтирилган. Қабри Ҳирот ш.да.

АҲМАД ҲАРБ (ваф. 848 м.) – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Асли Марвдан бўлиб, Нишопур шаҳрида яшаган муҳаддис, фақиҳ ва тариқат пешвоси. Фаридиддин Аттор уни

"Хуросон пири" номи билан зикр этади. Дастлабки таълимни Марвда олиб, балоғат ёшига етгач, акаси Ҳусайн билан ҳаж зиёратига боради. Ҳаж сафари давомида кўп муҳаддис ва фақиҳ билан учрашиб, жумладан, Суфён бин Уяйна, Абдулваҳоб бин Атодан ҳадис илмини ўрганади. А.Ҳ. руҳий тарбияда зикрга катта эътибор қаратган. Муҳаммад Заҳабий "Ал-ҳикмат", "Ад-дуо", "Аз-зуҳд" каби китобларни унга нисбат берган. Яҳё бин Маъоз А.Ҳ.га алоҳида ихлос кўрсатиб, оёғи остига дафн қилишларини васият қилган. Навоий А.Ҳ. ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Атторнинг "Тазкират ул-авлиё"си асосида ёзиб киритган.

АҲМАД ҲОЖИБЕК (ваф. 1496, Бухоро) – давлат арбоби, шоир. Темурий шаҳзодалар хизматидаги "замонасининг бебадалларидан" (Навоий). Султон Малик Кошғарийнинг ўғли. Хуросонда таҳсил олган.

Султон Абусаиднинг нуфузли амирларидан саналган. 1455–1465 й.да Ҳиротда ҳокимлик қилган. 1465 й. шаҳзода Султон Аҳмад Мирзонинг эшикоғаси сифатида унинг номидан Самарқандда 1496 й.гача шаҳар ҳокими сифатида фаолият юритади. Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғиллари Бойсунғур Мирзо б-н Султон Али Мирзо ўртасида Бухорода бўлиб ўтган урушда асир олиниб, Бобурнинг ёзишича, шаҳзодаларнинг тоғаси бўлмиш "Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг қонининг туҳмати била беиззатона ўлтурдилар".

А.Ҳ. маърифатпарвар ва инсонпарвар ҳоким сифатида ном қозонган. Илм, маданият ва ад-т ривожи учун жон куйдирган, илму адаб ва ҳунар аҳлини қўллаб-қувватлаган, мактаб ва мадрасалар қурилиши, ободончилик ишларига катта эътибор қаратган. Ҳиротдалигида Абусаид тарихини ёзаётган Мавлоно Абдусамад Бадахший ва Султоннинг хос мулозими Шайхим Суҳайлий воситасида А.Ҳ. б-н яқин алоқа ўрнатган Навоий ўша пайтда пойтахтда ўзига нисбатан бўлган эътибордан кўнгли тўлмай, бирор ёққа бош олиб кетиш қарорига келганида айнан уни орқа қилиб, Самарқандга йўл олади. А.Ҳ. Самарқандда Навоийнинг илм олиши ва яшаши учун барча шароитни яратиб беради, моддий ва маъ-ий жиҳатдан ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач, болалик дўстига махсус маншур юборади ва у А.Ҳ.дан ижозат сўраб, Ҳиротга йўл олади.

Алишер Навоий А.Ҳ.нинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига юксак баҳо беради: *"Ҳирот дор ус-салтанатида ўн йилға яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди. Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била амарат ва истиқфор била подшоҳға наёбат қиладурким, ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужиби эътироз бўла олғай, нақл қилмайдур. Бовужуди бу бекнинг сипоҳийликда жалодат ва баҳодурлиғин ҳар кишиким танир, мусаллам тутар"*.

А.Ҳ. Вафоий тахаллуси б-н шеърлар ёзиб, девон тузган. Навоий унинг ижодига юқори баҳо берган. Жумладан, "Мажолис ун-нафоис"да шундай дейилади: "Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур... Ва табъи бағоят хўб воқеъ бўлубтур ва назмға кўп илтифот қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Гирифти жони ман аз тан, ба зулфи
пуршикан басти,
Кушоди парда аз рухсори хешу
чашми ман басти.

(Мазмуни: Жонимни танимдан олиб, ҳалқа-ҳалқа сочларингга боғладинг. Юзингдан пардани очиб, (у б-н) кўзимни боғладинг).

Навоийнинг А.Ҳ.га меҳр ва ихлоси шу қадар баланд бўлганки, Ҳиротда Вафоий тахаллуси б-н шеър ёза бошлаган бир шоирни ўз тахаллусини ўзгартиришга ундайди, унинг қаламига мансуб шеърларни ўз номига ўтказиб юбормаслик ҳақида огоҳлантиради. "Соқийнома"сида А.Ҳ.ни эслаб, Вафоий тахаллуси б-н машҳур бўлгани, вафо аҳлининг эътирофича, у вафо ичра сафо топгани, яъни ҳаёт мазмунини вафода деб билгани хусусида ёзади.

АҲНАФ ҲАМАДОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳамадон шаҳрининг улуг машойихларидан. А.Ҳ. ҳақида "Рисолаи Қушай-

рия"да маълумот келтирилган. Жомий ва Навоий ўз тазкираларида ана шу маълумотни такрорлайдилар. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

АҲРАМАН – 1. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да ёвузлик тимсоли, ёвуз кучлар ва ёмонлик келтирувчи девлар раҳнамоси.

А. Аҳура Мазда (Ягона Яратувчи)га қарши туриб, у яратган илк мавжудот Каюмарс (Гава Марта)ни ўлдиради. Эзгуликка қарши девлар, қурт-қумурсқалар ва 9999 хил касалликни яратади.

Гар Сулаймон мажмаида бўлмағай жуз Аҳраман,
Кимга ул мажмаъ аро, ё раб, нидо қилғай суруш.

("Гаройиб ус-сиғар", 266-ғазал)

2. "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳод Суҳайлонинг маслаҳати б-н Суқрот тоғи тилсимини очиш учун маҳв этиши керак бўлган иккинчи бало, улкан қора дев.

Тушуб ўт Аҳраманға кўргач они,
Тутуб бош, қасриға қайтиб равони.

("Фарҳод ва Ширин", 23-боб)

Навоий бу образни салтанат ва бойлик маъносини ифодалашда қўллайди (Н.Комилов). Ишқ ўтига мубтало бўлган солик – Фарҳод пири комил Суқрот суҳбатига етишиб, ундан сулук таълимини олиш йўлида нафс рамзи – аждаҳони енгганидан сўнг бойлик ва салтанат тимсоли – Аҳраманни ҳам маҳв этиши керак бўлади. Зеро, тас. йўлига кирган соликда нафс каби бойлик ва зебу зарга эҳтиёж мутлақо бўлмаслиги керак.

АҲРАМАНВАШ РАХШ – Фарҳоднинг оти. "Фарҳоднинг... *Аҳраманваш рахшин Аҳраман қасриға сурони..."*

("Фарҳод ва Ширин", 23-боб)

"АҲСАН УЛ-ҚИСАС" ("Гўзал қиссалар") – Жомийнинг "Юсуф ва Зулайхо" достонининг яна бир номланиши. "Ошиқ ва Маъшуқ" деб ҳам юритилган. (қар.: "*Юсуф ва Зулайхо*").

Б

БАДАХШИЙ, Абдусамад (Бадахшон – 1490, Куҳистон) – форс-тожик шоири. Бадахшон ва Ҳиротда таҳсил олган. Хаттотлик б-н ҳам шуғулланган. Султон Абусаид Бадахшонни забт этганида уни ўзи б-н Ҳиротга олиб келиб, салтанатига боғлиқ тарихни назмга солишни буюради. Навоий унинг маснавий ёзиш борасидаги маҳоратига таъриф беради. "Мажолис ун-нафоис"нинг 2-мажлисида Навоий Б. б-н илк танишуви чоғида унинг бир байтида қўлланилган тажнисида хатога йўл қўйганини курсатгани, Б. эса бу танқидни тўғри қабул қилиб, кейинчалик дуст бўлишганини қайд қилади ҳамда форсий бир байтини мисол келтиради.

БАДАХШИЙ (15-аср) – шоир, адабиётшунос. Навоий Б.нинг Қундузнинг Ишкамиш кентидан экани, аввал Самарқандда таҳсил олиб, кейин Ҳиротга келгани, муаммо илми ва таърих айтишда моҳир бўлгани, муаммо илмига оид бир рисоласи борлиги ҳақида маълумот беради. Инчунин, Б. ёшлигида бир муддат ичкиликка берилиб, кейин тавба қилгани, феълида ўзаро баҳс-мунозара чоғида хато фикрни ҳам ўжарлик б-н ўтказиш, баъзан ўйламай гапириб қўйишдан ўзга камчилик йўқлигини қайд қилиб, қуйидаги байтини келтиради:

Хаёли қоматаш дар дидаи
бехоб мегардад,
Чу он моҳики, ҳар сў дар
миёни об мегардад.

(Мазмуни: Уйқусиз кўзларимда ёр сурати акс этган хаёллар сув ичидаги баликлардек ҳар томон чарх уради).

Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор" асарида ёзишича, 30 йилга яқин Навоий мулозаматида бўлган Б. "бағоят хушфеъл, ширинсўз, хушчақчақ, дарвешваш, хушхулқ, латифтабъ ва фозил киши" бўлган.

БАДАХШОН – вилоят ва шаҳар номи. Ҳоз. аталиши Файзобод. Афғонистоннинг шимоли-шарқидаги Б. вилоятининг маъмурий маркази. Помир тоғ тизмасининг шимоли-ғарбида, Тожикистон Республикасига қарашли Тоғли Б. автоном вилояти ҳам бор. Б. қимматбаҳо тошлари, айниқса лаъли б-н машҳур.

Жонбахш лабинг чашмайи
хайвонму эмас?!
Ҳажридин анинг ичим тўла
қонму эмас?!
Ҳар катрайи қон лаъли
Бадахшонму эмас?!
Ҳар порайи лаъли жавҳари
жонму эмас?!
("Гаройиб ус-сиғар", 50-рубоий

БАДЕИЙ Мавлоно Юсуф (Андижон – 1485, Сарахс) – форс-тожик шоири. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Ҳиротга келиб, Навоий бошлиқ адабий муҳитда тарбия топган. Маърифатли, фозил, хусусан, арузшунос ва бадиият илмининг билимдони бўлган. Муаммо қоидаларига бағишланган рисоласи бор. Б. Навоий б-н Андижонда Самарқандга таҳсил олиш учун келгани, танишади.

Хондамир "Хулосат ул-ахбор"да Мавлононинг табъи ва зеҳни етук экани, Навоий хизматида кун кечиргани ва унинг ин

ом-эҳсонидан баҳраманд бўлгани ҳақида маълумот беради.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг 2-мажлисида берган маълумотида, Андижондан экани, арузни яхши билиши ва шеърни яхши айтишини таъкидлайди. Навоий Б.нинг шеърларидаги баъзи камчиликларни ислоҳ қилган.

Б. Ҳиротга келганидан сўнг камолотга эришади. Шеъриятнинг турли жанрларида маҳорат б-н қалам тебратади. Амир Хусравнинг "Миръот ус-сафо" ("Софлик ойинаси") қасидасига татаббуъ ёзган. Навоий унинг ушбу байти "яхши воқеъ" бўлганини айтади:

Дури мақсад жўён мажмаъ ул-баҳрайн шуд суфий,
Ки баҳре пурдур аст аз чашмаи ҳар чашми гирёнаш.

(Мазмуни: Суфий мақсад гавҳарини излай излай мажмаъ ул-баҳрайн (икки дарё қўшилган жой)га айланди, чунки кўзларининг ёшидан пайдо бўлган ҳар бир чашма дур б-н тўла дарёдир).

БАДИУЗЗАМОН (1458, Ҳирот – 1515, Истанбул) – Хуросон ҳукмдори (1506–07). Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли, онаси – Марв ҳокими Санжар Мирзонинг кизи Бека Султон бегим. Б. 1473 й.дан Сейистон, кейинчалик Мозандаронга ҳокимлик қилган. Астаробод ҳокими амир Мўғул хиёнатидан сўнг, Ҳусайн Бойқаро уни 1493 й. Астароботга ҳоким қилиб тайинлайди. 1496–1506 й.да Балх ҳокими бўлган.

Бобурнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзо Балхга келганида Мовароуннаҳр фойдасини кўзлаб Балхни Б.га беради, унинг мулки – Астарободни эса Музаффар Ҳусайн Мирзога топширади. Б. шу туфайли аразлаганди. Шунча йиллар давом этган душманлик ва исён сабаби айни шу ҳолат эди. Б. Астарободни укасига беришга рози бўлмайди. Чунки Ҳусайн Бойқаро Астарободни суннат тўйида унинг ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзога инъом қилган эди. Ота-ўғил ўртасидаги можаро оқибатда урушга айланади. 1497 й. Б. Пули Чирог дарасидаги жангда маглубиятга учрайди. Худди шу куни Музаффар Ҳусайн Мирзо Астаробод ёнида Муҳаммад Мумин Мирзони енгади. Ҳусайн Бойқаро Балхни ўғилларидан бири Иброҳим Ҳусайн Мирзога беради. Енгилган Б. омон қолган лашкари б-н Қундузга қочади. Хусравшоҳ Б.га қўшин, қурол-яроғ б-н ёрдам бергач, у Қандаҳор ва Заминдеворга боради. Б. 1505 й. отаси б-н ярашиб, унинг хизматига киради. Отаси вафот этгач, укаси Музаффар Ҳусайн Мирзо б-н бирга тахтга ўтиради.

Шайбонийхон 1506 й. Балхни қамал қилганида Б. Музаффар Мирзо б-н унга қарши отланиб, бошқа укаларини ҳам ёрдамга чақиради. Бодхизда Б. қўшинига Абулмуҳсин Мирзо ва Ибн Ҳусайн Мирзо келиб қўшилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам уларга ёрдамга келади. Аммо улар тўплангунга қадар орадан 3–4 ой ўтади, бу орада Шайбонийхон Балхни эгаллаб, Б. қўшин тўплаётганидан хабар топгач, кеч кузда Самарқандга қайтиб кетади. Шайбонийхон 1507 й. Самарқанддан Хуросонга қўшин тортади. Б. укаси б-н Ҳиротни ташлаб қочади, сўнг Эронга, Исмоил Сафавий ҳузурига боради. 1514 й. Б.ни турк султони Салим I Истанбулга олиб кетади ва ўша ерда вабога чалиниб вафот этади.

"Ҳайрат ул-аброр"нинг 20-мақолати Б. таърифига бағишланган бўлиб, унда Навоий Б.нинг ҳусни сийратда отаси – Султон Ҳусайн Бойқарога ўхшаш эканлигини қайд қилиб, давлатчилик бобида бир қатор амалий тавсиялар берган. Шунингдек, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Садди Искандарий" достонида ҳам Б. мадҳида алоҳида боблар ажратилган. "Соқийнома"да шундай ёзади:

Шоҳи Жам қадр замон ичра бадиъ,
Ҳар бадиъ ишта макон ичра рафиъ.

"Хамса" ичраки, анга ҳар бир ҳарф
Баҳр эрур, зимнида юз дурри шигарф.

Достонларки, нигориш қилдим,
Анинг отиға гузориш қилдим.

Айладим панд тариқида ғулу,
Юз туман фойдалардин мамлу.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Б.ни қуйидагича таърифлаган: *"Султон Бадиуззамон Мирзо ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ороста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур. Разм*

атворидин отар-тутарда дилписанд ва базм асбобидан ичмак ва бағишламакда бемонанд. Табъи ҳам назм услубида мулойим тушубтур...”

“Муншаот”дан ўрин олган Б.га юборилган бир неча мактубда Навоий ота ва ўғил ўртасини ислоҳ этувчи – яраштирувчи киши сифатида намоён бўлади. Айниқса, 57-мактуб алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда Астаробод ҳокими Б.га мулк ва мамлакатни бошқариш ҳақида 37 банддан иборат амалий тавсиялар жамланган. Проф. Н.Комилов бу мактубни “давлат бошқарувининг дастури” деб баҳолаган.

“БАДОЕЪИ АТОИЙ” – Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг адабиётшуносликка доир асари. Асл номи – “Бадоеъ ус-саноеъ” (“Бадиий санъатлар”). 1493 й.да Алишер Навоийнинг маслаҳати б-н ёзилган. Асар дебоча, муқаддима, уч боб ва хотимадан иборат. Дебочада асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида сўз боради. Муқаддима аруз илмига оид бўлиб, унда арабу ажамда машҳур бўлган баҳрлар (15 та) ва зиҳофлар (28 та)га тўхталинган. Асарнинг асосий қисми бадиий санъатлар таҳлилига бағишланган бўлиб, муаллиф уларни моҳият эътиборига кўра уч қисмга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда асосий қисм уч бобга ажратилган: 1) лафзий санъатлар баёни (60 та); 2) маънавий санъатлар баёни (63 та); 3) лафзий ва маънавий гўзалликлар (23 та). Хотима икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда маъно б-н боғлиқ айблар, яъни шеър иллатлари ҳақида фикр юритилиб, иккинчи қисмда 10 дан ортиқ адабий истилоҳ ҳақида сўз боради. Асар 1981 й.да А.Рустамов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Навоий ушбу асар номини “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида Атоуллоҳ Ҳусайний б-н боғлиқ бобда тилга олади.

“БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ” (“Бадиийликнинг бошланиши”) – Алишер Навоийнинг ўзи тартиб берган биринчи расмий девони. Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргандан сўнг унинг таклифи ва топшириғи б-н тузилган. “Б.Б.”нинг тартиб берилган санаси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ҳ.Сулаймон, Н.Маллаев ва б. девон 1469 й.дан 1470 й.нинг ўрталаригача бўлган даврда тузилган, деган фикрни ўртага ташлаган бўлса, А.Абдуғафуров эса 1478–1479 й.да тартиб берилган деган хулосани билдиради. Девоннинг бизгача етиб келган нусхаларининг энг қадимийси 1480 й.да кўчирилгани, бундан ташқари, шоирнинг ўзи эътироф этганидек, Ҳусайн Бойқаро девон тузишни таклиф қилганида бу иш бир муддат орқага сурилгани ҳамда Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳузурида 1469 й.дан бошлаб хизматда бўлгани инобатга олинса, “Б.Б.”га 1478–1479 й.да тартиб берилган деган фикр ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади.

Алишер Навоий “Муншаот”даги мактубларидан бирида (15-мактуб) “Б.Б.” девонининг яратилишида Ҳусайн Бойқаро ташаббускор бўлганлигини эътироф этиб, шундай дейди: *“Паришон абётингни жамъ қилиб, мавлоно Султонали Машҳадийга ёздуруб, ҳазратимизга юборгил”*. Шоир мактуб давомида бу иш бир муддат кеч адо этилгани учун узр сўраб, *ёри азиз* – дўсти мавлоно Мир Ҳусайн Бовардийдан бериб юбораётганини айтади. Мактубдаги фикрларга қараганда, девонни Султонали Машҳадий кўчирган бўлиши мумкин. Бироқ бошқа маълумотларга асосан, Ҳусайн Бойқаронинг ўзи бу иш – девон кўчиришни котиблари ичида энг нуфузлиси бўлган Абдулжамил Котибга топширади (М.Назаров).

Фанга “Б.Б.”нинг 15-аср ва ундан кейин кўчирилган бир қанча нусхалари маълум. Жумладан, девоннинг 1480 й. кўчирилган нусхаси Парижда, 1481–1482 й. кўчирилган нусхаси Лондонда, 1484 й. кўчирилган нусхаси Бокуда, 1486 й. кўчирилган нусхаси Тошкентда, 16- ва 20-асрларга тааллуқли икки нусхаси Самарқандда сақланади. Бугунги кунда ўзбек китобхонларига тақдим этилган “Б.Б.” девонини нашр қилишда 1486 й. Навоий ҳаётлигида кўчирилган, Тошкентда, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг Қўлёзмалар фондида сақланаётган нусхаси (инв. № 216) асос қилиб олинган. Бу қўлёзма “Б.Б.”нинг Париж ва Лондонда сақланаётган қўлёзмалари фотонусхаларига ҳам солиштириб чиқилган. Унга кўра, “Б.Б.”

девонидаги шеърлар адади 1046 тадан иборат. Уларнинг 777 таси ғазал, 3 таси мустазод, 5 таси мухаммас, 2 таси мусаддас, 3 таси таржиъбанд, 46 таси қитъа, 85 таси рубоий, 10 таси луғз, 52 таси муаммо, 10 таси туюқ, 53 таси фард. Девондаги шеърларнинг аксарияти кейинчалик "Хазойин ул-маоний"га ҳам киритилган. Фақат 52 шеър (42 ғазал, 5 қитъа, 2 рубоий, 3 фард) киритилмаган, айрим ғазалларни шоирнинг ўзи муайян даражада таҳрир қилган, ҳатто таҳрир асносида икки ғазал бир ғазал ҳолига келтирган ("Б.Б." девонидаги 672- ва 673-ғазаллар Навоий томонидан қайта ишланиб, "Наводир уш-шабоб" девонига (531-ғазал) киритилган (Д.Салоҳий). Бу эса Навоийнинг дастлабки девони – "Б.Б." бошқа девонларга асос бўлганлигини, ундаги шеърларни бошқа девонларга киритиш жараёнида шоир танқидий ёндашгани – жиддий таҳрир қилганлигини кўрсатади.

Девон ҳақидаги мухим маълумотлар унинг дебочасидан ўрин олган. Дебоча муайян композицион қурилишга эга. Дастлаб ҳамд, кейин наът, Ҳусайн Бойқаро мадҳи ва девоннинг яратилиш тарихи, сабаблари, унга хос хусусиятлар, аниқроғи, девон поэтикасига оид фикрлар баён қилинган.

Дебочада шоир ўзининг шеърга муносабатини, умуман шеърларининг яратилиши ҳақида гапириб:

Кунглимда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гардунға садо, –

деб ёзади. Бу мисралар Навоий бадиий тафаккури қудратини намоён этиш б-н бирга унинг шеърлари халқ орасида шуҳрат топганини ҳам англатади. Лекин шеърлари барчага севимли бўлган шоирнинг хаёли (кўнгли)га девон тузиш ҳаваси тушмаган эди: "*Ва лекин хотиримға келмаским, бу паришон абётни жамъ қилмоқ хотиримға келмиш бўлғай ва кўнглимга кечмаским, бу пароканда ашъорға тартиб бермак кунглумга кечмиш бўлғай...*" Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг девон тузишини ортга суришига бефарқ қараб туролмаганлиги боис девон тузишга амр қилади. Дебочада шоир девон тузишга ҳали эрта эканлигини уни тузишни ортга сураётганлигининг сабабларидан бири сифатида кўрсатиб ўтади. Унингча, девон тузишга Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, мавлоно Абдураҳмон Жомий, туркийда шеър битган мавлоно Саккокий ва мавлоно Лутфийларгина муносибдирлар. Навоий азиз дўсти Шайхим Суҳайлий девон тузишга киришганлигидан хабардор бўлганда ҳам, ўзи учун бунга ҳали эрта деб ҳисоблайди. Шу боис:

Бу қофила аҳлиға ҳарам шавқи тамом,
Жаммозалари пўя бирла абрхиром.
Мен хастаки, ердин ола олмон бир гом,
Ҳамраҳлиқ алар бирла хаёледур хом, –

деб ёзади. Бу, аввало, Навоийнинг ўзига нисбатан жуда ҳам талабчан бўлгани, бадиий сўзга масъулият б-н қараганининг нишонасидир. Ҳусайн Бойқаро даъватидан сўнг "Б.Б."дек мукаммал девоннинг яратилиши, ундаги айрим ғазалларни таҳрир қилиб, кейинчалик "Хазойин ул-маоний"га киритиши фикримизга яққол далил бўла олади. Девон дебочасида Ҳусайн Бойқаро сўзларини ва (унга муносабатини) назмга солиб, 18 байтда ифодалаган шоир уни:

Чу билдинг ҳукм, бор иштин ружуъ эт,
Равон мақсуд сари-ўқ шуруъ эт.
Мураттаб қилмағунча тинма бир дам,
Сўз ўлди мухтасар, валлоҳу аълам, –

деб якунлайди.

Навоий девон тузиш жараёнида чеккан изтиробларини, аниқроғи, ўз аҳволини шундай ифодалайди:

Навоий ғамға қолди
ўз каломи жонфизосидин,
Анингдекким, етар булбулға
меҳнат ўз навосидин.

Бу – фақат девон тартиблаш б-н боғлиқ машаққатлар эмас, балки уни бошлаш учун ҳар қандай ижодкор ўзида журъат топа билиши лозим бўлади, деган фикрлар эди. Шоир ўзига ўзи шундай насиҳат қилади:

Ки: –"Фалон, бу не тийражонликдур?
Не бало ажзу нотавонликдур?
Ранж кўрмай киши топарму фароғ?!
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ?!
Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳиммatинг йўқму?!...

Навоий дебочада девон тартиблаш масаласига поэтика талабларидан келиб чиқиб

ёндашади. Бу ҳол шоирнинг "Б.Б."ни катта масъулият б-н тадвин қилишга киришганлигидан далолат беради. Шоир дастлаб девон учун жамланган шеърларни шакл ва мазмунига қараб жойлаштириш зарурати ҳақида фикр юритади. Биринчидан, ўзигача тузилган девонларда алифбодаги ўттиз икки ҳарфнинг тўрттасига эътибор қилинмаганлигини таъкидлаб, ўз девонига алифбодаги ўттиз икки ҳарф б-н тугаган шеърлар асосида тартиб беради. Иккинчидан, ҳар бир ҳарфга тегишли ғазалнинг дастлабкиси ҳамд б-н бошланиб, наът б-н давом этиши услубий ўзига хосликни вужудга келтиришини эътироф этади. Дарҳақиқат, шоирнинг барча девонларида муайян тартиб мавжуд. Мас., *алиф* б-н тугайдиган ғазаллар мазмунига кўра ҳамд б-н бошланади, наът б-н давом этади. Ундан сўнг маърифатомуз, сўнгра ошиқона ва риндона мавзудаги ғазаллар ўрин олади. Шоир бу тартибни ўз девонида имкон қадар сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Шоир девонининг учинчи хусусияти – унга киритилган шеърларда юксак маърифатнинг тарғиб этилганлигидир. *"Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал булғайким, анда маъвизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай..."*. Навоий ғазалнинг услубий хусусиятларига ҳам эътибор қаратиб, пароканда ғазалларни танқид қилади. Ўзи матлаъда айтган фикрини мактаъгача ривожлантириш учун ҳаракат қилганини таъкидлайди: *"...Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъ воқиъ бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъғача сурат хайсиятидин мувоқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушкай"*.

Шоир дебочада ўз девонига маснавий ва қасидадан (бу пайтда Сайид Ҳасан Ардашерга битилган шеърий мактуб – маснавий ҳамда "Ҳилолия" қасидаси ёзиб тугалланган эди) бошқа навъ шеърларини киритганини, уни ғазалдан ташқари "руҳафзо мухаммас"лар, "равоносо мусаддас"лар, "муфид рубоиёт", "нофиъ муқаттаот", "баржаста қитъа"лар, "дилпазир мустаъзодлар", "беназир фардлар", "номий муаммолар", "киромий луғзлар", "мусалсал таржиълар", "муътадил туюғлар" б-н зийнатлаганини таъкидлайди.

Девондаги шеърларнинг асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Уларнинг умумий адади – 777 та. Навоий 32 ҳарф б-н тугайдиган қофия сўзларга асосланган ғазалларини девонга қуйидаги миқдорда киритган: ҳар бир девонда "алиф" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 52 та (1–52); "бе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 24 та (53–76); "пе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 1 та (77); "те" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 12 та (78–89); "се" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 та (90–93); "жим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 та (94–95); "чим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 5 та (96–100); "ҳе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 5 та (101–105); "хе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 та (106–109); "дол" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 9 та (110–118); "зол" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 та (119–120); "ре" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 112 та (121–232); "зе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 23 та (233–255); "жим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 1 та (256); "син" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 14 та (257–270); "шин" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 27 та (271–297); "сод" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 3 та (298–300); "зод" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 та (301–304); "(те) то" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 та (305–306); "(зе)зо" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 та (307–308); "айн" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 8та (309-316); "ғайн" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 8 та (317–324); "фе (фо)" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 та (325–328); "қоф" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 15 та (329–343); "коф" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 62 та (344–405); "лом" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 45 та (406–450); "мим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 60 та (451–510); "нун" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 94 та (511–604); "вов" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 16 та (605–620); "ҳе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 56 та (621–676); "лом-алиф (ло)" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 3 та (677–679); "ёй" ҳар-

фи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 98 та (680–777).

Девонда ғазаллар бошланишига ёки бошқа жанрлардаги шеърларга сарлавҳа қўйилмаган. Навоий бу усулни кейинроқ – "Хазойин ул-маоний" девонларини тартиблаганида қўллайди. Девондаги ғазалларни ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра ҳамд, наът, орифона, ошиқона ва риндона мавзудаги ғазаллар сифатида таснифлаш мумкин.

Девондан ҳамд ва муножот йўлида битилган ўнта ғазал (1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 45-, 121-, 271-, 620-, 680-ғазаллар) жой олган. Девон кейинчалик "Хазойин ул-маоний" куллиётини ҳам очиб берган машҳур *"Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул ҳудо, Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқти садо"* матлаъли ғазал б-н бошланади. Диний-суфиёна қарашларни умумлаштирган, илоҳиётга оид фикрлар *ёр, қуёш, май, соқий, жом* каби бадиий тимсол, тушунча ва мажоз воситасида ифодаланган ушбу ғазал шоирнинг бошқа ғазаллари мазмунини, улардаги тимсоллар моҳиятини очишда муҳим ўрин тутади.

Ҳамд ғазалларда Оллоҳга ҳамду сано айтиш, унинг зотини улуғлаш, юзлаб сифатларини бадиий бўёқларда ифодалаш муҳим ўрин эгаллайди. Бу жиҳатдан ҳамд ғазаллардаги кўп байтлар Қуръони Карим оятларига ҳамоҳанг, жумладан: *Сени топмоқ басе мушкулдурур, топмаслиғ осонким, Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.* Мазкур байтдаги фикрлар Қуръони Каримнинг "Қоф" сурасидаги: "Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқмиз" (50:16) деган оятни ёдга солади. Диний ва сўфиёна фикр-қарашлар ифодаланган ушбу байтда Маҳбубнинг сифатларини тавсифлар экан, шоир маҳбуб ва ошиқ тимсолларини ёритиш учун бир хил санъатлар – *тазод* ва *такрирни* (*такрир тарди акс* кўринишида келган) қўллаб, байтга жозиба беради. Маҳбубга нисбатан *пинҳон-пайдо* қарама-қарши тушунчалар жуфтлиги, ошиққа нисбатан *топмоқ ва топмаслик, мушкул-осон* каби мафҳумларнинг *тазоди* ва бу жуфтликлар *такрори* моҳиятни очиб бериш учун хизмат қилади. Диний-суфиёна нуқтаи назардан англанган дунёни бадиий асарда ифодалаш шоирга анча кенг имкониятлар беради. Дунёнинг яратилишини диний нуқтаи назардан идрок этган шоир Оллоҳнинг қудрати олдида лол қолса, суфиёна қарашлар, айниқса, тажаллий назариясига асосланиб фикр юритаётган чоғда ҳар бир нарсада – гулу майсада, буду нобудда Ҳақнинг жилвасини – гўзаллигини кўриб ҳайратланади. Борлиқда мавжуд ўзи истаган ҳар бир нарсани тимсол ёхуд ташбеҳ сифатида қўллай олади. Ҳақни англаб борган сайин борликни, инсон ва унинг умри – буларнинг ўткинчилиги, умрнинг бебақолиги сингари масалаларни янада чуқурроқ ҳис қила бошлайди, ташбеҳу тимсолларини, истиораларини ана шулар б-н боғлайди.

Бу туркум ғазалларда дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмлари ўз ифодасини топган. Шоир ҳамду сано айтиш, нажот сўраш воситасида инсон, унинг асл моҳияти ҳақидаги фикрларини ифодалашга муваффақ бўлади. Зеро, бу оламнинг яратилишидан мақсад одам, одамдан мақсад эса комил инсон эканлиги эътироф этилади.

Девондаги ғазалларнинг муайян қисмини наът ғазаллар ташкил этади (6-, 7-, 8-, 53-, 90-, 101-, 272-, 329-, 344-, 621-ғазаллар). Оламнинг яратилишидан мақсад – одам, одамнинг яратилишидан мақсад эса пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом эканлигини Навоий бир ғазалида шундай эътироф этади:

Оламу одам фидонг ўлсунки
борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин,
ар оламдин инсондур ғараз.

(303-ғазал)

Муҳаммад пайғамбарнинг жами пайғамбарлар пайғамбари эканлигига ишора қиладиган байтлар шоир наътларида кўп учрайди, жумладан:

Эй нубувват хайлиға
хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам,
сен ул отким бўлур хотам аро.

(6-ғазал)

Ушбу байт Қуръони Каримдаги: "Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Оллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир..." (33:40) оятига мувофиқ келади. Бу ҳақиқатни ифо-

далашда шоир *хотам* сўзининг маъно имкониятларидан фойдаланади.

Наът ғазалларнинг муайян қисми меърож воқеасини таъриф-тавсиф этади. Меърож мавзусидаги ғазаллар мазмунини Меърож кечаси ҳодисалари ва шоирнинг у б-н боғлиқ тасаввур-кечинмалари ташкил этади. Уларда, айниқса, коинот, тунги само тасвири муҳим ўрин тутади, зеро меърож муъжизалари тун б-н, коинот ва унинг жисмлари б-н чамбарчас боғлиқ.

Анжум ичра оразинг
меърож шоми ойлаким,
Тушса дурри шабчароғе
ҳар тараф шабнам аро.
(6-ғазал)

Навоий Расулуллоҳнинг Меърож кечасидаги ҳолатини самовий жисмлар б-н уйғунлаштиради: ул зот ва ён атрофидаги юлдузларни кечаси шудрингзор устидаги чироқ ёруғидан аксланиб, ялтираб кўринаётган шуълаларга қиёслайди (ораз – тунчироққа, юлдузлар эса ундан шуълаланаётган шудринг томчиларига ўхшатилади).

Наът ғазалларининг мавзу кўлами кенг. Ҳар бир мўмин каби Расулуллоҳнинг ҳаётини ўзи учун ибрат деб билган шоир пайғамбарнинг ҳаётига оид кўплаб воқеа-ҳодисаларни шеърга кўчириш воситасида уни ўзгаларга ҳам намуна қилиб кўрсатади. Навоий назарида ҳам набий, ҳам валий, ҳам пайғамбарлар хотами – Расулуллоҳ сиймоси комил инсон тимсолини ифодалашда жуда муҳим ва беқиёс воситадир.

Алишер Навоийнинг ўзи "Б.Б." дебочасида таъкидлаганидек, ғазалдан муроди маърифат эди. Бу жиҳат, айниқса, орифона ғазалларда аниқ кўринади. Бу туркумдаги ғазалларида шоир дунёни билиш, моҳиятни англашга интилиш, Ҳаққа – моҳиятга етишиш учун ҳаракат, нафсни енгиш зарурлиги, комил инсон ва комиллик ҳақидаги ғояларни тарғиб этади. Навоий ижодининг мағзини ташкил этган бу мавзулар орифона ғазалларда ирфоний мазмун – ҳикмат ва фалсафа ҳамда сўфиёна тимсоллар воситасида ифода этилса, ошиқона ғазалларда ошиқнинг шарҳи ҳоли, маъшуқа гўзаллигининг тавсифи каби бадиий тимсоллар орқали акс эттирилган.

Орифона ғазалларда яна бир муҳим масалага эътибор қаратилган. Бу – ҳодисаларнинг моҳиятан тенглиги масаласи. Маърифатни мақом сифатида ўрганган олимлар ушбу мақомга мансуб ғазаллар "...хусусийликни умумийликдан, ҳодисани моҳиятдан, моддийни руҳийликдан фарқлай олиши, бутун таайюният ёрининг белгилари, бошқача кўриниши, моддий шаклдаги акси сифатида юзага чиқиши, тажаллиси эканлиги" тавсифига бағишланади, деб тушунтирадилар.

Моҳият ва ҳодисанинг табиатини чуқур ҳис этган шоир ҳодисаларнинг моҳиятан тенг эканлигини ғазалларида, бошқа лирик жанрдаги асарларида жуда чиройли асослайди. Бу айниқса, *шоҳ* ва *гадо* каби бир-бирига қарама-қарши тушунчалар воситасида янада ойдинлашади, жумладан:

Ҳаводис дафъиға шаҳ кўк
ҳисори узра гар чиқсун
Ки, фақр аҳли учун
дайри фано дор-ул-амони бас.
(259-ғазал)

Навоий ижодида ҳам унинг салафлари ижодида бўлгани каби шоҳлик ва дарвешликнинг бир шахсда (шоҳда) мужассамлашиши истагини кўрамиз. Демак, дунёвий маънода юксак мақомга эга бўлган зот, ботиний маънода ҳам ана шундай баландликка кўтарилмас экан, унинг барча ишлари фоний дунёда қолиб кетиши ҳамда унинг юки ва азоби (дунёга, унинг қувончу ташвишларига берилиши) Ҳақиқатга етишишида катта тўсиқ бўлишини шоир жуда кўп ўринларда такрорлайди:

Чун енгилрақдур ҳисоб ўлғонда
султондин гадо,
Ҳайфким, бўлғай гадо авқоти
султонликда ҳайф.
(325-ғазал)

Гадо, дарвеш каби тимсоллар қўлланилган байтлар, асосан, фақирлик масаласи б-н чамбарчас боғланиб кетган. Орифона ғазаллардаги бу тимсоллар шоир ижодий нияти ва қарашларини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади.

"Б.Б." девонининг асосий қисмини ошиқона ғазаллар ташкил этади. Шеъриятнинг жуда кўҳна ва доимий мавзуи ҳисобланган ишқ Навоий наздида тириклик-

нинг маъно-мазмунини, инсоннинг инсонийлик моҳиятини белгиловчи энг муҳим омиллардан. Навоий даврида Шарқ шеъриятида кўп тимсоллар рамзий-мажозий хусусият касб этиб улгурган эди. Бу тимсоллар асосида махсус луғатлар яратилган, ва шубҳасиз, шоир улардан хабардор бўлган. Масалан, шоирнинг зоҳиран муайян мавзуни – ошиқона мазмунни ифодалаган кўпгина ғазаллари ботинда орифона моҳиятга эга. Бунинг натижасида байт ёки ғазалда қўлланилган образ, тимсол зулмаънайнлик хусусиятини эгаллайди.

Зоҳиран ишқни, ошиқ ва маъшуқликни васф этган кўплаб ғазалларда орифона мазмун мужассам. Бу эса ғазал ёки байтда қўлланилаётган тимсолларнинг ўз маъноси б-н бирга яна бир қанча маънолар ифодалашига имкон беради.

Девон таркибида зоҳиран маъшуқа – дунёвий мазмундаги ёр, ботинан эса Ҳақнинг гўзаллиги васф этилган ғазаллар ҳам учрайди. Олам Ҳақ гўзаллигининг тажаллийси сифатида талқин этилган бу ғазалларда шоир анъанавий, айни пайтда, ўзига хос манзаралар ифодаси б-н боғлиқ тимсол ва тушунчаларга кенг ўрин беради. Бу туркум ғазаллар "мазмуни, энг аввало, инсон тавҳидига интилаётган Мутлақият руҳоний кучининг тажаллийси (жилваси) бўлиб, бунинг эвазига инсоннинг зеҳни, фаҳм-идроки очилади. Шакл эса Мутлақ борлиқнинг моддий олам предметлари кўринишидаги тажаллиларидир" (А.Қурбонмамедов).

Ошиқона ғазалларда маъшуқа тавсифи, ошиқнинг шарҳи ҳоли ифодасида *ишқ маскани* тавсифи ҳам муҳим ўрин тутади. Ошиқ-шоир бу масканни гоҳ ишқ боғи, ҳайрат водийси, гоҳ сарҳадсиз саҳро, фано дашти, ишқ дашти, бало тоғи, адам саҳроси, гоҳ талаб дашти киёфасида тасаввур этади. Фано, талаб, ишқ, ҳайрат, тавҳид, истиғно каби образли ифодалар б-н берилган бу бирикмалар ишқ йўли тариқат йўли эканлигини англатади.

Ушбу туркум ғазаллардаги тимсоллар бошқа туркум (ҳамд, наът, орифона) ғазаллардаги тимсоллардан ўзининг икки ёки ундан кўп маъно англатиши, тимсолдан рамзга (ёки аксинча) рамздан тимсолга айланиши ҳамда шуларга боғлиқ ҳолда ўзига хос бадиий санъатларнинг (*ташбеҳ, тафриғ, таносуб, тамсил, талмеҳ, тазод* ва ҳ.к.) қўлланилиши б-н ажралиб туради. Буларнинг барчаси ғазаллар ўзига хос услубий-бадиий хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

Бундай жозиба девондаги ҳар бир навъ шеърда – у хоҳ мустазод, мухаммас, мусаддас ёки таржиъбанд, хоҳ қитъа, рубоий, луғз, муаммо, туюқ ёхуд фард бўлсин – барчасига хос.

"Б.Б." девони Навоий бадиий тафаккури қудратини намоён этиш б-н бирга, туркий-лар маънавий-маданий ҳаётидаги улкан адабий ҳодиса сифатида ҳам муҳим қимматга эга.

Ас.: *Алишер Навоий.* Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1987, 1-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

Дисс.: *Салаҳутдинова Д.И.* "Бадоеъ ул-бидоя" девони ва бадиий санъаткорлик масалалари: ф.ф.н., Т., 1993; *Эшонқулов Ҳ.П.* Алишер Навоий шеъриятида самовий тимсоллар ("Бадоеъ ул-бидоя", "Наводир ун-ниҳоя" девонлари асосида): ф.ф.н., Т., 1999; *Бозорова Н.П.* Алишер Навоий ғазалларида кунгил образи ("Бадоеъ ул-бидоя" асосида): ф.ф.н., Т., 2002; *Муллахўжаева К.Т.* Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги ("Бадоеъ ул-бидоя" девони асосида): ф.ф.н., Т., 2005.

"БАДОЕЪ УЛ-ВАСАТ" ("Ўрта ёш гўзалликлари") – "Хазойин ул-маоний" лирик куллиёти таркибига кирувчи учинчи девон. Куллиётга ёзилган дебочада девоннинг номланиши ҳақида шундай фикрлар келтирилади: "...учунчи девонниким, васат ул – ҳаёт майхонасида ишқ била шавқ паймонасидин юзланган бадиъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди, "Бадоеъ ул-васат" от қўюлди". Шоирнинг ўзи таъкидлаётганидек, бу девон асосан шоирнинг ўрта ёш давридаги ҳолати ва кайфиятини ифодаловчи шеърларини ўзида мужассамлаштиргани сабабли унга "Б.В." деб ном берилган. Девонга киритилган асарлар шоирнинг асосан "куҳулат айёми" – ўрта ёш даврида битилган шеърлардир: "...ўттуз бешдин қирқ бешга дегинча қиёс қилса бўлғайким, бу фусулнинг хазонидурким, тириклик боғи-

нинг баргрезининг нишонидур, анинг таърифида "Бадоеъ ул-васат" била ўткардим". Девонларга шеърлар тақсимланишининг нисбий эканлиги инобатга олинса, "Б.В."-га шоир ҳаётининг ёшлик даврига мансуб ва кейинги даврларида яратилган шеърлари ҳам кирганлиги маълум бўлади.

Девонга "Хазойин ул-маоний"да фойдаланилган ўн олти жанрдан тўққизтасига мансуб 740 та шеър киритилган. Булар куйидагича: 650 ғазал, 1 мустазод, 2 мухаммас, 2 мусаддас, 1 таржиъбанд, 1 қасида, 60 қитъа, 10 луғз ва 13 туюқ.

Навоийнинг барча девонларида бўлгани каби "Б.В." девонидаги шеърларнинг ҳам асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Девондаги дастлабки беш ғазал мавзусига кўра ҳамд ғазаллар ҳисобланади. Ушбу ғазалларнинг таянч манбаси Қуръони Карим ва ҳадиси шарифдир. "Б.В." девони *"Эй навбаҳори оразинг субҳиға жонпарвар хаво, Андин гулу булбул топиб юз барг бирла минг наво"* матлаъли ғазал б-н бошланади. Ғазал Ҳақ ўзини пинҳон этган, икки оламнинг саодати тажассум топган, Ҳақ илми ва ишқининг махзани бўлган – кўнгилнинг тасаввуфий талқинига бағишланган (Н.Бекова), зеро, Аллоҳ инсон қалбида тажаллий этиши учун кўнгул кўзгуси пок бўлиши лозим, уни матлуб хаёлидан чалғитувчи турли ҳолат ва қусурлардан тозалаш зарур. Ғазалда Аллоҳнинг буюклиги ва раҳмонлиги, чексиз лутфу карам соҳиби эканлиги б-н боғлиқ қарашлар юксак бадиият б-н ифодаланган. Агар куллиётдаги аввалги девонларнинг дастлабки ғазалларида *рамал* ва *мужтасс* баҳрлари қўлланилган бўлса, ушбу ғазалда *ражаз* баҳри истифода этилган. Ҳар икки рукндан кейин ритмик паузанинг келиши ўзига хос ритмик оҳангни таъминлаган ва лирик таъкидни кучайтирган. Байтларда *таъдид* санъатининг етакчилик қилиши Холиқнинг ягоналиғи, ундан марҳамат кутувчи махлуқотнинг эса беҳисоблигию ожизлигини ифодалашга хизмат қилган (гулу булбул, тўбию сидра, ашку оҳ, дарду фироқ). Девондаги қолган ҳамд ғазаллар (2-, 3-, 4-, 5-, 242-, 506 ва б.) ҳам юксак бадиият асосида яратилганлиги б-н алоҳида аҳамият касб этади.

"Б.Б." дан ўнга яқин наът мавзуидаги ғазаллар (6-, 7-, 40-, 92-, 101-, 114-, 393-, 438-, 521- ва б.) ҳам ўрин олган бўлиб, уларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) васфи ва меърож ҳодисаси бадиий жиҳатдан талқин этилган. Ушбу ғазалларга хос умумий хусусият уларда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олам яратилиши учун сабаб бўлганлари айтилган ва деярли ҳар бир ғазалда меърож воқеасига ишоралар берилган. Ғазалларда Аллоҳ таоло ул Зотни ўзига муҳиб деб билгани ва шафоат қилиш мақомини бергани айтилар экан, Расулуллоҳнинг бошқа пайғамбарлардан фазл бобида устунликлари юксак бадиий услубда баён этилган.

Девондан ўрин олган наът мавзусидаги дастлабки ғазал шу мавзудаги қолган ғазаллар учун мундарижавий мазмун касб этади. Шоир матлаъда Расулуллоҳ (с.а.в.) рухсорини бу дунёнинг безаги, сочларини эса гулдаги хушбўй кораликка менгзар экан, кейинги байтлардан бошлаб Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг хислатлари ва ҳаётларига доир муҳим воқеаларни бирма-бир баён қилиб боради: иккинчи байтда ул Зотнинг нутқлари Масиҳони гунг, чеҳралари эса қуёшни лол қилганлиги, кейинги байтда соч ва юзларига шоирнинг девона, тун ва тонгнинг ошик эканлиги айтилади, навбатдаги байтларда меърож туни, Пайғамбаримизга элдан зулм бўлса-да, ул Зотнинг (с.а.в.) марҳамат қилишда давом этаверганликлари, тишларини синдирган (Уҳуд жангида) тош лаълга айлаигани ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Мақтаъда Навоий сўз уйини воситасида саҳиҳ ҳадислар ҳамда Батҳо (Маккадаги водий) ва Бухоро номларини келтириш орқали Имом Бухорийга ишора қилади.

Навоийнинг бошқа девонларида бўлгани каби "Б.В."даги шеърларнинг ҳам асосий қисмини орифона ва ошиқона ғазаллар ташкил этади. Шоирнинг деярли барча ғазалларида, у қайси мавзуда бўлишидан қатъи назар, ирфоний маъно-мазмун етакчилик қилади. Уларда ўзликни ҳамда шу орқали Аллоҳни таниш ва англаш йўлида тинимсиз изланаётган ориф ва ошиқ кечинмалари ҳикмат ва ишқ тараннуми б-н йўғрилган ҳолда баён этилган.

Шоир шеъриятининг бош мавзусига ишора қилувчи *"Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган, Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг девонни ҳифз"* (284-ғазал) байти, шоҳбайт даражасига кўтарилган *"Мени мен истаган уз сухбатиға аржуманд этмас, Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас"* (238-ғазал), *"Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай"* (621-ғазал) каби байтлари ҳам "Б.В." даги ғазаллар таркибидан ўрин олган.

Навоий девонларидаги ғазалларнинг тақсимланиши хронологик жиҳатдан нисбий бўлса-да, шоир уларнинг умумий руҳиятини девонлар тартибига мослаштиришга ҳаракат қилган. Бу ҳолат унинг табиат тасвири б-н боғлиқ ғазаллари таҳлилида намоён бўлади. Навоийнинг бу йўналишдаги ғазалларининг деярли барчаси баҳор ва баҳордаги ёмғирли тонг пайти тасвири б-н боғлиқ (Ё.Исҳоқов). Уларда табиат тасвири фақат эстетик функцияни бажарибгина қолмай, муҳим ижтимоий-ахлоқий вазифани ҳам адо этади. Ҳар бир ғазал ўзининг муайян характерли белгилари б-н инсон учун ибрат сифатида хизмат қилади. Агар йигитлик даври лирикасида бу йўналишдаги ғазалларда баҳорга хос ҳолат лирик қаҳрамон кечинмалари ва руҳияти б-н қиёсан контраст усули воситасида тавсиф этилса (*"Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз"*... "Ғаройиб ус-сиғар", 204-ғазал), "Б.В." девонидан ўрин олган ғазалларда баҳор фаслининг муваққат ва ғанимат эканлиги олам ва одам умрининг ўткинчилигига боғлиқ ҳолда фалсафий-ижтимоий моҳият касб этади. *"Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг, Бошида чангак ҳилолу ёнида хуршид занг"* деб бошланувчи ғазал моҳиятан кичик фалсафий қасидани эслатади (Ё.Исҳоқов). Ғазал 9 байтдан иборат бўлиб, уни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм (дастлабки тўрт байт)да булутли баҳор кунларининг образли тасвири келтирилган. Бунда шоир осмонда кезиб юрган булутларни гавҳар ташиётган фил карвонига ва савдогарларнинг қатма-қат қилиб терилган буюмларига ўхшатиш орқали юксак поэтик манзаранинг суратини чизади. Шеърнинг иккинчи қисми (5–9-байт)дан бошлаб шоир ғоят усталик б-н асосий мақсадга кўчади – баҳор фаслининг ғузал тасвирига китобхон эътиборини жалб этиш орқали инсон умрининг баҳори бўлмиш ёшлик даври такрор келмаслиги, умрнинг ғанимат эканлиги, унинг ҳар бир дақиқасини эъзозлаш зарурлигини уқтиради, зеро ёшликнинг қадри у ўтиб кетганидан сўнг билинади: *"Эй Навоий, дам бу дамдир, тут ғанимат, бода ич, Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эманг"*.

"Б.В." даги шеърлар аруз тизимининг 10 баҳрида яратилган. Улар орасида туркий шеъриятда кенг қўлланилган баҳрлар б-н бирга ниҳоятда кам истифода этилган, номатбуъ баҳрлар ҳам бор. Хусусан, араб шеърияти учун хос бўлган, форсий ва туркий шеъриятда деярли қўлланилмаган тавил баҳри (593-ғазал), Навоий томонидан туркий шеъриятга олиб кирилган мутадорик баҳри (7-ғазал)нинг ушбу девондаги шеърларда истифода этилиши "Б.В." девонидаги шеърий ўлчовларнинг ранг-баранглигини таъминлаган. Шунингдек, туркий шеъриятда фақат баъзи шоирлар ижодидагина истифода этилган *рамали мусаммани машкул* вазнининг девондаги *"Яна шуълалиқ кунгулни ғаминг этти пора-пора, Буки бутрашур, эрур поралари, эмас шарора"* матлаъли ғазалда қўлланилиши "Б.В."нинг ўзига хослигини кўрсатувчи омиллардандир (523-ғазал).

Девондаги энг сўнгги ғазал ирфоний мазмунда бўлиб, шоирнинг ғазалнависликдаги учинчи устози Абдураҳмон Жомий ёди б-н интиҳо топади (Аввалги девонларда Жомий номи б-н биргаликда икки устоз: "Ғаройиб ус-сиғар"да Хусрав Деҳлавий, "Наводир уш-шабоб"да Ҳофиз Шерозий номига урғу қаратилган эди).

"Б.В." девонига ғазалдан кейин мустазод жанри киритилган бўлиб, куллиётдаги бошқа мустазодлар сингари 7 байтдан иборат. Дастлаб "Илк девон"дан, кейинчалик "Б.В."дан ўрин олган.

"Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой, не ғамзаи жоду,
Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой, хуршид анга кўзгу".

дея бошланувчи мустазод шоирнинг илк лирикаси маҳсули бўлиб, унда севикли ёрнинг ҳусни бетакрор ташбеҳлар воситасида тавсифланади, унинг васлига етишиш машаққати баён этилади. Дастлабки байтда "ғамза жодули" ёрнинг зулфи, қоши васф этилган ва унинг безовчиси "золи фалак" – тақдирнинг ўзи экани, қуёш эса ул ой юзли учун кўзгу эканлиги айтилиб, кейинги байтларда бу гўзаллик таърифи янада чуқурлашади ва мақтаъда Навоий ёр уни бир қараш б-н қатл этмоқчи бўлгани, лекин назар солмагани ва шу ҳолатнинг ўзи ошиқ учун қатл б-н баробар эканлигини таъкидлайди. Шеърда қўлланган *ташбиҳ, муболағa, ташхис, ҳусни таълил* каби санъатлар жанрга хос ўйноқи вазн б-н уйғунликда юксак бадиий таъсирчанликни вужудга келтирган. Мустазодда мажозан тариқат йўлига кирган соликнинг ҳис-ҳаяжонлари ва туйғулари баён қилинган деб ҳам айтиш мумкин.

"Б.В." девонидан лирик турнинг мусаммат шаклига мансуб бўлган мухаммас ва мусаддас жанрлари ҳам ўрин олган. Девонга киритилган икки мухаммаснинг *"Шарбати юҳйил изом эрни майи нобиндадур..."* деб бошланувчи беш банддан иборат биринчиси Лутфийга тахмисдир. Бу мухаммас Навоий ижодидаги илк тахмис бўлиб, шоирнинг мухлислари томонидан тузилган девони "Илк девон"дан ўрин олган, шу маънода у Навоийнинг 25 ёшгача бўлган давр оралиғида ёзилган шеъри деб айтиш мумкин.

Навоий тахмиснинг биринчи бандида Лутфий ғазали матлаъсида келтирилган комил гўзаллик таърифига ҳамоҳанг тарзда иқтибос санъатидан фойдаланиб, ҳар бир мисрада Қуръон оятидан жумла келтиради:

Шарбати "юҳйил изом" эрни майи
нобиндадур,
Сураи "вашшамс" тафсири юзи
бобиндадур,
Шарҳи "мозоғулбасар" наргислари
хобиндадур...

Навоий талқинида ёр (бу ўринда пир, комил инсон бўлиши ҳам мумкин)нинг лаби ўликларни тиритирувчи тоза шарбат, Қуръони Каримдаги "Ваш шамс" сурасининг изоҳи унинг юзида акс этади, "кўз алданмади" оятининг шарҳи унинг кўзларида намоён. Бу таъриф Лутфий қаламидан тўкилган соч ва қош таърифлари б-н бирлашиб, мукаммал гўзаллик тасвирининг ёрқин намунаси вужудга келган. Одатда, ғазалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин. Айнан шу ҳолат юқоридаги тахмисда ҳам кузатилади. Тахмисга асос бўлган Лутфий ғазали аслида ҳажман 7 байтдан иборат. Аммо тахмис боғланганда унинг икки байти қисқартирилиб, 5 банд ҳолига келтирилган. Бунинг асосий сабабларидан бири қофия талаби б-н боғлиқ. Чунки қисқартирилган байтлардаги қофиялар "бобиндадур" ва "хобиндадур" тарзида бўлиб, Навоий тахмиснинг матлаъ бандидаёқ ушбу қофиялардан фойдаланганлиги учун такрор қофия қўллашни истамаган ва шу тарзда тахмисни 5 банд тарзида битган. Девондан ўрин олган иккинчи мухаммас шоирнинг ўз ғазалига боғлаган тахмисидир. Етти банддан иборат ушбу мухаммас *"Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени..."* деб бошланади. Унга асос бўлган ғазал шоирнинг иккинчи расмий девони "Наводир ун-ниҳоя"дан 814-рақам остида ўрин олган.

Девондан ўрин олган ҳар икки мусаддас яратилиш хусусиятига кўра тасдис шаклида бўлиб, улардан биринчиси *"Жоним уртарга ул ўтлуқ чехра гулзори Халил"* мисраси б-н бошланади. Мусаддас етти банддан иборат бўлиб, Лутфий ғазалини олтилантириш асосида вужудга келган. *"Ишқ зор этти халойиқ ибтилосидин мени"* деб бошланувчи иккинчи мусаддас эса замона ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний) ғазалига боғланган бўлиб, биринчи мусаддас сингари етти бандни ўз ичига олади. Мусаддасда Ҳусайний ғазалида акс этган мазмун янада бойитилган, мазмунан тўлдирилган, ҳар бир банд Навоий қўшган тўрт мисра воситасида поэтик жиҳатдан сайқаллаштирилган. Дастлабки бандда ишққа дучор бўлган ошиқнинг замона ва одамларнинг таъналаридан қийналгани,

бу жафолардан ошиқни фақатгина ўлим озод этиши мумкинлиги баён қилинган. Айниқса, шоҳ ва шоир Ҳусайнийнинг "...бир йўли қутқар улус можаросидин мени" деган сўрови унинг қалбидаги самимий туйғуларни, дунёқарашини аниқлашда муҳим нуқтадир. Кейинги бандларда ишқ боғининг ҳолатидан ошиқи огоҳлар хабардор бўлиши, шоҳ ва гадонинг ўлими орасида фарқ бўлмаслиги айтилган, бу чаман – дунё ғавғосидан фақат ишқ қутқариши баён этилган. Шу тариқа ошиқнинг ишқ олдидаги шикасталиги баёни бандма-банд юксак пардаларда куйланган, сўнгги бандда Ҳусайнийнинг салтанатдан умуман фахрланмаслиги, у аслида ишқ кўчасининг гадоларидан эканлигини эътироф этиши Алишер Навоий б-н ҳаммаслак эканлигини ойдинлаштиради. Ушбу мусаддас Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг дунёқарашларидаги уйғун нуқталарни аниқлашда муҳим манба ва айни пайтда икки буюк шахснинг ҳаёт ва олам ҳақидаги тушунчаларини жам қилиши б-н аҳамиятлидир.

Девонга "Хазойин ул-маоний"даги тўртта таржиъбандниг бири киритилган. Таржиъбанд *"Эй кирпики нешу кўзи хунхор"* мисраси б-н бошланиб, ҳажман 7 банд (бандлар 8 байтли), 56 байтни ўз ичига олади. Унда аруз тизимининг ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур (мафъулу мафоилун мафоийл, – – V /V – V – / V – -) вазни қўлланилган. Таржиъбандда бир пайтлар ёри б-н ҳамнафас, улфат бўлган, эндиликда ғаддор тақдирнинг зулми б-н севгилисидан айрилган ошиқнинг руҳий кечинмалари баён қилинади. Таржиъбанд *кидо* санъати (*Эй кирпики нешу кўзи хунхор*) б-н бошланиб, яна шу санъат (*Эй кишвари хусн узра ҳоким*) б-н интиҳо топади. Шеърнинг дастлабки бандларида жафокор ёрдан шикоят, унинг бепарволиги, ўз ошиғини ёдга олмаслигидан ёзғириш кайфиятлари ҳукмронлик қилса, кейинги бандларда васл ва фироқни баробар деб билган, тақдир измига кўниккан, ёр етказаётган озорларни роҳат деб қабул қилишга тайёр ошиқнинг руҳий кечинмалари баён қилинади. Сўнгги банд эса бутунлай ўзга руҳда бўлиб, унда ёр васлидан умидворлик туйғулари етакчилик қилади. Бу бандда энди ошиқ ёрни ҳусн мамлакатининг ҳокими деб атаб, уни таъриф ва тавсиф қилади, ўз илтижоларининг ёрга таъсир қилишига ишонади, тангри уни ёр мақдамига етказишига умид билдиради. Шеър сўнгида Навоий сўз ўйини воситасида ҳар банд охирида такрорланиб келаётган қуйидаги байт (восила байт)ни энди такрорлашга ҳожат йўқлигини айтади: *Ёдингни қилай ҳарифи мажлис, Фикрингни этай кўнгулга мунис*...

Навоийшуносликда ушбу таржиъбанд "Севгинома" деб аталган (А.Қаюмов).

"Б.В." девонига киритилган шеърий жанрлар Алишер Навоийнинг жанрлардан фойдаланиш имкониятлари юксаклигини намоён қилади. Девондан ўрин олган қасида "Хазойин ул-маоний"да ягона саналган, 91 байтдан иборат рамал баҳридаги (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – V – – | – V – – | – V – – | – V –) замона ҳукмдори султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган қасидадир. Мавзусига кўра мадҳ йўналишида бўлган ушбу қасида 1469 й.нинг 14 апрелида рамазон ҳайити куни ёзиб тугалланган ва Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши муносабати б-н ўтказилган маросимда шоҳга тақдим этилган. Қасида шоирнинг аввалги девонларига киритилмаган. Қасидада шоир Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтиришини янги чиққан ой – ҳилолга қиёс қилганлиги учун, у навоийшуносликда "Ҳилолия" деб аталади (қар.: *"Ҳилолия"*).

Девонга "Хазойин ул-маоний" куллиётидаги 210 қитъадан 60 таси киритилган. Бу куллиётдаги барча девонлар орасида энг кўпидир. Навоий қитъалари ҳам девондаги бошқа жанрлар, хусусан, ғазал сингари муайян туркумда тартибланган. Унда дастлаб "Ҳақ таоло" хусусидаги ҳамд-қитъа берилса, ундан сўнг анъанага кўра Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бағишланган наът-қитъа келади. Учинчи қитъа "ал-косибу ҳабибуллоҳ" (косиб Аллоҳ таолонинг суйган бандасидир) мазмунидаги ҳадиснинг шеърий ифодаси бўлиб, қитъа жанрининг қофияланиш тизимига хос бўлмаган аа-бб-вв тарзида қофияланган. Шунингдек, девондаги 18–52-қитъалар ҳам шундай қофияланиш тизимига эга. Адабиётшуносликда уларни қитъадан кўра мас-

навий деб аташ тўғрироқ деган фикр билдирилган (Ё.Исҳоқов). Куллиётдаги бошқа девонларда бўлгани каби "Б.В."дан ўрин олган қитъаларнинг деярли барчаси (9-ва 10-қитъалардан ташқари) сарлавҳаланган. Девондаги қитъаларнинг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг аксарияти (54 қитъа) икки байтдан иборат. Қитъаларда ахлоқий-таълимий, фалсафий ва ижтимоий масалалар баёни б-н бир қаторда, шоирнинг ўз ижод олами б-н боғлиқ фикрлари, хусусан, асарларининг миқдори, ғазалларининг ҳажми ҳақида маълумотлар ҳам келтирилади. 39-қитъа шоирнинг ўз ижодидан фахрланиш туйғуларини ўзида акс эттиради:

Эй Навоий, сўз ила онча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди юра ерга
сенинг килкингдин.
Бирига, ё ўнига, ё юзига, ё мингига,
Дегай эл найлагай ортуғ
эса эллик мингдин.

"Б.В." девонида луғз жанридаги шеърларнинг ўрни алоҳида. Мумтоз адабиётимиз тарихида туркий тилда яратилган илк луғзлар Алишер Навоий қаламига мансуб. Агар "Б.В."да келтирилган 10 та луғзнинг барчаси шоирнинг биринчи расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя"да ҳам шу миқдорда жойлаштирилганлиги ҳисобга олинса, Алишер Навоийнинг мазкур жанрдаги туркий шеърларининг барчаси ёшлик даврида яратилганлиги маълум бўлади. Навоий луғзлари икки байтдан олти байтгача ҳажмда бўлиб, асосан, қитъа ва рубоий шаклида қофияланган. Девондаги луғзлар қалам, танга, игна, микроз, ўқ, анор, бел, юмуртқа (тухум), поки ва парвона ҳақида бўлиб, уларда шоир ўз атрофини ўраб турган предметларни ижтимоий муносабатлар ва турмуш ҳодисалари б-н боғлиқ ҳолда нозик юмор б-н тасвирлайди. Масалан, танга ҳақидаги луғзда шоир танганинг ёр сингари кишилар қалбига муҳаббат солиши, танасига нисбатан қиймати ўн икки баробар эканлиги, юзига тамга босилганлигини енгил кулгу б-н тасвирлаш орқали унга ижтимоий маъно ҳам юклайди, бек ва гадо муносабатларини усталик б-н топишмоқ таркибига сингдириб юборади.

"Б.В." девони туюқ жанридаги шеърлар б-н якун топади. Навоийнинг ушбу жанрдаги барча шеърлари мазкур девондан ўрин олган. Уларнинг сони 13 та. Шоирнинг илк расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя"да улардан 10 таси мавжуд бўлганлиги эътиборга олинса, "Б.В."даги сўнгги 3 та туюқ (11–13-туюқлар) кейинроқ ёзилиб, девонга киритилган деган фикрга келишга асос бўлади. Навоий туюқларининг 11 таси аа-ба, 2 таси (9–10-туюқлар) ба-ва тарзида қофияланган.

Навоий туюқлари асосан ишқий мавзуда бўлиб, уларда ёр васфи етакчи ўринни эгаллайди. Девондан ўрин олган тўртинчи туюқда "ёқилур" сўзининг жинсдошлик имкониятларидан маҳорат б-н фойдаланилган:

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин "ё" қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.

Туюқнинг биринчи мисрасида ёрнинг лаби ошиқ қалбида ўт ёқиши айтилянти. Бу орқали биринчидан, ошиқнинг руҳий ҳолати (ёрнинг гўзал лаби иштиёқидан юракка ўт тушиши) ифодаланса, иккинчидан, ранглар ҳамоҳанглиги: лаб ҳам, ўт ҳам қизил рангда эканлигига ишора бор. Иккинчи мисрада ёрнинг ёйга ўхшаш қоши ҳасратида ошиқнинг тик қадди ёйга ўхшаб эгилганлиги ҳам юқоридагига ўхшаш икки ҳолатни ифодалаянти. Сўнгги икки мисра "мен ёрнинг вафо ҳақидаги ваъдасидан шодман, лекин у ваъдасига вафо қилиш ё қилмаслигини билмайман" деган мазмунни ифода этади. Ушбу мисраларда ҳам Навоий "вафо ҳақидаги ваъда" ҳамда "ваъдасига вафо қилиш" каби тушунчаларни ёнма-ён қўллаб, бетакрор образли бирикма яратган.

"Б.В." девони Алишер Навоийнинг девон тартиб беришдаги маҳоратини кўрсатувчи муҳим манба бўлиш б-н бирга, мумтоз туркий шеъриятдаги девончиликнинг гўзал намунаси эканлиги б-н ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

"БАДОЕЪ УЛ-АФКОР ФИ САНОЕЪ ИЛ-АШЪОР" ("Шеър санъатлари ҳақида нодир фикрлар") – Ҳусайн Воиз Кошифийнинг шеър санъатлари ҳақида ёзган асари.

Тахминан 1488–1489-й.да ёзилган бўлиб, муқаддима, икки боб ва хотимадан иборат. Муқаддима, ўз навбатида, тўрт фасл, бир фойида ва нуктадан иборат бўлиб, унда шеърнинг таърифи, лирик жанрлар таснифи, шеър турлари, балоғат илмига оид айрим истилоҳлар, адабий турлар ҳақида маълумот берилган. "Б."нинг биринчи бобида ўрта аср адабиётшунослигида маълум бўлган деярли барча шеърий санъатларнинг таърифи келтирилган. Иккинчи бобда эса адабий танқид масалалари ёритилган. Хотима қисмида кофия ва унинг унсурлари ҳақида маълумот берилган. "Б.В." 15-аср адабиётшунослигини ўрганишда катта илмий-амалий аҳамиятга эга манба саналади.

БАЕТ (ар.) – ўн икки мақом тизими ҳамда Шашмақом таркибида муайян шўъбалар номи. Б. номи Наво мақомидаги Талқин, Наср шўъбаларида ва Уфар қисмларида учрайди ва талқини Б., Насри Б., Уфари Б. деб аталади. Фарғона–Тошкент асосий мақом йўлларидан бири ҳам Б. деб юритилади. У Шашмақомдаги Наво мақомининг Б. номли шўъбалари б-н ҳамоҳангдир. Шашмақомдаги Б. шўъбаларининг маълум варианти сифатида юзага келган. Бу ашула йўллари Б.и 1, Б.и 2, Б.и 3, Б.и 4, Б.и 5 деб ҳам юритилиб, биринчиси Сарахбор, иккинчиси Тарона, учинчиси Савт, тўртинчиси Қашқарча, бешинчиси Чапандоз вазн-усуллари асосида яратилган. Шашмақомдаги Наво мақоми таркибида келувчи Насри Б. шўъбасининг 1-таронаси Навоийнинг "Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадир...", Талқини Б. "Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадир...", Талқини Б. таронаси "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш...", Уфари Б. "Ўртанур эл фурқатингдин навҳа бунёд айласам...", Б. 2 "Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтурғуси...", Б. 3 "Дўстлар, мен телба аҳволига йигланг зор-зор...", Б. 5 "То муҳаббат дашти бепоёнида оворaман..." ғазаллари билан ижро этилади.

Навоий айтса баёт ул ой меҳринда,
Керакки нағмаси бўлса, баётию моҳир.
("Фавойид ул-кибар", 140-ғазал)

БАЖАЛИЙ, Абубакр Розий Абу Муҳаммад бин Абдуллоҳ Розий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абубакр Байкандийнинг шогирди. Кўп шайхлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Тас. тарихи ҳақида асар ёзган. Сулламий ўз тазкирасига унинг асарини асос қилиб олган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

БАЙТ (ар.) – 1) уй, хона:
Кўнгул олам уйига боғлама кўп,
Ки байтедур санга ул истиора.
("Бадоеъ ул-васат", 529-ғазал)

2) икки мисрадан иборат бўлган вазндош (айрим ҳолатларда қофиядош) шеър шакли, шеърий жанрларнинг ўлчови:
Назму насрим котиби тахминшунос,
Ёзса, юз минг байт этар эрди қиёс.
("Лисон ут-тайр", 189-боб)

БАЙТ УЛ-ҲАЗАН, байт ул-эҳзон, байт ул-аҳзан, байт ул-ҳузн, кулбаи аҳзон – ғам уйи, кулфат кулбаси. Яъқуб пайғамбар ҳаёти б-н боғлиқ тушунча. Яъқуб пайғамбар севимли жигарбанди Юсуфдан ажралгач, йўл бўйида ҳужра тиклаб, унда кечаю кундуз тоат-ибодат қилиб йиғлайди. Шарқ мумтоз шеъриятида номурод ошиқнинг хонасини, шунингдек, сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, айни пайтда ғамхона дунёни Б.Ҳ.га нисбат бериш анъана тусини олган. Навоий ижодида ҳам бу истилоҳ ўзининг барча кўринишлари б-н кўп учрайди. Мас., қуйидаги байтда бузуқ кўнгилни кулбаи эҳзонга нисбат беради:
Бир Навоийнинг бузуғ кўнглига
эврул раҳм этиб,
Нетти гоҳи Юсуф этса
кулбаи эҳзонни тавф.
("Фавойид ул-кибар", 304-ғазал)

Тас-ий маънода Ҳақдан айрилган банда учун бу фироқ олами – дунё Б.Ҳ.дир.

БАЙТИ ВОСИЛА – таржиъбанднинг бандлари ўртасида такрор келтирилиб, мазмун ягоналиги ҳамда бандларнинг мантиқий алоқасини таъминлайдиган, қофи-

ядош бўлган икки сатр шеър. Жумладан, "Ғаройиб ус-сиғар"даги таржиъбанднинг ҳар бир банди охирида такрор келадиган:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синган сафол.

адабиётшуносликда Б.в. ҳисобланади. Б.в. айрим манбаларда "воситат уликд" (марваридлар шодаси) номи билан тилга олинади.

БАЙТИ МАЪМУР, Байт ул-маъмур – Одам Атонинг Ердаги биринчи уйи. Ривоятларга кўра, Аллоҳ таоло жаннатдан туширилган Одам Атонинг тавбасини қабул этгач, бандасининг андуҳини камайтириш мақсадида бугунги Каъбатуллоҳ ўрнида қизил ёқутдан бир уй яратади ва уни Б.м. (Обод уй) ёки Байт ус-суруҳ (Пок уй), деб атайди. Табарийда келтирилишича, бу уй Нуҳ тўфони давригача мавжуд бўлиб, тўфон содир бўлишидан олдин уни тўртинчи фалакка, бугунги Каъба тепасига олиб чиқади. Б.м. фаришталар масжиди ва Исо алайҳиссаломнинг макони, деган тахминлар ҳам бор. Тас.да ориф қалби Б.м.га ўхшатилади. "Фарҳод ва Ширин" достонида Суқротнинг нур ёғилиб турган чеҳрасидан юрнинг ичи Б.м. каби ёришгани тасвирланади:

Уй ичра курдилар бир пораи нур,
Булуб эв партавидин байти маъмур.
("Фарҳод ва Ширин", 25-боб)

БАКОВУЛ, буковул – мўғуллар даврида ва темурийлар саройида таом ва ичимликлар тайёрловчи ошпазлар бошлиғи. Тарихий манбаларда 13-асрдан бошлаб қайд этила бошлаган. Б. ошпаз маъносида ҳам қўлланилган. Тожиддин Яздий Б. ҳарбий унвонлардан бири бўлиб, унинг маоши девондан тайинланганини айтган. Абдураззоқ Самарқандийнинг асаридан Б.лар элчиликка ҳам тайинланиши мумкинлигини билиб олиш мумкин. Ҳукмдор ошхонасида хизмат қилган Б.нинг бовурчидан бир поғона юқори турган мансаб эгаси эканлигини Бобурнинг сўзлари ҳам тасдиқлайди: "*Бавурчилиқ мартабасидан бақавуллуқ мартабасига еткуруб эрдим*" ("Бобурнома").

Навоий "Муҳокамат ул-лугатайн"да Б. сўзи форс тилида айнан қўлланилишини таъкидлаган.

БАКР СУҒДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилға олинган тасаввуф шайхи. Самарқандниинг Суғдида туғилган. Балхга сафар қилган. *Абубакр Варроқнинг шогирди.* Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

БАЛИНОС – юнонлик файласуф Аполлониснинг Шарқ адабиётидаги номи. Б. тилсим очиш ва сеҳр-жоду илмларини пухта ўзлаштирган ҳаким сифатида машҳур бўлган. Б. "Садди Искандарий" достонида Искандарнинг бошига тож кийдирган икки донишманднинг бири сифатида келтирилади:

Арасту била-ўқ Балинос эди,
Ки бу Хизр эди, ул бир Илёс эди.
("Садди Искандарий" 19-боб)

Достон хотимасида Искандарнинг онасига етти ҳаким таъзия изҳор этади. Б. Афлотун, Суқрот ва Арастудан кейин, тўртинчи бўлиб, Искандарнинг онасига таъзия билдиради.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Б. Аристолиснинг шогирди, Жолинус ҳакимнинг устози сифатида тилга олинган. Искандар минораси унинг бошчилигида бунёд этилган.

БАЛО (ар.) – мусибат, офат, синов. Ирфоний маънода соликнинг Ҳаққа етишиш йўлида иродасини тоблаб, руҳини чиниқтирувчи ва қурбатни зиёда қилувчи жисмоний ва руҳий синовлар. Б.ни авлиёлар либоси, пайғамбарлар ғизоси ҳам дейишади. Абу Наср Саррож берган таърифга кўра, Б. Аллоҳ таолонинг ўз бандасига синов тариқасида юборадиган азоби, машаққат ва офатларидир. Ансорий Аллоҳ имонлиларга Б.ни насиб этди, имонсизларга эса шақо (бахтсизлик)ни тақдир қилди; Б. имонлиларни сабр ва шукрга ўргатади, шақо эса ғафлат ва гумроҳликни зиёда қилади, дейди. Саҳл Тустарий айтади: Аллоҳ таоло юборадиган Б. икки навдир: раҳмат Б.си ва уқубат Б.си. Раҳмат Б.сига дучор бўлган киши ўз инон-ихтиёрини буткул Ҳақ таолога таслим қилади. Уқубат Б.сига гирифтор бўлган киши эса Ҳақ таоло ино-

ятидан умид узиб, ўз дардига ўзи чора излашга тушади.

Юз бало келса бошингга
сабр қилгил, эй кўнгул,
Ё халойиқ ихтилотин қил
Навоийвор бас.
("Наводир ун-ниҳоя", 296-ғазал)

БАЛХ – Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар ва вилоят. Мил. ав. 1-минг йилликда пайдо бўлган бу қадимий шаҳар араб манбаларида "Уммул-билод" ("шаҳарлар онаси") номи б-н ҳам тилга олинади. Аҳмонийлар ва Искандар Мақдуний даврига оид манбаларда ҳам Б. муҳим шаҳарлар қаторида саналади. Кейинчалик Юнон – Бактрия, Кушон, Сосонийлар давлатлари таркибида бўлган. Б. Араблар халифалиги давридан кейин, айниқса, Сомонийлар ва Ғазнавийлар даврида гуллаб-яшнаган. Мўғуллар истилоси даврида харобага айланган Б. 1370 й.дан бошлаб Амир Темур салтанатидаги муҳим стратегик марказга айланади.

Навоийнинг сиёсий фаолиятида Б. алоҳида ўрин тутади. Абусаид Мирзо томонидан Б.га ҳоким этиб тайинлаган Аҳмад Муштоқ Султон Ҳусайн Бойқарога бўйсунмай, унга қарши исён кўтарганида, уни бостириш мақсадида қилинган ҳарбий юришда Навоий Ҳусайн Бойқаро лашкари таркибида қатнашиб, Б.ни Ширхор дарвозаси томонидан қамал қилишга мутасадди бўлган. Иброҳим Мирзо номидан Б.ни идора қилган Дарвеш Али Маждиддиннинг сиёсатидан норози бўлиб исён кўтарганида ҳам Навоий Ҳусайн Бойқаро б-н бирга бўлиб, исённи бостирган. Ҳисор юришида (1491) Ҳусайн Бойқаро Б. шаҳрини Навоийга топшириб кетган. 1497 й. 2 апрелда Б. яқинида Бадиуззамон ва Ҳусайн Бойқаро ўртасида бўлиб ўтган урушда ҳам Навоий қатнашиб, мағлубиятга учраган Бадиуззамон б-н отасини яраштиришга кўп ҳаракат қилган.

"Мажолис ун-нафоис" ва "Насойим ул-муҳаббат" тазкираларида Б.да яшаб, ижод қилган қатор шайх ва шоирлар ҳақида маълумот берилган. "Садди Искандарий"да Б.нинг барпо бўлиш тарихи Ҳушанг замонига боғлаб талқин қилинган. "Тарихи мулуки Ажам"да келтирилишича, Таҳмурас Б. шаҳрини отаси Ҳушанг қасосини девлардан олган маконда барпо қилган. Каёний ҳукмдорлар Луҳросп ва Гуштосп даврида Б. Ажам мамлакатларининг пойтахти ва зардуштийларнинг муқаддас шаҳри ҳисобланган.

БАМ (ар.) – йўғон тор, паст пардалардаги йўғон товушнинг умумий ифодаси. Торли мусиқа чолғуларининг, хусусан, назарий масалаларни шарҳлашда қўлланиладиган уд созининг энг йўғон, бас товушини берадиган тори. Шу билан бирга эркакларнинг йўғон овози ва қўш ноғорада "бум" товушини берадиган косаси, туваги ҳам Б. деб аталади.

Муғанние келу тузгил харошлиқ унума,
Ҳазин таронаки, рудунг
бамидадур кунглум.
("Гаройиб ус-сиғар", 414-ғазал)

БАНИ ИСРОИЛИЙ РИНД, Маймана – "Ҳайрат ул-аброр" достонининг "Жаҳл майининг дурдкашлари шаънидаким..." деб номланган 15-мақолатига илова қилинган ҳикоят қаҳрамони. Ҳикоятда жаҳолат майининг зарари, тавбанинг фойдаси ва унинг ҳам Ҳақдан банданинг кўнглига нозил бўлиши ҳақида сўз юритилади.

Май бўлубон қути ҳаёти анинг,
Халқ ичида Маймана оти анинг.
("Ҳайрат ул-аброр")

БАНОТУННАЪШ – осмоннинг шимолий қутбида жойлашган юлдузлар туркуми. Ўз навбатида икки туркум – Банот (уч қиз) ё Дубби акбар (катта айиқ) ва Наъш ё Дубби асғар (кичик айиқ) юлдузлар туркумидан таркиб топиб, халқ орасида Етти оғайни деб ҳам юритилади. "Айн ул-ҳаёт" қасидасида тун тасвирида Б. сўзи воситасида ийҳом санъати қўлланилган:

Ашкрезон наъш бар дўши
банот аз сўги меҳр,
Чумла бар сарҳо паранди
анбаросо афкананд

(Мазмуни: Қуёш мотамида Наъш (юлдузлари) Банот (юлдузлари)ни қучоқлаб, кўз ёши тўкмоқдалар; барча юлдузлар бошларига қора ҳарир рўмол ташлаб олганлар).
("Ситтаи зарурия", 2-қасида)

БАРБАТ (ф. – ўрдак сийнаси) – уд созининг ўтмишдоши бўлган торли мусиқа чолғуси. Кўриниши ўрдак сийнасига ўхшаш бўлгани учун Б. деб номланган деган тахминлар бор.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Б.ни Фисоғурс (Пифагор) ихтиро этган экан. Ривоятга кўра, гўё унинг тушида Хизр келиб: "Наддоф (пахта титувчи)лар растасига борсанг, ҳикмат сирларидан бири сенга аён бўлади", – дейди. У ерга борса, пахта титиш жараёнида ёйнинг ипидан пахта отилаётганда қандайдир ун (садо) чиқаётган эмиш. У ерда от думи қилини олиб, бир учини тишлаб, иккинчи учини қўли билан тортиб, бармоғи билан тирнаган экан, паст товуш эшитилибди. Кейин тошбақанинг бўшаб қолган косасини топиб, унга даста ўрнатади. Қилни ипак билан алмаштирган экан, товуш янада ёқимли бўлибди. Шундай қилиб, биринчи торли мусиқа чолғуси юзага келган эмиш. Кейинчалик унинг бошқа кўп торли турлари яратилган экан.

Қаёнким, етиб барбатидин нағам,
Не йўл анда топиб кудурат, не ғам.

("Садди Искандарий", 1-боб)

БАРДАЪИЙ, Абулаббос Аҳмад бин Муҳаммад Ҳорун ал-Бардаъий Суфий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Озарбайжондаги Барда шаҳрида туғилган. Абу Бакр Тоҳир Абҳарий ва Муртаъишдан ҳикоятлар айтган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритади.

БАРЗАХ (ар.) – икки нарсанинг оралиғи; тўсиқ; аъроф. Ислом ақидасига кўра, қиёмат куни жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушмай ўртада қоладиган одамлар Б.да турадилар. Улар жаннатда роҳат қилаётганларни ҳам, дўзахда азоб чекаётганларни ҳам кўриб турадилар, уларни таниб, суҳбатлашадилар.

Навоий ислом аҳлидан бўлмаган Анушервони Одилнинг одиллиги ва адолати туфайли дўзахдан қутулиб, Б.га тушганини қуйидагича баён этади:

Анушервон гарчи кофир эди,
Вале адл зотида зоҳир эди.

Ўрун гарчи кофирга дўзахдурур,
Анинг адлдин ўрни барзахдурур.

("Садди Искандарий", 20-боб)

БАРЛОС – туркий элатларнинг бири. Б.лар тўғрисида икки хил фикр мавжуд: В.В.Бартольд Б.ларни туркийлашган мўғуллар қавми деб ҳисобласа, А.Ю.Якубовский бу фикрга шубҳа бидирган. Манбаларда Амир Темурнинг отаси Тарағай Б. зодагонларидан бўлганлиги қайд қилинади. Шу сабабли, Темурийлар сулоласида Б. беклари катта нуфуз ва мавқега эга бўлганлар. "Макорим ул-ахлоқ"да келтирилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузуридаги кенгашларда Навоийдан юқори ўтириш фақат Амир Музаффар барлосга рухсат берилган. "Вақфия" асарида темурий шаҳзодалардан кейин айнан Б. бекларининг тавсифи келгани ҳам уларнинг нуфузи ва обрўсидан дарак беради. Лирик асарларда Б. гўзаллик мазҳари сифатида ҳам васф қилинган:

Агар маъшуқ зебо бўлса,
не барлосу не лўли,
Нафис ар бўлса коло,
мулки не Бағдоду не Торум.

("Фавойид ул-кибар", 406-ғазал)

БАРМАКИЙ, Фазл бин Яҳё бин Холид Бармакий, (775 – Бағдод – 820) – аббосийлар давридаги вазир. Машҳур Бармакийлар – вазирлар сулоласидан. Халифа Ҳорун ар-Рашид б-н эмикдош бўлган. Бир муддат Хуросонда ҳукмронлик қилган. Дастлаб муваффақиятсизликка учраган, аммо отасининг танбеҳи ва раҳнамолигида қисқа муддат ичида Хуросонни обод ва маъмур ўлкага айлантирган. Адолатлилиги туфайли Хуросонда бир йилда йигирма мингта гўдакка Б.нинг исмини қўйишган. Саховатпешалиги б-н ҳам ном чиқарган. Номаълум сабабларга кўра халифанинг ғазабига учраб, зиндонга ташланган. Етти йил зиндонда етиб, ўша ерда вафот этган.

Б. мансуб бўлган Бармакийлар тарихда чуқур из қолдирган вазирлар сулоласидан саналади. Алишер Навоийнинг замондоши, бир муддат бош вазир лавозимида ҳам

ишлаган Хожа Алоуддин Али Сонеий ўзини Б.нинг авлодидан, деб ҳисоблаган.

Навоий ўз шеърларида ахлоқий масалаларни ёритишда Б.ни талмеҳ ўрнида қўллаган:

Амалға боқмаки бебаҳри
фазл эрур яксон,
Фузайли Бармакий ўлсун.
вагар Фузайли Аёз.
("Ғаройиб ус-сиғар", 276-ғазал)

БАРОАТИ ИСТЕҲЛОЛ (ар. бароат – бир соҳада устунлик, истеҳлол – янги ойни кўриш талаби) – асарнинг қайси мавзуга бағишланганига ишора қилишга асосланган муштарак санъат. Бунда муаллифнинг асар дебочаси, маснавий, қасида ёки марсия аввали, китобнинг боб ва фасллари бошида киритган сўз ҳамда фикрларидан ўқувчи асар ва унинг муайян бобининг мавзуси, мундарижаси ёки асосий мазмунини билиб олиш имконига эга бўлади.

Кўпгина ад-тларда бароат – маҳорат, фасоҳат, равшанлик, фазилат, усталик ҳамда фазлу ҳунарда етуклик сифатида талқин қилинса, истеҳлол янги ойни кўриш талаби маъносини англатади. Ғиёсиддин Муҳаммаднинг "Ғиёс ул-луғат"ида "Муншаот"га таяниб маълумот берилишича, истеҳлол чақалокнинг туғилиш жараёнида чиқарган овози бўлиб, унинг ўғил ёки қизлигини шунга қараб билишган.

Илми бадиъ устозларининг якдил фикрига кўра, муқаддиманинг энг яхшиси Б.и.га эга бўлганидир. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича: "Китобларнинг бошинда китобда ёзилган фанга ишора қилмоқ ва ушбу фан хусусинда ёзилган китобларнинг номин зикр этмак ҳам Б.и. қабилидиндур. Бу санъатқа ани ҳам кўшмоқ мумкинким, бирор китобнинг мусаннифи китоб бошига латиф бир тарзда ўзининг номин киритиб кетар..."

Навоийнинг деярли барча асарларида Б.и. санъатидан фойдаланилган. Чунки у барча асари муқаддимасида, албатта, унинг нима мақсадда ёзилгани ҳақида маълумот беради, унда қандай мавзуда сўз боришини айтиб ўтади. Айниқса, "Хамса" достонларидаги бобларнинг сарлавҳалари Б.и. санъатининг бадиий баркамол намуналаридир. Мас., "Насойим ул-муҳаббат" мукаддимасида устози Абдураҳмон Жомийнинг шайх ва авлиёлар ҳақидаги "Нафаҳот ул-унс" тазкирасидан туркий тилли ўқувчилар ҳам баҳраманд бўлиши учун йигирма йил давомида таржима қилиш ниятида юргани ва ниҳоят бу улкан ва хайрли иш муяссар бўлганини айтар экан, таржима жараёнида ўзи амалга оширган ўзгаришлар, қисқартиришлар ва қўшимчалар ҳақида маълумот бериш б-н бирга, асар мазмун-мундарижасини ҳам баён қилади: *"Ҳазрат шайх Фаридуддин Аттор қ.с. битиган "Тазкират ул-авлиё"дин баъзи кибор машойихким, "Нафаҳот ул-унс"га дохил бўлмайдур эрди – ҳар кайсини муносиб маҳалда дохил қилдим ва Ҳинд машойихи шарҳи ҳам оз мазкур эрди, мумкин бор тилаб, топиб, ҳазрат қутб ул авлиё Шайх Фарид Шакарганж қ.а.дин сўнгги машойихгача илҳоқ қилдим ва турк машойихи зикри ҳам озроқ эрди, они доғи Ҳазрат шайх ул-машойих Хожа Аҳмад Яссавий р. дин бу замонғача улча мумкин бор тилаб топиб, зикрларин ва баъзи ҳолоту сўзларин ўз маҳалида дарж қилдим.*

Навоий Самарқанддан Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида анъанавий ҳамд ва наът, устози шаънига айтилган мақтовлардан кейин ўзининг ватани Ҳиротни нега тарк этганлигининг сабабини тушунтириб бериш эҳтиёжи ушбу номани ёзишга ундаганини таъкидлайди ва ўқувчи бундан маснавийда нима хусусида сўз боришини тахмин қилади:

Чу ҳолимдин аҳбоб огоҳ эмас,
Дегайлар ҳадисеки, дилхоҳ эмас.

Аён бўлғай оллингда ҳангомае,
Битилмак манга фарз эди номае.

Санга ҳолатимни аён айламак,
Бу азмим вужуҳин баён айламак.

Манга неча навъ ўлди бечоралиғ –
Ки, оллимға тушти бу оворалиғ.

"Хамса" достонлари бобларининг насрий шаклдаги сарлавҳаларини ўқувчи учун ўзига хос йўл кўрсаткич, дейиш мумкин. Мас., "Мажнуннинг атоси ани ишқ

бодиясидин келтуруб, Каъба тавофиға олиб боргони ва ул муножот баҳонаси била кунглидаги чирни ёзғони ва дуо қилмоқ таронаси б-н хотиридағи махфий мақосидин тилидин чиқарғони ва Арафот аҳлидин арасот қупорғани" ёки "Хоқоннинг ўз гавҳарин хазойин ғаройиби, балки ғаройиб хазойинига киюрмоғи ва анинг кўзига сангпора ушоқ тошча ва қизил олтун қаро туфроқча кўрунмай, кўзи жазъи биллурий дуржға тушуб, сувда меҳри ховарийдек биллурда ойинаи Искандарийға тушгони ва ул кўзгу тилисмидин ғариб суратлар анга юз кўргузуб, кўнгли кўзгу аксидек изтиробга тушгани".

БАРСИСО – шайтонга ишониб, гумроҳ бўлган обиднинг номи. Б. қиссаси "Тафсири Табарий"да "Ҳашр" сураси 16-оятининг тафсири зайлида келган. Навоий Ибн Аббос ривоятига асосланиб, "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Б. ҳақида қуйидагича маълумот берган: Б. яҳуд қавмидан бўлиб, етмиш йил мунтазам тоат-ибодат қилади. Буни кўрган халқ унга эътиқод қўйиб, мурид тушади. Шайтон солиҳ киши қиёфасига кириб, бир йил давомида у б-н бирга ибодатхонада ибодат қилади. Бу орада улар дўст ҳам тутинишади. Шайтон Б.га давосиз дардларга ҳам шифо бўладиган бир дуо ўргатади. Б. бу дуо б-н подшоҳнинг қизини даволайди ва эл орасида янада машҳур бўлади. Бир куни шоҳ яна муолажа қилиш учун қизини Б.га ишониб, ёлғиз қолдиради. Б. ёлғиз қолган пайтда шайтон васвасасига берилиб, қизнинг номусига тегади. Шунда шайтон Б.га энди бу қизни ўлдириб, қариндошларига "қиз уйдан чиқиб кетди", деб айтишни маслаҳат беради. Б. шайтон айтгандай қилади. Сўнг шайтон подшоҳга асл ҳақиқатни айтиб беради. Подшоҳ Б.ни азобли ўлимга маҳкум этади. Шайтон яна инсон қиёфасига кириб, уни ўзига сажда қилишга даъват этади. Б. шайтонга сажда қилиб, имонсиз ҳолда оламдан ўтади:

Бўлма мағрури кўҳ ёки асо,
Кўрки не ишга қолди Барсисо.

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

БАРҚ (ар. – чақмоқ, яшин) – табиий ҳодиса, чақмоқ, яшин, чақин. Арасту "Метеорология" китобида Б. ҳақида маълумот бериб, уни осмонда йиғилган қурук чанг-ғуборларнинг тўпланиб, сув буғлари ичидаги газлар б-н ўзаро тўқнашув ҳодисаси, деб таърифлаган. Ибн Сино "Шифо" китобида Б.ни раъд (момақалдироқ) ҳодисаси б-н бирга таърифлаган. Унингча, сувнинг буғлари (бухори мартуб) б-н бирга қуруқ бухор (газ, чанг)лар осмонга кўтарилади. Ушбу газлар атмосферадаги совуқ ҳавонинг таъсирида бир жойда йиғилиб, булутнинг таркибида тўпланишади ва булутларнинг ўзаро тўқнашуви натижасида Б.нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Берунийнинг фикрича, олмоснинг пайдо бўлиши ҳам Б. ҳодисаси б-н бевосита боғлиқ. Ҳар бир олмос ўз ранги ва жилосига кўра, заргарликнинг муайян буюми – билакузук, сирға ёки узукда ишлатилиши керак. Агар олмос ўз ўрнида ишлатилмаса, Б.нинг чақнаши унга дарз-зарар етказади. Насириддин Тусий олмос тақкан киши яшин уришидан омон қолади, дейди.

Ирфоний манбаларда Б. ҳидоят топган банданинг Парвардигор қурбатидан нишона берувчи чақин, солик йўлини бир лаҳза мунаввар этувчи ҳидоят нури, дея таърифланган. "Мирсод ул-ибод"да ёзилишича, "дастлабки ҳолларда нурлар Б. шаклида пайдо бўлур. Кўнгил қанча сайқалланса, нурлар ҳам кучайиб, кўпаяверади. Б.дан кейин солик кўнглида нурларни шамъ, машъал, гулхан шаклида мушоҳада қилади". Имом Ғаззолий кўнгил мақомлари ҳақида сўзлаганда, Б. ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Унингча, ҳақиқат пардалари солик кўнглидан икки ҳолатда бартараф бўлади: ўлим ҳолида ва уйғоқликда. "Уйғоқлик пайти яширин илоҳий лутф туфайли ҳақиқат пардалари очилиб, ажиб илмлар кўнгилда юзланар. Бу илмлар гоҳида Б.и хотиф (кўз қамаштирувчи яшин), гоҳида бардавом Б. суратида намоён бўлур".

Алишер Навоий шеърий бисотида Б. сўзи 274 марта ("Хазойин ул-маоний"да 157 марта, достонларда 117 марта) қўлланилган. Улуг шоир ушбу сўзни турли маъно, ранг ва жилваларни ифодалаш учун юксак маҳорат б-н ишлатган.

Эй хуш, ул роҳрави гармки,
бу йўл атъин,
Барқи хотифдек этар
даҳрни айлаб равшан.
(“Наводир уш-шабоб”, 438-ғазал)

БАРҚИЙ, Абу Абдуллоҳ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шим. Африкадаги Барқа ш.да туғилган. Мисрнинг улуғ шайхларидан. Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Ҳасан Антокий, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний б-н бирга *Хожа Юсуф Ҳамадонийдан* иршод олган. Мисрдаги ижтимоий ҳаётга катта таъсир ўтказган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

БАСИРАТ (ар. – кўриш, кўрувчанлик; ўткир зеҳн) – диний-ирфоний ва ахлоқий тушунча. Диний ад-тда Б.ни “гумроҳликдан ҳидоят йўлига киришга сабаб бўладиган далиллар” (Замахшарий), “ваҳий” (Ибни Касир) сифатида таърифлашган. Тас.ий-ирфоний манбаларда Б.дан мурод қалб кўзидир. Қалб кўзи нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳиятидан огоҳ бўлиш ва руҳий уйғоқликка сабаб бўлади. Шу сабабли, орифлар мукошафа ва мужоҳаданинг Б.сиз имкони йўқ, деб билишган (Сулламий, Жомий). Кўп нарсаларни билиш ва англаш фақат Б. туфайли ҳосил бўладиким, унда далиллаштириш ва ақлий мунозара ожиз қолади (Лоҳижий). Абдураззоқ Кошоний Б.га қудсий нурдан мунаввар ақл, деб таъриф берган. Бундай ақл исбот ва далилдан ҳожатсиз бўлиб, инсон тафаккурини ҳайрат ва иккиланишдан халос этади. Б.нинг энг олий даражаси маърифат сарчашмасига йўл топиш ва фаросатнинг зоҳир бўлишидир. Ибн Арабийнинг фикрича, узлат ва доимий зикр Б. кўзининг равшан бўлишига сабаб бўлади. Умуман, илм – Б. кўзи б-н назар солмоқ, Б. б-н назар солмоқ эса ҳақиқий илм ҳосил қилмоқдир.

Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирлан назар.
(“Ҳайрат ул-аброр”, 18-боб)

БАСИТ (ар. кенг, ёйиқ) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб ад-тида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. Унинг рукнларидан бири *мустафъилун*нинг бошланишида икки *сабаби хафиф* (–) ёйилиб тургани учун шундай аталган. Шунингдек, Б. баҳри вазнларининг аруз ва зарбида ҳаракатлар, яъни қисқа унлилар ёйилганлиги сабабли шундай ном олган, деган қарашлар ҳам бор. Б. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *мустафъилун* (– –V –), *фоилун* (– V –), *мустафъилун* (– –V–), *фоилун* (– V –) бўлиб, шеъриятда Б.нинг асосан *мусамман* ва *мусаддас* рукнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий шеърият, хусусан, Алишер Навоий ижодида истифода этилмаган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да Б.нинг битта мусамман рукнли вазнини мисол тариқасида келтиради:

Басити мусаммани солим (рукнлари ва тақтиъи: *мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун*, – – V– / – V – /– – V – / – V–)

Ишқинг мени туну кун мажнуну зор
айламиш,
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор
айламиш...

БАСТ (ар.) – шодлик, хушҳоллик. Кашф ҳолидаги қалб хушҳоллиги. *Қабз*нинг муқобили. Б. ўз моҳиятига кўра, *рижо*га ўхшаб кетади. Аммо рижо – муриднинг бевосита ўзида содир бўладиган ҳолат. Б. эса Ҳақ таолонинг инояти туфайли ҳосил бўладиган ҳол бўлиб, унинг келиши ҳам, кетиши ҳам банданинг изн-ихтиёридан ташқарида кечади. Қушайрий талқинида, *хавф* ва *рижо* – сайру сулукнинг ибтидосида бўлган муридларга, *қабз* ва *Б.* – тариқатда маълум мақом-мартабани эгаллаган орифларга, *фано* ва *бақо* – восилларга хосдир. “Шарҳи шатҳиёт”да келтирилишича, Б. – илоҳий жамолнинг кашфи, илоҳий сифатларнинг мушоҳадаси ва илоҳий хитобларга басират кўзи б-н назар сола билиш туфайли ҳосил бўладиган кўнгилнинг шодлиги бўлиб, унга *сукр* ва *сафо*, *самоъ* ва *рақс* хосдир. Қабзнинг асли – бошни фидо айлаш (фано бўлиш), Б.нинг асли эса абад мушоҳадасида сирнинг бақоси эрур.

Азизиддин Насафий Б.ни мажозий ишқнинг иккинчи босқичидаги ҳол деб, унга шундай таъриф беради: бу мақомда ошиқ фироқни висолдан афзал билади.

Фирокдан кўпроқ роҳат ва осойишталик топади. Маъшуқ б-н ҳамиша ўз ичида суҳбат қуради; маъшуқаси баъзида лутф ва навозишлар қилади – унда ошиқ *баст* мақомида бўлур, гоҳида қаҳр ва газаб б-н азоб беради – унда ошиқ қабз мақомидадир. Кишилар ошиқнинг қабз ва баст ҳолида – шодлиги ва хафа бўлишларини кўрадилар, аммо нима сабабдан эканлигини билолмайдилар *(қар: Инбисот)*.

БАТЛИМУС (вафо. 167) – Птоломей, қадимги Юнон файласуфи ва мунажжими. "Ал-магест" (Мажастий) ва "Осор ул-билод" асарининг муаллифи. Геоцентризм наз-ясининг асосчиси. Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Б. – Жолинус (Гален) нинг шогирди, дейди. Одамларнинг хатосидан тўғри хулоса чиқарган киши – бахтли, аксинча унинг хатосидан ибрат олган кимса бадбахтдир мазмунидаги ҳикмат Б.га нисбат берилган.

Улус афъолидин сен бул баруманд,
Йўқ улким, олғай афъолингдин эл панд.
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

БАҚО (ар.) – абадийлик, мангулик, боқийлик; фанонинг муқобили. Ишонч, мавжудлик маъноларида ҳам қўлланилади. Орифлар истилоҳида Б. – *сайр филлоҳ*нинг ибтидоси. Жомий талқинида, банда мутлақ фанога эришганидан сўнг Аллоҳ таоло унга турли нафсоний чиркинликлардан поклангган вужуд ато қилади ва солик иттисоф (сифатланиш) оламида илоҳий сифатлар б-н безаниб, раббоний хулқлар б-н хулқланади. "Манозил ус-сойирин"нинг шарҳида, фано – халқ, Б.– Ҳақ таолонинг сифати дейилган. Рўзбеҳон Буқлий айтади: Б. уч навдир: Руҳ Б.си – Ҳақ таоло қудратини изтиробсиз мушоҳада этиш; Сир (Қалб) Б.си – тавҳид; нафс Б.си – нафсни ёмон хислатлардан поклаш.

Алишер Навоий асарларида Б. сўзи қуйидагича қўлланилган: Б. гули, Б. айвони, Б. анжоми, Б. гулзори, Б. гулшани, Б. дашти, Б. куйи, Б. мулки, Б. нақди, Б. олами, Б. расми, Б. сарманзили, Б. сарчашмаси, Б. файзи, Б.и абад, Б.и жовид, Б.и жовидоний, Б.и локалом, Б. бўлмоқ.

Фоний ўлсун ким бақойи
жовидон истар ани
Фоний ўлганларға даврон
дохил этмастин бурун.
("Фавойид ул-кибар", 479-ғазал)

БАРРИЧОКЛИК – қалбида ишқ макон қилган кишининг сифати. Ирфоний ад-тлардаги "шарҳи садр" тушунчаси б-н маънодош бўлиб, маърифат ва ҳақиқатларни англаш истеъдоди; қалбида илоҳий маърифат нурлари тажаллий этган орифнинг сифати тушунилади. Ансорийнинг талқинича, Б.нинг аломати банданинг қалбига уч вақтда уч хил нур жило топишидир. Сулук бошида – ақл нури, ўртасида – илм нури, интиҳосида – ирфон нури соликнинг қалбини мунаввар этади. Бу нурлар қўшилганда ирфон ва идрок йўлидаги мушкулот ҳал бўлиб, ғайб оламининг асрори очилаверади. Солик ақл нури б-н ўз ғайбини, илм нури б-н ўзига зиён етказиши мумкин бўлган нарсаларни, ирфон нури б-н ўзининг фанога мустаҳиқ вужуд эканлигини билади.

Тийғи кўксум чок этиб,
кўнглумни очса не ажаб
Ким, равон судин ҳамеша
халқ кўнгли очилур.
("Ғаройиб ус-сиғар", 178-ғазал)

"БАҲЖАТ УЛ-АСРОР" ("Шодлик сирлари") – *Абдулҳусайн Жаҳзам Ҳамадоний*нинг асари. Асар тасаввуф аҳли тарихига бағишланган бўлиб, унда шайхларнинг аҳвол ва мақомлари, улар б-н боғлиқ ҳикоятлар баён қилинади. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Абулҳусайн Ҳамадоний б-н боғлиқ бобда тилга олган.

БАҲМАН I – каёнийлар сулоласидаги олтинчи подшоҳ. Исфандиёрнинг ўғли, Гуштоспнинг набираси. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да берилишича, Б. адолатли подшоҳ бўлган. Буқрот табиб (Гиппократ) унинг даврида яшаган. Отасининг қасоси учун Зобулистонга қўшин тортиб, Рустамнинг укаси Заворани дорга осади. Бобул ҳукмдори Бухтуннасрга зарба бериб, Байтулмуқаддасни қайта тиклаган. Б. "Ҳайрат ул-аброр" ва "Сабъаи сайёр" достонида номдор подшоҳлар қаторидан

ўрин олган. "Садди Искандарий"нинг Каёний подшоҳлар зикридаги 12-бобида Б.нинг ҳаёти ҳақида қисқача маълумот берилган:

Чу Баҳманға етти вафосиз жаҳон,
Анинг узри кўнглидин ўлди ниҳон.
Ёшилгон замон шавкати Баҳмани,
Равон қилди Баҳман елидек ани.
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

БАҲМАН II – шамсий йил ҳисобидаги баҳман ойи (20-феврал – 21 март):

Сиймдин баҳман чаман қофини
то зол айлади,
Қушлар ул сийм остида
симурғдек ноёб эрур.
("Гаройиб ус-сиғар", 194-ғазал)

"БАҲОР" ("Куклам") – "Фусули арбаа" қасидалар туркуми таркибига кирувчи қасидалардан бири. Ҳажман 57 байтдан иборат. Мазмунига кўра васф ва мадҳ хусусиятларини ўзида бирлаштирган қасида ҳисобланади. "Б."да баҳор фасли тасвири б-н бирга замона ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро мадҳ қилинади, унинг таърифу тавсифи келтирилади "Б." тузилишига кўра тўлиқ қасида бўлиб, унда насиб (лирик кириш) қуйидаги байт б-н бошланади:

Вазад бодӣ баҳор иҳъёи амвоти гулистонро,
Зи анфоси Масеҳо тоза созад олами жонро.

(Мазмуни: Баҳор шамолининг эсиши гулистон гулларига янгидан ҳаёт бағишлайди, гўё Масиҳо нафасидан жонлар оламини янгилайди).

Насибда қасиданинг васфий хусусиятлари намоён бўлади: баҳор фаслига хос гўзалликлар тасвирланади. Гуризгоҳ (киришдан асосий қисмга ўтувчи кўприк) 10–13-байтни ўз ичига олиб, унда баҳорнинг ғаниматлиги, умр баҳорининг ўткинчилиги, инсон ҳаётига кузнинг келиши муқаррар эканлиги ҳақидаги масалалар қаламга олинади. "Агар бехазон баҳорни кўришни истасанг, Эрону Турон подшоҳи халқининг баҳористонини кўргил" мазмунидаги байт орқали гуризгоҳдан асосий қисм – мадҳга ўтилади. Мадҳда баҳорга хос яратувчанлик, янгиланиш Ҳусайн Бойқаро табиатига уйғун тарзда тасвирланади, шоҳнинг саховати баҳор қуёшига, раҳмдиллиги баҳор ёмғирига, жанглардаги шижоати момақалдироқ шовқинига ўхшатилади. "Б." шоҳ ҳаққига қилинган дуо ва унинг мартабаси баҳорининг куз шамолидан омон бўлиши, шавкату иқболининг бенуқсон бўлиши б-н боғлиқ ниятлар б-н якунланади. Қасида ҳазажи мусаммани солим (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун V– – – V– – – V– – – V– – –) вазнида ёзилган.

"БАҲОРИСТОН" – Абдураҳмон Жомийнинг ахлоқий-дидактик асари. Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асари таврида 1487 й. сажъли насрда ёзилган. "Б." муқаддима ва 8 равза (боб)дан иборат: 1) орифлар ибрати; 2) буюклар ҳикмати; 3) подшоҳлар адолати; 4) қаноат ва саховат; 5) ишқ ва муҳаббат; 6) латифа ва мутойибалар; 7) шеър ва шоирлар; 8) тамсилий ҳикоятлар. Жомий "Б."ни кексалик даврида фарзанди Зиёуддин Юсуфга (у пайтда 10 ёшга тўлган) дарслик сифатида ёзгани сабабли, бу китоб мутафаккир шоирнинг умри давомида ҳосил қилган тажриба ва хулосалари, олам ва одамга бўлган муносабатининг ҳосиласи сифатида яратилган. Китобда суфий ва орифлар ҳаётидан келтирилган ибратли ҳикоятлар, ҳаким ва донишмандлар тилидан айтилган ҳикматлар, афсонавий шахслар иштирокидаги қисса ва ривоятлар, машҳур ҳукмдорларга нисбат бериладиган ҳиммат ва адолат, шоирлар ва шеърият бобидаги фикралар, латифалар ва тамсилий ҳикоялар – барча-барчасидан ахлоқий намуналар, инсонга инсонийликнинг олий мақомларини эслатувчи ўгитлар асосида хулосалар олинади. "Б." ҳам "Гулистон" каби сажъда ёзилиб, керакли пайтларда шоир ўз хулосаларини байт, қитъа ё рубоий шаклида келтиради. "Б."нинг фақат икки боби (3 ва 5-боблар) мавзу жиҳатидан "Гулистон"нинг такрори бўлиб, қолган 6 боб мавзу-мундарижа нуқтаи назаридан янги ёзилган. "Б." фақат ахлоқий-дидактик асар бўлиб қолмай, балки шеърият тарихига оид муҳим адабий манба ҳам ҳисобланади. Асарнинг 7-равзасида Жомий форс-тожик тилида ижод қилган 39 шоир ҳақида маълумот бериб, замондош ижодкорлардан фақат Алишер Навоийга алоҳи-

да фасл ажратади, унинг ижодига эътироф ва муносабатини билдиради. Шу сабабли, "Б." навоийшуносликдаги илк манбалардан бири сифатида эътироф этилади. Навоий "Б." ҳақида "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида тўхталиб ўтади.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД. Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (1318 – Бухоро – 1389) – машҳур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси. Ҳоз. Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ кейинчалик Б.Н. шарафига Қасри Орифон деб аталган. Отаси тўқувчи ҳамда матоларга ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Амир Сайид Кулол, Қусам Шайх, Халил Оталар унга тариқат йўлида устозлик қилганлар. Амир Сайид Кулолдан зикр талқини, тариқат одобини ўрганган б-н увайсий шайхлардан бўлиб, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидан тарбият топган. Икки марта ҳаж қилган. Қаноат тариқини тутиб, фақат ўз меҳнати – кимхобга нақш солиш б-н кун кечирган. Ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдухолиқ Ғиждувоний наз-яларига асосланган. Таълимотининг асосида "Дил ба ёру даст ба кор" (Кўнгил Ёрда, қўл ишда) деган шиор ётади.

Б.Н. тас.даги илгарилари амалда бўлган қаттиқ риёзатларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнгил б-н амалга оширши керак. Қўл эса, иш – меҳнат б-н банд бўлаверсин. Б.Н.нинг тарқидунёчилик қилмай ҳам Аллоҳга етишиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси мусулмон оламида тас.нинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади.

Б.Н. томонидан Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний наз-ялари асосида нақшбандийлик тариқатида ўн бир асосга эга бўлган дастур ишлаб чиқилди. Улардан 4 таси Юсуф Ҳамадонийга, яна 4 таси Абдулхолиқ Ғиждувонийга, қолган 3 таси Б.Н.га мансуб бўлиб, рашаҳа (қатра) деб ҳам аталади:

1. Ҳуш дар дам. Зикр вақтида ҳар бир чиқаётган нафас ҳушёрлик б-н чиқмоғи, ғафлатга тушмаслик лозим, ҳар нафас олиб чиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш даркор.

2. Назар бар қадам. Солик ёки дарвиш шаҳарда юрадими, қишлоқда ёки саҳродами ҳар бир қадамига назар солиш, огоҳ бўлиб юрмоғи, фикри бўлинмаслиги лозим.

3. Сафар дар ватан. Тариқат аъзосининг ёмон одатдан яхши хулққа, башарий сифатлардан илоҳий сифатларга йўналишини билдиради. Булардан ташқари, мурид ўз муршидини топгандан сўнг саёҳат қилмаслиги мақсадга мувофиқ кўрилади.

4. Хилват дар анжуман. Зоҳиран халқ б-н, ботинан Ҳақ б-н бўлиш демакдир. Солик халқ орасида юрса ҳам, бир лаҳза бўлса ҳам қалбида Аллоҳни эсдан чиқармаслиги лозим.

5. Ёдкард. Эслаш – Аллоҳни ёд этиш, яъни тинмай калимаи тавҳидни зикр қилиш.

6. Бозгашт. Зикрдан кейин солик "Илоҳи, анта мақсуди ва ризока матлуби", яъни Аллоҳим, мақсадим сенсан, талабим, истагим сенинг ризолигингдир, дейди.

7. Нигоҳдошт. Қалбдаги фикр ва хотираларни муроқаба қилиш. Нафй ва исбот зикрининг маъносини ўйлаб, бошқа нарса ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилинади.

8. Ёддошт. Ҳар лаҳза Ҳақдан хабардор бўлиш, хотирни асрамоқни билдиради.

9. Вуқуфи замоний. Дарвеш доимо ўз ҳолидан хабардор бўлиши, вақтидан унумли фойдаланиши, шукр ва тавба қилиши даркор.

10. *Вуқуфи ададий.* Солик шайх берган зикр вазифасини саноғига риоя қилиши, зоҳирда ҳам инсон ўзини муайян саноқ ва вақт б-н назорат қилиши муҳимдир, зероки бу ҳол соликнинг тартиб-интизомга риоя қилишида муҳим аҳамиятга эга.

11. *Вуқуфи қалбий.* Қалбнинг Ҳақдан хабардор бўлиши, яъни инсон кўнгли Аллоҳдан бошқа нарсани ўйламаслиги лозим. Бу зикрнинг юқори поғонасини билдиради.

Б.Н. таълимоти ҳамда нақшбандий шайхлар тўғрисида биргина ТошДШИ ШҚМнинг ўзида 195 қўлёзма мавжуд. Б.Н. таваллудининг 675 йиллиги (1993) Ўзбекистонда кенг нишонланди, турли асарлар яратилди, Б.Н. номи б-н боғлиқ зиёратгоҳлар қайта тикланди.

"Ҳайрат ул-аброр"нинг 21-бобида Навоий Б.Н. ҳақида сўз юритиб, уни фано илмини касб этган соҳибдил дарвеш, кўнглидан дунё хаваслари нақшини буткул ўчириб, басират назарини бақо олами гўзалликларига қаратган ориф, бутун олам кўзига узукка ўйилган нақшдек кичик ва аҳамиятсиз кўринган буюк маърифат эгаси, маърифат нури б-н соликлар йўлини мунаввар этган маънавий раҳнамо сифатида таърифлайди. "Бадоеъ ул-васат"даги 3-қитъада Б.Н. ирфоний талқин қилган "Косиб – Худонинг севимли бандасидир" мазмунидаги ҳадиснинг шеърий таржимаси берилган. "Насойим ул-муҳаббат"нинг муқаддима қисмида ҳалол луқма талабида бўлиш ҳамда ўз касби орқасидан кун кечириш шартининг далили сифатида Б.Н.нинг кимхобга нақш солиш орқасидан рўзғор тебратиши мисол келтирилган. Шунингдек, нақшбандийлик тариқатига дахлдор шайхлар ҳаётига бағишланган бобларда ҳам Б.Н. ҳақида маълумот берилган. Навоий "Нафаҳот ул-унс"даги Б.Н. ҳақидаги бобни "Насойим ул-муҳаббат"га қисқартириб киритган.

БАҲР (ар.) – денгиз. Арузий бирлик, бир гуруҳга мансуб вазнлар йиғиндиси. Б.лар 8 аслий рукннинг турли тартибда бирикиб такрорланишидан ҳосил бўлади. Б.лар сони турли манбаларда турлича кўрсатилади. Умумарузшуносликда қабул қилинган Б.лар миқдори – 19 та. "Ал-муъжам"да ушбу 19 баҳрга қўшимча тарзда яна 21, "Фунун ул-балоға"да 40, Бобур рисоласида 21 Б. ҳақида маълумот келтирилган. Б.ларни аслий рукнлар иштирокига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Муттафиқ ул-ажзо (бир хил аслий рукнлардан таркиб топган) ёки солим Б.лар.

2. Мухталиф ул-ажзо (турли аслий рукнлар ва уларнинг тармоқларидан таркиб топган) ёки фаръий Б.лар.

Биринчи гуруҳ Б.лар ўз аслий рукнига эга бўлган баҳрлар бўлиб, уларга *рамал, ҳазаж, ражаз, мутақориб, мутадорик, комил, вофир* Б.лари киради. Навоий ижодида улардан 6 таси (вофирдан ташқари) истифода этилган. Иккинчи гуруҳ Б.лар махсус рукнга эга бўлмаган, турли аслий рукнлар ва уларнинг тармоқларидан таркиб топган Б.лар бўлиб, мазкур гуруҳга *музориъ, мужтасс, мунсариҳ, хафиф, сариъ, муқтазаб, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, жадид* Б.лари киради. Навоий ижодида улардан 6 таси (музориъ, мужтасс, мунсариҳ, хафиф, сариъ, тавил) истифода этилган. Шунингдек, шоир шеъриятида форсий арузшунослар ихтиро қилган ариз Б.и ҳам қўлланилган. "Мезон ул-авзон" асарида 19 Б. ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, шоирнинг лирик ва эпик шеъриятида жами 13 Б.дан фойдаланилган.

БАҲРОМ (авес. – ғалаба, фатҳ) – 1) нужум илмида Марс (Миррих) сайёрасининг бошқа номи. Қад. астрономик башоратларга кўра, Б. бешинчи фалакда жойлашган бўлиб, уруш, ғалаба ва қилич аҳлининг ҳомийси. Беруний "Ат-Тафҳим" китобида Б.ни "Наҳси асғар" номи б-н атаб, бу сайёранинг ҳаракати ва инсонлар ҳаётига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини ёритишга ҳаракат қилган. Навоий шеъриятида Б. асосан ҳамд, наът ва меърож кечаси таърифидаги бобларда учрайди:

Тез этибон қатлиға Баҳром тиғ,
Тортибон ўз ҳолиға ҳар дам дариғ.
("Ҳайрат ул-аброр", 2-муножот)

2) "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳоднинг эмикдоши, якин дўсти, вазир Мулкоронинг ўғли. Лекин у достон воқеалари ривожида асосий образ саналмайди. Достон охирида Фарҳоднинг ўчини олиш учун Арманияга келади ва Шопур б-н бирга Фарҳоднинг қабрида мужовир бўлиб қолади.

3) "Сабъаи сайёр" достонининг бош қаҳрамони. Етти иқлим подшоси, Дилоромнинг ошиғи. Унга Эрон сосонийлари сулоласининг вакили Варахрон V (Баҳром Гўр, 421–438) прототип сифатида хизмат қилган. Б. ҳаётига доир маълумотлар Эрон шоҳларига бағишланган "Худойнома", "Сияру мулк ил-фурс", "Тарихи Табарий", "Тарихи мулуки Ажам" каби асарларда келтирилган. У Эрон шоҳи, золим Яздижирднинг ўғли, мамлакатда тартиб ва осойишталик ўрнатган подшо ва кийик (гўр) овининг ишқибози сифатида таърифланади.

Баҳром Гўр образи бадиий ад-тда дастлаб Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида учрайди. Унда Б.нинг саргузаштлари б-н боғлиқ бир қанча ҳикоятлар тасвирланади.

Низомий Ганжавийнинг "Ҳафт пайкар" достони тўлалигича Б. саргузаштларига бағишланади. Унда Б.нинг тахтга чиқиши, эл-юрт ободончилиги учун қилган ишлари, қаҳрамонликлари ёритилган.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Ҳашт беҳишт" достонида Б. тарихи эмас, балки у б-н боғлиқ айрим саргузаштлар тилга олинади. Амир Хусрав Б.нинг саргузаштларини ҳикоятлар воситасида қизиқарли тарзда очиб берган. "Шоҳнома" таъсирида шаклланган хамсанависликда учинчи достоннинг шоҳ Б. саргузаштларига бағишланиши анъанага айланди.

*Ашраф Марағий*нинг достонида етти кечада етти хил ҳайвон ва махлуқни ўлдирган Б. одил шоҳ сифатида босқичма-босқич юксалиб боради.

Алишер Навоий ўзидан олдинги барча салафлари асарлари б-н яхши таниш бўлгани учун Б. образи тимсолида уларникига сира ўхшамаган қаҳрамон яратишни мақсад қилади. У ўзидан олдинги салафларининг Б.ни кўнглида дард бўлмаган сохта ошиқ сифатида тасвирлашларини оқламайди.

Алишер Навоий Б. тимсолида адолатли шоҳ, камолот пиллапояларидан юксакликка одимлаётган шахс, достон ҳикоятлари ривожи жараёнида авом ишқига мансуб кишидан ҳақиқий ишқ соҳибига айлана борган ошиқни тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу боис у достондаги қолипловчи ҳикоят б-н еттинчи ҳикоятни бир-бирига боғлайди. Натижада, маъшуқаси Дилоромни йўқотиб, унинг ҳажрида бетоқат бўлган ошиқ Б. етти кун давомида етти сайёҳдан етти ҳикоят эшитиб, охирги кун унинг дарагини топади.

С.Ҳасанов "Навоийнинг етти туҳфаси" китобида Б.ни типологик илдизи жиҳатидан Шарқ халқларининг қадимги мифологияси ва сосоний ёдгорликларга бориб тақалади, деб маълумот беради. Ушбу образни Қад. Бобил ва Кавказ халқларидаги жасорат худоси Гург, "Авесто"даги Варахрон, яъни жанг ва қаҳрамонлик илоҳига, қадимги ҳинд мифологиясидаги чақмоқ ва момақалдироқ тангриси Индра Веритрагига боғлайди.

Навоий Б. образи б-н ўз даврининг подшоси ва ўқувчи-китобхонларига адолат ва шафқатдан, эзгулик ва ҳалолликдан таълим беради.

Шоҳ Баҳром анинг киби шаҳ эди
Ким, сипеҳр анга хоки даргаҳ эди.
("Сабъаи сайёр", 11-боб)

Навоий Б. образига бошқа асарлари, жумладан, "Хамса" таркибидаги "Ҳайрат ул-аброр" достонининг 59-боби, "Садди Искандарий"нинг 54-боби ва "Тарихи мулуки Ажам" асарида ҳам мурожаат этган.

Навоий ўз лирикасида дунёнинг бевафолиги ҳақида сўз борганда ҳам Б. образига мурожаат этади:

Сикандар кўзгусию жоми
Жам ичра кўр, эй шаҳким,
Сени гўр оғзиға тортар каманди
сайд Баҳроми.
("Фавойид ул-кибар", 630-ғазал)

БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ – Эронда 276–293-й.ларда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ Баҳром II (Варахрон II). "Тарихи мулуки Ажам"да йигирма йил ҳукмронлик қилгани, дастлаб жуда қаттиққўл, талабчан, золим ва қўл остидагиларига кўп жафолар етказгани, кейинчалик мўбадлар нинг аралашуви остида муросасозлик ва адолат б-н сиёсат юргизгани айтилган. Б ҳақида "Садди Искандарий"нинг 14-бобида ҳам маълумот берилган:

Неча эрди Баҳром Баҳроми тез,
Иши чарх Баҳроми янглиғ ситез.
Етиб вақт, тушти ажал домиға,
Эрур баҳс афлок Баҳромиға.

БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ Баҳром III (Варахрон III) "Шаҳаншоҳ" (Шоҳлар шоҳи) унвонини олган биринчи ҳукмдор. Б. гарчи атиги тўрт ой ҳукмронлик қилган бўлса-да, лекин адолатпарварлиги б-н тарихда ёркин из қолдирган. Б. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам ҳамда "Садди Искандарий"нинг 14-бобида маълумот берилган:

Шаҳаншоҳ чун сурди оламға раҳш,
Қуёшдек эди даҳр уза нурбахш.
Неча меҳрдек топти авжи камол,
Фалак давридин топти охир завол.

БАҲРОМ БИННИ ШОПУР – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Кирмоншоҳ номи б-н машҳур бўлган. Баъзи манбаларда Б.нинг одил подшоҳлиги айтилса, "Банокатий тарихи"да золимлиги сабабли кўтарилган исёнда ҳалок бўлган, дейилади. Б. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам" ҳамда "Садди Искандарий"нинг 14-бобида маълумот берилган:

Жаҳон мулки чун қолди Баҳромға,
Халойиқ иши тушти нокомға.
Ани доғи гардуни бевафму бок,
Чекиб кому ном қилди ҳалок.

БАҲРОМ БИННИ ҲУРМУЗ – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний ҳукмдор Баҳром I (Варахрон I). "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да келтирилишича, дастлаб машҳур мусаввир ва монийлик динининг асосчиси – Моний бин Фатакни ўзига яқин олиб, сўнг уни ва издошларини қатл эттирган. Уч йил ҳукмронлик қилган. Б. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам" ҳамда "Садди Искандарий"нинг 14-бобида маълумот берилган:

Чу Баҳром даври замони эди,
Замонида машҳури Моний эди.
Ани доғи нобуд қилди фалак,
Бу бирнинг даги нақшини қилди ҳак.

"БАҲРОМ ВА ГУЛАНДОМ" – Котибий Туршизий "Хамса"си таркибига кирувчи достон. Низомий Ганжавий "Панж Ганж"и достонларидан бирига жавоб тарзида ёзилган. Адабиётшуносликда достоннинг номланишига қараб уни *"Ҳафт пайкар"*га татаббуъ сифатида, қўлланилган шеърий ўлчовига қараб эса *"Хусрав ва Ширин"*га жавоб тарзида ёзилган деган қарашлар мавжуд. Алишер Навоий ушбу достон номини "Мажолис ун-нафоис"да Котибий Туршизий б-н боғлиқ бобда эслаб ўтади.

БАҲРОМ ЧЎБИНА – Эронда қисқа муддат ҳукмрон бўлган саркарда. Ҳурмуз бин Анушервонга лашкарбошилик қилган. Турк хоқонига қарши урушда ғалаба қозонган Б.Ч. ўзини камситилган, муносиб тақдирланмаган деб ҳисоблаб, расмий ҳукуматга қарши исён кўтаради ва икки йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилади. Хусрав Парвиз уни Рум қайсари мадади б-н енггач, Б.Ч. паноҳ истаб Чин хоқонига боради. У ерда Б.Ч.га заҳар бериб, ўлдиришади. Куп манбаларда Б.Ч. подшоҳлар сирасига киритилмаган. Шу сабабли бўлса керак, Навоий ҳам "Садди Искандарий"нинг 14-бобида Б.Ч. га алоҳида тўхталмаган.

Чу Баҳроми Чўбинни бахти баланд,
Жаҳон мулкида айлади аржуманд.
Вале они Парвиз тиндурмади,
Дам урмади то мулкдин сурмади.

БАҲРОНИЙ, Абдулазиз – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий ва Абулхайр Моликий б-н суҳбатдош бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"БАҲР УЛ-ҲАҚОИҚ" ("Ҳақиқатлар денгизи") – *Нажмиддин Розий*нинг Қуръони Карим тафсирига оид асари. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Нажмиддин Розий б-н боғлиқ бобда эслатади.

БЕГОНА (ф.) – ўзга, ёт, бошқа. Тасаввуф ад-тида тариқат йўлининг расм-русумидан бехабар, ғофил маъносида қўлланилган.

То унутди ошнолиғ расмин ул
бегонаваш,
Ошно йиғлар менинг ҳолим кўруб,
бегона ҳам.
("Ғаройиб ус-сиғар", 404-ғазал)

БЕГОР – ўрта асрларда мажбурий равишда одамларни текин ишлатиш, текин ҳашар ўтказиш тадбири. Б.да, асосан, шаҳар аҳолиси қатнашиб, шаҳар мудофаа деворини тиклаш, бозор ва хиёбонларни тозалаш, мадраса, қаср ва работ каби йирик иншоотларни бунёд этишга сафарбар этилган. Навоий шеъриятида ушбу тушунча талмеҳ, тамсил ва истиора санъатлари ёрдамида турли поэтик функцияларни бажарган:

Жон фидо қилғумдурур.
лаълинг қабул этсун десам
Дерки: Руҳуллаҳ бу
навъ ишларга бегор айламас.
("Ғаройиб ус-сиғар", 231-ғазал)

БЕДИЛИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоира. Могаи Раҳмонийнинг "Парданишинони сухангўй" ("Парда остидаги сўз санъаткорлари") номли асарида Б. Ҳиротда анча машҳур шоира бўлгани ҳақида маълумот берилади. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида унинг номини Шайхзода Ансорийнинг онаси сифатида тилга олади ва унга нисбат бериладиган қуйидаги матлаъни келтиради:

Равам ба боғу зи наргис ду
дида вом кунам
Ки, то назораи он сарви хуш
хиром кунам.

(Мазмуни: Ул сарвнинг гўзал юришини кўрмоқ учун боққа кираману наргис гулидан бир жуфт кўз қарз оламан).

БЕКЛАР – туркийлар давлатида юксак ҳарбий ё маъмурий лавозим эгалари. Б. ўз фаолиятлари ва хизмат вазифаларига мувофиқ қўшин Б.и, девон Б.и, тавочи Б, сарҳад Б.и каби тоифаларга бўлинган. Шунингдек, муайян қабила ё уруг бошлиғини ҳам Б. деб аташган. Бек сўзи айрим ҳолларда амир сўзининг синоними сифатида, баъзида исмнинг таркибий қисми сифатида ҳам қўлланилади.

Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида Б. ҳақида маълумот бераркан, уларни икки тоифа – ҳақиқатгўй ва охират ғамини егувчи "исломпаноҳ Б." ҳамда хиёнаткор ва каззоб, порахўр "номуносиб ноиблар"га ажратади. Подшоҳга садоқатли ва диёнатли Б. хулафои рошидинга қиёсланса, тили ва дили бошқа Б. Мусайлимаи каззобга ўхшатилган.

Билки, оламда на шаҳ қолди, на бек,
Шоҳи мағфурдегу бекларидек.

("Соқийнома", 21-боб)

БЕК МАЛАКИЙ (15-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир, Ҳасан Малакийнинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий "унинг отасини ҳар қанча таърифу тавсиф қилиш оз, ўғли эса бу ҳолатнинг аксидир, аввалари ҳеч бўлмаса муаммо айтар эди, энди эса шундан ҳам маҳрум бўлди", деб ёзади ва бир пайтлар "Хуррам" исмига битган муаммосини келтиради.

БЕЛ – соликнинг вужуди. Бошқа тўсиқлар қолмаганда унга вужуди парда бўлади. Толиб ва матлуб ўртасидаги азалий муносабат, ошнолик назарда тутилади. Комил инсоннинг фикру тахайюлига ҳам ишора бор. Қилдай (ингичка) Б. – бу фикр ва тахайюлнинг нозик ва теранлигига тамсил.

Нозуклугидин эркин, ё мен ҳасудмен,
Буким анинг белин кўра олмон
камар била.

("Ғаройиб ус-сиғар", 528-ғазал)

БЕНИШОНЛИҒ – ном-нишонсиз бўлмоқ, дом-дараксиз. Фано мақомига эришган ориф ҳамда Аллоҳ таолонинг Зотига нисбатан ҳам қўлланилади.

Оғзи ҳажридин агар бўлсам адам,
зинҳорким,
Бенишонлиғ кишвари сари нишонимни
тиланг.

("Фавойид ул-кибар", 351-ғазал)

БЕСУТУН – Хуросондаги тоғ номи. Шимолий Эронда, Ҳамадон шаҳридан 100 км. ғарбда тоғ оралиғида жойлашган қоя. Бу қоя ривоят ва афсоналарда кўпинча Фарҳод номи б-н боғлиқ ҳолда тилга олинади. Фарҳод шу тоғ этакларида канал қазиган, тоғни кесиб йўл очган қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Бесутун Фарҳод қабридур
қизарған лоладин,
Ё анинг қонидин ўлмиш туфроғи
ҳар ён қизил.

("Бадоеъ ул-васат", 373-ғазал)

Навоий ўзининг "Фарҳод ва Ширин" достонига минглаб машҳур Бесутун ёдномаларга нисбатан юксакдир, деб таъриф беради. "Лисон ут-тайр"даги кўрлар ва фил ҳақидаги ҳикоятда филнинг қорнини Б.га қиёслайди. Кўп ўринда Б. ўзининг асл, яъни устунсиз тик турган, муаллақ луғавий маъносида ҳам қўлланилган.

БИБИЧАЙ МУНАЖЖИМА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл Навоийнинг замондоши. Нужум илмининг билимдони бўлганлиги учун "Мунажжима" номи б-н машҳур бўлган. Жомийнинг бир қатор ғазалларига жавоб ёзган. Ҳиротнинг Хиёбон мавзеси бошида ўз ҳисобидан

жомеъ масжиди қурган. Ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб киритган.

БИБИЯКИ МАРВИЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. *Шайх Абусаид Абулхайр*га замондош. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

БИДОЯТ –1) бошланиш, ибтидо, аввал:

Топти Мажнун шуҳрату
қолди менинг қиссам ниҳон
Ким, ўлар ҳар ким фасонамни
бидоят айласа.

("Наводир уш-шабоб", 23-ғазал)

2) тасаввуфий истилоҳ. Тариқат йўлига кирган соликнинг аҳволи. Сайр илаллоҳнинг бошланишида риоя қилиш шарт бўлган амаллар ҳам Б. деб аталган. Лоҳижий "Шарҳи Гулшани роз"да Б.нинг ўн қисмдан иборатлигини таъкидлайди: 1) яқза (қалб уйғоқлиги); 2) тавба; 3) муҳосабат (умрнинг ҳар бир лаҳзасини сарҳисоб қилиб бориш); 4) инобат (гуноҳдан қайтиш); 5) тафаккур; 6) тазаккур; 7) эътисом; 8) фирор; 9) риёзат; 10) самоъ.

Шариат аҳкомларини бекам-кўст бажариш учун нафс қувваларини сафарбар этиш ва жисмни руҳий тарбияга ҳозирлашни ҳам Б. деб аташган. Б.нинг тўғрилиги илоҳий амру наҳйларга мувофиқ иш кўрмоқ ҳамда суннатга ихлосан амал қилмоқ б-н изоҳланади. Б. ҳоли тўғри бўлмаса, оқибат ҳам хайрли бўлмас.

"Дебдурларки, ҳоли бидоятида мужоҳада кўп чекти ва ул мужоҳадаси мушоҳадаға уланмади. Худованди таоло даргоҳида нола қилди, сирриға еткурдиларки, Наҳсожи, талаб дардиға конеъ бўл, санга топмоқ била не иш!"

("Насойим ул-муҳаббат", 438-боб)

БИЁБОН – қақроқ чўл, сувсиз ва гиёҳсиз дашт. Бу сўз Навоий асарларида гул, ишқ, даҳр, ҳарам, ҳижрон, дард, сароб, маърифат, кўк (осмон), Каъбаи мақсад, расволиғ, Мажнун, Фарҳод, Вомиқ, девона, Муқбил каби сўзлар б-н бирга қўлланиб, асосан, саргардонлик ва ҳайрат мақоми, кимсасизлик, ишқ аҳлининг макони, фано водийсига юз тутган кимсаларнинг руҳий ҳолатини янада ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилган.

Бир ҳам, эй Лайли, биёбон ичра
Мажнунингни топ,
Кўр ани ҳайрон манга, йўқким анга
ҳайрон мени.

("Фавойид ул-кибар", 605-ғазал)

БИЛҚИС – Сабо маликаси, Сулаймон пайғамбарнинг аёли. Диний, асотирий ва адабий-тарихий манбаларда кўп қўлланиладиган образ. Қуръони Каримда Б. номи келтирилмаган, аммо тафсир ва бошқа диний манбаларда Б.га боғлиқ қатор ривоят ва ҳикоятлар берилади. "Равзат ус-сафо"да Б. Яъраб бин Қаҳтон наслидан экани, Сурохийлнинг қизи бўлгани, отаси ўлимидан сўнг, тахтга ўтириб, адлу инсоф б-н ҳукмронлик қилгани айтилган. Бой мамлакат соҳиби бўлган Б.нинг тахти ёқут ва забаржаддан ясалган, баландлиги ва катталиги 30 метрдан ошган. Бу хабарни Ҳудҳуд Сулаймон пайғамбарга етказади. Сулаймон элчи юбориб, Б.ни имонга чақиради. Б. бир неча синовдан сўнг Сулаймоннинг барҳақ пайғамбар эканлигига амин бўлади ва имон келтиради.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да берилишича, Б. шарофати б-н биринчи ҳаммом бунёд этилган.

Б. сўзи асосан валиаҳднинг оналарига нисбатан қўлланилган. Навоий ўз асарларида Хадичабегимга нисбатан "Б.и замон", "Б.и аҳд", деб таъриф берган.

Гар Навоийға Сулаймон мулкича
бордур не тонг,
Буки Билқиси замон назмини
таҳсин айламиш.

("Бадоеъ ул-васат", 251-ғазал)

БИНОЙИ, Камолиддин Шерали ибн Муҳаммад Сабз (1453, Ҳирот – 1512, Насаф) – форс-тожик шоири, хаттот, муаррих ва бастакор. Отаси Муҳаммад Сабз меъмор бўлгани учун Биноий таҳаллусини олган. Б. ўз даврининг асосий илмларини пухта эгаллайди. Бироқ калондимоғлиги ва шуҳратпарастлиги сабабли Ҳирот адабий муҳитида етарли эътибор тополмай, Оққуюнлилар ҳукмдори Яъқуббек саройида "ҳарифи мажлис" (суҳбатдош) лавозимига

жомеъ масжиди қурган. Ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб киритган.

БИБИЯКИ МАРВИЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. *Шайх Абусаид Абулхайр*га замондош. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

БИДОЯТ –1) бошланиш, ибтидо, аввал:

Топти Мажнун шуҳрату
қолди менинг қиссам ниҳон
Ким, ўлар ҳар ким фасонамни
бидоят айласа.

("Наводир уш-шабоб", 23-ғазал)

2) тасаввуфий истилоҳ. Тариқат йўлига кирган соликнинг аҳволи. Сайр илаллоҳнинг бошланишида риоя қилиш шарт бўлган амаллар ҳам Б. деб аталган. Лоҳижий "Шарҳи Гулшани роз"да Б.нинг ўн қисмдан иборатлигини таъкидлайди: 1) яқза (қалб уйғоқлиги); 2) тавба; 3) муҳосабат (умрнинг ҳар бир лаҳзасини сарҳисоб қилиб бориш); 4) инобат (гуноҳдан қайтиш); 5) тафаккур; 6) тазаккур; 7) эътисом; 8) фирор; 9) риёзат; 10) самоъ.

Шариат аҳкомларини бекам-кўст бажариш учун нафс қувваларини сафарбар этиш ва жисмни руҳий тарбияга ҳозирлашни ҳам Б. деб аташган. Б.нинг тўғрилиги илоҳий амру наҳйларга мувофиқ иш кўрмоқ ҳамда суннатга ихлосан амал қилмоқ б-н изоҳланади. Б. ҳоли тўғри бўлмаса, оқибат ҳам хайрли бўлмас.

"Дебдурларки, ҳоли бидоятида мужоҳада кўп чекти ва ул мужоҳадаси мушоҳадаға уланмади. Худованди таоло даргоҳида нола қилди, сирриға еткурдиларки, Нассож, талаб дардиға қонеъ бўл, санга топмоқ била не иш!"

("Насойим ул-муҳаббат", 438-боб)

БИЁБОН – қақроқ чўл, сувсиз ва гиёҳсиз дашт. Бу сўз Навоий асарларида гул, ишқ, даҳр, ҳарам, ҳижрон, дард, сароб, маърифат, кўк (осмон), Каъбаи мақсад, расволиғ, Мажнун, Фарҳод, Вомиқ, девона, Муқбил каби сўзлар б-н бирга қўлланиб, асосан, саргардонлик ва ҳайрат мақоми, кимсасизлик, ишқ аҳлининг макони, фано водийсига юз тутган кимсаларнинг руҳий ҳолатини янада ёркинроқ ифодалашга хизмат қилган.

Бир ҳам, эй Лайли, биёбон ичра
Мажнунингни топ,
Кўр ани ҳайрон манга, йўқким анга
ҳайрон мени.

("Фавоийд ул-кибар", 605-ғазал)

БИЛҚИС – Сабо маликаси, Сулаймон пайғамбарнинг аёли. Диний, асотирий ва адабий-тарихий манбаларда кўп қўлланиладиган образ. Қуръони Каримда Б. номи келтирилмаган, аммо тафсир ва бошқа диний манбаларда Б.га боғлиқ қатор ривоят ва ҳикоятлар берилади. "Равзат ус-сафо"да Б. Яъраб бин Қаҳтон наслидан экани, Суроҳийлнинг қизи бўлгани, отаси ўлимидан сўнг, тахтга ўтириб, адлу инсоф б-н ҳукмронлик қилгани айтилган. Бой мамлакат соҳиби бўлган Б.нинг тахти ёқут ва забаржаддан ясалган, баландлиги ва катталиги 30 метрдан ошган. Бу хабарни Ҳудҳуд Сулаймон пайғамбарга етказади. Сулаймон элчи юбориб, Б.ни имонга чақиради. Б. бир неча синовдан сўнг Сулаймоннинг барҳақ пайғамбар эканлигига амин бўлади ва имон келтиради.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да берилишича, Б. шарофати б-н биринчи ҳаммом бунёд этилган.

Б. сўзи асосан валиаҳднинг оналарига нисбатан қўлланилган. Навоий ўз асарларида Хадичабегимга нисбатан "Б.и замон", "Б.и аҳд", деб таъриф берган.

Гар Навоийға Сулаймон мулкича
бордур не тонг,
Буки Билқиси замон назмини
таҳсин айламиш.

("Бадоеъ ул-васат", 251-ғазал)

БИНОИЙ, Камолиддин Шерали ибн Муҳаммад Сабз (1453, Ҳирот – 1512, Насаф) – форс-тожик шоири, хаттот, муаррих ва бастакор. Отаси Муҳаммад Сабз меъмор бўлгани учун Биноий тахаллусини олган. Б. ўз даврининг асосий илмларини пухта эгаллайди. Бироқ калондимоғлиги ва шуҳратпарастлиги сабабли Ҳирот адабий муҳитида етарли эътибор тополмай, Оққўюнлилар ҳукмдори Яъқуббек саройида "ҳарифи мажлис" (суҳбатдош) лавозимига

эришади. Яъқуббек вафотидан кейин яна Ҳиротга келишга мажбур бўлади. Феъли ва тили туфайли яна Ҳиротда яшолмай, 1495 й. Самарқандга, Султонали мирзо ва Бобур хизматига боради. 1500 й. Шайбонийхон хизматига кириб, Темурийлар томонидан қадр топмаган шоир сифатида катта эътибор ва ҳурматга сазовор бўлади. Шайбонийхон унга ўзининг ҳарбий юришлари тарихини ёзишни буюради. Шайбонийлар 1507 й. Ҳиротни забт этгач, Б. ҳам Ҳиротга қайтиб 1510 й.гача шу ерда яшайди. Ҳиротни сафавийлар босиб олишидан сал олдинроқ Б. Насаф (хоз. Қарши) шаҳрига келади. Исмоил Сафавий фармонига биноан Нажми Соний Насафни қатли ом қилганида Б. ҳам шаҳид бўлади.

Б. сермаҳсул шоир бўлиб, 3 та девон тузган (бири Ҳомий, иккитаси Биноий тахаллуси б-н). Кейинги икки девондан асосан унинг Саъдий ва Ҳофиз ғазалларига татаббуълари урин олган. Улар қасида, ғазал, қитъа ва рубоийлардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 10 минг байтни ташкил этади. Ғазалларини Бобур ва Роқим яхши деб баҳолаган. "Беҳруз ва Баҳром" достони (7700 байт), "Мажмаъ ул-ғаройиб" ("Ажойиб воқеалар мажмуъи" (манбаларда 501 байтдан 876 байтгача бўлгани кўрсатилади, бизгача 114 байти етиб келган) қасидаси, "Шайбонийнома" ва "Футуҳоти хоний" ("Хоннинг ғалабалари") тарихий асари айниқса машҳур. У "Беҳруз ва Баҳром" достонида 32 нафар машҳур тарихий шахс б-н боғлиқ ривоят ва уларнинг одоб-ахлоққа оид фикрларини келтиради. Улар орасида Жомий ва Навоий ҳам бор.

У "Нўҳ ранг" ва "Савт ун-нақш" каби машҳур мусиқа ҳам яратган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида Жомий, Суҳайлий, Сайфий ва Осафийдан кейин Б. ҳақидаги фаслни келтириб, унинг турли соҳаларда қобилияти юксаклигини эътироф этгани ҳолда, бирор ишни охиригача етказмаслигини танқид қилади. Калондимоғлиги ва шуҳратпарастлиги учун кўп жафо чекканини афсус б-н қайд қилиб, мусофирчилик туфайли тавозели ва хокисор бўлиб, тавфиқ топганига умид боғлайди ва қуйидаги матлаъни мисол тарикасида келтиради:

Ба сурма ҳарки сияҳ кард чашми ёри маро,
Басони сурма сияҳ кард рузгори маро.

(Мазмуни: Ёримнинг кўзини сурма б-н қорайтирган киши менинг ҳаётимни сурмадек қаро қилмиш).

"Соқийнома"даги ишоралардан эса Навоийнинг умиди пучга чиқиб, Б. ёмон феълини тузатмагани, илмига муносиб амал қилмагани маълум бўлади:

Яна бир келди Биноийки, фунун
Касбида айламади манъи жунун.
("Соқийнома", 31-боб).

БИСОТИЙ САМАРҚАНДИЙ, Сирожиддин (1373 – Самарқанд – 1446) – 14–15-асрлардаги Самарқанд адабий муҳитига мансуб шоир. Дастлабки таълимни Самарқандда олган. Буйра тўқиш б-н шуғулланган сабабли, дастлаб "Ҳасирий" (ҳасир – буйра) тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Устози Хожа Исмат Бухорийнинг таклифи б-н "Бисотий" (бисот – патгилам) тахаллусини олган. Бир муддат Халил Султоннинг саройида хизмат қилган.

Дил шишаву чашмони ту ҳар сўй барандаш,
Мастанд, мабодо, ки зи мастий шиканандаш. –

байти учун Халил Султон 1000 динор инъом этганидан сўнг шоир сифатида машҳур бўлиб кетади. Жомий "Баҳористон" асарида Б.С. ҳақида маълумот бериб, "иктисобий билимлардан унчалик хабардор эмас", дейди. Бошқа тадқиқотчилар ҳам (Забеҳулло Сафо, Муътаман) Б.С. шеърларида туйғу тафаккурдан, тақлид ва татаббуъ оригиналликдан устун туришини таъкидлаганлар. *Қасида, ғазал, мухаммас* ва *рубоий* жанрида ижод қилган. Хаёлий Бухорий, Мавлоно Бурундуқ, Хожа Рустам Хурёний, Камол Хўжандий б-н суҳбатда бўлган. Камол Хўжандий б-н бўлган ўзаро мунозара Давлатшоҳ Самарқандий тазкирасида батафсил баён этилган. Б.С.нинг девони нусхаси (ҳар саҳифасида 12 байт шеър жойлашган 66 варақ) Париж Миллий кутубхонасида сақланади. Девонининг умумий ҳажми 792 байтдан иборат.

Алишер Навоий Б.С. ҳақида "Мажолис ун-нафоис"да маълумот бериб, унинг шеърлари ўта жўн ва оддий эканлигини таъкидлайди.

БИЧИМАҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш тўққизинчиси. Ҳозирги ўзбек тилидаги *бичмоқ* сўзининг Навоий даври ва ундан олдинги даврда қўлланилган шакли. "Девону луғатит турк"да *бічді* сўзи учрайди ва у *кесмоқ, бичмоқ* маъносини ифодалаган. Бу сўз қадимги туркий тилда *ўткир, кесувчи асбоб* маъносини англатган ви отидан *–ч* қўшимчаси б-н ясалган: *би + ч / бич*. Бу феъл асли *кес* маъносини англатган, кейинчалик маъноси торайиб, хосланиш юз берган: *умуман кес // андоза б-н кес*.

БИШР БИН ҲОРИС БИН АБДУРАҲМОН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Наср. Марв яқинидаги Курдобод қишлоғида туғилган. Имом Аҳмад Ҳанбал б-н замондош бўлган. Муътазилийлик авж олиб, халифа Маъмун Аббосий (813–833) Қуръонни махлуқ, яъни пайғамбар томонидан ёзилган китоб, деб дин пешволарини нотўғри фатво беришларига мажбур қилганида, уйидан чиқмай, ўз норозилигини билдирган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

БИШР ЁСИН, Абулқосим (вафо. 991) – Шайх ва шоир. Навоийнинг маълумот беришича, Б.Ё. шайхларнинг донишманди, авлиёларнинг улуғи. Машҳур тариқат пири, орифлар султони *Абусаид Абулхайр*га устоз. Унга ёшлигида таълим бериб, келажакда буюк шайх даражасига етишини башорат қилган. "Асрор ут-тавҳид"да Абусаид Абулхайр: "Бизнинг айтган ҳар бир шеъримиз азизларнинг, кўпроқ пиримиз Абулқосимнинг сўзларидир", деб айтган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчилар Абусаид ва Абулқосим шеърларини ажратиш мумкин эмас, Б.Ё. илк шайх-шоир бўлган, дейдилар.

БИШР ТАБАРОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Фаластиннинг шарқий қисмида жойлашган Табарийя ш.да туғилган. Б.Т. каромат соҳиби бўлган. Византия мамлакати б-н чегарадош она шаҳрида Ислом дини ривожи ва равнақи учун кўп хизмат қилган. Дастлаб кўп қули бўлган, кейинчалик фақр мақоми шукронасига уларни озод қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

БИШРИ ҲОФИЙ, Бишр бин Ҳорис бин Абдураҳмон бин Ато (767, Марв – 835, Бағдод) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дастлабки таълимни Марвда олиб, ёшлигида Бағдодда фатийлар (айёр)лар гуруҳига қўшилади. Тавба мақомига эришганидан кейин ялангоёқ юришни касб этгани учун "ҳофий" (ялангоёқ) номини олади. Б.Ҳ. Куфа ва Басра шаҳрида ҳадис ва фиқҳ илмини ўрганади, Молик ибн Анас ҳамроҳлигида Маккага боради. Суфён бин Уяйна, Абдуллоҳ бин Муборак, Иброҳим бин Саъд Зуҳрий, Фузайл бин Йёз каби йирик олим ва орифлар унга ҳадис илмидан сабоқ беради. Фиқҳ илмида насабини *Суфён Саврийдан* олади. Саҳиҳ ҳадислардан иборат бир тўплам тузиб, шогирдларига унинг асосида таҳсил берган. "Насойим ул-муҳаббат"да маълумот берилишича, *Имоми Аъзам, Имом Аҳмад Ҳанбал* каби йирик алломалар унинг шогирди бўлишган. Фатҳ бин Али Мавсилий, Қосим Ҳарбий, Аҳмад бин Осим Антокий, Абу Ҳамза Бағдодий, Абу Саид Харроз, Абу Абдуллоҳ Антокий, Муҳаммад ва Аҳмад ибн Абулвард каби валий зотлар б-н суҳбатда бўлган. Б.Ҳ. *таваккул*нинг асосини *ризо*да, деб билган.

Б.Ҳ. қуйидаги байтда ахлоқий-ирфоний масалаларни кенг ва ёркин баён этиш мақсадида талмеҳ қилинган:

Тақя қилма тақвию тоатқа
ким нафъ айламас,
Фазлдин етмай башорат
Бишр бўлғил, гар Фузайл.
("Наводир уш-шабоб", 365-ғазал)

БОБ ФАРҒОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Валийларнинг *автоди*. Шайх Аму ва Ҳужвирий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

БОБИ МОЧИН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Хожа Аҳмад Яссавийни болалигида тарбият қилган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО АЛИ ХУШМАРДОН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Навоийга замондош. Сабзаворда хонақоҳ барпо этган. Абулқосим Бобур Мирзо қишни Машҳадда ўтказган йили унинг хизматига етишиб, шоҳнинг илтифот ва иноятига муяссар бўлади. Навоий унинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида *Хожа Маҳмуд*нинг бобоси сифатида тилга олиб, дарвеш киши экани, хонақоҳи ва муридлари борлиги ҳақида маълумот беради. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО АЛИ МАСТ НИСОИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мажзуб дарвешлардан, Навоийнинг замондоши. Нисо шаҳрида яшаган. Султон Ҳусайн Бойқаро ихлос қўйган дарвеш бўлиб, Астарободга юришида унга ғалаба қозонишини башорат қилган. Вабога чалиниб, вафот этган. Ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО БАҲЛУЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси. Султон Ҳусайн Бойқаро б-н яхши муносабатда бўлган. Нисо шаҳрида вабога чалиниб, вафот этган. Ушбу мажзуб дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО ЖАЛИЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мажзуб дарвеш, Навоийнинг замондоши. Кўриниши ҳайбатли, лекин батғоят ҳалим ва беозор киши бўлган. Ҳирот шаҳрининг Хиёбонида дафн этилган. Ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО КАМОЛ ЖАНДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нажмиддин Кубронинг муриди. "Шайхи олам" номи б-н машҳур Мажиддин Аҳмад Мавлонога пиру муршид бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

БОБО КЎКИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мажзуб дарвеш. Навоий ушбу дарвеш ҳақидаги фаслга отасидан эшитган нақлни киритган. Ҳирот шаҳрида дафн этилган.

БОБО МАҲМУД ТУСИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Абдуллоҳ Тусий*нинг муриди. Илоҳий жазба етиб, мажзуб ва фоний бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

БОБО ПИРИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мажзуб дарвеш. Навоий Б.П. ҳақида ўзи б-н боғлиқ қуйидаги ҳикоятни келтиради: *"Халқни кўп сафоҳа томиз сўкар эди. Бу ҳақир анинг илайидин ўтмас эрдим. Ва ҳол улки, маскани ом йўли устида эди. Бир кун бир ҳамроҳ сўрдики, бу ерга етканда, дойим йўлни эвуруб, Бобо илайидин ўтмассен, сабаб недур, айт?! Дедимки, бу жиҳатдинки, фаҳш сўкар, манга хуш келмаски, анинг фаҳшин эшиткаймен.*

Ул ҳамроҳ дедики, Бобони дерларки, каромати бор, кел, илайидин ўт. Агар каромати бўлса, сени сўкмагай. Агарчи имтиҳон эрди, аммо ул дегандек илайидин ўттум, сўкмади. Одатининг хилофи – дуо қилди".

БОБО САВДОИЙ (тахм. 1372/74–1450/51) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Бовард (Абиверд) вилоятидан экани, дастлаб "Ховарий" тахаллуси б-н шеърлар ёзгани, кейинчалик Ҳақдан *жазба* етиб, ҳолида ўзгариш содир бўлгани ҳамда "Савдоий" тахаллусини танлагани ҳақида маълумот беради ва қуйидаги матлаъсини келтиради:

Анбарат холу рухат варду
хатат райҳон аст,
Даҳанат ғунчаву дандон
дуру лаб маржон аст.

(Мазмуни: Холинг анбар, юзинг гул, мийиғинг райҳондир; Оғзинг ғунча, тишинг инжу, лабинг маржондир.)

Шунингдек, "Мажолис ун-нафоис"да Б.С.нинг *Бойсунғур Мирзо*га бағишлаб қасида ёзгани, ёши саксондан ўтгани, ундан икки ўғил қолгани ҳақида маълумот берилган. Муҳаммад Қазвиний "Мажолис ун-нафоис"нинг форсча таржимасида қўшимча тарзда Б.С.нинг Бойсунғур Мирзо б-н қилган баъзи ҳазил-мутойибасини ҳам келтириб ўтади. Улардан бирида айтилишича, Бойсунғур Мирзо Б.С.дан уни қай даражада қадрлашини сўраганида, у томнинг четигача югуриб, "шу чегарага қадар", деб жавоб берган. Бойсунғур Мирзо унинг жавобидан завқланиб, "Менда бирор қусур бўлса айтгин, токи мен уни тузатай", дейди. Шунда Б.С.: "Сизда сусткашликдан бўлак ҳеч айб йўқ, бир оғиз сўз айтишда доим сусткашлик қиласиз. Агар менга минг олтин танга беришларини айтсангиз, мен бойиб қолардим". деб жавоб беради. Бойсунғур Мирзо эса кулиб, шоирга минг олтин танга эҳсон қилган экан.

БОБО САРИҒ ПЎЛОД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси. Рум (ҳоз. Туркия)нинг сайидларидан бўлиб, фано тариқини касб қилган мажзуб дарвешлардан. Ҳаж сафарига кетаётиб, йўлда вафот этади. Ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни Навоийнинг ўзи ёзиб, охирида "бу фақир била кўп улфати бор эрди", деб қайд қилади.

БОБО СУНГУ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хуросоннинг Андхуд қасабасида яшаган мажзуб дарвеш. Амир Темур б-н суҳбатда бўлганида, унга ишора тили б-н Хуросонни фатҳ этишини башорат қилган. Бобожон Бобо ва Бобо Иброҳим Андхудда унинг вафотидан кейин дарвешлик тариқатини давом эттирган. Навоий даврида ҳам уларнинг такяхонаси обод ва маъмур бўлган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО ТИЛАНЧИ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси. Марв йўлидаги Чаркас тўғонида яшаган. Кишиларнинг ўтмишини бехато айтиб бера оладиган фаросат нури соҳиби даражасига етган. Ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО ХОКИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси. Турк қавмига мансуб дарвеш. Амир Темур қўшинининг Ироқ ва Румга қилган юришида қатнашган. Навоий "бу учурда бу фақир Бобони ғариб туше кўрдумки, онинг валоятига далолат қилур", деб ёзади. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО ХУШКЕЛДИ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси. Навоийга замондош. Нисо шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида яшаган. Ўз қишлоғидан вабо офатини каромати б-н даф этган. Ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО ҲАСАН ТУРК – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мажзуб дарвеш. Навоий Б.Ҳ.Т. Шоҳрух Мирзо замонида яшагани, Шоҳрух Мирзо б-н қотиллик масаласида мунозара қилиб голиб чиққани воқеасини келтириб, Ҳиротдаги Хиёбонда дафн этилгани ҳақида маълумот беради.

БОБО ҲАСАН ҚАНДАҲОРИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мажзуб дарвеш. Қандаҳор, Ғазна ва кобулликлар уни ўзларига пир, деб билишган. Қандаҳорда дафн этилган. Ушбу мажзуб дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО ШИҲОБ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мажзуб дарвеш. Навоийга замондош. Афғонистондаги балуж қавмидан. Тоғасининг қизига ошиқ бўлиб, жунун савдосига гирифтор бўлган. Навоий

қабулига бир куни чиркин кийимда келганида ундан ирганганини кўриб, ушбу байтни ўқиган экан:

Ман он жо нишинам, ки ройи ман аст,
На он жо нишинам, ки жойи ман аст.

(Мазмуни: Мен ўз ўрнимга эмас, хоҳлаган жойимда ўтираман). Қачон, каерда вафот этгани номаълум. Ушбу дарвеш ҳақидаги фасли "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

БОБО ШЎРИДА (15–16-асрлар) – хуросонлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қасида айтишда моҳир экани, ўз давридаги кўплаб шоирлар б-н ҳамсуҳбат бўлгани ва табъида "кўп чошни (маза, таъм) зоҳир" бўлишини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қарилик ҳақида айтган маснавийсидан қуйидаги байт келтирилган:

Қадам шуд чун камону умри ман шаст,
Жавони ҳамчу тир аз шасти ман жаст.

(Мазмуни: Қаддим камондек эгилди, ёшим олтмишга етди, ёшлик худди ёйдан отилган ўқдек учиб кетди).

БОБУЙИ, Абу Абдуллоҳ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ладунний илм соҳиби. Қабри – Шероз шаҳрида, гавжум зиёратгоҳга айланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

БОБУЛ, Бобил (шумерча Кадингирра, аккадча Бабиллу, айнан – Тангри дарвозаси) – Месопотамиянинг шимолий қисмида, Фурот дарёси бўйида жойлашган қадимий шаҳар; ҳозирги Хилла шаҳри (Ирок). Б. ҳақидаги дастлабки маълумотлар Аккад шоҳи Саргон (мил.ав. 3-минг йиллик) ҳақидаги афсона ҳамда Ур давлатининг 3-сулоласига оид ҳужжатларда тилга олинган. Хаммурапи даврида (мил.ав. 1792–1750) Б. бутун Олд Осиёнинг йирик сиёсий, маданий ва хўжалик марказига айланган. Б. нинг иккинчи юксалиш даври Шарқ ад-тида *Бухтуннаср* номи б-н машҳур Навухудоносор II (мил.ав. 604–562) даврига тўғри келади. Б. мил.ав. 5–4-асрда Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган. Мил.ав. 331 й. Б.ни македониялик Искандар босиб олади. Бир йилдан сўнг Искандарнинг саркардаси Селевк тасарруфига ўтади. Шу пайтдан эътиборан Б. етакчилик мавқеини йўқота бошлайди ва мил.ав. 2-асрга келиб, тарих саҳнасидан узил-кесил тушиб қолади.

Б. шаҳри тарихига алоқадор кўп ривоят, миф ва асотирлар мавжуд. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Б.ни Қинон ибн Ануш қурган, деган тахминлар ҳам мавжудлиги айтилган.

Бухтуннаср даврида қурилган осма боғлар кад. дунёда етти мўъжизанинг бири саналган. Шунингдек, Ҳорут ва Морут исмли фаришталар Зуҳрага ошиқ бўлиб, Ҳақ йўлдан адашганлиги сабабли, Б. тоғидаги бир қудуқда ўзларини оёқларидан осиб, тавба қилади. Шу б-н бирга, сеҳр илмини ўрганмоқчи бўлган кишиларга унинг сир-асрорини ўргатадилар.

Ўғурлар жон занахдонинг аро хол
Ки, Бобул чоҳининг айёридур бу.
("Бадоеъ ул-васат", 520-ғазал)

БОБУР АБУЛҚОСИМ (1422–1457) – давлат арбоби, шоир. Темурий Бойсунғур Мирзонинг ўғли. Бобоси Шоҳрух Мирзонинг қўлида тарбияланган. 1449 й. Хуросон тахти учун курашда ғолиб чиқиб, Ҳиротни эгаллайди ва 1457 й.гача ҳукмронлик қилади. Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўзаро ихтилоф ва тожу тахт учун кураш туфайли тинч жой қидириб турли томонга тарқалиб кетганлар. Б.А. тахтга ўтириб, осойишталик ўрнатганидан сўнг яна шаҳарга қайта бошлайдилар. Қайтганлар орасида Ирокдан вақтинча паноҳ топган Навоий оиласи ҳам бор эди. Ғиёсиддин Кичкина Абулқосим хизматига киради ва кўп ўтмай Сабзавор ҳокими этиб тайинланади. Отаси вафотидан кейин Навоий ҳам Б.А. хизматига киради. Подшоҳ пойтахтни Машҳадга кўчиргач, у б-н бирга Машҳадга боради, ҳомийсининг бевақт вафотидан сўнг ўша ерда қолиб, таҳсилни давом эттиради.

Бобур Қаландар номи б-н машҳур бўлган Б.А. атрофига шоирларни тўплаб, мушоира ўтказишни хуш кўрган. Ўзи ҳам форсий, ҳам туркий тилда шеърлар ёзган. Навоийнинг ёзишича: *"Бобур Мирзо дарвешваш ва*

марқандга таҳдид солиб келади. Султон Али Б.га мурожаат қилади. Б. шошилинч Самарқанд томонга юради. Сангзор бўйига етганда, шаҳар Хожа Яҳё қўлида эканлиги маълум бўлади ва у Самарқандни Б.га жангсиз топширади. Чопар Шайбонийхоннинг катта куч б-н Самарқандга йўл олгани ҳақида хабар келтиради. Бобур куч тўплаш учун Шаҳрисабзга жўнайди. Тез орада Султон Али Мирзонинг онаси Зуҳрабегимнинг хатоси туфайли Шайбонийхон Самарқандни қўлга киритади.

Темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори бўлган бир гуруҳ зодагонлар Б.га мактуб йўллаб, уни Самарқандни эгаллашга даъват этадилар. Б. 1500 й. кеч кузида ўз қўшини (240 киши) б-н Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскари қириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади ва тез орада куч тўплаб, яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 й.да Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Б. қўшинлари енгилади ва тўрт ойлик қамалдан сўнг Самарқанд Шайбонийхон қўлига ўтади. Б. Тошкентга, Маҳмудхон ҳузурига йўл олади. 1503 й.да Тошкент хони Маҳмудхон, Б. ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тор-мор қилинади. Б. Самарқанд тахти учун курашаётган пайтда Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. Омадсизлик ва хорлик туйғуси Бобурни водийни тарк этиб, Хуросонга кетишга ундайди. Бу пайтда Хуросоннинг салмоқли қисми Султон Ҳусайн Бойқаро тасарруфида эди. 1503 й.нинг сентябри охирларида Бобур Кобул ва Ғазнани жангсиз олади. Шайбонийхоннинг Андижонни эгаллаб, Ҳисор ва Қундузга йўл олгани хабари келади. Ҳусайн Бойқаро барча темурий бекларни тўплаб, унга қарши жангга чиқиш таклифини беради. Бироқ у 1506 й.да тўсатдан вафот этади ва Б. оталарининг ўлимидан сўнг Ҳирот тахтини шерикчилик б-н идора этаётган ака-ука Бадиуззамон ва Музаффар Мирзонинг таклифи б-н Хуросон пойтахтига боради. Султон Ҳусайн Бойқаро мадрасасига кириб, унинг қабрини зиёрат қилади. Ҳирот шаҳрининг муҳташам обидалари б-н танишади. Бир муддат Алишер Навоийнинг уйида истиқомат қилади. Темурий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги ва узоқни ўйламай қилган ҳаракатлари туфайли тез орада Ҳирот Шайбонийхон тасарруфига ўтади.

1507 й.дан Б. Ҳиндистонни эгаллаш режасини туза бошлайди. Лекин фақат 1526 й.дагина уни олишга муваффақ бўлди. Ўша йили 21 апрелда Панипатда Бобурнинг 12 минг кишилик қўшини ҳинд султони Иброҳим Лудийнинг 100 минг кишилик аскари б-н тўқнашади ва Б.нинг саркардалик иқтидори туфайли Ҳиндистонда Б. номи б-н боғланган янги мустаҳкам бир давлат майдонга келади. Б. авлодлари 19-асрнинг ўрталари – инглизлар истилосига қадар Ҳиндистонда ҳокимиятни бошқарадилар.

Б. Ҳиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширади, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Ўзаро ички низо ва қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштиради, ўз саъй-ҳаракатларини марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга бағишлайди.

Б.дан бизгача ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолган. Унинг шеърияти икки девонга жам қилинган бўлса-да, улардан фақат биттаси ("Ҳинд девони") етиб келган. Ҳозиргача шоирнинг 119 ғазал, 1 маснавий шеъри, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибидан умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Б. ўзининг йирик мемуар асари *"Бобурнома"* б-н туркий адабиётда реалистик насрни бошлаб берди ва содда, халқона услубга асос солди. Ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга атаб, шариат аҳкомларига бағишланган "Мубаййин" асарини, аруз назариясига оид "Рисолаи аруз" китобини яратди. Хожа Аҳрор Валийнинг "Волидия" рисоласини шеърий йўл б-н ҳафиф баҳрида таржима қилди. Араб алифбоси-

фонийсифат ва карим ул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати оллида олтуннинг дағи кумушнинг тошча ва туфроқча ҳисоби йуқ эрди. Тасаввуф рисолаларидан "Ламъаот" била "Гулшани роз"ға кўп машъуф эрди. Табъи дағи назмға ҳам мулойим эрди".

Навоий келтирган қуйидаги рубоий бошқа манбаларда ҳам Б.А.га нисбат берилади:

Чун бодаву жомро баҳам пайвасти,
Медон ба яқин, ки ринди болодасти.
Жом аст шариату ҳақиқат бода,
Чун жом шикасти, ба яқин бадмасти.

(Мазмуни: Қадаҳ б-н майни ўзаро чоғиштирганингдан қўли узун ринд эканлигинг маълум бўлди. Шариат қадаҳ бўлса, ҳақиқат майдир, қадаҳни синдирганингдан мастлигинг аён бўлди).

Фахрий Ҳиротийнинг "Равзат ус-салотин" ("Султонлар бустони") тазкирасида шоҳ-шоирнинг ушбу рубоийсидан ташқари, бир ғазали тўлиқ, яна бир ғазалидан уч байт намуна сифатида келтирилган.

БОБУР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД (1483, Андижон – 1530, Агра) – ўзбек шоири, давлат арбоби, адабиётшунос олим ва тарихчи. Темурий шаҳзода, Бобурийлар салтанатининг асосчиси. Б.нинг отаси Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх Мирзо (1455–1494) Амир Темурга эвара (Абусаид Мирзо–Султон Муҳаммад Мирзо–Мироншоҳ–Амир Темур), онаси Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлган. Умаршайх Андижоннинг ғарбида жойлашган Ахсикат ш.ни пойтахт қилган эди. 1494 й.да Б.нинг тоғаси Султон Маҳмудхон амакиси Самарқанд подшоҳи Султон Аҳмад Мирзо б-н иттифоқ тузиб, бири Сирдарёнинг жанубидан, иккинчиси шимолидан Ахси устига қўшин тортадилар. Шу орада фалокат юз беради. 1494 й. 9 июнда Умаршайх Мирзо жарга қулаб, ҳалок бўлади. Б. отаси ўрнида тахтга ўтириб, яқинлари ва беклар ёрдамида юрт ҳимоясини ташкил қилади: тоғаси ва амакисини чекинишга мажбур этади. Б. ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ҳокимиятни мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар б-н ўзаро муносабатни яхшилаш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширади.

1495 й. да Б.нинг амакиваччалари, Султон Маҳмуднинг ўғиллари: Султон Масъуд ва Бойсунғур Мирзолар Самарқанд учун кураш бошлайдилар. Б. ҳам буюк Темурбекнинг пойтахти Самарқандга йўл олади, лекин муваффақият қозонолмайди: Самарқанд Бойсунғур Мирзо тасарруфига ўтади. Икки марта муваффақиятсиз юришдан кейин 1497 й. да Б. мингга яқин қўшини б-н яна Самарқандга юриш қилади. Етти ойлик қамалдан сўнг шаҳарни эгаллайди, Бойсунғур Қундузга қочади. Лекин Б. учун Самарқандни бошқариш осон кечмайди: шаҳар аҳолиси қамал туфайли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечираётган, босқин ва талонлардан ночор ҳолга тушган эди. Б. қўшинни таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келади, унинг навкарларидан айримлари Андижон ва Ахси томон қочиб кетадилар. Андижонда қолган баъзи беклар ҳам Б.дан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар.

Б. Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга қарор қилади. Аммо Хўжандга етганда Андижондан чопар келиб, Бобурнинг ота юрти ҳам қўлдан кетганлигини айтади. Б. учун оғир кунлар бошланади. Андижонни яна қўлга олиш мақсадида қилинган хатти-ҳаракатлар, Тошкентга бориб тоғасидан ёрдам кутишлар натижа бермайди. Б.нинг онаси Қутлуғ Нигорхоним ўғли б-н бирга қолган яқин бекларнинг ичкилари б-н Хўжандга етиб келади. Андижонда хиёнат қилган бек Али Дўст Тағойи Б. унинг гуноҳини кечира олса, ихтиёридаги Марғилонни топшириб, хизматини қилиш истагини билдиради. Б. бу истакни қабул қилиб, 1499 й.нинг июнь ойида, салкам икки йилдан кейин Андижонга қайтиб, қўлдан чиққан юртини қайта эгаллашга муваффақ бўлади. Б. укаси Жаҳонгир Мирзо б-н сулҳ тузади, келишувга кўра Сирдарёнинг Ахси тараф вилоятлари Жаҳонгир Мирзога, Андижон томон Бобурга бўйсунадиган бўлади.

Самарқандда Султон Али Мирзо б-н Муҳаммад Мазид Тархон бошлиқ беклар орасида ихтилоф чиқади. Шайбонийхон Бухоро ва унинг атрофларини эгаллаб, Са-

ни ислоҳ қилиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш, уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштириш мақсадида "Ҳатти Бобурий"ни ихтиро этди. Унинг мусиқа санъати ва ҳарб ишларига доир рисолалари ҳам бўлиб, улар ҳозиргача топилмаган.

Б. Алишер Навоий ижодига катта ҳурмат ва муҳаббат б-н қараган. Уни ўзига устоз деб билиб, илмий ва шеърий фаолиятда унга издошлик қилган. "Бобурнома", "Рисолаи аруз" асарларида унинг шахсияти ва ижодига алоҳида баҳо берган. Айни пайтда Навоий ҳам ёш шоир шахсига қизиқиш б-н қараб, унга мактуб ҳам битиб юборган. Бу ҳақда "Бобурнома"да шундай дейилади:

"Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эрди. Бир навбат манга китобати (хати) ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа (бўлиниш) ва ғавғо бўлди".

"БОБУРНОМА" – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мемуар жанрига мансуб асари. "Вақоеъ", "Воқеалар", "Воқеоти Бобурий", "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Бобурия" номлари б-н ҳам машҳур бўлган. 1494 й.дан, яъни Бобур тахтга чиққанидан 1530 й.гача – умрининг сўнгигача Мовароуннаҳр, сўнгроқ ўзи салтанат қурган Хуросон (Кобул, Газна, Қандаҳор) ва Ҳиндистонда юз берган воқеалар баёнини ўз ичига олади.

Муаллиф асарида воқеалар баёни б-нгина чекланмайди, балки уларнинг иштирокчиларига, қаҳрамонларига кенг ўрин беради. Натижада китобхон Бобур замонида яшаган, тарихимиз ҳамда маънавиятимизда муҳим мавқега эга бўлган давлат ва маданият арбоблари б-н танишиш имконига эга бўлади. Асарда ҳар бир йил воқеалари алоҳида берилади. Дастлаб ўша йилда юз берган муҳим воқеа баён қилинади. Масалан, дастлабки 1494 й. воқеаларини ҳикоя қилганда, Бобур, аввало, ўзининг "Тангри инояти б-н Фарғона вилоятида 12 ёшда подшоҳ бўлгани" ҳақида хабар беради ва Фарғона вилояти б-н таништиради. Сўнг воқеа тафсилотига, тоғаси ва амакиси Андижонга қўшин тортиб келгани ва отасининг тасодиф б-н фожиавий тарзда ҳалок бўлгани воқеаларига ўтхтаб, унинг бош иштирокчилари, биринчи навбатда, отаси Умаршайх ҳақида маълумот беради. Чунончи, унинг туғилган йили, насл-насаби, шаклу шамойили, хулқ-атвори, юришлари, вилояти, авлоди, аҳли оиласи, умароси ҳақида тўхтайди. Сўнг воқеанинг иккинчи иштирокчиси – айнан шу 1494 й.даги урушдан қайтишда йўлда – Уратепада касалланиб вафот этган амакиси Султон Аҳмад ҳақида худди ўша тарзда маълумот келтиради.

Асарда Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Бадиузzамон, Музаффар Мирзо, Умаршайх, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд каби ўнлаб тахт эгалари, Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Камолиддин Биноий, Беҳзод, Мирак наққош, Ҳусайн Удий сингари адабиёт ва санъат арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

"Б."да Алишер Навоийга алоҳида ўрин ажратилган. Гарчи Бобур Навоий б-н учрашмаган бўлса-да, лекин ёшлигидан унинг шахсига ва ижодига катта муҳаббат б-н қараган. Чунки Бобур туғилган 1483 й. да Навоий ўз "Хамса"сини ёзишга киришган, 1494 й. тахтга ўтириб, 1498 й. Самарқандни қўлга киритганида улуг шоирнинг "Хазойин ул-маоний"си довруғи бутун туркий дунёга ёйилган эди. 1500-1501 й. воқеаларини баён қилар экан, Бобур Навоий б-н хат ёзишганини, буюк шоирга илк шеърларидан юборганини айтади. "Б."да Навоийнинг келиб чиқиши, темурийлар сулоласига дахлдорлик даражаси, Ҳусайн Бойқаро б-н муносабатлари, Абу Саид ва Навоий муносабатлари, шоирнинг Самарқандга бориш сабаблари, Навоий ижодига, шахсига баҳо, Навоийнинг феъли-табиати, турмуш тарзи, илм ва ҳунар аҳлига мураббийлиги, ғамхўрлиги, унинг ободончилик ишлари ҳақида маълумотлар берилиб, асарлари, хусусан "Мезон ул-авзон" ҳақида айрим танқидий фикрлар ҳам келтирилади.

БОВАРДИЙ, Абдуллоҳ Маҳдий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Темирчилик қилган. *Абу Ҳафс Ҳаддод*нинг устози. Маломатийлик тариқатининг йирик вакили. Навоий "На-

сойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

БОВАРДИЙ, Абулаббос – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопурда яшаган. Шиблий Бағдодий ва Абубакр Тамастоний б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

БОЗГЎЙ (ф.) – куй ижроси жараёнида бир неча бор такрорланадиган куй жумлалари ифодаси (нақорат). Ашулада шеър сўзи, мисра ёки байтларини такрорлаб айтиш, мақомлар ва ривожланган шаклдаги мусиқий асарларда ўзгарувчан хоналардан кейин ўзгармай такрорланиб ижро этиладиган тузилма, нақорат. Куйнинг шаклланиши ва ривожланишида хона ва Б.лар нисбати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хона куйнинг ривожланувчи қисми, асосий бўлаги, Б.лар эса хонадан сўнг такрорланадиган қисми ҳисобланади. Хоналар орқали куй ривож топиб ва мазмунан чуқурлашиб, бойиб борса, Б. уларни якунлаб, умумлаштиради. Кўпинча куйда қанча хона бўлса, шунча Б. бўлади.

"(Паҳлавон Муҳаммад) амал ясаб эрди ва бозгўйида бу икки байтни боғлаб эрди.
("Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад")

БОД (ф.) – шамол, ел. Ирфоний ад-тда Б. файз, ғайб оламининг мадади маъносида қўлланилган. Навоий асарларида Б.и сабо, Б.и фано, Б.и хазоний каби шаклларда учрайди:

Вафо аҳли тонг эрмас кўзларига
тўтиё қилмоқ,
Вужудум туфроғин гард айлабон боди
фано чекса.
("Ғаройиб ус-сиғар", 562-ғазал)

БОДА (ф.) – шароб, май; маст қилувчи ичимлик. Тас-ий маъноси ҳақида турли фикр ва қарашлар бор. Жумладан, Фахриддин Ироқий Б.нинг "ҳали кучаймаган ишқ, авомга хос муҳаббат, ишқнинг ибтидоси" каби маъноларни билдиришини қайд этган. Аммо мумтоз ад-тда Б. – ишқ ғалаёни, кучли муҳаббат, илоҳий маърифат маъноларини ҳам англатган. (яна қар.: *май, шароб, майхона*).

Навоий шеъриятида Б. ҳам асл, ҳам ирфоний маънода кенг қўлланилган. Асл маъносида келган байтларда Навоий шаробхўрликни қаттиқ танқид қилади:

Қари қизарса ичиб бода бордур
андоққим,
Юзига ғоза била зол истагай ҳумрат.
("Фавойид ул-кибар", 69-ғазал)

Ирфоний истилоҳ сифатида қўлланилган байтларда Б. илоҳий маърифат, пок ишқ тимсоли ва маъноларини англатган:

Базми ишқинг бодасин кавсар
дейин ё салсабил,
Жоми Жам ул жонфизо саҳбоға
соғар бўлди, тут.
("Бадоеъ ул-васат", 69-ғазал)

БОДИЯ – дашт, чўл, биёбон. Маж. маънода соликнинг тариқат мушкулоти, синов майдони, фано дашти маъноларини англатади. Тариқат одобларидан бири – илм талабида сафар қилмоқ ва пирлар суҳбатига етишмоқ. Б.ни таваккул б-н ўтамоқ ҳам руҳий сайру сулукнинг шартларидан бири бўлган:

Васл истасанг, Навоий эмас
шарт бодия,
Бўл дайр аровў доим анинг ёди
бирла кез.
("Наводир уш-шабоб", 214-ғазал)

БОЙСУНҒУР // БОЙСУНҚУР МИРЗО I (1397 – Ҳирот – 1434) – темурий ҳукмдорлардан, *Шоҳрух Мирзо* ва *Гавҳаршодбегим*нинг ўғли. Б.М. 1414 Мозандарон, Астаробод ва Журжон вилояти ҳокими, 1416–1420 й.ларда эса отаси Шоҳрухга вазир бўлган. 1420 й.да Эрон Озарбайжони ҳокими, 1431 й.да эса Астаробод ҳокими сифатида фаолият юритган. Б.М. оғир касалликка чалиниб, 36 ёшида вафот этади. У адолатли, илм ва адаб аҳлига мурувватли ҳукмдор бўлиш б-н бирга, ўзи ҳам ғазаллар битган, хаттотлик ва наққошлик санъатини мукаммал эгаллаган. Ҳиротда жуда бой кутубхона барпо этган, котибу мусаввирлар, наққошу саҳҳофлар, заркор усталарни бир жойга йиғиб ҳомийлик қилган. Б.М.нинг ташаббуси ва бевосита иштироки

б-н Ҳиротдаги китобат санъати аҳллари ва матншунос олимлар Фирдавсий "Шоҳнома"сининг 40 та қўлёзма асосидаги мукаммал матнини яратганлар, уни гўзал настаълиқ хатида кўчириб, нафис миниатюра ва нақшлар б-н безаганлар. Бу ноёб ва нодир қўлёзма ҳозирги кунда Теҳронда, "Кохи Гулистон" музейи фондида Навоийнинг табаррук дастхати ("Наводир ун-ниҳоя" матни) б-н бирга сақланади. Шунингдек, Б.М. жаҳон тасвирий санъати тарихида муҳим ўрин тутган *Ҳирот миниатюра мактаби*га ҳам асос солган. Бу мактаб вакиллари кўчирган асарларнинг аксарияти айни пайтда Истанбулдаги кутубхоналарда сақланади. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг еттинчи мажлисида Б.М.га алоҳида фасл бағишлаб, уни хуштабъ, сахий, базмларни севувчи, ҳунармандларни қадрловчи подшоҳ сифатида тилга олади, унинг хаттот, наққош, созанда ва хонандаларга ҳомийлик қилганлигини алоҳида таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Надидам он ду рух, акнун ду моҳ аст,
Вале меҳраш басе бар жони мо хаст.

(Мазмуни: У икки гўзал чеҳрани икки ой бўлди, кўролмадим, лекин унинг меҳри бизнинг жонимиздадир).

БОЙСУНҒУР/БОЙСУНҚУР МИРЗО II (1477 – Ҳисор – 1499) – темурий шаҳзода. Абусаиднинг невараси, Султон Маҳмуд Мирзонинг иккинчи ўғли. Онаси – Пошабегим. Б.М. Бухорода ҳокимлик қилган. Отасидан кейин Самарқанд тахтига ўтиради. Лекин тархонлар фитна уюштириб, ўрнига укаси Султон Алини ўтқазадилар. Хожа Абулмакорим, Аҳмад Ҳожибек ва халқнинг қўллаб-қувватлаши б-н у тахтини яна қайтариб олади. Фитнанинг бошида турган тоғаси Дарвеш Муҳаммад Тархонни қатл эттиради. Султон Али Мирзонинг кўзига мил тортишини буюради. Лекин Султон Али соғ-омон қолиб, Бухорога қочади, куч тўплаб, акасига қарши юриш қилади. Бу жангда Б.М. енгилади. Отасининг умароси Хусравшоҳдан паноҳ истаб қочиб борганида у шаҳзодага Ҳисорни беради. Б.М. Хусравшоҳнинг ёрдами б-н Самарқандни қайтариб олиш учун кўп ҳаракат қилади, лекин барча уринишлари зое кетади. Хусравшоҳ томонидан ўлдирилади.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг темурий ҳукмдорлар ва шаҳзодаларга бағишланган 7-мажлисида Б.М.нинг истеъдоди ва инсоний фазилатларига юқори баҳо бериб, табъи нозик ва зеҳни ўткир, салтанат тахтида фақрни одат этган, эътибор мақомида ўзини унутган, фазлу ҳунарга мойил ва фазл аҳлини қўллаб-қувватлашни мақсад қилган йигит сифатида таърифлайди. Назмни ҳам севиб, гоҳи ўзи ҳам шеър ёзади деб, ижодидан намуна тарзида қуйидаги матлаъни келтиради:

Кош дар ишқи бутон девонае
бошад касе,
Тарки олам карда, дар вайронае
бошад касе.

(Мазмуни: Қани эди гўзаллар ишқида киши девона бўлса-ю, оламни тарк этиб, вайронани макон тутса).

БОНИЙ – "Фарҳод ва Ширин" достонидаги меъморнинг номи. Фарҳод ундан меъморлик илмини ўрганади ва Арманияда бу илм асосида Ширинга қаср, "Баҳр ун-нажот" номли ҳовуз, "Айн ул-ҳаёт" номли чашма бунёд этади. У афсонавий мусаввир Моний б-н аслида бир тимсолнинг икки хил варианти ҳисобланади.

Булуб Бонийга ул янглиғ маҳорат,
Ки шарҳидин келиб ожиз иборат.
("Фарҳод ва Ширин")

БОНУ – 1) "Садди Искандарий" достонида Искандарнинг тутинган онаси, Файлақуснинг аёли. Бу образ ўзининг сабр-матонати, оқил-донолиги ҳамда тадбиркорлиги б-н эътиборга молик бўлиб, "Фарҳод ва Ширин"даги Меҳинбону образини эслатади. Достон сўнгида ўлимини сезган Искандар Б.га васият қилади. Искандарнинг мусоҳиблари ҳисобланган етти донишманд Б. га ҳамдардлик билдиради.

Нечукким васият ёзиб эрди шоҳ,
Амал қилди Бонуйи иффатпаноҳ.
("Садди Искандарий")

2) алоҳида мартабага эга аёл (шоҳ аёли):

Бори парда аҳлиға бону эди
Ки, шаҳ бирла зону-бизону эди.
("Садди Искандарий")

БОРБАД – (тахм. 585/589 – 628/638) – 1) бастакор, хонанда, форс-тожик мусиқачиси. Шарқ ва форс-тожик мусиқаси силсиласининг асосчиси ва устози. Б.и Марвазий, Б.и Ромишгар, Паҳлапат, Фаҳлбад, Фаҳлбоз номлари б-н ҳам машҳур. "Борбад" сўзи наҳлавий тилида "баланд мартабали", "улуғвор" маъноларини англатади. Б. сосонийлар ҳукмрони Хусрав Парвез саройида мусиқачилар улуғи ҳисобланган. Шеър ва мусиқа асосларини, амалиёт ва назариясини отасидан ўрганиб, кейинчалик мусиқа қомусини яратган.

Б.нинг ҳаёти ва ижодий фаолияти асосан Марвижаҳон деб аталган сосонийлар пойтахти Марв шаҳри б-н боғлиқ. Овоз, соз ва мусиқани "Авесто"нинг "Готлар", "Яшт" ва "Ясналар" каби қисмлари б-н бирга форсларнинг хилма-хил мавсум-маросим қўшиқларини уйғунлаштирган. Шеър ва мусиқа уйғунлигида таранк (тарона), чинамак (чакома), "суруд" каби бир канча асарлар яратиб, ҳам шоир, ҳам созанда ва бастакор сифатида камолотга эришган. "Сироти Хусравоний", "Суруди Хусравоний", араблар орасида "Тариқат ул-мулукия" номи б-н аталган, Эрон ва умумшарқ маданияти ҳамда тамаддуни тарихида муҳташам мажмуа саналган шоҳ асарларини ўзининг ҳомийси, сосоний хукмдор Хусрав Парвезга бағишлаган. Б. Хусравнинг ўз ўғли Шеруя томонидан фожиали ўлдирилганидан қаттиқ таъсирланади ва созини синдириб, ўнг қўлининг панжаларини чопиб ташлайди – падаркуш Шеруяга хизмат қилишни истамайди. Умрининг охирида ўз юртига келиб, қашшоқликда вафот этади. Б.нинг шахсияти, мусиқий мероси бадиий адабиётда илк бор Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида қаламга олинган. Шундан сўнг Низомий ва Амир Хусрав достонларида, араб ва форсий тилдаги ғазал ва қасидаларда Б. шахси образга айланган ва даҳо мусиқачи тимсолида гавдаланган. Фирдавсий "Шоҳнома"сининг Хусрав Парвезга бағишланган бўлимида "Ҳофиз Борбад қиссаси" деб номланган достон бор. Унда Б. исмли машҳур ҳофиз Хусрав хизматига келиши, саройнинг бош ҳофизи Саркашнинг бунга қаршилик кўрсатиб, Б.ни саройга киритмаслиги, шундай сўнг Б. Хусрав сайр этадиган боққа кириб, яшил либосларга бурканиб, яшил соз б-н куйлагани ва шу тахлит шоҳнинг эътиборига тушганлиги тасвирланади.

Низомий достонида Б. ўз қўшиғи орқали Хусрав ва Ширин ўртасида воситачилик қилган: Ширинниинг айтолмаган сўзларини Хусравга етказган.

Алишер Навоий ижодида Б., асосан, "Тарихи мулуки Ажам" ва "Фарҳод ва Ширин" асарларида келтирилган.

"Яна бир Борбад отлиғ муғанний эрдики, замонининг ягонаси эрди" (*"Тарихи мулки Ажам"*)

Ичиб гаҳ Борбад лаҳни била май,
Гаҳи Шопур дастон деб раёрай.

("Фарҳод ва Ширин")

2) мусиқачи Борбад яратган ва унинг номи б-н машҳур бўлган барбат – ёй шаклида ясалган қадимги чертма торли соз, чолғу асбоби:

Чу тортиб Зуҳра лаҳни Борбадни,
Олиб Баҳромвашлардин хирадни.

("Фарҳод ва Ширин")

БОРУСИЙ, Абулхусайн – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопур яқинидаги Борус қишлоғида туғилган. Нишопур тас. мактабининг илк намояндаси. Куняси Абу Имрон. Б. Ҳамдун Қассорнинг устози, дуоси мустажоб бўладиган зотлар тоифасидан бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

БОТИН – 1) бир нарсанинг ички томони, ич, кўнгил. *Зоҳир*нинг муқобили. Аҳли Б. – пок кўнгил соҳиблари, орифлар:

Файзи қудсий тиласанг
кўнглунгга булғай зоҳир.
Аҳли ботин қошида сўз дема
асло густох.

("Бадоеъ ул-васат", 108-ғазал)

2) Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири:

"Юзум ерда эрдиким, биров келиб, мени аёғи била тебратти. Боқдим, эрса Иброҳим бин Исо эрди. Деди: ҳар қачон тиласангки Тенгрининг авлиёсидин бирини таниғайсен, шуни ўқиғилким: Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам унинг ўзидур. У барча нарсани билгувчидир."

("Насойим ул-муҳаббат", 162-боб)

БОХАРЗИЙ, Сайфиддин (1190, Эрон–1261, Бухоро) – улуг авлиё, етук шоир, забардаст олим, ҳассос воиз. Нишопур ва Ҳирот мадрасаларида таҳсил олиб, фиқҳ, ҳадис, тафсир ва б. фанларда ўз даврининг пешқадами бўлган. Макка ва Мадинага сафар қилган. Ундан сўнг Нажмиддин Куброга мурид тушиб, кубравия тариқатига кирган. Мўғуллар Хоразмга ҳужум қилганида устозининг ишорати б-н Вухорога келади.

Кубравия тариқатининг йирик намояндаси, тариқат пири ва пешқадам аллома Б. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг нафақат диний-тас.ий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Кубравиянинг ҳинд тармоғи – фирдавсия ундан бошланади.

Халқ орасида нуфузи баландлиги туфайли мўғул хонлари ҳам Б. б-н ҳисоблашишга мажбур бўлишган. Мункехон, Ҳулагухон ва Ҳубилайхоннинг онаси Суюркўктани бека Бухорода мадраса ва хонақоҳ қурдириб, унга шайхни мутаваллий этиб тайинлайди ҳамда кўп қишлоқни вақф қилади. Чингизхоннинг невараси – Олтин Ўрда хони Беркахон Бухорога келиб, унга мурид тушади, ислом динини қабул қилиб, исмини Баракахон, деб ўзгартиради. Шу муносабат б-н унга "шайх ул-олам" ("олам шайхи") унвони берилган.

Б. мақбараси Бухоронинг Фатҳобод мавзесида жойлашган.

Б. "Шарҳ ул-асмо ул-ҳусна" ("Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи"), "Воқеаи хилват" ("Хилват воқеаси"), "Рўзнома" ("Кундалик"), "Васиятнома" асари ва "Рубоиёт ("Рубоийлар") тўплами муаллифи. 650 та рубоий унга нисбат берилади.

Б. рубоийлари асосан зикру самоъ мажлисларида айтилган, тас-ий мазмунда бўлиб, улар воситасида ўқувчи Ҳақ йўлига даъват қилинади, илоҳий ишқ улуғланади, тас.нинг баъзи ғоя ва талаблари ифодаланади, инсоний камолот масалаларидан баҳс юритилади, ҳижрондаги ошиқ кўнглининг дарду изтироблари, ўй-кечинмалари тасвирланади. Рубоийлар буюк тас. пирининг шоирлик салоҳияти ва маҳорати ҳам баландлигидан дарак беради. Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида Б.нинг Нажмиддин Куброга халифа экани, зоҳирий илмларни мукаммал эгаллаганидан сўнг муршиднинг мулозаматига мушарраф бўлганлиги айтилади.

БОЯЗИД БИСТОМИЙ, Тайфур бин Исо бин Одам бин Сурушон (804–875) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тайфурия тариқатининг асосчиси. *Абу Али Синдий*нинг шогирди. Аҳмад Хузравайҳ, Абу Ҳафс Ҳаддод, Яҳё Муъоз ва Шақиқ Балхий б-н суҳбатда бўлган. Зуннун Мисрий б-н мактуб воситасида тас.нинг нозик масалалари юзасидан ўзаро баҳс-мунозара қилган, фикр алмашган. Тас.да сукр наз-ясининг асосчиларидан бири. Абулфазл Муҳаммад бин Али Саҳлакийнинг "Ан-нур мин каламоти Аби Тайфур", Абу Наср Саррожнинг "Ал-Лумаъ фит-тас.", Фаридиддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асарида Б.Б. ҳақида кўп воқеа ва ривоятлар нақл қилинган. Ансорий бу маълумотларнинг аксариятини ҳақиқатдан узоқ, деб ҳисоблаган. Шу боис Жомий ва Навоий тазкиралари Ансорий маълумотларига асосланган. "Насойим ул-муҳаббат"да ёзилишича, Б.Б. намоз ўқиганида Аллоҳ қўрқуви ва шариат ҳурматидан кўксининг суякларидан садо чиқар экан.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр"нинг имон шарҳига бағишланган мақолатида Б.Б. тилидан бу дунёдан имонсиз кетадиган кишини инсон сирасига қўшиб бўлмаслигини, инсонийликнинг асл моҳияти – унинг имони, деган қарашни илгари суради:

Бўлмаса имон била кетмак иши
Англаки, они деса бўлмас киши.
("Ҳайрат ул-аброр", 1-мақолат)

БОҒ – манзарали ва мевали дарахтлар, ўсимликлар ва гуллар экилиб, обод қилинган жой. Б. барпо этишда маҳаллий иқлим, меъморчиликдаги мавжуд тажриба ва анъаналар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, темурийлар даврида Б. яратиш санъат даражасига кўтарилиб, муайян қоида ва тартиблар ишлаб чиқилган.

Навоий "Вақфия" асарида Ҳиротнинг Марғаний мавзесидаги Б.ни обод қилгани, яхлит меъморий мажмуа яратиб, кейин уни вақф мулкига айлантиргани ҳақида

маълумот беради. Шунингдек, "Фарҳод ва Ширин" достонининг 15–17-бобларида тўрт фаслга мувофиқ тўрт қаср ва улар атрофида тўрт Б. бунёд этилгани батафсил тасвирланади. Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Навоий бир қанча Б.ни олимлар ва фозилларга тортиқ қилиб, уларнинг ижод қилишлари учун қулай шароит яратган.

Навоий асарларида Б. сўзи ўзининг асл маъносидан ташқари дунё, охират, жаннат, Ёрнинг жамоли, ошиқнинг фироқдан сарғайган ёки қонли кўз ёш излари қолган чеҳраси, лаҳзада турли кўйга тушадиган кўнгил, умид ва раҳмат сарчашмаси моҳиятини ифодалашда кенг қўлланилган:

Даҳр боғи гуллари ҳусниң
вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман,
кўйи гулистонимға айт.
("Наводир уш-шабоб", 85-ғазал)

БОҒБОН – 1) боғбон, боғни парваришловчи:

Боғбоне бор эди бас беҳунар,
Боғбонлиқ санъатидин бехабар.
("Лисон ут-тайр", 44-боб)

Навоий лирикасида *соқий, муғанний, мутриб, муддаий, зоҳид* кабилар б-н бирга боғбонга мурожаат ҳам кўп учрайди. Унда шоир боғбон ижоди – гуллар б-н ўз маъшуқасининг сифатларини қиёслайди, инсон умрини боққа қиёслаб, фалсафий хулосалар чиқаради:

Не учун ашжордин йиғмиш утун,
эй боғбон,
Оташин гулдин агар урмас
фалак бўстонға ўт.
("Ғаройиб ус-сиғар", 82-ғазал)

2) Худо:

Даҳр бўстони аро сўр боғбондин,
эй рафиқ,
Жуз балият меҳр нахлиға
самар бўлғайму деб.
("Бадоеъ ул-васат", 61-ғазал)

БОҒИ ЖАҲОНОРОЙ – Ҳирот шаҳрининг шарқи-шимолида 15-асрнинг 2-ярмида барпо этилган боғ. Султон Ҳусайн Бойқаро фармони ва Навоийнинг бевосита иштироки б-н бунёд этилган бу боғнинг ўртасида катта қаср қурилган, атрофи сарв, санавбар, тол, чинор каби дарахтлар, ток ва анвойи гуллар б-н ўралган. Боғнинг умумий майдони тўрт юз қирк жариб (421500 кв.м) бўлган.

БОҒИ ЗОҒОН – Ҳиротнинг шимоли-ғарбида жойлашган боғ. Б.З. Шоҳрух Мирзонинг доимий қароргоҳи бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам Б.З. марказий сайилгоҳ ҳамда асосий тижорат марказларидан ҳисобланган. Навоий "Вақфия"да вақф қилинган мулклари орасида Б.З. кўчасида жойлашган иккита дўконини ҳам санаб ўтган.

БОҒИ САФЕД – Ҳиротнинг шимоли-шарқида жойлашган боғ. Б.С.га курдлар сулоласи даврида асос солинган. Шоҳрух Мирзо уни анча кенгайтириб, боғнинг ўртасида ўғли Бойсунғур Мирзога атаб оқ рангли қаср қуради. Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Б.С. шаҳзода Музаффар Мирзо ҳамда унинг онаси Хадичабегимнинг қароргоҳи бўлган.

Эй Навоий, шаҳ ҳаёлин
асра кўз мулки аро –
Ким, эрур ҳам "Боғи Зоғон"
анда, ҳам "Боғи Сафид".
("Ғаройиб ус-сиғар", 127-ғазал)

БУЗАР, Абузар Ғифорий, Жундуб бин Жанода бин Суфён бин Убайд (ваф. 652, Рабза) – Ислом динига бешинчи бўлиб имон келтирган саҳоба. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин Шомга бориб, ўша ерда яшайди. Халифа Усмон даврида Дамашқда камбағалларни бойларга қарши курашишга чақиргани учун Муовия унинг устидан халифага шикоят қилади. Халифа Усмон уни Мадинага чақиради, суҳбатлашганларидан сўнг Мадина яқинидаги Рабзада яшашга буюради ва Б. ўша ерда вафот этади. Б. тўғрисўз ва ҳақиқатпарастлиги б-н машҳур бўлган. Б.дан 282 ҳадис ривоят қилинади.

Навоий асарларида Б. икки марта талмеҳ қилинган:

Ёр исидур ком, келтурса
сабо ёки шамол,
Дўст тақририга ровий хоҳ Бузар,
хоҳ Анас.
("Наводир уш-шабоб", 223-ғазал)

БУЗУРГ УММИД – "Фарҳод ва Ширин" достонида Хусрав Парвезнинг вазири. Доно ва тадбиркор шахс. Б.У. бадиий адабиётга Низомий достони воситасида кириб келган. У достонда шаҳзода Хусравнинг устози ва донишманд вазири сифатида тасвирланган. Достонда Хусрав Б.У. б-н донишмандона савол-жавоб қилади.

Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида Б.У. Хусравнинг вазири ва тадбиркор шахс сифатида гавдаланади. Хусравнинг Ширинни сўраб Меҳинбонуга юборган совчилари айтадиган сўзлари ҳам Б.У.га тегишли. Унинг маслаҳати б-н Хусрав Фарҳодни "Салосил" қўрғонида асир қилган, маккора кампирнинг ҳийласи ёрдамида қатл эттирган.

Бузург Уммид эди ёру надими,
Улус доносию олам ҳакими.

("Фарҳод ва Ширин")

БУЛБУЛ – чумчуқсимонлар туркумига мансуб сайроқи қуш. Б. Навоий лирикасида энг кўп мурожаат қилинган, гул тимсоли б-н уйғун ҳолда ошиқнинг изтиробларини, унинг маъшуқаси гўзалликларидан таъсирланиш каби ҳолатларни тасвирлаш учун қўлланилган фаол тимсоллардан бири саналади.

Навоий Б. тимсолини ишқ йўлида фарёд чекувчи, яъни сукр йўлидаги ошиқ соликка қиёслайди ва тазод санъатидан фойдаланиб, уни ўтда жимгина ёнувчи парвонага – ишқини пинҳон сақловчи саҳв йўлидаги ориф соликка қарши қўяди.

"Лисон ут-тайр"да Фаридиддин Аттордан таъсирланиб Б. образидан сал бошқачароқ – зоҳирий гўзалликка, ўткинчи жилога мафтун киши тимсолида фойдаланади:

Деди Булбул: "К-эй бу мажмаъга далил,
Мен бўлубмен гул ҳавосидин залил.

Ондин ойру ошиқу девонамен.
Ақлу ҳушу сабрдин бегонамен.

("Лисон ут-тайр", 39-боб)

"БУЛБУЛ БИЛА ГУЛ" – Руҳий Ёзирийнинг асари. Мунозара жанрида битилган. Навоий асар номини "Мажолис ун-нафоис"да Ёзирий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

БУЛУТ – осмонни бутунлай қоплаб олган ёки унинг сийрак, ғуж бўлиб тўпланган, қуюқлашган сув буғлари. Б. Навоий лирикасида табиий ҳодиса, фироқда қолган ошиқ руҳиятини ифодаловчи образ сифатида, "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да эса Ҳуд, Юнус ва Жиржис пайғамбарлар қавмига юборилган илоҳий жазо, Мусо пайғамбарнинг қавми устига бир муддат соя солган илоҳий раҳмат нишонаси сифатида қаламга олинган (яна қар.: *Абр*):

Гар кўзум ёшиға ул гул мултафит
бўлмас, не ғам,
Гул булутдин тозадур, сероб эмас
гулдин булут.

("Бадоеъ ул-васат", 71-ғазал)

БУНАФША, БИНАФША, Гунафша – гунафшадошларга мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. 500 га яқин тури маълум. Ўрта асрларда корага мойил тўқ сафсар рангдаги Б.и табарий кенг тарқалган. Б. гулларининг доимо эгилиб чайқалиши ҳамда хушбўйлиги турли поэтик образ ва маъноларни ифодалаган. Тас-ий ад-тда инсон ақли билиши ожиз бўлган илоҳий ҳикмат маъносида қўлланилган. Навоий шеъриятида ёрнинг бурама сочи ва ҳалқа-ҳалқа зулфи Б.га ўхшатилган.

Шиканж туррасидинким гириҳ
ёзилмайдур,
Бинафшаедурур, аммо ҳануз
очилмайдур.

("Наводир ун-ниҳоя", 204-ғазал)

БУНДОР ШЕРОЗИЙ, Ҳусайн бин Муҳаммад Бин Муҳаллаб (ваф. 964) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи ва фақиҳ. Куняси – Абулҳусайн. Арражон шаҳрида (ҳоз. Эрондаги Беҳбаҳон шаҳри) яшаган. *Абубакр Шиблий*нинг шогирди. Абу Жаъфар Ҳаддод, Абулҳусайн Жаҳзам Ҳамадоний, Шайх Абу Зуръа Табарий б-н суҳбатда бўлган. Абу Абдуллоҳ *Хафиф Шерозий*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

БУНОН БИН АБДУЛЛОҲ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулҳасан. Мисрда яшаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

БУНОН БИН МУҲАММАД ҲАММОЛ, Абулҳусайн Бунон бин Муҳаммад бин Ҳамдон бин Саъид Мисрий (вафо. 928, Миср) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абулҳусайн Нурийнинг устози. Жунайд Бағдодий, Иброҳим Хаввос ва бошқа ўз даврининг машҳур шайхлари б-н суҳбатда бўлган. Тажрид ва таваккул соҳиби. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

БУРГУТ – қирғийлар оиласига мансуб йиртқич қуш. Танасининг узунлиги 95 см. гача, қаноти 62–72 см, ёйганда 2 метрга етади. Патининг ранги тўқ қўнғир, боши малларанг. Б. каклик, дудоқ каби парранда, юмронқозиқ, куён, тошбақа ва б. кичик жониворлар б-н озиқланади. Б. – ов қуши. Б.нинг ёш боласи қўлга ургатилади. Вояга етганида қуён, тулки, ҳатто бўри овига ҳам олиб чиқишади.

"Лисон ут-тайр" достонида Б. Симурғни излаб сафарга чиққан ўттизта қушнинг бири, жисмоний лаззатга берилиб, нафс қулига айланган, руҳий жиҳатдан заиф ва жисмоний куч-қуввати б-н ҳаволанган кимсаларнинг тимсоли сифатида тасвирланган:

Кирди Бургут уртаға, яъни Укб
Деди: "Эй қушлар аро моликрикоб.
Манга ҳолат ўзга қушлардек эмас,
Кумрию булбулдек эл васфин демас.
("Лисон ут-тайр", 60-боб)

БУРЖ I – Қуёшнинг йиллик айланма ҳаракати доирасидаги ўн икки юлдуз туркумининг номи. Бу сўз зодиак туркуми юлдузлари – Далв, Ҳут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадийга нисбатан қўлланилади.

Улар Қуёшнинг йиллик айланма ҳаракат йўли (эклиптика) бўйлаб жойлашган. Б. юлдуз туркумларидан Қуёш тизимидаги деярли барча сайёралар, кометалар ва Ер йўлдоши Ойнинг ҳам айланма ҳаракат йўли ўтади. Алишер Навоий тасаввурича, ушбу Б.лар саккизинчи фалакда турғун жойлашганлиги туфайли собитот деб аталади. Б.лар Навоий шеъриятида турли поэтик маъно ва образларни ифодалаган. Жумладан, меърож кечасига бағишланган бобларда ҳар бир Б.нинг янги шоирона талқинига дуч келамиз. "Хамса" достонларида Б.ларни Навоий қуйидагича номлаган:

т/р	«Ҳайрат ул-аброр»	«Фарҳод ва Ширин»	«Лайли ва Мажнун»	«Сабъаи сайёр»	«Садди Искандарий»
1	Ҳамал	Ҳамал	Ҳамал	Ҳамал	Ҳамал
2	Ассор	Савр	Савр	Савр	Савр
3	Жавзо	Икки пайкар	Жавзо	Жавзо	Йк(к)и пайкар
4	Саратон	Харчанг	Саратон	Саратон	Харчанг
5	Шер	Шери нар	Шер	Асад	Шер
6	Сунбула	Хўша	Хўша	Сунбула	Хўша
7	Пала	Каффа	Тарозу	Мезон	Мезон
8	Ақраб	Чаён	Ақраб	Ақраб	Чаён
9	Қавс	Ёй	Ёй	Қавс	Ёй
10	Жадй	Жадй	Қўчқор	Жадй	Ўчку
11	Далв	Далв	Қўбқа	Далв	Қўбқа
12	Ҳут	Ҳут	Ҳут	Ҳут	Ҳут

БУРЖ II – деворга ташқи томонидан тиргак ўрнида барпо этилган қурилма. Қалъа деворига туташ минора шаклидаги қўшимча бино. Б. усти ва ичкарисида махсус хоналар ҳам бўлган. Б.лар мудофаа мақсадида ҳам қурилган. Баъзан ўрнига қараб минора деб ҳам номланган.

Кабутар қаср буржида эмас шаҳ
шастидин эмин,
Хушо, ул чўғзким вайрона кунжин
ихтиёр этмиш.
("Гаройиб ус-сиғар", 243-ғазал)

БУРЖ/БУРЧ – қарз. Буржлуг – қарзга олинган пул:

"Бир қатла Амр бин Усмон Маккийга Маккада ўттуз минг дирам бурж бўлди."
("Насойим ул-муҳаббат", 110-боб)

БУРМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтмиш еттинчиси. *Бурмоқ*, яъни *доирасимон ҳаракатга келтирмоқ, доира шаклида айлантирмоқ, йўналишни ўзгартирмоқ, букмоқ* маъноларини англатади. Айни шу шаклдаги феъл Навоий асарларида учрамайди.

БУРОҚ (ар.) – Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) отининг лақаби. Диний манбаларга асосан, Б. жаннатдан келтирилган, жуссаси отдан кичикроқ, хачирдан каттароқ бўлган. Расулуллоҳ ушбу отга миниб, Жабройил алайҳиссалом йўлбошчилигида *Исро ва Меърожга* кўтарилганлар. Б. Иброҳим (а.) ҳамда Довуд (а.)ларга ҳам хизмат қилган.

Навоийнинг меърож мўъжизасига бағишланган шеърларида Б. рамзий маънода, лирик асарларида асл, яъни от маъносида ҳам қўлланган. Айниқса, "Хамса" достонларининг меърожга бағишланган бобларида Б. оти "тойири улвий хиром", "рахш", "маркаби фархундафол", "бораи суръатнамо", "тавсан", "раҳрав" ("Ҳайрат ул-аброр"), "Буроқи баркпарвоз", "гармрав", "рахши новард", "саманд" ("Фарҳод ва Ширин"), "маҳзи нур рахш", "равандаи самовий", "барқи гармрав", "Буроқи баркдав", "фаришгаи биҳишти", "маркаб", "маркаби сабукпай" ("Лайли ва Мажнун"), "рахши осмонпаймо", "маркаби ҳумоюн бол" ("Сабъаи сайёр"), "баркгайр", "хулд бўстонининг сойири", "товуси хулди барин", "Буроқи сабуксайри қудсийсиришт", "рахши гардуннавард" ("Садди Искандарий") каби образли иборалар воситасида тавсифланган.

Ҳам рафъатингга арши баринда макон,
Ҳам Буроқингга хулди баринда чаро.
("Бадоеъ ул-васат", 7-ғазал)

БУРУНДУҚ ХЎЖАНДИЙ, Мавлоно Бурундуқ, Амир Баҳоуддин (1356, Хўжанд –1402, Самарқанд) – темурийлар даврида яшаб, ижод қилган шоирлардан бири. Давлатшоҳ Самарқандий уни "Бухорий" тахаллуси б-н тилга олган. Б.Х. гарчи Хўжандда туғилган бўлса-да, ҳаёти ва ижодий фаолияти асосан Самарқанд ва Ҳиротда кечган. "Ибни Нусрат" ва "Бурундуқ" тахаллуслари б-н шеър ёзган. Мироншоҳ, Умаршайх Мирзо ва унинг ўғли Бойқаро саройида хизмат қилган. Асосан қасида жанрида ижод қилган. Қад. ибрий ва сурёний тилларини билган. Тиб илмидан ҳам яхши хабардор бўлган. Навоийнинг гувоҳлик беришича, табъи ҳазил ва мутойибага мойил бўлганлиги сабабли, замондошлари унинг аччиқ ва заҳарли тилидан қўрқиб, "устоз" деб мурожаат қилишган. Девони бизгача етиб келмаган. "Хулосат ул-ашъор" тазкирасида 1800 байтдан иборат қасида, ғазал ва қитъаларидан намуналар келтирилган.

Навоий Б.Х. ҳақида "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида маълумот бериб, шеъридан бир байт намуна киритган.

БУРҚАЪ (ар. – ниқоб) – юзга тутиладиган парда. Араб тилида дастлаб уловнинг кўзини бойлаш учун ишлатиладиган нарсага нисбатан айтилган. Ўрта асрларда Б.ни асосан шаҳарлик ҳур аёллар кўчага чиққанларида юзларига тутганлар. Саҳройи аёллар ва чўриларнинг юзлари очиқ бўлган. Тас-ий маънода Б. – Ҳаққа етиш йўлидаги ҳижоб – парда, маъ-ий тўсиқ:

Очар гўё сабо ул гул юзидин ҳар замон бурқаъ,
Буким бир фитна бирла кўзғалур аҳли замон ҳар дам.
("Фавойид ул-кибар", 395-ғазал)

БУСРИЙ, Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад бин Ҳассон – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Убайд. Дамашқ шаҳри яқинидаги Бусро қишлоғида туғилган. *Абу Туроб Нахшабий*нинг шогирди. Абу Саид Харроз, Шоҳ Шужоъ Кирмоний, Абу Абдуллоҳ Жалло б-н суҳбатда бўлган. Абу Абдуллоҳ Жалло уни Зуннун Мисрий, Абу Туроб Нахшабий, Абулаббос бин Ато каби улуғ шайхларга тенглаштирган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

БУТ I (ф.) – бутпарастлик динидаги маъбуда, идол, санам. Асосан фетишизм ва кўпхудолик динига хос бўлган, ёғоч, тош ёки бошқа жисмдан ясалган сиғиниш объекти. Б. асосан Мутлақ Руҳ – Илоҳ б-н одамлар ўртасидаги воситачи, одамларнинг тавба-тазаррусини Худога етказувчи муқаддас хилқат, деб тасаввур қилинган. Б. қад. зардуштийлик динида, буддавийликда, арабларнинг Исломдан олдинги динида кенг қўлланилган. Жумладан, Каъбанинг ичида ҳам 300 дан ортиқ Б. бўлган. *Лот, Манот, Уззо* каби Б.лар алоҳида эъзозланган. Тавҳид – яккахудоликка асосланган дин (жумладан, Ислом дини)да Б.га сиғиниш Худога ширк келтириш сифатида баҳоланган. Б.лар гўзал қиёфада ясалган ва тарошланганлиги сабабли адтда маҳбубанинг жамолига қиёсланган. Фахриддин Ироқийнинг ирфоний луғатида Б. ҳақиқий Мақсуд ва Маҳбуб (Аллоҳ) сифатида ҳам талқин қилинган. "Гулшани роз"нинг муаллифи Б.га ишқ ва ваҳдат мазҳари маъносида шарҳ берган. Б.нинг гўзаллиги ҳам оламдаги жамийки мавжудот каби илоҳий жамолнинг тажаллийси экани, ҳақиқий суфий эса бу гўзалликда абадий ва мутлақ гўзалликнинг нишоналарини кўриши тушунилади. Б. атамаси одамларни ёмонликка ундовчи нафс, Ҳақ йўлдан чалғитувчи тусиқ, кунгилни васвасага солувчи ҳою ҳавас маъносида ҳам қўлланилади:

Ўйладурким жоҳилу нодони маст,
Сиймдин бут айлаб, ўлғай бутпараст.
("Лисон ут-тайр", 103-боб)

БУТ II – оёқ, бут, сон:

Фалак пайкар тани кўҳи балойи,
Қўлу бут ҳар бири бир аждаҳойи.
("Фарҳод ва Ширин")

БУТ III – 1) ишонмоқ, кўнгил қўймоқ; қабул қилмоқ:

"Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтқан сўзла бут."
("Маҳбуб ул-қулуб", 163;)

2) амалга ошмоқ, бажарилмоқ:

Синуқлар иши андин бутгай ва йиқилғанларга андин дастгирлик етгай.
("Маҳбуб ул-қулуб")

3) тузалмоқ, битмоқ (яра):

Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас.
("Маҳбуб ул-қулуб")

4) ўсмоқ, кўкармоқ, унмоқ; пайдо бўлмоқ, вужудга келмоқ:

Зихи қаддинг ниҳоли бутуб
жон гулшанидин,
Юзунг меҳри кўнгулга
кириб кўз равзанидин.
("Мезон ул-авзон")

БУТПАРАСТ – бутга сиғинувчи, бутга сажда қилувчи.

Ҳам бўлуб жоми дамодам бирла маст,
Ҳам қилиб мастона ўзни бутпараст.
("Лисон ут-тайр", 79-боб)

Тас.да: Б. – маъ-ий камолотнинг бирор мақомига эришган ва бу ҳолдан масрур бўлган солик.

Ахлоқда: манманлик, дунёпарастлик, очкўзлик, мансабпарастлик, худбинлик каби ёмон хислатларнинг қули бўлган кишиларга нисбатан ҳам Б. сифати қўлланилади:

Худпараст – бутпараст.
("Маҳбуб ул-қулуб")

БУТХОНА – бутлар сақланадиган жой; бутпарастларнинг ибодатхонаси. "Лисон ут-тайр" достонида Шайх Санъон тарсо қизининг ишқида бутпараст бўлиб, Б.да Каломуллоҳни ўтда куйдиргани ҳақида ҳикоя қилинади. "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Саъдий Шерозий Суминотдаги Б.га кириб, энг катта бутни синдиргани ҳақида маълумот берилган.

Тас.да лоҳут олами маъносида талқин қилинади. Комил инсоннинг илоҳий маърифат йўлидаги ғайрати, жўшқин ички олами маъносида ҳам қўлланилади:

Магарки масжид эканурки,
бўлди бутхона,
Юзунгки, икки қошингдин
тўридадур меҳроб.
("Наводир уш-шабоб", 44-ғазал)

БУХОРО – Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида жойлашган йирик маъмурий, иқтисодий, маданий марказлардан бири.

Б.га мил.ав.1-минг йилликда асос солинган. 6-8-асрлар бошида бухорхудотлар ҳокимлиги пойтахти бўлган. 709-йили Араб халифалиги таркибига қўшилган. 9-10-асрларда Б. Сомонийлар пойтахти бўлган. 999 й. Қорахонийлар, 1220 й. мўғуллар томонидан босиб олинган. 1370 й.дан Амир Темур давлатининг таркибида бўлган.

Б. заминида дунёга машҳур юзлаб донишмандлар, олиму фозиллар, ижодкорлар яшаб ижод қилган. Уларнинг илм ва ижод равнақига қўшган ҳиссаси учун Б. "қуббат ул-ислом" номи билан шуҳрат қозонган, Бағдод ва Мадина каби шаҳарларга тенглаштирилган.

Билди чу ҳадисингни саҳих, эмди Навоий,
Маскан чу тилар бўлса
не Батҳо, не Бухоро.
("Бадоеъ ул-васат", 6-ғазал)

БУХСАМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтмиш учинчиси. Навоийнинг таъкидлашича, мазкур феъл туркий тилда *эзилмоқ, қийналмоқ, азобланмоқ, бўғилиб йиғламоқ, бўкириб йиғламоқ* каби маъноларни ифодалаш учун қўлланган.

Ва **бўхсамоқ** лафзи адосида турк бу матлаъни дебдурки:

Ҳажри андуҳида бўхсабмен,
била олмон нетай,
Ман иложимдур қўпуб,
дайри фаноға азм этай.

Форсийгўй турк беклар ва мирзодалар ***бўхсамоқни*** *не форсий тил била тиласаларки, адо қилғайлар?*
("Муҳокамат ул-луғатайн", 9)

БУШУРҒАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтмиш иккинчиси. Мазкур феъл *ғазабланмоқ, ачиқланмоқ, хавотирланмоқ, ғамга ботмоқ* маъноларини англатади. Навоий бошқа асарларида бу сўзни қўлламаган.

БУҚРОТ (мил. ав. 460–375) – юнон файласуфи Гиппократнинг Шарқдаги номи. Илмий тиббиёт асосчиларидан бири. Унинг "Китоб ал-фусун" ("Ҳикматлар") номли асари машҳур. "Гиппократ касамёди" – шифокор бурчи ва хулқ-атворининг қисқача таърифи ҳам шу олим қаламига мансуб ҳисобланади. "Садди Искандарий"да Искандарнинг ёнидаги етти мусоҳиб донишманддан бири.

Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да ҳам Б. ҳақида маълумот киритган: *"Буқрот ҳаким Фишоғурснинг шогирдидур. Ва Баҳман чоғида эрди ва тибб илмида моҳир эрди ва тасонифи бор."*
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

БЎСА (ф.) – ўпич, муччи, бўса. Б. ирфоний маънода файз ва ботин жазбасини англатади. Шунингдек, башарий лаззат маъносида ҳам қўлланилади.

Гар Навоий ҳажридин ўлмиш, вале юз жон топар,
Лаъли руҳафзосидин бир буса инъом айлагач.
("Фавойид ул-кибар", 96-ғазал)

БЎСМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтмиш олтинчиси. *Писмоқ; тузоқ қурмоқ, қайғуланмоқ, хавотирланмоқ, умидсизланмоқ* маъноларини англатган бу феъл ҳозирги ўзбек тилида айни шу шаклда қўлланмаса-да, туркий тиллар оиласига кирувчи барча тилларга хос бўлган *б* ундошининг *п* ундоши каби талаффуз этилиши ҳодисаси таъсирида *бусмоқ* сўзи, дастлаб, *пусмоқ* тарзида, кейинчалик *писмоқ* тарзида қўллана бошланган. Ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланувчи *писмиқ, писмиқлик, писиб ўтирмоқ, пистирма* каби сўзлар Навоий таъкидлаган *бусмоқ* феълининг фонетик вариантларидан ҳосил бўлган сўзлардир. Мазкур барча ҳосила сўзларнинг маъно-мундарижасида *яширинлик, номаълумлик* семалари устуворлик қилади. Ушбу феъл усмонли турк тилида **бисламоқ** шаклида айни шу маънода қўлланган.

"БЎСТОН" – Саъдий Шерозийнинг ахлоқий-тарбиявий асари. "Б." маснавий йўлида мутақориби мусаммани мақсур вазнида Дамашқ шаҳрида ёзиб тугалланган (1257). Умумий ҳисобда 1000 байтга яқин бўлган "Б." муқаддима ва қуйидаги

мавзуларни ёритувчи ўн бобдан иборат: 1) адолат; 2) яхшилик ва саховат; 3) ишқ ва муҳаббат; 4) тавозуъ ва хоксорлик; 5) ризо; 6) қаноат; 7) таълим ва тарбия; 8) офият ва шукроналик; 9) тавба; 10) муножот ва китоб хотимаси. Шоир ушбу бобларда ўзининг хулоса ва кузатувларини баён этиб, фикрининг тасдиғи учун мавзуга муносиб ҳикоятлар келтиради. Умумий миқдори 250 дан ортиқ бўлган ҳикоятларнинг аксар қисми муаллифнинг ҳаётидан олинган. "Б." содда ва равон услубда ёзилганлиги, ҳар бир байтида кенг маъно ифодаланганлиги туфайли асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган.

"Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер"да Навоий "Б."ни Сайид Ҳасан Ардашернинг севимли китобларидан бўлганлигини алоҳида қайд қилиб ўтган. Навоийшунос Ш.Ҳайитов "Маҳбуб ул-қулуб"нинг иккинчи қисми "Б." таъсирида ёзилган деган хулосага келган.

БЎСТОНАФРЎЗ – гултожихўроз. Бўйи бир ярим метргача ўсадиган, ҳидсиз, қизил рангда гуллайдиган ўсимлик. Ўрта асрлар тиббиётида жигар касаллиги ва қабзиятни даволаш ҳамда оғиздаги нохуш ҳидларни кетказиш учун Б. гулининг сояда қуритилган барги қайнатилиб, дамламасини шаробга қўшиб ичиш тавсия этилган.

Бўлди бўстони узоринг бодадин
афрухта,
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг
айладинг.
("Гаройиб ус-сиғар", 346-ғазал)

БЎТАҒАР, Абу Али – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Абулҳасан Ҳусрий*нинг мурид. *Абдуллоҳ Ансорий* қўл берган пир. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

БЎЪД (ар. – узоқлик) – тасаввуфий истилоҳ; ориф қалбининг Ҳақ мушоҳадасидан узоқлашиши. *Қурб*нинг акси. Б. кундалик эҳтиёжлар б-н ўралашиб қолиш, бу дунё ҳою ҳавасларига берилиш туфайли асл мабдадан узоқлашишни англатади. Фанда Б. икки нуқта ўртасидаги энг қисқа масофани билдиради. Б. туфайли инсон гуноҳ ишлар қилишга мойил бўлади ва ўзининг асл моҳиятидан узоқлашади. Қушайрийнинг айтишича, Б.нинг дастлабки босқичи тавфиқдан узоқлашиш бўлса, иккинчиси англашдан маҳрум бўлишдир.

Кимки восил бўлди,
рафъ улди ародин қурбу бўд,
Каъба сукконига йўл хоҳи
йироқ, хоҳи ёвуқ.
("Наводир уш-шабоб", 321-ғазал)

В

ВАЖД (ар.) – кўнгилда бирор сабабсиз завқ-шавқ ёки маҳзунлик ҳолатининг пайдо бўлиши. В. – саъй-ҳаракатсиз соликнинг қалбига хоҳиш ва истаксиз ҳам ворид бўладиган туйғу; фано мақомига етмаган соликнинг қалбида илоҳий маърифат нурларининг муайян лаҳзада яшин каби чақнаши; дунё ишларининг ҳикматидан муайян даражада хабардор бўлиш; банда ва Худо ўртасидаги ҳолнинг юзланиши каби маъноларни англатади. Кошоний В.га ўзлигидан кечмаган кишининг қалбида муайян муддатда ҳижоб-пардананинг орадан кўтарилиши, Мутлақ Вужуд (Худо)нинг борлиғини билдирувчи туйғу ва ҳисларнинг ғайб оламидан восита ва сабабсиз ҳувайдо бўлишидир, деб таъриф берган. Амр бин Усмон Маккийнинг фикрича, В.га аниқ таъриф бериш имконсиз, чунки В. – Худо ва банда ўртасидаги сир бўлиб, унинг ҳақиқатини Ҳақ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди.

"ВАЛАДНОМА" – Жалолиддин Румийнинг ўғли Султон Валаднинг асари. "Ибтидонома" деб ҳам аталади. Ҳаким Саноийнинг "Ҳадиқат ул-ҳақиқа" достони вазнида, 1290 й.да маснавий шаклида ёзилган. Ҳажман 10 минг байтдан иборат. Асарда муаллиф ўзининг жисмоний ҳаёти, отасининг руҳоний ҳаёти, Шамс Табризий, Салоҳиддин Заркуб, Ҳисомиддин Чалабий каби орифларнинг мақомотини баён қилади. Навоий ушбу асарни "Насойим улмуҳаббат"да Султон Валадга бағишланган бобда тилга олади.

ВАЛИ МУСАВВИР (15-аср) – Навоийнинг замондоши, наққош ва мусаввир. Мулло Вали қаландар номи б-н шуҳрат топган. Рассомлик ва наққошликдан ташқари, сулс ёзувини ҳам яхши билган. Зиёратгоҳ жоме масжидининг пештоқидаги сулс ёзувидаги катиба, Султон Ҳусайн Бойқаронинг иккита портрети, ов жараёни тасвирланган миниатюра, занжирбанд туянинг расми унинг қаламига мансуб. Руҳуллоҳ Мирак Ҳиравий ундан сулс ёзувини ўрганган.

ВАЛИ ҚАЛАНДАР (ваф. 1474, Шероз) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Абулқосим Бобур хизматида бўлгани, бетакаллуф, қўрқмас ва беҳаё киши экани, сўзамол нотиқлар орасида савиясиз шеърлари б-н танилганини таъкидлайди. Жаҳоншоҳ Қорақуюнлининг ўғли Мирзо Пирбудоғ Абулқосим Бобурни енгганидан кейин (1458) бир гуруҳ одамларни, жумладан, В.Қ.ни ўзи б-н Шерозга олиб кетган. Давлатшоҳ Самарқандий В.Қ.нинг ғазалларига ижобий баҳо берган. "Мажолис ун-нафоис"да Навоий "яхши воқеъ бўлубтур", деб унинг қуйидаги байтини келтиради:

Наям малулки, корам наку нашуд,
бад шуд,
Шавад шавад, нашавад, чў машав
чи хоҳад шуд.

(Мазмуни: Ишим яхши бўлмай, ёмон бўлганига хафа эмасман, бўлса бўлар, бўлмаса бўлмас, охири қандай бўларкин?) В.Қ. Шерозда вафот этган.

ВАЛИД БИН АБДУЛЛОҲ САҚҚО (ваф. 977) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Зуннун Мисрий б-н суҳбатда бўлган. У фақр тушунчасига шундай таъриф беради: "фақр исми шундай кишигагина нисбат берилурким, Ҳақ таолонинг ёдидан ўзга нарса хотирида бўлмагай." Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ВАРАЪ – парҳез, тақво. Ҳаром, шубҳали, маънавий зарар келтирадиган нарсалардан сақланиш. Шиблийнинг таъбирича, В.нинг уч кўриниши бор: 1) тил В.и, яъни тилни бемаъни гаплар учун ишлатмаслик, ёлғон, ғийбат ва туҳматга берилмаслик; 2) кўз В.и – шубҳали нарсалардан сақланиш, нафсни қутқуга соладиган, жунбушга келтирадиган тасвир ва шаклларга боқмаслик; 3) қалб В.и – ҳимматсизликни тарк этиш, нохуш ва ножўя қилиқлар қилмаслик. Кўнгил маън этган жамики нарсалардан парҳез қилиш, тамаъдан сақланиш, маҳрумиятдан қўрқишдан ҳазар қилиш.

"Насойим ул-муҳаббат"да Бишр Ҳофий, Муҳаммад бин Абулвард, Олим бин Саъд, Абулаббос бин Ҳамза бин Муҳаммад, Абубакр Заққоқи Сағир, Абу Али Хайрон, Иброҳим бин Шайбон Кирмоншоҳий, Абулмузаффар Тирмизий, Жалолиддин Маҳмуд Зоҳид Мурғобий, Шайх Шоҳ Бидвозий, Ҳафса бинти Сирин каби суфийлар В. бобида ўз даврининг тимсоли бўлганликлари қайд этилган.

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлига май,
Тутарбиз аҳли вараъ, кимки ани
тутса мубоҳ.
("Гаройиб ус-сиғар", 103-ғазал)

ВАРРОҚ, Абулҳусайн Муҳаммад бин Саъд (ваф. 932) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопурнинг улуг шайхларидан. Шайх Абу Усмон Ҳирий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ВАСЛ ҚУШИ – Навоий шеъриятида ошиқ б-н маъшуқнинг жуда тез вақт ичида ўтиб кетадиган висол лаҳзаларини ифодалашда қўлланилган поэтик восита:

Кузларим донаю суйиғ келур васл қуши,
Лек тутмоққа ул ой туррасидин
дом керак.
("Бадоеъ ул-васат", 334-ғазал)

ВАҚФ (ар. васият қилинган, хайрия қилинган мулк) – масжид, мадраса ва шу каби бошқа диний муассасалар учун мулкдор шахс ихтиёрий равишда берган молмулк. В. вақф қилувчининг тириклик чоғида молини ўз мулкида, агар вафот этса, ворислари мулкида доимий қолиши ва ундан келган фойдани садақа қилиш учун тутиб туришдир. "Умар (р.а.) Хайбардан бир ер олдилар-да, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қошларига келиб: "Мен бир ер олдимки, илгари ундан кўра яхшироқ мулкни сира олган эмасман! Уни нима қилишни буюрасиз?" дедилар. У зот (с.а.в.): "Агар истасанг, аслини олиб қолиб садақа қилгин!" дедилар. Мазкур қоидага мувофиқ В. қилинган мол В. қилувчининг мулкидан чиқмайди, агар мулкидан чиқса, қозининг ҳукмига мувофиқ тасарруф этилади. В.ларнинг В. қилувчи мулкидан чиқишининг шарти уларнинг мутаваллийга – В.ларни идора этувчига топширилишидир. Мулкчиликнинг бундай шаклида мулкдорнинг В.дан келадиган фойданинг бир қисмини тириклигида ўзига сарф қилишни, вафотидан сўнг фақирларга сарф қилишни ва ўзи саломат бўлган вақтда В.га шахсан мутасорриф бўлишни ихтиёр этиши маъқул кўрилган. Бордию В. дан келадиган фойда сарф этиладиган ўрин (масалан, мадраса) ёпилса ёки тугатилса, фойда фақир мусулмонларга сарф этилган. Одатда, ер-сув, масжид, мадраса, уй-жой, турли бинолар, боғ-рог, булоқ, бозор расталари ва майдонлари каби кўчмас мулклар В. қилинган бўлса-да, баъзан кучиб юрадиган моллар, масалан, Қаломуллоҳ, бошқа китоблар ва турли шунга ўхшаш одамларга фойда келтирувчи нарсалар ҳам В. қилинган. Мусарриф В.ни таъмирлаш ишларидан бош тортса ёки фақирлиги сабаб таъмирлай олмаса, қози В. молни ижарага бериши, ундан олинадиган ижара ҳақи билан таъмирлаш ишларини бажариши мумкин. В. биносидан чиққан эски нарсалар – ғишт,

ёғоч, эски идиш-тавоқ, пиёлалар В. мулкига сарфланган, агар ҳожат бўлмаса, сотиб бино таъмирига харжланган, аммо ҳеч қачон бундай буюмлар В. насиба олувчиларга сарфланган эмас, чунки улар В. молнинг зотидан бўлиб, фақирларнинг ҳақлари эса В.лардан келадиган фойдада, деб ҳисобланган. Таомилга кўра, В.лар мол-мулкнинг идора тартиби тўла баён этилган вақфия (ёки вақфнома) номли ҳужжат билан расмийлаштирилган.

Вақф мулклари Ўрта Осиё, умуман, Шарқ давлатларида жуда кенг тарқалган мулкчилик шаклларидан бири бўлган. Вақф араб халифалиги энди вужудга келаётган даврдаёқ юзага келди ва кейинчалик барча мусулмон мамлакатларида кенг кўламда тарқалди. У, айниқса, ўрта асрларнинг охирида жуда чуқур илдиз отди. Вақф мулкчилиги қонун-қоидасига кўра, мулкини вақфга топширган шахс мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Аммо мулкдорнинг ўзи ёки оила аъзоларидан бири вақфлардан тўғри фойдаланилаётганини назорат қилиш мақсадида эгалик ҳуқуқини сақлаб қолиши ёки даромаддан нафақа олиб туриши мумкин. Белгиланган вақф мулкларини вақфномада номи кўрсатилган мутавалли – бошқарувчидан ташқари шариат қоидасига кўра ҳукмдор ёки қози назорат қилган. XIV–XV асрлар темурий ҳукмдорлар даврида ҳам шоҳлар томонидан ишончли амалдорлар, саркардалар ва сарой аъёнларига суюрғол тарзда уларни рағбатлантириш ҳамда жойларни ободонлаштириш, таъминотини йўлга қўйиш мақсадида катта-катта ерлар, мол-мулкларни тортиқ қилиш урф бўлган. Амир Алишер ҳам ўз даврида темурийзода Ҳусайн Бойқаронинг амирул муқарраби сифатида турли иноят ҳамда тортиқларга сазовор бўлган.

"ВАҚФИЯ" – Алишер Навоийнинг ўз мол-мулки маданий-маърифий ҳамда хайрия ишлари учун сарф этилгани ҳақида ёзган биографик асари. *Вақфия* атамаси луғавий маънода *туриш, турмоқ, қўзғалмас*, истилоҳий маънода *ҳадия, инъом, назр, бахшиш, туҳфа* маъноларини англатувчи арабча *вақф* сўзидан ҳосил бўлган ва *вақфнома, вақф васиқаси, мол-мулкнинг вақф эканлиги тўғрисидаги ҳужжат* маъносини ифодалайди.

Навоийнинг В. ерларига бағишланган асари "Вақфия" деб аталади. "В." Навоий томонидан барпо этилган хонақоҳ, мадраса, масжид каби жамоат муассасаларига вақф қилинган ер, боғ, бозор расталари ва уларни бошқариш тартиби, бурч ва вазифалар ҳақида битилган қисқача тарихий-биографик асар, аммо мулкнинг вақф қилингани ҳақидаги ҳақиқий ҳужжат эмас, балки вақф мулкчилиги қоидалари асосида форс тилида ёзилган ҳақиқий вақф васиқаси ҳақидаги, кўпроқ шоирнинг таржимаи ҳолини акс эттирувчи, хасби ҳол характеридаги асардир. Муаллиф асар хотимасида унинг ёзилган йили тўғрисида шундай дейди:

Юз шукрки, бу қъалар мукаммал бўлди,
Вақфи бу ҳудудким, муфассал бўлди.
Секкиз юз эдию сексон олти тарих,
Вақфияси ул кунки, мусажжал бўлди.

Демак, асар ҳижрий 886, милодий 1481–1482 й.да ёзилган. Бу пайтда Навоий "Илк девон", "Бадоеъ ул-бидоя", "Наводир ун-ниҳоя" каби девонлари б-н танилган, ўн уч – ўн тўрт йиллик сиёсий фаолиятни ўтаган, ҳам бадиий ижод, ҳам ижтимоий ҳаёт борасида катта тажриба тўплаган, "Хамса" ёзишдек ижодий баркамоллик даражасига етишган эди. Алишер Навоий давлат арбоби сифатида ўз фаолиятида асосий эътиборни мамлакатда тинчлик ўрнатиш, халқ фаровонлигини таъминлаш ҳамда маданий тараққиётга қаратган эди. Навоий кўзлаган асосий мақсад – юрт ободлиги ва Ҳиротни даврнинг илғор маданий марказига айлантириш бўлган. Шу боис Навоий давлатдаги ҳуқуқ ва имкониятларини илму маърифат, санъат аҳлига ҳомийлик ва ободончилик, қурувчилик, турли хайрия ишларига йўналтиради. Бу йўлда қисман хазинадан, подшоҳ тақдим этган суюрғол ва ҳадиялардан ва отасидан қолган меросдан келган катта даромаддан фойдаланади. Фақат Ҳиротда эмас, Машҳад ва бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб ободончилик ишларини амалга оширади. "В."дан маълум бўлишича, Навоийнинг вақф соҳасидаги ишларининг асосий қисми "В." ёзилгунга қадар амалга оширилган. Амир Алишер 1476 й. вазирлик

лавозимидан бўшагач, унда яна адабий фаолият б-н шуғулланиш имкони пайдо бўлади. Айниқса, 1476–1481 й.лар оралиғида мулкчилик борасидаги амалий ҳаракатларни жадаллаштиради ва унга шартли якун сифатида бадиий характердаги биографик асар – "Вақфия" юзага келади.

Мазкур асарнинг Навоий томонидан айни шу йилларда ёзилиши ва бундай ном б-н аталишининг ўзига хос сабаблари мавжуд. "Вақфия" ёзилишининг биринчи сабаби – ўзининг кўп йиллик саройдаги фаолияти давомида тўплаган тажрибалари, улардан чиқарган хулосалари б-н ўртоқлашиш эди; иккинчи сабаб – сиёсий фаолияти давомида ўзи асосланган қонда ва принципларни изоҳлаш эди; учинчи сабаб – гарчи Навоий қўлида тўпланган катта мол-мулкнинг вақф қилинганлиги тўғрисида форсий вақф васиқаларида батафсил ёзилган бўлса-да, ижодкор сифатида муаллифнинг ўзи ҳам бу ҳақда бирор нарса ёзмаслиги мумкин эмас эди, мазкур тақозо ҳам асарнинг ёзилишига сабаб бўлган; тўртинчи сабаб – Навоийнинг халқ фаровонлиги, осойишталиги ҳамда маданий тараққиёти ҳақидаги юксак мақсадлари эди; бешинчи сабаб – Навоий ҳаётда амал қилган фақр маслаги б-н боғлиқ бўлиб, унга кўра фақр сифатини талаб қилган инсон ҳам моддий мулк ва кўринишда, ҳам маънавий қиёфа борасида пок ва оддий бўлиши керак эди. Навоий "В."да бунга ишора қилиб шундай ёзади: "*Яна ул эрдиким, чун ул ҳазрат ҳукми жиҳатидин ва таклифи сабабидин маош мазраси ёбис қолмасун деб, бирор нима зироатқа иштиғол кўргуздим. Чун ул ишимда қила олғунча шариат жониби маъри ва инсоф тарафи малҳуз эрди, Тенгри иноятидин кўп маҳсуллар ҳосил ва ганиматлар восил була кириштти. Бу жумладин ўз маошимға сойир авомдин бирининг маоши ўтгунча иссиқ–совуқ дафъи учун бир турма тўн даги мунга муносиб емакка қонеъ бўлиб, қолғонининг баъзисин ул ҳазратнинг мулозамати маслаҳати учун, келиш-боришға ва навкар ва муаллақлар улуфасиға ва черик ярогиға сарф қилдим...*" Мазкур сабаблардан Навоийнинг 1481 й.га қадар бўлган ҳаёт йўли, орзу ва армонлари "В." мазмунини ташкил этиши англашилади.

Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида бошқа йирик асарлари ҳақида муҳим маълумотларни келтиради, аммо баъзи кичик ҳажмли асарлари тўғрисида, жумладан, "В."га ҳам тўхталмайди, уларга "расоилга қалам сурупмен" тарзида ишора қилади. "В." ҳамд, наът, ҳукмдор мадҳи, хасби ҳол каби қисмлардан иборат каттагина муқаддима б-н бошланади. Асар фақат насрий йўл б-н битилган эмас, унда *назм, маснавий, рубоий, байт, мисра* номлари б-н аталган шеърий парчалар ҳам учрайди. Муқаддима Шарқ бадиий ижодида бўлгани каби анъанавий характерга эга бўлиб, унда ифодаланган Аллоҳнинг холиқлиги, бир у борлиги, одиллиги, хотами расулнинг шафоатпарварлиги, юрт ҳукмдорининг оқилу доно лиги, одиллиги борасидаги қарашлар Навоийнинг ўз ҳасби ҳолига келиб туташади.

Навоийнинг таъкидлашича, Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагач, мамлакатдаги кўлгина ишлар ўз ўрнига тушган. Жумладан, ҳокимият бошқарувида фаол қатнашган барлосий, арлотий, тархоний, қиёт, қунғирот, уйғурий, уйғур, чўли, жалойир, қавчин каби уруғларнинг давлат бошқарувидаги бурч ва вазифалари тўғри ҳал этилган, уларнинг ҳар бирига ўзига муносиб вазифа тайин этилган. Навоий ота-боболари ҳам темурийлар хизматида бўлиб, улуғ мартабаларга сазовор бўлган бўлса-да, ўзида давлат ишлари ва бирор бир мансабга интилиш бўлмаганини, бу борада ўта тажрибасиз эканлигини айтади. Ҳали ўзининг сарой хизматига чақирилмасдан илгариги ҳаёти ва режалари хусусида шундай дейди: "*...аммо бу ҳақир ҳеч навъ хизматқа ўз қобилиятимни ченамаган жиҳатдин ва ҳеч гурлук машаққатқа ўз қувватимни англамоғон сабабдин борча таманно эшигин юзумға мадрус ва жамъи муддаолар аббобин илайимга масдуд қилиб эрдим. Хаёлим буким, чун оламнинг хиёнати ва олам аҳлининг диёнати равшан ва жаҳоннинг ишванамо ажузасининг вафосизлиғи ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиғи муайяндур.*" Яъни Навоий халойиқдек зоҳир ҳузури учун жаҳоннинг ғурур жомини ичиш ниятидан холи бўлган. Аммо кўп вақт ўтмай Ҳусайн Бойқаронинг таклифи б-н сарой хизматига ўтади.

Навоий саройдаги хизматининг дарёға қатра мададкорлиғидек эканини билса-да, сидқ ва сафо билан хизмат қилишга тиришган. Оз фурсатда Ҳусайннинг ваҳий асарлик сўзи ва илҳом хосиятлик ваъдасидек эътибор қозонган, нуфузга эга бўлган. Буни ўзига улуг мартаба ҳам ҳисоблаган:

Иқбол мутиу бахт ёвар бўлди,
Хуршед раҳию сипеҳр чокар бўлди.
Олам элидин кимга муқаррар бўлди
Бу мартабаким, манга муяссар бўлди.

Навоий Ҳусайн Бойқаро кўрсатган илтифотлар қаршисида катта масъулият сезиб бир оз тараддудда ҳам қолган, аммо хирад пири унга далда бериб, хизматга руҳлантирган. Навоий бу даврдаги саъйу ҳаракатларининг асосий мақсади ва мазмуни ҳақида шундай дейди: "...мен ҳақири нотавон дағи ақл гириҳкушойлиғи ва тавфиқ раҳнамойлиғи била ул ҳазратнинг қуллиғида неча навъ хизматким, дунё суди андин пайдо ва охират беҳбуди андин ҳувайдо бўлғай, ўзимға лозим туттум ва неча навъ ишким, халойиқ дуосиға боис ва холиқ ризосиға сабаб бўла олғай, қошимда муқаррар қилдим. Ва Тенгри иноятидин бу ишлар борча муяссар бўлди".

Бу ўринда Навоий ўзига муяссар бўлган ишларнинг еттитасини бирма-бир санаб ўтади, алоҳида таъкидланган ушбу етти иш, аслида, Амир Алишер саройда амал қилган муҳим етти принцип, мезон эди. Навоийга муяссар бўлган ишларнинг биринчиси шу эдики, кўнглидан султон хаёлидан бошқа барча нарсани ихрож қилиб, бутун ёдини шоҳ хизмати б-н банд қилган.

Унга муяссар бўлган иккинчи иш эса кўп ишларга имконияти бўлгани ҳолда хизмати давомида кўриши лозим бўлмаган нарсани кўрмасликка, эшитиши лозим бўлмаган сўзни эшитмасликка, бориши керак бўлмаган жойга бормасликка, айтиши лозим бўлмаган гапни айтмасликка ҳаракат қилиши эди.

Бу борадаги учинчи иш шу эдики, Навоий хизмат даврида ҳеч қачон ўз манфаати ва мақсадини ўйлаган эмас, нимаики қилган бўлса, барчаси фақат Тангри учун, яна шоҳ Ҳусайн ва мусулмонларга яхшилик бўлиши учун эди.

Тўртинчи иш шу эдики, мамлакатда подшоҳ ўрнатган тартиб-қоида ва адолат мезонларига зид ҳар қандай ҳаракат ва ҳолатлар, муаммолар юзасидан шоҳни огоҳ этиш ва чора-тадбирлар масаласида мунтазам маслаҳатлашиб бориш эди.

Бешинчи иш шу эдики, қўлидан келганча зулм тиғини парчалаб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамини қўйиш, қўлидан келмаганини эса шоҳга арз қилиш эди.

Олтинчи иш шу эдики, улус ичида улуғлардан оддий фуқарогача бўлган барча одамларнинг Навоийга иши тушмагани оз бўлган, аммо бундай ишлар учун ҳақ тилаб миннат қилмаслик, миннатдорлик сифатида иш ҳақи учун бирор нарса тутганларида қабул қилмаслик эди.

Еттинчи иш шу эдики, Навоий шоҳнинг буйруғи ва таклифи сабабли деҳқончилик билан шуғулланган, бундан каттагина даромад келган. Мазкур даромадларнинг бир қисмини подшоҳ хизматига, бир қисмини дуогўй ва тақводорларга етказган. Ўз тирикчилиги борасида оддий бир одамнинг тирикчилигига етадиган даражада харж, иссиқ-совуқдан асрайдиган бир турма тўн, яна шунга яраша озуқа билан чекланган. Тирикчиликка керакли барча нарса ва ҳамма лозим ишлардан ортган қисмига хайрли бинолар қурдирган ҳамда ушбу ишлардан ҳосил бўлувчи хайрни шоҳ Ҳусайнга атаган.

Шу муносабат б-н Навоий ўзи қурдирган бинолар ҳақида аниқ ва қисқа маълумот бериб ўтади. Ҳусайн Бойқаро ҳижрий 881, милодий 1476 й. Марғани кўшки ёнида Навоийга сарой ва ҳовли қилиш учун ер инъом этган, бу ер Ҳиротнинг шимол томонида эди. Унинг этагида тоши нозик ва тупроғи хушҳид тоғ бўлган. Навоийга ажратилган ер шу тоғ б-н Марғани кўшки орасида жойлашган. Навоий у ерда ўттиз жериб ерга девор тортиб, сарой қурган. Ҳовлисига дарахтлар экиб боғ қилган ва бу хушҳаво боққа Ҳусайн Бойқаро ҳам бир неча бор ташриф буюрган. Марғани кўшки анча илгари асоси тош ва девори ғиштдан икки қаватли қилиб қурилган эди. Аммо у хароба ҳолда бўлган. Навоий бу бинони буздириб ўрнига мадраса солдирган. Мадрасанинг қибла томонида маҳалла аҳли беш вақт намоз ўқиши учун масжид қурдирган. Сўнг мадраса тўрида бир гумбаз ясалган.

Бу гумбазда Исонафас қорилар пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳақларига уч пора калом ўқиб, подшоҳни дуо қилганлар. Шунга мувофиқ бу гумбаз "Дор ул-ҳуффоз" – ҳофизлар уйи деб аталган. Бу ерда яна шу нарса белгилаб қўйилганки, мадрасанинг шарқий ва ғарбий суффасида икки мударрис (ўқитувчи) – бири ислом таълимоти ва унинг қоидалари, бири ҳадис ва унинг шарҳларидан дарс берган. Ҳар дарс ҳалқасида ўн бир толиби илм (ўқувчи) қатнашган. Бу мадраса холислик б-н қурилгани учун "Ихлосия" деб номланган.

Яна "Ихлосия" қаршисида, катта кўча ёнида бир хонақоҳ қурилган, унда ҳар куни камбағаллар ҳамда шу ерда яшовчиларга таом, ҳар йили эҳтиёжи борларга кийим тарқатилган. Кейинчалик ушбу хонақоҳнинг жанубида гумбаз барпо этилган. Ерли халқ ва жомеъ орасида бир оз масофа бўлгани учун бу гумбаз қиш ва ёзда қийинчилик туғилиб масжидга келолмаганларга намоз ўқишга қулайлик туғдирган. Шу тариқа мазкур хонақоҳ ва гумбазда жума намозлари ўқилган. Хонақоҳ иморати одамлар кўнглидаги иккиланишдан қутқаргани, ҳар қандай юзакилик ва ғашдан холи қилгани учун "Халосия" деб номланган.

Бойқаро даврида Ҳирот ва унинг атрофидан Навоийга бир қанча ғаллазор, дўконлар, боғ, ер ва кориз мулк қилиб берилган бўлиб, уларнинг олди-сотдисида шариат қоидасига қатъий амал қилинган. Бу мулклар Навоийнинг ихтиёри қўлида катта даромадлар тўпланишига сабаб бўлган. Бу мулкларнинг қурилган жамоат иншоотлари учун вақф қилиниши, уларда яшовчилар вазифаси ҳамда барча озиқ-овқат, тирикчилиги ўша мулклардан келиб чиқиши ҳамда шарт қилинган қўлланма ("Вақфия") асосида сарф қилиниши махсус таъкидланган.

Муқаддима сўнгида Навоий Ҳусайн Бойқаро даврида кўплаб мақсадлари амалга ошганини мамнуният б-н қайд этса-да, икки орзуси ҳануз амалга ошмаганини алоҳида таъкидлайди. Буларнинг биринчиси, муборак сафар – ҳажга бориш бўлса, иккинчиси, Ҳусайн Бойқаро зикри ва мадҳида махсус катта-кичик асарлар яратиш эди. Бироқ авом халқ ташвиши Навоийга мазкур орзуларни амалга ошириш имконини бермаган.

Навоий муқаддимадан сўнг вақф сифатида ажратилган мулклар тўғрисида қисқача маълумот беради. Чунки Навоий вақф қилган мулкларнинг тўлиқ тафсилоти форс тилида ёзилган вақфиялар – вақф васиқаларида битилган эди. Унда вақф мулкчилиги қоидасига мувофиқ подшоҳ ва қози муҳридан тортиб оддий халқ гувоҳлигига қадар барча ҳужжатлар ўз аксини топган. Навоий вақф мулклари тўғрисида қисқача муълумот берганда асосий эътиборни тўрт жиҳатга қаратади:

1) вақф мулки сифатида ажратилган ер, жой, боғ, сарой, шаҳар, кориз кабиларнинг майдони ва жойлашган ўрни;

2) вазифадорлар ва уларнинг маоши, тирикчилиги; масалан, икки ҳалол олим-ўқитувчининг йиллик иш ҳақи икки юз олтин нақд, йигирма тўрт юк ошлиғ, шундан учдан бир қисми арпа, икки қисми буғдой бўлган. Йигирма икки талабанинг олтитаси аъло ўқиса, ҳар бирига ойлик нақд йигирма тўрт олтин, йилига беш юк буғдой; саккиз ўртача ўқийдиган талабанинг ҳар бирига нақд ўн олти олтин, йилига тўрт юк буғдой берилган; паст ўқийдиган ҳар бир талаба ойда нақд ўн икки олтин, йилига уч юк ошлиғ олган.

3) равотиб, яъни вақф мулклари б-н боғлиқ ишларни юритадиган хизматчиларга вақти-вақти б-н, асосан, хайрли ойларда бериб туриладиган маош, нафақа ва шу каби моддий ёрдамлар ҳақида;

4) шароит, яъни вақф мулкларини идора қилишда амал қилиниши лозим бўлган шарт ва вазифалар ҳақида. Бу борада Навоий алоҳида ва қатъий таъкидлаган шарт шу эдики, мутавалли – вақф мулкларини бошқарувчи вақф васиқасини ҳар ўттиз йилда қайта кўчириши ва бирор жойига ўзгартириш киритмаслиги зарур. Асар гарчи "В." деб аталса-да, Навоий унда вақф қилинган мулклари тўғрисида жуда қисқа – бир-икки саҳифада маълумот беради, қолган қисми ўз ҳаёти ҳақида.

Алишер Навоийнинг "В." асари шоирнинг хайрия ишлари ва вақф қилдирган мулк, ерлари ҳақида маълумот бериш б-н бирга Навоийнинг султон Ҳусайн Бойқа-

ро саройидаги ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи қимматли манба сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ас.: Алишер Навоий. Вақфия. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1998, 14-ж; *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 9-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

Дисс.: Шамсимуҳамедов И.У. Алишер Навоийнинг "Вақфия" асари адабий ёдгорлик сифатида: ф.ф.н., Т., 1991.

ВАҲДАТ МАЙИ, ваҳдат шароби, майи тавҳид – Аллоҳнинг ягоналигини ҳис қилишга эриштирадиган илоҳий маърифат. Ҳақ ишқи ва жазбаси. Ҳақ зотида маҳв бўлиб, ҳар қандай моддиятдан тамомила узилиш. Ривоятга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом меърож кечаси Аллоҳ таоло ҳузуридаги илоҳий майдан татиб кўрган эканлар. Шунинг учун ҳам у зотнинг: "Менинг ҳузуримда илоҳий май бор", деб айтганларини нақл қиладилар. Яссавий издошларидан Султон Аҳмад Ҳазиний "Манба ул-абҳор фи риёз ул-аброр" ("Яхшилар боғларидаги денгизлар манбаси") асарида ҳазрати пайғамбарнинг ушбу сўзларига ишора қилади.

Навоий ғазалларида ҳам В.м., бодаи ваҳдат ибораларига кўп дуч келамиз. Мас., қуйидаги байтида ваҳдат ва касратни ўзаро қиёслаб, ваҳдат бу ҳақиқат аҳлининг майи, касрат эса кўнгилга юзланадиган ғамдир дейди:

Вале аҳли ҳақиқатқа май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур
кўнгулга хутур.

Маълум бўладики, Алишер Навоий В.м. орқали илоҳий маърифатнинг энг олий даражасини назарда тутади.

Яна бир байтида эса В.м. ҳар қандай ғам ва мушкулликларни осон қилишини таъкидлайди:

Навоий, бўлса меҳнат кўп, ичакур
жоми ишрат кўп,
Неча бўлса суубат кўп, қилур
ваҳдат майи осон.

("Наводир уш-шабоб", 491-ғазал)

ВОМИҚ ВА УЗРО – Унсурийнинг шу номдаги достонининг қаҳрамонлари. Давлатшоҳ Самарқандий В. ва У. қиссасининг тарихи Анушервон Одил давридан бери халқ орасида мавжуд бўлиб, уни 11-асрда ғазнавийлар саройининг шоири Унсурий мутақориб баҳрида шеърий шаклга солганлиги, Унсурий достонининг тўлиқ матни маълум эмаслиги, аммо мавжуд матндаги аксар қаҳрамонларнинг исми юнонча экани, воқеалар ҳам Искандар Зулқарнайн даврида бўлиб ўтгани, бу қисса аслида паҳлавий тилига юнон манбаларидан таржима қилинганлиги ҳақидаги фаразни илгари суради. Мумтоз ад-тда Вомиқ – садоқатли ошиқ, Узро – гўзал маҳбубанинг тимсоли сифатида қўлланилади.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду
Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бўлғажаброқ
достоне топмадим.

("Ғаройиб ус-сиғар", 412-ғазал)

ВОРИД – соликнинг қалбида саъй-ҳаракатсиз, ғайб оламидан пайдо бўладиган маънолар. Бу маънолар солик кўнглида пинҳона пайдо бўлади. Саҳиҳ В. илм ва маърифатга оид тушунчаларнинг кашф этилиши б-н боғлиқ. Руҳоний В. эса солик кўнглида ибодат иштиёқини кучайтиради. Фосид (бузуқ) В. нафс шодлиги ва такаббурлик пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шайтоний В. эса инсонни гуноҳга даъват этадиган васвасадан иборат.

"Насойим ул-муҳаббат"да Ахий Али Деҳистонийнинг фосид В. туфайли кўп машаққат чеккани ва бу руҳий ҳолат Шайх Рукниддин Алоуддавла Симноний томонидан бартараф этилгани ҳақида ҳикоят берилган.

"ВОСИТАТ УЛ-ИКД" ("Жавоҳирлар тизилган шода") – Абдураҳмон Жомийнинг иккинчи девони. Унга киритилган лирик асарлар дебочасида келтирилган таърихга кўра ("таммамтаҳу"), 1480 – 1489-йилларда ёзилган "В." кисқача дебоча, 22 қасида, 1 таркиббанд, 493 ғазал, 1 баҳри тавил, 53 қитъа, 75 рубоий, 22 муаммодан иборат (жами 4478 байт). Навоий "В."ни "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида – Жомий асарлари рўйхатида келтиради.

ВОСИТИЙ, Абубакр Муҳаммад бин Мусо (вафо. 932) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ибн ул-Фарғоний номи б-н машҳур бўлган. Куфа, Бағдод ва Аҳвоз ш.ининг ўртасида жойлашган Восит ш.да туғилган. *Жунайд Бағдодий*нинг шогирди. *Абулаббос Сайёрий* унинг ягона муриди бўлган. Тас.га тавҳид назариясини татбиқ этган. Ироқ ва Нишопурда яшаб, умри охирида Марвга келиб, ўша ерда вафот этган. Қабри Абулҳусайн Нурийнинг ёнида. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

ВОСИФИЙ, Зайниддин Маҳмуд ибни Абдужалил (1485, Ҳирот – 1551/56, Тошкент) – адиб, олим. Ўз даврининг асосий илмларини эгаллаб, ўткир зеҳни ва тенгсиз қобилияти туфайли муаммо айтиш ва ечишда шуҳрат қозониб, 16 ёшида Навоийнинг эътирофига сазовор бўлади. Иншони сажъ услубида ранг-баранг санъатлар б-н безаб ёзишда унга ҳеч ким тенг келолмаган. Мадраса хатмидан сўнг Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Фаридун Ҳусайн Мирзога котиблик, бошқа ўғилларига устозлик қилган.

Ҳирот аввал шайбонийлар (1507), кейин сафавийлар (1510) томонидан истило қилиниб, ўзаро урушлар майдонига айлангач, В. аввал Машҳад ва Нишопур сари йўл олади. 1512 й. эса Мовароуннаҳрга келади. Самарқанд, Бухоро, Туркистон, Тошкент ш. ларида яшайди.

Котиблик, мударрислик қилиб кун кечиради. 1522 й. Келдимуҳаммадхон саройига йўл топади. У Бухоро хони Убайдуллохон ҳузуридаги адабий мажлисларда ҳам иштирок этган.

Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилган.

В.га "Бадоеъ ул-вақоеъ" ("Ғаройиб воқеалар") асари шуҳрат келтирди. Хотира тарзида ёзилган мазкур асар Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий, маданий-адабий ҳаёти, турли халқларнинг турмуши, урф-одат ва анъаналари, шоҳу амалдорлар, олиму адиблар ҳақида кенг маълумот бериши б-н катта илмий аҳамиятга эга. Ундан Навоий б-н боғлиқ кўп маълумот, ҳикоят ва нақллар ҳам ўрин олган. Асар ўзбек тилига Н.Норқулов томонидан қисқартирилган ҳолда таржима қилинган.

ВОФИР (ар. – мўл, фаровон) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб ад-тида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. Унда ҳаракатли ҳарфлар, яъни қисқа ҳижолар чўзиқ ҳижолардан кўпроқ бўлганлиги ва араб шеърларининг аксарияти ушбу баҳрда битилганлиги учун шундай аталган. В. баҳри *мафоилатун (V–VV–)* аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Араб шеъриятида В.нинг барча рукнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ижодида истифода этилмаган. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да В.нинг битта мусамман ва битта мусаддас рукнли (жами 2 та) вазнларини мисоллар б-н келтириб ўтади:

Т/р	Вазн номи	Руклари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Вофири мусаммани солим	мафоилатун мафоилатун мафоилатун мафоилатун , V –VV–/ V –VV–/ V –VV–/ V –VV–	Фирок ўтидин куяр баданим, тафидин эриб окар жигарим, Гамим будурурки, боғланибон юзунг сори тушмагай назарим.
2	Вофири мусаддаси солим	мафоилатун мафоилатун мафоилатун, V –VV–/ V –VV–/ V –VV–	На фурқат эрур сенсизин ўртанур юраким, Не бўлгай агар манга гузар айласанг, мираким.

Г

ГАБР (ф.) – оташпараст, зардуштийлик динига эътиқод қилувчи кимса, мажус. Тас-ий ад-тда ўзидан бехуд бўлган ҳамда илоҳий муҳаббат шамъи оташида парвонадек ўзини фидо қилмоққа тайёр, саргашта ошиқ назарда тутилган.

Май ичти деб, мени ёзғурманг,
эй мусулмонлар
Ки, раҳматидин эмас ноумид
габру жуҳуд.
("Ғаройиб ус-сиғар", 116-ғазал)

"ГАВҲАРНОМА" – Хожу Кирмоний (1281–1352) "Хамса"сининг 5 достони. 1345 й.да ёзилган. 1340 й.да Кирмонни эгаллаган Баҳоуддин Маҳмуд исмли вазирга бағишланган. Асар моҳиятан шажаралар тавсифига бағишланган бўлиб, 1032 байтдан иборат. Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ўз асарлари номини, жумладан, "Лайли ва Мажнун" достонини келтириб, унга боғлиқ ҳолда Хожу Кирмоний достонини ҳам тилга олади.

ГАДОИЙ (15-аср) – ўзбек шоири. Асл исми номаълум. Ҳиротда яшаган. 1403-04 й.да туғилганлиги тахмин қилинади. Г. номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олиниб, Навоий унинг Абулқосим Бобур Мирзо даврида яшаганлигини, туркигўй эканлигини, ўз даврида шуҳрат қозонганлигини айтади ва машҳур матлаъларидан бирини келтиради:

Оҳким, девона кўнглум
мубтало бўлди яна,
Бу кўнгулнинг илгидин
жонға бало бўлди яна.

"Мажолис ун-нафоис"да Г.нинг ёши 90 дан ошганлиги ҳақида ҳам маълумот келтирилган. Шунингдек, Навоий Г.ни "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ҳам эслаб, туркий тилда юзага келган шеъриятнинг хуштаъб вакилларидан бири сифатида тилга олади. Г.дан бизгача бир девон етиб келган бўлиб, унинг ягона нусхаси Париж Миллий кутубхонасида 981 инвентарь рақами остида сақланади. Девон таркибидан шоирнинг 230 ғазал, 1 мустазод, 1 тугалланмаган қасида ва 5 қитъаси, жами 237 шеъри ўрин олган. Шеърларнинг умумий ҳажми 1487 байтдан иборат. Г.нинг қасидаси Шоҳрух Мирзонинг набираси Халил Султонга бағишланган.

ГАНГИРАМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон учинчиси. *Гангирамоқ кутилмаган ҳодиса туфайли эсанкирамоқ, саросимага тушмоқ; мувозанатини кучли даражада йуқотмоқ* каби маъноларни англатган мазкур феъл, асли, мувозанатни йўқотиш, эсанкираш ҳолатини ифодаловчи *га* – тасвир сўзининг кенгайган шакли *га – ир* сўзидан – *д* қўшимчаси б-н ясалган: га + ир // га ир + д // га ирд. Г. феъли Навоийнинг бошқа асарларида учрамайди.

ГАНЖ (ф.) – яшириниган бойлик, хазина. Тас.да бандалик мақоми ҳамда висол ва фанога етишмоқ маъноларида қўлланилади. Навоий шеъриятида Г. сўзи луғавий маъносидан ташқари, Худо, илоҳий хазина (инсон), донишманд зот, ҳусн ва гўзаллик мазҳари маъноларини ифодалаш учун ҳам қўлланилган.

Сендадур мақсуд ганжи, лек
жисмингдур тилсим,
Ваҳки, бу ганж ул тилсим ичра
ажаб ноёб эрур.
("Ғаройиб ус-сиғар", 140-ғазал)

ГАНЖИ БОДОВАРД (ф. – шамол олиб келган хазина) – Сосоний подшоҳ Хусрав Парвезнинг еттита хазинасининг иккинчиси. Ривоятга кўра, Рум Қайсари ўз хазинасини Хусрав Парвезга бермаслик, яшириб қолиш мақсадида оролга юбораётганида шамол тескари эсиб, кемани Эрон томонга буриб юборган ва хазина Хусравнинг қўлига келиб тушган. Шу сабабли бу хазина "Г.б." деб номланган.

Ел келтургач кўйи туфроғини,
топтим шоҳлиғ,
Эй Навоий, қил тамошо ганжи
бодовардима.
("Фавойид ул-кибар", 556-ғазал)

ГЕСУ/ГИСУ (ф.) – ўрилган соч. Тас.да маъно ва моҳият оламига элтувчи талаб йўли, шунингдек, орифнинг "Ҳабл ул-матин"и, яъни Қуръони карим оятларига оғишмай амал қилиши тушунилади:

Гесу санга бўлмишдур чун силсилайи
мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила
бирлан банд.
("Ғаройиб ус-сиғар", 114-ғазал)

ГИРШОСБ – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган Пешдодий ҳукмдор. Зоб бин Таҳмосбга қариндош. "Тарихи мулуки ажам"га кўра, она томондан Яъқуб пайғамбар (а.с.)нинг ўғли Ибни Ёмин (Бинёмин) га набира бўлади. Баъзи тарихий манбаларда Г. Рустам Достоннинг аждоди дейилса-да, аммо Навоий бу далилни асосли, деб айтмайди. У Афросиёб б-н бўлган урушда тўсатдан вафот этади. Шунда Золи Зар Зобулистондан қўшин тортиб, Афросиёбни Эрондан чиқариб юборади. Г.нинг салтанат муддати "Низом ут-таворих" ва "Тарихи Банокатий"да 20 йил, "Тарихи гузида" ва "Мунтахаб ут-таворих"да 6 йил, бошқа манбаларда эса 5 йил деб кўрсатилган.

Чу Гиршосб бўлди жаҳон хусрави,
Бор эрса яна шоҳлар пайрави.
Чиқорди ародин сипеҳри дижам,
Нечукким яна шоҳлар, они ҳам.
("Тарихи мулуки Ажам")

ГОЗУР ҲИРАВИЙ, Муҳаммад бин Абдуллоҳ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиротдаги жавонмардлик тариқатининг йирик намояндаларидан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ГОЗУРГОҲ – Ҳирот шаҳрининг шимолий томонида тог этагида жойлашган зиёратгоҳ. Шоҳрух Мирзо бу ердаги Хожа Абдуллоҳ Ансорий мақбарасини обод қилиб, зиёратгоҳга айлантиргани (1425-1427-й.) учун Ансория остонаси ҳам деб аталган. Айниқса, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Г. шаҳарнинг энг обод ва маъмур жойларидан бирига айланади. Султондан ҳаж сафарига ижозат ололмаган Навоий умрининг қолган қисмини Г.ни обод қилишга сарфлашга аҳд қилган. Ҳусайн Бойқаро бу ҳақда махсус буйруқ чиқарган (1499-й., Сарахс). Навоий Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозорининг шарқ тарафида хонақоҳ қурдирган.

"ГУЗИДА" – Ҳамидуллоҳ Муставфий Қазвинийнинг тарихий мавзудаги асари. Манбаларда "Тарихи гузида" ("Сараланган тарих") номи б-н ҳам тилга олинади. Асарда исломдан аввалги даврдан то 1330 й.га қадар бўлган воқеалар баён этилган. Навоий ушбу асар номини "Тарихи мулуки Ажам"да тарихий маълумотларни келтириш асносида бир неча ўринларда эсга олади.

"ГУЛИСТОН" – Саъдий Шерозийнинг машҳур асари, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири. 1258 й. Шерозда, шеърий парчалар б-н зийнатланган насри мусажжаъда ёзилган. "Г". тарбиявий-ахлоқий асар бўлиб, дебоча, саккиз боб ("Подшоҳлар сийрати баёнида", "Дарвешлар ахлоқи", "Қаноат фазилати", "Сукут фойдалари", "Ёшлик ва муҳаббат бобида", "Заифлик ва қарилик баёнида", "Суҳбат одоби") ва хотимадан иборат. Бобларнинг номланиши шартли бўлиб, ҳикоятлар замирида дўстлик, адолат, хоксорлик, вафо, саховат, бағрикенглик, кечиримлилик, олийҳиммат каби гўзал хислатлар кенг тарғиб

қилинган. "Г." кейинги давр ад-тига жуда катта таъсир кўрсатган. Форс ад-тида Маждиддин Хофийнинг "Хористон", Муиниддин Жувайнийнинг "Нигористон", Абдураҳмон Жомийнинг "*Баҳористон*" каби асарлари "Г." услубида ёзилган. "Г." асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган.

"Г." асари Навоий ижодига ҳам катта таъсир ўтказган. Бу таъсирланиш қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: 1) Саъдийнинг насрда яратган услубидан ижодий фойдаланиш; 2) "Г."нинг ҳикматларини ривожлантириб, янги мазмун-моҳият б-н бойитиш; 3) "Г."даги насрий ҳикоятларни шеърий услубда баён этиш ("Ҳайрат ул аброр"даги Ҳотами Тойи ҳақидаги ҳикоят); 4) "Г."нинг ҳикоятларни ҳикматли сўзга айлантириш; 5) "Г."даги ҳикматларнинг ўзбекча вариантини яратиш.

Навоий "Маҳбуб ул қулуб" асарини ёзганида "Г." услубидан маҳорат б-н фойдаланган. Шунингдек, "Г."да баён этилган ҳикматли сўзлар, ибратли ҳикоятлар таъсири Навоийнинг бошқа асарлари, айниқса, қитъаларида яққол сезилади. "Г."нинг Навоий ижодига кўрсатган таъсири Ш.Ҳайитов, А.Абдуллаев, С.Ғаниева томонидан ўрганилган.

ГУЛОБ – гул суви, атиргул япроқларидан тайёрланадиган хушбўй ичимлик:

Соқиё, лаъл уза хай кўрубон бехудмен,
Майға мамзуж гулоб айлаб,
ани юзума соч.
("Фавоийд ул-кибар", 100-ғазал)

2. Гул баргидаги шабнам ёки ёр юзидаги ҳаё:

Терлаган лаъли гулоб ичрамудур
гул барги
Йўқса усрук кузму солди арақ
ичра набот.
("Гароиб ус-сиғар", 83-ғазал)

3. Ошиқнинг ҳижронда тўккан қонли кўз ёшлари:

Кўзумда лоладек ул юз ғариб
эрур қон ёш
Ки, бўлса гул қизил, ўлмас
анга гулоб қизил.
("Наводир уш-шабоб", 376-ғазал)

"ГУЛШАНИ РОЗ" ("Сир гулшани") – Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг тасаввуфга оид асари. Замонанинг машҳур фозил ва адиби Амир Сайид Ҳусайн Ҳусайний Ҳиравий саволларига жавоб тарзида 1317–1318 й.да ёзилган. Ҳажман 1000 байтдан иборат. Асарга кўплаб шарҳлар ёзилган. Энг машҳури Шайх Муҳаммад Лоҳижий (Муҳаммад бин Яҳё Лоҳижий Нурбахший Гилоний) қаламига мансубидир. Лоҳижий ўз шарҳини " Мафотиҳ ул-эъжоз" ("Муъжизалар калитлари") деб атаган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Маҳмуд Шабустарий б-н боғлиқ бобда ҳамда "Мажолис ун-нафоис"да Абулқосим Бобур севиб мутолаа қилган асарлардан бири сифатида тилга олади.

ГУРПАКЛАШМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш олтинчиси. Манбаларда мазкур феълнинг *эритмоқ; озмоқ, осонлашмоқ, енгиллашмоқ* сингари маъноларни англатиши айтилган. Г. сўзи Навоийнинг бошқа асарларида учрамайди.

ГУШТОСБ – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган Каёний подшоҳ. Луҳросб бин Аруднинг ўғли. Отасининг ўзига нисбатан қилган ноҳақликларидан ранжиб, Румга қочиб кетади. Беллашувларда мардлик кўрсатиб, аждаҳо ва каркидонни ўлдиради. Рум Қайсари унга қизини беради. Қўшин тортиб, Эронга келганида, отаси у б-н сулҳ тузиб, тахтни топширади. Г. даврида Зардушт янги динни тарғиб қила бошлайди. Г. зардуштийликни қабул этиб, Рум Қайсарини ҳам унга даъват қилади. Рум Қайсари Фаридун давридаги битимга асосан янги динга даъват қилиш мумкин эмаслигини далил сифатида келтириб, уни рад қилади. Г. Фаридун битимини қабул қилиб, Истахр шаҳрида янги дин китоби – "Занд"ни ўқиш б-н машғул бўлади.

Турк хоқони – Аржосб бин Афросиёб Балхни ишғол этиб, Луҳросбни қатл этади. Г. Аржосбга қарши урушда Рустамдан мадад сўрайди, аммо Рустам унинг бу илтимосини эътиборсиз қолдиради. Гуштосб ноилож қолгач Дижи Сафед қўрғонида маҳбус

бўлиб ётган ўғли Исфандиёрни озод қилиб, салтанатини унга топшириш ваъдаси б-н Аржосбга қарши урушга юборади. Исфандиёр Аржосб устидан ғалаба қозониб қайтганидан сўнг Г.унга тахтни топширишни хоҳламай, Рустамни асир этиб келтиришни буюради. Рустам Золи Зар (баъзи манбаларда Симурғ) ёрдами б-н Исфандиёрни ҳалок этади. Г. ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, Исфандиёрнинг ўғли – Баҳманни ўрнига валиаҳд этиб тайинлайди.

Навоий Самарқанд қўрғони, Эрон б-н Турон ўртасидаги девор, шунингдек, Нисо ва Байзо ш. Г. замонида қурилганини айтади. Г. 120 йил тахтда ўтиради.

Чу Гуштосб тузди сарир узра базм,
Анга ҳам фалак айлади кинға азм,
Адам бўлди қонуни Гуштосбий,
Анингдекки, ойини Луҳросбий.
("Тарихи мулуки Ажам")

"ГЎЙ ВА ЧАВГОН" – Мавлоно Орифийнинг асари. Мунозара жанрида битилган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Орифий б-н боғлиқ бобда ушбу маснавийни тилга олиб, ундан от таърифига бағишланган қуйидаги икки байтни келтиради:

Чун гўи сипеҳр гирд басти,
Майдон-майдон чу гўй жасти.
Ҳар гоҳки, дар арақ шуди ғарқ,
Борон буди-ю дар миён барқ.

(Мазмуни: Осмон гунбазида айландинг, майдондан майдонга тўп каби сакрадинг, терга пишган пайтингда ёмғир ёғиб, ўртада чақмоқ чақнагандек бўлар эди).

Д

ДАБУР – куз фаслида ғарбдан эсиб, дов-дарахт, гул ва гиёҳларни хазонга айлантирадиган совуқ шамол. Тас.да илоҳий қаҳрнинг нишонаси, жисмоний ва нафсоний истаклар ҳосиласи бўлиб, соликни қурб мақомидан узоқлаштирадиган нохуш амалларнинг рамзий ифодаси. Ҳадисда келтирилишича, Д. шамоли Од қавмига жазо сифатида юборилади ва қавмни ҳалокатга дучор қилади.

Сени тилаб туну кун баски айлабон
таку пўй,
Нафасларини ола олмайин сабову дабур
("Наводир уш-шабоб", 132-ғазал)

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ, Амир Давлатшоҳ бин Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандий (тахм. 1436, Самарқанд – 1494) – тазкиранавис ва шоир. Шоҳрухнинг нуфузли амирларидан бўлган отаси Алоуддавла ўғлини ўша давр илмларини мукаммал эгаллаши учун атоқли олим Абуллайс Самарқандийга шогирдликка беради. Лекин Д.С. гарчи унинг қўлида араб ва форс тили, ад-ти, тарих ва жуғрофияни аъло даражада ўрганган бўлса-да, сарой ва ҳарбий хизматчи сифатида аввал Султон Абусаид, кейин Ҳусайн Бойқаро олиб борган барча урушларда иштирок этади. Тахминан 50 ёшга етганида зое кетган умридан афсусланиб, барча расмий амал ва вазифаларни йиғиштириб, илм ва ижод б-н шуғулланади. Навоий таъбири б-н айтганда, хуштабъ, дарвештабиат ва истеъдодли Д.С. бир гўшага беркиниб, фақр тариқини тутади, деҳқончилик қилиб кун кечиради. Ҳиротда бўлганида у Жомий ва Навоийга яқинлашиб, уларнинг адабий давраларида фаол иштирок этган.

1486 й. да жуда катта давр – қарийб 500 йил ичида яшаб ижод қилган 150 шоир ва адиб ҳақидаги маълумотларни жамлаган "Тазкират уш-шуаро" ("Шоирлар тазкираси") деб номланган асарини ёзиб тугатади (қар.: *"Тазкират уш-шуаро"*).

Д.С. Улоий тахаллуси б-н шеърлар ҳам ёзган. Жомий ва Навоийга бағишланган қасидалари машҳур. Қасида, ғазал, рубоий ва маснавийларидан намуна ва парчалар бизгача ўзининг тазкираси орқали етиб келган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги матласини келтиради:

Зиҳи аз офтоби оразат чашми
жаҳон равшан,
Зи чашми равшани карда
диламро хонумон равшан.

(Мазмуни: Қандай яхши: юзинг қуёшидан жаҳон кўзи равшан бўлди, бу равшан кўз дилим уйини ҳам равшан қилди).

Алишер Навоий унинг тазкирасига ҳам юқори баҳо беради: *"Мажмаъ уш-шуаро" тасниф қилибдурким, ҳар киши ани мутолаа қилса, мусаннифининг истеъдод ва камолин маълум қилур".*

ДАЖЖОЛ (ар. – алдамчи, фирибгар) – қиёмат олдидан пайдо буладиган ва одамларни Ҳақ йўлдан адаштирадиган бир кўзли одамсимон махлуқ. Исломий манбаларда Д. шайтонга яқин бўлиб, ўзини ҳақиқий Исо (а.) ёхуд ал-Маҳдий деб эълон қилади. Бунгача у Ҳинд океанидаги ороллардан бирида қояга занжирбанд қилинган ҳолда яшайди: орол яқинидан ўтаётган кемада-

гилар у ердан мусиқа товушини эшитадилар. Д. бир кўзли, териси қизил, пешонасида "коф" ҳарфи ёхуд "кофир" ёзуви бор. Қиёматдан олдин Д. Шарқдан улкан ва баҳайбат эшакда пайдо бўлади, унинг ортидан барча динсиз ва мунофиқ эргашади. У Макка ва Мадинадан бошқа дунёнинг барча қисмини ўз ҳукмига бўйсундиради. Унинг ҳукмдорлиги 40 кун ёхуд йил давом этади. Сўнг Аллоҳ томонидан юборилган Исо (а.) ва ал-Маҳдий уни мағлуб этиб, ўлдиришади.

Ҳам ани Дажжол топиб, ҳам наби,
Иси била тенгму бўлур маркаби?
("Ҳайрат ул-аброр")

ДАЙ – қиш мавсуми. Шамсий йил ҳисоби бўйича йилнинг 10-ойи номи (тахм. 16-декабрь б-н 15-январь оралиғига тўғри келади). Қиш фаслининг биринчи ойи:

Бил вафо расмин ғанимат, эй гул,
андин бурнаким,
Дай сипоҳи еткай оҳу кўз ёшим
чопқунидек.
("Фавойид ул-кибар", 333-ғазал)

"ДАЙ" ("Қиш") – "Фусули арбаа" қасидалар туркумига кирувчи тўртинчи қасида. 70 байтдан иборат. Мазмунан ўзида васф ва мадҳ хусусиятларини бирлаштирган қасида саналади. "Д."да қиш фасли тасвири б-н бирга шоҳ Ҳусайн Бойқаро мадҳ қилинади: шоҳнинг адолати, саховати, жанглардаги матонатига таҳсин-тасанно айтилади. "Д." тузилишига кўра тўлиқ қасида бўлиб, унда насиб (лирик кириш) катта ўрин эгаллайди. Айнан насибда қасиданинг васфий хусусиятлари намоён бўлади. Унда қиш фасли ва унга хос гўзал манзаралар васф этилади. "Д." қуйидаги байт б-н бошланади:

Зи даргаҳи фалак оташ
нухуфт дуди саҳоб,
Даро ба хиргаҳу оташ фурўз
аз маи ноб.

(Мазмуни: Фалак чодиридан кўринаётган оташни булутлар пардаси тўсди,
чодирга киргину тиниқ ва қизил май *оташига ихтиёр бер*).

Дастлаб теварак-атрофнинг қиш фаслидаги ҳолати берилгач, қасиданинг 12-байтидан бошлаб жисмонан совуқ котган жониворларнинг ҳолати тасвирига ўтилади. Навоий қиш совуғидан паноҳ топиш учун анордек тешиги ва туйнуги бўлмаган бир хона изланшни, ундаги доналар чўғ, суви эса танани иситувчи қизил шаробдай бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Бу ҳолат давр ҳукмдори мажлисини ёдга солишини айтади. Шундан сўнг қасидага Ҳусайн Бойқаро тасвири кириб келади. Қасиданинг тенг ярми, яъни 36-байтдан бошлаб асосий қисм – Ҳусайн Бойқаро мадҳи келтирилади. Мадҳ султоннинг юксак қалби, саховати, душманларга сиёсати, жанглардаги шижоатидан бошланиб, шароб базмлари тасвири б-н якунланади. Бу тасвирлар қиш фаслидаги манзарага параллел равишда бериб борилади. Сўнгги икки байт (қасд)да шоир Ҳусайн Бойқаро базмларига файзу қувват тилайди, жавонмардлик ва саховат унга минг йиллар давомида ҳамроҳ бўлишини ният қилади.

Қасида мужтасс мусаммани махбуни мақсур (рукнлари ва тақтиъи: *мафоилун фаилотун мафоилун фаилон* $V - V - V\ V - - V - V - V\ V -$) вазнида ёзилган.

Туркумдаги бошқа қасидалардан фарқли равишда "Д."да тахаллус (Фоний) қўлланилган. Бу "Д." "Фусули арбаа" туркумидаги қасидаларни якунлашига ишорадир.

ДАЙЖУР – йилнинг энг узун кечаси (21-декабрга тўғри келади); *ялдо кечаси*. Қоронғи ва қаҳратон кеча маъносида ҳам қўлланилади:

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим
ғам ноку бағрим чок,
Тилим лолу таним беҳол, ишим афғон,
сиришким қон
("Наводир уш-шабоб", 491-ғазал)

ДАЙР – роҳибларнинг ибодатхонаси. Д. одатда шаҳар атрофидаги воҳа, баланд тепалик ёки тог ёнбағрида қурилган бўлиб, унда роҳиблар жамиятдан узилган ҳолатда ибодат қилишган. Д. сўзининг келиб чиқиши ва аслида кимларнинг ибодатхонаси эканлиги ҳақида ихтилоф бор. "Мўъжам ул-булдон" муаллифининг ёзишича, Д. сўзи арабча "дор" (уй)нинг бузилган шакли бўлиб, несториан роҳибларнинг ибодатхоналарига нисбатан қўлланилган. "Бурҳони қотеъ" муаллифи Д.нинг луғавий маъноси-

ни "гумбаз", истилоҳ сифатида зардуштийларнинг ибодатхонаси, деб талқин қилган. Луғатларда Д. – бутхонанинг бошқа бир номи, деган талқин ҳам учрайди. Д.лар Ислом халифалиги даврида ҳам мавжуд бўлиб, у ерда уюштирилган шароб мажлислари ва базмларда турли дин вакиллари қатнашган. Бундан ташқари, тарихий манбаларда баъзи Д.ларда қад. юнон файласуфлари асарларини таржима ва тарғиб этиш ҳолатлари ҳам қайд қилинган.

Ирфоний маънода Д. – инсон олами, орифлар ва авлиёлар мажлиси маъносида қўлланилади.

Дайрға кирди Навоий куфри не пинҳон,
не фош,
Тавба чун синди – ичарга не суроҳи,
не ётуқ.

("Бадоеъ ул-васат", 313-ғазал)

ДАЙР ПИРИ – роҳиблар ибодатхонасининг раҳбари. Д.п.нинг асосий вазифаси – муқаддас оловнинг бир маромда ёнишини таъминлаш, дайрдаги зиёратчилар ва обидларга уларнинг ҳолатига қараб шароб улашиш ва раҳнамолик қилишдан иборат бўлган. Ирфоний талқинга асосан, Д.п. – тариқат йўлига кирган соликнинг кўнглидаги муҳаббат ва иштиёқ оловининг бир маромда аланга олишини назорат қиладиган, маърифат майидан унинг кўнглини лиммо-лим этиб, шу орқали Ҳақ йўлида фано бўлишни касб этишга раҳнамолик қилувчи пири комил, муршид.

Бутқа гар бош қўймадим кургилки
диним туҳфаси
Дайр пири оллида журмона
бўлди оқибат.

("Ғаройиб ус-сиғар", 72-ғазал)

ДАКЛАЙ//ДЕКЛАЙ (ҳинд.) – устки кийим. Уруш пайтида кийим устидан кийиладиган пахтали тўн бўлган. Кейинчалик енги калта, турли нақш ва безаклар солинган аёлларнинг кийимини Д. номи б-н аташган.

Гар Навоий ақли мабҳут улса,
қилманг айбким,
Ҳошия зарбафт этиб, деклай кияр
дилбар бинафш.

("Фавойид ул-кибар", 266-ғазал)

ДАЛВОЛИЖИЙ, Амир Олим – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Ҳинд машойихи ҳақидаги тазкира ва маноқибларда унинг кўп карамотлари ёзилган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ДАЛҚ – суфийларнинг жунли кийими. Д.нинг қайси сўз негизидан олингани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Баъзи манбаларда Д.нинг форсий "далақ" ё "дала" сўзидан олингани ҳамда "қоқум" маъносини билдириши қайд қилинган. "Минг бир кеча" изоҳларида Д. – жундан тўқилган ямоқли узун тўн, мумтоз ад-тда хирқага маънодош сифатида қўлланилган.

Эй Навоий, ул қуёш васлин
гадолиғ қилғали
Зоҳир айлабмен сариғлиғ
далқу гардунвор қад.

("Ғаройиб ус-сиғар", 123-ғазал)

ДАРВЕШ АБДУЛЛОҲ (15-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир, тарихнавислардан Шайх Салмон атканинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ёшликдан шеър айтишга қобилиятли эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Аз хаёли лабу дандони ту
чашмам ки пур аст,
Ҳамчу рўдестки, сангаш
ҳама ёқуту дур аст.

(Мазмуни: Лабинг ва тишинг хаёлидан кўзларим жиққа ёшдир; бу худди тошлари ёқут ва дур бўлган анҳорга ўхшайди).

ДАРВЕШ АЛИ I (15-аср ўрталари – 16-аср биринчи ярми) – давлат арбоби, шоир, табиб. Навоийнинг ота бир, она бир укаси. Алишер Навоий вазир вазифасида ишлаган даврда унга китобдор бўлган. Кейин Ҳусайн Бойқаронинг ҳали вояга етмаган ўғли Иброҳим Ҳусайн номидан кўп йиллар Балхда беклик қилган. 1482 й. амир унвонига сазовор бўлган. Маждиддин Муҳаммад вазирлик қилган даврда саройда Навоийга қарши фитналар кучайгач, 1490 й. Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд б-н биргаликда Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтаради ва бу иши учун

зиндонга ташланади. Шундан сўнг ҳукумат ишларидан буткул чекиниб, табиблик б-н шуғулланади. 1494 й.да ҳажга бориш учун рухсат олади. 1498 й. Макка сафаридан қайтиб келгач, яна сарой хизматига жалб қилинади.

Д.А. Ҳусайн Бойқаро давлатининг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. 1499 й. Султон Марвга ҳокимлик қилиб турган ўғли Кепак Мирзога қарши юриш қилади. У шаҳарни узоқ вақт қамал қилади. Қўшинда қамални давом эттиришга куч топилмайди. Мудофаадаги томон ҳам ҳолдан тояди. Икки томон ўзаро сулҳга келишганида Кепак Мирзо бу сулҳ Д.А. иштирокида тузилишини талаб қилади. Шоҳ рози бўлади. Д.А. муваффақиятли музокара олиб бориб, икки томонлама манфаатли сулҳ тузилишига эришади.

Д.А.нинг Балхда кўтарган исёни ҳам самарасиз қолмайди. Шундан кейин Ҳусайн Бойқаро Маждиддинни бош вазир вазифасида ушлаб туриш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини сезиб, мансабидан озод қилади.

Д.А. Ҳирот шайбонийлар қўлига ўтгач (1507), Муҳаммад Шайбонийхон хизматига киради. Шоҳ Исмоил Сафавий истилосидан сўнг (1510) Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига боради (1511). Д.А.нинг кейинги тақдири маълум эмас.

ДАРВЕШ АЛИ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва табиб. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг табобат б-н шуғулланган, табобат фани билимдонлари унинг бу соҳадаги муваффақиятларига таҳсин айтишлари, яхши шеърий табъи борлиги, аммо кўпроқ муаммо айтишга машғул экани ҳақида маълумот беради. Хондамир "Хулосат ул-ахбор" асарида Д.А.нинг касалликлар давосини топиш ва касалликка чалинган ғарибларни даволашда кўп ғайрат кўрсатишини, олий ҳазрат (Навоий) шифохонасида доим касалларни даволаш б-н машғул экани ва ўша масканга тегишли бўлган вақф мулклардан катта фойда олишини таъкидлайди. Хондамир яна "Макорим ул ахлоқ"да унинг "Тазкират ун-нуфус" асари Алишер Навоийга бағишланган ҳақида маълумот беради.

"Мажолис ун-нафоис"да Д.А.нинг "Вали" исмига битилган муаммоси келтирилган.

ДАРВЕШБЕК (15-аср) – форсигўй шоир, Гилон ҳукмдори Мирзо Али Идигу Темурнинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг насаб ва ҳасаб (шуҳрат, обрў)да олиймақом эканлигини таъкидлаб, табъи ҳам ниҳоятда хуш эканлигини айтади ва қуйидаги матлаъсини келтиради:

Бубин ба қабри шаҳидатки, куштаи ситам аст,
К-аз оташи дилу аз новаки туаш алам аст.

(Мазмуни: Азоб б-н ўлдирилган шаҳидларнинг қабрига боқ, (қабрлари устига) дил оташи ва сенинг ўқингдан туг тикилгандир). Д. шоҳнинг Тошкентга юриши пайтида ҳалок бўлади. Унинг ўлими Навоийни қаттиқ қайғуга солади. "Соқийнома"нинг 21-қисмида Д.ни *Мирзобек* б-н бирга хотирлайди:

Бу бири исмини айларда хитоб,
Мир Дарвеш дебон шайх ила шоб.
Ҳам анинг фурқати куйдурди мени,
Ҳам мунинг ҳасрати ўлтурди мени.

ДАРВЕШ БАШИР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Ўз ҳолини девоналик б-н пинҳон тутадиган мажзуб соликлардан. Ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ДАРВЕШ БАҲЛУЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Зайниддин Хавофийнинг ўғли Мавлоно Яҳёнинг мурид. Зикри жаҳр ва самоъ мажлисига кўп аҳамият қаратган. Ҳиротнинг шимолий қисмида тог этагида дафн этилган. Ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ДАРВЕШ ДЕҲАКИЙ, Азизуллоҳ (тахм. 1426 – Деҳак – 1531/32) – форс-тожик шоири. Ўзи туғилиб ўсган Қазвин яқинидаги Деҳак қишлоғида тўқувчилик ва богдорчи-

лик қилиб кун кечирган. Тақводор, валий-сифат киши бўлиб, ҳалол меҳнати б-н оила тебратган, оғзига ҳаром луқма солмаган, таъма қилмаган. Ривоят қилишларича, унинг овозасини эшитиб, ҳузурига таклиф қилган Султон Яъқубнинг ҳам инъомларини рад этган. У б-н кўришиб суҳбатда бўлган Биноийнинг маълумот беришича, шоирнинг хат-саводи бўлмай, турли рангдаги қоғозларни китоб шаклига келтириб, белига доим осиб юрган. Қачон илҳоми келиб, шеър тўқиганида уни саводли кишиларга ёздириб қўйган. Д.Д.дан бизгача 845 ғазални ўз ичига олган бир девон етиб келган. Лутф Алибек Озар бу девон мукаммал бўлмай, унинг тўла нусхаси борлигини айтади. Ишқу ошиқлик, панду насиҳат, замонадан шикоят шоир ғазалларининг асосий мавзулари ҳисобланади. У, шунингдек, турли ҳунар ва ҳунармандлар ҳақида ҳам шеърлар ёзган ва кейинчалик бу анъанани Сайидо Насафий давом эттирган. Навоий ҳам "Мажолис ун-нафоис"да унинг ижодига юксак баҳо бериб, "фақирнинг то шеърга шуурим бор, ул тарафдин анинг абётидин яхшироқ назм келмади", дейди ва ўзига ёққан икки матласини келтиради. Улардан бири қуйидагича:

Ба ғайри ноқаи Лайли, ки меканад хоре,
Дигар киро ғаме аз раҳгузори
Мажнун нест.

(Мазмуни: Мажнуннинг сарсонлигидан Лайлининг тикан еб юрган туясидан бўлак ҳеч кимнинг парвоси йўқ).

ДАРВЕШ МАНСУР (1406–14, Сабзавор – 1456, Ҳирот) – шоир, олим. Ҳофиз Али Жомийдан тасаввуф илмини ўрганган. Тариқат йўлида кўп риёзат чеккан, тақводор ва дарвеш киши бўлган. У ҳам машҳур олим, ҳам шоир, аруз ва бадиият илмида Яҳё Себакка шогирд эди. Аруз ҳақида иккита рисола ёзиб, Салмон Соважийнинг маснуъ қасидасига жавоб айтган. Ирфоний ғояларини рубоийда, ошиқона кечинмаларини ғазалда ифода этган. Шеърларидан айрим байтлар Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", Фахри Ҳиротийнинг "Радойиф ул-ашъор", Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарлари воситасида етиб келган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг 2-мажлисида Д.М.нинг кўп ҳолатда рўзадор юрадиган дарвеш ва тақводор киши бўлгани, аруз илмида иккита рисола ёзгани, Навоийга ҳам аруз илмидан устозлик килгани ҳақида маълумот бериб, ижодидан битта ирфоний рубоий ҳамда тарсеъ санъати қўлланилган бир шоҳбайт келтиради. "Насойим ул-муҳаббат"да бу фикрларни давом эттириб ёзади: *"Ва замон подшоҳи бу ҳақида кичик эрканда арузу саноеъ ўқумоққа аларға сипориш қилиб эрдилар. Аммо бу тоифанинг (тасаввуф аҳлининг) истилоҳотин ҳам хуб билур эрдилар. Мундин ҳам кўпрак алардин эшитилур эрди. Бу тоифада алардек хуш табъу дақиқ оз киши воқеъ бўлмиш булгай".*

ДАРВЕШ МАШҲАДИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг ёмон феъл ва аччиқ тилли киши эканлигини айтиб, баъзи азиз зотларни ҳажв қилганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"нинг таржимони Фахрий Ҳиротий бу шоирнинг ёмон тиллиги, жоҳиллиги Навоий айтганидан юз чандон кўпдир, лекин одамлар уни Аллоҳдан ўзининг ит феъли ва нафсидан фориғ қилишни илтижо қилиб ёзган дарвешона бир байти учун афв этадилар, деб ёзади ва форсийда ёзилган бир байтини келтиради. "Мажолис ун-нафоис"-дан унинг қуйидаги байти ўрин олган:

Онки, аз абрўи ў дид маҳи ийд асаре,
Ҳаст солеки, аз он моҳ наёмад хабаре.

(Мазмуни: Унинг қошига боқиб байрам ойи нишонасини кўрди. Ҳолбуки ул ойдан дарак бўлмаганига бир йил бўлди).

ДАРВЕШ МАШҲАДИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий уни Дарвеш Равғангар б-н адаштирмаслик кераклигини таъкидлаб, қуйидаги байтини келтиради:

Доғҳо бар дасти дил, к-аз дасти
жонони ман аст,
Гарчи месўзад маро, осойиши жони
ман аст.

(Мазмуни: Дилим кафтидаги доғлар ёримнинг қўли б-н пайдо бўлган. Гарчи улар мени чунонам куйдирса-да, лекин жонимнинг оромидир).

ДАРВЕШ МУҲАММАД БИҲРА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Ҳиротнинг Биҳра қишлоғида туғилган. Шайх Зайниддин Хавофий ва Муҳаммад Табодгоний ҳузурида тарбият топган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ДАРВЕШ МУҲАММАД ГОЗУРГОҲИЙ, Дарвеш Али – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Сипоҳийликни тарк этиб, Муҳаммад Табодгоний тарбиятида бўлган. Гозургоҳда дафн этилган. Фақр тариқида кўп ёруглик топган ушбу дарвеш ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ДАРВЕШ МУҲАММАД ТАРХОН (ваф. 1496) – давлат арбоби. Урда бўға Тархоннинг ўғли. Султон Аҳмад Мирзонинг тоғаси ва нуфузли амирларидан бири бўлган. Бобурнинг маълумот беришича: "*Мирзо қошида барча беклардин улуғроқ ва муътабарроқ бу эди. Мусулмон ва одми ва дарвешваш киши эди. Ҳамиша мусҳаф китобат қилур эди. Шатранжни бисёр ўйнар эди, яхши ўйнар эди. Қуш илмини хўп билур эди, қушни хуб солур эди. Охир Бойсунғур Мирзо б-н Султон Али Мирзонинг ғавғосида улуғлуқ замонида бадномлиқ била ўлди*".

Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" асарида ёзилишича, Алишер Навоий Самарқанддалигида Мовароуннаҳр соҳибихтиёрлари бўлган Д.М.Т. ва Аҳмад Ҳожибек билан кўп вақт бирга бўлган.

ДАРВЕШ МУҲАММАД ТОҚИЙ (15-аср ўртаси – 16-аср биринчи ярми) – Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик намояндаси, Навоийнинг шахсий котибларидан бири.

Д.М.Т. Навоий асарларидан кўчирган тўртта қўлёзма фанда маълум. Улардан бири Навоий куллиёти, қолганлари терма девонлардир. Д.М.Т.нинг Ҳирот хаттотлик мактабидаги энг катта хизмати 1490 й.да Алишер Навоий б-н ҳамкорликда ишлаб, унинг куллиётини китобат қилганлигидир.

Д.М.Т. Навоий асарлари куллиётини тузишга Навоий б-н ҳамкорликда 1495 й.да киришган. Шу жараёнда янгидан яратилган асарлар ҳам кўчирилиб турган. Бу ишни тугатгач, уларнинг ҳаммасига умумий бир сўзбоши – "Муножот"ни яратади ва уни куллиётнинг бошланишига қўяди. "Муножот" 1500 й.да ёзилганлигини ҳисобга олсак, демак куллиёт 1500 й.нинг биринчи ярмида узил-кесил тугалланган бўлиб чиқади. Бу фикрни қўллаб-қувватлайдиган яна бир далил – 1500 й.нинг охирларида ёзиб тугатилган "Маҳбуб ул-қулуб"нинг ушбу куллиёт таркибига кирмай қолишидир. Шундай қилиб, Навоийнинг тириклик вақтида унинг ўзбек тилида ёзган деярли ҳамма – 26 асарининг (фақат "Маҳбуб ул-қулуб"дан ташқари) ягона ва улкан куллиёти вужудга келган. Бу куллиётни хаттот Д.М.Т. Ҳирот ш.да беш йил (1495–1500 й.лар) давомида кўчириб тугаллаган.

Куллиётнинг қўлёзмаси ҳозирги кунда Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Топкопи-Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланмоқда. Қўлёзмада Хуросон ипак қоғозидан фойдаланилган. Матн майдароқ, чиройли настаълиқ хатида қора сиёҳ б-н ёзилган ва ҳар саҳифада тўрт устун қилиб 27 йўлдан жойлаштирилган. Ҳар бир асар бошланишига зарҳал лавҳалар ишланган. Куллиёт 802 варақ (1604 саҳифа)дан иборат. Унинг ўлчови 235х320 мм. Бу куллиётнинг мукаммал фотонусхаси ТошДШИ ШҚМнинг 3-фондига олинган.

Д.М.Т. Навоий асарларидан тузилган учта терма девонни ҳам кўчирган. Ҳар учала девон ТошДШИ ШҚМ, 1-фондида сақланади:, инв. № 7701, 204 варақ; 2. Инв. № 3479, 201 варақ; 3. Инв. № 4007, 185 варақ.

ДАРВЕШ НОЗУКИЙ (15-аср) – зуллисонайн шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни Хуросоннинг мард кишиларидан эканлиги, отаси Машҳадда ҳокимлик қилганлиги ҳақида маълумот беради. Д.Н.

сипоҳийликни тарк этиб, дарвешлик йўлини тутади ва Машҳадда хилват бир гўшада жун чакмон кийиб умр кечиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг форсий ҳамда туркий тилда битган қуйидаги байти келтирилган:

Бировким чиқти элдин огаҳ улдур,
Гадолиғдин ким огаҳдур, шаҳ улдур.

Д.Н.нинг қабри Машҳад ш.да.

ДАРВЕШ ШУҲУДИЙ (15-аср) – самарқандлик форсийнавис шоир ва дарвеш. Баъзи манбаларда Мавлоно Фоний тарзида келтирилади. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ёшлигида анча шўх бўлганлигини, кейинчалик дарвеш ва солиҳ инсонга айланганлигини айтиб, Мир Сарбараҳнанинг фикрини келтиради. Мир Сарбараҳнанинг айтишича, Д.Ш. тариқатда шундай кашф ва каромат ҳосил қилибдики, бировнинг соқолини ушлаб, ундаги туклар сонини бехато айтиб берар экан. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ин доғҳоки, бар тани аҳли муҳаббат аст,
Бар кўҳи дард рехти борони ҳасрат аст.

(Мазмуни: Муҳаббат аҳли танидаги бу доглар дард тоғига қуйилган ҳасрат ёмғирларидир).

ДАРВЕШ ҲАСАН ШАҲРОШУБ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Зоҳид ва тақводор бу киши котиблик б-н кун ўтказган. Астарободда яшаб вафот этган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ДАРРОЖ, Абулҳусайн (ваф. 932) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Иброҳим Хаввос*нинг ходими. Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Абубакр Каттоний, Абулҳусайн Музаййин, Юсуф бин Ҳусайн Розий б-н суҳбатда бўлган. Абу Жаъфар Мажзум б-н бирга ҳаж сафарига борган. Абу Амр Димишқий ва Абу Имрон Музаййин б-н бирга самоъ мажлисида важд ҳолига тушиб, вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ДАҚОЙИҚ – қисқа ва нозик маънолар, ўрганиладиган нарсанинг энг нозик жиҳатлари. Билиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган теран ва нозик маънолар:

Дақойиқ ишқ илми ичра кўптур,
Ки тафҳимида ожиздур мударрис.
("Наводир уш-шабоб", 227-ғазал)

"ДАҲНОМА" – Юсуф Амирийнинг асари. 1429–1430 й.да темурий ҳукмдор Бойсунғур Мирзо раҳнамолигида яратилган. "Д." нома жанрида битилган бўлиб, 907 байтдан ташкил топган. Асар муқаддима, 10 нома ва хотимадан иборат. Ҳар бир нома ошиқ ва маъшуқанинг мактубини ўз ичига олади. Номалардан сўнг кейинги номадан аввал ғазал ва фард келтирилади ва шу тариқа ҳар бир нома алоҳида мустақил асардай таассурот қолдиради. "Д." Хоразмий "Муҳаббатнома"сига жавоб тарзида вужудга келган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Юсуф Амирийга бағишланган бобда асардан қуйидаги байтни келтиради:

Не емакдин, не уйқудин солиб сўз,
Емакдин тўюб уйқудин юмуб кўз.

ДАҲР (ар.) – ўз ичига ибтидосиз азалдан интиҳосиз абадгача бўлган муддатни қамраб олган тушунча. Ҳамишалик, доимийлик, узоқ муддат, фалак, дунё, моддий олам маъноларини ҳам англатади. Фал. да Д. борлиқнинг асосий атрибутларидан бири, яралишнинг муайян босқичи, замон маъноларида ҳам қўлланилган.

Д. "Инсон" сурасининг бошқа номи бўлиб, *Асмо ул-ҳусно*нинг биридир.

Оламда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларга сабабчи Худо эмас, балки замон эврилиши, деб эътиқод қиладиганларни "даҳрий" деб атаганлар.

Даҳр хуш гулшан эрур, найлайким,
Йўқ вафо гулларидин зевар анга.
("Фавойид ул-кибар", 11-ғазал)

ДЕБО – турли рангда товланувчи ҳарир ипак мато. Хитойда тўқилган нави (Д.и Чин) машҳур бўлган. "Мунтаҳал-

араб"да Д.ни тўқиш сиррини Сулаймон пайғамбар (а.) девлардан ўрганганлиги ҳақида маълумот берилган (Дебо=дев-боф – дев тўқиган мато). "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Мусо (а.)нинг ёши саксонга борганда "Таврот" лавҳларини Д.га ўраб, сандиқ ичига солганлиги ҳамда бу сандиқни асрашни Ҳорунга топширганлиги ҳақида сўз юритилади. "Тарихи мулуки Ажам"да Хусрав Парвезнинг подшоҳлик шавкатининг нишоналаридан бири сифатида Д.дан тўқилган гилам ҳақида маълумот берилган.

Бемалоҳат хўбким дебо кияр
бор уйлаким,
Маъни улғай чошнисизлик анга
паргор лафз.
("Бадоеъ ул-васат", 285-ғазал)

ДЕБОЧА – девон, куллиёт ёки шеърий мажмуаларга, кенг маънода, турли асарларга ёзиладиган насрий муқаддима. Баъзида улар шеърий ёки шеър ва наср аралашган тарзда бўлади. Д. девон муаллифи ёки бошқа шахслар томонидан ёзилиши мумкин. Уларда тўпламнинг тузилиши сабаблари, таркиби, шу йўналишдаги анъаналар, дуо ва узрхоҳликлар берилиши мумкин. Бизга Навоийнинг икки дебочаси маълум бўлиб, бири *"Бадоеъ ул-бидоя"* девонига, иккинчиси *"Хазойин ул-маоний"* га ёзилган. Улардан бири – "Хазойин ул-маоний" таркибидаги дастлабки девон "Ғаройиб ус-сигар"нинг бошланишида келтирилган. *"Бадоеъ ул-бидоя"* девони дебочасида Навоий мазкур девонини Ҳусайн Бойқаро тавсияси билан тузганлигини таъкидлаган. Навоий Д.ларида шеърлари, уларнинг тарқалиши ҳамда шеърият ҳақидаги айрим фикрларини баён этган.

ДЕВ (авес.) – афсонавий мавжудот. Ўрта Осиёдаги қад. диний-мифологик тасаввурларга кўра, Д.лар аслида маъбудлар бўлишган. Зардушт давридан бошлаб, ёлғончи худоларни Д. номи б-н атай бошлашган. Ривоятларга кўра, Д. ғайб оламига мансуб кўркинчли баҳайбат махлуқ бўлиб, асосан ўрмонларда яшайди. Улар одамхўрликдан қайтмайдиган, турли шаклшамойилда намоён бўлувчи, ситамгар ва ҳийлакор. Д. ёвузлик ва гумроҳлик, жисмоний куч-қудрат ва саркашлик тимсоли бўлган. Ўрта асрларда Мозандарон ўрмонларини Д.ларнинг асл макони деб, билишган.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да айтилишича, Д.лар Сулаймон пайғамбарга бўйсунган. Унинг амри б-н Сабо маликаси – Билқис тахтини кўз очиб-юмгунча олиб келишган. Сулаймон ҳарамидаги бир аёл учун Д.лар ўлдирилган отасининг суратини чизиб беришади. Бу сурат кейинчалик аёлнинг сиғинадиган бутига айланади. Д.лар одам қиёфасига кириш қобилиятига ҳам эга. Сурхбод номли Д. Сулаймон қиёфасига кириб, унинг ўрнига қирқ кун подшоҳлик қилган. Д.лар Сулаймон вафотидан кейин озод бўлишган.

"Тарихи мулуки Ажам"да берилишича, Д.лар Ҳушангни намоз чоғи бошига тош б-н уриб ҳалок қилишади. Таҳмурас отасининг қасоси учун Д.ларни ўлдиради. Язидижирд бин Баҳром ўлимига ҳам Д.лар сабабчи бўлишган.

"Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳод Суқрот ҳаким б-н учрашиш учун йўлида дуч келган аждаҳо, шер ва темир пайкар б-н бирга Д.ни ҳам енгади. Бунда Д. – салтанат тимсоли сифатида талқин қилинади.

Навоий лирикасида Д. сўзи рамзий маънода қўлланилиб, асосан нафси аммора, саркашлик ва такаббурлик, зулм ва ситам, худобехабарлик тимсолидир:

Дев сийратлар била кўрсам не ҳол
ўлғай манга,
Ул парийға чун малак хайлини
ҳамдам истамон.
("Бадоеъ ул-васат", 482-ғазал)

ДЕВДАШИМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма еттинчиси. Ушбу феъл *чайқалмоқ, қўзғалмоқ, ҳаракат қилмоқ* каби маъноларни билдирган. Д. сўзи Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн"дан бошқа асарларида қўлланилмаган.

ДЕВОН – шоирнинг шеърий асарларидан иборат тўплами. Д.даги шеърлар қофия ёки радиф охиридаги ҳарфнинг алифбо асосидаги кетма-кетлигида тартибланган бўлади. Д.га лирик жанрларнинг барчаси киритилиши мумкин. Одатда дастлаб ғазал, мустазод, мухаммас каби жанрлар ўрин олган. Навоий *"Хазойин ул-маоний"*сида 16 лирик жанрдаги шеър киритилган. Навоийнинг ихлосмандлари тузган *"Илк девон"* ҳамда *"Оққуюнли мухлислар девони"* ҳам мавжуд. Навоийнинг ўзи етти Д. тузган. Уларнинг дастлабкилари *"Бадоеъ ул-бидоя"* ва *"Наводир ун-ниҳоя"* бўлган. Кейинчалик, Навоий барча шеърларини жамлаб,*"Хазойин ул-маоний"*га тартиб берган. У қуйидаги тўрт Д.дан иборат: *"Гаройиб ус-сиғар"*, *"Наводир уш-шабоб"*, *"Бадоеъ ул-васат"* ҳамда *"Фавойид ал-кибар"*. Мазкур Д.лар барчаси туркий тилда бўлиб, *"Девони Фоний"* форс тилидадир.

"ДЕВОН УН-НАСАБ" ("Насл-насаблар тўплами") – Абу Сулаймон Фахриддин Баникатийнинг асари. Тарихий мавзуда ёзилган. Асл ва тўлиқ номи "Равзат ул-албоб фи таворих ал-акобир вал-ансоб" ("Акобирлар ва насл-насаблар тарихи хусусида оқиллар боғи"). Асар элхонийлардан Абу Сайидхон (1317–35) даврида ёзилган. Унда энг қадимги даврлардан то Абу Сайидхон ҳукмронлигигача Эрон, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Хитой ва Европада бўлиб ўтган воқеалар баён қилинган. Навоий ушбу асар номини "Тарихи мулуки Ажам"да Искандар тарихи б-н боғлиқ фаслда эсга олади.

ДЕВОНА ҲУСОМИЙ, Дарвеш Ҳусомий (1442, Хива – 1505, Қоракўл) – форсигўй шоир. Туғилган юртида таҳсил олиб, кейин Қоракўлга келган. Чукурдам ота қабристонидаги хонақоҳда дарвешлик қилиб кун кечирган. Қаландария тариқатига мансуб бўлиб, ўзини девоналикка, телбаликка солиб юрган ва шу баҳона замонни ва золимларни аёвсиз фош қилган, савдойилик ниқобида норозилигини очиқ баён этган. Эркин фикрли, исёнкор ва ҳозиржавоб шоир бўлган. Қаландарларга ҳамроҳ бўлиб, ҳассос ва сермазмун шеърлари б-н шоҳлару сарой аҳлини мазаммат этган. Макка ва Мадинага сафар қилиб, кўп яхши-ёмон воқеаларни бошидан кечирган, мазлум халқнинг оғир ҳаётини кўриб, шеърларидаги танқидий руҳ янада кучаяди.

Бир неча муддат Самарқандда Хожа Аҳрор Валий мулозаматида бўлади, Ҳиротга келиб Жомий назарига тушади. Жомий ҳатто уни йўқлаб турган. Навоий Д.Ҳ.ни "Мажолис ун-нафоис"нинг 3-мажлисида қайд этиб, қуйидаги матлаъсини келтириб ўтади:

Фиғон, эй дўстон, к-он лаъли ширин аз ҳавас моро
Бикушту ҳеч кас бар сар наёмад жуз магас моро.

(Мазмуни: Эй дўстлар, фиғонким, ул ширин лаб ёр ҳавас юзасидан бизни ўлдирди-ю, пашшадан ўзга ҳеч ким (хабар олиш учун) бошимизга келмади).

"ДЕВОНИ ИСМАТ БУХОРИЙ" – Исмат Бухорийнинг шеърлар тўплами. Ғазал ва қасида жанридаги шеърларни ўз ичига олади. Ғазаллар асосан ошиқона ва орифона мавзуларда, қасидалар давр ҳукмдорлари Халил Султон ва Улуғбек Мирзога бағишланган. Девондаги шеърлар ҳажман 8000 байтдан иборат. Навоий ушбу девонни "Мажолис ун-нафоис"да Исмат Бухорий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

"ДЕВОНИ ФОНИЙ" – Алишер Навоий (Фоний)нинг форсий тилда битилган лирик шеърлари жамланган девон. Шоир умрининг охирларида тартиб берилган. Ёшлик йилларида форсигўй шоирларнинг эллик мингдан ортиқ байтини ёд олган Навоий форсий шеър табиатини мукаммал ўзлаштириб, шу тилда гўзал шеърлар яратишга ҳам муваффақ бўлди ва ёзган шеърларини жамлаб, умрининг охирларида "Д.Ф."га тартиб берган. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да бу девонини тавсифлаб: *"Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухан адолар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибменким, олти мингдин абъёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлубдур. Ва баъзи Ҳазрат Шайх Муслиҳиддин Саъдийғаким ғазал таври мухтарийдур. Ва баъзи*

Мир Хусравгаким, ишқ оташкадасининг шуълаангизидур ва дард ғарибхонасининг ашкрези. Ва маънавият баъзи Ҳазрат Махдумий Нуранғаким, камол авжининг меҳри ломиидур ва мазкур булғон азизлар ҳолотининг жомиики..." деб ёзади.

Шоирнинг ўзи "Муҳокамат ул-луғатайн"да таъкидлаганидек, халқ орасида машҳур бўлган бу девон жозибали ифодалар, ёкимли маъноларга бой бўлиб, бу ҳақда Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Камолиддин Биноий, Абдуллоҳ Ҳотифий ва бошқалар муносиб фикрларни айтганлар. Жумладан, Камолиддин Биноий шоир шеърлари ҳақида сўз юритиб: *Бувад дар форсию туркй хуб, Форсй хубу, туркияш марғуб (Мазмуни:* форсийда ҳам туркийда ҳам яхши ёзади, Форсийси яхши, туркийси ёқимли*)*, деган бўлса, Ҳотифий ўзининг "Лайли ва Мажнун" достонида Алишер Навоийни араб шоири Ҳассон, улкан сўз усталари Фирдавсий, Хоқоний, Амир Хусрав Деҳлавий б-н таққослаб, ўз замонида бу буюк шоирлардан ҳам юқорироқ даражага кўтарилганини эътироф этади. "Д.Ф."даги шеърларнинг таркиби ҳақида "Муҳокамат ул-луғатайн"да маълумот берган шоир девонга қитъа, рубоий, маснавий, таърих, луғз ҳамда кўп қисми ҳазрат Абдураҳмон Жомий назаридан ўтган беш юзга яқин муаммо жанридаги шеърларини киритганини эътироф этган.

Гарчи "Муҳокамат ул-луғатайн"да саналмаган бўлса-да, девонда икки туркум ("Ситтаи зарурия", "Фусули арбаа")ға жамланган ўнта қасида ҳам мавжуд. Қасидалар шоир форсий меросининг муҳим қисмини ташкил этади.

Девоннинг бугун бизга маълум бўлган Париж нусхасида дастлаб қасидалар жойлаштирилган. Бу қасидалар аввалида "Ситтаи зарурия"га тегишли дебоча ҳам бор. Ушбу дебочада муаллиф қасидалар ҳамда уларнинг яратилиши ҳақида маълумот беради. Бу нусхага таяниб иш кўрилса, Фонийнинг мазкур девони девон тузиш анъаналарига мувофиқ қасидалар б-н бошланган, деб айтиш ҳам мумкин.

Девоннинг бугунги нашрларида шоирнинг бутун форсий мероси қамраб олинган. Бу адабий мерос 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 таркиббанд – марсия, 64 қитъа, 72 рубоий, 16 таърих, 266 муаммо, 9 луғз, 10 қасида ва "Муфрадот" асаридан иборат. Қасидалар ва "Муфрадот"нинг тузилиши алоҳида китоб структурасига эга. Улар ўз даврида алоҳида асар сифатида ҳам шуҳрат топган.

Девондаги шеърларнинг катта қисмини ғазаллар ташкил этади. Алишер Навоий форсий тилдаги ғазал ва бошқа шеърлари туфайли зуллисонайн шоир сифатида катта шуҳрат қозонди. Форсий тилдаги шеърлар ҳам ғоявий-эстетик принциплари, мавзуси ва бадиий хусусиятлари жиҳатидан шоирнинг туркий тилдаги шеърларига ҳамоҳангдир. Девондаги ғазалларнинг катта қисми салаф шоирларга *татаббуъ* ёки *тавр* тарзида битилган. Ғазалларига татаббуъ ва тавр битилган шоирларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Шоирлар	Татаббуъ	Тавр
1	Амир Хусрав Деҳлавий	32	11
2	Хожа Ҳофиз Шерозий	211	20
3	Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий	22	2
4	Хожа Салмон Соважий	2	
5	Хожа Камол Хужандий	4	
6	Хожа Ҳасан Деҳлавий	2	
7	Абдурахмон Жомий	31	8
8	Амир Шайхим Суҳайлий	3	
9	Ахмад Ҳожибек Вафоий	2	
10	Шоҳий Сабзаворий	3	
11	Соҳиб Балхий	1	
12	Сайфий Бухорий	1	
13	Исмат Бахорий	1	
14	Нажмиддин Коҳий Миёнколий	1	
15	Ҳусайний	2	
	Жами	318	41

Девонда бир ғазалнинг ўзида шоир икки шоирдан таъсирланганини – бир шоир услубида (таврида) иккинчи шоирга жавоб (татаббуъ) битганини ҳам кузатиш мумкин, масалан: *"Татаббуъи Шайх дар таври Махдум"* (Абдураҳмон Жомий услубида Шайх Саъдийга жавоб) каби. Буларнинг ҳаммаси Навоийнинг кўп асрлик улкан шеърият оламида анъана чамбарида ижод қилиб, ўз йўлини топганидан далолатдир. "Д.Ф."да "мухтараъ" ёки "ихтироъ" сарлавҳасида берилган 95 ғазал мавжуд. Мухтараъ ғазаллар – оригинал, ихтиро қилинган ғазаллардир. Бу ғазалларда Фоний бировга издошлик қилмайди, янги шеър яратади.

Шоир форсийда битган ҳар бир ғазалида у муайян қолип ва мавзу доирасидаги татаббуъ ёки бирор шоир шеъри таврида ёзилган бўлсин ёхуд мухтараъ ғазал бўлсин, уларнинг ҳар бирида худди туркий тилдаги шеърларидаги каби бирор мавзу-масалани ўртага ташлайди, муайян ғояни илгари суради. Шу маънода "Д.Ф."даги шеърлар мавзуси, ғоя ва бадиий хусусиятлари б-н шоирнинг туркий тилдаги шеърларига ҳамоҳанг. Фонийнинг ўзи бу ҳақда девондаги бир қитъасида шундай ёзади:

Маънии ширину рангинам
ба турки беҳадаст,
Форсӣ ҳам лаълу дурҳои самин бингарӣ
Гўиё дар ростбозори сухан бикшодаам
Як тараф дўкони қаннодию.
як сў заргарӣ ***(33-қитъа)***

(Мазмуни: Ширин ва рангин сўзларим туркийда беҳад эрур, Форсийси ҳам кўринг худди гавҳардек бўлур. Гўё сўз бозори ичра очганим икки дўкон, Бири қаннодлик (қанду ҳалво-ю) эруру бири заргарлик дурур. – Э.Шодиев таржимаси).

"Д.Ф." ҳам Навоийнинг бошқа девонлари каби ҳамд ғазаллар б-н бошланади. Дастлабки ҳамд муножот руҳида битилган. Унда ўз аҳволини баён қилаётган шоир:

Ҳар кас, ки зи афтодагӣ орад ба касе рўй,
Мо рў ба ки орем, туи чунки каси мо.

(Мазмуни: Ҳар бир кишининг бошига иш тушса, ёрдам сўраб бирор кишига мурожаат қилади, бизнинг сиғинадиганимиз Сен бўлгач, кимга мурожаат қилайлик).

Девондаги иккинчи ғазал – Шайх Саъдийга татаббуъ тарзида ёзилган. У ҳам ҳамд мазмунида. Бу ғазалда Фоний тажаллий ғояларини талқин этадики, бу руҳ унинг туркона ғазалларида ҳам мавжуд эди, жумладан: *Ошиқу маъшуқу ишқ жумла ҳуди, бас, Ҳар нафас аз як либос гашта ҳувайдо.* (Мазмуни: Ошиқ ҳам, маъшуқ ҳам, ишқ ҳам – ҳаммаси ўзингсану – бас, ҳар нафасда бошқа тусли либосда пайдо бўласан) каби байтларни туркий девондаги *"Сен эттинг шамъу гулдаким, парвонаву булбул, Бири куйди, бирига бўлди юз дарду бало пайдо" ("Наводир уш-шабоб", 3-ғазал.)* каби бир-бирини тўлдирадиган байтлар б-н ҳамоҳангликда ўрганиш Навоий адабий оламини мукаммал идрок этишга, шоир шеъриятидаги ҳамдлар моҳиятини, умуман, шоирнинг диний-суфиёна тасаввур ва қарашларини тўғри англашга ёрдам беради. Шоир девонидаги учинчи ғазал наът мазмунида. Ундаги меърож моҳиятини ифодалаган: *Аз он дидори Ҳақ дидӣ ки ҳам нури илоҳӣ кард Мунир аз сурмаи "мозағ" чашм сиҳатро* (Мазмуни: Қора кўзларингни Худо "мозағ" сурмаси б-н равшан қилди, шунинг учун Худо дийдорини яққол кўра олдинг) байти ва туркийда худди шу масала доирасида битган: *Эй кўзин нури шафоат б-н ёрутқанингга Тортқан сурмайи мозағ икки кўздур гуваҳинг* ("Ғаройиб ус-сиғар") байти, умуман, наът мавзусидаги меърожга алоқадор бу икки ғазал бир-бирини тўлдиради.

Фоний ғазалларининг мавзу кўлами кенг. Жумладан, шоирнинг жуда кўп маърифий ғазалларида ижтимоий мазмун б-н бошланган фикрлар ғазал тадрижида ирфоний моҳият касб этади. Кўпроқ шу туркум ғазалларда якпоралик, баъзан воқеабандлик хусусиятлари намоён бўлади. Шоирнинг туркий тилдаги ғазалларида ҳам шу хусусият кузатилади. Фонийнинг *"Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў, К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар ў"*. (Мазмуни: бир олам истайманки, унда шу олам халқи бўлмаса, бу олам мардумининг жафосидан ғам бўлмаса) деб бошланувчи тўққиз байтдан иборат машҳур ғазали замондан ва замон аҳлидан шикоят тарзида бошланиб, бу замоннинг қиёфаси фалак ва

унинг жафоларидан шикоят, майхонага юз буриш, май ичиб дунёнинг яхши-ёмонини унутиш кайфиятига, умуман олганда, ирфонга тутташади. Ушбу ғазал шоирнинг "Наводир уш-шабоб" девонидаги *"Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме, Ким замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме"* деб бошланувчи 576-ғазалини давом эттираётгандек. Айниқса, ундаги: *"Гар будур олам, кишига мумкин эмас анда ком, Ҳақ магарким ком учун бошдин яратқай оламе"* байти бошқа бир оламдан ўзига нажот истаётган инсоннинг замон ва дунёнинг ташвишларидан шикоятини ифодалайди. Мазкур ғазалдаги фикрлар асосан суфиёна моҳият касб этган туркий тилдаги *"Парим бўлса, учуб қочсам улустин то қанотим бор, Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор"* ("Ғаройиб ус-сиғар", 133-ғазал) матлаъли ғазалини ҳам ёдга солади. Ғазалда "Д.Ф."даги фикрлар такомиллашиб, тасаввуфий мазмун касб этганки, бу Навоий бадиий тафаккурининг ҳар икки тилда бирдек намоён бўлишини кўрсатади. Бу, албатта, шоир қўллаган тимсоллар, бадиий санъат ва тасвир воситаларида ҳам кўринади.

"Д.Ф."да битта мусаддас бор. Мусаддас тўққиз банд – эллик тўрт мисрадан иборат. У арузнинг рамали мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун - V - - / - V- - /- V- - /- V-) вазнида ёзилган. Ушбу мусаддаснинг яратилиш тарихи б-н боғлиқ муҳим маълумотлар Навоийнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида келтирилган. Унда шоир ўзининг туркийда ёзган *"Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки, Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки"* матлаъли ғазали эл орасида шуҳрат топганини ва Ҳусайн Бойқаронинг ҳузурида ўқилганини эслайди. Навоийнинг туркий тилда "кошки" радифли учта ғазали бор. Улардан бирига ўзи ҳам мухаммас боғлаган. Бу ғазал ҳақидаги гаплар Абдураҳмон Жомийга ҳам етиб боради. Жомий ҳам ана шу баҳр, қофия ва радифда ғазал битади. Лекин Жомий туркийда эмас, форсийда татаббуъ ёзади. Жомий ғазалининг матлаъси шундай: *Дидаме дидори он дилдори раъно кошки, Дида равшан кардаме з он рўйи зебо кошки.* Бу ўзига хос нодир адабий ҳодиса, икки халқ ҳамкорлиги, руҳий яқинлигининг ифодаси эди. Жомийнинг татаббуъ тариқида ёзган ғазали ҳам эл орасида шуҳрат топиб, Ҳусайн Бойқаро эътиборини қозонади ва подшоҳ Навоийга ушбу форсий ғазалга мусаддас боғлаш (ҳар бир байтни олти мисралик бандга айлантириш)ни буюради. Ҳазрат Навоий бу амрни бажаради. Яна янги гўзал асар вужудга келади. Мусаддас шундай бошланади:

Кардаме дар хоки кўйи дўст маъво кошки,
Судаме рухсори худ бар хоки он по кошки,
Омади берун зи кўй он сарви боло кошки,
Бурқаъ афканди зи рўйи оламоро кошки,
Дидаме дидори он дилдори раъно кошки,
Дида равшан кардаме з он рўйи зебо кошки.

(Мазмуни: Дўст кўчаси тупроғида макон-маъво тутсайдим, ул оёқлар тупроғига юзимни суртсам қани эди, у сарв коматли ёр кўчасидан чиқсайди кошки, оламни ёритувчи юзидан никобини олсайди, у раъно дилдорнинг дийдорини кўрсайдим, кўзимни ўша зебо юздан равшан қилсайдим кошки).

Аммо Алишер Навоий Жомий ғазалига мусаддас боғлаганда, тахаллусини келтирмаган. Бу анъанага зид. Чунки кимнингдир ғазалига мухаммас ёки мусаддас боғлаганда ўз тахаллусини қўшиш анъанаси мавжуд. Афтидан, бунда Навоий султон Ҳусайн Бойқарога эҳтиром юзасидан шундай йўл тутган. Навоий мусаддаси султонга ҳам, Жомийга ҳам маъқул келган. Шоир мусаддас ёзиш талабларига тўлиқ риоя этган, яъни илова қилинган байтлар ғазал байтлари маъносини ривожлантирган, тўлдирган. Унда мавжуд мавзу ва мазмундан четга чиқиш кўзга ташланмайди.

Шу тариқа, ушбу адабий ҳодиса, бир томондан, Навоий ижодий салоҳиятининг бемисл қудрати, унинг асарлари қадру қимматини, Навоий б-н Жомий орасидаги зеҳну заковат, адабий маслак ва қалб яқинлигини ифодаласа, иккинчи тарафдан, бу икки буюк адибнинг давр подшоси, "шоҳу дарвешлик"ни ўзида мужассам этган нозиктаъб шоир Ҳусайн Бойқарога муносабатини ҳам белгилаб турибди ёки бошқача айтганда, Ҳусайн Бойқаронинг адабий ҳаётга фаол иштироки, Навоий ва Жомийга

бўлган чуқур ҳурмати, улар истеъдоди меваларини кўпайтириш сари қилган ҳаракатлари намунасидир (Н.Комилов).

Девондаги энг маҳзун, ғуссага тўла шеър – Фонийнинг марсиясидир. "Марсияи ҳазрати Махдум" номи б-н берилган ушбу марсия-таркиббанд Абдураҳмон Жомий вафоти муносабати б-н ёзилган. Навоий Жомий ҳақида кўп шеърлар ёзган, "Хамса"-нинг ҳар бир бобида у зот мадҳида махсус боблар ажратган. Энг яқин инсондан жудо бўлган паллада битилган мазкур шеърда Фонийнинг ҳар бир мисрасида Жомийнинг улуғ инсонлигини таъкидлаш ва бу бевафо дунёнинг моҳиятини фалсафий идрок қилишга ундаш кайфияти устун туради. Таркиббанднинг биринчи банди шундай якунланади:

Назди арбоби яқин дори фано чое нест,
Ватани аслии ин тоифа чое дигар аст.
Зон сабаб масти маи чоми азал орифи Чом,
Сархуш аз дори фано сўи Ватан кард хиром.

(Мазмуни: Эътиқод эгалари наздида бу уткинчи дунё жой эмас, бу тоифанинг асли жойи бошқа ердадир. Шу сабабли азал майининг масти жомлик ориф, Сархушлик б-н фано саройидан (чиқиб) ватан томон кетди). Ҳар бир банди ўн байтдан иборат, етти бандли – жами бир юз қирқ мисрадан иборат ушбу таркиббанд-марсия арузнинг рамали мусаммани махбуни мақсур (рукнлари ва тақтиъи: фаилотун фоилотун фаилотун фаилон –V – – / V V – – / V V – –/ V V–) вазнида битилган.

Девонга ҳажман унча катта бўлмаган – икки, уч, тўрт ва беш байтдан ташкил топган, шоирнинг ахлоқий-таълимий қарашларини бадиий ифодалаган 64 та қитъа ҳам киритилган. Қитъа жанр табиатига кўра панд-насиҳат руҳида бўлганлиги боис, ундаги фикрлар кўпинча иккинчи шахсга қарата айтилади. Агар шоирнинг туркий тилда битган қитъаларида иккинчи шахсга мурожаатни кўрсак, форсий тилдаги қитъаларда бундай мурожаат ҳар доим ҳам кўринмайди. Баъзан шоир ўзига мурожаат қилади, ўзи ҳақида, ўз шеърлари ҳақида ёки бирор воқеа ҳақида гапириб, шахсий кузатишларини умумлаштиради, муайян хулосага келади, лекин китобхон бу мурожаатнинг ўзига қаратилганлигини ҳис қилиб туради. Шу маънода моҳиятан панднома характерига эга бўлган қитъалар мазмуни фалсафий, ижтимоий ҳамда эстетикага оид мавзу-масалалар б-н уйғунлашиб кетган. Қитъаларда қайси мавзу кўтарилмасин, шоир қайси масалани ўртага ташламасин, ҳар бирида инсоннинг инсонлик моҳиятини англатишга, тириклик манзараларини тасвирлашга – китобхонга ибрат кўрсатишга эришади. Жумладан, *"Сарои даҳр, ки ҳар лаҳза карвони дигар. Дар ў нузул кунад, баҳри хўрдану хуфтан. Муқим ношуда табли раҳил кўбад боз. Бад-ин чиҳат шавадаш корвонсоро гуфтан"*. (Мазмуни: дунё саройига ухлаш ва ейиш мақсадида Ҳар лаҳза карвонлар келиб-кетиб туради (Улар бу ерда) бир нафас турмасдан кўчиш ноғораси чалинади, Шунинг учун ҳам уни карвонсарой дейдилар). Шоирнинг кўп асарларида савиясиз котиблар, манманликка берилган шоирлар, нодон муғанний-лар ва ўз касбини риёга алмашган бошқа кишилар ҳақида сўз юритилади. Бундай нодонлар ҳақидаги ўйлари форсий қитъаларда ҳам жаранглайди. Масалан, шоир ўзининг ҳаётий кузатувларини бу туркум шеърларига шундай олиб киради: *Чи ҳол ин аст муғанниро, ки лафзи шеър аз ў мафҳум, Намегардад, зи бас илҳони таҳрироти пурпечаш. Яке гуфто: "Ба ёдам буд ин шеъру нафаҳмидам". Бигуфтам: "Шеъри ман буду нашуд мафҳуми ман ҳечаш"*. (Мазмуни: Бу не ҳолки, муғанний талаффузининг ёмонлигидан Шеърнинг маъносини тушуниб бўлмайди. Бир киши айтадики: "Мен бу шеърни ёддан билардим, лекин ҳозир маъносини тушунмадим". Мен дедим: "Бу аслида менинг шеърим эди, лекин мен ҳам ҳеч нарса англамадим"). Қитъаларда шоирнинг ўз шеърлари, умуман, шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрлари ҳам ўз ифодасини топган:

Зи сар то по набошад шеъри кас хуб,
Ки ин мумкин набошад ҳеч касро.
Баду нек ар баробар ҳаст, бад нест,
Басе доранд ин неку ҳавасро.
Зи бад гар неки ў бошад зиёда,
Надид аз сад яке ин дастрасро.
Каломи Ҳақ наёмад жумла яксон,
Чи бошад нукта мушти хору хасро.

(Мазмуни: Ҳеч кимнинг шеъри бошдан бир хилда яхши бўлмайди, Бу деярли

мумкин эмас. Агар яхши-ю, ёмони баробар бўлса, бу – ёмон эмас, Буни кўпчилик орзу қилади. Ёмонидан яхшисининг кўп бўлиши Юздан бир шоирга ҳам муяссар бўлган эмас, Ҳақнингки, барча сўзи бир хил бўлмагандан кейин Биздек хору хасларга (тенгликни) ким қуйибди?).

Қитъалар шоирга ўз ижоди ҳақидаги фикрларини эркин ифодалашга имкон беради. Шоир "Хазойин ул-маоний"даги "Ғазалда уч киши тавридур ул навъ..." деб бошланадиган бир қитъасида ўзининг ижоддаги салафлари ҳақида сўз юритиб, ўз шеърларининг мавзусига ишора қилган бўлса, "Д.Ф."да татаббуъ йўлидан борганлиги сабабларини шундай изоҳлайди: *Татаббуъ кардани Фоній дар ашъор, На аз даъвою не аз худнамоист. Чу арбоби сухан соҳибдилонанд, Муродаш аз дари дилҳо гадоист.* (Мазмуни: Фонийнинг (форс шоирлари) шеърларига татаббуъ ёзишдан мақсади Бирор-бир даъво ё ўзини кўрсатиш учун эмас, Бу сўз арбоблари маърифат аҳлидирлар, (Фонийнинг) муроди улар эшигида гадоликдир). Хуллас, моҳиятан панд-насиҳатни англатувчи Фоний қитъалари шоир фалсафий, ижтимоий, ахлоқий-таълимий ва адабий-эстетик қарашларини ўрганишда муайян аҳамиятга эга.

Фоний-Навоий фалсафий-ахлоқий қарашларини ифода этган жанрлардан яна бири – рубоийларнинг адади ушбу девонда етмиш иккитани ташкил этади. Барча рубоийлар тўрт мисраси ўзаро қофияланган тароналар рубоийлардир. Рубоийнинг бу турини шоир "Хазойин ул-маоний"да кенг қўллаган. "Д.Ф."даги айрим рубоийлар туркий тилдаги рубоийларига мазмунан яқин, ҳамоҳанг. Масалан, *"Жонам ба ду лаъли чонфизои ту фидо", Руҳам ба насими атрсои ту фидо. Ошуфта дилам ба ишвахои ту фидо, Фарсуда танам ба хоки пои ту фидо"* рубоийси "Жонимдаги жим икки долингга фидо..." деб бошланувчи рубоийсига ёки "Дар ғурбатам афтода зи ҳижрони ҳабиб..." деб бошланувчи рубоийси машҳур "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш..." деб бошланувчи рубоийсига мазмунан жуда яқин. Бироқ бу шоирнинг форсий тилда битилган рубоийларининг барчаси туркий тилда битилган рубоийларига ўхшаш деган хулосани бермайди. Ҳар икки тилдаги рубоийлар ўртасида фарқ ва тафовутлар ҳам талайгина. Бундан ташқари, агар бутун "Хазойин ул-маоний"га 133 та рубоий киритилган бўлса, биргина "Девони Фоний-"да 72 та рубоий мавжуд.

Мазкур девонга *таърих* жанрига мансуб ун олтита шеър киритилган. Таърихлар, аввало, муайян воқеа-ҳодиса рўй берган санани эътироф этиш мақсадида битилади. Айни шу эҳтиёжни шоирлар санъат даражасига олиб чиқиб ифодалайдилар. Кўпинча, таърихлардан муайян асар сўнгида унинг ёзилган санасини битиш учун фойдаланганлар. Бунда улар ўша асарнинг таркибидаги байт ёки бўлак сифатида эътироф этилган. Аммо таърихлар махсус жанр сифатида ҳам учрайди. Девонда, Фоний-Навоий қадрдонлари ва пир-устоз деб билганлари – Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Султон Маҳмуд сингари тарихий сиймоларнинг вафот этган санасини таърих жанри талаблари асосида очиб берган. Абдураҳмон Жомий вафотига бағишланган таърихда "араб ёзувида " – "Худо биёмурзад" жумласи таърих санаси сифатида келтирилади: *Сарви чамани ҳаёт Абдураҳмон, К ӯ рафт аз ин дайри фано суи жинон. Таърихи чунин воқеаи ғуссарасон, Гар мехонӣ: "Худо биёмурзад" хон.* (Мазмуни: Ҳаёт чаманининг сарви – Абдураҳмон, бу фоний дунёдан (руҳи) жаннатга кетди. Ғам-ғусса етказувчи шундай воқеаларнинг таърихини ўқиганингда: "Худо биёмурзад" – деб ўқи). Шеърда ишора қилинаётган "араб ёзувида" – "Худо биёмурзад" жумласидаги ҳарфлар абжад ҳисобида умумлаштирилса, ҳижрий 989 й., милодий 1492 й. келиб чиқади. Ушбу таърих шаклан рубоий жанри талабларига жавоб беради. Девонда бундан ташқари, қитъа жанри шаклига яқин таърихлар ҳамда тўртликлардан ташкил топган таърихлар ҳам учрайди.

"Д.Ф."га шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, аксар қисми Абдураҳмон Жомий назаридан ўтказилган муаммолар киритилган. Шу кунгача нашр этилган "Д.Ф." нусхаларида шоирнинг ўзи "Муҳокамат ул-луғатайн"да айтганидек, беш юз эмас, балки 266 муаммо мавжуд. Бу ҳолат девон-




Милий бог (Тошкент).

Узбекистонда Алишер Навоийга ўрнатилган хайкаллар









Тошкент шахридаги Шоирлар хиёбони (1), Самарқанд (2), Навоий (3) ва Термиз (4) шахарларида урнатилган хайкаллар.

Дунёнинг машҳур шаҳарларида Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкаллар











1, 2 — Алишер Навоий мақбараси ва саганасининг ҳозирги кўриниши. Ҳирот, Токио (3), Боку (4) ва Москва (5) шаҳарларида Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкаллар.



Навоий асарлари мажмуаси кўлёзмасининг муковаси ва мукова орти. 1001–1004/1592–96 йиллари Эрон Озарбайжонининг Кизилбоғоч шахрида кўчирилган. Хаттот – Назарали Фоизий.



"Ҳайрат ул-аброр" достони. Унвон. 988 йил 11 рабиъ ул-аввал/1580 йил 26 апрелда кўчирилган.
Хаттот – Ибн Абулмакорим Абдулваххоб ал-Хижозий.





Алишер Навоий. Девон. Мукова ва лавҳа. Ҳиротда XV аср охирида кўчирилган. Хаттот – Султонали Машҳадий.



Алишер Навоий. Девон. Лавҳа ва унвон. Табризда XVI аср бошида кўчирилган.






Алишер Навоий. "Илк девон". Мукова ва сиҳифалар намунаси. Ҳиротда 870/1465–66 йил кўчирилган. Хаттот – Султонали Машҳадий.



Алишер Навоий "Оққуюнли мухлислар девони". Унвон ва колофон. 876 йили 12 ражаб / 1471 йили 24 декабрда кўчирилган. Хаттот – Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий (Анисий).





Алишер Навоий. Девон. Лавха. Табризда XVI аср бошида кўчирилган.



Алишер Навоий. "Бадоеъ ул-бидоя" девончаси. "Мухаббатнома" мажмуаси. 1234/1818–19 йил Қўқонда китобат қилинган.



Алишер Навоий. "Девони Фоний". Унвон. XVI аср кўчирилган.



Алишер Навоий. "Ғаройиб ус-сиғар". "Мухаббатнома" мажмуаси. 1234/ 1818–19 йил Қўқонда китобат қилинган.




Алишер Навоий. "Сабъаи сайёр". Хиротда 897/1491–92 йил кўчирилган. Хаттот – Султонали Машхадий.



Алишер Навоий "Чихил хадис". Унвон. 1001–1004/1592–96 йиллари Эрон Озарбайжонининг Кизилогоч шахрида кўчирилган. Хаттот – Назарали Фонийй.



Алишер Навоий. "Лисон ут-тайр". Мукова. Шероза 907/1530–31 йил кўчирилган. Хаттот – Хожа Мухаммад ал-Табризий.



Алишер Навоий "Лисон ут-тайр". Унвон. 1001–1004/1592–96 йиллари Эрон Озарбайжонининг Кизилогоч шахрида кўчирилган. Хаттот – Назарали Фонийй.

нинг мукаммал нусхаси ҳали топилмаганлигини кўрсатади.

Девондаги муаммолар асосан бир байтдан иборат (фақат 14-муаммо икки байтдан ташкил топган). Муаммолар девонга уларнинг жавоби бошланган ҳарфларнинг араб алифбосидаги тартиби асосида жойлаштирилган. Яъни, дастлаб ечими "*алиф*" ҳарфи б-н бошланувчи исм ёки номлар келтирилади. Масалан, Одам, Амин, Омир ва бошқалар. Шу тарзда ечими "*бе*", "*те*" ва бошқа ҳарфлар б-н бошланувчи муаммолар бериб борилади. Муаммонинг жавоби сарлавҳа сифатида матн бошида келтирилади. Девонда жавоби "*алиф*" б-н бошланувчи муаммолар энг катта курсаткични ташкил қилади. Уларнинг сони 78 та. "*Бе*" б-н бошланувчи муаммолар миқдори эса 46 та ва ҳоказо.

Девонга шоирнинг табиатан таърих, муаммо жанрларига яқин бўлган шеърлари – луғзлар (адади – 9 та) ҳам киритилган. Шам, миқроз (қайчи), парвона, тахтиравон, кема каби жавобларга эга бўлган луғзлар, асосан, қитъа ва маснавийга ўхшаб қофияланган.

Девон мазмун-моҳиятини белгилашда салмоқли ўрин тутган жанрлардан бири – қасидаларни Фоний икки туркумга ажратади. Уларнинг бир туркуми олти қасидадан иборат "Ситтаи зарурия (ситта – ар. тилида олти демак)", яъни "Олти зарурат" бўлса, иккинчиси – тўрт қасидани жамлаган "Фусули арбаа" (арбаа – ар. тилидаги тўрт сўзидан), яъни "Тўрт фасл"дир.

"Руҳ ул-қудс", "Айн ул-ҳаёт", "Туҳфат ул-афкор", "Қут ул-қулуб", "Минҳож ун-нажот", "Насим ул-хулд" деб номланган "Ситтаи зарурия" қасидалари ўзаро боғланган. Улар мазмунан бир-бирини тўлдириб боради. Жумладан, 132 байт, ун икки қисмдан иборат биринчи қасида – "Руҳ ул-қудс" ("Муқаддас руҳ") Холиқ ҳамдига бағишланган. Унда тавҳид масаласи хусусида сўз юритилади. Аллоҳнинг яккаю ягоналигини дунё нарса-ҳодисалари хусусиятларини англатиш орқали асослаб берган шоир Оллоҳ, олам ва одам ўртасидаги боғлиқликни фалсафий-суфиёна маъно ёрдамида Ҳаққа бўлган чексиз муҳаббат б-н талқин этади. Иккинчи – 106 байтдан иборат "Айн ул-ҳаёт" ("Ҳаёт чашмаси") қасидаси Муҳаммад (с.а.в.) васфига бағишланган. Навоийнинг ҳар бир асарида, у девон ёхуд достон ё илмий-насрий асар бўлсин – барчасида наът бор. Бу борада, айниқса, шоир девонларидаги наът ғазаллар ҳамда достонларидаги наът боблар эътиборни тортади. Бироқ шундай бўлса-да, шоир айни шу мавзуда алоҳида қасида ёзишни ҳам зарур деб билган. Бу қасидада Навоий учун севимли бўлган мавзу – Меърожга алоҳида эътибор қаратилган. Расуллулоҳ тимсолида комилликни васф этган шоир вахдат ул-вужуд масаласи доирасида ўз туйғуларини ифодалаб, Ҳаққа бўлган муҳаббатни унинг ҳабибига бўлган муҳаббатга уйғунлаштириб давом эттиради. Учинчи – 99 байтдан иборат "Туҳфат ул-афкор" ("Фикрлар совғаси") қасидасида Фоний фақрлик ҳақида сўз юритади. Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Дарёйи аброр" қасидасига жавоб тариқасида битилган бу қасида Абдураҳмон Жомийга бағишланган. Оллоҳ мадҳи, Расулуллоҳ наътига бағишланган қасидаларидан кейин ушбу қасидасида фақрлик ҳақида ёзган Фоний моддий ҳаётни руҳоний ҳаётга зид қўйиб тасвирлайди. Қасидада Навоийнинг шоҳ ва гадо ҳикмати ҳақидаги фикрлари мужассамлашган. 120 байтдан иборат, Анварий қасидасига жавобан битилган "Қут ул-қулуб" ("Қалблар қуввати") инсон умрининг ўткинчилиги, дунёнинг бебақолиги, унга ҳаддан ортиқ меҳр қўймаслик ҳақидаги ақидани тушунтиради. Бироқ бу ақида тушкун кайфиятни тарғиб қилиш учун эмас, балки инсонга гўзал неъмат қилиб берилган умрни муносиб яшаш, эзгу ишлар қилишга илҳомлантиради. Фонийнинг кейинги – 138 байтдан иборат, Хоқоний ва Анварийга татаббуъ усулида битилган "Минҳож ун-нажот" ("Нажот йўли") қасидаси "Қут ул-қулуб" нинг узвий давоми. Дебочада "Туҳфат ун-нажот" номи б-н берилган бу қасидада шоир ахлоқий масалаларга оид фикрларини анча кенгайтиради. 129 байтдан иборат "Насим ул-ҳулд" ("Жаннат шамоли") – "Ситтаи зарурия"ни хулосаловчи қасидадир. Унда комилликка эришиш йўллари, тариқат одоби ва усуллари, умуман, суфийлик йўли, нақшбандия тариқати ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган. Бу қасида Хоқоний Ширвоний,

Амир Хусрав ва Абдурахмон Жомийга татаббуъ усулида ёзилган. "Ситтаи зарурия" Фоний-Навоийнинг фалсафий-суфиёна асарлари талқин этилган бебаҳо дурдонадир (яна қар.: *"Ситтаи зарурия"*).

Фоний қасидаларининг иккинчи туркуми Ҳусайн Бойқарога бағишланган "Фусули арбаа" – пейзаж лирикасининг энг гўзал намунаси. "Саратон" (71 байт), "Хазон" (33 байт), "Баҳор" (57 байт), "Дай" (70 байт) деб номланган бу тўрт қасидасида шоир йил фаслларини ёрқин бадиий лавҳаларда тасвирлаган (яна қар.: *"Фусули арбаа"*).

Форсий тилда ҳам мумтоз адабиётнинг энг муҳим жанрларида ижод қилган – рангин ғазаллар, ғаройиб қасидалар, дилтортар рубоий ва қитъалар битган, айниқса, татаббуъ ғазал ва қасидаларида форс шеъриятининг улкан намояндалари б-н ижодий баҳслашган ҳазрат Навоий-Фонийнинг мазкур девони унинг форс адабиётида ҳам ўз ўрнига эга эканлигидан далолатдир.

Ас.: *Алишер Навоий*. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000-2003. 18–20-ж.; *Алишер Навоий*. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 5-ж.; Алишер Навоий. Фоний гулшани/ Форсийдан Ж.Камол таржимаси. Т., 2011.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.; *Комилов Н.* Фақр нури порлаган қалб (Алишер Навоийнинг форсий қасидалари). Т., 2001.

Дисс.: *Сулаймонов Ҳ.* Алишер Навоий лирикасининг матншунослик тадқиқоти: ф.ф.д., Т.,1955 – 1961; *Сотиболдиева С.Р.* Фоний ғазалларининг бадиияти (Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларига ёзган татаббуълари асосида): ф.ф.н., Т., 2001. *Шомуҳамедов А.* Алишер Навоий ижодида татаббуъ (Фонийнинг Жомий ғазалларига татаббуълари мисолида): ф.ф.н. Т., 1981.

"ДЕВОНИ ФОНИЙ" АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. "Девони Фоний" қўлёзмаларининг бир неча нусхаси мавжуд. Уларнинг айримларидан намуналар:

1. "Девони Фоний". 999/1591-91 й. кўчирилган. Котиб – Камол ибн Маҳмуд. Истанбулда, Нуриусмония кутубхонасида (№ 3850, 183 варақ) сақланади.

2. "Девон Фоний". Хива. 1320/1902-03 й. кўчирилган. Котиб – Муҳаммадниёз Ҳазораспий (Тошкент, ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, №914, 162 варақ).

Мазкур девон Алишер Навоий мукаммал асарлари йигирма жилдлигининг 18-, 19- ва 20-жилдда форсча матн ва таржимаси билан берилган. Ушбу нашрга қуйидаги қўлёзма ва нашрлар асос бўлган:

1. Париж шаҳрида жойлашган Франция Миллий кутубхонасида Supl. Persan 285/2 инвентарь рақами билан сақланаётган қўлёзма нусха. Асар 237 варақдан иборат бўлиб, қўлёзманинг 123б-360б варақларидан ўрин олган. 933/1526-27 й. кўчирилган.

2. "Девони Фоний"нинг Душанбе нашри: Амир Алишер Фоний. Девони Форси. Мунтахаб. Душанбе: Ирфон, 1993.

ДЕҲИСТОНИЙ, Иброҳим – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Астаробод яқинидаги Деҳистон вилоятида туғилган. Муътазилийлик ақидаларига қарши бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ДЕҲЛАВИЙ, Абулҳасан Яминиддин бин Сайфиддин Маҳмуд Хусрав Деҳлавий (1253, Патёли – 1325, Деҳли) – туркийларнинг лочин уруғидан бўлган ҳиндистонлик форсийзабон шоир ва мутафаккир. Отаси Сайфиддин Маҳмуд асли Кеш (Шаҳрисабз) аъёнларидан бўлиб, Чингизхон босқини арафасида Ҳиндистонга бориб, Шамсиддин Элтутмиш саройига хизматга киради. Д. Деҳли яқинидаги Патёли қалъасида туғилади. 8 ёшида отасидан етим қолиб, бобоси Имодулмулк ва онаси Давлатнозбегим қўлида тарбия топади. Уз даврининг етук донишмандларидан таълим олган Д. форс, араб ва ҳинд тилларини чуқур ўзлаштиради ва уч тилда ҳам гўзал шеърлар ёза бошлайди. Ҳаёти давомида 9 ҳукмдор саройида масъул лавозимларда ишлаб, амирлик даражасигача кўтарилган Д. дарвешона табиати ва шоирлик маслагига бир умр содиқ қолади. Чиштия тариқатининг шайхи – Низомиддин Авлиё раҳнамолигида валийликнинг улуг даражаларига етишиб, шеърият, наср ва мусиқада ҳам дунёнинг машҳур ижодкорлари сафидан муносиб ўрин эгаллайди. Ижодининг илк босқичида "Султоний", кейинчалик "Д" тахаллу-

сини олади. Лирик меросини умр фасллари-га мослаб, "Туҳфат ус-сиғар" ("Ёшлик туҳфаси"), "Васат ул-ҳаёт" ("Умр ўртаси"), "Дуррат ул-камол" ("Камолот ибтидоси"), "Бақияи нақия" ("Сараларнинг сараси"), "Ниҳоят ул-камол" ("Камолот ниҳояси") номи б-н жами 5 девон тузиб, Шарқ ад-ти-да девончилик тузиш анъаналарини янада бойитди. Девонларининг умумий ҳажми 32465 байтдан ортиқ бўлиб, 2000 дан ор-тиқ ғазал, 300 га яқин қасида, 20 га яқин маснавий, 1200 дан зиёд рубоий, 500 тагача қитъа ва б. жанрдаги асарларини ўз ичига олган.

Д. Низомий Ганжавий "Хамса"сига жа-воб ёзиб, хамсанавислик анъанасини бош-лаб берган. Унинг 1299–1302 й.да ёзилиб, Алоуддин Хилжийга бағишланган "Хам-са"си қуйидаги достонлардан иборат: 1) "Матлаъ ул-анвор" ("Нурларнинг чиқиш жойи"); 2) "Ширин ва Хусрав"; 3) "Маж-нун ва Лайли"; 4) "Ойинаи Искандарий" ("Искандар кўзгуси"); 5) "Хашт беҳишт" ("Саккиз жаннат"). Хамсанависликда Д. Низомий достонларининг шакли ва сю-жети, образлар тизимини асосан сақла-ган ҳолда, уларни ўзига хос талқин этди ва янги мазмун б-н бойитди. Жомийнинг "Баҳористон"ида эътироф этилишича, ҳеч ким Низомий "Хамса"сига Д.дан ўтказиб жавоб ёзолмаган.

Бундан ташқари, у тарихий мавзуларда "Қирон ус-саъдайн" ("Икки саодатли сайёранинг учрашуви"), "Мифтоҳ ул-фу-туҳ" ("Ғалабалар калити"), "Дувалроний ва Хизрхон", "Нуҳ сипеҳр" ("Тўққиз фалак"), "Тўғлуқнома" каби бешта достон ёзган. "Эъжози Хусравий" ("Хусрав мўъжизаси") насрий асари эса ад-тнинг назарий масала-ларига бағишланган.

Тарих илмига оид "Маноқиби Ҳинд" ("Ҳиндистон авлиёлари маноқиби"), "Тари-хи Деҳли" ҳамда мусиқа илмига оид "Ри-солайи мусиқий" асари ҳозирча топилгани йўқ.

Навоий ижодига Абдураҳмон Жомийдан кейин энг кучли таъсир кўрсатган ижодкор Д. ҳисобланади. Навоий Д.ни ғазалнавис-ликда Ҳофиз Шерозий ва Жомий қаторида "соҳири Ҳинд" номи б-н тилга олса, "Хам-са"нинг ҳар бир достони муқаддимасида уни устозлари қаторида сўз иқлимининг шоҳи, Ҳинд соҳири, деб улуғлайди. "Дево-ни Фоний"да 32 та ғазалига татаббуъ битиб, унинг таъсирида бир ғазал ёзган. "Дарёи аброр" ("Яхши кишилар дарёси") қасидаси-га жавобан "Туҳфат ул-афкор" ("Тафаккур туҳфаси") қасидасини яратган.

"Насойим ул-муҳаббат"да Навоий Д.ни авлиёлар қаторида тилга олади. Унга кўра, Д. пири – Низомиддин Авлиё ҳамроҳлиги-да ҳаж амалини яёв адо этган. Тушида беш марта пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)ни кўрган. Пири унинг эришган маъ-ий мар-табаларидан фахрланиб: "Қиёмат куни ҳар киши бир нима б-н фахр этади, мен эса ана шу турк (Хусрав Д.)нинг кўксининг ку-юги б-н фахрланаман!", деб айтган экан. "Маҳбуб ул-қулуб"да Д. "ҳақиқат асрорини мажоз суратига кўргузган" шоирлар сира-сида келтирилган.

ДИЛБАР – ёр, севикли, маҳбуба. Ироқий талқини бўйича, кўнгилда муҳаб-бат дарди, андуҳ ва ғуссани кўпайтирувчи, бепарволиги, истиғноси б-н соликни *қабз* ҳолига туширган Ернинг сифати.

Дилбаро, сендин бу ғамким, менда
бордур, кимда бор?
Фурқатингдин бу аламким, менда
бордур, кимда бор?
("Наводир уш-шабоб", 148-ғазал)

ДИЛДОР – ёр, севикли, маҳбуба. Иро-қий талқини бўйича, ошиқ кўнглида сурур, умид ва муҳаббат туйғуларини кучайтирув-чи, меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги б-н соли-кни *баст* ҳолига туширган Ёрнинг сифати.

Фиғонким, кўнглум олған дилбарим
дилдорлиғ билмас,
Билур ошиқни ғамгин қилмоқу
ғамхорлиғ билмас.
("Гаройиб ус-сиғар", 238-ғазал)

ДИЛОРОМ – 1) "Сабъаи сайёр" дос-тонидаги бош қаҳрамон Баҳромшоҳнинг маъшуқаси. Созанда ва гўзал қиз, садоқат-ли маҳбуба.

Бу образ "Шоҳнома"даги Баҳром сарғу-заштлари б-н боғлиқ бобларда Озода, яъни олийжаноб ва саховатли, деб номланган. У хушовоз хонанда ва Баҳромнинг маъшуқа-си. Лекин у Баҳромнинг кийик овидаги

моҳирлигини мақтамагани учун от оёқлари остига ташланиб, қатл этилади.

Низомий Ганжавийнинг "Ҳафт беҳишт" достонида Баҳром маъшуқасининг исми Фитна бўлиб, Низомий уларнинг саргузаштлари учун иккита боб ажратади. Унда ҳам Баҳромнинг овдаги маҳоратини мақтамагани учун Фитна ўлимга маҳкум этилади. Лекин қиз ўлимдан қутулиб қолганидан кейин ўз ҳунари б-н Баҳромни қойил қолдиради. Натижада, Баҳром унга уйланади.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Ҳашт беҳишт" достонида Баҳром маҳбубасининг исми Дилором бўлиб, унда ҳам ошиқ-маъшуқлар саргузаштига икки боб ажратилади. Шоҳ ва канизак ўртасида овдаги моҳирлик хусусидаги келишмовчилик Д. достонида ҳам сақланган. Бироқ қиз кейинчалик шоҳни ўз ҳунари б-н мафтун этиши Амир Хусрав достонида бирмунча кенг ва қизиқарли тарзда ифодаланган.

Алишер Навоий эса Д.ни достонининг бош қаҳрамони даражасига олиб чиқди. "Сабъаи сайёр"ни Баҳром ва Д. саргузаштига бағишланган асар тариқасида яратди. Д. образини ҳам қайта ишлаб, уни нафақат гўзал ва санъаткор қиз, ҳозиржавоб ва тадбиркор канизак, балки вафодор маҳбуба, садоқатли ошиқ ва комил инсон сиймосида талқин этди.

Толпинурдин чу булди ороми,
Солди жонига ўт Дилороми.

("Сабъаи сайёр")

2) "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Меҳинбону саройида хизмат қилган ўн илмда моҳир ва гўзал қизлардан биринчиси.

Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бори ҳам сарв қомат, ҳам гуландом:

Дилорому Дилорою Дилосо,
Гуландому Суманбўю Сумансой.

("Фарҳод ва Ширин")

ДИНАВАРИЙ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Абдулхолиқ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Зоҳирпараст кимсаларнинг маъ-ий олами хароб ва қашшоқлигини мавъизаларида кўп таъкидлаган. Тажрид ва таваккул, қаноат ва тафридда ўз даврининг машҳур машойихларидан бўлган. Мадина шаҳрининг йўлидаги Водил Қуроъда вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

ДИНАВАРИЙ, Абулаббос Аҳмад бин Муҳаммад (ваф. 952 й. дан кейин) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Юсуф бин Ҳусайн Розий, Абдуллоҳ Харроз, Абу Муҳаммад Журайрий, Абулаббос бин Ато, Рувайм Бағдодий б-н суҳбатда бўлган. Бир муддат Нишопурда яшаганидан сўнг Термизга келади ва у ерда Муҳаммад бин Ҳомид б-н учрашади. Умри охирида Самарқандда яшаб, вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ДИНАВАРИЙ, Абулҳасан Сойиғ Али бин Муҳаммад бин Саҳл (ваф. 942) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ироқи Ажамнинг Динавар қишлоғи (ҳоз. Эроннинг Кирмоншоҳ вилояти)да яшаган. Тас. сирларини Абу Жаъфар Сайдалонийдан ўрганган. Абулҳасан Қарофий, Дуққий, Абу Усмон Мағрибийнинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ДИНАВАРИЙ, Абубакр Довуд Муҳаммад бин Довуд (865 – Динавар – 962) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Жалло ва Абубакр бин Абдуллоҳ Тусий Нассож б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ДИНАВАРИЙ, Абубакр Кисоий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ироқ яқинидаги Динавар қишлоғида туғилган. Жунайд Бағдодий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Абулхайр Аскалонийнинг гувоҳлик беришича, Д. ухлаган пайтида куксидан Қуръон оятлари эшитиларкан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ДОВУД ибн Ийшо – подшоҳ ва пайғамбар. Сулаймон пайғамбарнинг отаси. Навоий асарларида образ даражасига кўтарилган сиймолардан бири. Д. исми Қуръони Каримда 16 марта тилга олинган (2:251, 4:163, 5:78, 6:84, 17:55, 21:78, 21:79, 27:15, 27:16, 34:10, 34:13, 38:17, 38:22, 38:24, 38:26, 38:30). Толут замонида Жолутга қарши бўлган урушда уни ҳалок этиб, Толутнинг қизига уйланади. Толут унинг тобора ортиб бораётган обрўсига ҳасад қила бошлайди. Д. бир муддат яшириниб юришга мажбур бўлади. Толут жангда ҳалок бўлганидан сўнг Д. унинг ўрнига тахтга ўтиради. Д.га тўрт муқаддас китобнинг бири – "Забур" нозил қилинган. Мўъжизалари – тошлар б-н тиллаша олган, темирга қўлда шакл берган ҳамда "Забур"-ни гўзал овозда қироат қилган. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Д.нинг пайғамбарлигини исботловчи мўъжизалари, адолатли подшоҳ ва козн бўлгани, ўз касби орқасидан кун кечириши, жиҳодлари, фарзанди Сулаймон б-н муносабати, Урёнинг хотинига ошиқ бўлиб, хатога йул қўйгани ва тавба қилгани, қавмига келган вабони дуо ва илтижолар воситасида даф этгани ҳамда бу ишнинг шукронасига Ақсо масжидини қуришга киришгани, бир юз йигирма ёшида вафот этгани ҳақида батафсил маълумот берилган. Навоийнинг лирик асарларида Д.нинг сеҳрли овози ҳақида ишоралар бор:

Ул Масиҳанфосқа ёқмас Навоий,
не осиғ,
Нағмаи Довуд агар зоҳир қилур
афғонида.
("Наводир уш-шабоб", 560-ғазал)

ДОВУД БАЛХИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Иброҳим Адҳам*нинг устозларидан бири. *Исми Аъзам*ни билган каромат соҳибларидан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ДОВУД БИН АҲМАД ДОРОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Аҳмад бин Абулҳаворий б-н суҳбатда бўлган. Абу Сулаймон Доронийнинг укаси. Шариат амалларини бекаму кўст бажариш ва риёзатга катта аҳамият берган.

ДОМ – қуш ёки бошқа ҳайвонларни овлаш мақсадида қилдан ясаладиган сиртмоқли мослама; тузоқ. Қўлга тушириш ёки ўзига оғдириш учун кўрилган тадбир ёки ишга солинган восита. Мажозий маънода дунёвий ҳою ҳавас, Ҳақ йўлидаги тўсиқ ва тузоқлар.

Гар фано бўстонига айлар ҳаво
кўнглунг қуши,
Эй Навоий, олам асбоби
анга дом ўлмасун.
("Наводир уш-шабоб", 485-ғазал)

ДОРО ИБН ДОРОБ – қадимги Эронда ҳукмронлик қилган каёний подшоҳ. "Тарихи мулуки Ажам"да золим подшоҳ бўлгани, ундан каттаю кичик азият чеккани айтилади. Искандар унга хирож тўлашдан бош тортганида Д. қўшин тортиб боради. Уруш энди бошланганида унинг зулмидан кўп жафо чеккан икки аъёни томонидан ўлдирилади. Навоий баъзи манбаларда Искандар ҳамадонлик икки кишини ёллаб, уни ўлдиргани ҳақидаги маълумотни ҳам қайд қилиб, бироқ биринчи маълумот ишончлироқ эканини айтади. Д. вафотидан олдин Искандарга учта нарсани: қизи – Равшанакни никоҳига олишни, қотилларини жазолаш ҳамда аслида Форс подшоҳларининг авлодидан бўлган аҳли аёли ҳурматини жойига қўйишни васият қилади. Навоий ушбу маълумотларни келтирар экан, бу воқеаларни "Садди Искандарий" достонида батафсил ёзганини билдиради.

Яна бир неча вақт Доройи даҳр,
Ичиб нўш, даврон анга берди заҳр,
Фалак заҳр агар берди Дороға бот,
Сикандарга ҳам бермай оби ҳаёт.
("Тарихи мулуки Ажам")

ДОРОБ – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган Каёний подшоҳ. Ҳумойнинг ўғли. Навоий "Тарихи мулуки Ажам"да Д.нинг тахтга келиши б-н боғлиқ воқеаларни Ҳумой ҳақидаги фаслда киритган. Унинг талқини бўйича, Д. донишманд, паҳлавон, одил ва хушсурат подшоҳ бўлган. Рум жангида подшоҳ Файлақус (Филипп)ни асир олиб, сўнг ҳар йили мингта олтин тўхум

миқдорида хирож тўлаш шарти б-н қўйиб юборади. Файлақуснинг қизига уйланиб, ундан нохуш ҳид келгани учун ортига қайтариб юборади. Ана шу қиздан кейинчалик Искандар Зулқарнайн туғилади. Д.нинг донишманд вазири Башутан (Рашитан) унинг номи б-н аталувчи Доробжирд шаҳрини бунёд этади. Д.нинг тахтга ўтирган муддати баъзи манбаларда 60, баъзиларида 52 йил деб кўрсатилган.

Чу тахт узра Дороби равшанзамир,
Ҳумой ўрнига бўлди оромгир.
Анинг доғи йиқти фалак поясин,
Бошидин айирди ҳумо соясин.
("Тарихи мулуки Ажам")

ДОРОНИЙ, Абу Сулаймон Абдураҳмон бин Аҳмад бин Атийя (ваф. 831) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дамашқ яқинидаги Дорон қишлоғида яшаган. Райҳонат уш-Шом (Шом ўлкасининг азизи) номи б-н машҳур бўлган. *Аҳмад бин Абулҳаворий*нинг устози, Довуд бин Аҳмад Доронийнинг акаси. "Ат-Таъарруф", "Рисолати Қушайрия", "Кашф ул-маҳжуб", "Таърихи гузида, "Табақот ул-авлиё" китобларида Д. ҳикматларидан намуналар келтирилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

"ДОР УЛ-ҲУФФОЗ" – Алишер Навоий бунёд этган бинои хайрлардан бири. Машҳад ш.даги Имом Мусо Али Ризо мақбарасининг ҳовлисида бунёд этилган ушбу иморат ложувард ва олтин, ислимий ва чиний нақшлар б-н жуда муҳташам қилиб безатилган. "Д.Ҳ."да ёш қориларга Қуръонни тўлиқ ёдлаш учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бундан ташқари, бу ерда бир ғалвирхона ҳам қурилган бўлиб, унда ҳар куни қашшоқлар, муҳтожлар ва етимларга таом улашилган.

ДОШ – хумдон, кулолчиликда ишлатиладиган катта ўтхона. Икки хил – ерости ва ерусти Д. мавжуд бўлган. Ерости Д.да ер 1,5-2-метр чуқур қазилиб, атрофига хом ғишт терилади. Ерусти Д. хом ғишт билан ердан 1,5-2-метр баланд кўтарилиб, ички ва ташқи томони суваб чиқилади. Д.лар икки қисм – қўра ҳамда кўза, коса, пиёла ва ҳ.к.ни пишитишга мўлжалланган махсус хоначадан иборат бўлади.

Навоий шеъриятида Д. бадиий образ даражасига кўтарилган бўлиб, асосан, ишқ қўрасида тобланаётган ошиқнинг вужуди ва руҳи унга қиёсланган.

Ошиқ ўлдум, чунки
май бердинг, магар эй муғбача
Ишқ ути бирла
пишурмишлар пиёланг дошини.
("Ғаройиб ус-сиғар", 619-ғазал)

ДУНЁ – 1) жаҳон, олам, борлиқ:
Икки дунёдин агар кечса
Навоий айб эмас,
Ҳар қачонким ул бути
ҳаммор элидин ичса қуш.
("Ғаройиб ус-сиғар")

2) бойлик:
Майли дунёки, солур
кимсани тинмасликка,
Тинибон кўнгли анинг
кимки, кўнгулдин чиқариб.
("Наводир уш-шабоб")

3) кишини йўлдан оздирувчи, уни охират ва бошқа савоблардан мосуво қилувчи куч. Тас. таъсиридаги бадиий ад-тда кўпинча кекса аёл (қар.: *даҳр золи, фалак золи, чарх золи*) қиёфасидаги образ.

Д.нинг қадимийлиги назарда тутилиб айтилган бу образ унинг ҳийлакорлиги, инсон умрининг ўткинчилигига қарши ўлароқ вужудга келган. Д. кексалигига қарамай янги ошиқлари қаршисига пардоз қилиб гўзал қиз қиёфасида келиши, уларни ҳийла б-н ўзига шайдо қилгач, расвою абгор айлаши ҳақидаги анъанавий фалсафий мотив Навоий ижодида ҳам фаол қўлланилади. "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳодни ўлдириш учун Хусрав ёллаган кампир ҳам ана шу мотивнинг бир талқини ҳисобланади.

Эй Навоий, тарки дунё айла,
иззат истасанг
Ким, мазаллат келди
саъй анинг таманноси учун.
("Фавойид ул-кибар")

Алишер Навоий ижодида Д. *Д.и дун, Д. аруси, Д. аҳли* каби сўз ва жумлалар билан боғлиқ ҳолда ҳам келган.

ДУНЁ АҲЛИ, аҳли дунё – мол-дунёга меҳр қўйган, ҳатто унга сиғинган гумроҳлар. Бу бирикманинг тарихи оламнинг яратилиши б-н боғлиқ диний ривоятга бориб такалади. Афсоналарга кўра, олам яралгандан сўнг Оллоҳ таоло бандаларининг арвоҳларини унга сайёҳат қилиш учун юборади. Дунёни кезиб, сайр қилган кишиларнинг бир гуруҳи унинг гўзаллигини, бойлик ва бошқа жилваларини кўриб, қолишни афзал кўришади. Иккинчи гуруҳ эса охиратнинг дунёникидан-да гўзал ва боқий жилваларига шайдо бўладилар. Яратган кошига эса фақат сиддиқ бандаларнинг арвоҳлари қайтиб боради. Шундан буён дунё ва унинг жилваларига меҳр қўйганларни Д.а., охират учун тоат-ибодат қилувчиларни охират аҳли, ҳар иккисига қарамай, Яратган висолини кўзловчиларни сиддиқлар, дейишаркан:

Қафас қайдидадур булбул,
буким вайрона тутмиш чўғ
Вафоси йўқ эканни билди
гўё аҳли дунёнинг.

("Ғаройиб ус-сиғар")

ДУРД – май қуйқаси. Тас.да Д. – балолар ва синовлар эвазига келадиган илоҳий неъматлар, ташқи сезги орқали идрок этиладиган маърифат сирлари, ҳолини пинҳон тутиш учун ўзини халқ маломатига гирифтор этган ошиқ маъноларида қўлланилади.

Эй Навоий, давр агар будур,
мени маст эткали
Сен тўла қуйким, мен онинг
софу дурдин толғамон.

("Фавойид ул-кибар", 442-ғазал)

ДУНИЙ, Абу Абдуллоҳ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абулҳасан Харақоний уни важд ва ҳол бобида Абубакр Шиблийга қиёс қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ДУР(Р) – инжу, марварид, гавҳар. Энг қимматбаҳо турлари Адан шаҳрида етиштирилади. Маж. кўз ёши, чуқур маъноли сўз, асл насаб, гўзал маҳбуба, маъ-ий камолотга эришган солик маъноларида ҳам қўлланилади. Навоий шеъриятида Д. қуйидаги маъно ва шаклларда учрайди: Сўз Д.и – қийматли, мазмунли сўз; Д.и Адан – Аданда етиштирилган қимматбаҳо Д.; Д.и гироми – қийматли Д.; маж.: севгили, гўзал ёр; Д.и зот – асл насаб; Д.и лоянзур – мисли кўрилмаган гавҳар; Д.и мақнун – яширин Д. садаф ичида яширилган инжу; Д.и манзум – тизилган Д.; шеър тизмаси; Д.и маъни – маъно Д.и; Д.и мақол – сўз гавҳари; Д.и ноб – тиниқ марварид; маж. қийматли сўз; Д.и самин – қимматбаҳо Д.; Д.и сероб – тоза, покиза Д.; Д.ут-тож – тожга ўрнатилган гавҳар; Д.и хушоб – ялтироқ Д.; Д.и шабафрўз – тунни ёритадиган Д.; Д.и шабчароғ – тунни чироқдай ёритувчи Д.; Д.и шоҳвор – йирик, аъло Д.; Д.и якто – ўхшаши йўқ гавҳар; Д.и ятим – садаф ичида бир ўзи етишган, йирик Д.; маж. қийматли сўз; Д.и ғалтон – йирик юмалоқ Д. Д. сўзидан Д. афшон – дур сочувчи; маж. гўзал шеърлар ижод қилувчи; Д. бор – дур ёғдирувчи; маж. – фасоҳатли сўз соҳиби каби сўзлар ясалган.

Ети ранг дебойи заркордин,
Мукаллал қилиб дурри шаҳвордин.

("Садди Искандарий", 43-боб)

"ДУРР УН-НАЗИМ ФИ ФАЗОИЛ ИЛ-ҚУРЪОН ИЛ-АЗИМ" **("Қуръони азим фазилатлари ҳақида тоза дурдоналар")** – Имом Ёфиъийнинг асари. Ибн Хушоб Яманий (ваф. 1172)нинг "Дурр ун-назим фи хавосс ил-Қуръон ил-азим" ("Буюк Қуръон хосиятлари ҳақида") тафсирининг қисқартирилган шакли. Навоий ушбу асарни "Насойим ул-муҳаббат"да Имом Ёфиъий ҳақидаги бобда тилга олган.

"ДУРРАТ УЛ-ФОХИРА" – Абдураҳмон Жомийнинг асари. 1481 й. Туркия султони Муҳаммад Фотиҳ (1451–1481)нинг илтимосига жавоб тарзида араб тилида ёзилган ушбу асарда тас., калом, фал. ва тавҳид илми ҳақидаги қарашлар ёритилган. Мазкур асар "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида "Суфи ва мутакаллим ва ҳаким мазҳаблари таҳқиқининг рисоласи" номи б-н келтирилган.

ДУРРОЖ – қирғовул; бедана:

Шабистонинг аро сабуҳийлардин
юз туман товус,
Гулистонинг аро қуддуслардин
юз туман дуррож.
("Фавойид ул-кибар")

2) "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги "Ростлиқ таърифидаким..." деб номланган ўнинчи мақолатга илова қилинган ҳикоят қаҳрамони. Эгрилик ва ёлғон рамзи.

Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлиқ,
Бошлади дуррож била ёрлиқ.
("Ҳайрат ул-аброр")

3) "Лисон ут-тайр" достонида Ҳудҳуд қушларни Симурғ сари йўлга даъват қилиб, еттинчи ўринда мурожаат этган қуш. Достонда бошқа тилга олинмайди.

– "Кел-кел, эй Дуррожким, бас хуб сен,
Жон қушидек барчаға матлуб сен.
("Лисон ут-тайр")

ДУҚҚИЙ, Абубакр Муҳаммад бин Довуд Димишқий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Асли динаварлик бўлиб, Димишқда яшаган. Тас. сирларини Абу Али Жалло, Абубакр Заққоқ Мисрий ва Абубакр Мисрийдан ўрганган. Абу Али Рудборий, Абулҳасан Сойиг Динаварий б-н суҳбатда бўлган.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартирилган ҳолда киритган.

ДЎМСАЙМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг еттинчиси. **Думсаймоқ** ёки **тумсаймоқ, тўрсаймоқ** – *бирор нарсадан ранжиб, қовоғини солиб турмоқ.* Бу сўзнинг **тўрсайишмоқ** ва **тўрсаймоқ, тумсаймоқ** шакллари ҳам *қовоқ солмоқ, ранжимоқ* маъноларини ифодалайди. Д. феъли Навоийнинг бошқа асарларида қўлланмаган.

ДЎПТУЛМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксон саккизинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида қўлланмаган, аммо манбаларда унинг *тўла бўлмоқ, тўлмоқ; ҳамла, ҳужум қилмоқ* каби маъноларни англатиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Навоий асарлари учун тузилган бошқа манбаларда Д. феълининг ўзгача изоҳи ҳам учрайди. Бу феъл Навоий асарларида қўлланилмагани учун шоир сўзнинг қайси маъносини назарда тутгани ҳақида қатъий хулоса айтиш қийин.

ДЎСТ – туркий ва форсий халқлар адабиётида кенг қўлланилган тимсоллардан бири, бош қаҳрамон ёнида турувчи, қийинчиликлар ва оғирликларда ёрдам берувчи асосий персонаж. Д.нинг генезиси фольклорда ҳомий руҳларга бориб тақалади. Халқ эртакларида инсондан ташқари парилар, ялмоғиз, девлар каби мифологик қаҳрамонлар, бури ва от каби жонзотлар бош қаҳрамонга Д.лик вазифасини бажарган.

Ўзбек мумтоз адабиётида Навоийдан олдин ҳам Д. образи муҳим персонажлардан саналган. "Гул ва Наврўз"да Наврўзнинг Д.и – Булбул образи бунга яққол мисол бўла олади. Бу каби ҳолатлар натижасида Д. образининг ўзбек ад-тида ўзига хос ўрни ва вазифалари шаклланди. Улар қуйидагилардир:

– ошиқ-маъшуқларнинг мактубларини бир-бирига етказиш;

– ошиқнинг дардига даво бермоқ, яъни унинг ёр висолига етиши учун ёрдамлашмоқ, керак бўлса бу савоб йўлда жон фидо этмоқ;

– асар қаҳрамони б-н умрбод ёки асар сўнгигача бирга бўлиш.

Д. образи Алишер Навоийнинг "Хамса" асарида ўзига хос ўрин тутади. "Ҳайрат ул-аброр"нинг вафо ҳақидаги ҳикоятида икки вафоли Д. садоқати мадҳ этилиб, уларнинг жўмардлиги жонларини асраб қолишга сабабчи бўлганлиги таъкидланади. "Фарҳод ва Ширин" достонида Шопур образи Фарҳоднинг Д.и бўлиб, то умрининг охиригача у б-н ҳамнафас ва мададкор бўлади. "Лайли ва Мажнун"даги Мажнунга жон ели каби Лайли номасини олиб боргувчи ва маъшуқага ошиқ хабарини берувчи Зайд ҳам шундай садоқатли ва вафоли Д.лар сирасига киради. "Сабъаи сайёр" достонидаги Баҳромга маъшуқа суратини кўрсатиб, унга ишқдан таълим берган Мо-

ний ҳам унга умрбод ҳамдам ва ҳамнафас Д. ҳисобланади.

Навоий лирикасида Д. қуйидаги маъноларда қўлланилади

1) маҳбуба, маъшуқа, меҳрибон ёр:

Узди мендин дустлуқ
ул шўхи сиймин тан яна,
Ончаким мумкиндур,
этгил айш, эй душман, яна.
("Бадоеъ ул-васат", 540-ғазал)

2) Худонинг ёди:

Сендин айру эмас,
эй дўст, ўлгу тиригим,
Қаҳру лутфунг била
гар ўлтур, агар худ тиргуз.
("Ғаройиб ус-сиғар", 217-ғазал)

3) Худо:

Дўст васлин топмаған
дунёву уқбодин кечиб,
Ушбу дардингға Навоий
ҳолин истишҳод бил.
("Ғаройиб ус-сиғар", 364-ғазал)

Бундан ташқари, шоир лирикасида дўст-душман бирикмалари тазод санъати воситасида қўлланилиб, сўз ўйинлари яратилган. Асосан ғазалларда лирик қаҳрамон ўз ҳолини баён этиш ёки панд-насиҳат сўзларини айтиш учун "дўстлар" деб мурожаат этиши анъана шаклига кирган:

Дўстлар, қилманг
Навоийға насиҳатким бу кун
Ҳажр дардидин бағоят
бесару сомон эрур.
("Наводир уш-шабоб", 179-ғазал)

"Ғаройиб ус-сиғар" (87-ғазал), "Наводир уш-шабоб" (87-ғазал) ва "Бадоеъ ул-васат" (83-ғазал) девонларида "дўст", "Бадоеъ ул-васат"да "дўстлар" (140-ғазал) махсус ғазал мавжуд.

ДЎСТ МУҲАММАД (15–16-асрлар) – ҳиротлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Марғаний маҳалласидан эканлигини айтиб, ҳам шеърни, ҳам муаммони яхши айтиши ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Сафий" исмига битилган бир муаммоси ва қуйидаги байти келтирилган:

Балост аз ту ба дил ҳар замон
жафои дигар,
Жафоки, бар дигаре мекуни, балои дигар.

(Мазмуни: Дилимга доимо жафо етказасан. Бошқаларга етказган жафоинг ҳам мен учун яна бир балодир).

ДЎСТОН, Абу Ҳомид – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Марвда яшаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

Е

ЕТТИ ВОДИЙ – солик руҳининг етти даражадан иборат идрок босқичлари, инсоннинг илоҳий маърифат йўлида босиб ўтиши лозим бўлган руҳий-маънавий "манзил"ларини англатувчи, "Лисон ут-тайр" достонидаги асосий рамзлардан бири.

"Етти" дунё халқлари мифологияси ва фольклорида муҳим аҳамиятга эга бўлган "сирли" рақамлар сирасига киради. Етти иқлим, етти сайёра бир ҳафтанинг етти кундан иборатлиги ёки ойнинг тўртта етти кунликда янгиланиб туриши ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Етти рақамини белгилашда ҳафта кунлари б-н боғлиқ бўлган Қуёш, Ой, Марс (Баҳром), Венера (Зуҳра), Меркурий (Уторид), Юпитер (Муштарий) ва Сатурн (Зуҳал) сайёралари асосий рол ўйнаган.

Ҳаким Термизий ҳам тас.даги Атторгача бўлган тариқат ва сулук босқичларини етти мартабага бўлиб, тасниф ва таъриф берган. Мас, "Мақосид ас-соликин илаллоҳ" китобида Ҳаққа етишмоқ йўлини "етти ъақаба" (тог йўли) ибораси б-н ифодалаб, ҳар бир ъақаба – тавба, зуҳд...га алоҳида таъриф беради. Термизийдаги етти ъақаба б-н Аттордаги етти водийнинг тартиби ва таснифи бир-биридан тубдан фарқ қилади, шу боис Атторни Е.в. наз-ясининг ижодкори дейишга тўлиқ асос бор.

Ибн Синонинг "Тайр" қиссасида қушлар овчидан қочиб, саккиз тоғни ошиб ўтади. Ушбу мотив, яъни қиссадаги қушлар учиб ўтган саккиз тоғ пайғамбаримиз (с.а.в.) меърож кечаси босиб ўтган осмоннинг саккиз қаватига ишора. Ғаззолий қиссасида эса қушлар учиб ўтган тоғлар "водий" сўзи б-н алмаштирилади. Ихтиёр, изтирор водийлари ҳақида сўз боради. Бироқ уларнинг сони аниқ айтилмайди. Аттордa эса бу тартиб аниқ, яъни еттита қилиб белгиланиб, *Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру фано* деб ном қўйилади ва ҳар бирига ўзига хос тасниф берилади. Навоий "Лисон ут-тайр"да водий номлари ва уларнинг таснифларини ўзгаришсиз қолдиради. Лекин уларни муаллиф эмас, қушларнинг саволларига жавоб тариқасида Ҳудҳуд таърифлайди.

Оллимизда етти водийдур азим,
Ҳар бирида беҳаду андоза бийм.
("Лисон ут-тайр", 148-боб)

ЕТТИ ДОНИШМАНД – "Садди Искандарий"да тилга олинган етти файласуф. Фольклоршуносликда Е.д. қадимги халқлардаги етти илоҳ тушунчаси б-н боғлиқ деган қарашлар бор (М.Жўраев, К.Холмуҳамедов).

Е.д. тушунчаси Жомийнинг "Хирадномаи Искандарий" асари асосида шаклланган. Навоий уз достонида Искандарни комил инсон образида тасвирлашни истаган ва шунинг учун уни донишмандлар орасида, уларнинг насиҳатига қулоқ тутадиган, савол бериб, жавоб оладиган ва уларга амал қиладиган адолатли шоҳ тарзида тасвирлаган. Навоийнинг Е.д.и қуйидагича: *Афлотун (Филотун), Суқрот, Балинос, Буқрот, Ҳурмус, Фарфинюс ва Арасту.*

ЕТТИ ИҚЛИМ – юнон ва ўрта аср Шарқ фанида Ер куррасини минтақаларга бўлиш усули маъносидаги тарихий-географик ту-

шунча. Ер шарини яхлит тасаввур қилиш билан бирга, уни маълум қисмларга ажратиб ўрганиш йўлида юнон олимлари Ерни астрономик услубда, яъни Қуёш нурининг Ерга қия тушиши асосида экватордан шимолий томонга Е.и.га бўлганлар ва уларнинг чегаралари энг узун ёз куни *(Жавзо куни)* ярим соат фарқ қиладиган жойдан ўтган. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий "Китоб сурат ал-арз" ("Ер сурати китоби")да оламни Е.и.га қуйидагича таснифлайди:

1) Ҳинд иқлими – Ҳиндистон, Алжазоир, Сарандеб (Шри-Ланка) ва уларга чегарадош бўлган баъзи минтақалар;

2) Ҳижоз иқлими – Арабистон яриморoли, Ҳабаша (Эфиопия), Яман, Адан, Бодият ул-араб;

3) Миср иқлими – Шом, Миср, Мағриб, Барбаристон, Марокаш ва ҳ.к.;

4) Бобул иқлими – Ироқ, Форс, Мозандарон, Хуросон, Сейистон, Зобулистон, Тахористон;

5) Рум иқлими – Рум, Андалус, Фаранг, Озарбайжон, Дарбанд (Доғистон);

6) Яъжуж иқлими – Хазар, Уғуз туркляри, Сибир, Рус, Сақолиба (славянлар);

7) Чин иқлими – Чин, Тибет, Хутан, Балх дарёсининг нариги қирғоғидаги туркий қавмлар яшайдиган макон.

Е.и. тушунчаси Навоий шеъриятида поэтик образ даражасига кўтарилган. Жумладан, "Ҳайрат ул-аброр"да Навоий Хуросон ўлкасининг марказидаги Ҳирот шаҳрига таъриф бераркан, ўртада – тўртинчи иқлимда бўлганлиги сабабли уни олам юрагига қиёслайди.

Ўйлаки кавкаб ети тақсим эрур,
Билки жаҳон ҳам ети иқлим эрур.
("Ҳайрат ул-аброр", 19-мақолат)

ЕТТИ ТАМУҒ – дўзахнинг етти қавати. Дўзах – дин талабларини бажармаган ва Ҳақ йўлдан адашган, гумроҳлик ва залолатга кетиб, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган гуноҳкорларнинг охиратдаги жойи сифатида ислом динининг асосий тушунчаларидан бири, имоннинг арконларидан ҳисобланади. Дўзах бир неча табақадан иборат бўлиб, ҳар бир гуноҳкор уларда ўз гуноҳига қараб азобланади. Исломий манбаларга кўра, дўзахнинг етти дарвозаси бор: 1) Ҳовия; 2) Жаҳим; 3) Сақар; 4) Лазо; 5) Ҳутама; 6) Саъир; 7) Жаҳаннам (яна қар.: *Тамуғ*).

Элга махлас истасанг,
етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла
бу оҳи дурахшондин жудо.
(Бадоеъ ул-васат, 5-ғазал)

Ё

Ё I – эски ўзбек ёзувидаги "й" ې ҳарфининг номи:

"Ё" ҳарфининг яғмойиларининг юз кўргузмаклари «Фаройиб»дин ("Фаройиб ус-сиғар", "Ё" ҳарфи билан тугалланадиган ғазалларнинг сарлавҳаси)

Ё II – "Ёй" сўзининг қисқартма шакли; камон. Мажоз тилида ёрнинг эгма қоши ёки ошиқнинг букилган қомати тушунилади:

Навоий нетар қоба қавсайн, агар
Топа олса қошинг киби икки ё.
("Фавойид ул-кибар", 6-ғазал)

Ё III – Ундов сўз: Э, эй, аё:

Ё расулаллоҳ, алфа-алфа салом,
Бика мин зил-жалоли вал-икром.
("Сабъаи сайёр", 3-боб)

ЁЛИНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида *ялинмоқ, ёлвормоқ* маъноларида қўлланилган.

Не итни ул бути бегонаваш
итики соғиндим,
Ит ошноға ёлинған киби
ул итка ёлиндим.
("Наводир уш-шабоб", 396-ғазал)

ЁМҒУР//Ёмғир – булутлардан сув томчилари ёғиладиган ёғин. Навоий асарларида Ё. табиий ҳодисадан ташқари, фироқда қолган ошиқнинг аҳволи, илоҳий файз ва иноят, бало ва офат, илоҳий жазо маъноларини ҳам билдиради.

Ғам саҳобидин ёғар Мажнунға
меҳнат ёмғури,
Дуди оҳи чиқти гуё хотири ношодидин.
("Наводир уш-шабоб", 458-ғазал)

ЁМҒУРЧИБЕК СИПОҲИЙ (15-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир, Ҳусайн Бойқаро бекларидан Мир Валибекнинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хушхабъ шоирлардан эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Ба масжидеки, равам дар фироқи
дилбари хеш,
Баҳона сажда кунам бар
замин ниҳам сари хеш.

(Мазмуни: Дилбарим фироқида масжидга бориб, сажда қилиш баҳонасида бошимни ерга ураман).

"ЁР-ЁР" – келин тушириш тўйида ижро этиладиган халқ қўшиғи. "Ё." Қўшиғини, асосан, доира усулида бир киши ижро этиб, нақароти келиннинг дугоналари ва куёвнинг жўралари жўровозлигида такрорланади. Навоий "Мезон ул-авзон"да аруз вазнига мос тушадиган ўзбек халқ оғзаки ижоди намунаси ҳисобланган "чинга" қўшиғининг бир тури сифатида "Ё." ҳақида ҳам маълумот бериб, қуйидаги байтни намуна келтирган:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти
ўт жоним аро, ёр-ёр?

ЁРИ ҒОР – Абубакр Сиддиқнинг лақаби. Манбаларда келтирилишича, Макка-

даги мушриклар Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.)га тазйиқни кучайтиргач, Аллоҳ таоло томонидан у зотга Мадинага ҳижрат қилиш амр қилинади. Ул зот 622 йили 16-июлда Абубакр Сиддиқ (р.а.) ҳамроҳлигида Мадинага йўл оладилар. Мушриклар уларни таъқиб қилганида йўлдаги бир ғорга беркиниб олишади. Абубакр Сиддиқ (р.а.) ғорда ҳамроҳ бўлиб, илоҳий муъжиза туфайли мушриклар таъқибидан омон қолганликларининг гувоҳи бўлади. Бу воқеа "Анкабут" сурасида зикр этилганлиги туфайли кейинчалик Абубакр Сиддиқ тарихий ва бадиий асарларда "Ё.г." деб шарафланади.

Ким қила олғай бу ишни ошкор,
Жуз Абубакр улки эрди ёри ғор.

("Лисон ут-тайр", 6-боб)

ЁРИЙ I (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий у гарчи вазирлар наслидан бўлса-да, лекин дарвештабиат ва покдомон киши экани, кўзида хасталик пайдо бўлиб, ён-атрофни кўрмай қолганидан сўнг Балхни ватан тутиб, шу ерда вафот этгани ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Касам нишони сари мўй аз он
даҳон надиҳад.
Чунон ба тангам аз ин ғамки,
кас нишон надиҳад.

(Мазмуни: Ул оғиздан ҳеч ким қилча ҳам нишона кўрсата олмайди. Бу ғамдан шу қадар танг бўлдимки, бу ҳеч кимга насиб қилмасин).

ЁРИЙ II (15–16-асрлар) – форс-тожик тилида ижод қилган астароболдлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг шўх табъ йигит эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Нахоҳам пеши мардум дида
бар рухсори ёр афтад,
Чу пеш ояд назар бар рўи
у беихтиёр афтад.

(Мазмуни: Одамлар олдида кўзим ёр юзига тушмасин дейман-у лекин яқин келса, чеҳрасига беихтиёр назар соламан).

ЁРИЙ МУЗАҲҲИБ – музаҳҳиб, наққош ва шоир. Дастлаб наққошлик, сўнг Навоийнинг топшириғи б-н музаҳҳиблик амали б-н жиддий шуғулланади. Султон Ҳусайн Бойқаронинг қалбаки муҳрини тайёрлагани учун ўлимга маҳкум этилади, аммо султон Навоийнинг илтимоси б-н гуноҳидан ўтади. Навоий кутубхонасида котиб ва хаттотлар б-н умрининг охиригача ишлайди. Султон Али Машҳадий кўчирган "Хамса"-ни Ё.М. безаган.

ЁТУҒОН – туркий халқларнинг қадимий машҳур торли мусиқа асбоби. Қозоғистонда тарихий манбалар асосида қайтадан тикланган.

Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,
Етуғон бирла улуғ йирни туз.

("Хамсат ул-мутаҳаййирин")

ЁФАС – Нуҳ пайғамбарнинг ўғли. Куняси Абут-Турк. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Ё.нинг Турк, Хазар, Сиқлоб, Рус, Миск, Чин ва Камори каби еттита фарзанди бўлгани, баъзи манбаларда Торах исмли саккизинчи фарзанди ҳам борлиги қайд қилинган. Ё.ни айрим манбаларда мурсал пайғамбар ҳамда Искандар Зулқарнайннинг бобокалони деб кўрсатилади. Навоий "Муҳокамат ул-лугатайн"да Ё. ҳақида қисқача тўхталиб ўтади. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Султон Ҳусайн Бойқаро тарихи ва шажараси ҳақида махсус тарихий асар ёзмоқчи эканлигини айтиб, қисқа маълумотлар б-н кифояланади.

Чиҳарға бу вайронадин чора йуқтур,
Гар Одам вагар Нуҳу гар Сому Ёфас.

("Наводир уш-шабоб", 89-ғазал)

ЁҚУТ МУСТАЪСИМИЙ (ваф. тахм.1268, Бағдод) – машҳур хаттот, Бағдод хаттотлик мактабининг йирик намояндаси. Хаттотлик тарихида ибн Муқла ва ибн Баввоб қаторида саналадиган маҳоратли хаттот бўлган. Хаттотлик сирларини Абдулмўмин Исфаҳоний ва Шайх ибн Жайбдан ўрганган. Хаттотлик қаламининг учини кия кесиш ихтироси Ё.М.га нисбат берилади. Ё.М. насх, сулс, райҳоний, тавқеъ, риқоъ ва муҳаққақ хатларини ёзишда устоз мақомига етгани сабабли ўз замонасида "қиблат

ул-куттоб" ("котиблар пешвоси"), "султон ал-куттоб" ("котиблар султони") лақаблари билан шуҳрат топган.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонининг қалам аҳлининг шараф ва эътибори ҳақидаги 14-мақолатида Ё.М. ҳаётига боғлиқ ҳикоят келтиради.

"...Ёкутнинг хуснихат жиҳатидин дарвешу подшоҳ қошида таъзими ортғони ва қаламрав саводининг аҳли ҳурмат рақами анинг саҳифаи ҳолиға тортғони" ("Ҳайрат ул-аброр", 45-бобнинг сарлавҳаси).

"ЁҚУТ УТ-ТАЪВИЛ" ("Шарҳлаш ёқути") – Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг асари. Қуръони Карим тафсирига бағишланган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Ғаззолийга доир бобда тилга олган.

Ж

ЖАБАЛИЙ, Абдулвосеъ Бадиуззамон Фаридуддин ибн Умар ибн Рабеъ – (ваф. 1160, Ғазна) – зуллисонайн шоир. Дастлабки таълимни Ҳиротда олиб, сўнг Марв ва Ғазна шаҳарларида яшаб, ижод қилган. Муҳаммад Авфий Бухороийнинг ёзишича, Ж.гача барча шоирлар асосан бир тилда ижод қилганлар. Ж. араб ва форс тилларида баравар ижод қилиб, зуллисонайнлик анъанасига пойдевор қўйди. Лирик меросидан иборат девонидан ташқари бизгача насрий рисола ва мактублари ҳам етиб келган. Жомий "Баҳористон" асарида Ж. ижодига юқори баҳо бериб, "Ки дорад чун ту маъшуқе нигори чобуки дилбар" мисраси б-н бошланадиган ғазалига шу пайтгача ёзилган назира ва татаббуъларнинг бирортаси муваффақиятли чиқмаган, дейди. "Хазойин ул-маоний" девонида Ж. ёзган ушбу ғазалининг туркий варианти келтирилган:

Не лўлийвашдур ул қотилки, қон
тўкмаккадур яксар
Қиё боқмоқлари поки итик,
мужгонлари-ништар.

("Наводир уш-шабоб", 194-ғазал)

ЖАБАРУТ – мулк ва малакут олами ўртасидаги олам. Ж. Олий қудрат, илм, модда, фазо ва замондан юқори бўлган ақллар оламидир. Ж. олами мулк ва малакут олами ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади. Азизиддин Насафийнинг фикрича, мулк – жисмлар оламидан, малакут – руҳлар оламидан, жабарут – Аллоҳнинг зот ва сифоти оламидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, мулк – маҳсусот (сезгилар) оламидир, малакут маъқулот (ақллар) оламидир. Ж. мулк ва малакут оламининг яратувчисидир. Шариат ҳамда ҳикмат аҳли наздида мулк маҳсус (сезги) оламидир, малакут – маъқул (ақл) олами, Ж. эса Вожиб ул-вужуднинг Зоти ва Сифотидир. Ваҳдат аҳли наздида эса мулк маҳсусот (сезгилар), малакут маъқулот (ақллар) ва Ж. ижмол (хулоса, моҳият) оламидир.

Аллоҳ таоло мулк оламини малакут оламига, малакут оламини эса Ж. оламига ўхшатиб яратди, токи мулк олами орқали малакут оламини, малакут олами орқали жабарут оламини билишсин. Мулк ҳиссий, малакут ақлий, Ж. ҳақиқий вужуддир.

Не азамат ичра анга суд улуб,
Не жабарутиға зиёнбуд ўлуб.

("Ҳайрат ул-аброр", 4-боб)

ЖАВЗАҚИЙ, Абубакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопур яқинидаги Жавзақ қишлоғида туғилиб, Нисо шаҳрида вафот этган. Абусаид Абулхайр унга ҳадис илмидан сабоқ берган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

ЖАВЗО – Қуёшнинг йиллик айланма ҳаракати доирасидаги ўн икки юлдуз туркумининг бири. Ж. ойи 22 майдан 22 июнгача оралиғига тўғри келади. Йилнинг энг узун куни ва энг қисқа туни шу ойга тўғри келганлиги сабабли, Ж. туни *ялдо тунининг* муқобили сифатида қўлланилган. Ж. "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Садди Искандарий" достонларида "Икки пайкар" номи б-н эсланади (яна қар.: *Бурж*).

Жавзо кунидин доғи ул чеҳра
жамил эрмиш,
Ялдо тунидин доғи ул зулф
тавил эрмиш.
("Бадоеъ ул-васат", 268-ғазал)

ЖАВЗО КУНИ – йилнинг энг узун куни. Қуёш Жавзо буржига келган кунга (21–22 июнь куни) тўғри келади. Ж.к. Етти иқлим чегараларини белгилашда асосий ўлчов бирлиги вазифасини ўтаган. Навоий шеъриятида бу тушунча бадиий образ даражасига кўтарилган бўлиб, Ёрнинг порлоқ юзига ўхшатилади:

Жавзо кунидин доғи
ул чеҳра жамил эрмиш,
Ялдо тунидин доғи
ул зулф тавил эрмиш.
("Бадоеъ ул-васат", 286-ғазал)

"ЖАВОҲИР УЛ-АСРОР" ("Сирлар гавҳарлари") – Шайх Озарийнинг асари. Тасий мавзуда битилган. Навоий ушбу асар номини "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи фаслида Шайх Озарийга доир бобда эслаб ўтади.

"ЖАВОҲИР УТ-ТАФСИР", "Жавоҳир ут-тафсир литуҳфат ил-амир" – Ҳусайн Воиз Кошифийнинг Алишер Навоийга атаб ёзган Қуръон тафсири. Муаллиф унинг муқаддима қисмида Қуръонни тафсир қилиш учун билиш зарур бўлган 22 фанни тўрт гуруҳга ажратиб шарҳ беради. "Ж.т." шеърий йўлда ёзилган бўлиб, ҳажман 50 минг байтдан ортиқ. Унда фақат "Бақара" ва "Оли Имрон" суралари тафсир қилинганлиги сабабли "Тафсири заҳровайн" деб ҳам аташади. Кошифий ушбу тафсирнинг "Мухтасар" номи б-н қисқартирилган вариантини тайёрлаган. "Ж.т."нинг иккита қўлёзмаси Туркиядаги Сипоҳсолор мадрасаси кутубхонасида сақланади.

"... Ва мусаннафотидин бири "Жавоҳир ут тафсир" дурким, "Ал-Бақара" сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлғай".
("Мажолис ун нафоис", 4-мажлис)

"ЖАВОҲИР УЛ-ҚУРЪОН" ("Қуръон гавҳарлари") – Абу Ҳомид Муҳаммад Фазолийнинг асари. Қуръони Карим тафсирига бағишланган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Фазолийга доир бобда эслатади.

ЖАВҲАРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган самарқандлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг собунхона (совун тайёрланадиган жой) бошқарувчиси эканлигини, шу атрофда ўзи учун кичик бир ҳужра ҳам қурганлигини айтиб, аруз илмини яхши билиши ва "Сияр ун-набий" ("Пайғамбарнинг хислатлари") деб номланган асари борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Фалак баски, дар мавкибаш тохта,
Ба ҳар моҳ наъле бияндохта.

(Мазмуни: Фалак ўз маркаби (отига миниб) югурганда, ҳар бир ойга бир тақа ташлаб кетди). Қабри Самарқанд шаҳрида.

ЖАВҲАРИЙ, Муҳаммад бин Ҳасан – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Бакр. *Зуннун Мисрий*нинг шогирди. Абубакр Воситий унинг юксак мақомга эришганини эътироф этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ЖАДИД (ар. – яқин) – фақат форсий шеъриятда қўлланилган аруз баҳрларидан бирининг номи. Аруз илмининг ихтирочиси Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшуноси Бузургмеҳр Қойиний томонидан кашф қилинган. Рукнларининг бир-бирига нисбати жиҳатидан янгича таркибга эга бўлганлиги учун шундай аталган. Манбаларда "Фариб", "Нодир" ва "Ажиб" деган номлар б-н ҳам келтирилади. Ж. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *фоилотун* (*–V – –*), *фоилотун* (*–V – –*), *мустафъилун* (*– –V –*) бўлиб, шеъриятда Ж.нинг асосан *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ижодида қўлланилмаган. "Мезон ул-авзон"да рисоланинг баҳрлар қисмида Ж.нинг бир вазни, "Доираи мужтамиа"нинг изоҳланиш қисмида

эса яна бир вазни (жами 2 вазн) келтириб ўтилган.

"Мезон ул-авзон"да келтирилган Ж. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1.	Жадиди мусаддаси махбун	Фаилотун фаилотун мафоилун VV – –/ VV – –/V – V –	Ики рухсоринг эрур гул чаман аро, Аракинг юз уза шабнам суман аро.
2.	Жадиди мусаддаси солим	Фоилотун фоилотун мустафъилун –V – –/ –V – –/ – –V –	Не балолиғ ҳажр эрурким, зор ўлмишам Келки, ул куя ҳажрида бемор ўлмишам.

ЖАЗБА – соликнинг азалий иноят туфайли ортиқча саъй-ҳаракатсиз Ҳақ таолога етказадиган руҳий манзил ва мақомларни босиб ўтиши. **Ж.** – пайғамбарлар ва мажзуб авлиёларнинг йўли ҳисобланган. Рўзбеҳон Бақлий Шерозийнинг фикрича, Ж. ҳақиқати – руҳда тажаллий нурларининг зуҳуридир. Хожа Абдуллоҳ Ансорий илоҳий **Ж.**ни жамийки инсу жинларнинг амалига тенг, деб ҳисоблаган. Ж. – Ҳақ таоло томонидан, банда томонидан эса мойиллик, ирода, муҳаббат ва ишқ содир бўлади. **Ж.**нинг асосий шарти – Аллоҳ таоло томонидан бериладиган истеъдод. Соликда истеъдод ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш б-н Ҳаққа етиша олмайди. Сайри сулукнинг ибтидоси **Ж.**нинг ниҳояси ҳисобланади. Ж. туғма бўлиши ёки саъй-ҳаракат жараёнида солик қалбига нузул қилиши мумкин. Туғма фақирлиги кўринган соликни "мажзуби солик", саъй-ҳаракат давомида **Ж.** пайдо қилган соликни "солики мажзуб" деб номлаганлар.

Навоий Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган мактуб-маснавийсида Ж.га қуйидагича таъриф берган:

Бири буки, бир жазба Ҳақдин етиб,
Кўнгулни яқин жомидин маст этиб,

Ҳақиқат сари турктоз айлагай,
Жаҳон шуғлидин бениёз айлагай.

Анга қолмағай ҳам ўзидин хабар,
Ўзидин неким, ўзлугидин асар.

Бўлуб рафъ имкони мавжудлуғ,
Топиб Ҳақ вужудида нобудлуғ.

Чу Ҳақ топти бу нисбатидин анинг
Ки, мақсуд эди хилқатидин анинг.

Мушарраф қилиб они ўз розидин,
Яна ҳам ўз анжому оғозидин.

Буюрдики, эл бўлғали баҳравар,
Сулуку маротибға қилғай гузар.

("Гаройиб ус-сиғар", "Маснавий")

ЖАЛЛО, Абу Абдуллоҳ Аҳмад бин Яҳё – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Багдодда туғилиб, Дамашқ ва Рамла ш.да яшаган. Дастлабки таълимни отаси Яҳё Жаллодан олган. *Зуннун Мисрий* ва *Абу Туроб Нахшабий*нинг шогирди. Абу Убайд Бусрий, Абулхайр Тайнотий, Абубакр Воситий, Абу Али Димишқий, Иброҳим бин Довуд Қассор Риққий, Абу Али Рудборий, Иброҳим бин Аҳмад Муваллид Суфий Риққий б-н суҳбатда бўлган. Тас.да тавба мақомига кўп аҳамият берган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ЖАЛОЙИР – туркий қабила. Онон дарёси соҳилларида кўчманчи тарзда ҳаёт кечиришган. Чингизхон босқини даврида Мовароуннаҳр ва ҳоз. Қозоғистон кенгликларига кўчиб келишган. Вақт ўтиши б-н бошқа туркий қабилалар сингари ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

Рашидиддиннинг маълумотига кўра, **Ж.**қабиласи дастлаб кўп сонли бўлиб, ўнта шажарадан таркиб топган: жат (жайт), тукараун (туқраут), кўнгсаут (кўнгсаид), кумсовт (қумовут), уёт, нилкон (билкон), қуркин (қуқир), тўланғит, тўри (бўри), шонқут (сўнгқут). Ҳар бир шажаранинг бошлиғи бўлган.

Ривоят қилишларича, қад. даврда **Ж.**қабиласи Хитой қўшинидан маглуб бўлиб,

уларнинг оз қисмигина жон сақлаб қолган. Асир олинганларнинг маълум қисми қатл этилади, қолганлари Қайду қоон ва унинг авлодига қул қилиб берилади. Бу қуллар кейинчалик Чингизхон қўшини таркибида шижоат ва қаҳрамонликлар кўрсатиб, ҳатто баъзилари амирлик даражасига ҳам етишади.

Ж. уруғи вакиллари ҳоз. Ироқ ҳудудида Жалойирийлар давлатига асос солишган (1336 – 1411). Темурийлар сулоласида ҳам Ж. амир ва беклари нуфуз ва эътиборга эга бўлишган. Жумладан, "Вақфия" асарида Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги нуфузли амалдорлар қатори Ж. беклари-ни ҳам санаб ўтади: *"...ва «жалойир» ғавғоси ва «қавчин» алолоси мавжуд эрди ва ҳар мавжудқа бир мақсуд ва подшоҳона иноят ва ҳар кайсиға бир муносиб мансаб б-н сарбаланд ва хусравона тарбият, ҳар бирисини мувофиқ амал шуғлиға пайванд қилдилар."*

«ЖАМОАТХОНА» ХОНАҚОҲИ – Алишер Навоий бунёд этган бинои хайрлардан бири. Ҳирот шаҳрининг Хиёбонида, суҳравардия тариқатининг машҳур намояндаси Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Табодгоний мақбараси ёнида қурилган.

ЖАМОЛИДДИН МУҲАММАД БОКАЛАНЖОР (ваф. 750) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абдуллоҳ Балёний уни ўспиринлик чоғида курган. Тавҳид илми талқинида ноёб истеъдодга эга бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЖАМОЛИЯТ ВА ЖАЛОЛИЯТ – илоҳий сифатларнинг умумий номи. Хожа Муҳаммад Порсонинг талқинига кўра, агар Аллоҳ сифатлари унинг лутфу карамидан далолат берса, жамолий сифатлар дерлар ва агар қудрат ва қаҳрини тавсифласа, жалолий сифатлардан билурлар. "Ҳайрат ул-аброр"нинг басмала бобида "Бисмиллоҳ"нинг биринчи қисмидаги тавсифи "аҳли рад" учун Аллоҳнинг жалолий сифатларидан хабар берса, иккинчи қисмида эса "аҳли қабул" жамолий сифатларнинг баракотидан баҳраманд бўлиши ҳақида сўз юритилади:

Ҳикмати ул қаҳр аро, бу лутф аро,
Ушбуки тўлғай икки меҳмонсаро,
То агар ўт солса жалолияти
Лутф ила урғай сув жамолияти.

ЖАМЪ (ар.) – тасаввуфнинг асосий тушунчаларидан бири. Ж. – Ҳақ жамолини халқдан айру ҳолда мушоҳада этиш; соликнинг фанога етиш мартабаси. Ж. – тафриқанинг антитезаси. Ж.нинг икки даражаси бор: биринчиси, Ҳақ таолонинг сифатларидаги Ж., иккинчиси банданинг сифатларидаги Ж. Ҳақ таоло сифатларидаги Ж. – тавҳиднинг сирридир; банданинг сифатларидаги Ж. – тавҳиднинг ўзидан иборат. Абу Али Даққоқнинг фикрича, тафриқа – соликка нисбат бериладиган сифатлар бўлса, Ж. – соликнинг башарий сифатлардан озод бўлиш орқали пайдо бўладиган мақомдир. Бошқача қилиб айтганда, башарий сифатларни касб этиш орқали содир бўладиган ҳол – тафриқа, Ҳақ таолонинг лутфи ва инояти туфайли вужудга келадиган ҳол – Ж. бўлади. Кимки барча ҳаракатлар, амаллар ва сифатларни Ҳақда мушоҳада этса ва барча мавжудотнинг борлиғи Ҳақ таоло туфайли эканлигини англаса, Ж. мақомидадир.

Олам асбобидин ўт, гар истасанг
кўнглунгни жамъ
Ким, паришонлиғдин узга
етмас ул асбобдин.
("Бадоеъ ул-васат", 486-ғазал)

ЖАМЪУ ТАФРИҚ (ар. – йиғиш ва ажратиш, фарқлаш) – нарса-тушунчаларни бир сифат атрофида жамлаш ва айни пайтда уларни фарқлашга асосланган маъий санъат. Рашидиддин Ватвот таърифига кўра, "бу санъат андоқ бўлурким, шоир икки нимани бир нимага ўхшатиб жамъ қилур, дағи икки ўзгача нима била аларни бир-биридин айирур". Мас., Навоий қуйидаги байтида аввал маҳбубанинг оғзи б-н кўнглини ғунчага жамлайди, сўнг уларнинг ғунчадан фарқини кўрсатиб беради: ёрнинг йўқ даражадаги оғзи ғунчадан кичик, бепарво ва бегам кўнгли эса ғунчадан ниҳоятда катта:

Икки гунчанг эмас, эй гулчехра, тенг,
Оғзинг асру тору кунглинг асру кенг.

ЖАМЪУ ТАҚСИМ (ар. – жамлаш ва тақсимлаш) – нарса-тушунчаларни аввал жамлаб, кейин тақсимлашга асосланган маънавий санъат. Бунда, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича, дастлаб "бир нечани бир ҳукмда жамъ қилурлар, андин сўнг ул бир нечани тақсим қилурлар, яъни ул бир нечанинг ҳар бириға муайян бир нимани нисбат берурлар. Ёки бир нечани аввал тақсим қилурлар, андин сўнг бир ҳукмда жамъ этарлар". Мас., Алишер Навоий "Ҳукамо қавлининг таржимаси" қитъасида ёзади:

Уч кишидин уч иш ёмон курунур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин:

Шоҳдин тундлуғ, ғанидин бухл,
Молға майлу ҳирс донодин.

Шоир бу ерда дунё аҳлидаги уч тоифа кишидан уч хил ишнинг содир бўлиши яхши эмас деб, аввал фикрини умумлаштириб баён қилади, кейин ўша уч иш: шоҳдан ғазаб, бойдан бахиллик, донодан бойликка ҳирсу ҳавасни ажратиб кўрсатади.

"Ҳукамо кавлининг таржимаси инсоният бобида" қитъасида эса дастлаб тавозе, кечиримлилик ва саховат каби инсоний фазилатларни алоҳида-алоҳида таърифлаб, сўнг табиатида ушбу уч хислат бўлган кишини донишмандлар комил инсон, деб аташларини якуний фикр остида умумлаштиради:

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб этса они аҳли давлат.

Эрур ҳам афв хўбу хуброқ ул –
Ки, зоҳир булғай эл топганда қудрат.

Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.

Ҳаким инсони комил дебтур они –
Ки, бўлғай зотида бу неча хислат.

Навоий ижодида Ж.т. санъатининг ҳар икки кўриниши маҳорат б-н қўлланилган.

ЖАМШИД, Жам – афсонавий подшоҳ номи. Санскрит тилидаги манбаларда "Йам" шаклида, "Готлар"да "Йима" шаклида келтирилган. Йимага "Авесто"да уч – "Шид" (ёруғ ва порлоқ), "Хубрама" (Яхши сурув-лар эгаси) ва "Сарира" (гўзал, хушсурат) сифати нисбат берилган. "Шид" ёки "Хашиат" Қуёшга ҳам хос сифат ҳисобланади (Хуршид сўзи авесто тилида "порлоқ қуёш" маъносини билдиради). Йима, яъни Жамга сифатнинг нисбат берилишига асосий сабаб қадимги тушунчаларга кўра, Йима дастлаб Қуёш маъбуди деб аталган.

"Авесто"да Аҳура Мазда Зардуштдан олдин хушсурат Йимага одамларга унинг сўзларини етказиш, яъни пайғамбарликни буюради. Йима ҳали пайғамбарликка тайёр эмаслигини билдирганидан сўнг, унга Олам подшоҳлиги вазифаси юклатилади. Аҳура Мазда Йимага мўъжизакор узук б-н олтин ҳасса бериб, унга сеҳргарлик иқтидорини ато этади. Йима даврида Ер юзи уч марта кенгайтирилади, ўлим, касаллик, қурғоқчилик, совуқлик ва бошқа офатларга барҳам берилади.

"Бундаҳишн"даги ривоятга кўра, осмон маъбудлари Ж.га Буюк тўфон содир бўлишини олдиндан хабар бериб, тўрт томонидан мустаҳкам ва баланд деворлар б-н ўралган боғ ("вар") бунёд этишни буюришади. Ж. ана шундай боғни яратиб, буюк тўфондан шу тариқа омон қолади.

Фирдавсий талқинида Ж. отаси Таҳмурасдан ("Тарихи Табарий"да акасидан) сўнг тахтга ўтириб, Пешдодийлар сулоласининг давомчиси бўлади. Унинг даврида темирдан қурол-яроғ ясаш, тўқувчилик, боғдорчилик ва меъморчиликка асос солинади. Одамлар тўрт гуруҳ – сипоҳийлар, илм аҳли, деҳқонлар ва косибларга табақаланган. Таҳмурасдан девларни бўйсундиришни ўрганган Ж. фарвардин ойининг биринчи кунида олтиндан ясатган ушбу тахтида осмонга кўтарилади. Наврўз айёмини байрам қилиш ана шу кундан бошлаб анъанага айланган экан.

"Тарихи мулуки Ажам"да келтирилишича, Ж. – тарихий шахс. У Пешдодийлар сулоласининг учинчи вакили сифатида етти юз йил подшоҳлик қилади. Унинг ҳукмдорлиги даврида бирорта ҳам табиий офат юз бермаган, касаллик ва ўлим буткул барҳам топган. Унда манманлик пайдо бўлиб, худолик даъво қила бошлагани ("Маздаясно"га кўра, ёлғон сўзлагани) туфайли тахтига завол тегади, Заҳҳок уни ўлдириб, ўрнига ўтиради. Навоий Истахр шаҳридаги

"Қирқ минор" харобаларини ҳам Ж. даврига оид ёдгорлик, деб ҳисоблаган.

Ж. образи "Ғаройиб ус-сиғар" девонида 18 марта, "Наводир уш-шабоб" девонида 21 марта, "Бадоеъ ул-васат" девонида 24 марта, "Фавойид ул-кибар" девонида 14 марта, жами 77 марта тилга олиниб, турли поэтик вазифаларни бажарган.

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса
бир синган сафол,
Жом ўлур гетийнамо,
Жамшид ани ичкан гадо.
("Ғаройиб ус-сиғар", 1-ғазал)

ЖАРАС (ар.) – қўнғироқ, карвон туясидаги қўнғироқ. Ҳаво ҳаддан ташқари исиб, чўлу биёбонлардан кечаси ўтишга тўғри келганида карвон туялари бўйнига қўнғироқ осилган ва карвон шу тариқа йўлдан адашмаган. Тас.да Ж. тўғри йўлга ҳидоят қилувчи хитоблар, соликни янги мақомларга ундовчи даъват ва ғайбий илҳом тушунчаларини англатади.

Ўз нигори маҳмилидин қилмасун
деб кўз хато,
Ишқ дашти аҳлиға ҳар дам нидо
айлар жарас.
("Наводир уш-шабоб", 231-ғазал)

ЖАСРАТХОН – жасоратли. "Сабъаи сайёр" достонидаги биринчи ҳикоят қаҳрамони, Фаррухнинг отаси, Ҳиндистон подшоси. Навоий уни "қирқ йил шоҳлик қилган, шоҳлик ишларидан огоҳ подшоҳ, лашкарининг чеки кўринмас, хазинасининг поёни йўқ", деб таърифлайди.

Ёнди Жасрат қўюб бало сори рух,
Куч бар куч тебради Фаррух.
("Сабъаи сайёр")

ЖАЪФАР ЖАЪДИЙ, Абулфазл – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Каромат даъвосини қилган шайхларга қарши турган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ЖАЪФАР ХУЛДИЙ, Жаъфар бин Муҳаммад Бин Нусайр Хаввос (ваф. 959) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Бағдоднинг Хулд маҳалласида туғилган. Бўйра тўқиш б-н шуғулланган. *Жунайд Бағдодий* ва *Иброҳим Хаввос*нинг шогирди. Абулҳусайн Нурий, Рувайм, Самнун Муҳибб, Журайрий, Абулҳасан Жаҳзам Ҳамадоний, Ҳаммод Қураший, Абу Жаъфар Карнабий б-н суҳбатда бўлган. Тас. тарихига оид китоблар ёзган. *Шайх Абулаббос Ниҳовандий*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ЖАЪФАР ҲАЗЗО (ваф. 953) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Ковуш, пойафзал тикиб кун кечиргани учун "Ҳаззо" номи б-н машҳур бўлган. Рўзбеҳон Бақлий Ж.Ҳ. Шероздаги Боғи Нав маҳалласида пешингача ковуш тикиб, ундан кейин толиби илмларга б та фандан сабоқ берганини айтади. Абу Амр Истахрий пиру муршиди бўлган. Жунайд Бағдодий, Абубакр Шиблий, Рувайм, Муъаммил Жассос ва Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритади.

ЖАФО – зулм, ситам, азоб. Тас.да солик кўнглининг маърифат ва мушоҳададан бенасиб қолиши. Шунингдек, маъшуқанинг ошиқ ҳолига бепарволиги ва беҳожатлиги.

Ёр кўп қилса жафо, кам қил,
Навоий, нолаким,
Гулга булбул ўргата олмас вафо,
афғон қилиб.
("Фавойид ул-кибар", 50-ғазал)

ЖАШТАНД – Эронда қисқа муддат подшоҳлик қилган сосоний ҳукмдор. Турондухт вафотидан кейин Хусрав Парвезнинг узоқ қариндоши бўлган Ж.ни тахтга ўтказишади, аммо у руҳий касалликка чалиниб, бир ойдан сўнг вафот этади.

"Тарихи мулуки Ажам"нинг Турондухт ҳақидаги фаслида Ж. ҳақида маълумот берилган.

ЖАҲЗАМ ҲАМАДОНИЙ, Абулҳусайн Али бин Абдуллоҳ бин Ҳасан (ваф. 1023) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Али бин Абдураҳмон Кавкабий ва *Жаъфар Хулдий*нинг шогир-

ди. Абулқасан Бишр Сижзий, Шайх Аму, Абу Исҳоқ Иброҳим Шаҳриёр Козируний, Шайх Абулҳусайн Сирвонийи Сағир б-н суҳбатда бўлган. Тас. аҳли тарихига оид "*Баҳжат ул-асрор*" асарининг муаллифи. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

ЖАҲОЛАТ (ар.) – нодонлик, жоҳиллик. Илмсиз, қолоқ, маданиятсиз кимсага нисбат бериладиган салбий ахлоқий тушунча. Ж. фозилликнинг зиддидир. Бундай одамлар ўткинчи, муваққат нарсалар, мол-дунё, жисмоний лаззатлар, ҳирсу шаҳват, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, ҳаётнинг мақсад-муддаоси деб ўйлайди. Ж. шундай маъий иллатки, у нафақат жоҳилни, балки ён-атрофидаги кишиларни ҳам тўғри йўлдан адаштириши мумкин. Ж. – нафсни тия билмаслик оқибатида келиб чиқадиган хатти-ҳаракат, бошқаларга нисбатан бешафқат ва ғайриинсоний муносабатларда намоён бўлади. Ирфон аҳли Ж.ни кўнгил кўзининг сўқирлиги ёхуд ўлими б-н баробар, деб билади. Кўнгил сирридан бехабар ва маърифат нуридан маҳрум кимса гарчи расмий билимларни муайян даражада эгаллаган бўлса-да, жоҳилликдан буткул халос бўлолмайди. Инсонни маърифат ва эзгулик сари ҳидоят этмайдиган билим ўзликни англаш йўлида қалин ҳижоб – парда бўлиб, бундай билим Ж.ни кучайтирувчи иллатдир.

Оҳки умр ўтти жаҳолат била,
Қолдим ўлум вақти хижолат била.
("Ҳайрат ул-аброр", 54-боб)

ЖАҲОНШОҲ МИРЗО (1405, Табриз – 1467) – давлат арбоби ва зуллисонайн шоир. Тахаллуси – Жаҳоншоҳ Ҳақиқий. Қорақуюнлилар давлатига асос солган Қора Юсуфнинг ўғли бўлиб, 1437 й. отасидан сўнг тахтга ўтиради. 1467 й. Узун Ҳасан бошчилигидаги оққуюнлилар қўшинидан енгилиб, қатл этилади.

Давлат ишларидан холи бўлганида бадиий ижод б-н шуғулланган. Шоҳ ва шоир меросининг тўла ҳажми ҳозирга қадар аниқланмаган. Асарларининг икки қўлёзмаси маълум бўлиб, бири Британия музейида, иккинчиси Еревандаги Қўлёзмалар институтида сақланади. Зуллисонайн ижодкор бўлиб, туркий тилдаги 91 ғазал ва 36 рубоийси, форсийдаги 116 ғазал ва 11 мустазоди етиб келган.

Абдураҳмон Жомийга шеърларидан намуналар жўнатган. Жомий унинг шеърлари б-н танишгач, 28 байтдан иборат шеърий мактуб йўллаган.

Ж.М. шеърларида ўша даврдаги ҳуруфийлик таълимоти, айниқса, Насимий ижодининг таъсири кучли.

Ж.М.нинг туркий мероси Озарбайжон ва Туркманистонда нашр этилган. Унинг ижодидан рубоий номи остида тақдим этилган намуналар Лутфий ва Насимий лирикасидаги каби рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур) вазнида ёзилган тўртликлардан иборат бўлиб, бу туркий шеъриятда туюқ вазни, деб аталган.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг ижодкор темурийларга бағишланган 7-мажлисида Жаҳоншоҳ Мирзо "даҳи шеър айтур эрди" деб қуйидаги матласини келтириб ўтади:

Аз лутфи дўст ёфт ҳақиқий мурод дил,
Бежидду жаҳди тоату беминнати амал.

(Мазмуни: Тоат жидду жаҳди, миннатсиз амал ва дўст лутфи туфайли дил ўзининг ҳақиқий мақсадига муяссар бўлди).

ЖИЛВА – 1) порламоқ, тажаллий топмоқ:

"Шукру сипос ул қодирғаким, чун адам осойишгоҳидин вужуд оройиши огоҳларига жилва берди, инсонни сойир махлуқотдин нутқ шарафи била мумтоз қилди".
("Хазойин ул-маоний", Дебоча)

2) ўзни гўзал ва порлоқ суратда намоён этиш, ноз ва ғамза б-н аён бўлиш:

Лабинг ранги оллида қоним сабил,
Қадинг жилвасиға равоним фидо.
("Наводир уш-шабоб", 31-ғазал)

3) соликнинг кўнглида тажаллий этиб, уни ошуфта ва шайдо қиладиган илоҳий нур:

Ишқ гоҳи урубон жонима
ҳайрат барқи,
Чун анинг жилвайи ҳуснини
тамошо айлаб.
("Наводир уш-шабоб", 64-ғазал)

Навоий асарларида Ж. ўзагидан ясалган қуйидаги сўзларни ҳам учратиш мумкин:

жилвагар – Ж. қилувчи, **жилвагоҳ** – нурнинг порлаш жойи, ялтираб кўриниш ўрни; **жилвагустар** – Ж. қилувчи, атроф-жавонибни ҳусни нури б-н ёриштирувчи; **жилвадеҳ** – жилваланувчи; **жилванамо** – Ж. кўрсатувчи; **жилвасоз** – хуш кўринадиган, Ж. б-н пайдо бўлмоқ.

ЖИЛИЙ, Иброҳим– "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Гилонда туғилганлиги учун "Жилий" нисбасини олган. У ҳар бир нафасни назорат қилиш ва доимий зикрга кўп аҳамият берган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ЖИЙЖАЙМОҚ//ЖИЖАЙМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўртинчиси. Манбаларда мазкур феълнинг *ковжирамоқ, қуруқшамоқ, ташқарига* каби луғавий маъноларни англатиши айтилган. "Муҳокамат ул-луғатайн"да қайд қилинган бу феъл Навоийнинг бошқа асарларида учрамайди.

ЖИРЖИС – пайғамбар. Фаластин ш. да яшаган. Ўша давр подшоси Мавсил ш. да Афлуқ исмли катта бут ясаб, бутпараст бўлмаганларни ўтда ёқади. Ж. подшоҳнинг бу ҳукмига қарши чиққани учун азобли ўлимга маҳкум этилади. Бироқ Ҳақ таоло амри б-н яна тирилади. Кофирлар Ж.ни уч марта ўлдиради, аммо у илоҳий ваъдага биноан қайта тирилаверади ва кўп мўъжиза кўрсатади. Оқибатда, Ҳақ таоло амри б-н кофирлар ўт сочувчи булутдан ҳалок бўлади, Ж. эса жаннат аҳли саодатига эришади.

Жиржиски ойини рисолат тузди,
Куфр аҳлиға кўп мўъжизалар кўргузди.
Не суд агар элни дами тиргузди
Ким тори ҳаётин неча қатла узди.

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

ЖОБИР – 1) жабр қилувчи, золим.

Аммо Банокатий бунинг акси битибдурким, ул бағоят золим ва жобир киши эди.

("Тарихи мулки Ажам")

2) "Сабъаи сайёр" достонидаги бешинчи ҳикоят қаҳрамони, қароқчилар тўдаси сардори. Унинг денгиз б-н боғлиқ саргузаштлари, қаҳрли ва маккорлигини араб халқ эртакларининг қаҳрамонларига менгзаш мумкин.

Навоий бу образ воситасида мураккаб табиатга эга бўлган инсонни тасвирлайди. Ж. да инсонийликдан асар ҳам йўқдек тўюлади. Чунки у ҳаммани талайди, асир олади, ўлдиради. Бироқ Меҳрни кўрганида ҳушини йўқотиши – бу илоҳий гўзалликни теран ҳис этиш воситасида пайдо бўладиган ишқ бўлиб, бундай ҳолат ҳатто олийжаноб йигит Суҳайлда ҳам рўй бермайди. Унинг ўзига тегишли оролда нилуфар боғи барпо қилиб, роҳатланиши ҳам гўзалликка ошуфталигига далил бўлади. Суҳайлни денгизда ҳушсиз ҳолда кўриб, ўлдирмайди, асир олади, холос. Бироқ Ж. кўнглидаги мана шу ишқ, гўзаллик ва муҳаббатга муносиб бўлолмайди. У Меҳрни ҳам асир олади, ишққа зўрлик б-н эришмоқчи бўлади, Суҳайлга ноҳақ зулм қилади, уни ҳеч қандай сабабсиз чоҳга ташлаб, азоблайди. Навдаршоҳни Меҳрнинг отаси эканлигини била туриб зиндонга ташлайди. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ Суҳайлнинг қўли б-н жазосини олади – ўзи қазган чоҳга ўзи тушади.

Кирди заврақка Жобири хунрез,
Ел киби қўйди юз алар сори тез.

("Сабъаи сайёр")

"ЖОВИДОНИЙ ХИРАД" ("Ақлнинг абадийлиги") – Исломдан аввалги Эрон ҳакимлари тузган асар. Пешдодийлар подшоҳи Ҳушангга нисбат берилади. Ахлоқий масалаларга бағишланган. Навоий ушбу асар номини "Тарихи мулуки Ажам"да Ҳушангга доир бобда тилга олиб, ундан баъзи парчаларни Маъмун даврида унинг вазири Ҳасан бин Саҳл араб тилига таржима қилганлигини айтади. Шунингдек, "Саддди Искандарий" достонининг 11-бобида пешдодийлар тарихи ҳақидаги маълумотларни келтириш асносида ҳам "Ж.Х."ни ёдга олади. Асарни 1654–1655 й.да Муҳаммад Ҳусайн бин Шамсиддин форсий тилга таржима қилган ва 1878–79 й.да Теҳронда нашр этилган.

ЖОМ – коса, ичимлик ичиладиган идиш. Тас.да Ж. – маърифатга лиммо-лим орифнинг қалби. Баъзи манбаларда, Ж. – соликнинг жисми, унинг шароб б-н тўлгани – маърифат воситасида покланишини англатади. Ориф илоҳий маърифат майидан кўнгли тўлиб, тавҳид асроридан сармаст бўлади.

Сен гумон қилғандин узга
жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу
майхона аҳлин, зоҳидо.
("Гаройиб ус-сиғар", 1-ғазал)

"ЖОМЕЪ УТ-ТАВОРИХ" ("Тарихлар йиғиндиси") – Рашидиддун Фазлуллоҳ Ҳамадоний асари. Тарихий мавзуда бўлиб, 1310–1311 й.да ёзилган. Асарда Одам Атодан бошлаб, то муаллиф давригача бўлган тарихий воқеалар баён этилади. 3-жилди жуғрофияга оид. Навоий ушбу асар номини "Тарихи мулуки Ажам"да тилга олган.

"ЖОМИ ЖАМ" – Шайх Авҳадиддин Мароғийнинг маснавийда яратилган асари. 1332–33 й.да ёзилган. 5000 байтдан иборат. Асар ирфоний руҳда ёзилган бўлиб, ахлоқий-таълимий ва ижтимоий масалаларга бағишланган. Асарнинг сўнгги қисмида муршид сифатлари, соликлар мақомлари ҳамда нафс, ишқ, самоъ каби тас-ий, ирфоний истилоҳлар ҳақида фикр юритилади. "Ж.Ж." Ҳаким Саноийнинг "Ҳадиқат ул-ҳақиқа" асари услуби ва вазнида ёзилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Авҳадиддинга доир бобда тилга олган ва асардан икки байт мисол келтирган.

ЖОМИ ЖАҲОННАМО – жаҳонни кўрсатувчи жом. Жоми жаҳонбин (жаҳонни кўрувчи), жоми Жамшид, жоми Жам (Жамшид исмининг қисқартирилган шакли), жоми гетинамо (жаҳонни кўрсатувчи жом), жоми гетиафруз (оламни ёритувчи жом), жоми Искандар ва ойинаи жаҳоннамо номлари б-н ҳам аталган. Ривоят қилишларича, қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид Ж.ж. – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам намоён бўлган. Май солинадиган қадаҳ ва комил инсон қалби ҳам ўзида илоҳий сирларни сақлайдиган Жамшид жомига нисбат берилган. Жамшид жомидаги май сира тугамас эмиш.

Тас. фал.сида дунё ҳирсу ҳаваси, нафс истак-хоҳишлари ва жисмоний интилишлардан холи бўлган кўнгил шаффоф кўзгудай, Ж.ж. каби ярақлаб унда ҳамма нарса аслидагидек тиниқ ва равшан акс этади. Шунинг учун ҳам комил орифнинг қалби ва Ҳақ мардининг ботини Ж.ж.га нисбат берилган. Умуман, Ж.ж. илоҳий нур жилваси, маърифат нури ва сиррига ошно кўнгил маъноларини англатади.

Соқиё, жоми жаҳоннамо тутки,
андин кашф этай,
Ким, кўп иш бу коргаҳ вазъида
мубҳамдир манга.
("Бадое ул-васат", 13-ғазал)

ЖОМИ КАЙХУСРАВ – Каёнийлар сулоласи вакили Кайхусравга тегишли сеҳрли жом. "Шоҳнома"да келтирилишича, Рустамнинг невараси Бежан дом-дараксиз йўқолгач, Кайхусрав Рустамнинг илтимосига кўра, жаҳоннамо жомига қараб, Бежаннинг Турондаги бир қудуқда маҳбус қилинганини кўради. Кейинчалик Ж.К.ни Жамшидга нисбат беришган. Навоий Ж.К. Жамшидга мерос қолганига ишора қилади:

Баҳри ашким еткурур ҳар дам қуёшқа
бир ҳубоб,
Уйлаким, еткурди Кайхусравға жоми
Жамни су.
("Гаройиб ус-сиғар", 511-ғазал)

ЖОМИЙ, Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон ибн Низомиддин Аҳмад (1414.7.11, Жом – 1492.8.11, Ҳирот) – форс-тожик адабиётининг йирик вакили, мутафаккир ва ориф; Алишер Навоийнинг устози. Хуросондаги Жом вилоятининг Харжирд қишлоғида, шайхулислом Низомиддин Аҳмад оиласида таваллуд топган. Ж.нинг аждодлари арабларнинг Шайбон қабиласидан бўлиб, тахм. 8-асрда Хуросонга кўчиб келишган. Дастлабки таълимни отаси ҳузурида олади. Болалигида Фахриддин Луристоний, Хожа Муҳаммад Порсо каби йирик тас. шайхларини зиёрат қилиб, қалбида

илм ва ирфонга нисбатан муҳаббат уйғонади. 1425-й. Ж.нинг оиласи Ҳиротга кўчиб келади. Ҳиротдаги машҳур "Низомия" мадрасасида Ж. Мавлоно Жунайдийдан араб тили ва ад-ти, баён, маоний, тафсир ва ҳадис илмларини, Хожа Али Самарқандий ва Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармийдан ҳикмат, мантиқ, ҳайъат (астрономия), риёзиёт ва б. фанларни ўзлаштиради.

Ж. 21 ёшида нужум илми ҳақида рисола ёзиб, Самарқандга юборади. Самарқаднинг буюк олими Қозизода Румий рисолани ўқиб, муаллифни Самарқандга таклиф этади. 1437-й. Ж. Самарқандга келиб, Қозизода Румий ҳузурида аниқ фанлар бўйича таълим олади. Шунингдек, Али Қушчи ва Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий ҳузурида ўз билимини янада чуқурлаштиради. Шоҳрух Мирзо даврида Ж. Ҳиротга қайтиб (1443-й.), Ҳиротнинг жоме масжиди яқинида яшай бошлайди. Ушбу даврда Ж. нақшбандийлик тариқатининг Хуросондаги шайхи Саъдиддин Кошғарий б-н танишиб, унга мурид тушади. Кошғарий вафотидан кейин пирининг Хиёбондаги мақбараси ёнидаги хонақоҳга кўчиб ўтиб, илм-адаб ва тариқат аҳлига раҳнамолик қилади. 1467-й. Хожаи Калон (Саъдиддин Кошғарийнинг ўғли)нинг қизига уйланиб, тўртта ўғил кўрган. Учинчи фарзанди Зиёуддин Юсуфдан ташқари уч ўғли болалик пайтидаёқ вафот этади. Фарзандлари ўлимидан қаттиқ таъсирланган шоир қайғули марсиялар ёзган.

Ж. умри давомида 7 марта сафар қилган. Мовароуннаҳрга қилган сафарларида (4–6-сафарлар) Ж. Хожа Аҳрор Валий зиёратига келиб, унинг қўлидан табаррук хирқа кийган. Сафарлари давомида Ж. Самарқанд, Марв, Тошкент, Андижон ш.ларида бўлиб, у ердаги ҳукмдорлар ва олиму шоирлар б-н ҳам учрашган. Хожа Аҳрор б-н мулоқотларининг самараси ўлароқ, Ж. "Туҳфат ул-аҳрор" маснавийсини унга бағишлайди. Шунингдек, "Нафаҳот ул-унс"ни ёзиш пайтида тирик бўлган шайхлардан фақат Хожа Аҳрорнинг номини авлиёлар қаторида келтириб, муршидига шу тариқа муҳаббат ва иродатини изҳор этган.

Ж. 1472–1473-й.да ҳаж зиёратига боради. Сафар давомида Ж. қайси мамлакатда бўлмасин, замон ҳукмдорлари ва илму адаб аҳли унга алоҳида иззат-икром кўрсатиб, суҳбатидан баҳраманд бўлганлар. Мисрда фотимийлар б-н бўлган илмий мунозарада ғолиб чиқиб, аҳли суннат ва жамоат ақидаларини қаттиқ ҳимоя қилган. Оққуюнлилар подшоҳи Узун Ҳасан Ж.ни Табризда қолиб, ижод б-н машғул бўлишини таклиф қилади, аммо Ж. Ҳиротда қари онаси борлигини айтиб, ватанига қайтиб келади ва умрининг охиригача шу шаҳарда яшаб, баракали ижод қилади. 1492-й. 8 ноябрда Ж. вафот этади. Навоий таъзия соҳиби сифатида унинг дафн маросимига бош-қош бўлиб, бир йил аза тутади. Устози қабри устида муҳташам мақбара қурган Навоий Ж.нинг йил оши маъракасида катта бир марсия ёзиб, Ҳусайн Воиз Кошифийга ўқитади. Кейинроқ устози хотирасига бағишлаб, *"Хамсат ул-мутаҳаййирин"* асарини ёзади.

Ж. асарларини шартли равишда икки катта гуруҳ – илмий ҳамда бадиий асарларга ажратиш мумкин. Илмий асарлари астрономия, мантиқ, тас. назарияси ва тарихи, ҳадис, тафсир, фалсафа, мусиқа, араб тили грамматикаси, қофия, аруз, муаммо фанларига оид бўлиб, бу асарлар ўз навбатида мустақил тарзда ёзилган асарлар ҳамда турли муътабар илмий ва ирфоний манбаларга битилган шарҳномаларга бўлинади. Бадиий ижодда Ж. ҳам назм, ҳам насрда қалам тебратиб, форс мумтоз ад-тининг беш асрлик даврини ўзида мужассамлантирган ва якун ясаган шоир ва адиб сифатида намоён бўлади, "Хотимат уш-шуаро" ("Сўнгги мумтоз шоир") фахрий лақаби б-н ҳам улугланади. Етти достондан таркиб топган *"Ҳафт авранг"* ("Етти тахт"), уч девондан иборат лирик асарлар куллиёти (*"Фотиҳат уш-шабоб"*, *"Воситат ул-иқд"*, *"Хотимат ул-ҳаёт"*), иншо санъатининг юксак намунаси бўлган *"Муншаот"*, қирк ҳадис таржимасига бағишланган *"Арбаъин"* (ёки "Чиҳил ҳадис"), Саъдий Шерозийнинг "Гулистон"и таъсирида ёзилган *"Баҳористон"* шоирга жаҳоний шуҳрат келтирди.

Ж. қатор асарларида (*"Субҳат ул-аброр"*, *"Лайли ва Мажнун"*, *"Юсуф ва Зулайхо"*, *"Хирадномаи Искандарий"*, *"Ашиъат ул-Ламаъот"*, *"Баҳористон"*, *"Шавоҳид*

ун-нубувват", "Нафаҳот ул-унс" ва б.) Навоий ҳақида алоҳида фасл ажратиб, ушбу асарларнинг яратилишидаги хизматлари, ад-т ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси, ноёб истеъдодини васф этади. "Муншаот" таркибидаги мактубларнинг асосий қисми ҳам Навоийга йўлланган бўлиб, уларнинг барида Ж. турли масалалар бўйича вазир ва шоир дўстидан мадад сўрайди, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишда маслаҳатлар беради. Ўз навбатида, Навоий ҳам деярли барча асарларида Ж.нинг исмини эҳтиром б-н зикр этиб, уни муршид, устоз, раҳнамо сифатида улуғлайди, кўп жойларда одоб б-н "Ҳазрати Махдумий", "Махдуми Нуран" деб фахрли лақаби келтиради. Навоий Ж.нинг "Арбаъин" ва "Нафаҳот ул-унс" асарларини туркий тилга таржима қилган "Девони Фоний"да ғазал ва қасидаларига татаббуълар ёзган. "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да келтирилишича, Ж. асарларининг биринчи ўқувчиси ва мунаққиди Навоий бўлган. Шунингдек, Ж.нинг кўп асарлари Навоий илтимоси ва ғоялари асосида яратилганлиги маълум. Шу сабабли, Навоий ад-т тарихида биринчи жомийшунос сифатида эътироф этилади.

Султон Ҳусайн Бойқаро, Ж. ва Навоий Ҳирот адабий муҳити марказида турганлар ва улар сиймосида ад-т ва халқ, маънавият ва давлат уйғунлашган эди. Уларнинг бир-бирини қўллаши, илҳомлантириб туриши улуғвор бир маданиятнинг, сўз санъати намуналари бўлган ўлмас обидаларининг яратилишига сабаб бўлди.

ЖОМОСП – 1. Қадимги Эрон шоҳи Гуштаспнинг вазири, донишманд (муъбад), Зардутнинг замондоши. Эронга ҳижрат қилган Зардуштни уч юз донишманд б-н бирга синаб кўрган ва биринчи бўлиб унинг динини қабул қилган шахс (Ҳ.Ҳомидий).

2. Қадимги Эроннинг афсонавий донишманди ва мунажжими, баъзи маълумотларга кўра, Луқмоннинг шогирди. Келажак воқеаларидан хабар қилувчи *"Жомоспнома"* номли китоб шу донишмандга нисбат берилади. Навоий Суқрот ғорига кетаётганларга Суҳайло Фарҳодга "Жомоспнома"дан юлдузи баланд деган хушхабар етказганини баён қилади.

"Жомосб ҳаким. Гуштасбнинг қардошидур ва Луқмоннинг шогирди эрди. Нужум илмида ғариб аҳкоми бор. Ўз замонидин сўнгра уч минг йилгача келур ишларни ҳукм қилибдур."

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

"ЖОМОСПНОМА" – қадимий Эрон подшоҳлари ҳақидаги асар. Паҳлавий тилида ёзилган, қарийб 5000 сўзни ўз ичига олади. Асарда донишманд Жопоспнинг келажак ҳақидаги башоратлари акс этган. Навоий асар номини "Сабъаи сайёр" достонида 3-иқлим йўлидан келган мусофирнинг Саъд ҳақидаги ҳикоятини баён қилиш асносида тилга олади.

ЖОН – тириклик, вужуднинг ҳаётийлигини таъминловчи ички биологик қувват, руҳ. Ж. – олий неъмат, бирламчи борлиқ. Ўрта асрлар фал.сида Ж.ни жисмдан айри хилқат, деб билганлар. Агар Ж. бўлмаса, вужуд ўзича яшай олмайди. Хужвирий айтганидек, "ошиқ дили дўстга мунтазир ва талпинганидай, жисм Ж.га муштоқ ва муҳтождир". Ғаззолий фикрига асосан, инсон Ж.ининг ҳақиқати ўз зотига қоим бўлиб, қолаб (жисм)га эҳтиёжсиздир. Ж.сиз бўлмоқ Ж.нинг йўқолиб кетмоғини билдирмайди, чунки Ж. – абадий.

Навоий шеъриятида Ж. сўзи жонон – ёрга боғлиқ ҳолатда қўлланилган. Жумладан, "Ғаройиб ус-сиғар"нинг 168-ғазалида Ж. сўзи 16, жонон сўзи 19 марта қўлланилган. Тажнис санъати асосида ёзилган бу ғазалда Ж. сўзи жуда кўп маъноларни англатган.

Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.

("Ғаройиб ус-сиғар", 9-ғазал)

ЖОН ҚУШИ – одам ўлганидан кейин ёки уйқусида руҳи қушга айланиб учиб кетиши ҳақидаги тасаввур асосида пайдо бўлган ибора.

Жон, руҳ ҳақидаги мавҳум тасаввурлар кейинчалик *жон қуши, руҳ тўтиси, чивин-*

дек жон каби нисбатан аниқ образлар воситасида тасаввур қилина бошланган.

Ж.к. образи фольклор сингари мумтоз ад-тимиз, хусусан, Алишер Навоий ижодида асосий тимсоллардан биридир.

Жони қуши ўртанди севгач
ёрнинг ўтлуғ юзин,
Найлайин куймай, чу бўлғай
шамъ ила парвона дуст.
("Ғаройиб ус-сиғар", 87-ғазал)

ЖОРИЯИ САВДО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Асл исми номаълум, Зуннун Мисрийга замондош. (Ж.с. – араб тилида "қора танли канизак" маъносини билдиради). Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЖОРИЯИ ҲАБАШИЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Исми номаълум. Шайх Аддий ва *Шайх Абдулқодир Гилоний* б-н ҳаж сафарида бирга бўлган. ("Жорияи Ҳабашия" – араб тилида "ҳабаш канизак", "қора чўри маъносини билдиради") Ушбу сафар тафсилоти "Қалоид ул-жавоҳир" китобида келтирилган бўлиб, "Нафаҳот ул-унс" ва "Насойим ул-муҳаббат"даги матн б-н бир хил. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЖУББА – дарвешларнинг хос кийими (яна қар.: *хирқа*):

Тан яланғу бош очуқ,
телба Навоийға боқ
Ким, не бўлубтур халос
жуббаву дастордин.
("Ғаройиб ус-сиғар", 464-ғазал)

ЖУВАЙНИЙ, Муҳаммад бин Ҳаммавия – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Абдуллоҳ. Тас.га бағишланган "Салавот ут-толибин" китобининг муаллифи. Шариат ва тариқат илмларини мувофиқлаштирган суфийлардан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЖУД – ахлоқий тушунча. Бировнинг муҳтожлигини билиб, у ҳали бирор нарса талаб қилмасидан саховат кўрсатиш ва ҳожатини чиқариш одати. Навоий фақат мол-дунё кўпайганидан кейин эмас, балки қўл қисқа бўлганда камроқ, бадавлат бўлганида эса кўпроқ саховат кўрсатишни ҳақиқий Ж. деб билган. Ж.нинг ҳақиқий соҳиби ва унга файз бағишловчи зот Ҳақ таоло эканлигини англаб, берилган ёрдамига миннат қилмаслик ҳамда барча ишларнинг сабабчисини Худо деб билиш ҳам Ж.га хос шартлардан саналади:

Жуд эмас кўп базл учун
кўп мол қилмағлиғ ҳавас,
Ким берур кўптин-кўп,
оздин-оз, ани бил жуду бас.
("Наводир уш-шабоб", 223-ғазал)

ЖУЗЖОНИЙ, Абу Али Ҳасан бин Али – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий, Фазл Балхий, Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Абдураҳмон Розий б-н суҳбатда бўлган. Маърифат ва ҳикматга оид кўп китоб тасниф этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ЖУЗЖОНОН КЎПРИГИ – ҳозирги Афғонистоннинг Сарипул туманидаги Оби сафед дарёси устида қурилган кўприк. Ж.к. тўғрисида маҳаллий аҳоли орасида турли нақл ва ривоятлар мавжуд бўлиб, жумладан, кўприк атрофидаги чинорларни Мавлоно Жомий экқан, деб тахмин қилинади. "Макорим ул-ахлоқ" асарида эса Ж.к. Амир Алишер Навоий қурган иншоотлар рўйхатида санаб ўтилган.

Ж.к. бугунги кунга сақланиб қолган бўлиб, унинг устидан ҳозир ҳам транспорт воситалари ҳеч бир қийинчиликсиз ўта олади.

ЖУЛЛОБИЙ РАЗНАВИЙ, Али бин Усмон бин Абу Али – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Газна шаҳрининг Ҳужвир маҳалласида туғилганлиги учун "Ҳужвирий" нисбаси б-н ҳам тилга олинади. "Кашф ул-маҳжуб" асари муаллифи. *Абулфазл бин Ҳасан Хатлий-*

нинг муриди. Шайх Абулқосим Куррагоний, Шайх Абулқосим Шаққоний, Боб Фарғоний, Хожа Аҳмад Ҳаммод Сарахсий каби машойихлар б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ЖУНА – "Сабъаи сайёр" достонидаги тўртинчи ҳикоят қаҳрамони, Деҳли подшоси. У карам ва саховатда беқиёс бўлган. Бир куни шаҳарга келган меҳмондан Масъуд исмли ўзидек сахий киши борлиги дарагини эшитиб у б-н танишиш, сахийлигини ўз кўзи б-н кўриш мақсадида Тароз шаҳрига йўл олади. Масъуднинг сахийлигини кўриб иқрор бўлгач, унга Тароз вилоятининг ҳокимлигини инъом қилади. Бироқ Масъуд душманлари фитнаси ва таъқиби б-н ҳам юрти, ҳам ҳокимликдан мосуво бўлиб, Деҳлига хор ва абгор аҳволда қочиб келади. Саройга ҳаммол бўлиб ишга кирган Масъуд Ж.нинг шоҳ эканлигини билиб қолгач, билдирмай чиқиб кетмоқчи бўлади. Буни билиб қолган Ж. Масъудни ўз шаҳрига яна ҳоким қилиш б-н бирга душманларини ҳам қатл этади.

Шоҳ Жуна кўз очти хоболуд,
Мезбон толии киби масъуд.
("Сабъаи сайёр")

ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ, Абулқосим Жунайд ибн Муҳаммад ибн Жунайд Ҳаззоз Қавориpий (835 – Бағдод – 910) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бағдод тас. мактаби асосчиларидан бири. Биринчилардан бўлиб тас.ни фан даражасига кўтариб, суфиёна истилоҳларга илмий тавсиф берган. *Сарий Сақатий, Муҳаммад бин Мансур Тусий* ва *Ҳасан бин Али Мусуҳий*дан таълим олган. Ўзининг иқрорига кўра *Муҳаммад бин Али Қассоб* асосий устози саналади. "Насойим ул-муҳаббат"да 80 га яқин тас. шайхлари б-н суҳбатда бўлгани айтилади. Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий хирқа бериш анъанаси Ж.Б.дан бошланган, дейди. Ж.Б.нинг тариқатдаги таълимоти тавҳид ва маърифатга асосланган. Шу сабабли уни ва издошларини "тавҳид аҳли" деб ҳам аташган. Боязид Бистомийнинг шатҳиётига шарҳ ёзган Ж.Б. *сукр*ни рад этиб, *саҳв* ҳақидаги назарияни илгари сурган. Тас.ни ахлоқ илмининг бир бўлаги ва руҳий тарбия воситаси сифатида талқин қилган Ж.Б. "Сайид ут-тоифа" номи б-н машҳур бўлган. Ж.Б.нинг сўзлари ва унга нисбат бериладиган арабий шеърлар тас-ий манбаларда кўп учрайди. Қабри Бағдоддаги Шунизия масжиди ёнида, бугунги кунда ҳам табаррук зиёратгоҳлардан бири саналади.

ЖУНУН – девоналик, ақлдан бегоналик. Ишқ аҳлининг асосий сифатларидан бири. Ансорий Ж. – мастликнинг ниҳояти (охири) ва дарвешликнинг бидояти (ибтидоси, бошланиши)дир, дейди. Ж.га дунёнинг барча сир-асроридан огоҳ бўлган ҳолда ўзидан бехабарлик ҳолати, деб ҳам таъриф берилган.

Жон бериб олдим жунуни ишқ,
то бўлдум фано,
Аллоҳ-Аллоҳ, ул не хуш савдо,
бу не хуш суд эрур.
("Ғаройиб ус-сиғар", 136-ғазал)

ЖУНУНИЙ (14–15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг шеъри ёмон эмаслиги, лекин табъи кўпроқ ҳажв ва ҳазилга мойиллигини айтар экан, ўша давр шоири Хожа Ҳофиз Шарбатийни ҳажв қилиб ёзган шеъри халқ орасида бошқа яхши шеърларига нисбатан кўпроқ машҳур бўлганини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Эй аҳли жунунро ба каманди ту забуни,
З-он рўй дар он ҳалқа забун аст Жунуний.

(Мазмуни: Жунун аҳли сенинг тузоғингга илинган, шунинг учун Жунуний (ҳам) ўша ҳалқа (ичида) асирдир).

ЖУРАЙРИЙ, Абу Муҳаммад Аҳмад бин Муҳаммад (вафо. 924–925) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодий вафотидан кейин тариқат шайхи бўлган. Усул ул-фиқҳ ва ҳадис илмида пешқадам олим ҳисобланган. Олим бин Саъд, Абулаббос Динаварий, Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий

б-н суҳбатда бўлган. Тас.нинг асосини гўзал ахлоқда, деб билган. Абу Наср Саррож Ж. ҳатто ёлғиз қолганида ҳам Худодан уялиб, оёғини узатиб ўтирмаган, дейди. Жомийнинг маълумотига кўра, 100 ёшга кирганига қарамай, қарматийларга қарши урушда қатнашиб, ҳалок бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"нинг нашрларида Ж.нинг нисбаси "Журирий" шаклида берилган.

ЖУРКАНМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш учинчиси. Навоийнинг бошқа асарларида учрамайдиган ушбу феъл манбаларда: *кулча булмоқ, думалоқ бўлмоқ, гажак булмоқ* (қийналганидан, азобдан) *ёнмоқ, оловланмоқ маъноларида* изоҳланган.

ЖУҲФИЙ, Абубакр Ато – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Макка б-н Мадина ўртасида кўп сел келадиган Жуҳфа мавзеида яшаган. Ансорий б-н ҳам катта сел келган пайтда мулоқот қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ЖЎЛДУ, Жулду – жангда катта жасорат кўрсатган жангчига бериладиган мукофот. Ғалаба билан тугаган ҳар бир жанг сўнгида Ж. олий тақдирлов сифатида урушда алоҳида ботирлик кўрсатганлардан фақат бир кишига берилган.

Навоий уйнади жон
халқдин бурун, раҳм эт,
Чу қилди жалдлик,
эмди керак анга жўлду.
("Ғаройиб ус-сиғар", 520-ғазал)

З

ЗАВҚ – 1) руҳий кўтаринкилик, хурсандчилик:

Йиллар тутубон шайх
мақолотиға гўш,
Не кўнглума завқ етти,
не жонима жўш.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 51-рубоий)

2) лаззат, масза, ҳузурланиш:

Ичтим итинг сафолида май,
вах, қачон юғай,
Ҳайвон зулоли завқини онинг
мазоқидин
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 471-ғазал)

3) тариқат йўлига кирган соликда рўй берадиган ҳоллардан бири. Ҳужвирий З.қа соликда роҳат-фароғат, меҳнат ва машаққатдан ҳосил буладиган руҳий кўтаринкилик ва шодлик туйғусидир, деб таъриф берса, Абдураззоқ Кошоний З. *важд* ҳолидан давомлироқ, барқдан юксакроқ руҳий ҳолат, Рўзбеҳон Буқлий эса З. *тажаллий* самараси ва *ворид* натижаси, деб атайди.

Фардлиқ завқини сўрманг шавкату
жоҳ аҳлидин,
Ул суубат лаззатин бехонумонлардин
сурунг.
(“Фавойид ул-кибар”, 350-ғазал)

ЗАЙД – Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги персонаж, Лайлининг қабиладоши. У икки ошиқ-маъшуққа хат етказиб туради. Е.Э.Бертельс З. Низомий асарининг дастлабки нусхасида учрамаслиги, достонга кейинчалик номаълум муҳаррирлар томонидан киритилгани, Низомийда кичик образ бўлса-да, асардаги диний руҳни кучайтиришга хизмат этишини, Навоийда эса Лайли б-н Мажнун ўртасидаги ишқ ва улар характерининг тўлақонли очилишида воситачи образ сифатида муҳим ўрин тутишини қайд этади.

Ул хайл отим хитоб этиб Зайд,
Бир хайли аёл этиб мени қайд.
(“Лайли ва Мажнун”, 24-боб)

Навоий З. воситасида мумтоз ад-тда анъанавий Дўст образининг янги талқинини яратади. Унга мувофиқ, Дўст ошиқ б-н маъшуқа ўртасидаги ишқ ва муҳаббат ришталарини мустаҳкамлаши, висол лаҳзаларига замин яратиши, бу йўлда ҳатто ўз жонини ҳам аямаслиги керак.

“ЗАЙД ВА ЗАЙНАБ” – Хожа Ҳасан Хизршоҳнинг достони. Низомийнинг “Лайли ва Мажнун”ига жавоб тарзида ёзилган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ҳасан Хизршоҳга бағишланган бобда достон муқаддимасидан қуйидаги байтни келтиради:

Эй чеҳра кушои ҳар жамиле,
Номи ту шифои ҳар алиле.

(Мазмуни: Эй ҳар гўзалнинг чеҳрасини очувчи, Сенинг номинг ҳар бир беморнинг шифосидир). Келтирилган байтдан достон анъанавий ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун - - V | V - V - | V --) вазнида ёзилганлиги маълум бўлади.

ЗАЙД ЗАҲҲОБ – “Сабъаи сайёр” достонидаги иккинчи ҳикоят қаҳрамони. Рум шоҳи саройи заргари, суҳбатдоши ва табиби. “Зайд” сўзи “кўпайтириш”, “қўшиш”

каби маънолари б-н ҳам ҳикоя қаҳрамони феъл-атворига мос тушади.

Ҳикоятда тасвирланишича, З.З. шоҳга олтин тахт ясашни таклиф қилади, лекин уни алдаб, олтин ўрнига кумуш б-н қопланган тахт ясаб беради. Рум подшоси бу ҳийла ва ёлғонни сезиб қолгач, уни зиндонга ташлайди. Зиндондан қочиб чиққач, бутпарастлар юртига бориб, уларнинг ибодатхонасида бутпараст руҳоний сифатида хизмат қилади. З.З. у ерда ҳам олтин бутларни секин-аста сохтасига алмаштириб, кемада ўз юртига олиб келади ва бемор ётган шоҳни даволаб, яна унинг ишончига киради.

Рум шоҳи қошида жоҳ анга,
Жоҳи хурдида коргоҳ анга..

Зоти аҳли ҳунар мубоҳоти,
Зайд Заҳҳоб ўлуб аниинг оти.

("Сабъаи сайёр")

ЗАЙЁТ, Абу Яъқуб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Аҳмад бин Ваҳабнинг шогирди. Жунайд Бағдодий ва унинг сафдошлари б-н суҳбатда бўлган. Қуръонни ёддан билишни тариқатдаги муҳим шартлардан бири, деб билган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

ЗАЙНИДДИН МАҲМУД (ваф. 1519) – хаттот, олим. Алишер Навоийнинг тарбияти ва ҳомийлигида фаолият олиб борган. Султонали Машҳадийнинг шогирди ва куёви. Мирали Ҳиравий қўлида ҳам таҳсил олган. Настаълиқ хатида беқиёс бўлган. У кўчирган Нозим Ҳиравий девони Теҳрон давлат кутубхонасида, Абдураҳмон Жомий девони Абдул Ҳусайн Масъуд Ансорий мажмуасида, Баҳром Мирзо ва Саид Аҳмад Машҳадий муракқаларига кўчирилган 16 қитъа Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланади. У "Хулосат ул-ахбор" ("Хабарлар хулосаси") ва "Миръот ул-олам" ("Олам ойинаси") асарларининг муаллифи ҳам ҳисобланади.

ЗАЙТУНА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Асл исми – Фотима. *Абу Ҳамза Исфаҳоний, Жунайд Бағдодий* ва *Абулҳасан Нурий*нинг хизматида бўлган. З. ҳақида Имом Ёфиъийнинг "Равз ур-раёҳин" рисоласида ҳам маълумот берилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЗАКАРИЁ – "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да тилга олинган пайғамбар. Яҳё пайғамбарнинг отаси. Марям бинти Имронни тарбия қилган. Марям Исо алайҳиссаломни бокира ҳолатда туққани учун яҳудийлар З.га туҳмат қилиб, азоблаб қатл қилади.

ЗАКАРИЁ БИН ЯҲЁ (ваф. 869, Ҳирот) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дуоси мустажоб бўладиган улуг зотлардан бўлган. Имом Аҳмад Ҳанбал уни абдоллар, Абу Саид Зоҳид эса сиддиқлар тоифасига қўшган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЗАКАРИЁ БИН ДУЛУВВИЙЯ (ваф. 907) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Яҳё. Нишонур тас. мактаби намояндаларидан. *Аҳмад Ҳарб*нинг шогирди. Таваккул ва зуҳдда беқиёс бўлиб, касби орқасидан кун кечирган. Унинг ҳаёт йўли ва маслагини Абу Усмон Ҳирий юксак баҳолаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ЗАМЗАМ, Оби замзам – Макка шаҳридаги Ал-масжид ал-Ҳаром саҳнидаги муқаддас булоқ. Каъбанинг жануби шарқида жойлашган, чуқурлиги 24 метр. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да булоқнинг пайдо бўлиши Иброҳим (а.)нинг ўғли Исмоилнинг таваллуди б-н боғланади. Ҳожар онамиздан Исмоил (а.) туғилгач, Сора онамиз рашк қиладилар. Иброҳим (а.) ноилож Ҳожар ва унинг эмизикли ўғлини чўлга элтиб қўйишга мажбур бўладилар. Уларнинг қадами баракотидан З. кўзи очилади.

Ҳар киши замзам суйидин келтуруб,
Гандарабон шишада баским туруб.

("Ҳайрат ул-аброр", 11-мақолат)

ЗАНГИ АТО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Яссавийлик тариқатининг йирик намояндаси. Мақбараси Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган бўлиб, бугунги кунда энг гавжум ва табаррук зиёратгоҳлардан бири саналади. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

"ЗАФАРНОМА" I – Шарафиддин Али Яздийнинг тарих илмига бағишланган асари. Шоҳрух Мирзонинг иккинчи ўғли, Шероз ҳокими Иброҳим Султоннинг топшириғи б-н ёзилган (1425-й.). Асарнинг муқаддимасида туркий халқлар тарихига қисқа тарзда маълумот берилиб, асосий қисмда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёт йўли аниқ ва ишончли далиллар асосида ёритилган. "З." ўз замонидаёқ Абдураззоқ Самарқандий каби йирик олимларнинг эътирофига сазовор бўлган. Мирхонд ("Равзат ус-сафо"), Хондамир ("Ҳабиб ус-сияр") ва Алишер Навоийнинг ўзи ҳам тарихий асарларини ёзиш жараёнида ("Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам") "З."даги маълумотлардан кенг фойдаланишган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да Шарафиддин Али Яздийга бағишланган бобда "З." ҳақида ҳам маълумот беради. Бадиузамонга йўллаган мактубида ("Муншаот") бўш пайтларида кутубхонада бўлишни ҳамда "З."ни ўқишни тавсия қилади.

"ЗАФАРНОМА" II – Абдуллоҳ Ҳотифий "Хамса"сидаги тўртинчи достон. "Темурнома" деб ҳам юритилади. Ҳажман 6,5 минг байтдан ортиқроқ. Амир Темурнинг зафарли юришларига бағишланган. Навоий ушбу асар номини "Мажолис ун-нафоис"да Абдуллоҳ Ҳотифийга бағишланган бобда эслаб, Низомий "Искандарнома"сига жавоб тариқасида ёзилганлигини айтади ва ундан уч байт келтиради.

ЗАЪФАРОН – сариғиш рангли хушбўй ўсимлик; Европа, Осиё ва Шим. Африкада кенг тарқалган. Унинг бир қанча тури мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари манзарали ўсимлик сифатида ҳам экилади. Навоий асарларида ошиқнинг сўлғин юзини, ишқда содиқлигини ифодалаган.

Фурқатингдин заъфарон узра
тукармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин
эрур парголалар.
("Ғаройиб ус-сиғар", 152-ғазал)

ЗАККОК КАБИР, Абубакр Аҳмад бин Наср (вафт. тахм. 903) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мешкоблик б-н шуғулланган учун "Заккоқ" номини олган. Жунайд Бағдодий, Абу Абдуллоҳ Жавпорайи Суфий, Абубакр Каттоний б-н суҳбатда бўлган. Абу Бакр Заккоқ Сағир, *Абубакр Мисрий ва Абубакр Дуққай*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ЗАККУМ (ар.) – жаҳаннамда ўсадиган дарахт номи. Қуръони Каримда бу дарахтнинг мевалари девларнинг бошига ўхшаши, дўзахий гуноҳкорларнинг ғизоси бўлиб, уни истеъмол қилиш эритилган мис ёки қайнаб турган сувдек азобли экани келтирилади.

Чун харита бошини очти лаим,
Ким йиғилмиш эрди заққуми жаҳим.
("Лисон ут-тайр", 35-боб)

ЗАҲИР ФОРЁБИЙ, Тоҳир бин Муҳаммад Заҳириддин Абулфазл (вафт. 1201, Табриз) – шоир. Ёшлигидан араб тили, адабий илмлар, нужум ва ҳикмат илмларини ўрганиш талабида Хуросон, Озарбайжон ва Ироқ ўлкаларига сафар қилади. Шоир сифатида тез танилиб, Нишопур ҳокими Тўғоншоҳ саройига таклиф этилади. Ҳоким б-н муносабати бузилгач, саройни тарк этади ва Озарбайжонда Қизил Арслонга хизмат қилади. Девони қасида, ғазал, қитъа, рубоий ва таркиббанд жанридаги шеърлардан иборат. Жамолиддин Исфаҳоний, Мужириддин Байлақоний, Хоқоний Ширвоний, Низомий Ганжавий, Асириддин Ахсикатий, Анварий Абивардий каби шоирларнинг издоши бўлган. Шунинг учун ҳам Навоий З.Ф.ни "Маҳбуб ул-қулуб" асарида мажозий ишқни тараннум қилган шоирлар си-

расига киритади. Навоий "Ҳилолия" қасидасини З.Ф.нинг шу номдаги қасидаси таъсирида ёзган.

ЗАҲИРИДДИН АБДУРАҲМОН БИН АЛИ БИН БУЗҒУШ (ваф. 1355) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тас. сирларини отаси Шайх Али Бузғуш Шерозийдан ўрганган. Ҳаж сафарида Муҳаммад алайҳиссаломнинг руҳи поклари томонидан унга "Абуннажоший", деб хитоб қилинган экан. Фиқҳ ва ҳадисдан дарс берган. Шаҳобиддин Суҳравардийнинг "Авориф ул-маориф" рисоласини форс тилига таржима қилиб, унда ўз қарашлари ва ҳолатини ҳам акс эттирган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЗАҲИРИДДИН ХИЛВАТИЙ (ваф. 1398) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Сайфиддин Хилватий*нинг муриди, Зайниддин Абубакр Тойбодий ва Шайх Абуязид Пуронийнинг замондоши. Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб, етти хил қироат б-н ўқиган. Чиллада ўтирганида ўн кунда бир марта ифторлик қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЗАҲРУН МАҒРИБИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Ливиядаги Тароблис ш.да туғилган. *Музаффар Кирмоншоҳий*нинг муриди. Рамла ш.да вафот этган. Абу Абдуллоҳ Мағрибий уни футувват аҳлининг пешволаридан бири деб билган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЗЕР/ЗИР (ф.) – баланд товушнинг умумий ифодаси. Уд чолғусининг ингичка товуш ҳосил этадиган торининг номи. Аслида З. паст маъносини ифодалаб, удда ижро жараёнида уни кўндаланг ҳолда ушлаганда торларнинг қуйи-паст томонида жойлашганлигини ифодалайди. Қилли-камонли чолғуларнинг энг ингичка товуш ҳосил этиладиган сими (тори) ҳам З. дейилади. Шунингдек, З. деганда ноғорани қаттиқ қизитиб, "бак" ("так") товуши ҳосил этиладиган биринчи қосаси, туваги ҳам тушунилади.

Навоий айлади ҳижронда нолаю фарёд,
Хароб қилди ул оҳанги зеру бам бизни.
("Бадоеъ ул-васат", 624-ғазал)

ЗИЁ Табризий (ваф. 926 ҳ.қ./1520 й. Ўрдуобод) – зуллисонайн шоир. Таҳсил олиш учун Ҳиротга боради ва Навоий ҳомийлиги ва мадади б-н илм ўрганади. "Шафиъий" тахаллуси б-н ижод қилган. Муаммо, луғз ва қасиданависликда моҳир бўлган. Айниқса, Шоҳ Ғариб Мирзога бағишланган "Шатранжия" қасидаси машҳур саналган. Оққуюнлилар сулоласидан Яъқуб мирзо саройида бир муддат хизмат қилиб, умрининг охирида Табризга қайтиб келади. Бизгача муаммо ва луғз жанридаги шеърлари жамланган "Алғз" ва "Ҳалл ул-муаммо" номли асарлари етиб келган. "Ҳалл ул-муаммо" асари Мир Ҳусайн Нишопурийнинг "Дастури муаммо" асарига жавоб тариқасида ёзилган бўлиб, унинг рисоласи ҳам Мир Ҳайдар рисоласи каби "Амир Алишер" муаммоси б-н бошланади. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да З.нинг кичик жуссали, билимга чанқоқ, хушсуҳбат ва шеър ёзишда алоҳида иқтидори борлигини қайд қилиб, икки форсий байти ва туркийда ёзилган қуйидаги муаммосини намуна сифатида келтиради:

Эй дурдкашлар, бодадин
холи бўлубтур дурдимиз.
То тутқали хумхонадин
бир гўша сиз, бир гўша биз.

ЗИЁД АЛ-КАБИР ҲАМАДОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дуоси мустажоб улуғ зотлардан. Жунайд Бағдодий ва Каҳмас Ҳамадоний суҳбатидан баҳраманд бўлган. Фиқҳ илмида яхши натижаларга эришган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"ЗИЁРАТГОҲ" ХОНАҚОҲИ – Алишер Навоий бунёд этган бинои хайрлардан бири. Ҳирот ш.нинг ташқарисидаги Зиё-

ратгоҳ мавзесида, Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий мақбараси ёнида қурилган. Унда мискин ва бечораларга бепул таом улашилган.

ЗИЁУДДИН ЮСУФ (09.01.1477 – Ҳижрот – 1544) – олим, шоир ва хаттот. Абдураҳмон Жомийнинг фарзанди, Навоийнинг шогирди. Жомий З.Ю.гача иккита фарзанд кўради, аммо улар болалик чоғидаёқ вафот этишади. З.Ю.дан кейин туғилган бола ҳам кўп ўтмай вафот этади. Шу сабабли, Жомий бу фарзандига алоҳида меҳр билан қараб, тарбиясига аҳамият бериб, машҳур "Баҳористон" асари ҳамда "Фавойиди Зиёия" китобини унга атаб ёзади З.Ю. ўз давридаги билимларни отаси, шунингдек, Абдулғафур Лорий, Абулвосеъ Бохарзий ва бошқа машҳур мударрис ва олимлар ҳузурида ўрганиб, шайхулислом даражасига етишган. Тазкираларда шеърларидан намуналар келтирилади. Жомийнинг "Фавойиди Зиёия" асарини настаълиқ хатида кўчирган.

"Хамсат ул-мутаҳаййирин"да келтирилишича, Жомий З.Ю.га муаммо илмини Навоийнинг "Муфрадот" асари асосида ўрганишни тавсия қилади.

"ЗИЖИ КЎРАГОНИЙ" – Мирзо Улуғбекнинг асари. Расадхонада олиб борган астрономияга оид кузатишлари асосида тузилган жадваллардан иборат. 1437 й.да яратилган. "Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали»), "Улуғбек зижи" деб ҳам юритилади. Икки бўлимдан (муқаддима ва 1018 та юлдузнинг жадвалидан) иборат. Муқаддима 4 қисмга ажратилган. 1-қисмда Шарқ халқларининг йил ҳисоблаш усуллари, 2-қисмда амалий астрономия масалалари, 3-қисмда сайёраларнинг кўринма ҳаракатлари ва 4-қисмда буржлар ҳақида сўз боради. "З.К."да келтирилган юлдузлар жадвали Самарқандда олиб борилган кузатишлар асосида тузилган. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик араб ва турк тилларига таржима қилинган. Навоий ушбу асар номини "Фарҳод ва Ширин" достонининг Шоҳ Фариб Мирзога бағишланган 53-бобида тилга олади.

ЗИЙРАК ҚУШ – Навоий ғазалларида кўп учрайдиган, ўзини англаган киши, огоҳ инсон тимсоли. Бу образ воситасида шоир одамларни ҳушёрликка чақиради, ўткинчи дунё неъматларига алданиб қолмасликка, донни кўриб, домдан бехабар бўлмасликка даъват этади. Мас., "Наводир уш-шабоб" девонидан ўрин олган, "Даҳр боғи аро кўп истамагил ойину тараб" мисраси б-н бошланадиган ғазалида дунёни жонлантириб, ташхис санъат воситасида уни ўқувчи кўз ўнгида овчи сифатида гавдалантиради Бу овчининг оддий овчидан фарқи шундаки, у одамларни овлайди: тузоғини ёйди – лаззатларини ваъда қилади; суву дон сочади – неъматларини кўз-кўз этади. Лекин З.қ. суву донга алданмайди, унинг ортида тузоқ борлигини англайди:

Англа зийрак қуш аниким,
кўрубон мун доқ дом,
Бўлмағай теграсида обҳўру донаталаб.
("Наводир уш-шабоб", 40-ғазал)

ЗИЗИЙ, Абу Яъқуб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Маломатийлик тариқатининг улуг шайхларидан. Иброҳим Хаввос б-н таваккул масаласида қилинган баҳсда ғолиб чиққан. Самоъ мажлисида важд ҳолига тушиб вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

ЗИКР –1) эслаш, ёдга олиш, қайд қилиш:

Васлида жонимға ҳажридин не
келганни деман
Ким, фарағ базмида зикр этмак
эмастур қайғу ҳўб.
("Гаройиб ус-сиғар", 48-ғазал)

2) тас.да: Ҳақ таолонинг исмини кўп марта айтиш орқали унинг Биру Борлигига иқрор бўлиш ва шу орқали моддий оламда унинг қудрати ва жамолини мушоҳада этишга эришиш. З.нинг энг афзали "Ло илоҳа иллаллоҳ" калимаси бўлиб, бу сўз жаннат калити, деб таърифланади. Қуръони Каримнинг саксондан ортиқ оятида Аллоҳни З. қилиш буюрилган. З. барча тариқатларнинг асли ва асоси ҳисобланади. Азизиддин Насафийнинг ақидасига кўра, чақалоққа она сути қанчалик зарур

бўлса, солик учун ҳам З. тушишлик шунчалик муҳим саналади. З. тариқат шайхи, пиру муршиди томонидан талқин йўли б-н ўргатилади. З. талқин усулига қараб, икки гуруҳга ажратилади: З.и хафий ва З.и жаҳрий. З.и хафий – овоз чиқармасдан қалб тили б-н Аллоҳ таолони эслаш бўлса, З.и жаҳрий баланд овозда шайх ўргатган сўзларни такрорлашдан иборат. Муҳаммад Балхийнинг ақидасига кўра, тил б-н қилинган З. гуноҳларнинг каффоратига сабаб бўлса, қалб б-н қилинган З. натижасида Аллоҳ таоло ҳузурида қурбат ҳосил қилинади. Ҳадисда айтилишича, дунё ва ундаги барча ишлар лаънатлангандир, илло Ҳақ таолонинг З.и бундан мустасно. Шу маъно Навоий байтида қуйидагича ифодаланади:

Навоий хуш кўрар оламни отинг
зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур
дунёву мо фиҳо.
("Гаройиб ус-сиғар", 7-ғазал)

ЗОБ БИННИ ТАҲМОСБ, Зав – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган Пешдодий ҳукмдор. Манучеҳрнинг набираси. Афросиёбга қарши урушиб, Эрон тахтини қайтариб олади. Афросиёб даврида бузилган ўлкаларни обод қилиб, Ироқда (баъзи манбаларда Диёри Бакрда) иккита канал қазийди. Зол ибн Сом (Рустамнинг отаси) шу даврда жаҳон паҳлавони сифатида танилган. Банокатий тарихида З.Т. беш йил, бошқа манбаларда эса ўттиз йил ҳукмронлик қилгани айтилган. Навоий "Тарихи мулуки Ажам"да З.Т.ни одил подшоҳлар қаторига қўшган.

Чу офоқ мулкига шоҳ ўлди Зоб,
Тузатти неким бузди Афросиёб,
Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,
Чу қолмас на золим, на одил киши.

ЗОБУЛ/ЗОБИЛ – ҳозирги Афғонистондаги вилоятлардан бири. Жанубдан Балх, шарқдан Сейстон, ғарбдан Хуросон, шимолдан Балужистон б-н чегарадош. Нимрўз деб ҳам аталади. Маркази – Ғазнин (Ғазна) шаҳри. Афсонавий Рустамнинг она юрти.

Кишвари Зобул анга арзони,
Рустами Зол тақи дарбони.
("Фавойид ул-кибар", "Соқийнома")

ЗОВА ҚОЗИСИ (15–16-асрлар) – ҳиротлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "яхши табъли йигит" эканлигини айтиб, Хусрав Деҳлавийнинг баъзи маснавийларига татаббуъ битгани, бошқа жанрларда ҳам ижод қилгани ҳақида маълумот беради. Адабиётшуносликда З.Қ.нинг "Лайли ва Мажнун" достони борлиги б-н боғлиқ маълумотлар мавжуд. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ки гуяд бар сарири мулки хуби
подшоҳиро,
Ки бар дар нолаи зорест мискин
додхоҳиро.

(Мазмуни: Эшигингда токи мискинлар нолаю зор қилиб турар экан, сени ким гўзаллик подшоҳи деб ким атайди?)

"ЗОД УЛ-МУСОФИРИН" – Амир Ҳусайнийнинг назмий асари. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнида ёзилган. Саккиз мақолатдан иборат бўлиб, унда мужоҳада ва талаб, тариқат соликларининг сифати, ишқ ва унинг даражалари каби масалаларнинг ирфоний талқини берилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Амир Ҳусайний б-н боғлиқ бобда тилга олади.

ЗОКИР – 1) зикр этувчи, эсга олувчи:

"Не неъмат олиб мунғимдин шокир, не инъом топиб мукрим узриға тиллари зокир"
(Маҳбуб ул-қулуб, 34-фасл)

2) Ҳақ таолони зикр қиладиган киши. Азизиддин Насафийнинг ёзишича, З.лар тўрт тоифага бўлинади: 1) майл мартабасидаги З. – хилватда туриб, тилида Ҳақ таоло исми, хаёли дунёвий машғулот б-н банд кимса; 2) иродат мартабасидаги З. – зикр чоғида кўнглини назоратга олиб, дунёвий хаёлотдан ўзини машаққат б-н пок тутадиган солик; 3) муҳаббат мартабасидаги З. – зикр қалбини буткул ўз забтига олган ориф; 4) ишқ мартабасидаги З. – Ягона Зот қалбидан жой олган ориф.

Кўнгул маҳзудиға чун бўлди восил
бўлса бўлсун тил
Агар кўйил самад бирла вагар зокир
санам бирла
("Гаройиб ус-сиғар", 523-ғазал)

ЗОЛ I – араб алифбосидаги ض ҳарфининг номи. "Хазойин ул-маоний"да З. ҳарфи б-н тугайдиган 12 ғазал (ҳар бир девонда 3 тадан) келтирилган.

Бало тоши хам ўлган қаддим устидин
йироқ кетмас,
Биайниҳ нуқта янглиғким, тушар
ёзғанда зол узра.
("Фавойид ул-кибар", 549-ғазал)

ЗОЛ II – қария (кампир, чол). Фалакнинг қадимийлиги ва кўп макр-ҳийлаларни кўргани сабабли З.и чарх, даҳр З.и, З.и офоқ каби иборалар б-н истиора қилинади:

Бу навъ умид ила ки ногоҳ,
Бўлса санга золи чарх кинхоҳ.
("Лайли ва Мажнун", 33-боб)

ЗОЛ III – адашган, гумроҳ, йўлдан озган:

Рўзи ортуқ бўлмағин ҳар кимки
билгай чархдин,
Зол янглиғдурки розиқ чархини
қилғай хитоб.
("Фавойид ул-кибар", 40-ғазал)

ЗОЛ IV – афсонавий паҳлавон Рустам Достоннинг отаси. Сочи оппоқ бўлганлиги сабабли З.и Зар лақаби б-н машҳур бўлган. "Тарихи мулуки Ажам"да келтирилишича, З. Манучеҳр замонида туғилган. Афросиёб Навдарни ўлдирганидан кейин Зоб Таҳмоснинг тахтга келишига мадад беради. З. Гаршосп замонида лашкарбоши бўлган. Рустам б-н Исфандиёр ўртасида бўлган урушда ҳийла ўргатиб, Исфандиёрни ҳалок этади. Баҳман қўлига асир тушиб, яна озод бўлади.

ЗОЛИ ЗАР – "Хамса"даги образлардан бири, адолат изловчи кампир. Ўғлининг ҳалок бўлишига Шоҳ Ғозийни сабабчи деб билган ва адолат истаб, қозига мурожаат қилган. Султон қозининг амрига бўйсунганлиги сабабли даъвосидан воз кечади. Кампир умрининг охирида султон кўрсатган саховатдан жуда бойиб кетгани учун З.З. лақаби б-н машҳур бўлади.

ЗОЛИ МАККОРА – "Фарҳод ва Ширин" достонида Хусрав буйруғи б-н ҳийла ёрдамида Фарҳодни ўлдирган кампир. Бу образ Низомийдан бошланиб "Хусравнома"ларда ҳам мавжуд бўлса-да, лекин Навоий унинг маъносини янада бойитиб, ёлғон дунё рамзи вазифасини юклайди. Бунда у тас. ад-тидаги дунёни аёл қишига, маккорлигига ва кексалигига ўхшатилишига асосланади.

...Золи маккора, балки Фарҳодкуши хунхорининг тиғи забонин тез этиб, Фарҳод қатлини ангез этгони, доғи ул тоғ сори азимат этиб, Фарҳод бошиға ажалдек етгони...

ЗОЛИМ БИН МУҲАММАД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Асл исми Абу Абдуллоҳ бўлиб, "Золим" тахаллусини олган. Бунинг сабабини ўзи қуйидагича изоҳлайди: "Дер эрдики, мендин ҳаргиз бир писандида бандалиғ қилмамиш бўлғай, бас золим бўлганман, яъни ўзумга." Абу Жаъфар Ҳаддоднинг муридларидан бўлган. Кўнгилни Ҳақ таоло зикри б-н ором тутмоқ, халқдан узоқ бўлишни ихтиёр этмоқ ва оз емоқни маъ-ий камолотнинг асосий шартлари, деб ҳисоблаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЗОҲИД – тарки дунё қилган, тақво ва парҳезкорликда умргузаронлик қиладиган киши. З.лар ҳақида Абу Наср Саррож "Ал-Лумаъ" китобида шундай ёзган: "З.лар уч тоифадирлар. Биринчи тоифа мубтадийлар бўлиб, уларнинг қўли мол-дунёдан бўш, қалблари тамаъ ва умидворликдан холи бўлур. Иккинчи тоифа, яъни мутаҳаққиқлар оламдаги барча лаззат ва неъматлардан нафсни тийишни касб этганлар. Учинчи тоифа ҳақиқий зоҳидлар бўлиб, шундай мақомга эгадирларким, агар бутун дунёни унинг ихтиёрига қолдириб, ҳар қандай лаззат ва неъматдан баҳрамандликка ижозат берилган тақдирда ҳам, дунёни тарк этарлар ва зуҳду тақвода кун кечириб, Аллоҳ таолога тоат ва ибодат қилурлар".

Айрим суфийлар З.ларни Ҳақ таолонинг ризоси учун эмас, балки жаннат умидида ибодат қиладилар ва бу ҳам аслида тамаънинг бир тури, деб танқид қилганлар. Шунингдек, риё ва сохта ибодат қилиб, қалби ибодат ҳузурини топмайдиган З.лар ҳам қалби ҳамиша уйғоқ ва пок, аммо зоҳиран маломатга учрайдиган риндлар, дарвешлар, ошиқ ва орифларга мақбул ва маҳбуб кўринмаган.

З. Навоийнинг лирик асарларида асосан ишқдан бехабар, сохта тақво, парҳез ва ибодат б-н ғурурланадиган нарса ва воқеаларнинг моҳиятига эмас, зоҳирига қараб баҳо берадиган кишиларнинг тимсоли сифатида қўлланилган. Тас.-ий асарларда ҳақиқий З.ларнинг ҳаёт йўли ибрат тариқасида келтирилган.

Зоҳид учмоғни этар васфу
мен ул ой кўйин,
Гулшани хулд анга,
ул гули рухсор манга.
("Ғаройиб ус-сиғар", 12-ғазал)

ЗОҲИДИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида *Бобо Савдоий*дан кейин унинг замондоши сифатида тилга олинади. Навоий З.нинг Хусрав Деҳлавийнинг "Дарёйи аброр" номли касидасига *татаббуъ* ёзгани ва Котибий Туршизийнинг "Тажнисот"ига мурожаат қилганлигини айтиб, унинг муножотидан ўзига маъқул тушган қуйидаги байтини келтиради:

Зуҳраро чанг ё рубоб ки дод,
Лаъл дар санг, ё раб, об ки дод?

(Мазмуни: Зуҳрага чанг ёки рубобни ким берди; Ё Раб, тош орасидаги лаълга порлоқликни ким берди?)

ЗОҲИД МУРҒОБИЙ, Мавлоно Жалолиддин Маҳмуд (ваф. 1377) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бодғис ш. яқинидаги Мурғоб кентида туғилган. Шайх Низомидин Ҳиравийдан шаръий илмларни ўрганган. Тақво ва парҳезкорлик, зуҳд ва қаноатда пешқадам бўлган. Она юрти – Мурғобда вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"ЗУБДАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ" ("Ҳақиқатлар қаймоғи") – Айнулқуззот Ҳамадоний асари. 1123 й. да ёзилган. Китобда фал. нинг муҳим масалаларидан бири – мабдаъ ва маод хусусида баҳс юритилади. Муаллиф ушбу масаланинг ечимида Ибн Сино таълимотини асос қилиб олган. Мутаассиблар бу китобдаги айрим фикрларни шариат ҳукмларига зид, деб Айнулқуззотнинг қатл этилишига сабаб бўлишган.

Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Айнулқуззот б-н боғлиқ бобда тилга олади.

"ЗУБДАТ УТ-ТАВОРИХ" ("Тарихлар хулосаси") – Алишер Навоийга нисбат бериладиган асарлардан бири. Аксарият олимларнинг фикрича, Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ"и ҳамда Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн"ида "З." "Тарихи мулуки Ажам" ҳамда "Тарихи анбиё ва ҳукамо"нинг умумий номи маъносида қўлланилган.

*"Бу «Хамса» шуғлидин чун фароғат топибмен, тахайюлим гети навардин салотин таърихи даштига чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдат ут-таворих» адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен" **("Муҳокамат ул-луғатайн")**.*

"ЗУЛБАҲРАЙН" ("Икки баҳрли") – Котибий Туршизийнинг маснавийси. Тасаввуфий мавзуда битилган. Манбаларда "Носир ва Мансур" ёки "Мажмаъ ул-баҳрайн" ("Икки денгизнинг қўшилиши") деб ҳам аталади. Асарни икки баҳрда ҳам ўқиш мумкин бўлганлиги учун "З." деб номлаган. Навоий ушбу асар номини "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида Котибий ҳақидаги бобда тилга олиб, "Носир ва Мансур" б-н боғламай, аксинча, алоҳида асар сифатида санайди.

ЗУЛКИФЛ – пайғамбар. З.нинг исми ва пайғамбарлиги тўғрисида турли фикрлар бор. Баъзилар З. б-н Ҳизқил пайғамбар аслида бир киши, деб атайдилар. Баъзи манбаларда З. – Айюб пайғамбарнинг Бишр исмли ўғлининг иккинчи номи дейилган. Навоий талқини бўйича, З. – Алясаъ пайғамбарнинг вориси. З.нинг кафолат соҳиби деган ном олганига икки хил қараш бор. Биринчи талқинга кўра, пайғамбар Мусо (а.) давридаги шариатни қайта тиклаш ва одамларни Ҳақ динига ҳидоят қилишга Аллоҳ таоло томонидан кафил этилгани учун ана шундай номга сазовор бўлган. Иккинчи талқин бўйича, З. Канъон исмли

худосиз бир шоҳни имонга даъват этади. Канъон олдинги ишлари Худо томонидан кечирилишига З.дан кафолат талаб қилади. З.унга кафолат хати ёзиб беради. Канъон имон келтиради ва вафот этганида ушбу кафолат хати б-н бирга кўмишларини васият қилади. Ривоятларга кўра, Ҳақ таоло ўз пайғамбари кафолати б-н Канъоннинг гуноҳидан кечиб, унга жаннатни ато этади. Фаришталардан бири З.нинг кафолат хати б-н халқнинг олдига келиб, аҳволни маълум қилади. Халқ бу ҳолдан таъсирланиб, З.нинг пайғамбарлигини эътироф этади.

Зулкифл ишиким ҳаққа далолат эрди,
Ҳақ раҳматидин элга кафолат эрди.
Чун қавмнинг ойини залолат эрди,
Ўтти, чу замириға малолат эрди.

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

ЗУЛУМОТ – қоронғулик, зулмат. Қад. тасаввурларга кўра, Ер шарининг шимолий минтақасидаги бир ўлка. Бунда доимий қоронғулик – тун ҳукмрон бўлиб, ҳаёт булоғи (Хизр чашмаси, айн ул-ҳаёт) шу мамлакатдадир. Искандар Зулқарнайн Хизр ҳамроҳлигида шу мамлакатга сафар қилиб, мангулик бахш этувчи хосиятга эга бўлган сувдан ичмоқчи бўлибди. Лекин ҳаёт суви фақат Хизрга насиб этибди, Искандар бундан бенасиб қолибди. Тас. аҳли наздида З. – дунё рамзидир, ҳаёт суви – маърифат тимсоли.

Ваҳки, ҳажринда жаҳон бўлди
кўзумга зулумот,
Ким борур яйқалибу қайтмас
ул оби ҳаёт.

("Гаройиб ус-сиғар", 83-ғазал)

ЗУЛФ – соч; аёлларнинг икки чаккасида, қулоқлари атрофига жингалак ҳолда тушган жамалаги. Тас.да у бир неча маънони акс эттиради: ваҳдат – ягоналикдан тўсиб турувчи мавжуд олам рамзи; куфр зулмати; ҳеч ким билишга қодир бўлмаган илоҳий моҳият; илоҳий манбани англашга тўсиқ бўлувчи нарсалар тимсоли; касрат оламига боғланиб қолиб, паришонлик ҳолига тушишлик; яралиш даражаларини англатувчи рамзий тушунча. Н.Комилов талқини бўйича, дунё – касрат, яъни кўпликни англатади, бунда илоҳнинг сифатлари мужассам. Дунё бепоён ва Илоҳ манбасига нисбатан қоронғироқ – зулматли. Сочнинг узунлиги ва қоралиги ҳам дунёнинг бепоёнлиги ва зулматига ишора. Сочнинг ҳалқалари – солик руҳини овора қиладиган, банд бўладиган дунё ташвишлари. Сочнинг учи – инсоннинг ўзи. Бошқача айтсак, инсон тажаллиётнинг охиридир, у асл манбага қайтишга интилади, чунки у Мутлақиятдан ажралган, ҳижронда. Лекин дунё ташвишлари, зулматини – ҳалқаларини енгмасдан туриб, Мутлақ руҳ жамолига мушарраф бўлолмайди.

Зулфи зуннориға чирманған
узорин очти ёр,
Зулмати куфр ичра элга
нури имондур даво.

("Бадоеъ ул-васат", 33-ғазал)

ЗУЛФИҚОР (ар.) – қилич номи. Бу қилич Бадр жангида мусулмонларга қарши урушда ўлдирилган Мунаббиҳ бин Ҳажжожга тегишли бўлиб, у дастлаб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг тасарруфига ўтади. Уҳуд жангида З.ни Али ибн Абутолиб (р.а.)га ҳадя қиладилар. З. кейинроқ Аббосий халифалар мулкига айланади. З. икки тиғли қилич бўлиб, исломий ривоятларда афсонавий моҳият касб этган.

Дулдулининг пўяси андоқки барқ,
Зулфиқоридин адув қон ичра ғарқ.

("Лисон ут-тайр", 11-боб)

ЗУЛҚАВОФИЪ (ар. – уч ва ундан ортиқ қофия) – қофия б-н боғлиқ шеърий санъатлардан бири бўлиб, байт таркибида уч ёки ундан ортиқ қофиядош сўзлар жуфтлигини келтиришдан иборат. З. шеърга алоҳида мусиқийлик ва жарангдорлик бахш этади. Навоий ижодида унинг бетакрор намуналарини кўрамиз. Мас.:

Ҳар қиссада шукр сол тилимга,
Ҳар ғуссада сабр бер элимга.

("Лайли ва Мажнун")

Ушбу байтда "тилимга" – "элимга" жуфтлиги асосий қофия бўлса, "қиссада" – "ғуссада", "шукр" – "сабр" жуфтликлари қўшимча қофия бўлиб келмоқда.

З. *тарсеъга* ўхшаб кетади. Лекин тарсеъда биринчи мисрадаги барча сўзларнинг иккинчи мисрадаги сўзларга қофиядош бўлиши талаб қилинса, З.да эса барча сўзлар эмас, балки уч ва ундан ортиқ сўзлар ўзаро қофиядош бўлади.

ЗУЛҚАРНАЙН (ар.) – икки шох соҳиби. З. сифати қад. дунё мифологиясида кўплаб шоҳ ва афсонавий шахсларга нисбат берилган. Жумладан, Мунзир бин Имрулқайс (Мод нодшоҳи), Малик Табъ ул-Акрон (Жан. Арабистон подшоҳи), Шамар бин Африқиюс бин Абраҳа, Амр бин Мунзир Лахмий ва македониялик Александр (Искандар Мақдуний) З. номи б-н тилга олинган. Улар орасида Искандар Мақдуний З. номи б-н нисбатан кўп машҳур бўлган. Искандар Мисрни фатҳ этганидан кейин бошида икки шохли дубулға тасвири туширилган танга зарб қилган.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да З.ни Нуҳ пайғамбар (а.)нинг ўғли – Ёфаснинг тўртинчи авлоди, Рус наслидан эканлиги айтилади. Шунингдек, унинг пайғамбарлик даври ҳамда икки З. борлиги – бири З.и Акбар бўлиб, Солиҳ пайғамбар (а.) давридан кейин пайғамбарлик қилгани, Яъжуж ва Маъжуж қавмидан сақланиш учун улуғ девор (Садди Искандарий)ни бунёд этганини тарихий манбалар асосида қайд этса-да, лекин бу фикрга нисбатан шубҳаси ҳам борлигини билдиради. Хизр (а.) ҳақидаги бобда З.нинг мулозими бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Искандар б-н боғлиқ фаслда эса Навоий Амир Хусрав ва Низомий Ганжавий қарашларини бошқа тарихий манбаларга нисбатан ишончли деб, "Садди Искандарий" достонини шу йўсинда ёзганини маълум қилади.

ЗУЛҚОФИЯТАЙН (ар. – икки қофияли) – икки қофияга асосланган шеърий санъат. Бунда байтда асосий қофиядан ташқари яна битта қофиядош сўз келтирилади.

З. шеърнинг ифодалилигини ошириб, мусиқийлигини кучайтиради. Шоирдан катта маҳорат ва санъаткорликни талаб қилади. Алишер Навоий шеъриятида бу бадиий санъатдан моҳирлик б-н фойдаланилган.

Қўймасанг бизни бу **ғафлат домида,**
Тийралик бирла **залолат шомида.**

Баъзан З.да қофиялар ўртасига ҳожиб тушиб қолиши мумкин. Бунда у З.и маҳжуб деб аталади. Олдинги сўзда тажнис ишлатилса ҳожибга, кейинги сўзда қўлланса, радифга ўхшаб кетади.

Ҳазин Фарҳод шуғлин **айла ширин,**
Ки тоб қойсен нигори **ўйла Ширин.**

Бу ерда тажнис радиф эмас, қофия бўлиб келмоқда.

ЗУМУРРАД – тўқ яшил рангли қимматбаҳо тош. Чиройли товланиши, шаффофлиги, кристалл шаклининг чиройлилиги б-н маъданлар ичида энг қимматбаҳо тош ҳисобланади. З.дан ясалган узук ҳатто илонни ҳам сеҳрлаш хусусиятига эга. Тас.да З. моддий олам, нафси амморани мағлуб этадиган илоҳий файз, тавба туфайли солик кўнглида ҳосил бўлган тавфиқ маъноларини англатади.

"Фавойид ул-кибар"нинг 124-ғазалида З. сўзи радиф вазифасини бажарган:

Лабинг лаълу хатинг, эй жон,
зумуррад,
Булурму лаълға ҳарён зумуррад.

ЗУННОР (ар. – чилвир) – чармдан ясалган махсус камар, белбоғ. Ўрта асрларда мусулмон давлати ҳудудида яшайдиган бошқа динга эътиқод қилувчиларни ислом аҳлидан ажратиб турувчи белги, махсус белбоғ. Тас.да, З. – Ҳақиқий Маҳбуб хизматига камар боғлаш ва буткул унга итоат этишни англатади. З. икки навдир: З.и мазмум (мазаммат қилинган З.) – дунё ва ҳою ҳавасга кўнгил боғлаш; З.и маҳмуд (мақталган З.) – хизмат ва тоат-ибодат камарини боғламоқ.

Дайрдин дер кўч, Навоий,
жилва қилса муғбача,
Бўйнума гар маҳкам
ўлғон бўлса зуннори, нетай.
("Фавойид ул-кибар", 616 ғазал)

ЗУННУН МИСРИЙ, Абулфайз Савбон бинни Иброҳим – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Қоҳира яқинидаги Ихмим ш.да туғилган. Молик ибн Анасдан ҳадис илмини ўрганган. Мағриблик Исрофил исмли шайхнинг муриди. З.М. тас. ва ҳол илми бўйича биринчилардан бўлиб, назарий фикрларни баён қилган ориф сифатида танилган. Тас. даги барча тариқатларнинг силсиласида унинг номи бор. Имом Аҳмад Ҳанбал, Валид бин Абдуллоҳ, Абулҳусайн Нурий, Абу

Яъқуб Ҳошимий, Аббос бин Ҳамза Нисобурий, Абу Саид Харроз, Абу Абдуллоҳ Набожий, Абдуллоҳ Ҳозир, Али бин Муваффақ, Абу Амр Димишқий, Иброҳим бин Довуд Қассор Раққий, Абу Муҳриз Шерозий, Фотима Нисобурия, Жорияи Савдо, Имраъатун Мажҳула каби ориф зотлар б-н суҳбатда бўлган. *Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий, Юсуф бин Ҳусайн Розий, Муҳаммад бин Ҳасан Жавҳарий, Абу Абдуллоҳ Жалло* каби йирик суфийлар З.М.нинг шогирдлари саналади. З.М. 859 й. самоъ мажлисида важд ҳолида оламдан ўтган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ЗУҲАЛ (ар.) – сайёра номи. Кайвон, Сатурн деб ҳам аталади. Ўрта аср нужум илмига кўра, З. еттинчи фалакда жойлашган бўлиб, Наҳси акбар (Катта мусибат) ва Батий ус-сайр (секин ҳаракат қилувчи) сифатларига эга. З. илмсиз зоҳидлар, кучманчи қабилалар, қултабиатларнинг юлдузи ҳисобланади ҳамда бахиллик, очкўзлик, макр, ҳийла, кеккайиш, такаббурлик, жоҳиллик сифатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши унга нисбат берилади. З.ни фалак носбони ёки ходими деб ҳам аташади. Азизиддин Насафийнинг айтишича, бу фалак Азройил – жон олувчи фаришганинг мақомидир. Алишер Навоий лирикасида З. ёрнинг (қора) ҳолини ва унга муқояса бўлган ҳолда илоҳиётнинг олий нуқтасини англатади.

Чун Зуҳал толиъ бўлур холинг
хаёли фитнадин,
Жоним ичра юз минг ошуби
бало изҳор этар.
("Наводир уш-шабоб", 164-ғазал)

"Сабъаи сайёр" достонида шанба куни биринчи иқлимга ҳомийлик қиладиган қора рангли сайёра сифатида келтирилган. Бу куни Баҳром қора қасрда Ҳиндистон гўзали ҳузурида биринчи иқлимдан келган сайёҳдан "Ахий ва Фаррух" ҳақидаги ҳикоятни эшитади. Ҳикоятда футувват ва тақдирга таҳаммул ғоялари тараннум этилади.

Зуҳал асбобин айлади бир-бир,
Ҳиндуйидекки, бўлса маъракагир.
("Сабъаи сайёр")

ЗУҲД (ар. – бир нарсадан юз ўгирмоқ) – дунёдан воз кечиб, тақво ва ибодатда кун кечириш. Абу Муҳаммад Рувайм З. сўзи ҳақида шундай ёзади: "З. уч ҳарфдан иборат: Зо, ҳо ва дол. Зо – зийнатни, ҳо – ҳою ҳавасни, дол – дунёни тарк этмоқни англатади. Имом Аҳмад Ҳанбал З.нинг турлари ҳақида айтган: З. уч хил бўлади: биринчиси, ҳаром ишларни тарк этиш бўлиб, бу авомнинг З.идир. Иккинчиси, ҳалол нарсаларга ружу қўймаслик, бу хослар З.и, учинчиси – бандани Аллоҳнинг ёдидан чалғитувчи барча нарсаларни тарк этмоқдирким, бу орифлар З.и ҳисобланади."

Абу Али Даққоқдан З. ҳақида сўраганларида "З. – дунёни бузишга ҳам, қайта қуришга ҳам интилмаслик" деб жавоб берган экан.

Кўр-кўрона эътиқодга асосланган З. ҳамиша қораланган бўлиб, бундай З. ишқ ва маърифатдан бенасиб одамда такаббурлик, шуҳратпарастлик, ибодатлардаги қалб ҳузуридан бенасиблик, маърифатсизлик, риёкорлик каби иллатларнинг чуқурроқ илдиз отишига сабаб бўлади.

Навоий асарларида З.нинг икки хил талқини учрайди. Биринчи талқин – риё ва ёлғон асосида шаклланган З.бўлиб, бундай тоифадаги кишилар қаттиқ танқид қилинган ва лирик асарларда садоқатли ошиқнинг рақиби сифатида тасвирланган. "Насойим ул-муҳаббат"да З. ва тақво 178 та шайхнинг асосий сифатлари сирасига киритган. "Маҳбуб ул-қулуб"да З.га шундай таъриф берилган: *"Зуҳд – дунё орзуларидин кечмакдур ва нафс аларнинг мавто заҳрин ичмакдур. Ва молу жоҳ хаёли риштасин кўнгулдин узмакдур ва нангу номус бутларин ушатурға ўзин тузмакдур ва қабул умидиға риёзат тариқин тутмакдур. Ва шариат жодасида мардона турмоқдур. Ва бошни риёйи саждаға индурмамакдур, балки андоқ тоатни хаёлға кечурмамакдур. Кўзни асрамоқдур барча номаҳрам юздин ва тилни тутмоқдур барча номашруъ сўздин. Кулоқ карлигидур моло, яъни маъмуъотдин илик тортмоғлиғдур барча номашруъотдин. Аёғ ланглигидур халойиқ тараддудин ва нутқ гунглигидур сўзда эл ташдидидин. Оғизга савм мухридур нединки, нафс таманноси булғай ва нафсға яъс*

кофуридур ҳар шайъдинки табиат тақозоси бўлғай. Таом қиллатидур ончаким, муяссар ва анинг жибиллати риоятидур ончаким, мақдур. Хилватта улфатдур аладдавом, узлатга мудоваматдур молокалом. Ва лайл қиёмиға мувозабатдур ва зикр давомиға мудоваматдур".

ЗУҲРА – сайёра номи. Шумерлар илоҳиётида Инанна номи б-н пайдо бўлган образ. Муҳаббат ва гўзаллик, саодат ва ёруғлик рамзи сифатида Бобил мифологиясида Иштар, Миср мифологиясида Исида, юнон мифологиясида Афродита, Рим мифологиясида Венера, "Авесто"да Анаҳита илоҳалари сифатида талқин этилган. Шумер ва аккадлар тасаввурида З. ҳосилдорлик ва севгига ҳукмрон бўлган "осмон маликаси" сифатида тасвирланади.

Алкимёда Венера сайёраси мис б-н боғланади. Ислом дунёсида Зуҳра – Толеъ юлдузи номи б-н талқин этилган.

Навоий асарларида саъди асғар (хосият келтирувчи кичик сайёра) сифатида гавдаланади. Меърожномаларда у учинчи осмон ва жума куни соҳиби, само мутриби, созанда ва машшоқлар ҳомийси сифатида тасвир этилади.

Зуҳра ушотиб даф ила чангини,
Навҳа кўкида тузуб оҳангини.

("Ҳайрат ул-аброр")

"Сабъаи сайёр" достонида жума куни еттинчи иқлимга ҳомийлик қиладиган оқ рангли сайёра тарзида келтирилади. З. ҳомийлик қилган жума куни Баҳром Хоразм юрти маликаси ҳузурида оқ қасрда еттинчи иқлимдан келган сайёҳдан сўнгги ҳикоятни эшитади ва бу ҳикоят орқали Дилоромдан хабар топади.

Тунд сендин сипеҳр Баҳроми,
Чангзан Зуҳранинг Дилороми.

("Сабъаи сайёр", 1-боб)

ЗУҲҲОДХОН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Шарқий Туркистонда туғилиб, вояга етган. Бухоро мадрасасида таълим олган. Сўнг Хоразмга бориб, Шайх Нажмиддин Куброга мурид тушган. Шайхдан ижозат олганидан кейин Хуросонга келиб, кубравийлик тариқатининг ёйилишига ўз ҳиссасини қўшган. Қабри Чечактў Ҳисор вилоятида. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

– Шамс Табризий б-н қалин дўст бўлган. Шамс Табризий ўзининг "Мақолот"ида уни "азамат бир тог", "яхши ҳамдард", "мунис рафик", деб таърифлаган. Маждиддин Исҳоқ вафотидан сўнг унинг васиятига биноан бевасига уйланади. Илк шориҳи ва етук шогирди – Садриддин Қунавий унинг ўгай фарзанди (Маждиддин Исҳоқнинг ўғли) саналади.

И.А. 1223 й. Дамашққа келади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, ижод қилади. У бу шаҳарнинг ҳокимликдаги табақаси б-н яхши муносабатда бўлган. Вафотидан сўнг мухолифлари ва мутаассиб кишилар томонидан қабри бузилади, аммо кейинроқ турк султони Салим Усмоний фармойиши б-н қабри устида муҳташам мақбара бунёд этилади. Мақбара бугунгача бутун сақланган бўлиб, Дамашқ ш.нинг энг гўзал меъморий-тарихий обидаларидан бири ҳисобланади.

Буюк мутафаккир ўзидан жуда катта илмий-адабий мерос қолдирган. Абдураҳмон Жомий "Нафаҳот ул-унс" тазкирасида унинг асарлари сонини 500 дан ортиқ, деб ёзган. 200 таси бугунги кунгача сақланган бўлиб, фалсафа, фиқҳ, тафсир, ирфон, ахлоқ илмлари тарихида ўзига хос ўрин тутади. Аммо унга шуҳрат киритган икки асари – "Ал-Футуҳот ал-Маккия" ("Маккадаги кушойишлар") ва "Фусус ул-ҳикам" ("Ҳикмат дурдоналари") алоҳида аҳамиятга эга. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ИБН ЛАЪЛИЙ (15-аср, Бадахшон) – шаҳзода, шоир. Шоҳ Бадахшоннинг ўғли. Ақл-ҳушли, хушгабъ йигит бўлган. Шуҳлиги ва соҳибкарамлиги эл оғзида нақл бўлган. Гўзал шеърлар ҳам ёзган, унинг бир матлаъсини Навоий "Мажолис ун-нафоис"да келтиради:

Эй зи лаъли оташинат
дар дили гулнор нор,
Файри дил бурдан надори,
эй бути маккор, кор.

(Мазмуни: Сенинг чўғдай лабингдан қизил гулнинг бағрига ўт тушди, эй маккор санам, сенинг кўнгилларни ўғирлашдан бошқа ишинг йўқми?).

И.Л. Абусаид Мирзо томонидан қатл этилади.

ИБН САЛОМ – "Лайли ва Мажнун" достони қаҳрамонларидан бири. Достонга асосан, арабларнинг Бани Асад қабиласи бошлиғи, катта бойлик эгаси. Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомий достонларида у Лайлига уйланади, бироқ тез орада вафот этади. Навоий достонида эса тўй куни хафақон касали қўзғайди ва ҳамма куёв б-н овора бўлиб қолган пайт Лайли Мажнун б-н кўришиш учун саҳрога чиқиб кетади. Куёв эртаси куни ўзига келади. Бироқ тўй соғайгунича қолдирилади.

Солим анга барча айбдин зот,
Бахт Ибни Салом деб анга от.
("Лайли ва Мажнун")

ИБН УЛ-ФОРИЗ ҲАМАВИЙ МИСРИЙ, Абуҳафс Умар (ваф. 1235) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, араб мумтоз адабиётининг йирик вакили. Тас.дан қайси пир қўлида таълим олгани маълум эмас. Ўзининг гувоҳлик беришича, унга бу йўлда мисрлик бир мажзуб солик раҳнамо бўлган. И.Ф. девони араб ирфоний ад-тининг мумтоз намунаси ҳисобланади. Айниқса, етти юз эллик байтдан ортиқ бўлган "Тоия" қасидаси тасаввуфий маънолар нинг адабий қомуси сифатида катта шуҳрат қозонган ва унга кўп шарҳ битилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

ИБН УЛ-ҚОИД, Муҳаммад Авоний – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Абдулқодир Жилий*нинг муриди. Валийларнинг муфрадун (ягоналар) – қутб доирасидан ташқарида бўлган, тафридни камолга етказган, ладуннийлим соҳиби, фонийсифат орифлар табақасидан ҳисобланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"ИБРАТ УЛ-ЯҚЗОН" ("Тириклар ибрати") – Имом Абдуллоҳ Ёфиъий Яманийнинг асари. Тўлиқ номи – "Ибрат ул-яқзон фий маърифати ҳаводис из-замон». Тарихий мавзуда битилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Ёфиъий Яманий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

ИБРОҲИМ – Қуръони каримда тилга олинган пайғамбар. Яҳудийлар ва арабларнинг аждоди, ўзидан кейин ўтган барча пайғамбарларнинг бобокалони. Лақаби – Халилуллоҳ ва Халилурраҳмон (Аллоҳнинг чин дўсти). Куняси – Абуз-зифён (меҳмондўст), Абул-анбиё (пайғамбарлар отаси), Абул-Муҳаммад (Муҳаммад (с.а.в.)нинг отаси). Қуръони каримнинг 25 сурасида И. ҳаёти ҳақида хабарлар келган. Шунингдек, "Аъло" (18-оят) ва "Нажм" (36-оят) сурасида "Суҳуфи И." (Иброҳим Мусҳафи) ҳақида ишоралар бор. И. Бобул шаҳрида, Намруд коҳинлардан салтанати завол топиши мумкинлиги ҳақида хабар эшитганидан сўнг барча гўдакларни қатл этишга буйруқ берган йилда туғилган. У болалик чоғидаёқ Намруднинг худо эканлигини инкор этган. Отаси – Озар буттарош уни ўлдирмоқчи бўлади, аммо оталик меҳри жўш уриб, бу ниятидан қайтади. И. Намруд ҳузурига борганида бошқаларга ўхшаб, саждага бош қўймайди ва мунозарада Намрудни маглуб этади. Қавмни яккахудоликка даъват қила бошлайди, аммо бу даъватлар унчалик самара бермайди. Бутпарастларнинг байрами куни катта бутхонага кириб, бутларни синдиради. Шунда Намруд уни ёндириб юбормоқчи бўлиб ўтга ташлагани, аммо Аллоҳ иродаси б-н оловдан соғ-саломат чиққани "Анбиё" сурасида баён қилинган.

Намруд И.ни Бобилдан бадарға қилади. И. хотини Сора б-н Мисрга келади. Миср подшоҳи Сибон ибн Алвон Сорани И.дан тортиб олмоқчи бўлади, аммо Аллоҳ таоло бунга йўл бермайди. Шунда Миср подшоҳи узрхоҳлик қилиб, Сорани Ҳожар исмли канизак б-н қўшиб, И.га қайтариб беради. И. Мисрдан Фаластинга келади. Фаластинда қаҳатчилик бўлганлиги сабабли, дўсти Халил Мисрийдан ёрдам сўрайди. Халил Мисрий И. юборган кулларни қуруқ қайтаради. Қуллар йўлда қопларни қумга тўлдириб келадилар. Аллоҳ таоло амри б-н бу қумлар бугдойга айланади. И. ана шу бугдойларни экиб, оз фурсатда бадавлат кишига айланади, саховат ва меҳмондўстлик б-н умр кечира бошлайди.

И. қариган чоғида Исҳоқ (Сорадан) ва Исмоил (Ҳожардан) исмли ўғил кўради. Сора Ҳожарни рашк қилаверганидан И. Исмоил ва унинг онасини Маккадаги чўлу биёбонга ташлаб келишга мажбур бўлади. Бу ишнинг ҳикмати кейинчалик Каъба уйи бино бўлиши, Замзам қудуғи очилиши ҳамда Исмоил атрофида кўп одам йиғилишида намоён бўлади.

Баъзи манбаларда И. 175 й. яшаб, Фаластиндаги Мадина тул-Халилда дафн этилгани ёзилган. Навоий И. 195 й. яшаб, Шом минтақасининг Жабрун қишлоғида дафн этилгани ҳақида маълумот беради.

И. ҳаётига боғлиқ воқеалар, мўъжизалар, унинг гўзал фазилатлари Навоий учун илҳом манбаи бўлиб, бу шахсга турли шеърий санъат ва баён воситалари ёрдамида мурожаат қилган.

ИБРОҲИМ АДҲАМ (ваф. 777, Шом) – балхлик зоҳид ва сўфий. Куняси – Абу Исҳоқ, исми ва нисбаси Иброҳим Адҳам бинни Сулаймон бинни Мансур Балхий. "Насойим ул-муҳаббат"да келтирилишича, И.А. Балх амири бўлган. Овга чиққан пайтида Аллоҳ ҳидояти б-н амирликни тарк этиб, тариқатга юзланади. Бир муддат Макка шаҳрида яшаб, Фузайл бин Иёз, Суфён Саврий б-н ҳам суҳбатда бўлади, сўнг Шомга бориб умрининг охиригача ўша ерда яшайди.

И.А.нинг шогирдлари ва дўстлари – Имом Аъзам, Иброҳим бин Ситанбаҳ, Иброҳим бин Саъд Алавий, Солим Хаввос, Али Бегор Ҳузайфа Марағий, Али бин Баккор, Шайх Абу Исҳоқ Шомий ҳақидаги фаслларда унга ҳам боғлиқ маълумотлар келтирилган. И.А. Довуд Балхийдан Исми аъзамни ўрганади. "Лисон ут-тайр"да тариқатга қадам қўйишнинг бирламчи шарти ҳақидаги саволга жавобан Ҳудҳуд тилидан И.А.нинг тавбадан кейинги риёзатлари ҳақида ҳикоят келтирилади.

ИБРОҲИМ БИН АҲМАД МУВАЛЛИД СЎФИЙ РАҚҚИЙ (ваф. 954) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Абу Абдуллоҳ Жалло, Иброҳим Қассор, Абу Абдуллоҳ Муртаъиш б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-

унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ БИН ДОВУД ҚАССОР РАҚҚИЙ (ваф. 939) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Суриянинг Раққа шаҳрида туғилган. Зуннун Мисрий, Жунайд Бағдодий, Абу Абдуллоҳ Жалло, Абдуллоҳ бин Муҳаммад Муртаъиш, Иброҳим бин Аҳмад Муваллид Суфий Раққий б-н суҳбатдош бўлган. Уттиз йиллик сафари давомида тас. аҳлига нисбатан бўлган мавжуд нотўғри қарашни яхши томонга ўзгартирган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ БИН ИСО (ваф. 861, Исфаҳон) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Маъруф Кархий*нинг шогирди. Иброҳим Хаввос б-н суҳбатда бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ БИН МИЪСОР ЖАЪБАРИЙ (ваф. 1298) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилган олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Ўзидаги нуқсонни мазаммат қилган ва Мутлақ Қудрат олдида ҳеч нарсага арзимаслигини англаган ориф бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ БИН САЪД АЛАВИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абуисҳоқ. Имом Ҳасан бин Али бин Абу Толиб авлодидан. Бағдодда туғилиб, Шомда яшаган. *Абулҳорис Авлосий*нинг тариқатдаги устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ БИН ШАЙБОН КИРМОНШОҲИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Абу Абдуллоҳ Мағрибийнинг шогирди. Иброҳим Хаввос, Абу Абдуллоҳ Манозилий б-н ҳамсуҳбат бўлган. *Абу Зайд Марғазий Хуросоний* ва *Абубакр Тарсусий*нинг устози. Ўз даврида тақво ва парҳезкорликда ибрат ва намуна бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ БИН ЮСУФ БИН МУҲАММАД ЗУЖОЖИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Абу Амр Зужожийнинг отаси. *Абу Ҳафс Ҳаддод*нинг мурид. Маломатия тариқатига кирган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ МУТАВАККИЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Таваккулни ўз маслагига айлантиргани учун "Мутаваккил" номи б-н машҳур бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ МУҲАММАД ХАЛИЛ (15 аср) – хуросонлик туркигўй шоир ва амирзода, Муҳаммад Халилнинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши назмий таъби борлиги, одобли ва ҳурматга сазовор йигит эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Кўруб ағёрни филҳол
илик куксумгаким, урдум,
Эмас таъзим учун,
ханжарлари захмини ёшурдум.

ИБРОҲИМ НОЗУВАЙҲ, Иброҳим бин Муҳаммад бин Саъд – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Жавонмардлик тариқатининг йирик намояндаси. Кўркам қиёфа ва чиройли овоз соҳиби бўлгани учун "Нозувайҳ" номи б-н машҳур бўлган. Абу Ҳафс Ҳаддод ва Абу Усмон Ҳирий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ ОЖУРИЙ КАБИР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Унда И.О.К.нинг Жунайд орқали етиб келган арабча суфиёна байти келтирилган.

ИБРОҲИМ ОЖУРИЙ САҒИР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Хумдонда ғишт пиширишб-н машғул бўлгани учун "Ожурий" тахаллусини олган. И.О.С. ҳақида Ансорий асарида маълумот йўқ. Жомий "Рисолаи Қушайрия" ва "Ҳулят ул-авлиё" рисоласига таяниб, бу суфий каромат кўрсатгани ва бир яҳудийни мусулмон қилгани ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Навоий асарида бу маълумот айнан таржима қилинган.

ИБРОҲИМ СИТАНБАҲ ҲИРАВИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулисҳоқ. Ҳам жисмоний, ҳам маъ-ий кучга эга бўлгани учун "Ситанбаҳ" (кучли) номи б-н машҳур бўлган. Ҳирот тас. мактабининг илк намояндаларидан. Кирмон ш.да туғилиб, Ҳиротда яшагани сабабли "Ҳиравий" тахаллуси б-н машҳур бўлган. Боязид Бистомий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Иброҳим бин Адҳам тариқатдаги пири сифатида уни дастлаб ҳалол касбдан ризқ топиш, сўнг таваккул ва тажридга буюрган. И.С.Ҳ. Ҳиротда кўп мол-дунёга эга бўлганига қарамасдан, бир неча марта таваккул қилиб, йўл озиғисиз ва яёв ҳаж зиёратига бориб келган. Қабри – Қазвинда. "Насойим ул-муҳаббат"да ҳам, "Маҳбуб ул-қулуб"да ҳам И.С.Ҳ. ҳақида маълумотлар берилган.

ИБРОҲИМ СОБИТ (ваф. 980) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Жунайд Бағдодий*нинг муриди. Абдураҳмон Сулламий у б-н ҳамсуҳбат бўлган. Бағдод шаҳрида яшаган.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ УТРУШ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ўзини қарликка солиб, бекорчи ва бемаъни сўзларга мутлақо эътибор қаратмаслик одати бўлгани учун унга "Утруш" номи берилган. И.У. ҳақида маълумот берган дастлабки манба Ансорийнинг "Табақот ус-суфия" асари бўлиб, кейинги манбаларда ундаги маълумотлар айнан такрорланган. "Насойим ул-муҳаббат"да келтирилишича, ҳақиқий дарвешларнинг рикваси (озуқа халтаси) – кафти, ёстиғи – қўли, ишонган бойлиги – Ҳақ таолонинг ўзидир.

ИБРОҲИМ ФОТИК – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Баъзи манбаларда унинг исми Аҳмад бин Фотик деб ҳам келтирилган. Куняси – Абулфотик. Жунайд Бағдодий ва Абулҳусайн Нурий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Жунайд уни кўп эъзозлаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИБРОҲИМ ХАВВОС (ваф. 904) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Исҳоқ. Тажрид ва таваккулда ўз даврининг ягона шайхи бўлган. Абу Абдуллоҳ Мағрибийнинг шогирди. Хайр Нассож мажлисида тавба мақомига қадам қўйган. Жунайд Бағдодий ва Абулҳусайн Нурийлар яқин дўстларидан. Абубакр Каттоний, Абулҳасан Алавий, Иброҳим бин Исо, Бунон бин Муҳаммад Ҳаммол, Иброҳим бин Ҳусайн Кирмоншоҳий, Мумшод Динаварий, Абу Амр Зужжож б-н ҳамсуҳбат бўлган. Жаъфар бин Муҳаммад бин Нусайр Хулдий, Абулҳусайн Сирвоний, Абулҳусайн Дарроҳнинг устози. Хизр алайҳиссалом б-н суҳбат қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИБҲОМ (ар. – яширин сўзлаш, ёпиб ўтмоқ, беркитмоқ) – иккита бир-бирига зид бўлган маънони бир мисра ё байтда сингдиришга асосланган шеърий санъат. Бунда мисрадаги гап бўлакларининг тартиби ҳамда ургунинг ўрнини ўзгартириш асосий рол ўйнайди.

И. санъатининг номи, таърифи ва намуналари дастлаб "Таржумон ул-балоға"да (11-аср) учрайди. Мазкур асарда у "фил-каломил-муҳтамил бил маъниян-из-зиддайн"

(бир-бирига зид икки маънога эга бўлган сўз) тарзида берилган. Рашидиддин Ватвотнинг (14-аср) таъкидлашича, бу санъат "муҳтамил уз-зиддайн" (карама-қарши маънолар эҳтимолини берувчи) ҳамда "зулважҳайн" (иккиюзлама) деб ҳам аталади. "Жамъи мухтасар"да ҳам (15-аср) "муҳтамил уз-зиддайн" сифатида берилган. Ҳоз. ўзбек ад-тшунослигида ҳам И. атамаси қабул қилинган.

И. мураккаб шеърий санъатлардан бири бўлиб, шоирдан билим, маҳорат ва меҳнат талаб қилади. Шу сабабли мумтоз ва ҳозирги ад-тимизда ҳам ибҳом санъати қўлланилган шеърий намуналар бошқаларига нисбатан кам учрайди.

Мас.:

Ёр оллида гар бор-йўқ эрса, ажаб эрмас,
Агёр чу бор анда, Навоий, санга не бор?!

Иккинчи мисрада оҳангни ўзгартириш мазмунга таъсир этади: (Эй) агёр, у ерда Навоий бор, сенга нима бор?! Иккинчи маъноси: Эй Навоий, у ерда агёр бор, сенга нима бор?!

И. санъати шоир томонидан махсус ишлатилиши, шунингдек, ижодкорнинг ўзи сезмаган ҳолатда, у ёки бу мисрада юзага келиши мумкин. Мазкур санъат мавжуд бўлган мисраларда шоирнинг асосий фикри шеърнинг умумий йўналиши, байтнинг асосий мазмуни асосида аниқланади. Бироқ И. санъати маълум мақсадда ишлатилган шеърий парчалар ҳам бўладики, унда ҳар икки маъно (мақтов ва ҳажв) ҳам асосий ўринда туради ва кўпинча шоирнинг фикри кейингисига мойилроқ бўлади. Мас., Навоийнинг қуйидаги байтини олайлик:

Авжи давлат узра бўлсун доимо
Билқиси аҳд,
Ким Зуҳал қасри томида
посбоне беш эмас.

Бирламчи маъноси мақтов характерига эга бўлиб, унда Навоий Хадичабегимни "Билқиси аҳд" деб шарафлаб, еттинчи фалакда жойлашган Зуҳал унинг қасрига бор-йўғи соқчи эканлигини қайд этиш б-н маликанинг мақоми юксак эканлигини айтмоқчидай туюлади. Аммо байтнинг иккинчи маъноси ҳам бор: Нужум илмида Зуҳалнинг иккинчи маъноси "Наҳси акбар" (катта бахтсизлик) бўлиб, оламдаги жамики офатлар, урушлар ва фитналар шу сайёранинг ҳаракати таъсиридан содир бўларкан. Шунингдек, Зуҳал ёлғончи вазирлар, порахўр қозилар, золим амалдорларнинг ҳомийси ҳам саналади. Навоий ана шундай ёвуз ва нохуш хосиятларга эга бўлган юлдуз Хадичабегим қасрида бор-йўғи бир посбон эканлигини таъкидлаш орқали Ҳусайн Бойқаро саройидаги макр-ҳийла, фитна ва иғволарга ишора қилади. Ана шундай муҳим фикр ва қарашларни пардали ҳолда баён қилишда И. санъати қулай поэтик восита сифатида хизмат қилган.

ИГИРМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўнинчиси. Ушбу феъл *ўрамоқ, айлантирмоқ; йигирмоқ, пишитмоқ* (ипни) каби нозик маъноларни ифодалаган ва Навоий асарларида кенг қўлланилган.

Игирди риштаи наътинг Навоий
кўз учи бирла,
Агар боқсанг, мутиъ ўлғай анга
нассож ила саррож.
("Фавойид ул-кибар", 92-ғазал)

ИГЛАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн еттинчиси. Бу феъл *дард тутмоқ, дардланмоқ, касал бўлмоқ, хасталанмоқ* каби маъноларни ифодалаш учун қўлланган. Мас.: *урағут ігланді* – хотин дардланди. Бу сўз қадимги туркий тилда енгил касалланган эркакларга нисбатан ҳам ишлатилган. Аммо ушбу феъл Навоий асарларида қўлланмаган.

ИДРИС – исломдан олдин ўтган пайғамбарлардан бири. Қуръони Каримда И. Исмоил ва Зулкифл б-н бир қаторда Аллоҳнинг сабрли бандалари сифатида тилга олинган (Анбиё, 85-оят). И. қад. Юнон мифологиясида Гермес номи б-н аталиб, тижорат ва сўзамоллик маъбуди сифатида танилган. Иброний манбаларда Ахнух (Ханух) – илм ва ҳикматнинг ҳомийси сифатида тилга олинади. Қад. Миср манбаларида Hermes Trimegiste (уч хислат соҳиби бўлмиш Ҳермес) номидаги маъбуд ҳаки-

да ишоралар бор. Исломий манбаларда И. "мусаллас ун-ниъма" (уч неъмат соҳиби) – учинчи подшо, учинчи ҳаким ва учинчи пайғамбар сифати б-н ҳам талқин қилинади. Шаҳразурий уни перипатетик файласуфлардан бири, Суҳравардий эса волид ул-ҳукамо (файласуфлар отаси) сифатида талқин қилган.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да айтилишича, И. Одам (а.) ва Шис (а.)дан кейинги учинчи пайғамбар бўлиб, сурёнийлар қавмидан. Идрис номини олишига дарс бериш б-н кўп шуғулланган сабаб бўлган. Уша даврда бутпарастлик ривож топгани учун унга Ҳақ таоло томонидан бу бидъатга қарши курашиш ҳамда одамларни Ҳақ динга даъват қилиш мақсадида ўттиз саҳифалик ваҳий келади. И. ёзув ҳамда нужум илмига асос солган. 365 йил умр кўрган. И. ўлмагани, балки тирик ҳолида жаннатга киргани ҳақидаги ақида "Марям" сурасининг 57-ояти асосида шаклланган.

И. номи Навоийнинг Мавлоно Лутфий ғазалига боғланган мусаддасида талмеҳ сифатида келтирилади:

Нечаким сурсун Масиҳ анфоси
жонпарвар калом,
Ёки жаннат васфида
Идрис қилсун эҳтимом,
Чарх боғи бирла жаннат гулшанин
қилман мақом
Ким, манга ҳоло банақд,
эй зоди сарви хушхиром,
Сунбулунгдур уқтаи раъсу
юзунг моҳи тамом,
Оразинг фирдавсу,
қад тўбию лаълинг салсабил.
("Бадоеъ ул-васат")

ИДРОК (ар.) – етуклик, ақли расолик, фахм-фаросат; англаш қобилияти:

Фиғонки, ишқ ҳадиси дақиқ эрур андоқ
Ки, юсир ўлмиш ани
англамоқдин идроким.
("Ғаройиб ус-сиғар", 425-ғазал)

Сайид Шариф Журжоний "Таърифот"ида келтирилишича, И. икки турга бўлинади: 1) бирор нарсанинг сурати нафси нотиқада ҳосил бўлиши; 2) тасаввур – онгда бирор нарсанинг ҳақиқати моддийлаштирилмасдан, инкор ва исботдан холи ҳолатда пайдо бўлиши. "Кашшофу истилоҳотил-фунун"да берилишича, И. – ҳикмат аҳли наздида билиш жараёнига оиддир. Бу ҳолатда И. тўрт босқичдан иборат бўлади: иҳсос (сезги), тахайюл (хаёл), таваҳҳум (гумон), тааққул (билиш). Тафтазоний И.ни фақат сезгига оид ва билиш жараёнининг таркибий қисми, деб ҳисоблаган.

Тас.да И. икки навдир: бири басит (соддa И.) бўлиб, унга кўра, солик ҳар бир нарсада асл моҳият – Ҳақ таоло қудрати ва жамолини мушоҳада этиш қобилиятига эга бўлади. Бундай И.га эга киши ҳар бир ашё, воқеа ва ҳодисада ғойиб ва айни пайтда ҳозир бўлган Илоҳ Зотининг иродаси, илми ва қудратини англай билади. Мураккаб И. эса тўғри ва хато фикр, савоб ва гуноҳ, куфр ва имонни ажрата билиш қобилияти бўлиб, бунда маърифат аҳли турли мартаба ва даражададирлар.

Эй, деб сифатингда аҳли идрок
Лав лока ламо халақтул-афлок.
("Ғаройиб ус-сиғар", 322-ғазал)

ИЗДИВОЖ (ар.– жуфтлашмоқ) – байтда иккита қофиядош сўзни ёнма-ён ёки бир-бирига яқин қилиб келтириш санъати. Лафзий санъатлардан бири. Қуйидаги байтнинг ҳар икки мисрасида И. фақат иккита сўз воситасида юзага келган:

*Бода хушдур, гар **ҳарифим** бўлса*
*бир ёри **зариф**,*
*Май ҳарифи гар **зариф** эрмас,*
*анга эрмон **ҳариф**.*

Биринчи мисрадаги иккала сўз (ҳариф, зариф)нинг кейинги мисрада келиши оддий такрор эмас, балки янги контекстда муайян вазифани адо этади: биринчи мисрадаги фикр-мақсадни (шоирнинг фикри шунчаки орзу эмас, балки қатъий қарор эканлигини) таъкидлашга хизмат қилади. Ё. Исҳоқовнинг ёзишича, "Навоий байтларида издивож кўпинча қофиядош сўзларнинг ёнма-ён эмас, балки маълум масофада жойлашиши натижасида ҳосил бўлган". Мас.,

Ҳар не маҳбуб айласа, марғуб эрур.

Навоий маҳоратининг юксаклиги, айниқса, И. санъати қофия ва радиф вазифасида келган сўзларга нисбатан татбиқ этилган ўринларда яққол намоён бўлади. Мас., қуйидаги рубоийда қофиядош сўзлар ва радифдан иборат бўлган иборанинг иккинчи қисми И. ҳисобланади:

Ганж узра аёнгнга мурур ўлди ғурур,
Гулгашт эта гулшанда
ҳузур ўлди ғурур.
Дунё саридин санга сурур ўлди ғурур,
Бу борча ғурур ўлди, ғурур ўлди, ғурур!

И. баъзи манбаларда "тазмини муздаваж" деб ҳам юритилади.

"ИЙДИЯ" – Амир Аҳмад Шайхим Суҳайлийнинг қасидаси. Ҳайит байрами муносабати б-н ёзилган. Навоий ушбу қасида номини "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида Шайхим Суҳайлий б-н боғлиқ бобда эслаб, қасиданинг матлаъини келтиради:

Шукр, эй дилки, дигар бор
ба сад зебу жамол
Гардани шоҳиди ийд аст
дар оғуши ҳилол.

(Мазмуни: Шукур, эй кўнгил, яна юз безак ва гўзаллик б-н байрам гўзалининг гардани янги ой оғушига кирди).

ИЙҲОМ (ар. – шубҳага солиш, адаштириш) – сўзнинг кўп маънолигига асосланган шеърий санъат. Бунда асосан омоним – икки ва кўп маъноли сўзлар ишлатилиб, биринчи маъноси кўзга яққол ташланиб туради, иккинчи маъноси эса яширин бўлади. Шоирнинг асл мақсади иккинчи маъносида яширинган бўлиб, уни зукко китобхонгина топа олади. Икки маънода ишлатилган сўз байтни ҳам икки маънода талқин қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам И. шеърий санъатлар ичида энг мураккаби бўлиб, мумтоз сўз санъаткорлари ундан маҳорат б-н фойдаланганлар. Бу уларга ўзларининг муҳим фикрларини пардаланган ҳолда ифодалаш имконини берган.

Навоий Самарқандда таҳсил олган йигитлик даврларидаёқ устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида:

Агар хосса маъни, гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур,

– яъни "Хоҳ хос маъно, хоҳ ийҳом бўлсин, ҳар куни улар асосида юз байт битиш мен учун ҳалво ейишдай осон" деб фахрланади. Навоий шеъриятида И. кенг қўлланилганини кузатиш мумкин. Мас.:

Бўлмайин субҳ заъфароний чеҳр,
Чарх кўргузмас анга ҳаргиз меҳр.

Бу ерда "меҳр" сўзи икки маънода келаяпти: қуёш ҳамда лутф, шафқат. Байтнинг кўриниб турган маъноси: "Тонгнинг юзи сарғаймай фалак унга ҳеч қачон қуёшни кўрсатмайди". Шоир кўзда тутган маъно эса: "Киши то қийналмай меҳр кўрмайди" деган фикрдан иборат.

Қуйидаги байтда эса "равон" сўзининг "дарҳол, тез" ва "жон" маъноси асосида ийҳом ҳосил қилинган:

Жилва қилмақтаким равон кўрунуб,
Руҳдин гўйиё нишон кўрунуб.

И. ўзига хос сўз ўйини бўлиб, шоирлар унинг воситасида ўз маҳоратларини намойиш қилишган, ҳам бир сўз орқали икки фикрни ифодалаб, ҳам очиқ айтиш мумкин бўлмаган баъзи фикрларни яширин тарзда баён қилиш имкониятга эга бўлганлар.

ИККИНЧИ ОДАМ – Нуҳ пайғамбарга нисбат берилган ном. Буюк Тўфон воқеасидан кейин Ер юзида яшаётган барча халқлар Нуҳнинг авлодлари бўлганлиги сабабли уни И.О. деб ҳам атаганлар.

Навоиё, агар Иккинчи Одам эрмасмен,
Недин жаҳон юзини тутти
сарбасар ёшим.
("Бадоеъ ул-васат", 132-ғазал)

ИКСИР – мис, қалай каби қиймати паст маъданларнинг хосиятини ўзгартириб, олтинга айлантира оладиган фаразий модда, эликсир. Маж. фавқулодда таъсир кучига эга бўлган туйғулар, инсоннинг руҳий-маънавий ҳаётини тубдан ўзгартирадиган нарсалар – пири комилнинг иноят назари, фақру фано, маърифат ва муҳаббат маъноларида қўлланилади.

Фақр кўйи туфроғиким,
ултур иксири ҳаёт,
Жон бериб кўз ёритурча олсанг –
олмишсен учуз.
("Бадоеъ ул-васат", 219-ғазал)

ИЛЁС – пайғамбар. Навоийнинг ёзишича, Ҳизқил замонидан кейин Бани Исроил қавми Мусо динидан юз ўгириб, бутпарастликка ружу қўйганида И. уларни Ҳақ динига даъват этади. Аммо яҳудийлар унинг даъватига қулоқ солмай И.ни ўлдирмоқчи бўладилар. И. илоҳий амрга мувофиқ,

тоққа кетиб, ўша ерда ёлғиз ибодат б-н машғул бўлади. Шу орада Баъалбакк подшоҳи катта бут ясаб, отини Баъал қўяди ва бутдан мадад сўрай бошлайди. Подшоҳнинг ўғли касал бўлганида бутдан шифо сўраш учун катта бир жамоатни бутхонага юборади. Йўлда И. уларни куриб, шифони тошдан ясалган жонсиз бутдан эмас, балки шу дардни берган Холиқдан сўраши кераклигини айтади. Жамоат йўлдан қайтиб, подшоҳга И.нинг сўзларини етказади. Подшоҳ И.ни асир олиб, ҳузурига олиб келишларини буюради. Бироқ осмондан ўт тушиб, И.ни олиб кетишга келганларни ҳалок қилади. Бу ҳол бир неча марта такрорланади. И.га Аллоҳ томонидан Юнус (а.) отасининг уйи – Баъалбакка келишига амр бўлади. Юнус бу пайтда ёш бола бўлиб, тўсатдан вафот этади ва И.нинг дуоси б-н қайта тирилади. Қавмнинг гумроҳлиги кўпайгани сабабли қурғоқчилик бўлади. И. дуо қилгач, ёмғир ёғиб, Ер яшнаб кетади. Аммо шунда ҳам фақат бир киши (баъзи манбаларда – Алясаъ)дан ўзга ҳеч ким унинг даъватига қулоқ солмайди.

И. ҳам Хизр каби қиёматгача тирик қолган зот саналади. Денгиз ва қуруқликда адашганларга йўл кўрсатувчи раҳнамодир.

Илёсқа элдин чу кўб эрди туғён,
Элнинг кузидин руҳдек бўлди ниҳон.
Ҳар кимни халос қилса элдин Яздон,
Не тонг, анга умри абадий бўлса ниҳон.

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

ИЛЁС ШАЙХ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Ишқия тариқатининг пешвоси Муҳаммад Шайхнинг ўғли. Ҳаж зиёратига мушарраф бўлган. Араб тилини мукаммал билиб, унда шеър ҳам айтган. Самарқандда вафот этади. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

"ИЛК ДЕВОН" – Алишер Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган биринчи девони. Фанда Алишер Навоий шеърлари жамланган девон шаклидаги дастлабки тўплам бўлганлиги туфайли шартли равишда шундай аталган. "И." 870/1465–1466 й.лар оралиғида "хаттотлар султони" *Султоналн Машҳадий* томонидан кўчирилган. Навоийнинг ўзи "Бадоеъ ул-бидоя" девончасида ушбу девоннинг тузилиши ҳақида *"...аммо халойиқ аросида минг байт-икки минг байт ортуғроқ, ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлуб эрди"*, деб ёзади.

Девонга шоирнинг 1466 й.дан аввал ёзилган шеърлари киритилган, шу маънода ундаги шеърлар шоирнинг ўспиринлик ва йигитлик давридаги ижоди ва ёшликдаги умр йўли ҳақида муайян тарзда маълумот беради, деб айтиш мумкин.

"И."га лириканинг тўрт жанрига мансуб 434 та шеър киритилган. Уларнинг: 391 таси ғазал, 41 таси рубоий, 1 таси мустазод ва 1 таси мухаммас. Девондаги барча шеърларнинг кейинчалик *"Хазойин ул-маоний"* таркибига киритилганлиги Навоийнинг илк лирикаси шоирнинг ўзи учун ҳам қадрли бўлганлигини курсатади. "И."даги шеърлар куллиёт таркибидаги девонларга қуйидагича тақсимланган:

1. "Гаройиб "ус-сиғар"га – 156.
2. "Наводир уш-шабоб"га – 0.
3. "Бадоеъ ул-васат"га – 132.
4. "Фавойид ул-кибар"га – 146.

Девондаги шеърларнинг асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Ғазаллар 28 араб ҳарфлари б-н тугалланувчи қофия ҳамда радифлар асосида тузилган. "И." мусулмон Шарқида мавжуд анъанага мувофиқ ҳамд ғазал б-н ибтидо топади. *"Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро, Санга очуғ ниҳону ошкоро"* матлаъси б-н бошланувчи ушбу ғазал шоирнинг дастлабки расмий девонларидан ўрин олмаган бўлса-да, "Хазойин ул-маоний"нинг биринчи девони "Гаройиб ус-сиғар"га киритилган. Ғазалда Аллоҳнинг қудрати ва сифатлари мадҳ қилинган бўлиб, Навоий Яратганга ўз қалб туйғулари ва чексиз муҳаббатини изҳор қилиш орқали уни таъриф ва тавсиф қилади, мақтаъда ўзининг "нафс зулмотига" қолганлигини айтиб, гуноҳларини кечиришни сўрайди. Ғазалда тахаллуснинг сўнгги байтдан аввалги байтда келтирилиши мантиқий асосга эга бўлиб, унинг "Расулингни шафиъ эт, кирдигоро" мисраси б-н якунланиши кейинги ғазалнинг бевосита наът мазмунида эканлигига ишора қилади. Ғазал муножот оҳан-

гига мос келувчи *мутақориб* баҳрида ёзилган, унда *талмиҳ* санъатининг етакчилик қилиши (Намруд, Сикандар, Доро, Хизр) шеърнинг бадиий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. "И."даги иккинчи ғазал наът мазмунида бўлиб, *"Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно», Буроқингға тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро"* матлаъси б-н бошланади. Ғазал дастлаб шоирнинг биринчи расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя"дан, кейинчалик "Ғаройиб ус-сиғар"дан ўрин олган.

"И."дан ўрин олган аксарият ғазалларда ёш шоирнинг форс-тожик ва туркий салафларидан таъсирланган кўзга ташланади. Хусусан, Атойининг *"Бовужуди оразинг барги самандин ким десун, Лоладин ким сўзласун ҳам настарандин ким десун"* деб бошланувчи ғазали б-н Навоийнинг *"Жилваи қаддинг кўруб, сарви равондин ким десун, Жавҳари лаълинг боринда нақди жондин ким десун"* (114-б вар.) матлаъли ғазали орасида услуб жиҳатидан яқинлик бор. Навоий туркий салафи шеърида радиф бўлиб келган иборадан ижодий фойдаланиб, ҳажм (Атойида 7 байт, Навоийда 8 та, кейинроқ яна бир байт қўшилиб, 9 байт бўлган) ва мазмун (Навоийда лирик чекиниш сифтида келган еттинчи байт ижтимоий моҳият касб этади) жиҳатдан юксак ғазал яратган. Лутфий шеъриятига хос халқ мақол ва ибораларидан фойдаланиш усули эса Навоийнинг илк лирикасига мансуб кўплаб ғазаллари учун замин вазифасини ўтаган. *"Ҳуснунга ўхшади жонбахш сўзунг, Кимки бор ўзи силиғ, сўзи силиғ" (70-а вар.), "Кўнгулни қон ёшу гоҳи юзум бирла овутурмен, Сариқ, қизил била андоққи халқ тифлин овутмиш"* (59-б вар.) каби байтларда Навоий устози изидан бориб халқ тилининг бой хазинасидан унумли фойдаланган ҳолда халқ мақоллари ва урф-одатларини усталик б-н байтлар таркибига сингдириб юборган. Шунингдек, "И."дан ўрин олган "Хуб" (23-а вар.), "Йиғлагай" (129-а вар.) радифли ғазалларда шоирнинг яна бир салафи Абдураҳмон Жомий ғазаллари б-н мавзу, ғоявий йўналиш ва услубда ҳамоҳанглик сезилади.

Навоий фалсафий тафаккурида муҳим қийматга эга бўлган "Анго" радифли ғазалнинг "И.дан ўрин олганлиги шоирнинг ўша даврдаги юксак салоҳиятидан дарак беради. *"Ҳар гадоким, бўриёйи фақр эрур кисват анго, Салтанат зарбофтидин ҳожат эмас хилъат анго"* деб бошланувчи мазкур ғазал шоҳ ва дарвеш муносабати ҳақидаги яхлит бир низом – дастур бўлиб, ҳажман катта – 13 байтдан иборат. Ғазални шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Унинг биринчи қисми (1–9 байтлар) да тасаввуфнинг нақшбандия тариқатига хос ғоялардан бири — дарвеш шоҳдан афзал ва улуғ, шунинг учун шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, деган фикр илгари сурилган. Бу концепция Навоийдан олдинги шоирлар, хусусан, Ҳофиз Шерозий ижодида ҳам асосий йўналишлардан бири бўлиб, Навоий ўз ғазалида мазкур анъанани давом эттирган. Навоий шоҳлик ва дарвешлик – фақирликни бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш орқали ҳиммати баланд дарвешни ҳашаматли шоҳдан юқори қўяди ва сурати шоҳу сийрати дарвеш бўлган ҳукмронни орзу қилишини изҳор этади. Ғазалнинг ушбу қисми бошдан оёқ *тазод* – зидлаш усули асосида ёзилган. Иккинчи қисм (10–13-байт)дан бошлаб шоирнинг позицияси ўзгаради — у салафлар фикрига зид ўларок шоҳу дарвеш хусусияти бир шахсда мужассамлашиши мумкин, деган ғояни олға суради ва Шоҳ Ғозий сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради. Бу қараш Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида янги босқич, адабиётда эса ***янги ижодий концепциянинг*** кун тартибига қўйилиши эди (Н.Комилов)

Навоийнинг "И."дан ўрин олган ғазалларига хос муҳим хусусиятлардан бири уларнинг аксарияти яхлит бир сюжетга эга эканлигидир. Бу хусусият шоирнинг илк ижодида вужудга келган бўлиб, унинг шеърларини ўз салафлари лирикасидан фарқ қиладиган ва устун қўядиган фазилатлардан биридир. Бу турдаги шеърларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, ҳар бир ғазал яхлит бир организм бўлиб, унинг байтлари бир-бири б-н мантиқан боғланади ва бирор бир ҳаётий лавҳани ўзида акс эттирган тасвирий санъат асарларини эслатади. Шоирнинг *"Ҳаво хуш эрдию, оллимда*

бир қадаҳ майи ноб, Ичар эрдим вале ғамдин қадаҳ қадаҳ хуноб", "Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади, Кўзларимға кеча тонг отқунча уйқу келмади" матлаъли ғазаллари шулар жумласидандир.

Алишер Навоийнинг шоҳбайт даражасига кўтарилган *"Ўздин қутул, Навоию мақсадға етки, қуш Етмас чаманға, бўлса қафас ичра мубтало", (7-ғазал)*, бугунги кунда халқ орасида кенг шуҳратга эга бўлган *"Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго, Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго", "Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга, Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга"* матлаъли ғазалларнинг ҳам "И." таркибидан ўрин олганлиги шоир бадиий маҳоратининг жуда эрта шаклланганлигидан дарак беради.

"И."га ғазал жанридан сўнг *"Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой, не ғамзаи жоду/ Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой, хуршид анга кўзгу"* деб бошланувчи битта мустазод жойлаштирилган бўлиб, бу мустазод Алишер Навоий томонидан дастлаб "Бадоеъ ул-бидоя", кейинчалик "Бадоеъ ул-васат" девони таркибига киритилган (қар.: *"Бадоеъ ул-васат"*).

Девонга учинчи жанр сифатида киритилган битта мухаммас яратилиш хусусиятига кўра тахмис шаклида бўлиб, Мавлоно Лутфий ғазалига боғланган. Мухаммас *"Шарбати юҳйил изом эрни майи нобиндадур"* деган мисра б-н бошланади. Бу тахмис ҳам дастлаб "Бадоеъ ул-бидоя"га, кейинроқ куллиётнинг учинчи девони "Бадоеъ ул-васат"га киритилган (қар.: *"Бадоеъ ул-васат"*).

"И." рубоий жанридаги шеърлар б-н интиҳо топади. Девондан жами 41 та рубоий ўрин олган бўлиб, улар ҳам ғазал сингари араб алифбоси тартибида жойлаштирилган. Тартибланган рубоийлар мазмунида ҳам Шарқ девончилиги анъанасига амал қилиш кўзга ташланади: дастлаб ҳамд ва муножот мазмунидаги рубоийлар, кейин эса наът мазмунидаги рубоийлар келади. Ушбу рубоийлар Алишер Навоий томонидан дастлаб "Бадоеъ ул-бидоя"га, кейинчалик "Ғаройиб ус-сиғар" девони таркибига киритилган. Девондаги дастлабки рубоий *"Субҳоналлоҳи холиқи з-ул мажду ало"* мисраси б-н бошланиб, унда Яратганнинг инъикоси меҳр (қуёш) тимсоли воситасида ташбиҳ қилиниб, унинг нисбати қуёш ва зарра муносабатлари орқали очиб берилган. "И."дан ўрин олган охирги рубоийнинг *"Ким ҳашрда маст ўлай хароб, эй соқий, То англамай этсалар азоб, эй соқий"* деб тугалланувчи сўнгги икки мисраси девонга ҳам якун ясайди.

Алишер Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган ушбу девони шоирнинг 24 – 25 ёшгача бўлган давридаги шеърларини қамраб олгани б-н алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шоирнинг ёшликдаги дунёқараши, ижодий маҳорати ҳақида маълумот бериш б-н бирга 15-а. Хуросон адабий муҳитидаги эстетик талабларни аниқлашда нодир манба бўлиб хизмат қилади. девон учун мухлислар танлаган шеърлар уларнинг шоирона таъб ва диди ҳақида муайян даражада тасаввур ҳосил қилишда ҳам муҳим қийматга эгадир. "И." бўйича Е.Бертельс, ҲСулаймон, Ё.Исҳоқов, М.Тожибоева каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Ас.: Алишер Навоий. Илк девон. 1466 й. кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрл. Ҳ.Сулаймон. Т.,1968;

Ад.: Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Т., 1965.

Дисс.: Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси: ф.ф.н., Т., 1963; *Тожибоева М. Р.* Алишер Навоийнинг "Илк девон"идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини: ф.ф.н., Т., 2011.

"ИЛК ДЕВОН" АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. "Илк девон"нинг фанга ҳозиргача икки қўлёзмаси маълум:

1. Султонали Машҳадий томонидан 870/1465-66 й. кўчирилган қўлёзма. Санкт-Петербург шаҳрида, Россия Миллий кутубхонасида Dorn 564 инвентарь рақами остида сақланади. Қўлёзма йирик настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, нуқталарнинг қўйилишида ягона принцип йўқ. Шеърлар алифбо тартибида икки устунда ёзилган ва олтин суви берилган жадвал ичига олинган. Қўлёзма учун Хуросоннинг ипак қоғози танланган бўлиб, саҳифаларнинг ҳошияси турли рангдаги гуллар б-н

нақшланган. Матн ёзилган қисмларга ҳар хил ранг берилган. Ҳар бир саҳифада 10, 11 байт жойлаштирилган. Мазкур қўлёзманинг факсимил нашри Ҳ.Сулаймонов томонидан амалга оширилган (Алишер Навоий. Илк девон. 1466 й. кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. Тошкент, 1968).

2. Қозон шаҳрида сақланувчи қўлёзма. 976/1567-68 й. Маҳмуд котиб томонидан кўчирилган бўлиб, Қозон давлат университетининг илмий кутубхонасида 1742-инвентарь рақами остида сақланади.

ИЛМИ БАДИЪ (ар. бадиъ – гўзал, чиройли, ажойиб, нодир, нафис, янги пайдо бўлган нарса) – Мусулмон Шарқи поэтикасининг (илми аруз, илми қофия каби) таркибий қисмларидан бири, нутққа безак берувчи санъатнинг ўзига хос жиҳатлари, фикрни гўзал ва мазмунли ифодалаш усулларини ўрганувчи соҳа. И.б. мумтоз шеъриятда, ҳам наср, ҳам замонавий ад-тда кенг қўлланилаётган бадиий санъатлар мажмуасидан иборат. Шу боис, И.б. саноиъ илми деб ҳам аталган.

И.б.га доир дастлабки асарлар араб тилида яратилган бўлиб, Ибн Муътазнинг "Китоб ул-бадиъ" (9-аср), Наср бинни Ҳасаннинг "Маҳосин ул-калом" (9–10-асрлар), Қудома ибн Жаъфарнинг "Нақд уш-шеър" (10-а.) асарлари шулар жумласидандир. И.б. форс-тожик ад-тшунослигида юксак даражада ўрганилган. Айниқса, Умар Родуёнийнинг "Таржумон ул-балоға", Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқ ус-сеҳр", Шамс Қайс Розийнинг "Ал-мўъжам", Воҳид Табризийнинг "Жамъи мухтасар" каби асарлари шу соҳага бағишланган мумтоз асарлар сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" рисоласи И.б. масалалари туркий тилда акс этган илк асар саналади. Рисоланинг учинчи қисмида 97 бадиий санъат тури таҳлил қилинган.

Форсий тилда И.б.га доир нисбатан мукаммалроқ асар Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-санойиъ" рисоласи бўлиб, унда бадиий санъатлар илк марта уч катта гуруҳ – маъ-ий, лафзий ва муштарак санъатларга ажратилган.

Алишер Навоий гарчи И.б.га доир махсус асар яратмаган бўлса-да, "Мажолис ун-нафоис", "Хамса" ва б. кўплаб асарларида унинг баъзи назарий жиҳатларига эътибор қаратган. Хусусан, "Мажолис ун-нафоис"да Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ушбу илмга доир рисола ёзганлигини таъкидлаб шундай дейди: "Мир Атоуллоҳ... Бовужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди ва муаммоға кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидин анга авқоти вафо қилмас, аммо саноеъда китобе тасниф қилибдур. "Бадоеъи Атоийға" мавсумдур".

Навоий ўз асарларида И.б.га доир баъзи сўз ва атамаларни ҳам шарҳлаб, муносабат билдиради. Жумладан, *мақлуби муставий* санъати ҳақида тўхталиб, шундай ёзади:

"бу мисраъки "мақлуби муставий" санъатида айтибдур, далил басдурким:

Муши хари фаррух шавам,
Дарки рақам қар кард".

("Мажолис ун-нафоис")

"ИЛОҲИЙНОМА" I – Ҳаким Саноий *"Ҳадиқат ул-ҳақиқа"* асарининг яна бир номланиши. Жалолиддин Румий "Маснавийи Маънавий"нинг учинчи дафтарида "Ҳадиқа"га "Илоҳийнома" деб ишора қилади. Алишер Навоий ҳам "Насойим ул-муҳаббат"да Саноий асарини шу ном б-н тилга олади.

"ИЛОҲИЙНОМА" II – Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг асари. Муножот услубида ёзилган. Навоий ушбу асар номини ""Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг аввалги мақолотида тилга олиб, уни Жомий ҳам, ўзи ҳам бир ўтиришда ўқиб чиққанларини таъкидлайди.

ИЛҲОД – шариат белгилаган чегаралардан четга чиқмоқ. Азизиддин Насафий шариат аҳкомларини назар-писанд қилмай, ўз билими ва риёзатларига ҳаддан ортиқ ишонган кишилар И. офатига мубтало бўладилар, дейди. Улар худбинлик ва такаббурлик туфайли бидъатга ружу қўйиб, залолатга етказувчи янги фирқаларга асос солишлари, ҳатто валийлик ва пайғамбар-

лик даъвосини ҳам қилишлари мумкин. И.га йўл қўйган киши мулҳид деб аталади.

Эйки дебсенким, билай тавҳид
сирридин хабар,
Шарҳдин неким тажовуз
айлади илҳод бил
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 364-ғазал).

ИМОД АЛ-ҲУСАЙНИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Навоий терма девонини Машҳад шаҳрида кўчирган. Мазкур қўлёзма РМК Шарқ бўлимида ТНС 59 рақами б-н сақланади. 65 варақдан иборат. Қўлёзма охирида “Имод ал-Ҳусайний”, деб имзо қўйилган. Китоб бадиий қўлёзма санъатининг нодир намунаси ҳисобланади.

ИМОД ФАҚИҲ КИРМОНИЙ (1310 – Кирмон – 1371) – форс-тожик шоири. Кирмон, Шероз ва Язд мадрасаларида таҳсил олган. Адабиёт билимдони саналган. Шайх Озарий “Жавоҳир ул-асрор” (“Сирлар жавоҳири”) ва Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”) асарида унинг билими, фазилатлари ва шоирлик маҳоратига юксак баҳо берган. И.Ф. сермаҳсул шоир бўлиб, ундан бизга 6 маснавий ва бир девон етиб келган. Ижодий мероси 16 минг байтдан иборат. Достонлари “Тариқатнома”, “Сафонома”, “Суҳбатнома”, “Муҳаббатнома”, “Даҳнома” (“Ўн нома”), “Туҳфат ул-ихлос” (“Ихлос туҳфаси”) деб номланган. Уларнинг барчаси ирфоний мавзуда. Ижодий меросида ғазал асосий ўрин эгаллайди. 26 қасида, 107 рубоийси ҳам бор. Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишича, И.Ф. важду ҳол соҳиби, хонақоҳ ва муридларига эга, самоъ суҳбатига мойил бўлган. Макка сафарига кетаётиб, Шерозда Ҳофиз Шерозий б-н учрашган ва дуо олган. Ҳаждан қайтгунича шуҳрати оламни тутган эмиш.

ИМОМ ЁФИЪИЙ, Абуссаодат Афифиддин Абдуллоҳ бин Асъад Ёфиъий Яманий (ваф. 1367) – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи, тарихчи ва тазкиранавис. “Миръот ул-жинон ва ибрат ул-яқзон фий маърифати ҳаводис из-замон” тарихий асари, “Равз ур-раёҳин фий ҳикоёт ис-солиҳин” тазкираси, “Ад-дурр ан-назим фий фазоилил-Қуръон ил-ъазим” тафсири, шеърий девон ва бошқа асарлар муаллифи. Ҳижозда яшаб вафот этган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИМРАЪАТУН ИСФАҲОНИЯ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Исми номаълум. Шайх Абдулқодир Гилонийнинг мурид ва мухлиси. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИМРАЪАТУН МАЖҲУЛА – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Исми номаълум. Зуннун Мисрийнинг замондоши. Араб тилида ирфоний шеърлар айтган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИМРАЪАТУН МИСРИЯ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Исми номаълум. Имом Ёфиъийнинг “Миръот ул-жинон” асари ушбу аёл ҳақидаги ягона манба ҳисобланади. Жомий бу аёл тақдирини “Силсилат уз-заҳаб” достонида ҳам тилга олган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИМРАЪАТУН МИСРИЯИ УХРО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Исми номаълум. Имом Ёфиъийнинг “Равз ур-раёҳин” асари ушбу аёл ҳақидаги ягона манба ҳисобланади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИМРАЪАТУН ФОРИСИЯ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган орифа аёл. Исми номаълум. Гулпойгон қасабасида туғилган. Шайх Нажибиддин Али Бузғуш Шерозий унинг кароматига гувоҳ бўлган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу орифа аёл б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИМРАЪАТУН ХОРАЗМИЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган хоразмлик орифа аёл. Исми номаълум. Имом Ёфиъий "Миръот ул-жинон" асарида хоразмлик бу аёл ҳақида йигирма йилдан ортиқроқ "егулик ва ичкуликдин ҳеч иштиғол кўргузмайдур эрди", деб ёзади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИМТИҲОН – бажарилиши қийин бўлган турли ишлар билан синаш усули. Тас.-да соликнинг ҳузн, ҳайбат, хавф, қабз ва тафриқа каби ҳолатлар б-н юзланиши тушунилади. И. соликнинг янги мақом ва мартабаларга эришиши учун малака ҳосил қилишида катта аҳамиятга эга.

Неча ишқ аҳлини айлаб имтиҳон,
рад қилғасен,
Ҳар жафо айларга кўнглум
иставу омода топ.
("Наводир уш-шабоб", 68-ғазал)

ИНБИСОТ – 1) шодлик, хурсандлик, кўнгил ёзиш:

Шайхи жоҳил бўлмоқ ўз асрори бирла
мунбасит,
Ғафлат аҳли банг ила қилған
кебидур инбисот.
("Ғаройиб ус-сиғар", 280-ғазал)

2) тасаввуфий истилоҳ. "Шарҳи манозил ус-соирин"да И.нинг уч хил тури ҳақида гап боради: биринчиси халқ б-н бўладиган И. Бунда халқни очиқ юзлилик, фазилат ва очиққўллик б-н баҳраманд этиш, улар б-н муроса-ю мадорада яшаш ҳамда бошқалардан ўзини устун қўймасликка одатланиш тушунилади.

Иккинчиси, Ҳақ таоло б-н бўлган И. Бу ҳолатда банда Ҳақ таолога кўрқув ва умид (хавф ва рижо) юзасидан эмас, балки шодлик ва муҳаббат юзасидан сиғинади. Хавф ва рижо сайру сулукнинг ибтидосида бўлган соликнинг ҳоли, И. эса қурбат ҳосил қилган валийларнинг мақомидир.

И.нинг учинчи даражаси Ҳақ таолонинг "Ал-Босит" исмининг мазҳарига айланган кишиларга насиб этади.

Эй Навоий, даҳр аро не келса, булғил
мунбасит,
Гарчи лаззатсиз бўлур куч бирла
қилмоқ инбисот.
("Бадоеъ ул-васат", 283-ғазал)

ИНДАМАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ иккинчиси. Бу феъл қадимги туркий тилда *овоз* маъносини англатувчи *э:н* отининг *эн* шаклидан – *да* қўшимчаси б-н ясалган, ўзбек тилида *э* унлиси *и* унлисига алмашган (бу феъл одатда бўлишсиз шаклда ишлатилади): **эн + да / энда // инда + ма / индама**. Мазкур феъл Навоий асарларида ҳам *индамаслик* маъносида қўлланилган, унинг бўлишли шакли **инда** эса *чақирмоқ, ундамоқ* маъноларида кенг истифода этилган:

Кўрубмен анда мардумлиғ нишони,
Кўзумда индабон мардумдек они.
("Фарҳод ва Ширин", 46-боб)

ИНГРАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик олтинчиси. Навоийнинг таъкидлашича, туркий тилдаги *ингранмақ* феъли *дард б-н оҳиста, яширин йиғламоқ* маъноларини ифодалаш учун қўлланган.

"Ва инграмоқ ва синграмакким, дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур, туркчада бу матлаъ борким:

"Истасам давр аҳлидин ишқингни
пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим,
гаҳ синграмак".
("Муҳокамат ул-луғатайн")

ИНОБАТ – гуноҳдан қайтиш. Тас. аҳли наздида соликнинг ғафлатни тарк этиши ва зикрда давомли бўлиши тушунилади.

"Шоядки, Ҳақ субҳонаҳу маҳзи иноят ва ғояти марҳаматидин анга инобат саодати ва тавба тавфиқи каромат қилғай. Ва бу каромат тожиға истиқомат гавҳари била зийнат бергай".
("Муншаот", 100-мактуб)

ИНТОҚ (ар. – нутқли; гапириш, сўзлатиш) – инсондан бошқа жонли ва жонсиз

нарсаларни сўзлатишга асосланган бадиий санъат. Халқ оғзаки ижоди ва ёзма ад-тда кенг қўлланилган. Маж. услубдаги ва мунозара типидаги асарларда бу санъатдан маҳорат б-н фойдаланилган. "Девону луғотит турк"даги "Қиш ва баҳор", Сулаймон Боқирғоний ижодидаги "Нафс ва руҳ", Амирийнинг "Чоғир ва Банг", Яқинийнинг "Ўқ ва Ёй", Аҳмадийнинг "Созлар", Нишотийнинг "Боз ва Булбул", "Даф ва Гул", "Най б-н Шамшод", "Косаи Чинни ва Наргис", "Бинафша ва Чанг", "Қушлар мунозараси", Атторнинг "Мантиқ ут-тайр", Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр", Нишотийнинг "Ҳусн ва Дил" достонлари шулар жумласидандир. И. муаллифга ўзининг олам ва одам б-н боғлиқ фалсафий фикр-мушоҳадалари, туйғу-кечинмаларини турли мажозий тимсоллар орқали мажозий услубда билвосита ифодалаш учун кенг имкониятлар яратади.

Навоий ўз ижодида И. санъатидан ҳам маҳорат б-н фойдаланган. "Лисон ут-тайр" бошдан-оёқ мазкур санъат асосида яратилган бўлса, бошқа достонларидаги ривоятларда ҳам унинг ёрқин намуналарини кўриш мумкин. Шеърларида ҳам *ташхис* б-н бирга И. санъатининг бетакрор кўринишлари мавжуд.

ИРАМ, Эрам – Ер юзидаги жаннатнинг номи. И. сўзи Қуръони каримнинг "Фажр" сураси, 7-оятида Ирами зотул-имод шаклида келтирилган. Шаддод бинни Од Санъо ва Ҳазрамавт оралиғида бино этган жаннатмонанд боғ. Унинг узунлиги 12 фарсах, атрофининг баландлиги 200 зироъ кўрғон б-н қуршаб олинган, ичида 300 мингта осмонўпар қаср қад ростлаган. Ушбу маҳобатли мажмуанинг қурилишига 500 йил сарфланган экан.

Нуҳ пайғамбарнинг авлодларидан бўлмиш Ҳуд (а.) Шаддодни имонга чақиради, аммо у қулоқ солмайди. Боғдаги ишлар тўлиқ битгач, Шаддод ва унга эргашган қавм бир чинқириқ б-н буткул ҳалок бўлади. Аллоҳ И.ни кўзлардан пинҳон қилади.

И. боғи Навоий ижодида, асосан, гўзаллик мазҳари ва ободончилик намунаси сифатида талқин этилган.

ИРОҚИЙ, Шайх Фахриддин Иброҳим Ироқий (1213, Ҳамадон – 1289, Дамашқ) – форс шоири. Ёшлигида Қуръони мажидни ёд олган ва ғоят гўзал қироат б-н ўқишни ўрганган. 17 ёшида тас.га майл кўрсатган. Дарвешларга қўшилиб, Ҳиндистонда Закариё Мултонийга шогирд тушади ва унинг қизига уйланади. Макка ва Мадинага сафар қилиб, Бағдодда Шаҳобиддин Суҳравардий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Кўнё ҳокими Муъиниддин Парвона унга Тавқон шаҳрида хонақоҳ қуриб берган. Шом ва Мисрга ҳам сафар қилган. Қасида ва ғазалларни ўз ичига олган девони 4800 байтдан иборат. Саноийнинг "Ҳадика"сига пайрав қилинган "Ушшоқнома" номли манзумаси бор. Асарлари ишқий ва ирфоний мазмунда. "*Ламаъот*" номли насрий рисоласи ғоят машҳур бўлиб, унга Жомий шарҳ ёзган. И.нинг қабри Дамашқнинг Солиҳия деган ерида, Шайх Муҳйиддин ал-Арабийнинг оёғи томонидадир.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да И.нинг "Ламаъот" асари Абулқосим Бобурнинг севимли китобларидан бири бўлганлигини қайд қилган. "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да эса Навоий И.нинг "Ламаъот"и бўйича Жомийдан таълим олгани, Навоийнинг илтимоси б-н Жомий И.нинг ушбу асарига шарҳ ёзгани ҳақида маълумот берилган.

ИРСОЛИ МАСАЛ (ар. – мақол ёки матал юбориш) – байтда мақол, матал ва ҳикматли сўзларни келтиришга асосланган шеърий санъат. Илми бадиъга доир деярли барча манбаларда ушбу санъат ҳақида маълумот берилган. И.м. ҳақида нисбатан тўлиқроқ маълумот Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "*Бадоеъ ус-санойиъ*" асарида келтирилган бўлиб, унда ушбу санъатнинг икки усул б-н ҳосил бўлиши айтилади: "Биринчи ва афзали улдурким, масалнинг сўз ва тартибин ўзгартирмай бергайлар... Иккинчи йўли улдурким, масалда ўзгариш юз берур". Бунда муаллиф И.м. санъатининг биринчи турида шеър таркибида келтириладиган мақол ёки ҳикматли иборанинг ҳеч ўзгаришсиз берилишини, иккинчи турида эса матннинг мазмунига путур етмаган ҳолда шеър талаби б-н мақол ёки ҳикматли иборанинг шакли бир

оз ўзгартирилиши мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, Атоуллоҳ Ҳусайний И.м. санъатининг луғавий маъносига ҳам эътибор қаратиб, "ирсол" сўзи "юбормоқ, жўнатмоқ" маъносини англатишини, байтда масал келтиришдан мақсад эса уни муайян кишига жўнатиш эканлигини айтади.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" (840–841 ҳ.к./1436–37 м.) асарида эса И.м.га қуйидагича таъриф берилган: "Бу ул бўлурким, шеър ичида масал келтурурлар. Бу икки қисм бўлур. Бир қисми улким, анингтек масал келтурурларким, ул масали қадимий бўлғай ва халқ аросинда машҳур бўлғай. Ва яна бир қисми анингтек бўлурким, шоир ўз сўзини муносиб бир масали бадеҳада рост қилур."

Бу ерда Шайх Аҳмад Тарозий И.м. санъатининг биринчи турида шеър ичида бирор машҳур мақолни келтириш, иккинчи турида эса айтган сўзини асослаш мақсадида муайян бир мақол ёки матални келтиришни назарда тутяпти.

Алишер Навоий ижодида И.м. санъати кенг қўлланилган бўлиб, унинг уч хил ҳолатини кузатиш мумкин:

1) байт таркибида қўлланилаётган мақол, матал ёки ҳикматли сўз "масал", "масалдур", "масалким", "дерлар" жумлалари ёрдамида келтирилади:

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра,
ёшурмоқ не суд
Мушк исин ёшурса бўлмас, бу масал
машҳур эрур.
("Гаройиб ус-сиғар", 186-ғазал)

Буки, дерлар: "Бордурур
девор кейнида қулоқ".
Ул фазо даврида куз
етгунча девор ўлмағай.
("Гаройиб ус-сиғар", 611-ғазал)

2) мақол ёки матал айнан келтирилади:

Ўқларинг кунглумга тушкач
куйди ҳам кўз, ҳам бадан
Ким, куяр ўлу қуруғ чун
найситонға тушти ўт.
("Гаройиб ус-сиғар", 86-ғазал)

3) мақол ёки маталнинг мазмуни сақланиб, шакли бир оз ёки бутунлай ўзгартирилади:

Чу мазраъ ичра сочтинг ҳар не дона,
Ҳамул дона кутаргунг жовидона.
("Фарҳод ва Ширин", 51-боб)

Қачон сочса туфроққа буғдой бирав,
Йўқ имконким, ул арпа қилғай дарав.
("Садди Искандарий", 46-боб)

Юқоридаги икки байтда "Ҳар ким экканини ўради", деб айтиладиган халқ мақоли ўзгарган шаклда келтириляпти.

ИСКАНДАР (мил.ав. 356, Пелла – 323, Бобил) – таниқли саркарда ва давлат арбоби. Македония ҳукмдори Филипп (Файлақус) ва унинг аёли Олимпиаданинг фарзанди. Дунёвий билимларда Арастудан таълим олган, ҳарбий ишни отасидан ўрганган. Дунёнинг жуда катта ҳудудларига юриш қилиб, улкан салтанат қурган. Унинг салтанати Ҳинд дарёсидан Дунайга қадар бўлган жойларни ўз ичига олган.

Шарқ халқлари маъ-ий тафаккурида И. яъжуж-маъжуж деган қавмга қарши улкан девор қурдирган улуғ подшоҳ, тириклик сувини излаган авлиё сифатида намоён бўлган. И. бадиий образ сифатида илк маротаба Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарида тасвирланган. Фирдавсий И.нинг Эронга юриш қилиши, Дорони енгиши ҳақида ёзар экан, кўпроқ тарихий воқеаларни баён этади ва И.ни жаҳонгир шоҳ сифатида тасвирлайди. Аммо шу б-н биргаликда уни донишманд Арастунинг шогирди, файласуф устозининг сўзи б-н иш кўрувчи подшо сифатида ҳам қайд этади.

Низомий "Хамса"сига алоҳида достон бўлиб кирган "Шарафнома" ва "Иқболнома" деб номланган икки қисмдан иборат "Искандарнома"да И. образи халқ оғзаки ижодидаги ривоят ва афсоналар асосида ҳар томонлама тараққий эттирилади ва ижобий образ тарзида тасвирланади. Низомий И.ни донишмандлар маслаҳати б-н иш кўрадиган жаҳонгир шоҳ сифатида талқин этади (қар.: *"Искандарнома"*). Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Ойинаи Искандарий"сида И.нинг ҳар икки хислати – жаҳонгирлик ва донишмандлиги бирлаштирилади. Унда Арасту, Апполоний, Афлотун каби донишмандлар И.нинг устозлари сифатида тасвирланиб, ушбу донишмандлар ер юзи

ва денгиз саёҳатида унга ҳамроҳлик қиладилар (қар.: *"Ойинаи Искандарий"*).

Жомийнинг "Хирадномаи Искандарий" достонида жаҳонгир шоҳ образи иккинчи даражада туширилади. Жомий Искандарнинг шоҳлигидан кўра кўпроқ унинг ҳикматларига, насиҳатларига аҳамият беради, унинг ўзини ҳам донишмандлар сафига қўшиб юборади (қар.: *"Хирадномаи Искандарий"*).

Алишер Навоий эса "Хамса" ёзиш анъаналарига тўлиқ риоя қилган ҳолда И.нинг ҳам ҳарбий юришларини, ҳам илму донишмандлигини мадҳ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унинг И.и мисолида аввал тожу тахтдан нафратланадиган мард шаҳзодани, кейин эса асар давомида турли юртларни ва кишилар қалбини мардлик-шижоат ва ҳийла-тадбир б-н эгаллаган тадбиркор шоҳни, сўнгра илми ғайбни эгаллашга интилган комил инсонни ва ниҳоят асар сўнгида буларнинг барчасидан мақсади ҳосил бўлмаган, дунёдан қуруқ қўл б-н кетган шахс сиймосини кўрамиз. Фирдавсий И. ҳақида ёзганда, албатта Доро б-н жанг қилган ва Эронга бостириб кирган, Аристотелнинг шогирди, тарихий И., яъни Александр Македонскийни назарда тутгани шубҳасиз. Аммо хамсанавис ижодкорлар И. сиймосини "Қуръони карим"да зикр этилган Зулқарнайн образи б-н омухталаштирганлар. И.нинг Рум (Ғарб) дан эканлиги, Эрон ва Мовароуннаҳрни босиб олиши, Доро б-н жанги, Арастунинг шогирди эканлиги, Равшанак исмли гўзал рафиқаси борлиги – тарихий И.ни, яъни Александр Македонскийни эслатса, Самарқанд ва Ҳиротни барпо этиши, яъжуж-маъжуж, чумолисифатлар қавми ва бошқа ғайритабиий мавжудотлар б-н қилган жанги, И. девори, И. ойнаси каби иншоот ва буюмларни бунёд эттириши, илми ғайбни англашга ҳаракати, тириклик сувини қидириши – булар Қуръони каримдаги Зулқарнайн сиймосидан ўзлашган сифатлардир. Шу тарика Навоийнинг "Садди Искандарий"сигача ушбу образ юқоридаги такомил йўлини босиб ўтиб, адолатли шоҳ қиёфасида майдонга келди. Бу ҳақда тадқиқот олиб борган профессор Ф.Бойназаров "Искандар Зулқарнайн – Александр Македонскийнинг айнан ўзи эмас, балки унинг Шарқда ўзлашган образидир" деб маълумот беради.

Навоий "Садди Искандарий" мукаддимасида қаҳрамони шахсияти ҳақида маълумот берар экан, бу борада кўплаб тарихий китобларни ўқиганлигини, кўпчилик иккита И. бор, биринчиси яъжуж-маъжуж б-н урушган, иккинчиси эса улкан девор қурган, деб айтганини, натижада шоир бир фикрга келолмай, устози Жомийга мурожаат қилганлигини, Жомий эса "Битта Искандар бор", деган қатъий жавобни берганлигини айтиб ўтади.

Навоий И. образи б-н Шарқ адабиётидаги анъанавий адолатли шоҳ образига қуйидаги аҳимиятли ўзгартишлар киритади:

1. Шоҳ фақат шаҳзода, яъни подшоҳ фарзанди бўлиши шарт эмас. И. Файлақуснинг ўз ўғли эмас, балки харобадан топилган ота-онаси номаълум бола. Шунга қарамай, у ўз илму-дониши ва тадбирининг қудрати б-н етти иқлим ерларини ва ўн икки минг жазира (орол) б-н бирга етти уммонни эгаллади.

2. Адолатли ва маърифатли шоҳ, ҳатто набий, валий даражасига эришган комил инсон ҳам бу дунёдан кетишга ва ҳеч нимасиз кетишга маҳкум. Дунё ўткинчи, шундай экан, унга кўнгил боғламаслик керак.

Кетур, соқиё, тўлдуруб жоми адл
Ки, кургузди Искандар айёми адл!
("Садди Искандарий")

Навоий И. образига "Ҳайрат ул-аброр"нинг 49-бобида, "Лисон ут-тайр"нинг 77-бобида ҳам мурожаат этиб, дунёнинг фонийлиги б-н боғлиқ фикрларини баён қилади. И. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам" ва "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарларида ҳам маълумотлар келтирилиб, унинг насл-насаби, пайғамбарлиги, валийлиги, ҳакимлиги, Доро б-н хирож масаласида низога борганлиги б-н боғлиқ масалалар қаламга олинади.

И. образи Навоий лирикасида ҳам қўлланилган бўлиб, кўпроқ унинг дунёни кўрсатувчи ойна яратганлиги ва тириклик сувини топмаганлиги ҳақидаги афсонага эътибор каратилган ҳолда тасвирланган.

Лабингдур жоми Жамшиду
юзунг миръоти Искандар,
Мусалламдур санга
ҳусну жамол аҳлиға султонлиқ..
("Бадоеъ ул-васат", 316-ғазал)

ИСКАНДАР КЎЗГУСИ – тарихий-тамсилий образ. Мисрдаги Александрия шаҳрида Форос оролининг шимоли-шарқий қисмида Птолемей бошчилигида баланд минор қурилиб, унинг юқори қисмида катта кўзгу ўрнатилган. Минор денгизчилар учун маёқ вазифасини ўтаган. И.к. қад. дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида тан олинган.

Ривоят ва асотирларга кўра, Искандар Фарангистон аҳлининг аҳволидан хабардор бўлиш учун ҳикмат ва тилсимга тўла бир кўзгу ясаб, баланд миноранинг устига ўрнатади. Шу тадбир б-н икки марта душман қўшинларига шикаст етказади. Бироқ фаранг аскарлари учинчи марта Искандарни ғафлатда қолдириб, Искандария шаҳрини хароб этади, кўзгуни эса денгизга улоктиради. Искандар бундан хабар топиб, кўзгуни денгиз тубидан олиб чиқади ва Арасту ёрдамида яна ўз жойига ўрнатади.

"Фарҳод ва Ширин" достонида келтирилишича, И.к. Афлотун бошчилигида тўрт юз олим томонидан ихтиро қилинади. Бу кўзгуга назари тушган инсон ўз тақдиридан огоҳ бўлади. Фарҳод ана шу кўзгуга биринчи марта назар солиб, Юнон сафарига отланади. Иккинчи марта Ширин суратини кўриб, ошиқи беқарор бўлади.

Навоий "Лайли ва Мажнун" достонида И.к.нинг тарихига ишора қилиб, кўзгу Фаранг аҳлининг аҳволидан хабардор қилиб тургани учун жаҳоннамолик сифатига эга бўлгани, аслида эса оламнинг аҳволини кўрсатувчи синоатли кўзгу – Ишқ эканлигини таъкидлайди.

"Садди Искандарий" достонининг 52-бобида келтирилишича, Чин хоқони Искандар шарафига зиёфат уюштириб, унга қимматбаҳо совға-саломлар юборади. Совғалар ичида *Чин кўзгуси* ҳам бор эди. Ростни ёлғондан ажрим қилувчи, зиёфат чоғида мастни ўз ҳолидан хабардор этувчи бу сеҳрли кўзгу Искандарни буткул ўзига мафтун этиб, Юнон донишмандларига бундан-да ажойиброқ кўзгу ясашни буюради. Тўрт юз олим икки гуруҳга бўлиниб, Искандарнинг бевосита иштирокида иккита ғаройиб нарса – осмон жисмларининг аҳволидан хабар берувчи устурлоб ҳамда бутун Ер юзини кўрсата оладиган жаҳоннамо кўзгу яратади.

И.к. Навоий шеъриятида, асосан, комил инсоннинг пок кўнгли тимсоли сифатида қўлланилган.

"ИСКАНДАРНОМА" – Низомий Ганжавийнинг "Панж Ганж" асари таркибидаги охирги достон. 1197–1204 й. оралиғида ёзилган. 10500 байтдан иборат. И. икки қисмдан: "Шарафнома" ва "Иқболнома"дан таркиб топган. Достон учун Шарқ ад.-тида кенг тарқалган Искандар Зулқарнайн тимсоли бош қаҳрамон сифатида олинган. (қар.: *Искандар*). "Шарафнома"да Искандарнинг ҳарбий юришлари, жаҳонгирлиги тасвирланса, "Иқболнома"да Искандар донишмандлиги ва пайғамбарлиги б-н намоён бўлади. Достонда келтирилишича, Искандар жуда эрта ота тахтига ўтиради. Жуда кўп жангларда иштирок этиб, моҳир саркарда ва адолатпарвар шоҳ сифатида шуҳрат қозонади. Узоқ-яқиндаги ҳукмдорлар ундан қаттол душманларни енгишда ёрдам сўрайди. Искандар ўз тадбиркорлиги б-н Чин ва Ҳинд мамлакатларини енгиб, инсоният осойишталигига хавф етказаётган яъжуж-маъжужлар устидан ғалаба қозонади. Искандар донишманд шоҳ сифатида ўз замонасининг файласуфлари б-н доимий мулоқотда бўлади, улар б-н оламнинг ибтидоси, интиҳоси, мамлакатни бошқариш қонун-қоидалари, муваффақият ва инқирозга сабаб бўладиган омиллар ҳақида суҳбат қуради, ўзининг ҳаракатларини сарҳисоб қилади. У қаерга борса, дастлаб давлат бошқарув усули, идора низомларининг адолат талабларига мувофиқлигига эътибор қаратади. Шоҳу гадонинг сўзларига қулоқ тутади, ўз маслаҳат ва тавсияларини айтади. Умуман олганда, Низомий тасвиридаги Искандарнинг жаҳонгирлиги илму дониш, ҳикмат ва ақл жаҳонгирлигидир. Достон мутақориб баҳрининг *мутақориби мусаммани маҳзуф* ёки *мақсур* вазни (рукнлари ва тақтиъи: фаулун фаулун фаулун фаал ёки фаул V– – / V– – / V– –/ V– ёки V –) да ёзилган. Навоий "Садди Искандарий" достонининг салафларга бағишланган 6-боби ҳамда Искандар тарихи ҳақидаги 15-бобида Низомийнинг "И." достони ҳақида маълумот беради.

ИСКАНДАР ШЕРОЗИЙ (1384–1415.9.6, Шероз) – Ирок ва Форснинг ҳукмдори (1412—14), *Амир Темур*нинг набираси, *Умаршайх Мирзо*нинг ўғли. Онаси Милкат Оғо бегим исмли малика бўлган. Амир Темур 1399 й.да сафарга кетаётиб, уни Фарғона ҳокими этиб тайинлаган. Самарқанд тахтида ўтирган муваққат ҳукмдор *Муҳаммад Султон* И.Ш.нинг ўзбошимча сиёсатидан норози бўлиб, уни Самарқандга чақиртирган ҳамда отабеги ва 26 навкарини қатл эттириб, ўзини ҳибсга олган. И.Ш. 1401 й.да ҳибсдан озод қилиниб, калтак жазоси белгиланган. Амир Темур 1403 й.да И.Ш.ни Ҳамадон вилоятининг ҳокими этиб тайинлайди. Амир Темур вафотидан сўнг И.Ш. ўз акалари Пирмуҳаммад Мирзо ва Рустам Мирзо б-н Форс, Ҳузистон, Кирмон, Қум вилоятларида ўзаро кураш олиб борган. Пирмуҳаммад Мирзо 1410 й. хиёнаткорона ўлдирилгач, И.Ш. акасининг вориси сифатида Шероз тахтини эгаллайди. И.Ш. Кирмон (1411), Қум (1412)ни эгаллаб, Ирок ва Форс ҳукмдорига айланади. У Исфаҳонни ўзига пойтахт қилади, ўз номидан пул зарб эттириб, хутбани *Шоҳрух Мирзо* номига эмас, балки ўз номига ўқитади, Хуросон ҳудудида босқинлар уюштиради. Шоҳрух қўшини б-н бўлган жангда И.Ш. енгилади, Исфаҳон ш. эгалланади (1414 й. 20 июль). Шоҳрух И.Ш. ва унга тобе ерларни Рустам Мирзога топширади. Рустам Мирзо И.Ш.нинг кўзларига мил тортиб кўр қилади ва махсус назоратда саклайди. Шоҳрух Мирзо бу ҳолдан хабар топгач, И.Ш.ни укаси *Бойқаро Мирзо* ҳузурига жўнатади. И.Ш. укасини салтанатга қарши курашга чорлайди. Бойқаро Мирзо акаси сўзига кириб Шерозга қўшин тортади. Рустам Мирзо И.Ш.ни қўлга олиб яна ҳибсда сақлайди; 1415 й. 9 июнда Бойқаро Мирзонинг Шерозга бостириб кирганидан хабар топгач, И.Ш.ни қатл эттиради.

Алишер Навоий И.Ш.нинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг еттинчи мажлисида тилга олиб, у ҳақда шундай ёзади: "Салтанат тажаммулини, дерларким салотиндин ози онча қилмиш бўлгай. Етти ё саккиз йиллиқ салтанатида гўёки уч ганж топибдур. Мавлоно Ҳайдар туркигўй, анинг модиҳи экандур". Бунда Навоий *Ҳайдар Хоразмий*нинг "Гулшан ул-асрор" достони И.Ш.га бағишланганлигига ишора қилади. "Мажолис ун-нафоис"да И.Ш.нинг қуйидаги туюғи келтирилган:

Тулун ойға нисбат эттим ёруми,
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,
Ё Мисрки, ё Ҳалабни, ё Руми.

Ушбу туюқда "ёруми" сўзи тажнис сифатида келтирилган бўлиб, бунда "ёруми" биринчи мисрада "ёримни", иккинчи миерада "ярми" ва тўртинчи мисрада " ёки Румни" маъноларини англатади.

ИСКАРМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ тўққизинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида қўлланилмаган, аммо Навоий ижоди ҳақидаги тадқиқотларда *хотирламоқ, қабул этмоқ* тарзида изоҳланган.

ИСКОФ, Абубакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Сурункасига ўттиз йил рўза тутиб, рўзадор ҳолида оламдан ўтган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИСМОИЛ – пайғамбар. Иброҳим Халилуллоҳ (а.) ва Ҳожар онанинг фарзанди. Араблар аждодидан. Иброҳим болалигида И.ни онаси б-н Макка водийсига ташлаб кетишга мажбур бўлади. Уларнинг қадами баракотидан Замзам қудуғининг кўзи очилиб, Макка обод минтақалардан бирига айланади. И. отаси б-н бирга Каъба уйини қайтадан бино қилади ва эллик йил Ҳазрамавт аҳлини Ҳақ динга даъват этади. Охирзамон пайғамбари – Муҳаммад (с.а.в.) И. наслидан. Қурбонликнинг жорий бўлиши ҳам И.нинг номи б-н боғлиқ: Иброҳим Халилуллоҳ тушида келган ваҳийга кўра, И.ни Аллоҳ йўлида қурбон қилмоқчи бўлиб турганида Аллоҳ таоло унинг бундай даражадаги садоқати эвазига қурбонлигини қабул қилиб, жаннатдан И.нинг ўрнига қўчқор келтиртиради.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да И. ҳақида алоҳида боб мавжуд.

Гар Иброҳиму гар Исмоил ўлсун
Ки Ҳақ амрин қабул этмак керактур.
Бу фоний дайрда чун қилди манзил,
Туруб бир неча кун кетмак керактур.

ИСМОИЛ АТО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Хожа Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим ота исмли укасининг ўғли. Юз ешга яқин умр кўрган. Оламдан ўта туриб, ўн етти фарзанд орасидан Исҳоқ отани ўзига қойиммақом қилган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ИСМОИЛ ДАББОС ЖИЙРАФТИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абдуллоҳ Ансорий*нинг пирларидан бири. Ҳадис илмининг билимдони. Шайх Мўмин Шерозий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

ИСО, Масиҳ, Масиҳо, Руҳуллоҳ – исломдан олдин ўтган пайғамбарлардан бири. Насронийлик динининг асосчиси. Унга Инжил китоби нозил бўлган. Қуръони Каримда И. сўзи 25 марта учрайди. Барча дардга нафаси б-н шифо берган, ўликни тирилтиришдек мўъжиза соҳиби бўлган. Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да берган маълумотга кўра, И. осмоннинг тўртинчи қаватига кўтарилган. Исо Масиҳ Навоий шеъриятида энг кўп мурожаат қилинадиган образлардан бири. У фақат отасиз, вужудига Илоҳий Руҳ пуфланганлиги сабабли туғилган мўъжизакор пайғамбар сифатида эмас, балки тирилтириш – уйғотиш тимсоли, Қуёшга фанолик рамзи, хуффош образи тасвири, бошқа пайғамбарлар б-н мувозий қўлланувчи сиймо, тажрид тимсоли, поэтик функция ва мазмун ижрочиси, бадиий, тасвирий-таъсирий восита ифодачиси, абадийлик рамзи, хаста кўнгилларни даволовчи табиб ва б. кўплаб ғоявий-бадиий мақсад-вазифаларни бажаришга хизмат қилган.

Эй Навоий, ул Масиҳодам
қуёш чун урди захм,
Они Исо игнасию меҳр тори бирла тик.
("Наводир уш-шабоб", 331-ғазал)

ИСОР/ИЙСОР – саховат ва очиққўлликнинг энг олий мартабаси, барча ҳолатларда ўзгалар манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш. Ўзи эҳтиёжманд бўлган нарсалардан бошқалар фойдаси учун воз кечиш. Абдураззоқ Кошонийнинг ақидасига кўра, И. бошқалар ўша нарсага ўзига нисбатан кўпроқ муҳтож бўлиб турганда рағбат ва хушнудлик б-н воз кечган ҳолатдагина дуруст бўлади. И.нинг уч даражаси бор: 1) манфаатлар тўқнашган пайтда бошқаларнинг манфаатини ўзиникидан устун қўйиш, фақат ўзи ва аҳли аёли учун зарур бўлган миқдордагисини олиб қолиш, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳаром ишлардан қайтармоқ; 2) ризо мақомида Аллоҳнинг ўзидан ҳам кўра бошқаларнинг қилган амалларидан хушнуд ва рози бўлишини истамоқ ва шунга амал қилмоқ; 3) ўзининг И.ини аслида Аллоҳнинг эканлигини англамоқ, бегараз ердам кўрсатганида ўзининг сабабчи эканлигини буткул унутмоқ.

Келди кунглумга хаёли жону
кўнглум нақдини,
Айладим исорким, бор эрди
меҳмоним азиз.
("Бадоеъ ул-васат", 201-ғазал)

ИСРОФИЛ МАҒРИБИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мисрда яшаган, шайхлик даражасига етишган. *Зуннун Мисрий*нинг пири. Зуҳд, таваккул ва шариат амалларини бекам-кўст бажаришга оид ҳикматлари суфийлар орасида машҳур бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИСТИОРА (ар.– ориятга олиш) – сўз ёки ибораларни шеърда асл маъносида эмас, бошқа маъноларда ишлатишга асосланган бадиий санъат. Шамс Қайс Розий И.ни мажознинг кўринишларидан бири сифатида таърифлайди.

Ўз хусусиятларига кўра, иккига бўлинади: 1) Очиқ И. (ёки бит-тасреҳ); 2) Ёпиқ И. (изофий).

Агар И. объекти (ўхшатилаётган нарса) тилга олинмай, фақат истиораланувчигина зикр қилинса, баённинг бундай воситаси очиқ И. – бит тасреҳ, дейилади. Мас., қуйидаги машҳур байтда маъшуқа очиқ И. йўли б-н сарвга ўхшатилган:

Кеча келгумдир, дебон, ул сарви гулрў
келмади,
Кўзларимдин кеча тонг отқунча уйқу
келмади.

Ёпиқ И.да очиқ И.дан фарқли ўлароқ, истиораланувчи зикр этилмайди, балки унинг бирор сифати, хулқ-атвори, узв – аъзоси изофат сифатида келтирилади. Мас., қуйидаги байтнинг иккинчи мисрасида шоир юксак маҳорат б-н умрни шоҳ ёки лашкарбошига, ўтаётган умр ою йилларини аскарларга ўхшатган:

Соқиё, май тут, муғанний,
навҳайи оҳингни чол,
Ким сипоҳи умрум ўлмиш кўси
риҳлат чолғудек.

Рашидиддин Ватвот қайд қилганидек, И. санъати барча тилларда мавжуд ва бениҳоя гўзалдир. Агар И. табиий бўлса, сўзга гўзаллик бағишлайди.

ИСТИҲФОМ (ар. – сўрамоқ) – шоирнинг ўй-фикрлари, туйғу кечинмаларини сўроқ шаклида ифодалашига асосланган бадиий санъат. Бу ҳақда икки хил қараш мавжуд: баъзилар уни жавоб талаб қилмайдиган сўроқ (риторик сўроқ) шаклида бўлади деб ҳисобласалар, баъзилар у фақат мазмунан сўроқ гап тарзида бўлади, дейдилар. Чунки И.дан мақсад сўроқ шакли воситасида тасвирда таъсирчанликка эришишдир. Бошқача айтганда, бу санъатда сўроқ мақсад эмас, балки воситадир. Мас.:

Кимга қилдим бир вафоким, юз
жафосин кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду
балосин кўрмадим.

("Бадоеъ ул-васат", 434-ғазал)

Агар шоир шуни "кўрдим" тарзида ифодаласа, ғазал бунчалик таъсирчан чиқмас эди. Ҳолбуки, фикр айнан "кўрдим"ни тақозо қилаяпти. Яъни: "Кимга бир вафо қилган бўлсам, эвазига юз жафо кўрдим, кимга юз меҳр кўрсатган бўлсам, ўрнига минг дарду бало кўрдим", – демоқда. Лекин у ўз фикрини сўроқ тарзида тузиш б-н унинг бадиий-эстетик таъсирчан чиқишига эришган.

И. савол бериш асосига ҳам қурилиши мумкин.

ИСТИҒНО – 1) эҳтиёжсизлик; нозу карашма.

Ошуруб ҳаддин Навоий ҳам
ниёзу ажзини,
Ёр истиғнову нози ҳар неча
ҳаддин ошиб.

("Гаройиб ус-сиғар", 61-ғазал)

2) "Лисон ут-тайр" достонида қушлар Симурғга етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг тўртинчиси. Ушбу водийда солик ҳам Яратганнинг маърифатини ҳис этади, ҳам унинг эҳтиёжсизлигини англай бошлайди.

Навоий бу водийни шундай таърифлайди: унда гумроҳ ва огоҳ, бутхона ва Каъба йўли бир хилдир, улар ободми ё вайронми (истиғно соҳиби – Аллоҳ учун) фарқсиздир. И.нинг кучидан минг яшар фил ҳозиргина туғилган филбаччадай, улуғ чархи фалак бир дона хас б-н тенгдир. Куфр б-н дин бу водийда баробардир, солик (йўловчи)га иш жуда қийиндир. Мана шундай ҳол ва эҳтиёжсизликларни англаш ва ҳис этиш асносида солик (банда)да ҳам Тангридаги каби эҳтиёжсизлик сифати акс эта бошлайди. Соликнинг моддий ва маъ-ий эҳтиёжларга рағбати камайиши баробарида камолоти юксалиб, ахлоқи тозариб боради.

Ф. Исомиддиновнинг фикрича, И. водийсида шайх Санъоннинг тарсо қизига ишқи тушиб, унинг барча шартига бўйсунади, истиғносини қабул қилади, бехуд ва бепарво бўлиб қолади, ишқ туфайли шайхул-машойихликдан чўчқабоқарга айланади. Натижада, бехудлик ва эътиборсизлик шу даражага етадики, унинг учун ишқ олдида на дин, на мазҳаб, на мартаба ва на мансаб ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Бу водийда Яратганнинг эҳтиёждан холилигини англаб етаётган солик Аллоҳнинг толиби бўлгани учун бу эҳтиёжсизлик натижасида матлубнинг унга бўлган эътиборидан бошқа ҳамма нарсага – дунё ва унинг неъматларига эҳтиёжсизлик сеза бошлайди. Яхши ва ёмонликни бепарво кутиб ола-

ди. Бу энди тас.нинг мақомоти эмас, балки соф ҳол даражасидир.

Достонда водийнинг моҳиятини англатиш учун шатранж ўйини б-н боғлиқ ҳикоят келтирилган. Унда икки шатранж устаси икки томонга ўтириб, ўртага қўйилган тахтага доналарини териб чиқади. Икки ўртада кураш бошланади. Шатранж тахтаси ўраб олинган қалъага, ундаги кураш эса ҳақиқий уруш майдонига айланади. Агар ўйин тугаб, шатранж устасининг бири тахта четини кўтарса, доналарнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Шатранж доналари йиғилиб халта ичига солинса, "шоҳ" ҳаммадан ҳам қуйи тушиши, "пиёда" эса юқорига кўтарилиши мумкин.

Ҳар дам истиғно ели бўлғонда тез,
Солибон офоқ аро юз рустахез.
Ёғиб истиғно саҳобидин ёғин,
Юз туман оламни сув элтур соғин.

ИСТИҚОМАТ – 1) муқим бўлмоқ, манзил тутиш, яшаш:

Чу қилди жилва, вафо сори ҳеч
қилмади майл,
Жафода топқан учун истиқомат
ул қомат.
("Наводир уш-шабоб", 84-ғазал)

2) тўғри бўлмоқ, тўғри турмоқ. Бир ҳолатнинг турғунлиги:

Нечаки нағманг эрур
мустақиму лаҳнинг туз,
Валек элдин олур истиқомат, эй ҳофиз.
("Ғаройиб ус-сиғар", 287-ғазал)

3) тас-ий истилоҳ. И. – тариқат арконининг аслларидан бири бўлиб, ибодат ва тақво оралиғидаги ҳолатни мустаҳкам ушлашни англатади. И. уч қисмдан иборат: тилда шаҳодат калимасини айтиб туриш, иккинчиси, қалб ва хаёлни иродат ва садоқатда устувор тутиш, учинчиси, фарз ва нафл ибодатларни бекам-кўст адо қилиш. И.нинг ҳақиқати – ҳақ йўлида васатийликни ушлаб туришдир. Қушайрий И. – шариат аҳкомларига риоя қилишда мустаҳкам бўлиш ва бу каромат кўрсатишдан ҳам оғирроқ иш эканлигини таъкидлаган.

Наби шаръиға топмоқ истиқомат
Эрур соликка мушкилроқ каромат.
("Фавойид ул-кибар", 2-фард)

ИСФАНДИЁР (авес. Спандо-дата – муқаддас яратиқ) – тарихий-мифик образ, паҳлавон ва валиаҳд шаҳзода, Каёнийлар сулоласининг вакили Гуштоспнинг ўғли. Танасидан ўқ ўтмагани учун "Рўйинтан" номи б-н машҳур бўлган. Зардуштийлик динининг ёйилишида жонбозлик кўрсатган. Давлат тўнтаришида айбланиб, отаси томонидан зиндонга ташланган. Турон шоҳи Аржосп Балхни забт этиб, И.нинг бобоси Луҳроспни ўлдириб, сингилларини асир олиб кетганидан кейин Гуштосп уни озод этишга мажбур бўлади. И. Аржосп б-н урушда уни ўлдириб, сингилларини озод қилади. Рустамни асир олмоқчи бўлиб, Зобулга қўшин тортади. Бироқ Рустам уни Симурғ ўргатган ҳийла б-н ўлдиради.

И. тақдири "Тарихи мулуки Ажам"да қисқача ёритилган.

ИСФАҲОНИЙ, Абулғариб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ишқда айни жамъ мақомига етишган зотлардан бўлган. Бу мақом ҳақида кўп сўзлагани учун уни "ҳулулий" (илоҳий зот инсон жисмига жойлашади, деган ботил ақида тарафдорларидан) деб айблаганлар. Шайх Рўзбеҳон Бақлий Шерозий "Шарҳи шатҳиёт" асарида бу айбловни рад этган. Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийнинг яқин дўстларидан бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

ИСМИ АЪЗАМ (ар. – улуг ном, буюк исм) – Аллоҳ таолонинг энг улуг исми. И.А. Аллоҳнинг айнан қайси исми эканлиги ҳақида ихтилоф бор. Баъзилар "Ал-Ҳаййул-Қайюм", айримлар "Самад", баъзилар "Муҳаймин" исмини И.А. деб ҳисоблайдилар. Журжоний "Ат-Таърифот"да келтиришича, И.А. Аллоҳ таолонинг барча исмларини қамраб олувчи исмдир. Унга кўра, бундай исм "Аллоҳ" исмидир, чунки Аллоҳ исми барча илоҳий сифатларни ўзида жам этган.

И.А.ни билиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Кимки И.А.ни билса, унинг дуоси мустажоб бўларкан. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"га кўра, икки кишига И.А.ни

билиш насиб этган экан. Булардан бири – Балъами Боур бўлса, иккинчиси Сулаймон пайғамбардир.

ИСО ИГНАСИ – Исо пайғамбар ҳаётига боғлиқ тимсол. Ривоятга кўра, Исо (а) осмонга кўтарилганда этагига игна илашиб қолганлиги учун илоҳий ҳукмга кўра, жуда ҳам юксакка чиқолмай тўртинчи осмондан жой олган. И.и. дунёга боғланиб қолишлик офатининг нишонаси сифатида ирфоний шеъриятда кенг қўлланилган.

Ришта тоби санга
қайд улса, не суд, эй зоҳид,
Гар Масиҳ игнаси бирла
эса хирқанг ямағи.
("Фавойид ул-кибар", 637-ғазал)

ИСҲОҚ – пайғамбар. Иброҳим Халилуллоҳ (а.)нинг Сорадан кўрган ўғли. Унинг Ийс ва Яъқуб исмли ўғиллари бўлган. И. нинг дуоси туфайли Ийс авлодидан султонлар, Яъқубдан пайғамбарлар чиққан. Юсуф (а.) Мисрда *азиз* бўлган йили И. 180 ёшда оламдан ўтган. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"-дан И. ҳақида алоҳида фасл ўрин олган.

ИСҲОҚ АТО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Яссавийлик тариқатининг намояндаси *Исмоил ато*нинг ўғли ва вориси. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ИСҲОҚ БИН ИБРОҲИМ ҲАММОЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абдоллар ва зоҳидлар макони бўлмиш Луком тоғида яшаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ИТ (узб.) – қўриқлаш ва ов қилиш учун сақланадиган уй ҳайвони. И. образининг илдизлари халқ оғзаки ижоди ва диний манбаларга бориб тақалади. Ривоят қилишларича, Дақёнус (император Деций) даврида унинг зулмидан қочиб, ғорга кириб яширинган бир нечта ёш йигитларнинг ёнида уларнинг И.и ҳам бўлган. Ушбу ривоят кейинчалик бадиий ад-тда И. тимсолининг кенг қўлланилишига замин ҳозирлаган. Румий ижодида И. образи, асосан, садоқат тимсоли сифатида намоён бўлса, Атоий ижодида бироз кенгроқ, яъни содиқлик, садоқатга қўшимча тарзда рақиб маъносини ҳам ифода этади. Лутфий ижодида И.нинг вафо, садоқат, рақиб маъносидан ташқари қўриқчилик вазифасига ҳам ишора қилинади.

Алишер Навоий асарларида И. образи кенг қўлланилган тимсоллардан саналади. Унинг қўлланилиш маъноларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1) Вафо ва садоқат:
Юзу лаълингдин Навоий
беҳуд ўлса, сўрмағил,
Бир итингдурким, саҳар
вақтинда шаккархоби.

2) Рақиб:
Истасам ҳуснунг закотин
гар бўлур мониъ рақиб,
Не ажаб, чун ит бўлур
доим гадо бирла адув.

3) Нафс:
Беша шерин гар забун
қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун
оламда йўқ сендек шужоъ.

4) Валийлар:
Итларинг махсусу маҳзундур
Навоий, кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам
ул зумрайи маҳрам аро.

ИТТИҲОД – 1) бирлашиш, уюшиш. Бирдамлик ва маслакдошлик маъносида ҳам қўлланилади:

"Аввалдин охиргача фақир била илтифот ва иттиҳоди кўп учун мундин ортуқ таърифин қилинса, ўзумни таъриф қилғондек бўлурдин қўрқиб ихтисор қилилди" ("Мажолис ун-нафоис").

2) тасаввуфий истилоҳ. И. – Воҳид ва Мутлақ вужуднинг мушоҳадаси, Ягона Вужуддан ўзга барча мавжудот ўз моҳияти эътибори б-н аслида йўқ эканлигини англаш, барча мавжудот Мутлақ Вужуд борлиги туфайли қоим эканлигини билиш ва мушоҳада этиш. "Мисбоҳ ул-унс"да келтирилишича, Ҳақ таоло азалий иноят ва безавол лутфи юзасидан бирор бандасига нарсалар ҳақиқатини ошкор этмоқни истаса, бу

банда маъ-ий камолот босқичларидан ўтиб, руҳоний юксакликка эришади ва моддий дунё алоқаларидан покланиб, ҳақиқий қурбат ҳосил қилади ва Биринчи акл б-н муносабат ҳосил этиб, илоҳий илмдан бевосита – кашф ва шуҳуд орқали баҳраманд бўлади. Бу мақом – И. мақомидир. Жалолиддин Румий ўнта ёруғ шамънинг нурини бир-биридан ажратиб бўлмагани каби И.га эришган бандаларнинг ҳолида бандалик ва илоҳийлик сифатини айри ҳолда талқин қилиш имконсиздир, деган фикрда бўлган. И. – иснайният (иккилик – банда ва Худо, бандада "Мен" тушунчасининг йўқолмаган ҳолати) орадан кўтарилгандан кейин ҳосил бўлади.

Ишқида мендин асар йўқ,
кимга булса мултафит,
Токи иснайният ўлмас,
мумкин эрмас иттиҳод.
("Фавойид ул-кибар", 117-ғазал)

ИТТИФОҚ (ар. – ўзаро мувофиқ келиш) – тахаллус ёки номни шеърда ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъносида ишлатишга асосланган бадиий санъат. Бунда шоир шеър мақтаъсида ўз тахаллусини келтирса-да, байтнинг мазмуни уни луғавий маънода ҳам тушунишни тақозо этади. И.нинг муваффақият б-н қўлланиши маълум даражада шоирнинг маҳоратига боғлиқ, лекин баъзан тахаллуснинг луғавий маъноси И. яратиш учун тўсқинлик қилади. Шундай ном ва тахаллуслар ҳам борки, шеърда уларнинг луғавий маъносидан фойдаланиш ниҳоятда мушкул (мас., Хоразмий, Рабғузий, Атойи ва ш.к.), шунинг учун И. санъати муайян шоирлар ижодидагина маҳорат б-н ишлатилган. Навоий (Фоний)нинг форсий шеърларида И. санъатининг бетакрор намуналари учрайди.

Агар фано шуданат майл
ҳаст чун Фоний,
Ба рўят ончи расад аз сипеҳр,
рўйи матоб.

(Мазмуни: Агар Фоний каби йўқ бўлишга майлинг бўлса, Фалакдан нимаики келса, юз ўгирмагин). Ушбу байтда Фоний сўзи шоир тахаллусидан ташқари, "йўқ бўлган" маъносида ҳам қўлланилган. Бу эса шеърнинг эстетик қийматини оширган.

ИХЛОС – покламоқ, риёсиз дўстлик ва ибодат. Тариқат аҳли наздида ният холислиги ва такаббурлик, худбинлик, риё, ғараз, таъма каби нафсоний хислатлардан йироқлашиш воситасида пок ниятни амалга ошириш тушунилади. "Асрор ут-тавҳид"да И.нинг маъноси – ният холислигидир, дейилади. Жунайд И. б-н иш тутган банда ҳар бир иш ва фикрда Худонинг розилигини истайди, дейди. И. "холис" сўзидан олинган бўлиб, ғилу гашликдан холи, соф ва биржинсли нарсаларга нисбатан қўлланилади. Муҳаммад бин Фазл Балхий бадбахтликнинг аломатларини уч нарсада – илмига амал қилмаслик, амалда И. йўқлиги ҳамда Ҳақ таоло дўстларига нисбатан ҳурматсизлик қилишда, деб билган. Шайх Абулҳасан Харақонийдан И. ҳақида сўраганларида: "Ҳар не Тенгри учун қилсанг ихлосдур ва ҳар не халқ учун қилсанг, риёдур," деб жавоб берган.

Халос истасанг андин аён қил ихлосинг
Ки, йўқ кишига халос этмайин
аён ихлос.
("Наводир уш-шабоб", 271-ғазал)

"ИХЛОСИЯ" МАДРАСАСИ – Алишер Навоий қурдирган мадрасалардан бири. Ҳиротнинг Марғаний мавзесида, Инжил ариғининг бўйида бино этилган ушбу мадрасада Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий, амир Бурҳониддин Атоуллоҳ Нишопурий, Қози Ихтиёриддин Ҳасан Турбатийдек замоннинг кўзга кўринган олимлари дарс беришган. Мадраса аҳлининг таъминоти Навоий вақф қилган мулк ҳисобидан амалга оширилган.

ИХТИЁР – танлаш имконияти, ўзи учун яхшироқ деб ҳисобланган ишни амалга ошириш ҳуқуқи. Мусулмон Шарқи фалсафасида асосий категориялардан бири бўлиб, тақдир, одам ва Худонинг ўзаро муносабатларини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Инсон ва тақдир масаласида учта асосий қараш мавжуд: биринчи гуруҳ – жабарийларнинг ақидасига кўра, инсоннинг дунёга келиши ва қачон бокий дунёга кетиши ўз ихтиёрида бўлмагани каби, барча феъл ва амаллари ҳам ўз қў-

лида эмас. Ундан содир бўладиган барча амаллар олдиндан белгилаб қўйилган бўлиб, унинг Яратганга бўйсунишдан ўзга чораси йўқ. Иккинчи қараш қадарийлар таълимотининг асосини ташкил этади. Унга кўра, инсон яралишдан кейинги барча амалларида И. соҳибидир. Гуноҳ ва савоб, яхши ва ёмон йўлни танлаш ҳуқуқи тўлиқ инсоннинг ўзига берилган. Учинчи тоифа – ашъарийлар ва мотуридийлар бу икки ақиданинг ўртасидаги мўътадил қарашга эга бўлиб, И.ни Илм, Ирода ва И. каби илоҳий сифатларга боғлиқ ҳолда талқин қиладилар. Уларнинг фикри бўйича, инсоннинг илми ва иродаси Аллоҳнинг Илми, Иродаси каби мукаммал бўлмаса-да, улар жонсиз мавжудот ва ҳайвонот олами каби буткул И.сиз эмас. Инсон унинг борлиғи талаб қиладиган даражада И. соҳибидир.

"Шарҳи ат-Таъарруф"да маърифат аҳлининг И.га бўлган муносабатлари ҳақида шундай ёзилган: *"Маърифат аҳлининг қарашлари сиртдан қараганда жабарийларга ухшар, негаки улар ҳам феълни инкор этадилар. Аммо жабарийлар феълни инкор этадилар, орифлар эса мафъулни... Жабарий айтади: менда бирор ишни амалга оширишим учун И. қўлимда эмас. Ориф айтади: "Менда бандаликка хос ишларни амалга оширишдан ўзга И. йўқ"*. Жабарий инсонни зиммасига бирор масъулиятни олмасдан яшашга тарғиб қилади. Ориф эса қилинган ишларнинг оқибатига эмас, балки Худонинг раҳмати ва адолатидан умидвор бўлиб, ўзбошимчалик қилмасдан масъулият б-н яшаш тарзининг тарафдоридир.

Навоий шеъриятида И. сўзи уч – фалсафий, ирфоний ва луғавий маънода қўлланилган.

ИХТИЁРИДДИН ибн Ғиёсиддин ал-Ҳусайний – Алишер Навоийнинг замондоши. Ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланган. "Кашф уз-зунун"да келтирилишича, бир муддат Ҳирот шаҳрида қозилик қилган. "Асос ул-иқтибос" асарининг муаллифи. Бу асар масаллар ва ҳикматли сўзлар жамланмаси бўлиб, Навоийнинг илтимоси б-н ёзилган.

ИХТИЁРИДДИН ҚАЛЪАСИ – Ҳирот шаҳридаги қадимий қалъа. Дастлаб биносини курдлар сулоласининг вакили Малик Фахриддин хом ғиштдан қурган. 1415-й. Шоҳрух Мирзо И.қ.ни бузиб, ўрнига пишиқ ғишт ва тошдан мустаҳкам қўрғон барпо қилган. Султон Ҳусайн Бойқаро даврида И.қ. зиндон вазифасини ўтаган. Мўмин Мирзо И.қ.га зиндонбанд этилиб, кейинчалик худди шу ерда қатл қилинган (1497).

Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Навоий И.қ. олдида катта бир ҳовуз қурдирган.

ИХТИРОЪ – 1) янгилик чиқариш, кашфиёт қилиш:

Юз фитна солди ғайри муқаррарки,
айламиш
Бедоду зулм таврида юз навъ ихтироъ.
("Наводир ун-ниҳоя", 361-ғазал)

2) Навоий киритган адабиётшунослик атамаси. И. – шеър айтишда янгилик киритиш ҳамда олдинги шоирларда учрамайдиган услуб, оҳанг, тимсол, вазн ва қофияларни қўллаш маъносини билдиради (яна қар.: Мухтараъ):

"...Бу қофия ва радиф ҳазрат Султон Соҳибқироннинг ихтироъидурким, ҳеч назм айтилмайдур ва ҳеч девонда битилмайдур.
("Мажолис ун-нафоис", 8-мажлис)

ИШАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўн олтинчиси. *Ишонмоқ, инонмоқ ишонч б-н муносабатда булмоқ* маъносида қўлланувчи бу феъл қадимги туркий тилда *ышан* тарзида талаффуз қилинган. Феъл охиридаги *–н* қисми *ўзлик* маъносини ифодаловчи қўшимча экани аниқ, лекин манбаларда *иша-* феъли мавжуд бўлгани айтилмаган. Маҳмуд Кошғарий ўз луғатида *ішанді* сўзини *ишонди, суялди* маъноларида изоҳлайди: *ол мэнга ішанді* – у ишда менга ишонди, суялди, орқа қилди. Ушбу феъл Навоий асарларида учрамайди.

ИШҚ (ар.) – 1) ҳаддан ошган муҳаббат; инсондаги кучли майл. Суфийлар назарида ботиний бир қудрат б-н Ҳақ васлига интилиш. И.қа гирифтор одамни ошиқ, ошиқ интиладиган маҳбар ва матлубни маъшуқ

дейилади. "Ишқ", "ошиқ", "маъшуқ", "маъшуқа", "иштиёқ" сўзлари арабча "ашақа" сўзининг ўзагидан ясалган. "Ашақа" деб араблар дарахтлар ва усимликларга уралиб, уларнинг ширасини сўриб оладиган ва охир-оқибатда қуритадиган сариқ печакни айтадилар. Илоҳий ишқ жазбаси ҳам кимгаки тегса, уни бетоқат қилиб, ошиқни ейиш-ичишдан, уйқу-ҳаловатдан маҳрум этади, вужуд истакларини аста-секин синдириб, руҳни яллиғлантиради. Натижада, ошиқлар атрофдагиларга бепарво бўлиб, нафақат ўзларини, балки дунёни ҳам унутадилар. Ошиқ фақат Илоҳ б-н суҳбатлашади, Дўст учун жонини фидо қилишга тайёр туради. "Лайли ва Мажнун"даги Мажнун ҳолати ва саргузаштлари бунга яққол мисол. И.ка жуда кўп таъриф берилган. И.ни қирғоқсиз денгиз, куйдирувчи олов, жунун водийси, бало дарёсига ухшатганлар. Навоий достонида И.нинг мана бундай таърифи ҳам бор:

Эй ишқ, ажиб кимёсен,
Бал оинаи жаҳоннамосен.

Яъни И. ҳам кимё, ҳам оламни кўрсатувчи кўзгу. Чунки худди кимё орқали мис олтинга айлантирилгани ёки тоғ жинслари эритилиб, соф олтин олингани каби инсон вужуди ҳам И. утида тобланиб, ёниб, иллатлардан тозаланади, комилликка эришади, мусаффо руҳ ҳолига келади ва унга оламнинг сиру асрори Искандар оинаси кўзгусида жаҳон воқеалари акс этганидай акс этади. И. инсон руҳини покловчи, асл ватанга элтувчи кучдир. И. тушунчаси муҳаббатга яқин, лекин фарқи ҳам бор.

Ад-тда "ҳақиқий" И. ва " мажозий" И. деган тушунчалар ҳам бор. "И.и ҳақиқий" – бевосита Парвардигорнинг ўзига, зоти мутлақка бўлган ишқдир. "И.и мажозий" – дунё гўзалликларига, жумладан инсонларга муҳаббат қўйиш орқали Парвардигорни севишдир. Яъни ҳақиқатнинг кўприги мажоздир. Агар ҳақиқат Ҳақ даргоҳи, унинг қудрати, жамоли ва камолини англатса, мажоз – яратилган махлуқотлар, оламлар (касрат дунёси), Парвардигор яратган нарсаларда унинг илму ҳикмати, жамоли акс этган. Олам ва одам – Унинг кўзгуси. Дунё гўзалликларини севиш бевосита Уни эмас, балки Унинг аксини севишдир. Аксини севиш орқали Унинг ҳақиқати ва моҳиятига қараб борилади. Яъни кимё қозони – дунёда қайнаб, кейин Унга етиш мумкин.

И. – Навоий шеъриятининг етакчи мавзуларидан. "Хазойин ул-маоний" девонида "ишқ" радифли 2 ғазал мавжуд. "Ҳайрат ул-аброр"нинг 9-мақолатида И. ути таърифланган. "Фарҳод ва Ширин" достонида 233 марта, "Лайли ва Мажнун" достонида эса 240 марта И. сўзининг қўлланилиши бу тушунча Навоий ижодида нақадар катта аҳамият ва мавқега эга эканлигига яққол далил. Навоий олам ва одам яралишини И. туфайли, деб билади. И. Навоий дунёқарашининг асоси, моҳиятини ташкил этади. Борликдаги жамийки муносабатлар, сир-асрорлар, жумбоқ ва ечимлар И. жавҳарида мужассам. И. ҳам, Ошиқ ҳам, Маъшуқ ҳам аслида Олий идеал – Ҳақнинг ўзидир, дейди. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида И.нинг учта даражасини кўрсатиб утган. Биринчиси – авомуннос даражаси бўлиб, бунда И. нафсоний истаклар б-н омухта ҳолатда келади. Оддий одамлар И.нинг илоҳий моҳиятини англаб етмасдан, уткинчи гўзалликларнинг ташқи кўринишига маҳлиё бўлишлари тушунилади. Иккинчи даража – хос одамларнинг бўлиб, бунда дунё гўзалликлари, жумладан, инсонларга муҳаббат қўйиш орқали Аллоҳнинг қудрати ва жамолини севишдир. Учинчи даража – набийлар ва авлиёларга хос И. бўлиб, Аллоҳнинг гўзаллиги ва қудратини бевосита мушоҳада этиш ва ундан завқланиш туйғусидир.

2) "Лисон ут-тайр" достонида қушлар Симурғни излаш асносида учиб ўтадиган иккинчи водийнинг номи. Бу водий *талаб* водийсининг узвий давоми бўлиб, солик қалбида талаб комиллашгач, И. пайдо бўлади.

Машҳур тас. назариётчиси Боязид Бистомий тас-ий ишқдаги бехудлик йўли "сукр"ни ҳақиқий ошиқликнинг – маърифатнинг йўли, деб белгилаган. Бу йўл Жунайд Багдодий томонидан танқид қилинган ва унга қарши саҳв – ҳушёрлик концепцияси илгари сурилган бўлса-да, бироқ, тарихда суфийлар, айниқса, ижодкорларни бу йўл сершовқин жазбаси б-н ўзига тортга-

ни маълум. Фаридиддин Аттор ҳам Боязид ва Мансур Ҳалложнинг йўли ҳисобланган сукрни ёқлаб, "Мантиқ ут-тайр"да И. – маърифат, яъни Аллоҳни таниш илмининг ибтидосидир, дейди.

Навоий тариқатдаги маслаги бўйича Жўнайд Багдодий йўли бўлмиш саҳвни ёқласа-да, Мажнун, шайх Санъон каби қаҳрамонлари орқали сукрга ҳам рағбат билдиради. "Лисон ут-тайр"да И. талабнинг узвий давоми, маърифатнинг бошланиши сифатида тасвирланади. Мазкур водийда қушларнинг қалбини Симурғнинг И.и банд этади, натижада улар ўзларини ва дунёни унутадилар.

Ушбу водий тавсифи учун Навоий араб тилшунос олими Асмаъий б-н боглиқ ҳикоятни келтиради. Ҳикоятга кўра, Асмаъий ҳажга кетаётиб, бир чашма бошида ёзув битилган тошни кўради. Тошда шундай деб ёзилган эди: "Эй Ҳижоз аҳли! Бир сирнинг чорасини топсангиз: агар киши И.га мубтало бўлиб, И. уни сабру қароридан жудо этган бўлса, нима қилсин?"

Асмаъий қўлига қалам олиб, ёзув тагига шундай сўзларни битади: "Кимки бу ҳалокатли йўлга кирган бўлса, ундан кўрқмасин". Бу сўзларни ёзиб бўлиб, Асмаъий яна йўлида давом этади. Эртасига яна шу жойга келиб қараса, тошда янги ёзув пайдо бўлган экан: "Агар ошиқ пок бўлсаю, И.ни яширин сақласа, лекин муҳаббат шиддатидан тоқати тоқ бўлиб, васлга эҳтиёж сезса, бунинг иложини топмаса, нима қилсин?" Асмаъий бу сўзларни ўқиб, қалами б-н шундай деб ёзиб қўяди: "Агар ўша дардли инсон насиҳатларимдан ўз мақсадига эришмаган бўлса, ўлсин ва И. ўтидан ўзини халос қилсин!"

Орадан бир кун ўтиб, ошиқнинг жавобини билиш учун ўша жойга келган Асмаъий чашма ёнида бошини тошга уриб, ўзини ҳалок этган бир кишини кўради. Асмаъий бу ҳолдан азобланиб, ҳалок бўлган ошиқ учун мотам тутади ва марҳумни қабрга қўяди. Ушбу ҳикоятдан ошиқнинг асосий маслаги – И. йўлида жисмдан воз кечиш ва ёр учун ўлмоқликни афзал билиш, деган хулоса келиб чиқади.

3) "Лайли ва Мажнун" достонининг 9-бобида тилга олинган водий номи. Унда шоирнинг қоронғи тунда хаёл отига миниб, сайрга чиқиши тасвирланган. И. водийсига етганда от оқсоқланиб, юролмай қолади. Кучли ёмғир ёғиб, момақалдироқ гулдураб, чақин чақади. Чақин ёруғида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон суякларини, ваҳший ҳайвонларни кўради. Бу тасвирларнинг ҳаммаси муайян рамзлардан иборат бўлиб, тун-ҳажр туни, водий эса И. водийси, ваҳший ҳайвонлар ошиққа хуруж этган балою офатлар, суяклар – И. қурбонларидан нишона.

Чун водийи ишқ топти манзил,
Ўтмаклиги мушкил эрди, мушкил.

ИШТИҚОҚ (ар. – бир сўздан бошқа сўз ҳосил қилиш) – бир ўзакдан ҳосил бўладиган бир нечта сўзни бир байт ёки жумлада қўллаш санъати. И. поэтикага оид манбаларда турли ном б-н ("Таржумон ул-балоға"да муқтазаб, "Илми бадеъ дар адабиёти форсий"да иқтизоб, "Жамъи мухтасар" ва "Ал-муъжам" да И.), деб аталган. Айрим ад-тшуносслар И.ни алоҳида санъат эмас, балки тажнисниинг бир тури сифатида таърифлаганлар ("Таржумон ул-балоға", "Ҳадойиқ ус-сеҳр").

И. санъати ҳар бир тилнинг ички қонуниятлари доирасида шаклланади. Жумладан, форсий ва туркий сўзларда ўзакка турли аффикслар қўшиш б-н янги маъно ёхуд маъно жилвалари ҳосил қилиш характерли бўлса, арабча сўзларда ички флексия асосий ўрин тутади.

И. санъатининг ишлатилиши бир байт доирасида (рубоий ва туюқда тўрт мисра ичида) амалга оширилса, Алишер Навоий ижодиётида қатор байтлар ёки барча байтда И. мунтазам равишда ишлатилган, натижада, муайян бир услуб ҳосил қилинган ғазалларни ҳам учратиш мумкин:

Зиҳи висолингга ***толиб*** *тутуб*
ўзун ***матлуб,***
Муҳаббатидин отингни
ҳабиб *атаб* ***маҳбуб.***
Уружунг оқшоми бўлмай тўқуз
сипеҳр ***ҳижоб,***
Юзунг хижолатидин меҳр улуб
вале ***маҳжуб.***
Ўт ичра тушса, бўлур
нисбати *самандардек,*

Кишики, ишқинг ўтиға
ўзин қилиб ***мансуб.***
Итинг ***ҳисобиға*** *кирган* ***ҳисоб*** *вақтида,*
Агарчи журми эрур ***беҳисоб****, эмас* ***маҳсуб.***
Китобат *этмаганингдин*
қаламда нол эмас,
Ки тушти кўнгли аро тоб,
ўйлаким, ***мактуб.***
("Гаройиб ус-сиғар", 40-ғазал).

И. оддий сўз ўйини эмас, балки у ёки бу сўз шаклининг ўзгариши мазмун тақозоси б-н юзага келади, янги шаклнинг ҳосил бўлиши дастлабки маъно б-н боғлиқ бўлган янги тушунчани ҳам пайдо қилади. Шу асосда, И.ни муштарак санъатлар сирасига киритиш лозим.

ИШОРА (ар. – бирор нарсани қўл билан кўрсатиш) – Қуръон ва ҳадислардаги маъноларни қисқа сўзлар орқали бадиий матнда ифода этишга асосланган маънавий санъат. И.ҳақида дастлабки маълумотлар араб адабиётшунослари Ибн ал-Муътаз, Қудома ибн Жаъфар, Абуҳилол ал-Аскарий асарларида учрайди. Жумладан, ал-Аскарий бу санъат Қуръони каримдаги оятлар асосида пайдо бўлгани ҳақида маълумот бериб, далил сифатида "Моъун" сурасининг биринчи оятини келтиради. Бадиий ад-тда Қуръон оятлари ҳамда ҳадиси шарифни айнан келтирмасдан, улардаги маъноларига далолат қилувчи сўзларни шеър ё насрда келтириб, шу орқали матндаги ғояни исломий манбалар орқали янада қувватлантириш – И.санъатининг асосий шарти ҳисобланади. Ўзбек ад-тида бу санъат, айниқса, Алишер Навоий асарларида жуда кенг қўлланилган. Жумладан, Навоийнинг:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон булса,
обод айлагай. –

деган машҳур байти "Кимки бир мўминнинг кўнглини бузса, дарҳақиқат, у Аллоҳ таолонинг уйини бузибдир" мазмунидаги ҳадисга ишорадир. И. бошқа маъий санъатлардан матнда диний тушунча ва атамалар ҳамда муайян оят ва ҳадис мазмунига мантиқий алоқани таъминлайдиган сўзнинг қўлланилиши билан фарқ қилади.

"ИҚБОЛИЯ" – Шайх Алоуддавла Симнонийнинг асари. Суфийлар ҳаёти б-н боғлиқ ривоят ва ҳикматлардан иборат. Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да машҳур шайхларнинг ушбу асардан олинган ҳикматли сўзларини келтиради.

ИҚТИБОС (ар. – нур олиш, зиёланиш) – 1) кўчириб олинган матн, кўчирма; 2) Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг матнини адабий асарда айнан келтиришга асосланган бадиий санъат. И. санъатига араб ва форс манбаларида турлича таъриф берилган. Аллома Қутбиддин Шерозий ва Саъдиддин Тафтазоний талқинига кўра, И. – машҳур мақол ё масал мазмунига ишора қилиш ёки адабий матнда келтириш усулидир. Атоуллоҳ Ҳусайний "Бадоеъ ус-саноеъ" ("Бадиий санъатлар") асарида И.нинг тўрт шаклини кўрсатади: 1) кўчирма айнан келтирилиб, мазмунига мувофиқ талқин қилинган; 2) айнан кўчирилган матн бошқа маънони ифодалашга хизмат қилади; 3) И. матни жузъий ўзгаришга учраган; 4) И.қилинган матн ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ўзгаришларга учраган. Ҳусайн Воиз Кошифий И.га Қуръон оятлари ва ҳадис матнидан парчаларни шеърда айнан, ўзгаришсиз истифода этиш санъати, деб ҳисоблайди. Ўзбек мумтоз ад-тида И. санъати, айниқса, Алишер Навоий асарларида кўп қўлланилган. Навоий шеърий асарларида кўпинча оят ва ҳадисни тўлиқ эмас, балки маълум бир бўлагини келтириш орқали унинг мазмунига ишора қилади. Мас., "азза ман қанаъ ва залла ман тамаъ" (қаноат қилувчи азиз, тамаъгир эса хору залил-дир) ҳадиси ўнлаб байтларда ишлатилган. Жумладан:

Хорликлар бошин тамаъ билғил,
Доимо азза ман қанаъ билғил.

Насрий асарларнинг муқаддималарида, "Хамса"нинг мусаж'жаъ сарлавҳаларида И.турлича шаклда қўлланган. Бирдан ортиқ оят ва ҳадис келтирилган ўринлар дебоча ва сарлавҳаларда кўп учрайди. Иқтибос қилинган оят ва ҳадислар, асосан, ахлоқий мавзуларда бўлиб, Алишер Навоий инсонийликнинг муҳим шарти бўлмиш гўзал ахлоқни тарғиб қилишда диний матнлардан усталик билан фойдаланган.

И. ўз моҳиятига кўра талмиъ, тазмин санъатларига ўхшаб кетади. Фарқи шуки, талмиъ ва тазминда фақат шоирнинг икки тилда шеър айта олиш салоҳиятини намоён этиш ёки машҳур мисра ё байтни келтириб, ўша байт даражасида шеър айта олиш имкониятини намоён этиш мақсад қилинган бўлса, И.да оят ва ҳадис келтириш воситасида айтилган фикрни рад этиб бўлмас ҳақиқат даражасига кўтариш, шеърга нур ва зиё бағишлашдир.

Й

ЙИГИРМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксон тўртинчиси. Бу феъл Навоий асарлари тилига оид манбаларда турлича изоҳланган: *айланмоқ, тусланмоқ жирканмоқ, ижирғанмоқ, ирганмоқ.*

Қувонурмен ул ойни ҳар неча кўрсам,
Мени гарчи ул неча кўрса йигирдик.

("Наводир уш-шабоб", 339-ғазал)

– **йигирмак** – *толани эшмоқ, игирмоқ* маъносини англатувчи бу феъл *дук* маъносини англатувчи *йиг* отидан *–(и)р* қўшимчаси б-н ясалган: **йиг + ир** / **йигир.** Бу сўз ҳоз. ўзбек тилида ҳам *игирмоқ, йигирмоқ* тарзида қўлланади ва *айланмоқ, тусланмоқ, йўгурмоқ* маъносидаги биринчи феъл б-н шаклдошлик ҳосил қилган.

ЙИГИТ АҲМАД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Йигитлигидаёқ тавба мақомига эришиб, доимий риёзатда бўлганлиги учун туркий қавмлар орасида шуҳрат топган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

ЙИР / ЖИР – ўзбек, қозоқ ва бошқа қатор туркий халқларда ашула, қўшиқ, шеър ифодаси.

Муғанний, улуғ йир навосини туз,
Бижир кукка пийпо садосини туз!

("Садди Искандарий", 52-боб)

ЙИҒОЧ I – 1) дарахт, ёғоч:

Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ
шоҳу гадоға имтиёз,
Ўт аро тенгдур қуруқ
ё ўл йиғочнинг ҳирқати.

("Фавойид ул-кибар", 649-ғазал)

2) мажозий маънода ишқдан хору забун бўлган ошиқ жисми:

Қуруқ жисмимни ғам тийғидин асрар
дард ила шавқунг
Йиғочқа кесмагидин уйлаким бўлғай
самар мониъ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 294-ғазал)

ЙИҒОЧ II – масофа ўлчови маъносида, бир йиғоч – тахминан саккиз километрдан ортиқроқ:

Вале ул чашма то бу қасри офат,
Топибдур ўн йиғоч чоғлиқ масофат.

("Фарҳод ва Ширин", 30-боб)

К

КАБКИ ДАРИЙ (КАКЛИК) – қуш номи. Мумтоз шеъриятда, хусусан, Навоий ижодида асосан маъшуқнинг қадди ва чиройли қадам ташлашига, жилваланишига муқояса қилинган.

Қадининг жилвасин юз ноз ила
бўстон аро кўрган,
Дегай, товуси раъно
ё магар кабки дарийдур бу.
("Фавойид ул-кибар", 520-ғазал)

"Лисон ут-тайр" достонида Симурғ сари йўлга чиққан ва Ҳудҳуд б-н савол-жавоб қилган қушлар қаторида иштирок этади. Достонда бу образ узлатни макон тутган зоҳид (ёки руҳиятнинг ўз ибодатларига ружу қўйиши) мисолида талқин қилинади.

Ушбу тимсол орқали Навоий ибодатга ружу қўйган зоҳид асл ҳақиқатдан – Аллоҳдан узоқдадир, деган ғояни олга суради:

Ёна ажз айлаб аён Кабки дарий,
Деди: "К-эй мажмуъи қушлар раҳбари.
Мен қушедурмен –
кўҳистон манзилим,
Онда Тенгри ҳамдиға зокир тилим.
("Лисон ут-тайр")

КАБУТАР – қуш номи. Дунё мифологиясида руҳ, тинчлик маъносини англатади, туркий халқлар асотир ва эртакларида ҳам "девларнинг жони кабутар шаклида бўлар эмиш" деган тушунча мавжуд. Шу б-н бирга, одам руҳига ҳам муқояса қилинади. "Мантиқ ут-тайр"да бу образ келтирилмаган. Уни достонга Навоий киритган.

"Лисон ут-тайр"да К. уй-жойига асир бўлган одам ёки вужудига асир нотавон руҳ тимсолида талқин қилинади:

Сўнгра шарҳ этти Кабутар арзи ҳол,
– "К-эй ҳидоят фаннида соҳиб камол.

Барча қушлар ичра ҳайли ло ямут,
Манга қисм этмиш улус илкида қут.
("Лисон ут-тайр", 45-боб)

Навоий шеъриятида ҳам бу образ инсон кўнгли ёки жонига муқояса қилинади:

Кўнглум зақанинг ичра кўруб ёйдинг
анга зулф,
Чоҳ узра кабутарға ёяр домини сайёд.
("Наводир уш-шабоб", 117-ғазал)

КАЁНИЙЛАР – Қадимги Эронда етти юз йилга яқин ҳукмронлик қилган сулола. Тарихий манбаларда тўққиз киши (*Искандарни қўшганда* – ўн киши) К. сулоласига мансуб. К. ҳақида "Садди Искадарий" достони ҳамда "Тарихи мулуки Ажам"да маълумот берилган.

КАЙКОВУС – Қадимги Эронда ҳукмдорлик қилган Каёний подшоҳ. "Тарихи мулуки Ажам"га кура Кайқубоддан сўнг тахтга ўтирган К. субутсиз ва ҳардамхаёл киши бўлган. Катта салтанат соҳиби бўлгани б-н бир неча марта асир тушган. Мозандарон шоҳи қўлига асир тушганида Рустам Ҳафтхон йўлидан бориб, уни қутқаради. Иккинчи марта Яман султони Зулъизор Ҳимярий К.ни давлат арбоблари б-н бирга асир олиб тутқунликда сақлайди. Рустам Зулъизор б-н тинчлик битими тузиб, Зулъизорнинг қизи Судобани К.га никоҳлаб беради. К. Рустамга бу садоқати эвазига Меҳрноз исмли жиянини никоҳлаб, амирлик унво-

нини беради. К.нинг бадгумонлиги ва калтафаҳмлиги сабабли Сиёвушни Афросиёб қатл этади. Умрининг охирида Сиёвушнинг ўғли Кайхусравни ўзининг ўрнига – тахтга ўтқазади.

Чу Ковус маснад уза топти зеб,
Неча кун анга чарх берди фиреб,
Агарчи фалакка етурди ани,
Фалакдин вале ерга урди ани.

("Тарихи мулуки Ажам")

КАЙҚУБОД – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган подшоҳ. Каёнийлар сулоласининг асосчиси. Зоб бин Таҳмосбнинг авлодларидан. "Тарихи мулуки Ажам"га кўра, К. шоҳ бўлгунига қадар Жайҳун соҳилларида туркий қабилалар б-н урушган. Пешдодийларнинг сўнгги вакили – Гиршосб Афросиёб б-н бўлган уруш вақтида тўсатдан вафот этгач, Рустам отаси Золи Зарнинг кўрсатмаси б-н К.ни Албурз тоғидан олиб келиб, Эроннинг шоҳи деб эълон қилади ва Афросиёбни Эрондан чиқариб юборади. К. Рустамга жаҳонпаҳлавонлик номини бериб, лашкарбоши этиб тайинлайди. К. бир юз йигирма йил подшоҳлик қилган.

Чу тузди жаҳон базмини Кайқубод,
Суруди каёний била эрди шод.
Вале қилди чархи мухолифсияр,
Анинг доғи хунёгарин навҳагар.

("Тарихи мулуки Ажам")

КАЛОМИ ЖОМИЪ (ар. – жамловчи, умумлаштирувчи сўз) – шеърда ёки байтда панд-насиҳат, ўгит, ахлоқ-одобга оид, замон ва замондошлардан шикоят б-н боғлиқ фикрларни келтиришга асосланган шеърий санъат. К.ж. ҳақидаги дастлабки маълумот Умар Родуёнийнинг "Таржумон ул-балоға" (11-аср) асарида келтирилган бўлиб, муаллиф ушбу санъатга қуйидагича таъриф беради: "Балоғат илмига хос санъатлардан бири шундан иборатки, бунда шоир ўз нутқини ҳикматли сўз, панд-насиҳат, тақдирдан шикоят ва шу кабилар б-н безайди". Шунга ўхшаш фикрлар илми бадиъга доир форсий тилдаги бошқа мумтоз манбалар – Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқ ус-сеҳр" (12-аср), Шарафиддин Ромийнинг "Ҳақойиқ ул-ҳадойиқ" (14-аср), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Бадоиъ ул-афкор" (15-аср), Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоийиъ ус-санойиъ" (15-аср) асарларида ҳам баён қилинган. Туркий ад-тшуносликда К.ж. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" (1436–37) асарида келтирилган.

Алишер Навоий асарларининг деярли барчасида панд-насиҳат, ўгит, ахлоқ-одобга доир фикрларни учратиш мумкин. Хусусан, "Назм ул-жавоҳир"даги рубоийлар бошдан-оёқ К.ж. санъати асосида ёзилган. Мас.:

Ҳар кимки ҳабибинг ўлса эврул бошиға,
Маҳв ўл юзига, жонни фидо қил қошиға,
Тош урса, равонингни
туфайл эт бошиға,
Таждиди муҳаббат англа
бормоқ қошиға.

Навоий ғазалларининг аксариятида ахлоқий ёки ижтимоий руҳдаги байтлар учрайди. Шунингдек, тўлалигича ижтимоий-ахлоқий масалаларга бағишланган кўплаб ғазаллари ҳам мавжуд. Мас., шоирнинг қуйидаги матлаъ б-н бошланувчи ғазали давр ва давр аҳлидан шикоят асосига қурилган:

Топмадим аҳли замон ичра
бир андоқ ҳамдаме
Ким, замон осибидин
бир-бирга айтишсоқ ғаме.

("Наводир уш-шабоб", 576-ғазал)

К.ж. санъати Алишер Навоийнинг фақат лирик шеърларида эмас, балки "Хамса" таркибидаги достонлар, "Лисон ут-тайр" достони ва б. насрий асарлари таркибидаги шеърий парчаларда ҳам қўлланилган.

КАМОЛИДДИН ЗОҲИД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. *Шайх Низомиддин Авлиё*нинг шогирди. Деҳлидаги Фаридхон масжиди ёнида дафн этилган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

КАМОЛ ТУРБАТИЙ (15-аср, Турбат) – форс-тожик шоири. Асосан Табриз ва Машҳадда яшаб ижод қилган. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"да маълумот беришича, "кўп диққатлиқ, табълиқ киши эрди. Хожа Ҳофиз ғазалларидан кўп мухаммас қилибдур".

Кўпдан буён кўришиш орзусида юрган Навоий Машҳадда таҳсил олаётганида бир ҳужрада касал бўлиб, ёлғиз ва қаровсиз ётган пайтида танишиш бахтига муяссар бўлади. Қурбон ҳайити арафасида муқаддас жойларни зиёрат қилиш, бева-бечоралардан ҳол-аҳвол сўраш одатга айланган. Шунда шоир ётган мадрасага ҳам ташриф буюрган бир гуруҳ кишилар деворга битилган шеър устида баҳслашиб қоладилар. Улар орасидаги ёши улуғ бир киши бошқаларга ўз фикрини ўтказиб, шерикларини мулзам қилади. Шунда Навоий хаста бўлса ҳам баҳсга сабаб бўлган масалага доир ўзининг муносабатини билдиради. Буни эшитган ёши улуғ киши ўз фикридан қайтиб, ёш Навоийга таҳсин айтади. Кейин маълум бўлишича, у ҳаж сафарига отланган ва Машҳадда тўхтаган К.Т. экан. У ҳам Навоий ҳақида кўп эшитган ва уни бир кўришга орзуманд эди. К.Т. манзилига қайтгач, Навоийга ҳайитлик юборади ва унинг аҳволидан хабар олиб туради. Ҳаж сафаридан қайтиб келгач, Турбатда вафот этади.

КАМОЛ ХЎЖАНДИЙ (1318–23, Хўжанд – 1401, Табриз). – форс-тожик шоири. Хўжандда туғилган ва бошланғич таълимни шу ерда олган. Кейин таҳсилни Самарқанд, Хоразм ва Тошкентда давом эттирган. Араб тили ва ад-тини чуқур ўрганиб, ўз даврининг фиқҳ, калом, ҳикмат, тафсир, ҳадис, тас. каби асосий илмларини ўзлаштирган. Деҳқончилик ва богдорчиликдан ҳам хабардор бўлган. 14-асрнинг ўрталарида ҳаж нияти б-н сафарга чиқиб, қайтишда Табризда яшаб қолади. 1375–1383 й.да Ироқ ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилган Султон Ҳусайн Жалойир унга Табриз яқинидаги Волиёнкўҳ мавзеидан бир боғ туҳфа қилган. У боғини обод қилиб, Беҳишт деб атайди ва топган даромадини бева-бечораларга эҳсон қилади. 1385 й. Дарбанд ва Табризни истило қилган Дашти Қипчоқ шоҳи Тўхтамишхон К.Х.ни ҳам ўзи б-н Олтин Ўрда пойтахти – Сарой ш.га олиб кетади. У шоҳнинг яқинлари қаторидан ўрин олиб, саройда осуда яшайди ва Тўхтамишхоннинг ҳарбий юришларида иштирок этади. У 11 й. Сарой шаҳрида яшаб, 1396 й. яна Табризга қайтади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумот беришича, К.Х.нинг валийлик ва иршодлик даражаси юксак бўлиб, шоирлик салоҳияти шайхлиги даражасида эмас. К.Х.нинг девони 4 қасида, 917 ғазал, 101 қитъа, 1 мустазод, 37 рубоий, 1 мўъжаз маснавий, 11 муаммо ва 7 пароканда байтдан иборат бўлиб, жами 7335 байтни ўз ичига олади. Шеърлари содда тил, равон услубда ёзилган, бадиий санъатга бой бўлиб, ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир кўрсатган.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да К.Х. га алоҳида боб ажратиб, унинг шеъриятга майл кўрсатиши ўз ҳолини шеър пардасига ўраш учундир, дейди. "Маҳбуб ул-қулуб"да К.Х.ни "мажоз тариқи адоси назмига юлиб" шоирлар сирасига киритади.

КАМОЛИДДИН ИСМОИЛ, Абулфайз Камолиддин Исмоил ибн Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдураззоқ Исфаҳоний (1170/73 – Исфаҳон – 1237) – форс-тожик шоири.

К.И.нинг отаси Жамолиддин Исфаҳоний ҳам таниқли шоир бўлган. К.И. йигирма ёшидаёқ қасиданавис шоир сифатида танилган, моҳир заргар ҳам бўлган. Умрининг охирида хилватга чекиниб, тасаввуфни танлайди. Мўғул жангчилари томонидан ўлдирилган.

Шоир девони 15 минг байтдан иборат бўлиб, қасида, ғазал, қитъа, таркиббанд ва рубоий жанрларини ўз ичига олган.

У форс-тожик ад-тида, асосан, қасиданавис шоир сифатида танилган. Қасидалари улуғ шайхлар, Форс отабеклари, Табаристон ва Хоразмшоҳ ҳокимлари ҳамда илму ад-тнинг машҳур намояндаларига бағишланган. У айни пайтда, у форс-тожик ад-тидаги машҳур рубоийнавис ҳам бўлган. Ундан бизгача 867 рубоий мерос қолган.

Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"да уни мажозий муҳаббатни маҳорат б-н тасвирлаган шоирлар жумласига киритади.

КАМОЛИДДИН УДИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва созанда. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўз давридаги яхши созанда сифатида халқ эътирофига сазовор

бўлганлигини, табъи ҳам мулойим экан-лигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Намехоҳам зи дида бар
рухат ойинае созам,
Зи мужгон баҳри зулмат
анбаросо шонае созам.

(Мазмуни: Кўзимни сенинг юзинг ойинаси қилмоқчи эмасман, киприклардан зулфингга анбар таратувчи тароқ қилмоқчимасман).

КАМОЛИДДИН ҲУСАЙНИЙ (15-аср, Ҳирот) – мусиқашунос, созанда, бастакор. Навоий уни болалигидан тарбиялаб, ҳомийлик қилган. Соз чалишни Маҳмуд Ҳусайний, Мавлоно Алишоқ, Мир Муртоз, мусиқа наз-ясини Хожа Абулвафо Хоразмий, Хожа Шаҳобуддин Марварид каби ўз давринининг машҳур созанда ва мусиқашуносларидан ўрганган. Уд, қонун ва танбур чалишда моҳир бўлган. Хондамир унинг "овози уд овозига ниҳоятда мос тушади, устодлик ишлари ва нақшу амални ёд билади", деб ёзади. Шунинг учун ҳам Устод Ҳусайн номи б-н машҳур бўлган. "Бузрук", "Наво", "Ушшоқ", "Ҳусайний" мақомлари вазнида "Нақш", "Пешрав", "Амал" силсилаларини яратган. "Нақши Ҳусайний", "Амалоти Ҳусайний" каби куйлар унинг машҳур мусиқаларидан ҳисобланади.

"КАНЗ УР-РУМУЗ" – Амир Ҳусайнийнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзган маснавийси. Ушбу маснавийда ирфоний тушунчалар суҳравардийлик тариқати асосида талқин қилинган. Муаллиф ўз пири Шайх Закариё Мултонийнинг маноқиби ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берган. Навоий ушбу асардан "Насойим ул-муҳаббат"ни ёзишда фойдаланган.

КАНОРКАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттиз олтинчиси. Бу сўз Навоий асарлари луғатида ганаргамак тарзида ўқилган ҳамда *очмоқ, ёймоқ, тўшамоқ* маъноларини англатиши айтилган. Навоий асарларида айни шу шаклдаги феъл учрамайди.

КАНЪОН I – ҳозирги Фаластиндаги минтақа номи. Айрим манбаларда, Ҳом ибн Нуҳнинг К. ўғли номи б-н аталган, дейилади. Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф каби пайғамбарларнинг ватани.

"... Ҳамул кечаким Исҳоқ а. с. бақо оламига юзланди, Яъқуб а. с. Канъондин махфий чиқиб, Шом диёрига азимат қилди".
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

КАНЪОН II – Нуҳ пайғамбар тўртинчи ўғлининг исми. Буюк Тўфон ҳодисаси содир бўлганида отасига қулоқ солмай тоққа чиқиб кетади, натижада сувга чўкиб ҳалок бўлади. К. тақдири ҳақида "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да маълумот берилган.

КАНЪОН III – Зулкифл пайғамбар даврида яшаган ҳукмдор. Зулкифлнинг кафиллиги б-н имонга келган ва тожу тахтни тарк этиб, ибодат б-н шуғулланган. Бир фаришта одамларга Зулкифл кафиллиги туфайли К. вафотидан сўнг жаннат аҳлидан бўлганлиги ҳақида хабар етказади. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да К. қиссаси мухтасар тарзда ёритилган. *"Ривоят будурким, Ҳақ таоло пайғамбари кафолати жиҳатидин Канъонға раҳмат қилиб, биҳишт насиб қилди."* ***("Тарихи анбиё ва ҳукамо").***

КАРДУЯ, Абулҳасан (ваф. 1209) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шерозда хилват ва узлатда яшаган. Хизр (а.с.) б-н ҳамсуҳбат бўлган. Рўзбеҳон Бақлий Шерозийнинг дўсти. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

КАРИМИДДИН МАВЪИДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Таваккул, тажрид ва тафрид б-н яшашни ҳаётнинг маслаги, деб билган ва унга сўзсиз амал қилган Дўстига берган ваъдасига вафо этиш учун қирқ йил бир жойда яшаган. Қабри Деҳли намозгоҳининг ёнида. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

КАРНАБИЙ, Абу Жаъфар – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодийнинг яқин сафдоши. Баъзи манбаларда Жунайдга устозлик қилгани ҳам айтилган. Тас.даги бўъд ва қурб ҳақидаги сўзлари машҳур. Унга кўра, *бўъд* ва *қурб* нисбий тушунчалар бўлиб, Худо аслида бандаларига жон томиридан ҳам яқинроқдир. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

КАТТОНИЙ, Абубакр Муҳаммад бин Али бин Жаъфар Бағдодий Каттоний (ваф. 934) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Жунайд Бағдодий*нинг муриди. Маккада узоқ йиллар мужовир бўлиб, ўша ерда вафот этган. Муртаъиш А.К.ни Макканинг чироғи, деб айтган. Хизр б-н ҳамсуҳбат бўлган авлиё. Муҳаммад алайҳиссаломни тушида кўп кўргани, ул зотдан турли мушкулликларга ечим сўраб тургани учун "Расулуллоҳнинг шоғирди" деган ном олган. Абу Амр Зужжож, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Абулҳусайн Сирвонийи Сағир, Иброҳим Хаввос, Абулҳусайн Даррож, Абу Жаъфар Домғоний, Абубакр Заққоқи Кабир б-н ҳамсуҳбат бўлган. Тазкирада қизи Фотима ҳам орифа аёллар сафида тилга олинган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

КАФШИРИЙ, Абубакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Суриядаги Кафшир қишлоғида туғилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

КАҲМАС БИН ҲУСАЙН ҲАМАДОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Форс ўлкасининг Ҳамадон шаҳридан. Жунайд Бағдодий б-н Ҳамадон ва Бағдодда учрашган. Кўп машойихлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

КАҲРАБО (ф.) – 1. Сариқ рангли шаффоф, ялтироқ ва қаттиқ тош; тош қотган елим. 2. Маж.: сариқ, заъфарон ранг.

Агар К. чармга ишқаланиб, сомон, хас ва ш.к.га яқинлаштирилса, оҳанрабо каби уларни ўзига тортиш хусусиятига эга бўлади. Шундан келиб чиқиб, Шарқ мумтоз шеъриятида К. ва сомон асосий тимсоллардан бирига айланган. Бунда К. – илоҳий жазба, сомон (хас, қил, чўп ва ҳ.к.) эса ошиқ рамзи маъносида қўлланган.

Майи асфарки тўкулмиш,
қўюбон юз ичсам.
Каҳрабони кўрунгиз,
жилва қилар коҳ чекиб.
("Ғаройиб ус-сиғар", 63-ғазал)

К. ерда ётган хасни ўзига тортиб жилваланганидек, хумори ҳам ерга тўкилган заъфарон майни ютоқиб симирса, ажаб эмас. Бу ерда Навоий сариқ майни К.га, сомонни ўзига нисбат бераяпти.

КАШФ (ар. – ошкор бўлиш, бир нарсанинг парда ортидан чиқмоғи) – моддий ва маънавий ҳижобларни бартараф этиш орқали ғайб оламидаги маъноларни идрок этиш. Айрим манбаларда пайғамбарлик рутбаси бўлмаган кишининг фаришталар б-н ғаплашиши ҳамда ғайб оламини мушоҳада эта олиши К. деб аталган. К.ни тас. назариётчилари турлича талқин ва таҳқиқ қиладилар. Жумладан, Абдуллоҳ Занузий К.ни ҳар бири беш турдан иборат икки қисм – К.и суварий ва К.и маъ-ийга ажратади. Шариат аҳлининг ҳукмига кўра, К. – бўлиши мумкин нарса. У Аллоҳ таоло томонидан бандага берилган фазл, синов имтиҳон. К. б-н эътиқод собит бўлмайди, янги шаръий ҳукм ўз исботини топмайди. К. шариат ҳукмига тўғри келсагина, уни тасдиқлаш мумкин.

Нажмиддин Розий "Мирсод ул-ҳидоя" асарида К.нинг турлари ҳақида фикр юритиб, ақл ва сезгиларнинг ривожи туфайли ҳосил бўлган К.ни "назарий К.", кўнгилнинг сафоси ва илоҳий нурлар тажаллийси туфайли ҳосил бўлган К.ни "шуҳудий К.", инсон сиррида пайдо бўлган К.ни "илҳомий К.", руҳ оламида пайдо бўлган К.ни "руҳоний К.", деб атайди. Қайсарийнинг фикрига кўра, дунёвий ишларга боғлиқ бўлган

кашфиётлар ҳақиқий К. ҳисобланмайди. Ҳақиқий К. инсоннинг асл моҳиятни англаш йўлидаги интилишлари ва саъй-ҳаракатлари натижасида пайдо бўладиган руҳий ҳолатдир.

Соқиё, ул кавсаросо бодадин
бир журъа тут
Ким, мени ҳайронға булғай
кашф сирри "лав кушиф".
("Ғаройиб ус-сиғар, 304-ғазал")

"КАШФ УЛ-МАҲЖУБ" – тасаввуф тарихи ва назариясига оид муҳим манбалардан бири; Абулҳасан Али бин Усмон Ҳужвирий Ғазнавий (11-аср)нинг асари. Муфассал сўзбоши, илм, фақр, тасаввуф, хирқа, фақирлик ва суфийлик масалалари ёритилган мукаддимавий боблар билан бошланиб, сўнг тасаввуф тарихида чуқур из қолдирган 53 шайх ҳақида маълумот берилган. 12 та тасаввуф тариқати ҳақида маълумот берилиб, 2 таси рад этилган. Кейинги бобларда тасаввуфнинг ҳол ва мақом, сукр ва саҳв, жуд ва исор, нафс ва ҳаво, валийлик ва каромат, фано ва бақо каби ўзак масалалари таҳлил қилинган. Учинчи қисмда руҳий тарбия ва сайру сулукнинг босқичлари ҳақида маълумот берилади. "Насойим ул-муҳаббат"да Ҳаким Термизий, Мансур Ҳаллож, Абубакр Сусий, Боб Фарғоний, Абулфазл Сарахсий, Абу Али Даққоқ, Абу Абдуллоҳ Достоний, Адиб Гумандий каби шайхларнинг таржимаи ҳолини ёритишда асосан "К."даги маълумотларга таянилган. Навоий Ҳужвирий Ғазнавий ҳақидаги фаслда "К." китоби ҳақида алоҳида ҳам тўхталиб, "бу фанда машҳур ва мўътабар китобдур", деб баҳо берган.

"КАШШОФ" ("Кашф этувчи") – Абул Қосим Маҳмуд бин Умар бин Муҳаммад Замахшарийнинг Қуръони Карим тафсирига бағишланган асари. Тўлиқ номи – "Ал-кашшоф ан ҳақойиқ ит-танзийл ва уйун-ил-ақовийл фи вужуҳ ит-таъвийл тафсир ал-Қуръон" ("Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўз моҳиятини очиш"). 1332–1334 й.да Маккада ёзилган. Асар Қуръони Каримнинг ақл асосидаги тафсири сифатида алоҳида аҳамиятга эга. "К."да Қуръони Карим матни филологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Асарнинг юзга яқин қўлёзмаси, унга ёзилган 20 дан ортиқ шарҳи бор. "К." ҳоз. кунгача Қуръонни ўрганишда асосий қўлланма ҳисобланади. Навоий ушбу асар номини "Маҳбуб ул-қулуб"нинг учинчи қисмида тилга олади.

КАЪБ ҚИЗИ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Атторнинг "Илоҳийнома" достонида исми Робиа деб аталган. Абусаид Абулхайр унинг муҳаббатига илоҳий деб сифат берган. Форс тилида шеърлар ёзган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"да келтирилган ғазалидан 5 байт иқтибос киритган.

КАЮМАРС – Пешдодийлар сулоласининг илк вакили. Навоий қўллаган манбаларда К.ҳақида ихтилофли маълумотлар берилган. Зардуштийлар К.ни биринчи Одам (Гилшоҳ – балчиқдан яратилган, илк Одам) деб ҳисобласалар, баъзи форсий манбаларда Одам (а.) ёки Нуҳ (а.)нинг набираси дейилади. Байзовий, Жалолий, Банокатий ва Ғаззолий асарларида бу фикр рад этилган. Шоҳлик ва давлатчиликнинг илк асосчиси сифатида эътироф этилган. Дамованд тоғи этагида Теҳрон ҳамда Истахр шаҳрига асос солган. Қирқ йил ҳукмронлик қилади. "Шоҳнома"да Аҳриманга қарши урушгани ва бу урушда ўғли Сиёмак ҳалок бўлгани ҳақида сўз боради, аммо Навоий бу маълумотларни келтиришни лозим кўрмаган. Набираси Ҳушангни валиаҳд қилганидан сўнг оламдан ўтади.

К. ҳақида "Тарихи анбиё ва ҳукамо" ҳамда "Садди Искандарий" достонида маълумот берилган.

КЕЗАРМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксон еттинчиси. *Айланиб юрмоқ* маъносидаги мазкур феъл қадимги туркий тилда ҳам мавжуд бўлган ва *кэзді* тарзида талаффуз қилинган: *ол јэріг кэзді* – ерни қазиб айланиб юрди. Навоий асарларида ҳам бу сўз шу маънода қўлланган: кезмоқ, айланиб юрмоқ, сайр қилмоқ.

"...кўп сафар қилибтур ва ақолимни кезибтур ва неча қатла ҳажға яёқ боribтур".
("Насойим ул-муҳаббат")

Гар Навоий ёридек йўқ
олам ичра, не ажаб,
Ким кезиб оламни маҳвашлардин
они танламиш.
(“Наводир уш-шабоб”, 249-ғазал)

Баъзи манбаларда ушбу феъл *очлик ҳис этмоқ; қурумоқ, ёрилмоқ* (лабга нисбатан) маъноларини англатиши таъкидланган.

КЕШ – 1) дин, мазҳаб, одат:
Кўзларинг кеши эрур куфр эмас ҳеч ажаб,
Аҳли ислом сени гар десалар кофиркеш.
(“Фавойид ул-кибар”, 246-ғазал)

2) муносиб, лойиқ:
Хуштурур кўнглумда
зулфу қаддидин наълу алиф
Ким, бу қурбондек топилмас
андоқ ўқу ёға кеш.
(“Гаройиб ус-сиғар”, 248-ғазал)

3) тарихий шаҳар ва вилоят. Ҳозирги Қашқадарё вилоятининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Мил.ав. 7-асрдаги хитой манбаларида Цюйша шаклида учрайди. Дастлаб К. Китоб шаҳрининг ўрнида бўлиб, 7-асрда Сугд ўлкасининг бош шаҳрига айланган. Сомонийлар давридан аста-секин таназзулга учраган К. 13–14-асрларда ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида қайта тикланган. Амир Темур ва Темурийлар даврида К. улкан салтанатнинг йирик шаҳрига, барлос бекларининг ёзги қароргоҳига айлантирилган. Бу даврдан бошлаб К.нинг кейинги тарихи Шаҳрисабз билан боғлиқ бўлиб, бу ном 14-асрда халқ онгига узил-кесил ўрнашган. Шундай бўлса-да, шаҳарнинг қадимий номи талай вақт унинг янги номи билан бир қаторда қўлланилган.

“Сабъаи сайёр” достонида К.шаҳрига таъриф берилиб, унинг номи икки – Каш (Кеш) ва Шаҳрисабз билан машҳур бўлганлиги қайд қилинади:

Дедилар: «Кишваредурур дилкаш,
Оти ҳам Шаҳрисабз эрур, ҳам Каш.
Хизр монанд сабзадин ранги,
Сабзаси суйи кўзгуси занги.
Шаҳрисабз ўлди бизга чун мулкат,
Йўқ ажаб гар яшил дурур кисват».
(“Сабъаи сайёр”, 22-боб)

КЕШЛИҒ АТО – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган, асли шаҳрисабзлик бўлган исми номаълум шайх. Яссавийлик тариқатининг Хитойда ейилишида катта ҳисса қўшган. Унинг қабри гавжум зиёратгоҳга айланган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни “Насойим ул-муҳаббат”га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

КИМЁ – моддаларнинг тузилиши ва ўзгаришини ўрганадиган фан. К.нинг фан сифатида шаклланишини тадқиқотчилар Миср б-н боғлайди. Нил бўйидаги Искандария ш.да 1-асрда ёзилган рисолаларда кўпгина кимёвий маълумотлар, жумладан, кимёвий жиҳозларнинг кўринишлари, куйдириш, пиширий, тоблаш, қуруқ ҳайдаш, эритиш, кристалланиш, ажратиш ва б. усуллар ҳақида маълумотлар келтирилади. Мазкур манбада оддий металлардан олтин олиш гояси ҳам илгари сурилган бўлиб, бу мавҳум изланиш фаннинг ривожланишига маълум даражада тўсқинлик қилди, олимлар фикрини ўзга томонга – амалга ошмайдиган йўналишга буриб юборди. Абу Али ибн Сино “Ал-Қонун” китобида кимёгарларнинг хатоларини илмий жихатдан асослаб беради. У оддий металлардан нодир металлар, жумладан, олтин олиб бўлмаслигини биринчи бўлиб амалда исбот этган.

Ирфон аҳли К.ни икки тур – зоҳир К.си ва ботин К.сига ажратганлар. Зоҳир К.сида етти маъдан хосияти етти сайёра ҳаракатига (кумуш – Ойга, симоб – Зуҳрага, олтин – Қуёшга, темир – Миррихга, қалайи – Муштарийга, сурб – Зуҳалга) боғлиқ ҳолда ўрганилади. Кимёгарларнинг ақидаси бўйича, *иксир* (эликсир) моддаси туфайли қиймати паст маъданлар ўз хосиятини ўзгартириб, олтинга айланиши мумкин. Аммо маъданларнинг табдил бўлиш усул ва қоидалари табиий қонун-қоидаларга мувофиқ амалга ошмайди, балки бу сир фақат маъданларнинг самовий хусусиятларини билган кишиларгагина насиб этади. Айни шу жиҳат тас.да К.и ботин тушунчасининг ривожланишига олиб келган. Тас. аҳли наздида ҳиммат, карам, муҳаббат, ризо, шукр, қаноат каби сифатлар К. каби инсон вужудини турли иллат ғашлардан поклаб, кайҳоний ва руҳоний жиҳатларини ривожлантиради. Навоий шеърларида К. сўзи шу маънода қўлланилган:

Эй ишқ, ажиб кимиёсен,
Бал оинаи жаҳоннамосен.
("Лайли ва Мажнун", 36-боб)

"КИМЁ" – Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг асари. Тўлиқ номи "Кимёи саодат". 4 жилддан иборат араб тилидаги "Иҳёу улум ад-дин" ("Диний илмларни тирилтириш")нинг форсийдаги соддалаштирилган нусхаси. "К." мусулмонлик рукнлари, муомала одоблари, ҳалокатга етказувчи, нажот берувчи нарсалар деб номланган 4 қисмдан иборат. Тас.нинг ахлоқий масалалари (ҳар қисми 10 бобдан иборат)га ҳам алоҳида аҳамият берилган. Асарнинг туркий таржималари ҳам бор. Навоий ушбу асар номини "Ҳайрат ул-аброр"нинг ўн иккинчи мақолатида тилга олади.

КИМСОН – кукуни нарсаларга олтин тусли бўёқ бериш учун ишлатиладиган ялтироқ сариқ модда; бронза. Маж. маънода қалбаки, ясама нарсаларнинг тимсоли сифатида қўлланилади.

Ки кимсондин олтунни фарқ айлагай,
Қизил тобадин кунни фарқ айлагай.
("Садди Искандарий", 28-боб)

КИНАРКАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксон олтинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида қўлланилган эмас, лекин унинг *тўшамоқ, ёзмоқ, ёймоқ* сингари маъноларни ифодалаши ҳақида маълумотлар бор.

КИНОЯ (ар. – ишора, пичинг; пардали гап) – бирор шахс ёки нарса устидан яширин кулишдан иборат услубий восита. Бадиий асардаги инкор усулларидан бири бўлиб, унинг муҳим белгиси сўз ёки гапнинг ҳамма вақт икки маъноли бўлишида, ҳақиқий маъно унинг тескари маъноси орқали англашилишида намоён бўлади. Атоуллоҳ Ҳусайний таъбири б-н айтганда, К.да "бир нимани дерлар, лекин андин ўзга нимани ирода қилурлар". Яъни "бир маънони анга лозиму тобеъ маъно учун ясалған лафз била ул тарзда табъир қилурларким, агар ул лафзнинг ўз ясоғин ирода килсалар ҳам раво бўлур..." Унинг айтишича, К. барча тилдаги назму насрда машҳур бўлиб, "табъдин йироқ бўлмағани боғоят мақбул бўлур". Бу б-н олим К. одоб доирасида енгил ҳазил тариқасида бўлиб, мазах ва ҳақорат даражасига бориб етмаслиги, бепарда гапларга йўл бермаслик лозимлигини таъкидламоқда.

К. ўзининг мақсади ва таъсир даражасига кўра икки хил: фош этувчи ва шунчаки қочиримдан иборат бўлади. Мас., ризқ-рўз учун бировнинг миннатидан қадди хам бўлиб, ерга бош урган нафс бандасини ўзинг учун намознинг яхши навини кашф этибсан деб аччиқ К. қилиш б-н шоир аслида унинг асл қиёфасини фош этади:

Ер ўпарсен ризқ учун
миннат юкидан хам бўлуб,
Тенгри ёрингким,
қилибсан хуш намозе ихтироъ.
("Гаройиб ус-сиғар", 288-ғазал)

К. – Навоий ижодида фаол қўлланилган бадиий воситалардан бўлиб, шоир шеъриятида, достонларида, "Маҳбуб ул-қулуб"да, қитъаларида унинг ўткир намуналарини кўриш мумкин. Мас., "Маҳбуб ул-қулуб"да сохта ошиқларни образли йўсинда шундай фош этади:

Киши ўзин ясағон бирла бўлурму ошиқ,
Субҳи козиб ёрумас, уйлаки субҳи содиқ.

Яъни, ёлғончи тонг хақиқий тонгдек ёруглик таратолмагани сингари ўзини ошиқ қилиб кўрсатишга уринган ҳар кимса ҳам чин ошиқ бўлолмайди.

Навоий қитъаларидан бирида бировга яхшилик қилганнинг ёмонлик кўриши ҳақида шундай ёзади:

Не толеъдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур бадандеш.
Биравдур гар ани десам кўзумсен,
Чекар мужгон киби қасдимға юз неш.

К. ҳажвий асарларда кенг қўлланилади.

КИРКИНМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг олтмиш тўртинчиси. Навоий асарларида *титрамоқ, иситмаламоқ* маъносини англатувчи айни шу шаклдаги феъл учрамайди. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"даги баъзи маълумотларга қараганда, бу сўз асли қадимги туркий тилда *орасини оч* маъносини англатувчи *кер* феълидан *-ки* қўшимчаси б-н ясалган: кер + ки / керки. Маҳмуд Кошға-

рий *керки* сўзини *ўроқ ранда* деб изоҳлаган, яъни *ниманингдир орасини очувчи, кирилмаган жойга* ёки *кириш қийин бўлган жойга* кирувчи асбоб номи сифатида қўлланишини айтган. Ҳоз. ўзбек тилида қаттиқ жисмларни ёриш, синдириш асбоби ёки метин маъносида қўлланувчи *кирка* сўзи эса туркий *керки* сўзининг рус тилида товуш жиҳатидан ўзгаргандан кейин ўзбек тилига қайта кириб келган шаклига тенг. Агар *киркинмак* феъли таркибидаги – *ин* қўшимчасига ўзлик нисбати шакли деб қаралса, бу феълнинг *титрамоқ, иситмаламоқ* маъноларини англатиши ҳақиқатга анча яқин эканлиги ойдинлашади.

КИТОБАТ (ар. – ёзув, ёзиш) – инсон аъзолари ва араб ёзувидаги ҳарфлар ўртасидаги узаро ўхшашлик асосида ташбеҳ яратишга асосланган санъат. Маъшуқанинг келишган тик қомати "алиф"га (ا), узун сочлари "лом"га (ل), ҳалқа зулфи, гажаги "лом"га, ва "жим"га (ج), "дол"га, қайрилма қошлари "нун"га (ن), "йо"га (ى), маржондай тизилган тишлари "син"га (س), кўзлари "сод"га (ص), "айн"га (ع), холи нуқтага, ошиқнинг унинг ҳажрида букилган қадди "дол"га (د), "нун"га (ن) ўхшатилади ва ҳ.к.

К. санъатини қўллашдан мақсад фикрни образли ва гўзал тарзда ифодалаш орқали бадиий таъсирчанликка эришишдир. Чунончи:

Кулма хам каддимғаким,
юкланса ишқинг Қоф аро,
Ишқ остида ёзилған
"қофдек" хам топқасен.
("Ғаройиб ус-сиғар", 465-ғазал)

Бу ерда ошиқнинг ишқ юкидан эгилган қадди "қоф"га (ق) ўхшатилаяпти. "Ишқ юкини Қоф тоғига юкласа, у ҳам "ишқ" сўзи остидаги "қоф"дек букилиб қолади (араб ёзувида "қоф" ҳарфи ишқ сўзининг охирида, яъниким остида келади). Шундай экан, менинг ишқ юки остида эгилиб, "қоф" шаклига келган қаддимга қараб кулма", – дейди шоир.

Кўрмасанг қошинг бўлурман
турғаним бирла фиғон,
Войи эрур, бас чу бўлмаса
"Навоий" бирла "нун".
("Ғаройиб ус-сиғар", 467-ғазал)

Навоий сўзидан нун тушиб қолса, войи қолади – бу оҳ-воҳ дегани. Шунга ўхшаб, қошингни кўрмасам, ишим бошдан оёқ фиғон бўлади. Бу ерда қайрилмалиги жиҳатидан "нун"нинг қошга нисбати бор, "фиғон"нинг эса "войи"га.

"КИТОБ УЛ-АНВОР ФИ КАШФ УЛ-АСРОР" ("Сирларнинг кашф этилиши ҳақидаги нурлар китоби") – Шайх Рўзбеҳон Бақлийнинг асари. Тас-ий мавзуда битилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Рўзбеҳон Бақлий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

"КИТОБИ ЛУҒАТИ АТРОКИЯ" ("Туркийлар тилининг луғат китоби") – Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган ўзбекча-форсча луғат. Фатҳ Алихон 1862-й. ёзиб тугаллаган ушбу луғатда Навоий асарларидаги 8000га яқин ўзбекча сўзлар форс тилида изоҳланган. Луғатда исмлар бош келишикда берилган. Феъллар турли шаклларда (масдар шаклида, буйруқ шаклида ва ҳ.к.) келтирилган. Сўзлар, асосан, эквивалент – бир маъноси билан (айрим жойлардагина икки ва ундан кўп маънолари) изоҳланган. Изоҳлашда мисол тариқасида асосан бир байт олиниб, достонлардан келтирилган айрим мисоллар икки байтдан иборат. "К."нинг яна бир муҳим жиҳати – сўзлар орфографиясига алоҳида аҳамият берилган: сўзларнинг тузилиши ҳам араб ёзувидаги махсус ҳаракатлар (фатҳа, замма, касра), ҳам махсус фонетик истилоҳлар билан кўрсатилган."К."нинг қўлёзмаси Санкт-Петербург Давлат университети кутубхонасида сақланмоқда.

КИЧИК МИРЗО, Муҳаммад Султон Мирзо (15-аср) – темурий шаҳзода. Султон Ҳусайн Бойқаронинг Оқобегим исмли опасининг ўғли. Отаси Мироншоҳнинг набираси. Сайди Аҳмад Мирзонинг ўғли Султон Аҳмад. Ҳусайн Бойқаро тахтни эгаллаганда ота-онаси б-н унинг мулозаматига Озарбайжон тарафидан келиб, шоҳнинг марҳамати ва мурувватига муяссар бўладилар. Бобурнинг ёзишича, аввал тоғасига мулозимлик қилар эди, кейин сипоҳийликни тарк этиб,

мутолаага машғул бўлади ва ўз даврининг фозилларидан бирига айланади.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг 7-мажлисида К.М.га алоҳида боб бағишлаб, уни табъи ғўзал, идроки ўткир, зеҳни тез, ҳофизаси кучли йигит, қисқа фурсатда яхшигина толиби илм бўлди ва кўп илму фанларни ўз мутолааси орқали ўзлаштирди; шеър ва муаммони ҳам теран англайди ва кўнгли тиласа айта олади, деб таърифлайди. Шунингдек, Навоий: унинг шунча фазилатлари устига дарвешликка мойиллик кучайиб, Макка зиёратига ҳам мушарраф бўлди. Фақр заруридан бўлса керак, ўта эҳтиёжсиз киши эканлигини айтиб ўтади. Қуйидаги рубоийсини Абдураҳмон Жомий б-н таворуд тушган дейдилар, агар чиндан ҳам шундай бўлса, бу улуг давлат деб таъкидлайди:

Умре басалоҳ месутудам худро,
Дар шеваи зўҳд менамудам худро.
Чун ишқ омад – кадом зўҳду чи салоҳ?
Алминнатулиллаҳ, озмудам худро.

(Мазмуни: Умр бўйи ўзимни тақводорликда ягона санаб, зуҳд йўлида намуна қилиб кўрсатар эдим. Ишқ ташриф буюргач, на тақво қолди-ю, на зуҳд – Худога шукрки, шу тариқа ўзимни синадим).

КИШВАРИЙ (15-аср) – Оққуюнлилар сулоласи ҳудудида яшаган шоир. Унинг қуйидаги байти Навоийнинг Оққуюнлилар сулоласи салтанатида ҳам машҳур бўлганлигини тасдиқлайди:

Кишварий шеъри
Навоий шеъридин аксик эмас,
Бахтина душсайди бир
Султон Ҳусайн Бойқаро, –

(Мазмуни: Кишварийнинг шеърлари Навоий шеърларидан қолишмайди, қанийди унинг ҳам Ҳусайн Бойқародек ҳукмдор ҳомийси бўлса эди)

Мазкур байт оққуюнлиларнинг темурийлар муҳитининг ўзларига даврдош босқичига, хусусан, Ҳусайн Бойқаро саройига намунавий муҳит сифатида қараганларини кўрсатади.

КОБУЛИЙ Мир Саид, (Ҳирот – ваф. 1469, Сарахс) – сипоҳий, шоир. Алишер Навоийнинг катта тоғаси. "Мажолис ун-нафоис"да унинг яхшигина табъи назми бўлиб, туркийда шеър айтишга майли кўпроқ эканлигини таъкидлаб, бир туркий туюғини ижодидан намуна сифатида келтиради:

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,
Гул адоқында хумори ёзасиз.
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошиға
"Куштаи бир шўх эрур", деб ёзасиз.

Султон Ҳусайн Бойқаро томонида туриб, Абусаид Мирзога қарши курашгани учун Абусаид томонидан асир олиниб, Сарахсда қатл этилади.

К.дан Мир Ҳайдар исмли бир ўғил қолган бўлиб, Навоий уни ўз фарзанди каби тарбиялайди.

КОКО АБУЛҚАСР БУСТИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Маломатийлик тариқатининг намояндаси. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг замондоши. Зикри жаҳрга алоҳида аҳамият қаратган. Шайх Абулҳасан Тешасов ва Шайх Абу Муҳаммаднинг пири. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритади.

КОКО АҲМАД СУНБУЛ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абдуллоҳ Ансорийга замондош. Укаси Хожа Муҳаммад ҳам каромат соҳиби бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритади.

КОЛУТ ИБН ЮФНО – подшоҳ ва пайғамбар. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да тасвирланишича, пайғамбар Ювшаънинг валиаҳди сифатида Шом минтақасини забт этади, етмишта султонни зиндонбанд қилган Борқа исмли подшоҳни асир олади. Бани Исроилни Мисрга кўчириб келиб, ҳам подшоҳлик, ҳам пайғамбарлик қилган. Неча йил умр кўргани маълум эмас.

Колутки, Ювшаъ васий этти они,
Кўп вақт эди олам аро даврони,
Ҳам шаҳлиғу ҳам нубувват эрди шони,
Гар шоҳу гар набий, бўлурлар фоний.
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

КОМИЛ (ар. тўлиқ, мукаммал) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб ад-тида, қисман форс-тожик ва туркий

шеъриятда истифода этилган. Унинг асл рукнлари аруз доиралари таркибида ўзгаришга учрамагани ва қисқа ҳижолар нисбати чўзиқ ҳижолардан кўп эканлиги учун шундай аталган. К. баҳри *мутафоилун (VV– V –)* аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Араб шеъриятида К.нинг асосан *мусаддас* рукнли, форсий ва туркий шеъриятда эса *мусамман* рукнли вазнларидан фойдаланилган. "Хазойин ул-маоний" куллиётида К.нинг фақат бир вазни истифода этилган. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да К.нинг битта мусамман ва битта мусаддас рукнли (жами 2 та) вазнларини мисоллар б-н келтириб ўтади.

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Комили мусаммани солим	мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун, VV– V – / VV– V – / VV– V – / VV– V –	Не хаёл эди янаким кунгул қуши сайдини ҳавас айладинг, Баданимға ҳар саридин хаданг отибон анга қафас айладинг. *("Мезон ул-авзон", "Наводир уш-шабоб", 339-ғазал)*
2	Комили мусаддаси солим	мутафоилун мутафоилун мутафоилун, VV– V – / VV– V – / VV– V –	Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматинг, Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоматинг. *("Мезон ул-авзон")*

КОЗИРУНИЙ, Абулисҳоқ Иброҳим Шаҳриёр (963 – Форс – 1035) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, муҳаддис. Боболари зардуштийлик динига эътиқод қилишган. Ўн беш ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, *Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий*нинг мурид – *Муҳаммад Аккор* олдида тас.дан таълим олган. Козируния тариқатининг асосчиси. Унинг ҳаёти "Фирдавс ул-муршидия" манокибида ёритилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

КОРГАҲ (ф. – иш жойи, корхона, устахона, дўкон; бир иш амалга ошириладиган жой ёки нарса.) – мумтоз шеъриятда дунё маъносида кенг қўлланиладиган истилоҳ, тушунча. К.да косиб ўз меҳнати маҳсулини бозорга олиб чиққанида унинг қиймати харидорлар томонидан баҳоланган каби бу дунёга келган ҳар бир инсон ҳам қиёмат бозорига охират сафарига тайёргарлик кўриб, савоб амаллари б-н боришни кузлаши лозим. К.да тайёрланган молнинг асл ёки қалбакилиги бозорда маълум бўлгани каби инсоннинг асл қиёфаси ҳам К.да, яъни бу дунёда шаклланади. Навоий бу сўзни дунё маъносида кенг қўллаган.

Бу коргаҳда хато келмади
чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдандур,
хато кўрсам.
("Бадоеъ ул-васат", 419-ғазал)

КОТИБ – матнни қоғозга кўчирувчи шахс. Навоий матн кўчириш билан шуғулланувчиларнинг барчасини (хаттот, дабир, мунший...) К.деб атаган. Навоий К.ларни "Ҳайрат ул-аброр", "Маҳбуб ул-қулуб" ҳамда қитъаларида тилга олган. У турли маданият ва санъат намояндалари қаторида К.ларга ҳам ҳомийлик қилган. Навоийнинг шахсий К.лари ёки унинг асарларини кўчирган замондош хаттотлар сифатида Султонали Машҳадий, Абулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандонни тилга олиш мумкин. Бобурнинг қайд этишича, Султонали Машҳадий ҳар куни Ҳусайн Бойқаро учун ўттиз байт, Навоий учун йигирма байт матн кўчирган. Навоий К.лар қибласи деб улуғланган Султонали Машҳадийни бехато ёзувчи К. сифатида таърифлайди. Қуръони каримни кўчирган машҳур К. Ёқутни хаттотлик санъати воситасида юксак эҳтиромга сазовор бўлганлигини таъкидлайди. Навоий матн мазмуни ва сифати К.га боғлиқлигига эътибор қаратади: чиройли ҳуснихатга эга К. ёзувидан

сўз гўзаллашади, ўқувчи уни ўқиб роҳатланади. Хати хунук К. ёзувидан сўз маъносига эътибор билан қаровчи китобхонга нохушлик етади. Ёзган матнида кўп хатога йўл қўювчи К. сабабли ҳарф нуқталари нотўғри қўйилиши, натижада сўз маъноси бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Шу боис К. асар мазмунини юзага чиқаришда алоҳида ўринга эгалигини қайд этади.

КОТИБ МИСРИЙ, Абу Али Ҳасан бин Аҳмад (ваф. 951) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Маъруфия силсиласининг намояндаси. Абубакр Мисрий, Абу Али Рудборий, Абу Усмон Мағрибий, Абулҳусайн Сирвоний Сағир, Абу Абдуллоҳ Баркий, Абулқосим Насрободий б-н ҳамсуҳбат бўлган. *Абу Али Маштулий*нинг устози. Шайх Абусаид Абулхайр ўз силсиласида унинг исмини ҳам қўшган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

КОТИБИЙ, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Котибий Туршизий, – форс-тожик шоири, хаттот ва мунший. Нишопур б-н Туршиз ўртасида жойлашган Туруқ қишлоғида туғилган. Шу сабабли, айрим манбалар (мас. "Мажмаъ ул-фусаҳо" тазкираси)да К.ни Нишопурий ҳам деб аташган. Дастлабки таълимни она юртида олганидан сўнг Нишопурга келади ва бу ерда ҳам мадрасада таълим олади, ҳам машҳур котиб Мавлоно Симийга шогирд тушади. Тез орада моҳир хаттот сифатида ном чиқаради. Шунингдек, шеъриятда ҳам катта муваффақиятларга эришади. Темурий шаҳзода Бойсунғур Мирзо саройида мунший бўлиб хизмат қилган. Ҳирот, Шервон ва Озарбайжон ўлкаларида бир муддат яшаганидан сўнг Исфаҳонга келади, тас. тариқатини ихтиёр этиб, Сайид Муҳаммад Турка Соинийга мурид тушади. Умрининг сўнгги кезларини Мозандарон вилоятида ўтказади. Вабога чалиниб вафот этган. Қабри Астаробод ш.нинг "Нўҳ гўрон" қабристонида.

Баъзи манбаларда 140 дан ортиқ асарни К. қаламига мансуб, дейишган. К.дан бизгача "Баҳром ва Гуландом", "Нозир ва Манзур", "Муҳиб ва Маҳбуб", "Ҳусн ва Ишқ" маснавийлари, ҳажми 1000 байтдан ортиқ ғазаллар девони, икки вазн ва икки қофия б-н ёзилган "Зубаҳрайн ва зулқофиятайн" манзумаси, Салмон Соважийга жавобан ёзган "Қасидаи маснуъ" назираси етиб келган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да К. ўз даврининг беназир кишиларидан бири бўлгани, шеъриятнинг қайси жанрида қалам тебратмасин, улар ажойиб маънолари б-н ажралиб туриши, хусусан, қасидачиликка кўп янгиликлар олиб киргани, шеърнинг барча турида унга тенг келадиган истеъдод соҳиби йўқлиги ҳақида маълумот беради. "Аммо ғазалиёт ва қасоид девони машҳурроқ ва яхшироқ воқеъ бўлубдур", деб ёзади у. "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байт келтирилган.

Зи чашму дил бадани хокиям
дар оташу об аст,
Ба чашм бину ба дил
раҳм кунки, кор хароб аст".

(Мазмуни: Бу тупроқдан яратилган таним кўзу дил дастидан суву ўт ичра қолди. Кўзинг кўриб, кўнглинг раҳм этмаса, ҳолим харобдир).

КОФИР – 1) ислом дини ҳақ дин эканлигини инкор қилувчи кимса:

"Ва ул фаранги кофир йигит бу ҳолни кўруб, анинг бузурглуқин билди ва ўз беадабликларидин уялиб, бош яланг қилиб, имон келтурди".

("Насойим ул-муҳаббат", 506 боб)

2) золим ва бепарво маъшуқанинг сифати:

Соғинурмен куфри зулфи
можаросидин басе,
Гар даме ул шўхи
кофир можарони кўрмасам.

("Наводир уш-шабоб", 436-ғазал)

3) тасаввуфий истилоҳ. Ягона ва мутлақ вужуддан ўзга барча мавжудликларни инкор этувчи солик. Лоҳижийнинг ақидасига кўра, ҳақиқий куфр – ягона ва ҳақиқий вужуд бўлмиш Аллоҳ таолонинг вужудидан ўзга бошқа вужудни тан олмасликдир. Шунингдек, К. – *жамъ* мақомидан *тафриқа* мақомига ўтган кишига нисбатан ҳам қўлланилади. К.нинг яна бир маъноси – ғофиллик. Навоийда кенг қўлланилган "К.и ишқ" ибораси – Ишқ-

дан ўзга ақл, ҳуш, фикр, андиша, ҳавас, дин каби барча нарсани инкор қилувчи, моддий оламдан узилиб, фано маслагини касб этган кишига нисбатан қўлланилган.

Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра
жилвасоз,
Қиблаға, кофирмен, ар бош индуруб
қилсам намоз.
("Ғаройиб ус-сиғар", 212-ғазал)

"КОФИЯ" – Жалолиддин Абу Амр Усмон ибни Умар ибн ал Ҳожибнинг асари. Араб грамматикасининг наҳв (синтаксис) қисмига доир маълумотларни жамлаган. "К.га Жомий шарҳ битган. Навоий ушбу асарни "Сабъаи сайёр" достонининг Жомийга бағишланган 7-бобида тилга олади.

КОФУР – 1) оқ, оқ рангли ва хушбўй модда (камфора). Уни кўп истеъмол этилса, киши организмидаги айрим ҳужайраларга салбий таъсир этади. Оқ ранг ва қарилик маъноларини ифодалашда ҳам қўлланилади.

2) "Сабъаи сайёр"да еттинчи ҳикоят ровийси. У Баҳромга Дилоромнинг сўнгги ҳаёти ҳақида хабар келтиради. Хабарга мувофиқ Баҳром Дилоромни чўлда, ўзининг сочига боглаб ташлаб кетганидан кейин аввалги соҳиби – хитойлик савдогар Хожа уни учратиб қолади ва ўзи б-н Хоразм юртига олиб кетади. Бир сайёҳдан эшитишича, Дилором ҳозир ҳам Хоразмда соғ-саломат юрган, лекин азбаройи Баҳромга садоқати туфайли ўзини ўлган ҳисоблаб, кафанга монанд либос кийиб юрар, ҳатто Хоразм шоҳининг муҳаббатини ҳам рад этган, кундузлари ноилож-ликдан соз чалиб, элни хушнуд қилса-да, бироқ ўзининг чеҳраси сира очилмас, тунлари эса кўз ёш тўкиб Тангрига тоат-ибодат қиларкан.

Навоий ушбу ривоят воситасида Баҳром ва Дилоромнинг ишқда камолотга етганлигини оқ рангда тасвирлайди. Бунда К. образи муҳим тасвирий восита бўлиб хизмат қилади.

Бўлмасам ушбу пардадин маҳжур,
Бир камин бандамен отим Кофур.
("Сабъаи сайёр", 26-боб).

КУЙМАНМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик бешинчиси. *Куйинмоқ урунмоқ, кучсизланмоқ, баҳона қилмоқ,* куйманмак ёки куймаланмоқ – *майда-чуйда ишлар б-н ўралашмоқ, машғул бўлмоқ; ивирсимоқ* маъносидаги мазкур феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлган ва *аланга таъсирида куйиб, истеъмолга яроқсиз ҳолга ет* маъносини англатган куй феълидан ясалган ҳамда Навоий асарларида ҳам шу мазмунда қўлланилган.

Эй Навоий, ёр агар дерким
ўзунгни ўтқа сол,
Танёлонг айларга куйман
жон учун куйманмагил.
("Наводир уш-шабоб", 219-ғазал)

КУН I – 1) кундуз, кун:

Дин ҳавас айласам, ултурмангиз,
эй муғбачалар
Ким, бурун тавба ушатқан
куни бўлмишмен маст.
("Ғаройиб ус-сиғар", 88-ғазал)

2) Қуёш:

Кун шуоий хатлари эрмаски
тутмиш мотамим,
Юзни анжум тирноғи бирла
қилиб афгор субҳ.
("Ғаройиб ус-сиғар", 104-ғазал)

КУН II (ар. – бўл) – борлиқнинг яралишига ишора қилувчи сўз. Қуръони Каримда ("Бақара", 117-оят, Оли Имрон, 47 ва 59-оятлар, "Анъом", 73-оят, "Наҳл", 40-оят, "Марям", 35-оят, "Ёсин", 82-оят. "Муъмин", 86-оят) келтирилишича, бутун Борлиқ ушбу илоҳий амрдан кейин пайдо бўлган. Ушбу сўз "Кун фаякун", "Кофу нун" шаклида ҳам қўлланилган. Навоий талқинида, К. амрининг моҳияти ва асл сабаби – ислом пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломдир:

Муҳаммад "Кофу нун"ға қурратулъайн,
Туфайли кавн улуб, йўқ йукки, кавнайн.
("Фарҳод ва Ширин", 4-боб)

КУНГУРДАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксон бешинчиси. Манбаларда у *минғирламоқ, ғингшимоқ* маъноларини ифодалаши айтилган.

Навоий асарларига доир луғатларда ушбу шаклдаги феъл учрамайди. Бизнингча, бу сўз Навоий асарларида қўлланилган *жавромоқ, вайсамоқ; безовта бўлмоқ, қийналмоқ* маъноларини англатувчи *кунгранмак* феъли б-н ўзакдош бўлган.

Лозима ишқ ўлди ҳижрон,
бўлма ошиқ кимсага,
Эмдиким бўлдинг,
таҳаммул айлабон кунгранмагил.
("Наводир уш-шабоб", 372-ғазал)

КУНДАЛАТМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксон иккинчиси. Мазкур феъл гарчи Навоий асарларида қўлланилмаган бўлса-да, манбаларда изоҳи мавжуд: *оёқни бўғовга солмоқ, қамоқхонага жойланмоқ, қамамоқ.*

КУРАТИЙ, Абу Яъқуб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳирот яқинидаги Курат қишлоғида туғилган. Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Абу Амр Моликий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

КУРДИЯ, Курдия бинти Амр Басрия – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган басралик орифа аёл. *Шаъвонанинг* ходимаси бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

КУФ – *бойқуш.* "Лисон-ут тайр"даги қуш образи. У Ҳудҳуд б-н суҳбатда хазина тониш ишқига тушганлигини айтиб, узр сўрайди. Бу тимсол Навоий талқинида кундалик тирикчиликка ружу қўйган одам ёки шу хилдаги руҳиятнинг хусусияти маъносида гавдалантирилган:

Зоҳир этти ажз аҳволини Куф:
"Ким эрурмен мен заифу йўл махуф.

Ўткарибмен умрни вайронада,
Бошима емрулгудек кошонада.
("Лисон ут-тайр", 63-боб)

КУФА – Ироқ мамлакатидаги шаҳар. Нажаф ш.дан 11 км узоқликда, Фурот дарёсининг ғарбий қирғоғида жойлашган. "Тарихи мулуки Ажам"да К. дастлаб Пешдодий ҳукмдор Ҳушанг даврида бунёд этилгани айтилади. Тарихий манбаларда бугунги К. шаҳрига саҳоба Саъд Ваққос асос солгани ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Али ибн Абу Толиб замонида К. Ислом халифалигининг пойтахти бўлган. Уммавийлар ва Аббосийлар халифалиги даврида ҳам К. илм-фан ва маданиятнинг марказий ўчоқларидан ҳисобланган.

КУФР – ягона Худони тан олмаслик, Ҳақ йўлдан юз буришлик. Азизиддин Насафий талқини бўйича, К.нинг маъноси – ёпиқликдир. Ёпиқлик ҳам икки қисмдир. Ёпиқликнинг бир тури – бу ёпиқлик туфайли Аллоҳни кўрмайдилар ва билмайдилар. Бу – мубтадийлар (йўл бошида турганлар) нинг К.идир; бундай К. мазаммат қилинади. Ёпиқликнинг иккинчи тури – унинг воситасида Аллоҳдан ўзгасини кўрмайдилар ва билмайдилар. Бундай К. – маҳмуд (мақталган, яхши)дир. Таҳонавий талқини бўйича, жаҳолат ва таассуб юзасидан Худони тан олмасликдан фарқли ўлароқ, тас. да мадҳ этиладиган К. – фано мартабасига етган банданинг Ҳақдан ўзга нарсани тан олмасликдан ҳосил бўлади. Навоий асарларида бу сўз ҳам асосий маънода, ҳам тас-ий истилоҳ сифатида кенг қўлланилган.

КЎЗГУ – илоҳий мазҳар бўлган комил инсон сифати. Чунки К. деганда, Аллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларига ишора қилинадики, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади. Тас. аҳли наздида, дунё ва нафс ғуборларидан поклангган кўнгил К.дай мусаффо бўлиб, унда ёр – Ҳақ жамоли жилваланади:

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб
бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин
маҳв айла нақши мосиво.

Мосиво – Худодан бошқа нарсалар, яъни мавжудот ва махлуқотни билдиради. Шунга мувофиқ, нақши мосиво – дунёга мойиллик, ҳаётга муҳаббатни, бошқача айтганда, кўнгилнинг нафс истак-хоҳишларидан поклан-маганини билдиради. Шунинг учун ҳам юқоридаги байтда улуғ шоир айтаяптики: "Эй

Навоий, агарда маҳбубанг (яъни Аллоҳ таоло) жонинг ичидан жой олишини истасанг, аввало кўнгил К.сини дунё ҳою ҳавасларидан мусаффо айла". Зеро, Аллоҳ ўзидан бошқа барча нарсанинг хаёлидан қутулиб, нафс гардию дунё ғубори қолмай шаффоф бир ҳолга келган кўнгилгагина ташриф буюради.

Аллоҳга нисбатан олганда эса бутун борлиқ – улкан бир К.: Аллоҳнинг жамоли, камоли ва сифатлари ҳар ашёда у ёки бу даражада акс этади. Қудсий бир хадисда айтилишича, Аллоҳда ўз жамолини кўриш истаги туғилади ва ҳуснига К. қилиб мавжуд оламни яратади.

Ризоқулихон Ҳидоятнинг ёзишича, хоҳ дунёдаги, хоҳ хаёлдаги бўлсин, умуман, мазҳар бўлган хар бир нарса К. дейилади.

КЎК ДАБИРИ (ф. – осмон котиби) – тақдири азалнинг котиби, Худо. Қалам аҳлининг осмондаги ҳомийси сифатида талқин қилинадиган Муштарий сайёраси маъносида ҳам қўлланилади.

Эй кўк дабири, кимсага
бир нома ёзмадинг
Ким, хома янглиғ они
сарандоз қилмадинг.
("Гаройиб ус-сиғар", 350-ғазал)

КЎК ШАЙХ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Каромат ва мақомот соҳиби, дуоси мустажоб бўлган зотлардан бўлган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

КЎНГУЛ – қалб, дил, кўнгил. Мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий ижодидаги асосий тимсоллардан бири. Лирикада К. Кўп ҳолларда шахслантирилади, лирик қаҳрамон унга дўст каби мурожаат қилади. Навоий ижодида К. қуйидаги маъноларда қўлланилган:

1. Қалб, дил:

Фиғонким, дарду ғам кирмакка
хуш-хуш раҳналар бўлди,
Кўнгулким тўш-тўшидин
дарду ғам чиқсун дебон тилдим.
("Гаройиб ус-сиғар", 426-ғазал)

2. Рафиқ, дўст:

Ҳажр қолмас ёшурун
оҳу фиғон чек, эй кўнгул
Ким, яшурмоқ бирла
ҳаргиз қолмади пинҳон ўлум.
("Гаройиб ус-сиғар", 427-ғазал)

3. Ошиқ лирик қаҳрамон:

Кўнгул афсонасин гоҳе десам,
элни тутар уйқу,
Ва лекин ҳар замон сескандурур
афғони ногоҳим.
("Гаройиб ус-сиғар", 423-ғазал)

3. Хотир, ёд, фикр, ихтиёр, хаёл:

Анинг сўзларидиндурким, шариф илм кўнгулда қарор тутмас, яхши нималар кўнгулдин чиқмас.
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

4. "Ҳайрат ул-аброр" достонининг бош қаҳрамони. Достонда у Хожа номи (қар.) б-н ҳам тилга олинади:

Боғчаи даҳрки юз тоза гул,
Топти қаёнким назар этти кўнгул.
("Ҳайрат ул-аброр")

"Гаройиб ус-сиғар" девонида "К." радифли махсус ғазаллар (368–369) ҳам бор.

КЎНГРАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг элликинчиси. *Қўпормоқ, ағдармоқ* маъносини англатувчи бу сўз Навоий асарларида *кўнғармоқ* шаклида учрайди.

"Кўрдимки, Хожалар табақаси Ҳирий зиёратгоҳиғаки, ул вақт шайх анда эрмишлар, кирибтурлар, дарахтларни кўнғарадурлар ва томларни йиқадурлар ва қаҳру ғазаб осори аларда зоҳирдур."
("Насойим ул-муҳаббат", 458-боб)

КЎНДУРМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон еттинчиси. *Тўғриламоқ, жўнатмоқ, юбормоқ.* Ҳоз. ўзбек тилида қўлланувчи *рози бўлмоқ, қаршилик қилмаслик* маъносидаги *кўнмоқ* феълининг орттирма нисбат шакли.

Л

ЛАБ – инсон тана аъзоси, дудоқ. Тас. истилоҳида анбиёга маъ-ят оламидан малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга лиммо-лим сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади. Л. суви оби ҳаётга, яъни ишқу муҳаббат чашмасига ташбеҳ қилинади.

Л. дан мақсад – мавжудотга илоҳий файз етказувчи раҳмоний нафас ва кўнглини маърифат нурига ошно этувчи илоҳий сўз. Шу боис тас. шеъриятида турли-туман маъноларда кенг қўлланилган. Навоий ижодида ҳам унинг ранг-баранг талқинлари учрайди. Мас., комил инсоннинг ўзида илоҳий файзни мужассам этган Л.дек жонпарвар дунёда йўқ. Чунки бу Л.дан чиққан сўз оби ҳаёт ичра пинҳон илоҳий руҳга ўхшайди:

Лабларингдин руҳпарвар нутқ
зоҳирдур магар,
Руҳи қудсий оби ҳайвон ичра
ором айламиш.
(“Наводир уш-шабоб”, 253-ғазал)

Тас. истилоҳига асосан ошиқнинг маъшуқасидан бўса исташида муриднинг муршид сўзига ташналиги, унинг воситасида илоҳий сирлардан воқиф бўлиш орзуси англашилади. Ирфоний маънога йўғрилмаган сўздан ҳақиқат толиби завқ ололмайди. Шу маънода, “Лабингдан сўрдириб, мени ширинкалом этгил” мазмунидаги илтижолардан мақсад маърифат асрорини англашга интилишдир:

Лаъли руҳафзосидин бир бўса
пайғом айлади,
Гарчи ёлғон эрди, мен жон топтим
ул пайғомдин.
(“Наводир уш-шабоб”, 467-ғазал)

“Лабидан ҳарчанд сўруб ҳам оғзининг сўроғини топмадим” сатрини, айни жиҳатдан, шунча интилса ҳам маърифат сирига етиша олмаганлик маъносида талқин қилиш мумкин:

Бовужудиким, адам бўлдум
ғамидин қайғуруб,
Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин
топман сўруб.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 52-ғазал)

“ЛАВОЕҲ” (“Зарварақлар”) – Абдураҳмон Жомий асари. Султон Жаҳоншоҳ Қорақуюнлининг (ҳук. 1437–1468) илтимоси б-н ёзилган. Шеърий парчалар б-н зийнатланган, форс тилида насри мусажжаъда ёзилган ушбу асарда тавҳид, ҳол ва мақом, фано ва бақо каби тушунчаларнинг тасаввуфий-ирфоний талқини берилган. Рисола 34 лойиҳа (кичик мақола)дан иборат бўлиб, тахминан 1465 й.да ёзилган. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомий ҳузурида ушбу рисола асосида таълим олганини қайд этиб, “андоқ рисола ҳеч роқимнинг қаламидин ва ҳеч қаламнинг рақамидин таҳрир топмайдур”, деб баҳо беради.

“ЛАВОМЕЪ” (“Шуълалар”) – Абдураҳмон Жомий асари. Тўлиқ номи – “Лавомеъ фий шарҳи қасидаи хамрияи мимияи Форизийя”. Ибн ал-Форизнинг “Қасидаи хамрия” рисоласининг бадиий таржимаси ва шарҳидан иборат ушбу асар форс тилида 1470 й.да ёзилган. Асар муқаддима, 50 “ламъа” (“шуъла” – боб) ҳамда хотимадан иборат. Рисолада Жомий маърифат майининг талқини ҳамда ваҳдат ул-вужудга хос

асосий тушунчаларнинг бадиий шарҳини берган. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Жомий ҳузурида ушбу рисола асосида таълим олганини қайд қилади.

ЛАЙЛИ // ЛАЙЛО – Мажнуннинг маъшуқаси, "Лайли ва Мажнун" достонининг бош қаҳрамони. Достонларда Л.нинг Ҳай (тириклик) кабиласи бошлиғининг қизи эканлиги таъкидланади. У Мажнунга вафодор маҳбуба ва садоқатли маъшуқа сифатида тасвирланади. Абдураҳмон Жомийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида у Ибн Саломга никоҳлаб берилади, лекин шунда ҳам Л. юзини очмай, Мажнунга вафодорлигича қолади.

"Лайли ва Мажнун" туркумидаги қисса ва достонлардан асосий мақсад, аввало, илоҳий ишқни тараннум этиш. Лайли эса илоҳиётнинг мазҳари. Шу боис Л. достонларда реал инсон сифатида биринчи ўринга чиқмаган. Амир Хусрав достонидаги Л. Мажнуннинг бўлажак ёри Навфалнинг қизи б-н дўст бўлишга тайёр, Жомий достонидаги Л. эса саҳрога – Мажнуннинг қошига бораман, деб анча вақтгача уни унутиб, кейин етиб боргач, ошиғини бехудлик ҳолатида кўради. Ўзини танитмоқчи бўлганида, Мажнун унинг жисмонан мавжудлигини инкор этади.

Навоий достонидаги Л. аввалгилардан бирданига икки хусусияти – ҳам илоҳиёт мазҳари, ҳам реал инсон – маҳбуба эканлиги б-н ажралиб туради. Унинг бир қиё боқиш б-н Қайсни Мажнунга айлантириши, гулзорда ёридан ноз б-н ҳол сўраши, Мажнунни кўргач, эс-ҳушини йўқотиши – образнинг илоҳиёт мазҳари эканлигини кўрсатса, Л.нинг Мажнунга ёзган хатида "сен эркак кишисан, саҳрода бўлса ҳам, эркинсан, мен эса уйга қамалганман, сендан кўра менга қийин", дейиши, шу б-н бирга ошиғини Навфалнинг қизидан рашк қилиб, киноядли табрик мактуб ёзиши каби воқеа ва ҳолатлар Л.нинг реал инсоний хусусиятларга эга эканлигини исботлайди.

Андоҳки қилиб карашма майли,
Зулф ичра жамолин очса Лайли.

Навоий лирикасида Л. образи илоҳиёт мазҳари, бемисл гўзаллик соҳибаси, Мажнуннинг вафодор маъшуқаси ва шоир лирик қаҳрамонининг севгилисига муқояса қилинган ҳолларда қўлланилади.

Не ишка бўлди беором кўзгу
аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксини
гар кўргузмади Лайло.
("Ғаройиб ус-сиғар")

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" – Алишер Навоий "Хамса"си таркибига кирувчи учинчи достон. 1484 й.да ёзилган. Ҳажман 38 боб, 3623 байтдан иборат. Достоннинг мавзуи ва ғоявий йўналиши Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида энг кўп тарқалган "Лайли ва Мажнун" қиссаси б-н боғлиқ. Қиссанинг келиб чиқиш манбаи қад. араблар ҳаёти б-н алоқадор воқеаларга бориб тақалади. Айрим араб манбаларининг маълумот беришича, Мажнун тарихий шахс бўлиб, Шимолий Арабистондаги Бани Омир кабиласига мансуб. Унинг исми манбаларда Қайс ибн Мулаввах, Маҳдий ибн Муод, ал-Акра ва баъзан ал-Буҳтурий ибн ал-Жаъд тарзида келтирилади. Мажнун ўз қабиласидан Лайли исмли қизни севиб, унга бағишлаб ғамгин шеърлар тўқиган. Унинг шеърлари қабиладошлари ва бошқа қабила кишилари орасида кенг тарқалганлиги ҳақида Ибн Қутайба ад-Динаварий (9-а.)нинг "Китоб уш-шеър ва шуаро" ("Шеър ва шоирлар китоби") асарида маълумотлар келтирилади. Лекин шу б-н бирга айрим тарихчилар, хусусан, Абу Фараж ал-Исфаҳоний, Авон ибн Ҳаким ал-Қалбий (8-а.), Ҳишом ал-Қалбий (9-а.) Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозий, мавжуд шеърлар ўз амакисининг қизини севиб қолган умавий бир йигитнинг шеърлари, у шеърларида Мажнун тахаллусини қўллаган деб айтадилар. Мажнуннинг тарихий шахслиги баҳсли масала бўлгани сингари унга нисбат берилган шеърларнинг муаллифлиги масаласи ҳам мунозаралидир. 7-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араб шеъриятида Мажнун тахаллуси б-н ишқий мавзуда ёзилган ғамгин шеърлар пайдо бўлган. Араб олимлари ал-Жоҳиз (9-аср) ва Ибн ал-Муътаззнинг ёзишича, ўша даврда Лайли номи б-н боғлиқ барча шеърларни Мажнун номига нисбат берганлар. Абу Бакр ал-Волибий эса Мажнун номига нисбат берилувчи шеърларни

тўплаб, "Девони Мажнун"ни тузган. Мана шу шеърлар заминида 9-асрга келиб, Лайли ва Мажнуннинг муҳаббати ҳақидаги ривоятлар халқ орасида кенг тарқалиб кетади ва аста-секин халқ оғзаки ижодидан ёзма адабиётга ўтади.

Бу қиссани бадиий ад-тда илк бор достон шаклида Низомий Ганжавий 1188 й.да ёзган. Низомий халқ орасида тарқалган ривоятлардан ижодий фойдаланган ҳолда "Лайли ва Мажнун" қиссасини ғоявий жиҳатдан мукаммал ва бадиий жиҳатдан юксак асар даражасига кўтарди. Бани Омир қабиласи бошлиғининг ўғли Қайснинг мактабдоши Лайлига муҳаббатини тасвирлаш орқали ҳар иккала қаҳрамоннинг руҳий ва маъ-ий дунёсини очиб беришга алоҳида эътибор қаратди, халқ ривоятларида фақат ташқи гўзаллиги билангина машҳур бўлган Лайли тимсолини ижтимоий омиллар ва бадиий-эстетик юк орқали мукаммаллаштирди (қар.: *"Лайли ва Мажнун"* I). Низомий достони Шарқ халқлари адабиётида кенг шуҳрат қозонди ва орадан бир асрдан зиёдроқ вақт ўтгач, Амир Хусрав Деҳлавий унга жавоб ёзди. Деҳлавий достони 1299 й.да яратилган бўлиб, "Мажнун ва Лайли" деб аталади. Муаллиф достон қаҳрамонлари номини алмаштириш б-н янгиликка, ўз салафидан ўзгачаликка интилганлигини таъкидлайди ҳамда ушбу қиссанинг араб халқлари орасида даставвал "Мажнун ва Лайли" шаклида оммалашганлигига эътибор қаратади. У Низомий достонининг композицион қурилишини асосан сақлаб қолган ҳолда унинг сюжетига баъзи ўзгартиришлар киритади (мунажжимнинг Мажнун тақдири ҳақидаги башорати, Навфалнинг ўз қизини Мажнунга никоҳлаб бериши ва б.) Хусрав Деҳлавий ушбу достони б-н Шарқ халқлари адабиётида "Лайли ва Мажнун" мавзусидаги достонга жавоб ёзиш анъанасини бошлаб берди. (яна қар.: *"Мажнун ва Лайли"*). Деҳлавийдан кейин форсий адабиётда, хусусан, Ҳирот адабий муҳитида *Ашраф Марағий, Абдураҳмон Жомий, Котибий Туршизий, Шайхим Суҳайлий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Бадриддин Ҳилолий, Хожа Имод Лорий* ва б. ҳам ушбу мавзуда асар ёзган.

Алишер Навоийнинг "Л." достони туркий тилда ушбу мавзуда яратилган илк достон бўлиб, Навоий уни яратишдан аввал араб ривоятлари б-н бир қаторда Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Ашраф Марағий ва Шайхим Суҳайлий достонларини чуқур ўрганади. У хамсанависликда ўзигача мавжуд анъаналардан ижодий фойдаланган ҳолда ўз достонига янгича руҳ бағишлайди, ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, "афсонага янги либос кийгизади".

Навоийнинг "Л." достони мусулмон Шарқи ад-тидаги анъанага хос муқаддима б-н бошланади. Достон муқаддимаси 9 бобдан иборат бўлиб, дастлабки боб анъанавий ҳамд – Аллоҳнинг мадҳи мавзусида. Унда шоир оламнинг яратилиши, тун, кун, ой, қуёш, юлдузларнинг, йил фасллари ва улардаги табиатнинг ўзига хос жилолари, инсоннинг табиат ичида яратилиши, йўқдан бор, бордан йўқ бўлиши – буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг беқиёс қудрати ва улуғлигининг ифодаси эканини таъкидлаб, унга ҳамду санолар ўқийди. Навоий бобда ғоят усталик б-н Аллоҳнинг ердаги тажаллийси тасвирини ушбу ёзилаётган достони ғояси б-н боғлиқ ҳолда баён қилади. Яратувчининг ҳар ердаги тажаллийси жаҳонда Лайли бўлиб кўринади, жилва қилади, унинг бу хусусияти эса яратилганларни Мажнун қилишдан иборатдир.

Иккинчи боб муножотни ўз ичига олади. Мазкур бобда Навоий Аллоҳга мурожаат қилиб, Уни борлиқни яратган ягона ва олий зот деб деб атайди ва ўз гуноҳларини, хатоларини кечиришни сўраб, илтижо қилади.

Достоннинг 3-боби Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) мадҳига бағишланган бўлиб, бобда пайғамбар (с.а.в.) рисолат сипеҳри (пайғамбарлик осмони)нинг қуёши деб таърифланади ва Одам Ато унинг дарахтидаги мевага ўхшатилади. *Китобат* санъати воситасида пайғамбарлик муҳри – хотамнинг "ا" – "алиф" ва "ت" – "те"сида унинг оти яширинганлиги айтилади.

4-боб меърож туни таърифига бағишланган. Унда меърож тунининг ранги тоза мушк рангига ўхшатилиб, бу туннинг ҳар бир юлдузига қуёш рашк этиши таъкидла-

нади. Навоий Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) нинг Бурок отига миниб кўкка кўтарилишини ташхис санъати воситасида баён қилар экан, сайёралар, юлдузлар, ўн икки буржларнинг номларинигина эмас, уларнинг хусусиятларини ҳам назарда тутиб, Меърож тунининг мўъжизавий ҳолатини тасвирлайди. Шоирнинг ёзишича, пайғамбар Оллоҳнинг ҳузурига ой бўлиб бориб, қуёш бўлиб қайтди, гавҳар бўлиб бориб, Уммон денгизига айланиб келди.

Достоннинг 5-боби сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий мадҳини ўз ичига олади. Навоий дастлаб сўзга таъриф берар экан, ҳар қандай яратилишнинг асоси сўз эканлигини айтади, уни ажойиб гавҳарга, мавж урган денгизга ўхшатади, айнан сўзнинг зикри б-н тил юксак мақом топганлигини айтиб ўтади ва тилдан ҳеч ким ганжалик хазинабон (Низомий Ганжавий) каби усталик б-н фойдалана олмаганлигини таъкидлайди. Низомий мадҳида талмеҳ ва ийҳом санъатининг ноёб намуналарини кузатиш мумкин. У фазилатда Турдаги Мусо, қаноатда Кофдаги Анқога ўхшатилади, Ганжада ганж (хазина)дек яшириниб, беш ганж ("Хамса")ни нишон қилиб кетганлиги айтилади. Бобда Деҳлавий соҳири Ҳинд (ҳинд сеҳргари) сифатида таърифланиб, у яратган асарлар фитнагарликда Кашмир ўлкасидек, китоблари саҳифаларидаги ёзувлар Бобил мамлакатининг катта йўлидек эканлиги таъкидланади, унинг "Хамса"си беш қасрга ўхшатилади. Салафларнинг "Лайли ва Мажнун" мавзуидаги достонлари "қалъа" ва "қаср"га, Навоийнинг ўз достони "қалъа" ва "қаср" атрофидаги "шаҳар" ва "боғ"га нисбат берилади:

Ҳам қалъа учун керакдурур шаҳр,
Ҳам қасрға боғу сабзадин баҳр.

6-боб тўлалигича Навоийнинг устози ва дўсти Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадҳига бағишланиб, Жомий исмидаги "нур" сўзига алоҳида урғу қаратилади ва унинг оти ҳам, зоти ҳам "нур ун-ало нур"дир дейилади. Навоий бобда Жомий ҳали тўлалигича "Хамса" яратмаган бўлса-да (Жомий бешлиги 1481-85 й.ларда яратилган, бу вақтга келиб, Жомий бешлигидаги фақат 3 достон ёзиб тугалланган эди), лекин ўзининг беш хазинаси, яъни *"Силсилат уз-заҳаб"*, *"Туҳфат ул-аҳрор"*, *"Субҳат ул-аброр"*, *"Аҳсан ул-қисас"* ("Юсуф ва Зулайхо") достонлари ва "Девон"и б-н беш хазинага муносиб жавоб айтганлигини таъкидлайди.

Достоннинг 7-боби замона ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Навоий Ҳусайн Бойқарони шариатнинг ҳимоячиси, адолатпарвар, саховатпеша, бунёдкор шоҳ, фиқҳ илмида Абу Ҳанифа сингари юксак даражага эга шахс сифатида мадҳ қилади. Шоирнинг ёзишича, у қиличи б-н шерни маҳв этишдек қудратга эга бўлса-да, чумолига шикаст етса кўз ёшини тиёлмайдиган, шоҳлар орасидаги ўрни фалак юксаклигида бўлгани ҳолда дарвешлар олдида тупроқдек хокисор подшоҳдир.

8-боб шаҳзода Бадиуззамон таърифига бағишланган. Навоий шаҳзоданинг исми "замонасининг гўзали, нодири" маъносини билдиришига ишора қилиб, шундай ёзади:

Аллоҳ, Аллоҳ, не от эрур бу,
Не поку хужаста зот эрур бу.

Бобда Бадиуззамоннинг адолати, саховати, жанглардаги шижоатига алоҳида таъриф берилади, замона шоҳи унинг жаҳонпаноҳи, ўзи эса аҳли жаҳоннинг шоҳи бўлишига ният билдирилади.

Достоннинг 9-боби тун таърифига бағишланган. Боб муайян маънода муқаддима б-н асосий қисмни боғловчи кўприк воситасини ўтайди. Бобда шоирнинг қоронғи тунда хаёл отига миниб, сайрга чиқиш тасвири берилган. Ишқ водийсига етганда от оқсокланиб, йўлда давом этолмай қолади. Ёмғир, бўрон аралаш момақалдироқ гулдураб, чақин чақади. Чақин ёруғида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон суяклари, ваҳший ҳайвонларни кўради. Бу тасвирларнинг барчаси муайян рамзга эга бўлиб, бу тун ҳажр туни, бу водий эса ишқ водийси, ваҳший ҳайвонлар ошиққа хуруж этган бало-офатлар, суяклар ишқ қурбонларидан нишонадир. Уз асли, Илоҳдан ажралган мусофир, ғариб руҳ Мажнун шу водийда якка ўзи бошини эгиб ўтирибди. Шу ўринда иккита ташбеҳ қўлланилган. Қоронғи тунда бирин-кетин чақмоқ чақиб, унинг ёруғида қабилалар кўзга ташланади. шунда шоир тунни Лайлининг сочига, чак-

моқни эса Лайли юзининг очилишига ўхшатади.

Лайли юзи бу ўринда илоҳий нур манбаи, узун сочлари – моддий дунё, фирок тузоқлари, ("Лайли" сўзининг ўзи ҳам тун маъносини билдиради), ана шу нур манбаининг чақмоқлари Мажнун қалби ва вужудидан жой олган. Иккинчи ташбеҳ: Навоий ишқ водийсида "нори Айман" (шоҳлари шуълаланиб турган дарахт)ни кўради. Қисса бошланиб, Лайли ва Мажнуннинг биринчи учрашуви тасвирланганда шоир шу ташбеҳни такрорлаб, Мажнунни худди шу шуълали дарахт қиёфасида чизади, яъни Лайли юзининг шуъласидан Мажнун қалби алангаланиб кетади. "Нори Айман" аслида Қуръондаги Мусо ҳикоясига ишорадир. Мусо алайҳиссалом Аллоҳга юзингни кўрсат деб илтижо қилганларида, Аллоҳ бир учқунни Тур тоғи томон йўналтиради. Тур тоғи парчаланиб, қум ҳолига келади, Айман водийси эса ёришиб кетиб, ундаги дарахтлар машъаладай норлайди. Аллоҳ ишки мана шундай қудратга эга. Мажнунга ана шу воқеа гўё қайта намоён бўлади ва у Ишқ водийси оловларини кўради. Шу тарика, ***ўт, барқ, нур, партав, чоқин, оташ, ламъа*** каби сўзлар "Лайли ва Мажнун" достонининг асосий белгиловчи воситаларига айланади. Лайли ҳусни ҳам ўт, Мажнун ишқи ҳам ***ўт***, икки ***ўт*** бир-бирига тортилади ва бир-бирига текканда жонни куйдирувчи ***аланга*** келиб чиқади.

Бу бобнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда шоир ҳотиф (ғойибдан овоз берувчи) тилидан ўз ёзилажак асарининг салафлар достонларидан қандай фарқ қилиши лозимлигини баён этади.

10-бобдан достоннинг асосий қисми бошланади. Унга кўра, Бани Омир кабиласида узоқ кутилган фарзанд Қайс дунёга келади. Қайснинг туғилиши, ўсиши тасвирида ҳам илоҳий тақдир сезилиб туради. Туғилгандан ишқ олови б-н йўғрилган Қайс ўтга талпинади:

Ўт кўрсаки майл этиб ниҳоний,
Ишқ ўти тасаввур айлаб они.

Бу олам Мажнунга ***оловдай*** ёндирувчи ишқ бўлиб туюлади, ишқ ***ўти*** унга ҳам роҳат, ҳам азоб, бир сўз б-н айтганда бу ўт унинг қисмати.

Уни 4–5 ёшларида Лайли мансуб бўлган Ҳай қабиласига ўқишга берадилар. Қайс мактабда тез сабоқ чиқаради, қисқа фурсат ичида барча илмларни ўзлаштиради ва сабоқдошларини ҳайратга солади (Бу ўринда Навоий Аллоҳ ўзининг хос бандаларига алоҳида истеъдод беришига ишора қиляпти). Қайс сабоқ олиб юрган бу пайтда Лайли бетоблиги учун мактабга қатнамаётган бўлади. Тузалганидан сўнг устози бениҳоя шодланганидан барча шогирдларини ўқишдан озод қилади. Лайли сабоқдошларини гулшан сайрига таклиф қилади, улар б-н бирга Қайс ҳам боғ сайрига чиқади (11-боб).

Қайс боғда Лайлини кўриб ҳушини йўқотади. Навоий Лайлининг ҳусни гулзорни чароғон қилиб юборди ва гулзордаги бир ниҳол (Қайс)ни хазон этди, деб ёзади. Бу ўринда сўз дунёвий (нафсоний) ишқ ҳақида бормаётганлигини англаб етиш зарур, чунки ҳали камолга етмаган болалар бу ёшда нафсоний ишқ моҳиятини англаб етишга кодир эмаслар. Ушбу лавҳани тас-ий маънода талқин этиш лозим бўлади, яъни Лайли сиймосида Ҳусни мутлақ тажаллий этади ва солик (Қайс) бундай ҳусн-жамолга дош беролмасдан ҳушидан кетади. "Л." достонининг асосий моҳиятини ҳам мажозий ишқнинг тараққий этиб, ҳақиқий ишққа айланишини тимсоллар воситасида кўрсатиб бериш ташкил қилади. Бунда Мажнун — Ҳақ жазбаси теккан, Ҳақ жамолини кучли шавқ б-н соғинган солик тимсоли бўлса, Лайли илоҳий тажаллиёт нури порлаган мазҳардир. Тас. таълимотига кўра, гулистон дарвешнинг руҳияти, уни Ҳақ ишқи эгаллаб олади ва у бетоқатланиб, ҳушини йўқотади. Шу тарзда мажзуби солик (Ҳақдан жазба етган, устози ҳам, пири ҳам *ишқ* бўлган, мақомларни эгалламасдан туриб, ҳол мартабасига эришган ошиқ)нинг саргузаштлари бошланади. Қайс шу тарика Лайлини ҳар кўрганида ҳушидан кетади. Халқ орасида "Мажнун" лақаби б-н овоза бўлади.

Навоийнинг ишқ ҳақидаги тушунчаси инсоннинг илоҳий файздан баҳрамандлиги б-н боғлиқ эътиқодга асосланган, яъни

ҳақиқий муҳаббат фақат покиза инсонлар қалбидан жой олиши мумкин. Мажнуннинг ишқи бу борада энг олий намуна, чунки у бутун қалби ва жону дили б-н Аллоҳни севади, шу б-н биргаликда у меҳр-мурувватни, юксак ахлоқи ва беқиёс истеъдоди б-н энг гўзал инсондир. Шунингдек, Навоийнинг фикрича, пок инсоний муҳаббат ва илоҳий ишқни бир-бирига зид қўйиш тўғри эмас, чунки улар бир-бири б-н чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисидан ўсиб чиқадиган ҳодиса.

Мажнуннинг ота-онаси уни Лайлига уйлантириш б-н дардига чора топмоқчи бўладилар ва Ҳай қабиласига совчи юборадилар. Навоий шу ўринда ҳақиқий ишқдан бехабар кишилар "ишқ уйланиш, оила қуриш б-н якунига етади" деган тушунча асосида яшашларига ишора қилади, яъни Мажнуннинг ота-онаси ва жамият аҳли ишқ деганда Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"да келтирган ишқнинг қуйи даражаси, яъни авом ишқиниғина англайдилар. Лайлининг отаси қизини ақл-ҳушдан бегона бир "девона"га беришни ўзи учун ор деб билади ва Мажнуннинг Лайли қабиласига келишини таъқиқлаб қўяди. Мажнуннинг отаси қабиладошлари б-н маслаҳатлашиб, Қайсни занжирбанд қилади. Лекин ишқ оташи таъсирида занжир узилиб, Мажнун уйидан чиқиб кетади. У бедард қабиладошларини ҳам, яқинларини ҳам, умуман жамиятни унутиш даражасига боради, зеро, бу ҳолат ҳақиқий ошиқ учун хос хусусиятдир:

Ўз отию қавму хайли оти
Йўқ ёдида, ғайри Лайли оти.

Тас.да бу ҳолат "тафрид" (ёлғизланиш) деб аталади. Ошиқ шундай бир ҳол мартабасини эгаллайдики, яқинларидан, умуман, инсонлардан безор бўлади, якқаликни, ёлғизликни қумсайди. Ёлғизланиш дилнинг Ҳаққа юзланиши учун имкон яратади.

Қайснинг отаси ўғлининг дардига шифо бўлади деган умидда ҳаж муносабати б-н Каъба зиёратига олиб боради. Қариндошлар Қайс Каъбани тавоф этса, аҳволи яхшиланади деб умид қиладилар. Лекин Мажнун Аллоҳга муножот қилиб, Лайли ишқини кўнглига мустаҳкамроқ жо этишини сўрайди. Мазкур лавҳа достоннинг энг таъсирчан ўринларидан бири бўлиб, қирқ уч байтдан иборат (20-боб). Бу ўзига хос "муножотнома"да йигирма тўрт ўринда "ишқ" сўзидан фойдаланилган. Навоий ушбу сўзни турли поэтик унсурлар ва ритмик воситалар б-н уйғунликда қуллаб, оҳангнинг турли-туман жилваланишларига эришади. Аслида Каъба зиёрати лавҳаси тас. аҳлининг ҳар қандай суратлар, тимсолларга сиғинишни инкор этишларига ишорадир. Яъни Аллоҳнинг ўзига ошиқ бўлган, фақат Уни деб ёнган киши учун бу ишлар ортиқча ёки моҳиятни англамай, суратпарастлик қилиш б-н баробардир.

Мажнуннинг отаси ўғлини уйга қайтариб олиб келади ва у яна саҳрога чиқиб кетади. Мажнун саҳрода кийиклар б-н дўст тутинади. У қаерга бормасин, кийиклар унга эргашадилар, уни ўзларига паноҳ деб биладилар. Бу б-н Навоий табиатнинг жамиятдан юксакроқ ва покроқ эканлигига, руҳий юксалиш жараёнини бошдан кечираётган Мажнун эса ана шу табиатнинг бир бўлаги эканлигига ишора қилади. Мажнун саҳрода овга чиққан лашкарбоши Навфални кўриб қолади. Навфал ҳам бир вақтлар ишқ дардини бошдан кечиргани учун Мажнуннинг қалбини тушунади, унга раҳми келади. Навфал ишқ дардидан хабардор бўлса-да, лекин Мажнун даражасига кўтарила олмаган, унинг ишқдаги мақоми маълум бир босқичга етгандан кейин тўхтаб қолган. Шу сабабли у ҳам Мажнунни Лайлига уйлантириш б-н унинг дардига малҳам топиш мумкин деб ўйлайли ва Лайлига совчи юборади. Лекин Лайлининг отаси рози бўлмагач, уруш очади. Лайлининг отаси урушда енгилишини сезиб, қизини ўлдиришга қасд қилади. Бу ҳолат Мажнунга туш орқали аён бўлгач, Навфалдан урушни тўхташини сўрайди (23-боб). Бу б-н Навоий ибратли бир ҳолатга ишора қилади, яъни ёрга жисмоний куч б-н эришиб бўлмайди. Навфал Мажнун учун яна бир чора воситаси сифатида ўз қизини Мажнунга беришга қарор қилади. Мажнуннинг отаси бу ҳақда ўғлига айтганда "футувват, мурувват ва ҳидоят аҳли"дан бўлган Мажнун отасининг раъйини қайтаришни одобсизлик деб билади ва отасининг таклифини қабул

қилади (30-боб). Лайлини Бани Асад қабиласининг бошлиғи Ибн Саломга унаштирадилар. Навфалнинг қизи бошқа инсонни севишини айтиб, Мажнунга ака-сингил бўлишни таклиф қилади. Ибн Саломнинг эса қуянчиқ (тутқаноқ) касали қўзғаб, беҳуш йиқилади. Лайли ва Мажнун ишқ даштида учрашадилар. Навоий бу учрашувни чуқур ҳаяжон б-н тасвирлайди. Улар бир-бирининг васлига етишган дамларда бутун борлиқ уларга мадад кўрсатади, осмон жисмлари ҳам, ердаги барча тирик мавжудот сукутга чўмади, ошиқ-маъшуқларга хайрихоҳлик қилади. Лайли ва Мажнун руҳан бирлашадилар, иккилик ўрнини бирлик – тавҳид эгаллайди. Навоий уларнинг васли покликдан айри бўлмаганлигини айтади. Шоирнинг фикрича, ишқ аҳли улардек пок бўлар экан, уларга абадий васл муяссар бўлса, не ажаб, зеро, нафс мақсадида ошиқ бўлганлар учун ошиқлик ҳаромдир:

Ишқ аҳли бу навъ бўлсалар пок,
Гар васл муаббад ўлса не бок?
Ошиқки муроди ком бўлғай,
Ошиқлик анга ҳаром бўлғай (31-боб).

Достондаги энг таъсирчан боблардан яна бири бу Мажнун ота-онасининг ўлими ҳақидаги бобдир (33-боб). Мажнуннинг дардига чора топа олмаган ота-она фарзандининг ғаму аламида куйиб, бирин-кетин дунёдан кўз юмадилар. Мажнун бу ҳолдан туш орқали хабар топади: тушида болаларини инларига қайтармоқчи бўлган икки каптар бургутга ем бўладилар. Бобда ота-онасидан ажралган Мажнуннинг изтиробли, ғам-аламлари чуқур хиссиёт б-н тасвирланган. Айниқса, унинг онаси қабри устида тортган афғонлари юксак пафос б-н йўғрилганлигини кўриш мумкин:

Сен Каъба мангаву мен тилаб дайр,
Тавфинг сори ҳеч қилмайин сайр.
Солиб санга изтироб ҳар дам,
Каъбамни қилиб хароб ҳардам.
Каъбам бўлмиш менинг харобим,
Тенгрига не бўлғуси жавобим?!

Мажнуннинг ота-онаси вафот этганини эшитган Лайли ёрининг ҳам фироқ аламидан, ҳам ота-она мотамидан изтиробга тушаётганини ўйлаб, чуқур ғамга ботади. Мажнун ота-онасининг ғамидан азобда бўлса, менга ҳам бу ғам, ҳам унинг ғами икки ҳисса азоблироқдир, дейди:

Анга ота-онанинг ғамидур,
Ҳам бу манга, ҳам анинг ғамидур.

Лайлининг руҳий аҳволи ўзгара бошлайди, унинг танасида кучли ҳарорат пайдо бўлади. Табиблар бу ҳол олдида ожиз қоладилар. Лайли бу дунёдан кетиш фурсати яқинлашганини сезиб, онасига Мажнун келса, уни ҳузурига киритишларини васият қилади. Мажнун Лайлининг бу дунёдан кетаётганини илоҳий бир куч б-н сезиб, унинг қабиласи томон келади. Шу тариқа умр бўйи бир-бирининг ишқида куйган, висолига интилганлар Руҳи мутлақ томон равона бўладилар.

Достон хотимаси уч боб (36–38)ни ўз ичига олади. 36-боб "Ишқ таърифи"га бағишланган бўлиб, бунда Навоий ишқни кимёга ва оламни кўрсатувчи кўзгуга ўхшатади:

Эй, ишқ, ғариб кимиёсен,
Бал ойинайи жаҳоннамосен.

Ривоятларга кўра, қадимда кимёгарлар мис ва бошқа маъданларни юқори ҳарорат таъсирида олтинга айлантириш мумкин деб ҳисоблаганлар. Навоий бу ўринда шу афсонага ишора қилиб, одам аслида тупроқдан яралган, аммо ишқ оловининг "кимё"лиги уни олтинга айлантиради, яъни ишқ инсон вужудини турли хил чиқиндилар – жисмоний талаблар ва нафсоний истаклардан поклайдиган оташдир, деган фикрни айтади.

Покланиш, яъни "кимё"ланиш ишқи мажозий бўлиб, ундан "олтин"га айланиб чиққан ошиқ энди ўзлигидан қутулади ва қаёққа қараса, ҳақиқий Ёр (Ҳақ)ни кўради. Бу эса қалбнинг кўзгуга, яъни "ойинаи жаҳоннамо"га айланиши, бошқача айтганда ишқи ҳақиқийга молик бўлишдир.

Достоннинг 37-боби Султон Ҳусайн Бойқаро акасининг ўғли шаҳзода Султон Увайс баҳодир мадҳига бағишланган. Навоий шаҳзодани таърифу тавсиф қилиш асносида ғоят усталик б-н унга шариат, адлу ҳим-

мат бобида насиҳатлар ҳам қилади ва замона султони Ҳусайн Бойқарони унга ибрат қилиб кўрсатади.

Достоннинг сўнгги боби "дард навхаси" (йиғиси)нинг якуни ҳақида бўлиб, шоир бунда достонни тугаллагани учун Аллоҳга шукрона келтиради. Навоийнинг достон моҳияти ҳақида айтган энг муҳим фикрлари айнан шу бобда тажассум топган:

Сўгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай йиғлай тугаттим охир...
Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудум эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.

Достонда ҳар бир тимсол юксак маҳорат б-н ишланган бўлиб, Навоий ҳар бир образга, ҳар бир деталга муайян бадиий ижтимоий "вазифа" юклаганлигини кўриш мумкин. Достоннинг 14-бобида тасвирланган ит образи бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, ит садоқат, вафодорлик рамзи саналади. Достонда Мажнун ўз садоқати, вафосидан кўра итнинг садоқатини устун қўяди, чунки ит Мажнунга қараганда Лайлига анча яқин туради. У ҳам Мажнун каби ошиқ, ёрининг оёғи остида ётиб ўз вафодорлигини, садоқатини намоён қилади. Бунинг фаҳмига етган Мажнун ўз дардини тўкиб солади:

Сен мендин улуб вафода афзун,
Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.

Бу ўринда Навоий Мажнуннинг ўзини ошиқ санаб, ит даражасига ҳам кўтарила олмаганидан қаттиқ изтиробда эканлигини баён қилади. Ит Лайлини кўрганда Мажнун сингари ҳушини йўқотмайди, унинг оёқларига суйкалиб, эркаланади — итнинг бардоши кучли, бу эса Мажнуннинг ета олмас армони.

Достон композициясида бош қаҳрамонлар – Лайли ва Мажнуннинг бир-бирларига ёзган мактублари ҳам муҳим ўрин тутади. Мактуб кўнгилларни боғлайдиган восита бўлиб, у васлдан хабар беради, ошиқ-маъшуқларни умидлантиради. Шоир Лайлининг мактубида *нидо* санъатидан фойдаланиб, ёрнинг ўз ошиғига мурожаати орқали маъшуқанинг қалб изҳорларини, ҳис-туйғуларини ифодаласа, Мажнуннинг Лайлига ёзган мактубида вафо ва садоқатдан сўзловчи ошиқ кечинмалари қаламга олинади. Ушбу мактублар достоннинг умумий поэтик қонун-қоидалари (вазн, қофияланиш тизими)га мослаштирилган нома жанрининг бетакрор намуналаридир.

Достоннинг бадиий жиҳатдан юксак чиқишини таъминлаган воситалардан яна бири унда табиат тасвирининг алоҳида ўрин эгаллашидир. Навоий табиат фаслларидан умумий рамзий фон сифатида фойдаланиб, улардаги ўзгаришларни қаҳрамонлар кайфияти ва руҳиятига ҳамоҳанг тарзда тасвирлайди. Қаҳрамонлар шодланган пайтда, уларни ўраб турган табиат ҳам яшнаб туради, улар қайғуга тушганда гўё борлиқ ҳам хўрсиниб нафас олаётгандек бўлади. Масалан, Мажнун гулшанда хушсиз ётган пайтда бутун табиат унинг бошига тушган оғир савдога "ҳамдардлик билдиради": гул ўз ёқасини чок этади, лола кўксига қора доғ солади, сунбул ўз қиёфасини қора рангга бўяйди ва б. Достон воқеаларининг баҳор фаслида бошланиб, куз фаслида якунланишида ҳам муайян рамзий ифода бор.

Достон ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаулун) вазнида ёзилган. Достонда мазкур вазн б-н бирга қўшимча тарзда *ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулун фоилун фаулун) вазнининг ҳам қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат тасодифий бўлмай, достон мазмуни ва ғояси б-н чамбарчас боғлиқ. Достондаги 3623 байтдан 240 мисра айнан мана шу вазнда яратилган бўлиб, достондаги зиддиятли воқеалар, асар қаҳрамонларининг чуқур руҳий изтироблари тасвири, қаҳрамонлар руҳиятининг табиат тасвири б-н боғлиқ бўёни, қаҳрамонлар ҳайрати акс этган мисралар – лирик чекиниш пайтида мазкур вазнга мурожаат қилинганлигини кўриш мумкин.

Алишер Навоийнинг "Л." достони бўйича Т. Аҳмедов, С. Нарзуллаева, А. Қаюмов, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, Б. Эралиев, Х. Маматқулова, Ф. Набиев каби олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боргандар.

Ас.: Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1992, 9-ж; *Алишер Навоий.* Лайли ва Мажнун. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011, 7-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.; *Аҳмедов Т.* Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони. Т., 1970; *Нарзуллаева С.* Тема "Лейли и Меджнун" в истории литературы народов Советского Востока. Т, 1983; *Каюмов А.* Ишқ водийси чечаклари. Т., 1985; *Комилов Н.* Тасаввуф. Т., 2009; *Юсупова Д.* Алишер Навоий "Хамса"сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги.Т., 2011.

Дисс.: Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони: ф.ф.н.д,: Т., 1965; *Набиев Ф.* Ш. Алишер Навоий ижодида табиат тасвири ва қаҳрамонларнинг руҳий олами ("Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун" достонлари асосида): ф.ф.н., Т., 1990; *Маматқулова Х. А.* Навоийнинг "Лайли ва Мажнун", Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" асарларининг қиёсий тадқиқи: ф.ф.н., Т., 2009.

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" I – Низомий Ганжавийнинг "Панж ганж"и таркибига кирувчи учинчи достон. Ширвон шоҳи Ахсатан ибн Манучеҳр илтимоси б-н 1188 й.да ёзилган. Ҳажман 4022 байтдан иборат. Достонда анъанавий муқаддимадан сўнг асосий қисм бошланади. Бани Омир қабиласининг бошлиғи узоқ кутгандан сўнг фарзанд кўради ва унга Қайс деб исм қўяди. Қайс ўн ёшида мактабга боради ва у ерда Лайли исмли қизни яхши кўриб қолади. Ўртада ўзаро муҳаббат бошланади. Буни сезган одамлар уларни ажратадилар. Лайлидан ажралган Қайс кучада, бозор расталарида шеърлар айтиб юрадиган бўлади ва атрофдагилар уни "Мажнун" ("телба", "жинни") деб атай бошлайдилар. Ўғлининг ҳолатини сезган ота Лайлиникига совчиликка боради. Достонда Мажнуннинг отаси мансаб ва мавқе жиҳатидан Лайлининг отасидан устун эканлиги кўрсатилган. Лайлининг отаси аввал Мажнунни даволашни, кейин совчи бўлиб келишни маслаҳат беради. Мажнуннинг отаси ўғлини ўз қабиласидан бирор қизга уйлантирмоқчи бўлади. Аммо Мажнунни кўндиролмайди. Унинг аҳволи кундан-кунга оғирлашади. Лайлига бағишлаб ғазаллар бита бошлайди ва унинг ғазаллари тез орада халқ орасида тарқалиб, ёд бўлиб кетади. Отаси қариндош ва кексаларнинг маслаҳати б-н ўғлини ҳажга олиб боради. Мажнун Каъбада ишқ оташини янада кучайтиришни сўраб, Худога муножот қилади. Мажнуннинг муножоти ҳақидаги хабар жуда тез тарқалади ва Лайли қабиласидаги айғоқчилар уни Лайлининг отасига етказадилар. Лайлининг отаси қилич яланғочлаб, Мажнунни ўлдиришини айтади. Лайли боғ сайрига чиққан найтида уни Бани Асад қабиласидан бўлган давлатманд Ибн Салом кўриб қолади ва Лайлининг уйига совчи юборади. Лайлининг отаси розилик бериб, тўйни Лайли тузалганидан кейин бошлаши мумкинлигини айтади. Мажнунни даштда юрган пайтида ов қилишга чиққан Навфал учратиб қолади ва унга ачиниб, ёрдам бермоқчи бўлади. Лайлининг қабиласига 100 нафар яхши қуролланган одамини юбориб, Лайлини Мажнунга беришларини, акс ҳолда уруш очишини маълум қилади. Лайлининг отаси рад жавобини бергач, уруш бошлайди. Урушда Навфал ғалаба қозонаётганлигини кўрган Лайлининг отаси қизини Навфалнинг бирор қулига беришга ёки ўлдириб итининг олдига ташлашга розилигини, лекин Мажнунга беришга ҳеч қачон рози бўлмаслигини, агар зўрлик б-н Мажнунга олиб бермоқчи бўлишса, уни ҳозироқ ўлдиришини айтади. Навфал зўравонлик б-н иш битмаслигини сезиб, ортига қайтади. Ибн Салом иккинчи марта совчи юбориб, ниҳоят Лайлига уйланади. Лекин Лайли уни ўзига яқинлаштирмайди. Мажнун Лайлининг турмушга чиққанлигини эшитиб, қаттиқ хафа бўлади. Достонда Мажнуннинг Лайлига, Лайлининг Мажнунга ёзган хатлари келтирилган бўлиб, улар нома жанрида битилган. Ўғилларининг бу ҳолатидан қаттиқ эзилган ота-ота бирин-кетин вафот этадилар. Ибн Салом мақсадига эришолмай, қаттиқ изтиробга тушади ва бир оз ўтгач, вафот этади. Ўз севгисига содиқ қолган Лайлининг саломатлиги ҳам ёмонлашиб, охирги нафасигача Мажнуннинг номини такрорлаб куз фаслида вафот этади. Буни эшитган Мажнун қабристонга келиб, Лайлининг қабрини қучиб, ҳаётдан кўз юмади. Достон Низомийнинг Ширвоншоҳга мурожаати

б-н якунланади. "Л."ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун – – V | V – V – | V – –) вазнида ёзилган.

Навоий ўз "Лайли ва Мажнун" достонининг бешинчи бобида Низомийнинг "Л." достонини беш хазинадан бири сифатида баҳолайди.

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" II – Ашраф Марогий "Хамса"сидаги учинчи достон. 1438 й. ёзилган. Ҳажман 3338 байтдан иборат. Баъзи манбаларда "Ишқнома" ҳам деб аталади. Достоннинг салафларинидан фарқланувчи асосий хусусиятларидан бири унга асар қаҳрамонлари тилидан айтилган ғазалларнинг киритилганлигидир. Навоий ўз достонининг бешинчи бобида бошқа хамсанавислар қатори Ашрафнинг ҳам шу мавзуда қалам тебратганлигини айтиб, унинг достонига ижобий баҳо беради.

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" III – Абдураҳмон Жомий "Ҳафт авранг"идаги олтинчи, "Хамса"сидаги тўртинчи достон. 1484 й.да ёзилган. Ҳажман 3680 байтдан иборат. Асар салафлар достонларидан тас-ий буёқларнинг қуюқлиги ва рамзийлигининг кучли ифодаси б-н ажралиб туради. Достонда анъанавий муқаддимадан сўнг воқеалар мазмуни келтирилади. Унга кўра, Қайс оиладаги ўн фарзандниг энг кенжаси. Унинг болалиги тасвири келтирилмайди, воқеалар ибтидосида у туя миниб юрувчи енгилтабиат йигит сифатида тасвирланади. Қайс дастлаб Карима исмли қизга кўнгил қўяди. Лекин Кариманинг бадавлат йигитга рағбат билдирганлигини кўриб, қабилани тарк этади ва чопарлардан Лайли исмли қизнинг таърифини эшитиб, уни кўришга боради ва севиб қолади. Лайли ва Қайснинг қабилалари ўзаро адоватда эдилар. Қайсни амакисининг қизига уйлантирмоқчи бўладилар, лекин у кўнмайди. Шунга қарамай, Қайснинг уйланаётганлик хабари Лайлига етиб боради ва у йигитни беқарорликда айблайди. Бундан таъсирланган Қайс Лайли томонга йўлга тушади ва агар уни учрата олса, Каъба зиёратига боришга онт ичади. Қайснинг орзуси амалга ошиб, Лайлини учратади ва Каъба зиёратига боради. Маккадан қайтгач, севишганлар яна учрашадилар. Бу пайтга келиб Қайс Мажнун лақабини олган эди. Лайлининг отаси Қайсга қилич б-н таҳдид қилиб, кизи б-н учрашишни таъкиклайди. Қайснинг оиласи Лайлини сўраб, совчиликка боради, лекин Лайлининг отаси қизини душман қабилага беришни истамайди. Мажнун даштга – ёввойи ҳайвонлар томонга чиқиб кетади. Даштда Мажнун лашкарбоши ва шоир Навфал б-н учрашади. Навфал Мажнун номидан Лайлининг оиласига совчиликка боради, лекин Лайлининг отаси яна рад жавобини беради. Мажнун ишқий шеърлари б-н шуҳрат қозонади ва уларни тинглаган халифа ҳатто уни тақдирламоқчи бўлади, лекин Мажнун рози бўлмайди.

Сақиф қабиласидан бир йигит Каъба йўлида кетаётиб, Лайлини учратиб қолади ва унга совчи юборади. Лайлининг отаси насаб ва бойликда юқори бўлган бу йигитга розилик билдиради ва тўй бўлиб ўтади. Лайли куёвга Мажнунни севишини ва агар унга яқинлашса, ўзини ҳам, уни ҳам ўлдиришини айтиб, қасам ичади. Мажнун Лайлининг турмушга чиққанлигини эшитиб, қаттиқ хафа бўлади. Достонда Мажнуннинг Лайлига, Лайлининг Мажнунга ёзган мактублари келтирилган. Лайлининг куёви унинг висолига эришолмай, қаттиқ изтиробга тушади ва хасталаниб, вафот этади.

Бир куни Лайли ва Мажнун тасодифан учрашадилар, Мажнун Лайлини кўриб ҳушини йўқотади, Лайли базўр уни ҳушига келтиради ва келаси сафар яна шу йўл орқали унинг ҳузурига келишини айтади. Орадан анча вақт ўтгач, Лайли Мажнунни яна шу жойда ҳаракатсиз ҳолда учратади, унинг бошига қушлар ин қуришга улгурган эдилар. Маълум бўладики, Мажнун ўша учрашувдан сўнг шу ерда Лайлини кутиб турган экан. Мажнун Лайлини танимайди, уни энди Лайлининг қиёфаси қизиқтирмас эди, чунки унинг ишқи мажозийдан илоҳийга ўтиб бўлган эди. Мажнунни ёввойи ҳайвонлар орасида ўлик ҳолда топадилар, унинг ўлимини эшитган Лайли ҳам ҳаётдан кўз юмади. Асар бу оламнинг ўткинчилиги ҳақидаги боб б-н якун

топади. "Л." салафлар достонлари сингари ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаулун – – V | V – V – | V – –) вазнида ёзилган. Навоий "Хамсатул мутаҳаййирин"нинг учинчи бўлимида достон номини Жомий асарлари қаторида санаб ўтади.

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" IV – *Шайхим Суҳайлий*нинг достони, 1484 й.да ёзилган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг достонидан олинган Лайлининг хасталиги б-н боғлиқ қуйидаги байтни келтиради:

Гўйи занахаш зи ҳол гашта,
Монандаи себи сол гашта.

(Мазмуни: Ҳолдан тойганлигидан иягининг айланаси аввалги йилдан қолган олмага ўхшайди). Келтирилган байтдан достон анъанавий ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаулун – – V | V – V – | V – –) вазнида ёзилганлиги маълум бўлади.

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" V – *Абдуллоҳ Ҳотифий* "Хамса"си таркибига кирувчи достон, 1484/1487 й.ларда ёзилган. Ҳажми манбаларда турлича: 2000 байтдан 3900 байтгача деб кўрсатилган. Достон композиция ва воқеалар ривожига кўра, Низомий достонига яқин туради. Сюжет б-н боғлиқ баъзи янгиликларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Мажнуннинг кўр киши қиёфасида Лайлининг қабиласига келиши; совчилик вақтида Мажнуннинг Лайли ити ёнига юзтубан ётиб олиши; Ибн Саломнинг Лайли б-н ажрашиши; Навфалнинг Лайлини севиб қолиши ва б. Достон Низомий достони сингари ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаулун – – V | V – V – | V – –) вазнида ёзилган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида Абдуллоҳ Ҳотифийга бағишланган бобда достон номини унинг "Хамса"си таркибига кирувчи достонлар қаторида санаб ўтади.

"ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН" VI – *Хожа Имод Лорий*нинг достони, яратилган йили номаълум. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида Хожа Имоднинг Низомий "Лайли ва Мажнун"ига татаббуъ тарзида достон ёзганлигини айтиб ўтади.

"ЛАМАЪОТ" ("Шуълалар") — Фахриддин Ироқийнинг асари. Аҳмад Ғаззолийнинг «Ас-савонеҳ фи маоний ул-ишқ» ҳамда Ибн Арабийнинг "Фусус ал-ҳикам" асарлари таъсирида ёзилган. Асар муқаддима, 28 ламъа (боб) ва хотимадан иборат бўлиб, унда ишқи ҳақиқий ва у б-н боғлиқ масалалар қаламга олинган. Навоийнинг илтимоси б-н Жомий бу асарга 1481 й.да шарҳ ёзган ва уни "Ашиъат ул-ламаъот" деб номлаган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Фахриддин Ироқий б-н боғлиқ бобда ҳамда "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида тилга олади.

"ЛАТОФАТНОМА" – Амир Темурнинг набираси Сайид Аҳмад Мирзонинг асари. "Таашшуқнома" деб ҳам юритилади. 1435-1436 й.да яратилган. "Л." нома жанрида битилган бўлиб, 319 байтдан иборат. Асар "Муножот", "Мадҳи наби алайҳиссалом", "Китоб сабаби", "Подшоҳи ислом мадҳи", 10 нома ва хотимадан иборат. Ҳар бир нома уч қисмдан: нома, ғазал ва сўзнинг хулосаси каби бўлимлардан ташкил топган. Асарда тажнис бадиий санъатидан кўп фойдаланилган бўлиб, иккинчи нома бошдан охиригача ана шу санъат асосида ёзилган. "Л." Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"сига жавоб тарзида вужудга келган. Навоий асар номини "Мажолис ун-нафоис"нинг еттинчи мажлисида Сайид Аҳмад Мирзога бағишланган бобда тилга олади.

ЛАФФ ВА НАШР (ар. – йиғиш ва ёйиш) – шеърий нутқнинг гўзаллиги ва таъсирчанлигини таъминлашга йўналтирилган бадиий санъатлардан бири. Бунда биринчи мисрада бир неча нарса-тушунчалар саналиб, иккинчи мисрада уларга тегишли, алоқадор, боғлиқ нарса-тушунчалар номи ёки уларнинг сифат ва хусусиятлари келтирилади. Аввал нарса-тушунчаларни бир

ерга йиғиб, кейин уларга дахлдор нарса-тушунчалар ёки сифат-хусусиятларнинг бир ерда кетма-кет келтирилиши жиҳатидан мазкур санъат лафф ва нашр – йиғиш ва ёйиш деб аталган. Бошқача айтганда, Л.н. бир-бирини тақозо қиладиган сўзларнинг бир байт ёки мисрада аввал йиғиб, кейин ёйиб берилишидир. "Бунда саналаётган нарса-тушунчалар бир-бирига очиқ ўхшатилмайди, уларнинг бир-бири б-н боғлиқ ёки алоқадор эканлиги ҳам очиқ айтилмайди, улар ўртасидаги ўхшашлик ёки мувофиқликни идрок этиб олиш ўқувчининг ўзига ҳавола қилинади".

Баъзида бунинг акси ҳам рўй беради, яъни сочма ҳолда келтирилган нарсалар ўзига тегишли хусусиятига кўра бир ерда йиғилади. Мас.,

Оғзидин аччиғ сўз айтиб,
зоҳир этса заҳри чашм,
Айб эмастур писта шўру,
тонг эмас бодом талх.
("Ғаройиб ус-сиғар", 110-ғазал)

Л.н. асосан байт доирасида рўй берса-да, баъзан мисра таркибида ҳам учрайди. Мас.:

Не учун базми висол ичинда
ичмай бодаким,
Кўзию оғзи бугун бодому
шаккардур манга.
("Ғаройиб ус-сиғар", 15-ғазал)

Иккинчи мисрада бодом кўзнинг, шакар оғзининг сифати бўлиб келмоқда.

Л.н.нинг мураттаб (тартибли) ва номураттаб (тартибсиз) кўринишлари фарқланади. Агар нарса-тушунчалар биринчи мисрада қандай тартибда саналган бўлса, уларга тегишли нарса-тушунчалар иккинчи мисрада ҳам шундай кетма-кетликда келтирилса, бу мураттаб Л.н. деб аталади. Мас.:

Савдову ришта заҳматиға
учради кўнгул,
Зулфу белинг хаёлида
фикри дақиқдин.
("Ғаройиб ус-сиғар", 472-ғазал)

Бу ерда "савдо" "зулф"га, "ришта" "бел"га нисбати берилмоқда.

Агар биринчи мисрада саналган нарса-тушунчаларга алоқадор сифат ва хусусиятлар тартиби иккинчи мисрада бузилиб, аралаш берилса, бу номураттаб Л.н. бўлади. У, шунингдек, мушавваш (паришон, тарқоқ) деган ном б-н ҳам аталади. Баъзан вазн ёки қофия талаби б-н ҳам ана шундай ҳолат юзага келиши мумкин.

Л.н. санъатини тушуниши ва ундан завқланиши учун ўқувчи Шарқ мумтоз ад-тининг образлар оламини яхши билиши керак. Чунки уни анъанавий тимсол ва тушунчалар ҳамда уларнинг қиёс доирасидан хабардор бўлмай туриб аниқлаш мушкул.

"ЛИСОН УТ-ТАЙР" ("ҚУШ ТИЛИ") – Алишер Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий мавзудаги достони. 1499 й.да ёзилган. Ҳажман 193 боб, 3666 байтдан иборат. Достон мавзуи ва ғоявий йўналиши жиҳатидан форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси *Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут тайр"* достонига татаббуъ ҳисобланади. Алишер Навоийнинг ўзи "Л."да маълумот беришича, у 9–10 ёшларида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонини ўқиб, унга муҳаббат қўяди ва тинимсиз мутолаа қилганидан сўнг бу асар унга ҳатто ёд бўлиб кетади. Ниҳоят умрининг сўнгги йилларида унга жавоб ёзишга ўзида журъат сезади ва "Л."ни яратади.

Аслида мумтоз адабиётда қушлар сайри б-н боғлиқ асарлар мавзу жиҳатидан Ибн Синонинг "Тайр қиссаси" ("Қуш киссаси") рисоласига бориб тақалади. Рисолада қушлар овчидан қочиб, Подшоҳ ҳузурига борганлари ҳикоя қилинади. Бу рисолага раддия тарзида ёзилган *Абу Ҳомид Ғаззолий*нинг "Рисолат ат-тайр" ("Қуш рисоласи") асарида эса сюжет ва композиция асосан сақланиб қолгани ҳолда асар ғоясида кескин ўзгариш юз беради: қушлар Подшоҳнинг ишқида Унинг Ўзини талаб қилиб, Олий даргоҳга борадилар.

Мазкур мавзу ёзма ад-тда илк бор Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асари орқали яхлит ва мукаммал сюжетга эга бўлган бадиий достон ҳолига келтирилди. Унда сюжет чизиқлари қайта ишланиши б-н бирга асарга толиб қушлар ва етакчи қуш – Ҳудҳуд образи киритилди. Қушлар подшоси номи *Симурғ* тарзида ўзгартирилди ва кўпгина ҳикоятлар қўшилди. Натижада асар ҳикоят ичида ҳикоят йўналиши-

даги фалсафий-бадиий достон даражасига кўтарилди.

«Л.» мураккаб фалсафий-тас-ий достон булиб, унда Навоий мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини баён этади, шу б-н биргаликда достонда реал ҳаёт лавҳалари, кишиларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятлар ҳам тасвирланган.

Достон анъанавий тарзда муқаддима б-н бошланади. Муқаддима 13 бобдан иборат бўлиб, унинг дастлабки боблари (1–2-боблар) Аллоҳ ҳамди ва муножотни ўз ичига олади. Навоий Аллоҳ бу оламни аниқ бир ҳикмат асосида бунёд қилганлиги ҳақида ёзар экан, унда ҳеч бир нарса тасодифий яратилмаганлигини айтади. Шоирнинг фикрича, Яратувчи коинотдаги барча нарса ва ҳодисаларни ўзаро алоқадор ҳолда вужудга келтирган, шу жиҳатдан олиб қараганда табиат сон-саноқсиз уйғунликларнинг бир бутун мажмуидан иборат. Аллоҳнинг мўъжизаси сифатида бир-бирига зид бўлган тўрт унсур (сув, олов, тупроқ ва ҳаво) инсон вужудида бир бутун ҳолда бирлаштирилган, зеро, бутун оламни яратишдан мақсад инсондир:

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда бешвоз.

Мазкур бобда Навоийнинг табиат ва илоҳиётнинг бир бутунлиги (ваҳдати вужуд) назариясига асосланган концепцияси ҳам ўзининг қисқача поэтик ифодасини топган. Шоирнинг фикрича, оламдаги барча нарса, ҳодиса ва ўзгаришларнинг ижодкори бўлган Худо ўзи яратган нарсалардан ташқарида эмас, балки улар б-н бирга, бир бутун ҳолда мавжуддир. Шунга кўра илоҳиёт ва табиатни бир-биридан ажратиб қараш мумкин эмас.

Бобда, шунингдек, инсон ва шайтон зиддияти қаламга олиниб, Аллоҳ Одамни ўз сиридан хабардор қилиб, халифалик тожи б-н юксалтиргани, шайтонни эса унга сажда қилишдан бош тортгани учун мардуду лаъин (рад этилган ва лаънатланган) қилганлиги ҳақида ҳам айтиб ўтилади. Муножотда ўтган умрини сарҳисоб қилган буюк мутафаккирнинг ўз-ўзини тафтиш этиши, Яратган қошида ўзини беҳад гуноҳкор деб ҳисоблаши б-н боғлиқ фикрлар келтириб ўтилган. "Л."нинг 3–4-боблари пайғамбар Расули акрам мадҳи ва меърож туни таърифини ўз ичига олади. Навоий дастлаб "Нури Муҳаммадия" ҳақида фикр юритар экан, бу нур олам яратилишидан ҳам илгари мавжуд бўлганлигини, Одам Атодан Шис пайғамбарга ва шу орқали кўплаб наслларга ўтиб, Расули акрамнинг оталари Абдуллоҳга етиб келганлиги ва ниҳоят унинг фарзанди чеҳрасида пайғамбарлик нури сифатида зоҳир бўлганлигини ёзади. Бобда шунингдек, Расули акрамнинг пайғамбарлик даврларидаги фаолиятлари: кофирларга қарши курашганлари, Лот бутининг ҳолини хароб қилганлари, халққа Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ҳақидаги ҳақиқатни етказганликларига тўхталиб ўтилади. Меърож туни таърифига бағишланган бобда пайғамбаримизнинг ҳузурларига "Руҳ ул-амин" (Жаброил фаришта) келиб, Яратганнинг хабарини етказгани ва Расули акрамнинг Бурок отини миниб, Аллоҳ ҳузурига кўтарилганликлари, орадаги етмиш қават парда кўтарилиб, бор-йўқ тўсиқлар бартараф бўлганлиги, пайғамбаримиз Аллоҳдан умматларининг гуноҳини сўраганликлари ва Аллоҳ ўз ҳабибининг барча истакларини қабул қилгани ҳақида фикр юритилади.

Достоннинг 5–12-боблари тўрт халифа – чаҳорёрлар тавсифига бағишланган. Навоий дастлаб ҳар бир халифага таъриф беради, улар сажиясига хос энг муҳим нуқталар б-н китобхонни таништиради, сўнгра чаҳорёрлар ҳаётидан муайян воқеа акс этган ҳикоятни келтиради. Хусусан, мўминлар амири Ҳазрат Али (р.а) мадҳига бағишланган ўн биринчи бобда бу зотнинг пайғамбаримизга фарзанд даражасида бўлганликларини айтиб, улар орасида "мен сеникиман, сен меникисан" деган аҳд мавжудлигига ишора қилади ва кейинги бобда Ҳазрат Алининг эътиқод ва ибодатда мустаҳкам эканликлари мадҳ этилган ҳикоят келтиради. Унга кўра, ғазот жангларидан бирида Ҳазрат Алига ўқ тегади. Ўқнинг учи уларнинг суякларигача ботиб, тортиб олишнинг иложи бўлмайди. Шунда саҳобалар пайғамбаримиздан бу ишнинг чорасини сўраганлари-

да, Расули акрам "У намоз ўқиётган пайтда ўқни тортиб олиш пайида бўлингиз. У намозга шундай берилган бўладики, ўқни тортиб олганларингни билмай қолади", - дейдилар. Саҳобалар айтилгандек қиладилар ва Аллоҳ кушойиш бериб, бир лаҳзада жароҳатдан на дарду на ўқ учи қолади.

Достоннинг ўн учинчи боби буюк форсигўй адиб Фаридиддин Аттор мадҳига бағишланган. Навоий сўз ўйини воситасида шоир тахаллусига мажозий нисбат бериб, бутун оламда бойликлар, денгиз ва конлардаги дуру гавҳарлар қанча бўлса ундан юзлаб маротаба кўпроғи Аттор дўконида мавжудлигини айтади, Атторнинг ёзган асарлари халқ учун гулқанд каби фойдали эканлигини таъкидлайди ва шу муносабат б-н унинг асарлари рўйхатини келтиради: "Мусибатнома", "Илоҳийнома", "Уштурнома", "Лужжаи ҳилол", "Тазкират ул-авлиё", "Мантиқ ут-тайр" ва бошқалар. Боб сўнгида Навоий агар Ҳақ мадад берса, мендек гадо Шайх руҳидан ёрдам олиб, қушлар нутқини изҳор қилсам, яъни "Мантиқ ут-тайр"га жавоб ёзсам дейди. Аттор асарларини санаб ўтган Навоий ўзи жавоб ёзадиган достоннинг Аттор достонига муносиб жавоб бўлишига умид билдиради.

Достоннинг асосий қисми бош қолипловчи қисса: жаҳондаги барча қушларнинг йиғилиб, мартаба ва фазилатларига кўра жой талашиш вокеасидан бошланади. Шунда уларнинг ўрнини кўрсатиб берувчи бир адолатли подшога эҳтиёж пайдо бўлганлигини сезган *Ҳудҳуд* деган қуш шундай подшоҳ борлиги, унинг номи Симурғ эканлиги ва унинг ҳузурига бормоқчи бўлганлар узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишлари зарурлигини айтади. Қушлар Симурғнинг зоти ва сифотидан ҳикоя қилишни сўрайдилар. Ҳудҳуд унинг сифоти мингдан ошишию, зотининг ягона эканлигини айтади. Симурғ таърифи достонда олти бобни (15–20-боблар) ташкил этади.

Ҳудҳуд *Тўти, Булбул, Кумри, Каклик, Тазарв, Дуррож, Кабутар, Шоҳбоз* (*қирғий*), *Шунқор* каби қушлар б-н индивидуал равишда суҳбат қурар экан, у б-н Симурғни боғлаб турган ришгадан гап бошлайди ва ана ўша ришта туфайли уларнинг Симурғга боғлиқлигини, унинг висолига қараб интилиши даркорлигини тарғиб қилади. Бу суҳбат ва тарғибот 10 бобни (21–31-боблар) ташкил этади.

Қушлар Ҳудҳуд бошчилигида йўлга тушадилар. Бир неча кун йўл юргач, машаққатли сафар уларни толиқтиради, ортга қайтмоқчи бўладилар ва бир-кетин Ҳудҳудга ўз узрларини айта бошлайдилар. Достонда йўл қийинчиликларига чидолмай, узр сўраган қушлар тартиби қуйидагича келтирилган: *тути, товус, булбул, қумри, кабутар, кабки дарий, тазарв, қарчиғай, шунқор, бургут, куф* (бойўгли), *ҳумой, ўрдак* ва *товуқ*.

Дастлаб Тўти узр айтади. Ҳудҳуд унга жавобан "Ҳийлагарликни касб қилган яшил чакмонли киши" б-н боғлиқ ҳикоятни келтиради. Тўтидан сўнг Товус узр айтиб, Тангри мени атрофдагилар кўриб, ҳуснимга таҳсин айтишлари учун яратган, шундай экан, менга бу сафардан не ҳожат дейди. Ҳудҳуд унга жавобан масхарабоз бир ҳиндунинг ўзини турли нақшу нигорлар б-н безаб, майдонда томоша кўрсатгани, унинг атрофи бир гала бебошлар тўдаси б-н тўлгач, назоратчилар томонидан тутиб олиниб, дарра б-н савалангани ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Ундан сўнг Булбул узр айтади. У ўз чаманидаги бир гулга ошиклигини, ундай айриликка чидай олмаслиги ва бу сафар унга чексиз ҳажр азобини олиб келаётганлигини айтади. Ҳудҳуд унга бир подшоҳга ошиқ бўлиб қолгани ҳақида лоф урган гадо ҳикоятини келтириб, ҳақиқий гўзаллик Симург даргоҳида эканлигини таъкидлайди. Шу тариқа узр айтган қушларга Ҳудҳуд мос ҳолатда турли ҳикоятлар б-н жавоб қайтаради. Достондаги ижтимоий руҳдаги ҳикоятларнинг аксарияти мана шу бобларда акс этган. Ушбу мунозаралар 11 бобни (32–73-боблар) ташкил этади. Қушлар ва Ҳудҳуд мунозарасининг диққатга сазовор томони шундаки, бу ўринда Навоий қушлар образидан моҳирлик б-н фойдаланиб, маънавий камолотга тўсқинлик қилувчи турли ахлоқий иллатларни танқид остига олади. Шу маънода Тўти худбинлик ва шахсиятпарастлик тимсоли, Товус ва Тазарв ташқи гўзаллик б-н мағрурланиш, Кабки дарий ва Куф шахсий бойлик ва мол-дунё йиғишга муккасидан кетиш.

Қарчиғай жоҳиллик ва шуҳратпарастлик каби иллатларнинг мажозий тимсоллари ҳисобланади. Ҳудҳуд уларни танқид қилар экан, кишиларни бу хил иллатлардан қутулишга чақиради.

Қушлар йўлларида давом этадилар. Улар Ҳудҳуддан Симурғга етишиш йўли ҳақида сўрайдилар. (74–76-боблар). Ҳудҳуд уларга достондаги энг катта ва алоҳида мавқега эга бўлган "Шайх Санъон" ҳақидаги ҳикоятни сўзлаб беради (79-боб). Ҳикоятда келтирилишича, Шайх Санъон исмли авлиё Каъбадаги барча шайхларга муршид – устоз даржасида эди. Унинг 400 га яқин мурид бўлиб, уларнинг ҳар бири *Жунайд* ва *Боязид*ларга тенг эди. Шайх Санъон тушида бирор нарсани кўрса, бу воқеа ўнгида ҳам юз берарди. Бир куни у тушида Рум мамлакатида бутхона ичида маст ҳолда сайр қилиб юрганлигини кўради. Уйғониб, бу ҳолига тавба қилади. Лекин бу туш бир неча бор такрорлангач, унинг таъбири тақдири б-н алоқадор эканлигини ҳис қилиб, ўз муридлари б-н Рум сари йўлга тушади. Ниҳоят Рум ўлкасига етиб келишади. У ерда ғаройиб бир бутхонани кўрадилар. Шайх бутхонага киргач, ҳолатида ўзгариш содир бўлади, кўнгли изтиробдан бетоқат бўла бошлайди. Шунда унинг қаршисида юзига парда тортган тарсо (христиан динига мансуб) қиз пайдо бўлади. Шамол кўтарилиб, гўзалнинг юзидаги парда очилгач, Шайх ўзидан кетиб, тупроққа йиқилади. Шу тариқа Шайх ишқ дардига мубтало бўлади. Навоий унинг изтиробли ҳолатини шайх тилидан шундай тасвирлайди:

Ким: — "Бўлур ҳар лаҳза ранж афзун манга,
Не эдиким қилдинг, эй гардун, манга!
Офиятдин ишқ сори бошладинг,
Юз ёнар ут ичра олиб тошладинг..."

Шайхнинг бу мусибатли ҳолатини кўриб, муридлари насиҳат қила бошлайдилар. Улар шайхга ақл мезони б-н хитоб этадилар, шайх эса ишқ йўсинида жавоб қайтаради. Муридлар унга таҳорат олиб, ибодат қилмоқни маслаҳат берганларида шайх уларга шундай жавоб қайтаради:

Шайх деб: — «Йуқ куз ёшимдин ўзга сув,
Қон келур ҳардам боғирдин кўзга сув».

Муридлардан бирининг Каъбани зиёрат қилмоқ даркор деган даъватига Шайх томонидан шундай жавоб бўлади:

Шайх дебким: "Онда қилғонни талаб,
Мунда топдим, не чекай ул ён тааб".

Шу тариқа Шайх ҳар муриднинг куйиниб айтган ўгитларига ишқ сўзи б-н жавоб қайтаради.

Бутхонадаги кишилар эса дин аҳлининг бу ҳолатини мазах қилиб, ўз динларининг устунлигини гумроҳларча таъкидлай бошлайдилар. Бу ҳол тонг ёришгунга қадар давом этади. Муридлар номусга чидай олмай, шайхни ёлғиз ташлаб кетадилар. Шайх бутхонадаги болаларга ҳам масхара бўлади. Шу тариқа орадан бир ой ўтади. Ниҳоят, тарсо қизи яна бутхонада пайдо бўлади ва исломдек буюк дин пешвоси Шайхнинг кофирлар бутхонасида бу тарзда яшашидан мақсади не эканини сўрайди. Шайх тарсо қизига ўз ҳолини баён қилиб, буларнинг барчасига сабабчи сенинг оразинг, деб жавоб беради. Тарсо қизи шайх ишқининг далили сифатида унга тўрт шартни бажариши ва икки журмона (жарима) тўлаши кераклигини айтади. Айтилган тўрт шарт қуйидагилар эди:

1) май ичмоқ;
2) зуннор боғламоқ;
3) Қуръонни ўтда куйдирмоқ;
4) бутпарастлар динига кирмоқ.

Журмона сифатида эса бир йил давомида чўчқабоқарлик килиш ва оташгоҳда ўт ёқишни буюради. Шайх бу шартлар ва журмоналарни ортиғи б-н адо этади. Шу тариқа орадан бир йил ўтади.

Шайхнинг Каъбада бир фоний мурид бўлиб, Шайх Румга отланганида у бошқа бир мамлакатда сафарда эди. Сафардан қайтгач, Шайхни тополмай, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида суриштиради. Муридлар унга аҳволни баён қиладилар. Фоний мурид уларга таъна қилиб, шайхни ёлғиз қолдириб келганликда айблаб, барча муридларни Рум сари йўлга бошлайди. Етиб бориб, кўрадиларки, Шайхда на ислом, на иймон маслагидан асар қолмаган эди. Содиқ шогирд бу ҳолни кўриб, оҳ уради ва кеча-кундуз Яратганга муножот қилиб, Шайхнинг ҳақига дуо ўқийди ва, ниҳоят, Аллоҳ унинг дуосини қабул этади. Шайхга ғойибдан огоҳлик етиб, кўзларидан хижолат ёшларини тўкиб, садоқатда бемисл бўлган шогирдига узрхоҳлик қилади. Шайх

яна эгнига поклик хирқасини кийиб, ўз муридлари б-н Каъба сари йўл олади.

Румда қолган тарсо қизи туш кўради. Тушида Исо (а.)дан: "Шайх Санъондек буюк муршид сенинг ҳузурингга меҳмон бўлиб келсаю, сен мезбонлик одатини билмасдан унинг бошига не кунларни солдинг?! Энди вақтни ғанимат билиб, унинг ортидан бор, динига мушарраф бўл", – деган хабар келади. Тарсо қизи оҳ урганча, кўзларидан надомат ёшларини тўкиб, Каъба томон йўлга тушади. Йўлда унга хасталик ва ожизлик юзланиб, тупроқ устида ҳушидан кетади. Шайхга бу ҳол аён бўлиб, муридлари б-н ортга қайтади ва тарсо қизининг сўнгги лаҳзаларда иймон соҳибаси бўлиб жон беришига шоҳид бўлади. Алишер Навоий ҳикоят сўнггида ишққа шундай таъриф беради:

Ишқ баҳредурки, йўқ поён анга,
Ҳар ҳубоби гунбади гардон анга...
Оламедур ишқ, лекин бас васеъ,
Торамедур ишқ, лек асру рафеъ...

Маълумки, тасаввуфда Ҳақни танишнинг икки йўли мавжуд. Биринчиси ҳаяжонли, руҳий кечинмаларни ошкора изҳор этиб бориш майли (сукр – мастлик) бўлса, иккинчиси осойишта, ички дардни яшириш майли (саҳв – ҳушёрлик)дир. Шайх Санъоннинг барча диний илмлари ва Қуръонни унутиши бу Ҳаққа етиш учун дунёвийликдан, жумладан, ақл ва ақлий нарсалардан қутулиш, ўзлигини унутишга ишорадир. Унинг хотираси қайтиши эса, сукрдан саҳвга қайтиш ҳисобланади. Ҳақиқий бақо эса саҳв, яъни ҳушёрликка қайтишдан кейин бошланади. Сукрдаги солик бамисоли денгизга шўнғиб, ғарқ бўлган киши бўлса, саҳвга қайтган денгизга шўнғиб, гавҳар доналарини олиб қайтиб чиққан ғаввос кабидир. Боб сўнгида Навоий агар Аллоҳ унга умр берса, ўз ишқи шарҳини назмга солиб, бир достон ёзиш нияти борлигини ҳам айтади.

Мазкур ҳикоятдан сўнг толиб қушлар руҳиятида кескин ўзгариш содир бўлади. Энди улар йўлдан қайтиш ҳақида эмас, Симурғга қандай қилиб тезроқ етиб бориш тўғрисида саволлар бера бошлайдилар. Достондаги шу ўриндан бошлаб, муаллиф қушларнинг номини айтмайди, балки, ҳаммасини "бир қуш" тарзида номлайди. Достондаги фалсафий ва тарихий шахслар ҳаётидан олинган ибратли ҳикоятлар тасвири шу уриндан бошланади. Бу савол-жавоблар 68 бобни (80–148-боблар) ташкил этади. Қушлар ва Ҳудҳуд ўртасидаги савол-жавоблар тас. таълимоти б-н боғлиқ айрим назарий ва амалий масалалар (пир ва мурид муносабатлари, тариқат ва уни адо этиш, тавба ва гуноҳ ва б.) муҳокамасига бағишланиш б-н бирга уларда ахлоқий иллат ва инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлар ҳам акс этади. Хусусан, нафсни тийиш, мол-дунё ва сийму зарга ҳирс қўймаслик, ҳиммат, инсоф каби инсон маъ-ий такомилида муҳим ўрин тутувчи ахлоқий хислатларнинг Ҳудҳуд тилидан қилинган баёни мазмун жиҳатидан шоирнинг "Ҳайрат ул-аброр", "Садди Искандарий", "Маҳбуб ул-қулуб" ва б. асарларида шу хусусда келтирган фикрларига ҳамоҳангдир.

Достондаги воқеалар давомида Ҳудҳуд асл манзилга етиш учун етти водийни босиб ўтиш кераклигини айтади. Достонда қушлар босиб ўтиши мумкин бўлган ушбу водийлар (*Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру Фано* водийлари) тас. йўлига кирган солик риёзат чекиб босиб ўтиши лозим бўлган тариқат мақомининг етти босқичидир. Бу водийларни босиб ўтиш учун отланган юзлаб қушлардан қанча-қанчаси азоб -уқубатга дош беролмай ҳалок бўлади, чўлу биёбонларда қолиб кетади. Бу эса суфийлик йўлига кирган солик ўзининг улуғ мақсадига етиш учун ҳамма нарсага, ҳатто жондан кечишга ҳам тайёр туриши лозимлигини англатади. Етти водий тавсифи мунозара ва савол-жавоб эпизодларининг мантиқий давоми бўлиб, асар композициясида муҳим ўрин тутади. Навоий инсон олий даражадаги маънавий покликка эришиши учун фақат ахлоқий иллатлардан қутулишининг ўзи кифоя эмас, у жамиятдаги ижтимоий иллатларни ҳам бартараф этиши, улардан устун туриши керак, деган фикрни илгари сурар экан, инсон ҳақиқатни ташқаридан, ўзга жойлардан эмас, балки ўзлигини англаб, ўзидан қидириши зарурлигини таъкидлайди:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзингдин истагил.

Алишер Навоий водийларни таърифлар экан, дастлабки олти водий таърифининг ҳар бирига биттадан, фақру фано водийсига эса тўртта ҳикоят бағишлайди. Бу мақолот ва ҳикоятлар 16 бобни (149–165-боблар) ташкил этади.

Навоий "Фақру фано водийсининг адоси"дан кейин қушларнинг сафарини тасвирлаш учун яна учта боб киритади. Булар "Қушларнинг Фано водийсининг ниҳоятидин бақо мулкидин нишон топмоқлари" (166-боб), "Қушларға фано навмидлиғида Ҳудҳуднинг иршодидин қувват ҳосил бўлғони" (167-боб) ва "Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони" (169-боб) деб номланган боблардир. Ушбу бобларда Навоий фано ва бақо мартабасини ва ундаги қушларнинг ҳолатини мукаммал тушунтиради ва бир нечта ҳикоятлар ёрдамида бадиий ифодалайди. Бақо ҳолатида қушлар учун ҳамма нарса – гулу гулшан кўзгу бўлиб, уларни висолга ошно қилади:

Кўрдилар узни қаёнким тушти кўз,
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойибдур бу сўз.
Ким қилиб Симурғ ўттиз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғу бас.

Демак, қушларнинг энди Симурғни излаши беҳуда эди. Уларнинг ўзи ўша Симурғнинг зарраси, унинг зуҳури эди. Қушлар не машаққат б-н келган манзиллари – Симург асли ўзлари эканликларини, бу сафар садафнинг гавҳар бўлмоғи учун – дунёю нафс майлларидан кечиб, Ҳақиқий Ўзликни топиш учун бўлганлигини англаб етадилар. Ниҳоят водийлар сўнгида фақат 30 қуш қолганлиги маълум бўлади. Ўттиз қуш форсчада "Си мурғ" дегани. Улар қаерга боқмасинлар, у ерда ўзларининг аксларини кўра бошлайдилар. Навоийнинг ўзи буни сўз ўйини воситаси б-н якунлайди. Бу якун достоннинг фалсафий-ғоявий якуни ҳам эди.

Тас. фалсафасига кўра, бу дунё Ҳақнинг тажаллийси – Аллоҳнинг жилоланишидир. Дунёдаги барча мавжудот Аллоҳнинг зуҳуридир. Шу маънода инсон ҳам ўзидаги мана шу заррани кашф этиши, бунинг учун эса у жуда узун ва машаққатли йўлни босиб ўтмоғи керак. Бу юқорида келтирилганидек, етти водий бўйлаб сафардир. Сўнгги водий фақру фано водийси, яна йўқликка айланиб, Оллоҳга қўшилмоқдир.

172-бобдан достон хотимаси бошланади. Хотима тариқатдаги етти босқичга бағишланган муножотлар, шоирнинг ўз асарига бўлган муносабати, асарда қўлланилган тахаллус масаласи, Султон Ҳусайнга мадҳия ва асарнинг ёзилиш санасига бағишланган боблардан иборат.

Достоннинг якунловчи 193-боби "Бу назм тарихи гуфтори ва ўзининг астеъфо ва истиғфори" деб номланиб, унда муаллиф ўз китобхонидан руҳига дуо умид қилиб, дуогўй китобхонининг барча ниятлари ҳам Яратган томонидан ижобат бўлишини сўраб дуо қилади. Асар:

Ҳар паришон сўзки ёздим, ё карим,
Барчадин астағфирилло, ал-азим,

деган байт б-н якунланади.

Достоннинг сюжети мажозий бўлгани каби, ундаги тимсоллар ҳам мажозийдир. Симурғ – Ҳаққа етишиш тимсоли, Ҳудҳуд – муршид, пири комил рамзи, қушлар – тариқат йўлига киришга отланган соликлардир. Навоий Симурғни энг олий борлиқ деб эътироф этар экан, Худони оламдан ташқарида эмас, балки шу оламнинг ўзида, бутун коинот ва мавжудотда мужассамлашган, ҳар бир кимса ва нарсада зуҳур этган олий моя – субстанция деб тушунади. Ҳудҳуд раҳномолигидаги қушларнинг улуғ мақсади Симурғга етиш экан, бу мажозий мазмун замирида соликнинг Ҳақ васлига етишиш учун чеккан азоб-уқубатларини англаш мумкин. Достондаги асосий ғоянинг очиб берилишида улардан ўрин олган турли ҳажмдаги ҳикоятлар асосий ўрин тутади. Достонда 65 та ҳикоят келтирилган бўлиб, уларнинг 51таси Навоийнинг оригинал ижоди б-н боғлиқ, қолгани эса Аттор достонидан олинган ҳикоятлардир. Ҳикоятларнинг жами байт миқдори (1800 байтга яқин) достон умумий ҳажмининг тенг ярмини ташкил қилади. Ушбу ҳикоятларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкин:

1. Ҳудҳуд достондаги қушларни Симурғ йўлига тарғиб қилиб, уларга мурожаат қилаётган пайтда айтилган ҳикоятлар. Бу ҳикоятлар шоирнинг ижтимоий фикрларини умумлаштириб баён қилишга хизмат қилади. Ундаги тимсоллар ҳам ижтимоий-дидактик аҳамият касб этган бўлиб, уларга яшил тўн кийган сохта дарвеш, мазхара-

боз ҳинду ва бўйра шоҳи ҳақидаги, уқувсиз боғбон ҳақидаги, сохта заргар ҳақидаги, мушт еб кун кўрувчи текинхўр ҳақидаги, мечкай паҳлавон ҳақидаги, вайронада ганж қидирган киши ҳақидаги, гиёҳванд дарвеш ҳақидаги, сувга чўкиб кетган хасис ҳақидаги ва ҳажга бормаган савдогар ҳақидаги ҳикоятларни киритиш мумкин.

2. Тарихий шахслар б-н боғлиқ ибратли фикрлар акс этган ҳикоятлар. Булар қаторига пайғамбарлар ва валийлар тўғрисидаги ҳикоятлар киради. Жумладан, Одам сафийуллоҳ, Иброҳим алайҳиссалом, Сулаймон алайҳиссалом б-н боғлиқ, Муҳаммад пайғамбар, тўрт нафар саҳоба – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а.) ҳақидаги ҳикоятлар; тас. намояндаларидан Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Абусаид Абухайр, Абулҳасан Харақоний, Абу Бакр Нишопурий, Мансур Ҳаллож, Абул Аббос Қассоб Омулий, Сўфиён Сурий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо ва Хожа Абу Наср, тилшунос олим Асмаъий, Маҳмуд ва Аёз тўғрисидаги ҳикоятларини келтириш мумкин.

3. Кейинги турдаги ҳикоятларга муаллифнинг фалсафий-тас-ий фикрларини баён этиш учун келтирилган ҳикоятларни киритиш мумкин. Буларга Симурғ ҳақидаги, унинг Чин шаҳрига тушган пати тўғрисидаги, гулханда ёнган сохта ошиқ ҳақидаги, ҳуснини намойиш қилишга кўзгуни восита қилган шоҳ ҳақидаги, шоҳга совға тайёрловчи ошиқлар ҳақидаги, шоҳга ошиқ бўлиб зиндонда ётишга ва итбоқарликка тайёр ошиқлар тўғрисидаги, Сидра дарахти шохидаги қушлар тўғрисидаги, Искандарнинг элчиликка борганлиги ҳақидаги, Шайх Санъон ҳақидаги, Арастунинг шогирди тўғрисидаги, ғам чекувчи мисрлик тўғрисидаги, Мажнун ал-Ҳақ, фил ва кўрлар хусусидаги, икки шатранжчи ҳақидаги, ҳайрат забун этган маъшуқ йигит тўғрисидаги, "Парвоналар шамъи ҳақиқий зикрида"ги, Мажнун ҳақидаги, девона ошиқ ва унинг оқил маъшуқи тўғрисидаги, Қақнус ҳақидаги, подшоҳдан ҳеч нима сўрамаган дарвеш тўғрисидаги ва йиқилган девор ҳақидаги ҳикоятлар мисол бўла олади.

"Л." достони Алишер Навоийнинг юксак бадиий маҳоратини кўрсатиб берувчи асар бўлиб, достон поэтикасини таъминлайдиган муҳим унсурлардан бири унинг мукаммал ишланган композициясидир. Достонда қуш тили ва умуман қушлар б-н боғлиқ турли тушунча ва қолатлардан достон муқаддимаси, қолипловчи қиссанинг ибтидоси ва хотимада усталик б-н фойдаланилган. Хусусан, достондаги анъанавий ҳамднинг

Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,
Тенгри ҳамди бирла оғоз айлагай, –

деган мисралар б-н бошланиши унинг қушлар тили воситасида ёзилажак асар бўлишига ишора қилади. Шунингдек, шоир ўз салафи Аттор таърифини баён этишда (Қақнус қуши ҳақидаги ривоятнинг келтирилиши), замона ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳи б-н боғлиқ ўринларда ҳам қуш тили б-н боғлиқ иборалардан фойдаланади.

Достон композициясининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан яна бири унда "қиссадан ҳисса" усулидан фойдаланилганликдир. Шарқ адабиётида кенг истифода этилган ушбу усул "Л." достони ҳикоятларининг сўнгида моҳирлик б-н қўлланилиб, хулосанинг бадиий таъсирчанлик кучини оширган. Хусусан, "Хасис кишининг ўлими" ёритилган ҳикоятда ўз ҳаётини олтин-кумуш йиғишга бағишлаган зиқна одам образи чизилиб, унинг ҳаёти фожиали ўлим б-н тугаганлиги тасвирланган ва хулоса тарзида китобхонга мурожаат қилиниб, шундай дейилган:

Сийм йиғмоққа натижа бўлди бу,
Сен онинг савдосидин илкингни ю(в).

Ушбу дидактик хулоса муҳим ибратли фикрни ўзида мужассамлаштириш б-н бирга бадиий жиҳатдан юксак шаклда ифодаланган: иккинчи мисрадаги "илкингни юв" ибораси байтга ўзига хос гўзаллик бағишлаб, хулосанинг халқчил чиқишини таъминлаган. Бу хилдаги "қиссадан ҳисса" чиқаришнинг яна бир неча намуналарини достондаги "Риёкор қаландар", "Масхарабоз ҳинду", "Сохта ошиқ", "Ганж ахтарган девона" каби ҳикоятлар таркибида ҳам учратиш мумкин.

Навоийнинг бадиий асарда конфликт ҳосил қилиш маҳорати мазкур достонда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлган. Қолипловчи қисса сюжетида конфликтнинг турли-туман кўринишлари зуҳур этган бўлиб, достон кескин драматик эпизод – қушларнинг ўрин талашиш воқеаси б-н бошланади ва асар конфликти мазкур эпизод б-н боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Бу конфликт қушларнинг сафардан бош тортишлари тарзида ривожланиб, кейинчалик улар б-н йўл машаққатлари ўртасидаги мардонавор кураш шаклида давом этади. Бу асар конфликтининг зоҳирий кўринишидир. Аслида эса у достон мазмуни б-н узвий боғлиқ ҳолда инсондаги ижобий ва салбий хусусиятларнинг ўзаро кураши маъносини ифодалайди. Достонда конфликт икки шаклда (ташқи ва ички) намоён бўлиб, чуқур ижтимоий моҳиятга эгадир. Бу мазкур достоннинг мажозий хусусияти б-н изоҳланади.

"Л." достони поэтикасига хос муҳим жиҳатлардан яна бири шоирнинг портрет яратиш маҳоратидир. Достонда қушларнинг ўзига хос "портрет"лари моҳирлик б-н чизилган. Навоий қушлар ва Ҳудҳуд мунозараси эпизодида ҳар бир қушнинг ўзига сўз бериб, уларнинг ўз тилидан ташқи қиёфалари, шакли-шамойили ва турмуш тарзи ҳақидаги муҳим томонларни гавдалантиради. Масалан, шоир қарчиғай қушини тавсифлар экан, аввал унинг чангал ва минқор (тумшуқ)ини, кейин ов қуши эканлиги ва шоҳлар қўлларида кўтариб юришларини, яъни ўша қушга хос муҳим белгиларни унинг ўз тилидан таърифлаб беради. Ёки бургутнинг тоғларда яшаши, савлати йирик, қаҳри ёмонлиги ва шу каби унга хос хусусиятлар бургут тилида юксак маҳорат б-н баён қилинган:

Савлатим муфритдуру қаҳрим ямон,
Тоғ мулки ичра менмен қаҳрамон.
Неча каклик туъмадур ҳар кун манга,
Бўлмаса бу уйқу келмас тун манга.

"Л." достони Аттор достони сингари рамал баҳрининг *рамали мусаддаси маҳзуф* вазни (рукнлари ва тақтеъи: фоилотун фоилотун фоилун – V – – – V – – – V –) вазнида ёзилган.

Алишер Навоийнинг "Л." достони бўйича В.Зоҳидов, И.Султонов, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, С.Ғаниева, Ш.Эшонхўжаев, Ш.Шарипов, З.Ҳамидов, мустақиллик йилларида Н.Комилов, И.Ҳаққулов, М.Имомназаров, М.Орипов, Ё.Исҳоқов, В.Раҳмонов, С.Олимов каби ўзбек олимлари, Е.Э.Бертельс, С.Иванов, М.Жонполат каби хорижлик олим ва ижодкорлар тадқиқот ва изланишлар олиб борганлар.

"ЛИСОН УТ-ТАЙР" ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. "Лисон ут-тайр" илмий-танқидий матнини Ш. Эшонхўжаев амалга оширган ва 1965 й. алоҳида китоб ҳолида нашр қилган. Олим бунда қуйидаги тўққизта қўлёзмага суянган:

1. Санкт-Петербургда сақланувчи Навоий асарлари мажмуаси таркибидаги нусха (РМК, инв. рақами – 55). Бу қўлёзма 904/1498-99 й. кўчирилган. Асар 1б-35б варақларда берилган.

2. Душанбе шаҳри нусхаси (Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, инв. рақами – 1990). 905/1499-1500 й. кўчирилган. Асар 235б-287б варақларда берилган.

3. Санкт-Петербург шаҳри нусхаси (РМК, инв. рақами – Dorn 558). Навоий асарлари мажмуаси таркибида бўлиб, айни нусха 1001–1004/1593-96 й.да Назарали Фоизий томонидан кўчирилган. "Лисон ут-тайр" достони мазкур қўлёзманинг 287-б варағидан бошлаб берилган.

4. Тошкентда сақланувчи нусха (ТошДШИ ШКМ, 1-фонд, инв. рақами – 1679/1). 1093/1681-82 й. кўчирилган.

5. П.Шамсиев шахсий кутубхонасида сақланаётган "Лисон ут-тайр" қўлёзмаси. У 1225/1810-1811 й. кўчирилган.

6. Тошкентда сақланувчи яна бир нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 3599). 1248/1832-33 й. кўчирилган. Котиби – Муҳаммад Юнусхожа ибн Мулло Бобожонхожа Шаҳрисабзий.

7. Тбилиси шаҳридаги нусха (Грузия Фанлар академияси Қўлёзмалар институти, Шарқ қўлёзмалари бўлими, инв. рақами – С 24). Асар қўлёзманинг 98-а варағидан бошланган.

8. Санкт-Петербург шаҳридаги яна бир нусха (РМК, инв. рақами – Тур.н.с. 215а). 1272/1855-56 й. Муҳаммад Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжа томонидан кўчирилган.

9. Санкт-Петербург шаҳридаги яна бир нусха (Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти, инв. рақами – Е 1, XVII/10). Кўчирилиш даври – 1219/1804 й.

ЛОЛА – кўп йиллик ёввойи ўсимлик тури, лолақизғалдоқ. Баҳорда гуллайди. Ранги қизил, ичи қора, думалоқ шаклда. Мумтоз ад-тда асосан икки – Л.и нуъмон ва Л.и ҳумро шаклида қўлланилади ва улар ўзаро фарқланади. Л.и нуъмон ҳақида Хоразмийнинг "Мафотиҳ ул-улум" китобида шундай маълумот берилган: "Нуъмоннинг араб тилидаги маъноси қондир, шу сабабли, қон рангида бўлган Л.ни Л.и нуъмон деб атадилар". Беруний "Сайдана" китобида ушбу маълумотга қўшимча тарзда ёзади: "Илк марта Нуъмон бин Мунзир ўз боғида ушбу гулни экканлиги сабабли, Л.и нуъмон номи б-н аталди". Л.и ҳумро (қизил Л.) эса ёввойи ҳолда ўсадиган Л.га нисбатан қўлланилади.

Ирфоний ад-тда Л. мушоҳада натижасида ҳосил бўлган маърифат маъносини англатади. Шунингдек, ориф инсоннинг қалби ҳам Л.га ўхшатилади. Л. сўзи араб ёзувида Аллоҳ сўзига ўхшаш бўлганлиги учун баъзи ҳолатларда Худо маъносида ҳам қўлланилган.

Навоий шеъриятида Л. образ даражасига кўтарилган сўзлардан бири бўлиб, унинг негизида ясалган қуйидаги сўз ва ибораларни учратамиз: лолабор – лола ёғдирувчи, лолавор – Л. каби, лолагун – лола каби, қизил юзли, лоларух – юзи Л.дек чиройли, лоласитон – лолазор ва ҳ.к. "Наводир уш-шабоб"даги 183-ғазалда Л.сўзининг негизида ясалган сўзлар байтларнинг қофиясини таъминлаган:

Кўз қонидин дема, этагим лолавордур
Ким, кўҳи дарднинг этаги лолазордур.

("Наводир ун-ниҳоя", 196-ғазал)

ЛОТ – исломиятдан олдинги замонда араблар сиғинадиган бутларнинг бири. "Ал-Асном" китобида берилишича, Л. Тоифдаги тўртбурчак шаклидаги тош парчаси бўлиб, унга, асосан, Бани Сақиф қабиласи сиғинган. Курайш қабиласи ҳам Л.ни азиз билиб, Зайдуллот, Таймуллот каби исмлар қўйишган. Бани Сақиф Л.учун тошдан ибодатхона қуриб, у ҳоз. Тоифнинг жоме масжиди чап томонидаги минораси ўрнига жойлашган бўлган. Ислом пайғамбарининг амри билан Муғийра ибн Шуъба исмли саҳоба Л.га ўт қўяди.

Лотки андин эди динга бало,
Сен ушотиб поясини бўлди ло

("Ҳайрат ул-аброр", 9-наът)

ЛОУБОЛИ – бепарво, беғам; лоқайд. Тас.да ошиқнинг дунёвий ҳою ҳавасларга нисбатан бепарволиги, ўткинчи воқеа-ҳодисаларга лоқайдлиги, ишқ ғамидан ўзга нарсага назар солмаслиги маъносида тушунилади:

Эй Навоий, ақл сори эмди
бўлма раҳнамун
Ким бўлуб девона,
ишқи лоуболи бирламен

("Бадоеъ ул-васат", 473-ғазал)

ЛУБОБАТ УЛ-МУТАЪАББИДА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Байтулмуқаддасда яшаган. Ибодат ва риёзатга қаттиқ берилгани учун "Мутаъаббида" сифати б-н шуҳрат топган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

ЛУКОМ – Арабистон яриморолидаги тог номи. Макка б-н Мадинанинг ўртасидан бошланиб, Шом ўлкасигача чўзилган бу тог Иорданияда Жабалу Жалил, Ҳалаб, Ҳамас ва Ҳамотда Жабалу Лубнон, Антокия ва Масисада Л. деб аталади. Л. зоҳидлар ва обидларнинг маскани бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"да *абдоллар* Л. тоғида яшаши айтилган.

ЛУТ – Қуръони Каримда номи тилга олинган пайғамбарлардан бири. Л. ва унинг қавми ҳақида "Ҳижр" (61–65-оятлари ва 74-оят), "Соффот" (133-оятдан сура нинг охиригача) ва "Ҳуд" (82-оят) сураларида маълумот берилган. "Тарихи анбиё ва

ҳукамо"да Л. – Иброҳим Халилуллоҳнинг амакиваччаси, деб аталган. Беш ёки етти шаҳардан иборат Муътакифот минтақаси аҳолиси бутпараст бўлиб, у ерда баччавозлик авж олади. Л. бу минтақанинг аҳолисини йигирма йилдан ортиқ яккахудолик динига даъват қилади. Куплар унинг даъватига қулоқ солмай, аксинча фиску фужурга берилиб кетади. Шунда бир кечаси унинг уйига фаришталар ёш, хушсурат йигитлар сиймосида меҳмон бўлиб, Аллоҳнинг шаҳарни тарк этиш борасидаги амрини етказадилар. Л. ва унга эргашган солиҳ кишилар кечаси шаҳарни тарк этганларидан кейин Жабройил (а.) Муътакифотга кулфат ёғдириб, қавмнинг барчасини ҳалок қилади.

Гар Лут ва гар ливота аҳли –
Ким кетгали келдилар жаҳонға.
Кургузмади бу жаҳони ғаддор
Не яхшиға меҳр, не ёмонға.

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

ЛУТФИЙ (1366 – Ҳирот – 1465) – зуллисонайн шоир, тасаввуф намояндаси. Шайх Аҳмад Тарозий "Фунун ул-балоға" асарида Л.ни "Шоший" нисбаси б-н атайди. Бу маълумот унинг асл келиб чиқиши Шош (ҳоз. Тошкент)дан эканлигини англатади. Л. мадрасада таҳсил олиб, зоҳирий илмларни эгаллагач, Шаҳобиддин Хиёбоний ҳузурида тас. сирларини ўрганади. Л.нинг номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олиниб, Навоий уни "ўз замонининг малик ул-каломи, форсий ва туркийда назири йўқ" қалам соҳиби сифатида эътироф этиб, тўқсон тўққиз йил яшагани, умрининг охирида "офтоб" радифли ғазал ёзгани ва замон шоирларининг барчаси унга татаббуъ боғлагани, лекин ҳеч бири матлаъни у каби айта олмагани ҳақида маълумот беради. Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" асарида келтирилишича, ёш Навоий Л. нинг ҳузурига борганида, "малик ул-калом" ундан янги ёзилган бир ғазалини ўқиб беришини сўрайди. Навоий ўзининг:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур
ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз,
ниҳон бўлғоч қуёш

матлаъси б-н бошланувчи ғазалини ўқийди. Шунда Л. агар имкони бўлганида, ўзининг 10–12 минг форсий ва туркий тилда битилган байтларини шу ғазалга алмаштиришини айтиб, ёш шоирнинг истеъдодига юксак баҳо беради. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"да хабар беришича, Л. умрининг охирида бир матлаъ битиб, уни тугаллашни ва девонига киритишни Абдураҳмон Жомийга васият қилади. Жомий бу васиятни адо этади ва "афтад" радифли қуйидаги ғазални якунлаб, ўз девонига киритади:

Гар кори дили ошиқ бо кофири
Чин афтад,
Бех з-онки, ба бадхўе бемехр
чунин афтад.

(Мазмуни: Агар ошиқ Чин кофирига кўнгил боғласа, бу шу сингари бемеҳр, бадфеълга тушганидан кўра яхшироқдир).

Л.нинг туркий тилдаги шеърларидан иборат девони бизгача етиб келган. Ундан ғазал, қасида, туюқ, китъа, тўртлик ва фард жанридаги шеърлар ўрин олган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да ҳам Л.га алоҳида мақола бағишлайди ва унинг "шоирлик тариқида маъруф ва машҳур бўл"ганлигини, "аммо дарвешлик тариқини доғи илкидан" бермаганлигини айтиб ўтади. Навоий Л. ҳақида "Муҳокамат ул-луғатайн", "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" ва б. асарларида ҳам маълумотлар беради. Хусусан, "Муҳокамат ул-луғатайн"да Хоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Заҳир Форёбий, Салмон Соважийдек қасиданавислар, Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Деҳлавийдек маснавий усталари, Саъдий Шерозий ва Ҳофиз Шерозий каби ғазалнавис шоирларнинг номларини санаб, туркий шоирлар орасида айнан Л. улар б-н шеърий мусобақага кириши салоҳиятига эга эканлигини таъкидлайди. "Хазойин ул-маоний" куллиётидаги уч мухаммас ва икки мусаддас Л. ғазалларига боғланган.

Л.нинг Шоҳрух Мирзо, Бойсунғур Мирзо ва Абдураҳмон Жомийга бағишлаб ёзган қасидалари бор. Навоий унинг Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сини маснавий йули б-н ўн минг байтдан ортиқроқ ҳажмда таржима қилганлигини, лекин оққа кўчирилмаганлиги учун машҳур бўлмаганлигини айтади. Адабиётшуносликда Л.нинг "Гул ва Наврўз" номли достон ҳам ёзганлиги ҳақида баҳсли фикрлар мавжуд.

ЛУТФИЙИ СОНИЙ (15–16-асрлар) – машҳадлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шоири ва зурафоси эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Шуд чу меҳмони ман он шамъи
шабафрӯз имшаб,
Кош то субҳи қиёмат
нашавад рӯз имшаб.

(Мазмуни: Кечани ёритувчи ул шамъ менинг меҳмоним бўлди бу кеча, Кошки эди, қиёматгача тонг отмаса бу кеча).

ЛУЪБАТИ ЧИН, Шўхи Чинийнажод – Чин қўғирчоғи (гўзали). "Садди Искандарий" достонидаги Искандарга Чин ҳоқони совға қилган канизак. Достонда тасвирланишича, Искандар аввалига бу канизакка унчалик парво қилмайди. Бироқ у жангда қаҳрамонликлар кўрсатиб, базмларда эса ўз нозиклик ва гўзаллигини намоён қилгач, унга бутунлай асир ва мафтун бўлади.

Хитойи ҳасаб, шўхи чинийнажод,
Жамолиға ҳуру пари ҳоназод.
("Садди Искандарий")

Л.Ч. тасвири Навоий лирикасида ҳам қўлланилган.

Тақво эви ҳамвор эрур,
субҳам ипи зуннор эрур,
Уй кулбайи ҳаммор эрур,
то кўрдум ул Чин лўъбатин.
("Гаройиб ус-сиғар")

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ – Қуръони каримда тилга олинган солиҳ бандалардан бири. Навоий Л.Ҳ.нинг мартабаси ҳақида турли қарашлар борлиги, баъзилар уни пайғамбар, баъзилар ҳаким, баъзилар ҳикмат ва нубувватдан хабардор киши, деб билганликлари, қора танли Л.Ҳ. дастлаб қул бўлгани, лекин топқирлиги б-н хўжайинини ноқулай ҳолатдан қутқаргани ва бунинг эвазига озод бўлгани, уч минг йил умр кўргани, ундан тўрт мингта ҳикматли сўз қолгани ҳақида маълумот беради.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Л.Ҳ. ҳам пайғамбарлар, ҳам ҳакимлар қаторида саналиб, ҳаётидан бир неча лавҳа мухтасар тарзда баён этилган. Ҳакимлар қаторида саналганда эса Л.Ҳ.ни кўплар пайғамбар сифатида талқин қилганлиги қайд этилиб, ҳикматларидан намуналар берилган.

Луқмонники баъзи дедилар пайғамбар,
Баъзи дедилар ҳакими покизасияр.
Уч минг яшабон бу дайрни қилди макар,
Минг мунча ҳам ўлса, қилғулуқдур
бу сафар.
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

ЛУҒЗ (ар. – топишмоқ, сир) – бирор предмет ёки ҳодисанинг характер ва белгиларини таърифу тавсиф этиш орқали китобхонни ўша предмет ёки ҳодисани топишга ундайдиган шеър тури. Чистон деб ҳам юритилади. Л.да шоир муайян нарса, буюм ёки тушунчага ишора қилади, китобхон эса тилга олинган белгиларга таяниб, унда яширинган номни топиши лозим бўлади ва китобхонда теран фикрлаш, кузатувчанлик, ҳозиржавоблик каби кўникмаларни шакллантиради. Л. даставвал халқ оғзаки ижодида вужудга келган бўлиб, 10–12-асрлардан бошлаб форс-тожик шеъриятида истифода этила бошлаган (бизгача етиб келган дастлабки форсий Л.лар Рўдакий қаламига мансуб). Илми бадиъга доир мумтоз манбаларда Л.га кўпроқ бадиий санъат сифатида қараш кузатилади. Хусусан, Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқ ус-сеҳр" (12-аср) асарида Л.га шундай таъриф берилади: "Ал-луғаз – санъатда муаммога ўхшашдир. Лекин буни савол тарзида айтадилар ва буни форсийлар чистон дейдилар". Туркий шеършуносликка доир илк манба ҳисобланмиш Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" 1436–37) асарида Л. санъати ташбиҳ санъатининг муҳим унсурларидан бири – мушаббаҳун биҳ (ўхшатилмиш) – тасвирда қиёсланаётган нарса ёки тушунча б-н савол бериш орқали ясалиши таъкидланади.

Л. ғазал, рубоий ва туюқ каби ҳажм, қофия ва бошқа шаклий қолип ёки қатъий қонуниятга эга эмас. У фард, рубоий, қитъа, баъзан ғазал сингари қофияланиши мумкин.

Туркий ад-тда Л.нинг илк намуналари Алишер Навоий ижодида учрайди. Шоирнинг "Хазойин ул-маоний" куллиётида жами 10 та Л. мавжуд бўлиб, барчаси "Бадоеъ ул-васат" девонига киритилган. Наво-

ий Л.лари қалай, танга, игна, миқроз, ўқ, анор, бел, юмуртқа (тухум), поки ва парвона ҳақида бўлиб, уларда Навоий ўз атрофини ўраб турган предметларни ижтимоий муносабатлар ва турмуш ҳодисалари б-н боғлиқ ҳолда нозик юмор б-н тасвирлайди. Навоийнинг туркий Л.лари, асосан, китъа (8 таси) ва рубоий (2 таси) сингари қофияланган. Масалан, унинг "парвона" тасвирига бағишланган Л.и таронаи рубоий шаклидадир:

Ул қушки, таашшуқдурур андиша анга,
Бир нахлғаким шомдадур беша анга.
Шохи учидин аён бўлуб реша анга,
Гул очмақ ўшул решасидин пеша анга.

Навоийнинг форс тилидаги Л.лари "Девони Фоний"дан ўрин олган. Уларнинг сони 9 та бўлиб, маснавий, китъа ва рубоий тарзида қофияланган. Л.лар шамъ, миқроз (қайчи), парвона, тиргаз (ўқ), тахтиравон, кема каби нарса-ҳодисаларга бағишланган. Мас., шамъга бағишланган Л. китъа шаклида ёзилган:

Чист он нахле, ки баргаш нест,
аммо ҳаст гул,
Лек, он гулро бувад андар
назар андому барг.
Гарча набвад абр, лекин абрсон
шуд қатрарез,
Қатра аз вай чун жудо
афтод, бандад чун тагарг.
Ҳам кушанду ҳам бимирад
турфа бошад, лек он-к,
Куштанаш набвад зи қатлу
мурданаш набвад зи марг.

(Мазмуни: У қандай дарахтдурки, барги йўғу, гули бор. Лекин гулига назар қилсанг, коматию барги бор. Булут бўлмаса ҳам лекин булутдек қатралар тўкади. Тушган қатралари дўлдек қотиб қолади. Қизиқ, уни ҳам ўлдирадилар, ҳам ўзини ўзи ўлдиради. Ўлдирилиши қатлдану ўлими эса ажалдан эмас).

ЛУҲРОСБ БИННИ АРУНД – Қадимги Эронда ҳукмдорлик қилган каёний подшоҳ. "Тарихи мулуки Ажам"да берилган маълумотга кўра, Кайхусравнинг ўғли бўлмаганлиги сабабли якин қариндоши бўлган Л.ни тахтга ўтқазади. Л. даврида Эрон ҳудуди кенгаяди. Балх ш.ни давлатининг пойтахти сифатида янада обод ва маъмур этган. Ҳатто Байтулмуқаддасни икки марта ер б-н яксон қилган Бухтуннаср ҳам Л.га бўйсунган. Умрининг поёнида ўғли Гуштоспни валиаҳд қилиб, ўзи узлатга чекинади. Турон ҳукмдори Аржосп қули б-н қатл этилади. Навоий Л. 120 йил ҳукмронлик қилган, деб айтади.

Яна бўлди Луҳросп соҳибсарир.
Ки бўлди қўлида салотин асир.
Не мулки омон топти Гуштоспдин,
Не жони халос ўлди Жомоспдин.
("Тарихи мулуки Ажам")



МАВЛОНО АБДУЛВАҲОВ I (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни "доништманд ва зуфунун (илмли) киши" сифатида таърифлаб, Машҳад шаҳрида қозилик қилганлигини, бу шаҳарнинг шоиру оқиллари унга шогирд эканлигини айтади. Шунингдек, тазкирада бир шоирнинг қозига *мақлуби муставий* санъати воситасида "муроде дорам" (муродим бор) жумласи орқали арз қилганлиги, М.А. эса тез фурсат ичида унга "барояд ё раб" (илоҳо еткурсин) жумласи б-н жавоб қайтаргани ("муроде дорам" ва "барояд ё раб" жумлалари араб ёзувида ҳар икки тарафдан бир хил ўқилади) ҳақида ҳам маълумот берилиб, унинг "Хурўс" номига битилган муаммоси келтирилган.

МАВЛОНО АБДУЛВАҲҲОБ II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган исфаройинлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қаландарсифат киши эканлиги, лекин яхши табъи борлигини айтиб, аввал Сабзаворда, сўнг Исфаройинда қозилик қилгани, кейинроқ Астарободга жўнатилганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да Хусрав Деҳлавийнинг "Дарёи аброр" қасидасига жавобан ёзилган шеъридан қуйидаги матлаъ келтирилган:

Ин куҳан авроқи гардун, к-аш зи
анжум зевар аст,
Куҳна тарихи басе шоҳони
анжумлашкар аст.

(Мазмуни: Юлдузлар б-н безанган бу фалакнинг эски варақлари юлдузлардай кўпинга эга бўлган кўп шоҳларнинг кўҳна тарихидир). М.А. Астарободда вафот этган.

МАВЛОНО АБДУЛҚАҲҲОР (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир ва олим. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг кимёгарлик б-н шуғулланиб, яхши натижага эриша олмаганлиги, "кўп ўт пуфлаганидан модда қулоғи" томон оқиб, яхши эшитмайдиган бўлиб қолганлиги, лекин ёқимли шеърлари борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг Хусрав Деҳлавийга жавобан ёзган қуйидаги байти келтирилган:

Рашкам ояд, он чи бар дилҳо
хаданги ёр карӯ.
Тийри ӯро ғайр хӯрду дар
дили ман кор карӯ.

(Мазмуни: Ёр ўқи ўзга дилларга отилишидан рашк қиламан. Унинг ўқи бошқаларга тегса ҳам, лекин ундан менинг дилим мутаассир бўлгай).

МАВЛОНО АБДУЛҲАҚ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг кичиклигиданоқ муаммо илмини ўрганганлигини ва бу соҳада яхшигина табъга эга эканлигини айтиб, "Васий" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО АБДУРАЗЗОҚ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг илм толиби бўлса-да, бироқ мулоҳазасиз киши эканлигини айтиб, бир гуруҳ кишилар унинг ёрлиқ қотозини кеч битаётганлиги учун Навоийнинг қошига арз қилиб келганлиги, Навоий ундан бунинг сабабини сўраганида у сўз ўйини воситасида "барот наменависад" (1) пул олиш ҳужжатини езмайди; 2) сен учун ёзмайди) деб жавоб берганлиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Навоий М.А. қизил юзли бўлгани учун ҳазилкаш дўстлари уни "қизил қалб", деб аташларини ҳам айтиб ўтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Жони ман тоза шуд аз лаъли ту
хунхории дил,
Баъд аз ин мову сари кўи
туву зории дил.

(Мазмуни: Дил қонхўри [бўлган] сенинг лаъл лабингдан қайта жон топдим, бундан кейин кўчанг бошида бизни ва кўнглимиз зорини кўр!)

МАВЛОНО АБУ ТОҲИР (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган бадахшонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг илм ўрганиш учун Бадахшондан Ҳиротга келгани, Навоий қурдирган мадрасада таҳсил олаётгани ҳақида маълумот беради ва "Одам" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО АБУЛХАЙР, Аҳмад Сарахсий (1414–1482) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Навоийга замондош. Ҳоз. Туркманистондаги Сарахс шаҳрида туғилган. Болалигидаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёд олган. Шайх Зайниддин Хавофийнинг муриди. Кубравийлик тариқатининг йирик намояндаси. Навоий Абдураҳмон Жомий б-н бирга унинг имомлигида намоз ўқиганини, шайх Қуръонни "хўб ва муассир" ўқиганини қайд қилади. Ҳирот шаҳрининг шарқидаги Шоҳ Абулғайс қабристонида дафн этилган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО АДИМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни Мазид танбурчининг ўғли сифатида эслаб, яхши табъи борлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Чун зарраам парешон доим дар орзўяш,
Жамъияте надорам бе офтоби рўяш.

(Мазмуни: Уни (кўриш) орзусида доимо зарра каби паришонман. Юзининг офтобисиз менга сира тинчлик йўқ).

МАВЛОНО АЁЗИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ғаройиб феъл-атворга эга эканлигини таъкидлаб, у б-н боғлиқ бир воқеани келтиради. Бир куни М.А. Пули Молондаги мажлисда ўзи ёзган қасидани ўқиб беради. Навоий унинг ҳар бир байтидаги услубга қараб, қофияси кандай эканлигини олдиндан айтаверади. М.А. бу ҳолдан ҳайратга тушади. Уч йилдан сўнг Боғи Сафедда яна шу ҳолат такрорланади ва М.А. яна ҳайрон қолади. Шунда бу ҳолга аввал ҳам гувоҳ бўлганлар М.А.дан яна шу каби кишини кўрганмисиз, деб сўраганларида, у кўзи яхши кўрмаганлиги учун "уч йил олдин Пули Молонда ҳам бир йигит шундай сеҳргарлик қилган эди", дейди. Мажлис аҳли унинг бу жавобидан кулади-лар. "Мажолис ун-нафоис"да М.А.нинг ўзи ҳақида айтган қуйидаги байти келтирилган:

Чодаршаби худ ранги магас рида, Аёзий
Не жомаву не куртаву не мўза намози.

(Мазмуни: Аёзий, пашшахонангнинг ранги пашша ўтириб қўйган рангда; Шу боис тўнинг ҳам, кўйлагинг ҳам, этигинг ҳам бенамоз (покиза эмас).

МАВЛОНО АЁНИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад зурафоларидан эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Накард аз гиряи зори ман афғон
ҳечгаҳ ёре
Ки, бар афғони зори у накардам
гиряву зори.

(Мазмуни: Ёр ҳеч қачон менинг зор-зор йиғлаганимдан фиғон чеккани йўқ, чунки мен унинг фиғони учун зор-зор йиғламаган эдим).

МАВЛОНО АЁНИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни қобилиятли шоир деб таърифлаб қуйидаги матлаъсини келтиради:

Дар сар аз лои таҳи хум
ҳавасе ҳаст маро,
Бахти бад бин, ки бад-он
ҳам нарасад даст маро.

(Мазмуни: Хаёлимда хумнинг тубидаги лойга етишиш ҳаваси бор эди, бадбахтликни қарангки, қўлим ўшанга ҳам етолмади).

МАВЛОНО АЙНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Қуръон ҳофизи эканлигини, хаттотлик б-н ҳам машғул бўлгани, мулойим назмий табъи борлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Манам дур аз маҳи рўи ту
ҳар шаб то саҳар гирён,
Суроҳивор дил пур хуну бар
сар чашми тар гирён.

(Мазмуни: Мен ой янглиг юзинг (сен)дан йироқда ҳар кеча саҳаргача йиғлаб чиқаман. Дилим май идиши каби қонга тўла, нам кўзим қаршисида йиғлайди).

МАВЛОНО АЛИ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган туршизлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг муаммо илмида моҳир эканлигини айтиб, "Малак" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО АЛОУДДИН (1426–1487) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Асли Кўҳистон вилоятидан бўлиб, илм олиш учун Ҳиротга келади. Бу ерда Мавлоно Саъдиддин Кошғарий раҳнамолигида нақшбандийлик тариқатига киради. Икки марта ҳажга борган. Ҳажга боришида Шайх Абдулкабир деган тас. шайхи б-н ҳамсуҳбат бўлган. Ваъз ва самоъ мажлисларига кўп аҳамият қаратган. Пиру муршиди Саъдиддин Кошғарий қабри ёнида дафн этилган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО АМИНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Муҳаммад Али Аминнинг* ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг мулойим табъли йигит эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Ёр дар силсилаи нозу итобам дорад,
Боз девонагии ишқи харобам дорад.

(Мазмуни: Ёр мени нозу карашма занжири б-н банд этади. Яна мени ишқида девоналигим хароб қилади).

МАВЛОНО АНВАРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган балхлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг мижозида савдойилик ғолиб келиб, ақли паришон бўлиб, кўп заҳмат ва муолажа б-н сиҳат топганини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Эй зи тоби май туро ҳар гуна
бар рухсор гул,
Сабзаи боғи жамолат
андаку бисёр гул.

(Мазмуни: Эй, сенинг рухсоринг гули майнинг тобланишидан ранг-баранг тусга киради, гар жамолинг боғининг сабзаси озгина, лек гули кўпдир).

МАВЛОНО АНИСИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир, Навоийнинг замондоши. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг истеъдодсиз шоир экани, бошқаларнинг шеърини ўз номидан эълон қилиш одати борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да М.А. ўзиники, деб даъво қилган бир байт келтирилган:

Гарчи межўяд дилам доим висоли ёрро,
Ёр межуяд ба рағми ман дили ағёрро.

(Мазмуни: Менинг дилим гарчи ҳар доим

ёр васлини изласа-да, лек ёр менга терс қараб, ағёр дилини излайди). М.А. Ҳиротда вафот этган.

МАВЛОНО АСИЛИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўша даврда Машҳадда энг таниқли, хуштабъ шоир бўлгани, настаълиқ хатини яхши битиши ҳақида маълумот беради ва қуйидаги матлаъсини келтиради:

Чу ба тифлияш бидидам
бинамудам аҳли динро.
Ки, шавад балои жонҳо,
ба шумо супурдам инро.

(Мазмуни: Унинг ёшлик чоғини кўрдим ва дин аҳлига кўрсатдим. Жонларга бало бўлсин, буни сизларга топширдим).

МАВЛОНО АСИРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг энди танила бошлаётган шоир эканлигини, ҳозирча шеъри шуҳрат топмаётганлигини айтиб, назмида масал айтишга интилиш бор деб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Шудам аз ёр жудову ба бало уфтодам.
Чи бало буд ки аз ёр жудо уфтодам.

(Мазмуни: Ёримдан айрилиб, балога гирифтор бўлдим, не бало бўлдики, ёримдан жудо бўлдим).

МАВЛОНО АСИРИДДИН (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг толиби илм эканлигини ва муаммони яхши айтишини таъкидлаб, "Мақбул" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО АҲЛИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган туршизлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни "табъида хейли чошни (маза, таъм) бор" деб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Дўш афғони ман аз чашми
малойик хоб бурд,
Хирмани маҳро зи тўфони
сиришкам об бурд.

(Мазмуни: Кеча оқшом менинг оҳ-ноларим фаришталар уйқусини қочирди; ой атрофидаги ёруғлик гардишини менинг кўз ёшларим тўфонидан сув олиб кетди).

МАВЛОНО БАДАХШИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида яшаган. Давлатшоҳ Самарқандий Улуғбек даврида унинг шоирликда юксак мартабага эришгани, ўз даври ижодкорларининг пешқадами бўлгани, султон ҳам, барча фузало ҳам М.Б.нинг истеъдодига тан берганлиги, Улуғбек шаънига гўзал қасидалар битгани, девони Мовароуннаҳрда машҳурлигини айтади. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"да маълумот беришича, М.Б. фозил киши бўлиб, "Улуғбек Мирзо замонида Самарқандда шуаро ани хушгўйлиқға мусаллам тутубдурлар. Ва Мирзонинг даги кўп илтифоти бор эрмиш. Бу матла машҳурдурки:

Эй зулфи шаб мисоли туро
дар бар офтоб,
Аз шаб ки дид соя, ки
уфтад бар офтоб".

(Мазмуни: Тун каби қора зулфинг куёш (ёрнинг қуёшдай юзи)ни ўз бағрига олибди. Тун қуёшга соя солганини ким кўрибди).

МАВЛОНО БАЙЗОИЙ (15 аср) – ҳисорлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Ҳисордан Маҳмуд Барлос б-н бирга келганлигини, Ҳиротда хасталаниб қолганда "Дор уш-шифо" деб аталувчи муолажа марказида даволаниб, яна Ҳисорга қайтиб кетганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Бизан бар синаи ман
ханжару афкан сар аз тан ҳам
Дари ин хонаи торикро
бикшову равзан ҳам.

(Мазмуни: Кўкрагимга ханжар ургилу тандин бошни улоқтир, бу қоронғу уйнинг, яъни, сийнанинг эшигини ва туйнугини ҳам оч.)

МАВЛОНО БАҚОИЙ I (15–16-аср) – хуросонлик зуллисонайн шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг камон отишда машҳур эканлигини айтиб, муаммо илмида ҳам шуҳрат қозонишга уринганлигини, лекин айтишга арзигулик муаммо бита олмаганлигини, кейинчалик шеърнинг бошқа навъларида ҳам ижод қилишга киришганлиги, лекин ҳозирча муваффақиятга эришмаганлигини ёзади.

Ҳасанхожа Нисорийнинг ўзидан сўраб аниқлашича, унинг камонгарликда машҳур бўлишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан: "Бу соҳада бизнинг санъатимиз йўқ. Бу шикастага мазкур лақабни мана бу сабабдан таққанлар. Бир пайтлар Музаффар барлос б-н Ҳиротга борган эдик. Ўшанда камонгарлик дўконига кириб, усталар орасида бир гўша тутиб, ўз камонимизга гўшагир қўяётган эдик ва бу ишлар билан бўлиб, амир кабир Алишернинг йўли шу ердан тушиб, кимёасар назарларини менга солажак ва гафлат сабабли рўй берган беадаблигимиз учун маломат ўқиға қолажакларини билмай қолибман".

Нисорий берган маълумотларга кўра, М.Б. Шайбонийлар сулоласи вакили Убайдуллахонга яқин киши бўлиб, икки тил – форсий ва туркий тилларда ижод қилган. Лирик жанрлардаги асарларидан ташқари "Нозу Ниёз" номли маснавий ҳам ёзган.

Балхда вафот этиб, Султон Аҳмад Хизравайҳ мақбарасига дафн этилган.

МАВЛОНО БАҚОИЙ II (15 аср) – хоразмлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши таъб ва хулқли йигит эканлигини айтиб, онасининг розилиги учун уни ҳажга олиб кетганлигини, ҳали қайтмаганлигини маълум қилади ва талаби ҳосил бўлишига умид билдиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Намехоҳамки, дил дар банди
он зулфи дуто афтад,
Чаро аз паҳлўи ман
дардманде дар бало афтад.

(Мазмуни: Дилим ул қўш зулфнинг бандига тушишини истамайман; нега энди мен туфайли бошқа бир дардманд балога учрасин?!)

МАВЛОНО БАҲЛУЛ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тиббиётдан хабардор илм толиби эканлигини айтиб, "Хуррам" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО БИЛОЛ (15-аср) – зуллисонайн шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хуштабъ ва ширин калом киши эканлиги, туркий ва форсийда шеърни яхши айтишини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги туркий байти келтирилган:

Жону кўнглумни жафо ўти била
куйдурдингиз,
Уйлаким кул бўлдуму
мендин кўнгул тиндурдингиз.

Ҳиротда вафот этган, Хожаи Тоқ қабристонида дафн этилган.

МАВЛОНО БИҲИШТИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳисорлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг таҳсил олиш учун Ҳиротга келганлигини, табъи яхшилигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Дар каманди ту на ҳар
бесару по афтодаст,
Ин балоестки, дар гардани
мо афтодаст.

(Мазмуни: Сенинг каманд (тузоғинг)га ҳар қандай бахтсиз илинавермайди. Чунки бу бало ёлғиз бизнинг бошимизга тушган).

МАВЛОНО БИҲИШТИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *мавлоно Ҳамидгулнинг* укаси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қобилиятда ҳам, феъл-атворда ҳам акасига сира ўхшамаслигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Шамъ, имшаб тарки даъви
бо рухи он моҳ кун,
Тира карди мажлиси моро,
забон кӯтоҳ кун.

(Мазмуни: Эй шамъ, бу кеча ул ойнинг юзига даъво қилишни тарк қил, мажлисимизни қоронғу қилдинг, энди тилингни қисқа қил).

МАВЛОНО БОТИНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган балхлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг содда ва камтар киши эканлигини, Ҳаж сафарига бориб келганлиги ҳақида маълумот бериб, қуйидаги байтини келтиради:

Баски, дори танғдил,
эй ғунчаи хандон, маро
Жон зи дил омад ба тангу
дил гирифт аз жон маро.

(Мазмуни: Эй хандон ғунча, юрагимни сиққанинг учун жон бу юракдан тўйди, юрак эса жонимдан тўйди).

МАВЛОНО БУ АЛИ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг девонатабиат эканлигини айтиб, агар девона бўлмасайди, шундай тахаллус (Бу Али) олган бўлармиди, деб ёзади. Навоий бу ўринда "Абу" сўзининг "Бу" тарзида қисқартириб берилишини ножоиз хисоблаяпти. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Халқе ба роҳи ишқи ту осуда мераванд?
Ошиқ манам, дигар ҳама
бехуда мераванд.

(Мазмуни: Кишилар сени ишқинг йўлида, бемалол кетаверадилар, ошиқ мену, бошқалар бекорга овора бўладилар).

МАВЛОНО БУРУЖИЙ (15-аср) – *Саъдиддин Кошғарий*нинг муриди, нақшбандия тариқатига мансуб шайх. Баъзан форс-тожик тилида шеърлар ёзиб турган. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг шаҳар жомеъ масжидида зикр б-н машғул бўлиши, кўплаб муридлари борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ман ошиқи шўридаву мастам,
чи тавон кард?
Дил додаву жон дар кафи дастам,
чи тавон кард?

(Мазмуни: Мен беҳахт ошиқман, мастман, нима қилса бўлади? Кўнгилни бағишлаганман, жоним кафтимда, нима қилса бўлади?)

МАВЛОНО БУРҲОНИДДИН АТОУЛЛОҲ (15-аср) – муаммонавис шоир ва олим, Навоийнинг замондоши. Мавлононинг Навоий б-н дўстлиги 1469 й. – Навоийнинг муҳрдорлик вазифасига тайинланиши муносабати б-н шеърий таърих ёзишдан бошланган. Бу ҳақда "Мажолис ун-нафоис"да ўқиймиз: "Бу фақирга подшоҳ муҳр таклифи қилғонда таърих айтиб эрдиким, бағоят хуб воқеъ бўлиб эрди. Аммо чун фақирнинг таърифики, нафс ул-амрдин ғайри воқеъдур, лозим келиб эрди, битилмади ва лекин асл мисраси будурким:

Таърихаш ин буд, ки: "Алишер муҳр зад".

М.Б.нинг мазкур "ки Алишер муҳр зад" (ки Алишер муҳр урди) тарихномаси ажойиб бир воқеа б-н боғлиқ: ўн йил муқаддам, яъни 863 ҳ.қ./1459 м. йили ҳиротлик амалдор Мир Дарвиш Али муҳрдорлик вазифасини эгаллаганида М.Б. ўша санага бағишлаб ҳам "Дарвиш Али муҳр зад" (Дарвиш Али муҳр урди) деб таърих битади ва ўшандан роппа-роса ўн йил ўтиб "Дарвиш Али муҳр зад" ўрнига "ки Алишер муҳр зад" иборасини қўллайди. Бундай ҳолатдан ҳазрат Навоий ажабланади ва уни Мавлононинг ғаройиб кароматларидан бири, деб хисоблайди.

Навоий М.Б.нинг Ҳирот аслзодаларидан экани, донишманд, хушгабъ ва мулойим табиатли киши бўлгани, муаммо санъатига оид "Жавоҳир ул-асмо" номли рисола битганлиги ва бу рисола Абулқосим Бобурга бағишлаб ёзилганлиги ҳақида маълумот беради. М.Б. 1469 й.дан бошлаб Ҳиротда мударрислик б-н шуғулланган. Унинг дарсларини талабалар интизорлик б-н кутган.

М.Б. Навоийнинг Астарободга ҳоким этиб тайинланиши муносабати б-н ҳам таърих битган:

Он Мири Низомидин Алишер?
Авсоф бурун зи ҳадди тақрир.
Чун кард қабул боз аморат,
Таърихаш шуд "аморати Мир".

(Мазмуни: Амир Низомиддин Алишернинг сифатлари таърифга сиғмайди. Амирликни қайта қабул қилгани учун ҳам таърихи "аморати Мир" ("Амирнинг амирлиги") бўлди).

МАВЛОНО ВАЖИҲИДДИН (1413–1489) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. *Мавлоно Муҳаммад Табодгоний*нинг муриди. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО ВАЙСИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик котиб ва шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг жуда содда киши бўлганлигини, замона аҳли унинг бу қадар соддалик б-н қандай шеър айтиши мумкинлигидан ажабланишлари ҳақида ёзар экан, "ғазаллари ёмон эрмас эрди ва девони ҳам бордур", дейди. М.В. сафар чоғида вафот этган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Рафтам ба сайри боғу
тавофи бунафшазор,
Омад зи ҳар бунафша
маро бўи зулфи ёр.

(Мазмуни: Боғ сайрига, бинафшазорни айланишга чиқдим ва ҳар бир бинафшадан ёрим сочлари исини туйдим).

МАВЛОНО ВАСЛИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, Мавлоно Хожа Калон қозининг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг салоҳиятли, яхши ҳамсуҳбат ва хушгабъ йигит эканлиги, шатранж (шахмат)ни яхши ўйнаши ҳақида маълумот бериб, қуйидаги байтини келтиради:

Маро дар дида нур аз гарди
роҳи он сипоҳ омад,
Биҳамдиллаҳки, нури чашми
ман аз гарди роҳ омад.

(Мазмуни: Менинг кўзимга нур ул сипоҳнинг йўли гардидан келди, худога шукурки, кўзимнинг нури йўл тўзонидан келди).

МАВЛОНО ВАФОИЙ (15–16 аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Машҳад шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Кош пайваста бувад ойина
пеши назараш,
То назар жониби ағёр наяфтад дигараш.

(Мазмуни: Кошки ойна доим унинг қаршисида турса эди, шунда унинг назари бошқа ағёрга тушмас эди).

МАВЛОНО ВАҲДАТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўзига хос шеърий табъи борлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Гаштаам беҳол аз он холеки,
дар рухсори ўст,
Офарин бар сониъи к-он
нуқтаи паргори ўст.

(Мазмуни: Унинг юзидаги (гўзал) холдан беҳол бўлдим; уни яратганга тасанно, бу унинг паргори (циркуль) нуқтаси бўлди).

МАВЛОНО ВИДОИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган балхлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг жун чакмон кийиб юриши ҳақида айтиб, илми йўқ, аммо латиф табъи бор эди, деб ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дило, натвон ҳарифи аҳли тақви
жовидон будан,
Бари дурдикашон ҳам чанд
рўзе метавон будан.

(Мазмуни: Эй дил, тақво аҳли б-н ҳамиша улфат бўлиш ҳам мақбул эмас. Май қуйқасини ялаганлар б-н ҳам бир муддат ҳамсуҳбат бўлгил).

МАВЛОНО ВОЛАҲИЙ I (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Навоий М.В.ни "Мажолис ун-

нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олиб, паришонхотирлигини, "бард" (совуқ) сўзи айтилганда жаҳли чиқиб, аҳволида ўзгариш содир бўлишини айтади. М.В. Абулқосим Бобур Машҳадда бўлган пайтида унга атаб "ороста" радифли қасида ёзган. "Мажолис ун-нафоис"да ушбу қасидадан олинган қуйидаги байт келтирилган:

Шоҳ Абулқосимки, шуд дар
даври ў хуштар зи хулд,
Машҳади Султон Али Мусо
Ризо оросте.

(Мазмуни: Шоҳ Абулқосим даврида Султон Али Мусо Ризо (шаҳид бўлган) Машҳад жаннатдан ҳам ёқимли бўлди).

МАВЛОНО ВОЛАҲИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг олий даргоҳ (подшоҳ саройи)да мулозим эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Он чашмаи ҳаётки, ёванд жон аз ў,
Жуз оби ҳасратам набуд дар даҳон аз ў.

(Мазмуни: У шундай ҳаёт чашмасики, одамлар (ундан) жон оладилар. Аммо ундан менинг оғзимда ҳасрат сувидан ўзга нарса (томгани) йўқ).

МАВЛОНО ВОҲИДИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳаддан экани, лекин асосан шу ерда ижод қилишини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

То туро турраи анбаршикане
пайдо шуд,
Дили овораи моро ватане пайдо шуд.

(Мазмуни: Сенинг анбар ҳидидан ҳам хушбўй сочинг туфайли бизнинг овора кўнглимиз ҳам ватанли бўлди).

МАВЛОНО ДОИЙ I (15–16 аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг кўп вақтини Сарахсдаги ҳазрат *Шайх Луқмон* қабри бошида ўтказишини, баъзан савдо-сотиқ б-н ҳам шуғулланишини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да М.Д.нинг қуйидаги байти келтирилган:

Жустем он даҳонро болои чоҳи ғабғаб,
Дар ханда гуфт он мах
онжоки нест матлаб.

(Мазмуни: Ул оғизни мен бақбақа устидан қидирдим, у ой кулиб деди: бу ердан тилак ҳосил бўлмас).

МАВЛОНО ДОИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг астарободлик эканлигини, шеъриятда ўзига хос услубда ёзишга интилишини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Он парирўки, зи гулбарг
қабо дар бари ўст,
Ҳар тараф банди қабо нестки,
болу пари ўст.

(Мазмуни: У шундай парирўйки, кийган либоси гул баргидан. Либосининг икки томонидаги боғич эмас, унинг пар ва қанотларидир).

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Али Зайниддин авлодидан эканлиги, муаммо жанрида шуҳрат қозонганлиги ҳақида маълумот беради ва "Аҳмад" исмига битилган қуйидаги муаммосини келтиради:

Ба жонибе ки диламро рақиб мехоҳад,
Нахоҳад омаду рўи ҳабиб мехоҳад.

МАВЛОНО ЖАМОЛИДДИН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва мударрис, Абдураҳмон Жомийнинг қариндоши. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Жомий мадрасасида мударрис эканлигини айтиб, "агар танбаллиги ғолиб келмаса эди, донишманд бўлар эди", деб ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Манам он қумрии нолон зи
шавқи сарви дилжўят
Ки, дорам тавқи гардан
аз хами қуллоби абрўят.

(Мазмуни: Кўнгил олувчи сарв қоматинг шавқидан нолагар бир қумриман, ёйма қошинг тузоғидан бўйнимда сиртмоғим бор).

МАВЛОНО ЖАМШИД (15–16 аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг энди танила бошлаган хуштабъ йигитлиги, яхши котиб эканлиги, шеърий табъи кўпроқ муаммога мойиллигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Зайн" исмига битилган муаммоси келтирилган.

МАВЛОНО ЖАННАТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни "табъи ёмон эмас, аммо ақли ҳам йўқтур ва толеи ҳам" деб, бир муддат подшоҳ мулозими бўлгани, лекин фалокат ва ёмон феъли туфайли вазифасидан озод этилганини ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ба май хурдан чу соқий соғари
майро даҳан пўшад,
Чи шуд к-ўро ба сарпўше
саводи чашми ман пўшад.

(Мазмуни: Май ичилаётган пайтда соқий унинг идиши оғзини ёпиб қўйгани каби ул гўзалга нима бўлдики, менинг кўзим қорасини қопқоқ б-н беркитиб қўйди).

МАВЛОНО ЖОНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган журжонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дастлаб "Райҳоний" тахаллуси б-н ижод қилгани, кейинчалик унга туғилган жойига нисбат бериб, "Жоний" тахаллусини тавсия қилганликларини, табиатида бир оз савдойилик борлиги ҳақида ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

То жилва кард хату лаби ёр сабзу сурх,
Оташ алам зад аз дили афгор сабзу сурх.

(Мазмуни: Ёрнинг мийиғи ва лаби сабз ва қизил тусда жилва қилганда, хаста кўнглимдан сабзранг ва қизил ўт гурилаб ёнди).

МАВЛОНО ЗАЙН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни киссадўз (қопчиқ ва ғилоф тикувчи)лик ҳунарида моҳирлиги, шўхтабъ шоир сифатида ёдга олади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Бо Зайнки, манъат кунад
аз мардуми ножинс,
Бегона чуноники, ғами хеш надори.

(Мазмуни: Зайн б-н бирга бўлсанг сени ножинслар б-н юришдан манъ қилади. Шундай бегона бўласанки, хатто ўзингни ғамингни емайсан).

МАВЛОНО ЗАЙНИЙ (15-аср) – Форс-тожик тилида ижод қилган сабзаворлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хуштабъ киши эканлигини, гарчи илмсиз бўлса-да, шеъри жозибадан холи эмаслигини, табъи кўпроқ газал жанрига мойилгини айтади. М.З. *Мир Шоҳий* б-н кўп ҳамсуҳбат бўлган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Санавбар то зи хизматгории
сарват жудо монда,
Шуда девонаву жўлидаму,
сар дар ҳаво монда.

(Мазмуни: Санавбар (дарахти) сенинг (қаддинг) хизматкорлигидан ажралганидан буён сочи тўзиган девонага ўхшаб қолди). М.З. Астарободда вафот этган.

МАВЛОНО ЗАМОНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Мавлоно Муҳаммад Омилий* нинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дастлаб "Вафоий" тахаллуси б-н ижод қилганлиги, кейинроқ Навоийнинг илтимоси б-н ўз тахаллусини "Замоний", деб ўзгартирганлиги ҳақида маълумот бериб, бунинг икки сабаби бор, дейди: 1) М.З. Бадиузамон Мирзонинг мулозими бўлган, бу тахаллус Мирзонинг исмидаги "замон" сўзига алоқадор; 2) Аҳмад Ҳожибек "Вафоий" тахаллуси б-н шуҳрат қозонган ва девон ҳам тузган. Навоийнинг фикрича, ўзидан улуг киши-

нинг тахаллусига сабабсиз шерик бўлиш муносиб иш эмас. "Мажолис ун-нафоис"да М.З.нинг Навоий томонидан "яхши воқеъ бўлубтур" деб баҳоланган қуйидаги байти келтирилган:

Ба оби дида ҳаргиз кам нашуд
сўзи дили зорам,
Магар аз хок таскин ёбад
он оташки, ман дорам.

(Мазмуни: Зор кўнгилнинг ёниши ҳеч қачон кўз ёш б-н камаймайди. Мендаги бу ўт фақат тупроқдан таскин топиши мумкин).

МАВЛОНО ЗЕБОИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни кўрмаганлиги, лекин шеърини эшитганлиги ҳақида маълумот беради. Шоиралар ҳақида маълумот берувчи баъзи тазкираларда эса Зебоийнинг аёл шоира эканлиги ва Жомий уни мадҳ этганлиги баён қилинади. "Мажолис ун-нафоис"да М.З.нинг қуйидаги байти келтирилган:

Қоматат шеваи рафтор чу бунёд кунад,
Сарвро бандаи худ созаду озод кунад.

(Мазмуни: Сенинг қоматинг гар қад ростласа, сарвни ўзига ҳам банди қилади, ҳам озод қилиб юборади).

МАВЛОНО ЗИЁЙИ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган нишопурлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Нишопур зурафоларидан эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Ба хуни ошиқ имшаб ташна
бинам лаъли серобаш,
Мадеҳ май, соқиё, тарсамки,
аз масти барад хобаш.

(Мазмуни: Унинг лаъл лаблари бу кеча ошиқ қонига ташна кўринади. Эй соқий, унга май берма, қўрқаман, мастликдан уни уйқу элитмасин).

МАВЛОНО ЗИЙРАКИЙ (15–16 аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни хуштабъ шоир, деб атаб, қуйидаги байтини келтиради:

Дар роҳи ишқ санги жафо
тўшаи ман аст,
Дар куху дашт лола жигар
гўшаи ман аст.

(Мазмуни: Ишқ йўлида жафо тошлари йўл озиғимдир; тоғу даштларда лола менинг жигаргўшамдир).

"Мажолис ун-нафоис"нинг форсий таржимасидаги қўшимча маълумотларда турк султони Салимшоҳ Миср сафари чоғида (1518) Муҳаммад Қазвинийга ушбу ғазалга жавоб ёзишни буюргани айтилади ва ана шу назиранинг матлаъси келтирилади. Зайниддин Восифий "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида М.З.нинг Навоий тузган ё қатнашган йиғин ва анжуманларда иштирок этганини қайд этади.

МАВЛОНО ЗОЙИРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг толиби илм эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Маро сарвест дар дил карда жо,
дар чашми равшан ҳам,
Чу гул покизарў ҳамчун
сабо покизадоман ҳам.

(Мазмуни: Менинг сарвим дилимдан ҳам, кўзимдан ҳам жой олган; у гул каби покиза, сабо каби ёқимлидир).

МАВЛОНО ЗОРИЙ (15–16-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг энди танила бошлаётган хуштабъ шоир эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Чу сели ашк зи чашми пуроб меояд.
Ду дида бар сари он чун хубоб меояд.

(Мазмуни: Кўзимдан ёшлар сел каби тўлиб келмоқда. Икки кўз ул сел узра хубоб (қабариқ кўпик)дек келмоқда).

МАВЛОНО ЗОТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг янги хуштабъ шоир эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Най гарчи дам зи замзамаи
зеру бам занад,
Дар пеши нолаам натавонад,
ки дам занад.

(Мазмуни: Най гарчи оҳанглар замзамаси б-н дам урса ҳам, лек менинг нолам олдида овоз чиқара олмай қолади).

МАВЛОНО ЗОҲИРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дарвештабиат йигит эканлиги, ўзининг ҳузурига келиб туриши, шеъри рангдан холи эмаслигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Соғари бодаки, жон равшан
аз он аст маро,
Мавжи он сайқали ойинаи
жон аст маро.

(Мазмуни: Шароб қадаҳидан менга жон равшанлиги келади. Ул тиниқ майнинг мавжи мен учун жон ойнасидир).

МАВЛОНО ЗУЛОЛИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг отаси дарвеш киши эканлиги, калава сотиш б-н шуғулланиши, шеърияти тиниқ булоқни эслатгани учун унга "Зулолий" тахаллуси б-н ижод қилиш тавсия этилганлигини ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Лайли узоре мерасад доман кашон
дар хуни ман,
Дигар надонам, чун шавад
ҳоли дили мажнуни ман.

(Мазмуни: Бир лайли юзли қоним устига этак тортиб етиб келади. Бу вақтда мажнун дилимнинг ҳоли қандай кечишини била олмайман).

МАВЛОНО ИШҚИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қасидани яхши айтиши, султон Абу Саид Мирзо Оқсарой пештоқига ёзиш учун шеър буюрганда М.И.нинг шеъри маъқул келганлиги ҳақида маълумот беради ва ушбу шеърнинг матлаъсини келтиради:

Ин манзареки тоқ чу абрўи дилбар аст.
Аз хок бар гирифтаи дорои кишвар аст.

(Мазмуни: Пештоқи дилбарнинг қошига ўхшаш бу жой мамлакат подшоҳининг тупроқдан юксалтирган биносидир). Қабри Ҳирот шаҳрида.

МАВЛОНО КАВКАБИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг мунажжим йигит эканлигини ва ўзига муносиб тахаллус танлаганлигини айтиб, уни кўрган-кўрмаганлигини эслай олмаслигини ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Бе рухаш ҳар қатраи хун бар
сари мужгон маро.
Машъале бошад фурузон
дар шаби ҳижрон маро.

(Мазмуни: Унинг дийдорисиз кипригим учидаги ҳар қатра қон ҳижрон кечасининг ёниб турган машъали бўлиб қолади).

МАВЛОНО КАВКАБИЙ II (15-аср) – машҳадлик форсийнавис шоир, Шайх Боязид Яланинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг энди танила бошлаган шоирлигини, ўзини кўрганлигини, лекин аввалларида шеър айтишидан бехабар эканлигини айтади. М.К. кўп вақтини Машҳадда ота-боболари мақбарасида ўтказган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Кушти мани дилхастаро,
турки камонабрўи ман,
То боз ёбам зиндаги, тийре
бияфкан сўи ман.

(Мазмуни: Қамон қошли гўзалим, мен дилхастани ўлдирдинг; менга қарата бир ўқ узгин, токи мен қайта тирилайин).

МАВЛОНО КАВСАРИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ёшликдан назм айтишга иқтидори борлигини, лекин ижод қилишга кўп рағбат кўрсатавермаслигини, *Хожа*

Осафий б-н қилган суҳбатлари чоғида баъзан шеър битишини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Муҳтасиб гар ринд бошад
дайрро дар во кунад,
Баҳри риндон бода аз
зери замин пайдо кунад.

(Мазмуни: Муҳтасиб агар ринд бўлса, майхона эшигини ўзи очиб беради. Риндлар учун майни ер остидан бўлса ҳам пайдо қилади).

МАВЛОНО КАВСАРИЙ II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган бухоролик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг иқтидорли, хушсуҳбат, ширинзабон ва донишманд киши эканлигини айтиб, у б-н боғлиқ бир воқеани келтиради: бир куни М.К. ҳужрасида ўзига яраша (бир кишилик) таом тайёрлаб ётганида, эшигидан бир киши кириб, қозоннинг тагига ўтин солади. Шунда М.К.: "Қуй, кўмак берма, таомга шерик бўлишинг мумкин", деган маънода мутойиба қилади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дар хаёли пистаи хандони
он бодом чашм,
Чашмаи хунест чашми моки,
дорад ном чашм.

(Мазмуни: Ул бодом кўзлининг хандон пистадек лаблари хаёлида чашм деб аталган кўзларим қон чашмаси (булоғи)га айланди). М.К. Ҳиротда вафот этган.

МАВЛОНО КАЛОН ЗИЁРАТГОҲИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳирот яқинидаги Зиёратгоҳ мавзеида яшаган. Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий отасининг мурид и. Унга тас. ва шаръий билимлардан сабоқ берган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО КАМОЛИЙ (15-аср) – балхлик туркигўй шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Кўҳи Софдан эканлигини айтиб, шеърлари ўз ҳудудида кенг тарқалганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ирнинг қулидур найшакар,
эй жон, бели боғлиқ,
Гул доғи юзинг бандасидур
тўни ямоғлиқ.

Қабри Кўҳи Софда.

МАВЛОНО КОМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўбалик эканлигини, кичиклигида *Мавлоно Муҳаммад Бадахший* тарбиясида бўлганлигини, кейинчалик Бадахший унинг таҳсилдаги камолини кўриб улуғроқ донишмандларга шогирдликка берганини айтади. М.К. жуда қобилиятли ва иқтидорли йигит бўлган. Навоий унинг одоби ва инсонийлигига ҳам юксак баҳо бериб, Мавлоно Бадахшийга муносиб фарзанд бўлди, дейди. М.К. яхши шеър ёзиш б-н бирга *муаммо* жанрининг ҳам билимдони бўлган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти ва "Нўъмон" исмига битилган бир муаммоси келтирилган:

Касеки, у сари дастори сарви ман чинад,
Дигар зи боғ чаро дастаи суман чинад.

(Мазмуни: Кимки сарв қоматлигимнинг салласини бежаб қўйса, чамандан суман гули териб нима қилади?!)

МАВЛОНО КОШИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Эй дил, ба ғамаш кай сару
савдои ту дорам,
Парвои худам нест, чи парвои ту дорам.

(Мазмуни: Эй дил, унинг ғами б-н бўлиб сени савдога қўйдим, ўзим ҳақимда ўйламайману, сенинг ташвишингни чека оламанми?)

МАВЛОНО ЛАТИФИЙ (15-аср) – ўзбек шоири. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. На-

воий унинг шўх табъли шоир экани, эрта вафот этгани, ундан кам шеър қолганлиги ҳақида айтиб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтиради:

Гаҳ оқар, гаҳ томар лабинг шакари,
Бизга тегмасму ҳеч оқар, томари.

МАВЛОНО МАЖДИДДИН ҲОЖИ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Дастлаб Лоҳурда яшаб, ҳам шаръий, ҳам дунёвий билимларни чуқур ўзлаштирган. Султон Шамсиддин Илтутмиш уни Деҳлига таклиф этиб, кўп иззат ва икром кўрсатади. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО МАЖНУН (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир, Камолиддин Маҳмуд Рафиқий деган хаттот ва шоирнинг ўғли. Уни "Мажнун чапнавис" деб ҳам атаганлар. Чунки у "бозгуна" (тескари – чапдан ўнгга қараб ёзиш усули) хатининг моҳир устаси бўлган. М.М. "Рисолаи қавоиди хутут" ("Хат қоидаларига оид рисола") номли асар ёзган. У ҳарф шаклларини нуқта ўлчови тизими асосига қурган. Хондамир М.М.нинг яхши қасидалар ёзгани ҳақида маълумот келтиради. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида унинг номини тилга олиб, М.М.нинг шўх табъи борлиги, яхши ҳуснихатга эгалиги, "бозгуна" хатини жуда равон битиши ҳақида маълумот беради ва қуйидаги байтини келтиради:

Ба ваъз мераваму зор-зор мегирьям,
Бад-ин баҳона зи ҳижрони ёр мегирьям.

(Мазмуни: Ваъз эшитишга бораману зор-зор йиғлайман. Буни баҳона қилиб ёр ҳажрида йиғлайман).

МАВЛОНО МАЖНУНИЙ (15–16-аср) – балхлик туркигўй шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг бечораҳол киши экани, рўзғорини ягона ҳунари – хаттотлик б-н тебратиши, Хожа Укоша қабристонида сокин – гўё кўнгил дафтарида битилган ўй-хаёлларни шеърга кўчириш б-н машғул бўлишини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Моҳи тобоним иситти,
қилди бағримни кабоб,
Ой эди, эмди ҳароратдин
бўлубтур офтоб.

МАВЛОНО МАЛИК (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган бохарзлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий М.М. ўзини Малик Завзан авлодидан ҳисоблаши, шу сабабли "Малик" тахаллусини танлаганлиги, ўттиз ёшидан кейин шеър ёза бошлаганлиги, ён-атрофдагилар уни ҳазил-мутойиба қилиб, "Малики гов" (мол) деб аташлари ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Сад қисса гар зи Лайлию
Мажнун ривоят аст,
Мову ҳадиси ишқи ту,
инҳо ҳикоят аст.

(Мазмуни: Гарчи Лайли б-н Мажнун ҳақида юзлаб ривоят бўлса ҳам, булар (сен б-н) бизнинг ишқимиз воқеаларининг ҳикоясидир).

МАВЛОНО МАШРАБИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хуш табъ йигит эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Турки ман, ҳар гаҳ
ки жо дар хонаи зин кардаи,
Хонаи зинро чу суратхонаи Чин кардаи.

(Мазмуни: Эй турк гўзалим, сен ҳар гал отга минганингда, уни Хитой сувратхонасига айлантириб юборасан).

МАВЛОНО МАШРИҚИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг косагарлик (кулолчилик) б-н шуғулланган, дарвеш бўлгани, Абдураҳмон Жомий ва б. улуғ зотлар хизматига етишганлигини таъкидлаб, "Мажолис ун-нафоис"да унинг ҳаётдан шикоят тарзида ёзилган шеъридан бир байт келтиради:

Аз чист сурх панжаи маржону пои бат,
Гар хун бажои об равон нест дар биҳор.

(Мазмуни: Маржон (сув ҳайвони) панжаси ва ўрдак оёғининг қизиллиги дарёларда сув ўрнига қон оққанидан бўлмай, нимадан бўлсин?!) М.М. Ҳиротда вафот этган.

МАВЛОНО МАҚСУД (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, мавлоно Фахриддиннинг укаси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг мулойим табъли экани, асосан ғазал жанрида ижод қилишга мойиллиги борлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байти келтирилган:

Пеши меҳри рўи ў раҳ баста
шуд оҳи маро,
То аз он набвад ғубор
ойинаи моҳи маро.

(Мазмуни: Унинг ой юзи ойинасига гард юқтирмаслик учун жамолига бўлган меҳр қаршисида оҳимнинг йўли бекилди).

МАВЛОНО МАҲВИЙ (15–16-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши шеърий табъи борлигини, шеър ёзиш асносида баъзан таҳсил олиш б-н ҳам машғул бўлишини айтар экан, "йигитлик ҳаво ва ҳаваси ани паришон тутар", деб ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дудеки, аз дили ман
дар шоми ғам барояд.
Бар ёди турраи у
пурпечухам барояд.

(Мазмуни: Ғам тунида дилимдан чиққан тутун ул гўзалнинг кокили ёди б-н бураліб, жингалак бўлиб кўтарилади).

МАВЛОНО МАҲДИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Астаробод шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Соқий, набувад беадабиҳо ажаб аз мо,
Мо мардуми мастем, наёяд адаб аз мо.

(Мазмуни: Эй соқий, биз адабсизлик қилсак ажабланма. Биз маст кишилармиз, бизларда адаб бўлмайди).

МАВЛОНО МАҲРАМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Астарободда таниқли киши бўлгани, *Хожа Мансур*нинг акаси ва илм толиби эканлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Мудом воизи мо манъи бода нўш кунад,
Чи хуш бувадки, даме даркашад,
хамўш кунад.

(Мазмуни: Воизимиз ҳар доим май ичишни манъ қилади: ўзи шу майдан бир сипқорса-ю май уни вайсашдан бир дам тўхтатса, қандай яхши бўлар эди!)

МАВЛОНО МЕҲНАТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг энди танилаётган шоир эканлигини, лекин ҳали ўзини кўрмаганлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Саҳар чу бўи худ он
моҳ дар ниқоб гирифт,
Фиғон зи халқ баромад,
ки "офтоб гирифт".

(Мазмуни: Саҳар чоғи ул ой юзига ниқоб тортганида, халқ орасида қуёш тутилди, дея фиғон кўтарилади).

МАВЛОНО МИРАКИЙ (15-аср) – шерозлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг саёҳат учун Хуросонга келгани, бир оз муддат туриб, яна қайтиб кетгани, бир оз "хом табъроқ" йигитлигини таъкидлаб, ўз устида ишласа, бирор натижага эришиши мумкинлигига умид билдиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Жоно, мабош дар паи озору кин ҳама,
К-ин олами хароб наярзад бад-ин ҳама.

(Мазмуни: Эй жонон, ҳаммага озор бериш ва адоват қилиш пайида бўлма, чунки бу хароб бўлган олам буларнинг ҳеч бирига арзимайди).

МАВЛОНО МОЙИЛИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган исфаройинлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши шеърий табъга эга экани, лекин табиатида савдойилик борлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Ҳаст дар сина зи
пайкони ситамкораи ман,
Жон зи дил тангу
зи жон ин дили ооораи ман.

(Мазмуни: Сийнамда ситамкорнинг ўқидан яра бор. Жоним дилдан, овора дилим эса жондан батанг келди).

МАВЛОНО МОНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоийнинг маълумот беришича, М.М. ниҳоятда соҳибжамол, чиройли ҳуснихат ва гўзал нутққа эга йигит бўлган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Чу дар саҳрои ғам девонасон
бо худ фитад чангам,
Гаҳе дар чангам афтад
сангу гаҳ санг афтад аз чангам.

(Мазмуни: Ғам саҳросида девонавор ўзим б-н ўзим жанг қиламан. Гоҳ тошни чангаллайман, гоҳ тош чангалимдан тушиб кетади).

МАВЛОНО МУЗҲИР (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хушчақчақ ва ҳазилкаш киши эканлигини айтиб, кўпроқ ҳажвий мазмундаги шеърлари ва қитъалари б-н шуҳрат қозонганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг Мутаҳҳари Удий номига бағишлаб ёзилган қуйидаги қитъаси келтирилган:

Мутаҳҳар ҳаст исми бемусаммо,
Нажасро кай мутаҳҳар метавон гуфт?
Хараш бар хар жаҳад у зар ситонад,
Бас ўро кайдии хар метавон гуфт.

(Мазмуни: Мутаҳҳар – оти бор, ўзи йўқ нарсадир. Нажосатни мутаҳҳар (тозаловчи) деб бўладими? Эшаги эшакка чопадию, у пул топади. Демак, уни эшакни алдовчи деса бўлади).

МАВЛОНО МУИН (15 аср) – шерозлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Хуросонга келганидан бери фақирлар орасида эканини сиртдан содда кўринса-да, лекин табиатан ҳазилга мойиллигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Шуд дал ки мураққаъ
гарави бодаву шодем,
К-охир ба сари кўи муғон жома ниҳодем.

(Мазмуни: Шайхлик кийимлари майга гаров бўлди, шодмиз, чунки охирда майхона кўчаси бошида тун ечдик).

МАВЛОНО МУҚБИЛИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган туршизлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хушсуҳбат ва донишманд киши экани, мажлисларда кўп масал ва *назира*лар айтишини таъкидлайди ва қуйидаги байтини келтиради:

Муҳтасиб мегуфт ди аз рўи ҳол
Бода арзон шуд, кужои зар ҳалол?

(Мазмуни: Кеча муҳтасиб ҳол сўраб дерди: май арзон бўлди, пули ҳалоллар қайдасиз?)

Шунингдек, "Мажолис ун-нафоис"да М.М.нинг оёғидаги хасталик туфайли оқсоқ бўлиб қолгани ҳақида ҳам маълумот берилган.

МАВЛОНО МУҚИМИЙ (14–15-аср) – ҳиротлик зуллисонайн шоир. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг дарвештабиатлилиги, тас. истилоҳларини яхши билиши, туркигўй бўлгани учун туркийча суфиёна таржиъбанд ёзгани ва у анча маъқуллигини айтиб, восила (такрорланиб келувчи) байтини келтиради:

Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудда не мавжуд.

"Муҳокамат ул-луғатайн"да ҳам уни ўзигача бўлган истеъдодли туркигўй шоирлар қаторида тилга олади.

Қабри Ҳиротда.

МАВЛОНО МУҲАММАД (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий

унинг ёшлигидаёқ муаммо илмини яхши ўзлаштирганлигини айтиб, "Муҳаммад" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО МУҲАММАД МУАММОИЙ I (15-аср) – Навоийнинг устозларидан бири, давлат арбоби ва шоир. Абулқосим Бобурнинг сарой шоири бўлиб, бадиҳа айтишга моҳир бўлган. Навоий Абулқосим Бобур Мирзо саройида хизмат қилганида ундан муаммо фанидан сабоқ олган. Абулқосим Бобур уни бир муддат Шероз шаҳрига садр этиб тайинлайди.

Садрлик вақтида Хўжа Ҳофиз қабри бошида гумбаз ясайди ва Бобур Мирзони унга таклиф қилиб, зиёфат беради. Ўшанда Шерознинг шўхтабъ шоирларидан бири деворнинг шоҳ кўзи тушадиган жойига қуйидаги байтни битган экан:

Агарчи жумлаи авқофи шаҳр ғорат кард,
Худош хайр диҳад он,
ки ин иморат кард.

(Мазмуни: "Гарчи шаҳар вақфларини ғорат қилган бўлса ҳа, ушбу иморатни бино қилгани учун Худо хайрини берсин").

Мирзо ўқиб кулади. Аъёнлар ҳазил-ҳузул қилишади. Навоий бу воқеани унинг ўзидан эшитганини қайд қилади. М.М. умрининг охирида Кичик Мирзо б-н ҳажга ҳам борган.

Навоий "Соқийнома"да Муаммоийни вафот этган дўстлари қаторида санаганидан англашиладики, у аввалроқ вафот этган.

МАВЛОНО МУҲАММАД МУАММОИЙ II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "зариф киши" (нозик табъ эгаси) экани, Ҳирот аҳли уни "Пири Муаммоий" деб аташи, ўша даврдаги муаммогўйлар унинг шогирдлари эканлиги, Хусрав Деҳлавийнинг барча шеър ва рисолаларини алоҳида жамлаб, тўплам қилганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Юсуф" исмига битилган муаммоси келтирилган.

МАВЛОНО МУҲАММАД ХУРОСОНИЙ (15 аср) – хуросонлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг бепарво ва танбалроқ киши эканлигини айтиб, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний хизматида бўлганлиги, тавба қилиб суфийлик йўлига кирганлиги ва ҳаж сафарини пиёда адо этганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги рубоийси келтирилган:

Як чанд зи дўстон жудо хоҳам буд,
Бо меҳнату дард мубтало хоҳам буд.
То ёр насозад ошноии хешам,
Бегона зи хешу ошно хоҳам буд.

(Мазмуни: Бир муддат дўстлардан жудо бўлган эдим, машаққат ва дардга мубтало бўлган эдим. Агар ёр мен б-н ошнолик қилмаса, қариндош ва ошнолардан бегона бўлардим).

МАВЛОНО МУҲЙИ I (1367–1461) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Имом Рофиъий Фазнавий авлодидан. Болалигида *Бобо Сунгу* б-н учрашиб, ундан кўп илтифотлар кўрган. Самарқандда хонақоҳ ва муридлари бўлган. Воизлик ҳам қилган. Қуръони каримни ҳар куни бир марта тўлиқ хатм қилишни одатга айлантирган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО МУҲЙИ II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида сўнгги (қирқ олтинчи) шоир сифатида тилга олинади. Навоий унинг *Бойсунғур Мирзо* хизматида бўлганлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Бо рухат дам зи сийм натвон зад,
Буса онжо зи бийм натвон зад.

(Мазмуни: Юзинг (қаршисида) кумушдан сўз очиб бўлмайди, қўрқувдан уни ўпиб ҳам бўлмайди.)

МАВЛОНО МУШРИФИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қушхона мушрифи (бошқарувчиси) бўлганлиги учун ўзига шундай тахаллус

танлаганлиги, котибликдан ҳам хабардор эканлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Гавҳари ашк нисори раҳи ёре кардам.
Шодам аз ошиқи хеш, ки коре кардам.

(Мазмуни: Кўз ёшим гавҳарларини ёр йўлига сочдим. Ошиқ бўлганим учун шодман, хуб иш қилганман!)

МАВЛОНО МУШТАРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни ўз даврининг машҳур шоири сифатида таърифлаб, қуйидаги байтини келтиради:

Соқий агар маям надиҳад дар ҳавои гул.
Дасти ман асту домани соқию пои гул.

(Мазмуни: Соқий агар гул фаслида май бермаса, менинг қўлим соқий этагида ва гул оёғида бўлади).

МАВЛОНО МУЪИНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шерозлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Шероз шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Аз сад суҳан ба ҳийла яке гуш мекуни,
Он ҳам нагуфтаам ки фаромуш мекуни.

(Мазмуни: Ҳийла б-н юзта сўздан биттасига қулоқ соласан, уни ҳам айтмасимдан бурун эсингдан чиқариб юборасан).

МАВЛОНО МУЪМИНИЙ (15 аср) – самарқандлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "Халосия" хонақоҳида таҳсил олиши, мулойим таъбга эга экани, исми Абдулмуъмин бўлганлиги учун шундай тахаллус б-н ижод қилишини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Бикшо даҳанки, нўши лабу нушханд ҳам,
То қиймати шаккар шикани,
нархи канд ҳам.

(Мазмуни: Оғзингни очгил, ширин лабингдан ширин кулгингни кўрсатиб шакарнинг қийматини, канднинг нархини туширгил).

МАВЛОНО НАЖМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тўқувчилик б-н шуғулланишини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Сарам он беҳки,
зи савдои ту дар по бошад,
Чун надидам сари онатки,
сари мо бошад.

(Мазмуни: Ишқинг савдосидан бошим оёқ остида бўлгани яхшироқ. Чунки бизнинг хаёлимизда эмаслигингни билдим).

МАВЛОНО НАРГИС (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дастлаб "Наргис" тахаллуси б-н ижод қилгани, кейинчалик "Оҳий" (Фахрий Ҳиротийга кўра "Оятий") деб ўзгартиргани, қаерда нозик маъноли сўз ёки жумла эшитса, уни дарров ўзиники қилиб ўзлаштириш одати борлигини айтиб, тахаллусини ўзгартиргани каби бу одатини ҳам ўзгартирар, деб умид билдиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ба ёди сафҳаи рухсори у,
к-аз маҳ фузун омад,
Кушодам фоли Мусҳаф,
сураи "Юсуф" бурун омад.

(Мазмуни: Ёримнинг ойдан ҳам гўзал чеҳрасининг саҳифаси ёди б-н Қуръондан фол очсам, "Юсуф сураси" чиқди).

МАВЛОНО НАРГИСИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни Марв вилоятидан деб, зулм кўрган йигит сифатида тилга олади. Фахрий Ҳиротийнинг маълумотига кўра М.Н. марвлик эмас, балки Марвда Навоий хизматига эришган. У кейинчалик Абҳарнинг шайхзодаси сифатида шу ўлка аҳлининг ҳурматига сазовор бўлган. М.Н. аввалида бебошларга қўшилиб, вақтини беҳуда сарф қилган бўлса, кейинчалик вақтини асосан рўза ва намоз б-н ўтказган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилади:

Онро, ки дарди ишқи
ту девона сохта,
Мажнунсифат ба гўшаи вайрона сохта.

(Мазмуни: Сенинг ишқинг дарди кимни девона қилган бўлса, Мажнун каби вайрона бурчагини жой (макон) қилди).

МАВЛОНО НИЗОМ I (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг толиби илм ва фақир киши эканлигини айтиб, Малик деган ҳудудда хонақоҳи борлиги ва муаммо илми б-н шуғулланиши ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Исҳоқ" исмига битилган муаммоси келтирилган.

МАВЛОНО НИЗОМ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қасида жанрида моҳир эканлигини айтиб, "Баҳория" қасидасидан олинган қуйидаги байтни келтиради:

Боз гулзори хат аз сабзаи
тар пайдо кард,
Кори бўстони жаҳон ранги
дигар пайдо кард.

(Мазмуни: Мийиғидаги сабзалар гулзори яна сўлим майсалар пайдо қилди. Жаҳон боғининг иши бу: яна бошқа ранг пайдо қилди).

МАВЛОНО НОДИРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган марвлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўзига хос услубда шеър айтишга ҳаракат қилгани, лекин дангасалиги туфайли муваффақиятга эриша олмагани, бир муддат ўзи б-н мусоҳиб бўлганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги матлаъси келтирилган:

Ба санг нарм кун, эй чарх,
устухони маро,
Мабод рахна кунад
тиғи дилситони маро.

(Мазмуни: Эй фалак, суякларимни тош б-н юмшатгил, токи (у) кўнгил олувчимнинг тиғини ўтмас қилиб қўймасин).

МАВЛОНО НОЗИРИЙ (15–16-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши шеърий табъга эга, лекин сал ўзбошимча йигит эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Мешавад дар қаҳр агар
худро кушам аз баҳри ў,
Вах, чи каҳр аст он ки
худро мекушам аз қаҳри ў.

(Мазмуни: Ул ёр учун ўзимни ўлдирсам, унинг қаҳри келади. Вах, бу қандай қаҳрки, у қаҳр туфайли ўзимни ўлдираман).

МАВЛОНО НОЙИБИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Тойбоддан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Гаҳе, ки лола бирўяд зи хоки аҳли назар,
Зи доғи дил бувад он
лолаву зи хуни жигар.

(Мазмуни: Назар аҳли мозоридан агар лола униб чиқса, у лола дил доги ва жигар қонидан яралган бўлади).

МАВЛОНО НОМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган сабзаворлик шоир ва котиб. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг сочма асарлар ва мактубларни кўчиришда моҳир эканлиги, ўз даврининг котиб ва хаттотлари, хусусан, *Мавлоно Абдулвосеъ*, Шайх Абдулло Девона ва *Хожа Деҳдор* уни хушламасликларини айтади. Хожа Деҳдор подшоҳ мажлисларида кўпларни ташбиҳ ва тақлид қилар экан, жумладан, унинг "М.Н. совун чайнагани учун оғзида кўпик пайдо бўлади", деган ташбеҳи идрок аҳли орасида кўп мақтовга сазовор бўлган. "Мажолис ун-нафоис"да М.Н.нинг қуйидаги матлаъси келтирилган:

Лофад ба хатат нофа, зиҳи бесару пои,
Гаммози сиях ботини модарбахатои.

(Мазмуни: Бу қандай бебошлик, мушк сенинг мийиғинг хатлари б-н тенглашаман, деб лоф уради. Аслида бу мушк ичиқора, чақимчи ва бетайин бир нарсадир). Навоий М.Н. бу байтни Хожа Деҳдорга жавоб тариқасида айтган бўлса керак, дейди.

МАВЛОНО НОСИРИДДИН (15-аср) – самарқандлик шоир, Аҳмад Ҳожибек мулозимларидан. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг донишманд ва тақводор отасидан фарқли равишда сипоҳийликка ҳавасманд эканлигини, белига овчилик ашёларини боғлаб, ҳар хил отларни минишга майли борлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унга нисбат берилган қуйидаги байт келтирилган:

Тубучоқ абраше агарам зери зин бувад,
Мулки жаҳон маро ҳама зери нигин бувад.

(Мазмуни: Агар остимда эгарланган от бўлганда эди, жаҳон мулклари қўл остимда бўларди).

МАВЛОНО НОСИҲИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хуштабъ йигит эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Касе, ки сафҳаи рӯи ту дар назар дорад,
Кай аз мутолаа хоҳад,
ки чашм бардорад.

(Мазмуни: Ким агар қаршисида сенинг жамолинг китобини кўраркан, у қандай қилиб (у) мутолаадан кўз уза олади?)

МАВЛОНО НУР (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий М.Н. нинг содда ва ишонувчанлигига ишора қилиш маъносида унинг бир мажлисдаги "ҳакимлар инсондаги ҳид билиш ҳисси икки қош орасида жойлашганлигини эътироф этадилар", деган гапга ишониб, хушбўй нарсаларни икки қоши орасига қўйиб, нафасини юкорига тортгани ҳакидаги воқеани ҳазил-мутойиба тариқасида айтиб ўтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги матлаъси келтирилган:

Туро нилуфари пироҳану
ман монда ҳайронаш
Ки сар бар мезанад хуршед
ҳар рӯз аз гиребонаш.

(Мазмуни: Нилуфар ранг кўйлагингга мен ҳайратланаман, чунки ҳар куни унинг ёқасидан қуёш чиқиб келгандай булаверади).

МАВЛОНО НУРИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг кўп вақтини Машҳадда ўтказишини, танбал ва девонасифат киши эканлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дилам бенаво шуд, аз ин рӯ ҳазин аст,
Ҳамеша, бале, бенавои чунин аст.

(Мазмуни: Дилим бенаво бўлди, шунинг учун у ғамгин, вале бенавонинг ҳоли ҳамиша шундай бўлади).

МАВЛОНО НУРИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган нишопурлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни машҳадлик *Мавлоно Нурий* б-н адаштирмаслик зарурлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ҳадангат, ки шуд нахли гулзори дил,
Наёвард боре магар бори дил.

(Мазмуни: Сен отган ўқ дилим гулзорининг дарахти бўлди; (чунки) у дил юкидан ўзга мева бермайди).

МАВЛОНО ОЛИМ – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг донишманд киши, мулойим табъли шоир эканлигини айтиб, қуйидаги воқеани келтиради. Бир куни М.О. кўпчилик бўлиб девонбошига шикоят ариза б-н чиқади. Девонбоши шикоятни кўриб чиқишни мубошир (иш бошқарувчи) Маждиддин Муҳаммадга топширади. Маждиддин Муҳаммад эса иккинчи тарафнинг ёнини олиб, аризани кўриб чиқмай, буклаб қайтариб беради. Шунда М.О. ушбу ҳолат б-н боғлиқ қуйидаги байтни битади ва у машҳур бўлиб кетади:

Кори моро Хожа
Маждиддин Мух аммад ҳеч кард.
Коғази моро нахонд,
он рӯзу дарҳам печ кард.

(Мазмуни: Ўша куни Хожа Маждиддин ишимизни буткул йўққа чиқарди: қоғозимизни ўқимай буклаб қайтариб берди).

МАВЛОНО ОСИМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг отаси етук инсонлиги, савдо ва тижорат б-н шуғулланиши, толиби илм экани, назм б-н ҳам машғул бўлишини айтади:

Чун оташам зи ҳажри
ту бар сар занад алам,
Созам равон чу шамъ
зи гирдоби дида нам.

(Мазмуни: Fам олови ҳажрингда бошимга алам солганида, кўзларим гирдобидан шам каби ёшлар тўкаман).

МАВЛОНО ОФАТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ҳолвачилик б-н шуғулланиши, ўзини кўрмаган бўлса-да, шеърини эшитгани ҳақида маълумот бериб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтиради:

Худо кунад ба хаёли
ту ҳар замонам шод,
Гар аз хаёли ту гардам
жудо, худо накунод.

(Мазмуни: Худо мени ҳамиша сенинг хаёлинг б-н шод айласин. Сени хаёлингдан айирмасин, Худо сақласин!)

МАВЛОНО РАЗИЮДДИН НАБИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Вафотидан кейин бир шогирди қабри ёнига бориб, бир кеча ётса, илм ва тас. бобида юзага келган мушкуллар тушида аён бўларкан. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО РАШИДИДДИН НАЪЗИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. *Жамъ* ва *баст* мақомлари соҳиби бўлган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО РИЁЗИЙ I, Имомиддин Риёзий Самарқандий (ваф. 1479) – шоир, олим, хаттот. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"ида маълумот берилишича, М.Р. етти хил араб ёзуви (сулс, муҳаққиқ, тақвиъ, райҳон, риқоъ, насх, таълиқ)да моҳир, Қуръонни етти хил қироат б-н ўқийдиган ҳофиз сифатида шуҳрат топган. Мусиқа ва нужум илмида тенгсиз, обрў-эътиборли киши бўлган ва бундан маълум маънода кибру ҳаво, ғурур пайдо қилган. М.Р.нинг шундай байти бор эди:

Ситорааст дури гўши он ҳилол обру.
Зи рўи ҳусн ба хуршед мезанад паҳлў.

(Мазмуни: У ҳилол қошлининг қулоғидаги дур юлдузга ўхшайди, қуёш б-н ҳусн талашади).

Навоий бу ерда, икки мисрани ўзаро боғлаш учун "ки" боғловчиси зарурлигини айтиб, ушбу байтни қуйидагича тузишни таклиф этади:

Зи рўи ҳусн дури гўши он ҳилолабрў
Ситорааст, ки бо моҳ мезанад паҳлў.

(Мазмуни: У ҳилол қошлининг қулоғидаги дур (шундай) бир юлдуздирки, ой б-н ҳусн талашади).

Навоий таҳриридан сўнг қўшилган "ки" боғловчиси ҳам икки мисрани бир-бири б-н боғлаш, ҳам ташбеҳни мантиқан тўғри қўллаш имконини беради. Лекин М.Р. бу маслаҳатни тўғри қабул қилмай жаҳли чиқади. Яқинлари қанча инсофга чақирмасин қабул қилмайди.

МАВЛОНО РИЁЗИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Зова вилояти қозиси экани, феъл-атвори мураккаблиги, қозилик мансабига нолойиқ ишлар қилгани учун вазифасидан озод қилингани, кейинчалик қанча ҳаракат қилмасин мансабига қайта тиклана олмаганлиги ҳақида ёзади. "Наводир уш-шабоб"нинг 27-қитъасида ушбу воқеага яна муносабат билдириб, қози бўладиган киши фиқҳ илмини мукаммал билиши кераклиги, М.Р. риёзат илмига яқин бўлиб, фиқҳдан бехабарлиги сабабли қозилик лавозимига нолойиқ деган хулосага келади:

Риёзий бўлса қозий, бас ажабдур,
Керакким фиқҳ илмин билса қозий.
Анга чун фиқҳдин асло хабар йўқ,
Не янглиғ бас бўлур қози Риёзий.

М.Р. минбарда ваъз айтганда ўз шеърларини ўқиб, йиғлаб беҳуш бўлар экан. Наво-

ийнинг ёзишича, бир куни шогирдлари б-н тоғ сайлига боришганида, тош юмалатишган ва у тошнинг бири бир бечорага тегиб, вафот этган. Шунда М.Р. қочиб кетган ва уни топа олишмаган. "Мажолис ун-нафоис"да М.Р.нинг қуйидаги байти келтирилган:

Малак шуста ба оби
Хизр агар домони ман буди,
Ҳанӯзам, дасти дур
аз домани жононӣ ман буди.

(Мазмуни: Агар малак менинг этагимни тириклик (Хизр) суви б-н ювганда эди, менинг жононим бўлсанг ҳам этагимни тутолмасдинг).

МАВЛОНО РУКНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шерозлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг шеърий табъи ёмон эмаслигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Гар мажоли як сухан
ёбам бари дилдори хеш,
Арза дорам пеши ӯ шарҳи
дили афгори хеш.

(Мазмуни: Агар дилдоримга бир оғиз сўз айтиш имконини топсам, афгор дилимнинг аҳволини арз қилардим).

МАВЛОНО САВСАНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган самарқандлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг кўркамлигина кўриниши, аввалларн кўп вақтини "Ғавҳаршодбегим" мадрасаси атрофида ўтказишини, энди шаҳарда сокин ҳолда ҳаёт кечириши, беҳуда ишлар ва кишиларга вақт сарфламаслигини ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Мужаррадонки, зи қайди
замона озоданд,
На сайд гашта ба доми
касе, на сайёданд.

(Мазмуни: Ёлғизлар замона бандларидан озоддирлар; улар бировнинг тузоғига тушган на сайддирлар ва на сайёд).

МАВЛОНО САДР КОТИБ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг паришонхаёллиги, кўп вақтини сипоҳий турклар хизматида ўтказиши, танбаллиги тутса, баъзан узоқ вақтгача шеър ёзишни ҳам унутиб қўйиши, май уни мағлуб қилгани, ундан ўзга ҳеч ишни бажаришга рағбати йўқлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ҳаргиз дили моро ба ғаме шод накарди,
Кушти дигаронрову маро ёд накарди.

(Мазмуни: Сен ҳеч қачон бизнинг ғамгин дилимизни шод қилмадинг, бошқаларни улдирдингу бизни эса ёдга ҳам олмадинг). М.С. Ҳиротда вафот этган.

МАВЛОНО САИД (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қора танли қуллардан эканлигини айтиб, бу матлаъси ўз ҳолига муносиб тушганлигини баён қилади:

Ғуломи хештанам хонд лоларухсоре,
Сиёҳрӯии ман кард оқибат коре.

(Мазмуни: Ул лола юзли мени ўзининг қули деб атайди, оқибатда юзимнинг қоралиги барибир таъсир кўрсатди).

МАВЛОНО САИДИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг косагарлик (кулолчилик) б-н шуғулланиши ҳақида маълумот бериб, бир ғазали матлаъсида *зулқофиятайн* қўлланилганлигини, лекин сўнгги байти яхшироқ чиққанлигини айтади:

Шабе биншину чандоне
шароби беҳисобам дех,
Ки, натвонамки то рӯзи
ҳисоб аз жой бархезам.

(Мазмуни: Кечаси ўтириб шу қадар беҳисоб шароб берки, ҳисоб (қиёмат) кунигача ўрнимдан тура олмай қолай). М.С. Ҳиротда вафот этган.

МАВЛОНО САЛОМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Ҳирот шаҳри жомеъ масжидининг

ходими эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Ин бас аз ашки жигаргун
зи ғамаш ҳосили ман
Ки ба ҳар қатра кушояд
гириҳе аз дили ман.

(Мазмуни: Ғамингда тўккан қонли кўз ёшларимдан менга теккани – унинг ҳар бир қатраси дилимнинг тугунларини ечгани бўлди).

МАВЛОНО САФОИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган андижонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "содда йигит"лиги, ўзи каби кўп йигитлар унинг суҳбатига мафтун эканлиги ҳақида ёзиб, табъи рангин, айтган шеърлари содда табиатининг акси эди, деб таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Менамояд гоҳи жавлон наъли
шабрангат ба чашм,
Чун маҳи нав к-аз назар созанд
мардум ғойибаш.

(Мазмуни: Кишилар янги ойга тикилиб турганларида у бирдан ғойиб бўлганидек, қора отинг жавлон урган пайтида фақат тақасигина кўзга чалинади). М.С. Самарқандда вафот этган.

МАВЛОНО САЪД (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қобилиятли шоир эканлигини айтиб, табъида бир оз паришонлик борлигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Барги гул нест, ки уфтода
ба тарфи чаман аст,
Пунбаи доғи дили булбули
хунинкафан аст.

(Мазмуни: Гулзорга тўкилган ул гул барги эмас, булбул юраги ярасига пахтадан қилинган қонли кафандир).

МАВЛОНО САЪДИДДИН (1401–1495) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Баҳроболнинг Равниз қишлоғида туғилган. Абдураҳмон Жомийнинг сабоқдоши ва мусоҳиби. Мавлоно Иззиддин Тоҳир Нишопурийнинг шогирди. Фаройиз, тафсир ва ҳадис илми б-н жиддий шуғулланган. Қирқ йилга яқин Машҳадда яшаган. Таассуб ва айирмачиликдан холи, дунёвий машғулотдан фориғ киши бўлган. Навоий бу зот б-н кўришиб, дуои хайрлар олишга эришганлигини мамнуният б-н қайд қилган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО СИРРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган туршизлик шоир, *Мавлоно Али Шиҳоб*нинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қаландартабиат йигит эканлигини айтиб, Марвда қурган меҳмонхонаси одамларга хизмат қилиши ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Буд дар даъви ба абрўят
маҳи нав тезу тунд,
Дид чун хуршеди рўят
сохт худро гирду ғунд.

(Мазмуни: Қошинг б-н баҳсда янги ой тезлик қилар ва чимирилар эди. Қуёш юзингни кўргач, ўзини йиғиб олди).

МАВЛОНО СИФОТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни энди танила бошлаган шоир сифатида эътироф этиб, ўзини кўрмаганлигини, лекин шеърини эшитганлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Баски, дар сар ҳаваси рўи ту дорад дида,
Пушт сўиману рў сўи ту дорад дида.

(Мазмуни: Кўзларим сенинг юзингни кўриш ҳавасида бўлгани учун менга доимо орқа ўгириб, сенга қараб туради).

МАВЛОНО СОЙИЛИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳисорлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дарвештабиат ва камгаплигини, баъ-

зи шеърлари ёмон эмаслигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Маро дар дида танг
омад фазои кӯҳу ҳомун ҳам,
Ғами Фарҳод ман дорам,
балои ишқи Мажнун ҳам.

(Мазмуни: Менинг кўзимга тоғ б-н дашт фазоси ҳам торлик қилиб қолди. Чунки менда Фарҳоднинг ғами ва Мажнун ишқининг балоси бор).

МАВЛОНО СОЙИЛИЙ II (15 аср) – қаршилик форсийнавис шоир ва хаттот. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тез ёзадиган котиб эканлигини, ҳар куни беш юз байтни ҳеч қийналмай ёзишини таъкидлайди. М.С. табъи назмга эга бўлиб, девон ҳам тартиб берган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

На бар захмаш дилам
пайкони он абрў камон дорад
Ки, баҳри захми дигар
оби ҳасрат дар даҳон дорад.

(Мазмуни: Ул қош ўқининг захм етказишига кўнгилнинг гумони йўқ, шу сабабдан иккинчи захм етказиши учун оғзида ҳасрат сувини сақлайди).

МАВЛОНО СОЛИМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ироқлик шоир ва мусиқашунос. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг аввал илм олиш б-н машғул бўлгани, кейинроқ шеърият, муаммо илми ва хаттотликка рағбат боғлагани, мусиқа асбобларидан уд ва танбур чалишни ўргангани, мусиқа илмига доир рисолалар ҳам битганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Амон" исмига битган бир муаммоси ва қуйидаги байти келтирилган:

Чунон ба суврати он офтоб ҳайронам
Ки, тиғ агар занадам, чашми худ
напўшонам.

(Мазмуни: Ул қуёшнинг суратига шу қадар ошуфтаманки, агар менга тиг урсалар ҳам кўзимни юммай тураверaман).

МАВЛОНО СОЛИҲИЙ (15 аср) – хуросонлик форсийнавис шоир ва олим. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг асли хуросонлик бўлса-да, лекин кўп йиллардан бери Ҳисорда яшашлигини айтади. М.С. даставвал тошйўнувчилик касби б-н машғул бўлган, кейинчалик, аруз илми ва бадиий санъатларни ўрганган, шеърият б-н шуғулланган. Навоийнинг айтишича, у Ҳисорда подшоҳнинг китобдори ҳам бўлган. "Мажолис ун-нафоис"да унга нисбат берилувчи қуйидаги байт келтирилган:

Агар, эй шамъ, шабе ҳамнафаси ман боши,
Чи дуо беҳтар аз ин астки, равшан боши.

(Мазмуни: Эй шам, агар кечаси мен б-н ҳамнафас бўлсанг, равшан бўл, дейишдан бўлак яхшироқ дуо борми?!)

МАВЛОНО СОНЕЙИ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган бохарзлик шоир ва вазир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг кўпроқ маснавий жанрида ижод қилгани, вазир лавозимида хизмат қилган вақтида баднафслиги ва зулми учун подшоҳнинг қаҳрига учрагани ва қатл қилингани ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг Абдураҳмон Жомий таърифида айтган маснавийсидан қуйидаги икки байт келтирилган:

Ба ту ҳар ки ў даъвие мекунад,
Чи даъвист, бемаънийи мекунад,
Туро меваи ширину урост талх,
Чу себи Самарқанду олуи Балх.

(Мазмуни: Ким сенга гар доим даъво қилса, даъво эмас, бемаънилик қилган бўлади. Сенинг меванг Самарқанд олмаси каби ширин, уники Балх олхўрисидек аччиқдир).

МАВЛОНО СОФИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Куҳи Соф шайхзодаларидан. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Хожа Ҳофиз Шерозий шеърларига *татаббуъ* боғлаши ҳақида маълумот бериб, қуйидаги байтини келтиради:

Соқиё, сархушаму бодаи софам дори,
Гар кунам сархуши, он беҳки,
маофам дори.

(Мазмуни: Эй соқий, мен мастману соф май тутасан; агар бадмастлик қилсам, яхшиси, кечиргайсан).

МАВЛОНО СОҒАРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган соғарлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг молу давлати етарли, лекин ниҳоятда хасис эканлигини айтиб, *Абдураҳмон Жомий*нинг Маккага сафари б-н боғлиқ бир воқеани келтиради: Жомий Макка сафарига йўл олганида, *Мавлоно Вайсий* б-н М.С. ҳам унга ҳамроҳлик қилиш истагини билдирадилар, лекин кейинроқ Вайсий эшаги йўқлигини, М.С. эса яна бир бошқа баҳона б-н сафардан қоладилар. *Амир Шайхим Суҳайлий* ушбу муносабат б-н қуйидаги қитъани айтади ва у халқ орасида машҳур бўлиб кетади:

Вайсию Соғарий ба азми ҳарам,
Гашта буданд ҳар душон сафари,
Лек аз он рох ҳар ду во монданд,
Он як аз бехарию ин зи хари.

(Мазмуни: Вайсий б-н Соғарий Ҳарам (Макка)га сафар қилмоқчи бўлдилар. Лекин уларнинг бири эшаги йўқлигидан, иккинчиси эшаклигидан йўлдан қолдилар). Навоий "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" асарида ҳам Жомийнинг М.С. б-н қилган ҳазил-мутойибаларидан баъзиларини келтириб ўтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Чашми дурбори ману
абри баҳор аст яке,
Нолаи зори ману савти ҳазор аст яке.

(Мазмуни: Менинг кўзим инжулари (ёшлари) б-н баҳор булути ўхшаш. Менинг нолаю зорим б-н булбул навоси ўхшаш).

МАВЛОНО СОҲИБДОРО ФАСИҲИДДИН (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир, Навоийнинг яқин суҳбатдоши. Навоий вафотидан сўнг Ҳусайн Бойқаро кутубхонасига доруға (бошлиқ) этиб тайинланган. Хондамир "Ҳабиб ус-сияр"да Соҳибнинг асли Астароободдан эканлиги, шатранж бобида хоҳ кабир, хоҳ сағир бўлсин, ҳозирона ва ғойибона тарзда юксак маҳорат б-н ўйнар эди, деб таъкидлайди. "Мажолис"нинг иккинчи таржимони Муҳаммад Қазвиний М.С.Ф.нинг иншо фанида моҳир бўлганини қайд этади ва сафар чоғида Навоий ва Соҳиб ораларида ўтган бир ҳазил-мутойибани келтиради. Қазвиний М.С.Ф.нинг Навоий вафоти муносабати б-н ёзган мутаваффиёт таърихининг (ҳар бир банди 8 байтли, 5 банд) тўла матнини ҳам беради. Бу мутаваффиётнинг биринчи мисрасидан абжад ҳисобида Навоий туғилган йил (844ҳ.қ/1441м.), иккинчи мисрасидан эса вафот этган йили (906/1501 й) келиб чиқади. Ушбу мутаваффиёт таърихида ҳам рақамларга риоя қилинган, ҳам мазмун ва ғояга мос теран сўз, бадиий таъсирчанликка эътибор қаратилган. Таърих қуйидаги матлаъ б-н бошланади:

Эй фалак, бедоду бераҳми
бад-ин сон кардаи,
В-эй ажал, мулки жаҳонро
боз вайрон кардаи.

(Мазмуни: Эй фалак, шу янглиг бедодлиғ ва бераҳмлик қилдинг. Эй ажал, жаҳон мулкини яна вайрон қилдинг).

"Бадоеъ ул-вақоеъ" муаллифи Зайниддин Восифий М.С.Ф.нинг ота томонидан ўзига қариндошлиги. М.С.Ф. номидан Навоий ҳамда унинг замондошлари ҳақида айтилган бир туркум ҳикоятларни келтиради. М.С.Ф. Муҳаммад Шайбонийхон Нахшабдан чиқиб, Ҳиротни босиб олгани муносабати б-н ҳам қасида-таърих ёзган. Навоий унинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олиб, яхши шеърий табъга эгалиги, ғойибона (кўрмасдан туриб) шатранжни яхши ўйнаши, муаммони яхши айтиши ва ечиши, табиатида бир оз савдойилик борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Поянда" исмига битган муаммоси ва қуйидаги байти келтирилган:

Дўстон, то кай ба кўяш
манъам аз рафтан кунед,
Тарки рафтан чун
нахоҳам кард, тарки ман кунед.

(Мазмуни: Эй дўстлар, токайгача менга ёр кўчасига боришни манъ қиласиз, боришни тарк қилмайман, ундан кўра мендан кечиб қўя қолинг).

МАВЛОНО СУБҲИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ўбалик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий

у б-н *Мавлоно Муҳаммад Бадахший* орқали танишганлигини айтиб, шеърларида "чошниси" (маза, таъм) бор дейди ва қуйидаги байтини келтиради:

Моҳи ман, имшаб ба
нури хеш ин кошонаро
Соз равшан, варна оташ
мезанам ин хонаро.

(Мазмуни: Эй ой юзлигим, бу кеча ўз нуринг б-н бу кошонани равшан қил, акс ҳолда, бу уйга ўт қуйиб юбораман).

МАВЛОНО СЎФИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни яхши шеърий табъ ва ҳуснихатга эга шоир сифатида эсга олади ва қуйидаги байтини келтиради:

Нест дар ҳажри туам
заъф зи бемории дил,
Тарсам озурда шавад
табъи ту аз зории дил.

(Мазмуни: Заифлик дил хасталигидан эмас, сенинг ҳажрингдандир. Дил ноласидан табъинг ранжимагай, деб қўрқаман).

МАВЛОНО ТАРХОНИЙ (15-аср) – форс-тожик ва туркий тилларда ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Андхуддан эканлиги, сипоҳийлик б-н шуғулланганлиги ҳақида маълумот бериб, Абдураҳмон Жомийнинг "дигар" радифли ғазалига жавобан ёзган шеъридан қуйидаги байтни келтиради:

Мурғи дил пар кандаму
аз сина бирён сохтам,
То кашам пеши сагат
ҳар лаҳза парканде дигар.

(Мазмуни: Итинг олди (ялоғи)га ҳар дамда алоҳида парча (озуқа) ташлаб турмоқ учун кўнгил қушининг патини юлиб, кўксини ковурдим). Шунингдек, "Мажолис ун-нафоис"да М.Т.нинг баъзи хизматчилар Самарқандда банди қилинганда ёзган туркий тилдаги шеъридан матлаъ келтирилган:

Тушгали банд ичра
бўлдум ул пари девонаси,
Кўк саро фонусдур
ул шамъу мен парвонаси.

МАВЛОНО ТОЙИРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Астаробод шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Хушам ба ишқ, гарам рўзу рўзгоре нест.
Маро ба неку бади рўзгор коре нест.

(Мазмуни: Гарчи ҳаётим дуруст (фаровон) ўтмаса-да, ишқ б-н шодман, бўлак кисматим йўқ. Турмушнинг яхшилиги ва ёмонлиги б-н ишим йўқ).

МАВЛОНО ТОЙИФИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий М.Т.ни Ҳиротнинг Зиёратгоҳ мавзесидан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Манки, дар хайли сагонаш
жо муайян сохтам,
Аз ғубори остонаш дида равшан сохтам.

(Мазмуни: Мен унинг итлари қаторидан жой топдим. Остонаси ғуборидан кўзимни равшан қилдим).

МАВЛОНО ТОҲИРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг кичиклигида, қавушдўзлик б-н шуғулланган пайтидаёқ шеър ёза бошлаганини, ёши улғайган сари шеъриятга ошнолиги ҳам ортганлигини, табиатида ҳазилга мойиллик борлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Дил ки сад паргола
шуд аз чашми жодуи туам,
Ман ба як дил не,
ба сад дил ошиқи рўи туам.

(Мазмуни: Жоду кўзинг туфайли дил юз пора бўлди; мен энди бир дил б-н эмас, юз дил б-н сенинг юзингга ошиқ бўлдим).

МАВЛОНО ТЎТИЙ (ваф. 1465, Ҳирот) – форс-тожик тилида ижод қилган туршизлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Абулқосим Бобур хизматида тарбия топгани, хушсурат ва хушхулк йигит бўлгани, Котибий қасидаларига та-

таббуъ боглаганлигини айтиб, ғазалидан қуйидаги байтини келтиради:

Гўшаи хумхона аз лаъли
равон ганжи сафост,
Шакли чанг аз баҳри
дафъи ғам даҳони аждаҳост.

(Мазмуни: Майхонанинг бурчаги лаъл (қизил май)дан сафо хазинасига айланган. Ундаги чангнинг шакли ғамни дафъ қилувчи аждаҳо оғзига ўхшайди). М.Т. йигитлигида вафот этган. Навоий унинг вафоти муносабати б-н бир *таърих* битиб, "Девони Фоний" таркибига киритади. Бу таърихда шоирнинг вафот этган санаси "Хурўс" б-н берилган бўлиб, ҳижрий 869, милодий 1465 йилни англатади:

Фасеҳи замон Тўтий он шоире,
Ки будаш зи бикри маоний арўс.
Чу Тўтий бирафт, ин ажаб турфа буд,
Ки таърих шуд фавти ўро "Хурўс".

(Мазмуни: Уз даврининг сўз устаси Тўтий тахаллусли шоир маънолар қизига куёв эди. Тўтий қазо қилди ва не ажаб, унинг вафоти таърихи "Хурўс" (хўроз) бўлди).

МАВЛОНО ФАЗЛИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ёшлигида наққошлик б-н шуғулланган, баъзида шеър ҳам ёзиб тургани, кейинчалик, ўзини етук шоир деб ҳисоблаганидан сўнг наққошликни ташлаб, буткул шеърият б-н машғул бўлганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Зоҳид, биёр хирқаву раҳни шароб кун,
Асбоби зуҳду хонаи тақви хароб кун.

(Мазмуни: Эй зоҳид, тўнингни келтириб май учун гаровга қўй; зоҳидлик асбоби ва тоат-ибодат уйини хароб қил).

МАВЛОНО ФАЗЛУЛЛОҲ (15 аср) – шеърозлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тижорат ишлари б-н Астрободга келганлиги, танбаллиги ва бепарволиги туфайли сармоясида муаммолар пайдо бўлганлиги ҳақида маълумот беради. М.Ф. шеъриятда асосан муаммо б-н шуғулланган, катта ва кичик шатранжни, нард ўйинини яхши билган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилади:

Саодати ту фузун
боду давлати ту зиёдат,
Ҳазор сол бимони ба давлату ба саодат.

(Мазмуни: Саодатинг ортгай, давлатинг зиёда бўлгай. Бу давлат ва саодат б-н минг йиллар яшагайсан).

МАВЛОНО ФАЙЗИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг гунободлик экани, кўп вақтини Гозургоҳда илм ўрганиш б-н ўтказиши, яхши шеърий табъи борлигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Гарчи дашномам расад
аз лаъли шаккарбори ў,
Ҳаст як шириние дар
талхии гуфтори ў.

(Мазмуни: Унинг шакар лабларидан гарчи менга дашном етса-да, аччиқ сўзларидан ҳам ширинлик туяман).

МАВЛОНО ФАНОИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Мани жулидаму бо ақл
аз он бегонаги дорам
Ки, дар ишқи парирўе
сари девонаги дорам.

(Мазмуни: Мен сочлари тўзиқ, ақлдан бегонаман, ул паричеҳра ишқида девонаман).

МАВЛОНО ФАСИҲИДДИН, Муҳаммад Низомий Ҳиравий (15 аср, Ҳирот) – олим, фақиҳ, Навоийнинг устозларидан бири. Навоий фиқҳ, фал. каби кўп илмларни М.Ф. ҳузурида ўрганган ва уни охунд, деб улуғлаган. Хондамирнинг ёзишича, М.Ф. "қарийб 33 йилдан бери ҳашамат эгаси бўлмиш амир Алишернинг тарбият ва сийлашлари б-н руҳоний остонасининг охунди, ислом машойихлари ва жаҳон уламолари ҳамда инсоният фозилларининг мурожаатгоҳи ва паноҳи, балки хосу авомнинг мажмуи ҳисобланадилар".

"Мажолис ун-нафоис"да М.Ф. ҳақида Мавлоно Низомиддин Ҳиравийнинг набираси экани, уларни низомийлар дейилиши, Хуросонда бундан шарафлироқ насаб йўқлиги, йигирма ёшида барча илмни эгаллаб, ўттиз йилдан буён дарс бериши, зоҳир илмидан у сабоқ бермаган фан йўқ, деб маълумот берилади. Ўқитаётган кўп фан буйича дарслик ҳам ёзгани, улар уламо ва талабалар орасида машҳурлиги, эзгу хулқ ва ёкимли феъли туфайли Навоийга доимий ҳамсуҳбат бўлгани айтилади.

М.Ф. Навоийнинг моддий ва маъ-ий ҳомийлиги ва қўллаб-қувватлаши остида яшаб ижод қилганлигидан миннатдорлик рамзи ва сидқу ихлос юзасидан 7 та асарини унга бағишлаган. Улар қуйидагилар: 1) "Ҳошияи Мухтасар" ("Мухтасар" асари шарҳи) – унда шариат қонун-қоидалари шарҳланган; 2) "Ҳошияи Чағминий" ("Чағминий асарига шарҳ") – 12-аср охири – 13-аср бошларида яшаган Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чағминийнинг "Ал-мусаххас фил-ҳайъат" – "Астрономияга оид мухтасар китоб" асарига ёзилган шарҳ; 3) "Ҳошияи шарҳи ҳидояи ҳикмат" ("Ҳидоя ҳикматларига шарҳ") – машҳур фақиҳ Бурҳониддин Марғинонийнинг фиққа оид "Ал-ҳидоя" ("Қўлланма") асарига битилган шарҳ; 4) "Ҳошияи шарҳи Ашкол" ("Ашкол" асари шарҳи") – 13-аср математик олими Шамсиддин Самарқандийнинг "Ашкол ат-таъсис фил-ҳандаса" ("Геометрия илмида шакллар асоси") китобига шарҳ; 5) "Таъсис шарҳи бист боби устурлоб" ("Астрономиянинг йигирма бобини шарҳ б-н асослаш") – машҳур математик ва астроном Насириддин Тусийнинг (1201–1273) "Бист боб дар маърифат ул-устурлоб" ("Астрономияни билиш ҳақида йигирма боблик китоб") асари шарҳи; 6) "Ҳошияи Мавоқиф" ("Мавоқиф" асари шарҳи) – унда ҳаж пайти Маккада ҳожилар турадиган жой – Арафот тоғи атрофи, унинг диний моҳияти шарҳланган. Асарда, шунингдек, инсон яшайдиган олам моҳияти ҳам изоҳланган; 7) "Шарҳи миат ул-омил" ("Юз амалий ишлар шарҳи") – унда шариатда муҳим ҳисобланган юзта амалий иш шарҳланган.

МАВЛОНО ФАТҲУЛЛО (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг энди танила бошлагани, ёш шоирлардан эканлиги, муаммо айтишда моҳирлигини таъкидлаб, "Билол" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО ФАХРИДДИН (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий М.Ф.ни ўз мулозимларидан экани, муаммони яхши айтиши ва ечиши ҳақида маълумот бериб, "Ҳайдар" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО ФАХРИДДИН ЗОҲИД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳиндистондаги чиштия тариқатининг йирик намояндаси. Султон Шамсиддин Илтутмиш (ҳук. 607–633ҳ.к./1211–1236 м.) даврида яшаган. Дуоси мустажоб зотлардан бўлган. Навоий ушбу шайх ҳақидаги фаслни тазкирасига ўзи ёзиб, киритган.

МАВЛОНО ФАХРИДДИН ЛУРИСТОНИЙ (ваф. 1417 дан кейин) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ёшлигида мадрасада диний ва дунёвий билимларни ўзлаштириш б-н машғул бўлган. Тариқатга бўлган муҳаббати ғолиб келиб, дастлаб Мисрда Шайх Шайъуллоҳ, унинг вафотидан кейин Имом Ғаззолий авлодидан бўлмиш Шайх Муҳйиддин Тусий, кейинроқ Ахий Али Қутлуқшоҳнинг фарзандлари суҳбатига етишган, аммо улар ҳузуридан талаб қилган нарсасини тополмаган. Сўнг Ҳофиз Баҳоуддин Умар Абардиҳийга мурид тушиб, маъ-ий камолотга эришган. Пири вафотидан сўнг Жомга бориб, Аҳмад Жомий қабри олдида мужовир бўлган. Жомий ғудаклик чоғидаёқ унинг дийдорига етишгани, унинг қалбида тас. аҳлига муҳаббат ўшандан кейин мустаҳкам ўрнашганини қайд қилиб ўтган. Умри охирида ҳаж зиёратини адо қилиб, сўнг Мисрга қайтган ва Қарофада, Имом Шофеий қабри ёнида

дафн этилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

МАВЛОНО ФАХРИЙ, Султон Муҳаммад ибн Амир Муҳаммад (ваф. 1562–63, Ҳиндистон) – шоир ва ад-тшунос, Навоий таржимони. "Мажолис ун-нафоис"ни "Латоифнома" номи б-н форсий тилга таржима қилиб, унга 189 янги шоир ҳақидаги маълумотни қўшган. М.Ф.нинг "Туҳфат ул-ҳабиб" (Дўстлар туҳфаси), "Жавоҳир ул-ажойиб", "Равзат ус-салотин" (Султонлар жаннати) каби турли мавзудаги асарлари ва "Саноеъ ул-ҳасан" (Гўзал санъатлар) номли бадият масалаларига бағишланган рисоласи, "Радойиф ул-ашъор" деб аталган ҳар хил шоирлар шеъриятидан радифлар бўйича тузилган мажмуаси маълум. Шунингдек, "Ҳафт кишвар" (Етти мамлакат) номли афсона, асотирлар ва ахлоқий масалалардан баҳс этувчи асар, тахминан 5 минг байтдан иборат шеърлар девони ҳам М.Ф.га нисбат берилади. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида М.Ф.нинг номини тилга олиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Гуфти, ки ҳаргизам ба
ту дил меҳрубон набуд,
Эй сарви нозанин, ба
туам ин гумон набуд.

(Мазмуни: Эй сарви нозанин, ҳеч қачон сенга меҳрибон бўлмаганман, деб айтдинг. Сендан менинг бундай гумоним бўлмаган).

МАВЛОНО ФИДОИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг сайидзода экани, отаси б-н ҳаж сафарига бориб келгани, яхши шеърий табъи борлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ҳамеша рўй ба девор буд Мажнунро
Ки, аз рақиб бипўшад сиришки гулгунро.

(Мазмуни: Қонли кўз ёшини рақибидан яшириш учун Мажнуннинг юзи ҳамиша деворга ўгирилган эди).

МАВЛОНО ФИҒОНИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг асл исми Мир Саид экани, бахшилик, муғовасозлик ва ўймакорлик ҳунарида моҳирлиги, баъзан шеър ҳам ёзиб туриши ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Даме висоли ту аз умри
жовидон хуштар,
Ба ёди васли ту хуш будам,
ин замон хуштар.

(Мазмуни: Васлингга бир дам етишиш абадий ҳаётдан яхшироқдир; васлингни эслаш б-н шод эдим, бу замон шодроқдурман).

МАВЛОНО ФИҒОНИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг *Хожа Афзал*га қариндош экани ва яхши шеърий табъи борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"нинг таржимони Фахрий Ҳиротий эса унинг асл исми Хожа Мир Маст экани, аввал "Фиғоний", кейин "Зиё" тахаллуси б-н ижод қилгани, таърих айтишда моҳирлиги ҳақида ёзиб, М.Ф.нинг битта таърихи, қасидаси ва ғазалидан бир матлаъ келтиради. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байтини келтирган:

Ҳар ки чун сурати Чин дида
ба рўи ту кушод,
Чашми дигар зи тамошои
ту барҳам наниҳод.

(Мазмуни: Ким сенинг Чин суратига ўхшаш юзингга кўз очиб қараса, шундан сўнг томоша қилишдан кўзини уза олмайди).

МАВЛОНО ФОРИҒИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дарвештабиат йигит эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Аз бас ки он жафожў озор менамояд,
Андак тараҳҳуми ў бисёр менамояд.

(Мазмуни: Ул жафо ахтарувчи ёрим менга ҳамиша озор берганидан озгина қилган ғамхўрлиги ҳам кўпдек туюлади).

МАВЛОНО ХАЙРИЙ (15 аср) – хоразмлик форсигўй шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг девонатабиат ва ҳардамхаёл киши эканлигини айтиб, шоирлик қувватига эга эканлигини, қасида ва газаллари ёмон эмаслигини таъкидлайди. Атрофдагилар М.Х.дан ёзган байтларининг маъносини сўрасалар билмас, билса ҳам айта олмас, лекин бу ҳол унга таъсир ҳам қилмас экан. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ба рўзи ташнаги оби равон
набвад ҳавас моро,
Дами тиғи туро гар
бар гулу ёбем бас моро.

(Мазмуни: Ташналик кунида оқар сувни ҳавас қилмаймиз; тиғинг дамини томоғимизда кўрсак, шунинг ўзи бизга кифоядир).

МАВЛОНО ХАЛАФ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган табризлик шоир ва шайхзода. Навоий унинг хуш хулқлилиги, элга мақбул йигит экани, таҳсил учун Ҳиротга келганлиги ҳақида маълумот беради. М.Х. шаҳзода Бадиуззамонга мулозим ва мусоҳиблик қилган, яхши шеърий табъга эга бўлган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Ийдий" исмига битилган муаммоси келтирилган.

МАВЛОНО ХАЛИЛ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Зи тиғи ту, эй қотили дардмандон,
Чу ғунчаст пурхун дили дардмандон.

(Мазмуни: Эй дардмандларнинг қотили, сенинг тиғингдан дардмандлар дили ғунчадек қон бўлиб кетган).

МАВЛОНО ХИЗРИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. М.Х. бир вақтлар банди қилинган бўлиб, унинг озод қилиниши ҳақида Навоий уни хожаси озод қилдими ёки озодлик истаб, Хожасини ўзидан халос қилдими, деган маънода киноя б-н ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Умри ман берухат, эй зуҳражабин,
мегузарад,
Ҳайф аз авқоти шарифамки,
чунин мегузарад.

(Мазмуни: Эй, Зуҳра манглайли, сени кўра олмай умрим ўтмоқда, эссиз, азиз вақтларим шундай ўтиб бормоқда).

МАВЛОНО ХИЗРИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг жуда ёш экани, энди танила бошлагани ҳақида маълумот бериб, яхши шеърлар битишига умид билдиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Зи ҳажрат дил дамодам
нолаву оҳу фиғон дорад,
Ғамат гар қасди дил мекард,
акнун қасди жон дорад.

(Мазмуни: Ҳажрингда дил дам-бадам нолаю оҳ чекади. Ғаминг дилга қасдманд эди, энди жонга қасд қилади).

МАВЛОНО ХОВАРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган самарқандлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ямоқчилик б-н шуғулланган, шўх табиатлиги ва "бадиҳа (ҳозиржавоблик)ни равон" айтиши ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да у яратган таржиъ-банддан мақтаъ байт ва қуйидаги матлаъ келтирилган:

Ман ки умре ба ҳавас
пайравии дил кардам,
Умр бигзашту надонамки,
чи ҳосил кардам.

(Мазмуни: Мен умр бўйи ҳавас б-н юрак амрига буйсундим, умр ўтди, билмайман, нималарга эришдим).

МАВЛОНО ХОКИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган қавсиялик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Хожа Кўсавий хизматида бўлгани, дарвеш киши эканлигини айтиб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтиради:

Ниёзманди туем, эй ба ноз парварда,
Туро замона ажаб дилнавоз парварда.

(Мазмуни: Эй нозанин, биз сенга ҳамиша ёлворамиз, чунки сени замона шундай ажойиб кўнгил олувчи қилиб яратган).

МАВЛОНО ХОЛИДИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳисорлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг таҳсил учун Ҳирот шаҳрига келганлигини, Холид Валид авлодидан бўлганлиги учун "Холидий" тахаллуси б-н ижод қилишини айтади. «Мажолис ун-нафоис»нинг таржимони Фахрий Ҳиротий эса бу шоир "Фақир одам эрди ва қаландар сувратида кезиб юрарди" деб маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Матарс аз тани хоки
ба вақти куштани ман,
Агар ба тиғи ту гарде
расад ба гардани ман.

(Мазмуни: Мени ўлдирган чоғингда чанг босган танамдан чўчима, агар ханжарингга гард юқса менинг гарданимгадир).

МАВЛОНО ХУЛҚИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг назмий табъи ёмон эмаслигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Эй сарвиноз, дар дили мо жо намекуни,
Жо мекуни, вале ба дили мо намекуни.

(Мазмуни: Эй сарвиноз, бизнинг дилимиздан жой олмайсан, жой оласан, лекин бизнинг дилимиздан эмас).

МАВЛОНО ХУРРАМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг феъли ёмонлиги, совуқ ва ёқимсиз қиликлари туфайли Хуросонда яшай олмасдан, Ироққа, кейинроқ Макка ва Мадинага бориб, анбиё ва шайхларнинг қабрларини зиёрат қилгани, аммо сафардан аввалгидан-да бадфеъл ва баджаҳл бўлиб қайтганлиги, шундай табиати б-н яна шеър ҳам ёзиши, табъ аҳлини писанд қилмаслиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Овозаи рухи гул то боз бар наёяд,
Дар бустон зи булбул овоз бар наёяд.

(Мазмуни: Гулнинг юзи ҳақида яна бир овоза тарқалмагунча, бўстонда булбулдан ҳам садо чиқмайди).

МАВЛОНО ХУСРАВИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни калондимоғ, ўзига юқори баҳо берадиган киши, агар бирор шеърини кўрсатиш учун олиб келадиган бўлса, шундай йўл тутардики, танқидий фикр айтишга имкон қолдирмас эди, барча ёзган шеърларига атрофдагиларнинг фақат таҳсин айтишларини истарди, деб ёзади. М.Х. девон ҳам тартиб берган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Зи лаъли ёр дандоне гирифтам,
Ҳаёте ёфтам, жоне гирифтам.

(Мазмуни: Ёрнинг лаъли (лаби)дан бир бўса олдим. (Бундан) ҳаёт топдим, жон олдим). М.Х. Ҳиротда вафот этган.

МАВЛОНО ШАБОБИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шоирларидан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Эй сарви сиҳи қомат,
эй шўхи жафопеша.
Шуд ин тани мажруҳам
аз тири ғамат беша.

(Мазмуни: Эй хушқомат сарв, эй жафо қилувчи шўхим, ғамларинг ўқидан бу мажруҳ таним чакалакзорга айланди).

МАВЛОНО ШАВҚИЙ (15–16-аср) – чечактулик зуллисонайн шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг мулойим ва ёқимли йигит экани, димоғидаги хасталик туфайли яхши қироат қила олмаслигини айтиб, форсийда битган бир байти ва қуйидаги туркий матлаъсини келтиради:

Бориб овора кўнглум зулфинг
ичра мубтало қолди,
Тараҳҳум қилки, мендин
бордию, эмди санго қолди.

МАВЛОНО ШАЙХИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган табаслик форс шоири. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Ироққа бориб, мусиқа илмини ўргангани, бу фанга доир рисолалар битгани, Табасга қайтгач, шайхлик б-н машғул бўлганлигини айтади. Муҳаммад Қазвиний шоир ҳақида қуйидагиларни илова қилади: М.Ш. Арабистонда мусиқа соҳасида катта шуҳрат қозонади. Унинг икки ғуломи бўлиб, улар жўровозликда Шайхийнинг асарларини куйлаганлар. Биттаси Сиёҳча номли ҳинду бўлиб, Румга кетади. Румнинг мусиқа соҳасидаги машҳур санъаткори даражасига етади. Иккинчиси румлик бўлиб, Ҳиндистонга кетади ва ўша ерда фаолият юритади. "Мажолис ун-нафоис"да М.Ш. нинг қуйидаги байти келтирилган:

Ин на доғест ки бар синаи
сўзони ман аст,
Муҳри ишқ аст ки
аз меҳри ту бар жони ман аст.

(Мазмуни: Кўксимда ёнаётган бу нарса доғ эмас, бу ишқ муҳридирки, у сенинг севгинг учун жонимга босилган).

МАВЛОНО ШАМСИДДИН МАЪДОБОДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Шероз яқинидаги Маъдобод қишлоғидан. Ўттиз йил доимий ибодатга машғул бўлган. Увайс Қаранийдек ўттиз икки тишини синдирган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МАВЛОНО ШАМСИДДИН МУҲАММАД АСАД (вафо. 1460) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тас. шайхи. Шайх Зайниддин Хавофийнинг мурид. *Шайх Баҳоуддин Умар*нинг хонақоҳида чилла ўтирган. *Мавлоно Фахриддин Луристоний* қўлидан табаррук хирқа кийган. *Мавлоно* Саъдиддин Кошғарий ва Абдураҳмон Жомий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Ҳиротнинг Гозургоҳида, Абдуллоҳ Ансорий қабрининг этагида дафн этилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАВЛОНО ШАМСИЙ (15 аср) – бадахшонлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий гарчи уни кўрмаган бўлса-да, лекин таърифини Мавлоно Муҳаммад Бадахшийдан эшитганлигини, бу таърифга кўра М.Ш. шўх таъбли шоир эканлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Чашмони ман ба рўят
дар ошиқи чунонанд,
К-аз рашк як дигарро
дидан наметавонанд.

(Мазмуни: Юзингга ошиқликда кўзларим шу даражага етганки, рашкдан бир-бирини кўра олмайдилар).

МАВЛОНО ШАРБАТИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, наққош ва хаттот. Навоий раҳнамолигида вояга етган. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тарих, шеърият ва муаммо илмидан яхши хабардорлиги, бир рисола битаётгани, агар у тугалланса, илм аҳли учун кўп фойда бўлиши ҳақида маълумот беради. М.Ш. ёшлигида қориликни ҳам урганган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Жунун омад шиору меҳри
рўи он паризодам,
Мани девона з-он рў дар
забони мардум афтодам.

(Мазмуни: Ул паризод юзининг меҳри орқали жунун одат бўлди. Шу тариқа мен девона халкнинг тилида достон бўлдим).

МАВЛОНО ШАРИФИ БОҒИШАҲРИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва котиб. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши шеърий табъи борлиги ва котиб йигит эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Навбаҳорон гарчи гул аз
сабза берун медамад,
Сабзаи хатти ту аз
гулбарги тар чун медамад.

(Мазмуни: Эрта баҳорда агар гул майсалар орасидан униб чиқса, сенинг майин хатларинг янги гул барглар (орасидан) унади).

МАВЛОНО ШАРОРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "Шарорий" (шарор – учқун, аланга) тахаллусини танлагани рангидаги қизиллик б-н боғлиқ бўлса керак деб, қуйидаги байтини келтиради:

Надорам бештар з-ин
тоқати бемеҳрии жонон,
Худоё, бар ман он
номеҳрубонро меҳрубон гардон.

(Мазмуни: Жононнинг меҳрсизлигига бундан ортиқ бардош бера олмайман. Эй худо, ул номеҳрибонни менга меҳрибон қилгил).

МАВЛОНО ШАҲИДИЙ (15 аср) – қумлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг девонатабиат киши экани, лекин бадиҳаси равон бўлиб, таъби ҳазилга мойиллиги, Ироқдан Хуросонга икки марта бориб келганлиги ҳақида маълумот беради. «Мажолис ун-нафоис»нинг таржимони Муҳаммад Қазвиний М.Ш. Ироқдан Хуросонга келганида Абдураҳмон Жомий суҳбатига мушарраф бўлгани ва ўзи б-н ҳам кўп суҳбатлашганини ёзади. М.Ш. бир йилча Қазвинда яшаган ва Гилон султони Мирзо Али бу шаҳарга келганида шоирга анча тилло пул инъом қилган экан. У эса тиллоларни уйнинг бурчагига тўкиб қўйган ва дўстларидан кимда зарурат бўлса, олиб сарф қилаверган экан. Шоирда мол-дунё ҳирси бўлмагани сабабли уни девона дер эканлар. Шаҳидий бир неча муддат Султон Яъқуббекнинг мусоҳиби бўлган, кейин Ҳиндустонга кетган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилади:

Биё, эй ишқ, оташ
зан дили афсурдаи моро,
Ба нури хеш равшан
кун чароғи мурдаи моро.

(Мазмуни: Эй ишқ, кел, бизнинг қийналиб кетган дилимизга ўт қўй. Ўз нуринг б-н бизнинг ўчган чироғимизни ёрит).

МАВЛОНО ШЕРАЛИ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир ва хаттот. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўз даврида машҳур хаттот экани, настаълиқ хатини ҳеч ким у каби бита олмаслигини ёзади. М.Ш. тас. ва муаммо илмидан ҳам яхши хабардор бўлган. Навоий унинг сўнгги пайтларда узлатни ихтиёр этиб, одамларга аралашмай қўйганини айтади ва "Маланку" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО ШИҲОБ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг энди танила бошлаган ёш шоирлиги, отаси ҳам, ўзи ҳам муаммо жанрида шуҳрат топганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Жобир" исмига битилган бир муаммоси келтирилган.

МАВЛОНО ШИҲОБ II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг "мудаввин" (жамловчи, тўпловчи) номи б-н машҳур экани, табиатидаги ажойиботлар учун уни "ажойиб ул-махлуқот" деб аташ мумкинлигини айтади. М.Ш. Қуръон оятларини тез топиш учун уни алоҳида тўплам ҳолига келтиради ва олимлар бундан ҳайратга тушадилар. Навоий унинг сўнгги пайтларда инсонийлик суратидан чиқиб, ҳайвонлик суратига кирганлиги, бу ҳолатига ўзининг *мақлуби муставий* санъати асосида ёзган қуйидаги байти далил бўла олишини айтади:

Муши хари фаррух шавам,
Дарки рақам қар кард.

(Мазмуни: Фаррух эшагининг сичқонига айланай, Соннинг идроки қар қилди.) Бунда ҳар бир мисра тескари ҳолатда ўқилганда ҳам яна ўша мисра ҳосил бўлади (қар.: *мақлуби муставий*).

МАВЛОНО ШИҲОБИДДИН (1413–1494) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Мавлоно Абулхайрнинг акаси. Ҳоз. Туркманистондаги Сарахс ш.да туғилган. Қуръони каримни болалигидаёқ тўлиқ ёд олган. Ҳирот шаҳрининг шарқидаги Шоҳ

Абулғайс қабристонида, укасининг ёнида дафн этилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МАВЛОНО ШОДИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Машҳад хуштабъларидан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Хонаи дил мухр шуд аз
доғи он котил маро,
То пас аз мурдан бимонад
меҳри у дар дил маро.

(Мазмуни: Ул қотил дилим хонасига ўз доғи б-н шундай муҳр босдики, унинг меҳри ўлганимдан кейин ҳам дилимда қолсин).

МАВЛОНО ШОМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган домғонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дин ва шариат илмларини кўп ўрганган, аммо олим сифатида ном чиқармагани, кейинроқ тиббиёт б-н машғул бўлиб, бу соҳада ҳам муваффақият қозонмагани, шеърни яхши айтиши, лекин имлосида қусур борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг Навоий томонидан "яхши воқеъ бўлубдур" деб баҳоланган қуйидаги байти келтирилган:

Дидаро гуфтамки, дар рўяш
ба густохи мабин,
Гуфт: "Густохи чи бошад,
айни муштоқист ин".

(Мазмуни: Кўзга айтдимки, беадаблик б-н қарама; у дедики, бунда беадаблик нима қилсин, бу – муштоқликдир).

МАВЛОНО ШОҲ АЛИ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўзига алокадор киши эканлиги, у қурдирган мадрасада таҳсил олишини айтиб, "Хон" исмига битилган бир муаммосини келтиради.

МАВЛОНО ШОҲ АЛИ II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ярамас табиатли йигит эканлиги, муаммо илмини яхши билиши ҳақида маълумот бериб, "Айюб" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО ШУКРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг масал айтишда *Сайфий Бухорий*га татаббуъ қилиши ҳақида маълумот бериб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Чу зи хат пурсамат
аз мушки Хўтан мегўйи,
Чанд бо мо ба сари зулфи сухан мегўйи.

(Мазмуни: Мийиғингдаги сабзалардан сўз очсам, Хўтан мушкидан гапирасан; шундай қилиб қачон биз б-н зулф ҳақида сўзлашасан?)

МАВЛОНО ШЎХИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Шайх Саид Лоданинг ўғли экани, яхши шеърий табъи борлиги, отасининг илмидан ҳам бенасиб эмаслигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Нест рах пеши сагони ту мани ovopapo,
То бад-эшон гуям аҳволи дили бечорапо.

(Мазмуни: Мен оворага итларинг олдига бориб, бечора дилим аҳволини айтишга йўл йўқ).

МАВЛОНО ЮСУФ ШОҲ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "Котиб" тахаллуси б-н шеърлар битгани, хаттотлик санъатида шуҳрат қозонгани, "фақир ва яхши киши" эканлиги ҳақида маълумот беради. Ҳирот шаҳрида вафот этган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Эй жудо гаштаки дури
зи бари хамнафасон,
Мо дар ин шаҳр ба-дин
рўзу ту дар шаҳри касон

(Мазмуни: Эй айриликда қолган, сен ўз дўстларингдан узоқдасан, биз бу шаҳарда

шундай ҳолдамиз, сен эса бошқаларнинг шаҳрида (юрасан).

МАВЛОНО ЯҚИНИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган зуллисонайн шоир, Навоийнинг замондоши. "Ўқ ва Ёй" мунозараси б-н машҳур. Мажозий услубда ёзилган бу насрий асарда Ўқ ва Ёй тимсолида тўғрилик ва эгрилик, манманлик ва камтарлик, мақтанчоқлик ва хоксорлик, хушомадгўйлик ва ҳақиқатпарастлик каби ижобий ва салбий хусусиятлар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Ўқ – навқирон йигитга, ёй – қадди хам қарияга ташбеҳ қилинади. Ўқ барча эзгу фазилатларни ўзига, ҳамма салбий иллатларни ёйга нисбат беради. Ўқнинг талаб ва таклифларидан безор бўлган Ёй оқибатда тархоний зиҳгир ва барлосий кириш б-н ўзаро иттифоқ тузиб, Ўқни етти қат ерга тиқиб юборадилар. Муаллифнинг ёзишича, "бу мунозарадин мақсуд улким, бу даврнинг каҳтабъларининг қолинда ҳар ким ё(й)дек эгри бўлса, ёнларидин йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқтек рост бўлуб, туз юруса, Яқинийдек йироқ тушар..."

"Ўқ ва Ёй" мунозараси б-н М.Я. туркий ва форсий ад-тдаги мунозара жанридаги асарлар тажрибасидан самарали фойдаланиб, унинг имкониятларини кенгайтирди, жанр ривожига муносиб ҳисса қўшди. Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Британия музейида сақланади.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да "Мавлоно Яқиний тундроқ машраблиқ киши эрди. Туркий ва форсий шеър айтур эрди", деб ёзади ва ижодидан намуна сифатида бир туркий ва бир форсий матлаъсини келтиради: "Туркчасидин бу матлаъни кўп мубоҳотлар б-н ўқур эрдиким:

Оҳким, жонимға еттим
ёри нодон илгидин,
Доду фарёд ул жафочи офати
жон илгидин.

Аммо форсийсидин бу матлаъи ёмон вокеь бўлмайдурким:

Субҳе, ки дам ба меҳр
назад як нафас, туи,
Нахле, ки бар нахўрад аз ў ҳеч кас, туи.

(Мазмуни: Қуёш бир нафас оттиролмаган тонг сенсан, мевасидан ҳеч ким тотмаган дарахт сенсан).

"Муҳокамат ул-луғатайн"да М.Я.ни ўзигача ўтган истеъдодли шоирлар қаторида тилга олади.

МАВЛОНО ҚАБУЛИЙ I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни фақир кишилиги, Бозори Маликда ип йигириш дўкони борлиги ҳақида маълумот беради. Навоийнинг ёзишича, бир куни тонгда маҳалла улуғлари Навоийнинг ҳузурига келиб, М.Қ. уларга девонини Навоийга топширишлари, ўзини эса Содоти Мусриқ қабристонига кўмишларини васият қилганлигини айтадилар. Навоий М.Қ.нинг васиятини бажо келтиради. Кўмиш маросимидан сўнг девонини очадилар. Унинг кириш қисмида қуйидаги байт ёзилган эди:

Агар қабули ту ёбам Қабулиям, вар на
Ба ҳар ду кавн чу ман нокабул
натвон ёфт.

(Мазмуни: Агар сенга маъқул бўлсам, "Қабулий"ман, йўқ эса, икки дунёда мендек номақбул топилмас).

МАВЛОНО ҚАБУЛИЙ II (15–16-аср) – қундузлик зуллисонайн шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Қундуздан Хуросонга таҳсил олиш учун келгани, лекин паришонхотирлиги ва дангасалиги туфайли мақсадига эришмоғи қийин кечганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг ўз ҳасби ҳолига мос тушувчи қуйидаги байти келтирилган:

Хона, эй оқил, чи кор ояд мани девонаро,
Чун намедонам мани
девона роҳи хонаро.

(Мазмуни: Эй оқил, девонага уйнинг нима кераги бор? Чунки мен девонаман – уйга борадиган йўлни билмайман).

МАВЛОНО ҚАВСИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган исфаройинлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қобилиятли, жисмонан бақувват ва кучли йигит бўлса-да, дангаса ва танбал эканлигини, шу туфайли ҳеч ишда муваф-

фақият қозонмаганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Чу бар ман вақти жонбози
либоси хештан пўшад,
Касе хоҳамки, рўзи марг
бар тобути ман пўшад.

(Мазмуни: Шундай бир кимсани истайманки, жон чиқар пайтимда менга ўз либосини кийгизса, ўладиган кунимда эса тобутимга ёпса).

МАВЛОНО ҚАЛАНДАР (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад зурафосидан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Он чи ҳар дам дур аз он лабҳои
майгун мекашам,
Коса-коса аз ду чашми
хунфишон хун мекашам.

(Мазмуни: Ҳар дам у майгун лаблардан узоқлашсам, иккала қон сочувчи кўзларимдан коса-коса қон тўкаман).

МАВЛОНО ҚАЛЛОШИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий шоирнинг "атвори тахаллусиға муносиб" дер экан, "Қаллоший" сўзининг "ялқов", "дайди" маъноларига ишора қилади ва шоирнинг табиати шу сифатларга муносиб эканлигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Он ки бар хубони олам
подшаҳ дорад туро,
Хоҳам, аз чашми бади
мардум нигаҳ дорад туро.

(Мазмуни: Сени олам гўзалларининг подшоҳи қилиб яратган зотдан, одамларнинг ёмон кўзидан асрашини тилайман).

МАВЛОНО ҚАНБАРИЙ I (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган нишопурлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг илмсиз киши экани, лекин шеър айтишда пешқадамлиги, шеърларида маъно борлигини айтиб, "Мажолис ун-нафоис"да *Абулқосим Бобур* мадҳида айтган қасидасидан матлаъ келтиради:

Ин гуҳарҳо бинки, дар
дарёи ахзар кардаанд,
З-ин машоил оташи
хур бинки чун баркардаанд.

(Мазмуни: Бу гавҳарларни кўм-кўк дарёда етиштирганлар, кургил бу машъаллардан ёлқинли қуёш пайдо қилганлар). Қабри Нишопурда.

МАВЛОНО ҚАНБАРИЙ II (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шоирларидан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Нола аз бисёрии жавр аст ҳар ношодро,
Ман аз он ноламки бо ман
кам кунад бедодро.

(Мазмуни: Ҳар бир хафа кишининг ноласи унга жафонинг куплигидандир. Мен эса менга кам жабр қилганидан нола қиламан).

МАВЛОНО ҚИРОНИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Гарчи Мажнун зи ғами ишқ
дили пурхун дошт,
Лек ҳолеки, маро ҳаст,
кужо Мажнун дошт?

(Мазмуни: Гарчи Мажнуннинг дили ишқ ғамидан тўла қон бўлган эса-да, лекин менинг бу ҳолим қайси Мажнунникидан кам?!)

МАВЛОНО ҚОБИЛИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган туршизлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг сипоҳийлик б-н ҳам машғул бўлганини, гўё одамларни кўп ҳажв қилгани учун ҳар иккала ҳунаридан айрилганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги матлаъси келтирилган бўлиб, Навоий "бу шеъри била ўзин ҳажв ҳам қилибтур. Бовужудким, ҳеч мазаси йўқтур ва қофияси ҳам ғалатдур" деб ёзади:

Ажаб навбад ба лутф арзонки,
бинавози ғарибонро,
Навозиш з-онки, расму
одати хубест хубонро.

(Мазмуни: Лутф-марҳаматингни арзон қилиб, гоҳо ғарибларни йўқлаб турсанг ёмон бўлмас эди. Чунки марҳамат кўргазиш гўзалларнинг гўзал одатидир). Навоий бу ўринда "қофияси ғалат" деганда, "ғарибонро – хубонро" қофияларидаги "б" равийсидан олдин келаётган *ридфи аслий*нинг икки хил ҳарф: "и" ва "у"бўлиб келаётганлигини назарда тутяпти, аслида мумтоз қофия талабига кўра ридфи аслий бир хил унли ҳарфдан иборат бўлиши керак.

МАВЛОНО ҚОНЕЪИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг толиби илм эканлиги ҳақида маълумот бериб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Рухи ту қиблаи дилхои беқаророн аст
Нишони пои ту меҳроби хоксорон аст.

(Мазмуни: Сенинг юзинг беқарор дилларнинг қибласидир, оёғинг излари хоксорлар меҳробидир).

МАВЛОНО ҚОСИМ I (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва мунажжим. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Мавлоно Абдураҳим Мунажжимга набира эканлигини, бобоси каби илми нужумни яхши билишини таъкидлайди ва қуйидаги байтини келтиради:

Мо масти мудомем,
зи майхона чи пурсам,
Аз бешу ками соғару
паймона чи пурсам.

(Мазмуни: Биз доим мастмиз; майхонада не гина (айб), қадаҳларнинг тўла ва камлигида не гина (айб)!)

МАВЛОНО ҚОСИМ II – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Асли Паркент туманидан. Хожа Аҳрор Валийга эллик йилдан ортиқ муридлик қилган. Жомийнинг эътироф этишича, М.Қ. Хожа Аҳрор Валий муридлари орасида фақр тариқида мартаба ҳосил қилиб, ўзликдан қутулиб, фано мақомига эришганларнинг энг фазилатлисидир. Хожа Аҳрор Валий бемор бўлганида нақшбандий валийларнинг йўсини бўйича ўша дардни ўзига тилаб олиб, бир ҳафтадан сўнг вафот этган. Хожа Аҳрор Валийнинг илтимосномаларини Навоийга етказганида етмиш ёш атрофида бўлган. Ушбу шайх ҳақидаги боб тазкирага Навоий томонидан қўшилган.

МАВЛОНО ҒИЁСИДДИН I (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши шеърий табъи борлигини айтиб, "Обил" исмига битилган муаммосини келтиради.

МАВЛОНО ҒИЁСИДДИН II (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг толиби илм ва хуштабъ йигит эканлигини, табобат б-н машғуллигини, лекин бадиий ижоддаги шуҳрати унга нисбатан кўпроқ эканлигини таъкидлайди. М.Ғ. Низомий Ганжавийнинг "Махзан ул-асрор"ига *татаббуъ* битган. "Мажолис ун-нафоис"да М.Ғ.нинг қуйидаги байти келтирилган:

Эй сабо, к-он боғи оразро
тамошо кардаи,
Музтариб мебинамат,
гуё гуле во кардаи.

(Мазмуни: Эй сабо, ул (гўзал) жамол боғини тамошо қилдингми? Сени гул ғунчасини очилтиргандек изтиробда кўраяпман).

МАВЛОНО ҒУБОРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Исфаройиндан эканлигини, фақир киши бўлиб, кўп вақтини Астаробод, Исфаройин, Жўян ва Баҳробод вилоятларида ўтказишини айтади ва қуйидаги матлаъсини келтиради:

Шабки, мерафтам ба паҳлуи
саги он дилфируз,
Хоб дар чашмам намеомад
зи шоди то ба рўз.

(Мазмуни: Кечаси ул кўнгил ёритувчининг ити ёнидан ўтар эканман, шодлигимдан тонггача кўзимга уйқу келмади).

МАВЛОНО ҲАБИБ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Чи гуям, ҳоли дил бо
нозанини нозпарвардам,
Чу осори муҳаббат зоҳир
аст аз чеҳраи зардам.

(Мазмуни: Нозанин гўзалимга дилим аҳволидан сўзлаб нима қиламан, ахир севгим излари заъфарон юзимдан (шундоқ) кўриниб турибди-ку!)

МАВЛОНО ҲАВОЙИ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Мавлоно Машриқий*нинг укаси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг наққошликдан хабардорлиги, китоб безаш қобилиятига ҳам эга экани, ўз шеърларини ўзи кўчириб, китоб ҳолига келтирганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Ба гирди кўи ту бо сад ниёз мегардам,
Баҳона мекунам аз дуру боз мегардам.

(Мазмуни: Кўчанг атрофида юз зорланиб айланаман, баҳона қилиб, узоқдан яна айланаман). М.Ҳ. Ҳиротда вафот этган, қабри Хожа Чилгазий маҳалласи яқинида.

МАВЛОНО ҲАЖРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Балх шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Шуда бахти бади ман
монеи васли хабиби ман,
Чи бадбахтамки, ҳам бахти
бади ман шуд рақиби ман.

(Мазмуни: Менинг қаро бахтим ҳабибим б-н учрашишга монеълик қилди, қандай бадбахтманки, қаро бахтим ҳам менинг рақибимга айланди).

МАВЛОНО ҲАЙБАТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Даҳони танги он хуршидрў
хоҳам накў бинам,
На бинад дийда ҳеч аз хийраги,
чун рўи ў бинам.

(Мазмуни: Ул қуёш юзлининг кичик даҳанин яхшилаб кўргим келади, (лекин) унинг юзига кўзим тушиши б-н оқ кўзларим хира тортиб, кўрмай қолади).

МАВЛОНО ҲАЛВОЙИ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган самарқандлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни очиққўнгил ва хушсурат йигит сифатида таърифлаб, ёшлик чоғида вафот этгани, умри қисқа бўлганлиги учун шуҳрат ҳам топмаганлигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Зоҳидо, қиблаи мо абрўи дилдор авло,
Туву масжидки, туро рўй ба девор авло.

(Мазмуни: Эй зоҳид, бизнинг қибламиз дилдорнинг қоши (бу сенинг қиблангдан) авло (афзал)дир, Сен масжид б-н бўлавер, сенинг юзинг деворга бўлгани (авло) маъқул).

МАВЛОНО ҲАЛОКИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўзи б-н ўзи овора киши эканлигини айтиб, ҳаж сафарига Абдураҳмон Жомий б-н бирга бориб келганлиги, шу маънода нақадар бахтли киши эканлигини ҳавас б-н таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг икки байти келтирилган бўлиб, улардан бири қуйидагичадир:

Бе ғамат дам наметавонам зад,
Даме бе ғам наметавонам зад.

(Мазмуни: Ғамингсиз нафас ола олмайман; беғам нафас чиқара олмайман).

МАВЛОНО ҲАМДАМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг косагарлик санъатидан хабардор эканлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Бе рухат мотаму ғаме дорам,
Мотамию чи мотаме дорам.

(Мазмуни: Сенинг юзингсиз ҳам мотаму ғамим бор. Мотам бўлганда ҳам оҳ қандай мотамим бор!)

МАВЛОНО ҲАМИДГУЛ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Мавлоно Абдулваҳобнинг* ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг девонатабиат киши эканлигини, табъи лутфдан холи эмаслигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Шаб хоки тийра бистари
мо бедилон бас аст,
Чодиршаби кашидаи мо осмон бас аст.

(Мазмуни: Тунда биз ошиқларнинг тўшаги қора тупроқдир, холос. Устимизга ёпган чойшабимиз эса осмондир, холос).

МАВЛОНО ҲАМИДИДДИН (15-аср ўрталари – 1520–21) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир ва тасаввуф намояндаси, *Муҳаммад Табодгонийнинг* ўғли ва халифаси. Отаси вафотидан сўнг унинг ишларини давом эттирган. Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр"да ёзишича, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний вафотидан кейин Ҳиротда (Хиёбонда), дафн қилинган жойнинг жанубида Навоий бир хонақоҳ солдирган. М.Ҳ. шу хонақоҳда тоат-ибодат б-н машғул бўлган. Унинг ҳузурида дарвешлар хилват, узлат ва самоъ амалларини адо этишган. Навоий унинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олади. Одоби, ҳаёси ва инсонийлигига юксак баҳо беради, анча йиллардан бери зоҳирий илмлар таҳсили б-н машғул эканлигини айтади. Навоий унинг "табъи бағоят хуб" эканлигини алоҳида таъкидлаб, куйидаги байтини келтиради:

Ғаҳе зи хастадилон ёд метавон кардан,
Диле, зи бахри Худо, шод метавон кардан.

(Мазмуни: Гоҳо хаста дилларни ёд қилмоқ керак, бирор кўнгилни Худо йўлида шод қилмоқ керак).

МАВЛОНО ҲАРИМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий уни Машҳаднинг хуштабъ шоирларидан бири сифатида тилга олиб, "шеъри ямон эрмас" дейди ва қуйидаги байтини келтиради:

То ба водии ғам аз ишқи
бутон дам задаам,
Дам зи шоди мани ғамдида
дигар кам задаам.

(Мазмуни: Ғам водийсида санамлар ишқида кўп оҳ урдим. Энди мен ғамдийда шодлик – б-н кам нафас олаяпман).

МАВЛОНО ҲАСАНШОҲ (ваф. 1503.02.15) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Хондамир "Ҳабиб ус-сияр"да унинг нозик истеъдоди, ширинсуханлиги, ҳар қандай мажлисга файз кирита оладиган суҳбатдош экани ҳақида маълумот беради. Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида келтирилишича, бир куни М.Ҳ. рўзғордан қийналиб, ўғлига: "Алишер Навоийга бориб, отам ўлди, дегин. Пул берса егулик нарсалар харид қилиб кел", дейди. Навоий М.Ҳнинг ўғлига 30 хоний пул беради ва ачиниб тасалли айтади. Эртаси куни М.Ҳ. Навоий ҳузурига кириб келади. Навоий уни кўриб роса кулади ва дейди: "Эй Мулло, сиз ўлиб эдингиз-ку, бу нимаси?" М.Ҳ. жавоб беради:" Агар кеча пул бермаганингизда ўлган бўлардим". Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида унинг номини тилга олиб, эски шоирлардан экани, Шоҳрух Мирзодан то шу замонгача кўплаб султон ва мартабали кишиларга ҳам мадҳия, ҳам марсия битганлигини айтади. Тазкирада М.Ҳ.нинг қуйидаги матлаъси келтирилган:

Аз лабат як сухан бихоҳам гуфт,
Сухане з он даҳан бихоҳам гуфт.

(Мазмуни: Лабинг тўғрисида бир сўз айтмоқ истайман. Ул оғиз ҳақида биргина сўз айтмоқ истайман).

Хондамирнинг маълумот беришича, Амир Султон Иброҳим Аминий деган шоир М.Ҳ.нинг вафотига бағишлаб қитъа-таърих яратган. Унга кўра М.Ҳ. ҳижрий 907, милодий 1502–1503 й.да вафот этган.

МАВЛОНО ҲАҚИРИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий

унинг энди танила бошлагани хушгабъ йигитлардан бири эканлигини айтиб, "табъида хили чошниси (маза, таъм) бор" дейди ва қуйидаги байтини келтиради:

Меравам дар гушаи майхона
жо хуш мекунам,
Жоми май меёбаму онжо
фурўкаш мекунам.

(Мазмуни: Майхонага бораману бир бурчагидан ўзимга жой оламан, май косасини топаману ўша ерда сипқораман).

МАВЛОНО ҲИРОТИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни "ямон табълиқ киши эмас" деб, қуйидаги байтини келтиради:

Фасли баҳору мавсуми
гулҳо шукуфтан аст,
Соқий, биёр бода, чи ҳожат
ба гуфтан аст.

(Мазмуни: Баҳор фасли, гул мавсумида кўнгилни ёзмоқ керак. Эй соқий, май келтир, айтишдан не ҳожат.)

МАВЛОНО ҲИСОМИДДИН ҒАЛБАК – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган хиндистонлик тасаввуф шайхи. Султон Шамсиддин Илтутмиш (ҳук. 1211–1236) даврида Лакҳнав вилоятининг ҳокими бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МАВЛОНО ҲОЖИ I (15-аср) – хуросонлик форсигўй шоир ва дин уламоси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Машҳадда Имом Али Мусо ар-Ризо мақбарасида имом, "Гавҳаршодбегим" жомеъ масжидида хатиб лавозимида хизмат қилгани, фозил кишилиги ва сунний мазҳабдалигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтирган:

Кадом айшу танаъум бувад
баробари инам
Ки, сар зи хоб барорам
сабоҳу рўи ту бинам.

(Мазмуни: Бирор айш ва фаровонлик эрта б-н уйқудан бош кўтариб, сенинг юзингни кўришга баробар келмади).

МАВЛОНО ҲОЖИ II (1422–1494) – ҳиротлик форс шоири ва тасаввуф намояндаси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида ва "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган. Бадавлат оилада туғилган. Мол-мулкининг барчасини дарвешлар ва муҳтожларга сарф этиб, саккиз марта ҳаж сафарига борган. Узоқ йиллар Маккада мужовир бўлган. М.Ҳ. Абдураҳмон Жомийнинг яқин мусоҳиби ва китобдори бўлган. Жомийнинг қабри суффасининг устида дафн этилган. Навоий унинг дарвеш ва ёлғизликни хуш кўрадиган киши экани, яхши табъга эгалиги, баъзида шеър ҳам ёзиб туришини таъкидлаб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Пирона сарам тоза ниҳоле ба бар омад,
К-аз мева ғаму ғуссаву хуни жигар омад.

(Мазмуни: Кекса бошимда тоза ниҳол кўкарди. Ул ниҳолнинг мевасидан гам, ғусса ва жигар қони пайдо бўлди).

МАВЛОНО ҲОЖИ НУЖУМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг бепарво ва табъи ҳазилга мойил шахслиги, ҳажвий мазмундаги қитъалари борлиги ҳақида маълумот бериб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтирган:

Боз ийд омад, биё, жоноки,
қурбонат шавам,
Ҳамчу чашми ғусфанди куштa
ҳайронат шавам.

(Мазмуни: Яна ҳайит келди, эй жоним, кел қурбонинг бўлай, сўйилган қўйнинг кўзидек ҳайронинг бўлай).

МАВЛОНО ҲУМОМИДДИН КАЛОБОДИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шерознинг Калобод (Гулобод) қишлоғида яшаган. Навоий ўспиринлигида шайхни зиёрат қилгани, шайх уни дуои хайрлар қилиб, бир белбог инъом этганини ёзади. Шерозда вафот этган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МАВЛОНО ҲУМОИЙ (15 аср) – Ирокда яшаб, фаолият юритган форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи

мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ниҳоятда фақир ва камсуҳан киши эканлигини, бир марта Ҳиротга келиб-кетганлигини айтиб, "яхши воқеъ бўлубтур" деб баҳолаган қуйидаги матлаъсини келтиради:

Жоно, манам зи дасти фироқи ту мурдае,
Хун дар танам намонда
чу нори фушурдае.

(Мазмуни: Эй жонон, мен фироқинг дастидан бир ўликдекмен. Эзиб ташланган анорга ўхшаб танамда қон қолмаган).

"МАВОҚИЪ УН-НУЖУМ" ("Юлдузларнинг ўрни") – Ибн Арабийнинг асари. Бағдодда ёзилган. Асарда коинот сирлари, юлдузлар олами ҳақида маълумотлар берилган. Унга Шайх Муайядиддин Жандий шарҳ ёзган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Абу Наср Саррож б-н боғлиқ бобда тилга олади.

МАДИД (ар. – давомли, чўзилган, тортилган) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб ад-тида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. Унинг рукнлари *тавил* баҳри таркибидан тортиб олинганлиги сабабли шундай аталган. *Фоилотун* рукни таркибидаги икки сабаби хафиф ўртасида давомийлик борлиги учун шундай ном олган деган қарашлар ҳам бор. М. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *фоилотун (– V – –), фоилун (– V –), фоилотун (– V– –), фоилун (– V –)* бўлиб, шеъриятда М.нинг асосан *мусамман* ва *мусаддас* рукнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий шеъриятда, хусусан, Алишер Навоий ижодида истифода этилмаган. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да М.нинг битта мусамман рукнли вазнини мисоллар б-н келтириб ўтади:

Мадиди мусаммани солим (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилун фоилотун фоилун, – V– – / – V – / – V – – / – V–*)

Чеҳрадин бурқаъ очиб
утқа куйдурдунг мани,
Чун кул ўлди пайкарим,
кўкка совурдунг мани...

Шунингдек, асарнинг халқ оғзаки ижодига доир поэтик шакллар қисмида, хусусан, "қўшуқ" ҳақида маълумот келтирилар экан, унинг вазни Мадиди мусаммани солим вазнига мос келиши айтилади:

Яна "қўшиқ"дурким, арғуштак усулида шоеъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубдур ва ул суруд аъробнинг тева сурар ҳудилари вазни била мадиди мусаммани солимда воқеъ бўлур, анинг асли бу навъдурким, б а й т:

Ваҳки, ул ой ҳасрати,
дарду доғи фурқати,
Ҳам эрур жонимға ўт,
ҳам ҳаётим офати.

МАЖДИДДИН БАҒДОДИЙ, Абусаид Маждиддин Шараф ибн Муайяд ибн Абулфатҳ Бағдодий (1150, Бағдод – 1217, Хива) – тариқат шайхи, тасаввуф олими, мутасаввиф шоир. Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат"да маълумот беришича: "Асли Бағдоддиндур. Хоразмшоҳ Бағдод халифасидин табибе тилади. Анинг атосин юборди. Ва баъзи дебдурларки, Бағдодединдурки, Хоразм кентларидиндур". *Нажмиддин Кубро*нинг иқтидорли шогирди ҳамда улуг авлиё ва оташнафас шоир *Фаридиддин Аттор*нинг устози бўлган.

Нажмиддин Кубро ва М.Б. ўртасида улар танлаган йўлларнинг (Нажмиддин *сукр*, Маждиддин *саҳв* тарафдори эди) тафовути жиҳатидан қайсидир даражада ички ихтилоф бўлган ва бу зиддият бир воқеа муносабати б-н юзага чиқади. Гап шундаки, бир куни М.Б. дарвешлар б-н бирга ўтирганда, унда бехудлик ҳолати юз бериб, ҳамсуҳбатларига қарата шундай дейди: "Биз ўрдак тухумлари эдик. Шайхимиз Нажмиддин товуқ эди. У бизни очди. Биз дарёга қараб йўл олдик, у эса қирғоқда қолди". Бу ерда эътиқод масаласи ўртага қўйилаяпти: устоз бизни тўғри йўлга солган бўлса ҳам ўзи нотўғри йўлда турибди, демоқчи шогирд. Товуқ сувга шўнғий олмагани каби ақл ҳам маърифат денгизидан баҳраманд бўлолмайди. Шунинг учун ҳам бу гап Кубронинг қулоғига етганида, у қаттиқ хафа бўлади ва суюкли муридини: "Илоё, ўша сувда ғарқ бўл!" – деб қаргайди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай, Муҳаммад Хоразмшоҳ М.Б.ни Амударёга чўктириб ўлдиради.

13-аср тас.и тараққиётига катта таъсир кўрсатган бу буюк шайх ва шоир Марказий Осиё ва Шимолий Форс ўлкасида шуҳрат қозонган. "Сафар рисоласи", "Туҳфат ул-барара" ("Яхшилар совғаси") каби тас.га оид асарлари ва суфиёна рубоийлари мавжуд. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

МАЖДИДДИН МУҲАММАД (вафо. 1494-95 й.) – Султон Ҳусайн Бойқаронинг вазири; Навоийнинг замондоши ва сиёсий рақибларидан бири. Отаси Пир Аҳмад Хавофий Шоҳрух Мирзонинг вазири бўлган.

М. дастлаб Султон Абусаид Мирзо саройида мунший бўлиб хизмат қилган. Султон Ҳусайн Бойқаро саройида парвоначи мансабига тайинланиб (1472), тез орада вазирлик даражасига кўтарилган. Низомулмулк ва Хожа Афзалиддин Муҳаммад тил бириктириб, 1478-й. уни вазирлик лавозимидан четлаштирадилар. Навоий Астарободга ҳоким этиб тайинланган йили Маждиддин яна вазирлик лавозимини эгаллаб, Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишисига айланади. Ҳиротнинг чеккасида Боғи Назаргоҳ қуриб, у ерда турли зиёфат ва ишрат мажлислари уюштиришни хуш кўрган. М.нинг халқ аҳволига бепарволиги, золим ва қаттиққўллиги, сиёсий фитналарини Абулвосеъ Бохарзий, Мавлоно Олим каби шоирлар ҳажв қилган ва бу ҳажвиялар халқ орасида жуда машҳур бўлган. "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да келтирилишича, М.ни Султон Ҳусайн Бойқаро ишдан бўшатгач, Жомий уни зиндондан чиқаришни илтимос қилган. Жомий кафиллигида зиндондан чиққан М. қочишга уринади, аммо ўн беш кун ўтмасдан, қўлга тушиб, жазога тортилади ва бутун мол-мулки мусодара қилинади. Кўп қийноқлардан сўнг зиндондан озод бўлган М. ҳаж зиёратига рухсат олиб, йўлда вафот этади.

М.нинг исми "Бадоеъ ул-васат", "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Мажолис ун-нафоис" асарларида турли муносабатлар билан тилга олинган.

Тутулмиш эди Мажд Барлосбекка
Ким, айтур эдиким бу янглиғ қутулғай.
Қутулди улу бу тутулди, илоҳий,
Тутулғон қутулғай, қутулғон тутулғай.
("Бадоеъ ул-васат", 60-ғазал)

МАЖЗУБ – Ҳақнинг жазбаси (тортилиши) теккан, Ҳақ йўлига тану жонини тиккан карамоатли инсон. Агар аввал жазба тегиб, кейин пирга қўл берган ва тариқатга кирган бўлса, М.и солик деб аталган. Агар тариқат мақомларини эгаллаш жараёнида жазба ҳосил қилган бўлса, уни солики М. деб атаганлар. Агар шу М.лик ҳолатида фақру фано даражасига кўтарилган бўлса, уни М.и мутлақ (олий мақомдаги М.) деб номлаганлар. Ҳақ йўлидаги бу девоналардан шариат аҳкомларини бажариш ҳамда қонунга риоя этиш талаб қилинмайди. Улар Худонинг суюкли бандалари ва "уқалойи мажонин" (девона оқиллар) ҳисобланадилар. "Насойим ул-муҳаббат"да М.лар, асосан, "Бобо" номи б-н тилга олинган. (Бобо Хушкелди, Бобо Али Пойи Ҳисорий, Бобо Тиланчи, Бобо Ҳасан Турк ва ҳ.к.).

"МАЖМАЪ УШ-ШУАРО" ("Шоирлар мажмуаси") – Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" тазкирасининг яна бир номланиши. Навоий уни "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида Давлатшоҳ Самарқандий б-н боғлиқ фаслда тилга олади.

МАЖНУН – 1) Лайлининг ошиғи, "Лайли ва Мажнун" туркумидаги достонларнинг бош қаҳрамони, Қайснинг иккинчи номи. Бу туркумдаги достонлар Шарқда энг кўп тарқалган ишқий достонлар сирасига киради.

Адабий манбаларда М. Шимолий Арабистондаги Бани Омир қабиласидан Қайс ибн Муваллаҳ (Қайс Омирий), Маҳдий ибн Муод, Ал-Акра ва баъзан Ал-Буҳтурий ибн ал-Жаълар б-н боғлиқ ҳолатда талқин қилинади. М. ўз қабиласидан бўлган Лайли исмли қизни севиб, унга бағишлаб ажойиб шеърлар ёзган. Унинг шеърлари қабиладошлари ва бошқа қабила кишилари орасида кенг тарқалганлиги ҳақида Ибн Қутайбанинг "Китоб уш-шеър ва шуаро" асарида маълумотлар келтирилади. Шу б-н бирга, айрим тарихчилар М. тарихий шахс эмас, унинг номи мажозий, мавжуд шеърлар ўз амакисининг қизини севиб қолган умавий бир йигитга тегишли, у М. тахаллусини қўллаган, деб айтадилар.

М.нинг Лайли ишқида ўзидан кечиши, атрофдагиларга муносабати, Лайли б-н кўришуви саҳналари аввал араб, ундан форс ад-тига ўтиб, дастлаб кичик ҳикоятлар, қиссалар тарзида турли асарларда қўлланилган. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий каби тас. шоирлари ўзларининг асарларида бу ишқ қиссасининг ҳикояларидан унумли фойдаланган ҳолда илоҳий ишқ тўғрисида хулосалар чиқарганлар.

Навоий ижодида, М. энг аҳамиятли образлардан бири бўлиб, унга "Лайли ва Мажнун"дан ташқари, яна кўп марта мурожаат қилинган. Жумладан, "Садди Искандарий"нинг 33- ва 66-бобларида Лайлининг хонасига кирган М. ҳамда Лайлининг мактуби ўлим ёқасида турган М.га нафақат тириклик, балки саломатлик олиб келгани ҳақидаги икки ривоятдан фойдаланилади. "Лисон ут-тайр"да ҳам икки марта – 168- ва 178- бобда мурожаат қилинган. Ҳар икки ҳикоят мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин. Биринчи ҳикоятда М.нинг ўзича сўзлашаётганини кўрган бир киши "Ким б-н гаплашаяпсан?" деб сўрайди. М. "Лайли б-н" деб жавоб беради. Шунда "Унгача анча масофа бор-ку" деган саволга, М. "Эй, ғофил, у менинг ёнимда-ку!" деб жавоб беради. Навоий ушбу ҳикоят воситасида ишқ учун масофа аҳамият касб этмаслигини таъкидлайди. Иккинчи ўринда эса М. "Отинг недур" деб сўраганларга "Лайли!" деб жавоб беради. Бунда Навоий М.нинг ўзлигини буткул унутиб, ўзини Лайли деб ҳисоблаётганини, яъни Лайли зотига фоний бўлганлигини айтиб, уни ишқда камолотга етган, деб ҳисоблайди.

М. тимсоли Навоий лирикасида ҳам фаол қўлланилган. Навоий уни гоҳ Фарҳод ва Вомиқ б-н талмеҳ қилади, гоҳ Лайли ва унинг ишқига қиёслайди, гоҳ сукр йўналишидаги нолакор ошиқ – булбулга нисбат беради, гоҳ саҳро, лола, кийик каби образлар б-н бирга, баъзан ўз лирик қаҳрамонига қиёслаган ҳолда мурожаат этади.

Асрай олмон ўзни,
ашким тутти даштү тоғни,
Нечаким Фарҳоду
Мажнун дедилар, бас йиғламоқ.
("Ғаройиб ус-сиғар", 320-ғазал)

2) Ошиқ, ишқ йўлида ўзини унутган. Навоий лирикасида бу образ одатда пари, парипайкар образлари б-н баъзан талмеҳ, баъзан таносуб санъатларини юзага келтирган ҳолда қўлланилади.

Ул парийнинг чу бу мажнундин
эрур ваҳшати кўп,
Манга андин неки,
аҳбоб ила бор улфати кўп.
("Наводир уш-шабоб", 67-ғазал)

3) Жинни, ақлдан озган, эси паст:

Мен ҳамулменким,
қовар мажнун деб эмди тифллар
Ким, тилар эрди улуғлар
оқилу фарзона деб.
("Бадоеъ ул-васат", 64-ғазал)

"МАЖНУН ВА ЛАЙЛИ" – Хусрав *Деҳлавий* "Хамса"сидаги учинчи достон. 1299 й.да яратилган. 2650 байтдан иборат. Низомий Ганжавийнинг "Лайли ва Мажнун"ига татаббуъ тарзида ёзилган. Достонда анъанавий муқаддимадан сўнг асосий воқеа баён қилинади. Бани Омир қабиласида туғилган фарзандга Қайс деб исм қўядилар ва унинг шарафига байрам уюштирилади. Деҳлавий сюжетнинг шу қисмидан бошлабоқ Низомий достонида учрамайдиган мунажжим башорати б-н боғлиқ эпизодни ўз достони таркибига киритади ва бу эпизод достоннинг ғоявий йўналишини белгилашда асос вазифасини ўтайди. Бу эпизодга кўра, мунажжим гўдак улғайгач, телба ошиқ бўлишини башорат қилади. Қайс ёши етиб, мактабга боради ва у ерда қўшни қабилалик Лайли исмли қизни кўриб, севиб қолади. Уларнинг севгисидан хабардор бўлган кишилар икки ёшни бир-биридан ажратадилар ва Мажнун даштга чиқиб кетади. Углининг ҳолатидан изтиробга тушган ота Лайлини сўраб, совчи юборади. Лекин Лайлининг отаси рад жавобини беради. Мажнуннинг отаси кўмак беришни сўраб, "араблар ҳукмдори" *Навфал*га мурожаат қилади. Навфал Лайли қабиласи томон уруш очади. Лайли қабиласи енгила бошлагач, қабила мансабдорлари маслаҳатлашиб, Лайлини ўлдиришга қарор қиладилар ва шу орқали урушни тўхтатиб, бахтсизликнинг олдини олиш мумкин, деган хулосага келадилар. Бу ҳақда дўстидан эшитган Мажнун Навфалдан урушни тўхтатишни

сўрайди. Уруш тўхтайди, Навфал ўз қизи Хадичани Мажнунга узатади (Низомий достонида мавжуд бўлмаган яна бир эпизод). Тўй бўлиб ўтади. Лекин Мажнун Хадичага яқинлашмай, тонггача ўтириб, сўнг чиқиб кетади. Лайли Мажнунни тушида кўради ва уни излаб йўлга чиқади, икки севишган учрашадилар. Бир киши Мажнуннинг ўлганлиги ҳақидаги ёлғон хабарни Лайлига етказади ва бундан Лайлининг аҳволи оғирлашиб, вафот этади. Мажнун Лайлининг жанозасига етиб келади ва Лайлининг жасадини қучганича вафот этади. Уларни бир қабрга кўмадилар. Достоннинг хотима боби марсия йўналишида бўлиб, унда Хусрав Деҳлавий достон якунланишидан бир оз илгари вафот этган онаси ва укаси Ҳусомиддин Қутлуғ учун аза тутиб, кўз ёш тўкишини айтади. "М." Низомий достони сингари ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун – – V | V – V – | V – –) вазнида ёзилган. Навоий "Лайли ва Мажнун" достонининг бешинчи бобида Деҳлавий ва унинг "М." достони ҳақида фикр юритилиб, Деҳлавий достонини яхши безатилган "қаср"га қиёс қилади.

МАЖОЗ (ар. – йўл, ўтиш жойи) – сўз ёки иборани ўз маъносидан бошқа, кўчма маънода ишлатишга асосланган бадиий усул, санъат. Бунда асл ва кўчма маъно ўртасида алоқадорлик ва ўхшашлик бўлади. М. бадиийликнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, нафақат баённинг қисқа ва лўнда бўлиши, балки турли нарса-ҳодисалар, ҳолат-кечинмаларни тўла ва таъсирли, гўзал ва жозибадор тасвирлашга ҳам катта имконият яратади. Шунинг учун шоир ва ёзувчилар ўз асарларида мажозий маънодаги сўз ва иборалар, образлардан маҳорат б-н фойдаланибгина қолмай, мажозий усулда асарлар ҳам яратганлар.

Навоий ижодида ҳам М. кенг ўрин тутади. У шеърларида мажозий сўз ва образлардан кенг фойдаланиш билан бирга, "Хамса" достонларида қатор мажозий ҳикоятлар келтиради. Бу ҳақда "Муҳокамат ул-луғатайн"да "Лисон ут-тайр" достонида "ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен" деб ёзади.

"МАЖОЛИС УН-НАФОИС" ("Нафис мажлислар") – Алишер Навоийнинг тазкира жанрида яратилган асари. Туркий тазкирачиликнинг илк намунаси. Дастлабки варианти 1490–1491 й. яратилиб, 1497–1498 й.да қайта ишланган. Асарда 15-асрда Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаб фаолият юритган 459 шоир ва ижодкор ҳақида ихчам маълумотлар берилади. Ушбу маълумотлар йиллар, жуғрофий ҳудудлар, касб-ҳунар, ижтимоий табақа ва сулолалар асосида жойлаштирилган. Асар 8 қисм ("мажлис")дан иборат. Алишер Навоий тазкиранинг муқаддимасида асарнинг таркибий қисми ва номланиши ҳақида шундай ёзади: "*...чун бу мақсудға етилди, они секкиз қисм этилди, ҳар қисми бир мажлисға мавсум бўлди ва мажмуиға "Мажолис ун-нафоис" от қўйилди*".

Тазкирадаги шоирлар мажлис, яъни қисмларга қуйидагича тақсимланган: 1-мажлисда 46 нафар, 2-мажлисда 91 нафар, 3-мажлисда 175 нафар, 4-мажлисда 72 нафар, 5-мажлисда 21 нафар, 6-мажлисда 31 нафар, 7-мажлисда 22 нафар шоир, 8-мажлисда эса Ҳусайн Бойқаро б-н боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Тазкиранинг биринчи мажлиси "Жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим" деган ном б-н тасниф этилган бўлиб, бунда Навоий ўз тазкирасини "табаррук қилмоқ учун" тас. шайхларидан бўлмиш Хожа Қосим Анвор зикри б-н бошлаганини таъкидлайди. Қосим Анвордан кейин унинг шогирдлари Мир Махдум ва Ҳофизи Саъд ҳақида маълумотлар берилади.

Тазкиранинг 2-мажлисида Навоий болалиги ва йигитлик пайтида суҳбатларига мушарраф бўлган шоирлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу мажлис машҳур тарихчи, "Зафарнома" муаллифи Шарафиддин Али Яздий зикри б-н бошланади. Мажлисда Алишер Навоий ўзининг тарбияси ва ижодий камолотига алоҳида таъсир кўрсатган зотлар – Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Шайх Садриддин Равосий, Шайх Камол Турбатий, Дарвеш Мансур, Ҳофиз Али Жомий, Хожа Юсуф Бурҳон,

ўз даврининг таниқли шоирлари – Мавлоно Лутфий, Яқиний, Атойи, Муқимий, Саккокий, тоғалари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий, фарзанд ўрнида қадрлагани шоир Мирзобек, устози ва дўсти Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида маълумот беради. Жумладан, Алишер Навоий Мирзобек ҳақида ёзар экан, унинг жуда эрта вафот этгани, бадиият жиҳатдан етук байтлар битса-да, уларни якунига етказмаганлигини афсус б-н баён этади. Хусусан, унинг:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур

– деб бошланувчи матлаъсини тугатиб, ўз девонига киритганлигини айтади.

Тазкиранинг 3-мажлиси ўз даври шеъриятига улкан ҳисса қўшган юксак табъли шоирлар ҳақида бўлиб, буюк шоир Абдураҳмон Жомий зикри б-н очилади. Мажлисда, шунингдек, Амир Шайхим Суҳайлий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Осафий Ҳиравий, Зова Қозиси каби "Хамса" достонларига *татаббуъ* битган ижодкорлар, Сайфий Бухорий каби муаммо ва аруз илмига доир рисола битган ижодкор, Камолиддин Биноий, Гадоий каби соҳиби девон шоирлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

4-мажлисда замон фозиллари – шеърда машҳур бўлмасалар-да, аммо баъзан латиф байт айтувчи ижодкорлар ҳақида сўз боради. Алишер Навоий бу мажлисни камолоти "азҳару мин аш-шамс" (қуёшдан порлоқ) шахс – Паҳлавон Муҳаммад Гўштигир зикри б-н бошлайди. Шоир унинг паҳлавонлиги у эришган камолотнинг энг қуйи даражаси бўлиб, мусиқа илмида ўз даврининг беназири эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, назм айтишда ҳам юксак иктидорга эгалигини, Ҳусайн Бойқаро Паҳлавон Муҳаммаднинг қуйидаги байтига минг олтин танга туҳфа қилганлигини фахр б-н тилга олади:

Гуфтамаш: "Дар олами ишқи
ту корам бо ғам аст",
Гуфт хандон зери лаб:
"Ғам нест, кори олам аст".

(Мазмуни: Унга айтдимки, сенинг ишқинг оламида ишим ғамдан иборат бўлди.

У кулгу аралаш мийигида: "ғам эмас, оламнинг ишидир", деди).

Ушбу мажлисда, шунингдек, Хожа Камолиддин Удий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирхонд, Хондамир, Султон Али Машҳадий каби ўша давр фозиллари ҳақида сўз боради.

Тазкиранинг 5-мажлиси Хуросоннинг "табъи назми бор" мирзозодалари зикрида бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандий таърифи б-н бошланади. Алишер Навоий Давлатшоҳнинг ҳашам ва мол-дунёдан воз кечиб, фақр йўлини тутганлиги ҳақида маълумот берар экан, унинг "Мажмаъ уш-шуаро" ("Тазкират уш-шуаро") асарини мутолаа қилган шахс Давлатшоҳнинг истеъдоди ва камолоти қай даражада эканлигидан хабар топади, деган фикрни билдиради. Мазкур мажлисда, шунингдек, Мир Ҳусайн Али Жалойир, Муҳаммад Солиҳ, ўз жияни Мир Ҳайдар Сабуҳий, акасининг набираси Мир Иброҳим каби мирзозодалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Тазкиранинг 6-мажлисида Хуросондан ташқаридаги, хусусан, Самарқанддаги фозиллар ҳақида сўз боради. Ушбу мажлис Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек таърифи б-н бошланади. Алишер Навоий унинг "Вафоий" тахаллуси б-н шеър битиши, Ҳиротда ўн йил ҳокимлик қилгани, "сурати хуш ва сийрати дилкаш" шахс экани, жангчи сифатидаги шижоати ва ботирлигига алоҳида таҳсин айтиб, ижодидан қуйидаги матлаъни келтиради:

Гирифти жони ман аз
тан ба зулфи пуршикан басти,
Кушоди парда аз рухсори
хешу чашми ман басти.

(Мазмуни: Танимдан жонимни олиб, сочинг занжирлари б-н боғладинг, юзингдан пардани очиб (у б-н) кўзимни боғладинг).

Мазкур мажлисда "Улуғбек Мирзо" мадрасасининг мударриси Хожа Хурд, Низомийнинг "Лайли ва Мажнун"ига татаббуъ битган Хожа Имод Лорий, Кирмон вилояти ҳокими Амир Маҳмуд Барлос ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

7-мажлис Амир Темур ва темурий ижодкорлар зикрига бағишланган. Унда Соҳибқирондан бошлаб Султон Али Мирзогача жами 22 темурий ҳақида сўз боради. Тазкиранинг сўнгги саккизинчи мажлиси тўлалигича Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний

ижодига бағишланиб, унинг деярли барча ғазаллари матлаъси алифбо тартибида келтирилган.

Алишер Навоий "М."да ад-т майдонида энди кўрина бошлаган шоирларни ҳам эътибордан четда колдирмайди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

"Мавлоно Сифотий эмди пайдо бўлғон лардандур, фақир хануз ани курмайдурмен, аммо шеърин эшитибмен";

"Мавлоно Асирий ҳам эмди пайдо бўлғон хуштабъ йигитлардиндур" ва ҳ.к.

"М."да ўша даврда яшаган баъзи аёл шоиралар ҳақида ҳам маълумот келтирилган. Гарчи номлари тазкирада алоҳида келтирилмаган бўлса ҳам, шоирнинг улар ҳақидаги қайдлари ад-тшунослик учун ниҳоятда муҳимдир. Алишер Навоий тазкиранинг шоир Шайхзода Ансорийга бағишланган фаслида "андоқ зоҳир бўлурким, волидаси ҳам хуштабъдур ва Бедилий тахаллус қилур" деган маълумотни келтирса, Мавлоно Сулаймоний ҳақидаги фаслда Ҳофиз Шерозий ғазалига назира тариқасида ёзилган ва Мавлоно Сулаймонийники деб ҳисобланган шеър ҳақида *"Ва машҳури мундоҳдурур ким, бу абёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотини Мехринингдур"* деб ёзади.

Тазкирада шоирларнинг билим даражаси, феъл-атвори, ахлоқи б-н боғлиқ хусусиятлар ҳам алоҳида кўрсатилган. Ҳар бир шоирга берилган тавсиф унинг ижодидан намуна келтириш б-н асосланган.

Асарда бадиий ижод б-н боғлиқ назарий масалалар юзасидан ҳам фикр билдирилади: баъзи шоирларнинг шеърларидаги жиддий нуқсонлар танқид остига олинади. Навоий Атойи, Бақоий, мавлоно Наргис, Қобилий каби шоирларга баҳо берар экан, уларнинг шеърларидаги шаклий жиҳатлар, хусусан, қофиясига алоҳида аҳамият қаратади ва нуктадон шеършунос сифатида намоён бўлади. Тазкирада ўша давр адабий муҳитидаги қизғин жараён, ад-тдаги поэтик жанр ва турлар ранг-баранглиги ҳам кўрсатиб берилган. Асар жонли ва равон тилда, ихчам ва содда услубда ёзилган. Навоий ғоят сиқиқ жумлаларга катта ижтимоий ёки бадиий воқелик ва мақсадни сингдиришга интилган. Шу маънода тазкира 15-аср илмий насрининг гўзал намунаси ҳисобланади.

"М." Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда ҳам муҳим автобиографик манба ҳисобланади. Тазкира орқали шоирнинг қайси ҳудудларда бўлгани, кимлар б-н учрашгани, устозлари, дўслари, яқин кишилари, ҳамсуҳбатлари, қариндошлари, фарзанди ўрнидаги шахслар ва ҳ.к.лар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Навоий тазкирасида номлари тилга олинган кўп шоирларнинг асарлари бизгача етиб келмаган. Бу жиҳатдан ҳам "М." ғоят нодир манба бўлиб, ад-тшунослик учун муҳим аҳамият касб этади.

"М." бошқа халқлар тилларига ҳам таржима қилиниб, тазкирачиликнинг ривожига самарали таъсир кўрсатган. Хусусан, 16-асрда форс тилига 3 марта (Фахрий Ҳиротий. "Латойифнома", 1521–22, Ҳирот; Муҳаммад Қазвиний, 1522–23, Истанбул; Шоҳ Али Абдулали, 1598, Нишопур), бугунги кунгача турли тилларга 7 марта тўлиқ таржима қилинган. Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб", Сом Мирзонинг "Туҳфаи Сомий" ва б. кўплаб тазкиралар Навоий тазкираси таъсирида майдонга келган. "М."нинг 15-асрнинг охири – 16-асрнинг бошларида кўчирилган бир неча нусхаси Вена, Париж, Боку, Санкт-Петербург, Тошкент ва б. жойларда сақланмоқда.

Ас.: *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1997, 13-ж; *Алишер Навоий.* Мажолис ун-нафоис. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 9-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж., *Ганиева С.* Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. Т., 1981. *Воҳидов Р.* "Мажолис ун-нафоис"нинг таржималари. Т., 1984.

Дисс.: *Ганиева С.* "Маджалис-ун-нафаис" Алишера Навои (литературно-исторический анализ и критический текст III и IV маджлисов): ф.ф.н., Л., 1956; *Қодирова Р. В.* Туркий тилли адабиётда Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асари анъаналари (Содиқбек Содиқийнинг "Мажма ул-ҳавос" тазкираси материаллари асосида): ф.ф.н., Т., 1979; *Носиров И.* Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарининг лексикаси: ф.ф.н., Т., 1980; *Исакова З.М.* Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика: ф.ф.н., Т., 2010.

"МАЖОЛИС УН-НАФОИС" АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ – Мазкур асар илмий-танқидий матнини Суйима Ганиева

тузган ва нашр қилган. "Мажолис ун-нафоис" танқидий матни қуйидаги 5 қўлёзма нусхаси асосида яратилган:

1) Санкт-Петербург давлат университетининг шарқшунослик факультетида 618 инв. рақами остида сақланаётган, 16-аср ўрталарида кўчирилган нусха.

2) ТошДШИ ШҚМда 6098 ва 6099 инв. рақамлари остида сақланаётган, икки альбомдан иборат, котиби номаълум нусха.

3) ТошДШИ ШҚМда 9394 инв. рақами остида сақланаётган, 16-аср охирларида кўчирилган нусха, котиби Муҳаммад Солиҳ.

4) ТошДШИ ШҚМда 4280 инв. рақами остида сақланаётган, 1258/1842-1843 й.да кўчирилган нусха.

5) ТошДШИ ШҚМда 7745 инв. рақами остида сақланаётган, 1330/1902-1903 й.да кўчирилган нусха, Рожий исмли котиб томонидан кўчирилган.

Тадқиқотда келтирилишича, танқидий матнни тайёрлашда яна ТошДШИ ШҚМда 8389, 5289, 5537 инв.рақами остида, Санкт-Петербургда 810 инв. рақами остида сақланаётган нусхалар ва бошқа тошбосма нусхалардан ҳам фойдаланилган.

МАЗКУРИЙ, Абу Яъқуб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Унга ажратилган фаслда олтита шайхнинг таваккулга берилган таърифлари ўрин олган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАЗОБИЛИЙ, Абу Яъқуб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодийнинг яқин маслакдоши. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАЗҲАБИ КАЛОМИЙ (ар. – дахлдорлик, алоқадорлик) – шоирнинг ўз фикри исботи учун ҳақиқий, ҳаётий далил келтиришидан иборат маънавий санъат. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича: *"М.к. каломда ўз матлубининг исботи учун калом илми аҳли услуби била далил келтурмактин иборатдур. Ул услуб андоғдурким, далил ҳақиқий бўлмоғи керак, эътиборий эмас, яъни сўзлагувчи эътиқод б-н ҳақиқатда далил деб ишонғай, далил эрмас деб билмағай ва ани латифлик била далил қилғай, далил ҳам аниқ бўлмоғи керактур"*. Унинг ҳусни таълилдан фарқи шундаки, ҳусни таълилда ёлғон, лекин гўзал далил келтирилади, ўқувчи унинг ёлғонлигини билиб турса-да, азбаройи гўзаллигидан ишонгиси келади. М.к.да эса, асосан, аниқ, ҳаётий далил келтирилади, албатта, баъзида фаразий далилларга ҳам йўл қўйилади.

Ё. Исҳоқовнинг хулосасига кўра: "Ғазалда М.к. кўпинча бир байт доирасида қўлланади. Далил келтириш турли кўмакчи сўз ва боғловчилар (*нединким, не учунким, чунким, не тонг, ғариб эмас, не ажаб, ажаб эрмас, кимки* ва ҳ.к.) воситасида амалга оширилади". Мас.:

Зулфу рухсоринг ғами,
не тонг, бузуғ кўнглим аро:
Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра,
махзан ҳам бўлур.
("Наводир уш-шабоб", 170-ғазал)

Ушбу байтда шоир бузуқ кўнгилда ёр зулфию рухсори ғам борлигини аждарҳо макон тутган вайронада хазина ҳам бўлиши б-н асослайди.

МАЖЗУМ, Абу Жаъфар – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тас. тарихида замона ғавси номи б-н из қолдирган. Мохов касалига мубтало бўлганлиги учун "Мажзум" номини олган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

МАЙДОНИЙ, Абу Яъқуб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ироқнинг Насибин ш. яқинидаги Майдон қишлоғида туғилган. Шиблий Бағдодийнинг дуоси туфайли юксак мақомларга эришган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАЙМУН МАҒРИБИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Африкалик бўлган. Кўп сафар

қилган. Сафарларида Абу Мусо Дабилийга ҳамроҳлик қилган. М.М. ҳақида Ансорий, Жомий ва Навоий тазкираларидан ўзга манбаларда маълумот учрамайди.

"МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ" ("Гўзал хулқлар") – машҳур муаррих Ғиёсиддин Хондамирнинг Навоийнинг гўзал хулқи ва эзгу ишларига бағишлаб ёзган асари. Навоийнинг тарбиясида камолот касб этган ва унинг ҳомийлигида яшаб ижод қилган Хондамир бу яхшиликларнинг миннатдорчилиги ўлароқ валинеъматининг ибратли ҳаёти ва фаолиятини тарихга муҳрлаш мақсадида мазкур асарини ёзади, лекин уни оққа кўчириб, асар қаҳрамони назаридан ўтказишга улгурмайди.

"М." муқаддима, ўн мақсад ва хотимадан иборат. Дастлаб муаллиф асарни ёзишдан мақсадини баён қилади. Унда айтилишича, Навоийнинг "лутфу марҳамати анҳори ёқасида ўсган" Хондамир бу меҳрибончиликларнинг шукрини адо этиш учун қандай хизматга бел боғласам экан, деб ўйлаб юради ва охири келажак авлод учун улуғ амирнинг эзгу инсоний фазилатлари ва таҳсинга сазовор ишлари ҳақида бир китоб ёзиб, бу фавқулодда бетакрор зотнинг табаррук номини тарих саҳифаларига муҳрлашни мақсад қилади.

"Муқаддима"да улуғ шоирнинг туғилиши, болалигидан ўткир зеҳни, нозик табъи, алоҳида лаёқати б-н ажралиб туриши ва мактабдаги таҳсили хусусида сўз боради. Жумладан, унинг 844 ҳижрий йил рамазон ойининг 17 кунида (милодий 1441 й. 9 февралда пайшанба куни) товуқ мучали остида туғилгани, тўрт ёшида мактабга боргани, фавқулодда қобилият ва фазилатлари б-н ҳаммани ҳайратга солиб, тилга тушгани ҳақида маълумот берилади.

Биринчи мақсад "Ақл ва идрокнинг шараф ва даражаси тўғрисида", деб номланиб, Навоий тафаккурининг теранлиги ва соҳибтадбирлиги хусусида фикр юритилади ва Ҳусайн Бойқаронинг унинг маслаҳати б-н иш тутиб, Ёдгор Мирзони енгани б-н боғлиқ икки ҳодиса ҳикоят ўлароқ киритилади.

Иккинчи мақсад "Илмнинг фазилати ва олимларнинг мартабаси ҳақида" деб аталиб, унда Навоийнинг Самарқандда таҳсил олиб, ўз даврининг барча илмларини эгаллагани, амирлик даврида истеъдод ва ҳунар соҳибларини қўллаб-қувватлагани, талабаларга таълим олиши учун барча шароитларни муҳайё қилиб бергани, қурдирган масжид-мадрасалари, хайрия бинолари ва унга бағишлаб ёзилган асарлар ҳақида маълумот берилади.

Учинчи мақсад "Шеърнинг афзалликлари ва шоирларнинг баланд мартабалари ҳақида" бўлиб, Навоий истеъдоди қирралари ва баъзи асарларининг ёзилиши хусусида фикр юритилади. Лутфийнинг Навоий истеъдодига берган баҳоси, "Туҳфат ул-афкор" қасидасининг яратилиши, Жомийнинг "Хамса"ни улуғлаши б-н боғлиқ маълумотлар шулар жумласидандир.

Тўртинчи мақсад "Инсоннинг фазилати, фазилатли сўз усталарининг мартабаси тўғрисида". Бу боб буюк сўз санъаткорининг "Мажолис ун-нафоис", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам", "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Маҳбуб ул-қулуб" каби насрий асарлари ва китоблари таърифига бағишланган.

Бешинчи мақсад "Дунёни севмаслик баёнида" деб номланиб, унда Навоийнинг тас. га муносабати, дарвешликка майли, юксак лавозимларда ишлаб ҳам мол-дунё йиғишга қизиқмагани, аксинча топган бойлигини хайрия ишларига сарф қилиб, бу борада амалга оширган бунёдкорлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Олтинчи мақсад "Шариат арконларига риоя қилиш баёнида" деб аталиб, Навоийнинг комил мусулмон бўлгани, диний аҳкомларни бекаму кўст бажаргани, кўплаб масжид-мадрасалар қургани ва уларни таъмирлагани, хайру садақалари хусусида сўз боради.

Еттинчи мақсад "Меҳрибонлик ва марҳамат баёнида" бўлиб, унда улуғ шоирнинг олижанобликлари, лутфу марҳаматлари, меҳру шафқатлари улуғланиб, улар б-н боғлиқ бир қатор воқеалар ҳикоя тарзида берилади.

Саккизинчи мақсад "Тавозенинг фазилати тўғрисида" деб номланади. Бу фаслда шоирнинг қанча улуғ бўлса, шунча камтарлиги, ҳамиша одамларга яхшилик қилиб,

уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилиши ҳақида гапирилади ва бу борадаги ишларига далил сифатида бир неча воқеа келтирилади.

Тўққизинчи мақсаднинг номи – "Карам ва саховатнинг шарафи ҳақида". Унда Навоийнинг ҳиммат ва саховатли зот эканлиги айтилиб, бунга мисол тариқасида бир неча воқеа ҳикоя қилинади. Тамагир бир гадога сўнгги ақчасини садақа қилиши, Атоуллоҳ Ҳусайнийга шаҳарнинг гўзал жойидан ҳашаматли ҳовли олиб бериши б-н боғлиқ воқеалар шулар жумласидандир.

Ўнинчи мақсад – Навоий ҳаётига оид латифа ва мутойибалардан иборат. Фаслда келтирилган 10 та мутойиба шоирнинг ҳозиржавоблиги, топқирлиги, ҳазил-мутойибага усталигини намоён этади.

"Хотима"да ҳам Навоий ҳаёти б-н боғлиқ баъзи бир қизиқ ҳолатлар ва ажойиб ҳикоялар келтирилади.

Асар буюк шоирнинг ўлимига оид тафсилотлар тасвири б-н якунланади.

"М." Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати б-н таниқли матншунос П.Шамсиев томонидан бироз қисқартирилган ҳолда ўзбек тилига таржима қилиниб, 1948 й. И.Султон сўзбошиси б-н нашр этилган. 1967 й. М.Фахриддинов б-н биргаликда тўлдирилган таржимаси иккинчи марта чоп қилинди. Кейин ундан парчалар "Навоий замондошлари хотирасида" тўпламига киритилди. 2015 й.да К.Раҳимов "М."ни тўлиқ таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида чоп эттирди.

МАЛИК НАСИРИДДИН МАҲМУД (ваф. 1357) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Саховат ва очиққўллиги б-н шуҳрат топган. Деҳли шаҳрида дафн этилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан киритилган.

МАЛИК УЛ-КАЛОМ (ар. – сўз султони) – ўтмишда ёркин истеъдоди, юксак маҳорати, бадиий баркамол асарлари б-н шуҳрат қозонган ва ад-т оламида баланд мавқе, катта обрў-эътиборга сазовор бўлган шоиру адибларга нисбатан берилган норасмий фахрий унвон. Навоий Мавлоно *Лутфий*ни "ўз замонасининг малик ул-каломи" эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди" деб улуғлайди. *Малик Қумий* ҳам шу ном б-н машҳур бўлган.

МАЛЛУ ИБН МАБОК – "Садди Искандарий" достонида Кашмир шоҳи. У мамлакатининг тоглари, истеҳкоми баланд эканлиги ва сеҳргарларининг сеҳр-жодусига ишониб, Искандарга бўйсунишни хоҳламайди. Искандар Кашмирни забт этганида ҳам М.И.М. сирли кўргонга ел ва ўтни олиб сеҳргарлар б-н бирга беркинади. Бироқ Искандар Кашмирни ҳам, унинг жодугарлари сеҳрини ҳам Афлотун бошчилигидаги ҳакимларнинг илму ҳикмати ёрдамида маҳв этади. Навоий бу б-н оламдаги энг кучли жоду ҳисобланган Кашмир сеҳргарлиги ҳам илму ҳикмат олдида ожиздир, деган фикрни илгари суради.

Деди шоҳи Кашмир беваҳму бок
Ки, оти эди Маллу ибни Мабок.
("Садди Искандарий")

МАЛОМАТИЙЛАР – тасаввуфнинг фирқаларидан бири. 9-асрда Нишопурда *Ҳамдун Қассор* томонидан асос солинган. М. ботин оламини пок тутиб, бу ҳолатни кўз-кўз қилмаслик ва пинҳон тутиш маслагини ёқлаб чиққан. Уларнинг ташқи кўриниши ва қилаётган амалларининг айримлари оддий одамларнинг маломатига сабаб бўлса-да, ички дунёларини футувват ва жавонмардларга хос яхши ахлоқ ва гўзал хислатлар б-н зийнатлаб борганлар. М. риё ва шуҳратпарастликни сайру сулукда энг катта офат деб ҳисоблаб, қасддан маломат ва сарзанишга сабаб бўладиган кичик гуноҳларга йўл қўйган ва шу орқали ибодат туфайли ботиндан пайдо бўладиган такаббурлик ва гурурга берилмасликка интилганлар. Иззуддин Кошоний М. ва тас. аҳли орасида фарқ бор, деб, М.ни ихлос маъниси ва сидқ қоидасига қаттиқ риоя қилиб, қилган яхши амаллари ҳамда тоат-ибодатларини халқ назаридан пинҳон тутадиган жамоат деб ҳисоблайди. Гуноҳкор киши ўз айбини яширишга уринган каби, улар ҳам ўз фазилатларини яширмоққа интиладилар. М.нинг ақидасига кўра, ўзи ёмон одам бўла туриб, одамлар уни яхши киши, деб ҳисоблагандан кўра,

яхши одам бўла туриб, одамлар уни ёмон, деб ҳисоблашлари афзалдир.

"Насойим ул-муҳаббат"да Ҳамдун Қассор, Муҳаммад бин Мансур Тусий, Юсуф бин Ҳусайн Розий, Абу Мансур Говкулоҳ, Иброҳим бин Юсуф Зужожий, Мира Нисобурий, Коко Абулқаср Бустий, Шайх Аҳмад Чиштий, Абу Али Кайёл, Шайх Санъон каби М. тариқига мансуб авлиёлар ҳақида маълумот берилган. "Хамсат ул-мутаҳайирин"да Жомий ҳам тариқатдаги мақом-мартабасини М. йўлига мувофиқ шоирлик ва олимлик пардаси остида яширин тутиб юргани қайд қилинган.

"МАНОЗИЛ УС-СОЙИРИН" ("Сайр қилувчиларнинг манзиллари") – Хожа *Абдуллоҳ Ансорий*нинг асари. 1002 й.да ёзилган. Бу номда муаллифнинг икки асари бўлган: бири араб, иккинчиси форс тилида. Асар Ҳирот аҳлининг сулуклар, манзиллар ҳақидаги саволларига жавоб тарзида ёзилган бўлиб, унда насрдаги сажъ санъатининг юксак намуналари келтирилган. "М."га жуда кўп тас. намояндалари, жумладан, Навоийнинг замондошларидан *Муҳаммад Табодгоний* ва *Камолиддин Ҳусайн* шарҳ ёзганлар.

"МАНОСИКИ ҲАЖ" – Абдураҳмон Жомийнинг ҳаж ва умра шартлари ва одоби ҳақида ёзган рисоласи. Бағдодда ёзиб тугалланган (1473.01.25). "Хамсат ул-мутаҳайирин"нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида берилган.

МАНОТ – исломиятдан олдинги замонда араблар сиғинадиган бутларнинг бири. М. ҳақида оят нозил бўлган (Қуръони карим, 20; 53). "Ал-Асном" китобида берилишича, М. Мадина ва Макка оралиғидаги водийда жойлашган бўлиб, Авс ва Хазраж қабилалари унга энг улуғ топинч сифатида сиғинганлар. Қурайш, Хузайл ва Хузоъа қабилалари ҳам М.га сиғинишган. Ҳижратнинг саккизинчи йили ислом пайғамбари амри билан Али бин Абутолиб бориб, М. бутхонасини бузиб ташлаган.

Куфр элига улки бор эрди Манот,
Бўйнини сен синдурубон бўлди мот.
("Ҳайрат ул-аброр", 9-наът)

МАНОҚИБ (ар. – мадҳу таърифга муносиб эзгу ишлар, гўзал сифатлар) – машҳур дин ва тасаввуф аҳлининг ҳаёти, фаолияти, фавқулодда хусусиятлари, намунали хулқини ёд этиб ёзилган асар. Дастлабки М.лар ҳазрат Али ва унинг авлодлари таърифида битилган. Лекин кейинчалик дину тас.нинг улуғ намояндалари ва раҳнамоларининг ҳаёти ва ҳоллари ҳақида ҳам яратила бошлаган. Бундай М.ларда машҳур шайху валийларнинг ибратли фаолиятлари ва ғайритабиий ҳоллари кўтаринки услубда муболағадор қилиб тасвирланган. Сайид ибн Шаҳобиддин Ҳамадонийнинг Али авлоди таърифига бағишланган "Маноқиб ул-содот", Абдуқаюмхожа ибн Эшон Шамсуддинхожанинг "Маноқиби Хожа Юсуфи Сайфиддини Бохарзий" маноқиблари шулар жумласидандир. Баъзи ад-тшуносларнинг Навоийнинг "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарларини ҳам М. жанри намунаси деб ҳисоблайдилар. Лекин улар тасвирнинг содда ва самимийлиги, ортиқча муболағага йўл қўйилмаганлиги, воқеаларнинг ҳаётийлиги б-н реалистик асарларга ўхшаб кетади. Шунинг учун уларни М. ҳолот деб аташ мақсадга мувофиқроқ. М. ҳолотларда одатда машҳур шайхларнинг ҳаёти, фаолияти, фазилатлари ёритилади ва таржимаи ҳоллари б-н бирга уларнинг шахсияти, замондошлари б-н муносабати, ижтимоий фаолиятига доир ҳикоят, ривоят ва нақллар киритилади. Натижада, М. ҳолотларда илмий ва ижодий далиллар бадиийлик б-н қоришиб кетиб, улар ўз замонаси насрининг намунасига айланган (Б.Назаров).

"МАНОҲИЖ УЛ-ИБОД ИЛАЛ-МАЪОД" – Саъидиддин Фарғонийнинг асари. Тас. фиқҳи мавзуида ёзилган бўлиб, дастлабки бобларда аҳли суннат ва жамоатнинг тўрт мазҳаби бўйича шариат одоблари ҳақида батафсил сўз юритилган, сўнг тас.нинг назарий масалаларига тўхталган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да ушбу асардан мурид ва шайхнинг нисбатлари, турлари ҳамда хирқа кийиш шартлари ва одоблари ҳақидаги парчани иқтибос сифатида келтиради.

МАНСУР БИН АММОР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абуссарий. Марв ёки Бовард шаҳридан эканлиги ҳақида ихтилоф бор. М.А. ҳақида "Табақот ус-сўфия", "Ҳулят ул-авлиё", "Рисолат ал-Қушайрия", "Кашф ул-маҳжуб", "Ал-феҳрист", "Тазкират ул-авлиё", "Таърихи гузида", "Табақот ул-авлиё", "Нафаҳот ул-унс" китобларида қайдлар мавжуд. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАНУЧЕҲР – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган пешдодий ҳукмдор. Фаридун ўз мамлакатини уч қисмга бўлиб, Рум ва Мағрибдан Яман ҳудудигача тўнғич ўғли Салмга, Туркистон ва Чин мамлакатларини Тургa, Хуросон, Форс ва Ироқни кенжа ўғли – Эражга беради. Катта акалари Эражга ҳасад қилиб, уни ўлдирадилар. Фаридун Эражнинг қиз невараси – М.ни тарбия қилиб, ўзига валиаҳд этиб тайинлайди. М. бобосининг қасосини Салм ва Турдан олиб, уларни қатл этади. Боғдорчилик ва сунъий суғориш тизимини йўлга қўяди. Турнинг ўғли Афросиёб б-н уруш қилмай, Эрон ва Турон мамлакатлари ўртасига чегара қўйиб, Аму дарёсини белгилаб олади. М. Шуайб ва Мусо пайғамбарлар даврида ҳукмронлик қилган.

М. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам"да маълумот берилган. "Ҳайрат ул-аброр"да дунё бевафолиги ҳақидаги сатрларда (14-мақолат) М. исми ҳам машҳур ҳукмдорлар қаторида келади. "Садди Искандарий" достонида пешдодий подшоҳларни санашда М. исми ҳам келтирилиб, Фурот дарёсини қаздиргани ҳамда боғлар бунёд этгани ҳақида маълумот берилган:

Манучеҳр бўлди валиаҳд анга
Ки, маснад эди бу куҳан маҳд анга.
Фурот ариғин ул равон айлади,
Шажар эктию бўстон айлади.
("Садди Искандарий", 11-боб)

МАРВ – Туркманистоннинг Байрамали шаҳрининг яқинида жойлашган қадимий шаҳарлардан бири. М.нинг энг қадимий қисми мил.ав.1-минг йилликда пайдо бўлган. М. Парфия ва Сосонийлар давлатида ҳам йирик иқтисодий ва маданий марказлардан ҳисобланган. Араб халифалиги даврида М.да илм-фан ривожланиб, Багдод академиясининг асосини ҳам М.лик олимлар ташкил этган. 11–12-асрларда М. Салжуқийлар давлатининг пойтахти бўлган. Хоразмшоҳлар даврида ҳам М. йирик стратегик марказ ҳисобланганлиги учун мўғуллар 1222 йил шаҳарни буткул хонавайрон қилади. Шоҳрух Мирзо 1410-йилда бузиб ташланган Мурғоб тўғонини қайта тиклаб, шаҳарга сув келтирган, масжид ва бозорлар, ҳаммом ва мадрасалар қурдирган. М. яна обод шаҳарга айланиб, минтақанинг маданий, иқтисодий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган. Султон Ҳусайн Бойқаро қиш фаслини лашкарлари ва аъёнлари билан бирга, асосан, шу ерда ўтказгани сабабли, Навоий ҳам хизмат тақозоси билан М. шаҳрига кўп сафар қилган. Бу ерда у "Туҳфат ул-афкор" қасидасини ёзиб тугаллаган, шунингдек, Жомий билан ёзишмалар олиб борган. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астаробод ҳокими этиб тайинлаш ҳамда Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозорининг жорубкаши вазифасини юклаш ҳақидаги фармойишларини ҳам М.да қабул қилган. Навоий М.да "Хусравия" мадрасаси ҳамда Мавлоно Сиррий хонақоҳини қурдирган.

"Тарихи мулуки Ажам"да келтирилишича, М. шаҳрига Пешдодийлар сулоласи вакили Таҳмурас асос солган. Искандар Зулқарнайн эса уни қайта тиклаган. Сўнгги сосоний ҳукмдор Яздижирд М. шаҳрида тегирмончи қўли билан ўлдирилган. "Насойим ул-муҳаббат" ва "Мажолис ун-нафоис" тазкираларида М.дан етишиб чиққан кўплаб валий, шоир, фозил ва донишмандлар ҳақида маълумот берилган.

Эй сабо, кўздин учур
Мозандароннинг вардини
Ким, қилибмен сурма
Марви шоҳжоннинг гардини.
("Гаройиб ус-сиғар", 637-ғазал)

МАРВАРРУДИЙ, Абулҳусайн – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абубакр Шиблий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАРЖОНИЙ МАҒРИБИЙ, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ (ваф. 912) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ибн ул-Мутарриф Андалусий б-н Маккада ҳамсуҳбат бўлган. Тунисда вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАРСИЯ (ар. – йиғламоқ, аза очмоқ) – бирор кишининг вафоти муносабати б-н унинг хотирасига бағишлаб ёзиладиган мотам шеъри. Кўпроқ машҳур шахслар ва яқин кишилар ўлими муносабати б-н ёзилади. Унда марҳумнинг ҳаёт йўли эсланиб, жамиятдаги мавқеи, эришган ютуқлари, азгу фазилатлари эътироф этилиб, унинг вафотидан афсусланиш, ғам-алам ва ҳасрат оҳанглари ўз ифодасини топади.

М.да асосий эътибор мазмунга қаратилиб, шакл етакчи ўрин тутмайди. Шунинг учун у хоҳлаган жанрда ёзилиши мумкин. Ҳажми, қофияланиш тартиби ҳам қатъий белгиланмаган.

Навоий ижодида иккита йирик М. мавжуд бўлиб, иккаласи ҳам устозлари – ўзига яқин кишилар вафоти муносабати б-н ёзилган. Бири – Абдураҳмон Жомийга бағишланган 7 бандли, ҳар банди 10 байтдан, жами 70 байт–140 мисрадан иборат "Марсия" шеъри бўлса, иккинчиси – Сайид Ҳасан Ардашер хотирасига битилган 7 қисмли, ҳар бир қисми 8 байтдан иборат, жами 56 байт, 112 мисрали таркиббанд.

Ҳар иккала М.да ҳам шоир устозлари ҳаёти ва фаолиятига тўхталиб, уларнинг улуғлик сирларини очиб беради, муболағали тасвирлар ва бетакрор ташбеҳлар орқали устозларининг нафақат ўз даври ижтимоий-сиёсий, илмий-адабий, маданий-маъ-ий ҳаётида тутган ўрни, балки илму ад-т, дину тариқат ривожига қўшган ҳиссаларини кўрсатади, юксак инсоний фазилатлари хусусида сўз юритиб, улардан жудолик алами тугдирган ғаму ҳасратларини ҳассос мисраларда ифода этади.

Жомийга бағишланган "М."ни шоирнинг маъракаси куни Ҳусайн Воиз Кошифий минбардан туриб халққа ўқиб берган.

Сайид Ҳасан Ардашер вафот этганида Навоий Ҳиротда бўлмаган – салтанат ташвишлари б-н сафарда бўлган. Шаҳарга қайтиб, энг яқин кишисидан ажралганини эшитган шоир чексиз дарду изтироб б-н М.-таркиббандини битиб ҳовуридан тушади.

Ўз-ўзидан устозлари вафоти баҳона мутафаккир шоир ҳаёт ва ўлим, тириклик моҳияти ва инсон умрининг маъноси б-н боғлиқ кўп йиллик кузатишлари, фалсафий фикр-мушоҳадаларини ҳам М.лари қатига сингдириб кетади. Чунончи, Жомийга бағишланган М.нинг илк бандида фалакнинг жафокорлигию дунёнинг бевафолиги талқинини кўрамиз:

Ҳар дам аз анжумани чарх
жафое дигар аст,
Ҳар як аз анжуми ў доғи
балое дигар аст.
Ҳаст мотамкадае даҳр,
ки аз ҳар тарафаш
Дуди оҳи дигару нолаи вое дигар аст.

(Мазмуни: Ҳар нафас фалак томонидан янги бир жафо етишади, унинг ҳар бир юлдузи бир ўзга балонинг доғидир. Бу дунё бир мотамхонага ўхшайди – унинг ҳар тарафидан келадиган оҳ тутуниб, оҳу воҳ ноласи бошқачадир).

Ўз ўлими б-н жаҳон аҳлини қиёматгача фироғига зор қилиб кетган зотни барча фанда олам ягонаси, башар жинсининг энг афзали деб таърифлайди:

Дўстон, дар ҳама фан нодираи олам кў?
Афзалу аълами авлоди бани одам кў?

Сайид Ҳасан вафотига бағишланган таркиббандини ҳам дунёнинг ситамгарлиги ҳақидаги мулоҳазалар б-н бошлаб, кейин устози таърифига ўтади – етти фалак дуржида у каби пок дур йўқлиги, у солики атвор, кошифи асрор, фақр манзилларининг йўлчиси ва етакчиси, фано аҳлининг пешвоси бўлган муршиди аҳрорлиги ва бошқалар хусусида сўз юритади, ўзи б-н устози орасидаги муносабат ва якинликка тўхталади.

Мени мотамзадаға ҳам ота,
ҳам муршиду пир,
Балки ҳам ғамхўру ҳам ёвару
ҳам ёр кани?

Дунёдан шикоят б-н бошланган таркиббанд дунёга кўнгил боғламаслик, умрга эътимод қилмаслик, фақат Ҳақ боқию бошқа барчаси фонийлиги ҳақидаги панду ўгитлар б-н ниҳоясига етади:

Ҳар киши комил эрур,
бас анга Ҳақ бандалиғи.
Мундин узга тамаъи
касби камол айламангиз...
Олами фоний учун ранжу
машаққат чекманг,
Мол учун ғам емангиз,
фикри манол айламангиз.

Навоий М.лари ҳам фалсафий мулоҳаза-муҳокамалар, тас-ий юялар, ахлоқий-таълимий фикрларга бойлиги, ҳам бадиий жиҳатдан юксаклиги б-н ўзига хос аҳамиятга эга.

МАРЯМ БАСРИЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Басрада яшаган. *Робиа Адавия* б-н ҳамсуҳбат бўлган. Ишқи илоҳий ҳақида сўз борган бир мажлисда юраги ёрилиб, жон берган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАРҒИНОИЙ, Иброҳим – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Марғилон шаҳрида туғилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАСИҲИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Фушанж вилоятидан экани, покиза табиатли, камтар ва шўх табъга эгалиги, "яхши ашъори бор"лигини айтиб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтиради:

Моро ба жафо кушта,
пушаймон шуда боши,
Хуни дили мо рехта,
пазмон шуда боши.

(Мазмуни: Мени бир жафо б-н ўлдириб, пушаймон бўлгандирсан, юрагим қонини тўкиб, хафа бўлгандирсан). Шунингдек, тазкирада М.нинг Каъба сафарига чиққанида бир чўлда оёғига тикан кириб, *муғилон* дарахти соясида тиканларни суғуриб ўтирганида, карвон аҳлидан бир шўх табъли киши унинг шеърига жавобан қуйидаги байтни айтганлиги ҳақида маълумот келтирилади:

Аз ранжи раҳи дуру
сархори муғилон,
Аз омадани Каъба
пушаймон шуда боши.

(Мазмуни: Йўлнинг узоқлиги ва муғилон тиканлари машаққатидан Каъбага келаётганингдан пушаймон бўлгандирсан).

МАСНАВИЙ (ар.) – иккилик. Ҳар банди икки мисрадан таркиб топувчи ва *а-а, б-б, в-в*... тарзида қофияланувчи шеър тури. Бундай қофияланиш тизими ниҳоятда қулай бўлганлиги учун воқеабанд шеърий асарлар, манзумалар ва достонлар М.да ёзилган.

Мумтоз форс ад-тшунослигида М. ҳақидаги илк қарашлар Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" асари (13-аср)да келтирилган бўлиб, муаллиф бу жанрга қуйидагича таъриф беради: "...Ажам шоирлари ҳар бир байтдаги мисраларнинг ўзаро қофиядош бўлиши нуқтаи назаридан уни маснавий деб атайдилар".

Туркий ад-тшуносликда М. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асарида келтирилган. Муаллиф М.ни ўнта шеър навъларидан бири сифатида санаб, унинг кўпроқ назмий қиссалар учун мос шеърий шакл эканлигини таъкидлайди.

Туркий ад-тда М. шакли биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" достонида истифода этилган.

Алишер Навоий ижодида М. жанри алоҳида ўринга эга бўлиб, шоир ўзининг "Сабъаи сайёр" достонида бу жанрни алоҳида тавсифлаб, уни "васеъ" – кенг майдон деб атайди:

Маснавийким, бурун дедим они,
Сўзда келди васеъ майдони.

Мумтоз ад-тимиз тарихи, хусусан, Алишер Навоий ижодида яратилган М.ларни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1) лирик М. (шоирнинг лирик кечинмалари, ҳис-туйғулари ифода этиладиган шеър шакли);

2) эпик М. ёки достон (сюжет асосига қуриладиган катта ҳажмли асар).

"Хазойин ул-маоний" куллиётидан ўрин олган М. лирик М. бўлиб, "Ғаройиб ус-сиғар" девонига киритилган. М. шеърий мактуб тарзида ёзилган ва ҳажман 148 байтдан иборат. Навоийшуносликда ушбу М. таржимаи ҳол хусусиятига эгалигидан "Ҳасби ҳол", нома жанрига мансублигидан "Навоийнинг Сайид Ҳасанга шеърий мактуби" деб ҳам юритилади. М.да анъанавий Аллоҳ ҳамди ва Пайғамбар наътидан сўнг шоирнинг устози ва дўсти Сайид Ҳасан Ардашер шахсига таърифу таҳсинлар айтилади, унинг фазлу камолоти, вафодорлиги ва саховати мадҳ этилади:

Вафо анга пеша, сахо анга фан,
Вафову сахо кони Сайид Ҳасан.

Кейинги байтларда шоир мактуб ёзишдан асосий мақсадини баён қилиб, унинг бошига мусофирлик – Ватан тарки тушганлигини маълум қилади ва ушбу сафарнинг сабаблари сифатида қуйидагиларни санаб ўтади:

1) Хуросонда ижод қилиш учун имконият йўқ. Шоир назмда қобилият жиҳатидан Низомийга тенг. Фирдавсий ва Низомий 30 й. вақт сарфлаб ёзган "Шоҳнома"ю "Хамса"ни 30 ойда ёза олишга ўзида қувват сезаянти, лекин бунинг учун етарли шароит ва фурсат йўқ:

Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире...
Етар Тенгридин онча қувват манга,
Ки бўлмас битирига фурсат манга...
Не "Шаҳнома"ким, "Хамса"ға урсам эл,
Анинг панжаси сори еткурсам эл.
Ўтуз йилки они Низомий демиш,
Қошимда эрур икки-уч йиллик иш...

2) юртдаги нотинчлик. Одамларда бир-бирига вафо йўқ. Вафонинг ўрнини нифоқ, саховатнинг ўрнини бахиллик эгаллаган. Мамлакат шоҳи (Абусаид Мирзо) халқ уйини катакдек бузиб, товуқ ўрнига бойўғлини ўтказиб қўйган. Одамларда кишиликдан нишона йўқ, ҳамма жойда ёмонлик ҳукмрон. Кунгил ором топадиган бир ҳужра йўқ. Тасалли берувчи бирор киши, кетаман, деса этагидан тутадиган умр йўлдоши, кетса айриликдан эзиладиган дўсти йўқ:

Яна бир буким, эоҳир ўлмиш манго,
Ки, чиқмиш Хуросон элидин вафо...
Вафо ерида зоҳир ўлмиш нифоқ,
Сахо ўрнида бухл тутмиш висоқ...
Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,
Товуғ ўрнига чўғд ўлтурғузуб...
Не ёреки, ранжимни қилғай қабул,
Не зореки, хажримдин ўлғай малул.

3) илм эгаллашга бўлган эҳтиёж. Навоийнинг фикрича, "ҳақ сирринининг маҳрами" қилиб яратилган инсон Аллоҳни маърифат орқали таниши керак:

Эмас эрди мақсуд жуз одамий
Ки, ҳақ сирининг бўлғай ул маҳрами.
Баридин ғараз ғарчи инсон эди,
Анга даҳи мақсуд ирфон эди...

Тас. таълимотига кўра, Аллоҳни таниш 2 йўл орқали амалга оширилади:

1.Ҳақдан жазба етиши, яъни Аллоҳ ёди б-н ўзлигидан бехабар бўлиб юриш, мақомларни эгалламасдан туриб, ҳол мартабасига эришиш, бу йўлни Навоий "мажзуби солик", деб атайди.

2. Пирга қўл бериб, унинг иродаси б-н риёзат чекиш ва ундан сўнггина жазба етиши, бунда аввал тариқатдаги мақомларни босиб ўтгандан кейингина ҳол мартабасига эришилади, бу йўлни Навоий "солики мажзуб", деб атайди. Навоий биринчи йўлга эришиш муяссар бўлмагач, пири комил топиб, ўзини унга топширишга қарор қилади:

Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топқач ўзин анга топшируб...
Чу аввалғи иш бўлмади дастгир
Икинчисидин хўб эмастур гузир.

М. шоирнинг тез орада устози б-н дийдор кўришиш орзуси б-н якунланади:

Бу эрди сўзумким дедим мен ғариб,
Яна Тенгри дийдор қилғай насиб.

М. мутақориб баҳрининг *мутақориби мусаммани маҳзуф* ёки *мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *фаувлун фаувлун фаувлун фаал* ёки *фаувл* V – – / V – – / V – – / V – ёки V –) вазнида яратилган.

Алишер Навоий ижодида 6 та эпик М. ҳам мавжуд бўлиб, улардан бештасини "Хамса" таркибига кирувчи достонлар ташкил этади (қар.: "*Хамса*"). Буюк мутафаккирнинг умри охирида ёзган эпик М.и "Лисон ут-тайр" достонидир (қар.: "*Лисон ут-тайр*").

МАСТЛИК – кайф келтирувчи бирор нарса истеъмолидан ёки бирор воқеа-ҳодиса таъсиридан ҳушёрликни йўқотиш ҳола-

ти. Тас.да мушоҳада соҳиби бўлган соликнинг Ёр жамолининг мушоҳадасидан пайдо бўладиган ҳайрати тушунилади. Хожа *Абдуллоҳ Ансорий*нинг талқинига кўра, М. уч хил бўлади: 1) нафс мастлиги – ичкилик таъсири ёки нафсга хуш келувчи нарсалар (мол-дунё, куч-қувват, мансаб, зоҳир чиройи)дан ҳосил бўладиган М. Ақл устидан ғалаба қилган ғафлат шароби туфайли нафс маст бўлиб, турли қабиҳ амалларга сабаб бўлади. Бундай М. кишини гумроҳлик ва ҳалокатга етказади. 2) Кўнгил мастлиги – тафаккур орқали нарсаларнинг моҳиятига етиш ҳамда маърифат шаробидан сармаст бўлиш. 3) Руҳ мастлиги – фано босқичидаги сукр ҳолати.

Навоий жаҳолат майидан М.ни қанчалик қораласа, маърифат шаробидан маст бўлишни шунчалик тарғиб этган. Навоий асарларидаги М. таърифига бағишланган байтларнинг барчаси кўнгил ва руҳ мастлиги ҳақидадир, деган хулоса олимлар томонидан якдиллик б-н эътироф этилган.

Истарам мастлиғ ул янглиғким,
Улгуча бўлмасам ўздин огоҳ.

("Фавойид ул-кибар", 528-ғазал)

МАСЪУД – "Сабъаи сайёр" достонидаги тўртинчи ҳикоят қаҳрамони. Тирозлик олижаноб ва меҳмондўст йигит. Ҳикоятда тасвирланишича, Деҳли подшоси Жуна ўзидан ҳам сахий деб таърифланган М.нинг ҳимматини синаш мақсадида ўзини танитмаган ҳолда уникига меҳмон бўлиб боради. М. уни жуда яхши кутиб олади, меҳмондўстлик расмини бекаму кўст бажариш б-н биргаликда Жунага шароби тугамайдиган қадаҳ, учқур от ҳамда гўзал созанда канизагини совға қилади. Жуна бу меҳмондорчиликка жавобан пойтахтига қайтгач, унга Тироз ҳокимлигини инъом қилади. Бироқ Тирознинг амалдаги ҳокими Жайпур ва унинг ноиби Баллу М.дан қутулиш учун уни зиндонга солиб, беҳад азоб берадилар. Шунда М.га аввалдан ошиқ бўлган Баллунинг қизи уни бир амаллаб зиндондан қутқаради. Улар хору зорликда Деҳлига етиб келадилар. Ҳаммол сифатида шоҳ саройига кирган М. тахтда ўтирган киши бир пайтлар ўзидан беҳад меҳмоннавозлик кўрган киши эканлигини билса ҳам, ундан бирор нима таъма қилишга ор қилиб, саройдан билдирмай чиқиб кетмоқчи бўлади. Бироқ созанда канизаги уни таниб қолади. Бу ҳикоятда ҳиммат ва саховат б-н бирга қаноат ҳам улуғланади.

Кўрди Масъуд ул сифат меҳмон,
Фазлу дониш аро ваҳиди замон.

("Сабъаи сайёр")

МАСЪУД ШИРВОНИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ширвонлик шоир. Ҳиротга келиб, илми калом, мантиқ ва фал. б-н машғул бўлган. Абдураҳмон Жомий ҳузурида кўп илмлардан сабоқ олган. "Ғиёсия" ва "Гавҳаршодбегим" мадрасаларида мударрислик қилган, Навоий ҳам унинг баъзи дарсларини эшитган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида унинг яхши хулқ соҳиби, дарвеш ва фонийсифат киши экани, ундан сабоқ олиш учун толиблар узоқ мамлакатлардан Ҳиротга келиши ҳақида маълумот беради. Навоийнинг келтиришича, М.Ш. бир куни у б-н пешин намозини бирга ўқийди. Намоз тугаганидан сўнг у яна икки ракаат қўшимча ўқийди. Шунда Навоий "таҳвилдор ҳисобин адо қилурда фазл келтурмак хиёнат далилидур" (хазиначининг ҳисобини адо қилишда ортиқчаликка йўл қўйиш хиёнатни билдиради) деган жумлани айтади ва бу жумла эл орасида машҳур бўлиб кетади. Шундан сўнг М.Ш. "икки ракаат ортиқча намоз ўқидим, кўп йиллар унинг маломатидан қутула олмадим", деган экан. Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асарида ёзилишича, М.Ш.нинг "Ҳошияи шарҳи ҳикмат ул-ғайн" деган асари ҳам бўлган. Фахрий Ҳиротий "Мулло шудан осон аст, одамий шудан душвор" (Мулло бўлиш осон, одам бўлиш қийин) деган жумлани унга нисбат беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Бисўз синаи мастон ба
риққати маи ноб
Ки, нест сўзи маро созкор ғайри шароб.

(Мазмуни: Мастлар кўксини тиниқ майнинг ўткирлиги б-н куйдир, менинг куйишимга шаробдан бошқа ҳеч нарса даво бўла олмайди).

МАСЪУД ҒАЗНАВИЙ (ҳук. 1030–1041) – Ғазнавийлар сулоласининг вакили. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли. Отаси вафотидан сўнг укасини зиндонга ташлаб, ўзи тахтга ўтиради. Рай ва Ҳамадондаги исёнларни бостириб, мамлакат яхлитлигини таъминлайди. Мукрон ва Ҳиндистоннинг бир қисмини ўз ҳудудига қўшиб олади. Салжуқийлар б-н бўлган икки урушда мағлуб бўлади. Ҳиндистонга қилган юришида қуллар М.Ғ.га қарши исён кўтаради, ўрнига укаси Муҳаммадни тахтга ўтқазиб, сўнг М.Ғ. ни зиндонга ташлаб қатл этадилар.

М.Ғ. номи "Садди Искандарий"да адолат бобидан кейин келган ҳикоятда келтирилган. Унга кўра, М.Ғ. кўрган тушидан мутаассир бўлиб, умри охиригача адолат б-н ҳукмронлик қилади.

МАТЛАЪ (ар. – қуёш, ой, юлдузнинг чиқиш жойи, бошланиш, мабдаъ) – ғазал ёки қасиданинг ҳар икки мисраси ўзаро қофияланадиган биринчи байт. Ўқувчи ёки эшитувчини ўзига тортиши, шеърнинг давомини ўқишга рағбат уйғотиши учун шоирлар М.нинг шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан юксак чиқишига катта эътибор берганлар. Бетакрор сўз ва иборалар, фавқулодда ва оҳорли ташбеҳлар, нозик тахайюл ва дақиқ фикрлар б-н уни ҳар жиҳатдан мукаммал қилишга – *ҳусни матлаъ* даражасига кўтаришга интилганлар. Родуёнийнинг ёзишича, илк байтнинг шакл ва мазмун жиҳатидан гўзал бўлиши балоғат қоидаларидан ҳисобланади. Бундай пурмаъно ва пурлатофат байт ўқувчини шеърнинг асосий юсини бутун теранлиги ва нозиклиги б-н тушунишга тайёрлайди ва ҳусни матлаъ номини олади. Ёш Алишернинг:

Оразин ёпқоч, кўзумдин
сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз,
ниҳон бўлғоч қуёш, –

М.си Лутфийни ҳаяжонга солиб, ўзининг 12 минг мисрадан иборат бутун меросини унга алмашишга рози бўлганлиги бежиз эмас. Одатда, М. қиёмига етмай туриб, шеър ёзишга ўтирилмаган. Тазкираларда шоир маҳоратининг даражасини кўрсатиш мақсадида асосан ғазал ёки қасидаларидан М.лар келтирилган.

"МАТЛАЪ УЛ-АНВОР" ("Нурларнинг бошланиши") – Амир Хусрав Деҳлавий "Хамса"синиг биринчи достони, 1299 й.да Низомий Ганжавийнинг *"Махзан ул асрор"*ига жавоб тарзида ёзилган. Достон тасаввуфий-фалсафий масалаларга бағишланган бўлиб, 3310 байтдан иборат. Анъанавий муқаддимадан сўнг 20 мақолат ва 20 ҳикоятни ўз ичига олган асосий қисм келади. Мақолатлар қуйидаги назарий масалалардан таркиб топган: 1-мақолат иймон, 2-мақолат маърифат, 3-мақолат сўз, 4- ва 5-мақолат тўлалигича ислом ва унинг аҳкомлари, 6-мақолат тас. ва суфийлар, 7-мақолат қаноат, 8-мақолат ишқ, 9–12-мақолатлар исломда улугланган эзгу амаллар, 13-мақолат подшоларнинг фақирларга ёрдам беришлари, 14-мақолат хоинлик, 15-мақолат зулм маломати, 16-мақолат туғма хислатлар, 17-мақолат ёшлик, 18-мақолат кексалик, 19–20 мақолатлар дунёнинг ғаддорлиги ва бевафолиги б-н боғлиқ масалаларга бағишланган. Ҳар бир мақолатдан сўнг унинг мазмунига мос равишда кичик ҳажмли ҳикоят келтирилган. Сўнгги бобдан муаллифнинг ўз қизи Масturага насиҳати ўрин олган. "М." Низомий достони сингари *сариъ* баҳрининг *сариъи мусаддаси матвийи мақшуф* (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун – VV – / – V V – / – V –) вазнида ёзилган. Навоий "М." номини "Ҳайрат ул-аброр" достонининг 12-бобида Низомий достонига ёзилган энг яхши татаббуъ сифатида тилга олган.

"МАХЗАН УЛ-АСРОР" ("Сирлар хазинаси") – Низомий Ганжавий "Панж ганж"ининг биринчи достони. 1180 й.да Ҳаким Саноийнинг "Ҳақиқат ул-ҳақиқа" достонига жавоб тарзида ёзилган. "М." фалсафий-ахлоқий масалаларга бағишланган бўлиб, 18 бобдан иборат муқаддима, асосий қисм ва хотима бобни ўз ичига олади. Муқаддима ҳамд, икки муножот, наът, меърож туни таърифи, тўрт салавот, Малик Фахриддин Баҳромшоҳ мадҳи, китобнинг

мақоми ва мартабаси, сўз фазилати баёни, манзум сўзнинг мансур сўздан афзаллиги, тун тавсифида, биринчи хилват, биринчи хилват самараси, иккинчи хилват ва иккинчи хилват самараси б-н боғлиқ боблардан ташкил топган. Асосий қисм 20 мақолат ва ҳар бир мақолатга илова қилинган 20 ҳикоятдан иборат. Биринчи мақолат Одамнинг яратилиши ҳақида бўлиб, унга "Ноумид подшо ва уни Худо кечиргани" ҳикояти илова қилинган. 2-мақолат адолат, 3-мақолат олам ҳодисалари, 4-мақолат халқига меҳрли шоҳлар, 5-мақолат кексалик, 6-мақолат борлиқ, 7-мақолат инсоннинг бошқа махлуқотлардан улуғлиги, 8-мақолат яратилиш, 9-мақолат ҳиммат ва оқкўнгиллик, 10-мақолат охирзамон аломатлари, 11-мақолат дунёнинг бевафолиги, 12-мақолат манзил б-н видолашмоқ, 13-мақолат жаҳон маломати, 14-мақолат ғафлат маломати, 15-мақолат ҳасадгўйлар, 16-мақолат йўлнинг шиддат б-н босиб ўтилиши, 17-мақолат ибодат ва танҳолик, 18-мақолат мунофиқлар, 19-мақолат охиратни қарши олиш ва 20-мақолат замондошларнинг ҳаёсизлигига доир масалаларга бағишланган бўлиб, ҳар бир мақолатдан сўнг унинг мазмунига мос ҳолда ҳикоят келтирилган. "М." хотима боб б-н якун топади. Достон сариъ баҳрининг *сариъи мусаддаси матвийи мақшуф* (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун – VV – / – V V – / – V –) вазнида ёзилган. Навоий "М." номини "Ҳайрат ул-аброр" достонининг 12-бобида ҳамда "Муҳокамат ул-луғатайн"да ўз асарларига муайян тарзда асос бўлган манбалар қаторида тилга олади.

МАШТУЛИЙ, Абу Али Ҳасан бин Али бин Мусо (ваф. 952) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мисрдаги Маштул кентида туғилгани учун "Маштулий" нисбасини олган. Тас. сирларини *Абу Али Котиб ва Абу Яъқуб Сусий*дан ўрганган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни қисқартириб киритган.

МАШҲАД – Эроннинг Хуросон ўлкасидаги йирик шаҳарларидан бири. 10-асрда Навқон кишлоғи ўрнида барпо этилган. Ислом Пайғамбарининг саккизинчи авлоди – Имом Али Ризо шу ерда вафот этгани учун "Машҳад" ("шаҳид бўлган макон") номи билан шуҳрат қозонган. М. шиаларнинг диний-мазҳабий маркази, савдо-сотиқ ва илм-маданият ривожланган шаҳарларидан бири ҳисобланган.

М.нинг Алишер Навоий ҳаётидаги ўрни ҳақида фанда баҳсли фикрлар мавжуд. Кўп тадқиқотчилар 1456–1464 йилларни Алишер Навоий ҳаётининг М. даври сифатида алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Сўнгги тадқиқотларда (Қ. Эргашев) Навоий 1456 й.да Султон Абулқосим Бобур билан бирга М.га келган ва унинг вафотидан сўнг (1457 й.) М.ни тарк этган, деган хулоса илгари сурилади. Шуниси аниққи, Навоийнинг М. билан алоқаси ҳеч қачон узилмаган ва умр бўйи давом этган. "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарида М.да касал бўлиб ётиб қолгани, Паҳлавон Муҳаммад уни парваришлагани ҳақида ёзади. "Мажолис ун-нафоис" ва "Насойим ул-муҳаббат" тазкираларида ўзи шахсан билган машҳадлик шайх, шоир ва фозил кишилар ҳақида маълумот берган.

"Макорим ул-ахлоқ"да келтирилишича, Навоий М.даги Имом Мусо Али Ризо зиёратгоҳида "Дор ул-ҳуффоз" (қорихона), "Ғалвирхона" (камбағалларга бепул овқат тарқатиладиган хайрия биноси), Гавҳаршодбегим мадрасасининг ғарбий томонида муҳташам бир айвон барпо этган. Шаҳарнинг ташқарисида мусофирларга бепул бошпана берадиган работ қурган. Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасида ўн фарсах узунликдаги арик қазилиб, Тус шаҳрининг Чашмаи Гил суви М.га келтирилгани ҳам бевосита Навоий ҳиммати билан амалга ошгани ҳақида маълумот беради.

Музайян қилма мармар
тоши бирла туфроғим бошин
Ки, кўнглум дуди Машҳад
тоши айлар машҳадим тошин.
("Бадоеъ ул-васат", 505-ғазал)

МАЪРУФ КАРХИЙ, Маъруф бин Фирузон Кархий Куфий (ваф. 816, Бағдод) – суфий, маъруфия тариқатининг асосчиси. Бағдоднинг Карх маҳалласида яшаганлиги учун "Кархий" нисбаси б-н машҳур бўл-

ган. Довуд Тоийдан тас. сирларини ўрганган. Зуннун Мисрий, Бишр Ҳофий, Имом Аҳмад Ҳанбал, Сарий Сақатий, Иброҳим Сайед Багдодий, Иброҳим бин Исо каби машҳур олим ва сўфийлар б-н ҳамсуҳбат бўлган. Шайх Абулҳасан Фурайсийнинг сўзига кўра, М.К.нинг қабри дуолар мустажоб бўладиган табаррук зиёратгоҳдир.

М.К.нинг исми нақшбандия, кубравия, заҳабия, неъматуллоҳия, нурбахшия, бектошия каби 14 та тас. тариқати силсиласида учрайди. Шу сабабли, унинг тариқати "уммус-салосил" (силсилаларнинг онаси) деб ҳам аталади.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да М.К.га ҳақида алоҳида фасл ажратган. М.К.нинг исми лирик асарларда ирфоний-ахлоқий мавзуларни ёритишда қўлланилган:

Фано тариқида бирдек
эмас бори маъруф,
Бирига Карҳдурур жилвагаҳ,
бирига Курух.
("Наводир уш-шабоб", 111-ғазал)

МАҚДИСИЙ, Абдуллоҳ бин Исом – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ислом пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)ни тушида кўриб, у зотдан тас. нинг ҳақиқати ҳақидаги саволига жавоб олган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАҚЛУБИ МУСТАВИЙ (ар. – тенг қилиб агдарилган) – мисра ёки байт таркибидаги ибора ёки жумлаларнинг тескари ўқилганда ҳам маъно англатишига асосланган бадиий санъат. Бунда шоир бирор жумла ёки иборани ҳар иккала томон – ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам ўқий оладиган қилиб тузиши назарда тутилади. М.м. ҳақидаги дастлабки маълумот Умар Родуёнийнинг "Таржумон ул-балоға" (11-аср) асарида келтирилган бўлиб, муаллиф ушбу санъатни *қалб* ёки *мақлуб* санъатининг кўринишларидан бири сифатида келтиради ва унинг икки турини санаб ўтади:

тескари ўқилганда вазн ва маъно сақланиб қоладиган М.м.;

1) вазн ва маъно ўзгаришга учрайдиган М.м.

М.м.ҳақидаги нисбатан мукаммал маълумотлар Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-санойеъ"асарида учрайди. Муаллиф ўз асарининг лафзий санъатларга ажратилган қисмида *мақлуб* санъатининг тўрт кўринишидан бири сифатида М.м.ни келтириб ўтади ва ушбу санъатнинг 6 даражасини санаб ўтади.

М.м. ҳақидаги маълумотлар туркий шеършуносликка доир илк манба Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" (1436–37) асарида ҳам учрайди. Асарда мазкур санъатга қуйидагича таъриф берилган:

"Бу анингтек бўлурким, бир мисраъни тамом тақлиб қилсалар, яна бир мисраъ кўпор. Ҳамул мисра бўлур". Бунда Шайх Аҳмад Тарозий М.м. санъати остида мисрани тўлалигича тескари ҳолда ўқишни ва шу орқали янги мисра ҳосил бўлишини назарда тутган.

Алишер Навоий асарларида М.м. назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, Навоий "Мажолис ун-нафоис"да шоирлар маҳоратига баҳо беришда унга тўхталиб ўтади. Хусусан, Атоуллоҳ Ҳусайнийга ажратилган фаслда шоирнинг бир байтини таҳлил қилар экан, унинг маҳоратини аниқлаш учун ушбу санъат қўлланган байт кифоя қилишини айтади: "Бовужуди ихтисор мақлуби муставий санъатидаким, андин мушкулроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:

Шаккар даҳано ғаме надорий,
Дайр о данийи муғона даркаш.

Анинг табъи диққатиға бу байт далили басдур" ("Мажолис ун-нафоис").

Шунингдек, "Мажолис ун-нафоис"да Мавлоно Шиҳоб номли ижодкорга баҳо берар экан, унинг ҳар икки мисрасида М.м. санъати вужудга келувчи байтини келтиради:

Муши хари фаррух шавам,
Дарки рақам қар кард.

Бунда ҳар бир мисра алоҳида тескари ҳолда ўқилганда, яна ўша мисра ҳосил бўлади. Лекин байтда шаклга эътибор кучайиб кетиб, маънога путур етган. Биринчи мисра "Фаррух эшагининг сичқони бўлай" деган мазмунни билдиргани ҳолда иккинчи мисрадан маъно англашилмайди.

Алишер Навоий "Хамса"си таркибига кирувчи достонлар сарлавҳаларида ҳам М.м. санъати қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, "Ҳайрат ул-аброр" достонининг бешинчи мақолати қуйидагича сарлавҳаланган:

"Карам васфидаким, қалби ***дирам марги*** *дурур, балки раҳмат шажарасининг барги ва бухлким, сахо қалбидин холи бўлса, ниҳоятсиз бало бўлур ва базл сурати кўргузмаса, муруватдин ҳадсиз хало ва исроф нафйиким, ҳар ёнидин боқса офати беҳад эрур ва итлоф мазамматиким, кўпрок ҳар фи лоффдин хабар берур".*

Бунда "дирам марги" (пулнинг ўлими) жумласи тескари ўқилса, "карам марди" (саховатли мард) сўзлари пайдо бўлади.

"МАҚОМОТИ ЖОМИЙ" – Мавлоно Абулвосеъ Бохарзийнинг Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзган асари. Навоийнинг топшириғи билан ёзилган ушбу "М."да Жомийнинг насл-насаби ва болалик давридан бошлаб, вафотига қадар бўлган воқеа-ҳодисалар, жумладан, 15-аср Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, илмий-адабий ҳаёт ҳамда Жомийнинг бу жараёнлардаги фаол иштироки ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. "М."да Жомий ва Навоий муносабатлари, устоз ва шогирднинг бир-бирига бўлган муҳаббати ва самимиятини билдирувчи маълумотларга ҳам ўрин берилган. "М."да келтирилишича, Жомий Алишер Навоий "Хамса"сини "Ҳусайн Бойқаро давлатчилигининг энг улуғ самараси", "дин ва дунё ишлари учун энг муҳим қўлланма" сифатида эътироф этган. Шунингдек, Жомий вафотида Навоий таъзия соҳиби сифатида маъракаларга бош-қош бўлгани, йил ошида Ҳусайн Воиз Кошифий Навоийнинг Жомийга бағишлаб ёзган марсиясини ўқиб бергани, Навоийнинг ҳиммати билан Жомийнинг қабри устида муҳташам мақбара, хонақоҳ ва масжид бунёд этилгани ҳақидаги маълумотлар "М."нинг хотима қисмини ташкил этган. "М."нинг иккита нусхаси ТошДШИ ШҚМ қўлёзмалар хазинасида (инв. № 2480 ва № 2481) сақланади. "М."нинг танқидий матнини афғонистонлик олим Нажиб Мойил Ҳиравий изоҳ ва кўрсаткичлар билан нашр этган.

Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида "М."га юқори баҳо бериб, Жомийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда муҳим манба эканлигини эътироф этган:

"...Аларнинг бу навъ ҳолот ва камолот ва каромотларидан азизларки, мисли Мавлоно Абулвосеъки, басе фазоили ҳамида била оростадур ва Мавлоно Аҳмад Пир Шамским, басе ҳасоили писандида била пироста кутуб ва расоил битибтурлар, маълум қилай деган киши ул китоблардин маълум қила олур" ***("Хамсат ул-мутаҳаййирин", Хотима).***

МАҚТАЪ (ар. – бирор нарсанинг узиш, кесиш жойи) – ғазал ва қасиданинг охирги, якунловчи байти. Унда шеър давомида ифодаланган фикру ғоялар, тасвирланган туйғу – кечинмалар умумлаштирилибгина қолмай, шоирнинг ўз-ўзига ёки барчага қаратилган хулоса ҳам чиқарилади. М.нинг ифода ва бадиият жиҳатидан гўзал ва юксак бўлиши балоғат қоидаларидан ҳисобланади. Таъсирчан сўзлар воситасида салмоқли маънони юзага чиқарган бундай байтлар *ҳусни мақтаъ* ҳам дейилади. У композицион жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, шоирнинг аҳволи ва мақсадини, хоҳиш ва истагини ўзида мужассам этади. Сўнгги байтда шоирнинг тахаллуси келтирилган бўлса, у *байти тахаллус* деб ҳам юритилади. Мумтоз шеъриятда шеърни чиройли, таъсирчан ва мазмундор қилиб якунлаш ниҳоятда муҳим саналади. Мас., Алишер Навоийнинг ишқ ичра шоҳу гадонинг мавқе-мақоми, қиёси-нисбатига бағишланган ғазали қуйидаги М. б-н якунланади:

Эй Навоий, сидқ ила бўлгил
гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса,
бу давлатни топмас подшоҳ.

Анъанага кўра, М.да шоир тахаллуси қўлланади, лекин тахаллуссиз М.лар ҳам учраб туради. Саъдийнинг кўпгина ғазалларида тахаллус М.дан олдинги байтда келади. Бу ҳолни Навоийнинг айрим ғазалларида ҳам учратамиз.

“МАҲБУБ” – Саъдиддин Ҳумувийнинг асари. Манбаларда “Маҳбуб ул-муҳиббин”, “Матлуб ул-восилин” ёки “Маҳбуб ул-авлиё” номлари б-н ҳам аталади. Араб тилида ёзилган. Ҳарфлар илми ва ҳуруфия ишоратлари б-н боғлиқ масалаларга бағишланган. Навоий ушбу асар номини “Насойим ул-муҳаббат”да Саъдиддин Ҳумувий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” – Алишер Навоийнинг ахлоқий-дидактик асари. Ёзилиш тарихига кўра, Навоийнинг сўнгги асари ҳисобланиб (1500), мутафаккир шоирнинг умри давомида ҳосил қилган тажрибалари, кузатув ва хулосалари асосида яратилган.

Асар муқаддима, уч қисм ва хотимадан иборат. Муқаддимани Навоий анъанага кўра, Аллоҳ ҳамди б-н бошлайди. Муаллиф Аллоҳ таолонинг Ал-Азим, Ал-Муҳсин, Ал-Қодир, Ал-Вожид, Ар-Раззоқ, Ал-Холиқ, Ал-Қаҳҳор каби зотий ва феълий сифатларига изоҳ бериш орқали бандалик изҳор этади. Наът мазмунидаги сатрларда эса, хотамуланбиё вужудидаги тўрт унсурда олдинги пайғамбарлар мўъжизалари яширингани мадҳ этилади. Ислом пайғамбари коинот сарвари ва барча пайғамбарлардан афзал, инсониятнинг энг яхшиси дейилади ва бунинг воситасида ислом динининг ўзак моҳиятини ташкил қилувчи ғоя – барча динлар ўз моҳиятига кўра битта, барча одамлар бир ота-онанинг фарзанди, пайғамбарлар бир-бирларига биродардирлар, деган фикр салавотлар замирига сингдирилади.

Навоий китобнинг ёзилиш сабаб ва мақсадлари ҳақида фикр юритаркан, қисқа жумлалар воситасида ўз ўтмишига назар ташлаб, танқидий назар б-н баҳо беради. Унга кўра, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотган шоир қисматнинг турли синовларига дуч келади; фалак уни гоҳида хорлик ва беэътиборлик б-н, гоҳида шуҳрат ва мартаба б-н имтиҳон қилади; баъзида азиз зотларнинг яхшилигидан баҳраманд бўлади, гоҳида нокас ва безотларнинг дастидан азият чекади; гоҳи муҳаббатнинг кўрасида тобланса, гоҳида зуҳд ва тақво риёзатига маҳкум этилади:

Гаҳе топтим фалакда нотавонлиғ,
Гаҳе курдум замондин комронлиғ.
Басе иссиғ-совуғ кўрдим замонда
Басе аччиғ-чучук тоттим жаҳонда.

Ҳаёти давомида ундан керакли сабоқ олган ва инсонийлик бобида кўп тажриба орттирган мутафаккир ушбу китобни балоғат бусағасида турган ёшларни тўғри йўлдан адашмаслик учун дастуруламал тариқасида ёзганини қайд қилади.

Биринчи қисм “Халойиқ аҳвол ва афъол ва ақволининг кайфияти ҳақида” деб номланиб, шоир ундаги 40 фаслда турли ижтимоий табақаларнинг нияти, фаолияти ва сўзлари ҳақида ўз хулоса ва кузатувларини баён қилади. Бобларга қуйидаги тартибда сарлавҳа қўйилган: 1) Одил салотин зикрида; 2) Исломпаноҳ беклар зикрида; 3) Номуносиб ноиблар зикрида; 4) Золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида; 5) Вузаро зикрида; 6) Ноқобил садрлар зикрида; 7) Фосиқ ва бадмаош, баҳодирлик лофин урғонлар зикрида; 8) Ясовул гуруҳи зикрида; 9) Ясоғлиқ ва қаро черик зикрида; 10) Шоҳ улуси ўзига мушобиҳ бўлур зикрида; 11) Шайх ул-ислом зикрида; 12) Қуззот зикрида; 13) Муфтий фақиҳлар зикрида; 14) Мударрислар зикрида; 15) Атиббо зикрида; 16) Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида; 17) Котиблар зикрида; 18) Дабиристон аҳли зикрида; 19) Имомлар зикрида; 20) Муқрийлар зикрида; 21) Ҳуффоз зикрида; 22) Мутриб ва муғаннийлар зикрида; 23) Қиссасоз ва қиссахонлар зикрида; 24) Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида; 25) Аҳли нужум зикрида; 26) Тижорат аҳли зикрида; 27) Шаҳарда олиб сотқувчилар зикрида; 28) Бозор косиблари зикрида; 29) Сойир ҳунарвар ва санъатпардозлар зикрида; 30) Шаҳна ва зиндоний ва асаслар зикрида; 31) Деҳқонлик зикрида; 32) Ятим ва лаимлар зикрида; 33) Фариб ва бенаволар зикрида; 34) Мубрим гадолар зикрида; 35) Қушчи ва сайёд зикрида; 36) Тарбият топиб, ҳаромнамаклик қилғон навкарлар зикрида; 37) Кадхудолиғ сифати ва хотунлар зикрида; 38) Риёий шайхлар зикрида; 39) Харобот аҳли зикрида; 40) Дарвешлар зикрида.

Ушбу бобларни мазмун-мундарижасига кўра, қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) Подшоҳ ва сарой аҳлининг тавсифига бағишланган боблар (1–10-боблар); 2) Жамиятнинг диний ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган тоифалар (11–13, 19–21-боблар); 3) таълим-тарбия, фан ва маданият соҳалари б-н шуғулланувчи кишилар (16–18, 22–25-боблар); 4) шаҳарда тартибни сақлаш, тижорат, деҳқончилик ва ҳунармандлик б-н шуғулланувчи табақа (26–31-боблар); 5) оиладорлик ва аёллар қатлами (37-боб); 5) кераксиз ва зарарли нарсаларни ўзига касб қилиб олган, аниқ касб-корга эга бўлмаган ҳамда жамиятнинг қашшоқ тоифасига мансуб кишилар (32–34, 36–37, 39–40-боблар).

"М."нинг биринчи қисми жамиятнинг сиёсий-иқтисодий, ҳарбий ва ҳуқуқий ҳаётига масъул бўлган тоифага тавсиф бериш б-н бошланади. Навоийнинг узоқ йиллар давомида ҳосил қилган хулосасига кўра, мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги, осойишталиги ҳамда ривожи, энг аввало, одил подшоҳ, садоқатли бек ва вазирлар, ўз ишига холислик ва диёнат б-н ёндашадиган *садр*лар, фидоий баҳодур ва ясовуллар, шижоатли ва ватанпарвар сипоҳийларнинг дунё ва охират саодатини кўзлаб иш юритишларига боғлиқдир.

Навоийнинг диний арбоблар, шайхлар ҳамда ўрта асрларда жамиятнинг ҳуқуқий тизимини бошқарувчи руҳонийларга бўлган муносабати "М."да яққол ифода этилган. Улуг мутафаккир ҳам диний, ҳам дуневий билимлардан пухта хабардор йирик давлат арбоби сифатида шайхулисломлар, қози ва факиҳлар, тариқат шайхлари, қорилар ва ҳофизи қуръонлар, воизлар ҳақида фикр юритар экан, уларни диёнатли инсонлар ҳамда илмини воситаи жоҳ айлаган диндорлар тоифасига ажратади. Навоийнинг таъкидлашича, дин арбоблари жамиятнинг илғор тоифаси сифатида одамларни ҳақ йўлга ҳидоят қилишда шахсий ибрат кўрсатиб, риёкорлик, порахўрлик, таъмагирлик, ғаразгўйлик каби иллатлардан пок, илм, маърифат ва гўзал инсоний фазилатлар б-н зийнатланган бўлишлари керак. Ёмон йўлларга бошловчи, одамларни гумроҳ этувчи диёнатсиз диндорлар эса пок ислом дини номига дог туширадилар.

Илм ва ижод б-н шуғулланувчиларга бағишланган боблар ичида шоирларга бағишланган 16-фасл алоҳида аҳамиятга эга. Бу фаслда Навоий ўзининг шеър ва шоирлик бобидаги фикрларини ихчам тарзда баён этиб, шоирларни бир неча табақага ажратган. Биринчи табақага илоҳий маърифатни эгаллаб, мутлақ ҳақиқатнинг маънавий дурдоналарини назм либосида кўрсатишга жазм қилган Али ибн Абутолиб, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий каби авлиё зотлар, ориф шоирлар киритилган бўлса, иккинчи табақага ҳақиқат асрорини баён этишда мажоз тариқи имкониятларидан фойдаланган Саъдий Шерозий, Авҳадий Кирмоний, Саноий Ғазнавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Ҳофиз Шерозийни мансуб, деб билади. Шеърида "мажоз тариқи адоси юлиб" бўлган Камол Исфаҳоний, Хоқоний Шервоний, Хожу Кирмоний, Камол Хужандий, Анварий Абивардий, Заҳир Форёбий, Салмон Соважий, Котибий Нишопурий, Шоҳий Сабзаворий каби шоирлар Навоий таснифи бўйича, шоирларнинг учинчи табақасига тааллуқли. Навоий ўз устози – Абдураҳмон Жомий ижоди ҳақида алоҳида тўхталиб, уни ҳам ҳақиқат, ҳам мажоз тариқини баравар эгаллаган, иккинчи ва учинчи табақадаги шоирлар услубини омухта қилиб, янгича услуб ва равишга асос солган шоир сифатида таърифлайди. Навоийнинг ўзи ҳам ғазал таврида иккинчи табақадаги Амир Хусрав, Ҳофиз Шерозий ва Жомийга издошлик қилгани, сўнгги икки табақада зикр этилган барча шоирларга татаббуъ қилгани ҳисобга олинса, унинг услуби ҳам Жомийники каби ҳам ҳақиқат, ҳам мажоз тариқининг унсурларидан таркиб топганига иқрор бўламиз. Шоирларнинг сўнгги тубан тоифаси – шеърида маънодан кўра, даъво кўпроқ бўлган, шавқ ва ишқ ўтидан бебаҳра, маърифат ва ҳақиқатдан узоқ сатрлар тизмасини ясаш б-н умрини ҳавога совурадиган назмбозлардан иборат; ҳар замонда тасодифан бирор яхши байт айтгани б-н бу бадиий топилмалар уларнинг ҳавойи иддаолари, худбинлик ва ғаразгўйликларининг пардаси ортида кўринмай қолади.

Мударрислар ва муаллимлар, табиблар ва мутриблар, котиблар ва қиссахонлар таърифига бағишланган бобларда Навоийнинг таълим ва тарбия, жамиятнинг зиёли

қатламига асос бўлгувчи касб-кор эгаларига муносабати ўзининг ёркин ифодасини топган. Навоий ўз даврида бундай касб эгаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, фаолият юритишлари учун имкони борича қулай шарт-шароит яратиб берган ва бевосита улар б-н ҳамкорлик қилган. Шу боис уларга берилган тавсифлар ҳам янада аниқ, ёркин ва ҳаққоний чиққан. Жумладан, котиблар ҳақида таъриф бераркан, китобатнинг бирламчи шарти – матнни тўғри кўчириш деб ҳисоблайди. Навоийнинг фикрига кўра, ғалати кўп ва чиройли ёзувдан кура, бадхат бўлса ҳам, тўғри ёзилган матн яхшироқ.

Шунга ухшаш матлабни табиблар зикридаги бобда ҳам ўқиш мумкин. Навоий ақидасига кўра, табобат илми б-н шуғулланувчи кишилар учта қуролга – чуқур билим ва заковат, жарроҳлик тиғи б-н ишлаш малакаси ҳамда беморлар б-н мулоқотда юмшоқ муомала маданиятига эга бўлиши керак. Бегуноҳ беморларнинг умрини эрта хазон қилувчи, феъли ёмон, бесавод ва укувсиз табибдан кўра, ҳукмдорлар амри б-н иш тутувчи жаллод яхшироқдир:

Ҳозиқ табиби хушхўй тан
ранжиға шифодур,
Омийю тунду бадхўй эл жониға балодур.

"Дабиристон аҳли зикрида"ги боб – болаларга бошланғич таълим берадиган, умрини ёш авлоднинг тарбиясига бағишлаган мураббий ва муаллимлар ҳақида. Болаларга каттиққўллик б-н ёзув-чизув, ҳисоб ва ўқишни ўргатиш машаққатини тортиш "одамдин келмас, қайси одамки, дев қила олмас." Муаллимларнинг билими зиёли қатламнинг бошқа тоифасига нисбатан камроқ бўлиши мумкин, лекин болаларнинг мурғак қалбида илм ва маърифатга ошнолик ва иштиёқ ўтини ёққанлиги сабабли, шогирдлар умрининг охиригача биринчи устозлари олдида маънавий қарздорлик ҳиссини туйишлари лозим: "Шогирд агар шайхулислом, агар қозидур, агар андин устод розидур – Тангри розидур".

"М." бошқа панднома асарлардан муаллифнинг ўзи яшаган жамиятдаги барча касб-ҳунар эгаларига тавсиф берилгани б-н ҳам фарқланади. Навоий салафлари панднамаларида ҳар бир жамиятда учраб турадиган тиланчи, гадо, тайинли касб-кор б-н шуғулланмай, бошқалар ҳисобидан кун кечиришга одатланган текинхўрлар, бефойда машғулотлар б-н азиз умрини совурадиган кимсалар ҳақида алоҳида тўхталинмаган. "М."да эса, улардан фарқли равишда 15-аср Ҳиротда яшаб умргузаронлик қилган жамиятнинг барча қатламлари кўзгу янглиғ акс этган, мавжуд ҳолат ҳақида аниқ хулоса ва ҳаққоний фикрлар баён қилинган. Тарихий манбаларга кўра, Султон Ҳусайн Бойқаро даврида бир гуруҳ муштумзўр ва бетайин кимсалар "ятим", "лаванд", "олуфта" номлари б-н шуҳрат топиб, одамларнинг тинчини бузиш, йўлтўсарлик ва зўравонликдан топган маблағларини айш-ишратга сарфлаб юрганлар. Бу тоифадаги кишиларга нисбатан муросасиз бўлган Навоий уларнинг пичоқбозлик б-н одамларни қўрқитиб юришларини йиртқич ҳайвонларга, бировнинг меҳнати орқали кун кечиришларини зараркунанда ҳашаротга қиёслаб, "Зараркунандаларни йўлдиринг" маъносидаги ҳадис ҳукмига кўра, тавба қилиб, рост йўлга кирмаганлардан дунёни буткул холи кўришни тилайди:

Халойиқка ийзо аларға сифот,
Набий дедиким: "Уқтулул- муъзиёт".

Навоийнинг хулосасига кўра, ҳар бир касб-ҳунар, амал ё мартаба, мансаб ё вазифанинг яхши-ёмон бўлиши ўша касбни эгаллаган одамнинг хулқ-атворига боғлиқ. Буюк мутафаккир одамларга уларнинг касб-корига қараб эмас, балки фаолиятлари одамийлик мезонига нечоғли мос келиш-келмаслигига қараб баҳо бериш керак, деган ақидани турли мисол ва далиллар ёрдамида исботлаб берган.

"М."нинг иккинчи қисми "Ҳамида афъол ва замима хисол зикрида" деб номланиб, ўн бобда Навоий ижодининг ўзак масалалардан ҳисобланмиш тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ (хоксорлик) ва одоб, зикр, таважжуҳ, ризо, ишқ каби тушунчаларнинг ирфоний-ахлоқий талқини келтирилган. Ҳар бир бобда руҳий тарбиянинг муҳим босқичлари ҳисобланмиш ушбу ўнта инсоний фазилатнинг асл моҳияти очилиб, машҳур шайхлар ва афсонавий персонажлар номи б-н боғлиқ ибратли ҳикоят ва ривоятлар б-н қувватлантирилади. Иккинчи қисмда келтирилган ҳикоятларнинг сю-

жети “Насойим ул-муҳаббат”, “Лисон ут-тайр”, “Баҳористон”, “Рисолаи қудсия”, “Илоҳийнома” каби асарларда ҳам берилган. Юксак инсоний фазилатларни тарғиб қилувчи ушбу ҳикоятларда сажъ, тазод ва муқобала, истиора, талмеҳ каби маънавий ҳамда муштарак санъатларнинг унсурлари ёрдамида ўзбек тилининг кенг имкониятлари намойиш этилади, ҳикоят мантиқий хулосани англатувчи байт б-н тугалланади. Ҳикоят қаҳрамонлари турли тоифага мансуб – олдин яшаб ўтган шайхлар, Навоийнинг замондошлари, афсонавий персонажлардан иборат. Муаллиф бу б-н яхшиликни тарғиб этишнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланган. Жумладан, тўртинчи бобда қаноат тушунчасига ибодат қуввати ҳосил бўлгунга қадар ризқ ҳосил қилмоқ ва ундан ортиғини ҳавас қилмаслик, аниқроғи, буткул хаёлдан кўтармоқ, дея таъриф беради. Қаноат туйғусини нафсни бошқариш ва шаҳватга берилмаслик, иззат ва шавкат соҳиби бўлиш, кўнгил очиқлиги ва кўз ёруглигига эришиш, насткашлик ва бадбахтликдан қутулишнинг энг самарали воситаси ва энг мақбул йўли, инсоннинг азалий душмани – нафсдан қутқарувчи кўргон, дўсту душман миннати ва заҳматидан фориғ этувчи азамат бир тоғ, шодлик келтирувчи талх майга ўхшатади. Бу фикрларнинг исботи сифатида ўзининг замондоши – Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий ҳаётига мурожаат қилади. Ҳикоятда келтирилишича, Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий улуғ шайх ва тариқат арбоби бўлишига қарамасдан, мурид-ларнинг назр-ниёзлари ва подшоҳларнинг инъому эҳсонларидан буткул кўнгил узиб, отасидан мерос қолган ерда ўз қўли б-н боғ бунёд этади. Натижада, пойтахтдан амирзода ва аъёнлар ҳам бу кўзи тўқ шайхнинг зиёратларига бориб, табаррук учун боғидан мевалар олиб келадилар. Навоий ана шундай жонли мисол орқали қаноат йўлини тутган киши ҳузурига ҳатто подшоҳзодалар ҳам муҳтож бўлиб келиши, қаноат туфайли иззат ва эҳтиром соҳиби бўлиш мумкинлигини кўрсатиб, ўз фикрини қуйидаги қитъа б-н якунлайди:

Жаҳон ичра кўп сунъ кургузди Сонеъ,
Эмасдур киши турфа андоққи, конеъ.
Кишидин талабсиз ғино ҳосил этмак,
Яна жудға бўлмамоқ ҳеч монеъ.

Гуноҳларга сабаб бўлувчи ёмон хислатлар гарчи боблар сарлавҳасида кўрсатилмаган бўлса-да, муайян яхши хулқ-атворга таъриф беришда унинг зидди ҳисобланган ёмон хислатларга ҳам таъриф берилган. Жумладан, тавозуъ (хоксорлик) ва адаб зикрига ажратилган бобда тавозели бўлишни гўзал ахлоқнинг илк нишонаси, самимий муносабатларнинг ибтидоси ва асоси сифатида талқин қилиб, ушбу хислат, энг аввало, ўзига тўқ ва амалдор кишиларда бўлиши лозимлигини таъкидланади. Хоксорлик ва адаб кўнгил кўзгусининг икки тарафидан жило бериб, мусаффо ва ёруғ этади.

“М.”нинг учинчи қисми “Мутафаррика фавойид ва амсол сурати” (“Турли фойдали ўгитлар ва масаллар”) деб номланиб, 127 *танбех*дан иборат. Кичик кириш сўзида Навоий бахт-саодатнинг асоси – маърифатда, энг катта бахтсизлик – маърифатсизлик ва жаҳолат эканлигини таъкидлаб, кейинги танбеҳларда ҳаётий ҳақиқатлар, тажриба ва хулосаларини ихчам тарзда, асосан афоризм шаклида баён этишга киришган.

“М.”нинг ушбу қисми инсон табиатидаги бош иллатлардан бири – такаббурлик ва манманлик моҳиятини очиб берувчи танбеҳ б-н бошланади. Биринчи танбеҳда берилган хулосага кўра, ҳар бир инсонда юз бериши мумкин бўладиган ҳолат – ўзига фақат яхши нарсаларни раво кўриб, бошқаларнинг гам-ташвиши ва машаққатларига нисбатан бепарво бўлиш ҳақида сўз юритилиб, бу нарса инсоннинг доимий душмани – нафснинг хоҳиш ва истакларидан пайдо бўлиши кўрсатиб ўтилган. Нафснинг истакларига бўйсуниш ўзига бино қўйиш, ўз сўзига ошиқ бўлиш ҳамда зоҳирпарастликка олиб келишига мумкинлигини кейинги танбеҳда ўз шеърини Саъдий Шерозий ва Амир Хусрав шеъридан устун қўядиган истеъдодсиз шоирлар, ўзини Жаъфар ва Азҳар каби машҳур хаттотлар қаторида санайдиган бадхат ва хат-саводсиз котиблар, Моний ва Абдулҳай каби улуғ мусаввирларнинг ижодини ҳам писанд этмайдиган уқувсиз рассомлар, ўзининг донолигини кўз-кўз қилиш мақсадида эрта-ю кеч мадрасада мунозара б-н машғул нодон ва мутаассиб мутакаллимлар мисолида кўрсатилади.

Бешинчи рақам остида келган танбеҳда такаббурлик ва ўзига бино қўйишлик иллатига мубтало бўлганларни Навоий уч тоифага ажратади. Биринчи гуруҳга юқорида зикр этилганлар, яъни бошқалар уни инкор этса ҳам, ўжарлик б-н ўз хатосини тузатишга киришмаган тоифа киради. Иккинчи тоифага эса, ўзининг хато фикрлари ва номаъқул ишларини бошқаларга маъқуллатишга киришганлар ҳамда ўзидан бошқа ҳеч кимни назар-писанд қилмай, тўғри йўлга киришни маслаҳат берганларни ҳам ранжитадиганлар мансуб. Навоий бундай кишиларни ҳаёти давомида кўп учратганини, уларга қанча яхшилик қилса, эвазига фақат жафо ва мурувватсизлик кўрганини надомат б-н қайд қилиб, кўпчиликда учрайдиган бу иллатнинг ўзагини ўзига бино қўйишлик, шайтон йўлига бошловчи нафс амрига муте бўлишда деб ҳисоблайди.

Учинчи тоифа такаббурликда ҳаддан ошганлардан иборат бўлиб, Навоий уларни яна уч гуруҳга ажратади: 1) бошида подшоҳ бўлиш хаёли тушиб, бу йўлда номуносиб ишлар қилиш ва худо томонидан юборилган султонга нисбатан исён кўтарганлар; 2) фосид хаёлларга берилиб, ўзини пайғамбар деб даъво қилган гумроҳлар ва илоҳий ғазабга дучор бўлганлар: *"Ва ҳар хоини козибки, бу даъво қила кириштти, анбиё арвоҳидин анга жазо ва расволиқлар етиштти"*. 3) Аллоҳ берган неъматларга куфр келтириб, Фиръавн ва Намруд каби худолик даъвосини қилганлар. Саккизинчи танбеҳда олдинги фикрларнинг хулосаси сифатида Навоий қуйидаги ҳикматни келтиради: *"Такаббур Шайтон иши ва бийиклик нодон иши... Бутпарастлиқ яхшироқким, худпарастлиқ"*.

Инсоннинг яхши-ёмон қилмишлари ҳақида мулоҳаза юритаркан, фосиқлик ва зоҳидлик, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб – барчаси Илоҳий ирода ва ихтиёр туфайли содир бўлиши, тўғри йўлга кирганлар – шукроналикни бажо келтиришлари, хато қилган ҳолатларда эса, тавба қилишлари лозимлиги таъкидланади: *"Зуҳду фисқ элга тақдири Яздондиндур, аммо иккаласини бирдек кўрмак нодондиндур. Тақвога шукр керак ва исёнга узр"*.

Айрим танбеҳлар ларига (11-18, 58, 105, 106, 108)га сарлавҳа қўйилган, асосий қисми сарлавҳасиз келтирилган. Сарлавҳа қўйилган танбеҳларда мурувват, вафо, ҳаё, ҳалимлик каби гўзал инсоний хислатларнинг моҳияти очиб берилади,

Айрим танбеҳларда Навоий форсий тилда битилган дидактик ад-тнинг энг гўзал намуналарини туркий тилда жаранглатиш баробарида уларнинг янги маъно-моҳиятлар б-н бойитади, насиҳатнинг аччиқ, аммо фойдали тилидан янада самаралироқ фойдаланади. Мас., Саъдий Шерозийнинг "Бадхўй ба дасти душмане гирифтор аст, ки ҳар жо равад, аз он раҳойи наёбад" ("Феъли ёмон киши қаёнга борса, зулмидан қутулмоқ имконсиз бўлган бир душманга гирифтордир") ҳикмати асосида мусажжаъ насрда янги талқинни яратган: *" Ямон қилиғлиқ бадхўй ва бот ачиғлиқ туршрўй бир балоға гирифтордур ва бир ибтилоға мубталоким, ҳар ён борса андин қутулмас ва ҳар сори борса, андин халос бўлмас"*.

"М."да ҳам назм, ҳам насрда тенг қўлланиладиган бадиий санъатлар (ташбеҳ, тавсиф, истиора, тамсил, иқтибос, сажъ, тазод ва ҳ.к.)дан ташқари фақат насрий асарларга хос бўлган маънавий ва лафзий санъатлардан ҳам кенг фойдаланилган. Жумладан, назмни насрга айлантириш санъати – ҳаллнинг гўзал намуналарини "М."да кўп учратиш мумкин. Мас.:

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бори чин ҳам дегулук эмас.

– байтини 68-танбеҳда ҳалл санъати воситасида қуйидагича насрлаштирган: *"Хирадманд улдурким, ёлғон демас, аммо барча чин дегулук ҳам эмас"*.

"М." туркий ад-тда яратилган дидактик асарларнинг илк намуналаридан бўлиши б-н бирга, Навоийнинг ҳаёти охирида яратилгани ҳамда унинг дунёқарашини яхлит тарзда ифодалайдиган йирик ахлоқий-фалсафий қомус сифатида бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. "М."даги ҳикматларнинг аксарияти халқ мақолларига айланиб, кейинги авлодларнинг тарбияси учун муҳим дастуруламал бўлиб келмоқда.

Ас.: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000, 14-ж; Алишер На-

воий. Маҳбуб ул-қулуб. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 9-ж.

Ад.: Узбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж., *Ҳабибуллаев А.* Навоий пандномаси. Т., 1996.

Дисс.: *Ҳабибуллаев А.* Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг жанр хусусиятлари (қиёсий аспектда): ф.ф.н.д., Т., 1986; *Ҳайитов Ш.* Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг манбалари ва ғоявий-бадиий таҳлили: ф.ф.н., Т., 1997.

"МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ" АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. "Маҳбуб ул-қулуб" асари Навоий насрий мероси ичида энг кўп кўчирилган асар саналади. А.Н.Кононов 1948 й. Россияда "Маҳбуб ул-қулуб"нинг йиғма матни нашрини амалга оширган (Алишер Навои. Возлюбленный сердец. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. Москва-Ленинград: Изд. АН СССР, 1948). Кононов мазкур нашрдаги йиғма матнни тайёрлаш учун қуйидаги қўлёзмаларни асос қилиб олган:

1. Москвада, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида 2095 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха.

2. Санкт-Петербург шаҳри нусхаси (Россия Миллий кутбхонаси, инв. рақами – Dorn 558) Навоий асарлари мажмуаси таркибида бўлиб, уни 1001–1004/1593–96 й.да Назарали Файзий кўчирган. "Маҳбуб ул-қулуб" мазкур қўлёзманинг 669–694 саҳифаларида жойлашган бўлиб, 25 бетдан иборат. Бундан ташқари, А.Н.Кононов бу йиғма матнни қуйидаги яна беш қўлёзма билан солиштириб, такомиллаштирган:

А) Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида В.283 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха. 1212/1797–98 й.да кўчирилган.

Б) Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида В.2378 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха. 1227/1812 й.да кўчирилган.

В) Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида С.139 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха. 1253/1837–38 й.да кўчирилган.

Г) Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида В.266 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха. 1220/1805–06 й.да кўчирилган.

Д) ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами – 3324. Ушбу нусха 1260/1844 й.да кўчирилган.

Е) ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами – 697. Ушбу нусха 1265/1848-49 й.да кўчирилган.

"МАҚСАДИ АҚСО" ("Энг сўнгги мақсад") – Ҳусайн Хоразмийнинг асари. Хондамирнинг маълумотига кўра, "М." Маҳмуд Замахшарийнинг "Ал-мустақсо фил-амсол" номли алифбо тартибида берилган араб мақоллари ҳақидаги асарининг таржимасидир. Навоий ушбу асар номини "Мажолис ун-нафоис"да Ҳусайн Хоразмий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

МАҒОЗИЛИЙ, Абубакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган мисрлик тасаввуф шайхи. *Шайх Абулҳусайн Сирвонийнинг* устози. Абулҳасан Музаййин б-н хамсуҳбат бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МАҲВАШ – ойюзли гўзал маҳбуба. Илоҳий тажаллийнинг моддий оламда акс этиши. Юзидан нур таралувчи гўзал сиймо, Ҳақ таолонинг "ал-Жамил" сифатининг мазҳари. Илоҳий нурларнинг доимий тарзда порлаб туришини мушоҳада этмоқ имкони.

Ҳар киши кўрса қизил
хорода ул маҳваш жамол,
Қон ёшим мавжи аро
қилғай қуёш акси хаёл.
("Ғаройиб ус-сиғар", 378-ғазал)

МАҲМУД ИБН ДОВУД (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Маҳбуб ул-қулуб", "Арбаин" ва "Хамсат ул-мутаҳаййирин"дан иборат тўпламини 1559–60 й.да Мисрда китобат қилган. Қўлёзма Тошкентда сақланади (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами 9762). Ҳажми 118 варақдан иборат бўлиб, настаълиқ хатида кўчирилган.

МАҲМУД ИБН ИСҲОҚ ШАҲОБИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган

хаттотлардан бири. Бухоро хаттотлик мактаби намояндаларидан. Асли ҳиротлик бўлиб, таниқли хаттот Мирали Ҳиравий (1544 й. Бухорода вафот этган) қўлида таҳсил олган. Шайбонийлардан Убайдуллахон 16-асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротдан бир гуруҳ ҳунарманд ва олимларни Бухорога олиб келади. М.И.Ш. ҳам шулар қаторида Бухорога келади. У хатни нозик ва чиройли битгани учун унга "Анбарин зарринқалам" унвони берилган. Бу хаттот Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асарини 1588 й. Бухорода китобат қилган. Қўлёзма Тошкентда сақланади (ТошДШИ ШҚМ, 3-фонд, инв. рақами рақами 429). Ҳажми 85 варақ. Котиб қўлёзма сўнгида "Маҳмуд анбарин зарринқалам" деб имзо қўйган.

МАҲМУД МУЗАҲҲИБ, Шайхзода Маҳмуд (ваф. 1565–70, Бухоро) – наққош, мусаввир, Бухоро миниатюра мактабининг етук намояндаси. Беҳзод ва Мирак қўлида таҳсил олган. Ҳусайн Бойқаро саройи наққоши бўлган. 1507 й. Ҳирот Шайбонийхон томонидан забт этилгач, Самарқандга келади.

Ҳиротда яратган асарлари бизгача етиб келмаган. 16-асрнинг 30–40-й.да чизган суратларидан 30 га яқини топилган. М.М. нинг Низомий "Махзан ул-асрор" достонига ишлаган миниатюраси (1545) Париж миллий кутубхонаси, Саъдийнинг "Бустон"ига чизган суратлари (1549) Лиссабонда (К. Гульбенкян коллекциясида) сақланади. Жомийнинг "Туҳфат ул-аҳрор" асарига ҳам нақшу расмлар б-н зеб берган. Унинг қаламига мансуб миниатюралар ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, бетакрор ва ёркин ранглар б-н жило топган. Ижодининг яна бир диққатга сазовор томони маҳаллий миниатюра анъаналарини ривожлантирган. Персонажлари типик хусусиятга эга бўлиб, фавқулодда бир маҳорат б-н тасвирланган. Ранглар ва шакллар товланиши нозик ва жозиб ифода топган. Бу, хусусан, "Султон Санжар ва тўқувчи кампир" суратида ёркин намоён бўлади. Ижодий фаолиятининг иккинчи даврида портрет чизиш б-н машғул бўлиб, қатор портретлар яратганки, улар мусаввирнинг олий санъатидан дарак беради.

М.М. чизган Навоий сурати машҳур бўлиб, Машҳаддаги Остони Қудс кутубхонасида сақланади. Суратда Навоий ҳассага суянган ҳолда тик турибди. Устида узун қабо. Бошида салла. Қадди бироз букчайган. Қарилик чоғи эканлиги сезилиб турибди. Суратнинг юқорисида "Сурати Амири Кабир Мир Алишер", пастида эса "Амали Маҳмуд Музаҳҳиб" деган ёзув қўйилган. Мазкур сурат 1931 й. Лондонда ташкил этилган Эрон санъати кўргазмасида намойиш қилинган эди. 905 ҳ.қ./1500 й. чизилган бу сурат кейинчалик мамлакатимизда ишланган Навоийнинг барча расмлари учун асос бўлди.

МАҲМУД ШАБУСТАРИЙ. Шайх Саъдуддин Маҳмуд бин Аминиддин Абдулкарим бин Яҳё Шабустарий (1290 – Табриз, Шабустар қишлоғи–1321) – машҳур тасаввуф олими, шоир. Ўз даврининг асосий илмларини эгаллаган М.Ш. фозил ва донишманд киши бўлиб етишади. Эрон, Хуросон, Миср, Шом, Ҳижоз каби Шарқнинг йирик шаҳарларига саёҳат қилиб, машҳур уламо ва машойих суҳбатига етишади.

Кирмонда оила қуриб, фарзандлар кўради. Умрининг охирида туғилган қишлоғига қайтиб, 33 ёшида вафот этган. Васиятига кўра устози Шайх Баҳоуддин Яъқуб Табризий ёнига дафн қилинади. Қабри муборак қадамжолардан бўлиб, озарбайжон ҳукмдорлари томонидан турли асрларда уч марта таъмирланган.

М.Ш. ирфон маърифатидан баҳс этувчи "Рисолаи шоҳид" ("Шоҳид ҳақида рисола"), "Миръот ул-муҳаққиқин" ("Орифлар кўзгуси"), "Ҳақ ул-яқин" ("Ишончли ҳақиқат") каби насрий асарлар, "Гулшани роз" (1100 байт), "Саодатнома" (3100 байт) маснавийларининг муаллифи. Ушбу шайх ҳақидаги боб "Насойим ул-муҳаббат"га Навоий томонидан қўшилган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да темурийзода Абулқосим Бобурнинг тас.га оид асарлар орасидан Фахриддин Ироқийнинг "Ламаъот"и б-н Маҳмуд Шабустарийнинг "Гулшани роз"ига муҳаббати айричалиги ҳақида маълумот беради.

МАҲМУД ШАЙХЗОДА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. *Шайх Абулҳасан Ишқий*нинг ўғли. Хоразмдаги ишқия тариқатининг йирик намояндаси. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МАҲФУЗ БИН МАҲМУД (ваф. 916–917) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопур тас. мактаби намояндаси *Абу Ҳафс Ҳаддод*нинг шогирди. Устози вафотидан кейин *Абу Усмон Ҳирий*га мурид тушади. Қабри устози Абу Ҳафснинг ёнида.

МАҲФУЗ БИН МУҲАММАД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бағдод шаҳрида яшаган. "Насойим ул-муҳаббат"да ундан иккита ҳикмат келтирилган.

"МЕЗОН УЛ-АВЗОН" ("Вазнлар ўлчови") – Алишер Навоийнинг аруз назарияси қонун-қоидаларига бағишланган асари (1492–93 м.). Мухтасар услубда битилган. Ўрта аср ад-тшунослигида фаннинг муайян масаласи бўйича рисолалар мухтасар (кўзда тутилган муаммо юзасидан умумий, ихчам ва лўнда маълумотларни ўз ичига олувчи кичик рисола) ёки муфассал (бирор фан ёки унинг муайян соҳасини мукаммал тарзда ёритувчи монографик характердаги йирик асар) усулида яратилган. Шу маънода Навоийнинг ушбу асари аруз илми ҳақида умумий ва қисқа маълумот берувчи, мухтасар рисола ҳисобланади.

Навоий туркий тилда яратилиб, ад-тшунослик масалаларига бағишланган Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асари б-н таниш бўлмагани учун аруз назариясига доир қонун-қоидаларни туркий тилда илк марта баён қилаётганини алоҳида таъкидлайди, хусусан, "гараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким назм воқиъ бўлубдур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур..." деб ёзар экан, туркий тилда аруз қонун-қоидаларига оид махсус асар йўқлигини айтиб ўтади.

"М." муқаддима, асосий қисм ва кичик хотимадан иборат. Муқаддимада Аллоҳга ҳамд айтилгач, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ушбу асарни ёзишга илҳомлантирганлиги ҳақида сўз боради. Унда айтилишича, Ҳусайн Бойқаро Амир Хусрав Деҳлавийнинг 18 минг байтдан иборат ғазалиётини йиғдириб, бир тўплам ҳолига келтиради. Хусрав Деҳлавий шеърларининг кўпи мураккаб баҳр ва вазнларда бўлиб, уларни аниқлашда ҳатто баъзи шоирлар ҳам ожизлик қилар эдилар. Ҳусайн Бойқаронинг топшириғи б-н арузшунослар Хусрав Деҳлавийнинг ҳар бир шеъри устига шу шеърнинг вазнини ёзиб чиқадилар. Шундан сўнг девон тузишда ҳар бир шеърнинг вазнини қайд этиб қўйиш одат тусига киради. Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" куллиёти ҳам шу йўсинда тартиб берилади.

Алишер Навоий муқаддимада ўзидан аввал яратилган арузга доир манбалар: Халил ибн Аҳмаднинг "Китоб ул-айн", Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам", Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор", Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи аруз" асарларига тўхталиб ўтиб, уларда мавжуд бўлмаган баъзи қоида, доира ва вазнларни ўз асарида келтириб ўтишини айтади. Яъни: "... неча қоидау доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возии Халил ибни Аҳмад ва илм устоди Шамс Қайс кутубида ва Хожа Насир Тусийнинг "Меъёр у-л-ашъор"ида, балки Ҳазрати Махдумий наввара марқадаҳу нуран "Аруз"ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихрож қилиб эрдиким, бу китобға изофа қилдим".

Сўнгра Навоий арузнинг "шариф" фан эканлигига тўхталар экан, Қуръони каримдаги баъзи оятлар ва пайғамбаримиз ҳадисларидаги баъзи жумлаларнинг аруз вазнлари б-н мос келиши, Амир ул-муъминин Ҳазрат Али девонидаги шеърлар кўплаб машойих ва авлиёларнинг назмлари, маснавийлари аруз вазнида эканлигини таъкидлаб ўтади. Арузнинг шариф фан эканлигини шу тариқа асослагач, ушбу фаннинг кашфиётчиси Халил ибн Аҳмад ва "аруз" истилоҳи ҳақида маълумот беради. Навоийнинг ёзишича, Халил ибн Аҳмад яшаган ҳудуд яқинида "Аруз" деган водий бўлган ва бу водийда араблар чодирдан уйлар тикиб, уларни

безатиб сотган эканлар. Уйни "байт" деб аташар экан. Байтнинг мавзун-номавзун (вазнли-вазнсиз) эканлигини аруз фанининг ўлчовига солиб кўришганидек, безатилган уйлар ҳам баҳога солиб, ўлчаб кўрилар экан. Шу тариқа мазкур илм ушбу водий номи б-н "*Аруз*" деб атала бошланган.

Шундан сўнг арузнинг назарий қоидалари баёнига ўтилади. Дастлаб аруздаги энг кичик бирлик – жузвлар ҳақида маълумот берилар экан, асарда улар "рукн" истилоҳи остида келтирилади. Жузвлар сони 6 та бўлиб, улар қуйидагилардир: *сабаби хафиф* ва *сабаби сақил* (енгил ва оғир сабаб), *ватади мажмуъ* ва *ватади мафруқ* (бириккан ва ажралган ватад) ҳамда *фосилаи суғро* ва *фосилаи кубро* (кичик ва катта фосила).

Асарда ушбу жузвларнинг барчаси иштирок этган қуйидаги мисра келтирилади:

Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамадим.

Жузвлардан сўнг асл рукнлар таърифи келади, улар "асллар" ёки "усул" номи б-н берилади. Навоий уларнинг сони саккизта эканлигини айтиб, жузвлардан ҳосил бўлиш таркибини қуйидагича келтиради:

1) Фаувлун – бир ватади мажмуъ ва бир сабаби хафифдан иборат бўлади;

2) Фоилун – бир сабаби хафиф ва бир ватади мажмуъдан таркиб топади;

3) Мафоийлун – бир ватади мажмуъ ва икки сабаби хафифдан ташкил топади;

4) Мустафъилун – икки сабаби хафиф ва бир ватади мажмуъдан ташкил топади;

5) Фоилотун – бир сабаби хафиф, бир ватади мажмуъ ва яна бир сабаби хафифдан иборат бўлади;

6) Мафоилатун – бир ватади мажмуъ ва фосилаи суғродан ташкил топади;

7) Мутафоилун – бир фосилаи суғро ҳамда бир ватади мажмуъдан иборатдир;

8) Мафъулоту – икки сабаби хафиф ва бир ватади мафруқдан таркиб топади.

Навоий ушбу асл рукнлардан бештаси форс-тожик ва туркий шеъриятда қўлланилишини таъкидлайди ва зиҳофот (асл рукнларни турлича ўзгартириш) ва фуруъ (тармоқ рукнлар)га бағишланган фаслда шу беш аслни таҳлил қилади.

Асллар таърифидан кейин улардан ҳосил бўлувчи зиҳоф ва фуруъ (тармоқ рукнлар)га тўхталиб ўтилади. Бунда Алишер Навоий *мафоийлун* аслидан 11 зиҳоф ва 11 фуруъ, *фоилотун* аслидан 10 зиҳоф ва 15 фуруъ, *мустафъилун* аслидан 9 зиҳоф ва 14 фуруъ, *мафъулоту* аслидан 9 зиҳоф ва 14 фуруъ, *фаувлун* аслидан 6 зиҳоф ва 6 фуруъ – жами 45 зиҳоф ва 60 фуруъни келтиради. Кейинроқ доиралар – тузилиш жиҳатидан ўхшаш бўлган баҳрлар гуруҳи таърифига ўтилиб, жами 7 та доира келтирилган. Улардан тўрттаси Навоийгача яратилган форс-тожик рисолаларида мавжуд эди: "Доираи *муъталифа*" (рамал, ҳазаж ва ражаз баҳрларидан тузилган), "Доираи *мухталифа*" (муқтазаб, мужтасс, мунсариҳ ва музореъ баҳрларидан тузилган), "Доираи *мунтазиа*" (мушокил, сариъ, жадид, қариб ва хафиф баҳрларидан тузилган), "Доираи *муттафиқа*" (мутақориб ва мутадорик баҳрларидан тузилган).

Навоий ушбу доираларга қўшимча тарзда яна учта доира ҳақида маълумот беради. Асардаги 5-доирани бевосита Алишер Навоийнинг ўзи тартиб берган бўлиб, бунда Навоий "Доираи мухталифа"даги 4 баҳр ва "Доираи мунтазиа"даги 5 баҳр – жами 9 баҳрнинг солим (яъни зиҳоф кирмаган, ўзгаришга учрамаган) рукнларини жамлаб, уларни бир доирага киритади ва бу доирани "*Доираи мужтамиа*" деб атайди. 6-доира "*Доираи мухталита*" деб аталиб, бу доирага Навоий комил ва вофир баҳрларини киритади ва мазкур баҳрларнинг матбуъ (ёқимли) баҳрлар эканлигини, лекин негадир уларда кам шеър ёзилганлигини таъкидлаб ўтади. 7-доира "Доираи муштабиҳа" эса уч – тавил, мадид ва басит баҳрларидан тузилган. Навоийнинг ёзишича, бу баҳрлар араб ад-тига хос бўлиб, ажам шеъриятида деярли қўлланилмаган ва махсус доирага киритилмаган.

Асарнинг шеър тақтиъига бағишланган фасли туркий арузнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Навоий бунда бевосита туркий тил хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тақтиъ қоидаларини баён қилади ҳамда баҳр ва вазнларни аниқлаш усулларини тушунтиради.

Рисоланинг кейинги фаслида баҳрлар ва улардан ҳосил бўлувчи вазнлар баёнига

ўтилади. Бунда Навоий баҳрлар тартибини юқорида келтирилган доиралар асосида бериб боради. Шу маънода Навоий даставвал "Доираи муъталифа" таркибига кирувчи ҳазаж баҳри вазнларини келтириб ўтади. Асарда ҳазаж баҳрининг 11 та мусамман рукнли, 10 та мусаддас рукнли ва битта мураббаъ рукнли вазнлари, агар унга 24 та рубоий вазнлари ҳам қўшиладиган бўлса, жами 46 вазни келтирилган.

"М."нинг туркий арузни шакллантириш ва ривожлантиришдаги яна бир муҳим аҳамияти унда рубоий вазнларининг ишлаб чиқилганлигидир. Навоий туркий ад-тга андигина кириб келаётган рубоий жанрининг ўзига хос қонуниятларига тўхталиб ўтиб, рисолада ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларига мансуб жами 24 вазннинг рукнлари ва фуруъларини келтиради, ҳар бир вазнга бир мисрадан шеър келтиради, шу тариқа 24 вазнни 6 рубоийда акс эттиради.

Бобур "Бобурнома"да, шунингдек "Рисолаи аруз" асарида Навоийнинг "М."да рубоий вазнларини кўрсатишда йўл қўйган хатолари ҳақида фикр юритиб, "йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат киблибдур", деб ёзади. Бунда Бобур Навоийнинг ахраб шажарасидан иккита ва ахрам шажарасидан иккита вазнни такрор бериб, тўрт вазннинг номини келтирмаганлигини таъкидлайди. Ад-шуносликда бу масала У.Тўйчиев ва А.Ҳожиаҳмедов томонидан махсус ўрганилган бўлиб, хатоликка асарни кўчирган котиб йўл қўйганлиги аниқланди. Котиб мисралардаги баъзи сўзларнинг ўрнини алмаштириб (масалан, *"урди кўп"*нинг ўрнига *"кўп урди"*), баъзи сўзлардаги ҳарфларни тушириб қолдириб (*"раҳмеким"*нинг ўрнига *"раҳмким"*) ва қофиялардаги айрим сўзларни ҳаракат (қисқа унли) воситасида ёзганлиги (*"назор"*, *"шарор"*, *"осор"*нинг ўрнига *"назар"*, *"шарар"*, *"асар"*) орқали ушбу хатоликлар келиб чиққан.

"М."да жами 19 баҳр, 160 вазн келтирилган бўлиб, вазнлар учун танланган мисоллар асосан муаллифнинг ўз ижоди маҳсулидир. Асар таркибида Хожа Исмат Бухорий ва Ҳусайн Бойқаро ижодидан ҳам байтлар учрайди.

Асарда келтирилган баҳрлар ва уларнинг вазнларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Баҳр номи	Вазнлар сони			
		Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Мураббаъ вазнлар	Жами
1.	Ҳазаж	11 / 24 (рубоий вазнлари)	10	1	46
2.	Ражаз	6	6	1	13
3.	Рамал	7	4	2	13
4.	Мунсариҳ	8	3	2	13
5.	Музориъ	8	5	–	13
6.	Муқтазаб	2	1	4	7
7.	Мужтасс	7	1	2	10
8.	Сариъ	–	6	–	6
9.	Жадид	–	2	–	2
10.	Қариб	–	4	–	4
11.	Хафиф	–	6	–	6
12	Мушокил	1	2	2	5
13.	Мутақориб	8	2	– / Мутаттавваль	10
14.	Мутадорик	4	3	–	7
15.	Комил	1	–	–	1
16.	Вофир	1	–	–	1
17.	Тавил	1	–	–	1
18.	Мадид	1	–	–	1
19	Басит	1	–	–	1
	Жами	91	55	14	160

"М."да ражази мусаммани матвийи махбун, комили мусаммани солим, мутақориби мусаммани маҳзуф ва б. кўплаб вазнлар учун "Хазойин ул-маоний" куллиётидан мисоллар келтирилиши ушбу вазнларнинг туркий ғазалиёт учун шунчаки тажриба бўлмай, балки уларда бадиият жиҳатдан юксак ғазаллар ёзиш мумкинлигини кўрсатади.

"М."да 9 та поэтик шакл ва уларнинг вазнлари ҳақида ҳам маълумот келтирилган бўлиб, уларнинг аксарияти туркий халқ оғзаки ижодига мансубдир. Навоий уларнинг халқ орасида тарқалган номларидан фойдаланади, номи йўқларини эса аруздаги вазнлардан қайси бирига мос бўлса, шу вазн номи б-н атайди. Ушбу поэтик шакллар қуйидагилардир: *ўн олти рукнли рамали махбун, туюқ, қўшуқ (1), қўшуқ (2), чинга, муҳаббатнома, мустазод, арузворий, туркий.*

"М." туркий арузшуносликка қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, ўз давридаёқ замондошлари томонидан юксак баҳоланган. Хондамир "Макорим ул-ахлоқ"да рисолага юқори баҳо бериб, Навоийнинг истеъдоди ва бадиий маҳоратини кўрсатиб берувчи асар эканлигини, аввалги рисолаларда келтирилмаган доираларни киритганлигини унинг арузшуносликдаги энг катта хизмати сифатида эътироф этади. "М." ўзидан кейин туркий тилда Бобурнинг "Рисолаи аруз" асари яратилиши учун замин ҳозирлади, 19-асрда Фурқатнинг "Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни" дастхатига асос бўлди.

"М." юзасидан И.Султонов, С.Мирзаев, У.Тўйчиев, А.Ҳожиаҳмедов каби олимлар илмий изланишлар олиб борган.

Ас.: Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000, 16-ж; *Алишер Навоий.* Муншаот. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 10-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж., *Ҳожиаҳмедов А.* Навоий арузи нафосати. Т., 2006.

Дисс.: Султонов И. Навоийнинг "Мезон ул-авзон" ва унинг критик тексти: ф.ф.н., Т., 1947.

"МЕЗОН УЛ-АВЗОН" ҚЎЛЁЗМАЛАРИ – Мазкур асар танқидий матнини Иззат Султонов 1947 й. тузган ва унинг асосида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Уни тузишда олим қуйидаги уч қўлёзмага суянган:

1. "Мезон ул-авзон"нинг Навоий юбилейи комитети ихтиёрида бўлган нусхаси. Бу қўлёзма кейинчалик ТошДШИ ШҚМ фондига олинган (1-фонд, инвентарь рақами – 3902/5-7). Навоийнинг «Арбаъин» ва «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарлари билан бирга бўлиб, уни 1216 ҳ.қ./1801-02 й. Бухорода хаттот Оллоҳқули ибн Мулло Даргоҳқули кўчирган.

2. Санкт-Петербургда сақланадиган Навоий асарларидан иборат мажмуа таркибидаги нусха (Россия Миллий кутубхонаси, инв. рақами – Тур.н.с.12). 1220 ҳ.қ. /1805-1806 й. да кўчирилган. "Мезон ул-авзон" унинг 193б – 199б варақларидан жой олган.

3. Тошкентда сақланаётган яна бир нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами – 3441/2). Қўлёзмани 1938 й. мазкур муассасада хизмат қилган Ибодулла Одилов (1872–1944) қайта кўчирган.

МЕНГ – хол. Баданда, тери устида бўлган туғма ёки ясама доғ, бўртма. Бадиий ад-тда асосан юздаги М. гўзаллик ва нафосат мазҳари сифатида куйланган (қар: *Хол*).


Лоланинг доғи бўлур чун ўртада,
Нега тушмиш оразинг ёнида менг.
("Гаройиб ус-сиғар", 344-ғазал)

"МЕЪЁР УЛ-АШЪОР" ("Шеърлар ўлчови") – Насириддин Тусийнинг шеършунослиққа доир асари. 1253 й.да ёзилган. Муқаддима ва икки қисмдан иборат. Муқаддима уч фаслни ўз ичига олади. Унда шеър ва шоирлик моҳияти, араб ва форсий шеърнинг қофия ва вазндаги тафовутлари, шеърга доир санъатлар ҳақида сўз боради. Асарнинг биринчи қисми аруз масалаларига бағишланган бўлиб, ўн фаслни ўз ичига олади. Ушбу қисмда мутаҳаррик ва сокин ҳарфлар, улардан ҳосил бўлувчи жузвлар, тақтиъ, жузвлардан таркиб топувчи рукнлар, баҳрлар, доиралар, мустаъмал вазнлар, форсий арузга доир баъзи истилоҳлар, аруз илмини билишнинг манфаати б-н боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Иккинчи

Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар



Алишер Навоий. "Ҳайрат ул-аброр". Икки вафодор дўст. Кулёзма Хиротда 897/1491–92 йил кўчирилган. Хаттот – Султонали Машхадий.



Алишер Навоий. "Ҳайрат ул-аброр". Хоразмшоҳ ва Фахриддин Розий. Кўлёзма Хиротда 897/1491–92 йил кучирилган. Хаттот – Султонали Машхадий.



Алишер Навоий. "Ҳайрат ул-аброр". Жанг. Кўлёзма Шохрухияда 927/1521–22 йил кўчирилган.



Алишер Навоий. "Ҳайрат ул-аброр". Султон Ҳусайн хузурида базм. Кулёзма Хиротда 897/1491–92 йил кучирилган. Хаттот – Султонали Машхадий.



Алишер Навоий. "Фарҳод ва Ширин". Фарҳоднинг денгиз қароқчилари билан жанги. Қулёзма 927/1521–1522 йили Шоҳрухияда кўчирилган.



Алишер Навоий. "Фарҳод ва Ширин". Чўмилаётган Ширин. Қулёзма XIX асрда Қўқонда кўчирилган. Хаттот – Мулла Рузи Котиб.



Алишер Навоий. "Фарҳод ва Ширин". Фарҳоднинг Ширин билан учрашуви. Қулёзма XVI асрда Ўрта Осиё котиблари томонидан кўчирилган.



Алишер Навоий. "Фарҳод ва Ширин". Фарҳод от миниши кўтармоқда. Қулёзма XIX асрда Қўқонда кўчирилган. Хаттот – Мулла Рузи Котиб.



Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Лайли кўчивонлар олдида. Кулёзма XVI асрда Ўрта Осиё котиблари томонидан кучирилган.



Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Лайли ва Мажнуннинг энага хузурида учрашуви. Кулёзма 891/1485–1486 йилларда Хиротда кўчирилган



Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Мажнун чўлда хайвонлар орасида. Кулёзма 927/1521–1522 йилларда Шохрухия шахрида кўчирилган.




Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Балнуззамон хузурида базм. Кўлёзма 927/1521–1522 йилларда Шохрухия шахрида кўчирилган.



Алишер Навоий. "Сабъаи сайёр". Моний Бахромга Дилоромнинг расмини кўрсатмоқда. Кулёзма 890/ 1485–1486 йиллари Ҳиротда кўчирилган.



Алишер Навоий. "Лисон ут-тайр". Шерозда 907/1530–31йил кўчирилган. Хаттот – Хожа Муҳаммад ал-Табризий.



Алишер Навоий. "Лисон ут-тайр". Шоҳга тухфа топширилиши. Кулёзма XIX асрда Кўконда кўчирилган. Хаттот – Мулла Рузи Котиб.



Алишер Навоий. "Лисон ут-тайр". Шерозда 960/1553 йил кўчирилган.



Алишер Навоий. "Садди Искандарий". Искандарнинг донишмандлар билан сухбати. Кўлёзма XVI асрда Урта Осиё котиблари томонидан кучирилган.



Алишер Навоий. "Садди Искандарий". Искандарнинг Доро билан жанги. Кўлёзма 931-932/ 1525–1527 йилларда Хиротда кўчирилган.



Алишер Навоий. "Садди Искандарий". Искандар Чин мулкида. Кўлёзма XVI асрда Урта Осиё котиблари томонидан кучирилган.



Алишер Навоий. Садди Искандарий". Тожу тахтни дарвешликка алмаштирган шох Искандар Зулкарнайн хузурида. Кўлёзма 890/ 1485–1486 йилларда Хиротда кўчирилган.



Алишер Навоий. Терма девон. Юсуф богда. Кулёзма XVI асрда Табризда кучирилган.



Алишер Навоий. Терма девон. Мактаб. Кулёзма XV аср охири – XVI аср бошларида Хиротда кучирилган.



Алишер Навоий. Терма девон. Созандалар билан базм. Кулёзма XV асрнинг охирида Хиротда кучирилган. Хаттот – Султонали Машхалий.



Алишер Навоий. Терма девон. Ов тасвири. Кулёзма XV асрнинг охирида Хиротда кўчирилган. Хаттот – Султонали Машхадий.





Алишер Навоий "Оққуюнли мухлислар девони"га ишлашган миниатюралар. 876 йили 12 ражаб / 1471 йили 24 декабрда кучирилган. Хаттот – Абдурахим ибн Абдурахмон Хоразмий (Аниси).




Алишер Навоий. "Наводир ун-ниҳоя". Мушоира. Қўлёзма XV асрнинг 80-йилларида Ҳиротда кучирилган. Хаттот – Султоналн Машҳадий.



Алишер Навоий "Наводир ун-ниҳоя". Шоир махбубасига шеър ўқимоқда. Қўлёзма XV асрнинг 80-йилларида Ҳиротда кучирилган. Хаттот – Султоналн Машҳадий.



Алишер Навоий. Девон. Ов лавҳаси. Табризда 934/1527–28 йилларида кўчирилган. Хаттот – Чалабий.



Алишер Навоий. Девон. Ошиқ тайёрлаяпти. Ҳиротда XV аср охирида кўчирилган. Хаттот – Султонали Машҳадий.



Алишер Навоий. Девон. Меҳмонларни қаршилаш. 972/1564–65 йилда кўчирилган.



Алишер Навоий. Девон. Боғда ишрат. Табризда XVI аср бошида кўчирилган.

қисм қофия илмига бағишланган бўлиб, у ҳам 10 фаслдан иборат. Ушбу бўлимда қофия ва унинг таркибий қисмлари, қофияни вужудга келтирувчи ҳарф ва ҳаракатлар, қофия турлари, қофия айблари, форсий қофияга доир ҳарф ва ҳаракатлар, радиф, аслий ва шойгон кофияга доир масалалар қаламга олинган. Алишер Навоий "М."дан "Мезон ул-авзон"ни ёзишда асосий манбалардан бири сифатида фойдаланган.

МЕҲИНБОНУ – "Фарҳод ва Ширин" достони персонажларидан бири. Арман юртининг маликаси, Ширинниг холаси.

М. образининг илдизлари қад. Сурия тарихи, Сурия-Мидия афсоналарига бориб тақалади. У қад. арман афсоналарида Шамирам номи б-н аталган. Бу ҳолат Шамирамнинг нафақат арман фольклори, балки бошқа Кавказ халқлари ижодиётида ҳам кенг тарқалишига замин бўлган. Шамирам фольклор воситасида ёзма ад-тга ўтади. Низомий Ганжавийнинг "Хисрав ва Ширин" достонидан сўнг хамсачиликнинг анъанавий образига айланади. Низомий ва унинг издошлари достонларида у Шомира-Меҳинбону (улуг соҳиба) деб аталади. Адолатли, тадбирли, эл-юрт учун фидойи ҳукмдор сифатида тасвирланади. Навоий достонида ўз фаолияти, сифати ва хислати б-н Хисравга қарама-қарши қўйилади.

Навоий ижодида М. тимсолида меҳрибон она, фидоий ва тадбиркор ҳукмдор аёл қиёфаси гавдаланади. У Ширинни жонидан ҳам авло кўради. Фарҳоднинг Ширинга кўнгил қўйганини, ахлоқий гўзаллиги ва камолотини билиб, ўз фарзандидай яқин олади. Хусрав б-н ҳам алоқани ёмонлаштирмаслик, ҳам Ширинни унинг қўлига бериб қўймаслик учун моҳир сиёсатчи каби иш тутади. Бу айниқса, унинг вазир Бузург Уммеднинг маслаҳати б-н Хусравнинг юборган одами "Ширин турмуш қуришни хоҳламайдиган ўжар қиз бўлса, унда тошйўнар Фарҳод б-н ошиқ-маъшуқлик қилиб юрибди-ку", деб қилган таънасига берган жавобида яққол намоён бўлади. "Фарҳод фано ўтида ўртаниб, шундай пок бўлганки, натижада Ҳақ зотини акс эттирадиган зарра даражасига етган ва шунинг учун ҳам ҳар нарсада фақат Ҳақ зоти тажаллийсини кўради. Унинг Ширинга бўлган муносабати ҳам шу каби самимийдир" деб айтган жавобида унинг ҳам оқила аёл, ҳам қалб сирридан огоҳ инсон эканлиги аёнлашади.

Бу янглиғдурки фаҳм эттинг сифотин,
Меҳинбону дебон давр аҳли отин.
("Фарҳод ва Ширин")

МЕҲР – "Сабъаи сайёр" достонидаги бешинчи ҳикоят қаҳрамони, Адан подшоси Навдарнинг қизи. Гўзал, вафодор ва тадбиркор малика, Суҳайлнинг севгилиси. "М." исмининг қуёш, офтоб б-н бирга севги, муҳаббат ва ишқ маънолари ҳам бор.

Ҳикоятда тасвирланишича, у кемада сайр қилиб юрганида, денгиз ва қуруқликда қароқчилик б-н шуғулланадиган Жобирнинг қўлига асир тушиб қолади. Жобир уни кўргач, ҳушини йўқотиб, ишқида пинҳон ёниб, васлига етишишни орзу қилади. М. эса унинг нилуфарий қасрида яшаса ҳам, тинимсиз озодлик ҳақида ўйлайди. Бир куни у Жобирнинг чоҳида қамалган маҳбусни қуткариб, ундан севгилиси Суҳайлга хабар етказишини сўрайди. Бироқ ўша маҳбус Суҳайл бўлиб чиқади ва у жанг қилиб севгилисини Жобир зулмидан озод қилади.

Юзига меҳр бандау оти Меҳр,
Уйрулуб меҳридек бошиға сипеҳр.
("Сабъаи сайёр")

МЕҲРИ ҲИРОТИЙ (ваф. 1449, Ҳирот.) – форс-тожик шоираси. Шоҳрух Мирзонинг шахсий табиби Хожа Абдулазизнинг хотини. Ниҳоятда гўзал, яхши таҳсил олган, жасур ва ҳозиржавоб бу аёл Гавҳаршодбегим б-н яқин муносабатда бўлган. Тилининг ўткирлиги ва фош қилувчи бадиҳа шеърлари туфайли туҳматга учраб, Шоҳрух томонидан ҳатто зиндонга ҳам ташланган. Озодликка чиққач, сарой б-н алоқасини буткул узади.

Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида қуйидаги байтни Мавлоно Сулаймонга нисбат бериб келтирар экан, шундай ёзади: "Ва машҳур мундоқдурким, бу абёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотуни Меҳринингдур. Ва фақир сиқа элдин эшиттимким, Сулаймоннингдур. Валлоҳу аълам":

Гуфтам аз мадраса пурсам
сабаби ҳурмати май,
Дари ҳар кас, ки задам,
беҳуду лоякил буд.

(Мазмуни: Майнинг нега ҳаромлиги сабабини сўрай деб, мадраса аҳлидан кимнинг эшигини қоқмай, ҳаммаси масту беҳуш эди).

МЕҲРИГИЁҲ, МЕҲРИГИЯҲ – мардумгиёҳ, женьшень. Кенг тарқалган доривор ўсимлик. Табобатда, асосан, умумий тетиклаштирувчи доривор сифатида ишлатилади. Осиё ва Шимолий Америкада кўп ўсади. Унинг ўн бир тури мавжуд.

Шарқ табобатида М.дан тайёрланган дори-дармонлар инсонни ёшартирувчи ва умрини узайтирувчи восита ҳисобланади. М. ҳақида турли афсона ва ривоятлар, хусусан, ўзи ҳамма дардга даво бўлса-да, бироқ узган одамни ўлдиради, деган қараш мавжуд.

Навоий асарларида М.нинг майсаси ёр хатига, донаси эса холига муқояса қилиниб, топилмайдиган, камёб нарса мисолида талқин қилинади.

Бутубон меҳригиях
донаси ҳам сочилса,
Оразинг гулшани ичра
хату холингга фидо.
("Бадоеъ ул-васат", 31-ғазал)

МЕҲРНОЗ, Нозмеҳр – "Садди Искандарий"да Искандарнинг иккинчи хотини, Кашмир шоҳи Маллунинг қизи. Гўзал ва нозли қиз. Умуман, гўзаллик б-н уйғунлашган Кашмир ҳийлагарлиги рамзи.

Бу иштин малолат топиб Нозмеҳр
Ки, шоҳ ўзга ён қилди оғоз меҳр.
("Садди Искандарий").

"МИНҲОЖ УН-НАЖОТ" ("Нажот йўли") – *"Ситтаи зарурия"* қасидалар туркумига кирувчи бешинчи қасида. Ҳажман 138 байтдан иборат. Мазмунан панднома характерига эга бўлиб, ёзилган йили номаълум. "М." икки форсигўй адиб Авҳадиддин Анварий ва озарбайжон шоири *Хоқоний Ширвоний* қасидаларига татаббуъ тарзида ёзилган. Қасидада Инсон ва Шайтон муносабатлари, яхшилик ва ёмонлик тасвирлари берилади, жаннатдан бадарга бўлган Одам Ато фарзандлари ва бани башарнинг комил инсонга хос бўлмаган нохуш ва номуносиб ахлоқий белгилари танқид қилинади. "М." тузилишига кўра тўлиқ қасида бўлиб, унинг насиб (кириш) қисми 11 байтдан иборат. Унда Ҳазрати Одамнинг Тангри қудрати б-н яратилиши, Аллоҳнинг илмига мушарраф бўлгани учун барча мавжудотларга сардору сарвар этиб тайинлангани, жаннатда Ҳаво б-н осуда ва бахтли ҳаёт кечириши ҳақида сўз боради. Қасида қуйидаги байт б-н бошланади:

Зиҳй аз шамъи руят чашми
мардум гашта нуронй,
Жаҳонро мардуми чашм
омадй аз айни инсонй.

(Мазмуни: Қандай яхшики, юзингнинг шамъи (нуридан) инсонларнинг кўзи ёриди. Инсонликнинг жавҳари бўлганинг учун жаҳон одамларининг кўз қорачиғига айландинг). Матлаъда уч маъно мужассам: 1) Одам Атонинг ҳали жаннатдан қувилмаган пок вужуди; 2) Муҳаммад (с.а.в.) нури; 3) Комил инсон вужуди. Учала маъно ҳам бир-бирига боғлиқ, яъни Одам Парвардигор томонидан яратилганда ҳамма фазилати б-н мукаммал эди, унда Нури Раҳмоний акс этган бўлиб, у жаҳон кўзгусининг гавҳаридай азиз ва мукаррам эди. Чунки Одам Атода Нури Муҳаммад (с.а.в.) азалдан мавжуддир. Одам Ато ва Муҳаммад (с.а.в.) комил инсон тимсоли бўлиб, инсонийлик жавҳари комил инсонда акс этади. Қасиданинг 12-байтидан бошлаб асосий қисм бошланади. Унда Одам Атонинг жаннатдан қувилиши Қуръони каримдаги ривоят асосида бадиий талқин қилинади. Навоийнинг фикрича, Одамнинг жаннатдан қувилиши буюк бир фожиа бўлиб, бу поклик оламидан, Парвардигор ҳузуридан ҳайдалиш ва фаришталикдан шайтонийликка қараб ҳаракатланишдир. Инсон ўз аслига – комиллик йўлига қайтиши учун ҳар қадамда, ҳамиша кураш олиб бориши зарур. Одамнинг жаннатдан қувилгани қанчалик фожиали бўлса, унинг ўзини, ўз бурчи, олий вазифаларини англамай, ғофил бўлиб, ҳирсу ҳавас, ёлғон ва риёга берилиши шунчалик ачинарлидир. Навоий байтдан байтга танқидий тавсифни кучайтириб,

инсонга зарар етказиши мумкин бўлган турли нуқсонлар, фалокат келтирувчи иллатларнинг поэтик шарҳини бериб боради. Шоирнинг фикрича, инсон тавба қилиб, солиҳ амаллар б-н шуғулланса, савоб ишлар қилса, яна жаннатга қайтиши мумкин. Комиллик, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ, унинг ўзи гуноҳу нуқсини англаб, буларни тарк этиши ва фазилату руҳоний шараф касб этиши лозим. Нажот йўли шундадир. Навоий қасидада Аллоҳга муножот қилиб, ўзини "зулмоний нафс"га гирифторлар сирасига киритади ва Яратгандан мағфират тилайди. Бу ҳолат қасиданинг умумлаштирувчилик хусусиятини таъминлаб, таъсирчанлигини оширган. Навоий қасида хотимасидан олдин замона ҳукмдори Ҳусайн Бойқарони мадҳ этиб, унга шоҳлик Ёфас давридан бошлаб мерос эканлигини таъкидлайди ва уни мадҳ этишда ожиз эканлигини саҳоба Ҳассоннинг Расуллуллоҳ мадҳини келтиришда ожиз қолганлиги б-н қиёслайди. Қасиданинг хотима қисмида шоир ўз байтларининг инсонлар қалбини уйғотишига, гумроҳликдан қутулишига нажот бўлишини тилаб, уни "Минҳож ун-нажот" деб атаганини айтиб ўтади. "М." салафлар қасидалари сингари *ҳазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун V - - - / V - - - / V - - - / V - - -) вазнида ёзилган.

МИР АЛИ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Абдураҳмон Жомий мадрасасида таълим олиши, Жомийга мулозим эканлиги ҳақида маълумот бериб, қуйидаги байтини келтиради:

Маро бесарви қаддаш бошад, эй дил,
Ба жон ҳар лаҳза тири ҳажр хосил.

(Мазмуни: Эй кўнгил, мен агар унинг сарв каби қоматини кўрмасам, жонимга ҳар лаҳзада ҳажр ўқи қадалаверади).

МИР АЛИ ДЎСТ РАФИҚИЙ (15 аср) – хуросонлик форс шоири, Ҳусайн Бойқаронинг бекларидан Алайкабекнинг набираси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг мулойим табъли йигит эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Давои дарди дили хешро кўжо жўям,
Кўжо равам, чи кунам,
ҳоли дил киро гўям?

(Мазмуни: Дилим дардининг давосини қаердан қидирай, қаерга борай, нима қилай, дилим аҳволини кимга айтай?)

МИР АРҒУН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг чодир тикиш б-н шуғулланган, шеър турларидан кўпроқ муаммо жанрига мойиллиги ҳақида маълумот бериб, "Маҳмуд" исмига битилган муаммосини намуна сифатида келтиради.

МИР АСАДУЛЛОҲ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган симнонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий М.А.нинг сурат ва сийрати ёкимли йигит эканлигини, илм олиш мақсадида Ҳиротга келгани ва ўзи қурдирган мадрасада таҳсил олганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Унс" исмига битилган муаммоси келтирилган.

МИР АҲАДУЛЛОҲ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган балхлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг таҳсил олиш учун Ҳиротга келгани, яхши шеърий табъга эга эканлигини айтиб "Порсо" исмига битилган бир муаммо ва қуйидаги байтини келтиради:

Эй шаби ғам, дур аз он
шамъи жамолам сўхти,
Солҳо дар ваъдаи рўзи висолам сўхти.

(Мазмуни: Эй ғам туни, ул шамдан узоқда менинг жамолимни куйдиринг; йиллар висол кунини ваъда қилиб, мени ёндиринг).

МИР БУЗУРГ ВА МИР ХУРД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ака-ука ҳиндистонлик тасаввуф шайхлари. Пайғамбар авлодидан бўлганликлари учун уларни "Содоти нуҳта" номи б-н ҳам аташган. Улар дастлаб Кобул вилоятининг Лаҳугар туманида яшаганлар. Бир кечада пайғам-

бар Муҳаммад (с.а.в.)ни тушларида уч марта кўриб, уларга бу шаҳарни тарк этишни амр этганларидан кейин Деҳлига келиб, муқим бўлганлар. Мир Хурднинг асл исми Мавлоно Бадриддин Исҳоқ бўлиб, Шайх Фаридиддин Шакарганж ҳақида "Асрор ул-авлиё" манақибини ёзган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайхлар б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МИР ЁДГОРБЕК (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Хуросон мирзозодаларидан эканлигини айтиб, "Сайфий" тахаллуси б-н ижод қилгани ҳақида маълумот беради. М.Ё. амал ва мартабани тарк қилиб, тарки дунёликни ихтиёр қилган ва озгина ғалла б-н кун кечирган. Ўзи каби фонийваш кишилардан ёрдамини аямаган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг икки байти келтирилган бўлиб, улардан бири қуйидагичадир:

Сарви ман сабз асту ширин,
рост ҳамчун найшакар,
Чун ба болои қабои барг
най бандад камар.

(Мазмуни: Менинг сарвим найшакардек ёш, ниҳол каби ширин ва хушқоматдир, найнинг барг кийимлари устидан камар боғлаганидек бели боғлидир.)

МИР ЗАЙН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Марв вилоятидан. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан киритилган.

МИР ИБРОҲИМ (15-аср) – шоир, Навоийнинг тутинган фарзанди. Амир Камолиддин Ҳусайннинг ўғли, Шайх Баҳлулнинг набираси. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да уни фарзанди каби тарбиялаганини айтиб, "шоҳим" ва "моҳим" исмлари келиб чиқадиган бир муаммосини келтиради:

Аз сари меҳр, эй нигори дилнавоз,
Сўи Иброҳими бедил бин ба ноз.

(Мазмуни: Эй дил олувчи ёр, меҳр кўрсатиб, ошиқ Иброҳим томонга ноз б-н бир қара).

МИР ИМОД МАШҲАДИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. "Мусавий" тахаллуси б-н ижод қилган. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг донишманд, хушхулқ ва хушхабъ киши эканлиги, муаммо илмида моҳирлиги, Машҳад шоирлари унинг ҳузурида йиғилиб, айтган ҳар бир сўзига итоат қилишлари ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг *Камол Хужандий*га жавобан ёзган қуйидаги байти келтирилган:

Гуфт: Бо чашмат бигў,
то жуз хаёли рўи мо,
Сурати дигар наёрад дар назар,
гуфтам: "Ба чашм".

(Мазмуни: Кўзингга айт, бизнинг юзимиз хаёлидан бошқа ҳеч бир суратни назарига келтирмасин, деди. Мен "кўзим устига" (яъни, жоним б-н), дедим).

МИР ИМОМ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Самарқандда яшаган. Халқнинг корига яраш ва уларга беминнат хизмат кўрсатишни ҳаётининг асосий маслагига айлантирган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МИР ИСЛОМ ҒАЗЗОЛИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. *Муҳаммад Ғаззолий*нинг авлоди. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тиббиёт ва ҳикматда маҳоратли экани, султонлар мажлисида иштирок этиши, табъи назмини алоҳида таъкидлаб, *Ҳаким Анварий*нинг қасидасига ёзган жавобидан бир мисра келтиради:

Чу муроди хешро бо мулки
Рай кардам қиёс.

(Мазмуни: Уз истагимни Рай мулки б-н қиёс қилдим).

Шунингдек, Навоий М.И.Ғ. *Бойсунғур Мирзо*нинг ўғли, 1447–1448 й.ларда Ҳирот атрофини бошқарган Алоуддавла Мирзо мадҳида бир қасида ёзгани, қасиданинг барча байти бир хил таърих (абжад ҳисоби б-н 849 ҳ.қ./1445–1446 м.)ни билдиришини айтади. М.И.Ғ. Султон Абу Саид Мирзо ҳукмронлиги даврида вафот этган.

МИР ИХТИЁРИДДИН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Араб тили ва фиққни мукаммал даражада билган. Навоий унинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олиб, яхши шеърий табъи борлиги, хуш хулқ-атворли йигит эканини айтади. *Мавлоно Низомиддин* қозилик қилган пайтида унинг маҳкамасидаги барча ҳукмнома ва фармонлар М.И.нинг тасарруфида бўлган. Фиқҳ илмига доир рисола ҳам битган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Пои Ҳисор" ҳовузи қурилиши муносабати б-н ёзган қуйидаги *таърихи* келтирилган:

Ҳавзе, ки чу хоҳам аз сафояш гўям,
Сад бор даҳан ба оби ҳайвон шўям.
Ҳар чанд, ки ҳаст
манбааш чашмаи Хизр,
Таърихи вай аз "соқии кавсар" жўям.

(Мазмуни: Бу ҳовузнинг тозалигидан сўзламоқчи бўлганимда, оғзимни юз марта оби ҳаёт б-н ювараман. Гарчи, Хизр чашмаси бўлса ҳам таърихини "Кавсар соқийси"дан ахтараман). Шеърнинг таърих моддаси "соқии кавсар" ибораси бўлиб, ундаги ҳарфлар абжад ҳисоби бўйича аниқланганда, 897 ҳ.қ. / 1486–87 м.га тўғри келади.

МИР ИШҚИЙ (15 аср) – хуросонлик форс шоири, Жаҳон Маликбекнинг набираси, Амир Ёдгорбекнинг қариндоши. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши табъга эга эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Зи баҳри он ки ояд қиссаи
жонони ман берун,
Зи хубон ҳар замон дар
анжуман орам суҳан берун.

(Мазмуни: Жононимнинг қиссаси келиб чиқармикан дея мажлисда ҳамиша гўзаллар тўғрисида сўз юритаман).

МИР КАМОЛИДДИН ҲУСАЙН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва тасаввуф намояндаси. Илм олиш учун Ироққа боради. Ирок ҳукмдори Султон Яъқуб унга алоҳида эҳтиром кўрсатиб бир йилда юз минг олтинга яқин даромад келтирадиган Бибёбон ҳудудини суюргол қилиб беради. Лекин М.К.Ҳ. тез орада дарвешликни ихтиёр қилиб, Хуросонга қайтади ва Абдураҳмон Жомий хизматига киради. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг "Манозил ус-сойирин" асарига шарҳ битади. Навоий М.К.Ҳ.нинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олиб, унинг хушсурат, хуштабъ ва барча илмлардан хабардор йигит экани, дарвеш ҳамда суфитабиат киши бўлганлиги туфайли ўзини "шайх" деб атагани, бу унинг ўз аҳволини яшириш учун қилинган маломати бўлса керак, деб айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Аз ин боғи жаҳоноро чи сон
орам қадам берун
Ки, бошад равзаи хулдаш дарун,
боғи Ирам берун.

(Мазмуни: Жаҳонга безак берган бу боғдан қандай қилиб чиқиб кетай, чунки унинг ичкариси жаннат боғи, ташқариси Ирам боғидир).

МИР ЛАВАНД (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қаландар кийимида юрадиган жаҳонгашта киши экани, шеърий истеъдод ва фазилатлардан холи эмаслигини айтиб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтиради:

Рухашро моҳ гуфтам, шаҳр
аз гуфтори ман пур шуд,
Зи дандонаш суҳан гуфтам,
даҳони ман пур аз дур шуд.

(Мазмуни: Юзини ой деб атадим, бу сўзим бутун шаҳарга тарқаб кетди. Тишлари ҳақида сўзлаган эдим, оғзим дурларга тўлди).

МИР МАХДУМ, Сайид Муҳаммад (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. *Қосим Анвор*нинг халифаси ва шогирди. М.М.нинг номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида Қосим Анвордан кейин тилга олинади. Алишер Навоий унинг Қосим Анворга ихлос б-н хизмат қилгани, устози буюрган ҳар қандай оғир меҳнатни сидқидилдан бажаргани учун пири унга М.М. номини берганини айтади. Қабри Нишопур вилоятида. "Ма-

жолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Мутриб, бизан таронаву, соқий,
биёр жом
Хунаш ҳалол, он ки бигуфтаст:
"май ҳаром"

(Мазмуни: Чолғучи, тарона чал; соқий, май тутгил, кимки "май ҳаром" деган бўлса, унинг қони ҳалолдир).

МИР МУРТОЗ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир ва олим. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг илм олиш б-н ёшлигидан машғул бўлгани, илмда нимага эришган бўлса, барчаси кўп мутолаа қилганидан эканини айтар экан, тақволи, доим рўзадор эди, деб таъкидлайди. Шу боис устозлари унга "Мир Муртоз" (нафсини бўйсундирганлар амири) деб тахаллус беришган. Хондамир ҳам ўзининг "Ҳабиб ус-сияр" асарида М.М.нинг ҳар доим рўза тутишини, тоат-ибодат шартларини тўлиқ бажаришини, фал. ва риёзиёт илмида тенги йўқ экани, бошқа илмларда ҳам ўз замонасининг кўп олимидан устунлигини айтиб ўтади. Шунингдек, Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ"да маълумот беришича, М.М. "Ихлосия" мадрасасида талабаларга сабоқ берган, вақф мулкларидан катта даромад олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаган. Навоийнинг ёзишича, М.М. ким б-н бирор масалада баҳс бошласа, уни то енгиб, мулзам қилмагунча тинчимас, шунинг учун шаҳарлик ҳазилкашлар уни "шилқим (хира)лар авлиёси (бошлиғи)" ҳам дер экан. М.М. шатранж илмида ҳам моҳир бўлиб, рақибларини енгмагунча тинчимас, агар икки рақиб пайдо бўлиб қолгудай бўлса, бири б-н ўйнаб, иккинчиси кетиб қолмаслиги учун этагини қўйиб юбормас экан. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

То наёяд суи дил ғайри хаёли дилситон,
Бар сари раҳ мардумони
чашм гашта дидабон.

(Мазмуни: Кўнгилга кўнгил олувчининг хаёлидан ўзга нарса келмагунча, (унинг) йўли устида кўз қорачиғлар назоратчи бўладилар).

МИР МУФЛИСИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида ва "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинади. Навоий унинг яхши табъли шоир экани, лекин кейинчалик ақли зойил бўлгани, қўли ва бармоқларига ҳалқалар осиб, доим ўзи б-н ўзи сўзлашиб юришини айтади. "Насойим ул-муҳаббат"да М.М. нинг халқ орасида кўп каромат кўрсатганига оид гап-сўз юриши ҳақида маълумот берилади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг тахаллуси б-н боғлиқ қуйидаги байти келтирилган:

Халқ гуяд Муфлисий девона шуд,
Ложарам девонаги аз муфлисист.

(Мазмуни: Халқ Муфлисий девона бўлибди, дейди. Ахир девоналикнинг ўзи муфлис (фақир)ликдан-ку!)

МИР САРБАРАҲНА, Сайид Шамсиддин Муҳаммад Андижоний (Андижон – 15-аср – Ҳирот) – шайх, мутаваллий, садр. Илм олиш учун Самарқандга келади, толиби илмлар даврасига қўшилади. Ҳиротга келгач, Навоийнинг иноята ва тарбияти б-н камолот касб этиб, катта ҳурмат-эътибор қозонган. Хондамир "Хулосат ул-ахбор" асарида: "Феълининг хушлиги, сўзларининг мулойимлиги, фаҳмининг тезлиги ҳамда зеҳнининг ўткирлиги билан замон фозиллари ва давроннинг зийрак кишилари орасида тамом ажралиб туради. Ҳаммавақт сўзлари ширин ва маъноли ҳикоятлари, гўзал, суҳбатлари ажойиб ва ғаройибдир", деб унинг таърифини келтиради. Чуқур илми ва гўзал хулқи б-н Ҳусайн Бойқарога ҳам маъқул келади ва садрлик мансабига кўтарилади. Йигирма йилга яқин Шайх Луқмон мозорида шайх ва мутаваллий бўлади. Кейин ўз ихтиёри б-н истеъфо беради. "Мажолис ун-нафоис"да Навоий М.С. ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол адо этгани, бирор киши унинг ишидан айб топа олмаганини қайд этади. Унга кўра, М.С. тирзиқ – бир-бирига муносабатсиз равишда бириккан сўзлар, воситасиз боғланган шеър айтмоқ қоидасини кашф қилган. Баъзи-баъзида яхши тирзиқлар ҳам ижод қилади деб, бир маъракада айтган қуйидаги рубоийсини келтиради:

Онан, ки парастандаи хуршиду маҳанд,
Аз чашми ту дар орзуи як нигаҳанд.
Кунгур агар ин аст, ки ман мебинам,
Хубони дигар питанги таълимгаҳанд.

МИР ҚАРШИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган самарқандлик шоир. "Хатоий" тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг бозорда саҳҳофлик (муковачилик) дўкони борлиги, у ерда, асосан, шеърий табъ аҳли жамъ бўлиши, М.Қ. ўзини уларга устоз деб қисоблаши ҳақида маълумот бериб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтирган:

Нест ойини муҳаббат кардан
аз ёре гила,
Варна з-он бадаҳд мекардем бисере гила.

(Мазмуни: Муҳаббат қоидасида ёрдан гина қилиш йўқдир, бўлмаса ул вафосиздан кўп гина қилган бўлур эдим). М.Қ. Самарқандда вафот этган.

МИР ФИЁС – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Асли исфаҳонлик бўлиб, Нишопур шаҳрида воя-га етган. *Мажзуб солик*лардан. Ҳиротда Шайх Ахий Муҳаммад Жомийга мурид тушган. *Бобо Муҳаммад Тусий* б-н ҳамсуҳбат бўлган. Пири вафотидан кейин Бодғис чўлида яшаб, лангар қурган. Бу лангархона Навоий замонида ҳам обод ва маъмур бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МИР ФИЁСИДДИН АЗИЗ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳадда Имом Али Мусо ар-Ризо зиёратгоҳида бошлиқ ва вилоят улугларидан экани, таърифида сўз ожиз қилишини айтиб, М.Ғ.А.га нисбат бериладиган қуйидаги матлаъни келтиради:

Бозам аз дасти буте домони
исмат чок шуд.
Жуз хаёлаш ҳар чи буд,
аз лавҳи хотир пок шуд.

(Мазмуни: Санамнинг дастидан покликнинг этаги йиртилди. Хотира саҳнида хаёлидан ўзга нимаики бўлса, ўчиб кетди).

МИР ҲАБИБУЛЛОҲ (15-аср) – хуросонлик форс шоири ва созанда, Мир Садрнинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг уд мусиқа асбобини чалишга рағбати борлигини айтиб, мусиқа илмида камолга етишига умид билдиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Аз чи дар шоми ғамат олам
ба чашмам шуд сиёҳ,
Гар намурд аз сарсари оҳам
чароғи меҳру моҳ?

(Мазмуни: Агар оҳим елидан қуёш б-н ойнинг чироғи ўчмаган бўлса, нима учун ғаминг тунида бутун олам кўзимга қоп-қоронғу кўринди?)

МИР ҲАЙДАР МАЖЗУБ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "Дарвозаи Хуш тошида Имом Фахр мозори бошида" ўтиришини, йигитлигида таҳсил чоғида унга жазба етиб, аҳволида ўзгариш содир бўлгани, баъзан ўзига келиб, турли соҳаларда илм аҳли б-н баҳслашганда, ҳамма унинг билимига тан бериши ҳақида ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Лабу дандони он маҳ бо чи монад?
Чу қанде бар биринжи дона-дона.

(Мазмуни: Ул ойнинг лаб ва тишлари нимага ўхшайди? Худди қанд дона-дона гуруч устида тургандек).

МИР ҲОЖ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг замона улугларидан бўлса-да, илм олишни тарк этмагани, яхши шеърий табъи борлиги ҳақида маълумот беради. М.Ҳ. кўпроқ қасида жанрида шуҳрат қозонган, баъзан ғазал ҳам ёзиб турган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Агар дар гўшаи ғам дур аз он
сиймин бадан мирам,
Халал дар кори ишқ ояд,
ҳамон рўзе, ки ман мирам.

(Мазмуни: Агар ғам бурчагида ул кумуш тандан узоқликда ўлиб қолгудек

бўлсам, ўлган кунимнинг ўзидаёқ ишқ ишига халал етади).

МИР ҲОШИМИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг темирчилик касби б-н бирга илм олиш б-н ҳам машғуллиги, яхши шеърий табъи борлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Хушам з-он рўки, тираш дар дили
ношод жо дорад,
Ки, хоҳад ёди ман кард аз
хаданги худ чу ёд орад.

(Мазмуни: Шундан хурсандманки, отган ўқи ношод кўнглимга жо бўлди, энди ўз ўқини қидирганида мени ҳам ёдига олади).

МИР ҲУСАЙН (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг таҳсил олиш учун Ҳиротга келгани, "Ихлосия" хонақоҳини маскан тутгани ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Лутф" исмига битилган муаммоси келтирилган.

МИР ҲУСАЙН АЛИ ЖАЛОЙИР (15-аср) – Навоийнинг қариндоши, Ҳасан Али Жалойирнинг тўнғич ўғли. "Туфайлий" тахаллуси б-н ижод қилган, қасиданависликда тенгсиз бўлган. Айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳида ёзилган "шикаст" радифли қасидаси жуда машҳур бўлган. Подшоҳнинг эътиборига тушиб, мухрдор, парвоначи, вазир ўринбосари сифатида фаолият юритган. Навоийнинг ёзишича, Султонга шунча яқин бўлганига қарамай, бир айби туфайли унинг назаридан қолган. Қуйидаги матлаъ унинг шу даврдаги аҳволини акс эттиради, илоҳим айтгани келсин деб тилак билдиради.

Биҳамдиллаҳ, ки дигар рах
ба иқболи шаҳи одил,
Бурун омад гулам аз хору
хор аз пову по аз гил.

(Мазмуни: Худога шукрлар бўлсинки, одил шоҳ иноятн б-н яна бир бор гулим тикандан, тикан оёғимдан, оёғим лойдан халос бўлди).

МИР ҲУСАЙН МУАММОИЙ (вафо. 1498–99) – форс-тожик тилида ижод қилган нишопурлик шоир. Хондамир "Ҳабиб ус-сияр"да унинг узоқ йиллар "Ихлосия" мадрасасида яшагани, турли билимлар ўргангани ва муаммо илмида донг таратгани ҳақида маълумот бериб, вафот этганидан сўнг "Ихлосия" мадрасаси гунбази остида дафн қилинганлигини ёзади. Навоий унинг номини "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олади. Юксак ахлоқли киши деб таърифлаб, муаммо илмида шундай мартабага эришдики, гўё бу бир йўл бўлса, "бу йўлни банд қилди" дейди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Носир" исмига битилган муаммоси келтирилган.

МИРА НИСОБУРИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Маломатийлик тариқатининг намояндаси. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МИРАК ҲУСАЙН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир, *Хожа Султон Муҳаммад*нинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг энди танила бошлаган ёш шоир эканлигини айтиб, "Сиддиқ" исмига битилган муаммоси ва қуйидаги байтини келтиради:

Кужо расад зи ту, эй бевафо, висол маро
Ки аз жунуни ғамат нест эътидол маро.

(Мазмуни: Эй бевафо, бизга висолинг қачон насиб бўларкин; ғаминг жунунидан менда ҳушёрлик қайда!)

МИРЗО БОЙҚАРО (вафо. 1487) – Темурийлар сулоласининг вакили, давлат арбоби. Ҳусайн Бойқаронинг акаси. Тахт учун курашларда Ҳусайн Бойқарога навкар бўлиб хизмат қилган. Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргач, М.Б.ни Балх вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди. Бир неча йил Балхни идора қилган. Умри охирида сарой ишларига аралашмаган. Уч ўғли бўлган: Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Вайс Мирзо ва Султон Искандар Мирзо.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да уни "шикастанафслик ва кичик кўнгуллук, тавозуъ ва таъзимлиқ киши эрди ва ҳақшунослиги аъло мартабада эрди" деб таърифлайди ва назм неъматидан ҳам бебаҳра эмас эди деб, бир матлаъсини келтиради:

Зиҳи тажаллийи ҳусни
ту дар жаҳон пайдо,
В-аз ин тажаллийи ў
гашта жони мо шайдо.

(Мазмуни: Гўзал ҳуснинг жилваси жаҳонни тўлдирди ва унинг бу жилвасидан бизнинг жонимиз шайдо бўлди).

МИРЗО ҲОЖИ СЎҒДИЙ (15-аср) – самарқандлик туркигўй шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни "одамизода" (мард инсон) деб таърифлайди, ажойиб шеърий табъга эгалигини айтиб, қуйидаги байтига ижобий баҳо беради:

Ўхшатти қоматингга
санавбарни боғбон,
Бечора билмас эрмиш алифдин таёғни.

Қабри Самарқандда.

МИРЗОБЕК (ваф. 1490–91, Самарқанд) – шоир. Навоий қўлида бир муддат хизмат қилган Амир Султон Ҳасан Арҳангийнинг ўғли. А.Н. "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида унинг ижодий салоҳияти ва инсоний фазилатига юксак баҳо берган: "Мирзобек инсоният ва хушахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Таъб ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона, бу навъ таърифлардин мустағний". Зулқофиятайн (қўш қофияли) ва тарди акс санъатига асосланган қуйидаги матлаъсини шоирлик истеъдодига мисол тариқасида келтириб:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур.
Ким, жонга қаро бало бўлубтур, –

каби бетакрор байтлар гарчи тилига кўн келса-да, сира парво қилмас ва бир ерга ёзиб қуймас эди деб, ўз салоҳиятини қадрламаслигини айтади. Шунингдек, гарчи юксак санъаткорлик даражасида бўлмаса-да, ундан ёдгор қолсин деб, тугатиб, девонига киритганини айтади.

Фавқулодда қобилиятига эга бўлгани туфайли Навоий уни ниҳоятда қадрлаб, фарзанд ўрнида кўрар эди. "Соқийнома"сида М. номи билан машҳур бўлган бу йигит барча фанларда замонасининг ягонаси бўлиб, менга ҳам дўст, ҳам фарзанд мақомида эди, деб таърифлайди:

Бири ҳам ёр манга, ҳам фарзанд,
Жонға орому юракка пайванд.

М. отаси каби ичкиликка берилади. Навоийнинг севимли шогирдини бу йўлдан қайтариш борасидаги барча уринишлари зое кетади. Оқибатда, ичкилик дастидан отасидан ўн йил кейин жувонмарг бўлади.

Навоий ота ва ўғил вафотига бағишлаб форсий таърих ёзади, уларнинг ўлими санасини "махмур" (886 ҳ.қ./1481м.) ва "махмурий" (896 ҳ.қ./1491м.) сўзларидан келтириб чиқаради.

Қабри Самарқандда, Аҳмад Ҳожибек мадрасасида.

МИРРИХ – ўрта аср нужум илмида етти сайёранинг бири; Марс сайёраси. Миргал номи б-н Бобил мифологиясида пайдо бўлган бу образ юнон мифологиясида Арис, Рим мифологиясида Марс, "Авесто"да Варахран, ислом дунёсида Баҳром образи воситасида талқин этилади. Уруш ва жангу жадал ҳомийси, жаҳлдор ва кучли эркак сифатида тасаввур этилган.

Рим мифологиясида дастлаб Марс жамоанинг қўриқчи маъбуди ҳисобланган ва унинг вазифаси хилма-хил бўлган. Рим тақвимининг биринчи ойи – мартда дала ишлари бошланган ва у Марсга бағишланган. Деҳқонлар мўл ҳосил, соғлиқ ва узоқ умр тилаб Марсга сиғинганлар. Марс сайёраси уруш, фалокат ва кулфатлар б-н қиёсланади.

Навоий асарларида М. Наҳси акбар (хосиятсизлик келтиргувчи катта сайёра) ва Баҳром каби ном ва сифатлар б-н эсланади. Меърожномаларда у бешинчи осмон ҳамда чоршанба кунининг ҳомийси сифатида ифодаланган.

Бешинчига чун етқуруб гомни,
Қилиб бандаи амри Баҳромни.
("Садди Искандарий", 4-боб)

"Сабъаи сайёр" достонида тўртинчи иқлим ва чоршанба кунининг ҳомийси бўлган қизил рангли сайёра тилга олинади. Бу сайёра ҳомийлик қиладиган кун Баҳром гулгун (қизил) қасрда Деҳли гўзалининг қўли-

дан май ичиб, тўртинчи иқлимдан келган сайёҳдан Масъуд ва шоҳ Жуна ҳақидаги ҳикоятни тинглайди.

Савлатиға чу солди кўз Баҳром,
Тиғиға берди қин аро ором.
("Сабъаи сайёр", 4-боб)

"МИРСОД УЛ-ИБОД" ("Бандалик йўли") – Нажмиддин Розийнинг асари. Тасаввуфий мавзуда битилган. Форсий тилда ҳам назм, ҳам насрда ёзилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Нажмиддин Розий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

МИРХОНД, Муҳаммад ибни Хованд шоҳ ибни Маҳмуд (1433, Балх – 1498, Ҳирот) – тарихчи, хаттот ва шоир. Отаси Бурҳониддин Хованд шоҳ асли бухоролик бўлиб, фиқҳ илми б-н шуғулланган. М. Бухорода мадрасани тугатиб, отаси вафотидан кейин Ҳиротга келган. Навоий таклифи б-н "Равзат ус-сафо фи сийратул-анбиё вал-мулук вал-хулафо" ("Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи") номли темурийларга бағишланган тарихий асар ёзган. Навоий унга «Халосия» хонақоҳида жой ва маош тайинлаб, ўзининг бой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятини берган. М. шу ерда 1494 й.гача 7 жилдли "Равзат ус-сафо" асарининг 6 жилдини ёзиб тугатади, 7-жилд кейинчалик набираси *Хондамир* томонидан охирига етказилади. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида М.га алоҳида мақола бағишлайди. Уни Балхнинг донишманди ва улуғи сифатида тилга олиб, фониймашраб ва хуш ахлоқ киши сифатида эътироф этади, хаттотлик ва тарих фанида беназир эканлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг Амир Хусрав Деҳлавий "Дарёи аброр"ига ёзган татаббуъсидан қуйидаги байти келтирилган:

Ҳарки даст аз оби ҳайвон шуст,
Хизри вақт ўст,
В-он ки аз зулмоти нафс омад бурун,
Искандар аст.

(Мазмуни: Кимки оби ҳаётдан қўл ювса, замона Хизри ўшадир, Кимки нафс зулматидан четга чиқса, Искандар ўшадир).

МИРШАЙХ ПУРОНИЙ (15–16-аср) – шоир, хаттот. Асли ҳиротлик бўлиб, хаттотлик санъати ва ад-т илмини такомилга етказиш мақсадида Бухорода яшаб қолади. Етти хил ҳуснихатда тенгсиз бўлган. Бухоро Жомеъ масжидидаги ёзувлар унинг қаламига мансуб.

"Мажолис ун-нафоис"да ёзилишича, М.П. шайх Абусаид Пуронийнинг ўғли бўлган. Валийлар авлоди ҳамда туғма истеъдод соҳиби бўлгани сабабли қисқа муддатда энг пешқадам ва хушхат хаттот бўлиб етишган.

Ҳасанхожа Нисорий берган маълумотга кўра, М.П. Бухоро шаҳри ичкарисидаги Чорсу масжидида мударрислик б-н шуғулланган. Ёши етмишдан ошганда вафот этади. Хожа Исфаҳоний қабри ёнида дафн этилган.

"МИРЪОТ УЛ-ЖИНОН" ("Кўнгил кўзгуси") – Имом Ёфиъийнинг тарихий асари. Тўлиқ номи – "Миръот ул-жинон ва ибрат ул-яқзон фий маърифати ҳаводис из-замон". Ушбу асарда муаллиф 622–1350 й.лардаги энг муҳим воқеалар, машҳур шахслар ҳақида маълумот беради. Ибн Халликоннинг "Вафаёт ул-аъён" ("Машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоли") асари имом Ёфиъий учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Имом Ёфиъий ҳақидаги бобда келтиради.

"МИРЪОТ УС-САФО" ("Софлик ойнаси") – Амир Хусрав Деҳлавийнинг қасидаси. 1297 й.да ёзилган. Фалсафий-ахлоқий мавзуда. *Хоқоний Ширвонийнинг* "Қасидаи шиния (қофияларнинг охирги ҳарфи "ш" бўлганига ишора) қасидасига жавоб тарзида битилган. Ушбу қасидага Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий (қар.: *"Минҳож ун-нажот"*), Юсуф *Бадеғий*, турк шоири Нафъий жавоб ёзган. Навоий ушбу асар номини "Муҳокамат ул-луғатайн"да ўз асарларига асос бўлган манбалар қаторида тилга олади.

МИРҲАЙДАР ФАХРБОИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Жазба

ҳолига мағлуб бўлган дарвешлардан. Ҳиротнинг Дарвозаи Хуш ташқарисидаги Мир Фахрбойидаги қабристонда дафн этилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу дарвеш б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

"МИСБОҲ УЛ-АРВОҲ" ("Руҳлар чироғи") – Авҳадиддин Кирмонийга нисбат бериладиган асар. 112 байтдан иборат ушбу ирфоний маснавийни Муҳаммад Авфий Бухорий "Лубоб ул-албоб" асарида Шамсиддин Муҳаммад Бардсерий Кирмонийга ҳам нисбат бериб, намуналар келтирган. Навоий "Нафаҳот ул-унс"га таянган ҳолда "Насойим ул-муҳаббат"да ушбу маснавийдан 8 байт иқтибос келтиради.

"МИФТОҲ УЛ-ҒАЙБ" ("Ғайб калити") – Садриддин Қунавий асарининг номи. Ушбу асарда комил инсон тушунчаси ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосида талқин қилинади. Асар ирфоний илмларнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Садриддин Қунавий ҳақидаги бобда келтиради.

"МИШКОТ УЛ-АНВОР" ("Нурлар токчаси") – *Муҳаммад Ғаззолий*нинг асари. Ҳадис ва тас. масалаларига бағишланган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Муҳаммад Ғаззолий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

МОВАРОУННАҲР – ўрта асрларда мусулмон Шарқи мамлакатларида кенг тарқалган жуғрофий атама. М. тушунчаси илк марта араб манбаларида форс тилидаги "Вароруд" (дарёнинг нариги қирғоғи) тушунчасининг муқобили сифатида қўлланилган. Ўрта аср манбаларида М. атамаси турлича талқин қилиниб, ҳар хил даврларда турли давлатлар – Турк хоконлиги, Араб халифалиги, шунингдек, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқа давлатларнинг таркибидаги маъмурий бирлик маъносини билдирган. Навоий асарларида М. атамаси асосан ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисмидан ташқарида бўлган Ўрта Осиё ҳудудлари маъносида қўлланилган:

"...Мовароуннаҳр машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозаматиға етибдурлар ва Хожа Абу Наср суҳбатиға етибдурлар ва Мавлоно Низомуддин Хомуш била суҳбат тутубдурлар" ***("Насойим ул-муҳаббат", 460-фасл).***

МОЛИК ДИНОР – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф намояндаси. Ҳасан Басрийнинг шогирди. Отаси – Динор қуллардан бўлган. М.Д. қулликдан болалигидаёқ озод қилинган. Тақво ва зуҳдда беназир бўлган. "Кашф ул-маҳжуб"да келтирилишича, М.Д. амалнинг асосини ихлосда, деб ҳисоблаган. Навоий ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га "Тазкират ул-авлиё" асосида ёзиб, киритган.

МОЛИКИЙ, Абулхайр Бундор бин Яъқуб Моликий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шерозда яшаган. У Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозийни рўзаи висол (ифторлик қилмасдан рўза тутмоқ)дан қайтарган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МОЛИКИЙ, Абулҳусайн Аҳмад бин Саъд Моликий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бағдодда Жунайд Бағдодий, Абулқусайн Нурий ва б. шайхлар б-н учрашган. Тарсус шаҳрида вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МОЛИНИЙ, Абу Абдуллоҳ Аҳмад бин Абдураҳмон бин Наср – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Аму*нинг муриди. Ҳирот яқинидаги Молин мавзеида дафн этилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МОНИЙ ибн Фатак (216 – Ктесифон–277) – монийлик таълимотининг асосчиси; нақкош ва рассом. Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон бўйлаб сафар қилиб, зардуштийлик, буддавийлик, брахманлик каби турли диний таълимотлар б-н танишади. 240 й.дан бошлаб М. ўзининг мустақил таълимотини Эронда тарғиб қила бошлай-

ди. Бироқ зардуштий мубадлар бу таълимотга кескин қарши чиқадилар. Шундан сўнг, М. асосан, Марказий Осиё, жумладан, Мовароуннаҳр ҳудудида фаолият кўрсатади. М. 273 й.да Эронга қайтади, Шоҳ Баҳром I нинг топшириғи б-н 275 й.ҳибсга олиниб, зиндонбанд қилинади. 277 й.да қатл этилган. "Шобурақон", "Канз ул-эҳё" ("Тирилганлар хазинаси"), "Жабборлар ҳақида", "Сирлар китоби", "Авангелион", "Кефалак", "Бунгохик" ("Бунгоҳанг") китоблари унинг қаламига мансуб. М. таълимоти ўлимидан кейин кенг тарқалади. У 8-асрда Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланади. Аммо кейинчалик Ислом дини вужудга келганлиги сабабли монийлик аста-секин Европа ва Осиё мамлакатларида барҳам топди. 14-асрга келиб бу диний таълимот Хитойда ҳам тақиқланади.

"Тарихи мулуки Ажам"да М.нинг туғилиши ва таълимотининг ёйилиши икки Шопур – Шопур бин Ардашер ҳамда Шопур Зул-Актоф замонларига нисбат берилиши қайд қилинган. Шунингдек, унинг қатл этилиши ҳам икки киши – Ҳурмуз бин Шопур ҳамда Баҳром бин Ҳурмуз даврига нисбат берилган. М.нинг мўъжиза сифатида тақдим қилган ҳунари – паргор (циркул) сиз доира чизиш ҳамда чизғичсиз тўғри хат чизиш бўлган. Шунингдек, глобус яратилиши ҳам М.га мансуб деб ҳисобланган. М. таълимоти бўйича, руҳ – бадан зиндонида асирдир. Риёзат ва мужоҳада орқали руҳ ўзининг асл манбаига қайтиши мумкин. М.ни Навоий "зиндиқ" сифати б-н эслаган. Лирик асарларида эса М.нинг беназир наққош ва мусаввир эканлигини образли тилда баён этган.

Уйлаким Моний ишидин
зойиғ ўлди нақши Чин,
Ул бути Чин сувратидин бўлди
нақши монавий.
("Гаройиб ус-сиғар", 650-ғазал)

М. "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳодга таълим берган наққош, хоқон томонидан Фарҳодга атаб қурдирилган тўрт қасрнинг бош мусаввири сифатида намоён бўлади. Унинг ҳунарини ўрганган Фарҳод Арманияга борганда Ширинга атаб қаср қуради.

"Сабъаи сайёр"да эса Баҳромга Дилоромни таърифлаб, унинг суратини кўрсатган мусаввир, Дилором ҳажрида куйган Баҳром учун етти рангдаги етти қаср қурилишига бошчилик қилган меъмор сифатида кўзга ташланади.

"Лисон ут-тайр" достонининг 19-бобида Симурғнинг бир пари Чин заминига тушди ва уни кўриб, М. монийлик санъатига асос солди, дейилади.

Оти – Моний, хомаси – муъжизнамой,
Санъати наззораси ҳайратфизой.
Буйла нисбатлардин аҳли маънавий,
Чинда дерлар коргоҳи Монавий.
("Лисон ут-тайр", 19-боб)

МОТУРИДИЙ, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870–944) – фақиҳ, муфассир, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси. "Имом ал-ҳудо" ("Ҳидоят йўли раҳнамоси"), "Имом ал-мутакаллимин" ("Мутакаллимлар имоми"), "Раийсу аҳлис-сунна" ("Аҳли сунна раиси"), "Мусаҳҳиҳу ақидатил-муслимин" ("Мусулмонлар эътиқоди тузатувчиси") номлари б-н улуғланган. Самарқанднинг Мотурид қишлоғи (ҳоз. Жомбой тумани)да таваллуд топиб, то умрининг охиригача шу ерда яшаган, бу ерда катта боғ ҳам барпо этган. М. Самарқанддаги ал-Аёзий мадрасасида ўқиган, маҳаллий ҳанафий фақиҳлардан таълим олган, кейин ўзи фиқҳ ва калом илмидан сабоқ берган. Васиятига кўра, Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган.

М. тафсир илмида "Таъвилоту аҳлис-сунна" ("Суннийлик анъаналари шарҳи") ёки "Таъвилот ул-Қуръон", калом илмида "Китоб ат-тавҳид" ("Тавҳид ҳақида китоб"), усул ул-фиқҳ илмида "Маъхаз аш-шароиъ"("Шариъий ҳукмлар манбаси"), "Ал-Жадал" ("Мунозара"), тажвид илмида "Рисолатун фий мо яжузул-вақфу ъалайҳи фил-Қуръон" ("Қуръон қироатида тўхташ жоиз бўлмаган ўринлар ҳақида рисола"), ахлоқ илмида "Васоё ва муножот" ("Васиятлар ва муножот") каби асарлар муаллифи. Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг асосий қисмида эътиқод масаласида М.нинг асарлари энг муътабар манба ҳисобланган. М. Абу Ҳанифа қарашларини тушунтириб бериб, уни ривожлантирди. Абул Ҳасан ал-Ашъарий

(873–935) ишлаб чиққан ислом ақидаси асосларини такомиллаштириб, уни суннийлик эътиқодига кириб қолган нотўғри, ғайри саҳиҳ ақидалардан тозалади.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да М.ни "Алам ул-ҳудо" ("Ҳидоят йўлининг байроғи"), "Султон ул-муъиззин" ("Азиз қилувчиларнинг султони") деб улуғлаган ҳамда "Нафаҳот ул-унс"дан фарқли равишда М.га алоҳида боб ажратган.

МОҲВАШ/МАҲВАШ – ой юзли гўзал маҳбуба. Тас.да илоҳий нурлар мазҳари, асл гўзаллик мабдаъи бўлмиш Аллоҳ таоло нурларининг моддият оламидаги жилваси, юзидан нур ёғилиб турган инсон гўзаллигининг ифодаси сифатида қўлланилади.

Маҳвашеким меҳридин бўлдум
жаҳон ораси,
Раҳм этиб бир чора қилмас
ўлса ҳам бечораси.
("Ғаройиб ус-сиғар", 599-ғазал)

МОҲИЁН ҲАВЗИ – Алишер Навоийнинг Ҳиротда қурган бинои хайрларидан бири. Ҳирот шаҳри шимоли-шарқидаги Ийдгоҳ – Жаҳоноро боғи ичида қаздирилган ушбу ҳовузда балиқлар парваришланган. М.ҳ.нинг тозалиги ва ободлигини сақлаш учун Навоий махсус одам қўйиб, унга ойлик ҳам тайинланган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи форсий қитъаларининг бирида маълумот берган. Хондамирнинг гувоҳлик беришича, М.ҳ. шаҳарнинг энг гавжум ва обод гўшаларидан ҳисобланган. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоий вафотининг еттинчи кунида таъзия соҳиби сифатида бутун Ҳирот аҳолиси учун эҳсон оши торттирган.

Моҳиён ҳавзида ёру
ҳажрида мен қайғудин
Музтарибдурмен йироқ тушкан
киби балиқ судин.
("Наводир уш-шабоб", 462-ғазал)

МОҲИ КАНЪОН – Пайғамбар Юсуф (а.)нинг лақаби. Канъонлик пайғамбар Яъқуб (а.)нинг ўғли. Мумтоз ад-тда Юсуф (а.) одам боласининг энг гўзали қилиб яратилгани, тушида Ой ва ўн юлдуз унга сажда қилганини кўргани, бу туш унинг пайғамбар бўлишига башорат экани асосида шаклланган М.К. тушунчаси Юсуфга, гоҳида умуман гўзаллик мазҳарига нисбат берилади:

Нома қосид илгидин, қосид
ҳабибим оллидин,
Муждайи жон елдину
ел моҳи Канъондин келур.
("Ғаройиб ус-сиғар", 114-ғазал)

МУАММО (ар. – кўр қилинган, беркитилган) – Бир, баъзан эса икки байтдан иборат бўлган, *а а* ёки *а-б* тарзида қофияланувчи лирик жанр. М.да бирор исм ёки нарса-буюм номи беркитилади. Беркитилган сўз шоирнинг турли-туман ишоралари: маънодош ёки шаклдош сўзларни топиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилдаги муодили (эквиваленти)ни қўллаш, сўзлардаги маълум бир ҳарфларни тизиб, янги сўз ясаш, баъзан эса абжад ҳисобини ишлатиб, рақамлар асосида сўз тузиш ва б. асосида топилади. М.ни ечиш учун даставвал асосий эътиборни матнда ишора қилинган калит сўзга қаратиш лозим бўлади.

Шеършунослик илмида М.га алоҳида шеърий жанр сифатида ҳам, бадиий санъат сифатида ҳам қараш мавжуд. Бу иккала ёндашув ҳам муайян асосга эга. Агар М. усули катта ҳажмдаги асарлар (достонлар, манзумалар) таркибида ва кўпинча асарларнинг охирида келса, бу алоҳида жанр бўлмасдан, бадиий санъат ҳисобланади. Девонлар ичида алоҳида мустақил шеър шакли сифатида келтирилган М.ларни жанр сифатида талқин қилиш мумкин.

Ўрта аср илми бадиъга доир манбаларда М.га, асосан, бадиий санъат сифатида таъриф берилган. Форсий ад-тшуносликда М. ҳақидаги дастлабки маълумот Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқ ус-сеҳр" (12-аср) асарида келтирилган бўлиб, муаллиф унга қуйидагича таъриф беради:

"Бу санъатнинг моҳияти шундаки, шоир байтда ўз ёри ёки бошқа бирор нарсанинг яширин номини ҳарфлар ёки сўзлар ўрнини алмаштириш ёки санаш ёки қиёслаш ёки бошқа бирор усул б-н ошкор қилади".

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-санойиъ" (15-аср) асарида М. ҳақида муфассал маълумот берилиб, Абдураҳмон Жомийнинг М.ни насрда ҳам қўллаш мумкин, деган фикри келтирилган.

Туркий ад-тшуносликка доир илк манба ҳисобланган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (1436–37) асарида М.га санъат сифатида ёндашиш б-н бир қаторда унинг алоҳида илм эканлиги таъкидланган.

Алишер Навоий ижодида М. бадиий санъат сифатида ҳам, алоҳида шеърий жанр сифатида ҳам қўлланилган. Мас., “Хамса” таркибидаги достонлар, хусусан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг исмини келтириш б-н боғлиқ ўринда М. бадиий санъат сифатида истифода этилган:

Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.

Бунда “фироқ”, “рашк”, “ҳажр”, “оҳ” ва “дард” сўзларининг бошидаги биринчи ҳарфлар алоҳида олинса, “Фарҳод” исми келиб чиқишига ишора қилиняпти.

Туркий ад-тда М.нинг мустақил жанр сифатидаги такомили Алишер Навоий ижоди б-н боғлиқ. Унинг “Хазойин ул-маоний” куллиётидан 52 та М. ўрин олган бўлиб, уларнинг барчаси куллиётдаги иккинчи девон “Наводир уш-шабоб”га киритилган. Алишер Навоий М.лари асосан бир байтли бўлиб, фақат “Қосим” ва “Заҳир” исмларига битилган М.лар икки 2 байтдан иборат.

Қилур эсанг манга сомон аё рафиқ ҳавас,
Анинг аёғига еткур менинг
бошимни-ю бас.

Бу М.да асосий эътибор “сомон” (осойишталик) сўзига қаратилган. Иккинчи мисрадаги “анинг аёғига бошимни еткур” жумласидаги ишорага кўра, “ا” – “*алиф*” (о)нинг оёғи, яъни пастки қисмига “م” – “*мим*” (м) нинг бошини етказиш талаб қилинади, натижада “*алиф*” ҳарфи “*лом*” ҳарфига айланиб, “*мим*”га қўшилади ва “Салмон” сўзи келиб чиқади.

Навоий М.ларида баъзан М.нинг ечими икки сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қуйидаги М.ни олиб кўрайлик:

Қасди жонимға чу мужгонинг
икки саф тузди,
Бири қош ёси, бири ғамзанг
ўқин кўргузди.

Бу М.да калит сўз “саф” жумласи орқали кўрсатилган, матнда бу сўз “икки” сўзи б-н келтирилиши унинг ечими ҳам иккита эканлигига ишора қилади. Биринчи “саф”га қош ёси, яъни “ى” “йо” (и) ҳарфи, иккинчисига ғамза ўқи, яъни “ا” “алиф” (о) ҳарфи қўшилади ва натижада “Сафи” ва “Сафо” сўзлари келиб чиқади.

Навоийнинг форсий тилдаги М.лари “Девони Фоний” таркибидан ўрин олган. Уларнинг аксарияти бир байтли, фақат “Анис” исмига битилган М. икки байтдан иборат. М.лар девонга М. нинг жавоби бошланган ҳарфларнинг араб алифбосидаги тартиби асосида жойлаштирилган. Яъни, дастлаб ечими “*алиф*” ҳарфи б-н бошланувчи исм ёки номлар келтирилади. Масалан, Одам, Амин, Омир ва б. Шу тарзда ечими “*бе*”, “*те*” ва б. ҳарфлар б-н бошланувчи муаммолар бериб борилади. М.нинг жавоби сарлавҳа сифатида матн бошида келтирилади. Девонда жавоби “*алиф*” б-н бошланувчи М.лар энг катта кўрсаткични ташкил қилади. Уларнинг сони 78 та. “*Бе*” б-н тугалланувчи М.лар миқдори эса 46 та. Девонда бошқа ҳарфлар б-н бошланадиган М.лар учрамайди. “Девони Фоний”даги тартибга эътибор қаратиш шуни кўрсатадики, аслида шоир ҳар бир ҳарфга мос ҳолда М. яратгану, лекин улар бизгача етиб келмаган ёки ҳалигача топилмаган. Чунки Навоийнинг ўзи “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида форсий тилдаги М.лари сонини 500 га яқин деб кўрсатиб, уларнинг аксарияти Абдураҳмон Жомий назарига тушганини айтади.

Алишер Навоий даврида М.жанри шоирларнинг маҳоратини белгилашда муайян ўлчов вазифасини ўтаган. Баъзи шоирлар фақат М. ёзиш б-н шуғулланганлар. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида шундай шоирлардан Мавлоно Муҳаммад Муаммоий, Мавлоно Муҳаммад Номий, Мавлоно Арғун, Мавлоно Низом, Мавлоно Дарвеш Али, Мир Ҳусайн Муаммоий кабиларнинг номларини келтириб ўтади. М. жанри 15-асрда шу қадар кенг тарқалганки, даврнинг йирик илм-маърифат намояндалари Шарафиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий, Сайфий Бухорий кабилар ушбу жанрнинг хусусиятларини ёритиб берувчи махсус асарлар яратганлар.

Навоийнинг мазкур жанр назариясига бағишланган асари ҳам мавжуд бўлиб, форс-тожик тилида ёзилган. (қар: “*Муфрадот*”).

МУАССАС ҚОФИЯ (ар.) – қофиянинг ўзак таркибига кўра фарқланувчи турларидан бири. Таъсисли қофия деб ҳам аталади. Бундай қофия турида чўзиқ "о" унлиси б-н равий ўртасида бир ундош ва ундан кейин бир унли келади. Чўзиқ "о" унлиси *таъсис* деб, ундан кейинги ундош *дахил* деб, равий олдидаги қисқа унли эса *ишбоъ* деб аталади.

М.қ. ҳақидаги маълумотлар Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" (1218–1233), Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" (651 ҳ.қ./1253 м.) асарларида келтирилган. Ушбу асарларда М.қ. равийдан аввал келувчи (моқабли равий) ҳарфлар б-н боғлиқ ҳолда талқин қилинади.

М.қ. равий ҳарфидан кейин ҳарфларнинг қўлланилиш ва қўлланилмаслигига кўра *муқайяд* (қ.) ва *мутлақ* (қ.) кўринишларига эга бўлади. Алишер Навоий ижодида М.қ.нинг қуйидаги турлари қўлланилган:

I. Таъсисли муқайяд қофия – равийдан олдин ҳаракатли бир ундош, ундан олдин эса чўзиқ "о" унлиси (таъсис) келадиган қофия. Мас.:

Гар етар ағёрдин юз минг жароҳат,
эй кўнгул,
Чунки бордур ёр учун бор айшу роҳат,
эй кўнгул –
("Наводир уш-шабоб", 384-ғазал)

байтида "жароҳат" ва "роҳат" сўзлари қофия, "т" ҳарфи – равий, "о" – таъсис, "ҳ" ундоши – дахил, "а" унлиси – ишбоъ ҳисобланади.

Баъзан таъсисли қофияда икки мисрадаги дахил икки хил ундошдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Мас.:

Ишқ аҳли гўристонида
қабрим чу зоҳир бўлғуси,
Фарҳод аниng тошин йўнуб,
Мажнун мужовир бўлғуси.
("Ғаройиб ус-сиғар", 627-ғазал)

байтида "зоҳир" ва "мужовир" сўзлари қофия бўлиб, дахил икки хил ундошдан: "ҳ" ва "в" ундошларидан иборат эканлигини кузатиш мумкин.

II. Таъсисли мутлақ қофия. Унинг бир неча турлари бўлиб, равий ҳарфидан кейин келувчи ҳарфлар: васл, хуруж, мазид ва ноира б-н боғлиқ ҳолда вужудга келади (ушбу ҳарфлар орасида келувчи қисқа унлилар: мажро ва нафоз номланишда эътиборга олинмайди).

1. Таъсис ва васлли мутлақ қофия – равийдан кейин васл ҳарфининг келиши орқали ҳосил қилинади. Мас.:

Кўнглумга шўр солди биравнинг
малоҳати,
Ваҳким, ажаб туз ўлди яна
захмим офати –
("Ғаройиб ус-сиғар", 621-ғазал)

байтида "малоҳат" ва "офат" сўзлари қофия, "т" ҳарфи – равий, "о" – таъсис, "ҳ" ундоши – дахил, "а" унлиси – ишбоъ, қофия сўнгида "и" унлиси васлдир.

2. Таъсис ва хуружли мутлақ қофия – равийдан кейин васл ва хуруж ҳарфларининг келиши орқали ҳосил қилинади.

3. Таъсис ва мазидли мутлақ қофия – равийдан кейин васл, хуруж ва мазид ҳарфларининг келиши орқали ҳосил қилинади. Мас.:

Қаҳринг ўлса, барча ишимдин
малолатдур санга,
Лутфунг ўлса, юз менингдекдин
фароғатдур санга –
("Ғаройиб ус-сиғар", 17-ғазал)

байтида "малолатдур"ва "фароғатдур" сўзлари қофия, "т" ҳарфи – равий, "о" – таъсис, "л" ва "ғ" ундошлари – дахил, "а" унлиси – ишбоъ, "д" – васл, "у" – хуруж, қофия сўнгида келган "р" ундоши мазиддир.

МУБОЛАҒА (ар. – катталаштириш, кучайтириш) – адабий асарда тасвирланаётган бадиий тимсол ҳаракати ёки ҳолатини бўрттириб, кучайтириб ифодалаш санъати. Бу хил тасвирда бадиий тимсол хусусиятлари янада яққол намоён бўлади, ўқувчи кўз олдида ёрқинроқ гавдаланади.

М. санъати ҳақида "Фунун ул-балоға"да шундай ёзилган: "Бу санъат анингдек бўлурким, бир нарсанинг васфинда муболағани ҳад ва ғояттин ўткарурлар". Шарафиддин Ромий "Ҳақойиқ ул-ҳадойиқ" асарида (14-аср) М.ни унинг юқори даражаси бўлган иғроқдан ажратиш зарурлигини таъкидлайди. М. ва унинг даражалари ҳақида нисбатан тўлиқроқ маълумот Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-санойиъ" асарида берилган бўлиб, муаллиф М.нинг таблиғ, иғроқ, ғулувв, мардуд ғулувв каби

турларини келтиради. М.нинг қуйидаги 3 даражаси мумтоз ад-тимизда, хусусан, Алишер Навоий ижодида кенг қўлланилган:

1) *таблиғ* (ар.) ақлан ишониш мумкин бўлган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган М. тури. Бунда бўрттириб тасвир қилинаётган ҳодиса ёки хусусият ақлга тўғри келади ва баъзан қийинчилик б-н бўлса-да, амалга ошиши ҳам мумкин.

Кеча келгумдур дебон
ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг
отқунча уйқу келмади.
("Бадоеъ ул васат", 608 ғазал)

Висол ваъдасини берган ёрнинг келмагани оқибатида ошиқнинг кечаси б-н ухламай чиқиши муболағали тасвир, лекин бу ҳолатни ақлан тасаввур ҳам қилиш мумкин ва ҳаётда ҳам учраб туради.

2) *иғроқ* (ар. – камонни қаттиқ тортмоқ) – ақлан ишониш мумкин бўлса ҳам, ҳаётда юз бермайдиган М. Бундай тасвирда ўқувчи воқеа ёки хусусиятни кўз олдига келтириб, тасаввур қила олади, бироқ унинг амалда ёки ҳаётда содир бўлиши мумкин эмас. Мас., "Фарҳод ва Ширин" достонида Ширинниng оти йиқилай деганда, Фарҳоднинг отни ва Ширинни елкасига кўтариб бир неча чақирим йўл босишини ақлан қабул қилиш мумкин бўлса ҳам, бундай воқеа ҳаётда юз бериши мумкин эмас:

Кўтарди орқасиға бодпони,
Нечукким бодпо ул дилрабони.

Бир илги икки қўлин қилди маҳкам,
Яна бир илги икки бутларин ҳам.

Анингдек пўяда кўргузди таъжил
Ки, гарди сурма бўлди мил дар мил...

3) **ғулувв** (ар. – қўлни имкон борича баланд кўтариш) – ақл ҳам бовар қилмайдиган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлмаган Мас.:

Ҳар қизил гулким, юзунг шавқида
олиб исладим,
Еткач оҳим шуъласи, они сариғ
гул айладим.
("Фавойид ул кибар", 426-ғазал)

Байтда келтирилишича, ошиқ ўз ёрининг қизил юзини соғиниб, қизил гулни олиб ҳидлаган экан, оҳининг шуъласидан қизил гул сариқ гулга айланибди. Тасвирланаётган ушбу ҳодисани ақлан қабул қилиш мумкин эмас ҳамда бундай ҳодиса ҳаётда ҳам юз бермайди.

МУВОЗАНА (ар. – вазндошлик) – байт мисраларидаги сўзларнинг бир-бирига нисбатан вазндош бўлишига асосланган лафзий санъат. Бунда биринчи мисрадаги барча сўзлар иккинчи мисрадаги ўз муқобилларига вазн жиҳатдан тенг бўлади. Улар ўзаро қофиядош бўлиши шарт эмас. Тарсеъ санъатида эса уларнинг қофиядош бўлиши талаб қилинади.

Оҳанг жиҳатдан уйғунлик М. санъати асосида яратилган байтнинг равон ва жарангдор чиқишини таъминлайди. Мас.:

Девоналиғим нечукки мажнун,
Саргаштаалигим нечукки гардун.
("Лайли ва Мажнун")

Бу ерда "девоналигим" ва "саргаштаалигим" сўзлари ўзаро қофия эмас, лекин вазнда тенг.

Қуйидаги байт эса ҳам тарсеъ, ҳам М.га мисол бўла олади:

Кун юзини айладинг мушаккал,
Тун кўзини айладинг мукаҳҳал.
("Лайли ва Мажнун")

МУЗАЙЙИН, Абулҳасан бин Муҳаммад Али бин Муҳаммад (ваф. 939) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Касби сартарошлик бўлгани учун "Музаййин" номи б-н шуҳрат топган. Жунайд Бағдодий, Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий, Абу Жаъфар Мажзум, Абубакр Маъзилий, Абу Амр Нужайд, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Муъаммил Жассос, Абу Яъқуб Ақтаъ б-н ҳамсуҳбат бўлган. Ансорийнинг гувоҳлик беришича, бир-бирига холаваччa бўлган иккита шайх ана шундай нисба б-н аталган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх б-н боғлиқ бобни айнан киритган.

МУЗАФФАР ҲУСАЙН МИРЗО (1473-1509) – темурий шаҳзода, *Ҳусайн Бойқаро-*

нинг 6-ўғли, онаси – малика Хадичабегим. Табиатан ҳудбин, ўжар ва тантиқ бўлган М.М.ни Ҳусайн Бойқаро Хадичабегим таъсирида 1497 й. *Астаробод* ҳокими этиб тайинлайди. "Бобурнома"да маълумот берилишича, М.М. Султон Ҳусайн Бойқаронинг суюкли ўғли бўлган. Гарчи унинг "суйгудек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ" бўлса-да, султон уни бошқа фарзандларидан кўпроқ қадрлаган ва бу ҳол шаҳзодалар орасида норозиликка сабаб бўлган. Ҳ.Б. вафотидан сўнг (1506 й.) М.М. акаси Бадиуззамон Мирзо б-н бирга Ҳирот ҳукмдори деб эълон қилинади. Ҳар икки шаҳзода ўз кўшкини Ҳиротнинг икки чеккасига қурадилар. 1507 й. Муҳаммад Шайбонийхон Хуросонга бостириб кириб, биринчи уринишдаёқ якка ва бирлашмаган ҳолда жангга чиққан икки шаҳзоданинг қўшинини тор-мор этади ва Ҳиротни эгаллайди. Бадиуззамон Мирзо Синдга, М.М. эса Астарободга қочади. 1509 й. М. М. Астарободда оғир хасталик туфайли 37 ёшида вафот этади.

Алишер Навоий "Соқийнома"да Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларини ёдга олиш асносида М.М.нинг номини ҳам эслаб ўтади, ийҳом санъати воситасида шаҳзодага яхши тилаклар билдиради:

Ҳар неким коми муяссар бўлсун,
Барча ағдоға музаффар бўлсун.

"Сабъаи сайёр" достонининг Хадичабегимга бағишланган 10-бобида М.М.ни маликанинг икки ўғлидан бири сифатида тилга олиб, гўзал сифатлар б-н таърифлайди:

Фазл аро нодири жаҳон бириси,
Лутф бирла жаҳонға жон бириси.
Бириси тахти маъдалат шоҳи,
Бириси авжи салтанат моҳи.

МУЛКОРО – "Фарҳод ва Ширин" достони қаҳрамонларидан бири. Чин хоқонининг вазири, Фарҳоднинг устози. М. Фарҳоднинг кўкалдош дўсти Баҳромнинг отаси эди. Достонга кўра, М. доно ва тадбиркор шахс бўлган. Унинг ғояси б-н ғамгин Фарҳодни хушнуд қилиш мақсадида Хитойдаги афсонавий Эрам боғида тўрт фаслга монанд тўрт қаср қурилади. Фарҳод у ва отаси б-н то денгиздаги сув тошқини уларни ажратмагунча бирга бўлади. Унинг доно маслаҳатларидан фойдаланади. Умуман, М. достонда оқил устоз ва доно вазир образи сифатида қўлланилиб, Хусравнинг *Бузруг Уммид* исмли вазирига қарши қўйилган. Достон муқаддимасида Навоий М.ни ақлга ўхшатади.

Топиб оройиш андин мулку зийнат,
Тутуб эл ичра Мулкороға шуҳрат.
("Фарҳод ва Ширин").

МУДБИР – 1) иши орқага кетган, бахтсиз:

Мудбире топтуқ Навоийни
саломатдин йирок,
Кўрким, ул не навъу не янглиғ
жаҳонда шуҳрати.
("Гаройиб ус-сиғар", 577-ғазал)

2) "Сабъаи сайёр" ва "Лисон ут-тайр" достонларидаги "Муқбил ва Мудбир" ҳикояларидаги персонаж.

"Сабъаи сайёр" достонидаги сандалий қасрда олтинчи иқлимдан келган сайёҳ томонидан Баҳромга сўзлаб берилган ҳикояда М.нинг сабрсиз, имонсиз ва ёлғончи эканлиги, охир-оқибат бу хусусиятлари ўзининг бошига бало бўлиши – ёлғон қасами туфайли қорни ёрилиб, ўлиши тасвирланади. Низомийнинг "Ҳафт пайкар" достонида сандал рангли қасрдаги гўзал "Хайр ва Шарр" (яхши ва ёмон) ҳақида ҳикоя сўзлайди. Ҳикоя мотиви ва ундаги Шарр образи М.га яқин туради.

Мудбир андоқки борса ҳар сори,
Ултуруб юзда гарди идбори.
("Сабъаи сайёр", 25-боб)

"Лисон ут-тайр" достонининг 53-бобида яъни Ҳудҳуднинг Тазарвга жавобига исботи тариқасида берилган ҳикоятда Навоий яна ушбу қаҳрамонларига мурожаат қилади. Яна икки ҳамроҳ бирга йўлга чиқадилар. Йўлда учраган биринчи шаҳарга келиб ажралишади. Мудбир яна ўз исмига монанд ёмонликларнинг рамзи бўлиб келади ва "байт ул-латаф"га боради. У ерда май ичиб, бир кишини ҳақоратлагани сабабли ўлдириб қўяди. Натижада, ўзи ҳам қатл этилади.

Аҳли нуқсондин эди Мудбирға сўз,
Ўйлаким бут васфидин кофирға сўз.
("Лисон ут-тайр", 53-боб)

МУДДАИЙ – даъвогар. Мажоз тилида ўзида йўқ нарса б-н даъво қилувчи одам,

ишқ ва фақрдан бебаҳра бўлгани ҳолда ошиқлик ва дарвешлик иддаосида бўлган риёкор кишига нисбатан қўлланилади. Сулламийнинг ақидасига кўра, М. киши осийдан ҳам тубанроқдир, негаки осий тавба туфайли тўғри йўлга кириши мумкин, аммо М. такаббурлиги ва асоссиз даъволари гирдобида ғарқ бўлган кишидир. Навоий шеъриятида асл маъноси б-н бирга М. чин ошиқларнинг рақиби тимсолини ифодалаган.

Ул париваш муддаийға меҳрибондур,
бизга йўқ.
Филмасал оллида онинг итга
сондур, бизга йўқ
("Наводир ун-ниҳоя", 401-ғазал).

МУЖАРРАД ҚОФИЯ (ар. – якка, ёлғиз, танҳо) – қофиянинг ўзак таркибига кўра фарқланувчи турларидан бири. Бундай қофия турида равий ҳарфи чўзиқ унлидан иборат бўлиши ёки равий ундош б-н якунланиб, ундан олдин *тавжиҳ* – қисқа унли келиши асосий талаб ҳисобланади. Форсий ва туркий шеъриятда кенг қўлланилган. М.қ. ҳақидаги маълумотлар Шамс Қайс Розийнинг "Ал-Муъжам" (1218–1233), Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" (1253) асарларида келтирилган. Ушбу асарларда М.қ. равийдан аввал келувчи (моқабли равий) ҳарфлар б-н боғлиқ ҳолда талқин қилинади.

М.қ. равий ҳарфидан кейин ҳарфларнинг қўлланилиш ва қўлланилмаслигига кўра *муқайяд* (қар.) ва *мутлақ* (қар.) кўринишларига эга бўлади. Алишер Навоий ижодида М.қ.нинг бир неча тури кенг қўлланилган:

I. ***Мужаррад мутлақ қофия***. Унинг икки кўриниши мавжуд бўлиб, биринчи кўринишида равий чўзиқ унлидан иборат бўлади ва унда шу чўзиқ унлидан бошқа бирор ҳарф иштирок этмайди.

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур.
("Гаройиб ус-сиғар", 161-ғазал)

Бунда "қаро" ва "бало" сўзларидаги "о" равийси чўзиқ унли бўлиб, қофиядош сўзлар шу ҳарф б-н якунланган.

Мужаррад муқайяд қофиянинг иккинчи турида равий ундош б-н якунланиб, ундан олдин қисқа унли келади. Бунда қисқа унли *тавжиҳ* деб юритилади.

Мас.:

Ёр ҳолидин менга ваҳким
хабар йўқтур бу кун,
Бу жиҳатдин ақлу ҳушумдин
асар йўқтур бу кун.
("Фавойид ул-кибар", 485-ғазал)

Бунда "хабар" ва "асар" сўзлари қофиядош бўлиб, "р" ундоши равий, ундан олдинги "а" қисқа унлиси тавжиҳ ҳисобланади. Қофия равий ҳарфи б-н якунланяпти ва шу орқали мужаррад муқайяд қофия вужудга келяпти.

*II. **Мужаррад мутлақ қофия***. Унинг ҳам бир неча тури бўлиб, равий ҳарфидан кейин келувчи ҳарфлар: васл, хуруж, мазид ва ноира б-н боғлиқ ҳолда вужудга келади (ушбу ҳарфлар орасида келувчи қисқа унлилар: мажро ва нафоз номланишда эътиборга олинмайди). Навоий ғазалиётида мужаррад мутлақ қофиянинг қуйидаги турлари қўлланилган:

1. Васлли мужаррад мутлақ қофия – равийдан кейин *васл* ҳарфининг келиши орқали ясалади.

Неча йилда қилмади кўнглумга
*ишқи **шиддати**,*
Улча қилди ҳаста жонға
*неча кунлук **фурқати** –*
("Наводир уш-шабоб", 587-ғазал)

– байтида "шиддати", "фурқати" сўзлари қофия, "т" – равий, ундан олдин турган "а" ҳарфи – тавжиҳ, равийдан кейин турган чўзиқ "и" унлиси васл ҳисобланади.

2. Хуружли мужаррад мутлақ қофия – равийдан кейин васл ва *хуруж* ҳарфларини келтириш орқали ҳосил қилинади.

Рафиқлар, мени маҳзун нечук
булай ғамсиз
Ки, кўнглум эрмас аламсиз,
кўзум эмас намсиз
("Гаройиб ус-сиғар", 200-ғазал)

– байтида "ғамсиз", "намсиз" сўзлари қофия, "м" – равий, ундан олдин турган "а" қисқа унлиси – тавжиҳ, равийдан кейин турган "с" ҳарфи – васл, васлдан кейин турган "з" ундоши – хуруж, васл ва хуруж ўртасида жойлашган қисқа "и" унлиси *мажро* ҳисобланади.

3. Мазидли мужаррад мутлақ қофия – равийдан кейин васл, хуруж ва *мазид* ҳарфларининг келиши орқали ясалади.

Икки ҳамдамким, эрур май базм аро
ҳамдамлари,
Топмасун биздин малолат хотири
ҳуррамлари.
(“Гаройиб ус-сиғар”, 592-ғазал)

Бунда “ҳамдамлари”, “ҳуррамлари” сўзлари кофия, “м” – равий, ундан олдин турган “а” кисқа унлиси – тавжиҳ, равийдан кейин турган “л” ҳарфи – васл, “л” ва “р” ундошлари ўртасида турган қисқа “а” унлиси – нафоз васлдан кейин турган “р” ундоши – хуруж, хуруждан кейинги чўзиқ “и” унлиси мазид ҳисобланади.

4. Нойирали мужаррад мутлақ қофия – равийдан кейин васл, хуруж, мазид ва *нойира* ҳарфларини келтириш орқали ҳосил қилинади. Мас.:

Чу ишқ илги забун айлар
диловар ***подшоларни,***
Тааққул айлагилким,
найлагай бедил ***гадоларни.***
(“Гаройиб ус-сиғар”, 641-ғазал)

байтида “подшоларни”, “гадоларни” сўзлари қофия, “о” – равий, равийдан кейин турган “л” ҳарфи – васл, васлдан кейин турган “р” ундоши – хуруж, васл ва хуруж ўртасида жойлашган қисқа “а” унлиси мажро, “н” – мазид, мазиддан кейинги чўзиқ “и” унлиси ноира ҳисобланади.

МУЖГОН/МИЖГОН – кўз атрофида қатор жойлашган туклар, киприк. Тас. тилида тариқат соликининг амалларидаги нуқсонлар, Ҳақ таоло дўстига муносиб иш қилмаслик, маъ-ий камолот йўлидаги ҳижоб – тўсиқлар англашилади. Шунингдек, ошиқнинг кўнгил уйини вайрон этувчи маҳбубанинг иноят ё қаҳр юзидан қилган илтифоти ва ғамзаси, гўзаллик сиррини пинҳон тутиши маъносида ҳам қўлланилади.

Ақлу жон қасдида кўрдум
ул кузу мужгонни ҳам,
Чектим ул мужгону кўз оллида
ақлу жонни ҳам
(“Гаройиб ус-сиғар”, 422-ғазал).

МУЖОҲАДА (ар. – жаҳд қилмоқ) – нафсни енгишга қатъий интилиш, ҳою ҳавасга қарши қаратилган маънавий жиҳод – нафсга қарши жангга киришиш, нафсни яхши кўрган нарсалардан маҳрум этмоқ. Инсоннинг нафсоний истаклари Ҳақ йўлидан чалғитадиган нарсалар бўлганлиги учун унга қарши доимий М. зарур. Орифлар нафсга қарши курашни “жиҳоди акбар” (“энг улуғ жиҳод”) деб атаганлар. Тас. манбаларида М. – ҳолнинг муайян бир босқичи сифатида ҳам таърифланган.

Лек жиҳод ичра бу асғар дурур,
Нафс била айлаган акбар дурур.
Тенгри Навоийға етургай жазо,
Кофири нафси била қилса ғазо.
(“Ҳайрат ул-аброр”, 53-боб)

МУЖТАМИА (ар. – жамланган) – Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да келтирган доира номи. Музориъ, хафиф, мужтасс, мунсариҳ, муқтазаб, қариб, мушокил, жадид (ғариб) ва сариъ каби баҳрлардан ташкил топган. Ушбу 9 баҳр мусаддаси солим шаклида бир доирада жамъ бўлганлиги учун шундай деб аталган. Навоий “Мезон ул-авзон” да М.ни ўзи тартиб берганлигини айтиб, мазкур доиранинг “Доираи мухталифа”даги 4 баҳр ва “Доираи мунтазиа”даги 5 баҳр – жами 9 баҳрнинг солим (яъни зиҳоф кирмаган, ўзгаришга учрамаган) рукнлари жамланмасидан таркиб топганлигини таъкидлайди. Доира марказида қуйидаги мисра келтирилган бўлиб, барча баҳрларнинг рукнларига мутаносиб равишда тақтиълари берилган:

Ваҳ-ваҳ йигит, бир-бир янгиб
келгил бизга.

МУЖТАСС (ар. – илдизи б-н юлиб олинган) – туркий ва форсий шеъриятда фаол қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Хафиф баҳридан юлиб олинганлиги учун шундай аталган. Агар хафиф баҳрида *мустафъилун (– – V –)* рукни икки *фоилотун(– V – –)*нинг орасида жойлашган бўлса, М.да *мустафъилун (– – V –)* рукни ҳар икки *фоилотун(– V – –)*дан илгари келади. М. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *мустафъилун (– – V –), фоилотун(– V – –), мустафъилун (– – V –), фоилотун(– V – –)* бўлиб, туркий шеъриятда М.нинг фақат *мусамман* рукнли вазнларидан фойдаланилган. М. баҳрига хос муҳим ху-

сусиятлардан бири кўп вазнлилик бўлиб, тўртинчи рукн *фаилун (VV–), фаилон (VV-), фаълун (– –) фаълон (– ~)* тарзида бир шеърий асарда ўзаро алмашиниб қўлланавериши мумкин. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да М.нинг еттита мусаммман рукнли ва иккита мураббаъ рукнли ва "Доираи мужтамиа"ни изоҳлаш қисмида битта мусаддас рукнли (жами 10 та) вазнларини келтириб ўтади. "Хазойин ул-маоний" куллиётида М.нинг 5 вазни истифода этилган бўлиб, мазкур вазнларда шоирнинг 348 шеъри яратилган, шулардан 298 тасини ғазаллар ташкил қилади. Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва "Мезон ул-авзон"да келтирилган М. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Мужтасси мусаммани махбун	мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун, V – V –/ VV – – / V – V –/ VV – –	Лабингни сўргали муҳри сукут оғзима тушмиш Ки, ул шаккар била эрним бири бирига ёпушмиш. *("Наводир уш-шабоб", 261-ғазал)* Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ичгил, Нафас-нафас қуюбон май, тўло-тўло қадаҳ ичгил. *("Мезон ул-авзон")*
2	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф	мафоилун фаилотун мафоилун фаилун, V – V –/ VV – – / V – V –/ VV –	Не махласим бор анинг ишқидин канора қилиб, Не туймоғим бор анинг ҳуснига наззора қилиб. *("Гаройиб ус-сиғар", 64-ғазал)* Фироқ иситмаси андок танимдин ўт чиқорур Ки, гар табиб илигим тутса, бормоғи қоборур. *("Мезон ул-авзон")*
3	Мужтасси мусаммани махбуни мақсур	мафоилун фаилотун мафоилун фаилон, V – V –/ VV – – / V – V –/ VV ~	Баданга келмади то азми кўюнг айлади рух Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ. *("Гаройиб ус-сиғар", 102-ғазал)* Кунгул ҳароратин англатти оҳи дардолуд, Уй ичра ут эканин элга зоҳир айлар дуд. *("Мезон ул-авзон")*
4	Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ	мафоилун фаилотун мафоилун фаълун, V – V –/ VV – – / V – V –/ – ~	Қаро кузум, келу мардумлуг эмди фан қилғил, Кузум қаросида мардум киби ватан қилғил. *("Гаройиб ус-сиғар", 371-ғазал)* Бизинг сори нега ул шўхи ишвагар келмас, Билурки фурқатидин ўлмишам, магар келмас. *("Мезон ул-авзон")*
5	Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ	мафоилун фаилотун мафоилун фаълон, V – V –/ VV – – / V – V –/ – ~	Зиҳи висолингга толиб тутуб ўзин матлуб, Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳбуб. *("Гаройиб ус-сиғар", 40-ғазал)* Ул ой менинг била бемеҳр эканни англабмен, Мани ўзига вафосиз деганни англабмен. *("Мезон ул-авзон")*
6	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуфи (мақтуъи) мусаббағ	мафоилун мафъувлун мафоилун фаълон, V – V – / – – ~ / V – V – / – ~	Бизинг сори келмассен, не бўлди, эй бадмеҳр, Вафо йўлин билмассен ёниб ниқоб ила чеҳр. *("Мезон ул-авзон")*
7	Мужтасси мусаммани мушаъаси маҳзуф	мафоилун мафъувлун мафоилун фаъ, V – V – / – – – / V – V – / –	Агар очилса ул юз ниқобдин, вах, Қачон ўзида қолғай гадо билан шах. *("Мезон ул-авзон")*
8	Мужтасси мураббаъи махбун	мафоилун фаилотун, V – V –/ VV – –	Юзунг кўзумга керактур, Ўзунг узумга керактур. *("Мезон ул-авзон")*

9	Мужтасси мураббаъи махбуни мақсур	мафоилун фоилон, V – V – / – V -	Ғаминг мани қилди зор, Юзунг манга бўлди ёр. *(“Мезон ул-авзон”)*
10	Мужтасси мусаддаси солим	мустафъилун фоилотун фоилотун, – – V – / – V – – / – V – –	Эй оразинг гулдин ортуқ гулшан ичра, Сендин йироқ хотиримдур шеван ичра. *(“Мезон ул-авзон”)*

МУЗАФФАР КИРМОНШОҲИЙ ҚИРМИСИЙ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абдуллоҳ Харрознинг* шогирди. Тариқат соҳиби бўлган шайх. Заҳрун Мағрибий, Абубакр Тоҳир Абҳарий, Абу Абдуллоҳ Муқрий б-н ҳамсуҳбат бўлган. *Аббос бин Аҳмад Шоир Румий*нинг устози. Ансорийнинг гувоҳлик беришича, у бир кечани уч қисмга бўлиб, биринчи қисмида намоз, иккинчи қисмида Қуръон ўқиб, қолган қисмини зикр ва муножотда ўтказган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУЗОРАА (ар. – ўхшаш) – товуш ўхшашлигига асосланган лафзий санъат. У тазмини муздаваж деб ҳам аталади. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича, унда “икки ёки андин ортиқ лафзни ёнма-ён ёки бир-бирига яқин қилиб келтирурларким, алар тегишли ҳаракат ва ҳарфларининг зътибори б-н қофияда бир бўлурлар”.

Шаҳ юруб олам очар, дарвеш
оламдин қочар,
Ҳам узунг инсоф бергилким,
бу не нисбат анга.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 8 ғазал).

МУЗОРИЪ – (ар. – ўхшаш, монанд) – туркий ва форсий шеъриятда қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Мунсариҳ баҳрига ўхшаб, иккинчи рукни таркибида ватади мафруқ (– *V*) иштирок этгани учун шу ном б-н аталган. М.даги иккинчи рукн мафоийлун (*V* – – –)нинг биринчи жузви ватади мафруқ бўлса, мунсариҳ баҳридаги иккинчи рукн *мафъулоту (– – – V)* нинг сўнгги жузви ватади мафруқдан иборат. Шунингдек, ҳазаж баҳрига ўхшаш бўлганлиги учун шундай номланган деган қараш ҳам бор, чунки М.нинг иккинчи рукни худди ҳазаж сингари мафоийлун (*V* – – –)дан иборат. М. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *мафоийлун* (*V* – – –), *фоилотун(– V – –)*, *мафоийлун* (*V* – – –), *фоилотун(– V – –)* бўлиб, туркий шеъриятда М.нинг фақат *мусамман* рукнли вазнларидан фойдаланилган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да М.нинг саккизта мусамман рукнли ва тўртта мусаддас рукнли (жами 12 та) вазнларини келтириб ўтади. “Хазойин ул-маоний” куллиётида М.нинг жами 7 вазни истифода этилган бўлиб, мазкур вазнларда шоирнинг 105 шеъри яратилган, шулардан 81 тасини ғазаллар ташкил қилади.

Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва “Мезон ул-авзон”да келтирилган М. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Музориъи мусаммани мақфуфи мақсур	мафоийлу фоилот мафоийлу фоилон, V – – V/ – V – / V – – V/ – V -	Манга, эй суманбарим, жафо қилма беҳисоб, Юзунга замон-замон чекиб епмагил ниқоб. *(“Мезон ул-авзон”)*
2	Музориъи мусаммани мақфуфи маҳзуф	мафоийлу фоилун мафоийлу фоилун, V – – V/ – V – / V – – V/ – V –	Юзунгдин хижил қамар, лабингдин доғи шакар, Манга ҳар биридин ўт, санга қилмай ул асар. *(“Мезон ул-авзон”)*

3	Музориъи мусаммани ахраб	мафъувлу фоилотун мафъувлу фоилотун, – – V/ – V – – / – – V/ – V – –	Дилбар юзин кураргa бўлди ниқоб монеъ, Ул навъким, қуёшка бўлғай саҳоб монеъ. ***("Фавоиид ул-кибар", 291-ғазал)*** Ишқу жунун эрурлар беихтиёр манда, Мендурману бу икки, ўзга не бор манда. ***("Мезон ул-авзон")***
4	Музориъи мусаммани ахраби мусаббаг	мафъувлу фоилотун мафъувлу фоилийён, – – V/ – V – – / – – V/ – V – –	Рухсори жонибида ул холи анбаролуд, Ўт гўшасида гўё анбар тушуб қилур дуд. ***("Бадоеъ ул-васат", 126-ғазал)*** Мен ишқ эли ғадоси, сен ҳусн элига султон, Бўлмас ғадоға ҳаргиз султон висоли имкон. ***("Мезон ул-авзон")***
5	Музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф	мафъувлу фоилоту мафоийлу фоилун, – – V/ – V – V / V– – V/ – V –	Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат б-н санга, Андоққи, қурб тақвову тоат б-н санга. ***("Гаройиб ус-сиғар", 4-ғазал)*** Ҳайҳотким, биров ғамидин зормен яна, Фарёдким, балоға гирифтормен яна. ***("Мезон ул-авзон")***
6	Музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур	мафъувлу фоилоту мафоийлу фоилон, – – V/ – V – V / V– – V/ – V –	Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъузор, Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гаҳе губор. ***("Гаройиб ус-сиғар", 171-ғазал)*** Ул шўхдин манга ғаҳ эрур нозу, ғаҳ итоб, Йук анда ихтиёр, доғи менда ижтиноб. ***("Мезон ул-авзон")***
7	Музориъи мусаммани ахраби макфуфи солим аруз ва зарб	мафъувлу фоилоту мафоийлу фоилотун, – – V/ – V – V / V– – V/ – V – –	Кофургун либос аро ул сарвиноз экинму? Ё шамъи ҳажр дафъиға шамъи Тироз экинму? ***("Наводир уш-шабоб", 512-ғазал)*** Сендин манга таҳаммул эмас бир замон йироғлиқ, Жон риштаси эрур чу сенинг сунбулингға боғлиқ. ***("Мезон ул-авзон")***
8	Музориъи мусаммани ахраби маҳзуф	мафъувлу фоилотун мафъувлу фоилун, – – V/ – V – – / – – V/ – V –	Ишқинг ажаб балодур, эй нозанин санам, Жон анда мубталодур, кўрмас ба жуз ситам. ***("Мезон ул-авзон")***
9	Музориъи мусаддаси мақфуфи мақсур	мафоийлу фоилоту мафоийл, V – – V/ – V – V / V – –	Сенингдек жаҳонда кимса не имкон, Буён кел, қилай қошингда фидо жон ***("Мезон ул-авзон")***
10	Музориъи мусаддаси мақфуфи маҳзуф	мафоийлу фоилоту фаувлун, V – – V/ – V – V / V – –	Кўнгул бўлган хаёлингга мойил, Кўзум ҳам ўлди ҳуснингга зойил. ***("Мезон ул-авзон")***
11	Музориъи мусаддаси ахраби макфуфи	мафъувлу фоилоту мафоийлун, – – V/ – V – V / V– – –	Ишкингда оҳу нола қилур кунглум Ким, қон ёшини жола қилур кўнглум ***("Мезон ул-авзон")***
12	Музориъи мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф	мафъувлу фоилоту фаувлун, – – V/ – V – V / V– –	Эй хотирим ҳавоси қошингга, Эврулгали ҳамиша бошингга. ***("Мезон ул-авзон")***

МУИН ВОИЗ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир ва воиз, мавлоно Ҳожи Муҳаммад Фароҳийнинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг катта воиз экани, муридлари кўплиги, минбарга чиққанда девонага хос ҳаракатлар қилиши ва тахтани тепиши ҳамда ўзини "Муин девона" деб аташи ҳақида маълумот беради. М.В. бир куни Ҳазрат Али (р.а)нинг имонлари тақлидийдир, дегани учун ул зотнинг руҳларидан кўп азият кўради, тавба қилиб, зўрға кутулади. Акаси Мавлоно Низомиддин унга икки марта шаҳар қозилигини таклиф қилганда ҳам рад этган ва шундай жавоб берган экан: "*Муини мо қобилияти бисёр дошт, ин зинапояи чўбин уро зоеъ сохт*"

(Мазмуни: Бизнинг Муъинимиз ўта қобилиятли эди, лекин бу ёғоч зинапоялар уни йўқ қилди). Навоий унинг табиатидаги девоналикни инобатга олиб, у ҳар қандай сўз айтса, афв этса бўлади, шеърида вазн, қофия ва радифни қўллашдаги баъзи нуқсонлар ҳам кечиримлидир, дейди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Магар фасли баҳор омадки,
олам сабзу хуррам шуд,
Магар васли нигор омадки,
дил бо васл ҳамдам шуд.

(Мазмуни: Баҳор фасли келдими экан, олам қўкламлашиб, шодликка тўлди, гўзалнинг висоли етишдимикин, кўнгил васлга ҳамдам бўлди).

МУКАРРАР (ар. – такрорланган) – сўзнинг ёндош такрорига асосланган лафзий санъат. Бунда муайян сўз ёки тушунчага ургу бериш мақсадида улар ёнма-ён қўлланиб, орасига чизиқча қўйилади. М. санъати такрордан шу жиҳати б-н фарқланади. Атоуллоҳ Ҳусайний М.и малиҳ ва М.и қабиҳ деб мазкур санъатни икки гуруҳга бўлади. Агар такрор сўз ёнма-ён қўлланса – малиҳ, жойига тушмаса – қабиҳ бўлади.

Навоий М. санъатидан маҳорат б-н фойдаланган. Шоир ўқувчи диққатини муайян сўзга, унинг моҳиятига қаратиш мақсадида мазкур санъатга мурожаат қилади.

Бор эрди чу кирдим анда бебок,
Олам-олам жавоҳири пок...

Бахт айттиким, этак, қўюн оч,
Шаҳ боши уза овуч-овуч соч.
("Лайли ва Мажнун")

МУЛАММАЪ (ар. – ярқироқ, ранг-баранг) – бир байтни икки ёки уч тилда ёзиш санъати. "Шайх Аҳмад Тарозийнинг ёзишича: "Бу санъат анингтек бўлурким, шеъре айтурларким, бир мисра бир тил бирла бўлур, бир мисраси яна бир тил билан". Баъзан бутун бошли шеър шундай ёзилган. Мас., Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"сида Навоийга бағишланган бир қасида бўлиб, бошдан-оёқ унинг бир байти ўзбек тилида, бир байти форс-тожикча:

Мазҳари давлат Алишер,
улки шери Ҳақ эрур,
Ҳар маорикда анинг фатҳу
саодат ёвари.
Он чун, к-аз мақдами сайид
шуда Ясриб азиз,
Гашт дорулфазли олам
аз вужуди ў Ҳари.

(Форсий байтнинг мазмуни: Муҳаммад алайҳиссалом қадами туфайли Мадина азизу мукаррам бўлгани сингари, Навоийнинг мурувватu саховат уйғунлашган фаолияти сабабли Ҳирот ҳам оламнинг дорулфазлига айланди).

Шарқ мумтоз шеъриятида, асосан, араб ва форс, араб ва ўзбек, ўзбек ва форс, араб ва озарбайжон тилларида байту ғазаллар битилган. М.нинг икки тилдан фойдаланилган шакли ширу шакар, уч тилда бўлса, шаҳду ширу шакар деб юритилган. Алишер Навоий ижодида М.нинг араб ва ўзбек, ўзбек ва араб тилларидаги шакли учрайди. Мас., "Хазойин ул-маоний"даги илк ғазалнинг биринчи байтида М. санъати қўлланилган:

Ашрақат мин акси шамсил
каъси анвор ул-ҳудо,
"Ёр аксин майда кур" деб,
жомдин чиқди садо.

(Арабча мисранинг мазмуни: Май косасининг қуёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади).

МУМШОД ДИНАВАРИЙ (ваф. 912) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ироқи Ажамнинг Динавар қишлоғи (ҳоз. Эроннинг Кирмоншоҳ вилояти)да туғилган. Ироқдаги футувват тариқатининг намояндаси. Яҳё Жалло, Жунайд Бағдодий, Рувайм, Абулҳасан Нурий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Ансорий М.Д.нинг ҳузур мақомидаги сўзларини шарҳлаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУНБАСИТ – шод бўлмоқ, хушҳоллик кайфияти б-н юзланмоқ. *Инбисот* мақомидаги соликнинг сифати. М. – очиқюзлилик ва бошқалар б-н хурсандчилик кайфиятини баҳам кўришни одат қилган, ўзининг амалидан хушнуд бўлган шахснинг руҳий

ҳолатини ифодаловчи тушунча (яна қар: *Инбисот*).

Шайхи жоҳил бўлмоқ уз асрори
бирла мунбасит,
Ғафлат аҳли банг ила қилған
кебидур инбисот
("Ғаройиб ус-сиғар", 280-ғазал).

МУНГЛАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ биринчиси. *Қайғуланмоқ, дард чекмоқ, алам чекмоқ, маъюсланмоқ, қайғуга чуммоқ* каби маъноларни англатувчи ушбу феъл Навоийнинг бошқа асарларида айнан қўлланилмаган.

МУНОЖОТ (ар. – нажот сўрамоқ, ёлвормоқ) – Аллоҳга илтижо қилиб ёзилган асар, шеърий ёки насрий асарлар бошланмасида ҳамд ва наътнинг ўртасида келувчи бадиий унсур. М.да асар муаллифининг Яратгандан нажот сўраб қилган илтижолари бадиий тарзда ифодаланади. М.ларда ижодкорнинг фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, улар муаллиф шахсияти, асарда илгари сурилган ғоялар моҳиятини теран англаб етишга ёрдам беради. 9–10 асрлардан адабий жанр сифатида шаклланa бошлаган М. Абдуллоҳ Ансорий асарларида анъанавийлик касб этди.

Алишер Навоий ижодида М. битиш анъанаси юксак чўққига кўтарилган бўлиб, биргина "Ҳайрат ул-аброр"нинг ўзида тўртта муножот мавжуд, "Хамса"да жами 8 та М. ўрин олган. Достонлар қаҳрамонлари тилидан айтилган М.лар яна алоҳида йўналишни ташкил қилади "Хазойин ул-маоний" куллиётига кирувчи девонлардаги бешинчи ғазаллар М.мазмунида бўлиш б-н бирга, девонлар таркибидаги яна кўплаб ғазаллар мазкур йўналишда ёзилган. Алишер Навоийнинг ушбу йўналишда битилган махсус асари ҳам бўлиб, насрий йўлда битилган (қар.: "Муножот").

Эй караминг оллида куҳи гуноҳ,
Елга учуб ўйлаки бир парри коҳ.
Нечаки жамъ ўлса сомон кўҳ-кўҳ,
Ел қошида анга не бўлғай шукуҳ...
("Ҳайрат ул-аброр", 4-муножот)

"МУНОЖОТ" ("Аллоҳдан нажот тилаш") – Алишер Навоийнинг диний мавзудаги асари, умрининг охирларида битилган. Навоий мазкур асарда ўзининг бутун ҳаёт йўлига назар ташлайди ва Яратувчига дил изҳори б-н мурожаат қилади. Муножот моҳиятан Аллоҳдан нажот тилаб, илтижо этишни англатиб, даставвал банданинг ўз Яратганига ибодати тарзида вужудга келган. 9–10 асрга келиб, адабий жанр сифатида шаклланган. Кейинроқ асарлар таркибида (боши ё охирида) муножот келтириш анъана тусига кирган. Алишер Навоийнинг "Хамса" таркибидаги достонлари ва "Лисон ут-тайр" достони муқаддимасида, девонлари таркибида муножотлар келтирилганлигини кўриш мумкин. Навоийнинг "М." асари эса моҳиятан мустақил асар бўлиб, Аллоҳга илтижо ва тазарру тарзида яратилган. Шоир унда давр, ижтимоий муҳит б-н боғлиқ ўкинч-армонларини, дард-изтиробларини, инсоннинг ўз Раббисига бўлган кучли эҳтиёжи б-н боғлиқ ҳис-туйғуларини баён қилади. Ислом ақидасига кўра, банда ўзининг чинакам ҳолатини англагани сайин Аллоҳнинг улуғлигини, марҳамати ва раҳмати чексизлигини ҳис қилади ҳамда ўзининг ғарибу гуноҳкорлигини қалбан эътироф этади. Навоий "М."ини айнан шундай туйғулар ифодаси дейиш мумкин.

"М". басмала, "Ҳамд", "Наът" ва "Муножот" деб аталган қисмларни ўз ичига олади. Басмала анъанавий тарзда Қуръони Каримнинг биринчи ояти "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим" б-н бошланиб, унда Навоий Аллоҳнинг гўзал исмлари ва сифатларига таъриф беради, унинг раҳмати ва марҳамати чексизлиги, буюклиги ва улуғлигининг беқиёслигини эътироф этади.

"Ҳамд"да Аллоҳга мақтовлар айтилиб, фаришталар олами ҳам, мулк олами ҳам унинг ҳукмида эканлиги, дунёдаги ҳар бир яратиқ, самодаги ҳар бир сайёра ва юлдузлар унинг мақтовини зикр қилувчилар эканлиги, унинг жамоли олдида саккиз жаннат кўнгилни хушлайдиган оддий райҳонга, қудрати ва иродаси олдида етти дўзах чўлдаги гармселга ўхшаб қолиши, у истаса, яна шундай юзлаб оламни "Кун" ("Бўл") амри б-н яратиши мумкинлиги б-н боғлиқ фикрлар келтирилиб, "Ла уҳси са-

ноан алайка" ("Сенинг мақтовингни айтиб тугата олмаймиз") ибораси б-н якунланади. "М."нинг "Наът" қисмида Пайғамбаримиз расули акрам таърифлари келтирилади. Ушбу қисмда расулуллоҳнинг бутун олам учун раҳмат сифатида сўнгги пайғамбар қилиб юборилганликлари, бир юз йигирма тўрт минг анбиёдан мурод ва ўн саккиз минг оламни яратишдан мақсад ул зот эканликлари б-н боғлиқ фикрлар берилгач, Исро ва Меърож ҳодисалари ҳақида сўз юритилади.

Асарнинг "Муножот" қисми бевосита асосий қисм ҳисобланиб, шоирнинг Аллоҳ таолога тавба, илтижо, тавалло ва муҳаббат изҳори б-н боғлиқ туйғулари баёнини ўз ичига олади. Мазкур қисмнинг ҳар бир жумласи Аллоҳга мурожаат, яъни "илоҳи" сўзи б-н бошланади. Бунда 66 ўринда ундалма тарзида Аллоҳга мурожаат қилинган. Навоий ўзини беҳад гуноҳкор, Яратганни пок ва акрам (карамли), ўзини чексиз исёнкор ва Холиқни раҳмли ва меҳрибон деб атар экан, ички қофия, тазод, иштиқоқ санъатларининг бетакрор намуналари шоир ҳис-туйғулари б-н уйғунлик касб этганлигини кўриш мумкин:

Илоҳи, акрам ул-акрамин – Сен ва мен – гуноҳкор.

Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – Сен ва мен тийрарўзгор.

Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ, аммо Сендин ўзга ҳам кишим йўқ...

Навоий инсон бир томондан фаришталар саждасига лойиқ кўрилган зот, юксак тафаккур эгаси, иккинчи томондан эса шайтоний истаклар соҳиби эканлигини таъкидлар экан, ёлғиз Аллоҳгина ҳикмат соҳиби эканлигини, фақат Унгина ҳукм чиқаришга ҳақли эканлигини айтади ва банда ҳеч қачон Унинг раҳматидан умидвор бўлиш, унинг ҳидоятига талабгор бўлишдан тўхтамаслиги керак деган фикрни илгари суради.

"М." асари моҳиятан Ҳақ васлига ташна, орифлик мақомига эришган ошиқнинг ҳиссиётларини ўзида акс эттирган, мазмун ва шакл уйғунлигининг бетакрор намунасидир. "М." жанрий жиҳатдан назм ва наср хусусиятларини ўзида намоён қилади. Асарнинг ўзига хос мусиқий оҳанги, сажъ усулидан маҳорат б-н фойдаланилганлиги унинг бадиий жиҳатдан қийматини оширган. Асардаги ҳар бир сўз, ҳар бир илтижо муаллифнинг руҳий ҳолатини очиб беришга хизмат қилган. Мазкур асар ўзининг ғоявий ва бадиий хусусиятлари б-н мумтоз ад-тимиздаги шоҳ асарлар қаторида туради.

С. Ғаниева, А.Аъзамов каби олимлар "М."нинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кичик тадқиқот ва мақолалар эълон қилишган.

"МУНОЖОТ" АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. Мазкур асар матнини Суйима Ғаниева тузган ва нашр қилган. "Муножот" Навоий куллиётлари таркибида дебоча ўрнида келтирилади. Асарнинг қуйидаги қўлёзма нусхалари учрайди:

1. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Топқопи-Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланаётган Навоий куллиёти таркибидаги "Муножот" асари. Бу куллиёт 1495–1500 й. Ҳиротда кўчирилган. Котиби – Дарвеш Муҳаммад Тоқий.

2. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Сулаймония кутубхонаси, Фотиҳ фондида 4056-тартиб рақами остида сақланаётган қўлёзма таркибидаги "Муножот" асари. 3 саҳифадан иборат бўлиб, қўлёзманинг 1б – 2б варақларидан ўрин олган.

3. Парижда сақланаётган куллиёт таркибидаги нусха. Мазкур куллиёт Франция Миллий кутубхонасида Suppl. turc. 316–317 рақамлари остида сақланади, икки жилддан иборат. Уни хаттот Али Ҳижроний 933/1526–27 й. Ҳиротда кўчирган. "Муножот" асари куллиётнинг 2б – 4а саҳифаларида жойлашган ҳажми – 4 бет.

МУНСАРИҲ (ар. – осон ва равон қилинган, эркин) – туркий ва форсий шеъриятда қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Ушбу баҳр вазнлари шўх ва ёқимли оҳангга эга бўлиб, рукнлари таркибида *сабаб (–)*лар *ватад*лардан илгари келганлиги учун шундай аталган. Шунингдек, бундай номланиш сўнгги рукнларда (*аруз* ва *зарб*)да эркинлик борлигидан келиб чиққан деган қарашлар ҳам бор. М. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *мустафъилун (– – V –), мафъулоту (– – – V), мустафъилун (– – V –), мафъулоту (– – – V)* бўлиб, чўзиқ ҳижолар нисбатининг қисқа ҳи-

жолардан уч баравар кўплиги вазннинг оғир чиқишига олиб келади, шу сабабли туркий шеъриятда м.нинг асосан тармоқ рукнли вазнларидан фойдаланилган. Кўпроқ *мусамман* ва *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукнли вазнларни ўз ичига олади. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да м.нинг саккизта мусамман рукнли вазнларини, иккита мусаддас ва иккита мураббаъ рукнли (жами 12 та) вазнларини санаб ўтади. Шунингдек, "Доираи мужтамиа"га изоҳ беришда унинг таркибига м.нинг мусаддас шаклини киритиб, Мунсариҳи мусаддаси солим вазнини, "чинга" деб аталувчи халқ қўшиғининг ўлчовини келтиришда Мунсариҳи мусаммани матвийи мақшуфи мавқуф вазнини ҳам келтириб ўтади. "Хазойин ул-маоний" куллиётида м.нинг жами 3 вазни истифода этилган бўлиб, мазкур вазнларда шоирнинг 8 ғазали яратилган.

Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва "Мезон ул-авзон"да келтирилган м. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъ	Келтирилган мисол
1	Мунсариҳи мусаммани солим	мустафъилун мафъулоту мустафъилун мафъулоту, – – V – / – – – V/ – – V – / – – – V	Эй оразинг кўнглум коми, лаълй лабинг жон ороми. Васлинг кунин етгургилки, жоним олур ҳажринг шоми. *("Мезон ул-авзон")*
2	Мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф	муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон, – V V – / – V – /– V V –/ – V –	Оҳки, сенсиа ишим оҳ ила фарёд эрур, Жонима, ошубу шайн, жисмима бедод эрур. *("Мезон ул-авзон")*
3	Мунсариҳи мусаммани матвийи мақшуф	муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун, – V V – / – V – /– V V –/ – V –	Бўлди аёгинг кора зийнату пероядин, Уйлаки бўлғай кора шамъ туби соядин. *("Наводир уш-шабоб", 489-ғазал)* Ваҳки, яна ўт солур жонима бир ҳурваш, Наълбару доғсўз, риндвашу журъакаш. *("Мезон ул-авзон")*
4	Мунсариҳи мусаммани матвийи мақшуфи мавқуф	муфтаилун фоилун муфтаилун фоилон, – V V – / – V – /– V V –/ – V –	Бода мени айлади зуҳду риёдин халос, Зуҳду риё йуққи, минг ранжу анодин халос. *("Гаройиб ус-сиғар", 274-ғазал)* Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр, Ким дамидин тупти ўт жоним аро, ёр-ёр?" *("Мезон ул-авзон", "чинга"дан)*
5	Мунсариҳи мусаммани матвийи мақшуфи мақтуъ	муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун, – V V – / – V – /– V V –/ – V –	Ишқ яна ҳажр ила жонима қилди ситам, Фурқату ҳижрон ўти бошима чекти алам. *("Мезон ул-авзон")*
6	Мунсариҳи мусаммани махбуни мақшуф	мафоилун фоилун мафоилун фоилун, V– V – / – V – / V– V –/ – V –	Гаҳи манга ул санам қилур вафо ваъдаси, Вафосидин зулму кин вале фузундур басе. *("Мезон ул-авзон")*
7	Мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур	муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ, – V V – / – V – V /– V V – / –	Кўнглум аро бир ажиб муҳол ҳавастур, Лабларидинким ҳусули мумкин эмастур. *("Фавойид ул-кибар", 198-ғазал)* Шукрки, дилрабо ёниб, яна манго келди, Маскани айшимда васл шамъи ёқилди. *("Мезон ул-авзон")*
8	Мунсариҳи мусаммани матвийи маждуъ	муфтаилун фоилоту муфтаилун фоъ, – V V – / – V – V /– V V – / –	Чарх яна зулму жавр айлади бунёд, Қилди фалак ҳодисоти жонима бедод. *("Мезон ул-авзон")*
9	Мунсариҳи мусаммани матвийи мақтуъи манҳур	муфтаилун фоилоту мафъулун фаъ, – V V – / – V – V /– – – – / –	Кунглум истар сайр майли гулшан сори, Май нега ичмас бировки, бўлғай ёри. *("Мезон ул-авзон")*
10	Мунсариҳи мусаддаси матвий	муфтаилун фоилоту муфтаилун, – V V – / – V – V / – V V –	Ишқи мани зор қилди олам аро, Айлади овора хайли одам аро. *("Мезон ул-авзон")*

11	Мунсариҳи мусаддаси матвийи мактуъи	муфтаилун фоилоту мафъулун, – V V – / – V – V /– – –	Қуйди ғаминг дарду дог кўнглумга, Қуймади ишкинг фароғ кўнглумга. *("Мезон ул-авзон")*
12	Мунсариҳи мураббаъи матвийи мавқуф	муфтаилун фоилон, – V V – / – V –	Айла вафо ошкор, Кел бери, эй гулъузор. *("Мезон ул-авзон")*
13	Мунсариҳи мураббаъи матвийи махбуни мавқуф	муфтаилун фаувлон, – V V – /V – –	Келки, санга фидо жон, Ваҳки, фидо санга жон. *("Мезон ул-авзон")*
14	Мунсариҳи мусаддаси солим	мустафъилун мафъулоту мустафъилун, – – V – / – – – V/ – – V –	Эй фурқатинг маҳзунларга жон олғучи, Ушшоқни кўрган чогда ўт солғучи. *("Мезон ул-авзон")*

МУНТАЗИА (*узиб олинган, ажратиб олинган*) – Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшунослари кашф қилган аруз доираларидан бирининг номи. Халил ибн Аҳмад кашф қилган "Доираи муштабаҳа"дан ажратиб олинганлиги учун шундай ном б-н аталган. "Доираи Мунтазиа" *сариъ, жадид* (ғариб), *қариб, хафиф* ва *мушокил* баҳрларининг фақат мусаддас (6 рукнли) шаклларини ўз ичига олади.

Навоий "Мезон ул авзон"да бу доира учун мисол тариқасида қуйидаги мисрани келтиради:

Манга кўп қилма, ёр, сен бу жафони.

Мазкур мисра шу тарзда ўқилса, *фаилотун мафоилун фаилун* рукнларига эга бўлган *хафифи* мусаддаси махбун вазни, *Сен бу жафони манга кўп қилма, ёр* шаклида ўқилса, *муфтаилун муфтаилун фоилон* рукнларидан иборат бўлган *сариъ*, *Ёр, сен бу жафони манга кўп қилма* деб ўқилса, *фоилоту мафоийлу мафоийлу* шаклидаги *мушокил*, *Бу жафони манга кўп қилма, ёр* кўринишида айтилса, *фаилотун фаилотун мафоилун* рукнларидан ташкил топган *жадид баҳри*, *Жафони манга кўп қилма, ёр бу* тарзида ўқилса, *мафоийлу мафоийлу фоилоту* рукнларидан иборат *қариб* баҳри вазнлари ҳосил бўлади.

"МУНШАОТ" I ("Мактублар") – Абдураҳмон Жомийнинг турли масалаларга бағишланган ва ҳар хил табақадаги одамларга ёзган, жумладан, Навоийга йўллаган мактублари жамланган асари. Тазкиралар ва тарихий асарларда "Рисолаи муншаот", "Руқаъот", "Мактубот" номлари б-н ҳам тилга олинади. Мавжуд қўлёзмаларда 109 дан 200 гача мактуб ўрин олган. Муаллифнинг ўзи мажмуанинг кириш қисмида қайд этганидек, гарчи иншо санъатининг барча талабларига риоя этилмаган бўлса-да, вазият ва замон талаблари инобатга олинган ҳолда ушбу мактубларни тўплаб ўқувчиларга етказишга қарор қилган. Мактубларнинг асосий қисми Навоийга ёзилгани икки маслакдош мутафаккирнинг ўзаро ҳамда ўша давр воқелигига бўлган муносабатларини билишда муҳим аҳамият касб этади. М. "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида қайд қилинган.

"МУНШАОТ" II ("Мактублар") – Алишер Навоийнинг мактублардан иборат асари. Моҳиятига кўра шоирнинг турли вақтда турли шахсларга йўллаган мактубларидан иборат тўплам бўлиб, Мусулмон Шарқи иншо санъатининг туркий тилда яратилган юксак намуналаридан бири ҳисобланади. Мактублар сони турли нусхаларда турлича кўрсатилган. Бу ҳолатни Алишер Навоийнинг мактублари турли даврларда яратилганлиги ва кейинроқ ёзилган хатлар асосида "М." таркиби тўлдириб борилганлиги б-н изоҳлаш мумкин. Асарнинг нисбатан тўлиқроқ нусхаси Истанбулдаги Тўпқопи саройи кутубхонасида 808-рақам остида сақланаётган Алишер Навоий асарлари куллиётининг қўлёзма нусхаси бўлиб, мазкур нусхадаги "М." таркибида 107 мактуб бор.

Мусулмон Шарқида мактуб иншо санъатини ўзида намоён қилиб, унда мактуб битувчининг бадиий салоҳияти, нуктадонлиги, сўзга ҳассослиги акс этган. Битикларда махсус ахборот етказишдан кўра чуқур мазмун ва юксак бадииятнинг устувор бўли-

шига эътибор қаратилган. Алишер Навоий ўз "М." муқаддимасида бу ҳақда тўхталиб, форсий тилда ёзилган мактубларидаги жимжимадорлик, нозиклик, мазмунан теран байтларнинг туркий тилдаги мактубларда учрамаслиги, аксинча, туркий тилдаги хатларнинг аксари бадиийликдан йироқ бўлганлигини таъкидлаб, турли шеърий парчалар б-н безалган гўзал мактубларни туркий тилда ҳам ёзиш мумкинлигини исботлаш мақсадида ўзи ёзган хатларни тўплаб, тақдим этаётганлигини маълум қилади. Шу маънода Навоий "М."и таркибига кирган мактубларда турли бадиий санъатлар – ўхшатиш, истиора, ташбеҳ, муболаға ва сажъ усулидан кўплаб ўринларда фойдаланилганлиги кузатилади. Деярли ҳар бир мактубда Қуръон оятлари, ҳадислар, рубоий, байт, маснавий, шеърий парчалар келтирилган бўлиб, улар хат юборилган инсонга фикрни янада таъсирчан тарзда етказишда хизмат қилган. Мактубларда хат йўлланаётган шахс номи, манзили ва санаси кўрсатилмаган, чунки бунга эҳтиёж бўлмаган: мактуб тайинли ва ишончли кишилар ("қосид", "ҳомил" ёки "баранда") орқали жўнатилган. "М."даги мактублар турли воқеа-ҳодисалар муносабати б-н шоирнинг дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога, шаҳзодаларга ва бошқа шахсларга йўлланган бўлиб, улар мазмунан насиҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш, миннатдорлик изҳори, табрик, таъзиянома, шахсий кечинмаларни ифодалаш руҳида ёзилган. Ўрта аср кишилари мактуб битишда бир-бирларининг жамиятдаги ўрни, мартабасини ҳам ҳисобга олганлар ва шундан келиб чиқиб, мактублар уч турга бўлинган: 1) *мурофиа* усулида битилган мактублар (мактуб битувчидан обрў-эътибори ва жамиятдаги мавқеи баланд бўлган кишига йўлланган битиклар); 2) *муросала* йўсинида битилган мактублар (даражаси мактуб муаллифи б-н тенг кишига битилган хатлар); 3) *рақъ* йўсинидаги мактублар (жамиятдаги мавқеи ва насаби жиҳатидан мактуб битувчидан қуйи турувчи шахсга юборилган мактублар). Алишер Навоийнинг "М." таркибига кирган мактублари ҳар учала турда битилган бўлиб, уларда Шарқ иншо санъатига хос хусусиятлар ҳам, Навоий услубининг ўзига хос жиҳатлари ҳам акс этган. Асардаги мурофиа усулида битилган мактублар икки гуруҳга бўлинади: хитобия йўлида ёзилган хатлар ва жавобия сифатида битилган мактублар. Бу икки гуруҳга мансуб мактублар ўз навбатида мурофианинг бир нечта кўринишларига бўлинади. Улар орасида энг кўп учрайдиганлари дуо – муддао – дуо, мадх – муддао – дуо ёки ҳар икки кўринишни ўз ичига олган шаклдаги мактублардир. Биринчи кўринишга мисол сифатида Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога атаб унинг таклифи б-н девон тузиш ишининг ижроси ва юзага келган девонни ўз одами орқали шоҳ ҳузурига юборилиши ҳақида ёзилган мактуби (15-мактуб)ни келтириш мумкин. Бунда аввал шеърий дуо, сўнг муддао баёни берилиб, мактуб яна шеърий дуо б-н якунланади. Навоий мурофиаларига хос хусусият уларда ўша давр мурожаат маданияти, ёзишмалар одобига тўлиқ риоя қилиниши бўлиб, хатларнинг деярли барчасида мактуб йўлланаётган шахсга бўлган буюк эҳтиром, уни улуғлаш ва эзгу тилаклар билдириш туйғулари сезилиб туради. Султон Ҳусайн Бойқарога битилган мурофиа мактублар шаҳзодаларга битилган мактублардан ажралиб туради: Ҳусайн Бойқарога битилган мактубларда султонга чексиз ҳурмат-эҳтиром руҳи, уни беҳад улуғлаб, кукларга кўтариш, ўзига кўрсатилган ва кўрсатилаётган иноятлар учун миннатдорчилик билдириш ҳолатлари сезилса, шаҳзодаларга йўлланган битикларда муаллифнинг насиҳатлари, айрим ҳолларда таънаю танбеҳлари кўзга ташланади.

"М."да муросала йўсинида битилган мактублар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бундай мактубларга хос асосий хусусиятлардан бири битикнинг бошланиш қисми дабдабали эмаслиги, мактуб битилаётган шахсга нисбатан мурожаат қилишнинг оддий шакллари қўлланилганлиги, якуний қисмнинг қисқагина дуо ва тилакдан иборат бўлишидир. Ушбу мактублар Навоийнинг яқин кишиларига битилганлиги учун уларда кўпроқ шахсий кечинмалар, дўстларга бўлган самимий меҳр, соғинч, иштиёқ каби туйғулар ифодаси етакчилик қилади. Мас., "М."даги олтмиш бешинчи мактуб шундай бошланади:

Фироқ ароқи, етар кўкка шуълаи оҳим,
Бу ўтға, оҳ, агар раҳм қилмаса, моҳим.

Муросалага хос хусусиятлардан яна бири уларда шеърий парчаларнинг кўп келтирилишидир. Масалан, асардаги 4-мактубнинг ўзида турли ўринларда олтита байт, маснавий ва мактуб сўнгида битта рубоий келтирилади.

Асарда мактубларнинг учинчи тури – риқоъ йўсинида битилган мактублар атиги иккитани ташкил қилади. Уларнинг бири насиҳат, танбеҳ мазмунида бўлиб, (90-мактуб) Навоийнинг укаси Дарвеш Алининг ноиби Мавлоно Қосимга қаратилган. Бу хат "М."даги мактуб йўлланаётган шахс номи кўрсатилган бирдан-бир битикдир. Риқоъ йўсинида битилган мактубларнинг иккинчиси Навоийнинг асранди фарзандига қаратилган бўлиб, у чуқур дард-алам, ўксиниш б-н ёзилган (89-мактуб). Мактуб таънаю дашномлардан иборат бўлиб, унда Навоий оталик меҳри б-н ўстирган, таълиму тарбия берган, мусиқа илмини ўрганишида ҳомийлик қилган, лекин алалоқибат шоирни ранжитган ношукур фарзандга бағишланган. Навоийшуносликда ушбу шахснинг айнан кимлиги ҳақида баҳсли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар бу Навоийнинг акаси *Шайх Баҳлулбек*нинг набираси *Мир Иброҳим* деган фикрни билдирсалар (А.Ҳайитметов, С.Ғаниева), баъзилар ушбу мактуб Навоийнинг асраб олган фарзанди Шоҳқули ғижжакчига битилган деган маълумотни келтирадилар (К.Эргашев).

"М."да Навоийнинг илғор давлат арбоби сифатидаги фаолиятини кўрсатувчи мактублар ҳам мавжуд. Улардан бири шаҳзода Бадиуззамонга битилган мактуб бўлиб, уни мамлакатни идора этишдаги ўзига хос йўриқнома, иш юритишдаги муҳим қўлланма дейиш мумкин (57-мактуб). Мактубда Навоий давлатни бошқариш усуллари, ҳукмдор учун фарз бўлган бурчлар, мамлакат ва фуқаролар осойишталигини сақлаш, уларнинг ободонлиги ва фаровонлигини таъмин этиш каби масалалар юзасидан фикрлар билдиради, Бадиуззамонни шуларга риоя қилишга чақиради. Мактубда ўттиздан ортиқ идора усуллари ва қоидалари ҳақида сўз юритилган бўлиб, улардан баъзилари қуйидагилар: намозни имкон борича жамоат б-н ўқиб, беш вақт намозни тарк қилмаслик; ҳар куни эрталаб девонда ўтириб, арз қилиб келганларнинг арз-додини тинглаш ва адолат б-н қарор қабул қилиш; нонуштадан сўнг махсус қабулхонада ўтириб, сарой хизматчилари б-н давлат ишлари ва мол-мулк масалалари ҳақида гаплашиш; белгиланган ишларнинг битганлиги ҳақида ҳисобот қабул қилиш; ичкиликдан тийилиш; давлат ишларидан холи вақтларда тарихий асарлар, хусусан, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарини мутолаа қилиш ва б.

"М."даги мактубларда, шунингдек турли тарихий шахслар номлари, уларнинг ҳаёти б-н боғлиқ ибратли жиҳатлар ҳам тилга олиниб, Алишер Навоий бу орқали мактуб йўлланаётган одамни тўғри йўлга чақиради. "М." асари мусулмон Шарқи иншо санъатининг юксак намунаси бўлиш б-н бирга ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маъ-ий ҳаёти ҳақида хабар берувчи муҳим манба сифатида ҳам ғоят қимматлидир.

"М" юзасидан С. Ғаниева, Ю. Турсунов ва Қ. Эргашев каби ад-тшунос олимлар илмий изланишлар олиб бориб, унинг ўзига хос хусусиятларига доир тадқиқот ва мақолалар эълон қилганлар.

Ас.: *Алишер Навоий.* Муншаот. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1998, 14-ж; *Алишер Навоий.* Муншаот. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 9-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж., *Эргашев Ю.* Ўзбек насрида иншо (Навоий "Муншаот"и мисолида). Т., 2011.

Дисс.: *Турсунов Ю.* "Муншаот" – Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишдаги тарихий-адабий манба сифатида: ф.ф.н. Т., 1986; *Эргашев Қ.О.* Ўзбек насрида иншо: (Навоийнинг "Муншаот"и мисолида): ф. ф.н. Т., 1996.

"МУНШАОТ" АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ.

Мазкур асар матнини Юсуф Турсунов нашрга тайёрлаган. Бунда олим қуйидаги қўлёзмаларни асос қилиб олган:

1. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Топқопи-Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланаётган Навоий куллиёти таркибидаги "Муншаот" асари. Бу куллиёт 1495–1500 й. Ҳиротда кўчирилган. Котиби – Дарвеш Муҳаммад Тоқий.

2. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Сулаймония кутубхонаси, Фотиҳ фондида 4056-тартиб рақами остида сақланаётган қўлёзма.

3. Парижда сақланаётган куллиёт таркибидаги нусха. Мазкур куллиёт Франция Миллий кутубхонасида Suppl. turc. 316-317 рақамлари остида сақланади, икки жилддан иборат. Уни хаттот Али Ҳижроний 933/1526-27 й. Ҳиротда кўчирган. Мазкур қўлёзма асар танқидий матнини тайёрлаш учун таянч вазифасини ўтаган.

МУНҒАЙМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик саккизинчиси. *Маъюсланмоқ, қайғуланмоқ, букилмоқ, қовоқ солмоқ, лаб-лунжни осилтирмоқ* каби маъноларни англатган мазкур феъл норозилик ҳолатини билдирувчи *минғ* тасвир сўзидан *–(а)й* қўшимчаси б-н ясалган; шеваларда бу сўз *мунғай* тарзида ҳам талаффуз қилинади.

МУРДАФ ҚОФИЯ – қофиянинг ўзак таркибига кўра фарқланувчи турларидан бири. Ридфли қофия деб ҳам аталади. Бундай қофия турида равий ҳарфидан олдин чўзиқ унлилардан бири – *ридфи аслий*, баъзан эса *ридфи зойид* келади. М.қ. форсий ва туркий шеъриятда кенг қўлланилган. М.қ. ҳақидаги маълумотлар Шамс Қайс Розийнинг "Ал-мўъжам" (1218–1233), Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" (1253) асарларида келтирилган. Ушбу асарларда М.қ. равийдан аввал келувчи (моқабли равий) ҳарфлар б-н боғлиқ ҳолда талқин қилинади.

М.қ. равий ҳарфидан кейин ҳарфларнинг қўлланилиш ва қўлланилмаслигига кўра *муқайяд* (қар) ва *мутлақ* (қар) кўринишларига эга бўлади. Алишер Навоий ижодида М.қ.нинг бир неча турлари қўлланилган:

I. Ридфли муқайяд қофия. Алишер Навоий ғазалиётида унинг икки тури кенг қўлланилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Ридфи аслийли муқайяд қофия – равийдан олдин ридфи аслий (кўпинча "о")ни келтириш орқали ҳосил қилинади. Муфрад ридфли муқайяд қофия деб ҳам аталади. Масалан:

То бўлди кўнгул ул кўзи
усрукка гирифтор,
Эл кўзига соғмен, вале ўз-ўзума бемор.
("Ғаройиб ус-сиғар", 182-ғазал)

байтида "гирифтор" ва "бемор" сўзлари қофия, "р" – равий, ундан олдин турган "о" унлиси – ридфи аслий. Қофиядош сўзларда биргина ридфи аслий иштирок этаётганлиги учун ушбу қофия тури шундай аталган.

2. Ридфи зойидли муқайяд қофия – равий б-н ридфи аслий орасида яна бир ундош – *ридфи зойид*нинг такрорланиб келиши асосида вужудга келади. Бошқача айтганда, қатор ундошдан олдин чўзиқ унлининг келишига асосланган қофия. Мураккаб ридфли муқайяд қофия деб ҳам аталади. Мас.:

Чун кинаву қатлин англадим рост,
Қилдим неки мумкин эрди дархост –
("Лайли ва Мажнун")

байтида "рост" ва "дархост" сўзлари қофия, "т" ҳарфи – равий, "о" – ридфи аслий, "с" – ридфи зойиддир.

II. Ридфли мутлақ қофия. Унинг ҳам бир неча кўринишлари бўлиб, равий ҳарфидан кейин келувчи ҳарфлар – васл, хуруж, мазид ва ноира б-н боғлиқ ҳолда вужудга келади (ушбу ҳарфлар орасида келувчи қисқа унлилар: мажро ва нафоз номланишда эътиборга олинмайди). Навоий ижодида ридфли мутлақ қофиянинг қуйидаги турлари қўлланилган:

1. *Ридфи аслий ва васлли мутлақ қофия* – ридфи аслий ва равийдан кейин васлнинг келиши орқали ҳосил қилинади. Мас.:

Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми
бедорим фидо,
Ҳам учуқ чиққан лабингга
жони афгорим фидо –
("Ғаройиб ус-сиғар", 31-ғазал)

байтида "бедор" ва "афгор" сўзлари қофия, "р" – равий, ундан олдин турган "о" унлиси – ридфи аслий, равийдан кейин турган қисқа "и" унлиси – нафоз, "м" ҳарфи васл ҳисобланади.

2. *Ридфи аслий ва хуружли мутлақ қофия* – ридфи аслий ва равийдан кейин васл ва хуруж ҳарфларининг келиши орқали ҳосил қилинади. Мас.:

Ошиқ улдум, неча жавр аҳли
замондин тортайин,
Улким ошуби замондур бори
ондин тортайин.
("Наводир уш-шабоб", 480-ғазал)

Юқоридаги байтда "замондин" ва "ондин" сўзлари қофия, биринчи "н" – равий, равийдан олдин турган "о" унлиси – ридфи аслий, "д" – васл, қисқа "и" – нафоз, қофиянинг охирида турган "н" ҳарфи хуруж ҳисобланади.

3. *Ридфи аслий ва мазидли мутлақ қофия* – ридфи аслий ва равийдан кейин васл, хуруж ва мазид ҳарфларининг келиши орқали ҳосил қилинади. Мас.:

Қурунг, ғам қатлгоҳида,
бало жаллоди кошимда,
Жунун занжири бўйнумда,
сиёсат тиғи бошимда.
("Фавойид ул-кибар", 565-ғазал)

– байтида "қошимда" ва "бошимда" сўзлари қофия, "ш" ҳарфи – равий, равийдан олдин турган "о" унлиси – ридфи аслий, равийдан кейин турган қисқа "и" унлиси – мажро, "м" – васл, "д" – хуруж, "а" ҳарфи мазид ҳисобланади.

4. *Ридфи аслий ва нойирали мутлақ қофия* – ридфи аслий ва равийдан кейин васл, хуруж, мазид ва ноира ҳарфларининг келиши орқали ҳосил бўлади. Мас.:

Ун сакиз минг олам ошуби
агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвиноздим
ўн сакиз ёшиндадур.
("Бадойеъ ул-васат", 156-ғазал)

Ушбу байтда "бошиндадур" ва "қошиндадур" сўзлари қофия, "ш" ҳарфи – равий, равийдан олдин турган "о" унлиси – ридфи аслий, равийдан кейин турган қисқа "и" унлиси – мажро, "н" – васл, биринчи "д" – хуруж, "а" ҳарфи – мазид, кейинги барча ҳарфлар: "д" ,"у" ва "р" нойира ҳисобланади.

МУРИД I – Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири. М. – мутлақ ирода ва ихтиёр соҳиби, Иродаси барча мавжудотнинг инон-ихтиёридан устун бўлган Зотнинг сифати, Аллоҳ таолонинг зотига оид сифатлардан бири.

Эрур Ҳайю, Алиму ёна Қодир,
Муриду ҳам Самиъ улди-ю Нозир.
Такаллум васфиға доғи мувофиқ,
Яна уббод афъолиға Холиқ.
("Сирож ул-муслимин")

МУРИД II – иродасини тарк этиб, ўзини пирга буткул таслим қилган тариқат кишиси. М.нинг асл луғавий маъноси – ирода соҳиби. Тас.да бу сўз луғавий маъносига нисбатан тескари маънода қўлланилади. Инсоний ирода шахсий орзу-истак ва нафсоний хоҳишлар оқибатида пайдо бўлади. Шу сабабли, М. ўзининг истакларидан батамом воз кечиб, пир раҳнамолигида иродасини илоҳий иродага мувофиқлаштиришга киришади. Воситийнинг ақидасига кўра, М. нинг биринчи мақоми ўз ихтиёрини тарк этиб, илоҳий иродага бўйсунишдир.

Бирор пирга қўл бериш, яъни иродани пирга таслим этиш байъат деб аталади. М. шайх б-н суҳбатда ўн беш нарсага риоя қилиши адаб шартларидан саналади:

1) шайхни тарбият, раҳнамолик ва гўзал хулқлар б-н хулқлантиришда – ягона деб билиш;

2) шайх суҳбати ва мулозаматида улуғворлигини собит деб билиш. Барча иш ривожи фақат шайх суҳбатидадир деб тасаввур қилиш;

3) шайхнинг тасарруфотига таслим бўлиш, яъни молу жонини шайх йўлида фидо қилиш;

4) эътирозни тарк этиш (Мусо ва Хизр қиссаси). Шайхдан эшитган нарсага эътироз билдирмаслик ва айни ҳақиқат деб қабул қилиш;

5) салби ихтиёр – барча дунёвий ва ухровий амалларда Шайхнинг изн-иродаси б-н иш кўрмоқ;

6) шайхнинг кўнглига озор етадиган ишлардан узоқ бўлиш;

7) содир бўладиган руҳий-қалбий воқеалар инкишофида фақат шайх берган билимга таянмоқ;

8) фақат ва фақат шайх сўзларини жон қулоғи б-н эшитмоқ ва уларни қалбга муҳрламоқ;

9) шайх суҳбатида овозни баландлатмаслик;

10) шайх б-н ҳеч қачон суҳбатда ҳам, муносабатда ҳам такаллуфсиз муомала қилмаслик;

11) суҳбатдан олдин шайхнинг фурсатини билиш;

12) ўз даражаси ҳаддини билиш;

13) шайх сирларини пинҳон тутиш;

14) ўз сирларини шайхга изҳор этмоқ;

15) шайхдан эшитган нарсаларини эшитувчиларнинг ақлига мувофиқ баён қилиш.

Навоий ғазалларида ўзини дайр пири (комил инсон)нинг М. деб атайди. Шу б-н бирга талабгорларни пир танлашда адашмасликдан, риёкор ва сохта шайхларга М. тушиш хавфидан огоҳлантиради.

Бовужуди масху нодонлиғ
мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни
пайдо қилди шайх.
Дайр пирининг муридименки
файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин
таманно қилди шайх
("Ғаройиб ус-сиғар", 112-ғазал)

МУРШИД (ар. – йўлбошчи, маънавий раҳнамо) – тариқат йўлидаги соликларнинг сайру сулукдаги нуқсонларини бартараф этиб, ахлоқини мукаммал этиш мартабасига етган валий; пир, шайх. М. деганда, илоҳий маърифат йўлидаги сайру сулукда муайян натижаларга эришиб, илоҳий жазбанинг мадади б-н кўнгил ва руҳнинг юксак даражаларини касб этган, бу йўлдаги хатарлар ва офатларни енгиб ўтиб, бошқаларни ҳам Ҳақ йўлига раҳнамолик қилиш салоҳиятига эга комил инсон тушунилади. Валийлик мақомига эришган барча соликлар ҳам М. бўлолмайди. М.ликнинг муайян шартлари ва одоблари мавжуд: 1) ният холислиги. Агар муридлар унга юзланиб, байъат қилмоқчи бўлсалар, сабр этиб, бу нарса унга синов ё иноят эканлигини аниқ билмагунча рози бўлмаслик; 2) истеъдод маърифати. Мурид нинг сулук йўлидаги истеъдоди ва имкониятларини тўғри баҳолаб, унинг даражасига мувофиқ зикр ва талқинга буюриш; 3) мурид молига тамаъ қилмаслик. Мурид тарбиясига беғараз бўлиб, унинг хизмати ва мол-дунёсига кўнгил боғламаслик; 4) ийсор – таълим ва талқинда ўзидаги барча имкониятларни мурид тарбиясига сафарбар эта билишлик; 5) тўғри йўлга даъват этишда қавл ва феълнинг мувофиқлиги; 6) сайру сулукдаги риёзатларда нотавонлик зоҳир этган муридларга шафқат кўрсатиб, уларга маънавий таянч бўла олишлик; 7) дунёвий мақсадлар ва нафсоний истаклар бобида имкони борича сўзлашмаслик; 8) мурид б-н сўзлаш чоғида қалб ва хотирни Илоҳ розилигига мувофиқ айлаш; 9) муриддан бирор макруҳ амал ё ножўя сўз содир бўлганда уни маломат қилмай, балки жамоат ичида умумий тарзда гапириб, киноя ва ишора тили б-н муриднинг бу иши хайрли оқибатга олиб келмаслигини тушунтириш; 10) мурид сирларини сақлаш ва унинг айбларини яшириш; 11) сулук жараёнида одобсизлик қилган ёки нотўғри йўлга борган муридларнинг хатосини кечириш; 12) муриддан ортиқча иззат-икром ва эътибор талаб қилмаслик, умидвор бўлмаслик; 13) муриднинг хизматини унинг фазлу карами ва илтифоти деб қабул қилиш; 14) вақтни тўғри тақсимлаш. Фақат муридлар тарбияси ва суҳбати б-н машғул бўлмасдан, имкон топиб, хилват ва узлатда ўз вужудига ҳам тафаккур этиш; 15) нафл ибодатларни кўпроқ адо этиш (яна қар.: *Пир*).

Навоий комил М.ларнинг амрини сўзсиз бажаришни сайру сулукнинг асосий шарти, деб ҳисоблаган. Шунингдек, сохта шайхлар ва риёкор М.ларни асарларида қаттиқ танқид қилади.

Ҳар не ҳақ амрини дер
муршиди комил, они қил,
Гар сифотуллоҳ аро
ўзни тиларсен мавсуф
("Фавойид ул-кибар", 303-ғазал)

МУСАДДАС (ар. – олтилик). *Мусаммат* турларидан бири, ҳар банди 6 мисрадан иборат шеър шакли, *а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а*... ёки *а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-а-а*... тарзида қофияланади. М.нинг иккинчи усулда қофияланиши кўпинча сўнгги икки мисранинг нақарот тарзида ҳар бир банд охирида такрорланиб келиши б-н боғлиқ.

Ўзбек мумтоз ад-тшунослигида М. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асари (1436/37)да келтирилган. Муаллиф М.ни мусамматнинг бешта туридан бири сифатида санаб ўтади ва унга қуйидагича таъриф беради: "Мусам-

мати мусаддас ул бўлурким, беш мисраъда сажъ саклаб, олтинчи мисраъда қофия аслиға янорлар". Бунда муаллиф М. бандларининг иккинчисидан бошлаб, беш мисра ўзаро қофияланиши ва олтинчи мисра аввалги банддаги асосий қофияга оҳангдош бўлишига ишора қилянти. Рисолада келтирилган туркий мисол бунга далил бўла олади.

М. яратилиш хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1) *табъи худ* – мустақил М.;

2) *тасдис* – ғазални олтилантириш асосида яратиладиган М.

Табъи худ М.да барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда олтилик яратади. Тасдисда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам ҳолларда) ўз ғазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб олтилик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига олти мисра қўшилади. Мақтаъ бандда тасдис боғлаётган шоирнинг тахаллуси ҳам келтирилади.

Ўзга шоир ғазалига тасдис боғлаш шу шоир б-н ижодий ҳамкорлик ва муайян маънода адабий мусобақага киришишдир. Тасдис боғлашда ғазал муаллифи б-н унга тасдис боғлаётган муаллиф ўртасида муштарак дунёқараш, эстетик идеал ҳамоҳанглиги ва ғоявий яқинлик бўлиши зарур.

Муайян ғазалга тасдис боғланаетганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тасдис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши ҳам мумкин.

Туркий ад-тда М.нинг илк бор қўлланилиши Алишер Навоий номи б-н боғлиқ. "Хазойин ул-маоний" куллиётидаги 5 та М. дан биттаси табъи худ М. бўлса, қолган барчаси тахмис шаклида бўлиб, улардан 2 таси Лутфийга, биттаси Ҳусайнийга ва биттаси шоирнинг ўз ғазалига боғланган тасдисдир. Мазкур ҳолатни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Табъи худ М. нинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Лутфийга тасдисининг 1-мисраси ва у киритилган девон	Ҳусайнийга тасдиснинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Ўз ғазалларига тасдис	
			Тасдисга асос бўлган ғазалнинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Тасдиснинг 1-мисраси ва у киритилган девон
"Дахр аро чун қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ" ("Наводир уш-шабоб", 1-мусаддас)	"Жоним ўртарга ул утлуқ чеҳра гулзори Халил" ("Бадоеъ ул-васат", 1-мусаддас)	"Ишқ зор этти халойиқ ибтилосидин мени" ("Бадоеъ ул-васат", 2-мусаддас)	"Ваҳки, диним кишварин торож қилди кофире" ("Наводир уш-шабоб". 580-ғазал)	"Субҳидам махмурлуқтин тортибон дарди саре" ("Ғаройиб ус-сиғар", 1-мусаддас)
	"Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Қорун устина" ("Фавойид ул-кибар", 1-мусаддас)			

Узга шоир ғазалига тасдис боғланганда М.нинг сўнгги бандида ғазал муаллифи ва уни олтиликка айлантираётган шоир тахаллуслари келтирилади. Мас., Алишер Навоийнинг Лутфий ғазали асосида ёзилган М.нинг охирги банди қуйидагича:

Чун Навоий ашки бахр ўлди,
чекиб ранжу тааб,
Кемаликдин кўзлари ул бахр
аро топти лақаб,
Кўзида, тонг йўқ, агар
туттунг мақом, эй нўшлаб,
Чун кирар эл кемага
қилмоқ учун айшу тараб,
Гар ватан Лутфий кўзида тутмадинг,
йўқтур ажаб,
Уй қўпормоғлиқ эрур
душвор Жайҳун устина.

Навоийнинг форсий шеърлари жамланган "Девони Фоний" тўпламида ҳам бир М. мавжуд бўлиб, "кошки" радифи асосида

яратилган. Мазкур М. Абдураҳмон Жомий ғазалига боғланган, яратилиш хусусиятига кўра тасдис ҳисобланади. М. 9 бандан иборат бўлиб, жами 54 мисрани ўз ичига олади.

2. Аруз вазнида бир байтда бир рукннинг 6 марта такрорланиши.

Вофир ажзоси мусаддасда олти қатла "мафоилатун"...

("Мезон ул-авзон")

МУСАЖЖАЪ ҒАЗАЛ (ар. – сажъли, қофияли ғазал) – байтлари ички қофияли бўлаклардан ташкил топган ғазал. Бунда ғазалдаги ҳар бир байт тўрт бўлакка бўлиниб, олдинги уч бўлак узаро мустақил қофияланади, тўртинчи бўлак эса асосий қофияга оҳангдош сўз б-н тугалланади. Бу тарздаги қофия усули тўртта ўзаро тенг бўлакка бўладиган саккиз рукнли (мусамман) вазнлардагина қўлланилиши мумкин.

Алишер Навоийгача мусажжаъ санъати баъзи туркий ижодкорларда истифода этилган. Хусусан, Ҳофиз Хоразмий ғазалидаги бир байт, Сайфи Саройи ғазалидаги баъзи байтлар мазкур санъат асосида ёзилган.

Алишер Навоийнинг 20 га яқин М.ғ.и бўлиб, улардан тўққизтаси бошдан-охиригача шу санъат асосида ёзилган, ушбу ғазалларда сажъ санъати ғазалнинг иккинчи байтидан бошланади. Навоийнинг М.ғ.лари асосан икки ўлчовда: *ражази мусаммани солим* ҳамда *ҳазажи мусаммани солим* вазнларида ёзилган. Шоирнинг ана шундай ғазалларидан бири "Бадоеъ ул-васат" девонига 398-рақам остида киритилган бўлиб, унда *ражази мусаммани солим* вазни истифода этилган:

Ер узра тим-тим қон ёшим
гўёки томмас дам-бадам
Ким, нақди васлинг байъиға
кўзлар санар бир-бир дирам.

Ишқингда бўлғач хоки раҳ,
бўлдум балокашларға шаҳ,
Ғам хайлидин тортиб сипаҳ,
оҳ ўтидин чектим алам.

Бир қатла кўрсанг ани, бас,
таън этмагай эрдинг ҳавас,
Ишқиға, эйким, ҳар нафас бизни
қилурсен муттаҳам.

Эй сарв қадди маҳлиқо,
тенгри қачон кўргай раво
Мендин вафо узра вафо,
сендин ситам узра ситам.

Йўқ фикри бу девонанинг,
титрар ичи ҳамхонанинг
Ким, саҳфи бу вайронанинг
ашким суйидин бўлди нам.

Мутриб, навое ком тут,
муғ дайрида ором тут,
Соқий, лаболаб жом тутким,
қасди жоним қилди ғам.

Берганга ғам даҳри дани
майхона басдур маскани
Ким, бода дафъ айлар ани,
етса кишига ҳар алам.

Дайру ҳарамда сар-басар,
ул юздин истарлар хабар,
Кўп ҳам низоъ этма агар
ул дер самад, бу дер санам.

Дединг топиб жонон иси,
топтим лабидин жон иси,
Келур бу еўздин қон иси,
тинма, Навоий, асра дам.

МУСАММАН (ар. – саккизлик). 1. *Мусаммат* турларидан бири, ҳар банди 8 мисрадан иборат шеър шакли, *а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-а...* ёки *а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-а...* тарзида қофияланади. М.нинг иккинчи усулда қофияланиши баъзан бандлар охиридаги сўнгги икки мисранинг биринчи банд б-н қофиядош бўлиб келиши (**муздавиж** М.), баъзан эса шу икки мисранинг нақарот тарзида ҳар бир банд охирида такрорланиб келиши (**мутакаррир** М.) б-н боғлиқ.

Ўзбек мумтоз ад-тшуносликда М. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул балоға" асари (1436/37)да келтирилган. Муаллиф М.ни мусамматнинг бешта туридан бири сифатида санаб ўтади ва унга қуйидагича таъриф беради:

"Мусаммати мусамман анингтек бўлурким, шеърни саккиз қисм қилурлар. Етти қисмни мусаббаъ қилиб, секкизинчи қисмда асл қофияға келурлар". Бунда муаллиф М.бандларидаги етти мисра ўзаро қофияланиб, сўнгги саккизинчи мисра

асосий қофияга оҳангдош бўлишига ишора қиляпти. Рисолада келтирилган туркий мисол бунга далил бўла олади.

Туркий ад-тда М. илк бор Юсуф Амирий томонидан қўлланилган. Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" куллиётида битта М. бўлиб, "Фавойид ул-кибар" девонига киритилган. Мазкур М. *а-а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а, с-с-с-с-с-с-с-с-а* тарзида қофияланган. Ҳажман 7 банд – жами 56 мисрадан иборат. Мураддаф (радифли) бўлиб, "эй кўнгул" жумласи радиф бўлиб келган. М. ишқий мавзуда – ошиқнинг ёр озоридан шикоят қилиб, кўнгилга мурожаати тарзида яратилган. М. қуйидаги банд б-н бошланади:

Ҳар тараф азм айлаб ул шўхи
ситамгор, эй кўнгул,
Тиғи ҳажридин неча бўлғайбиз
афгор, эй кўнгул,
Чун сафар айлаб эди бир
қатла дилдор, эй кўнгул,
Дарди ҳажриға бўлуб эрдук гирифтор,
эй кўнгул,
Вуйлаким, таъриф этиб
ғурбатни бисёр, эй кўнгул,
Шаҳру кишвардин малолат
айлаб изҳор, эй кўнгул,
Англадинг ё йўқмуким,
айлар сафар ёр, эй кўнгул,
Ваҳки, бўлдуқ яна ҳажри илгидин зор,
эй кўнгул...

2. Аруз вазнида бир байтда бир рукннинг 8 марта такрорланиши:

Ҳазажи мусаммани солимда секкиз қатла "мафоъийлун"дур...
("Мезон ул-авзон")

"МУСИБАТНОМА" – Фаридиддин Аттор нинг асари. Маснавий йўлида ёзилган. Тас-ий мавзуда бўлиб, унда асосан тариқат масалалари баён қилинади. Асарда руҳнинг сайри, унинг турли мусибат ва гирифторликларни пир раҳнамолигида енгиб ўтиш, соликнинг Ҳаққа интилиши б-н боғлиқ масалалар қаламга олинган. Навоий ушбу асар номини "Лисон ут-тайр" достони ва "Насойим ул-муҳаббат"да Фаридиддин Аттор б-н боғлиқ бобда тилга олган.

МУСО ИМРОН ЖИЙРУФТИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Эрондаги Кирмон вилоятининг Жийруфт шаҳрида туғилган. Шайх Абдуллоҳ Тақийнинг пири. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУСОҲИБ – 1) суҳбатдош:

"Мавлоно Алоулмулк табиб била Мавлоно Абдуссаломи Шерозийки, беназир муолиж эрди – Паҳлавонға мусоҳиб эрди" (Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад)

2) ўрта асрлардаги сарой лавозимидан бири. М. – шоҳнинг ишончли кишиларидан бўлиб, одатда подшоҳ ўз қарор ва фармонларини у б-н келишган ҳамда бу қарорлар халқ томонидан қандай қабул қилинганини ҳам М.дан эшитган. Бобур Мирзонинг гувоҳлик беришича, Навоий ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг М.и бўлган.

МУСТАЗОД (ар. – орттирилган, зиёда қилинган) – ҳар бир мисрасидан сўнг яна ярим мисра орттирилувчи шеър шакли. Бунда орттирилаётган ярим мисра таркибан асосий мисранинг биринчи ва тўртинчи рукнларига тенг бўлади. М. учун *ғазал* асос – замин вазифасини ўтайди. Иккала жанрнинг қофияланиш тизими, байтлар сони, матлаъ ва мақтаъ, тахаллуснинг мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Лекин газал аруз тизимининг барча баҳрларида яратилгани ҳолда М. фақат ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун мафъулу фаулун – – V / V – – V / V – – V / V – – / – – V / V – –) вазнида ёзилади.

Мумтоз форс ад-тшунослигида М. ҳақидаги қарашлар Шарафиддин Ромийнинг "Ҳақойиқ ал-ҳадойиқ" асари (14-аср)дагина келтирилган бўлиб, муаллиф бадиий санъатларга таъриф бериш ўрнида М., *мусаббаъ* ва *мусамман* каби шеър шаклларига ҳам тўхталиб ўтади. Ўзбек мумтоз ад-тшунослигида М. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асарида келтирилган. Муаллиф М.ни ўнта шеър навъларидан бири сифатида санаб ўтади ва М.нинг байтни орттириш асосида вужудга келишини таъкидлайди.

Ўзбек ад-тида М.нинг илк намуналари Ҳофиз Хоразмий ва Гадоий ижодида учрайди. Ҳофиз Хоразмий девонидан ҳар бири 7 байтдан иборат иккита М., Гадоий девонидан эса беш байтли битта М. ўрин олган.

Алишер Навоий "Мезон ул-авзон" асарида М. жанрига алоҳида таъриф бериб, унинг оҳанги суруд нағамоти (куй оҳанги)га мос келишини айтади: "...халқ орасида бир суруд бор эканлурким, *ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуф* вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурурлар эрмиш ва ани "мустазод" дерлар эрмиш, андоққим,

Мустазод:

Эй хуснунга зарроти
жаҳон ичра тажалли.
Мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун
Маҳзар санга ашё.
Мафъулу фаулун
Сен лутф била кавну
макон ичра мувалли,
Олам санга мавло"

Навоийнинг ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган М.ларидан бири "Наводир уш-шабоб" девонига киритилган бўлиб, шундай бошланади:

Дин офати бир муғбачаи моҳлиқудур,
майхораву бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним
дайри фанодур
Сармасту яқом чок.
Ҳам туррасининг дуду вараъ
белига зуннор,
мен кофири ишқи
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,
мен ўртанибон пок...

Алишер Навоийнинг замондоши тарихчи Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида келтирилишича, бу М.га ўз даврининг машҳур бастакори Хожа Абдулло Марворид куй басталаган. Қўшиқ шунчалик шуҳрат қозонганки, Ҳиротда бу қўшиқни тингламайдиган хонадон бўлмаган. Ҳатто бир базмда М.нинг "сармасту яқом чок" сатри куйланаётганда, мажлис аҳли ўз ёқаларини йиртганлар ва бу ҳолни бир тасодиф туфайли туйнукдан қараётган ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам кўрган.

Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" куллиётида тўртта М. ўрин олган бўлиб, ҳар бир девонга тенг тарзда (биттадан) жойлаштирилган.

МУСУҲИЙ, Аҳмад бин Иброҳим – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Али. Бағдод тас. мактабининг йирик намояндаси. Сарий Сақатий ва Ҳасан бин Али Мусуҳийнинг шогирди. Доим битта ридо б-н юргани учун "Мусуҳий" (мусуҳ – ридо) номи б-н машҳур бўлган. Шомдан Маккагача рўзадор ҳолатда борган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"МУТАВАССИТ" – Абдураҳмон Жомийнинг муаммога оид асари. Тўлиқ номи – "Рисолаи мутавассит дар муаммо" ("Муаммо" илмига оид ёзилган ўртача рисола). Жомий ушбу рисоланинг ёзилиши сабабини муаммо қоидалари буйича ғазал ёзгани, бу усул олдин мавжуд бўлмагани ҳамда олдин ёзган "*Ҳулят ул-ҳулал*" рисоласидаги муаммони ечиш қоидаларини соддароқ қилиб тушунтирмоқчи бўлгани б-н изоҳлайди. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да ушбу рисола буйича Жомий ҳузурида таълим олганини қайд қилади.

МУТАВВИЪИЙ, Абубакр бин Исо (ваф. 918) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абубакр бин Тоҳир Абҳарий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУТАДОРИК (ар. – топмоқ, хабар бермоқ, орқадан келиб қўшилмоқ) – туркий ва форсий шеъриятда кам қўлланилган аруз баҳрларидан бирининг номи. Унинг асл рукнидаги *сабаб*ни кейинроқ топиб, қолган рукнларга ҳамроҳ қилганликлари учун шундай ном б-н аталган. Шунингдек, Халил ибн Аҳмад келтирган 15 баҳр қаторига унинг шогирди Абулҳасан Ахфаш Балхий томонидан 16-баҳр сифатида қўшилганлиги учун шундай ном олган деган қарашлар ҳам бор. Манбаларда "Ракэ ул-хайр" ва "Савт ун-ноқис" деган номлар б-н ҳам келтирилади. М. баҳри *фоилун (– V –)* аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади.

Туркий шеъриятга даставвал Алишер Навоий томонидан олиб кирилган. Асосан *мусамман* рукнли вазнлари қўлланилади. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да М.нинг тўртта мусамман рукнли ва учта мусаддас рукнли (жами 7 та) вазнларини санаб ўтади. "Хазойин ул-маоний" куллиётида М.нинг 2 вазни истифода этилган бўлиб, ушбу вазнларда шоирнинг учта ғазали яратилган.

Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва "Мезон ул-авзон"да келтирилган М. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Мутадорики мусаммани солим	фоилун фоилун фоилун фоилун, –V –/ –V – / – V – /–V –	Эй, санга муқтадолиқ ики кавн аро, Анта хайрул башар, анта хайрул варо. *("Бадоеъ ул-васат", 7-ғазал)* Не монгишдурки, танлар ҳабоси анинг, Не боқишдурки, жонлар фидоси анинг. *("Мезон ул-авзон")*
2	Мутадорики мусаммани махбун	фаилун фаилун фаилун, –V ~ / VV – / VV – / VV –	Не саманд экон улки, буён сурасан, Бошим узра жафо қиличи урасан. *("Мезон ул-авзон")*
3	Мутадорики мусаммани мақтуъ	фаълун фаълун фаълун фаълун, – –/ – – / – – /– –	Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни, Кунглум итмиш, топқил они. *("Фавойид уд-кибар", 638-ғазал)* Бўлманг бизга ҳаргиз мойил, Не ҳолинг бордур, эй қотил. *("Мезон ул-авзон")*
4	Мутадорики мусаммани махбуни мақтуъ	фоилун фаал фоилун фаал, – V – / V – / – V – / V –	Ишқдин ишим мушкил айладинг, Ҳажрни манга қотил айладинг. *("Мезон ул-авзон")*
5	Мутадорики мусаддаси солим	фоилун фоилун фоилун, –V –/ –V – /–V –	Фурқатингда мани сурмадинг, Раҳм кузи билан кўрмадинг. *("Мезон ул-авзон")*
6	Мутадорики мусаддаси махбун	фаилун фаилун фаилун, VV –/ VV – / VV –	Мани истамасанг нетайин, Бош олиб қаёне кетайин. *("Мезон ул-авзон")*
7	Мутадорики мусаддаси мақтуъ	фаълун фаълун фаълун, – –/ – – / – –	Элдин ул юзни ёп, Кунглумнинг комин топ. *("Мезон ул-авзон")*

МУТАҚОРИБ – (ар. – бир-бирига яқин) – туркий шеъриятда даставвал қўлланилган аруз баҳри номи. Ундаги сабаб ва ватадлар бир-бирига яқин масофада жойлашганлиги учун шундай аталган. М. баҳри *фаувлун (V – –)* аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да М.нинг саккизта мусамман рукнли вазнларини, иккита мусаддас рукнли вазнларини ва битта *мутаввал* рукнли (жами 11 та) вазнларини санаб ўтади. "Хазойин ул-маоний"да М.нинг 7 вазни асосидаги жами 75 шеър М. баҳрида яратилган бўлиб, шулардан 51 таси ғазал жанрига мансуб шеърлардир. Ушбу 7 вазндан иккитаси: Мутақориби мусаммани мусаббағ ва мутақориби мусаммани асрами маҳзуф номи "Мезон ул-авзон"да келтирилмаган.

Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" рисоласида М.ни ҳосил қилувчи *фаувлун* аслининг қуйидаги 6 фуруъ (тармоқ рукн) и келтирилган:

Т/р	Рукн номи	Тақтиъи	Вазндаги номи
1.	Фаувлу	V –V	Мақбуз
2.	Фаувл	V –	Мақсур
3.	Фаал	V –	Маҳзуф
4.	Фаълун	– –	Аслам
5.	Фаълу	– V	Асрам
6.	Фаъ	–	Абтар

Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва "Мезон ул-авзон"да келтирилган мутақориб баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	рукнлари ва тактиъи	Келтирилган мисоллар
1	Мутақориби мусаммани солим	фаувлун фаувлун фаувлун фаувлун, V– –/V– –/V– –/V– –	Бировга мусаллам тариқи тасаввуф Ки, зотида мавжуд эмастур тахаллуф. *("Фавойид ул-кибар", 306-ғазал)* Яна сенсизин мунисим ғам булубдур, Кузумга юрак қони ҳамдам булубдур. *("Мезон ул-авзон")*
2	Мутақориби мусаммани мусаббағ	фаувлун фаувлун фаувлун фаувлон, V– –/V– –/V– –/V– –	Қилур қайғу кунглумга ул нозанин жамъ, Жароҳатқа андоққи бўлғай чибин жамъ. *("Бадоеъ ул-васат", 290-ғазал)*
3	Мутақориби мусаммани маҳзуф	фаувлун фаувлун фаувлун фаал, V– –/V– –/V– –/V– –	Яқин билки, ул кундур офат куни, Не офат куниким, қиёмат куни. *("Фарҳод ва Ширин")* Нечаким куяр ҳажр аро жон манга, Эмас таркини қилмоқ имкон манга. *("Наводир уш-шабоб", 14-ғазал)* Очилди чаман, гулъузорим қани, Сиҳи сарв буйлиг нигорим қани? *("Мезон ул-авзон")*
4	Мутақориби мусаммани мақсур	фаувлун фаувлун фаувлун фаувл, V– –/V– –/V– –/V– –	Мени ишқдин манъ этар сода шайх, Дема сода шайх, айтким лода шайх. ("Наводир уш-шабоб", 112-ғазал) Манга куйи сайриға йуқ эҳтимол, Эса олмас ул ён насими шамол. *("Мезон ул-авзон")*

МУТЛАҚ ҚОФИЯ (ар. – етук, тўлиқ) – қофиянинг тузилишига кўра фарқланувчи турларидан бири. М.қ.да *равий* (қ.) ҳарфидан кейин қофиянинг бошқа ҳарфлари *(васл, хуруж, мазид, нойира)* ҳам иштирок этади. Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" (1218–1233) асарида М.қ. равий ҳарфининг икки навъидан бири сифатида, Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" (1253) асарида қофиянинг ҳолатига кўра фарқланувчи турларидан бири сифатида келтирилган.

Алишер Навоий газалиётида М.қ. кенг қўлланилган. Мас.:

Қоши ёсинму дейин,
кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг
дарду балосинму дейин?
("Наводир уш-шабоб", 483-ғазал)

– байтида "қаросинму", "балосинму"сўзлари М.қ. қофия бўлиб, улардаги "о" унлиси равийдир. Равийдан кейин келган "с" ундоши – *васл*, "н" ундоши – *хуруж*, "м" – *мазид* ва қофия охиридаги "у" унлиси *нойира* ҳисобланади, "с" ҳарфидан кейин келган қисқа "и" унлиси эса *нафоздир*. М.қ. ҳисобланиши учун равийдан сўнг биргина васл ҳарфининг қўлланилиши ҳам кифоя қилади.

МУТРИБ –1) чолғучи, созанда, қўшиқчи:

Мутриби тарабафзо ва муғаннийи ғамзудо – икаласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо ***("Маҳбуб ул-қулуб", 22-фасл)***.

2) маж. Мутриб ва созандалар ҳомийси – Зуҳра сайёраси:

Зуҳра йўлида тузуб навозир
Мутриблардек бўлуб миёнгир
("Лайли ва Мажнун").

3) Тас.да кўнгилларга илоҳий файз етказувчи, маъно оламининг асроридан огоҳ кишилар, пири комил:

Бизни зор этти бу раъно мутриб,
Нағма бирла тарабафзо мутриб
("Фавойид ул-кибар", 63-ғазал).

МУТТАФИҚА (ар. – бирлашган, ҳамроҳ бўлган) – Халил ибн Аҳмаддан кейин "Доираи Мунфарида" асосида унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий кашф қилган аруз доираларидан бирининг номи. *Мут-*

тафика деб номланишига сабаб фақат бир-гина баҳр (мутақориб)дан иборат "Доираи Мунфарида"га яна бир баҳр мутадорик қўшилган ва натижада бу икки баҳр бир-бирига ҳамроҳ сифатида ягона доирага бирлашган.

Навоий "Мезон ул авзон"да бу доира учун мисол тариқасида қуйидаги мисрани келтиради:

Келиб дардима чора қилсанг, на бўлғай?

Агар мисра айнан мана шу тартибда ўқилса, *фаувлун фаувлун фаувлун фаувлун* рукнларидан ташкил топадиган мутақориб, *Дардима чора қилсанг,на бўлғай келиб* шаклида ўқилса, *фоилун фоилун фоилун фоилун* рукнларидан иборат бўлган мутадорик баҳрига тегишли бўлган вазн ҳосил бўлади.

МУРТАЪИШ, Абдуллоҳ бин Муҳаммад (10-аср) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Муҳаммад. Нишопурнинг Ҳийра мавзесида туғилган. Бағдодда яшаган. *Абу Ҳафс Ҳаддод*нинг шогирди. Жунайд Бағдодий, Абубакр Шиблий, Жаъфар Хулдий, Абу Абдуллоҳ Ҳазрамий, Абулаббос Бардаъий, Абу Абдуллоҳ Каттоний, Абубакр Фарроъ, Абулҳусайн Сирвоний Сағир, Абусаҳл Суълукий, Иброҳим Қассор суҳбатидан баҳраманд бўлган. Кўп сафар қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

МУРСИЙ, АБУЛАББОС – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Абулҳасан Мағрибий Шозилий*нинг муриди. Мағриб (ҳоз. Тунис)нинг амири Султон Яъқуб унинг ҳузурида тавба қилиб, улуғ даражаларга етишган. Шайх Нажмиддин Абдуллоҳ Исфаҳонийнинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

МУФИД, Абубакр Муҳаммад бин Аҳмад бин Иброҳим (975) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тас. шайхи. Жунайд Бағдодий, Юсуф бин Ҳусайн Розий, Шайх Аму, Абу Усмон Ҳирий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Тас. ҳақида китоб ёзган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"МУФРАДОТ" – Алишер Навоийнинг муаммо илмига оид форс тилида ёзган асари. Манбаларда "Рисолаи муфрадот" ("Макорим ул-ахлоқ"), "Муфрадот дар фанни муаммо" ("Қомус ул-аълом", "Туҳфаи Сомий"), айрим қўлёзма нусхаларида "Рисолаи муаммо" тарзида ҳам қайд қилинган. Асарнинг муқаддимасида эса бу ҳақда шундай дейилади: "Ва чун ин муҳаққар дар ин фан ба мушобиҳаи "алиф" ва "бе" буд, мусаммо ба "Муфрадот" намуд" (Мазмуни: Ушбу арзимас асар бу (муаммо) фанда "Алифбе"га ўхшагани сабабли "Муфрадот" деб от қўйилади).

Муфрадот сўзи истилоҳ сифатида қуйидаги маъноларни ифодалаган: 1) мумтоз ўзбек шеъриятида энг кичик жанр ҳисобланмиш фарднинг кўплиги; девон ва куллиётларда фардларга ажратилган қисмнинг номланиши; 2) алифбодаги ҳарфларнинг алоҳида-алоҳида шакллари ҳамда бирдан ўнгача бўлган рақамларнинг умумий номи. Ҳарфларнинг ёлғиз шаклларини ёзишда ҳусни хат бўйича қўлланмалар "Муфрадот", тўла каллиграфик машқлар эса "Мураккабот" дейилади.

Асарда келтирилган мисоллар асосан фард – байтлар шаклида бўлганлиги ҳамда шоир камтарлик б-н муаммо соҳасининг бошланғич маълумотини энди эгаллаганини таъкидлагани, шунингдек, бу китоб муаммо илмини энди ўрганаётган кишилар учун мўлжаллаб ёзилгани сабабли "М." деб номланган.

"М." кириш сўзи, асосий қисм ва хотимадан иборат. Навоий кириш сўзида ўз даврида муаммо илми жуда ривожланиб, турли қоидалар ва мураккаб усуллар кўпайгани сабабли, ўрганилиши қийин соҳага айлангани, ёшлар ичида муаммо илмини ўрганишга қизиқиш кучли бўлгани б-н бу фаннинг қонун ва қоидаларини осон усулда тушунтириб берувчи қўлланма мавжуд эмаслиги, унгача ёзилган рисолаларда муаммо илмидан бутунлай бехабар кишининг имкониятлари ҳисобга олинмаганини қайд қилиб, барчага тушунарли усулда бир қўл-

ланма ёзгани ва бу китоб муаммо илмининг алифбоси вазифасини бажаргани учун "М." деб номлаганини қайд қилади.

Асарнинг асосий қисми муаммога берилган таъриф б-н бошланади. "М."да муаммо амаллари уч қисм – аъмоли тасҳилий (осонлаштириш амаллари), аъмоли таҳсилий (ҳосил қилиш амаллари) ва аъмоли такмилий (мукаммаллаштириш амаллари)га бўлинади. Аъмоли тасҳилийнинг амаллари тўртта – интиқод (саралаш), таҳлил (ҳал қилиш, ажратиш), таркиб (бириктириш) ва табдил (ўзгартириш) услубларига бўлинади. Ўз навбатида ҳар бир усул турли кўринишларга эга. Жумладан, интиқод – саралаш амалининг қуйидаги кўринишларининг қоидалари берилиб, уларга 14 та муаммо мисол тарзида келтирилган: 1) биринчи ҳарфларни саралаш; 2) охирги ҳарфларни саралаш; 3) биринчи ва охирги ҳарфлардан муаммо исмини ҳосил қилиш; 4) ўртадаги ҳарфларни саралаш; 5) юқоридаги усулларнинг синтезидан ҳосил қилиш; 6) бир сўзнинг аввалги ва охирги ҳарфларини саралаш; 7) тартиби б-н саралаш; 8) аввал ва охиридан иккитадан ҳарф саралаш; 9) маълум сўзлар воситасида саралаш; 10) ўртадаги ҳарфларнинг ҳаммасини олиш; 11) бир ҳарфга ишорат қилиш орқали муаммо исмини ҳосил қилиш.

Навоийнинг қайд қилишича, интиқод усулларини амалга ошириш учун махсус кўмакчи сўзлар қўлланилган. Масалан, сўзларнинг биринчи ҳарфларини саралашдан исм ҳосил қилиш усули қўлланилганда "аввал", "нахустин" ("дастлабки"), "рух" ("юз"), "сар" ("бош"), "жайб" ("ёқа"), "тож", "шуъла" каби белги-сўзлардан фойдаланилиши тавсия этилган. Охирги ҳарфларни саралаш усулида эса "охир", "ниҳоят", "по" ("оёқ"), "доман" ("этак") каби сўзлар муаммо ечими йўлида ишора вазифасини бажарган. Масалан:

Чун куни гашти чаман баҳри тараб,
Пои сарву гулу шамшод талаб.

(Маъноси: Шодлик учун чаман сайрига чиқсанг, сарв, гул ва шамшод остини изла). Ушбу байтда "сарв", "гул" ва "шамшод" сўзларининг "ости", яъни охирги ҳарфлари – "вов" ("в"), "лом" ("л") ва "дол" ("д") ҳарфларининг бирикмасидан "Валад" исми ҳосил бўлади.

Таҳлил (қисмларга ажратиш) қоидасига кўра, бирор сўз шеърий маъноси яккаликни ифода этса-да, муаммолик жиҳатини фаҳмлаш учун кўплик маъносида қабул қилиб, уни бўлакларга бўлиб, ибора шаклида ўқилади ва ном ҳосил қилинади. Бу қоидага Навоий "Шамс", "Мазид" ва "Тақий" исми ҳосил бўладиган муаммоларни мисол келтирган.

Таркиб қоидасида маълум сўзнинг шеърий маъноси мураккаб бўлса, унинг муаммолик жиҳатини фаҳмлаш учун яккалатиб олинади. Бунда ишорага кўра, ўша лафзнинг ўзи эмас, балки билдирадиган маъносига эътибор қаратилади. Таркиб қоидасини тушунтиришда Навоий "Қаро" ва "Зиё" исми ҳосил бўлган муаммоларни мисол келтирган.

Табдил қоидасида ишорага асосан бирор сўзнинг маълум қисми бошқа сўз ё иборага алмаштирилади. Шунингдек, ҳосил бўлган сўзнинг икки бўлагини бошқа сўз ё иборага алмашиш усули ҳам табдил қоидасига оиддир. Бунга "Жомий" исми ҳосил бўлган муаммо мисол келтирилган.

Аъмоли таҳсилий (ҳосил қилиш амаллари) эса тансис ва тахсис (очиқ қилиш ва хослаштириш), тасмия (номлаш), талмеҳ (назар ташлаш), тародиф ва иштирок (мосини ва ўхшашини олиш), киноят (яшириш), тасҳиф (ёзувда хато қилиш), истиора, ташбиҳ ва ҳисоб қоидаларига бўлинган.

Тансис ва тахсис бирор исмни аниқ зикр этиб, бирор сабаб орқали исм ҳосил қилиш усули ҳисобланади. Масалан, "Лоло" исми "салом" ва "калом" ичида яширинганлиги қуйидагича ифода этилган:

Дар салому дар каломи ёри ман,
Нест илло номи гулрухсори ман.

(Мазмуни: Дўстимнинг салом ва каломида гулюзли ёримнинг исмидан бўлак ҳеч нарса йўқ). "Салом" ва "калом" сўзларида такрор келган "ло" бўлагини ёнма-ён қўйиб, ўқисак, "Лоло" исми ҳосил бўлади.

Тасмия қоидаси бўйича, араб алифбосидаги ҳарфлар номини бўғин шаклида айтиб, ундан ҳарф шаклини олиш йўли б-н ёки ҳарф шаклини келтириб, унинг номини бўғин шаклида олиш йўли б-н ҳам ном

ҳосил қилинади. Биринчи усул бўйича "Кофий", "Салом" исми ҳосил бўладиган муаммолар, иккинчи усул бўйича "Обид" ва "Шоҳид" исми ҳосил бўладиган муаммолар, иккала усул қатнашганлигига "Муъин" исми ҳосил бўладиган муаммо мисол келтирилган.

Талмеҳ қоидаси шу номдаги бадиий санъатнинг хусусиятларини ҳам қамраб олади – бу қоидада машҳур бўлган бирор воқеа ё мавзуга оид бўлган ҳарф, сўз ё иборага ишора қилинади. Бунда етти сайёра – Қамар, Уторид, Зуҳра, Шамс, Миррих, Муштарий ва Зуҳал (муаммо илмида сайёраларнинг фақат шу номлари эътиборга олинади) номлари айтилса, уларнинг охирги ҳарфлари олинади. Ҳафта кунлари якшанбадан бошлаб, абжад сўзларининг ҳарфлари б-н белгиланган. Ўн икки бурж номи келса, Ҳамал буржидан бошлаб, абжад ҳисоби б-н рақамланган. Шунингдек, бу қоидада Қуръон оятларига ишора қилиш орқали муаммо исми чиқарилган. Талмеҳ қоидаси бўйича Навоий "Сарий", "Комил", "Шараф", "Халил", "Қули" исмлари ҳосил бўладиган муаммоларни мисол келтирган.

Тародиф ва Иштирок қоидасида маълум сўзларнинг омоним ва синоним маъноларига ишора қилинади. Агар муаммонинг ечиш усули сўзнинг синонимик маъноларига асосланган бўлса, тародиф, агар омонимик маъноларига далолат қилса, иштирок қоидаси қўлланилади. Масалан, "Шамс", "қуёш", "меҳр", "офтоб" сўзлари бир маънони далолат қилгани учун тародиф усули қўлланилади. "Айн" сўзи эса "кўз", "қуёш", "булоқ", "олтин" каби турли маъноларни ифода этгани учун бу сўз қўлланилган муаммода иштирок қоидаси амалда бўлади. Муаммода шундай сўзлар қўлланилганда назм маъносига қараб шаклини ё маънодошини (айрим ҳолатларда иккала ҳолатни бирга) олиб ечилади. Тародифга "Довуд", иштирокка "Пир", тародиф ва иштирок бирга қўлланилганда "Умар" ва "Жамшед" исми ҳосил бўладиган муаммолар мисол келтирилган.

Киноят қоидасида бир сўз айтилиб, ундан бошқа мақсад кўзда тутилади. Шунингдек, бир сўздан бошқа сўз назарда тутилиш ҳам киноят усулларидан ҳисобланган. Киноят усулига 6 та муаммо мисол келтирилган.

Тасҳиф қоидасида мақсад қилинган сўзни ҳосил қилиш учун асосан "сурат", "нақш", "шакл", "намуна", "мисол", "қатра", "дона", "хол", "дурр", "ашк", "гавҳар" каби махсус сўзлар ёрдамида маълум сўздаги нуқталар ўрни ўзгартирилади, олиб ташланади ёки унга нуқталар қўйилади. Тасҳиф ўз навбатида икки турга – тасҳифи вазъий ва тасҳифи жаълийга ажратилади. Тасҳифи вазъийда ҳосил бўлган сўзга ўхшаш сўзни тониш ва қўллаш талаб қилинади. Тасҳифи жаълийда эса керакли сўзни ҳосил қилиш учун нуқталарнинг ўрни ва сони ўзгартирилади. Тасҳифи вазъийда 4 та муаммо, тасҳифи жаълийга ҳам 4 та муаммо мисол келтирилган.

Истиора ва ташбеҳ қоидасида зикр этилган сўздаги бирор ҳарфни ишорага мувофиқ нимага ўхшашини топиш ва исм ҳосил қилишда қўллашдан иборат. Масалан, "зулф" сўзи "дол" ҳарфига, қомат сўзи "алиф" ҳарфига ўхшашлигини ҳисобга олиб, муаммо исми ҳосил қилишда ушбу ҳарфлардан фойдаланилади. Истиора ва ташбеҳга ҳар бирига биттадан муаммо мисол келтирилган.

Ҳисоб қоидаси ўз навбатида беш услубга бўлинади. Услуби исмийга мувофиқ, бирор сон кўрсатилиб, унинг номи олинади. Бирор сон номи айтилиб, унинг шакли олинади. Яна турли ҳарф, сўзларнинг абжад ҳисобидаги сон қийматига ёки халқ орасида маълум ва машҳур бўлган сонларга ишора қилиниши мумкин. Бу амаллар услуби исмий, услуби ҳарфий, услуби ақсоий, услуби инҳисорий ва услуби рақамийга бўлиниши қоида ва 12 та мисол асосида изоҳлаб берилган.

Аъмоли такмилий (мукаммаллаштириш амаллари) таълиф, иқсот ва қалб қоидалари орқали амалга оширилади.

Таълиф (улаш) қоидасида назмда ишора қилинган сўз ёки бўғинлар бир-бирига аралаштирмай, ёки аралаштириб қўшилади. Агар сўз ва бўғинлар бир-бирига сингдирилмай қўшилса, таълифи иттисолий, сингдириб юборилса, таълифи имтизожий деб аталади. Таълифи иттисолийга "Ҳомид", "Темур", "Жобир", "Фариб" исмлари ҳосил бўладиган муаммолар, таълифи

имтизожийга эса "Дониёл", "Камол", "Содир", "Жалол" исмлари ҳосил бўладиган муаммолар мисол келтирилган.

Иск от (ташлаб юбориш) қоидасида шеърда ишора қиладиган маълум сўздан бир ёки бир неча ҳарф алоҳида тайинлаб ёки тайинламай олиб ташланади. Бунда олиб ташлашга далолат қилувчи турли сўзлар б-н ишора қилинади. Иск от ҳам икки турга – иск оти мислий ва иск оти айнийга бўлинади. Иск оти мислийда олиб ташланадиган ҳарфлар қайси сўзда эканлиги белгиланади. Иск оти айнийда олиб ташланадиган ҳарфлар қайси сўзда эканлиги аниқ белгиланмайди. Муаммода иск отнинг бу икки услубини биргаликда қўллаш ҳолатлари ҳам мавжуд. Иск от қоидаси қўлланилган байтларда "кашидан" (тортмоқ), "пўшидан" (ёпмоқ), "афшондан" (сочмоқ), "рондан" (ҳайдамоқ), "раҳондан" (қутқармоқ) каби феъллардан фойдаланилади. "Холи" ва "тиҳий" (бўш) сўзлари қўлланилган байтларда эса сўздан фақат ўрта ҳарфлари олиб ташланади. Иск от қоидасига жами 28 та муаммо мисол келтирилган.

Қалб (тескари ўқиш) амалида ҳарфлар ёки сўзларнинг ўрни алмашинишига ишора қилинади. Шунда агар ҳарфлар тартиби буткул ўзгаришга учраса (сўз тескари ўқилса), қалби кулл дейилади. Агар тескари ўқишда баъзи ҳарфлар ўз ўрнини сақласа, қалби баъз деб аталади. Икки сўзнинг тартиби ўзгариб, бир-бирига боғланган ҳолат ҳам қалби кулл ҳисобланган. Агар бир сўздан муайян ҳарфни олиб, иккинчи белгиланган сўзни тескари ёзиб, қўшиш орқали муаммо ечилса, бу усулни қалби вазъий деб билишган. Агар бир сўз ичида муайян ҳарф ё бўғинлар ўрин алмашса, буни қалби жаълий деб ҳисоблашган.

Хотимада Жомий васфига бағишланган бир қитъа илова қилиниб, Навоий устозидан ушбу рисолани таҳрир ва тузатишлардан кейин "худовандзода" – Зиёуддин Юсуфга ўқиш учун бериш истагини билдирган.

"М." асари шу мавзудаги бошқа илмий рисолалардан бир неча хусусияти б-н фарқ қилади. Асар муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, тушунарли қоида ва шу қоидага керакли мисоллардан таркиб тонган. Рисолада оддийликдан мураккаблик томонга бориш принципига изчил риоя қилинган. Дастлаб муаммо илмига таъриф берилиб, сўнг тушунилиши осон бўлган қоидалар ва мисоллар келтирилган. Шунингдек, Навоий бу асарни қўлланма сифатида ёзгани боис илмий мунозараларга киришмасдан, асосий эътиборни умумэътироф этилган қоида ва қонуниятларни ёритишга қаратган. "М."да келтирилган мисоллар барчаси фардда ёзилган бўлиб, бошқа рисолалардан фарқли ўлароқ, "Қаро", "Темур", "Бек" каби ўзбекча исмлар асосида ҳам муаммолар ёзилган. Шунингдек, бошқа рисолаларда учрайдиган ва татбиқ қилиниши нисбатан мушкул бўлган қоида ва амаллар (масалан, таҳрик ва таскин, изҳор ва асрор, маъруф ва мажҳул, таъриб ва таъжим каби қоидалар)ни келтирмасдан, имкони борича бу фанни жимжимадорлик ва мураккабликдан холи ҳолатда кўришни истаган.

"М." асарида ёритилган қоида ва амаллар девонлардаги бошқа туркий ва форсий муаммоларни ечишда ҳам амалий қўлланма вазифасини бажаради.

Мазкур асарнинг танқидий матнини Лутфулла Зоҳидов 1970 йилда ҳимоя қилинган "Алишер Навоийнинг "Рисолаи муфрадот" асари ва унинг муаммолари" номли номзодлик диссертацияси таркибида келтирган. Ушбу танқидий матнни тузишда олим қуйидаги икки қўлёзмага суянган:

1. Санкт-Петербург шаҳри нусхаси (Россия Миллий кутубхонаси, инвентарь рақами – Dorn 558) Навоий асарлари мажмуаси таркибида бўлиб, қўлёзмани 1001–1004/1593–96 й.да Назарали Фоизий кўчирган. "Рисола муаммо" асари мазкур қўлёзманинг 710б–713б варақларида жойлашган, 7 варақдан иборат. Ундаги матн таянч манба сифатида олинган.

2. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами – 5564). Юқоридаги таянч матнга қиёслаш учун фойдаланилган.

Ас.: *Алишер Навоий.* Муфрадот. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000, 20-ж; *Алишер Навоий.* Муфрадот. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 10-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж., *Зоҳидов Л.* Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. Т., 1986.

Дисс.: Зоҳидов Л. Алишер Навоийнинг "Рисолаи Муфрадот" асари ва унинг муаммолари: ф.ф.н., Т., 1970.

МУХАММАС (ар.) – бешлик. *Мусаммат* турларидан бири, ҳар банди 5 мисрадан иборат шеър шакли, *а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а...* тарзида қофияланади.

Ўзбек мумтоз ад-тшунослигида М. ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балога" асари (1436/37)да келтирилган. Муаллиф М.ни мусамматнинг бешта туридан бири сифатида санаб ўтади ва унга қуйидагича таъриф беради: "Мусаммати мухаммас беш мисраъ бўлур. Тўрт мисраънинг охиринда сабъ қилиб, бешинчи мисраъда асл қофияға ружуъ қилурлар".

М. яратилиш хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1) *табъи худ* – мустақил М.;

2) *тахмис* – ғазални бешлантириш асосида яратиладиган М.

Табъи худ М.да барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустакил равишда бешлик яратади. Тахмисда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам ҳолларда) ўз ғазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади. Мақтаъ бандда тахмис боглаётган шоирнинг тахаллуси ҳам келтирилади.

Ўзга шоир ғазалига тахмис боглаш шу шоир б-н ижодий ҳамкорлик ва муайян маънода адабий мусобақага киришишдир. Шунинг учун ҳам ижодкорлар одатда ўз тахмисларини маълум поэтик маҳоратга эга бўлганларидан кейин ярата бошлаганлар. Яна шуни унутмаслик керакки, бунда ғазал муаллифи б-н унга тахмис боглаётган муаллиф ўртасида муштарак дунёқараш, эстетик идеал ҳамоҳанглиги ва ғоявий яқинлик бўлиши зарур. Тахмис муаллифи ғазалда келтирилган фикрларни мантиқан ривожлантириб, уни ўз ижодий ғоялари б-н шундай тўлдириши ва бойитиши керак. Ўшанда вужудга келган шеър унга асос бўлган ғазал б-н уйғунлашиб, бир муаллиф томонидан яратилгандек тасаввур уйғотади.

Муайян ғазалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин.

Туркий ад-тда табъи худ М.нинг илк намуналари Ҳофиз Хоразмий ва Юсуф Амирий ижодида учрайди.

Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний"га киритилган 10 та М.идан барчаси тахмис шаклида бўлиб, улардан 3 таси "малик ул-калом" Лутфийга, қолган 7 таси эса ўзининг машҳур ғазалларига битилган. Алишер Навоий ёшлик ва йигитлик чоғларида туркий шоирлардан Лутфий ижодига алоҳида эҳтиром б-н қараб, унинг ғазалларига М. боглаган бўлса, кейинчалик (уттиз ёшдан кейин) ёзган тахмисларига ўз ғазалларини асос қилиб олган.

Мазкур ҳолатни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Лутфийга тахмиснинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Ўз ғазалларига тахмис	
	Мухаммаснинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Мухаммасга асос бўлган ғазалнинг 1-мисраси ва у киритилган девон
Ҳалқайи зулфунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами ("Гаройиб ус-сиғар", 1-мухаммас)	Оҳким, волиҳ мен ул сарви хиромондин жудо ("Наводир уш-шабоб", 2-мухаммас)	Не наво соз айлағай булбул гулистонидин жудо ("Гаройиб ус-сиғар", 38-ғазал)
Маснади ҳусн узра токим курмишам ул шоҳни ("Наводир уш-шабоб", 1-мухаммас)	Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки ("Наводир уш-шабоб", 3-мухаммас)	Очмағай эрдинг жамоли олам оро кошки ("Наводир уш-шабоб", 625-ғазал)
Шарбати юҳйил изом эрни майи нобиндадур ("Бадоеъ ул-васат", 1-мухаммас)	Неча, эй ой, мендин айру айлағай даврон сени ("Бадоеъ ул-васат", 2-мухаммас)	Келгил, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени ("Фавойид ул-кибар", 618-ғазал)

	Оҳким, тарки муҳаббат қилди жовон окибат **(“Ғаройиб ус-сиғар”, 2-мухаммас)**	Ёшурун дардимни зоҳир қилди афғон окибат **(“Наводир уш-шабоб”, 72-ғазал)**
	Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни бехамто йигит **(“Фавойид ул-кибар”, 1-мухаммас)**	Кунглум олди бир парийпайкар малаксиймо йигит **(“Ғаройиб ус-сиғар”, 80-ғазал)**
	Ишқ ўтидин жисми зори нотавоним ўртадинг **(“Ғаройиб ус-сиғар”, 3-мухаммас)**	Ваҳки, ўтлуқ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг **(“Наводир уш-шабоб”, 354-ғазал)**
	Кургузуб юз, кунглума юз минг жафому қилмадинг **(“Фавойид ул-кибар”, 2-мухаммас)**	Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг **(“Бадоеъ ул-васат”, 356-ғазал)**

Ўзга шоир ғазалига тахмис боғланганда М.нинг сўнгги бандида ғазал муаллифи ва уни бешлантираётган шоир тахаллуси келтирилади. Масалан, Алишер Навоийнинг Лутфий ғазали асосида ёзилган М.ининг охирги банди қуйидагича:

Эйки, йўқтур ҳусн иқлимида
сендек подшо,
Ошиқингнинг неча тутқайсен
мунунгдек бенаво,
Нечаким бўлди эшикингда
***Навоий**дек гадо,*
*Қавма **Лутфий**ни эшиктин,*
бер закоти ҳусн анго,
Қайда этсун сен ғани боринда
шайлиллоҳни.

МУХТАЛИФА (ар. – турли хил, ихтилофли – *тавил*, *мадид* ва *басит* баҳрларини ўз ичига оладиган аруз доирасининг номи. Алишер Навоий “Мезон ул- авзон”да форс-тожик салафлари изидан бориб, М.номи остида *мунсарих*, *музореъ*, *муқтазаб* ва *мужтасс* баҳрларидан таркиб топган доирани назарда тутади. Бунда асосий эътибор баҳрларнинг икки хил рукндан таркиб топишига қаратилади. Хусусан, *мунсарих* баҳри мустафъилун *(– –V–)* ва мафъулоту *(– – –V)*, *музореъ* мафоийлун *(V – – –)* ва фоилотун *(–V– –)*, *муқтазаб* баҳри мафъулоту *(– –V)* ва мустафъилун *(– –V –)* ҳамда *мужтасс* баҳри мустафъилун *(– –V –)* ва фоилотун *(–V– –)* рукнлари такрорига асосланади. Ўзбек шеъриятида ушбу баҳрларнинг асосан тармоқ рукнли вазнларидан фойдаланилади. Навоий “Мезон ул авзон”да бу доира учун мисол тариқасида қуйидаги мисрани келтиради:

Ишқ этар тан фигор, шавқ қилур жон заиф.

Мисра шу тарзда ўқилса *муфтаилун* ва *фоилоту* тармоқ рукнларининг ўзаро алмашинувидан ҳосил бўлувчи мунсариҳ баҳри, *“Этар тан фигор шавқ, қилур жон заиф ишқ”* тарзида ўқилса, *мафоийлу фоилоту мафоийлу фоилон* рукнларидан ҳосил бўлувчи музореъ баҳри, *“Тан фигор шавқ, қилур жон заиф ишқ этар”* тарзида ўқилса, рукнлари *фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун*дан иборат муқтазаб баҳри ва *“Фигор шавқ, қилур жон заиф ишқ этар тан”* тарзида ўқилса, рукнлари *мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун* кўринишидаги мужтасс баҳри келиб чиқади.

МУХТАЛИТА (ар. – омухта, қоришиқ) – Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да келтирган доира номи. Комил ва вофир баҳрларини ўз ичига олади. Баҳрларнинг асл рукнлари таркибан бир-бирига яқин ҳижолар (комил- мутафоилун *V V – V –* ва вофир-мафоилатун *V – V V –*)дан иборат бўлганлиги учун шундай аталган. Навоий “Мезон ул-авзон”да бу доира учун мисол тариқасида қуйидаги мисрани келтиради:

Боқишинг бало, боришинг алам, туришинг жафо, қилишинг ситам.

Мисра шу тарзда ўқилса, *мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун* рукнларига эга бўлган комил баҳри, *“Бало боришинг, алам турушинг, жафо қилишинг, ситам боқишинг”* шаклида ўқилса, рукнлари *мафоилатун мафоилатун мафоилатун мафоилатун мафоилун фаилотун* кўринишидаги вофир баҳри келиб чиқади.

МУХТАРАЪ – "Девони Фоний"даги туркум ғазалларнинг умумий номланиши. Навоий – Фоний салафларига издошлик қилмасдан мустақил тарзда ёзган 95 ғазалини М. ёки "Ихтиро" сарлавҳаси остида жамлайди. М.ғазалларда Фонийнинг новаторлиги, бадиий маҳорати, ғазалнависликда ўзига хос услуби яққол намоён бўлади. М. ғазалларнинг тузилиши ва мазмун-мундарижасини асосан қуйидагича таснифлаш мумкин:

– янги образлар тизими қўлланилган ғазаллар;

– нисбатан кам қўлланиладиган аруз вазнларида ёзилган ғазаллар;

– нисбатан кам ишлатиладиган қофиялар туркумидан фойдаланилган ғазаллар;

– янги радиф билан ёзилган ғазаллар;

– воқеабанд ғазаллар.

М. ғазалиётига хос яхлитлик, мантиқий изчилликни таъминлаган асосий омил – ҳар бир ғазалга конкрет бир фикр, тимсол ё деталнинг асос қилиб олиниши ва тасвирий имкониятларнинг барчаси тасвир объектининг тўлиқ ва изчил ифодаси учун сафарбар этилишидан иборат. М. ғазалларида кўзга ташланадиган янгиликлардан яна бири – халқ тилида мавжуд, аммо ўша давр ёзма адабиётида қўлланилмаган сўзлардан дадиллик билан фойдаланиш воситасида шеъриятни лексик жиҳатдан бойитиш билан ҳам изоҳланади. Жумладан, "шароб" радифли ғазалнинг қуйидаги байтларида мумтоз форс шеъриятига "бегона" иккита сўздан фойдаланилган:

Балохўрони хароботи ишқро дар дил,
Чи фитнаҳо, ки дарояд ба рўзгори шароб
Сабукашони майи ишқро чу ўштури маст
Ба роҳи дайр кафандоз бин зи бори шароб
("Девони Фоний", 73-ғазал).

(Мазмуни:

Ишқ хароботидаги *озиғи бало булганларнинг* кўнглида

Шароб давронида не фитналар кирар.

Ишқ майининг тарқатувчиларини маст туялар каби

Шароб учун дайр йўлида *оғзидан кўпик сачраётганига* қара).

Юқорида белгиланган иккала сўз "Фарҳанги забони тожики"да мавжуд эмас. Қолаверса, бу сўзлар Фонийнинг ғазалнависликдаги устозлари – Ҳофиз, Саъдий, Амир Хусрав ва Жомийнинг асарларида ҳам учрамайди. Навоий – Фоний туркий асарларида муваффақиятли қўллаган тажрибаларини форсий ғазалларига ҳам татбиқ этиб яхши натижаларга эришган.

Фоний форс мумтоз адабиётига хос теранликка қўламлилик хоссасини ҳам қўшишга ҳаракат қилди. Фонийгача бўлган ғазалларда (бу ҳолат, айниқса, Ҳофиз Шерозий ғазалларида юксак даражага кўтарилган) маъно дақиқлиги ва теран тафаккур қилиш орқали эстетик завқ олиш мумкинлиги шоирлик маҳоратининг етук намунаси саналган. Фоний эса тахайюл уфқларини кенгайтириб, ҳар бир ғазални яхлит руҳий манзара ва ягона кайфиятни ифодаловчи сўзлар ва маънолар тизмасига айлантиришга эришган. М. ғазалларидаги ҳар бир ибора, ҳар бир сатр, ҳар бир байт маънолар силсиласини ҳосил қилиб, муайян ҳолат ва кайфиятни тўлиқ тасвирлашга хизмат қиладиган детал вазифасини ўтайдиган бўлди. Фонийнинг ғазалнависликда ўтказган бундай тажрибалари кейинчалик форс-тожик адабиётида янги услуб – "сабки ҳиндий"нинг пайдо бўлишига замин яратди.

МУШОКИЛ (ар. – ўхшаш, шаклдош) – фақат форсий шеъриятда қўлланилган аруз баҳрларидан бирининг номи. Аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшунослари томонидан кашф қилинган. *Қариб* баҳри сингари *мафоийлун* ва *фоилотун* рукнларидан таркиб топганлиги учун шундай шундай аталган. Фақат *Қариб* баҳридан фарқ қилиб, М.да *фоилотун* рукни *мафоийлундан* аввал келади. М. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *фоилотун* (*–V – –*), *мафоийлун* (*V – – –*), *мафоийлун* (*V – – –*) бўлиб, форс тожик шеъриятида М.нинг кўпроқ *мусаддас* рукнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ижодида қўлланилмаган. "Мезон ул-авзон"да рисоланинг баҳрлар қисмида М.нинг тўрт вазни, "Доираи мужтамиа"нинг изоҳланиш қисмида эса яна бир вазни (жами 5 вазн) келтириб ўтилган:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Мушокили мусаддаси макфуфи мақсур	фоилоту мафоийлу мафоийл, – V –V / V – – V / V – –	Ишқинг ичра манга асру ситамдур, Кунглум утига чарх узра аламдур.
2	Мушокили мусаммани макфуфи мақсур	фоилоту мафоийлу фоилоту мафоийл, – V –V / V – – V / – V –V /V – –	Қайда борди нигоримки, гум ўлди қарорим, Ўлди жисми заифим, куйди жони низорим
3	Мушокили мураббаъи макфуфи мақсур	фоилоту мафоийл, – V –V / V – –	Эй нигори парийрўй, Гулъузори суманбуй.
4	Мушокили мураббаъи макфуфи маҳзуф	фоилоту фаулун, – V –V / V – –	Қайда эрди ҳабибим, Гусса булди насибим
5	Мушокили мусаддаси солим	фоилотун мафоийлун мафоийлун, –V – – / V – – – / V – – –	Неча сенсиз фироқингда фиғон айлай, Нола бирла улус бағрини қон айлай.

МУШТАБИҲА (ар. – ўхшаш, монанд) – Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да келтирган доира номи. Тавил, мадид ва басит баҳрларини ўз ичига олади. Рукнлар таркибидаги қисқа-чўзиқ ҳижолар ўзаро тенг ва ўхшаш бўлганлиги учун шундай деб аталган. Навоий "Мезон ул-авзон"да бу доира учун мисол тариқасида қуйидаги мисрани келтиради:

Манго бир нафас сенсиз қарору таҳаммул йўқ.

Мисра шу тарзда ўқилса, *фаулун мафоийлун фаулун мафоийлун* рукнларидан ташкил топган тавил баҳри, *"Бир нафас сенсиз қарору таҳаммул йўқ манго"* шаклида ўқилса, рукнлари *фоилотун фоилун фоилотун фоилун* кўринишидаги мадид баҳри, "Сенсиз қарору таҳаммул йўқ манго бир нафас" тарзида ўқилса, рукнлари *мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун* кўринишида бўлган басит баҳри келиб чиқади.

МУШТАРИЙ – 1) сотиб олувчи, харидор:

Навоий кўнглини кўп меҳр ила
олди ул ой андоқ
Ки, олғай муштарий қаллошлар
молин музод айлаб.
("Наводир уш-шабоб", 59-ғазал)

2) сайёранинг номи, Юпитер планетаси. Форс тилида Биржис деб ҳам юритилади. Ўрта асрлар нужум илмига кўра, М. олтинчи фалакда жойлашган бўлиб, "Саъди акбар" ("Катта бахт") ва "Батий ус-сайр" ("Секин ҳаракат қилувчи") деб ҳам аталади. М. сайёраси олимлар, ижодкорлар, қози ва вазирларнинг ҳомийси бўлиб, ушбу сайёра Қавс ва Ҳут буржларида макон тутганида туғилган кишилар тақволи, солиҳ ва хокисор, вафоли ва содиқ кишилар бўлиб етишади, деган тасаввур ва қарашлар мавжуд.

Меърожномаларда олтинчи фалакдаги сешанба кунининг ҳомийси, само қозиси, минбар эгаси ва фақиҳлар раҳнамоси сифатида тасвирланган.

Чу олтинчиға еткуруб раҳбари,
Ўқуб хутбаи давлатин Муштарий.
("Садди Искандарий", 4-боб)

"Сабъаи сайёр" достонида олтинчи иқлим ва пайшанба кунининг ҳомийси сифатида талқин этилган. Ўша куни Баҳром сандалий қасрда Бахтан ҳурвашининг меҳмони бўлиб, олтинчи иқлимдан келган сайёҳдан "Муқбил ва Мудбир" ҳақидаги ҳикоятни тинглайди. Ҳикоятда тақводорлик ва ростгўйлик ғоялари улугланади.

Муштарий туши минбаридин тез,
Юзни гардидин этти нуромиз.
("Сабъаи сайёр")

МУЪАММИЛ ЖАССОС – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шерозда яшаган. Ироқ ва Арабистонга сафар қилган. Жаъфар Ҳаззо, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Абулҳусайн Музаййин, Али бин Шуллуя б-н ҳамсуҳбат бўлган. Гарчи ёзув-чизувдан бехабар бўлса-да, тавҳид ва ирфон илмининг йирик билимдони саналган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУЪОЗАИ АДАВИЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Робиа Адавиянинг қариндоши. Уфайраи

Обида б-н ҳамсуҳбат бўлган. Қирқ йил рўза тутиб, кечалари ибодат қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУЪТАЛИФА (ар. – қўшилган, дўстлашган) – Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да келтирган доира номи. Ҳазаж, рамал ва ражаз баҳрларини ўз ичига олади. Ушбу баҳрларда рукнлар таркиби сон ва сифат жиҳатдан бир-бирига мос ҳижолардан таркиб топгани учун шундай деб аталган. Навоий "Мезон ул авзон"да бу доира учун мисол тариқасида қуйидаги мисрани келтиради:

Кўнгул қон, бил висолингда
ғами ҳижрон хаёлидин.

Мазкур мисра шу тарзда ўқилса, *мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун* рукнларига эга бўлган ҳазаж баҳри, "*Қон бил висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул*" шаклида ўқилса, *мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун* рукнларидан иборат бўлган ражаз баҳри, "*Бил, висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул қон*" кўринишида ўқилса, *фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун* рукнларидан иборат рамал баҳри ҳосил бўлади.

МУҚАЙЯД ҚОФИЯ I (ар. – боғланган, кишанланган) – Қофиянинг тузилишига кўра фарқланувчи турларидан бири. *Равий* ҳарфи б-н тугалланади. Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" (1218–1233) асарида М.қ. равий ҳарфининг икки навъидан бири сифатида, Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" (1253) асарида қофиянинг ҳолатига кўра фарқланувчи турларидан бири сифатида келтирилган.

М.қ.да ўзак равий ҳарфи б-н якунланганлиги, яъни ўзакда равийдан кейин ҳеч қандай ҳарф қўлланилмаганлиги учун замонавий шеършуносликда М.ни "ўзак қофия" деб аташ анъанаси ҳам мавжуд (У. Туйчиев).

Алишер Навоий ижодида, хусусан, "Хамса"таркибидаги достонларда М.қ. кенг қўлланилган. Мас.:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.
("Ҳайрат ул-аброр", 6-мақолат)

– байтида "насаб" ва "адаб" сўзлари қофия бўлиб, равий "б" ҳарфидир. Қофия равий ҳарфи б-н тугалланаётганлиги учун ушбу қофия тури М.қ. ҳисобланади.

МУҚАЙЯД (ҚАЙДЛИ) ҚОФИЯ II (ар. – боғланган, кишанланган) – қофиянинг ўзак таркибига кўра фарқланувчи турларидан бири. Қайдли қофия деб ҳам аталади. Бундай қофия турида ўзак таркибида қисқа унлидан сўнг қатор ундош келади. Бунда қисқа унли *ҳазв*, равийдан олдин турган ундош *қайд* деб аталади. М.қ. форсий ва туркий шеъриятда у қадар кенг қўлланилмаган. Мумтоз қофияга доир манбаларда М.қ. ҳақида маълумотлар келтирилмайди.

М.қ. равий ҳарфидан кейин ҳарфларнинг қўлланилиш ва қўлланилмаслигига кўра *муқайяд (I)* ва *мутлақ* кўринишларига эга бўлади. Алишер Навоий ижодида М.қ.нинг қуйидаги турлари қўлланилган:

I. Қайдли муқайяд қофия – қисқа унлидан кейин келган қатор ундош б-н якунланади. Мас.:

Эй кўнгул, ёр ўзгалар
домиға бўлди пойбаст,
Сенга мушкил ҳолату бизга
қатиқ иш берди даст,
("Ғаройиб ус-сиғар", 76-ғазал)

байтида "пойбаст" ва "даст" сўзлари қофия, "т" ҳарфи – равий, "с" – қайд, қисқа "а" унлиси ҳазв ҳисобланади.

II. Қайдли мутлақ қофия. Унинг бир неча тури бўлиб, равий ҳарфидан кейин келувчи ҳарфлар – васл, хуруж, мазид ва ноира б-н боғлиқ ҳолда вужудга келади (ушбу ҳарфлар орасида келувчи қисқа унлилар: мажро ва нафоз номланишда эътиборга олинмайди).

1. Қайд ва васлли мутлақ қофия – қатор ундошдан сўнг васлнинг келиши орқали ҳосил бўлади. Мас.:

Юборди ёр базмидин манга бир
пистаи қанди,
Олиб ўптумки, бор эрди
лабию оғзи монанди.
("Фавойид ул-кибар", 589-ғазал)

Бунда "қанди", "монанди" сўзлари қофия, "д" – равий, "н" ҳарфи – қайд, равийдан кейин турган "и" унлиси васл ҳисобланади.

2. Қайд ва нойирали мутлақ қофия – қатор ундошдан кейин васл, хуруж, мазид ва

нойира ҳарфларининг келиши орқали ҳосил бўлади. Мас.:

Дедимки, кўзга чекай гарди
раҳнавардингни,
Фиғонки, топмади кўз тутиёға
гардингни –

("Ғаройиб ус-сиғар", 615-ғазал)

байтида "раҳнавардингни" ва "гардингни" сўзлари қофия, "д" – равий, ундан олдин турган "р" ҳарфи – қайд, равийдан кейин турган қисқа "и" унлиси – мажро, мажродан кейинги "н" ундоши – васл, "г" – хуруж, кейинги "н" – мажро, қофия охиридаги "и" унлиси нойира ҳисобланади.

МУҚБИЛ – 1) бахтли, иқболли, хушбахт.

Қуллуғунг доғидин ўлсам,
истамон озодлиқ
Ким, бу тамғадур нишони
мудбиру муқбил аро.

("Бадоеъ ул-васат", 19-ғазал)

2) "Сабъаи сайёр" ва "Лисон ут-тайр" достонларидаги "Муқбил ва Мудбир" ҳикояларининг персонажи.

"Сабъаи сайёр" достонидаги сандалий қасрда олтинчи иқлимдан келган сайёҳ томонидан Баҳромга сўзлаб берилган ҳикояда Муқбил тақводор, сабрли ва тўғрисўз киши этиб тасвирланади ва бу хислатлари сабабли подшонинг эътиборига сазовор бўлиб, унга куёв ва меросхўр бўлади.

Низомийнинг "Ҳафт пайкар" достонидан олинган "Хайр ва Шарр" (яхши ва ёмон) б-н боғлиқ ҳикоядаги Хайр образи Муқбилга яқин туради.

Муқбил озодаи ҳумоюн фол,
Элга мақбул этиб ани иқбол.

("Сабъаи сайёр", 25-боб)

"Лисон ут-тайр" достонининг 53-бобида, яъни Ҳудҳуднинг Тазарвга жавобига исбот тариқасида берилган ҳикоятда М. характери ва тарбиясидаги тўғрилик, тақводорлик туфайли шоҳнинг мулозаматига эришади.

Муқбил айтур эрди аҳлиллоҳдин,
Динда хайли комилу огоҳдин.

("Лисон ут-тайр", 53-боб)

"Маҳбуб ул-қулуб" асарининг иккинчи қисмидаги "Тавозуъ ва адаб зикрида" деб номланган бобида бу икки қаҳрамон номи тилга олинади. Ушбу бобда М.нинг одоб ва тавозу (камтарлик) б-н шоҳ карамига эришганлиги тасвирланади.

МУҚРИЙ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Аҳмад бин Муҳаммад (ваф. 970) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Юсуф бин Ҳусайн Розий, Абдуллоҳ Харроз, Музаффар Кирмоншоҳий, Рувайм, Журайрий, Ибн Ато суҳбатидан баҳраманд бўлган. М. ёшлигидаёқ отасидан етим қолади, мерос қолган эллик минг дирамнинг барчасини дарвешларга садақа қилиб, ёлғиз ва йўл озиғисиз, тажрид ва таваккул б-н ҳаж фарзини адо этади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаёти ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУҚРИЙ, Абулқосим Жаъфар бин Аҳмад бин Муҳаммад (ваф. 989) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Абдуллоҳ Муқрийнинг укаси. Ибн Ато, Журайрий, Абубакр бин Аби Саъдон, Мумшод Динаварий, Абу Али Рудборий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

МУҚРИЙ, Маҳмуд (1375–1479) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Асли Хоразмдан бўлиб, етмиш йил муаззинлик қилган. Мавлоно Муҳйининг мурид. Ҳиротда Саъдиддин Кошғарий хилхонасида дафн этилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МУҚТАЗАБ (ар. – қирқиб олинган) – туркий шеъриятда қўлланилмаган аруз баҳрларидан бири. Асосан араб ад-тида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. *Мунсариҳ* баҳридан ажратиб олинганлиги учун шундай аталган. М. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас.

Унинг асосини *мафъулоту (– – – V)* ҳамда *мустафъилун (– – V –)* аслий рукнларининг кетма-кет такрорланиши ташкил этади. Унинг солим рукнлари бир мисрада *мафъулоту (– – – V), мустафъилун (– – V –), мафъулоту (– – – V), мустафъилун (– – V –)*дан иборат. Алишер Навоий шеъриятида қўлланилмаган. "Мезон ул-авзон"да М.нинг иккита мусамман ва тўртта мураббаъ рукнли (жами 6 та) вазнлари келтирилган:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисоллар
1	Муқтазаби мусаммани матвий	фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун, – V – V/ – V V – / – V– V / – V V –	Эй нигори маҳвашим, эй ҳарифи журъакашим, Тут кадаҳки, беҳад эрур ишқ тобидин оташим.
2	Муқтазаби мусаммани матвийи мақтуъ	фоилоту мафъувлун фоилоту мафъувлун, – V – V/ – – – / – V– V / – – –	Эй йигит, буён келки, шавқдин харобингмен, Бўйни боғлиг ит ёнглиг бастаи танобингмен.
3	Муқтазаби мураббаъи матвий	фоилоту муфтаилун, – V – V/ – V V –	Фурқатинг ёшим окизур, Ҳасратинг қоним томизур.
4	Муқтазаби мураббаи мақтуъ	фоилоту мафъувлун, – V – V/ – – –	Бода келтур, эй соқий, Қилма айшни боқий.
5	Муқтазаби мураббаъи махбуни матвий	мафоийлу муфтаилун, V– – V/ – V V –	Жамолингда қолди кузум, Ғамингда узолди сўзум.
6	Муқтазаби мураббаъи матвий	*Фоилоту мустафъилун*, – V – V/ – – V –	Ҳасратингда афсурдамен, Фурқатингда озурдамен.

МУҚАННАЪ. АБУ ШУЪАЙБ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мисрда яшаган. Абу Саид Харрознинг замондоши. Ҳаж амалларини етмиш марта адо этган. Байтул муқаддасдаги муаллақ тош олдидан эҳром боғлаб, таваккул б-н Табук биёбонига қадам қўяр экан. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУҒ – Навоий шеъриятидаги бадиий образ. М. аслида Од қавмидаги руҳонийлар табақасининг умумий номи. Зардуштийлик дини Мидия ва Форс минтақасида ёйилганидан кейин ушбу диннинг руҳонийларини М. номи б-н аташган. "Авесто"да руҳонийлар табақаси қадимги "Атравон" номи б-н аталган, аммо Ашконийлар ва Сосонийлар даврида М. ва мубад (мағупат) руҳоний маъносини англатадиган бўлди.

Мумтоз ад-тда М.лар баъзида бутпараст ва бутхонадаги обидлар, кўпинча зардуштийлик дини намояндалари сифатида тасвирланган. "Тарихи Табарий"да шароб ичиш зардуштийлик шартларидан бири эканлиги ҳақида маълумот берилган. "Баён ул-адён"да келтирилишича, М.лар хурсандчилик қилиш ва шароб ичишни ибодатнинг бир тури деб билишган. М. – ирфоний маънода маърифат шаробини улашувчи ва кўнгилга файз бағишловчи пок инсоннинг тимсолидир.

Эй хуш ул риндки, муғ
дайрини қилди маскан,
Етса ҳам муғбачалар ишқида
юз офат анга.
("Бадоеъ ул-васат", 8-ғазал)

МУҒБАЧА – мусулмон бўлмаган гўзал юзли ўспирин йигит; Навоий шеъриятида кенг қўлланилган образлардан бири. Ўрта асрларда ғайридинлар яшайдиган маҳалла майхоналарида ғайридин ўспиринлар барча меҳмонга бирдек хизмат қилгани ушбу тас-ий тимсолнинг пайдо бўлишига замин яратган. Ирфоний маънода М. раббоний жозиба ва руҳий эврилиш, руҳият оламидан қалбга ворид бўлажак файзнинг буткул ғалабаси ва нафснинг *тафриқа*дан қутулишини англатади. Айрим манбаларда М. маъ-ий раҳнамо ва комил муршид маъносида ҳам қўлланилган.

Оғзиға олмас таҳуро шарбатин,
эй муғбача,
Ҳар кишиким бодайи лаъли
лабингдин коми бор.
("Наводир уш-шабоб", 184-ғазал)

МУҒИЛОН / МУҒИЙЛОН – чўлда ўсадиган тиканли ўсимлик. Асосан Ироқ, Сурия ва Арабистон яриморолидаги биёбонларда ўсади. Қад. тасаввурларга кўра, бу ўсимликнинг ости *гул*ларнинг макони бўлгани учун М. номини олган. М. мажозий

маънода Ҳақ йўлидаги тўсиқлар, нафснинг қутқуси ва шайтоний васвасалар маъносида қўлланилади.

Хаёлинг келса кунглумга булур
озурда мужгондин,
Харамға азм қилған уйлаким
хори муғилондин.
("Наводир уш-шабоб", 503-ғазал)

"МУҲАББАТНОМА" – Хожа Абдуллоҳ Ансорийга нисбат берилувчи асар. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Абдураҳмон Жомийдан олган хатига жавоб мактуби ёзганда "М."ни ўз мактубига қўшиб юборгани ҳақида маълумот беради.

МУҲАММАД ибн Абдуллоҳ (с.а.в.) (570/571, Макка – 632, Мадина) – ислом дини пайғамбари, мусулмонлар эътиқодига кўра, Аллоҳнинг охирги пайғамбари ва элчиси. Қурайш қабиласининг Бани Ҳошим уруғидан. У зот орқали одамларга *Қуръон* нозил қилинган. М. (с.а.в.) 23 йил давомида ислом динини мукаммал ҳолатда инсониятга етказиб, шариат қонунларини ҳаётга татбиқ этишга эришганлар. Бу зотнинг кўрсатмалари, амаллари, сўзлари асрлар давомида имон аҳли учун ўрнак ва ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Навоий шеъриятида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) сиймоси фақат янги диннинг асосчиси ёки турли мўъжизаларга эга, ўзининг гўзал ахлоқи б-н намуна бўла олган пайғамбаргина эмас, балки комиллик тимсоли бўлган Ҳазрати Инсон сифатида гавдаланади.

Қуръони каримга мувофиқ, оламдаги барча мавжудотлар Аллоҳ таолонинг "Кун!" (Бўл!) амридан сўнг йўқлик оламидан пайдо бўлганлар. Ҳақиқати муҳаммадия ана шу амрнинг асоси – моҳиятидир:

Муҳаммад кофу нунға қурратулъайн,
Туфайли кавн ўлуб, йўқ-йўқки кавнайн.
("Фарҳод ва Ширин", 4-боб)

М. (с.а.в.)нинг пайғамбарлиги ҳам азалий ҳодиса. Унга ваҳий қирқ ёшидан бошлаб келганига қарамасдан, пайғамбарлик рутбаси ҳали Одам Сафияллоҳ яралишидан анча олдин насиб этган. Ирфон аҳли бу ақидани асослашда Пайғамбаримизга нисбат бериладиган "Кунту набийян ва Одама байнал-мои ват-тийн" (Ҳали Одамни сув ва тупроғи қоришмаганида мен пайғамбар эдим) ёки "Кунту набийян ва Одама байнар-руҳи вал-жасад" (Мен пайғамбар бўлган замонларда Одам руҳ ва жасад ўртасида эди, яъни ҳали яралмаган эди) ҳадисига асосланадилар. Бу ғоя Навоийнинг достонлари ва ғазалларида турли ранг ва оҳангда баён этилган. Мас.:

Зиҳи тақаддумунг
Одамға бас ҳадиси саҳиҳ,
Бу нукта "кунту набийян"
ишоратида сариҳ.
("Бадоеъ ул-васат", 101-ғазал)

Навоий қатор ўринларда М. (с.а.в.) ни бошқа пайғамбарлар б-н қиёслайди ва унинг нубувват хайлида ҳам мислсиз эканлигини исботлайди. Жумладан, ўзининг гўзал қиёфаси б-н машҳур бўлган Юсуф (а) пайғамбар малоҳатда М. (с.а.в.) га тенг келолмаслиги, чунки унинг гўзаллиги ҳам Одам (а.)га жаннатда бўлганида Аллоҳ таоло томонида берилган ҳуеннинг даврлар ошa зоҳир бўлган бир кўриниши эканлигини қуйидагича талқин қилади:

Юсуф эрмас чун малоҳатда
жамолингға шабиҳ,
Ҳуснунгга ани малиҳ
ўлмағай этсам ташбиҳ.
Одам асрорининг
ижмолини қилди тафсил,
Мундин эркинки дединг
ал-валаду сирру абиҳ.
("Наводир уш-шабоб", 521-ғазал)

Исо (а.) ва Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) нинг ўхшаш томонларидан бири – икки-лаларига ҳам Сўз эъжози насиб этган. Исо алайҳиссалом ўз нафаси б-н ўликларга жон киргизгани ҳамда дардмандларга шифо бергани тўғрисида диний ад-тларда қатор қисса ва ривоятлар мавжуд. М. пайғамбарга эса бутун олам асрорини ўзида мужассам этган Сўз – Қуръони карим берилган. Агар Исо Масиҳнинг мўъжизаси жисмлар оламига оид бўлса, хотам ул анбиёнинг мўъжизаси абадий барҳаёт руҳоният оламига тегишлидир; Исодан шифо топганлар ёки у туфайли қайта тирилганлар эртами-кеч фоний дунёни тарк этишга маҳкумдирлар. Нариги оламда бу мўъжизавий кўмак ҳеч нарсага ярамайди, аммо Муҳаммад алай-

ҳиссаломга туширилган Сўздан баҳраманд бўлган жонлар икки дунё саодатига эришиши муқаррар:

Берур ул бир ўлукка жон сўзидин,
Тан аро киргузур равон сўзидин.
Муни дерлар: "Муҳаммади арабий"
Ул бирининг "Масиҳ" эрур лақаби.

("Сабъаи сайёр", 5-боб)

Ваҳдат ул-вужуд наз-ясининг асосчиси Муҳйиддин Ибн ал-Арабий барча оламдагилардан олдин вужудга келган М. б-н ислом шариатини жорий қилган М. пайғамбар ўртасида фарқ қўяди. Унинг ақидаси бўйича, "ҳақиқати муҳаммадия" илоҳий асрорнинг бироз конкретлашган кўриниши, М. эса шу ҳақиқатнинг моддий оламдаги ифодаси, холос. Аммо Навоий ўз шеърларида тавсифлаган Муҳаммад қандайдир мавҳум, умумий тушунча эмас, балки у:

Қураший асл, Абтаҳий маҳмил,
Ҳошимий кеш, Ясрибий манзил.

("Сабъаи сайёр", 3-боб)

Етимликда усиб-улғайиб, бир муддат савдогарлик б-н шуғулланиб, омонатдорлиги ва ҳалоллиги б-н тижорат аҳлининг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлган, одамийликнинг олий намунаси ҳисобланмиш энг гўзал фазилатларнинг соҳиби, Аллоҳнинг сифатлари б-н зийнатланган инсон:

Деб лақабин аҳли тажаммул Амин,
Андин ўлуб ҳамдами Руҳул-амин.

("Ҳайрат ул-аброр", 8-боб)

Пайғамбаримиз (с. а. в.)дан ривоят қилинадиган ҳар бир ҳадис у кишининг хулқи ғоят гўзал бўлганлигига гувоҳлик беради. Ўзи ҳам гўзал ахлоқ соҳиби бўлган шоирни ислом дини воситасида чин инсоний фазилатларни ҳам тарғиб қилган, ҳам унга оғишмай амал қилган пайғамбаримиз даҳоси бениҳоя мафтун этади:

Зиҳи азалда карам айлабон санга халлоқ,
Карими хилқат ичинда макорими ахлоқ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 309-ғазал)

Ислом дини заминида шаклланган барча таълимотлар (албатта, диннинг ўзининг ғаразли ниятларини рўёбга чиқариш учун нотўғри талқин қиладиган айрим бузғунчи тоифалар бундан мустасно) М. пайғамбар (с. а. в.)ни камолотнинг тимсоли, комил инсоннинг юксак намунаси дея эътироф этадилар. Аллоҳ таоло ҳам барча мавжудотдан аввал Комил Инсон – Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)нинг нурини яратган экан, демак, камолотга интилиш, ёмон хислатлардан покланиб, макорими ахлоқ – гўзал хулқлар б-н зийнатланиш ва хотам ул анбиё каби тўғри сўз, эзгу амал ва пок ният б-н яшаш ҳар бир инсоннинг бу дунёдаги энг олий мақсади бўлмоғи зарур. Навоийнинг М. пайғамбар (с. а. в.) сиймосини шеърларида истифода этиши ҳам одамларни ана шу олий мақсад ва улуғ ғоя сари чорлашнинг бир намунасидир.

МУҲАММАД АЛИ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир, *Паҳлавон Дарвеш Муҳаммад*нинг фарзанди. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "Ҳусом" исмига битилган муаммосини келтиради.

МУҲАММАД АЛИ АЛ-КОТИБ АС-СУЛТОНИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттот. Бухоро хаттотлик мактаби вакили. 1553 й. Бухорода "Хамса"нинг "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий" достонларини кўчирган. Мазкур қўлёзма Англияда, Оксфорд университети Бодлеян кутубхонасида Elliot 318-рақами остида сақланади. Ҳажми 340 варақ. Қўлёзма таркибидаги ҳар бир достон алоҳида муқовага олинган бўлиб, матн настаълиқ хатида кўчирилган.

МУҲАММАД АЛИ ЖАЛОЙИР (15–16-асрлар) – сипоҳий, шоир. Нисорий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. "Мажолис ун-нафоис"да маълумот берилишича, отаси ёки акаси даражасида лаёқатли бўлмаган: *Аммо ўзи не сипоҳийликда отасиға ўхшар ва не ўзгага. Атворда отасиға нисбати бор. Фариб таврлик кишидур. Чун Хуросон аҳлининг аксари билурлар, битимак бе фойдадур. Аммо шеър айтур. Бу матлаъи яхши воқеъ бўлубтурким:*

Касе ҳаргиз маро беғам надидаст,
Чу ман ғамдидае ғам ҳам надидаст.

(Мазмуни: Мени биров ҳеч қачон беғам кўрмаган, мен каби ғам кўрганни ғамнинг ўзи ҳам кўрмаган).

МУҲАММАД АЛИ ШУҒОНИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг вазирзода экани, шеърият б-н кўп машғул бўлганини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Чунон ғарқи маям, соқиёки,
аз гили ман
Агар гуле бадар ояд, шароб аз ў бичакад.

(Мазмуни: Эй соқий, майга шу қадар ғарқ бўлдимки, агар тупроғимдан бир гул униб чиқса, ундан май томиб туради).

МУҲАММАД АЛИЁН, Абу Жаъфар Муҳаммад бин Али Насавий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Абу Усмон Ҳирийнинг* муриди. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУҲАММАД АМИН I (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган балхлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни "сода киши"лиги, кўп вақтини қотиб ва амалдорлар ҳузурида ўтказиши, "дилбарам" сўзини еттита *тажнис* б-н айтиб, Абулқосим Бобурга тақдим этганида, Мирзога маъқул тушиб қуйидаги байтини ёд олганлигини айтади:

Эй сияҳ чашми хитои мурғи
жонро бо ту унс.
Баъзи сияҳ чашмони дигар
ҳамчу оҳу дилбарам.

(Мазмуни: Эй хитойлик қора кўз, жон қуши сенга улфатдир, бошқа қора кўзларга нисбатан дилбарим оҳу (киийик) кабидир). М.А. Астарободда вафот этган.

МУҲАММАД АМИН II – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи, Навоийнинг замондоши. Тафсир ва ҳадис илмларини чуқур эгаллаган. Шеър ҳам ёзган. Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий ва замон машойихлар суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий унинг бир форсий рубоийсини иқтибос сифатида келтиради. Зиёратгоҳда дафн этилган.

МУҲАММАД АРАБ (15-аср) – хуросонлик шайх ва форсийгўй шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида ва "Насойим ул-муҳаббат"да 680-рақам остида тилга олинган. Навоий унинг дастлаб олим ва донишманд киши бўлгани, кейинчалик руҳий аҳволида ўзгариш содир бўлиб, салтанат даъвосида уйида исён қилиш учун қурол-аслаҳа сақлаганликда айбланиб, подшоҳ шаҳардан сургун қилганлиги ҳақида маълумот беради. Сейистонга бориб, у ерда ўзи тузган подшоҳлик қоидалари асосида "Шоҳнома" асарини битади ва шу ерда вафот этади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Шоҳнома"сидан қуйидаги байт келтирилган:

Касе маҳрами шаҳ ба жуз шоҳ нест,
Зи аҳволи шаҳ жуз шаҳ огоҳ нест.

(Мазмуни: Шоҳга шоҳнинг ўзидан бошқа маҳрам йўқ, шоҳ аҳволидан шоҳдан бошқа огоҳ йўқ).

МУҲАММАД БИН МАНСУР ТУСИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Усмон бин Саид Доримий, Абулаббос Масруқ, Абу Ҳафс Ҳаддод, Абу Саид Харроз, Жунайд Багдодийнинг устози. Маломатийлик тариқатининг издошларидан бўлган. "Бағдод тарихи" китобида унинг 868 й. вафот этгани айтилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУҲАММАД БИН ФАЗЛ БАЛХИЙ (ваф. 960) – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулҳасан. Мутаассиблар уни Балхдан бадарға қилганларидан кейин Самарқандга бориб, бир муддат қозилик қилган. Ҳаж сафарига борганида Нишопурда тас. ҳақиқатлари бўйича ваъз айтган. Али бин Бундор бин Ҳусайн Суфий Сайрафий, Абу Али Жузжоний, Абдуллоҳ бин Муҳаммад Розий, Абу Усмон Ҳирий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУҲАММАД БИН ФОЗА – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Жаъфар. Саховат ва риёзатда ном қозонган. *Муҳаммад бин*

Юсуф Баннонинг шогирди. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУҲАММАД БИН ҲОМИД ТЕРМИЗИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Бакр. Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги жавонмардлик тариқатининг намояндаси. Аҳмад Хизравайҳ ва Али бин Бундор Суфий Сайрафий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Ўғли Абу Наср Муҳаммад бин Муҳаммад бин Ҳомид Термизий ҳам жавонмардлик тариқатининг йирик намояндаси ҳисобланган.

МУҲАММАД БИН ЮСУФ БАННО – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Абдуллоҳ. Исфаҳоннинг йирик шайхларидан, ҳадис илмининг билимдони. *Тажрид* ва *таваккул* б-н ҳаж сафарини адо қилган. Қурувчилик касби б-н кун кечирган. Ҳалол касб орқасидан кун кечиришни тарғиб қилган. *Али бин Саҳл Азҳар Исфаҳоний, Али бин Ҳамза Исфаҳоний, Муҳаммад бин Фоза*нинг устози. Жунайд Багдодийдан мактуб олиб, мактуб жўнатган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

МУҲАММАД ВА АҲМАД БИН АБУЛВАРД – тасаввуф намояндалари. Муҳаммад – Жунайд Багдодийнинг яқин сафдоши. Сарий Сақатий, Абулфатҳ Ҳаммол, Ҳорис Муҳосибий, Бишр Ҳофий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Тақво ва парҳезкорликда Бишр Ҳофий йўлини тутган. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Муҳаммад бин Исо бўлиб, куняси – Абулҳасан. Тахм. 263 ҳ.қ. / 877 м.й. вафот этган. Аҳмад бин Абулварднинг куняси ҳам Абулҳасан бўлиб, унинг вафот этган йили маълум эмас.

МУҲАММАД ВОСИЪ – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф намояндаси. Ҳасан Басрийнинг шогирди. Кўп тобеъинларнинг суҳбатига мушарраф бўлган. Шариат ва тариқат илмларини мукаммал эгаллаган. "Кашф ул-маҳжуб"да келтирилишича, М.В. сулукда мушоҳада мақомини эгаллаган орифлардан бўлган. Навоий ушбу шайх ҳақидаги фаслни "Насойим ул-муҳаббат"га "Тазкират ул-авлиё" асосида ёзиб, киритган.

МУҲАММАД ЖАЪФАР (15-аср) – хуросонлик форс шоири, Муҳаммад Али Кўкалдошнинг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг отаси Машҳад доругаси (бош миршаб) экани, ўзининг яхши назмий таъби борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Он шабки, шамъи чеҳраро
аз тоб меафрўхти,
Раҳме накарди бар ману
парвонаворам сўхти.

(Мазмуни: Ул кеча чеҳранг шамини ялпиллаб ёндирганингда менга раҳм қилмай, худди парвонадек куйдиринг).

МУҲАММАД ЖОМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир, Абдураҳмон Жомийнинг укаси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг зоҳирий илмларни тўла эгаллагани, дарвешона хулқ ва сифати, ўзига хос яшаш тарзи борлиги, мусиқа илмида моҳир, донишмандликда комил экани, ҳар ишда ўз акасига муносиб бўлганлигини меҳр б-н эслайди. Шунингдек, тазкирада М.Ж.нинг қабри *Саъдиддин Кошғарий* мақбарасининг оёқ томонида эканлиги б-н боғлиқ маълумот ҳам бор. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги рубоийси келтирилган:

Ин бодаки, ман бе ту ба лаб меорам,
Не аз паи шодию тараб меорам.
Зулфи сияҳи ту рузи ман карда сиёҳ,
Рўзи сияҳи хеш ба шаб меорам.

(Мазмуни: Бу майни сенсиз лабимга олиб борар эканман, буни шоду хуррам бўлиш учун қилмайман; Сенинг қора зулфинг менинг кунимни қора қилди, ана шу қора кунимни кечага айлантираман.)

МУҲАММАД МАЪСУМ МИРЗО (15-аср) – шаҳзода. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Қандаҳорда ҳокимлик қилган. Улуғбек Мирзонинг қизларидан бирига уйланган. Қандаҳор ҳокими бўлса-да, Бобурнинг ёзишича, эътибори ва ихтиёри бўлмай, ви-

лоятни Шоҳбек арғун бошқарар, "оқ қилса ҳам, қаро қилса ҳам ўша қилар эди". Шунинг учун у ерда туролмай Ҳиротга қайтиб келади ва отасининг ҳаётлигидаёқ оламдан ўтади.

МУҲАММАД ОЛИМ (14–15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган самарқандлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Мирзо Улуғбекка ҳамсабоқ ва мусоҳиб бўлгани, қўрқмас ва бетакаллуф киши экани, султоннинг суҳбатларида ўзини юят беандиша тутганлиги учун Мирзо Улуғбек уни Самарқанддан сургун қилгани ва Ҳиротга келиб, шу ерда вафот этганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Мо сияҳбахтему бадрузему
ахтарсўхта,
Шамъи мақсуде ба умри
худ шабе нафрухта.

(Мазмуни: Биз бахти қаро, ёмон кунга қолган ва юлдузи сўнган кишимиз; бутун умримиз давомида бирор кеча ҳам мақсадимиз шами ёнмаган.

МУҲАММАД ОМИЛИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хуштабъ ва зийрак кишилиги, кўп вақт Шарафиддин Али Яздий хизматида бўлгани ва у зотнинг эътиборига тушганлиги ҳақида маълумот беради. М.О.нинг шеър турларидан кўпроқ муаммога мойиллиги куп бўлган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Нўён" исмига битилган муаммоси келтирилган. М.О.нинг ўғли ҳам шоир бўлган. Қабри Нишопурда.

МУҲАММАД СОЛИҲ (1455, Хоразм — 1535, Бухоро) — шоир, тарихчи ва давлат арбоби. Хоразм ҳокими *Нур Саидбек* оиласида туғилган. Бобоси Амир Шоҳ Малик темурийлар, жумладан, Улуғбек Мирзо хизматида, отаси Нурсаидбек эса Улуғбек, Жўги Мирзо ва Абу Сайид Мирзо саройида нуфузли арбоблардан бўлган. М.С. дастлаб Хоразмда, сўнгра Ҳиротда таҳсил олган, *Абдураҳмон Жомий*дан илм ўрганган. Отаси вафот этгач, Ҳусайн Бойқаро саройида маълум муддат хизмат қилган, бироқ кейинчалик Ҳусайн Бойқаро саройидан кетиб, Шайбонийхон хизматига кирган. Шайбонийхон уни Бухоро, Чоржўй, Нисо вилоятларига ҳоким этиб тайинлаган. М.С. "амир ул-уламо", "малик уш-шуаро" унвонларига сазовор бўлган. 1507–10 й.ларда Ҳиротда яшаган. Шайбонийхон вафотидан сўнг Бухорога қайтган. Бобур "Бобурнома"да М.С. ҳақида "шарир (ярамас) ва золим табъ ва бераҳм киши эрди", деб ёзади.

М.С. эуллисонайн шоир бўлиб, "Шайбонийнома" номли тарихий достоннинг муаллифидир. Достон 8880 мисра, 76 бобдан иборат. Достонда 15-аср охири – 16-аср бошларидаги тарихий воқеалар акс этган. Достоннинг шоир ҳаётлигида 1510 й.да Қосим котиб кўчирган қўлёзма нусхаси Венада сақланади. Адабиётшуносликда М.С.га «Лайли ва Мажнун» номли туркий достон ҳамда «Ноз ва Ниёз» манзумаси ҳам нисбат берилади.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида М.С.га алоҳида мақола бағишлаб, унинг исмига мос равишда "Солиҳ" тахаллусида ижод қилишини, отаси Нур Саидбекдан фарқ қилиб мулойим табиатли йигит эканлигини, лекин баъзи ёмон фикрли кишиларнинг таъсирида Ҳусайн Бойқаро хизматидан кетганлигини айтиб, "табъида хейли диққат бирла чошни (маза, ранг)" борлигини таъкидлайди. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Наям ошуфта гар пўшида
кокул моҳи тобонаш,
Чи ғам аз тирагии шаб,
чу бошад субҳ поёнаш?

(Мазмуни: Кокил ёрқин ойдек юзини ёпиб турар экан, паришон эмасман. Охири тонг бўлганидан кейин тун қоронғилигидан нима ғам?)

МУҲАММАД ТАБОДГОНИЙ (1399–1486, Ҳирот) – тариқат пири. Шайх Зайниддин Хавофийнинг халифаси, Ҳиротдаги мадрасаи Сабзда зоҳирий илмларни ўрганади, кейин тариқатга машғул бўлиб, қисқа фурсатда улуғ натижаларга эриша-

ди. Зоҳирий ва ботиний илмларда комил бу зот муршид даражасига етиб, хонақоҳи ва кўп муридга эга бўлган. Халқнинг эътиборини қозонган. Алишер Навоий унинг фазлу камоли таърифга сиғмаслигини қайд этади. Қирқ йилга яқин элга иршод кўргизган. "Қасидаи Бурда"ни мухаммас қилиб, Абдуллоҳ Ансорийнинг "Манозил ус-сойирин" асарига шарҳ битган. Яна "Асмоуллоҳ" шарҳи, "Васоё" ва "Арбаъин" таржимаси ҳам унинг қаламига мансуб.

1461–62 й.ларда Самарқандга келиб, Кафшир маҳалласида Хожа Аҳрор Валий ва унинг яқинлари б-н учрашади. Самарқандда унга атиги икки воиз – Сайид Ошиқ ва Абусаид Тошкандий маъқул бўлган экан.

М.Т.да панду насиҳат воситаси б-н халқни ҳидоятга даъват этиш иқтидори кучли бўлган. Самоъ рақсига алоҳида аҳамият қаратган. У қўшиғу куйдан таъсирланиб, самоъга берилганида одамлар йиғлашга тушганлар. Муридлар тарбияси, уларни чиллага солиш б-н машғул бўлган. Сайид Ҳасан Ардашер ҳам унга мурид бўлган. Навоийга кўп илтифот кўрсатган.

Амир Сайид Ҳасан ва Амир Шайх Аҳмад (Суҳайлий)га ёзган мактубларида ҳазрат Навоийга дуойи салом ёки илтимосини албатта етказишни сўраган: "Ҳазрати аморат маобий ва иёлат паноҳий мулозимларига (яъни Навоийга) дуойи дарвешонамизни етказурлар" ёки "Ҳазрати аморат маобий ва иёлат паноҳий (яъни Навоий)ни огоҳлантирсинларки, токи улар чиройли ҳаракатни ишга солиб, илтифот қилсинлар, то ҳақ жойида қарор топсин". Маълум бўладики, М.Т. юксак лавозимдаги кишилар, жумладан, Навоийга ҳам турли илтимос ва талаблар б-н бемалол мурожаат қила олган. "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг 1-мақолатида Навоий Абдуллоҳ Ансорийнинг Юсуф Розий ҳақида билдирган фикрига изоҳ сўраб, М.Т.га мурожаат қилганида, бу зотнинг жавоби Абдураҳмон Жомийнинг изоҳи б-н бир хил, кўп масалаларда бу икки зот ҳамфикр ва маслакдош бўлганларини алоҳида таъкидлаб ўтади.

М.Т. 87 ёшида Чилгазий маҳалласида оламдан ўтиб, Хиёбон мавзеига дафн қилинган. "Қутби замон бирафт" – "замон қутби – раҳнамоси кетди" унинг вафоти таърихи бўлган (1486). Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" ҳамда Мир Абдулаввалнинг "Масмуот" китобларида маълумот берилишича, Навоий М.Т. қабри бошида масжид ва "Жамоатхона" деган хонақоҳ қурдирган. М.Т.нинг ўғли *Мавлоно Ҳамиддин* Табодгоний ушбу хонақоҳда унинг ишини давом эттирган.

М.Т. табъи назмдан ҳам бебаҳра бўлмаган ва "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байти келтирилган:

Онҳо, ки ба жуз қомати
сарват нигаронанд,
Гар рост бигўи, ҳама кўтаҳназаронанд.

(Мазмуни: Сенинг сарв қоматинг турганда бошқа нарсаларга қарайдиганларнинг барчаси, ростини айтганда, назари паст калтабинлардир).

МУҲАММАД ТОЛИБ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг девонатабиат йигитлиги, толиби илм экани, шатранж (шахмат) ва муаммо илми б-н машғуллиги ҳақида маълумот бериб "Мажд" исмига битилган муаммосини келтиради.

МУҲАММАД ХУРОСОНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Ичкиликбозлик ва безориликдан тавба қилиб, *Муҳаммад Табодгоний* тарбиятида чилла ўтириб, кўп риёзат чеккан. *Таваккул* қадами б-н ҳаж сафарига бориб келган. Ҳаждан қайтганидан кейин узлат тутиб, Пай работида ибодатга машғул бўлган. Пири қабри ёнида дафн этилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу дарвеш б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МУҲАММАД ЧОҲУ – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. *Пири Сесадсола* лангарида яшаган. Мужаллидлик (жилд ясаш) касби б-н кун кечирган. Ҳар пайшанба куни тонгда *Хожа Абдуллоҳ Ансорий* мазорини зиёрат қилишни одат қилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу ориф б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МУҲАММАД ШАЙХ – "Насойим ул-муҳаббат"да зикр этилган туркистонлик тасаввуф шайхи. Ишқия тариқатининг шайхи Худойқулининг ўғли. Ўз даври подшоҳи ҳам унинг тариқатини қабул этган экан. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

МУҲАММАД ҲУСАЙН МИРЗО (15-аср охири, Ҳирот–16-аср боши, Астаробод) – темурий шаҳзода, Султон Ҳусайн Бойқаронинг Минглибий оғача ўзбекдан туғилган ўғли. Бобурнинг ёзишича, ота-боболари сунний мазҳабида бўлгани ҳолда у рофизийликни қабул қилган.

Бобурга қарши фитна ва жангларда қатнашган. Шунга қарамай, Бобурнинг қўлига асир тушганда қонидан кечиб, қўйиб юборади. Кўп ўтмай Шайбонийхон томонидан Астарободда қатл қилинади.

Навоий ҳам "Мажолис ув-нафоис"да унинг табиатида саркашлик ва бегонавашлик борлигини айтиб, қуйидаги матлаъси яхши чиққан, дейди:

Олудаи гарди зи паи сайд, ки гашти,
Ғарқи арақе бар дили гарм, ки гузашти.

(Мазмуни: Ов изидан тушиб, чангга беландинг, юрак ҳароратидан терга ғарқ бўлиб ўтдинг).

"МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН" ("Икки тил муҳокамаси", 1499) – Алишер Навоийнинг тилшуносликка бағишланган асари. Туркий ва форсий (сорт) тиллар ўзаро қиёсланган асар. Навоий "М."да ушбу тилларни бир-бирига қиёслаш асносида, туркий тилнинг бой ва кенг имкониятларга эга эканлигини исботлайди. Асар мусулмон Шарқи ад-ти анъаналарига мувофиқ Аллоҳга ҳамд айтишдан бошланган. Алишер Навоий араб тилидаги ҳамддан сўнг туркий тилда бир рубоий келтириб, унинг илк байтидаёқ сўз б-н олам яратилганлигини, араб тилининг барча тиллардан устун эканлигини таъкидлайди. Бу тилда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сўзлашгани, муқаддас китоб – Қуръони Каримнинг нозил қилинганлиги унинг шарафли эканлигини билдиради, деб айтади.

Навоий араб тилидан сўнг уч (туркий, форсий ва ҳинд) тилини "асл ва муътабар" деб ҳисоблаб, ушбу тилларнинг келиб чиқиши Нуҳ пайғамбарнинг уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳом б-н боғланишини айтиб ўтади. Абу Турк лақаби б-н машҳур бўлган Ёфас пайғамбарлик тожи б-н сарафроз ва расуллик мансаби б-н мумтоз этилганлигини таъкидлайди.

Навоий яшаб ижод этган даврда туркий тил форсий тилга нисбатан пастроқ мақомда деб ҳисобланиб, туркий тилда ижод этган Ҳайдар Хоразмий, Саккокий, Атойи, Яқиний, Гадоийнинг ижоди форсий мерос б-н тенг келадиган даражада эмас эди. Алишер Навоий ушбу шоирларнинг номларини келтириб, улар орасида форсий ад-тдаги Хоқоний, Авҳадиддин Анварий, Камол Исмоил, Заҳир Форёбий, Салмон Соважий каби қасиданавислар, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийдек маснавий усталари, Саъдий Шерозий ва Ҳофиз Шерозий каби ғазалнавис шоирлар етишиб чиқмаганлигига эътиборни қаратади ва туркий шоирлардан фақат Лутфийгина улар б-н шеърий мусобақага киришиш салоҳиятига эга бўлганлигини таъкидлайди. Бу б-н Алишер Навоий туркий тил ва бу тилда ижод қилувчи шоирларнинг зиммасида улкан вазифа турганлигини эслатиб ўтади.

Навоий "М."да туркий ва ўзи мукаммал билган форсий тилни ўзаро чоғиштириш йўлидан бориб, икки тилнинг лексик ва поэтик имкониятларини илмий нуқтаи назардан асослаб беради. Асарда туркий ва форсий тиллар фонетика, лексика ва морфология доирасида ўзаро қиёсланади. Дастлаб ҳар икки тилдаги унлилар қиёсланганда, Навоий форсий тилда унлилар сонида чегара борлиги, туркий тилда эса унлилар бир қанча маъно фарқловчи хусусиятларга эга эканлиги ва улар ўзаро узун-қисқалиги б-н ажралиб туришини далиллар орқали кўрсатиб берган. Хусусан, туркий тилнинг фонетик хусусияти қофиядош сўзлар учун форсий тилга нисбатан қулайлигини асослар экан, "вов" – "*و*" ҳамда "ёй" – "*ی*" ҳарфлари форсий тил фонетикасида фақат икки ҳаракатни: "*вов*" "ў" ҳамда "у"ни, "*ёй*" эса "и" ва "э" товушларини беришини,

(масалан, "худ" ҳамда "дуд" сўзларида "у" товуши; "зўр" ва "нур" сўзларида "ў" товушини), туркий тилда эса бу икки ҳарфнинг ҳар бири уч ёки тўрт товушни ифодалашини "тер" сўзи орқали кўрсатиб беради. Бу ўринда Навоий "тер" сўзининг термоқ, хай (арақ), ўқ маънолари борлигини ва "тер" сўзидаги "ёй"нинг талаффузи маъносига кўра фарқланишини, аммо ёзувда бир хил кўринишда бўлишини таъкидлаш орқали туркий тилнинг фонетик имкониятларига эътибор қаратади.

Навоий асарда форсий тилда муодил (эквивалент)и бўлмаган 100 та феълни келтиради. Масалан, "телмурмак" сўзига изоҳ берар экан, бу сўз англатган маъно форсийларда йўқлигини, маҳбубанинг назари ошиқ юзига теккач, ошиқнинг "*ниёз юзидин* телмурмаги *асру муносиб иш*" эканлилини айтади ва қуйидаги байтни келтиради:

Тўкадур қонимни ҳар дам
кўзларинг боқиб туруб.
Ким, неча юзумга боққайсен
йироқдин телмуруб."

Бу ўринда Навоий "телмурмак" сўзининг нозик семасини таҳлил этиб, "телмуриш" орқали икки инсоннинг ўзаро муҳаббати намоён бўлишини таъкидлайди. Келтирилган мисолдан: "*Кўзларинг ҳар лаҳза менга боқиб қонимни тўкади, чунки узоқ-узоқлардан менга* телмуриб *боқасан*", деган мазмун орқали маҳбубанинг ўз ошиғига бефарқ эмаслиги маълум бўлади.

Алишер Навоий туркий ва форсий тиллар лексикасини қиёслаш учун турли соҳаларга доир нарса-буюм, табиий ҳодисалар ва ҳайвонларнинг форсий тилда мавжуд бўлмаган туркий тилдаги номларини бериб, уларнинг баъзилари форсий тил лексикаси таркибига ҳам кирганлигини айтиб ўтади. Хусусан туркийлар овланадиган кийикни жинсига караб номлашларини, эркагини "ҳуна", урғочисини "қилчоқин" деб аташларини, форсий тилда эса булар бир хил қўлланилишини ёки яна форсийлар қўйнинг фақат баъзи аъзоларини номлаганликларини, лекин қўйнинг орқасини, ошиқ-илиқни, ён суякни, қовурғани, илик, урта илик, бўғизни туркча айтишларини таъкидлайди. Шунингдек, қаймоқ, катлама, булама, қурут, улоба, қуймоқ, уркамоч каби таом номлари форсий тилга туркий тилдан ўзлашганлигини айтиб ўтади.

Алишер Навоий омонимлик ва сўзларнинг кўп маънолилиги жиҳатидан туркий тилнинг имконияти кенглигини, уларнинг шеъриятда турли нозик маъноларни ифодалашдаги аҳамиятини (от, ит, бор, соғин, туз, кўк каби сўзлар талқинида) кўрсатади, шу орқали тажнис ва ийҳом санъатига асос бўладиган сўзларнинг форсий тилдагига нисбатан кўплигини мисоллар б-н исботлайди, айнан тажнис орқали вужудга келадиган ва форсий шеъриятда қўлланилмайдиган туюқ жанрининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беради.

Навоий баъзи мансаб эгалари ёки касб-ҳунар, умуман, муайян соҳа б-н шуғулланувчи шахс номларини билдирувчи "-ч" ҳамда "чи"қўшимчаларини келтириб, форсийлар ушбу қўшимчалар орқали ясаладиган **қўрчи, сувчи, чавгончи, қўриқчи** каби ўнлаб сўзларнинг муодили ўз тилларида бўлмаганлиги учун уларни туркий тилдаги варианти асосида қўллашларини айтиб ўтади.

"М." асари ад-т ва ад-тшунослик фанлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Навоий асарда форсий тилда яратилган ад-тнинг етук намояндаларини чуқур ҳурмат б-н тилга олади, уларнинг мусулмон Шарқи шеъриятига қўшган ҳиссасини, туркий ад-т, хусусан, ўз ижодига кўрсатган таъсирини алоҳида таъкидлайди. Форсигўй ва туркий шоирлар орасидаги ўзаро адабий ҳамкорлик — адабий мавзуларда суҳбат, мунозаралар, бадиятга доир мубоҳасалар бўлиб туриши ҳақида маълумот беради. Навоий туркий шеъриятнинг форсий шеъриятга нисбатан сустроқ ривожланганлигини бир неча сабаблар орқали кўрсатиб беради: 1) туркигўй ижодкорлар туркий тилда она тилининг мураккаб ва нозиклигини билдирувчи бир неча маъноли сўз ва ифодалар кўп бўлганлигидан, уларни тушуниш ва шеъриятда маҳорат б-н ишлатиш машаққатидан чўчиб, осонлик сари майл кўрсатадилар; 2) баъзи идрокли шоирлар ўз замонидаги ҳукмрон анъана ва адабий расм-русумлардан четга чиқишни хоҳламай, шу доирада қолишни ўзларига муносиб деб биладилар; 3) ёш ижодкорлар

ўз ёзган асарларини тажрибали устозларга курсатиб, уларнинг эътирофини эшитмоқ истайдилар, бундай устозларнинг аксарияти эса форсигўй бўлганликлари учун ёш шоирлар ўз шеърларини форсийда ёзмоқни маъқул кўрадилар.

Асарда Алишер Навоийнинг ижодий биографияси б-н боғлиқ кимматли маълумотлар ҳам келтирилган. Асарда муаллиф девонлари, достонлари ва бошқа кўплаб асарларининг рўйхати ва ихчам тавсифи мавжуд. Хусусан, шоирнинг туркий тилда яратган асарлари рўйхати уларга асос бўлган манбалар номи б-н бирга келтирилиши Навоий асарларининг моҳиятини англашда муайян аҳамиятга эга. Масалан, унинг "Хамса" таркибига кирувчи достонларнинг ҳар бири учун асос бўлган манбалар қуйидаги тартибда келтирилади: 1) "Ҳайрат ул-аброр" – "Махзан ул-асрор" (Низомий); 2) "Фарҳод ва Ширин" – "Ширин ва Хусрав" (Хусрав Деҳлавий); 3) "Лайли ва Мажнун" – "Гавҳарнома" (Хожу Ҳимматий), 4) "Сабъаи сайёр" – "Ҳафт пайкар" (Ашраф Марағий); 5) "Садди Искандарий" – "Хирадномаи Искандарий" (Абдураҳмон Жомий).

"М."да ўша даврдаги туркий тил бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Ҳусайн Бойқаро туркигўй шоирларни ўз она тилларида ижод қилишга чорлаб, махсус фармонлар чиқарганлиги, Ҳусайн Бойқаронинг ўзи туркий тилда Ҳусайний тахаллуси б-н ижод қилганлиги ва девон тартиб берганлиги б-н боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилади.

Алишер Навоийнинг "М." асари моҳиятида адабий тил масаласи бош мавзу сифатида танлангани, форсий ва туркий тилни лексик, фонетик ва грамматик жиҳатдан қиёслагани нуқтаи назаридан тилшунослик йўналишидаги муҳим манба бўлиш б-н бирга илмий насрнинг ёркин намунасидир.

Э.Умаров, У.Санақулов, М.Ҳамидова каби олимлар ушбу асар юзасидан илмий изланишлар олиб борганлар.

Ас.: Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. МАТ. 20 жилдлик. Т., 2000, 16-ж; *Алишер Навоий.* Муҳокамат ул-луғатайн. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 10-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

Дисс.: Санақулов У.С. Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарининг тили (фонетика ва морфология): ф.ф.н. Т., 1971.

"МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН" ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. "Муҳокамат ул-луғатайн" қўлёзмалари кам тарқалган. ТошДШИ ШҚМда унинг Ибодулла Одилов 1941 й. кўчирган нусхаси мавжуд.

Мазкур асарни илк бор 1940 йил О.Усмонов Тошкентда лотин алифбосида нашр қилган (Алишер Навоий. "Муҳокамат ул-луғатайн". Тошкент: Гослитиздат, 1940). "Муҳокамат ул-луғатайн"нинг ўша даврда қўлёзмалари етарлича бўлмаганлиги боис, асар матнини тайёрлашда учта тошбосма ва Париж нусхаси асос қилиб олинган ва қолган нусхалар билан солиштирилган:

1. Алишер Навоий. "Муҳокамат ул-луғатайн" М. Картмер нашри. Париж, 1841 (ТошДШИ ШҚМ, тошбосма асарлар фонди, инв. рақами – 12618).

2. Алишер Навоий. "Муҳокамат ул-луғатайн" Истанбул, 1897 (ТошДШИ ШҚМ, тошбосма асарлар фонди, инв. рақами – 12618).

3. Алишер Навоий. "Муҳокамат ул-луғатайн" Қўқон, 1916 (ТошДШИ ШҚМ, тошбосма асарлар фонди, инв. рақами – 12618).

МУҲР – темир ёки бошқа қаттиқ материалдан ясалган, юзасига матн (қоғоз, сўргич) туширишга мўлжалланаган мослама ва ана шу мосламани қоғозга босишдан ҳосил бўлган тасвир. М. учун мўлжалланган материалга муаяйн матн битилган ва ўша матн қоғоз юзасига тасвир сифатида туширилган. Матн бошқаларга етказишга мўлжалланган расмий характерда ёки шахс исмидан ҳам иборат бўлиши мумкин. М.дан муайян максад ҳужжатни тасдиқлаш ёки бирор нарса (ҳужжат, китоб, хат)нинг ўз М.ини қўйган кишига тегишли эканлигини билдиришдан иборат. Ҳукмдор (амир, султон, хон, шаҳзода), диний уламо (шайх, муфти, қози, мударрис) лар ўз шахсий муҳрига эга бўлган.

Мусулмон Шарқида давлат ва шахсий М. амал қилган. Давлат М. расмий ҳужжатларни тасдиқлашга мўлжалланган бўлиб, бу ишни амалга оширувчи саройдаги

шахс муҳрдор, деб аталган. Навоий 1469–1472 йилларда Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдор лавозимида хизмат қилган.

МУҲРДОР – Темурийлар саройида давлат расмий ҳужжатларни тасдиқлаш ишини амалга оширувчи мансаб эгаси муҳрдор, деб аталган. Навоий 1469–1472 й.да Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдорлик қилган.М. энг катта лавозимлардан бири бўлган. Давлатнинг ҳар қандай ҳужжати М. қўйган муҳр орқали расмийлаштирилган.

МУҲТАСИБ – ўрта аср мусулмон мамлакатларида шариат аҳкоми бажарилишини назорат қилувчи, бозорларда тош-тарози тўғрилиги ҳамда шариат рухсат берган нарсаларгина савдо қилинишини текшириб турувчи амалдор. М. одамларни намозга тарғиб этиши, закот, фидя ва каффоратга тўланадиган тўловларнинг ўз ўрнида сарфланишини таъминлаши, шаробхўрлик, қиморбозлик ва фаҳш ишларга йўл бермаслиги, ҳафтада икки марта бозорларни айланиб, нарх-навони сунъий тарзда ошиб кетишига йўл бермаслиги ҳамда мавжуд ҳолатлар бўйича давлат раҳбарларини хабардор қилиши шарт бўлган.

Лирик асарларда М. образ даражасига кўтарилган бўлиб, фақат зоҳирга қараб иш тутувчи, маърифатсиз ҳамда ишқдан бебаҳра кимсанинг тимсолида қўлланилади.

Навоий андоқ эмиш мастким,
хабар йўқ анга
Ки, муҳтасиб ани кўй ичра
айламиш таъзир.
(«Наводир уш-шабоб», 143-ғазал)

МЎМИН МИРЗО (қатли 1497 й., Ҳирот) – шаҳзода, шоир. Султон Ҳусайн Бойқаронинг невараси, тўнғич ўғли Бадиуззамоннинг ўғли. Болалигидан ўткир зеҳни, юлтда зукколиги ва фавқулодда қобилияти б-н ажралиб турган бу шаҳзода барчанинг муҳаббат ва ҳурматини қозонган, жумладан, Навоий ҳам уни ардоқлаб, келажагига умид б-н қараган.

Астарободга ҳоким бўлиб турган Бадиуззамонга 1496 й. Балх ҳокимлиги ҳам топширилади. У ўрнига ўғли М.М.ни қўйиб, Балхга келади. Бадиуззамон Султон Астарободни "Амир Темур кўрагон хонадонининг тенги йўқ" (Мирхонд) гавҳари бўлган севимли набираси М.М.га беради, деган умидда эди. Чунки шаҳзоданинг суннат тўйида унга Астарободни бериш ваъда қилинганди. Бироқ Ҳусайн Бойқаро суюкли хотини Хадичабегимнинг гапига кўниб, Астарободни ундан туғилган ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзога бериш ҳақида фармон чиқаради. Чунки Астарободга ҳоким бўлган шаҳзода айни пайтда валиаҳд ҳам ҳисобланар эди. Бу қарордан норози бўлган Бадиуззамон Балхда отасига қарши исён кўтаради. Ҳусайн Бойқаро ўғлига қарши урушга отланмоқчи бўлганида Навоий ўртага тушади. Балхга бориб, Бадиуззамон Мирзони отаси б-н ярашишга, Астарободни Музаффар Мирзога беришга кўндиради. Лекин Алишер Навоий воситасида сулҳ тузилиши ва ота-боланинг ярашишини истамаган Низомулмулк, Хадичабегим ва уларнинг ён-атрофидагилари фитна ўйлаб топиб, ўртадаги сулҳни барбод қиладилар. шоир ортига умидсиз қайтишга мажбур бўлади.

Отаси Хадичабегимнинг гапига кириб бундай қилаётганидан ғазабланган Бадиуззамон унга "Астарободга бировни юбормангки, барибир бермайман" деган мазмунда мактуб йўллайди ва айни пайтда, М.М.га Музаффар Мирзони Астарободга киритмаслик ҳақида буйруқ беради. Натижада, Султон Ҳусайн Балхга йўл олиб, жангда Бадиуззамонни енгади. Музаффар Мирзо эса Астарободда М.М. устидан ғалаба қозониб, уни асир олади ва Амир Муҳаммад Бурундуқ Барлос б-н Ҳиротга жўнатади. М.М.нинг тирик қолиши ўғлининг келажагига хавф солиши мумкинлигидан ташвишга тушган Хадичабегим вазир Низомулмулк б-н тил бириктириб, Султоннинг мастлигидан фойдаланиб, М.М.ни қатл этиш ҳақидаги фармонга қўл қўйдириб олади. Хадичабегим агар М.М. ўлдирилса, Бадиуззамон отаси б-н ҳеч қачон ярашмайди, натижада Ҳусайн Бойқаро уни валиаҳдликдан маҳрум этиб, ўрнига Музаффар Мирзони тайинлайди, деган мақсадда подшоҳ ҳушига келиб, тағин ўз фикридан қайтмасин деб, ҳукмни шошилинч, халқ кўзидан яширин – ярим тунда амалга оширишга муваффақ бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам М.М. нинг ўлдирилиши ва Ҳусайн Бойқаро ўғиллари ўртасидаги адоватга Хадичабегимни сабаб қилиб кўрсатади.

Алишер Навоий бу пайтда Имом Ризо қабрини зиёрат қилиш учун Машҳадга кетган эди. Шаҳзода қатлидан уч кун ўтиб, Ҳиротга қайтган улуғ шоир бу фожиадан қаттиқ қайғуради. Шу муносабат б-н Бадиуззамонга ёзган мактубида ўзининг иш бу даражага бориб етмаслиги учун қўлидан келганча ҳаракат қилгани, лекин тақдир ҳукми олдида ожиз қолганини айтиб, унга таскин беради ҳамда содир бўлган воқеаларни қисматдан, қолаверса, ўз хатоси деб билиб, буёғига сабр этиш, яхшилик исташ ва отасига қулоқ тутишини маслаҳат беради. М.М. 12 ёшлигидаёқ Султон Ҳусайннинг ўғиллари ва неваралари ичида ўзининг тийрак ақли ва ёрқин истеъдоди б-н ажралиб турар, шоир сифатида ҳам танилиб улгурган эди. "Мажолис ун-нафоис"-ни форс тилига таржима қилган Фахрий Ҳиротий ҳам Ҳусайн Бойқаро авлоди орасида ҳусни жамолда бунақаси бўлмагани, бўлиб ўтган воқеалар Хуросон аҳли бошига ёпирилиб келаётган балога ишора эканини таъкидлайди. Воқеан, Навоий ҳам М.М. қатлини машҳур шайх ва мутасаввиф шоир Маждиддин Багдодийни Хоразмшоҳ туҳмат б-н ноҳақ ўлдириши воқеасига ўхшатади. Ўшанда Хоразмшоҳ Нажмиддин Куброга шогирди Маждиддин Бағдодийнинг хун баҳоси учун бир лаган жавоҳир юборади, лекин машҳур шайх уни ортига қайтариб: "Маждиддиннинг хунбаҳоси сен б-н менинг бошимиз бўлади", дейди. Чиндан ҳам кўп ўтмай Чингизхон Хоразмнинг кулини кўкка совуради. Ҳирот ҳам худди шундай, аввал шайбонийлар, кейин сафавийлар томонидан талон-торож қилинади.

М.М.нинг турли тарихий асар ва тазкиралар орқали етиб келган айрим ғазал ва байтлари унинг ёрқин истеъдодидан далолат беради. Чунончи, Фахрий Ҳиротий "Мажолис ун-нафоис" таржимаси иловасида унинг дақиқ табъининг намунаси сифатида қуйидаги байтини келтиради:

Зи таб бисўхт, табибо,
тани балокаш ман.
Бирав, биравки, бисўзи ту
ҳам бар оташи ман.

(Мазмуни: Эй табиб, менинг балолар юкини кўтарувчи таним иситма ўтида куйиб кетди. Менга асло яқинлашма, чунки сен ҳам бу ўтда куйиб кетишинг мумкин).

Эрон олими, "Мажолис ун-нафоис" таржималари ноширн Али Асғар Ҳикмат матн ости ҳаволасида М.М.нинг қатл этилиши пайтида бадиҳа тарзида айтган икки байтини келтиради:

Манам, к-аз зарби теғам беша
холи аз ғазанфар шуд,
Фалак ёри накард, эй дўстон,
душман Музаффар шуд.

(Мазмуни: Мен қиличи зарбидан ўрмонда шернинг уруғини қуритган йигит эдим, лекин, эй дўстлар, тақдир ёрлақамагани учун душман (музаффар) ғолиб бўлди).

Байтда "музаффар" сўзи икки маънода, ҳам "ғолиб", ҳам Музаффар Мирзо маъносини ифодалаб келаяпти: "душман музаффар (ғолиб) бўлди..." ёки "душман Музаффар (Мирзо) бўлди".

Зайниддин Восифийнинг маълумот беришича, қуйидаги байт М.М.нинг Музаффар Мирзо томонидан қўлга олинганида айтилган:

Навжавонмарде, ки бежурмам,
дар ин син мекушад,
Кофире сангиндиле гаштаст,
ки мўмин мекушад.

(Мазмуни: Мени гуноҳсиз ва навқирон бир ёшда ўлдирмоқда, кофирнинг дили тошга айланиб, мўминни ўлдирмоқда).

Бу байтда "кофир" сўзи истиора йўли б-н Музаффар Мирзони, "мўмин" тажнис орқали М.М.ни англатмоқда. Айни пайтда, "кофир" ва "мўмин" сўзлари ўзаро тазод санъатини ҳам ҳосил қиляпти.

Н

НАБОЖИЙ, Абу Абдуллоҳ Саъид бин Язид – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Басра яқинидаги Набож қишлоғида туғилган. *Аҳмад Абулҳаворий*нинг устози. *Зуннун Мисрий*нинг яқин маслакдоши. Тариқатда адаб ва руҳий тарбия масаласига алоҳида аҳамият қаратган. Унинг талқини бўйича, адаб – ҳур кишиларнинг зийнатидир. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

НАБОЗОНИЙ Абдуллоҳ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳирот яқинидаги Набозон қишлоғида туғилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

НАВДАР – "Сабъаи сайёр" достонидаги бешинчи ҳикоят қаҳрамони, Адан мулкига қарашли Беҳиштсаронинг подшоси, Меҳрнинг отаси. У Нуъмон шоҳ б-н Меҳр ва Суҳайлни қутқариш учун бирлашиб, Жобир макон тутган оролга қуруқлик томондан бостириб боради. Бироқ у ердаги гул ранг оҳуни кўриб қолиб, ов ишқида мақсадини унутади, натижада ўзи Жобирнинг қўлига асир тушади.

Оти Навдар ва лек ўзи нодир,
Табъи ҳар нодир иш аро кодир.
("Сабъаи сайёр", 24-боб)

"НАВОДИР УЛ-УСУЛ" ("Нодир усуллар") – Ҳаким ат-Термизийнинг асари. Тўлиқ номи "Наводир ул-усул фи маърифат ахбор Расул" ("Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар"). Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига бағишланган. Тошкентда асарнинг 2 қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан бири Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида, иккинчиси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланади. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Ҳаким Термизий б-н боғлиқ бобда тилга олган.

"НАВОДИР УН-НИҲОЯ" ("Беҳад нодирликлар") – Алишер Навоийнинг ўзи тартиб берган иккинчи девони. "Ҳазойин ул-маоний"га битилган ва "Ғаройиб ус-сиғар" таркибига киритилган дебочада шоир Н. девонини "Бадоеъ ул-бидоя"дан сўнг тартиблаганини таъкидлайди: *"... Андин сўнгра дағи ул жамъу тартибдин бошқа яна ҳар тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрдию ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабистонининг дурахшон ахтарларину ул кўнгул махзанининг дурахшон гавҳарларин дағи иккинчи девонимдаким, "Наводир ун-ниҳоя"ға машҳурдур, рабту тартиб бериб, дебочасинда шарҳ била аизайи асҳобу ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим"*.

Шоирнинг эътирофига кўра, мазкур девонга дебоча битилган, унга турли навъ – жанрлардаги шеърлар ҳамда девоннинг асосини ташкил этган турли хил (мавзуси, ифода усули ва вазнлари назарда тутилмоқда) ғазаллар киритилган. Н. Маллаев "Н." девонга 628 ғазал, 3 мустазод, 3 таржиъбанд, 5 қитъа, 46 рубоий, 1 луғз, 6 муаммо ва 1 туюқ – жами 693 та шеър

киритилгани ҳақида маълумот беради. Бу девон 1480–1487 й.лар орасида тузилган. Шоир "Хазойин ул-маоний" дебочасида аввалги девони – "Бадоеъ ул-бидоя" каби бу девонни ҳам Ҳусайн Бойқаро даъвати б-н тартиблаганини айтади: *"...агарчи бу нигориш топқан икки девон тартибида ва гузоришқа кирган икки дафтар тадвинида ҳам бу фақири комуроду ҳақири ношодға ҳеч ихтиёр йўқ эрди, невчунки барчаси султоний ҳукмлару эҳсону таҳсинлар ва хоқоний амрлару таълиму талқинлар била эрди..."*

Фанга 1966 йилга қадар девоннинг ягона нусхаси маълум бўлган. У Абу Райҳон Беруний номидаги ТошДШИ ШҚМда сақланаётган, машҳур хаттот Султонали Машҳадий Ҳиротда кўчирилган 1995-рақамли қўлёзмадир. 1966 йилда Порсо Шамсиев девоннинг яна бир нусхаси (Қозон нусхаси) қўлга киритади. Навоийшунос 1991 йилда Суйима Ғаниева "Наводир ун-ниҳоя"нинг яна бир нусхаси Эроннинг "Кохи Гулистон" музейи фондидан сақланаётгани Навоий дастхати б-н кўчирилгани, унга шоирнинг муҳри ҳам босилганлиги ҳақида маълумот беради. Олиманинг фикрича, мазкур нусха девоннинг Навоий кўчирган қораламаси –"савод"идир.

Агар "Хазойин ул-маоний" дебочасида бу девон ҳақида айтилган фикрлар б-н унинг мавжуд қўлёзма нусхалари қиёслаб ўрганилса, ҳозиргача "Н." мукаммал нусхаси фанга маълум эмаслиги ойдинлашади.

"Н." девонидаги ғазаллар кейинчалик Навоий тузган "Хазойин ул-маоний" лирик куллиётининг тўрт девонига тақсимланган, жумладан, "Ғаройиб ус-сиғар"га – 64 , "Наводир уш-шабоб"га – 331, "Бадоеъ ул-васат"га – 213, "Фавойид ул-кибар"га – 196 шеър киритилган.

Навоий девондаги ғазалларни "Хазойин ул-маоний" куллиётига киритаётганида, кўп қисмини таҳрир қилиб, айримларини ўзгартирган, баъзан муайян ғазалда матлаъдан бошқа барча байтларнинг ўзгариб кетгани ҳам кузатилади.

Бугунги кунда истифода этилаётган девон фақат ғазаллардан иборат. Уларнинг адади – 862 та. Навоийнинг 32 та ҳарф б-н тугайдиган қофия сўзларга асосланган ғазаллари девонга қуйидаги миқдорда киритилган: ҳар бир девонда "алиф" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 44 та (1–44); "бе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 34 та (45–78); "пе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 3 та (79–81); "те" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 25 та (82–106); "се" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 та (107–110); "жим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 5 та (111–114; 116); "чим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 5 та (115, 117–120); "ҳе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 та (121–124); "хе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 7 та (125–131); "дол" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 23 та (132–154); "зол" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 та (155–156); "ре" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 92 та (157–248); "зе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 25 та (249–273); "жим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 1та (274); "син" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 29 та (275–303); "шин" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 37 та (304–340); "сод" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 4 та (341–344); "зод" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 5 та (345–349); "(те) то" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 6 та (350–355); "(зе) зо" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 та (356–357); "айн" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 10 та (358–367); "ғайн" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 9 та (368–376); "фе (фо)" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 11 та (377–387); "коф" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 18 та (388–405); "коф" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 65 та (406–470); "лом" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 24та (471–494); "мим" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 63 та (495–557); "нун" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 79 та (558–636); "вов" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 26 та (637–662); "ҳе" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 67 та (663–729); "лом-алиф (ло)" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 2 та (730–731); "ёй" ҳарфи б-н тугайдиган ғазаллар сони – 131 та (732–862).

Алифбо тартибида жойлаштирилган ғазаллар гуруҳи "Бадоеъ ул-бидоя" девонидаги каби сарлавҳаланмаган. Шоир

ҳар бир ҳарф б-н боғлиқ ғазаллар гуруҳини ҳамд ёки наът б-н бошлаш анъанасига шоир, асосан, риоя этган.

"Наводир ун-ниҳоя"га шоир биринчи девон яратилган йиллардан кейин – 1480–1487 йиллар оралиғида ҳар жиҳатдан камолотга етган пайтда ёзилган шеърлари киритилган. Навоий девонидаги шеърларнинг мавзу ва услуб жиҳатдан ранг-баранглигига ишора қилиб, бир ғазал мақтаъсида шундай фахрияни битади: *Эй Навоий, олтуну шингарфу зангор истама, / Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.*

Ранглар тасвири устун бўлган бошқа бир ғазалида эса шоир девони ҳақидаги фикрини шундай ифодалайди: *Эй Навоий, халқни баским ўқурда йиғлатур, /Ашк сайлидин бўлур борған сари девоним оқ.*

Н." девонидаги ғазалларни ғоявий-бадиий хусусиятига кўра ҳамд, наът, орифона, ошиқона ва риндона ғазалларга ажратиб ўрганиш мумкин. Девондаги ғазалларнинг катта қисми ишқий мавзуда. Ишқ завқи ва ҳасрати, изтиробларини ифодалашда шоир турли поэтик унсурлар – бадиий санъат ва тасвир воситаларидан фойдаланади. Навоий ғазалларининг яна бир жозибаси бадиий санъатларни анъаналар уйғунлигида, янгича – оригинал қўлланишида. Масалан: *Ёр оғиз очмаска дардим сўрғали топтим сабаб, Кўп чучукликтин ёпишмишлар магар ул икки лаб,* – каби байтларида ҳусни таълилни маромида қўллаши ёхуд ошиқлик изтироблари, унинг аҳволидан хабар бериш учун кайҳоний андозадаги ташбеҳлардан фойдаланиши шоирга ижодий ниятига етиш имконини берган: *Оҳ гардун, ашк анжум, нола раъду пўя барқ, Хилқатимдин бир ажойиб олам эттинг оқибат.* Оҳларини гардунга, кўз ёшларини юлдузларга, ноласини момақалдироққа, ўз қадамларини яшинга қиёслар экан, ошиқ-шоир ўзининг азалдан шундай яратилганига шукроналар айтгандек бўлади.

Ишқ Навоий учун бир паноҳ-макон, омонлик излаган жонига малҳам. Руҳига омонлик излаган ошиқ-шоир барча мақомларнинг машаққатларини англаб туриб, шундай дейди: *Бир мақоми амн топ, анда бурун ором тут, Сўнгра туз базму дилороминғға ҳар дам жом тут.* Ишқнинг моҳиятини англагани сайин унинг ҳалокатли водий эканлиги аёнлашади: *Не муҳлик водий эрмиш ишқ даштиким, киши анда, Қадам урған дам-ўқ кўзга бўлур мулки адам пайдо.* Бу ишқ водийсининг сирига юз минглаб шарҳлар битилганда ҳам унинг мингдан бирини айтиб бўлмаслигига иқрор бўлган шоир: *Эй мударрис, ишқ сирри дафтари бир нуктадур, Гарчи мингдин бир дейилмайдур ёзиб юз минг шуруҳ,* – деб ёзади. Ишқнинг, аниқроғи, Навоий ишқининг табиати ошиқона ғазалларида инкишоф этилади: *Гар Навоий йиғласа ишқинг мижозидур деманг Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.* Бундай ишқ маъшуқни ҳам маҳкум этади, уни ҳам ошиққа айлантиради. Чунки у комил ишқдир. Навоий бу ҳақда: *Ишқ агар комилдурур маъшуқин маҳкум этар, Бўлмайин Маҳмуд бўлмоқ истама ёринг Аёз,* –деган эди. Комил ишқ эса шахснинг – ошиқнинг ўзи, яъни нафси б-н кураши натижасидагина қўлга киради: *Чун фано йўлида ўзлуктин оғирроқ юк йўқ, /Шукрким ишқ ўти қилди сабукбор мени.* Узлик – нафс ишқ йўлига (Ҳақ ишқи – фано йўлига) кирган ошиқ учун оғир юк. Ундан халос бўлибгина мақсадга етиш мумкин: *Навоий ўзлукидин кечти, доғи қўйди қадам, /Бу йўлда эмди сабукборму экин оё?* Ёки: *Фано йўлинда сабукбор истасанг ўзни, /Ўзунгдин айла бурун ўзлукунг юкин маслуб.* Ўзликни англаш, нафсдан узоқлашиш йўлига ўтган одам дунёга, унинг мазмун-моҳиятига назар сола бошлайди. Ўзини тафтиш қилиш йўлига ўтади. Шоир ғазалларида бундай байтлар унинг шахсий сифатларини аниқлашда ҳам ёрдам беради. Жумладан: *Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзингни шод тут, Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб.* Умр – ғанимат. У жуда тез – ел каби ўтиб кетади. Елга эса етиб бўлмайди. Шу боис бу дунёга (дунё экинзорига) эзгулик – лутф ва эҳсон уруғини сочиш (яхшилик дарахтини экиш) муҳим, чунки нима эксанг – шуни ўрасан: *Мазраи даҳр аро соч, лутф ила эҳсон тухми/ Ҳар не эксанг они ўқ чунки ўрарсен охир.* Бу дунёни яратганида азал наққоши – Холиқ унга вафо нақшини чизмади. Шу боис дунёда ҳам, унинг одамларида ҳам вафо йўқ:

Чарх айвони мунаққашдур, вале наққоши сунъ /Чекмади нақши вафо бу тоқи миноқорда. "Н."даги ғазалларда, умуман, Навоий ижодида муайян уйғунлик бор. Мазкур девондаги ғазаллардан бирида айтилаётган фикр иккинчисида давом эттирилади, тўлдирилади, шарҳланади.

Девондаги ғазаллар маърифий фикр ва ғояларга бойлиги б-н алоҳида қимматга эга. Дунёнинг тузилиши, мазмун-моҳияти, унинг равиши, инсоннинг дунёвий фаолиятдаги ожизлиги, айни пайтда, илоҳиётга алоқадорлиги б-н қудратли хилқат эканлиги, Ҳақнинг азалий ва абадийлиги, комиллик – бутун инсониятнинг орзуси эканлиги каби мавзулар ирфоний мазмундаги ғазалларнинг бош мавзусидир. Шоир дунёнинг моҳиятига назар ташлаб шундай байтларни битади: *Бу гулшан гулларида чунки йўқ бўйи вафо, невчун, Тилаб они таманно ўтидин ҳар дам димоғ ўртай* ёки: *Кунгул олам уйига боғлама куп Ки, байтидур сенга ул истиора.* Демак, олам уйига кўнгил бермаслик, бу унга боғланиб қолмасликдир. Олам уйининг ўткинчилигини билмоқчи бўлсанг, ундаги уйлар – иморатларга қарагин, уларнинг умри қанча. Сенга мана шу яққол мисол эмасми? – деган мазмун мужассам бу байтда. Дунёнинг бевафолиги, ўткинчилиги ҳақидаги ғазалларида Навоий бутун яратиқларнинг маншааси ҳақида сўз очади. Бу масала кўпроқ ҳамд ғазалларда ўз ифодасини топган, жумладан: *Эй жамолинг жилваси миръоти инсу жон аро, Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро.* "Н." девонидаги бу каби ҳамдлар, аввало, дунёнинг яратилиши б-н боғлиқ масалаларга мурожаат қилади: *Зуҳури ҳуснунг учун айлабон мазоҳирни, /Бу кўзгуларда ани жилвагар қилиб амдо* ёки: *Вужудунг айлади кавну макон вужудин фош, /Ҳамул сифатки қуёш қилди заррани машҳур.* Ҳақни таниш, унга бўлган муҳаббатни ифодалаш, уни охиригача англаб бўлмаслик, ақлнинг ноқислиги ҳақидаги бу ғазаллар мазмун-моҳиятини англаш учун бошқа ғазаллардаги муайян ишораларга ҳам назар солиш керак. Жумладан, *Сенинг жамолингга гул кўзгусида булбул маст,/Сенинг зуҳурунг ила гул жамолига мағрур* мисралари тасаввуфнинг тажалли ҳақидаги ғояларини бадиий талқин этса, *Хирад гар аъмо эса кунҳи зотинг ичра не тонг, / Қуёшни кўрмаса хуффош бордурур маъзур* каби байтларида инсон ақлининг Ҳақиқат Қуёши олдидаги ожизлиги хусусида сўз боради. Мазмуни: "Сенинг зотинг моҳиятини англашда ақл ожиз бўлса, нега ажабланиш керак, ахир кўршапалакнинг қуёшни кўролмаслиги узрли-ку!". Демак, Ҳақнинг моҳиятини англаш йўлида инсон ақли кўршапалакнинг қуёш қаршисидаги аҳволи б-н баробар. Зеро, Аллоҳ моҳиятини ақл б-н англаб бўлмайди. Ҳадиси шарифда ҳам: "Аллоҳнинг моҳияти ҳақида эмас, балки унинг меҳрибонликлари ҳақида ўйланг", деб бежиз айтилмаган. Аммо инсонда илоҳийлик ҳам бор. Навоий мана шу умидбахшликни, нажотни ҳам ғазалларида тасвирланган. Дунё У зотнинг жамоли жилваси экан, ҳар бир нарсада Ҳақнинг бир сифати – илоҳийлик мавжуд. Шу боис Навоий: *Боқма, эй зоҳид, ҳақорат бирла ашё сариким,/Бўлмаган онинг сифоти мазҳари йўқ ҳеч зот,* – деб ёзишдан чўчимайди. Инсоннинг муносиб яшаб ўтиши учун мадад беради. Бу мадад – комиллик сари ундашдир. Шоир ғазалларида комиллик, комил инсонга муҳаббат кўпроқ Расулуллоҳ ва унга бўлган муҳаббатда ўз ифодасини топган: *Бўлсалар аҳли муҳаббат ҳар кишининг толиби, /Бизга сендурсен ики оламда матлуб, эй ҳабиб.*

Расулуллоҳга муҳаббат шоир ҳаёт йўли ва фаолияти б-н ҳам уйғун. Навоий бу муҳаббатни ҳар дамда ҳис этган. Ҳатто ижодининг гултожи "Хамса" ҳақида шу девондаги бир наът ғазалда сўз юритиб, *Бўлмағай эрди муяссар «Хамса», яъни панж ганж/ Қилмаса эрди мадад ҳолимға беш оли або,* – деб ёзади шоир. Байтдаги "беш оли або", бу – Расулуллоҳнинг аҳли оиласи. Уларнинг мадади – тавқидга йўллашлари ва Ҳақ йўлни кўрсатишларида! Навоий "Хамса"си ҳам Ҳақиқат йўлидаги орзу-интилишларнинг бадиий талқини эди.

"Н." девони Навоийнинг ўрта ёшлик давридаги бадиий тафаккурининг гўзал намунаси бўлиш б-н бирга, туркий девончиликка қўшилган муносиб ҳисса сифатида ҳам муҳим адабий қимматга эга.

“НАВОДИР УШ-ШАБОБ” (“Йигитлик нодирликлари”) – “Хазойин ул-маоний” лирик куллиёти таркибига кирувчи иккинчи девон. Куллиётга ёзилган дебочада девоннинг номланиши ҳақида шундай фикрлар келтирилади: “...иккинчи девонниким, йигитлику ошуфталиғ ва шабобу олифталиғ ёзию даштида юзланган нодир вақойиъ била пийроста бўлуб эрди, «Наводир уш-шабоб» аталди”. Шоирнинг ўзи таъкидлаётганидек, бу девон шоирнинг йигитлик давридаги нодир ҳолатига ҳамоҳанг тарзда яратилган шеърлари б-н зийнатлангани сабабли унга “Н.” деб ном берилган. Девонга киритилган асарлар шоирнинг асосан “шабоб замони” – йигитлик даврида битилган шеърлардир: “...йигирмадин ўттуз бешгача деса бўлгайким, ҳам бу фусулнинг ёзидурурким, йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлиғининг оғозидур, анинг васфида «Наводир уш-шабоб» била кечурдим”, деб ёзади. Дебочадаги маълумотга кўра, “Н.”га асосан йигирма ёшдан ўттиз беш ёшгача бўлган даврда битилган шеърлар киритилган. Девонларга шеърлар тақсимланишининг нисбий эканлиги инобатга олинса, “Н.” га шоир ҳаётининг кейинги даврларида яратилган шеърлар ҳам кирганлиги маълум бўлади.

Девонга “Хазойин ул-маоний”да истифода этилган лирик турнинг ўн олти жанридан саккиз жанрига мансуб 759 шеър киритилган. Улар 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржиъбанд, 1 таркиббанд, 50 қитъа ва 52 муаммодан иборат.

Навоийнинг барча девонларида бўлгани каби “Н.” девонидаги шеърларнинг ҳам асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Девондаги дастлабки беш ғазал мавзусига кўра ҳамд ғазаллар ҳисобланади. Ушбу ғазалларнинг таянч манбаси Қуръони карим ва ҳадиси шарифдир. “Н.” девони *“Зиҳе зуҳури жамолинг қуёш кеби пайдо, Юзунг қуёшиға зарроти кавн улуб шайдо”* матлаъли ғазал б-н бошланади. Ғазал бу оламнинг асоси ва моҳиятини ташкил қилувчи *ишқ* ҳодисаси талқинига бағишланган. Унда ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосида Аллоҳнинг тажаллийси бутун борлиқни қамраб олганлиги, бу оламдаги барча ҳодисаларда У мавжудлиги, маъшуқ ҳам, ошиқ ҳам ўзи эканлиги айтилиб, иқтибос санъати воситасида Қуръони каримдаги “Аҳзоб” сурасининг 72-оятидан парча келтирилади. Унга кўра, Инсонга Аллоҳ томонидан “омонат юки” берилган бўлиб, инсон уни кўтаришни бўйнига олди, лекин омонатни сақлай олмай, “залуму жоҳил” (золим ва жоҳил) бўлиб қолди. Ғазалда Аллоҳнинг улуғлиги, банданинг ожиз ва гуноҳкор эканлиги б-н боғлиқ фалсафий қараш юксак бадиият (фалсафий мушоҳадалар баёни учун қулай бўлган *мужтасс* баҳри; *иштиқоқ*, *ташбиҳ*, *истиора* санъатлари) б-н ифодаланган. Ғазалда қофиянинг ўзак таркибига кўра фарқланувчи *мужаррад* тури (ҳаво – наво – даво – гуво – раво...)дан фойдаланилган. Девондаги қолган ҳамд ғазаллар (2-, 3-, 4-, 5-, 114-, 132-, 199-, 322- ва б.)да ҳам Яратганнинг мадҳи баланд пардаларда давом эттирилади.

“Н.” да ўнга яқин наът мавзуидаги ғазаллар (6-, 7-, 92-, 129-, 242-, 284-, 295- ва б.) ҳам мавжуд бўлиб, уларда Расулуллоҳ (с.а.в) васфи ва меърож ҳодисаси бадиий жиҳатдан талқин этилган. “Н.” девонидан ўрин олган васф мазмунидаги наът ғазалларда Пайғамбар (с.а.в)нинг ҳусни, юксак ахлоқи, фазилатлари, ҳадислари ва бошқа сифатлари тавсиф этилади, у зотга бўлган чексиз муҳаббат ва у зотнинг шафоатларига ноил бўлиш истаги баён қилинади: *“Беҳишт сори киши тийра гўрдин бормас, Шафоатинг алифи тутмайин йўлиға сирож”* (92-ғазал). Меърож мазмунидаги ғазаллар Пайғамбаримизга юборилган буюк мўъжиза – меърож воқеасининг бадиий талқинига бағишланган бўлиб, уларда меърож туни тасвири кўпроқ самовий жисмлар тавсифи орқали баён қилинади: *Зиҳи бароқинг изидин қамар узорида доғ, Муайян икки қароғингға сурмаи мозоғ. Чу ёрутуб юзунг ўти фалак шабистонин, Уётидин ўчуруб ҳар тараф нужум чароғ* (295-ғазал).

Девондан шоирнинг орифона мавзудаги кўплаб ғазаллари ҳам ўрин олган бўлиб, уларда дунёнинг фонийлиги, умрнинг ўткинчилиги б-н боғлиқ фалсафий-тасаввуфий фикрлар б-н бирга ижтимоий-сиёсий ҳаёт б-н боғлиқ қарашлар, панд-насиҳат тарзидаги фикрлар ҳам баён қилинган. Шоирнинг шоҳбайт даражасига кўтарилган

"Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут, Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб" (52- ғазал), *"Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур, Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур"* (134-ғазал) каби байтлари ҳам "Н". даги ғазаллар таркибидан ўрин олган.

"Н." даги шеърлар аруз тизимининг 12 баҳрида яратилган. Агар "Ғаройиб уссиғар"да 9 та, "Бадоеъ ул-васат"да 10 та ва "Фавойид ул-кибар"да 11 та баҳр истифода этилганлигини ҳисобга олсак, шоир қўллаган энг кўп баҳрлар "Н."да эканлиги маълум бўлади. Ушбу баҳрлардан *ариз* баҳри туркий шеъриятда деярли қўлланилмаган бўлиб, девондан 322-рақам остида ўрин олган, *"Санову зотинг ичра топиб ажз, ақли идрок, Ғаҳи лоуҳси айтиб, замоне мо арафнок"* матлаъли б-н бошланувчи ҳамд ғазал мазкур баҳрда ёзилган. Яратганнинг буюклиги ва банданинг ожизлиги баёни акс этган ушбу байт *иқтибос* санъати воситасида зийнатланиб, шоҳбайт даражасига кўтарилган. Шунингдек, асосан араб шеърияти учун хос бўлган, туркий шеъриятда фақат баъзи шоирлар ижодида истифода этилган *комил* баҳрида ёзилган ғазал ҳам "Н."дан жой олган (339-ғазал).

"Н." девонида форс-тожик шоирларидан ижодий таъсирланиш ва айни пайтда салафлар ғазалларидаги мавзуни кенгайтириш асосида яратилган ғазаллар ҳам мавжуд. Шулардан бири девондаги 606-ғазал бўлиб, унда шоирнинг ғазалдаги устозларидан бири Ҳофиз Шерозийнинг "Зад" радифли ғазалидан таъсирланиш кўзга ташланади. Бу таъсирланиш икки хил кўринишда бўлиб, биринчиси Ҳофиз ғазалига "Девони Фоний"да форсий тилда *татаббуъ* боғлаш шаклида бўлса (қар.: татаббуъ), иккинчиси Ҳофиз ғазалининг радифини ўзбекча шаклда ("чекти") қўллаб, ундаги вазнни ва биринчи байтдаги образли тасвирни сақлаган ҳолда мустақил ғазал яратишдир. Ғазалнинг матлаъси қуйидагича: *"Саҳар ховар шаҳи чарх узраким, хайлу хашам чекти, Шиойи хат била кўҳсор уза олтун алам чекти"*.

Ҳофизнинг асосан ишқий руҳдаги ғазалидаги образли тасвир Навоийни том маънода фалсафий-ижтимоий руҳдаги янги бир шеър яратишга илҳомлантирган. Ғазалларнинг тасвир йўсини ҳам ўзига хос бўлиб, Ҳофиз ғазалида тасвир асосида "ёр" ва унинг фаолияти турса, Навоий ғазалида "ёр" образи учрамайди, унда табиат ҳодисасини ижтимоий ҳаёт воқеалари асосида таҳлил этиш бош мақсад қилиб олинган. Демак, Навоий Ҳофиз ғазалидаги ихчам образли тасвирни ўзининг фалсафий-поэтик мулоҳазалари асосида кенгайтириб, поэтик образнинг моҳияти ва имкониятларини янада чуқурлаштирган (Ё. Исҳоқов).

Навоий ўзигача туркий шеъриятда жуда кам ёзилган (фақат Сайфи Саройида учрайди) *мусажжаъ ғазал*нинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. "Н." девонида ушбу ғазалнинг юксак намунаси келтирилган бўлиб, қуйидаги матлаъ б-н бошланади: *"Не лўлийвашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар, Қиё боқмоқлари поки итик, мужгонлари-ништар* (194-ғазал). Мазкур ғазал Абдулвосеъ *Жабалий*нинг "Ки дорад чун ту маъшуқе нигори чобуки дилбар" мисраси б-н бошланувчи ғазалига туркий тилда ёзилган жавоб бўлиб, Абдураҳмон Жомий "Баҳористон"да ёзишича, бу ғазалга форсий тилда ёзилган татаббуълардан ҳеч бири муваффақиятли чиқмаган. "Н."дан шоирнинг ўша даврда ниҳоятда машҳур бўлган ғазаллари ҳам ўрин олган бўлиб, улардан бири *"Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки..."* мисраси б-н бошланувчи ғазалдир (625-ғазал). Мазкур ғазал ўз даврида кўплаб шеърларнинг яратилишига асос бўлган. Навоийнинг ўзи унга тахмис боғлаб, "Н." таркибига ҳам киритган (бу ҳақда қуйироқда фикр юритилади). Шоирнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да маълумот беришича, ғазалнинг шуҳрати шу даражага етганки, Абдураҳмон Жомий ғазалда қўлланилган вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб, унга форсий тилда татаббуъ битган ва Ҳусайн Бойқаро эътиборига ҳавола қилган. Татаббуъ подшоҳга маъқул тушиб, Навоийга уни *тасдис* ҳолига келтиришни топширган ва мусаддас тайёр бўлгач, подшоҳнинг ўзи уни Жомий ҳукмига ҳавола қилган. Жомийга ушбу мусаддас жуда маъқул тушиб, кейинчалик Навоий уни "Девони Фоний" таркибига ҳам киритган.

"Н." девонига ғазалдан кейин *мустазод* жанри киритилган бўлиб, куллиётдаги бошқа мустазодлар сингари 7 байтдан иборат. Мустазодда ошиқ риднинг ҳис-ҳаяжонга тўла, кўтаринки кайфияти ифодаланган. Унда таърифи келтирилган «муғбача» комил пирни ошиқ б-н боғлайдиган, Аллоҳдан мужда келтирадиган фаришта тимсолидир:

Дин офати бир муғбачаи
моҳюлиқудур, майхораву бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним
дайри фанодур сармасту яқом чок.

"Дайр" — комил инсон ҳузури, маънавият олами. "Соғар" эса комил инсон қалби, ишқ манбаи. Ошиқ ринд муҳаббат майидан маст, ишқда ўзидан бехабар, унинг хуморини ёзиш учун фалакдек катталикдаги соғар керак...

Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида келтиришича, ушбу мустазодга ўз даврининг машҳур бастакори Хожа Абдулло Марворид куй басталаган ва Ҳиротда бу кўшикни тингламайдиган хонадон бўлмаган. Ҳатто бир базмда мустазоднинг "сармасту яқом чок" сатри куйланаётганда, мажлис аҳли ўз ёқаларини йиртганлар ва бу ҳолни бир тасодиф туфайли туйнукдан қараётган Навоийнинг ўзи ҳам кўрган.

"Н." девонига киритилган уч мухаммаснинг "*Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул шоҳни...* деб бошланувчи беш банддан иборат биринчиси Лутфийга тахмисдир. Қолган икки мухаммасни шоир ўз ғазалларига тахмис боғлаб битган. Етти банддан иборат биринчи мухаммас: *Оҳким, волиҳ мен ул сарви хиромондин жудо...* деб бошланади. Унга асос бўлган ғазал шоирнинг дастлабки расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя"дан 52-рақам остида ўрин олган. "*Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо*" деб бошланадиган мазкур ғазал Навоийнинг мухлислари томонидан тартиб берилган "Илк девон"ида (19-б саҳифа) ҳам учрайди. Ғазал шоирнинг 25 ёшгача бўлган даврида яратилган ва кейинроқ "Бадоеъ ул-бидоя" таркибига ҳам киритилган. Бундан кўриш мумкинки, Навоий ўзининг ёшлик лирикасига мансуб ғазали мавзусига орадан вақт ўтгач яна қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тариқа ўз ғазалини мухаммас ҳолига келтирган. Тахмиснинг таркиби кузатиладиган бўлса, ундаги баъзи ўринлар ғазал матнидан бир оз фарқланишини кузатиш мумкин. Хусусан, мазмун талабига кўра ғазалдаги тўртинчи ва бешинчи байтларнинг ўрни алмашган. Бешинчи байтдаги "*гардун*" сўзи қофия имкониятига қараб тахмис таркибида "*даврон*" сўзи б-н алмаштирилган: шоир "*гардун*" сўзининг ўрнига "*жонон*", "*жон*", "*ҳижрон*" сўзлари б-н қофиядош бўлиш имконига эга бўлган "даврон" сўзидан фойдаланган. "Н."даги тўққиз банддан иборат сўнгги мухаммас "*Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки...*" мисраси б-н бошланади.

Девондан ўрин олган ягона – тўққиз банддан иборат "*Даҳр аро ҳеч қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ...*" деб бошланувчи мусаддас дунёнинг бевафолиги, фалакнинг золимлиги б-н боғлиқ фикрларни ўз ичига олади. Ушбу мусаддаснинг мазкур девондан ўрин олишида муайян асос бор, зеро шоирнинг умрнинг ўткинчилиги ҳақидаги фикрлари айнан кўз очиб юмгунча ўтиб кетувчи йигитлик б-н боғлиқ девонда келтирилиши тасодифий эмас эди.

Девонга "Хазойин ул-маоний"даги тўртта таржиъбанднинг бири ҳам киритилган. Таржиъбанд "*Жаҳон қасриғадур су узра бунёд*" мисраси б-н бошланиб, ҳажман 8 банд (бандлар 11-12 байтли), 103 байтни ўз ичига олади. Унда аруз тизимининг ҳазажи мусаддаси мақсур (мафоийлун мафоийлун мафоийл, V– – – /V – – – / V – ~) вазни қўлланилган. Ушбу таржиъбанд тасаввуфий-фалсафий мавзуда бўлиб, юқорида келтирилган мусаддаснинг мантиқий давомидек янграйди. Унда ҳам буюк мутафаккирнинг жаҳон – борлиқ ҳақидаги фикрлари, дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткинчилиги б-н боғлиқ қарашлари акс этган. Навоий бир мусаддас доирасида айтиб улгурмаган фикрларини ушбу таржиъбандда давом эттиради. Шоирнинг фикрича, жаҳондаги бор нарсанинг ҳаммаси сув устига қурилган, демак омонат. Фақат Ҳақгина боқий. Инсон ўз умрининг ҳам қисқа ва омонат эканлигини англаши ва ўзини тўлалигича ирфонга, яъни Яратганни танишга, эзгу

ишлар қилишга сарфламоғи лозим. Таржиъбанддаги барча бандлар "жаҳон" сўзи б-н бошланади ва шу орқали шоир китобхон диққатини ўзи айтмоқчи бўлган асосий фикрга қайта-қайта жалб қилади. Т.даги восила байтда ҳам ушбу сўз такрорланади:

Бақосиздур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким мосивалоҳ.

"Н."даги шеърлар Алишер Навоийнинг жанрлардан фойдаланиш имкониятлари юксаклигини намоён қилади. Девондан ўрин олган таркиббанд "Ҳазойин ул-маоний"да ягона саналган, 56 байтдан иборат рамал баҳридаги (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фаилотун, фаилотун, фаълон, яъни: – V – – | V V – – | V V – – | – ~) Сайид Ҳасан Ардашер вафотига бағишланган марсиядир. Умуман, Навоий куллиётдаги деярли ҳар бир девонда ўзи учун ниҳоятда қадрли бўлган, комиллик тимсоли саналган бу шахсга муайян лирик жанрдан ўрин ажратади ("Ғаройиб ус-сиғар"даги маснавий; "Фавойид ул-кибар"даги "Соқийнома", 26-боб). "Н."даги таркиббанд ўзига хос композицион қурилишга эга. Асар олам, фалакнинг жафокорлиги (1–2-бандлар), Сайид Ҳасан Ардашернинг оламдан ўтиш хабари (3-банд), унинг тавсифи (4-банд), устоз руҳи б-н мулоқот (5-банд), шоирнинг ўз мақсади, эътиқоди тасвири ва тақдир тақозоси б-н боғлиқ фикрлар (6-банд) ва умумий хулоса (дунёнинг бевафолиги ва дўстларга насиҳат)дан иборат.

Таркиббандда шоирнинг азиз инсонидан айрилиши туфайли вужудга келган қалб оғриқлари, дардли ҳиссиётлари, аламу изтиробларини баён қилинади. Масалан, таркиббанднинг 6-бандида шоир устози вафот этган вақтда Ҳиротдан узоқда бўлганлиги, у б-н видолаша олмаганлигидан чексиз изтироб чекади: "*Манга зулм ўлди фалакдинки чу бўлдунг бемор, Керак эрдики мен ўлсам бошинг узра ғамхор*".

Девонга "Ҳазойин ул-маоний" куллиётидаги 210 қитъадан 50 таси киритилган. Навоий қитъалари ҳам девондаги бошқа жанрлар, хусусан, ғазал сингари муайян туркумда тартибланган. Унда дастлаб "Ҳақ таоло" хусусидаги ҳамд-қитъа берилса, ундан сўнг анъанага кўра Пайғамбаримиз (с.а.в)га бағишланган наът-қитъа келади. Куллиётдаги бошқа девонларда бўлгани каби "Н."дан ўрин олган қитъаларнинг барчаси сарлавҳаланган. Девондаги қитъаларнинг муҳим хусусияти шундаки, уларда ўша даврнинг энг асосий гуруҳлари, табақалари ҳақидаги шоирнинг хулоса ва баҳолари бадиий шаклда ифодаланган. Хусусан, қуйидаги байтда барча қитъаларнинг моҳияти мужассам бўлганлигини кўриш мумкин: *Орзу қилдим вафо аҳлин кўрай деб, топмадим, Хоҳ зоҳид, хоҳ фосиқ, хоҳ сойил, хоҳ шоҳ* (24-қитъа).

Девондан ўша даврда яшаб фаолият юритган аниқ шахслар ҳақида яратилган қитъалар ҳам ўрин олганки (Қози Риёзий, Шарбатий, Маҳмуд Сайёд, Шоҳ Жўки ва б.), уларда енгил ва бегараз кулгу орқали қаҳрамонлар шахсига хос хусусиятлар баён қилинади.

"Н." девони *муаммо* жанри б-н интиҳо топади. Навоийнинг туркий тилда яратилган ушбу жанрдаги барча шеърлари мазкур девондан ўрин олган. Умуман, "Ҳазойин ул-маоний" куллиётидаги барча девонлар муайян кичик лирик жанрлар б-н зийнатланган. "Ғаройиб ус-сиғар"да бу ҳолат рубоий жанри воситасида намоён қилинган бўлса, "Бадоеъ ул-васат" луғз ва туюқ жанрлари жойлаштирилганлиги б-н алоҳида аҳамият касб этади, "Фавойид ул-кибар" эса хулосаловчи жанр ҳисобланмиш фард б-н якунланган. "Н."дан 52 та муаммо ўрин олган бўлиб, уларнинг аксарияти асосан бир байтли, фақат "Қосим" ва "Заҳир" исмларига битилган муаммолар икки байтдан иборат. Агар "Н."да келтирилган 52 муаммонинг барчаси шоирнинг биринчи расмий девони "Бадоеъ ул-бидоя"да ҳам шу миқдорда жойлаштирилганлиги ҳисобга олинса, Алишер Навоий ижодкорнинг зеҳни ва билимдонлигини муайян тарзда белгилаб берувчи мазкур жанрдаги шеърларининг ҳаммасини қирқ ёшгача яратиб бўлганлиги маълум бўлади. Девонда муаммо номлари алифбо тартибида жойлаштирилган. "Н." "Одам" номидаги муаммо б-н бошланиб, "Юнус" исми яширинган муаммо б-н хотималанган. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятида инсон ва унинг тақдири бош

масалалардан бўлганлиги учун унинг форсий девони "Девони Фоний"да ҳам, муаммо илмига бағишланган асари "Муфрадот"да ҳам муаммолар "Одам" исми б-н бошланади (қар.: "**Девони Фоний**"). Навоий муаммолари ўзининг юксак ғоявий-бадиий хусусиятлари б-н алоҳида ажралиб туради. Муаммолар ранг-баранг мавзуларда яратилган бўлиб, улар ғоявий мазмун жиҳатидан ҳам шоир ижодининг бош масалаларига уйғундир. Уларда муҳаббат, адолат ва бошқа қатор ахлоқий-фалсафий масалалар қаламга олинган. Бу муаммолар маълум қоидалар асосида ечилганда унда баён этилган фикрлар турли имо-ишоралар, сўз ўйинлари воситасида далилланади. Муаммоларда яширинган номларга диққат қилинса, улар орасида Навоийнинг салафлари (Хусрав, Салмон, Заҳир), ўз асарлари ва бошқа муаллифларнинг асарларидаги каҳрамонлар (Фарҳод, Саъд, Фаррух), шоирнинг замондошлари ва дўстлари (Камол, Ҳасан, Вали) нинг номларини учратиш мумкин. "Н."даги муаммолар орасида ҳар биридан икки ном чиқадиган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, "Боқий" ва "Боқир" исмларига айтилган муаммода ёр юзи жаннат гулига, оёғининг кафти жаннат насринига ўхшатилган: *Жаннат гулию насринға бўлсанг муштоқ, Гаҳ ёр юзига, гаҳ кафи пойиға боқ.* Муаммо интиқод ва таълиф қоидаси б-н ечилади. "Ёрнинг юзига боқ" иборасидан "ёр" – ر нинг юзи ى ҳарфига "боқ" باق қўшилса, باقى "Боқий" бўлади. "Ёр кафи пойига боқ" иборасидан ر нинг кафи пойи ى ҳарфига "боқ" باق қўшилса, باقر "Воқир" исми ҳосил бўлади.

Девонда рубоий шаклида ёзилган муаммолар (рубоий-муаммолар) ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сони иккита ("Қосим ва "Заҳир" исмига битилган). "Заҳир» исмига битилган муаммонинг лугавий маъноси қуйидагича: Агар гўзал юзини зуҳур, яъни намоён қилса, барча: кичик ёки улуг ёшдаги кишилар унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, ўз ҳаракатларини остин-устун қиладилар: *Халқ ичра зуҳури ҳусн ул сийминбар, Кўргузди ваё булди қиёмат яксар. Ким жилвагар эрди гар кичик, ёхуд улуғ, Бир-бир ҳаракатин айлади зеру забар.*

Ундаги ишорага кўра, матндаги ҳаракатлар, яъни белгилар остин-устун бўлади ёки зеру забарга айланади ва "Зуҳур"дан "Заҳир" келиб чиқади (яна қар.: **муаммо**).

"Н." девони Алишер Навоийнинг девон тартиблашдаги маҳоратини кўрсатувчи муҳим манба бўлиш б-н бирга мумтоз туркий шеъриятдаги девончиликнинг гўзал намунаси эканлиги б-н ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

НАВРЎЗ – Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларининг қадимий анъанавий байрами. Қуёш Ҳут буржидан Ҳамал буржига ўтадиган куни, тун ва кун тенг бўлган пайтда (21-22-март) нишонланади. Н.байрамининг сарчашмалари қад. аждодларимизнинг коинот, Қуёш, Ерга бўлган эътиқодлари асосида вужудга келган. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Н. асрлар давомида мазмунан чуқурлашиб, шаклан бойиб борган. Дастлаб Н. байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатига айланган. Асрлар ўтиши б-н турли халқларда Н. байрамини ўтказиш уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашган. Тарихий манбаларга кўра, Н.ни байрам қилиш Аҳамонийлар давридан бошланган ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Н. халқ ҳаётидаги энг муҳим кун ҳисобланган, чунончи: 1) йилнинг бошқа кунларига нисбатан Н. шундай кайфиятни вужудга келтирадики, унда ҳамма хурсанд, шод ва бахтиёр бўлади; 2) қадимдан байрамлар (маълум вақтда такрорланиб тургани учун) ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Шу жумладан, Н. ҳам вақт ўлчови сифатида хизмат қилган, яъни йил бошини нишонлаш вақти келганда, одамлар яна бир йил ўтганини ҳис қилишган. Демак, Н. вақтни чуқур ҳис қилиш, қадрига етиш учун шароит яратган; 3) Н. ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгу бўлиб хизмат қилган; 4) Н. жисмоний ва ақлий меҳнатдан озодлик ҳамда турли мажбуриятлардан эркинлик куни ҳисобланиб, одамлар кундалик иш, вазифа, бурч ва ташвишлардан озод бўлишган; 5) Н. кунида тенглик ҳукм сурган.

Ҳамма бир қозондан овқат еб, биргаликда сайилгоҳларга чиқиб, сайр қилишган; б) Н.кунида вужудга келган руҳий кўтаринкилик кишиларни эртанги кунига умид боғлашга, келажакка ишонч б-н қарашга, ҳаётни янада гўзал қилишга ундаган.

Н. байрами араб халифалигининг дастлабки босқичида ман қилинган бўлса-да, кейинчалик халқнинг иродасига кўра бу байрамни нишонлаш яна расмий тус олган. Н. ҳақида араб шоирлари Башшор ибн Бурд, ал-Жоҳиз, Абунувос шеърлар ёзишган. "Ниҳоят ул-араб фи фунун ил-адаб" муаллифи Шаҳобиддин ан-Нувайрий (12-аср) Н.ни байрам қилиш анъанасини Ҳазрат Али замонига боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Ҳаким Термизий, Беруний, Умар Хайём Н. ҳақида ўз асарларида маълумот беришган.

Темурийлар даврида Н.ни байрам қилиш анъанаси қайта тикланиб, турли сайил ва томошалар ўтказилган. Алишер Навоий ҳам ўз ғазалларида Н. кунини қадр кечасидек муборак ва хосиятли кун деб таърифлайди. Шунингдек, 1489-й.да Н. байрами ва Рамазон ҳайити бир кунга тўғри келганини қуйидагича тавсифлаган:

Мувофиқ кийдилар,
булмиш магар наврўз ила байрам.
Чаман сарви ёшил хилъат,
менинг сарви равоним ҳам
("Фавойид ул-кибар", 420-ғазал)

"Тарихи мулуки Ажам"да келтирилишича, Пешдодий подшоҳ Жамшид Истахр шаҳарини кенгайтириб, тун ва кун тенг келган вақт (21-22 март)да, катта бир қаср устида тахт ўрнатиб, адолат б-н ҳукмронлик қилишни бошлаган. Ўша кун кейинчалик Н.байрамига асос бўлган.

НАВФАЛ – "Лайли ва Мажнун" достони қаҳрамонларидан бири. Араб қабилаларидан бирининг бошлиғи, достонда Мажнуннинг ҳолатини тушунган, унинг халоскори сифатида келтирилади. И.Ю.Крачковскийнинг фикрича, Н. тарихий шахсдир, у гарчи давлатманд бўлса-да, инсон қадри-қимматини, унинг ички кечинмаларини чин юракдан тушуниб, юқори баҳолайди. Н. Мажнуннинг ишқини тушуниб, ёрдамлашса ҳам, лекин унинг одамлардан узоқлашиб, тоғ-даштларда, ёввойи ҳайвонлар орасида юришини ёқламайди. Н. ҳам ишқ соҳибларидан бўлган, лекин унинг ишқдаги мартабаси муайян бир босқичда қолиб кетган, шунинг учун у Мажнуннинг дардига малҳам топиш мумкин деб ўйлайди ва Лайли қабиласига кўшин тортади.

Навфалки Арабда эрди нодир,
Тиғиға қадар, ўқиға қодир.
("Лайли ва Мажнун")

НАЖД – Арабистон ярим оролидаги тоғлар тизмаси. Баландлиги 750–1500 метргача келади. Шимолдан Ироқ ва Иордания, жанубдан Рубъул-холи, шарқдан Иҳсо ва ғарбдан Ҳижоз б-н туташган. Саудия Арабистонининг пойтахти – Ар-Риёз ҳам Н. воҳасида жойлашган. "Лайли ва Мажнун" достони воқеалари Н. водийсида бўлиб ўтади. Достоннинг 9-бобида Н. ишқ водийси таркибида тасвирга тортилган бўлса, асосий қисмда Мажнун макон тутган манзил сифатида қаламга олинган.

Ул қуллаки Нажд дерлар они,
Ер уза келиб сипеҳри сони
("Лайли ва Мажнун", 32-боб)

НАЖЖОР, Абулҳасан – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Дурадгорлик касби б-н шуғулланган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг замондоши. "Нафаҳот ул-унс"да ушбу шайх ҳақидаги бобдан кейин Ансорийнинг ҳолот ва мақомотидан ҳикоятлар келтирилган бўлиб, Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га уларни қисқартириб киритган.

НАЖМИДДИН КУБРО, Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий (1145–1221, Хива) – тариқат шайхи, йирик тасаввуф олими, халқ қаҳрамони, оташнафас шоир. Хоразмдан 16–17 ёшида илм иштиёқида чиқиб кетиб, 40 ёшларида машҳур шайх сифатида қайтиб келади. Н.К. чорак аср давомида Нишопур, Исфаҳон, Ҳамадон, Табриз, Миср, Макка, Ҳалаб, Искандария, Дизфул каби шаҳарларни кезиб, Абулмакорим Лубон, Абужаъфар Сайдлоний, Абумансур Ҳафдаҳ, Абу Муҳаммад Таббеҳ, Абу Тоҳир Салафий,

Рўзбеҳон Ваззон ал-Мисрий, Аммор Ёсир, Исмоил Қасрий каби шариат ва тариқат олимларидан ҳадис ва тас. илмини ўрганади. Баъзи манбаларда унинг 1172 й.да Ҳамадонда буюк тас. пири Юсуф Ҳамадоний ҳузурида ҳам сабоқ олганлиги айтилади. Аммо Н.К.нинг улуг суфий шайх бўлиб етишишида, асосан, Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ҳамда Исмоил Қасрий каби муътабар инсонларнинг хизмати катта бўлган. Н.К. улардан тас. илми ва тариқат одобини ўрганади. Шайх Исмоил Қасрийдан иродат хирқасини олган бўлса, Шайх Рўзбеҳон Мисрий унга ўз тариқатини шакллантириш учун "ижоза" беради. Н.К.нинг устозлари орасида унинг эгнига ўз тунини ёпган Бобо Фаражнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У Н.К.даги мажзубликни "муҳаббатни ривожлантириш, уни ғайб асрори оламига, ботиний кароматларга ошно этиш ва шунга йўналтиришга" (Н.Комилов) интилган.

Н.К. Хоразмга қайтганидан кейин тарихга "ат-тариқа аз-заҳабия" – "Олтин тариқат" номи б-н кирган Кубравия тариқатига асос солади. У Қуръон таълимотини мажозий талқин қилишга ва шариатга асосланган бўлиб, нафақат Мовароуннаҳр, балки, Эрон, Миср, Ироқ ва Афғонистонда ҳам тарқалган. Тариқат аҳллари зикри хуфия усулини тарғиб этганлар. "Тариқу шуттор", яъни бебоклар – қўрқувсиз ва парвосизлар йўли, деб аталган мазкур тариқатнинг асоси Н.К. асарларида таърифланган 10 қоидада ўз аксини топган.

Шарқнинг буюк мутасаввиф шоирлари – Фаридиддин Атторнинг устози Маждиддин Бағдодий ва Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад Н.К.нинг қўлидан шайхлик хирқасини кийганлар. Н.К.нинг шогирдлари орасида Сайфиддин Бохарзий, Саъдиддин Ҳамавий, Нажмиддин Розий, Шайх Разиддин Али Лоло, Бобо Камол Жандий, Шайх Жамолиддин Гейлий каби мусулмон Шарқида машҳур номларни учратиш мумкин.

Н.К.нинг "Ал-усул ал-ашара" ("Ўнта усул"), "Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол" ("Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи"), "Рисолатул хоиф ул-ҳоим ан лавмат ил-лоим" ("Қўрқувчи ноораларга ва маломат этувчи маломатийлар ҳақида"), "Тафсир", "Шарҳ ус-сунна вас-масолик" ("Сунна ва эзгуликлар шарҳи") китоблари машҳур. Н.К. ўз асарларини асосан араб тилида ёзган. Фақат бошловчи суфийлар учун қўлланма сифатида яратилган "Фи одоб ус-соликин" ("Соликлар одоби ҳақида") асари ва рубоийлари форсийда битилган. Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат"да ёзишича, "аларға Кубро андин лақаб бўлдики, йигитлик авонидаким, зоҳир улуми таҳсилиға машғул эрмишлар, ҳар ким билаким, мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмишлар – ул кишига ғолиб бўлурлар эрмиш".

НАЗАР – нигоҳ, кўз қараши. Мажозий маънода борлиқ моҳиятини англаш йўлидаги таважжуҳ ва дақиқлик, илоҳий жазба ва иноят ҳамда соликнинг дунё ишларидан кўз юмиб, фақат илоҳий маърифат йўлидаги саъй-ҳаракати маъноларида тушунилади. Ансорийнинг фикрига кўра, Н. икки навдир: инсоний Н.ва раҳмоний Н. Инсоний Н. деб, инсоннинг ўз феъли ва амалига боқмоғи ва бундан мағрурланмоғи тушунилса, раҳмоний Н. соҳиби деб, барча ишларнинг бош сабабчиси ва амалга оширувчиси Ҳақ таоло эканлигини англаб, ризо ва таслимият билан олам ишларига муносабат билдирувчи кишига нисбатан айтилади. Ҳадисга кўра, имони мукаммал зотлар олам ишига илоҳий нур билан Н. соладиган азиз бандалар ҳисобланади. Шу сабабли, тасаввуф тарихида Нажмиддин Кубродек авлиёларнинг Н.и баракотидан гумроҳларнинг ҳидоят тавфиқи топиш ҳодисалари кўп кузатилади.

Ҳар қаён боқсам кўзумга
ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сари қилсам назар,
ул ой манга манзур эрур
("Гаройиб ус-сиғар", 186-ғазал).

НАЗАРАЛИ ФОИЗИЙ (16-аср) – Навоий асарлари мажмуасини кўчирган хаттотлардан бири. Алишер Навоийнинг йигирма битта асаридан таркиб топган қўлёзмани 16-асрда кўчирган. Мазкур қўлёзма Санкт-Петербургда, РМКнинг Шарқ бўлимида Дорн 558 рақами остида сақланади. Ҳажми 722 варақдан иборат, ўлчо-

ви – 240x340 мм. Котиб қўлёзмани Эрон Озарбайжонининг Қизилоғоч шаҳрида тўрт йил (1592–96) давомида кўчирган. Қўлёзма Фарҳодхоннинг сарой кутубхонаси учун тайёрланган. Котиб "Лисон ут-тайр" сўнгида (325-б варақ) "Назарали Файзий", "Маҳбуб ул-қулуб" сўнгида (694-а варақ) "Али Фоизий" деб имзо қўйган. Хати – настаълиқ. Куллиёт бир муқовага олинган. Чармдан ишланган олий навли муқованинг устига олтин суви б-н ўйма расмлар туширилган бўлиб, расмларда ов манзараси акс этган.

"НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР" – Алишер Навоийнинг панднома йўналишидаги асари. Ҳазрат Али ибн Абутолиб ҳикматларининг таронаи рубоий шаклида қилинган шеърий таржималарини ўз ичига олади. "Н." 1485 й.да Султон Ҳусайн Бойқаронинг "Рисола"-сига жавоб ва миннатдорлик изҳори тариқасида ёзилган. Асар муқаддима, асосий қисм ва хотимадан иборат. Муқаддима қисмида Навоий анъанавий ҳамд, наът ва васф мавзуларида асарнинг умумий мазмун-мундарижаси ва ғоявий ниятига мос келадиган ифода ва баён воситалари ёрдамида қалам тебратиб, сўнг сўз гавҳари ҳақидаги мулоҳазаларини баён этади ҳамда уни шакл ва маъно уйғунлиги бўйича аъло (энг олий), авсат (ўрта) ва адно (қуйи) каби уч даражада қўлланиладиган сўзларга таснифлайди. Сўзнинг энг олий даражаси (аъло мартабаси)га Аллоҳнинг Каломи – Қуръони карим, ҳадиси шариф, сўнгра набийлар, саҳобалар ҳамда валийларнинг ҳикматлари, ўрта даражасига балоғат илмини чуқур эгаллаган шоир ва адиблар, нотиқ ва воизларнинг сўзлари, адно – қуйи даражасига омма истеъмолида бўлган сўзлашув услубини киритади. Навоий нутқ шарафи б-н мумтоз бўлган инсоннинг сўздан муроди – маъно оламига йўл топиш, моҳиятни англаш ҳамда одамлар орасида ўз билими ва сўз гавҳарини тасарруф қилиш маҳоратига қараб имтиёз топиши эканлигини таъкидлаб ўтади. Баён этилган фикрларнинг деярли барчаси оят ва ҳадислардан иқтибос келтириш орқали қувватлантирилади, хулосалар таъсирчанлигини ошириш учун рубоийи таронадан фойдаланилади.

"Н." нинг ёзилиш сабаблари ҳақида тўхталар экан, Навоий болалигидан Қуръон ва ҳадисдан таълим олиш баробарида ҳазрат Алининг ҳикматлари б-н ҳам танишгани, замондош олимлар ва фозиллардан ушбу ҳикматлар форс тилига таржима бўлганини эшитиб, ўша даврлардаёқ бу шарафли ишни туркий тилда амалга оширмоқни ният қилганини қайд қилади. Ушбу ният ҳижрий 890 й. (мил. 1485 й.) янада қувват олади: Султон Ҳусайн Бойқаро туркий тилда рисола битиб, унда салтанат даврида қўлга киритган ютуқлари ҳамда шукроналикка сабаб бўлганлар – мамлакати ҳудудида яшаб фаолият юритаётган зотлар, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш ва маданий ҳаётдаги юксалишлар ҳақида фикр юритиб, айниқса, Навоийнинг бу борадаги қаҳрамонликларини алоҳида мамнуният б-н қайд қилиб ўтади ва унга туркий шеъриятнинг соҳибқирони, деб юксак баҳо беради. Бундай шоҳона илтифот ва дўстона эътирофга муносиб жавоб қайтариш ва ўзининг самимий муносабатини изҳор этиш мақсадида кўп мулоҳаза юритган Навоий ғайб оламидаги ҳотиф кўнглига нидо солганидан кейин Ҳазрат Алининг "Наср ул-лаолий" ("Сочма дурлар") асаридаги ҳикматларни шеърий таржима қилишга киришади.

Рашиддиддин Ватвот ва Афзал Мароғий "Наср ул-лаолий"даги 100 арабча ҳикматни "Сад калима" ("Юзта ҳикматли сўз") номи б-н рубоийи тарона шаклида форс тилига таржима қилганликларидан хабардор бўлган Навоий бу ишга киришаркан, 300 та ўзбекча рубоийи тарона ёзиб, бу йўналишда ҳам миқдор, ҳам сифат бўйича форсий салафларидан кам бўлмаган асар яратишга эришган. Бундан ташқари, "Н." "Сад калима"лардан фарқли равишда насрда ёзилган муқаддима ва хотима қисмидан иборат. Ушбу қисмларда келтирилган 32 рубоий ҳам рубоийи тарона шаклида битилган. Жумладан, қуйидаги рубоийда тўрт халифаи рошидон таърифи тўрт мисрада баён қилинган:

Аввалғини фазл дурриға уммон бил,
Сонийсини адл гавҳариға кон бил,
Солисни ҳаё гулбуниға бўстон бил,
Робиъни валоят баданиға жон бил.

Асосий қисмда даставвал Ҳазрат Алининг арабча ҳикмати аслиятда келтирилиб, сўнг ҳар бир ҳикматнинг умумий мурод-матлабидан келиб чиққан ҳолда тўрт мисраси қофияланиб келган тўртликлар ёзилган. Ушбу рубоийлардан 221 таси мураддаф (радифли) бўлиб, шундан 33 таси икки сўзли, 188 таси бир сўзли радиф, 47 рубоий эса радифсиз. Умумий миқдори 268 та бўлган арабча ҳикматли сўзлардан англашиладиган фикрлар тўрт мисрадан иборат шеърий шаклда ўзининг тугал поэтик ифодасини топган. Тўртликларда илгари сурилган фикрлар, тараннум этилган инсоний фазилатлар турлича бўлгани б-н ягона мантиқий меҳвар атрофида бирлашади. Ҳикматлар ва шеърий таржималарда инсон феъл-атворининг муайян қирраси ёритилади, асрлар давомида қайта-қайта ўз исботини топган ҳаётий ҳақиқатлар, эътикод нури б-н мунаввар кечинмалар, фикр ва туйғулар баён этилади.

"Наср ул-лаолий" – Ҳазрат Алининг ахлоқий қарашлари акс этган ҳикматлар мажмуи. Навоий бу асардан чинакам инсоний баркамоллик касб этиши учун лозим бўлган шартларни сайлаб, бирма-бир таърифлайди. Аҳдга вафо қилиш, шукр, оила тутиш одоби, диёнат ва омонатни сақлай билишлик, ота-онага ҳурмат, сабр, нафс душманлиги, тил офати, миннат б-н яхшилик савобини йўққа чиқариш хатари, таваккул, илмга интилмоқ, ҳиммат ва адолат каби ибратли фазилатлар тараннумидан иборат бўлган рубоийларида арабча ҳикматларда мухтасар тарзда баён этилган мангуликка дахлдор қуйма фикрларни ривожлантириб, янги мазмунлар б-н бойитган.

Рубоийлар мазмун-мундарижасига кўра туркумланмаган. Айрим тўртликлар яхлит бир мавзу ғояларини ифодаласа-да, улар "Наср ул-лаолий"да қай тартибда келган бўлса, шундайлигича китобат қилинган. Масалан, "Н."да сўз таърифида 14 та рубоий ёзилган бўлиб, улар асарда кетма-кет келтирилмайди. Тўртликлар замирига сингдирилган ҳикматлар сўз гавҳарининг турли қирраларини ёритиб, бир-бирини тўлдириб боради. Жумладан, 19-рубоийда киши бошига кўп балолар тилидан келиши таъкидланган бўлса, 46-рубоийда қисқа, лўнда ва мухтасар сўз сўзларнинг яхшиси ҳисобланиши ҳақида фикр юритилган:

Ҳар кимсаки, сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сўзким десун улки ихтиёрида дурур,
Суз яхшилиғи чу ихтисорида дурур.

Шу мавзудаги кейинги рубоийларда эса яхши суҳбатдошнинг фазилати, аччиқ сўзнинг касофати, сўз – ақлнинг белгиси, равон ва фасоҳат б-н сўзлаш – маънавий бойлик эканлиги, сукут сақлаш шарофати каби дурдона фикрлар назм ипига тизилган. Ҳикматли сўз (афоризм)нинг асосий хусусияти – жуда кўп фикрларни оз сўз б-н ифодалаш малакасидир. Шу сабабли, ҳикматлар замирида жо бўлган маъно қатламларини тафаккур ва тадаббур этиб, мағзини чақиб олиш ҳам фикр дақиқлиги ва алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Навоий Ҳазрат Алининг ҳикматларини шеърий йўсинда шарҳлар экан, ҳикматларнинг бош ғоясини асос қилиб олади ва оддий ўқувчи илғаши қийин бўлган жиҳатларига шоирона изоҳ беради. "Н." рубоийларининг яна бир муҳим хусусияти – уларда мураккаб ифода усуллари, англаш қийин бўлган маънавий санъатлар, икки-уч маънони ифодалайдиган сўзлар, илмий атамалар, талмеҳлар умуман қўлланилмаган. Навоийнинг "саҳли мумтанеъ" (тушунилиши осон, аммо ўхшатиб ёзиш имконсиз) услубида ёзилган рубоийларда баён этилган фалсафий умумлашмалар туфайли ўқувчининг тахайюл уфқлари кенгаяди, рубоийда ифода этилган фикрларни ривожлантириб, янги-янги хулосалар чиқаради ва ҳаётга татбиқ қилиш имкониларини кўра бошлайди.

Ҳикматлар ҳазрат Алининг бой маънавий олами, беқиёс тафаккур тарзи, сўз муъжизасини эгаллаш қобилияти, теран тафаккури ҳамда беназир шахсиятидан гувоҳлик беради. XV асрнинг ижтимоий барқарорлигига хавф солган шиалик мазҳабига мансуб айрим бузғунчи гуруҳлар ҳазрат Алини умр бўйи сиёсий ҳокимият учун курашган ва бу сиёсий курашни келажак авлодга ҳам васият қилиб қолдирган омадсиз сиёсатчи сифатида талқин қилиб, ислом ола-

мида охирзамон пайғамбаридан кейин энг машҳур бўлган шахс номидан ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга фойдаланмоқчи, айрим мутаассиб суннийлар эса ҳазрат Алига таважжуҳ зоҳир қилган соғлом эътиқодли кишиларни рофизийлик туҳмати б-н бадном қилмоқчи бўлганлар. Навоий бу ҳикматлар таржимаси орқали ҳазрат Алининг шахсияти, дунёқараши, эътиқоди ва маслаги дунёпарастларнинг даъво ва иддаоларидан баланд туришини амалда исботлаб берди ҳамда эътиқод, диёнат, дунёқараш бобида Алидек зотлар б-н маслакдош эканлигини ҳам кўрсатди.

"Н."ни ўқиган киши ислом дини – энг аввало, маърифат, гўзал ахлоқ, эзгу ният ва солиҳ амал қилишга ҳидоят этувчи, жаҳолат, риё, худбинлик, танбаллик, зулм ва зўравонликни қоралайдиган муқаддас дин эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Шу сабабли, "Н." мавзу нуқтаи назаридан диний асар ҳисобланса-да, моҳият этибори б-н ахлоқий-дидактик асарлар сирасига киради.

"Н." асари дастлаб Навоийнинг 525 йиллиги муносабати б-н чоп этилган "Асарлар"нинг 15-жилдида қисқарган ҳолда босилган. Асар ҳақида А. Қаюмов, С. Ганиева, Т. Ғофуржонова, И. Ҳусанхўжаев, Ҳ. Болтабоев, И. Ҳаққулов, М. Ражабова илмий мақола ва тадқиқотлар эълон қилишган. М. Рашидова "Н."нинг матний тадқиқоти бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ҳамда илмий-танқидий матнини нашр этган.

НАИМИЙ (15-аср) – ҳиротлик туркигўй шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида *Қутбий* тахаллусли шоирнинг қариндоши сифатида ундан кейин тилга олинади. Навоий унинг туркий тилда ёқимли шеърлар ёзиши, Султон Ҳусайн Бойқаро саройида садоқат ва ихлос б-н хизмат қилиб, олий мансабга эришгани, подшоҳнинг қувғинлик пайтида яраланиб, вафот этганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

То адамдин бўлди пайдо
мунчаким ҳусну жамол,
Сен паривашдек яратмабдур
башардин зулжалол.

НАМРУД – қадимги сурёний ҳукмдорларнинг умумий номи. Ҳом ибн Нуҳнинг авлодларидан бўлган Н. бин Канъон исмли подшоҳга Ер юзига ҳукмдорлик қилиш насиб этган. Н. ҳудолик даъвосини қилиб, одамларни Ҳақ йўлдан оздиради. Тушида мулкига завол еткадиган инсон туғилиши аён бўлгач, барча гўдакларни қатл этиш, аёлларга муайян муддат эрлари б-н қўшилмасликка буйруқ беради. Шунда Иброҳим Халилуллоҳ туғилиб, илоҳий муъжиза туфайли омон қолади. "Бақара" сурасидаги 258-оятнинг мазмунини муфассирлар Иброҳим (а.) ва Н. ўртасидаги баҳсга боғлаб талқин қиладилар. Н. Иброҳимни оловда ёқишни буюради, аммо муъжиза туфайли олов Иброҳим учун салқинлик ва омонлик бўлади ("Анбиё", 69–70 оятлар).

Н. каргаслар қанотига сандиқ боғлаб, осмонга учади ва Ҳақ таолога қарши ўқ узади. Ҳақ таоло унинг ўқини қон рангига ботириб, қайтаради. Н. Иброҳимнинг Худосини ўлдирдим, деб хурсанд бўлиб, баттар зулм ва зўравонликни кўпайтиради. Иброҳим дуоси б-н Н.қўшини пашшалар ҳужумидан ҳалок бўлади. Н.нинг ўзи димоғига кириб қолган пашшанинг дастидан азобли ўлим топади.

Н. бадиий ад-тда манманлик, такаббурлик, осийлик тимсолига айланган. Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Н. ҳақида маълумот бериб, унинг ҳаётига боғлиқ воқеаларни шеърларида талмеҳ қилган.

Недур учмоқ жоҳ ила,
охир фалак Намруднинг
Осмони тахту жоҳин
ганжи Қорун қилдило
("Фавойид ул-кибар", 31-ғазал).

НАРГИС – *1*) чучмомадошлар оиласига мансуб хонакилаштирилган сариқ, оқ рангли баҳор гули. Туркийча бўтакўз. Асосан ўрта ер денгизи ҳудудида ўсади. 30 га яқин тури бор. Ўзбекистонда 2 тури учрайди. Ҳар иккаласи ҳам манзарали ўсимлик ҳисобланиб, апрель ойида гуллайди.

Н. қадимдан образ ва рамз сифатида ҳам қўлланилади. Юнон мифологиясида бу гул баҳорда қайтиб келадиган ер ости маъбуди Персефинга аталган эди. Асотирларда гўзал чеҳрали йигитнинг ўзига ўзи маҳлиё бўлиб

ўлиши тўғрисидаги нақл б-н боғланган. Н. деган йигит тимсоли ўзига бино қўйганлик ва манманлик рамзига айланган. Гуллар тилида Н. хоҳиш ва худбинликни англатади. Тас.да ортиқча фараҳ ва нашъа кўринишида намоён бўладиган илм ҳосиласи.

Шарқ ад-тида Н. гули жоду, оҳу, ҳинду, кофир, куфр, жаллод, бало, бодом истилоҳлари б-н бирга маъшуқнинг кўзларига муқояса қилинади.

Кузунг шамойилини наргис
ар кўра олмас,
Санга не фикр кўзи чиқсун
улки, булди ҳасуд.
("Наводир уш-шабоб", 122-ғазал)

Навоий ижодида энг кўп қўлланилган образлардан бири бўлган Н. лола образи б-н параллел ҳолда ёрнинг кўзи ва юзини англатган. Қора рангли наргис ёрнинг кўзига ўхшатилган. Бундан ташқари, яна бир қатор маънолари бор.

Бири вусма бирла сурма
рангидин кўк тоқини,
Офат ангизу юра
наргисни фаттон айлабон.
("Фавойид ул-кибар", 454-ғазал)

1) Сариқ ранг, олтин қадаҳ маъносида.

Наргис олтун жомининг оллида
кофурий ҳарир
Пардайи жонимдурур марҳун,
қадаҳполо эмас.
("Гаройиб ус-сиғар", 228-ғазал)

2) Юлдуз маъносида.

Навоий гулшанининг
наргиси нужум ўлғай,
Кўз учидин анга қилсанг
ҳисоб вақти нигоҳ.
("Гаройиб ус-сиғар", 521-ғазал)

НАРГИЗОР – наргис гулзори.

Сеп юра ер узра хоб олуд кўзга су уруб,
Кўз етарча ерни ул
су бирла наргизор қил!
("Гаройиб ус-сиғар", 388-ғазал)

НАРСИ БИННИ БАҲРОМ – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний подшоҳ. Тўққиз йил ҳукмронлик килган Н. кўп мамлакатлар, жумладан, Византия билан уруш олиб борган. Тарихий манбаларга кўра 298 йили император Галерий Н. билан сулҳ тузган. Н. ҳақида "Тарихи мулуки Ажам" ҳамда "Садди Искандарий"нинг 14-бобида маълумот берилади.

Чу Нарси булуб мулк ила комжўй,
Ато тахтида булди оромжўй.
Не қўйди фалак ҳам анинг комини,
Не аждоди тахтида оромини.

НАСИМИЙ, Али Имодиддин (1370, Шамоҳи – 1417, Ҳалаб) – озарбайжон шоири. Форс, араб тили ва ад-тини чуқур ўрганган, мантиқ, риёзиёт, табиат ва астрономия фанларини ўзлаштирган. Шаҳар меҳнат ва санъат аҳли муҳитида униб-ўсган ва бу нарса шоир дунёқарашининг шаклланишида ўз таъсирини ўтказган.

Машҳур сўфий ва авлиё Мансур Ҳалложга кучли эътиқод қўйиб, ўзини унинг шогирди ҳисоблагани учун илк шеърларини Ҳусайний тахаллуси б-н ёзади. 14-асрда Озарбайжонда ҳуруфийлик таълимоти кенг ёйилади.

Ҳуруфийлик тариқатининг асосчиси, машҳур шоир ва мутафаккир Фазлуллоҳ Наимий 1394 й. Ширвонга келиб Н. б-н учрашади. Унинг ҳуруфийликка асосланган қарашлари ёш шоирга кучли таъсир қилади, уни қабул этиб, Фазлуллоҳни ўзига муршид сифатида танлайди. Наимийга ҳамоҳанг Насимий тахаллусини олади.

Илғор фикрли кишилар таъқиб остига олингач, Наимийни Мироншоҳ қатл этади, Қосим Анворни эса Шоҳрух сургун қилади. Н. ҳам ўзини қутқариш, ҳам ҳуруфийлик ғояларини кенг ёйиш мақсадида Озарбайжондан чиқиб кетади. У Багдод, Онадўли, Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшаб, Ҳалабда қарор топади. Миср султони Муайяддин уни даҳрийликда айблаб, терисини тириклайин шилади.

Н. илк бор озарбайжон тилида ижод қилгани, озарбайжон адабий тилини халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиргани учун озарбайжон ад-ти тарихида алоҳида ўрин тутади. У Ҳасан ўғли ва Қози Бурҳониддиндан кейин озарбайжон тилида яратилган шеъриятнинг устозларидан саналади. Н. форс тилида ҳам қалам тебратган. Унинг форсий тилдаги ижоди Эронда алоҳида тўплам ҳолида нашр этилган.

Н. туркий халқлар, жумладан, ўзбекларнинг ҳам севимли шоири ҳисобланиб, Лутфий, Навоий, Машраб каби ўзбек шоирлари унинг шахси ва ижодига юксак эҳтиром б-н қараганлар. Навоий уни "Насойим ул-муҳаббат"да туркий машойихлар қаторида зикр этиб, жумладан, ёзади: *"Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур ва назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур. Мазкур бўлғон аҳлиға анинг шеърий мукобаласида ҳамоноки шеър йўқ дур. Ҳамоно тақлид аҳли анинг мазҳабида қусур туҳматиға муттаҳам қилиб, шаҳид қилдилар"*. "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" манокибида эса Н.нинг назми ўзгача услубда ёзилгани, ўз шеърларида ҳақиқий ишқни куйлаганлиги таъкидланади.

"НАСИМ УЛ-ХУЛД" ("Жаннат шамоли") – *"Ситтаи зарурия"* қасидалар туркумига кирувчи сўнгги қасида. 129 байтдан иборат. Мазмунан панднома характерига эга бўлиб, ёзилган йили номаълум. "Н." Хоқоний Шервоний, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий қасидаларига татаббуъ тарзида вужудга келган. Қасидада инсон покланиши ва комилликка эришиши учун нималар қилиши лозимлиги, тариқат одоби ва усуллари, муршид ва мурид муносабатлари, Ҳақ йўлига кирган солик олдига қўйиладиган талаблар баён этилган. "Н."да Навоийнинг нақшбандия тариқати, тасаввуф ҳақидаги қарашлари яхлит бир тизимда ифодалаб берилади, шу маънода қасидани нақшбандия тариқатининг ўзига хос дастури, шеърий баённомаси деб айтиш мумкин. Қасида тасаввуфнинг муҳим масалаларидан бири – ишқ ва ақлнинг муқоясаси б-н бошланади:

Муаллим ишқу пири ақл
шуд тифли дабистонаш,
Фалак дон, баҳри таъдиби
вай инак чархи гардонаш.

(Мазмуни: Муаллим ишқу унинг мактабининг талабаси ақл пиридир. Фалакни унга адаб ўргатиш учун айланиб турувчи чарх деб бил). Навоийнинг фикрича, ишқ – нур, ақл эса зулмат, улар ўзаро бирлашиши мумкин эмас, чунки ақл Аллоҳни ва унинг ғайб оламини билишга ожиз. Ишқ ва ундан туғилган жазба эса суфийни олий мақомларга олиб чиқади, мақсад сари етаклайди. Шундан сўнг Навоий суфийлар тасаввуридаги жаннат таърифига ўтади. Унга кўра ушбу жаннат боғининг сарв дарахти иймон боғининг алифларидир ("иймон" сўзидаги алифларга ишора), унда Аллоҳнинг каломи тинмайди, анҳорларида муқаддас сувлар оқади. Шоирнинг талқинича, бу гулшан – маърифат боғи бўлиб, у комил инсон маконидир (8-15 байтлар). Кейинги байтларда Навоий комил инсон таърифини келтиради. Унга кўра, комил инсон қуйидаги сифатларга эга бўлиши керак: ботиний олами сариштa, зоҳирий кўриниши паришон, жисми вайрон, қалби эса обод ва нурафшон. У доимо хафий зикр б-н банд, кийгани жанда хирка, нафсоний лаззатни тарк этган, қиммати осмон қадар олий. Ушбу тавсифларда нақшбандия тариқати талаблари ифодаланганлигини кўриш мумкин. Кейинги байтларда Навоий ана шу мартабага талабгор солик учун зарур бўлган ишлар баёнини келтиради. Навоийнинг фикрича, бу йўлга кириш ҳеч қачон кеч эмас, чунки бу Яратганнинг тавфикидир. Бунинг учун энг аввало нафсни енгиш керак, уни енгиш пири муршид раҳнамолигида амалга оширилади. Шундан сўнг қасидада нақшбандия сулукига хос зикр тушиш қоидаси, фақрнинг моҳияти, белги ва фазилатлари ҳақида сўз боради. Қасиданинг 101-байтидан Султон Ҳусайн Бойқаро тавсифи келтирилиб, унга дарвешликни шоҳликдан юқори қўйган султон деган таъриф берилади, унинг шижоати, адолати ва саховатига таҳсин айтилади (101 -118 байтлар). Хотимада "Н."нинг ёзилиш тарихи, ушбу мавзуда қалам тебратган салафлар: Хоқоний, Деҳлавий ва Жомий қасидалари ҳақида маълумот келтирилади (120-129 байтлар). "Н." салафлар қасидалари сингари *ҳазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун V - - - / V - - - / V - - - / V - - -) вазнида яратилган.

НАСИРИДДИН ТУСИЙ. Абужаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад Насириддин Тусий (1201, Туе – 1272, Бағдод) – форс-тожик олими ва шоири. Бошланғич маълумотни ўз даврининг фозил кишилари

бўлган отаси ва амакиси ҳузурида олиб, Нишопурда таҳсилини камолга етказади. Мўғуллар истилоси даврида 1227 й. Кўҳистонга кетиб, ўша ерда 1256 й.гача қолади, номаълум сабабларга кўра зиндонбанд ҳам бўлади. Ҳалокухон Кўҳистонни забт этгач, Мароғага келиб, расадхона ташкил этади. У турли соҳаларга оид 200 дан ортиқ асар ёзган. Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашларини ривожлантириб, мухолифлар танқидидан ҳимоя қилади. Олимнинг ижтимоий, фалсафий, ахлоқий қарашлари "Равзат ат-таслим" ("Итоат боғи"), "Ахлоқи Носирий", "Шарҳ ул-ишорат", "Қавоид ул-ақоид" ("Эътиқод қоидалари"), "Тажрид ул- ақоид" ("Эътиқодда ёлғизланиш"), "Тажрид ул-калом" ("Каломни ажратиш") каби асарларида ўз аксини топган. У мантиқ ривожига ҳам катта ҳисса қўшиб, "Ахлоқи Носирий", "Асос ул-иқтибос", "Ахлоқи муҳташамий" ("Улуғ кишилар ахлоқи"), "Авсоф ул-ашроф" ("Эътиборли зотлар тавсифи"), "Насиҳатнома ба Обоқохон" ("Обоқохонга насиҳатнома") каби асарларини яратди. Аниқ ва табиий фанларга оид қарашлари "Таҳрири Уқлидус" ("Эвклид таҳрири"), "Усули ҳандаса" ("Геометрия усули"), "Шакл ул-қитъа", "Зижи Элхоний" ("Элхоний астрономия жадвали"), "Тазкираи Насирия" ("Насирий тазкираси"), "Бист боб дар устурлоб" ("Телескоп ҳақида йигирма боб"), "Зубдат ул-ҳайъат" ("Астрономия қаймоғи"), "Си фасл дар тақвим" ("Тақвим ҳақида ўттиз фасл"), "Рисола дар тақвим ва ҳаракати афлок" ("Фалак айланиши ва тақвим ҳақида рисола"), "Қавонин ут-тиб" ("Тиб қонунлари"), "Ҳавоши ба куллиёти "Қонуни Буали" ("Ибн Сино "Қонун"и куллиётига ҳошиялар"), "Ҳалли мушкулоти "Қонун"и Буали" ("Абу Али ибн Сино "Қонун"идаги мушкулликларни ечиш йўллари") каби асарларида акс этган.

Н.Т. ад-тшунослик б-н ҳам, бадиий ижод б-н ҳам шуғулланган. Унинг арузга оид "*Меъёр ул-ашъор*" ("Шеърлар ўлчови меъёри") асари асрлар давомида адаб аҳли орасида машҳур бўлган. Достон, ғазал ва рубоийлари илмий-фалсафий фикр-қарашларни бадиий талқин этгани б-н ажралиб туради.

Навоий "Мезон ул-авзон"ни яратишда асосий манбалардан бири сифатида "Меъёр ул-ашъор"дан ҳам фойдаланган.

"НАСИҲАТ УЛ-МУЛУК" ("Подшоҳларнинг насиҳатлари") – Муҳаммад Ғаззолийнинг асари. Ҳикмат илмига бағишланган. Навоий ушбу асар номини "Тарихи мулуки Ажам"да Каюмарс б-н боғлиқ бобда тилга олади.

"НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ" ("Муҳаббат насимлари") – Алишер Навоийнинг асари. Тўлиқ номи "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ил-футувват" ("Мардлик ифорини таратувчи муҳаббат насимлари") бўлиб, 1495–96 й.ларида ёзилган. Унда милодий 8-асрнинг бошидан 15-асрнинг охирига қадар Осиё, Африка ва Европа қитъаларида яшаб ўтган авлиёларнинг таржимаи ҳоли, ибратли ҳикоятлар ҳамда ўгит ва ҳикматларидан намуналар келтирилган.

Асар муқаддима, асосий қисм ва хотимадан иборат. Муқаддима ўз навбатида арабча ҳамд ва наът, асарнинг ёзилиши сабаби, "Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди", "Бу тоифанинг аъмолу афъол ва муомилоту риёзотидин баъзини зикр қилмоқ", "Авлиёуллоҳға воқеъ бўлғон хаворики одоту каромот баёни" бобларига бўлинади. Ҳамд ва наът мазмунидаги арабча жумлалар *бароати истеҳлол* санъатининг юксак намунаси саналади. Навоий бу орқали аҳли суннат ва жамоат эътиқодида эканлигини қайд этади. Асарнинг ёзилиши тарихи ва сабаби мазмунидаги парчада 11–15-асрлар тас. тарихини қамраб олувчи ишончли манба бўлмагани, Абдураҳмон Жомий Навоийнинг илтимоси б-н бу вазифани шараф б-н уддалагани, "Нафаҳот ул-унс" тазкираси катта шуҳрат топиб, қўлма-қўл бўлиб кетгани, ёзилганидан йигирма йил ўтиб, Навоий Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" тазкирасини таржима қилиш орқали туркийларнинг форс ва араб тилидан бехабар бўлган қатламини тас.нинг етук намояндаларининг ибратли ҳаёти б-н таништириш мақсадида "Н." тазкирасини ёзгани ҳақида маълумот берилади.

"Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди" бобида Навоий инсоннинг яратилишидан мақсад – илоҳий маърифат хазинасидан

баҳраманд бўлиш ва маъ-ий камолотга эришиш мазмунидаги оят ва ҳадисларни келтириб, пайғамбарларнинг асосий вазифаси ҳам башар ақлини гумроҳлик ва залолатдан тўғри йўлга даъват қилишлари эканлигини оят ва ҳадислар ёрдамида асослаб берган. Хотам ул анбиёдан сўнг бу шарафли вазифа маъ-ий олами комил, донишманд ва тақводор валийлар зиммасига тушган.

"Бу тоифанинг аъмолу афъол ва муомилоту риёзотидин баъзини зикр қилмоқ" бобида Навоий имон нурига мушарраф бўлганларни Ҳақ йўлга ҳидоят ва раҳнамолик қилувчи валийлар ҳақида қисқача таъриф бериб, барча валийлар учун умумий бўлган айрим хислат ва амаллар ҳақида маълумот беради. Жумладан, ёмон ишлар ва ножўя сўзлар, эгри ниятлардан буткул тавба қилиш, тирикчилик ўтказиш учун бирор касб-ҳунарга эга бўлиш, шубҳали (ҳалол эканлиги аниқ бўлмаган) луқмадан парҳез қилиш, тақводорлик, шариат аҳкомини сўзсиз бажариш, бидъат ва хурофотга қарши курашиш, ахлоқ-одобда барчага ўрнак бўлиш, риё, ёлғон, иккиюзламачилик каби ёмон хислатлардан покланиш, барчани фақат яхши сўзлар ва гўзал ахлоқ б-н эзгуликка даъват қилиш, халимлик, собирлик, қаноат, ризо ва шукр, сидқ ва риёзат сингари гўзал хислатларнинг мазҳарига айланиш маъ-ий камолотга эришишнинг муҳим шартлари сифатида талқин қилинган. Бу орқали ҳазрат Навоий валийлар сиймосида инсониятнинг идеаллари, башариятнинг асл киёфасини кўрган ва барчани Аллоҳ азиз этган бандаларидан ўрнак олишга даъват этган.

"Н." бир тилдан иккинчи тилга айнан ўгирилган асар эмас, балки ижодий ёндашувга таянилган эркин таржима намунаси ҳисобланади. Бунга бир неча сабаб бор:

Биринчидан, "Нафаҳот ул-унс" мураккаб илмий-назарий асар бўлиб, ундаги арабча ва форсча таъбирлар ва ҳикматлар асосан рамз ва ишора тилида айтилганлиги сабабли тас. истилоҳларидан бехабар кимсанинг бу сўзлар моҳиятини англаши қийин кечади. Шунинг учун, Навоий керакли жойларда матнни қисқа изоҳ ва шарҳ б-н бойитиб борган. Жомий тазкирасининг муқаддимасида валийлик назариясига илмий ёндашилганлиги сабабли, Навоий туркийзабон ўқувчилар дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда нисбатан содда ва тушунарли муқаддима ёзган.

Иккинчидан, Жомий ўз асарини ёзишда асосан Имом Ёфиъий, Сулламий ҳамда Ансорийнинг тазкираларига таянган. Навоий эса асосий манба – Жомийнинг тазкирасидан ташқари, Фаридиддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асаридаги 19 нафар машҳур авлиё, Шайх Фаридиддин Шакарганждан сўнг Ҳиндистонда яшаб ўтган 31 шайх, шунингдек 100 дан ортиқ турк машойихлари ҳақидаги маълумотларни қўшимча тарзда келтирган. Шунингдек, Носир Хусрав, Шайх Маҳмуд Шабустарий, Озарий, Лутфий, Ашраф, Насимий, Шайх Имодиддин Фақиҳ, Мавлоно Жомий каби валийлик мақомига эришган шоирларга ҳам ўрин ажратилган. Ўзи бевосита мулоқот қилган валийсифат замондошларидан *Мавлоно Шарафиддин Али Яздий, Бобо Хоқий, Бобо Али Маст Нисоий, Бобо Хушкелди* сингари Худонинг назари тушган азиз зотлар ҳақида ҳам маълумот бериб, шайхлар сонини 618 дан 770 га етказган.

Жомийнинг тазкираси биринчи марта "суфий" номи б-н эсланган Абуҳошим Суфий зикри б-н ибтидо топади. Навоий тазкираси Увайс Қараний ҳақидаги фасл б-н бошланади. Навоий тазкирасининг дастлабки қисмида Атторнинг "Тазкират ул-авлиё"сига таяниб иш тутган. Ҳабиб Аъжамий, Абу Жозим Маккий, Утба бин Ғулом, Молик Динор каби суфийлар б-н бир қаторда тўрт мазҳаб соҳиблари – Имом Аъзам, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад Ҳанбал, Имом Моликнинг аҳволи ва каромотларини келтириб, аҳли суннат ва жамоат эътиқодига мос келадиган соғлом тас. тарафдори эканлигини, тас. ўз моҳиятига кўра, одамларни бирлаштирувчи ва кенгбағирлик руҳидаги таълимот эканлигини шу тариқа изҳор этган.

Навоий чиштия тариқатининг Ҳиндистондаги йирик намояндалари ҳаётини ёритишда Сайид Муҳаммад Деҳлавийнинг "Сияр ул-авлиё", Бадриддин Исҳоқ Деҳлавийнинг "Асрор ул-авлиё" (Шайх Фаридиддин Шакарганж манокиби), "Табақоти Носирий" каби муҳим ва мўътабар манбаларга

суянган. Фаридиддин Атторнинг асарлари (“Мантиқ ут-тайр”, “Тазкират ул-авлиё”), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си (Бобо Сунгу, Шайх Боязид ҳақидаги боблар), Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотиралари (Бобо Хушкелди, Бобо Али Маст Нисоий), исми келтирилмаган ишончли кишилар ривоят қилган ҳикоятлар ҳамда ўзининг кузатувлари ва хулосалари асосида турк машойихи ва замондошлари ҳақидаги ҳақиқатларни тиклашга эришган. Шу сабабли “Н.” тазкираси 15-аср маъ-ий ҳаётида муҳим из қолдирган валийсифат инсонлар ҳақидаги энг мўътабар ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Жомий асарини таржима қилиш жараёнида Навоий ўз асарини янги маълумотлар б-н тўлдириш асносида қисқартириш йўлидан ҳам борган. Кўп ривоятлар, баҳсли нуқталар, моҳиятан бир-бирининг такрори бўлган ҳикматларни таржима қилмаган. Баҳс ва ихтилофга сабаб бўладиган айрим шайхлар ҳақидаги фаслларни умуман ташлаб кетган. Мисол сифатида “Нафаҳот ул-унс”да мавжуд, аммо Навоий таржима қилмаган Шайх Афифиддин ат-Тилмасонийга оид парчани кўриб чиқайлик: *“Исми Сулаймон бин Алидир. Айрим юзаки фикрловчи фақиҳлар уни мулҳидликка мансуб деб ҳисобламишлар. Буни ўзига айтмишларким: Анта нусайрий (Сен насронийсан)”. Ул жавобида айтмишким: “Ан-Нусайрийю баъзу минний (Насронийлар менинг бир бўлагимдир)”.*

Ушбу тоифа (тариқат аҳли)нинг истилоҳотидан воқиф булганларга аёндурким, уларнинг мақомотларидан бири – жамъ мақомидир. Бу мақомнинг эгаси Борлиқнинг барча жузъларини ўзининг бўлаклари ва қисмлари сифатида кўради ва ҳаммани ўзида мушоҳада этади. Шу маънода дебдиларким: Барча яхшиликлар ва ёмонликлар дарвешнинг бир жузвидир... “Насронийлар менинг бир бўлагимдир” дейиш, таҳқиқ юзасидан ҳам, тақлид юзасидан ҳам жойиздир”.

Ушбу парчани тўғри тушуниш ва талқин қилиш учун ўқувчи тас. ва ирфоннинг борлиқ, бутун ва бўлак, кул ва жузъ, *ҳол* ва *мақом*, *жамъ* ва *тафриқа*, таҳқиқ ва тақлид каби тушунчаларидан хабардорлик б-н бирга фиқҳ илмини ҳам мукаммал ўзлаштирган бўлиши керак. Навоий оддий ўқувчини бундай мураккаблик ва англашилмовчиликлар чалғитмаслиги учун ушбу парчаларни тушириб қолдирган.

Навоий “Н.”да мавжуд манбалар асосида шайхларнинг таржимаи ҳоли, туғилган йили ва вафоти ҳақидаги аниқ саналарни ҳам келтиришга ҳаракат қилган. Аммо бу принципга қатъий риоя этилмаган. Баъзи шайхларнинг яшаган даври ва туғилган жойи маълум эмас. Маълумотлар ҳажми ҳам ҳар хил. Баъзи шайхлар ҳақида икки-уч саҳифа маълумот берилган бўлса, айримлари ҳақида икки-уч оғиз сўз б-н кифояланган. Аммо барча орифларнинг қайси шайхдан таълим олганлиги, силсила омонатини кимдан олганлиги, кимларнинг суҳбатига етишгани ҳақида имкони борича аниқ ва ишончли маълумотлар берилган. Навоийнинг ушбу тазкирани ёзишдан мақсади шайхларнинг тарихий сиймосини яратиш эмас, балки ўқувчида уларнинг маъ-ий олами ҳақида тасаввур ҳосил қилиш бўлган.

“Н.”даги ҳикоятлар, ҳикмат ва ривоятларнинг асосий қисми башарий хислатларни тарк эта бориб, илоҳий ахлоқни касб этувчи, маърифатни эгаллашга бел боғлаган зотларнинг руҳий-ахлоқий камолот йўли, дунёнинг арзимас манфаатлари устидан юлиб чиқиб, тафаккурининг сатҳи осмону фалаклар қадар кенг қамровли, кўнгли Маърифат ва Муҳаббат махзанига айланган комил инсонлар ҳақида. Бундай ҳикоятлар ҳар бир инсоннинг руҳиятига кўкламнинг ҳаётбахш насимидай тозалик олиб киради, қалбнинг пучмоқларида мудраб қолган некбин қарашлар, покиза туйғуларни уйғотади, ҳар қандай давру замонда, ҳар қандай шароитда Раҳмоннинг изидан, Ҳақ йўлдан бориш абадий саодатга элтувчи йўл эканлигини англатади.

“Н.” Туркияда Камол Эраслон томонидан 6 та қўлёзма асосида лотин ёзувида нашрга тайёрланиб, чоп этилган (1979, 1996). Ўзбекистонда “Н.” асари дастлаб Навоийнинг 15 жилдлик асарлар тўпламининг 15-жилдида (1968) 153 шайх ҳақида маълумот берилиб, айрим диний ва тас-ий атамалар туширилиб қолдирилган ҳолда эълон қилинди. 20 жилдлик МАТнинг 17-жилдида “Н.”нинг ТошДШИ ШҚМ сақланаётган 857

ва 5420 рақамли қўлёзмалар ҳамда Камол Эрасланнинг матни асос қилиб олинган. Шу нашрнинг тузатилган варианти 2011 й.да чиққан 10 жилдлик ТАТнинг 10-жилдидан ўрин олган. Ҳамидхон Исломий Дарвеш Муҳаммад Тақий кўчирган қўлёзма (1495–1496) ни таянч манба сифатида танлаб, 2 та кўмакчи ва 2 та қўшимча қўлёзма асосида "Н."нинг илмий-танқидий матнини эълон қилган (2011). "Н." бўйича Ҳ.Исломов номзодлик дисс-ясини ёқлаган.

"НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ" АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. Унинг қўлёзмалари нисбатан кам учрайди.

Навоийнинг мазкур асари Навоий асарлари йигирма жилдлигининг 17-жилдидан жой олган. Мазкур нашр таркибидаги "Насойим ул-муҳаббат" матнига қуйидаги қўлёзмалар асос бўлган:

1. Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами– 857).

2. Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами – 5420).

Юқоридаги нашрда келтирилган матндан ташқари, Х.Исломов ҳам "Насойим ул-муҳаббат"нинг танқидий матнини тайёрлаган ва 1990 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Матн диссертация таркибида келтирилган. Уни тузишда олим Санкт-Петербург қўлёзмасидан таянч нусха, қуйидаги икки Тошкент қўлёзмасидан ёрдамчи нусха сифатида фойдаланган:

1. Санкт-Петербург (Россия фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти,инвентарь рақми – Д 97).

2. Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами – 3415).

Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инвентарь рақами – 857). Мулла Муҳаммад Ёқуб 1320/1902–1903 й. кўчирган.

НАСРИН, настарин – зайтундошлар оиласига мансуб барги тўкиладиган бута ёки дарахтлар туркуми; манзарали ўсимлик. 30 тури бор, асосан, Евроосиёда тарқалган. Ўзбекистонда оддий форс, хитой ва б. турлари ўстирилади. Гули майда, ранги оқ, пушти, қизил. Тез ўсади, апрель, май, июнда гуллайди. Форс Н.и икки марта (баҳор ва кузда) гуллайди.

Мумтоз ад-тда, жумладан, Навоий ижодида унинг ранги ва хушбўйлигига ишора қилиниб, Н. маъшуқнинг қадди ва юзига муқояса қилинади.

Субҳ гўёким юзунг
гулзоридин келди насим
Қим, тулуптур атридин
гулга этак, насринга жайб.
("Наводир уш-шабоб", 51-ғазал)

НАСРИНБАР – насринбўйлик, насринбадан, гўзал маъшуқа:

Неча насринбару гулрух
эсанг қилғил вафо майли
Ки, гул ҳам бевафолиғ
кўрди бу гулшанда, насрин ҳам.
("Наводир уш-шабоб", 428-ғазал)

НАСРОБОДИЙ, Абулқосим Иброҳим бин Муҳаммад бин Маҳмуя – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопур яқинидаги Насробод қишлоғида туғилган. Тас. сирларини Иброҳим бин Шайбон ва Абубакр Шиблийдан ўрганган. Абу Али Рудборий, Муртоз, Абубакр Тоҳир Абҳарий, Абу Усмон Мағрибий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Мансур Ҳалложнинг қатл этилишига қарши чиққан муфтий. *Шайх Абу Али Даққоқ ва Абу Абдураҳмон Сулламий*нинг устози, Шайх Исмоил Насрободийнинг отаси. Умри охирида Маккага бориб, ўша ерда вафот этган. "Нафаҳот ул-унс" ва "Насойим ул-муҳаббат"да унинг вафот этган санаси 983 кўрсатилган, аммо бошқа манбалар, жумладан, Сулламий ва Ансорий тазкираларида унинг вафот этган санаси 978 деб берилган, бу ҳақиқатга яқинроқдир. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"НАСР УЛ-ЛАОЛИЙ" ("Сочма дурлар") – Ҳазрат Али ҳикматлари мажмуаси. Уларнинг илк намуналари "Каломи амир ал-муъминин Али" номи б-н аталган. 9-асрда Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз улардан баъзиларини ажратиб олиб, сайланма тузган. Рашидид-

дин Ватвот ал-Жоҳиз сайланмасини аслият, форсий таржима ва шарҳлар б-н "Наср ул-лаолий" ёки "Сад калима" номи остида янги тўплам тарзида бунёд этган. Шоир *Ашраф* ҳам Ҳазрат Алининг 100 ҳикматини шеърга солган ва китобини "Сад панди Али" деб атаган. Навоий "Наср ул-лаолий" таркибидаги 268 ҳикматни туркий рубоийлар шаклида шеърий йўл б-н таржима килган ва ўз асарини "Назм ул-жавоҳир" деб атаган. (қар.: "*Назм ул-жавоҳир*")

"НАФАҲОТ УЛ-УНС" – Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуф тарихига бағишланган тазкираси. Тўлиқ номи – "Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс" ("Муқаддас юксакликлардан эсган дўстлик шабадалари"). Асарнинг муқаддимасида берилишича, Навоийнинг илтимоси билан 1476-1478-йилларда ёзилган. "Н."да Сулламий, Ансорий ва Аттор бошлаб берган анъана давом эттирилиб, 15-асргача бўлган машҳур тас. шайхларининг таржимаи ҳоли ва ҳикматлари тўпланган. Жомий бу тазкирани ёзишда Абдуллоҳ Ансорийнинг "Табақот ус-суфия" китобидан асосий манба сифатида фойдаланиб, "Кашф ул-маҳжуб", "Тарихи гузида", "Тазкират ул-авлиё", "Рисолаи қудсия" каби 100дан ортиқ манба ва китоблардаги маълумотлар билан бойитган. Шунингдек, ўзи бевосита суҳбатдош бўлган замондош шайхлар (Хожа Муҳаммад Порсо, Фахриддин Луристоний, Хожа Аҳрор Валий ва б.)нинг таржимаи ҳолларини ёритишда ўзининг хотираларини ҳам қайд қилиб ўтган.

"Н." Жомийнинг машҳур асарларидан бўлиб, Абдулғафур Лорий, Муҳаммад Маҳмуд Деҳдор Шерозий унга шарҳлар ёзишган. Навоийнинг кўрсатмаси б-н Низомиддин Аҳмад Пир Шамс "Н."даги арабча матнларни форс тилига таржима қилиб, алоҳида тўплам ҳолига келтирган. "Н."ни турк султони Фотиҳнинг буйруғи б-н Маҳмуд бин Усмон Али Ломеий 1521 йил усмонли туркчага, Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон Феруз топшириғи б-н Охунд Раҳмонқули қори 1886 йил ўзбек тилига таржима қилган.

Навоий "Н."нинг биринчи таржимони бўлиб, бу асар асосида "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасини яратган (қар.: "*Насойим ул-муҳаббат*").

"НАФАҲОТИ ИЛОҲИЯ" ("Илоҳий тароват") – Садриддин Қунявийнинг араб тилида ёзилган асари. Унда амалий тас. масалалари ҳамда ўз маслаги ва сулуки тафсилотлари ёритилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Садриддин Қунавий ҳақидаги бобда келтирган.

НАФС – фалсафий-ахлоқий тушунча. Фалсафий талқинга кўра, Н. – ўз зотига кўра моддага эҳтиёжи бўлмаган, аммо феъл – амал қилишда моддиятга эҳтиёжи бор бўлган инсон танасидаги латиф ва бўлинмас жавҳардир. Инсоний Н. тўрт гуруҳга бўлинади. Булар: Н.и аммора, Н.и лаввома, Н.и мутмаинна ва Н.и мулҳама. Н.и амморанинг луғавий маъноси доим буйруқ берувчи нафсоний куч бўлиб, бу ибора фақат Н. буйруғи билан иш қилувчи, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишиларга нисбатан қўлланилади. Бу Н. кишиларни ўғрилик, зўравонлик, бузуқлик, ичкиликпарастликка олиб боради ва турли балоларга гирифтор қилади. Аччиқланиш, такаббурлик, кек сақлаш, ҳасад, ўчакишиш, жанжалкашлик, ғийбат каби манфий хислатлар Н.и амморанинг асосий белгиларидан ҳисобланади:

Малак таслими шайтон
кибридекдур буки, ақл узин
Қилиб маъмури амр истар
аморат нафси аммора
(«Наводир уш-шабоб», 531-ғазал)

Н.и лаввоманинг луғавий маъноси доим койиб турувчи нафсоний куч бўлиб, Н. жиловини қўлга олган, Н.ини ақлга бўйсундирган ва Н. ғолиб келганда ўзини-ўзи койиб яна Н.ини маглуб қила оладиган кишининг Н.ига нисбатан қўлланилади.

Н.и лаввома соҳиблари кишининг яшаши учун зарур бўлган нафсоний талабларни ҳалол йўллар билан меъёридан оширмасдан қондирадилар. Натижада бундай кишилар ўзгаларни ҳам мамнун қилган ҳолда тинч ва фаровон ҳаёт кечирадилар.

Н.и мутмаинна соҳибларининг нафси ба-

тамом жиловланган бўлиб, булар Н. ғалаёнидан қутулиб хотиржам бўлган, Н. талабларини хаёлга ҳам келтирмайдиган азиз кимсалардир.

Н.и мулҳама деганда кишида турли жозибали истакларни уйғотувчи куч тушунилади. Бундай Н. кўпроқ илм, ҳикмат ва санъат аҳлида бўлади. Бундай Н. эгаларига ҳаяжон, ижод, фидойилик, гўзаллик ва олий қудратни севиш каби хислатлар хосдир.

Навоий талқинига кўра, барча исён ва саркашликлар, куфр кетишликларнинг бош сабаби – Н.нинг истак-хоҳишларига мос тарзда яшашдан келиб чиқади. Шу сабабли, асарларида Н.ни кўпинча кофир, ит, лаим, золим, зулмоний, даний, дун, дев, ҳасуд каби салбий сифатлар билан атаб, инсон вужудидаги бу қувватни руҳнинг хизматкорига айлантиришга даъват этади. "Фавойид ул-кибар"нинг 280-ғазалида Н.ва руҳнинг тас-ий таърифи берилган бўлиб, унга кўра, Н. инсонни Иблисдек саркаш, Фиръавн каби такаббур, Бужаҳл каби жоҳил бўлишига олиб келиши мумкин. Аксинча, Н.га қарши курашиб, руҳнинг тарбиясига алоҳида аҳамият берган кишида Н.нинг ҳолати ҳам ўзгариб, руҳий хотиржамлик ва қалб сакинатига муяссар бўлади.

Рух раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,
Иккисин бир-бирига
қўшмақ эмастур машрут
(«Фавойид ул-кибар», 280-ғазал)

НАХШАБИЙ, Абу Туроб Аскар бин Ҳасин (ваф. 245 ҳ.қ./860 м.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳоз. Қарши шаҳрининг яқинида жойлашган Нахшаб шаҳрида туғилган. Илм, футувват, зуҳд ва таваккул бобида ўз замонининг пешқадамларидан бўлган. Аҳмад Хизравайҳ Балхий, Ҳамдун Қассор, Абу Ҳамза Бағдодий, Шоҳ Шужоъ Кирмоний, Юсуф бин Ҳусайн Розий, Али бин Саҳла Аззар Исфаҳоний, Муҳаммад бин Али Ҳаким Тирмизий, Абу Жаъфар Ҳаддод, Абу Ҳотам Аттор Басрий ва Ҳотам Асамм суҳбатидан файз топган. Уч юздан ортиқ мурид бўлган, шулардан Абу Абдуллоҳ Жалло ва Абу Убайд Бусрий шайхлик мақомига эришган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

НАЪЛАЙН (ар.) – усти қўй терисидан тикилган, пошнаси ўрнига темир тақа қоқилган бир жуфт ёғоч ковуш. Н.нинг орқаси очиқ бўлиб, узоқ йўл юришда махсус боғичлар – широк ишлатилган. Н.нинг ранги сариқ ё қизил, баъзида уч қисми тепага қайрилган бўлади. Н. диний уламолар ҳамда илм толибларининг пойабзали бўлган.

Пок этак истар эсанг,
бир пок этаклик истабон,
Хоки наълайниға юз қўй,
гўшайи домонин ўп
("Гаройиб ус-сиғар", 67-ғазал)

НАЪЛИ БОЗГУНА (ар. – ф.) – ўрта асрларда отларнинг тақасини тескари қоқиш усули. Ҳарбий юришларда изни йўқотиш учун қўлланилган. Маж. маънода ўзини гўлликка солмоқ, одамларни чалғитмокни англатади.

"Эронлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуна урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар". ***("Маҳбуб ул-қулуб")***

НАЪТ (ар. – таъриф, мақтов, васф) – Пайғамбар (с.а.в.), баъзан тўрт халифаи рошидинни васф этишга бағишланган асар, шеърий ёки насрий асарлар бошланмасида ҳамд ва муножотдан кейин келтирилувчи бадиий восит. Мусулмон Шарқидаги адабий анъанага кўра, мумтоз адабиётдаги ҳар бир йирик асарда Аллоҳ ҳамди ва муножотдан сўнг Н. келтирилиши шарт бўлган. Девонларда бу ҳолат мустақил шеърлар тарзида, достонларда алоҳида боблар, насрий асарларда муқаддиманинг ҳамддан кейинги қисми тарзида ифодаланган. Алишер Навоий ижодида Н. мавзусидаги шеърлар икки йўналишда: Расулуллоҳ (с.а.в.) мадҳи ва мерож туни таърифи б-н боғлиқ ҳолда битилган. "Хазойин ул-маоний" куллиёти таркибига кирувчи девонлардаги 6–7-ғазаллар Н. мавзусида бўлиш б-н бирга девонлар ичида яна кўплаб ғазаллар мазкур йўналишда ёзилган, шунингдек, қитъа, рубоий ва фардларда ҳам ҳамддан сўнг Н. мавзусидаги шеърлар жойлаштирилган.

"Хамса" достонлари муқаддималарида Н.лар катта қисмни эгаллайди. "Ҳай-

рат ул-аброр" достонининг ўзида 5 та Н. (7–11-боблар) мавжуд бўлиб, уларнинг дастлабки тўрттаси васф характерида бўлса, бешинчи Н. меърож туни таърифини ўз ичига олади. Қолган достонларда иккитадан Н. келтирилган.

Бедилинг хайли русул,
сенсен аларға дилрабо,
Ё набий, руҳий фидо
аҳлан ва саҳлан марҳабо.
("Наводир уш-шабоб", 7-ғазал)

"НАҚД УН-НУСУС", "Нақд ун-нусус фий шарҳи "Нақш ул-фусус" – Абдураҳмон Жомийнинг Ибн Арабий "Нақш ул-фусус" асарига ёзган шарҳи. Ваҳдат ул-вужуд таълимотидаги асосий тушунча ва атамаларнинг қисқача шарҳини қамраб олувчи муқаддима, 27 боб ва хулосадан иборат. Форс тилида ёзилган ушбу асарда Ибн Арабий таълимотининг асосий тушунчаларига ҳанафий мазҳабига мувофиқ илмий изоҳ берилган. Асар 1458 й.и ёзиб тугалланган. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да ушбу рисолани Жомий асарлари қаторида келтирган.

НАҚУМОҲИС — Аристотелнинг отаси Никомах. У асли табиб бўлиб, Македония шоҳи Эмента III саройида хизмат қилган. "Садди Искандарий" достонида Н. Искандарнинг отаси Файлақуснинг олим ва донишманд вазири сифатида тасвирланади. Искандарга ёшлигидан тарбия бериб, кўп илм ўргатган.

Нақумоҳис оллинда дастур эди
Ки, ҳикматқа оламда машҳур эди.
("Садди Искандарий")

НАҚШ I (ар.) – безак, тасвир, гул. Навоий асарларида Н. б-н боғлиқ қуйидаги ибораларни учратамиз: Н. босмоқ – гул солмоқ; Н. тортмоқ – чизмоқ, гул ташламоқ; ёзмоқ; тасвирламоқ; Н. тутмоқ – чизилмоқ, ўйилмоқ; Н.и хотам – муҳрга ўйилган ёзув, узук кўзига ўйилган муҳр; Н.и чин – чиройли расм; хитойча нақш; Н.и монавий – моний чизган расм; бетакрор тасвир.

Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик таърифидаги байтларда Н. сўзидан турли ирфоний– тасаввуфий маъноларни ифодалашга фойдаланилган.

Оразинг нақшин кунгул
лавҳида тасвир эткамен,
Бўлмаса тақдир ани кўрмак,
не тадбир эткамен
("Бадоеъ ул-васат", 472-ғазал)

НАҚШ II (ар.) – маълум тартибда ишланган ашуланинг номи. Тахм. тарона маъносига тўғри келади. Ашуланинг Н. турида рубоий (ашуланинг тўрт жумласи)га байтлар жойлаштирилади, лекин унга катта савтлар ва усуллар боғланмайди. Кичик шаклдаги қўшиқ ва куйлар ҳамда тўйларда ижро этиладиган енгил ашулалар, шунингдек, Хоразм мақомлари таркибидаги баъзи тароналарнинг номи ҳам Н. деб аталади.

"...Хожа Юсуф Андижонийдек кишиларнинг таснифоти муқобаласида ишлар ясабдур ва нақш ва суфия ва амал ва қавл ва жир чорзаблардек ва чун ўзи аларнинг кўпидан ҳам хушгўйроқ ва ҳам хушхон эрмиш, ишларининг шуҳрати кўпроқ воқеъ бўлур эмиш".
("Хамсат ул-мутаҳаййирин")

НАФМА (ар.) – ўзининг баланд-пастлиги жиҳатидан муайян нуқта (парда) чегарасида маълум вақтгача чўзилиб турадиган товуш. Н. да товушнинг хоссалари (баландлиги, узунлиги, кучи ва туси-тембри) мавжуд бўлиши керак. Доира ва созланмаган мусиқа чолғуси товушлари ҳамда инсоннинг томоғидан чиқадиган дағал овоз мусиқа рисолаларининг кўпида Н. тушунчасидан холидир. Мусиқага доир назарий рисолаларда Н. мусиқага боғлиқ бўлмаган бошқа хил товушлардан қатъий равишда фарқ этилади ва улар ўзининг маълум хусусиятлари билан тавсифланади. Н. икки хил бўлади: "қавлий", яъни инсон товуши ва "феълий" – сунъий деб саналган мусиқа чолғуларидан чиқариб олинадиган товушдир.

Эй муғанний, басқи
йиғлатғайсен элни базм аро,
Гар Навоий оҳи бирла
нағмани соз эткасен.
("Бадоеъ ул-васат", 279-ғазал)

НАҲОВАНДИЙ, Абулаббос Аҳмад бин Муҳаммад бин Фазл – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жаъфар Хулдийнинг шогирди. Абу Абдуллоҳ Боку б-н суҳбатдош бўлган. Ахий Фа-

раж Занжонийнинг устози. Фаросат нури б-н мунаввар бўлган зотлардан. Ансорий уни 10 та энг етук шайхлар қаторида санаган. "Насойим ул-муҳаббат"да унинг раҳнамолиги б-н бир насроний исломни қабул қилиб, шайхлик мақомига етишгани ҳақида ҳикоят мавжуд.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

НАҲРАЖУРИЙ, Абу Яъқуб Исҳоқ бин Муҳаммад (вафо. 330 ҳ.қ./942 м.) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодий, Амр бин Усмон Маккий, Абу Усмон Мағрибий, Абу Салама Бовардий б-н ҳамсуҳбат бўлган. *Абу Яъқуб Сусий*нинг шогирди. Алоуддавла Симноний хирқа силсиласида унинг исмини ҳам зикр этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

НЕЪМАТОБОДИЙ, Мавлоно Муҳаммад (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Паҳлавон Муҳаммад хизматида хонақоҳ имоми бўлгани, Паҳлавон Муҳаммад ташкил этган мажлисларда шеър ва муаммо аҳли доим иштирок этганлиги учун Н. ҳам қисқа фурсатда муаммо айтишни ўрганиб олгани ҳақида маълумот беради. Аммо Н. эрта вафот этади ва Алишер Навоий унинг муаммоларини бир тўплам ҳолига келтиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Коко" исмига битилган муаммоси келтирилган.

Қабри Гозургоҳ мозорида.

НИДО (ар. – ундов, чақириқ) – муаллиф ҳис-туйғу ва кечинмаларининг муайян шахс ёки предметга (баъзи ҳолларда ўз-ўзига) мурожаат тарзида баён этилиши, назм ёки насрда ундалма қўллашга асосланган бадиий санъат. Бунда шоир ўз ҳиссиёт ва кечинмаларини ёр, кўнгил, сабо ва б.га мурожаат қилиш орқали ифодалайди. Мумтоз шеъриятда кўпинча ғазалларда шоирнинг шеър давомида баён этган фикрлари ўз-ўзига мурожаат тарзида якунланади. Алишер Навоий ижодида Н. санъати кенг қўлланилган бадиий воситалардан бўлиб, унинг "Хамса" таркибидаги достонларида ушбу санъатга кенг ўрин ажратилганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, "Лайли ва Мажнун" достони ҳамд қисмининг дастлабки 18 байти Н. санъати асосида ёзилган. "Хазойин ул-маоний"дан ўрин олган ғазалларнинг аксарияти ўз-ўзига мурожаат тарзидаги Н. санъати билан хулосаланган.

Эй Навоий, кимдурур
бу дайр аро аҳли нажот,
Улки чиқмас дайр пири амрию иршодидин.
("Бадоеъ ул-васат", 465-ғазал)

"НИЗОМ УТ-ТАВОРИХ" ("Тарихлар низоми") – Қози Байзовий номи б-н машҳур бўлган Абулхайр Носириддин Абулхайр Абдуллоҳ бин Умар Байзовийнинг асари. Одам Ато замонидан милодий 13-асргача бўлган давр воқеалари баён этилган. Муаллиф Эрон подшоҳлари тарихини қисқа тарзда ёритиб беришга ҳаракат қилган. Навоий "Тарихи мулуки Ажам"ни ёзишда ушбу асардан манба сифатида фойдаланган.

НИЗОМИДДИН АВЛИЁ, Шайх Низомиддин Холидий Деҳлавий (вафо. 1326) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Шайх Фаридиддин Шакарганж*нинг мурид и. Ҳиндистондаги чиштия тариқатининг йирик намояндаси. *Амир Хусрав Деҳлавий* ва *Ҳасан Деҳлавий*нинг пири. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

НИЗОМИДДИН АҲМАД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мавлоно Калон Зиёратгоҳийнинг тўнғич ўғли. Мавлоно Саъдиддин Кошғарий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Унинг ақидасига кўра, уч нарсанинг ози ҳам кўпдир: ширкат (шериклик), Худога ширк келтириш ва олов. Отасининг қабри ёнида, Зиёратгоҳда дафн этилган.

НИЗОМИДДИН КАЛОМИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Дастлаб давлат ишларига машғул бўлиб, тавба мақомига етиш-

ганидан сўнг узлат ва риёзат б-н шуғулланган. Ўттиз йилга яқин Деҳли шаҳридаги қўрғондан ташқарига чиқмасдан, ибодат қилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ, Абу Муҳаммад Илёс бин Юсуф ибн Закий Муайяд (1141 – Ганжа – 1209) – форс-тожик тилида ижод қилган озарбайжонлик шоир ва мутафаккир. Н.Г.нинг отаси Қум шаҳридан бўлиб, Ганжа шаҳрига кўчиб келган, онаси эса Ганжа шаҳридаги курд қабиласи бошлиғининг қизи бўлган. Ота-онасидан эрта етим қолган Н.Г.ни тоғаси Хожа Умар тарбиялаб, ўз даврининг барча билимларини ўзлаштиришга имкон яратиб беради. Диний билимлар б-н бир қаторда тиббиёт, фал., тарих, математика ва астрономия каби фанларни ҳам чуқур ўзлаштиргани сабабли, замондошлари уни "Ҳаким" (ҳикмат соҳиби, донишманд) деб улуғлаганлар. Айниқса, шеърият ва ад-тга иштиёқи баланд бўлган Н.Г. араб ва форс шеъриятини мукаммал ўзлаштириб, ёшлигиданоқ етук шоир сифатида шуҳрат топади. Минтақа майда ҳукмдорлар орасида бўлиниб, уруш ва нотинчликлар майдонига айланганига гувоҳ бўлган Н.Г. хилват ва узлатни ихтиёр этиб, ўз юртида ижод б-н шуғулланишни маъқул кўради. Шу б-н бирга, у Абулъало Ганжавий, Хоқоний Шервоний , Жамолиддин Абдураззоқ каби шоирлар б-н алоқада бўлиб, айниқса, Хоқоний б-н қалин дўст эди.

Ганжа ва унинг атрофидаги ҳукмдорлар Н.Г.ни ўз саройларида хизмат қилишини истаб, унинг шеърлари туфайли номларини абадиятга муҳрламоқчи бўлганлар. Н.Г. гарчи бу ҳукмдорларнинг истагига жавобан асарларини уларга бағишлаб ёзган бўлса ҳам, аммо, сарой, сиёсий фитна ва иғволардан узоқ яшашни маъқул кўрган. Бир гал Ироқ султони Тўғрулшоҳнинг таклифига биноан Табризга сафар қилади, аммо у ерда уч кундан ортиқ туролмайди. Дарбанд ҳокими Бейбарс ибн Малик Музаффар унга бошқа совға-саломлар қаторида Офоқ исмли қипчоқ канизагини ҳам ҳадя қилади. Н.Г. бу канизакка уйланиб, ундан Муҳаммад исмли фарзанд кўради. Аммо Офоқ вафот этади (1180-й.). Шоир ўз ҳаётидаги энг азиз кишиси бўлган бу аёл сиймосини бир умр ёдида сақлаб, "Хусрав ва Ширин" достонидаги Ширин тимсолида унга мангу ҳаёт бахш этади.

Н.Г. Офоқдан кейин яна икки марта уйланади, аммо улар ҳам бу дунёни эрта тарк этадилар. "Иқболнома"нинг кириш бобида қайд қилинишича, "Лайли ва Мажнун" достонини тугаллаш арафасида Н.Г.нинг иккинчи хотини, "Ҳафт пайкар" достони тугагандан кейин учинчи хотини оламдан ўтган. Аммо бу хотинларидан фарзанд кўрган-кўрмагани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Беш достонни ўз ичига олган "Хамса"си Низомийнинг номини жаҳонга машҳур қилди. Улар – "Махзан ул-асрор" ("Сирлар хазинаси"), "Хусрав ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал") ва "Искандарнома" деб номланган. Достонлар турли ҳукмдорларнинг илтимоси б-н ёзилган бўлиб, кейинчалик мухлислар томонидан яхлит тўплам ҳолатига келтирилган ҳамда "Хамса" ёки "Панж ганж" ("Беш хазина") номи б-н шуҳрат топган. Достончиликда романтизмни етакчи йўналишга айлантирган, ҳикмат, фалсафа, нужум, риёзиёт ва б. илмлардаги тушунча ва истилоҳларни шеърият тилига мослаштириб, янги маъно ва мазмун бахш этган. Н.Г.нинг ижоди кейинги асрларда асл шоирлар учун юксак маҳорат мактаби бўлиб қолди. Абдураҳмон Жомий таъбири б-н айтганда, шоирнинг "Хамса"да "қўлга киритган назокати ва латофати ҳеч кимга муяссар бўлмаган, балки, умуман, одамзот қудратидан ташқари ҳодисадир". Алишер Навоий эса "ул назмлар агарчи зоҳир юзидин афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи ва маориф баёнига баҳонадур", деб таърифлайди.

Низомийнинг лирик шеърлари XV асрда кенг ўқувчилар оммасига маълум бўлмаганиданми, Навоий Низомийни фақат маснавий устаси сифатида тилга олади, лирик шоирлиги ҳақида ҳеч нима демайди. "Маҳбуб ул-қулуб"даги шоирлар таснифотида ҳам унинг номини учратмаймиз. Лекин "Хамса"даги барча достонларининг муқаддима қисми ва "Садди Искандарий" хотимасида Навоий Низомийни устоз шоир сифатида мадҳ этиб, унинг шеърий маҳо-

рати ва бадиий балоғатини таъриф-тавсиф қилади. Чунончи, "Ҳайрат ул-аброр"да Низомийга алоҳида боб бағишлаб, уни, жумладан, қуйидаги сўзлар б-н таърифлайди:

Ганжа қуёшики кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатин якқалам...
Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,
Сарву гул утрусиға келтурди хас...

"Садди Искандарий" достони ниҳоясида шоир бир туш кўргани ва Низомий уни "Хамса" ёзганини қўллаб, муборакбод этганини ёзади.

"Насойим ул-муҳаббат"да уни шайхлар қаторида зикр этиб, кўп илмларни мукаммал эгаллаганига қарамасдан, дунёвий машғулотдан қўл тортиб, Ҳақ таоло ёдида "қаноату тақво ва узлату инзиво" б-н ўтказганини, бошқа шоирларга ўхшаб, дунё аҳлига илтижо қилмаганлиги, балки замона ҳукмдорлари унинг зиёратига муштоқ бўлганликларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Навоийнинг таъкидлашича, "Хамса" достонларининг подшоҳлар илтимосига биноан ёзилганлигига сабаб улар Н.Г.нинг достонлари шарофати б-н номилари тарихда қолдирмоқчи бўлишган.

"Машҳур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбаъин чиқарибдурлар ва турт арбаъинни бир дарахт устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларға насиб бўлурдурки, кўп абъёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳадига етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас".

«НИЗОМИЯ» МАДРАСАСИ – Алишер Навоий қурган бинои хайрлардан бири. Ҳирот шаҳрининг марказидан жойлашган ушбу мадрасада Амир Сайид Асилнинг тўнғич фарзанди Амир Бурҳониддин ҳамда Мавлоно Каримиддин Даштбаёзий бошчилигидаги мударрислар ҳамда талабаларнинг таъминоти Навоий вақфи қилган мулк ҳисобидан амалга оширилган.

НИЗОМУЛМУЛК, Хожа Низомулмулк Хавофий (1498й.қатл қилинган) – Султон Ҳусайн Бойқаронинг вазири, Навоийнинг замондоши. Ўзини сайидлар авлодига мансуб, деб ҳисоблаган. 1472-й. вазир этиб тайинланган. Афзалиддин Муҳаммад билан тил бириктириб, девон ноиби вазифасида ишлаётган Маждиддинни лавозимидан бўшатишади. 1487 й.гача вазирлик ва девон ишларини юритишда Афзалиддин Муҳаммад билан ҳамкорлик қилган. Маждиддин бош вазир этиб тайинланганида у билан ҳам келишиб, Хожа Афзалиддин Муҳаммад ва Навоийга қарши фитна уюштирган. Хадичабегим паноҳида фаолият юритган Н. расмий валиаҳд – Бадиузамон ва унинг тарафдорларини обрўсизлантиришга ҳаракат қилган. Оқибатда, бегуноҳ Мумин Мирзонинг ўлдирилишига айбдор деб топилиб, 1498 й. фарзандлари билан бирга қатл этилган.

"Мажолис ун-нафоис"нинг 4-мажлисида Н.нинг ўғли Камолиддин Ҳусайн ҳақида маълумот бериш жараёнида Н. Ҳусайн Бойқаро саройида шуҳрат ва эътибор бобида Маликшоҳ Салжуқийнинг машҳур вазири Низомулмулкдан кам эмаслиги алоҳида қайд қилинган.

НИКАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттизинчиси. *Қувмоқ, кетидан қувмоқ, орқасидан тушмоқ; пайида бўлмоқ, таъқиб этмоқ* каби маъноларни англатади. Ушбу феъл Навоий асарларида учрамайди.

НИЛИЙ, Абу Сулаймон – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бир муддат Мағриб (Тунис)да ҳокимлик қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

НИЛУФАР – нилуфардошларга мансуб сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ернинг иккала ярим шарининг мўътадил минтақаси ва тропикларда икки тури – пушти ва сариғи ўсади. Гули якка ва йирик, оқ, пушти, мовий ва сафсарранг. Хушбўй, барги устида очилади.

Н. рамз сифатида хитой, ҳинд, япон ва миср санъат ва бадиий ад-тида кенг қўлланилади. Н. дунёнинг тимсоли, уйғониш, гўзаллик, ҳаёт, бахт, поклик ва маъ-ят рамзи.

Шарқ ад-тида Н. маъсумлик ва содда гўзалликни ифодалайди. Навоий асарларида, асосан, мовий рангли Н. тасвирланади.

Тутти кўк фирузагун
жомини шингарфи булут,
Соқиё, нилуфари жом ичра
гулгун бода тут.
("Бадоеъ ул-бидоя", 70-ғазал)

Ёрнинг либоси ва шунга монанд осмон ранги Н.га муқояса қилинади:

Қўй дуру феруза баҳсинким,
нужуму чархни
Нилуфар барги уза шабнамча
кўрмас қимматим.
("Ғаройиб ус-сиғар", 393-ғазал)

"Сабъаи сайёр" достонидаги мовийранг қасрда айтилган "Меҳр ва Суҳайл" ҳикоятида Н. гули асосий деталь бўлиб хизмат қилади. Достонда у садоқат, муҳаббат ва жасорат рамзи сифатида қўлланилган:

Кўнгли гар нилуфарға роғиб эди,
Меҳр ила нилуфар муносиб эди.
("Сабъаи сайёр", 24-боб)

НИСОБУРИЙ, Аббос бин Ҳамза – (ваф. 901, Дамашқ) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулфазл. Дамашқ шаҳрида яшаган. Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий каби улуғ машойихлар б-н ҳамсуҳбат бўлган. Набираси Абу Ҳафид бобоси тилидан Зуннун Мисрийнинг ҳикматларини баён этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

НИСОЙИЙ, Абулаббос Аҳмад бин Муҳаммад бин Закариё – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нисо шаҳрида туғилган. Мисрда яшаган. Ҳаж зиёратига борганда Шайх Аму б-н ҳамсуҳбат бўлган. Шайх Аббос Фақир Ҳиравийнинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

НИШОПУР – Эроннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган, Хуросон ўлкасидаги шаҳар. Н.га милодий 3-а.да асос солинган. Тоҳирийлар давлатининг пойтахти, Салжуқийлар давридаги марказий шаҳарлардан ҳисобланган. "Тарихи мулуки Ажам"да келтирилишича, Н.га Пешдодий подшоҳ Таҳмурас асос солган. Кейинчалик, сосоний ҳукмдор Шопур бинни Ардашер (милодий 3-а.) шахмат тахтасига ўхшатиб қайта қурган. Навоий ҳам Н. шаҳрининг обод бўлишига катта ҳисса қўшган. У Н. яқинидаги Дизобод деган жойда работ қурдирган. "Макорим ул-ахлоқ"да келтирилишича, Алишер Навоий 902 ҳ.қ. м. 1496–1497) й.да Нишопурга ташриф буюриб, кўплаб улуғ зотларнинг мақбаралари бузилиб кетганини кўрган ва қайтадан таъмирлаб обод қилишга буйруқ берган. Жумладан, Шайх Аттор қабри устида катта мақбара қуриб, ёнида дарвешлар учун хонақоҳ барпо қилган.

"... Қуллуқ арзадошт улким, сафар ойининг ғуррасида шанба сабоҳи Нишопурдин бир манзил Сабзавор сари Абдушужоъ Ансорий мазори бошида юқоридин келган пиёдирав муборак нишонниким, бу бандаининг мужиби сарафрозлиғи эрди – еткурди" ("Муншаот", 13-мактуб).

НОЙИНИЙ, Мавлоно Муҳаммад (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг тиб илми ва муаммони яхши билиши, устозларнинг муаммо жанри ҳақидаги "мавзун каломдурким, ишорат ва имо б-н андин от ҳосил бўлур" (вазнли калом бўлиб, имо-ишора орқали ундан исм ҳосил қилинади) деган таърифига ўз муносабатини билдиргани ҳақида маълумот бериб, унинг "мавзуни калом қайди таърифда ҳожат эмас ва ишорат била ҳам эмасдир" (таъриф беришда мавзун калом ва ишорага эътибор қаратиш шарт эмас) деган фикрини келтиради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Руҳ" исмига битилган муаммоси келтирилган.

НОСИР БУХОРИЙ (1300, Бухоро – 1371, Теҳрон) – форсигўй шоир. Шоҳдарвеш ва Дарвеш Носир номлари б-н машҳур бўлган. Бухорода таҳсил олиб, Хуросон, Озарбайжон ва Ироққа сафар қилган. Таниқли форс-тожик шоири Салмон Соважий б-н дўстона муносабатда бўлган. Тазкираларда уларнинг ўзаро мушоираларн келтирилади. Ҳофиз Шерозийга эргашиб, ироқий ус-

лубда ғазаллар битган. Шоир куллиёти бизгача етиб келган бўлиб, ундан тахминан 7 минг байтлик қасидаю ғазаллар ҳамда орифона мазмундаги "Ҳидоятнома" маснавийси ўрин олган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумот беришича, Н.Б. фозил ва дарвеш киши бўлиб, шеърлари ҳолдан холи эмас ва сўзларидан дилга фақр ҳиди етади. Дарвешлик хирқасида саёҳат қилган, кигиздан тикилган кулоҳ ва бўз тундан бўлак ҳеч вакоси йўқ эди. Абдураҳмон Жомий "Баҳористон"да Н.Б. Мовароуннаҳрдан экани, шеърларида тас. руҳи мавжудлигини қайд этади. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"да уни шеърларида мажозий маъно устувор бўлган шоирлар тоифасига киритади.

Н.Б. ҳаёти ва ижоди юзасидан С. Қурбонов, С.С. Бухорий каби олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

"НОСИР ВА МАНСУР" – Котибий Туршизийнинг асари. Тас-ий мавзуда ёзилган. Хондамир достон номининг "Нозир ва Манзур" тарзида ҳам келишини таъкидлайди. Навоий ушбу асар номини "Мажолис ун-нафоис"да Котибий Туршизий б-н боғлиқ бобда тилга олади.

НОСИР ХУСРАВ, Абумуиниддин Носир Хусрав ал-Қубодиёний (1004, Қубодиён – 1088, Бадахшон) – форс-тожик шоири ва мутафаккири. Бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олади, кейинчалик илмини камолга етказиш учун таҳсилни Марв ва Балх мадрасаларида давом эттиради. Математика, астрономия, фал., тарих, ад-т, калом, мусиқа, география, тиб ва б. фанларда ўз даврининг ягонаси бўлган қомусий олим бўлиб етишади. Унинг ўзи бир шеърида фахрия усулида бу дунёда мен озми-кўпми эгалламаган илм қолмади, деб айтади.

Н.Х. Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд саройида мирзолик қилган, солиқ маҳкамасини бошқарган. Салжуқий ҳукмдорлардан бирининг саройида ҳам бир муддат ишлаган. У 40 ёшида сафарга отланиб, етти йил (1045–1052) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ мамлакатларини кезиб чиқади. Н.Х. ўз саёҳати давомида кўплаб адолатли ҳукмдорларни, адолат туфайли қарор топган осойишта ва фаровон шаҳарларни кўради ва шунинг асосида кейинчалик ўз асарларида одил подшоҳ ғоясини илгари суради. Абулҳасан Харақоний суҳбатидан баҳраманд бўлади. Бир муддат унинг хонақоҳида яшаб, риёзат чекади, ботинини поклаш б-н машғул бўлади.

Мисрда уч йил яшаб, фотимийлар тариқатига киради ва исмоилийлар маслагини қабул қилади. Фотимийлар бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб, уни 12 жазира (орол)га бўлган эдилар. Н.Х. Хуросон бўйича жазира бошлиғи – ҳужжат этиб тайинланади. Н.Х. қатор шеърларида "Ҳужжат" тахаллусини қўллаган. Лекин уламо ва ҳукамо б-н баҳслашганида доимо далилу ҳужжатли фозил киши бўлгани учун "Ҳужжат" лақабини олган, деган қарашлар ҳам бор. Н.Х. шиалик ва кофирликда айбланиб, ўлимга ҳукм қилингач, Бадахшондаги Ҳазрати Сайид қишлоғидаги Юмгон дарасини макон тутади ва қолган 25 йиллик умрини шу ерда ўтказади. Бадахшоннинг ўша вақтдаги ҳокими Али ибн Асад шоирни ўз ҳимояси остига олади. Н.Х. мақбараси шимолий Афғонистондаги Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғида – тоғ тепасидаги Ҳазрати Сайид қишлоғида жойлашган.

Н.Х. "Сафарнома", "Зод ул-мусофирин" ("Мусофирларнинг йўл озуқалари"), "Важҳи дин" ("Дин чеҳраси"), "Саодатнома", "Рўшноинома" ("Маърифат китоби"), "Хон ул-ихвон" ("Дўстлар дастурхони"), "Бўстон ул-уқул" ("Ақллар бўстони"), "Далил ул-мутаҳаййирин" ("Ҳайратда қолганлар далили"), "Жомеъ ул-ҳикматайн" ("Ҳикматлар йиғиндиси"), "Рисола дар жавоби 99 саволи фалсафий" ("99 фалсафий саволга жавоб рисоласи"), "Кушойиш ва раҳойиш" ("Бахт ва нажот") каби кўплаб шеърий ва насрий асарлар муаллифидир. У форс-тожик ва араб тилларида икки девон ҳам тартиб берган, лекин араб тилидаги девонининг тақдири ҳозирча фанга номаълум. Шоирнинг қасида, ғазал, қитъа ва рубоийларини ўз ичига олган 12 минг мисрадан иборат форсий девони Эронда бир неча марта чоп этилган.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида Н.Х.га алоҳида боб ажратиб, унинг муртоз (нафсини бўйсундирган) киши эканлигини, бутун Кўҳистон аҳли унга мурид тушганлигини айтиб, тас. аҳли "Рўшноинома"даги бир байти туфайли ундан норози бўлганликларини таъкидлайди.

"НУЗҲАТ УЛ-АРВОҲ" ("Руҳларнинг кўнгил очиш жойи") – Амир Ҳусайнийнинг асари. Саъдийнинг "Гулистон"и услубида ёзилган. 28 фаслдан иборат. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да ушбу китоб ҳақида Амир Ҳусайний б-н боғлиқ бобда маълумот беради.

"НУН" – араб алифбосининг 24-ҳарфи. Мумтоз ад-тда образ даржасига кўтарилган ҳарфлардан бири. "Нун вал-қалам" ибораси "Қалам" сурасининг бошида келадиган "ҳуруфи муқаттаот"дан олинган. Маъно аҳлининг истилоҳида Н. – аҳадият ҳазратидаги илоҳий илмнинг тимсолидир. Шунингдек, ернинг қайрилма қоши ҳам Н.га ўхшатилган. Навоий шеъриятида Н. образи, асосан, китобат санъати қўлланилган байтларда учрайди.

Қаҳрдин чинки тушти манглайиға,
Чиннинг остида нун эрур қоши.

("Бадоеъ ул-васат", 595-ғазал)

НУРИЙ, Абулҳусайн Аҳмад бин Муҳаммад – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Отаси Марв ва Ҳирот ўртасида жойлашган Бағшур шаҳридан бўлганлиги учун Ибн ал-Бағавий номи б-н ҳам аталади. Бағдод ш.да туғилган. Тариқат сирларини Хайр Нассож ва Бунон бин Муҳаммад Ҳаммолдан ўрганган. Сарий Сақатий, Муҳаммад Али Қассоб, Аҳмад Абулҳаворий, Зуннун Мисрий, Мумшод Динаварий, Самнун бин Ҳамза Муҳиб Каззоб, Иброҳим Хаввос, Ҳусайн бин Мансур Ҳаллож, Иброҳим бин Фотик, Абулҳусайн Моликий, Шайх Абубакр Воситий, Абубакр Мисрий, Абу Саид Аъробий, Жаъфар бин Муҳаммад бин Нусайр Хулдий ҳамда Шайх Абулҳасан Бишр Сижзий суҳбатига эришган. *Абу Яъқуб Харрот Асқалоний* ва *Зайтуна* унга мурид бўлишган. Жунайднинг дўсти ва маслакдоши. Н.нинг сўзлари Жунайд сўзларидан ҳам теранроқ бўлгани учун унга "Жунайддан ҳам тезвақтроқ", деб баҳо берганлар. Навоийнинг "Н." кунясини олгани ҳақида турли қарашлар бор. Баъзи манбаларда унинг сўзлари кўнгилларга маърифат зиёсини сочгани учун, бошқа қарашларга мувофиқ, сўзлашаётган чоғида ундан нур таралиб тургани учун бу номга сазовор бўлган. Навоийнинг ўзи эса шундай дейди: "Бир кун нурга боқдим ва ундан асло кўзимни узмадим, ҳатто шу нурга айландим."

Н.А. самоъ мажлисида важд ҳолига тушиб, вафот этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

НУР САИДБЕК (Хоразм – ваф. 1467) – темурийлар сулоласининг нуфузли амирларидан бири. Амир Темур, Шоҳрух ва Мирзо Улуғбек даврида амир бўлган. Шоҳмаликнинг ўғли, "Шайбонийнома" асари муаллифи *Муҳаммад Солиҳ*нинг отаси. Н.С. дастлаб Мирзо Улуғбекнинг хизматида бўлган, унинг ўлимидан сўнг, бошқа чигатой беклари қатори *Абдуллатиф*га бўйсунишдан бош тортган. Кейинчалик Абу Саид Мирзо ҳузурига келгач, аввал туманбоши, кейинроқ Хоразм ноиби этиб тайинланган. Ҳусайн Бойқаро Дашти Қипчоқдан Хоразмга бостириб кирганда Н. С. вилоятни мудофаа этишда кўп хатоликларга йўл қўяди ва Ҳиротга чақиртирилиб, уни сиёсий маҳбуслар сақланадиган Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйишади. Абдураҳмон Жомий ўртага тушиб, шоҳдан унинг гуноҳини сўрайди ва шоҳ Жомийнинг илтимоси б-н унинг гуноҳидан ўтади. Кейинроқ уни Марв шаҳрига ҳоким қилиб тайинлайди. Муҳаммад Солиҳ "Шайбонийнома" достонида маълумот беришича, Н. С. бир муддат Марвда яшаган, кейинчалик шу ерда қатл қилинган.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида Н.С.га алоҳида ўрин ажратиб, хоразмлик эканн, табъидаги қувват ва латофатни унинг шеърларидан ҳам билиб олиш мумкинлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Моро дар ин диёр туи дилнавозу бас,
Дорем аз ту гўшаи чашме ниёзу бас.

(Мазмуни: Бу диёрда бизнинг кўнгил овловчимиз ёлғиз узингсан ва ёлғиз сендан бир қиё боқишингни ўтинамиз, холос).

“НУСУС” (“Матнлар”) – Садриддин Қунявийнинг араб тилида ёзган китобининг номи. Муаллиф ушбу китоб “Фусус ул-ҳикам” маънолари хазинасининг очилиши учун бир калитдир, дейди. Бу асар Қунявийнинг “Мифтоҳ ул-ғайб” асарининг қисқартирилган шакли, деган қараш ҳам мавжуд. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ушбу асар номини Шайх Садриддин Қунявий ҳақидаги бобда тилга олади. Шунингдек, ғазалида ҳам унга вафо ҳақидаги қарашларини янада ёркинроқ ифода этиш учун мурожаат қилади:

Навоий англаки, боби
вафо ёзилмайдур,
Агар “Фусус”дурур,
гар “Нусус”у йўқса “Фукук”.
(“Фавойид ул-кибар”, 322-ғазал)

НУҚТА – 1) араб ёзувида айрим ҳарфларда қўйиладиган махсус белги:

Нуқта янглиғким,
“вафо” узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини
аҳли вафодин истангиз...

2) бирор нарса ё жойнинг қоқ ўртаси, маркази:

Десанг оғзин кўрай, эй ақл,
марказ нуқтасин иста,
Вале шарт ушбуким,
аввал қуёш даврини паргор эт.
(«Гаройиб ус-сиғар», 78-ғазал)

3) математикада: ўлчанмайдиган жой, икки ёки ундан кўп чизиқнинг боғланиш жойи:

Нуқтаи мавҳумни
юз қисм фарз этсанг бирин,
Деса бўлмас бор анинг
йўқ оғзининг миқдорича
(«Бадоеъ ул-васат», 543-ғазал)

4) тасаввуфий истилоҳ. Ҳақиқий тавҳид, комил инсон, илоҳий сир, Биринчи ақл, зот тажаллийси каби тимсолларни англатишда қўлланилади.

Эй, сафҳайи рухсоринг
азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснингда абад нуқтаси туғро
(«Гаройиб ус-сиғар», 3-ғазал)

НУҲ – пайғамбарлардан бири. Куняси – Нажияллоҳ, Иккинчи Одам. Унга ваҳий қирқ-эллик ёшида нозил бўла бошлайди. 950 й. халқни яккахудоликка даъват қилади. Саксон кишидан ташқари барча унга қарши чиқиб, кўп азият етказади. Оқибатда Н. ноумид бўлиб, кофирларни қаргайди. Ҳақ таоло Н.га кема ясашни амр қилади. Уч қаватли кема тайёр бўлгач, олти ой тинимсиз ёмғир ёғиб, Буюк Тўфон содир бўлади. Н., уч ўғли ва имон келтирган 80 киши, шунингдек, кемага ортилган наботот ва ҳайвонот турларидан ўзга барча мавжудот ҳалок бўлади. Жумладан, Н.нинг тўртинчи ўғли Канъон отасининг гапига қулоқ солмай, кемага чиқмайди ва сувга чўкиб, ғарқ бўлади. Тўфон тингач, Н.нинг кемаси Мавсилдаги Жудий тоғи устида тўхтайди. Н. б-н бирга кемага чиққан 80 кишидан насл қолмаган. Бугун Ер юзидаги барча одамлар Н. нинг авлодлари ҳисобланади. Шу сабабли у Иккинчи Одам деб ҳам аталади.

Навоий Н.ҳақида “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да маълумот берган. Шунингдек, шеърий асарларида Н. ҳаёти ва шахсиятига боғлиқ қатор талмеҳлар турли поэтик функцияларни бажаришга хизмат қилган.

Олти ойлиқ Нуҳ тўфонича
бузғай даҳрни,
Олти кун қолса кўзум ёши
бу туғёни била.
(“Наводир уш-шабоб”, 563-ғазал)

НЎЗАР, Навзар – Қадимги Эронда ҳукмронлик қилган Пешдодий ҳукмдор. Манучеҳрнинг ўғли. Маишатпараст ва бепарволиги учун давлати беқарор бўлади. Турондан Афросиёб қўшин тортиб, уни мағлуб этиб, қатл қилади. Олти, баъзи манбаларда икки йил подшоҳлик қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Н. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам”да алоҳида фасл мавжуд. Шунингдек, “Садди Искандарий”да Пешдодийлар сулоласининг зикри ҳақидаги боб ҳамда “Ҳайрат ул-аброр”нинг 14-мақолатида Н. исми келтирилган:

Салму Манучеҳр ила Навзар қани?
Баҳману Дорову Сикандар қани?

НЎШДОРУ – ўлим билан олишаётган беморга шифо берувчи дори; ўликни тирилтирувчи шарбат. Мажозий маънода Ёри азалнинг руҳни тирилтирувчи ва бемор кўнгил-

ларга шифо бўлувчи жонбахш каломи тушунилади:

Лабинг нўшдорусидин не осиғ,
Мен ўлдум чу хуноби ҳижрон чекиб
("Ғаройиб ус-сиғар", 65-ғазал)

НЎЪМОН – "Сабъаи сайёр" достонидаги бешинчи ҳикоят қаҳрамони, Яман мулкининг подшоси, Суҳайлнинг отаси. У Навдар шоҳ б-н Меҳр ва Суҳайлни қутқариш учун бирлашиб, қароқчи Жобир макон тутган оролга денгиз томондан бостириб боради. Бироқ тўфон уларнинг кемасини қароқчилар томонга буриб юбориб, Жобирнинг одамлари қўлига асир тушиб қолишади. Қароқчилар Нўъмонни чоҳга ташлаб, одамларини ўз юртларига ҳайдаб юборадилар.

Ҳар не иш булғонин баён этти,
Шоҳ Нуъмон сори равон этти.
("Сабъаи сайёр", 24-боб)

О

ОВУНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма биринчиси. *Юпанмоқ, йиғлашдан тўхтамоқ* маъносини англатувчи бу сўз қадимги туркий тилдаги *тинчи* маъносини англатувчи *аб-* феълининг *ав-* шаклидан *ўзлик* маъносини ифодаловчи *–(ы)н* қўшимчаси б-н ҳосил қилинган. “Девону луғотит турк”да бу сўз *ашінді* шаклида учрайди ва *юпанмоқ, овунмоқ* маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Навоий асарлари учун тузилган луғатларда ҳам ушбу сўз шу ва шунга яқин маъноларга эга эканлиги кўрсатилган: *тасалли топмоқ, тинчланмоқ , шодланмоқ.*

Ғунчайи тифл иши овунмоқ бўлуб,
Ўйнамоғи барча ёшинмоғ бўлуб.

(“Ҳайрат ул-аброр”, 17-мақолат)

“ОДОБ УЛ-АРАБ ВАЛ-ФУРУС” (“Араб ва форсий халқларнинг одоби”) – Али Мискавайҳнинг асари. Араб тилида битилган бўлиб, одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган. Насириддин Тусий асарни форс тилига таржима қилган. Навоий ушбу асар номини “Тарихи мулуки Ажам”да Ҳушанг б-н боғлиқ бобда тилга олади.

ОБИ ҲАЙВОН – тириклик суви. Ривоятларга кўра, Искандар Зулқарнайн абадий ҳаёт бағишловчи бу сувни қидириб, Қоф тоғидаги зулмат ўлкасига боради. Шериклари – Хизр (а.) ва Илёс (а.)га бу ҳаёт чашмасидан сув ичиш насиб этади, Искандарнинг ўзи эса бундан бебаҳра қолади. О.ҳ. абадийлик рамзи, мутлақ вужуд, илоҳий калом, руҳга жон бағишловчи маърифат маъноларини ифодаловчи бадиий образ сифатида мумтоз шеъриятда кенг қўлланилган.

Менгаки дўст керак, эй Хизр,
ютармен қон,
Сенгаки умрдурур ком, оби ҳайвон ют.

(“Наводир уш-шабоб”, 82-ғазал)

ОЗАРМДУХТ – Эронда ҳукмронлик қилган сосоний малика. Турондухтнинг синглиси. Вазирлик тизимини бекор қилиб, давлатни авторитар тарзда бошқарган. Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида келтирилишича, соҳибжамол бу маликага Хуросон волийси Фируз Ҳурмуз исмли киши ошиқ бўлиб, совчи юборади. О. унинг бошини танасидан жудо қилишни буюради. Фируз Ҳурмузнинг ўғли Рустам О.га қарши қўшин тортиб, уни асир олади, отасининг қасоси учун ўлдиради. О. ҳақида “Тарихи мулуки Ажам” ҳамда “Садди Искандарий”нинг 14-бобида маълумот келтирилган.

Чу Озармдухт ўлди маснаднишин,
Бас ошуфта қилди яна мулк ишин.
Қатил ўлди ул дағи топмай диранг,
Вале келтуруб мулк ҳолиға нанг.

ОЙ – кўп маъноли рамз. Аёл, сув, ҳосилдорлик, ўлим, тирилиш, тун сингари тушунчалар б-н қиёсланади. Шунингдек, у шаклланиш ва туркум жараёнлар рамзидир. О. пассив негизни мужассамлаштиради, чунки ўз ёруғлигига эга бўлмаганлиги боис қуёшнинг ёруглигини акс эттиради. Азалдан кишилар О. жин теккан кишиларга таъсир қилади, (“ойпарастлик” тушун-

часи шундан келиб чиққан), О. маъбуди (юнонлар Генатаси каби) шарпалар устидан ҳукмронлик қилади, деб ишонганлар.

Металлардан О.га кумуш, гуллардан оқ гул, сонлардан иккилик мувофиқ келади. Бу тимсол рамзларига ёркин икки турлилик хос, зеро О. айни вақтнинг ўзида ҳаёт ва ўлим б-н боғланади. О. "улади" ва "тирилади", бунда йил доирасида вақтнинг тикланиши ғояси мужассамлашган. Азалдан барча кишиларни маҳлиё этган О. тимсоли – унинг босқичлари бўлиб, фасллар ва инсон ҳаётининг турли ёшларига ўхшатилади.

О. мумтоз шоирлар, жумладан, Навоий ижодида ҳам энг кўп мурожаат этилган образ саналади. О. шеъриятда ҳилол, камон, ёй ва меҳроб образлари б-н бирга ёрнинг қошига муқояса қилинган бўлса, шамнинг ёлқинланиб турган пилиги б-н бирга тўлин О. маъшуқанинг гўзал юзига ўхшатилган, шунингдек ошиқнинг ҳамроҳи, сирдоши сифатида талқин этилган.

Кўнгул ҳар тун фароғ истаб
бало тошини ёстанмас,
Агар ҳар дам неча қатла
ул ой қуйини айланмас.

("Наводир уш-шабоб", 225-ғазал)

Навоий меърожномаларида О. биринчи иқлим ва якшанба куннинг ҳомийси сифатида талқин этилади.

Чун кўрди фуруғ талъатини,
Ой чекмади меҳр миннатини.

("Лайли ва Мажнун", 4-боб)

О. "Сабъаи сайёр" достонида душанба куни ва учинчи иқлимнинг ҳомийси сифатида тасвирланган. Ушбу кун Баҳром яшил қасрда Миср гўзали қўлидан май ичиб, учинчи иқлимдан келган сайёҳдан "Шаҳрисабзлик сайёҳлар ва Саъд" тўғрисида ҳикоят эшитади. Ҳикоятда шижоат ва жасурлик тараннум этилади.

Жазм эдиларки, тахти гардунваш
Ойдур, аммо гунаш била рўкаш.

("Сабъаи сайёр", 11-боб)

ОЛАМ – инсонни ўраб турган борлиқ ҳақидаги кенг маъноли тушунча, маълум маънода воқеликнинг ифодаси. О. тушунчаси қайси ҳолатда ва нимага нисбатан қўлланилганлигига қараб, чекланганлик ва чексизлик хусусиятига эга бўлади. Айрим ҳолатда бир тизимда чексиз ҳисобланган объект бошқа тизимда чекланган бўлиши мумкин ва аксинча. Баъзида О. деганда барча нарсалар, жисмлар воқеа-ҳодисаларни қамраб олувчи умумий тизим тушунилади. Фақат моддий жисмларни ўзида қамраб олувчи О. моддий О. дейилади. Инсоннинг маъ-ий руҳий дунёсини қамраб олувчи борлиқ маъ-ий О. деб юритилади. О.нинг саноғи фалакиётга оид манбаларда турли миқдорда кўрсатилган. Ибн Сино диний китобларда "О.нинг миқдори ва саноғи етмиш мингдан уч юз мингтагача" келтирилганини айтиб ўтади. Мир Сайид Али Ҳамадоний "Хилофот ул-маноқиб"да О.нинг саноғини олтмиш минг деб кўрсатган.

"Басоир" соҳиби айтибдурки, – дейди "Ғиёс-ул-луғат" муаллифи, – жаҳоннинг шарқу ғарб, шимолу жанубдаги ҳар рубъида тўрт минг беш юз О. бўлиб, жами ўн саккиз мингдур". Бундан ташқари, икки О. – фоний дунё ва охират дунёси тушунчаси ҳам кенг қўлланилган. Навоий асарларида О. б-н боғлиқ қуйидаги ибораларга дуч келамиз: О. аҳли – одамлар; О.и арвоҳ – руҳлар дунёси, касофат О.и – маж. бу дунё; О.и савдо – жунун ва бехудлик дунёси, ишқ олами; О.и ғаддор – алдамчи, хиёнаткор олам; ўтар О. – фоний, бебақо дунё; О.и кубро – катта О. (макрокосм), маж. кўнгил; О.и дун – нокас дунё; О.и қудсий – муқаддас руҳлар дунёси; маъно О.и – маънавият дунёси; фардлиқ О.и – танҳолик, ёлғизлик дунёси; О.и фоний – моддият олами; О.и боқий – охират дунёси; О. асбоби – моддий дунё; О.и пуршар – ёмонликка тўла дунё; О.-о. – жуда кўп; ужбу нафсонийят О.и – такаббурлик ва манманлик О.и; басити О. – Ер юзи; О.инқирози – қиёмат; муҳлик О. – ҳалокат келтирувчи О.; хулосаи О. – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.); Холиқи О. – Аллоҳ таоло; раҳматан лил-оламин – барча О.ларга раҳмат қилиб юборилган Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.); зулмат О.и – Хизр чашмаси яширинган афсонавий минтақа; Сайиди О. – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.); нодираи О. – дунёдаги беназир киши (Жомийнинг сифати); О.и асрор – сирлар О.и; О. дақойиқи – дунёнинг сирлари; О. ҳаюлоси – бирламчи материя; Хожайи О. – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.); Раббоний О. – Аллоҳ таоло зотига оид О.; О. ҳакими – дунё-

да ягона донишманд; фарди О. – О.да ягона ҳаким; фитнайи О. – ғузал маъшуқанинг сифати; О.и ишқ – Ишқ О.и; Қутби О. – валий ва х.к. Шунингдек, бу сўз негизида ясалган оламоро – О.ни ёритувчи, оламсўз – дунёга ўт қўювчи; оламафрўз/оламфуруз – О.ни мунавварэтувчи; оламгард – дунёкезар, тезюрар; оламгир – дунё фотиҳи, жаҳонгир; олампаноҳ – ҳукми барча оламдагиларга ўтувчи зот (подшоҳ); оламтоб – дунёни ёритувчи каби сўзлар ҳам Навоий асарларида кўп қўлланилган.

ОЛИ АБО – беш киши: Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.), Али ибн Абу Толиб, Биби Фотима – Пайғамбаримизнинг қизлари ҳамда Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн – Пайғамбаримизнинг неваралари назарда тутилади. Жомийнинг "Шавоҳид ун-нубувва" асарида берилишича, О.А. Аббос ибн Абдумутталиб ва унинг оиласи аъзоларига нисбатан ҳам қўлланилган.

Бўлмағай эрди муяссар "Хамса",
яъни панж ганж,
Қилмаса эрди мадад ҳолимға
беш оли або.
("Наводир уш-шабоб", 7-ғазал)

ОЛИМ БИН САЪД – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Бағдодда яшаган. Абу Муҳаммад Журайрий б-н ҳамсуҳбат бўлган. "Нафаҳот ул-унс" ҳамда "Насойим ул-муҳаббат"нинг баъзи қўлёзмаларида унинг номи "Ғоним" деб аталган.

ОЛТИ ЖИҲАТ – дунёнинг олти томони: шарқ, ғарб, шимол, жануб, ер ости, осмон. Ўнг, сўл, олд, орқа, юқори, қуйи шаклида ҳам талқин қилинади. Олти тараф – жиҳоти ситта шаклида ҳам қўлланилади. О.ж. борлиқ фалсафасининг муҳим тушунчаларидан бўлиб, фазо, вақт ва ҳаракат категориялари муносабатларини ўрганишда муҳим рол ўйнайди. Навоий асарларида О.ж. (ё олти тараф) асосан меърож кечаси тасвирига бағишланган шеърларда қўлланилиб, бу орқали илоҳий муъжизаларни фалсафий тушунчалар ва ақлий далиллар билан изоҳлаш имконсизлиги таъкидланган.

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Турт гуҳар тарки анга тож ўлуб
("Ҳайрат ул-аброр", 11-боб)

ОРЗУ – дилдаги истак, эзгу умид, интилиш. Амалга ошмаган нарсага умидвор бўлмоқ. Ирфоний маънода О. деб, аслий мақсадга етишмоққа илми оз бўлган ҳолда интилмоқ тушунилади. О. ўз моҳиятига кўра, ҳақиқий ва дунёвий О.ларга бўлинади. Кишининг маъ-ий оламига қараб О.лари ҳам турлича бўлади. Шу сабабли, О. ҳам инсоннинг хатти-ҳаракати ва интилишларини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади.

Жаҳонда фақр касб эт,
майл кўп қилма ғино сори
Ки, мундин оз этибдур орзу
фарзона андин кўп
("Фавойид ул-кибар", 67-ғазал)

ОРИФ (ар. – таниган, маърифат ҳосил қилган киши) – ўзлигини англаган маърифатли киши; суфий. О. сўзи "ирфон", "маърифат", "маориф" сўзлари б-н ўзакдош бўлиб, асосан, Худони таниш ва Мутлақ Ҳақиқатни англаш йўлида ҳиммат камарини боғлаган кишиларга нисбатан қўлланилади. Хожа Абдуллоҳ Ансорий "Манозил ус-сойирин" асарида О.нинг белги-аломатлари ҳақида шундай ёзади: "О. ҳеч қачон тортишмайди, бировга шикоят қилмайди, кўпол сўзламайди. Бировдан ўзини устун қўймайди, ҳеч қачон бошқаларга нисбатан ўзини ҳақли деб ҳисобламайди. Қўлдан кетган нарсага ғусса чекмайди, қўлидаги нарса учун шодланмайди. Барча нарсага фано ва завол кўзи б-н қарайди, негаки, оламдаги нарса ва воқеалар хаёл ва соялардан бошқа ҳеч нима эмаслигини яхши билади". Ансорийнинг фикрича, О.нинг яна бир нишонаси бўлиб халқни Ҳақ ва ўзининг орасига ҳижоб қилмайди ва улар (б-н боғлиқ ташвиш ва ўй-хаёл)ни бир чеккага суради. Уларни фойда ҳам келтирмайдиган, зарар ҳам етказолмайдиган ўлик мавжудотдек қабул қилади. О. кишилар учун икки дунё бир қадамдир: биринчи қадами воситасида нафси ёмонлигидан узилади, иккинчи қадами воситасида халқ б-н бўлган алоқаларни узиб ташлайди. Уламоларнинг айтишича, О. ўз вақтининг фарзандидир. У ҳар бир дамда ва ҳар бир лаҳзада ўша дам учун белгилаб қўйилган вазифаларни бажаради. Йўқлик оламига юз бурган ўтмишга ҳам назар солмайди, ҳали вужуд оламига

келмаган фурсатга ҳам умид боғламайди. О.ларнинг яна бир аломати – у ўз Яратувчисига унсият ҳосил қилади. Кимники Аллоҳ ўзига мунис сифатида сайласа, у киши одамларга қўшилишдан қочади, кимники Ўзининг хорлигига мубтало этса, халқ орасида азиз этади, кимки Ҳақ йўлида хоксорликни касб этса, одамлар орасида мукаррам бўлади. Кимки ўз ҳожатини фақат Холиқдан сўраса, унга барча одамларнинг ҳожати тушади.

Яҳё бин Маъоз бин Жаъфар Розий О. ва зоҳид ўртасидаги фарқ тўғрисида айтади: "Зоҳид – зоҳири пок ва ботини мухталит (яхши ва ёмон сифатлар аралаш) кишидир, О. – ботини пок ва зоҳири мухталит кимсадир".

Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ,
Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг суйин тошурмоқ
("Наводир уш-шабоб", 20-қитъа)

ОРИФ АЙЁР – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шариф Ҳамза Уқайлийнинг дўсти. Балх шаҳрида яшаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

ОРИФ ФАРКАТИЙ (15 аср) – самарқандлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг асли Самарқандниинг Фаркат мавзесидан эканлигини айтиб, кўп вақтини Ҳиротда ўтказиши, гоҳида таҳсил б-н машғуллигини, гоҳида эса танбаллик қилиши ҳақида маълумот беради. Навоий О.Ф.нинг Ироқ сафаридан кейинги ҳаёти ҳақида ҳеч нарса маълум эмас, деб ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дар ҳолати такаллум аз нозуки забонаш,
Барги гулест гўё дар ғунчаи даҳонаш.

(Мазмуни: Нозик тили б-н такаллум бошласа, унинг тили ғунча оғзидан кўринган гул баргига ўхшайди). "Мажолис ун-нафоис"нинг таржимони Фахрий Ҳиротийнинг ёзишича, бу байтнинг иккинчи мисраси: *"Барги гулест гўё дар ғунчаи даҳонаш"* муаммо санъати асосида ёзилган бўлиб, унинг ечимидан "Мирам" исми келиб чиқади.

ОРИФИЙ ҲИРАВИЙ (ваф. 1389) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий уни "фозил ва хушгўй шоир" деб таърифлаб, шеърдаги маҳорати ва кўзидаги хасталик туфайли замондошлари уни "Салмони Соний" деб аташларини ёзади. О.Ҳ. *Салмон Соважий*нинг:

Дардоки, дард кард саводи басар хароб,
Айём кард чашмаи чашми маро сароб –

(Мазмуни: Эвоҳ! Дард кўз қорасини хароб қилди; замона кўзим чашмасини сароб қилди) матлаълн қасидасига жавоб ёзган ва Навоий "Мажолис ун-нафоис"да ушбу шеърнинг ўзига маъқул тушган қуйидаги байтини келтиради:

Бар пилки сурхи дидаи ман
доруи сафед,
Бошад биайниҳ намаки суда бар кабоб.

(Мазмуни: Кўзимнинг қизарган жиғигига оқ дори суртиш худди кабобга майда туз сепишга ўхшайди). Шунингдек, Навоий О.Ҳ.нинг маснавий йўли б-н "Гўй ва Чавгон" мунозарасини битгани, ғазаллардан иборат девон тартиб бергани, қабри Ҳирот шаҳрида эканлиги ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади.

ОСАФИЙ ҲИРАВИЙ, Хожа Камолиддин Осафий Ҳиравий (1440 – Ҳирот –1517) – форсийзабон шоир. Ҳиротда таҳсил олган. Отаси Наимиддин Неъматулло Қаҳистоний темурийлардан Султон Абусаиднинг вазири бўлса-да, у ўзига фақирона ҳаёт тарзини танлайди ва бирор ҳукмдор шаънига мадҳия айтмайди. Балхда яшаганида Султон Бадиъуззамон Мирзо б-н яқин муносабатда бўлган. Маккага сафар қилиб, ҳаж фарзларини адо этгач, қолган умрини она шаҳрида ўтказади.

О.Ҳ. Абдураҳмон Жомийнинг забардаст шогирдларидан бўлиб, Ҳирот адабий муҳитида ўзига хос мавқега эга эди. Алишер Навоий, Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин Восифий каби ўз даврининг буюк сўз санъаткорлари б-н яқин бўлган. О.Ҳ.нинг девони ғазал, қитъа, рубоий

каби жанрлардаги намуналарни ўз ичига олади. Қасидалари ва Низомий Ганжавийнинг "Махзан ул-асрор"и татаббуъсида битган достони ҳам мавжудлигини айтишса-да, ҳозиргача топилган эмас. 2500 байтдан иборат девони 1968 й.и Арфаъ Кирмонийнинг салмоқли сўзбошиси б-н Теҳронда нашр этилган.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг катта истеъдоди ва кучли ҳофизаси бўлса-да, лекин ўзининг бу имкониятларидан фойдаланмаслигини танқид қилади: "*... табъи таърифқилғуча бор ва ҳофизаси ҳам бағоят хубдур. Аммо не табъин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятимвашлик (чапанилик) ва раъносифатлиқ (мағрурлик) ва худройлик (ўзбилармонлик) била авқотин (вақтларин) зоеъ қилур. Бу навъ ғариб сифоти кўпдурки, агар деса сўз узолур. Мутлақо пандназир (насиҳатни олмайдиган) эрмас. Бу жиҳаттин бағоят паришондур. Яхши абъёти (шеърлари) бор*". Тазкирада унинг қуйидаги форсий байти келтирилган:

Нарехт дурди май мухтасиб
зи дайр гузашт,
Расида буд балое, вале бахайр гузашт.

(Мазмуни: Муҳтасиб майхонадан ўтганида май қуйқасини тўкмади, бир бало келган эди, лекин яхшилик б-н ўтди).

Шунингдек, Навоий унинг туркча матлаъсини ҳам келтиради:

Юз балолар кўрдум,
ул ороми жондин кўрмадим,
Икки кўзумдин ёмонлик кўрдум,
ондин кўрмадим".

Навоий "Соқийнома"да ҳам О.Ҳ. ижодига юқори баҳо бериб, унинг шеърлари баҳосига Сулаймон мулки етмайди деб лутф этади:

Осафий улки, не назм этса рақам,
Қиймати мулки Сулаймондур кам.

ОСИЯ БИНТИ МУЗОҲИМ – жаннат аҳлидан эканлиги башорат қилинган муслима аёл. Лут пайғамбар авлодидан. Нисбаси – "Тож ур-рижол" (Эронлар тожи). Фиръавннинг хотини. Мусо пайғамбарни сувдан топиб олиб парваришлаган. Яширин тарзда Аллоҳга имон келтирган. Мусо (а.) пайғамбарлиги зоҳир бўлгач, Ҳақ таолога дуо қилиб, Фиръавннинг зулмидан нажот беришни сўрайди. Фиръавннинг зулми ҳаддан ошгач, унга қарши қаттиқ сўзларни айтади. Фиръавн уни турли азоблар б-н ўлдирмоқчи бўлади, бироқ Мусо (а.) дуоси баракотидан ҳеч қандай зиён-заҳмат етмай, жаннатга йўл олади.

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да О.га кичик бир фасл ажратилган.

"ОСОРИ АҲМАДИЙ" – Алишер Навоий ҳомийлигида ёзилган пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётига оид китоб. Муаллифи – Тожиддин Аҳмад Астарободий. Муқаддима қисмида қайд қилишича, у ушбу асарни Навоийнинг хоҳишига биноан Жамолиддин Атоуллоҳ Асилийнинг "Равзат ул-аҳбоб" асари асосида форс-тожик тилида ёзган. "О.а." Мир Қосим Муҳаддис томонидан нашрга тайёрланиб, Эронда чоп этилган.

ОТАШКАДА – зардуштийларнинг ибодатхонаси. Зардуштийлар учун муқаддас ҳисобланмиш олов О.да ҳамиша ва бир маромда ёниб туриши учун махсус кишилар тайинланган. Зардуштийлар ўз ибодатларини О.да амалга оширганлар. Мажоз тилида О. дейилганда ишқ олами ҳамда илоҳий муҳаббат оловига тўла ориф қалби назарда тутилган. О.да олов ҳеч қачон сўнмагани каби, ориф қалбида ҳам илоҳий ишқ ўти доим ёниқ бўлган.

Жисм ичра юзунг ҳажрида
минг дард ҳаданги,
Гўё кўнгул оташкадасининг ўтунидур
("Бадоеъ ул-васат", 136-ғазал)

ОФАТ – кишининг бошига кулфат ёки ҳалокат келтирувчи бахтсиз ҳодиса. Тариқат соликининг маъ-ий сайрига тўсиқ бўлувчи нарсалар – дунёвий хоҳиш-истаклар йўлида қилинажак ишлар ҳам О. деб аталади. Юсуф Розий суфийлар О.ини дунё ҳою ҳавасларига берилган, руҳияти буткул бегона кишилар б-н муомала қилиш, ҳамсуҳбат бўлиш ва турмуш ташвишларига муккасидан кетишда, деб билган. О. шеърият тилида ижобий оҳангда, яъни дунёвий алоқалардан қутқарувчи чора ва даво, маҳбубанинг сифати маъноларида ҳам қўлланилади.

Эй юшинг фитнаву ул
наргиси шаҳло офат,
Йўқтур ул иккида жуз
фитнаву илло офат.
("Бадоеъ ул-васат", 88-ғазал)

ОФИЯТ (ар.) – саломатлик, хотиржамлик, осойиш. Тамаъ қилмаслик ва халқдан буткул умидни узишдан ҳосил бўладиган хотиржамлик туйғуси.

Эй хуш улким, офият кунжи
манга эрди мақом,
Сураи "Ваш-Шамс"у "Вал-Лайл"
эрди вирдим субҳу шом...
("Фавойид ул-кибар", 424-ғазал)

ОФОҚБЕГИМ (15-аср 2-ярми – 16-аср бошлари) – шоира. Ҳасан Али Жалойирнинг қизи, Навоийнинг укаси Дарвеш Алининг аёли. О. ҳассос ва ҳозиржавоб шоира сифатида халқ орасида машҳур бўлиб, асосан, форс-тожик тилида шеърлар ёзган. Дарвеш Али Балх ҳокими бўлган даврда ижод аҳлига ҳомийлик қилган. Манбаларда унинг ҳозиржавоблик б-н бадиҳа тарзида айтган гўзал рубоий ва байтлари сақланиб қолган. Жумладан, Фахрий Ҳиротий "Радойиф ул-ашъор" ("Радифли шеърлар") тазкирасида унинг шеърларидан намуналар келтиради. Чунончи:

Оҳ, аз он зулфе, ки дорад
риштаи жон тоб аз ӯ,
Вой аз он лаъле, ки ҳар дам
маҳӯрам хуноб аз ӯ.

(Мазмуни: Оҳ, у зулфданки, уни деб жон риштаси азоб чекади, вой у лабданки, ичганим ҳар лаҳза у туфайли қондир).

ОҚ – ранг номи. Поклик ва хоксорлик, айни пайтда камолот рамзини ифодалайди. Туркий ва бошқа Шарқ халқларида ҳам, Европа халқларида ҳам бирдай улуғланган. Туркийларда оналик ва никоҳ ҳомийси Умай (она) илоҳаси оқ рангда тасаввур этилади. Лекин баъзида туркий қавмларда мусибат, қайғу ва қурғоқчиликни ҳам акс эттиради.

Оқ либос киймоқ ҳақида "Футувватномаи султоний"да Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан шундай маълумот берилган: "Агар оқ ранг қайси тоифаники деб сўрасалар, жавоб бергилки, оқ ранг кундузнинг рангидур ва дили равшан жамоаникидур ва уларнинг кўкси кудурат, кина ва ғубордан покдур. Кимки оқ рангли хирқа кийса, субҳи содиқ каби бўлади ва кундуз мисоли барчага равшанлик бағишлайди. Агар оқ ранг нимага ишорат этади, деб сўрасалар, айтгил, сут рангига ишорадир. Чунки сут гўдакларнинг овқати бўлиб, гўдаклар тарбияси ўшанга вобастадир. Бас, оқ кулоҳ кийган киши сут каби покиза бўлсин, гўдак каби шаҳвоний ҳирсу ҳаваслардан пок бўлсин. Ва меҳрибонлик сути ила Ҳақ сифатларини парвариш этсин ва шундай мартабау даражага етишсинким, фақирлар унинг тарбияси соясида осойиш топсинлар".

Шайх Нажмиддин Кубронинг "Усули ашара" китобида иккинчи ўлим тури оқ ўлим деб аталади ва бу ҳолат "очлик б-н қорин талабларини ўлдириш" деб изоҳланади.

Замонавий руҳшуносликда оқ рангни хуш кўрувчиларга комил тафаккур эгалари бўлмаса-да, соф ният ва оқ кўнгил эгалари деб баҳо берилади. Аурадан бу рангнинг ёғилиши ҳам инсоннинг покиза ахлоқ ва туйғулар эгаси эканлигини билдиради.

Навоий лирикасида оқ сўзи қорага тазод тарзида яхшилик, нурафшонлик, ҳурсандчилик маъноларида ифодаланган.

Овора кунглин келса
Навоийнинг озибон,
Эй хайли дуди оқ юзин
қора айлангиз.
("Бадоеъ ул-васат", 208-ғазал)

"Фарҳод ва Ширин"да Ҳоқоннинг Фарҳодга атаб қурдирган тўрт қасрдан бири шу рангда бўлади. Достонда бу ранг кексалик ва қиш фаслининг рамзи сифатида тасвирланади.

"Сабъаи сайёр"да оқ рангли сайёра – Зуҳра ҳомийлик қилувчи еттинчи – оқ кофурий қасрда хоразмлик сайёҳ ҳикоят сўзлайди. Ушбу ҳикоятда ҳажр ва изтиробда ўртанган Баҳром севгилиси Дилоромдан хабар топади. Сайёҳдан эшитишича, у Хоразмда соғ-саломат, лекин Баҳромга азбаройи садоқати туфайли ўзини ўлган ҳисоблаб, кафанга монанд оппоқ либос кийиб юрар, Хоразм шоҳининг муҳаббатини ҳам рад этган, кундузлари ноиложликдан соз чалиб, элни хушнуд

қилса-да, ўзининг чеҳраси очилмас, тунлари эса кўзда ёш б-н Тангрига тоат-ибодат қиларкан. Ҳикоятда оқ кийим (кафан ранги) бадиий деталь сафатида хизмат қилган.

Яна бирнинг либоси кофурий
Ҳам бу ранг ичра байти маъмурий.

("Сабъаи сайёр", 8-боб)

С. Ҳасановнинг фикрича, Оқ ранг поклик ва софдиллик рамзи бўлганлиги учун Баҳромнинг мурод-мақсадидан, яъни севгилиси Дилоромга етишиш дамларининг яқинлигидан далолатдир. Бошқа томондан оқ ранг кексалик ва инсон ҳаётининг ниҳояси рамзини ҳам англатганлиги учун Баҳром ҳаётининг охирги дамлари якинлашаётганлигига ишора қилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бу ранг фано рамзи ҳисобланади. "Оқ ранг тас.да ҳақиқатга эришганлик, юксаклик белгиси. Унинг б-н боғлиқ Рост мақомининг маъносида ҳам шу маъно зуҳур этади". (О. Иброҳимов).

ОҚСЎНГАК – миллий болалар ўйини. Бу ўйинда болалар ўзларига бошлиқ этиб сайлайдилар. Бошлиқ қўлидаги суякни узоққа ирғитади. Болалар суякка қараб югурадилар. Кимки шу суякни топиб олиб, ҳеч кимга бермай маррага етказса, юлиб ҳисобланади. О.ўйини шомда, энди қоронғу тушган пайтда ўйналади. Бунда ўйинчилардан зийраклик, диққат ҳамда чаққонлик талаб қилинади:

"Андин кечалар атрок зуафоси иши арғуштак ва атфол варзиши оқ сунгак".

("Маҳбуб ул-қулуб", 1-қисм, 1-фасл)

ОҚҚУЮНЛИ МУХЛИСЛАР ДЕВОНИ – Навоийнинг Оққуюнлилар салтанатидаги мухлислари тартиб берган ҳамда 876 йил 12 ражаб ойи / 1471 йил 24 декабрда хаттот Абдураҳим Хоразмий (Анисий) кўчирган девоннинг шартли номланиши. "О."нинг ҳозирга қадар фақат битта кўлёзмаси маълум бўлиб, у Қоҳира шаҳридаги Миср миллий кутубхонасида Lit. Turc. 68 рақами остида сақланади. Қўлёзмадан икки миниатюра ҳам ўрин олган. "О." қўлёзмаси 200x130 мм, ундаги матн эса 140x75 мм ҳажмга эга. Матн настаълик ёзувида икки устунга ёзилган. "О."га лирик турнинг тўрт жанрига мансуб 229 шеър киритилган: 224 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас ва 1 таржиъбанд. "О." қўлёзмаси матлаъси "Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо, Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро" байтли ғазал билан бошланади. "О." Навоий таржиъбандининг "Ёдингни қилай ҳарифи мажлис, Фикрингни этай кўнгулга мунис" байти билан якунлаган.

"О." тахминларга кўра, ушбу сулола ҳудудидаги Шероз шаҳрида тузилган ва кўчирилган. У Навоий шеърияти мухлислари тузган ҳозирча бизга маълум ягона тўплам. "О." котиби Абдураҳим Хоразмий Анисий тахаллуси билан шеърлар ёзган. У Оққуюнлилар даврининг машҳур хаттоти бўлган. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида асарлари нафақат ўзи яшаган Хуросондаги туркий халқлар, балки Табриз ва Шероздаги ихлосмандлари орасида ҳам тарқалганини қайд қилиб ўтган:

Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки, қилмишдур найи қилким шакаррез.

Навоий мазкур шеърида гарчи Оққуюнлилар салтанати марказий шаҳарлари бўлган Шероз ва Табризда ҳам ўз асарлари шуҳрат топганини таъкидлаган бўлса-да, лекин бу ерда айнан "О."нини назарда тутган-тутмаганлиги маълум эмас. Навоий "Бадоеъ ул-бидоя" дебочасида мухлислари тузган девонлари ҳақида шундай деб ёзади: "...аммо халойиқ аросида минг байт-икки минг байт ортуғроқ, ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, баъзият машҳур бўлуб эрди". Навоий бунда "Илк девон", "О."нинг назарда тутган бўлиши мумкин. Муҳими, "О." Навоий айтган ҳажм атрофида – 1300 дан кўпроқ байтдан иборат.

Агар "Илк девон" Навоийнинг 1466 йилдан аввал ёзилган шеърларидан таркиб топган бўлса, "О."га 1471 йилнинг декабригача ёзилган шеърлари киритилган. Яъни "О." шеърият ихлосмандларига Навоийнинг 30 ёшгача бўлган шеърияти хусусиятлари ҳақида маълумот бера олиши мумкин. "Илк девон"дан 391 ғазал ўрин олган бўлиб, унинг ўн беш фоизи "О."га ўтган. Демак, "О."даги шеърларнинг катта қисми "Илк девон" тузилгандан кейин

– 1465–1471 йиллар орасида ёзилган бўлиши мумкин. "О."даги 224 ғазалдан 216 таси "Бадоеъ ул-бидоя"га ва фақат биттаси "Наводир ун-ниҳоя"га ўтган. Шу боис "О." "Бадоеъ ул-бидоя"га ҳам яқин, ҳам ўхшаш. "О." навоийшуносликка 2012 й. маълум бўлган. Шунга мувофиқ Навоий шеърияти эволюцияси қуйидаги тартибда ўрганилади:

"Илк девон", 1465–1466 й. кўчирилган.

"Оққуюнли мухлислар девони", 1471 й. кўчирилган.

"Бадоеъ ул-бидоя", 1470–1487 й. тартиб берилган.

"Наводир ун-ниҳоя", 1480–1490 й. тартиб берилган.

"Хазойин ул-маоний", 1492–1498 й. тартиб берилган.

"О."ги ғазалларнинг аксарият қисми беш ёки етти байтдан таркиб топган. Унда "Илк девон"дан ўтган каттароқ ҳажмдаги ғазаллар ҳам беш ёки етти байтдан иборат тарзда, яъни қисқартириб берилган. Абдураҳим Хоразмий кўп ғазалларни девонга киритишда қисқартирган кўринади. "О."даги 3 мухаммас Лутфий ғазалларига ёзилган. "О." даги Навоий шеърлари тилида Оққуюнлилар давлати амал қилган ўғуз туркчасига хос хусусиятларнинг таъсири сезилади. Масалан, қуёш сўзи гунаш тарзида берилган, тош-дош, бер-вер, йиғлар-ағлар, бор-вор, эмас-эмаз, сарғариб-сараруб, йўқ-йўх ва ҳоказо. Навоийнинг "Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим" деб бошланадиган ғазалининг шу мисраси "Меҳр чўх гўрсатдим, аммо меҳрибоне дапмадим" тарзида берилган. "О." Навоий шеърияти шуҳрати шоирнинг ёшлик давридаёқ ўша даврнинг кучли ва йирик давлати – Оққуюнлилар сулоласи (марказлари Табриз ва Шероз шаҳарлари)гача ёйилганини кўрсатади. "О." 2015 й. Токиода нашр этилган (Alī Shīr Nava'ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471)/ Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471 йил). Нашрга тайёрловчи А.С.Эркинов. Tokyo: ILCAA, 2015).

ОҚҚУЮНЛИЛАР СУЛОЛАСИ – 1378–1501 й.ларда ҳозирги Туркиянинг шарқий қисми, Арманистон, Озарбайжон, шимолий Ироқ ва Эрон ҳудудида ҳукмронлик қилган туркий сулола. Байроғида оқ қўчқорнинг расми бўлганлиги сабабли, О. номини олган. Асосчиси – Узун Ҳасан лақаби б-н машҳур бўлган Абу Наср Ҳасанбек Оққуюнли. Сулола вакиллари темурийларга қўшни бўлган заминда ҳукм суриб, санъат ва маданият тараққиётига катта эътибор қаратганлар. Темурийзодалардан Султон Абусаид қорақуюнлилар султони Жаҳоншоҳни мағлуб ва қатл этгандан кейин О. салтанати қудратли давлатга айланади. Навоийнинг *"Оққуюнли мухлислар девони"* 876 й. 12 ражабда/1471 й. 24 декабрда Оққуюнлилар саройида, Шероз шаҳрида кўчирилган деб тахмин этилади. Бу даврда Оққуюнлилардан Султон Халил Шероз шаҳар ҳукмдори бўлган.

ОҲИЙ, Али Оҳий Машҳадий (15-аср, Машҳад) – форс-тожик шоири. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг "Хамса"га жавобан бир неча маснавий битганлигини, лекин шуҳрат қозонмаганлигини айтиб, "Хаёл ва висол" достонидан бир байт келтиради:

Шеъре, ки бувад зи нукта сода,
Монад ҳама умр як савода.

(Мазмуни: Нозик маънодан холи шеър шунчаки бир қоралама бўлиб қолади). Бобур унинг девон соҳиби экани, умрининг охирида кўп вақт ибн Ҳусайн Мирзонинг қошида бўлгани ҳақида маълумот беради.

П

ПАЙЛАҚУС – "Сабъаи сайёр" достонидаги учинчи ҳикоят қаҳрамони. Бош қаҳрамон Саъдга унинг севгилиси бўлган маликанинг шартини бажариш йўлини ўргатган устоз, пир. Саъд унинг ўгитларини амалга ошириб, ўз бахтига мушарраф бўлади. Бу тимсол б-н Навоий бахтга эришмоқ учун устоз илмига амал қилмоқ керак деган ғояни илгари сурган.

Не жаҳондин анга умед, не бийм,
Деб отин халқ Пайлақус ҳаким.
("Сабъаи сайёр")

ПАЙМОНА – шароб ва бошқа ичимликлар ичишга мўлжалланган махсус идиш. Майхоналарда шаробнинг миқдорини ўлчайдиган идишни ҳам **П.** деб атаганлар. Тас. тилида ҳақиқат шароби, гайб олами нурларини мушоҳада этадиган жой, орифнинг қалби каби маъноларини англатади:

Соқиё, айла тўла паймона,
Манга тутқил қадаҳи шукрона
("Соқийнома", 31- боб)

"ПАНЖ ГАНЖ" ("Беш хазина") – Низомий Ганжавийнинг беш достондан таркиб топган асари. Шоир вафотидан сўнг номаълум котиб томонидан шундай ном берилган, кейинчалик йиллар ўтиб қисқача "хамса" (бешлик) номи б-н атала бошланган. 1180-1204 й.лар оралиғида ёзилган. *"Махзан ул-асрор"*, *"Хусрав ва Ширин"*, *"Лайли ва Мажнун"*, *"Ҳафт пайкар"* ва *"Искандарнома"* деб аталувчи достонларни ўз ичига олади. "П." Шарқ халқлари адабиётида кенг шуҳрат топади ва Амир Хусрав Деҳлавий унга жавоб ёзиб, хамсанавислик анъанасини бошлаб беради. "П." достонларига кўплаб шоирлар турли даврларда татаббуъ битганлар. Алишер Навоий "П." номини "Хамса" таркибидаги достонларида, ғазалларида ва насрий асарларида эслайди, ҳатто "Тарихи мулуки Ажам"да ўз бешлигини ҳам шу ном б-н атайди.

ПАРВИН – Савр буржининг тепа қисмида жойлашган олтита кичик юлдуз. Ҳулкар, Сурайё, фалак наргиси номи б-н ҳам аталади. **П.** Қамар (Ой)нинг 28 манзилидан бири. П. сўзи "Ғаройиб ус-сиғар"да бир марта, "Наводир уш-шабоб"да икки марта, "Бадоеъ ул-васат"да бир марта, "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий"да икки мартадан қўлланилган.

Юзунг васфин деб ўткан тун дури
ашким тўкар эрдим,
Тутуб тоғ кейнин ой кирди, қаро
туфроққа Парвин ҳам.
("Наводир уш-шабоб", 428-ғазал)

ПАРИ/Парий – ғайб оламидаги мавжудот. Қад. тасаввурларга кўра, **П.** олов унсуридан яратилган бир хилқат бўлиб, уни оддий кўз б-н кўришнинг имкони йўқ. Дев ва жинлардан фарқли ўлароқ, **П.** ўзининг гўзаллиги ва латофати б-н одамларни мафтун этиб, ақлдан оздиради. **П.**лар турли шакл ва қиёфаларга кириш имконига эга бўлиб, кўпинча соҳибжамол аёл қиёфасида намоён бўлади. Навоий шеъриятида **П**, асосан, мажозий маънода гўзаллик ва ҳусну жамол мазҳари сифатида қўлланилади.

Юзи давринда қиронму зоҳир
этмиш ул пари,
Ё қуёш бирла қирон айлабтурур
юз Муштари.
(“Наводир уш-шабоб”, 591-ғазал)

ПАҲЛАВОН ДАРВЕШ МУҲАММАД (15-аср) – ҳиротлик форсийнавис шоир ва паҳлавон, *Паҳлавон Муҳаммад*нинг укаси. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг акасига муносиб паҳлавон эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Ин мақоместки, инжо рухи
пургард хуш аст,
Дардмандию ниёзу дили
пурдард хуш аст.

(Мазмуни: Бу шундай мақомки, бунда гардга буланган чеҳра яхши; дардмандлигу муҳтожлигу дарди кўп дил яхши).

ПАҲЛАВОН КОТИБ (15–16-аср) – ҳиротлик котиб ва форсийнавис шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Абдураҳмон Жомийнинг шеър ва рисолаларини китобат қилганини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Ийд асту маро бемаҳи
худ хуррами нест,
Халқе ҳама дар шодию
чун ман ғами нест.

(Мазмуни: Байрам келди, лек менга ойдек гўзалим бўлмагани учун шодлик йўқ, барча халқ шод, лек мендек ғамгин йўқ).

ПАҲЛАВОН МАҲМУД (13-аср. ўрталари – 1322) – енгилмас паҳлавон, ҳассос шоир ва машҳур авлиё. Пурёрвалий номи б-н шуҳрат қозонган. П.М.нинг отаси асли кўҳна урганчлик бўлиб, мўғуллар босқини даврида она шаҳрини тарк этиб, Хивага паноҳ излаб келаётганида, йўлда аёлининг кўзи ёради. Болага Маҳмуд деб исм қўядилар. У жисмонан бақувват, ақлан етук, маъ-ий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етади. Унинг айниқса, паҳлавонлиги овозаси узоқ-узоқларга тарқалади. П.М. пўстиндўзлик ва телпакдўзлик б-н ҳам машғул бўлган. Вафотидан сўнг васиятига кўра шогирдлари уни ўзининг пўстиндўзлик дўкони ҳудудида дафн этганлар. Кейинчалик қабр устига мақбара тикланиб, авлиё пойига Қўнғирот уруғидан бўлган Хива хонлари кўмилган. Мақбара деворларига, пештоқларига шоирнинг рубоийлари накш сифатида ёзилган. П.М. паҳлавонларни тарбияловчи устозгина бўлиб қолмай, балки жавонмардлик одобини ўргатувчи пир ҳам эди. Жавонмардларнинг шиори дунёдаги ёвузликларнинг барча кўринишларига қарши ҳамиша, ҳамма ерда эзгуликни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу ғоялар П.М.нинг кўпгина рубоийларида ҳам ўз аксини топган.

Манбаларда унинг “Канз ул-ҳақойиқ” номли маснавийси борлиги айтилади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да П.М.га алоҳида фасл бағишлаб, шундай ёзади: *“Хевақдиндур ва лақаби машҳур Пурёрға, баъзи Паккаёр дебдурлар, аммо Хевалиқ кишидин таҳқиқ ва тасҳиҳ қилилди, Паккаёрға қарор топти, яъни барчаға Паккаёр. Ёр қассобнинг ўғлидур. Курашчиликда саромад бўлуб, азим шуҳрат тутубдур. Яшурун сулук ва риёзати ҳам бор эрмиш, андоққи, файз оламидин кўнглиға чошни етган эрмиш. Табъи ҳам хўб эрмиш. Ва назм айтур эрмиш”.*

ПАҲЛАВОН МУҲАММАД (вафо. 1493, Ҳирот) – паҳлавон, шоир, олим. Кўштигирлик, кураш тушишда ўз даврининг ягонаси бўлиши баробарида замонасининг барча илмларини эгаллаган қомусий алломаси эди: у дахл қилмаган илм, ад-т ва санъат соҳаси деярли бўлмаган.

П.М. б-н Навоий Абусаид Мирзо замонида Ҳиротга келиб кетганида – 1464 й. танишади. Шу йилнинг ўзида Машҳадда хасталикка чалинганида П.М. уни даволайди. Табиати ва қарашлари ўзаро мувофиқ келган бу икки инсон бир умрга яқин дўсту ҳаммаслак бўлиб қоладилар. Навоий бу ҳақда “Қирқ йилға яқин бу фақир била мусоҳиби жоний, маҳрами рози ниҳоний эрди”, – деб ёзади.

Қомусий билими, серқирра истеъдоди, гўзал хулқи туфайли П.М. юқори доираларда ҳам ҳурмат қозониб, Ҳусайн Бойқаронинг назарига тушади. Барчага ғамхўр ва меҳрибонлиги, каттаю кичикдан ёрдамини аямаслиги, хайру саховати б-н халқ-

нинг кўнглидан жой олиб, меҳру муҳаббатига сазовор бўлади. Алишер Навоийнинг ёзишича, у суҳбатларнинг файзи, давраларнинг гули эди. "Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳлуллоҳдин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди".

П.М.нинг хотираси кучли бўлиб, ўтмиш ва замондош шоирларнинг кўплаб шеърларини ёд билган ва ифодали ўқиб, суҳбат ва мажлисларни қизитган. Ўзи ҳам Куштигир тахаллуси б-н шеър ёзиб, хусусан, муаммо ва таърих айтишда моҳир бўлган.

"Мажолис ун-нафоис"да келтиришича, қуйидаги байтни Султон ҳузурида ўқиганида у минг олтин сийлов берган экан:

Гуфтамаш: "Дар олами ишқи
ту корам бо ғам аст",
Гуфт хандон зери лаб:
"Ғам нест, кори олам аст".

(Мазмуни: Ишқинг оламида ишим ғам бўлди", – десам, у мийиғида кулиб: "Бу ғам эмас, оламнинг ишидир", – деди). Шеърни нозик тушуниш ва таҳлил қилишдаги ноёб қобилияти замона шоирларининг юздан бирида ҳам йўқ эди, шунинг учун аксар шоирлар шеърларини унинг назаридан ўтказиб, ислоҳ ва таҳрирларини қабул қилар эдилар, дейди Навоий.

П.М. мусиқа билимдони ва етук бастакор ҳам бўлиб, у яратган "Чоргоҳ", "Сегоҳ", "Панжгоҳ" каби куйлар Хуросон, Самарқанд ва Ироқда ҳам машҳур бўлган. "Савт", "Нақш", "Чорзарб", "Қавл" йўлларида ҳам кўп куйлар яратган. Ҳусайн Бойқарога бағишлаб басталаган куйига ўзи шеър битган.

Алишер Навоийнинг П.М. вафотига бағишлаб таърих марсия битган:

Агар пурсад касе таърихи фавташ,
Бигўям: "Баъди Махдуми ба як сол".

(Мазмуни: Агар биров мендан унинг вафоти таърихини сўраса, "Махдумийдан бир йил кейин" деб айтаман).

Бу жумладаги ҳарфлар сонга айлантирилса, 1493 й. чиқади.

Навоий таърихда уни етти иқлим паҳлавони, дунёда тенги йўқ тариқат аҳлининг сарҳалқаси деб таърифласа, ундан кейин ёзган "Сокийнома"сининг 27 бобини унга бағишлаб, тариқат аҳлининг сарвари ва шоҳи, ўн филчалик қуввати бўлса-да, юз чумоличалик хоксор, барча фанларда асрининг ягонаси деб улуғлайди ва ўзига яқинлигини таъкидлайди:

Қувват аҳлиға ҳамовард келиб,
Лек дард аҳлиға ҳамдард келиб.

Ҳар бағир ёрасининг марҳами ул,
Қирқ йиллиқ бу гадо ҳамдами ул.

П.М.нинг номини абадийлаштириш мақсадида ёзган "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарида айни фикрларини давом эттириб, янада ёркин ифодалайди: "... ҳеч навъ махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яширун бўлғай, андоққи бу фақирнинг ҳам андин".

"Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" – П.М. нинг муъжаз бадиий портрети дейиш мумкин. Чунки унда Навоий қирқ йиллик қадрдони ҳаёти, фаолияти ва серқирра ижоди б-н боғлиқ барча маълумотларни келтирган ва унга дўст ва устоз, шоир ва олим, паҳлавон ва ориф, санъаткор ва ҳаким, қисқаси, ўз даврининг ноёб истеъдоди ва фозил инсони сифатида юксак баҳо бериб, табаррук номини тарих саҳифаларига мангуга нақш этган. (яна қар.: "*Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*"

ПАҲЛАВОН СУЛТОН АЛИ ГЎШТИГИР (15-аср) – ҳиротлик форсийнавис шоир ва паҳлавон, *Паҳлавон Муҳаммад Гўштигир*нинг фарзанди. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши назмий табъи борлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Мусофирест маро дар сафар намеояд,
Ба манки, бехабарам з-ў хабар намеояд.

(Мазмуни: Бир мусофирки, сафарда бирга бўлмайди, мен бехабарман, ундан менга хабар келмайди).

ПАҲЛАВОН ҲУСАЙН (15-аср) – "Девона" тахаллуси б-н форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг қаландарсифат ва ичкиликка берилган киши эканлигини айтиб, табъи лутфдан холи эмас эди, дейди ва қуйидаги байтини келтиради:

Туби мисоли сарву шамшод қомати,
Ман васфи қомати
ту чи гўям, қиёмати.

(Мазмуни: Сен жаннат дарахти каби сарв шамшод қоматсан. Мен қоматингни қандай таъриф қилай?! Қиёматсан!) П.Ҳ. Қорабоғда қатл қилинган.

ПЕШДОДИЙЛАР – Ажам давлатчилигидаги биринчи сулола номи. Фирдавсий талқини бўйича, П. сулоласи 9 кишидан иборат бўлган. Навоий "Низом ут-таворих"га таянган ҳолда уларнинг сонини 11 киши (Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид, Заҳҳок, Фаридун, Манучеҳр, Навдар, Афросиёб, Зоб Таҳмосб, Гаршосб) дейди. "Садди Искандарий" ва "Тарихи мулуки Ажам"да П. ҳақида маълумот берилган.

ПИЁЛА – ичимлик ичишга мўлжалланган ясси косача. Орифлар наздида дунёдаги ҳар бир зарра бир П.дирким, қалби огоҳ киши ундан маърифат бодасини симирмоғи зарур. Маърифатли инсон поклик ва сафода зоҳир ва ботин олами бир хил бўлиши, ички оламдаги нур ва поклик ташқи қиёфасида акс этиши лозим. П. рамзлар тилида Худо, комил инсон, пирнинг қалби, соликнинг илоҳий маърифатга ташна кўнгли маъносида ҳам қўлланилган.

Гар дурдии хум бўлсун агар соф пиёла,
Ичкум, чу азалдин манга
бу бўлди ҳавола
("Наводир уш-шабоб", 524-ғазал)

ПИР – тасаввуфий адабиётда кўп қўлланиладиган атама; муршид, шайх, раҳнамо. Муайян тариқатнинг пешвоси. А. Навоий Жомийни ўзига П. деб билган. П. икки навдир : П.и суҳбат ва П.и иродат. П.и суҳбат тариқат амалларининг муайян жиҳатларини суҳбат, зикр ва талқин орқали ўргатади. П.и иродат эса муриднинг инон-ихтиёрига ўзини буткул таслим этиб, барча амаллари, ўй-хаёллари ва тафаккур тарзини ўз назоратига олади. П.и суҳбат тас.га буткул берилмаган ҳолда ахлоқини тариқат йўналишига мувофиқ тузатиб борадиган кишилар тарбияси б-н машғул бўлади. П.и иродат эса хонақоҳда муридлар тарбияси б-н махсус шуғулланади.

ПИР АҲМАД ИБН ИСКАНДАР (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттот. Ҳирот хаттотлик мактабининг давомчиларидан. 1533–34 й. Навоийнинг терма девонини кўчирган. Ушбу қўлёзма 543 варақдан иборат бўлиб, ТошДШИ ШҚМ 1-фондида 9672-рақам остида сақланади.

ПИР МУҲАММАД ИБН ШАЙХ ТОҲИР ТАБРИЗИЙ (16-аср) – Навоий асарларини кўчирган хаттот. Табриз хаттотлик мактаби намояндаси. Навоийнинг у кўчирган бир терма девони ТошДШИ ШҚМ 3-фондида 98-рақам остида сақланади. Қўлёзма ҳажми 167 варақдан иборат. Қўлёзмада котиб ўз исмини "Пир Муҳаммад ибн Шайх Тоҳир Табризий" деб қайд этган ва унинг китобат санасини 935 й. 15 шаъбон (м. 1529 й. 24 апрель) деб кўрсатган.

ПИРИ КАНЪОН – Яъқуб пайғамбарнинг нисбаси. Канъон мавзесида яшаган ҳамда фарзанди Юсуф (а.)ни умр бўйи сабр б-н кутган Яъқуб (а.) Навоий шеъриятида ишқ йўлида гўзал сабр қилишдан ўзга чораси қолмаган ошиқнинг тимсоли сифатида гавдаланади:

Бориб Юсуф жамоли нақдиға
жонон эрур ворис,
Начукким, пири Канъонға
маҳи Канъон эрур ворис
("Фавойид ул-кибар", 91-ғазал)

ПИРИ СЕСАДСОЛА (15-аср) – Дарвеш Ҳусайннинг набираси, Мавлоно Муҳаммад Чоҳунинг ўғли. Тариқатни табобат б-н уйғунлаштирган. Дард риёзатини чеккан соликларга "Муту қабла ан-тамуту" ("Ўлимдан бурун ўлинг") хадисини иршод қилар эмиш. "Ҳақ ошиқлари учун ушбу ҳадис ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган" бўлиб, бу б-н у "нафсни енгишни, яъни соликларга руҳоний ҳаёт ва завқу шавқ ила яшаш сирларини кўрсатган" (И. Ҳаққул). Имом Раббоний таъбирига кўра, бу суфийлик аввалида ҳосил бўладиган камол даражаси бўлиб, фано ҳоли валоят мартабаларига сари ташланадиган илк қадамдир. Навоий П.С. ҳақида "Мажолис ун-нафоис"нинг 4-мажлисида маълумот беради.

ПОЗАНД – зардуштийлар китоби. "Бурҳони қотеъ"да П. "Занд Авесто" китобининг тафсири деб берилган. Асадий Тусий эса "Занд" ва П.ни бир китоб деб ҳисоблайди. Масъудийнинг "Ат-танбеҳ" китобида берилишича, "Занд"нинг хати ўқилиши қийин бўлгани учун ҳошияларида асосий матнларни янги паҳлавий хат б-н қайта ёзишган. Кейинроқ бу матнлар алоҳида китоб ҳолига келтирилиб, П. деб аталган.

Навоий П.ни зардуштийларнинг муқаддас китоби деб билган ва Таврот, Инжил, Забур китоблари нозил бўлганидан сўнг мансух-бекор бўлган деб ҳисоблаган:

Йўқ бўлди каломингдин
асфори само барча
Асфори самовийдин бўлган
киби йўқ Позанд.
("Ғаройиб ус-сиғар", 132-ғазал)

ПОКБОЗ – садоқатли ошиқ, ҳалол, чин, беғараз, тўғри юрувчи. Қимор ўйинларида ғирромликка йўл қўймаган қиморбозга нисбатан қўлланилган атама. Ишқ йўлидаги ошиқларнинг асосий сифати. Тас-ий маънода хос ва холис таважжуҳ, ибодат ва эзгу амалларни адо этишда савоб ҳам, мартаба ҳам тамаъ қилмай, Аллоҳ йўлида беғараз ва холис иш тутган кишига нисбатан қўлланилади.

Эй Навоий, сен басе
олудадомансен, магар
Ишқ ул пок ила ўйнарсенки
дерлар покбоз
("Ғаройиб ус-сиғар", 201-ғазал)

ПОРСО – 1) тақводор, художўй, покдоман. Қалби ибодат нурига лиммо-лим, турли шаҳвоний ва нафсоний ғаразлардан покланган киши. Порсоваш – порсоларга ўхшаш, покдоман, порсолиғ – тақводорлик, порсосўзанда – тақвони барбод қилувчи каби сўзларнинг таркибида ҳам келади. Матннинг умумий маъносига қараб, ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўлланилган.

"Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай" ("Маҳбуб ул-қулуб").

2) Нақшбандийликнинг йирик пешволаридан бири Хожа Муҳаммад ҳамда ўғли Хожа Абунасрнинг тахаллуси:

Хожаи динпарвари олий насаб,
Ким отиға Порсо эрди лақаб.

ПУРОНИЙ, Жалолиддин Абуязид (ваф. 1458) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Қуръон, ҳадис ва фиқҳ илмларини чуқур ўзлаштирган. Одамларнинг оғирини енгил қилиш ва ҳожатини чиқаришни ҳаётнинг асосий маслагига айлантирган бу шайх увайсийлардан бўлиб, Мавлоно Заҳириддин Хилватий тариқатига эътиқод қўйган. Жомий бу зот б-н бир неча марта ҳамсуҳбат бўлганини қайд этган. "Арбаъин" асари ёзгани маълум. Жомий ўз "Арбаъин"ини ёзишда жанр ва вазн масаласида унинг асарига издошлик қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.



РАБОТ – чегара ҳудудларида қўшинларнинг тўхташига мўлжалланган махсус қароргоҳ. Кейинчалик карвонсарой ва хонақоҳларга нисбатан ҳам Р. сўзи қўлланила бошлаган.

Навоий умри давомида кўплаб Р.ларни бунёд этган бўлиб, "Мақорим ул-ахлоқ" асарида уларнинг рўйхати қуйидаги тартибда берилган: Сарихиёбон Р.и, Тўғузработ, Ҳавзак Р.и, Дарайи занғи Р.и, Чиҳил духтарон Р.и, Тарноб Р.и, Панждеҳ Р.и, Қутулмиши мурғоб Р.и, Марвчоқ Р.и, Пули Аҳмад Муштоқ Р.и, Ябғу Р.и, Зоҳид Р.и, Хожа Дука Р.и, Чаҳоршанба Р.и, Бобо бури Р.и, Дарайи қўрқуш Р.и, Кандаги Р.и, Оқработ, Муздурон Р.и, Ёнбулоғ Р.и, Дашти Шорахт Р.и, Адраскан Р.и, Фармоншайх Р.и, Абулвалид Р.и, Париён Р.и, Пули Гуриён Р.и, Поёбак Р.и, Тирпул Р.и, Шутурхони тирпул Р.и, Саҳройи боғанд Р.и, Жом Р.и, Харгирд Р.и, [олдин қурилган] Бикробод Р.ини таъмирлаш, Саъдобод Р.и, Хазира Р.и, Сангбаст Р.и, Машҳади муқаддаса Р.и, Тепайи Чавк Р.и, Дизбод Р.и, Келидар Р.и, Санглидар Р.и, Руниз Р.и, Исфаройин Р.и, Чинорон Р.и, Ишқ Р.и, Даҳанайи Тахти Сулаймон Р.и, Журмжўй Р.и, Оҳувон Р.и, Сари кўчайи аломат Р.и, Пули нигор Р.и, Биҳра работи, Деҳлар Р.и.

Р.сўзи маж. маънода фоний дунёни англатади.

Манзил этсанг бу
работ ичра иқомат қилмаким
Ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур работ.
("Гаройиб ус-сиғар", 280-ғазал)

РАБОТИЙ, Иброҳим – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тариқатдаги пири – *Иброҳим Ситанбаҳ Ҳиравий*. Таваккулга кўп аҳамият берган. Қабри Ҳиротдаги работи Зангизодада. "Маҳбуб ул-қулуб"нинг "Таваккул бобида" Р.нинг исми берилмасдан келтирилган Р. ва Иброҳим Ситанбаҳ ўртасида бўлиб ўтган биёбон сафаридаги воқеа "Насойим ул-муҳаббат"да Р. ҳақидаги фаслда ҳам айнан такрорланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"РАВЗАТ УС-САФО" ("Жаннат боғи") – Муҳаммад ибни Ховандшоҳ ибни Маҳмуд *Мирхонд*нинг тарихий мавзудаги асари. Тўлиқ номи «Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбиё вал-мулук вал-хулафо» («Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи»). Етти жилд(дафтар)дан иборат. Асарнинг биринчи жилди оламнинг яратилишидан то сосонийлар сулоласи инқирозигача бўлган даврни ўз ичига олади. Иккинчи жилдда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ва тўрт халифа тарихи ҳақида сўз боради. Учинчи жилд умавий ва аббосийлар халифалари тарихи, тўртинчи жилд Марказий Осиё халқларининг умавий ва аббосийлар давридаги тарихи баёнидан иборат. Бешинчи жилдда Чингизхон ва чингизийлар тарихи, олтинчи жилдда Амир Темурдан бошлаб Абу Саид Мирзо вафотигача бўлган давр тарихи ҳақида сўз боради; Асарнинг еттинчи жилди Султон Ҳусайн ва унинг авлодлари тарихига бағишланган бўлиб, бу жилднинг

давоми М.нинг набираси *Хондамир* томонидан бобоси вафотидан сўнг ёзиб тугалланган. Дастлабки олти жилд матни бевосита Алишер Навоий таҳриридан ўтган. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг 4-мажлисида ушбу асар бевосита ўзининг илтимоси б-н ёзилаётганлигини таъкидлаб ўтади.

"РАВЗ УР-РАЁҲИН" ("Райҳон боғлари") – Имом Ёфиъийнинг тазкира асари. Тўлиқ номи –"Равз ур-раёҳин фий ҳикоёт ис-солиҳин" ("Солиҳ кишилар ҳақида ҳикоя қилувчи райҳон боғлари") Ушбу асарда Имом Ёфиъий шайхлар ҳаётига оид 500 га яқин ҳикоят келтирган. Р.ни Жалол Муҳаммад бин Убободий форс тилига (1435), Мустафо бин Шаъбон Сурурий (ваф. 1562) усмонли турк тилига таржима қилган. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Имом Ёфиъий ҳақидаги бобда келтиради.

РАВШАНАК (мил.ав. 342–309) – Бақтрия маликаси, Александр Македонскийнинг хотини. Р. Бақтрия (Форс империясининг шарқий қисми, ҳозирги кунда шимолий Афғонистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг шимолий вилоятларига тўғри келади) ва маҳаллий амалдор Оксиарт (Ваксувадарва)нинг қизи бўлган. Оксиарт Александрнинг яқинлашаётганидан хабар топгач, хотини ва болаларини Суғдиена кояси деб номланган мустаҳкам қалъага жўнатади. Аммо мил. ав. 327 йилда бу қалъа ва унинг барча аҳолиси, шунингдек Оксиартнинг болалари ва хотини ҳам македонияликларга таслим бўлиб, асир тушади. Юнон ёзувчиси Арриан бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: "Бу қизлардан бирининг исми Равшанак бўлиб, балоғат ёшида эди. Жангчиларнинг айтишича, у Осиёдаги барча аёлларнинг ичида (Доронинг хотинидан ташқари) энг гўзали эди. Александр уни бир кўришдаёқ севиб қолди, аммо у қизнинг асиралигидан фойдаланиб, даррон эга бўлишни хоҳламади, аксинча, ҳурмат-иззатини жойига қўйган ҳолда туй-томоша килиб, унга уйланди". Бу никоҳ Александрни маҳаллий аҳоли б-н яқинлаштиради. Улар Александрга ишонч билдириб, бу никоҳни юксак қадрлайдилар ва Александрни яхши кўриб қоладилар. Р. мил. ав. 326–324 й.да Александрнинг Ҳиндистонга юришида ва Бобилга қайтишида ҳамроҳлик қилади. Тарихий маълумотларга кўра, Ҳиндистонга юриши вақтида Р. ва Александрнинг янги туғилган ўғли чақалоқлигида ўлган. Мил. ав. 323 йилда Александр ҳам тўсатдан вафот этади. Р. унинг ўлимидан бир ой ўтиб ўғил кўради ва унга Александр деб ном қўяди.

Тарихий асарларда Р.ни Эрон шоҳининг қизи сифатида тасвирланган. Бундай хатога биринчи бўлиб Табарий йўл қўйган. Бу тасодифий хатомикин ёки атайлаб қилинган ишми, маълум эмас. Табарийнинг таъсирида Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида ҳам Р. Искандарнинг севимли рафиқаси ва Эрон шоҳи Доронинг қизи сифатида талқин этилади. Аслида Доронинг васиятига биноан Александрга никоҳланган қизнинг исми Ситора бўлиб, у Александр Македонскийнинг Р.дан кейинги иккинчи рафиқаси ҳисобланади.

Низомий ва бошқа хамсанавислар, жумладан, Навоийда ҳам Р. Доронинг қизи сифатида талқин этилган. Искандар бу гўзал қизни Доронинг жанг майдонида ўлими олдидан қилган васиятига кўра, хотинликка олган.

Ёзиб Равшанак наздиға номае,
Азодин суруб тийра ҳангомае.

("Садди Искандарий")

РАДД УЛ-АЖУЗ АЛ АС-САДР (ар. – ажуздан садрга бориш) – қайтаришга асосланган шеърий санъатлардан бири. *Мутобиқ* ва *мусаддар* деб ҳам аталади. Бу санъатга кўра, байтнинг охирида келган сўз кейинги байтнинг бошида такрорланиб келади.

Шарқ мумтоз поэтикасида байтнинг боши *садр*, охири *ажуз* ёки *зарб*, иккинчи мисранинг боши *ибтидо* ва ҳар икки мисранинг ўртаси *ҳашв* дейилади. Буни қуйидаги чизмада кўриш мумкин:

Садр _____/____ҳашв____/___ аруз
Ибтидо____/___ ҳашв__/___ажуз (зарб)

Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу санъатга аввалги байтдаги *ажузнинг* кейинги байтдаги *садр*да такрорланишига асосланган санъат сифатида қараш мумкин.

Илми бадиъга доир манбаларда Р. санъатига кенг ўрин ажратилган. Хусусан, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг *"Бадоеъ ус-санойиъ"* асарида мазкур санъат номи англатган луғавий маъно, унинг турларига тўхталиб ўтилиб, салафлар Шамс Қайс Розий ва Рашидиддин Ватвотнинг ушбу санъат тури ҳақидаги фикрларига муносабат билдирилади, "Хадойиқ ус-сеҳр"да келтирилган фикр асосида Р. санъати форсий тилда *мутобиқ* ва *мусаддар* деб аталиши айтиб ўтилади.

Алишер Навоий ижодида Р.санъатининг қўлланилиш даражасини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1) Байт охирида радиф вазифасида келган сўз кейинги байтнинг бошида такрорланиб келади. Бунда ушбу санъат қайтаришга асосланган яна бир шеърий санъат – *тасдир* б-н уйғунлик касб этади:

Қўйма миннат бизга ғамгин
айлабон ишқ аҳлини,
Бизни ҳам шод этмадинг,
гар элни ношод айладинг.
Айладинг *кўнглум иморат*
партави рухсор ила,
Каъбани бутхона
қилмоғлиққа обод ***айладинг.***
("Наводир уш-шабоб", 347-ғазал)

2) Байт охирида қофия вазифасида келган сўз кейинги байтнинг бошида такрорланиб келади:

Эй қилибон ламъаи нурунг зуҳур,
Андаки не соя бор ***эрди****, не нур.*
Нурунга тоб икки жаҳондин бурун
Ҳарне йўқ андин бурун, андин бурун.
("Ҳайрат ул-аброр")

РАДД УЛ-МАТЛАЪ (ар. – матлаънинг такрорланиши) – ғазал ёки қасида матлаъидаги биринчи мисранинг мақтаъда, баъзан шеър таркибидаги байтлардан бирида такрорланиб келишига асосланган шеърий санъат. Бу тарздаги такрор тасодифий бўлмасдан, муайян поэтик мақсадга эга. Ғазал матлаъси ёки қасиданинг биринчи байтида илгари сурилган фикр кейинги байтларда ривожлантирилиб борилади ва шеър ниҳоясида мисрани такрорлаш орқали ўша фикр яна таъкидланади.

Илми бадиъга доир форсий манбаларда бу санъат ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. Фақат Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг қофия илмига доир "Рисолаи вофий дар қавойиди илми қавофий" (1487) номли рисоласида ушбу санъат номини келтириб, уни қофия санъатларидан бири сифатида тилга олади ва матлаъда келтирилган қофиянинг кейинги байтлар таркибида такрорланиши Р.м.деб аталишини таъкидлайди. Айнан шунга ўхшаш фикр Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор "(15-аср) асарида ҳам келтирилган.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг туркий поэтикага доир "Фунун ул-балоға" (1436–1437) асарида эса ушбу санъатга қуйидагича таъриф берилган: *"Бу санъат анингтек бўлурким, шеърнинг матлаъини радд қилурлар. Бу уч навъ бўлур. Бири улким, матлаънинг аввалги мисраини тамом мақтаъда радд қилурлар..."* Тарозий Р.м.нинг кейинги турлари сифатида матлаъдаги биринчи мисранинг қофиясини мақтаъда ва иккинчи ёки учинчи байтларда такрорлашга асосланган санъатларни келтириб ўтади. Бу турлар ҳозирги илми бадиъда *радд ул-қофия* номи б-н аталиб, алоҳида шеърий санъат ҳисобланади. (қар: *радд-ул-қофия*)

Алишер Навоий ижодида Р.м. санъати кенг истифода этилган бўлиб, ушбу санъат Навоий ғазалларидаги бош ғоя – фикр, хулоса ёки унинг айрим жиҳатларини, етакчи фикр, хулосанинг юзага келиши учун туртки бўлган асосий сабабга урғу қаратиш ва алоҳида таъкидлаш учун хизмат қилган. Шоир ғазалларида Р.м. нинг икки хил кўриниши кенг қўлланилганлигини кузатиш мумкин:

1) матлаъдаги биринчи мисранинг мақтаънинг сўнгги мисрасида такрорланиб келишига асосланган Р.м.;

2) матлаъдаги биринчи мисранинг иккинчи байт таркибида қайтарилиб келишига асосланган Р.м.

"Хазойин ул-маоний"да Р.м. санъати асосида ёзилган 35 га яқин ғазал мавжуд бўлиб, шулардан 31 тасида Р.м.нинг биринчи кўриниши, қолганларида эса матлаъдаги биринчи мисранинг иккинчи байт таркибида такрорланиб келишига асосланган кўриниши қўлланилган (Ё.Исҳоқов). Р.м.нинг биринчи кўринишига Навоий-

нинг қуйидаги ғазалини мисол тариқасида келтириш мумкин:

Кечти умрум нақди ғафлат бирла
нодонлиғда ҳайф,
Қолғани сарф ўлди андуҳу
пушаймонлиғда ҳайф.

Мақтаъ:
Эй Навоий, воқиф эрман халқдин,
бори менинг
Кечти умрум нақди ғафлат бирла
нодонлиғда ҳайф.
("Ғаройиб ус-сиғар", 303-ғазал)

Р.м.нинг Алишер Навоий ижодидаги иккинчи кўринишига қуйидаги ғазал байтлари мисол бўла олади:

Оташин гул баргидин
хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир утдурким,
менинг жонимдадур.

Оташин лаълидурурким,
анда музмар бўлди жон,
Оташин гулбаргидан
хилъатки жононимдадур.
("Бадоеъ ул-васат", 194-ғазал)

Навоий шеъриятида Р.м. санъатининг бир оз ўзгарган кўриниши ҳам қўлланилган бўлиб, унда матлаъдаги биринчи мисра иккинчи байт ёки мақтаъда бир оз ўзгарган шаклда такрорланади. Бу санъатни шартли равишда ярим Р.м. деб аташ мумкин (Ё.Исҳоқов). "Хазойин ул-маоний" куллиётида ўндан ортиқ ғазал ушбу санъат асосида ёзилган. Матлаъ ва иккинчи байт орасидаги ярим Р.м.га мисол:

Ўюй олсам ***эшикинг***
туфроғини ёстанибон,
Салтанат тахтиға чиқмоқ
тиламон уйғонибон.

Ит киби ҳар неча қавсанг
урубон тошу кесак,
Ёна келгум ***эшикинг***
туфроғини ёстанибон...
("Наводир уш-шабоб", 452-ғазал)

Матлаъ ва мақтаъ орасидаги ярим Р.м. га мисол:

Ҳолима ёр тараҳҳум қилмас,
Йиғласам зор, табассум қилмас.

Эй Навоий, қия боқти демаким,
Кўнглума ёр тараҳҳум қилмас.
("Фавойид ул-кибар", 225-ғазал)

РАДД УЛ-ҚОФИЯ (ар. – қофиянинг такрорланиши) – ғазал ёки қасида матлаъидаги қофиянинг ундан кейинги байтлардан бирида ёки мақтаъда такрорланишига асосланган бадиий санъат. 16-асргача яратилган адабий манбаларда "*ийто*" деб юритилган. Саккокийнинг "Мифтоҳ ул-улум", Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" (1218–1233), Насириддин Тусийнинг "*Меъёр ул-ашъор*", Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Бадоеъ ул-афкор фи санойиъ ул-ашъор" (15-аср), Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи қофия" (1465), Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Рисолаи вофий дар қавойиди илми қавофий" (1487) асарларида мазкур санъат ҳақида маълумотлар келтирилади. Ушбу асарларнинг деярли барчасида ийто қофия нуқсонларидан бири сифатида эътироф этилиб, агар такрорланувчи қофиялар орасида муайян масофа бўлса (ғазал ва қитъада 7 байтдан кейин, қасидада эса 14–20 байтдан кейин) ёки шеър икки матлаъга эга бўлса (шеър ўртасида яна бир қўш қофияланувчи байт келса), ийтодан фойдаланиш мумкин деган умумий хулоса айтилади.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" (1436–37) асарида Р.қ. санъати *радд ул-матлаъ* таркибида таҳлил қилиниб, рисолада келтирилган *радд ул-матлаъ*нинг иккинчи ва учинчи турлари айнан Р.қ. санъатига мос келади: "Иккинчи навъи улким, аввалги мисраънинг қофиясини мақтаънинг охиринда радд қилурлар... Учинчи навъи улким, аввалги мисраънинг қофиясини иккинчи байт ё учинчи байтта радд қилурлар". Бунда муаллиф Р.қ. санъати матлаъдаги қофиянинг мақтаъда ёки иккинчи ва учинчи байтлардан бирида такрорланишига асосланишини таъкидлаяпти.

Алишер Навоий ғазалиётида ушбу санъат анча фаол қўлланилган бўлиб, "Хазо-

йин ул-маоний" куллиётида унинг турли кўринишдаги 450 дан ортиқ намуналарини учратиш мумкин (Ё.Исҳоқов). Шоир шеъриятида Р.қ.нинг қуйидаги кўринишлари қўлланилган:

1. Ғазалдаги биринчи мисранинг қофияси иккинчи байтда такрорланишига асосланган Р.қ.:

Баҳор сенсиз ўлуптур
манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ
шукуфалардур ях.

Баҳор сенсиз агар дўзах
ўлса тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо
бўлмаса эрур дўзах...
("Ғаройиб ус-сиғар", 108-ғазал)

2. Ғазалдаги биринчи мисранинг қофияси иккинчидан кейинги байтлардан бирида такрорланишига асосланган Р.қ.:

Юз туман меҳнат ўқи
андуҳлуғ жонимдадур,
То ҳаводин сарзаниш сарви
хиромонимдадур.

Ҳожатим будур, худоёким,
каромат қилғасен
Нотавон жонимға ҳар
заҳматки, жононимдадур.

Дард менда сендин ортуқ бўлса,
жоно, не ажаб
Ким, сенинг жисмингдадур заҳмат,
менинг жонимдадур...
("Ғаройиб ус-сиғар", 150-ғазал)

3. Ғазал матлаъсидаги иккинчи мисранинг қофияси иккинчидан кейинги байтлардан бирида такрорланишига асосланган Р.қ.:

Кечти умрум нақди ғафлат бирла
нодонлиғда ҳайф,
Қолғани сарф ўлди андуҳу
пушаймонлиғда ҳайф.

6-байт:

...Андоқ иш қилким, пушаймон
бўлмағайсенким, эмас
Ҳеч осиғ чун иш хато бўлди
пушаймонлиғда ҳайф...
("Ғаройиб ус-сиғар", 303-ғазал)

4. Ғазал матлаъидаги қофиялардан бирининг мақтаъда такрорланишига асосланган Р.қ.:

Ишқ солди хонумоним ичра ўт,
Лаъли оташноки жоним ичра ўт.

...Эй Навоий, чун чақилди барқи ишқ,
Тушти андин хонумоним ичра ўт.
("Наводир уш-шабоб", 86-ғазал)

РАДИФ (ар. – изма-из келувчи, отнинг орқасидан эргашиб борувчи) – мумтоз шеър унсурларидан бири. Шеърий мисраларда қофиядан сўнг айнан такрорланиб келувчи сўз ёки сўзлар қўшилмаси. Р. шеърда ифодаланаётган етакчи фикрни такрорлаш, китобхон эътиборини асосий ғояга жалб этиб, муаллиф ғоявий ниятини чуқуррок етказиб беришга хизмат қилади. Мумтоз шеършунослиқда Р. қофия илми таркибида ўрганилган. Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам" (1218–1233), Насириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор" (1251–1252), Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи қофия", Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" (1436–37) асарларида Р. форсий шеъриятга хос бўлиб, арабларда қўлланилмаганлиги таъкидланади.

Алишер Навоий ижодида Р. муҳим аҳамиятга эга бўлиб, "Хазойин ул-маоний" куллиётидан ўрин олган ғазалларнинг деярли тенг ярмини (1294 ғазал) Р. қўлланилган байтлар ташкил қилади. Шоир Р. лари бир бўғиндан 9 бўғингача бўлган сўзларни ўз ичига олади. Масалан, шоирнинг

Дилбаро, сендин бу ғамким,
менда бордур, кимда бор?
Фурқатингдин бу аламким,
менда бордур, кимда бор? –
("Наводир уш-шабоб", 148-ғазал)

байти 6-н бошланувчи ғазалида Р. "менда бордур, кимда бор?" сўзларидан иборат бўлиб, 7 бўғинни ўз ичига олади.

Навоий "Хамса"си достонларида қўлланилган Р. фақат шаклий хусусият касб этмай, достонлар мазмуни, муаллифнинг ғоявий ниятини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга. "Хамса" таркибидаги достонларда Р. нинг қўлланилиш даражасини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Достонлар	Достонларнинг умумий ҳажми	Радиф қўлланган байтлар миқдори	% ҳисобида
1.	"Ҳайрат ул-аброр"	3988	1306	32.8
2.	"Фарҳод ва Ширин"	5782	999	18
3.	"Лайли ва Мажнун"	3622	595	16.4
4.	"Сабъаи сайёр"	5000	1250	25
5.	"Садди Искандарий"	7005	1936	27.6

Ушбу жадвалдан маълум бўладики, "Хамса" достонлари орасида Р. энг кўп қўлланилган достон "Ҳайрат ул-аброр"дир. Бунинг сабаби, "Ҳайрат ул-аброр" мазмунига кўра фалсафий-таълимий достон бўлиб, унда панд-насиҳат руҳи етакчилик қилади, Р.нинг вазифаси эса ижодкорнинг ғоявий ниятини таъкидлаш ва китобхонга чуқурроқ етказиб беришга хизмат қилишдан иборат. "Лайли ва Мажнун" достонида Р.нинг нисбатан кам қўлланилганлигига сабаб муаллифнинг нияти китобхонга Лайли ва Мажнун б-н боғлиқ афсонани ҳикоя қилиб бериш ёки муайян бир дидактик фикрни таъкидлаш эмас, балки "дард навҳаси" баёни ва руҳият тасвирини ифодалаб беришдан иборат эканлигидир.

РАЖАЗ – (ар. тезлик, шитоб, изтироб) – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Араб қабилаларининг шижоати ва жанглардаги мардоналигини васф этувчи шеърлар, асосан, мазкур ўлчовда битилганлиги учун шундай аталган. Баъзи арузшуносларнинг айтишларича, Р. сўзи "*йўл давомида қалтирайдиган ва тўхтайдиган туя*" маъносини англатадиган "ражз" калимасидан олинган. Р. баҳри *мустафъилун* (– –V–) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Асосан *мусамман* ва *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукнли вазнларни ўз ичига олади. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да Р.нинг олтита мусамман рукнли вазнларини, олтита мусаддас рукнли вазнларини ва битта мураббаъ рукнли (жами 13 та) вазнларини санаб ўтади. "Хазойин ул-маоний" куллиётида Р.нинг жами 3 вазни истифода этилган. Куллиётдаги 20 дан ортиқ шеър шу вазнда ёзилган.

Навоийнинг "Мезон ул-авзон" рисоласида Р.ни ҳосил қилувчи *мустафъилун* аслининг қуйидаги 14 фуруъ (тармоқ рукн)и келтирилган.

Т/р	Рукн номи	Тактиъи	Вазндаги номи
1	Мустафъилун	– –V–	солим
2	Мафоилун	V –V–	махбун
3	Муфтаилун	–V V–	матвий
4	Мафъувлун	– – –	мақтуъ
5	Фаувлун	V– –	мухаллаъ
6	Фаълун	– –	маҳзуз
7	Фоилун	–V–	марфуъ
8	Фаилатун	VVV –	махбул
9	Мафоилон	V–V–	матвийи музол
10	Мустафъилон	– –V–	музол
11	Фаилатон	V V V–	махбули музол
12	Мафоилотун	V–V– –	махбуни мураффал
13	Муфтаилотун	–VV– –	матвийи мураффал
14	Мустафъилотун	– –V– –	мураффал

Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва "Мезон ул-авзон"да келтирилган Р. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақиъи	Келтирилган мисол
1	Ражази мусаммани солим	мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун, – –V–/–––V–/ – –V–/– –V–	Ер узра тим-тим қон ёшим гўёки томмас дам-бадам, Ким, нақди васлинг байъига кўзлар санар бир-бир дирам. *("Бадоеъ ул-васат", 398-газал)* Вайронаедур масканим, андин манга бисёр ғам, Оҳим била эшикда ўт, ашким билан девор нам. *("Мезон ул-авзон")*
2	Ражази мусаммани матвийи махбун	муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун, –VV–/V–V–/ –VV–/V–V–	Қуйди кўнгулки, қолмади ашкда конидин асар, Қон демайинки, кўзда ҳам ашкиравонидин асар. *("Наводир уш-шабоб", 176-газал)* Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай, Вах, ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай. *("Мезон ул-авзон")*
3	Ражази мусаммани матвий	муфтаилун муфтаилун муфтаилун муфтаилун, –VV–/–VV–/– VV–/–VV–	Бизга жаҳон боғидин ул сарви гуландом етар, Ул чу етар сояйи сарву майи гулфом етар. *("Наводир уш-шабоб", 177-газал)* Кел бери, эй рашки қамар, лаъли лабинг тунги шакар, Фуркатинг утида кўнгул чекти сипеҳр узра шарар. *("Мезон ул-авзон")*
4	Ражази мусаммани махбуни матвий	мафоилун муфтаилун мафоилун муфтаилун, V–V–/–VV–/V–V–/– VV–	Манга кўнгул ҳажринг аро зордур, эй рашки пари, Юзунгни кўргузгилу, айла гуссадин жонин бари. *("Мезон ул-авзон")*
5	Ражази мусаммани махбуни мақтуъ	мустафъилун мустафъилун мафоилун мафъувлун, – –V–/– –V–/V–V–/– – –	Тенгри учун кайда эдинг рост де, эй сарви сиқи, Фуркатинг утидин манга риоят айла ғаҳ-ғаҳи. *("Мезон ул-авзон")*
6	Ражази мусаммани матвийи махбуни мақтуъ	муфтаилун мафоилун муфтаилун мафъувлун,–VV–/V–V–/– VV–/– – –	Сарв нечук дейин сеники, йўқ анга гулранг юз, Нахл нечук дейин сеники, йўқ анга ширин сўз. *("Мезон ул-авзон")*
7	Ражази мусаддаси солим	мустафъилун мустафъилун мустафъилун, (– –V–/––V–/– –V–	Ҳажрингда, эй гулчеҳра, беҳад зорман, Қон ичра ғарқа гул киби афгорман. *("Мезон ул-авзон")*
8	Ражази мусаддаси мақтуъ	мустафъилун мустафъилун мафъувлун, – –V–/– –V–/– – –	Эй ишқинг ичра одатим маҳзунлуқ, Ҳажрингда даъбу сийратим мажнунлуқ. *("Мезон ул-авзон")*
9	Ражази мусаддаси матвийи музол	муфтаилун муфтаилун муфтаилон, –VV–/– VV–/–VV–	Келки, фирокингда кўнгул булди ҳазин, Айлама мунча манга бедол ила кин. *("Мезон ул-авзон")*
10	Ражази мусаддаси матвийи мақтуъ	муфтаилун муфтаилун мафъувлун, –VV–/– VV–/– – –	Кургали ҳуснунгни сенга ҳайронмен, Водийи ҳасрат аро саргардонмен. *("Мезон ул-авзон")*
11	Ражази мусаддаси махбун	мафоилун мафоилун мафоилун, V–V–/V–V–/V–V–	Юзунг қамар, қадинг шажар, лабинг шакар, Манга булар хаёлидин не хобу хўр. *("Мезон ул-авзон")*
12	Ражази мусаддаси матвий	муфтаилун муфтаилун муфтаилун, – VV– /– VV– /– VV–	Вахки, яна фуркатинг ичра тушмишам, Ўлгали бу фурқат аро ёвушмишам. *("Мезон ул-авзон")*
13	Ражази мураббаъи солим	мустафъилун мустафъилун, – –V–/– –V–	Сенсиз ишим фарёд эрур, Ўз жонима бедод эрур. *("Мезон ул-авзон")*

РАЗ ҚИЗИ (ток қизи, узум) – Навоий ғазалларида кўп учрайдиган тимсол номи. Образли йўсинда май рамзи бўлиб келади. Навоий ғазалларида ҳаёт ғам-ташвишларидан халос этиш воситаси сифатида қўлланилади. Рамзий образ сифатида кўпинча Шарқ мумтоз шеъриятидаги машҳур образ – даҳр золи (дунё кампири – кўҳна дунё)га қарама-қарши қўй.ади:

Раз қизидин, соқиё, бир дам
мени шод айлаким,
Чарх золи ғуссаси кунглумни
ғамгин айламиш.
("Ғаройиб ус-сиғар", 253-ғазал)

Майни тамсил этиб келганлигидан Р.қ. б-н боғлиқ байтлар, одатда, тас-ий маънода бўлади. Мас.,

Ич, Навоийки, бу тун
раз қизини бермак эмиш,
Пири майхона сени ўзига фарзанд қилиб
("Фавойид ул-кибар", 55-ғазал)

Байтнинг луғавий маъноси: Эй Навоий, бу кеча майхона пири сени ўзига фарзанд қилиб, ток қизини олиб бермоқчи. Лекин шоирнинг майхонада майхона бошлиғига ўғил бўлиб, ток қизига уйланиши ҳақидаги ушбу фикр дунёвий талқинга рўй бермайди. Раз қизи – май, май – илоҳий муҳаббат ва маърифат, майхона – хонақоҳ, пирнинг ҳузури, пири майхона – маъ-ий раҳбар эканлигини кўзда тутсак, бу орқали шоир: "Эй Навоий, бу кеча илоҳий илмлар, ғайб сирлари кони бўлган комил пир сенга маърифатдан сабоқ бермоқчи эмиш, сен унинг пурмаъно сўзларини жон қулоғинг б-н тинглаб, кўнглингга жо қил". Ёки: "Бу кеча пири ғайбдон сенга илоҳий сирлар хазинасини очмоқчи эмиш, сен уни кўнглинг мулкига жо айла". Яна: "Бу тун Ҳақ сирларидан воқиф комил пир илоҳий маърифат мулки калитини сенинг қўлингга тутқазмоқчи эмиш, сен уни сидқу ихлос б-н қабул қил" каби фикрларни илгари сургани маълум бўлади.

РАЗИИДДИН АЛИ ЛОЛО, Шайх Разииддин Али ибн Саид ибн Абдулжамил Лоло Ғазнавий (ваф. 1243, Исфаҳон) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Отаси Ҳаким Саноийнинг амакиваччаси. Ёшлигидан алоҳида қобилияти б-н ажралиб турган. Ҳаж нияти б-н сафарга чиққанда Хуросонда Юсуф Ҳамадоний суҳбатига етган. Туркистонда Аҳмад Яссавийнинг мурид и бўлган. Тушида Нажмиддин Куброни кўриб, уни излаб Хоразмга келади. У Шарқда энг кўп – 164 шайхнинг суҳбати ва хизматида бўлгани ривоят қилинади. Навоийнинг ёзишича, 124 комил пирдан хирқа олган ва вафоти чоғида 113 хирқа ёнида бўлган. Нажмиддин Кубро топшириғига кўра Ҳиндистонга бориб, улуг авлиё Абурризо Ратан б-н ҳамсуҳбат бўлади ва ундан Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзига аталган омонати – тароқларидан бирини олади. Исфаҳонда оламдан ўтган. Мақбараси "Лоло гунбази" номи б-н машҳур бўлиб, шаҳардаги табаррук зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Ундан тас.га оид бир неча рисолалар, суфиёна шеърлар мерос қолган.

РАЙҲОН – лабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт. 60, айрим маълумотларга кўра, 150 тури тропик ва субтропик минтақаларда ўсади. Иссиқсевар, намсевар, ёруғсевар. Қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. Барги йирик, тухумсимон, гуллари оқ ёки пушти. Барги яшил-қора, хушбўй.

Р. тас-ий маънода софланиш ва риёзатлар натижасида қалбда пайдо бўлган нурни англатади (Ироқий). Навоий асарларида бир неча маънони ифодалаган.

1) *Гар баҳор эл топса бустондин*
гулу райҳон иси,
Келур ул райҳон ила гулдин
манга ҳижрон иси.
("Бадоеъ ул-васат", 606-ғазал)

2) ёрнинг хати:

Кун била тун юз била хаттингча
хўб эрмас яқин,
Бўлса бу гулшанда бўлғайлар
гулу райҳонча хўб.
("Наводир уш-шабоб", 43-ғазал)

РАЙҲОНАИ ВОЛИҲА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Муҳаддис ва ориф Солиҳ бин Башир Мурий (ваф. 789) б-н замондош бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган.

РАЙҲОНИЙ I, ХАТТИ РАЙҲОНИЙ – хаттотлик услуби, араб ёзувларидан бири. Муҳаққақ хати асосида яратилган, ихтирочиси Ибн Баввоб ва Ибн Муқаллаъ. Хат гўзаллиги ва нозиклиги туфайли райҳон номи б-н райҳоний деб аталади. Бу хат 15-асрларда китоб хотимасини ёзишда ишлатилган. Жамолиддин Ёқут, Жаъфар Бойсунғурий, Бойсунғур Мирзо ушбу хат усталаридир. Навоий асарларида хатти райҳоний атамаси маъшуқнинг хати маъносида бўлиб, тажнис ва ийҳом санъатини вужудга келтирган ҳолда қўлланилган.

Хати райҳони ичра бодайи
лаълин хаёл айлаб,
Учар ҳар лаҳза руҳум,
соқиё, тут роҳи райҳоний.
("Гаройиб ус-сиғар", 596-ғазал)

РАЙҲОНИЙ II – райҳон исли, муаттар. Райҳондан тайёрланган шаробнинг сифати.

Соқиё, тут қадаҳи султоний,
Ичида роҳи анинг райҳоний.
("Фавойид ул-кибар", "Соқийнома")

РАМАЛ (ар. – буйра тўқиш; туянинг лўкиллиши) – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Ундаги *ватади мажмуълар* (*V–*) ва *сабаби хафифлар* бир-бирининг орасида жойлашганлиги ва бу худди буйрани арқон б-н тўқишни эслатгани учун шундай аталган. Баъзи арузшуносларнинг фикрига кўра, бу сўз туянинг лўкиллаб чопишини англатувчи "рамалон" калимасидан олинган, чунки уни ўқишдан келиб чиқадиган оҳанг туянинг лўкиллашини эслатади. Шунингдек, баъзи ривоятларда айтилишича, Р. қўшиқ номларидан бири бўлиб, у мазкур вазнда ёзилганлиги учун шу ном б-н аталган. Р. баҳри *фоилотун* (*– V – –*) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Асосан *мусамман* ва *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукнли вазнларни ўз ичига олади. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да Р.нинг еттита мусамман рукнли вазнларини, тўртта мусаддас рукнли вазнларини ва иккита мураббаъ ва битта *мутаввал* рукнли (жами 14 та) вазнларини санаб ўтади. "Хазойин ул-маоний" куллиётида Р.нинг жами 16 вазни истифода этилган. Ушбу 16 вазндан бештаси: Рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ, Рамали мусаммани махбуни маҳзуф, Рамали мусаддаси маҳзуф, Рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ ва Рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазнлари номи "Мезон ул-авзон"да келтирилмаган. Куллиётдаги 3132 шеърдан 1827 таси Р. баҳрида яратилган бўлиб, шулардан 1666 таси ғазал жанрига мансуб шеърлардир.

Навоийнинг "Мезон ул-авзон" рисоласида Р.ни ҳосил қилувчи *фоилотун* аслининг қуйидаги 15 фуруъ (тармоқ рукн)и келтирилган.

Т/р	Рукн номи	Тактиъи	Вазндаги номи
1	Фоилийён	–V– ˘	мусаббағ
2	Фаилотун	VV– –	махбун
3	Фоилоту	–V–V	мақфуф
4	Фаилоту	VV–V	машкул
5	Фоилун	–V–	маҳзуф
6	Фоилон	–V˘	мақсур
7	Фаилун	VV–	махбуни маҳзуф
8	Фаилон	VV˘	махбуни мақсур
9	Фаълун	– –	мақтуъ
10	Фаълон	– ˘	мақтуъи мусаббағ
11	Мафъулун	– – –	мушаъъас
12	Фаал	V–	марбу
14	Фаъ	–	мажҳуф
15	Фоъ	˘	мажҳуфи мусаббағ

Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва "Мезон ул-авзон"да келтирилган Р. баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган мисол
1	Рамали мусаммани солим	фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун, –V– –/–V– –/–V– –/–V––	Эй жалолу раҳматингдин гар залилу, гар муаззаз, Сафҳайи кавнайн ўлуб отинг тарозидин мутарраз. *("Наводир уш-шабоб", 199-ғазал)* Келки, ишқингдин кўнгулда йўқтурур сабру қарорим, Бошима еткур қадамким, ҳаддин ошди интизорим. *("Мезон ул-авзон")*
2	Рамали мусаммани маҳзуф	фоилотун фоилотун фоилотун фоилун, –V– –/–V– –/–V– –/–V-	Менмудур менким сенинг васлинг муяссардур манга, Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга. *("Ғаройиб ус-сиғар", 15-ғазал)* Қосидеким, еткурур кўнглумга жонондин хабар, Уйладурким, бергай ўлгон жисмга жондин хабар. *("Мезон ул-авзон")*
3	Рамали мусаммани мақсур	фоилотун фоилотун фоилотун фоилон,–V– –/–V– –/–V– –/–V-	Эй кўнгул, куйида аҳволимни жононимга айт, Ўлмакимни меҳнати ҳижронида жонимга айт. *("Фавойид ул-кибар", 81-ғазал)* Вах, не ҳолатдурки, мен ҳар неча кургузсам ниёз, Эй маҳи бадмеҳр, сандин зоҳир ўлмас ғайри ноз. *("Мезон ул-авзон")*
4	Рамали мусаммани махбун	фоилотун фаилотун фаилотун фаилотун,–V– –/V V– –/V V– –/V V– –	Неча кундурки хабар топмамишам сиймбаримдин, Не асардур хабаримдин, не хабардур асаримдин. *("Фавойид ул-кибар", 448-ғазал)* Субҳи давлат юзунг, эй, тавсани гардун, санга ашҳаб, Тожинг устидагидур уйлаки, тонг бошида кавкаб. *("Мезон ул-авзон")*
5	Рамали мусаммани махбуни маҳзуф	фоилотун фаилотун фаилотун фаилун,–V–/ VV– –/VV– –/V– –	Қоши ёсинму дейин, кўзи каросинму дейин, Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин? *("Наводир уш-шабоб", 483-ғазал)*
6	Рамали мусаммани махбуни мақсур	фоилотун фаилотун фаилотун фаилон, –V– –/VV– –/VV– –/V V ~	Бу кўҳан дайрда хуштур неча кун бодаи ноб, Хосса бир муғбача ишқида киши бўлса хароб. *("Фавойид ул-кибар", 42-ғазал)* Ваҳки, ул муғбача, ҳар дамки чекар бодаи ноб, Қузғалур арбадасидин бу кўҳан дайри хароб. *("Мезон ул-авзон")*
7	Рамали мусаммани махбуни мақтуъ	фоилотун фаилотун фаилотун фаълун, –V– –/VV– –/VV– –/– –	Манга ўлмаклик эрур ҳажрда осон сенсиз, Ўлайин, лек даме бўлмайин, эй жон, сенсиз. *("Наводир уш-шабоб", 42-ғазал)* Олам ичра манга ул ҳури малаксиймо бас, Бу қачон бўлса муяссар, қадаҳи саҳбо бас. *("Мезон ул-авзон")*
8	Рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ	фоилотун фаилотун фаилотун фаълон, –V– –/VV– –/VV– –/– ~	Бош кўярмен куп аёғинда май ичсам пайваст, Қани муғ дайрида мендек яна бир бодапараст. *("Ғаройиб ус-сиғар", 88-ғазал)*
9	Рамали мусаммани машкул	фаилоту фоилотун фаилоту фоилотун, VV–V/–V– –/VV– V/–V– –	Яна шуълалиқ кўнгулни ғаминг этти пора-пора, Буки бутрашур, эрур поралари, эмас шарора. *("Бадоеъ ул-васат", 523-ғазал)* Тилагим сенинг ҳузуринг, талабим сенинг жамолинг, Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолинг. *("Мезон ул-авзон")*
10	Рамали мусаддаси солим	фоилотун фоилотун фоилотун, –V– – / –V– – / –V– –	Эй жамолингдин хижил хуршиди анвар, Қоматингдин мунфаил сарву санавбар. *("Мезон ул-авзон")*
11	Рамали мусаддаси маҳзуф	фоилотун фоилун, –V– –/–V– –/–V–	Сокиё, ҳижрон тунидур, бода тут, Ул қуёш бирла бу шомимни ёрут. *("Фавойид ул-кибар", 71-ғазал)*

12	Рамали мусаддаси мақсур	фоилотун фоилон, –V– –/–V– –/–V-	Эй, хаёлингдин манга ҳар дам нишот, Кунглума васлинг сузидин инбисот. *("Фавойид ул-кибар", 282-ғазал)* Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол, Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол. *("Мезон ул-авзон")*
13	Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф	фоилотун фаилотун фаилун,–V– –/VV– –/V V–	Эй жамолинг кошида лол хирад, Ишқинг ошубига помол хирад. *("Бадоеъ ул-васат", 121-ғазал)* Келки, ҳажрингда ҳазинмен бехад, Не менга сабр, на ҳушу не хирад. *("Мезон ул-авзон")*
14	Рамали мусаддаси махбуни мақсур	фоилотун фаилотун фаилон,–V– –/VV– –/V V~	Эй мусаллам, санга ҳар яхши сифот, Бу сифотинг била йуқ сен кеби зот. *("Фавойид ул-кибар", 88-ғазал)* Яна муғдайрина кирдим сармаст, Май тут, эй муғбачаи бодапараст *("Мезон ул-авзон")*
15	Рамали мусаддаси махбуни мақтуъ	фоилотун фаилотун фаълун,–V– –/VV– –/– –	Онсиз ўлмоқ, эрур ўлмоқ жонсиз, Бўлайин жонсизу бўлмай онсиз. *("Наводир уш-шабоб", 216-ғазал)*
16	Рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ	фоилотун фаилотун фаълун, –V– –/VV– –/– –	Эй, лабинг зоҳир этиб ширин лафз, Хоҳ ёлғон десун ар ҳуд чин лафз. *("Фавойид ул-кибар", 285-ғазал)*
17	Рамали мураббаъи солим	фоилотун фоилотун, –V– –/–V– –	Келгил, эй рухсори зебо – Ким бўлурмен ношикебо. *("Мезон ул-авзон")*
18	Рамали мураббаъи махбун	Фаилотун фаилотун, VV– –/VV– –	Манга ҳажрингдин алам кўп, Санамо, килма ситам кўп. *("Мезон ул-авзон")*
19	16 рукнли рамали махбун	Фаилотун фаилотун Фаилотун фаилотун Фаилотун фаилотун Фаилотун фаилотун Фаилотун фаилотун Фаилотун фаилотун Фаилотун фаилотун Фаилотун фаилотун	Қомату зулфу кўзу қошу узору хат ила холи лабингдурки, аларча эмас, эй шўхи ситамгар. Сарв ила сунбул наргис янги ойу куёшу сабзаи жаннат кураи нофау гулбарг аро шаккар. *("Мезон ул-авзон")*

РАМЗ – таносуб қонуниятларига мувофиқ ва баъзи ҳолларда асл маънога бутунлай қарама-қарши бўлган маънони муайян бир сўзга юклаш; сўзнинг ичида яширин моҳият. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси ўзига хос Р.лар ва тимсолларга эга. Бадиий ад-тда Р. – воқеликни бадиий акс эттиришнинг шартли усули, бадиий шартлиликнинг мезонларидан ҳисобланади. Р. мажоздан фарқ қилиб, мазмуни образ қурилиши б-н боғлиқ бўлади ва кўпмаънолиги б-н ажралиб туради. Р. барча халқлар фольклори ва ад-тида қадимдан мавжуд. Рамзий образлар муайян тизимни ташкил этиб, айрим ҳолларда кўпчилик халқлар ад-ти ва санъатида муштарак мазмунни ифодалайди. Шу б-н бирга, ҳар бир ад-т ва муайян ижодкорнинг ўзига хос Р.лар тизими борлигини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Мас., парвона араб ад-тида нодонлик ва аҳмоқлик Р.и бўлса, форс ва туркий ад-тда бу образ садоқатли ошиқнинг Р.и сифатида қўлланилади. Навоий ўз асарларида анъанавий Р.лар б-н бирга борлиқдаги ҳодиса ва деталлардан рамзий тасвир учун ҳам кенг фойдаланган. Бунда у ёки бу нарса тасвир жараёнида ижодкор мақсадига хизмат қилувчи муайян рамзий маънога эга бўлади.

Май ич дахр ичраким иш сирридин
англай десанг рамзе,
Эрур хар зарранинг моҳияти
хуршиддин мубҳам.
("Наводир уш-шабоб", 427-ғазал)

РАМЛА – Фаластиндаги шаҳарнинг номи. Байтулмуқаддаснинг шимоли шарқида жойлашган. Уммавий халифа Ҳишом бинни Абдулмалик замонида бунёд этилган. "Насойим ул-муҳаббат"да берилишича, биринчи суфийлар хонақоҳи Р. шаҳрида қурилган.

РАНГЛАР – дунёни англаб етиш ва тартибга солиш воситаларидан бири. Ранг рамзлари бир неча санъат ва илм турлари б-н бирга алкимё, тасвирий санъат ва адтда кенг ишлатилади.

Хитойда Р. ва дунё томонларини бирлаштирувчи мувофиқликлар тизими мавжуд: шарқ – яшил, жануб – қизил, ғарб – оқ, шимол – қора, бешинчи йўналиш – марказга сариқ ранг, ер ранги ва айни пайтда қуёш вақти мувофиқ келади.

Насронийлик рамзларида оқ ранг – эътиқодни, яшил ранг – умидни, қизил ранг – муҳаббатни ифодалаган. Олтин ранг – бойлик, куч ва покликнинг; кумуш ранг – маъсумликнинг, мовий ранг – улуғворлик, гўзалликнинг, қизил ранг – жасурликнинг, яшил ранг – умид, тўкинликнинг; қора ранг – камтаринлик, қайғунинг; қирмизи ранг – қадр-қиммат ва кучнинг рамзи ҳисобланган.

Узбек ад-тида ҳам Р. қадимдан қўлланиладиган бадиий деталлардан ҳисобланади. Қадимги туркий мифлардаёқ осмоннинг кўклиги, ернинг оқлиги ва бошқа Р. бадиий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланган. Туркий халқлар маданиятида қизил, сариқ, яшил Р. муқаддас саналган. Археологик кузатишларнинг гувоҳлик беришича, Турк хоқонлиги даврида зодагонларнинг кийимларида қизил ва яшил Р. б-н бирга сариқ ранг ҳам устунлик қилган экан.

Навоий ижодида ҳам Р. аҳамиятли деталлардан бўлиб, қаҳрамон руҳияти ва ижодкор бадиий ниятини рўёбга чиқариш учун зарурий восита ҳисобланади. Шоир лирикасида энг кўп ишлатиладиган Р. *қизил, сариқ* ва *яшил* Р. ҳисобланади. Ундан кейин эса *оқ* ва *қора*нинг тазоди туради. Кўк ва сандал ранглар уларга қараганда камроқ ишлатилган.

"Сабъаи сайёр" ва "Фарҳод ва Ширин" достонида, Р. муҳим аҳамиятга эга деталлар сирасига киради.

РАТЛ I – оғирлик ўлчови. 100 дирҳам ёки 448,3 граммга тенг.

"Мирнинг ҳаёти муддати тўқсон уч йил бўлди. Ва бу умрда машҳурдурки, ғояти риёзатдин ўн ратлдин ортуқ таом емайдур" ***("Насойим ул-муҳаббат").***

РАТЛ II – катта жом, май ичишга мўлжалланган идиш:

Соқиё, ратли ғарон бирла
мени сероб қил,
Ким, қурубтур ташналаблиғдин
манга бисёр оғиз
("Фавойид ул-кибар", 219-ғазал)

"РАШФ УН-НАСОЙИҲ" – Шаҳобиддин Суҳравардийнинг асари. Тўлиқ номи – "Рашф ун-насойиҳ ал-иймонийя фий кашф ил-фазойиҳ ил-юнонийя" ("Юнон фалсафаси ботиллигини фош этувчи имон аҳлининг насиҳатлари"). Унда исмоилийлик оқими ва Юнон фал-сига асосланган айрим бузғунчи ақидаларга қарши ашъарийлик эътиқоди бўйича фикр юритилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да ушбу асар ҳақида Шаҳобиддин Суҳравардий ҳақидаги бобда тўхталиб ўтган.

РАЪНО – 1. бир томони қизил, бир томони сариқ рангдаги гул. Навоий шеъриятида ёрнинг гўзал чеҳраси, хуш қадди ва табиий тароватини ифодалаб келади:

Қасдима азм этти, вах,
ўлмактин ўзга чора не
Ким, эрур ҳам жилва офат,
ҳам қади раъно бало.
("Бадоеъ ул-васат", 29-ғазал)

2. Улуғвор гўзаллик, мутлақ жамол (Яратганнинг ҳусни) рамзи:

Навоийдек агар нафс итлигидин
қилмағаймен рам,
Қачон гардун манга рам айлагай
раъно ғизолимни.
("Наводир уш-шабоб", 600-ғазал)

РИЁЗАТ (ар.) – руҳий тарбияда нафсни поклашнинг асосий шартларидан бири. Нафс истакларидан воз кечиб, Худо розилиги йўлида машаққат чекмоқ, фарз ва суннат амалларига қўшимча равишда нафл ибодатларни ҳам бажариш ҳамда кўнгилдаги ҳою ҳаваслар устидан ғолиб

келиш учун саъй-ҳаракатлар қилиш. Абдураззоқ Кошонийнинг ақидасига кўра, Р.нинг учта даражаси бор: биринчи даража – омма Р.и бўлиб, бу мартабада Р. чекадиган соликнинг ибодати риёкорликдан холи бўлиши ҳамда шариат амалларини кам-кўстсиз бажо келтириши шарт қилиб қўйилган. Иккинчи даражадаги Р. – мосиваллоҳдан буткул узилишга интилиш ва олдинги ҳолига назар солмаслик, доимий тарзда маъ-ий камолот сари илгарилаб бориш, маъ-ий сайру сулукда эгаллаган ҳар бир мақом ва ҳолга мувофиқ машаққат чекиш, бидъат ва гумроҳликдан сақланиш мақсадида ҳар бир амалини илм нуқтаи назаридан тафтиш қилиб бориш тушунилади. Учинчи даража – хослар хосининг Р.и бўлиб, бу мартаба фано мақомига етишган орифларга насиб этадиган илоҳий неъмат ва иноятдир. Р.нинг асосий шартлари – пирнинг тарбияси ва раҳнамолигида сурункали тарзда руза тутиш, доимий тарзда зикрга машғул бўлиш ва ўз вужудига тафаккур қилиш ҳисобланади. Р. чекишдан мақсад – Ҳаққа восил бўлиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳайвоний нафсни руҳга бўйсундириш ва илоҳий файзларни қабул қилишга одатлантиришдир.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"нинг муқаддимасида Р.ни тас. аҳлидан бўлишнинг асосий шартларидан бири сифатида келтирган:

"Ва яна азим риёзатларки, шариат ани мутааййин килмайдур. Ҳам тоифадин мутанаввиъ воқеъ бўлибдурки, онинг ҳам шарҳининг тули бор. Ул жумладин, бири ният била бир ойда бир ифтор қилмоқ ва бир ойда бир вузуъ била намоз қилмоққи, баъзи машойих разийяллоҳу анҳумдин воқеъ бўлубдур".

("Насойим ул-муҳаббат")

Жонға бир душворлиғ қўймай
риёзат ранжидин,
Сарф бўлди нақди авқотим
тан осонлиғда ҳайф.

("Ғаройиб ус-сиғар", 303-ғазал)

РИЖО – умидворлик туйғуси. Истилоҳий маънода – кўнгилнинг бўлажак яхшиликларга умид боғлаши. Абу Абдуллоҳ бин Хафиф Шерозий Р.ни кўнгилнинг умид берувчи Зотнинг карам ва сахосига умид боғлаши туфайли шод ва масрур бўлиши деб таърифласа, Жунайд Бағдодий Р.ни карамли зотнинг саховати ва эҳсонига ишонч туйғуси, деб билади. Р.га нисбатан кўнгилнинг Парвардигор лутфига қурбат ҳосил қилиши ҳамда Ҳақ таоло жалолини жамол кўзи б-н мушоҳада этиш деган таърифлар ҳам мавжуд. Бу таърифлар моҳиятан бир-бирига яқиндир. Тариқатда Р. ва хавф бир-бирига боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Абу Али Рудборий таърифи бўйича, Р. ва хавф кўнгил қушининг икки қанотидир. Р. аҳли икки тоифадирлар: ҳаз (ҳаловат) толиблари ва Ҳақ толиблари. Ҳаловат толиблари дунё ва охират неъматларидан умидвор кишидирлар ва уларнинг амали ҳам ушбу неъматларни тасарруф қилиш илинжидандир. Ҳақ толибларининг умидворликлари эса – Ҳақ таоло дийдорига етишиш ва фано мақомини ҳосил қилишдир. Р.ни уч даражага бўлиб тасниф этганлар: 1) Савоб умидида бажариладиган амалларга ундовчи туйғу; 2) риёзат аҳлининг Р.си – нафсоний истаклардан алоқани узиб, шариат ҳукмларида собит бўлмоқ ва нафсни поклаш орқали Ҳақ таоло ҳузурида яқинлик ҳосил этмоқ умиди; 3) восиллар (Ҳақ таолога етишганлар) Р.си – фанофиллоҳ мақомига етишгандан кейин ҳам бу дийдор ва мушоҳаданинг янада кўпроқ бўлиши ва кўпроқ файз топишга умидворлик туйғуси.

Шукр айлади шиддатда ризо изҳори,
Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори,
Мол истасанг эт шукру сано изҳори
Ким, шукр демак қилур ғино изҳори.

("Назм ул-жавоҳир", 3-рубоий)

РИЗВОН – жаннатни қўриқловчи фаришта. Равзаи Р. (Ризвон боғи) – жаннат:

Зулматеким, чашмайи
ҳайвони анинг бўлмағай
Дўзахедурким, ёнида равзаи Ризвони йўқ.

("Ғаройиб ус-сиғар", 310-ғазал)

РИЗО (ар. – хурсанд бўлмоқ) – кўнгилдан қабоҳат – кирларнинг кетиши, қазо ва қадар ҳукмига бўйсуниш, балолардан лаззат топмоқ, нафс розилигидан буткул халос бўлиб, Ҳақ Р.сини топмокни англатадиган ахлоқий-ирфоний тушунча. Амр бин Усмон

номи б-н машҳур бўлган. Рисола Абулқосим Бобурга бағишлаб, 1452 й.да ёзилган. Р.нинг номи "Хамсат ул-мутаҳаййирин"-нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида келтирилган.

"РИСОЛАИ МУСИҚИЙ" – Абдураҳмон Жомийнинг мусиқа илми ҳақида ёзган асари. 1475 й.дан кейин ёзилганлиги тахмин қилинади. Асар муқаддима, 23 боб, икки фасл ва хотимадан иборат. Рисолада Жомий ўзигача бўлган мусиқий-назарий қарашларни ривожлантириш баробарида шахсий кузатув ва хулосаларини ҳам баён этади. Ушбу рисола кейинги давр мусиқашуносларининг қарашларига жиддий таъсир кўрсатган. Жумладан, Дарвишали Чангий ва Нажмиддин Кавкабий мусиқа ҳақида ёзган рисолаларида Жомийнинг ушбу асаридан таянч манба сифатида фойдаланганлар. Р.нинг номи "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида келтирилган.

"РИСОЛАИ СУХАНОНИ ХОЖА ПОРСО" – Абдураҳмон Жомийнинг асари. Араб ва форс тилларида ёзилган. Рисолада Жомий нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳикматларини тўплаб, айримларига изоҳ берган. Мазкур асар номи "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида келтирилган.

"РИСОЛАИ ТАРИҚАЙИ ХОЖАГОН" – Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний асари. Зикрнинг турлари (зикри хафий ва зикри жаҳрий) ва даражалари (авом зикри, хослар зикри ва восиллар зикри) ҳамда нақшбандийлик тариқатида жоиз ҳисобланган зикр тушиш шартлари ва одоблари ҳақида ёзилган ушбу рисола "Рисолайи шароити зикр" номи б-н ҳам атади. "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида "Нақшбандия хожалари тариқида битилган рисола" номи б-н қайд қилинган.

"РИСОЛАИ ТИР АНДОХТАН" ("Ўқ отиш рисоласи") – Алишер Навоийга нисбат берилган асар. Тирандозлик – камондан ўқ отиш фазилатига бағишланган. Асарнинг муаллифи масаласи адабиётшуносликдаги баҳсли масалалардан бўлиб, мазкур асар устида изланиш олиб борган Е.Бертельс, А.Семёнов,С.Ғаниевaнинг фикрига кўра, "Р." Алишер Навоий қаламига мансуб. Рисола ҳажман кичик бўлиб, унда камондан ўқ узишнинг савобли амал эканини асослашга эътибор қаратилган. "Р."да ҳар бир фикр диний далиллар – ҳадис ва ривоятлар асосида изоҳлангани билан алоҳида характерланади. Унда келтирилган бир ривоятга кўра, Одам Ато алайҳиссалом шайтон хийласи билан жаннатдан ерга туширилгач, Аллоҳнинг амри билан деҳқончлик қилади – буғдой экади. Аммо қарғалар экилган буғдойни кавлаб еб кўя бошлагач, Худога муножот қилади. Шунда Худо камон ва ўқ юборади. Ёйдан ўқ отишни фаришта Жаброил (алайҳиссалом) Одам алайҳиссаломга ўргатади. Одам Ато алайҳиссалом қарғаларга отган биринчи ўқи тегмайди, фаришта Жаброил алайҳиссалом табассум қилади, иккинчи бор отилган ўқ нишонга тегади, шунда Жаброил алайҳиссалом ўз табассумини қуйидагича изоҳлайди: "Агар илк ўқинг нишонга текканида, қиёматгача ҳеч нарса болаларинг қўлидан қутулмас эди".

"Р." баён тилининг содда ва тушунарли, бадиий бўёқдорликдан холи эканлиги билан алоҳида характерланади. Асар бўйича Е.Бертельс, А.Семёнов, Ғ.Ғулом, Ҳ.Сулаймонов, С.Ғаниева каби олим ва шоирларнинг мақолалари мавжуд.

"РИСОЛАИ ҚОФИЯ" – Абдураҳмон Жомийнинг қофия илми ҳақида ёзган асари. "Ар-рисолат ал-вофия фи илм ал-қофия" номи б-н ҳам учрайди. Тахминан 1464–1466 й.ларда ёзилган. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Жомий ҳузурида ушбу рисола асосида таълим олганини қайд қилади ва "анингдек мухтасар ва муфид рисола бу фанда ҳеч ким билмайдур," деб баҳо беради.

"РИСОЛАИ ҚУШАЙРИЯ" – Абулқосим Қушайрийнинг тасаввуф тарихи ва назарияси бўйича ёзган китоби. Араб тилида ёзилган бўлиб, эллик беш бобдан иборат. Дастлабки уч бобда тасаввуф тарихи ва таърифи, йирик шайхларнинг зикри ҳамда

муҳаббат ва Р.ни бир-бирига боғлиқ тушунча сифатида таърифлаб, муҳаббатсиз Р. бўлмагандек, Р.сиз муҳаббат ҳам бўлмас, дейди. Насириддин Тусий Р.ни муҳаббат меваси ва инкор туйғусига йўл бермасликка интилиш, деб таърифлаган.

Нафс розилиги қалб Р.си таъсири остида пайдо бўлгани каби, қалб Р.си Ҳақ Р.си таъсиридан ҳосил бўлади. Шунга асосланиб, Фузайл бин Аёз Р. мақомига етишган кишини восил (Ҳаққа етишган) деб таърифлайди. Ҳабиб Ажамий Р.нинг қалбида нифоқ туйғуси бўлмаган одамдагина учраши мумкинлигини таъкидлаган.

Ҳужвирий Р.нинг икки хилини таърифлайди: биринчиси, Ҳақ таолонинг бандасидан розилиги бўлиб, у Ҳақ таолонинг бандаси томонидан бажарган ибодатлар, хайрли амалларини савоб сифатида қабул қилиб, қилмишига яраша ажру мукофотлар беришида намоён бўлади. Иккинчи тури бандanинг Ҳақ таолодан розилиги бўлиб, бу мақомдаги бандадан бошига тушган барча яхши-ёмон кунларни хушнудлик б-н қабул қилиб, норозилик изҳор этмаслик, ношукурлик қилмаслик, дунёвий нарсалардан маҳрум бўлган чоғда маҳзун ва малул бўлмасликни талаб қилади.

Ҳорис Муҳосибий Р.ни ҳолатнинг бир босқичи деб билади. Жунайд Бағдодий, Абу Наср Саррож, Суҳравардий каби орифлар Р.ни тариқатда тавакқулдан кейинги мақом, деб ҳисоблайдилар.

Ризо йўлида Навоий борур қаён чексанг,
Чу ишқ боғлади бўйинға риштайи ихлос.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 271-ғазал)

“РИСОЛА ДАР ШАРҲИ БАЙТИ АМИР ХУСРАВ” – Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-ирфоний шарҳномаси. Ушбу рисолада Жомий Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Миръот ус-сафо” қасидасидаги :

Зи дарёи шаҳодат чун наҳанги
“Ло” барорад “ҳу”,
Таяммум фарз гардад
Нуҳро дар вақти тўфонаш.

(Мазмуни: Шаҳодат калимасининг денгизидан “ло” наҳанги “ҳу” деб чиқса, Нуҳга тўфон пайтида таяммум қилиш фарз бўлади) – байтига шарҳ ёзган. Муқаддима қисмидаги “аморат маоби саодат интисоб” ишорасидан бу шарҳ ҳам Навоий илтимоси б-н ёзилганлигини тахмин қилиш мумкин. Шарҳдаги фикрлардан Навоий ўзининг “Насим ул-хулд” қасидасида ижодий фойдаланган. Мазкур асар “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатидан ўрин олган.

“РИСОЛА ФИЛ-ВУЖУД” (“Борлиқ ҳақидаги рисола”) – Абдураҳмон Жомийнинг борлиқ ҳақидаги қарашларини ифодаловчи араб тилида ёзилган рисоласи. Мазкур асар “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида “Рисола вужуд бобида” шаклида келтирилган.

“РИСОЛАИ АРУЗ” – Абдураҳмон Жомийнинг аруз илмига бағишлаб ёзган асари. Ёзилган йили маълум эмас. Рисолада аруз наз-ясига доир энг муҳим масалалар ёритилган. Асар муқаддима ва 8 фаслдан иборат бўлиб, жами 150 га яқин вазнга шеърий мисоллар б-н таъриф берилган. Жомийнинг ушбу асари ўзидан кейин яратилган арузга доир туркий рисолалар, айниқса, Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ҳамда Бобурнинг “Мухтасар” асарлари учун асос бўлган. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомий ҳузурида ушбу рисола асосида таълим олганини қайд қилади.

“РИСОЛАЙИ АСҒАРИ МАНЗУМА” – Абдураҳмон Жомийнинг муаммо илмига доир асари. Навоийнинг илтимоси б-н 1485 й. икки кун ичида ёзиб тугалланган. Рисола 68 байтдан иборат бўлиб, унда Жомий муаммо қоидаларига шеърий йўсинда шарҳ берган. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида келтирилган.

“РИСОЛАЙИ КАБИР ДАР МУАММО” – Абдураҳмон Жомийнинг муаммо илми ҳақида ёзган рисоласи. Шарафиддин Али Яздийнинг “Ҳулали мутарраз дар илми муаммо ва луғаз” асарига шарҳ сифатида ёзилганлиги учун муаллиф томонидан дастлаб “Ҳулят ул-ҳулал” деб номланган. Ундан кейин Жомий Навоийнинг илтимоси б-н муаммо бўйича яна учта рисола ёзганлиги сабабли, кўпроқ “Рисолайи кабир”

тасаввуф истилоҳлари ва атамаларининг маъно-моҳияти ҳақида тўхталиб, кейинги бобларда тавба, мужоҳада, хилват ва узлат, тақво, вараъ (парҳезкорлик), зуҳд, сукут, хавф, ризо, ҳузн, очлик, хушуъ, нафсга қарши курашиш, ҳасад, ғайбат, каноат, таваккул, шукр, яқин, сабр, бандалик мақоми, иродат, истиқомат, ихлос, сидқ, ҳаё, ҳуррият, зикр, футувват, фаросат, жуду саҳо, ғайрат, валийлик, дуо, фақр, тасаввуф, адаб, сафар одоби, суҳбат, тавҳид, маърифат, муҳаббат, шавқ, самоъ, каромот, туш ва илҳом каби тушунчаларнинг ирфоний-тасаввуфий талқини берилган. "Р." тасаввуф тарихи ва назарияси бўйича муҳим манба ҳисобланади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Абулқосим Қушайрий ҳақидаги фаслда "Р." ҳақида маълумот берган.

РОБИАИ АДАВИЯ, Робиа бинти Исмоил (ваф. 796) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Басрада яшаган. Суфён Саврий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мисрлик олим Абдураҳмон Бадавий "Робиъат ул-Адавийя – шаҳийдат ул-ишқ ал-илоҳий" китобида маълумот берган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган. Шунингдек, "Ҳайрат ул-аброр" достоннинг 2-мақолатига илова қилинган ҳикоятда ҳам Р.А. ҳақида маълумот келтирилган.

РОБИАИ ШОМИЯ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган орифа аёл. Аҳмад бин Абулҳаворийнинг завжаси. Ҳакимаи Димишқиянинг шогирди. Жунайд Бағдодий б-н ҳамсуҳбат бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"да Р.Ш. номидан келтирилган арабча шеърлар "Авориф ул-маориф" ва "Мисбоҳ ул-ҳидоя"да Робиа Адавияга нисбат берилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу орифа аёл ҳақидаги бобни айнан киритган

РОЗИЙ, Абу Али Абу Али Муҳаммад бин Ҳасан бин Ҳамза – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ушбу шайх ҳақидаги асосий манба Ансорийнинг "Табақот ус-суфия" рисоласи бўлиб, бошқа асарларда ундаги маълумотлар такрорланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган.

РОЗИЙ, Абу Собит – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Қуръони каримни тўлиқ ёд олган ва қуръоний илмлардан сабоқ берган. Юсуф бин Ҳусайн Розийнинг шогирди. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

РОЗИЙ, Абдуллоҳ Бин Муҳаммад бин Абдураҳмон (ваф. 964, Нишопур) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи ва муҳаддис. Куняси – Абу Муҳаммад. Райда туғилиб, Нишопурда яшаган. Жунайд Бағдодий, Абу Усмон Мағрибий, Муҳаммад бин Фазл, Рувайм, Самнун Муҳиб, Абу Али Жузжоний ва Муҳаммад Ҳомид суҳбатига мушарраф бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

РОЗИЙ, Абдуллоҳ бин Ҳаддод – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Рай шаҳрида туғилган. Ансорийнинг "Табақот ус-суфия" асари бу шайх ҳақидаги ягона манба ҳисобланиб, бошқа тазкираларда ундаги маълумотлар такрорланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

РОЗИЙ, Абубакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Маккада яшаган. Тақво ва ижтиҳодда беназир бўлган. Яманга сафар қилган. Шайх Абу Амр Зужжожий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

РОЗИЙ, Абулқосим Жаъфар бин Аҳмад бин Муҳаммад (ваф. 988) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Рай шаҳри машойихларидан. Мол-дунёси кўп бўлган, барчасини дарвешлар хизматига сарф қилган. Ибн Ато, Муҳаммад бин Абулҳаворий, Абу Али

Рудборий ҳамда Жаъфар Хулдий суҳбатига мушарраф бўлган. Замондошларининг зътирофига кўра, ўзида тўрт хислат – гўзал хулқ, мол-дунё, мукаммал зоҳидлик ва саховатни камолга етказган.

"РОИЯ" ҚАСИДАСИ – Саноий Ғазнавийнинг "ро" ҳарфи б-н тугайдиган қасидасининг номи. Ушбу ирфоний қасидага кўп шоирлар жавоб айтган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Авҳадий Исфаҳонийнинг ушбу қасидага ёзган назирасидан мисол келтирган.

РОЙ – Ҳинд подшоси. "Садди Искандарий" достонида аввал Искандарга буйсунмай, кейин унга ўз ихтиёри б-н бош эгган қаҳрамон.

Сўзига бериб Рой мундоқ жавоб,
Қилиб Чин шаҳи ўзга янглиғ хитоб.
("Садди Искандарий")

РОҲ I – йўл, йўсин, равиш:

Афлок нечукки хоки роҳинг
Ул йўлдаки, ожиз ўлди идрок.
("Ғаройиб ус-сиғар", 322-ғазал)

РОҲ II – шароб, сархуш қилувчи ичимлик. Тас. тилида руҳга қувват бағишлайдиган маъ-ий озуқа, комил инсоннинг маърифатли сўзлари, илоҳий маърифат англашилади:

Хати райҳони ичра бодайи
лаълин хаёл айлаб,
Учар ҳар лаҳза руҳум, соқиё,
тут роҳи райҳоний.
("Ғаройиб ус-сиғар", 529-ғазал)

РОҲИ РАЙҲОНИЙ – райҳондан тайёрланган ичимлик. Ранги тўқ яшил бўлиб, асосан баҳор фаслида мадорсизлик ва чарчоқни енгиш учун ичиш тавсия этилган. Тас. тилида комил инсоннинг руҳлантирувчи каломи, руҳга қувват бағишловчи илоҳий маърифат нури тушунилади. Навоий асарларида Р.р. ҳам истилоҳ сифатида, ҳам ўзининг луғавий маъносида кенг қўлланилган.

Соқий бизни ғамдин қутқар,
Келтургил роҳи райҳони.
("Фавойид ул-кибар", 638-ғазал)

РОҲРАВ – тариқат йўлига кирган киши. (Қар.: *Солик; Тариқат; Суфий*)

Эй хуш, ул роҳрави гармки,
бу йўл қатъин,
Барқи хотифдек этар даҳрни
айлаб равшан.
("Наводир уш-шабоб", 438-ғазал)

РУБОИЙ (ар. – тўртлик) – Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган икки байтли шеър шакли. Икки байтдан иборат бўлиб, а-а-б-а ёки а-а-а-а тарзида қофияланади. Р. ўзига хос махсус вазнда – ҳазаж баҳрининг *ахраб* ва *ахрам* шажараси вазнида битилади.

Р.нинг 2 хил тури фарқланади:

1) ***хасий Р. ёки Р. хоса*** (қофияланиши: а-а-б-а);

2) ***таронаи Р. ёки рубоия*** (қофияланиши: а-а-а-а).

Р. муайян композицияга эга. Мумтоз Р. талабларига кўра, унда тўрт унсур мавжуд бўлади. Мазкур унсурлар тўрт мисрада айтилмоқчи бўлган фалсафий, ахлоқий ёки дидактик фикрнинг маълум бир яхлитликка эришишини таъминлайди. Шу маънода тўрт мисрани қуйидаги унсурларга тақсимлаш мумкин:

1) *тезис* – унда Р.да айтилмоқчи бўлган фикр, бошқача айтганда рубоий мавзуси баён қилинган бўлади;

2) *антитезис* – бунда биринчи мисрага қарама-қарши фикр айтилади;

3) *моддаи Р.* – тўртинчи мисрада айтилмоқчи бўлган фикр учун кўприк вазифасини ўтайди;

4) *синтез* – хулоса.

5) Лекин бу унсурларнинг доимий мавжуд бўлиш талаби нисбий бўлиб, кўпинча тезис ва антитезиснинг ўрнига фақат моддаи Р. ва синтезнинг қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Р. дастлаб форс-тожик шеъриятида, Абу Абдуллоҳ Рудакий ижодида пайдо бўлган. Форсий ад-тшуносликда Р. ва унинг вужудга келиши б-н боғлиқ дастлабки маълумотлар Шамс Қайс Розийнинг "Ал -мўъжам" асари (13-аср)да келтирилган. Р.нинг жанр хусусиятлари ҳақида Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асарида шундай маълумот берилади: "*Рубоий тўрт мисраъ бўлур. Аввалғи, иккинчи ва тўртинчи*

мисраида қофия келтирурлар. Ва учинчи мисраи ихтиёрийдур. Агар қофия келтурсалар, рубойи мусарраъ дерлар... Ва агар учинчи мисрада қофия келтурмасалар, рубойи хасий ўқурлар". Муаллиф Р. жанрига мисол тариқасида келтирган форсий тўртликлар ҳазаж баҳрида, туркий тилдаги Сайид Насимий ва Саккокий тўртликлари эса рамал баҳрига тааллуқли. Бу ҳолат туркий шеъриятда Навоийгача Р.нинг қатъий вазнда бўлиши талаб қилинмаганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий "Мезон ул-авзон" асарида мазкур жанр ҳақида шундай ёзади: *"Рубоий вазниким, они "дубайтий" ва "тарона" хам дерлар, ҳазаж баҳрининг "ахрам" ва "ахраб"идин истихрож қилибдурлар ва ул вазнедур асру хушоянда ва вазнедур бағоят рабоянда"*. Шунингдек, Навоий ҳазаж баҳрининг ахраб шажараси 12 вазнни, ахрам шажараси яна 12 вазнни ўз ичига олиши ва ушбу жами 24 вазн Р. вазнлари эканлиги ҳақида ҳам маълумот беради. Р.нинг шеърий ўлчови б-н боғлиқ муҳим хусусият шундаки, бошқа шеърий жанрлардан фарқли ўлароқ унинг тўрт мисраси мазкур шажараларга мансуб 4 вазнда ёзилиши мумкин.

Алишер Навоий ижодида Р. жанри кенг ўрин эгаллайди. Унинг "Ғаройиб ус-сиғар" девонида 133 та, шу девонга ёзилган дебоча таркибида 30 та, "Назм ул-жавоҳир"да 300 та, бошқа насрий асарлари таркибида 100 дан ортиқ туркий тилда яратилган Р.лари, "Девони Фоний" ва бошқа асарлари таркибида 100 га яқин форсий тилдаги Р.лари мавжуд. Навоий Р.ларининг аксарияти ("Ғаройиб ус-сиғар"даги 133 Р.дан 116 таси, "Назм ул-жавоҳир"даги барча Р.лар) таронаи Р. бўлиб, шоирнинг ўзи уларни рубоия деб атайди. Таронаи Р.га мисол:

Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,
Енимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.
Теграмда аниси жонгудозим ҳам йўқ,
Бошимда шаҳи банданавозим ҳам йўқ.
("Ғаройиб ус-сиғар")

Умуман, таронаи Р.нинг туркий ад-тда илк бор қўлланилиши Алишер Навоий номи б-н боғлиқ. Ҳофиз Хоразмий ижодида Р.нинг илк туркий намуналарини учратиш мумкин бўлса-да, унинг девонидаги 12 Р. Р.и хоса шаклида ёзилган.

Алишер Навоий Р.ларининг аксарияти ҳазаж баҳрининг ахраб шажарасида яратилган. Бу шажара асосида ёзилган Р.ларнинг асосий қисми 2 ва 3 вазнли Р.лар бўлиб, баъзан 4 вазнли Р.лар ҳам учрайди. Масалан, "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги 45-рубоийнинг тўрт мисраси тўрт хил вазнда битилган:

Олам бор эмиш, Навоийё шўрангиз,
– – V / V – V – / V – – – / –
Оламдаги эл бошдин аёғ рангомиз.
– – V/ V – – V / V – – – / –
Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари,
– – V / V – V – /V – – V / V –
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.
– – V / V – – V / V – – V / V –

РУВАЙМ бин Аҳмад бин Язид бин Рувайм (ваф. 916) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунялари – Абу Муҳаммад, Абу Бакр, Абулҳусайн, Абу Шайбон. Фиқҳ, тафсир ва тавҳид илмларининг етук билимдони. Бир муддат Бағдодда қозилик қилган. Тас.да ўзини Жунайд Багдодийнинг шогирди деб ҳисоблаган. Саҳв назариясининг тарафдори. Мумшод Динаварий, Абу Аҳмад Қалонисий, Али бин Бундор бин Ҳусайн Суфий Сайрафий, Абулаббос Динаварий, Абулаббос Аҳмад бин Яҳё Шерозий, Абу Жаъфар Ҳаддод, Абу Амр Зужжож, Жаъфар бин Муҳаммад бин Нусайр Хулдий Хаввос, Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Абдурраҳмон Розий, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Абдураҳим Истахрий ва Абу Абдуллоҳ Муқрий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

РУДБОРИЙ, Абу Абдуллоҳ Аҳмад бин Ато – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абу Али Рудборийнинг жияни. Шайх Абу Абдуллоҳ Боку, Шайх Абулқосим Салама Бовардий, Абу Саид Муқрий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Тафсир, ҳадис, фиқҳ ва тас. илмларини чуқур ўзлаштирган. Фақр одобида бир китоб ёзган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳаёти ҳақидаги бобни айнан киритган.

РУДБОРИЙ, Абу Али Аҳмад бин Муҳаммад бин Қосим Мансур (ваф. 934) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шариат ва тариқат илмлари билимдони, фақиҳ ва шоир. *Жунайд Бағдодий* мажлисида тавба мақомига эришган. *Абулаббос Масруқ* ва *Абу Ҳомид* Асваддан тас. сирларини ўрганган. Фиқҳ илмида Абулаббос Сурайж, ад-тда Саълаб, ҳадис илмида Иброҳим Жарбий унга устозлик қилишган. Абу Али Котиб, Абулҳусайн Нурий, Абу Ҳамза Исфаҳоний, Абулқосим Насрободий, Абулҳусайн Урмавий, Абулқосим Муқрий, Абулҳусайн Сирвоний Сағир, Али бин Бундор Сўфий Сайрафий, Абулқосим Розий, Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий, Абубакр бин Аби Саъдон ва Абубакр Дуққий суҳбатига мушарраф бўлган. Ирфоний шеърлари ва ҳикматлари тариқат аҳли орасида машҳур. Мисрда вафот этган. *Зуннун Мисрий* қабри ёнида дафн этилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

РУЖЎЪ (ар. ·· қайтиш) – шоирнинг шеърдаги аввалги мисра ёки байтда ифодалаган фикридан воз кечиб, кейинги мисра ёки байтда уни янада кучлироқ ифодалашига асосланган бадиий санъат. Илми бадиъга доир мумтоз манбаларда *истидрок*, баъзан *тадорук* номи б-н ҳам келтирилади. Хусусан, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "*Бадойеъ ус-санойиъ*" асарида ушбу санъатга шундай таъриф берилади: *"Ани истидрок ҳам дерлар. Ул андоғдурким, бир нимани зикр қилурсен ва нукта учун андин яна қайтарсен..."*

Р. санъати Алишер Навоий ижодида кенг ўринга эга бўлиб, у аксарият ҳолларда бир байтнинг ўзида қўлланилади, яъни бунда Р. иккинчи мисрада бўлади:

Май мени қилди риёйи
порсолиқдин халос,
Порсолиқ йўқки, ужбу
худнамолиқдин халос.
("Наводир уш-шабоб", 274-ғазал)

Бу ерда биринчи мисрада майнинг риёий порсолик, яъни сохта тақводорликдан халос этиши, иккинчи мисрада эса бу даъводан қайтилиб, майнинг янада муҳимроқ хусусияти – атрофдагиларга ўзини кўз-кўз қилишдан халос қилиши айтилган.

Баъзан Р. икки ва ундан ортиқ байтда ҳам қўлланилиши мумкин:

Субҳ етқурди сабо гулбарги
хандон муждасин,
Ё кўнгул топти Масиҳ анфосидин
жон муждасин.

Ё фалак берди йиғи
кўр айлаган Ёқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун
Моҳи Канъон муждасин.

Не гули хандон, не Исодур,
не Юсуф муждаси,
Топти бир маҳжур
ўлар ҳолатда жонон муждасин.
("Гаройиб ус-сиғар", 462-ғазал)

Юқоридаги дастлабки икки байтда бир қатор образли иборалар кетма-кет келтирилиб, тасвир кучая боради. Лекин учинчи байтнинг биринчи мисрасига келиб, ушбу тасвирий воситалар (гули хандон, Исо, Юсуф) б-н боғлиқ фикрлар инкор этилиб, уларнинг ўрнини "жонон муждаси" эгаллайди ва айнан шу ўринда Р. санъати қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Алишер Навоийнинг "Хамса" асарида ҳам Р. санъати кенг истифода этилган бўлиб, унинг аксарият ҳолларда ташбиҳ қўлланган байтларда учрашини кузатиш мумкин (А.Ҳожиаҳмедов). Мас.,

Фалак рахшида меҳри ховаридек,
Не рахшу меҳр, дев узра паридек.
("Фарҳод ва Ширин")

РУМИЙ, Жалолиддин (1207 – Балх, 1273, Қуниё) – буюк форс-тожик шоири ва мутафаккири. Тас.даги машҳур мавлавия тариқатининг асосчиси. Ўз даврининг донгдор уламоси, йирик кубровия шайхи бўлган отаси Баҳоуддин Валад Муҳаммад Хоразмшоҳ б-н келишмай, унинг тасарруфидаги Балх шаҳрини ҳаж сафари баҳонасида тарк этади. Макка йўлида ёш Жалолиддин ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлади – Нишопурда авлиё шоир Фаридиддин Аттор б-н учрашиб, унинг дуосини олади. Кўзларида нур чақнаб турган ўспиринниинг келажакда улуғ бир зот бўлиб етишишини сезган Аттор унга ўзининг "Асрорнома" асарини туҳфа қилади. Тўрт-беш йилга чўзилган сайру саёҳатдан кейин оила Ло-

рандада кўним топади. Сўнг Рум султони Алоуддин Қайқубод I нинг кўрсатмасига асосан Кўниёга кўчиб ўтишади.

Отаси ва унинг шогирдлари тарбиясини олган, Ҳалаб ва Дамашқ мадрасаларида ўқиган Р. ўз даврининг етук олими ва мударриси бўлиб етишади. Унинг қалб кўзи очилиб, шоир сифатида донг таратиши мажзуб дарвеш Шамсиддин Табризий номи б-н боғланади. Табризийнинг Р. ҳаётидаги ўрни шу қадарки, у ўз ғазалларини Шамс тахаллуси б-н ёзади, 42 минг байт шеърдан иборат "Девони Кабир" ("Улуг девон")нинг иккинчи номи "Девони Шамс Табризий"дир.

Р. ижоди ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб сўз санъатига катта таъсир кўрсатган. Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк сўз усталари уни ўзларига устоз деб билишган. Гёте Абулқосим Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз б-н бирга Р. ижодини ҳам "Хизр чашмаси" деб атаган. Машҳурликда Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Саъдийнинг "Гулистон"и, Ҳофизнинг "Девон"и б-н бир қаторда турган, форсий Қуръон номи б-н шуҳрат қозонган 25685 байт (51370 мисра)дан иборат "Маснавийи маъ-ий"ни инсон маъ-ий ҳаётининг қомуси сифатида нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам ихлос б-н ўрганишган. "Декамерон" асаридаги кўнлаб сюжет ва мотивларни Шарқ оғзаки ва ёзма ад-тидан олган Жованни Боккаччо "Маснавийи маънавий"даги қатор ҳикоятлар асосида ҳам новеллалар яратгани маълум.

Р. ижоди нафақат юксак бадиияти, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги б-н ҳам катта таъсир қувватига эга. Унинг "мавҳум мантиқий категорияларда эмас, балки оташин тимсоллар воситасида" талқин этилган табиат ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиш, ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши – "дунёнинг зиддиятлар бирлигидаги зиддиятлар жанги"дан иборатлиги тўғрисидаги қарашлари буюк немис файласуфи Гегелнинг эътирофича, унга диалектик метод яратишда ёрдам берган. Ёки улуг мутафаккир Ҳусн ва Ишқ тортишиши мисолида биринчи бўлиб оламнинг асосида ўзаро тортишиш кучлари ётиши ҳақидаги фикрни ўртага ташлайдики, мазкур қонуннинг чиндан-да амал қилишини бундан бир неча аср кейин инглиз олими Ньютон кашф этди.

Р.нинг суҳбатларини ўз ичига олган "Фиҳи мо фиҳи" ("Ичиндаги ичиндадир") ва мактубларидан иборат "Мактубот" асарлари ҳам бизгача етиб келган.

Алишер Навоий ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида Румийга алоҳида фасл бағишлаб, унинг шайх сифатидаги ҳаёти, фаолияти ва карамотлари ҳақида ҳикоя қилади, у б-н боғлиқ ривоят ва нақлларни, орифона бир рубоийси, байтлари ва сўзларидан намуналар келтиради. "Маҳбуб ул-қулуб"да қалам аҳлини ҳақиқий ишқни куйлаган шоирлар, ўз ижодида ҳақиқий ва мажозий ишқни омухта қилган шоирлар, мажозий ишқни тараннум этган шоирлар тарзида уч гуруҳга ажратар экан, Р.ни биринчи тоифага киритади. Уни қойили "Маснавийи маънавий" ва ҳақиқат денгизининг ғаввоси деб улуғлайди.

РУСТАМ, Таҳамтан – афсонавий паҳлавон. Каёнийлар сулоласининг жаҳонпаҳлавони – Золи Зар ҳамда Кобул ҳукмдори – Меҳробнинг қизи Рудобанинг фарзанди. Унга туғилишида афсонавий Симурғ доялик қилган. Унинг ҳаёти болалигиданоқ қаҳрамонликларга тўла бўлган: тўққиз ёшида оқ филни гурзи б-н уриб ўлдиради. Ўн бир ёшида бобоси ололмаган Албурз тоғидаги Оқ Қалъани фатҳ этади. Оқ дев, Аждарҳо, Аквондев, икки бошли шер каби даҳшатли махлуқлар, Комус Кашоний, Ашкбўс, Ҳомоварон шоҳи, Афросиёб каби енгилмас баҳодирлар ҳам Р.зинг куч-қуввати олдида ожиз қоладилар. Билмасдан ўз фарзанди Суҳробнинг умрига зомин бўлади. Умрининг охирида Исфандиёр – Эрон тахти валиаҳдини ўз шаънини сақлаш мақсадида ночор ўлдиради. Ўзи эса укаси Шағоднинг ҳийласи б-н чоҳга тушиб, ҳалок бўлади.

"Тарихи мулуки Ажам"да Кайқубод, Кайковус, Кайхусрав, Гуштосп подшоҳликлари ҳақидаги фаслларда Р. ҳақида маълумот берилган. Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳидаги байт ва матнларда унинг жасорати Р.га қиёсланган ҳолатлар мавжуд. Лирик асарларда Р. жасорат ва ботирлик,

жисмоний қувват, қаҳрамонлик ва мардлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Шунингдек, "Хазойин ул-маоний"да Р. номи б-н боғлиқ муаммо ҳам бор.

Чархдин заъфим ила бўлса
малолим не ажаб,
Кўрар ул Зол била
Рустами достон танқис.
("Наводир уш-шабоб", 275-ғазал)

РУХ I – юз, бет, сиймо, чеҳра. Тас.да ёр Р.и ҳақида гап кетганида ваҳдат нуқтаси, илоҳий лутф нишонаси, Мутлақ гўзаллик мазҳари маънолари англашилади:

Эрур барот ила байрам
ул ойға зулф ила рух,
Хуш улки тун-куни бўлғай
бу иккидин фаррух.
("Наводир уш-шабоб", 111-ғазал)

РУХ II – шахмат доналаридан бири. Асосан тажнис ва тамсил санъати қўлланилган байтларда, шунингдек, ахлоқий мавзуларни ёритишда қўлланилган:

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар
маҳкам этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин
гар тутсалар рухдек қироқ.
("Ғаройиб ус-сиғар", 317-ғазал)

РУҲИЙ ЁЗИРИЙ/ ЁРЗИЙ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий Р.Ё.нинг Хуросон фозилларига дахлдор эканлигини ёзиб, унга "табъи хуб ва сулуки марғуб киши" (яхши табъ ва ёқимли одатларга эга киши) деб таъриф беради. Сарахс вилоятидан тортиб, Дарун ва Ёзир (Ёрз)гача бўлган ҳудуддаги кўп шоирлар унга ўзларини шогирд деб ҳисоблаганлар. "Булбул била Гул", "Шамъ била Парвона" номли мунозаралар битган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Намехоҳамки, кас ёбад
зи сирри ҳолам огоҳи,
Ва гарна оламе сўзам ба як оҳи саҳаргоҳи.

(Мазмуни: Ҳолат сирларидан биров огоҳ бўлишини истамайман, йўқса, саҳар чоғи бир оҳ чекиб, бутун оламни куйдириб юбораман).

"РУҲ УЛ-ҚУДС" ("Муқаддас руҳ") – *"Ситтаи зарурия"* қасидалар туркумига кирувчи илк қасида. 132 байтдан иборат. Мазмунига кўра ҳамд қасида ҳисобланади. Қасиданинг ёзилган санаси матн таркибида таърих йўли б-н ҳижрий 899, мелодий 1494 йил деб кўрсатиб ўтилган. Қасидада илоҳий тавҳид: оламнинг ягоналиги, ягона абадий ва азалий борлиқ, Яратганнинг қудрат ва азимати, заррадан коинотгача унинг измида эканлиги мадҳ этилади. "Р."да тавҳид моҳияти тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосида талқин этилган, яъни олам яхлит ҳолда яккаю ягона Парвардигор қудрати б-н яратилганлиги ва ана шу Руҳи мутлақнинг тажаллийси туфайли мавжудлик топиши ва узлуксиз ҳаракатда бўлиши таъкидланган. Қасида дастурий-муқаддимавий характерга эга. Унда Оллоҳ – олам алоқадорлигининг барча сабаблари руҳнинг олти қувваси б-н боғлиқлигига эътибор қаратилади. "Р." тузилишига кўра тўлиқ қасида бўлиб, уни шартли равишда ўн икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм насиб (кириш)дан иборат бўлиб, 9 байтни ўз ичига олади. Унда Илоҳий қудратга умумий таъриф берилади. Қасида қуйидаги байт б-н бошланади:

Зиҳй ба хомаи қудрат мусаввири ашё,
Ҳазор нақши ажиб ҳар замон аз ў пайдо.

(Мазмуни: Ашёларга сурат берувчи (Аллоҳнинг) қудратига тасанноким,
Ҳар замон ундан минглаб ажойиб нақшлар пайдо бўлгай).

"Р."нинг иккинчи қисми одамнинг яратилиши, унинг хилқати ҳақида (10–28 байтлар). Унда айтилишича. Аллоҳ оламни яратгач, одамни ҳам яратди ва улуғ мартаба берди. Одам жисми мўъжизавий мукаммал қилиб яратилди, одам жисмининг тузилиши б-н олам тузилиши орасида яқинлик бор. Одамдаги ҳар аъзо – асаб, қон айланиши, юрак, ҳиссий аъзолар барчаси Аллоҳ қудрати мўъжизаси, аммо булар орасида икки нарса: ақл ва кўнгил инсонни мумтоз этадиган улуғ мўъжизалардир. Учинчи қисмдан еттинчи қисмгача йилнинг тўрт фасли таърифланади (29–74 байтлар). Унда замон ва макон тушунчалари, фаслларнинг алмашиниб туриш қонунияти, оламнинг турфа товланишларида Илоҳий қудрат сиру синоатининг намоён

бўлиши кўрсатилади. Саккизинчи қисм баҳор фаслининг қайталаниши тасвиридан бошланиб, сабиту сайёралар таърифи, Шарқ илми нужумига кўра сайёраларнинг жойлашиш ўрни ва уларга хос хусусиятлар тасвири б-н давом этади (75–92 байтлар). "Р."нинг тўққизинчи қисмида ўн икки бурж тавсифланади. Сўз ўйини воситасида буржларнинг номлари инсон тақдири ва ҳаёт ҳодисаларига уйғун ҳолда тасвирланган (93–106 байтлар). Кейинги қисм Арш, курси, малоикалар тасвиридан бошланиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Меърож тунида Аллоҳ ҳузурига кўтарилганлари тасвири б-н давом этади. Расуллуллоҳ Аллоҳ васлига эришиб, тўқсон минг илоҳий каломни тинглаб қайтиб келганларида, ётган ўринлари совумаганлиги Парвардигор кўрсатган бемисл муъжиза эканлиги айтилади (107–115 байтлар). Қасиданинг сўнгги икки қисми қасд (хотима)ни ўз ичига олади. Ундан Оллоҳга муножот ва асарнинг ёзилиш таърихи санаси, номланиши ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Қасида аруз тизимининг *мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ* (рунклари ва тақтиъи мафоилун фаилотун мафоилун фаълун V – V – / V V – – / V – V –/ – –) вазнида ёзилган. Унда бадиий санъатлардан ташхис энг кўп қўлланилган бўлиб, одам ва олам сирлари ушбу санъат воситасида талқин этилган. "Р." қасидасининг бадийяти бўйича Н.Бекова илмий тадқиқот олиб борган.

РУҲ УЛ-ҚУДУС/ РУҲ УЛ-ҚУДС (ар. – муқаддас Руҳ) – ваҳий келтирувчи фариштa –Жабройил (а.)нинг иккинчи исми. Навоий шеъриятида образ даражасига кўтарилган тушунчалардан бири.

Субҳ андин хилватимға
нафхаи рухул қудс,
Шом мундин кунжи
фақрим равзаи доруссалом.
("Фавойид ул-кибар", 424-ғазал)

РЎЗБЕҲОН БАҚЛИЙ, Абу Муҳаммад бин Абу Наср Шерозий – суфий ва ориф. Дастлаб Аршадуддин Абулҳасан Али Табризий, Фахриддин Марям, Садриддин Абу Тоҳир Аҳмад бин Муҳаммад Салафий ҳузурида илм ўрганган. Тариқатдаги пири – Шайх Сирожиддин Маҳмуд бин Халифа бин Абдуссалом бин Аҳмад бин Солба. Умрининг асосий қисмини Шерозда ўтказиб, Шероздаги Атиқ жомеъ масжидида 50 йилга яқин воизлик қилган. Тафсир илмида *"Ароис ул-баён"*, "Латойиф ул-баён фий тафсирил-Қуръон", ҳадис илмида "Мақнун ҳадис", "Ҳақойиқ ул-ахбор", фиқҳ илмида "Ал-мувашшаҳ фил-мазоҳиб ил-арбаъа", тас.да "Машраб ул-арвоҳ", "Мантиқ ул-асрор би баён ил-анвор", "Шарҳи шатҳиёт", "Лавомеъ ут-тавҳид", "Масолик ут-тавҳид", "Кашф ул-асрор ва мукошифат ул-анвор", "Шарҳ ул-ҳужуб вал-астор", "Сайр ул-арвоҳ", "Ал-ирфон фий халқ ил-инсон", "Рисолат ул-унс фий руҳ ил-қудс" каби асарлар муаллифи. Суфийларнинг шатҳиётини шарҳлаганлиги сабабли "Шайхи Шаттоҳ" номи б-н ҳам машҳур бўлган.

"Насойим ул-муҳаббат"да Р.Б.га олимлар султони, орифлар бурҳони ва ошиқлар пешвоси деб таъриф берилган. Абу Али Синдий ҳақидаги бобда Р.Б.нинг "Шарҳи шатҳиёт" асаридан иқтибос келтирилган. Шайх Абулҳасан Кардуяга бағишланган бобда унинг Р.Б. вафоти ҳақидаги каромати қайд этилган.

"РЎШНОИНОМА" – *Носир Хусрав* Қубодиёнийнинг тасаввуфий мавзудаги асари. Маснавий шаклида ёзилган. Ҳажман 592 байтдан иборат. Асар Аллоҳ ва олам алоқадорлиги б-н боғлиқ масалаларга бағишланган бўлиб, унда тавҳид, ақли кулл, нафси кулл, фалак ва юлдузлар, тўрт унсур ҳақида маълумотлар келтирилади. Алишер Навоий "Ситтаи зарурия" қасидалар туркумида ушбу асардан фойдаланган. Навоий "Р." номини "Насойим ул-муҳаббат"да Носир Хусрав б-н боғлиқ фаслда тилга олади.

С

САБЗА – 1. яшиллик, кўкат, кўклам, майса.

Кўкрагимдур субҳнинг
пираҳанидин чокрок,
Кирпиким шабнам тўкулган
сабзадин намнокрок.
("Наводир уш-шабоб", 326-ғазал)

2. Ёрнинг зангор тусдаги мийиғи ва киприклари:

Хатда рухсоринг су эркинму
ёшунган сабзада,
Йўқса кўзгудурки, қолмиш
ҳар тараф зангор аро.
("Ғаройиб ус-сиғар", 22-ғазал)

С. Навоий шеъриятида сарв истилоҳи б-н тазод санъатини юзага келтирган ҳолда ҳам қўлланилган. Бунда сарв юксакликни ифодалаган, С. қуйиликнинг рамзи бўлиб келган.

Сабзхатлар бўйи қис қарди
бўюнг жилвасидин,
Сарвнинг теграсида сабза
кўрунгандек паст.
("Наводир уш-шабоб", 76-ғазал)

3. Ёр ҳижронида ошиқ кўнгли ва вужудига қадалган ҳажр пайкони, ханжари.

Рост ул янглиғки сўрган
ердин урғай сабза бош,
Чиқти пайконинг учи
ҳар ён тани афгордин.
("Наводир уш-шабоб", 441-ғазал)

САБЗАВОР – Хуросондаги вилоят ва унинг марказидаги шаҳар. Шаҳарда Сосонийлар даврига мансуб ёдгорликлар мавжудлиги сабабли 2–4-асрларда шаҳар сифатида шаклланганлиги тахмин қилинади. Салжуқийлар даврида тижорат марказларидан бири ҳисобланган. С. сарбадорлар ҳаракатининг маркази ҳамда улар асос солган давлатнинг пойтахти бўлган (1337–1386). Амир Темурнинг биринчи уч йиллик юришидан сўнг С. ҳам унинг салтанати таркибига кирган (1386 й.). Султон Абулқосим Бобур ҳукмдорлиги даврида Навоийнинг отаси Кичкина Баҳодир С. ҳокими этиб тайинланган (1455 й.). Ёш Алишер машҳур сабзаворлик шоир, лекин Астарободда яшаган Мир Шоҳий б-н шу пайтда ёзишмалар олиб борган. "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида – аруз илми буйича устози Дарвеш Мансур, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Номий, Хожа Маҳмуд, Хожа Авҳад Муставфий сингари сабзаворлик машҳур фозиллар ҳақида маълумот берган. Навоийнинг Астаробод ва С.даги ер-мулкларида етиштирилган ҳосил С.даги омборларда сақланган. Хондамир маълумот беришича, вафотидан сал олдин омбордаги ғаллаларни давлат ва халқ эҳтиёжига сарфлаш учун шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзога топширган.

Ҳиротдин агар ўт тушса Сабзаворғача,
Булай самандару тортай ўзумни ёрғача.
("Фавойид ул-кибар", 572-ғазал)

САБИҲ – кўзга нур, дилга сурур бағишловчи чеҳранинг сифати. Тас-ий манбаларда Ҳақ таолонинг "ал-Жавод" исми мазҳарига айланган пайғамбарларнинг сифати эканлиги таъкидланган. Навоий ғазалларида бу сифат Юсуф Сиддиқ ва Муҳаммад

Мустафо алайҳумоссаломга нисбатан қўлланилган:

Юзунг сабуҳи азал бодасидин андоқким,
Не субҳға бу сабоҳат,
на меҳр мунча сабиҳ.
("Бадоеъ ул-васат", 101-ғазал)

САБО I – Шарқдан эсадиган тонгги ёқимли ва салқин шамол. С. тонг чоғи, кўклам ва ёз фаслларида эсиб, дов-дарахтлар ва гулу гиёҳларни қишки уйқудан уйғотади, гулларни чанглатиб, дарахтларнинг мева тугишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тас.да у Аллоҳ таолонинг раҳмоний нафасига нисбат берилиб, хайрга боис бўлиши айтилади. С. ошиқнинг оҳу ноласини Аллоҳга, ўз навбатида, Аллоҳнинг хабарини ошиққа етказади. Хусусан, С. б-н ошиқларнинг тонг чоғида чеккан оҳлари ўртасида боғлиқлик мавжуд: тас. аҳли тонг чоғида қилинган оҳ Аллоҳ таолога етиб боради, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақда Шайх Абу Бакр Каттоний шундай дейди: *"Аллоҳ таолонинг бир ели бор – тонг чоғида эсгай. У ел ошиқларнинг оҳу нолишини эшитгай, Аршга олиб чиққай, ундан Ҳазрати Парвардигорга етказгай".*

Эй сабо, ҳолим бориб
сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин
гулбарги хандонимға айт.
("Наводир уш-шабоб", 85-ғазал)

Кўнгил ҳолининг ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ҳам С. дейилади.

САБО II – ҳозирги Яман ҳудудида жойлашган қадимий давлатнинг номи. Сулаймон пайғамбарнинг соҳибжамол хотини Билқиснинг мамлакати: *"Ва ҳол улки, Ҳудҳуд бир замон мулозиматдин фориғ топиб, сайр учун тайрон қилиб, бир шаҳрға кузи тушуб эрдиким, оти Сабо эрди ва подшоҳи Билқис отлиғ хотун эрди"*
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

САБР – ошиқмасдан кутиш, ўзини тия олиш, тоқат, мақсадга етиш йўлидаги қийинчиликларни чидам ва бардош б-н енгиш маъносини англатадиган ахлоқий тушунча. С. ҳақиқати – синов тариқасида берилган бало ва қийинчиликларда нафсни шикоят қилишдан сақлашдир. Ҳадисга кўра, имон икки бўлакдан иборат: ярми С., ярми шукр. Шунинг учун, ҳар бир имонли киши содир бўладиган барча воқеа-ҳодисаларнинг Ҳақ таоло иродаси ва ихтиёри туфайли бўлишини англаб, синовларда С. қилиши ҳамда берилган неъматларнинг шукрини бажо келтириши лозим. Абдураззоқ Кошонийнинг фикрига кўра, С. уч хил бўлади: нафс С.и, қалб С.и ва руҳ С.и. Нафс С.и ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади: биринчиси, мурод-дан С. қилиш (фарз амалларини бажо келтиришда нафс истаги бўлмиш ҳаром ишлардан тийилиш ҳамда нафл амалларини адо этмоқда шубҳали ва макруҳ ишлардан узоқ бўлиш), иккинчиси – макруҳ ишларга С. қилиш (фарз ва нафл амалларини бажо келтиришдаги қийинчиликларни сабот б-н енгиш ва хато қилмаслик). Нафс С.ини С. филлоҳ (Аллоҳ йўлида сабр қилиш) деб ҳам атайдилар.

Қалб С.и ниятни нафсоний истаклардан холис ва пок тутиш, зикрда бардавом бўлиш ҳамда дунёвий амалларда нафсоний истакларга йўл бермаслик б-н изоҳланади. Қалб С.ини С. лиллоҳ (Аллоҳ ризоси учун сабр қилиш) деб ҳам атайдилар.

Руҳ С.и деганда, илоҳий жамол мушоҳадаси чоғида басират кўзини адаб ва ҳаё б-н тутмоқ ҳамда барча ишларга илоҳий нур б-н назар солмоқ англашилади. Руҳ С.ини С. биллоҳ (Аллоҳ ҳузурида сабр қилиш) деб ҳам айтганлар.

Насириддин Тусий ақидасига кўра, С. – қийинчиликлар содир бўлганда нафсни шикоят қилишдан ҳамда барча аъзоларни изтироб чекиш ва ножўя хатти-ҳаракат қилишдан тўхтатишдир. С.нинг уч даражаси бор: 1) омма С.и – яхши амалларни бажо келтиришда собитқадам бўлмоқ ҳамда бошга синов ва қийинчиликлар тушганда ақл эгалари наздида мақбул тушадиган ҳолатда турмоқ; 2) обидлар ва зоҳидлар С.и – охират савоби умидида барча қийинчиликларни енгмоқ ва мақсад йўлида сабрли бўлиш; 3) орифлар С.и – бошга тушган қийинчиликларни хушнудлик б-н қарши олмоқ ва келган бало-ю офатларни имтиёз сифатида қабул этмоқ ҳамда қийинчиликлардан ҳузурланмоқ.

"Маҳбуб ул-қулуб"да берилишича, нафсоний лаззатланиш ва жисм фароғатидан халос бўлмоқ ҳамда ибодат машаққати ва риёзат қийинчиликларига одатланмоқ С.нинг асосий белгилари ҳисобланади. С. – Ҳақ йўлида қаттиқ қийинчиликларга ва бошга тушган барча яхши-ёмон ҳолатларга бардошли бўлишдир. С. дори каби аччиқ бўлса ҳам, кўп фойдаси бордир. Колаверса, С. – барча шодликларнинг калити ва мақсадга элтувчи от кабидир. С.нинг энг гўзал намуналарини Айюб пайғамбар (а) ва Муҳаммад расулуллоҳ (с.а.в.) кўрсатганлар.

Юз бало келса бошингға
сабр қилғил, эй кунгул,
Е халойиқ ихтилотин
қил Навоийвор бас.
("Наводир уш-шабоб", 240-ғазал)

САБУКБОР – юки енгил. Ирфон тилида маъ-ий камолот манзилларини осонлик б-н босиб ўтадиган соликлар, шунингдек, фано йўлида дунё ва унга боғлиқ нарсалардан воз кечган орифларнинг сифати тушунилади.

Ақл итти, ҳуш кетти,
кўнгул куйди, чиқти жон,
Шукр эт, Навоиёки, сабукбормен яна.
("Ғаройиб ус-сиғар", 550-ғазал)

САБУҲИЙ – эрта тонгда май хуморини бартараф қилиш учун ичиладиган шароб. Тас.да тонг чоғида Ҳақ таолога қилинажак муножот маъносида қўлланилади.

"Ва сабуҳий вақтиғача бир-икки қатла барча усрук ётғон риндлардин ўзлари юруб хабар тутарлар эрди".
("Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер")

"САБЪАИ САЙЁР" – Алишер Навоий "Хамса"си таркибига кирган тўртинчи достон. 1484 й.да ёзилган. Ҳажман 38 боб, 5009 байтдан иборат. Асар ишқий-саргузашт мавзуида бўлиб, Баҳром ва Дилором муҳаббати ҳақидаги қолипловчи ҳикоя ва шу ҳикоянинг композициясига боғланган етти мустақил ҳикоядан иборат. Асарнинг бош қаҳрамони Баҳром тарихий шахс сифатида Эроннинг сосоний ҳукмдори Варахран V (420–438 йилларда подшолик қилган)га бориб тақалади. Бу ҳукмдор қулон (ёввойи кийик)ни овлашга ниҳоятда ўч бўлганлиги учун халқ орасида Баҳром Гўр (қулон) лақаби б-н шуҳрат топган. Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки Ажам"да маълумот беришича, уни Баҳром деб аташларига сабаб: "гўрни шер сайд қилғонда, анинг ўқи эгнисидан ўтуб, ерга тегди. Баъзи деб турларким, гўр овиға кўп мойил эрди". Шарқ мамлакатларида Марс (Миррих) юлдузи Баҳром деб аталиб, жангу жадаллар ҳомийси сифатида келади.

Баҳром Гўр ҳақидаги кўплаб афсона, ривоят ва халқ нақлларини дастлаб эронликлар яратган ва даврлар ўтиши б-н Шарқ халқлари орасида кенг тарқалиб кетади. Баҳром Гўр ҳашамат ва овга ўч подшо ҳамда ишратпараст шахс сифатида даставвал халқ оғзаки ижодидан, сўнгра ёзма адабиётдан ўрин олади.

Баҳром тимсоли дастлаб форсий ад-тда Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома"сида тасвирланган. Фирдавсий Баҳромни, бир томондан, шуҳрат қозонгани, адолатпеша подшо, ватанпарвар, тенгсиз ақл-идрок, куч-қувват соҳиби, моҳир овчи, иккинчи томондан, айш-ишратга, эҳтиросга ўч, ҳудбин ва қаҳри қаттиқ шахс сифатида тасвирлайди. "Шоҳнома"да Баҳром Гўр ҳақидаги воқеа достоннинг фақат бир фаслини ташкил этиб, унда Баҳромнинг туғилиши, тахтга чиқиши, мамлакатни идора қилиш тадбирлари, ов вақтида ўз канизаги Озода б-н тўқнашувига доир воқеалар тасвирланган.

"Шоҳнома"даги Баҳром Гўр ва унинг канизаги орасидаги бу тўқнашув лавҳаси Низомий томонидан қайта ишланиб, машҳур "Ҳафт пайкар" достони вужудга келади. Низомий Баҳром қиёфасидаги асосий хусусиятларни: моҳир мерганлик, паҳлавонлик, кучли шижоат ва довюраклик, мамлакатни адолат б-н бошқариш каби фазилатларни сақлаб қолгани ҳолда уни янги маъно ва мазмун б-н бойитади, ушбу тимсол орқали ўз даври ижтимоий масалаларини, умуминсоний ғояларни илгари суради. Низомий Фирдавсий достонидаги Баҳромнинг канизак б-н боғлиқ ҳикоясини қолипловчи ҳикоя қилиб олиб, унга 7 мустақил ҳикоят киритади *(қар.: "Ҳафт пайкар I")*.

Низомий асари яратилганидан кейин бир асрдан кўпроқ вақт ўтгач, Хусрав Деҳлавий унга жавоб тарзида "Ҳашт

беҳишт" достонини ёзади. Унинг достонида ҳам Баҳромнинг саргузаштларини тасвирловчи асосий қолипловчи ҳикоя ва етти малика ҳикояси мавжуд. Ушбу ҳикоялар биргаликда жамланиб, 8 ҳикояни ҳосил қилганлиги учун Деҳлавий ўз достонини "Ҳашт беҳишт" деб номлайди ва маликалар айтиб берадиган 7 ҳикоятни ҳинд эпосидан олади. Шунингдек, достоннинг муқаддимаси етти боб, якунловчи қисми эса бир бобдан иборатлиги, умумий боблар сони саккизталиги учун ҳам шундай номланишга сабаб бўлган, деган қарашлар мавжуд. Деҳлавий ўз достонини Баҳромнинг тахтга чиқиши воқеасидан бошлаб, унгача бўлган воқеаларни тушириб қолдиради *(яна қар.: "Ҳашт беҳишт").*

Мазкур мавзуда яратилган асарлардан яна бири – Ашраф Марағийнинг "Ҳафт авранг" достони бўлиб, Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да Ашрафнинг ушбу достонини "С." достони учун асос бўлган асар сифатида тилга олади. Навоий "Ашраф "Ҳафт пайкар"нинг етти ҳурвашин пешкашимга яроғлабтур", деб ёзар экан, Низомийнинг "Ҳафт пайкар" достонидаги етти гўзал ҳақидаги ҳикояларни ҳал қилишни Ашраф унга топширганлигига ишора қилади. Ашраф достонида Баҳромнинг канизак б-н овга чиқиши ва умуман унинг ошиқ бўлиши б-н боғлиқ саҳна йўқ. Ашраф ошиқ подшоҳ эмас, балки одил подшоҳ тимсолини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди *(қар.: "Ҳафт авранг" II).*

Алишер Навоийнинг "С." достони мазкур мавзуда яратилган биринчи туркий достон бўлиб, Навоий ўзига қадар бадиий ад-тда яратилган достонлар ва тўпланган бой ижодий тажрибадан фойдаланган ҳолда мазмун эътибори ва ғоявий-бадиий хусусиятлари б-н салафлари асарларидан фарқ қилувчи янги достон яратди. Достон ўша давр достончилигидаги анъаналарга кўра, муқаддима, асосий қисм ҳамда хотимадан иборат. Муқаддима ўн бир бобни ўз ичига олиб, анъанавий ҳамд б-н бошланади. Навоий Аллоҳни оламнинг яратувчиси сифатида мадҳ этар экан, достоннинг мазмуни тақозоси б-н биринчи бобидаёқ етти рақамига алоҳида эътибор қаратиб, илтизом (бир сўзни бирор парчанинг барча мисра ёки байтларида қўллаб, шу сўзнинг муҳимлигини таъкидлаш) бадиий санъатини қўллагани ҳолда фалакнинг етти қават эканлиги, етти гумбаздан ташкил топгани, ер юзи етти иқлимга бўлингани, етти кўк, етти юлдуз кабилар ҳақида фикр юритади. Шунингдек, Баҳром ва Дилором сўзларини асл ва мажозий маъноларда қўллаб, сайёралар олами, дунёнинг яратилиши ҳақида ўз фалсафий қарашларини баён этади.

Достоннинг 2-боби муножот бўлиб, бунда буюк шоирнинг яратувчига мурожаати, нажот умиди, тавба ва илтижолари ўз ифодасини топган. Навоий ташбеҳ санъати воситасида ўзини тоат вақтида хаста чумолига, исён вақтида ваҳший шерга, нафсини баҳайбат филга, кўнглини нимжон пашшага ўхшатади. Шунингдек, муножотда яратилаётган асарнинг шуҳратини оламга ёйишни сўраб қилинган илтижо ҳам мавжудлигини кўриш мумкин.

Кейинги икки боб Муҳаммад (с.а.в.) мадҳи ва меърож туни таърифини ўз ичига олади. Мазкур боблар Расулуллоҳни васф этиш ва меърож ҳодисасини улуғлашга бағишланган. Дастлаб Пайғамбар (с.а.в.)нинг асли қурайший, ерлари абтаҳий, мазҳаблари ҳошимий, манзиллари Ясриб эканлиги айтилгач, "Нури Муҳамадий" ҳақида сўз бориб, бу нур "Лот" б-н "Уззо"-ни шикастлагани, исмларининг ҳарфлари ечилганда иккита "мим" ҳарфининг этаклари осилиб, куфр эли мотамининг зулматига, дин элининг эса улуғворлигига айланиши айтилади. Меърож туни таърифига бағишланган бобда пайғамбаримиз ҳузурига фаришта (Жаброил) келиб, Ҳақнинг саломини етказганлиги ва ошиқ ўз маҳбубининг висолига эришмоқ ниятида эканлигини хабар қилгани, пайғамбаримиз Яратувчининг ҳузурига борганларида уммат-ларининг гуноҳини кечиришни илтимос қилганлари ва барча истаклари бирма-бир қабул қилинганлиги ҳақида сўз боради. Достоннинг кейинги боблари (5–7-боблар) сўз ва устозлар таърифида. Навоий сўзга юксак баҳо берар экан, таърифни ҳамма нарсани йўқдан бор қилган Илоҳий сўз ("Кун!")дан бошлаб, бадиий ад-тдаги сўзнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш б-н давом эттиради. Бунда икки адабий тур: назм

ва насрнинг хусусиятларини тавсифлаш асносида уларни бир-бирига қиёслайди ва назмнинг насрдан устунлигини кўрсатиб берувчи бир қанча далилларни келтиради. Шоирнинг фикрича, шеърий асарларда чиройли, таъсирли ибора ва бадиий санъатларни кўплаб қўллаш ва инжуни ипга тергандек мисралар тизиш мумкин, наср эса сочиб юборилган жавоҳирдек гўзалликдан маҳрумдир. Назм шакллари орасида маснавий алоҳида ўрин тутади, у назмий турнинг "васиъ (кенг) майдон"идир. Шу ўриндан бошлаб Навоий хамсанавис салафлари таърифига ўтади. Низомий ҳақида сўз юритар экан, у бу майдондан тўпни олиб чиқиб кетди, яъни гўй ва чавгон ўйинида ютди: маснавий яратишда биринчи бўлди, дейди. Хусрав Деҳлавийни Низомий бешлигига жавоб ёзган ижодкор сифатида таърифлар экан, уни "ҳинд сеҳргари, қаро бало, офати Худо" каби ташбеҳлар б-н мадҳ қилади. Шунингдек, Навоий бу икки хамсанависни шатранж ўйинидаги оқ от (Низомий) ва кора филга (Деҳлавий), ўзини оддий пиёдага нисбат беради. Бу ўринда пиёда тимсоли орқали ўзи ва достонларига камтарона баҳо бериш б-н бирга пиёданинг ўсиб, фарзин бўла олишига рамзий ишора ҳам бор.

Достоннинг 7 боби "ҳазрат шайхулислом мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий" мадҳига бағишланган. Навоий уни "фазл конию илм дарёси" деб атар экан, устозини араб тилидаги билимдонлиги жиҳатидан "Кофия" асарининг муаллифи Ибн Ҳожибга, тафсир илмида юзта Ибн Ҳожарга, фиқҳ илмида Имоми Аъзамга ўхшатади. Жомийнинг бу соҳаларда яратган асарлари, девонлари ва достонларининг номларини келтиради.

8-боб салафларнинг нуқсонлари ҳақида бўлиб, шоир боб сарлавҳасидаёқ устозлар асарларига мулоҳаза билдираётгани учун узр сўрайди. Бобда достон яратишдан олдин туш кўрганини, тушида 7 гумбаз, 7 гумбаз ичида 7 хил рангдаги мутасаддийни кўрганини, шу ерда 7 кун юриб, 7 афсона тинглаганини, бир мўйсафид унга аввалги достонлардаги қусурларни тузатишни сўраганини, уйқудан уйғонгач, муаббир (туш таъбирчиси) айтган далиллардан сўнг достон ёзишга киришганини айтади. Шундан сўнг ўзигача ёзилган Баҳром ҳақидаги достонларни синчиклаб ўқиб чиққанини таъкидлаб, устозларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўйган ҳолда уларга учта эътироз билдиради. Шоирнинг фикрича, олдинги хамсанависларнинг биринчи айби дарду ғамга етарлича аҳамият бермасдан, уни ишқдан холи тасвирлаганликларидадир.

Баҳромнинг айши учун еттита қаср қурилиши, етти маликанинг мастликдан ғафлат ҳолатига етган шоҳни ухлатиш учун афсоналар айтишлари асоссиз бўлиб, бу салафларнинг навбатдаги камчилигидир. Шоир агар афсона айтиш зарур бўлса, улардан бошқа қиссахон йўқмиди, деган саволни ҳам қўяди. Салафларнинг учинчи камчиликлари дардсиз ва нодон кишининг саргузаштларини кўрсатишни максад қилиб олганликларида эди.

Боб сўнгида Навоий ғоят камтарлик б-н ўзини салафларнинг фақир шогирди деб атаб, мен гўё пашшадек бўлиб, фил ишини қилмоқчиман, осмон томига нарвон, қуёшга шамдон ясамоқчиман, ўргимчак ипидан каманд қилиб, аждаҳони тутмоқчиман, дейди ва Аллоҳдан достон ёзишда мадад сўрайди. Достоннинг Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган тўққизинчи бобида Навоий фалакдаги барча сайёраларга бирма-бир мурожаат қилиб, уларни ўз ҳунарларидан бир оз тинмоққа чақиради. Шоҳ мадҳида қалам сурмоқчилигини айтиб, шоҳнинг икки томонлама хон авлоди эканлигини, улуғ отасини Чингизхон, онасини Аланқувога нисбат беради. Шоир Ҳусайн Бойқарони чексиз саховат, чумолига ҳам марҳаматли адолат эгаси дея таърифлар экан, адолат бобида ҳатто Анўшервон ҳам унинг олдида хижолат чекади деб ёзади. Достоннинг тўққизинчи боби "Хамса"нинг аввалги достонларида келтирилмаган Билқиси Соний – *Хадичабегим* мадҳига бағишланган. Бу ҳолат тасодифий бўлмай, шоир султон Ҳусайн Бойқаро саройида алоҳида нуфузга эга бўлган малика Хадичабегимни таърифлаш орқали шоҳ Баҳром ёнидаги Дилоромга ишора қилади, унинг шоҳ тақдирида муҳим ўрин тутганлигига ишора қилади. Навоий талмеҳ санъати воситасида Хадичабегимни пайғамбарлар аёллари Сораи Узро (Иброҳим пайғам-

барнинг рафиқалари) ва Хадичаи Кубро (Муҳаммад (с.а.в)нинг аёллари)га ўхшатади. Маликанинг гўзаллигидан сунбул ташвишда-ю, наргис хижолатда эканлигини муболағали тасвирлар орқали баён этади. Хадичабегимнинг икки фарзанди Музаффар Мирзо ва Шоҳ Ғариб Мирзо (шоир Ғарибий) ҳақида ҳам тўхталиб ўтиб, уларни икки саодатли юлдуз, уларнинг онасини ойу қуёшга ўхшатади. Ўн биринчи Баҳром тарихига бағишланган бўлиб, бевосита муқаддимани асосий қисм б-н боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Навоий Баҳромни сосонийлар ҳукмдори Яздижурднинг ўғли бўлса-да, отасидан фарқли равишда эзгу ишлар б-н шуғулланганлиги, отаси нимани бузган бўлса, у барчасини қайтадан тузганлигини айтиб, салафлар достонлари бўйича шоҳ Баҳром тарихини қисқача баён этади. Ўзи айтмоқчи бўлган қисса аввалгиларидан фарқ қилишини таъкидлаб, Аллоҳга шукрона келтирган ҳолда Баҳром қиссасини бошлайди. Асосий воқеалар ўн иккинчи бобдан бошланади. Етти иқлим шоҳи бўлган Баҳром ов қилиб юриб, рассом Монийни учратиб қолади. Моний Чинда тенги йўқ бир гўзал Дилором ҳақида хабар бериб, унинг ўзи чизган суратини шоҳга тақдим этади. Шоҳ суратни кўриши б-н Дилоромга ошиқ бўлиб қолади ва Чин мамлакатининг бир йиллик хирожини тўлаб, қизни саройга келтиради. Шундан кейин Баҳром қизга бутунлай маҳлиё бўлиб, давлат, мамлакат ишларини унутади, кайф-сафога берилиб кетади. Натижада салтанату мамлакатда тартибсизликлар бошланиб, халқ орасида шикоят ва норозилик кучаяди, шаҳарлар вайронага айланади:

Иш анга еттиким бу янглиғ шоҳ,
Мулк ишидин эмас эди огоҳ.
Боқмайин мулк ила сипоҳ сори,
Қилмайин майл додхоҳ сори...

Фирдавсий "Шоҳнома"сида тасвирланганидек, овда кийик ҳодисаси юз беради. Дилором Баҳромнинг мерганлик маҳоратини "машқнинг натижаси", – деб айтади. Шоҳ мастликда қизнинг оёқ-қўлини ўз сочлари б-н боғлаб, биёбонга ташлаб келишни буюради. Эртаси ғазаб ва мастлик тарқаб, афсусланганидан кейин, уни ўзи бориб излайди, лекин топа олмайди. Ҳижрон азобидан ўзини бутунлай йўқотади. Шоҳнинг аҳволи оғирлаша боради. Навоий бу ўринда шоҳ Баҳромда энди чин маънода ошиқлик сифатлари пайдо бўлаётганлигига эътибор қаратади, зеро руҳий изтироблар ва ҳижрон дарди ишқнинг ортишига сабаб бўлади. Изтиробдан ўзини бутунлай йўқотган Баҳромнинг аввал фалакка, сўнг халқи ва қўшинига мурожаат қилиб, нотавон жонини бу азоблардан қутқаришини сўраб қилган фарёдлари достоннинг 17-бобида ниҳоятда таъсирли тарзда ифодаланган.

Манга не қилдинг, эй сипеҳр, охир,
Йўқ эмиш сенда зарра меҳр, охир!..
Найлайин бу жаҳонни жонсиз мен?
Бал жаҳон бирла жонни онсиз мен?
Жонни олғилки, тўймишам, биллоҳ!
Кўнгул ўлмакка қуймишам биллоҳ!..

Сарой аҳли ташвишга тушади. 400 ҳаким ва табиб тўпланиб, икки йил давомида шоҳни даволайдилар. Шоҳ бир оз ўзига келгандай бўлади. Маслаҳат б-н етти иқлим шоҳи етти қаср қуради. Етти қаср етти шоҳнинг мамлакатига олиб борадиган йўл устида қурилади. Рассом Моний унинг ҳар бирини алоҳида ранг б-н безайди. Баҳром уларни томоша қилар экан, касали тузала бошлайди. Етти рангдаги етти қаср битгач, етти иқлим шоҳининг етти қизини Баҳромга никоҳлаб беришади. Етти қаснинг ҳар бири етти сайёрадан бирининг рангига мос бўлиб, ҳафтанинг шу сайёра ҳомий ҳисобланган кунига хос эди. Шанба куни учун шу куннинг ҳомийси Зуҳал (Сатурн) сайёрасининг рангига мос қора қаср, якшанба учун унинг ҳомийси Қуёш сайёрасининг рангига мос сариқ қаср, душанба учун душанба ҳомийси Ой сайёрасининг рангига мос келувчи яшил қаср, ҳомийси Миррих (Марс) бўлган сешанба куни учун Миррих рангини ифодаловчи қизил қаср, чоршанба куни учун унинг ҳомийси Уторуд (Меркурий) рангига мос мовий қаср, пайшанба учун Муштарий (Юпитер) рангига мос келувчи сандал қаср ва жума учун унинг ҳомийси Зуҳра (Венера) рангига мос оқ қаср барпо қилинган эди. Навоий ҳар бир қасрдаги шоҳ, малика ва мусофир ҳамда жиҳозлар тасвирини беришда рангларнинг турфа хил номланишларидан усталик б-н фойдаланади. Ҳикоятларда

ҳам рамзий маъно мужассам тонган бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳикоят қаҳрамонлари қийинчиликлар орасида тобланиб, оқибатда бахтиёрликка эришадилар. Бу келажакда Баҳромни ҳам бахт-толе кутаётганлигидан далолат эди. Дарҳақиқат, у еттинчи ҳикоятда ўз вафодори Дилоромдан хабар топади. Барча ҳикоятларда шоҳ ёки шаҳзода иштирок этади, дабдабали қасрлар, тилла-жавоҳирлар, қимматбаҳо ҳарир либослар, тантанали базмлар, серишва, жафокор ва айни пайтда вафодор гўзаллар тасвири "Минг бир кеча"даги ҳикоятларни эслатади. Ҳикоятларда шоҳ ва шаҳзода образларининг муҳим ўрин тутиши уларнинг айнан шоҳ (Баҳром) учун айтилганлигига ишора. Ҳар бир ҳикоятдаги воқеалар, албатта, сафар асносида рўй беради, ҳикоят қаҳрамонлари сайру сайёҳат орқали ўз мақсадларига эришадилар. Бу б-н Навоий сайёраларнинг тинимсиз ҳаракатига, шу б-н инсоннинг ўз мақсадига етиш учун саъй-кўшиш қилмоғи даркорлигига ишора қилади. Ҳикоятларда жўмардлик, вафодорлик, тақво каби футувват – жавонмардлик ғоялари ҳам куйланган бўлиб, бундан муаллифнинг мақсади мазкур ҳикоятлар орқали шоҳ Баҳром онгига жувонмардлик ғояларини сингдириб боришдир. Ҳикоятларнинг мавзу кўлами кенг, уларда ҳаёт масалаларидан тортиб, турмуш воқеа-ҳодисаларигача, табиат ва унинг бағридаги наботот ва ҳайвонот оламидан тортиб, коинот ва ундаги жисмларгача – барча-барча масалалар ҳамда уларга хос хосса ва хусусиятлар мужассамлашган. Мутафаккир шоирнинг хаёлоти Мовароуннаҳр, Хуросон, Ажам, Ҳиндистон, Сарандиб, Миср, Рум, Яман ва бошқа ўлкаларга, сарҳадсиз саҳроларга, тўлқин уриб ётган денгизларга, сирли-синоатли жазирама жойларга парвоз қилади, турли манзил ва маконлар, хилма-хил эътиқод ва ижтимоий гуруҳларга ҳамда касб-корга эга бўлган кўплаб кишиларнинг тимсолларини, уларнинг шаклу шамойилларини яратади.

Баҳром шанба кунини мушкфом қора либослар кийиб, мушкин ранг гумбазга кириб, мушкдек қора май ичиб, ҳинд маликаси ҳузурида ўтказади. Шоҳ фармонига кўра, хизматчилар қаср йўлига чиқиб, шу томонга келаётган мусофирни бошлаб киradилар. Шоҳ ундан кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беришини сўрайди. Ҳиндистонлик мусофир шаҳзода Фаррух ва олижаноб Ахий ҳақидаги ҳикоятни сўзлаб беради. Унга кўра, Ҳинд мамлакати подшоси Жасратхоннинг ақлу ҳусида тенгсиз ўғли шаҳзода Фаррух тушида бир паривашни кўриб, севиб қолади. Ўша санамга етишиш ишқида сафарга чиққан шаҳзода Ҳалаб шаҳрида тушида кўрган маҳбашни учратиб, ҳушидан айрилади ва тақдир тақозоси б-н қора палосга ўраниб, оғир аҳволда қолганида унга саховати б-н ном қозонган Ахий ёрдам кўрсатади: Фаррухнинг ишқи тушган гўзал ўз аёли эканлигини билиб, жуфти ҳалолини талоқ қилиб, Фаррухга никоҳлаб беради. Фаррух ўз юртига қайтади ва отаси вафот этгани учун тахтга ўтиради. Бу орада Ахийнинг ишлари орқага кетади, туҳматга учрайди, ўз юртидан кочиб, жон сақлаб қолади. Фаррух Ахийнинг мардлигини билгач, бундан ҳайратга тушади, аёлни ўзига сингил каби тутади ва дўстини излайди. Ахий тақдир тақозоси б-н Ҳинд мулкига бориб қолади ва шу ерда икки дўст топишадилар. Фаррух синглим дея Ахийнинг ўз аёлини унга катта тўй қилиб никоҳлаб беради. Шу тариқа, улар чин дўст сифатида, бир-биридан ёрдам ва меҳрини аямай узоқ умр кечирадилар. Мазкур ҳикоят якунида сайёҳ шоҳ Баҳромга ўзининг Ахий авлодидан эканини маълум қилади. Шоҳ уни сийлаб, саройда олиб қолади. Бу ҳикоятдан талабдаги устуворлик ва ундаги қоидалар – бору йўғидан кечиш, тинимсиз сайъ-ҳаракат ва айни пайтда тақдирга ризолик, фақирлик тимсоли ("қора палос")ни кўрамиз. Ундаги ҳикоят қаҳрамонлари Ахий ҳам, Фаррух ҳам ёр йўлида қанча саъй-ҳаракат қилишмасин, уларда тақдирга таҳаммул, муҳтожлик ва кимсасизликни тақдир синови дея мамнуният б-н қабул қилиш туйғулари каби ҳақиқий ошиқ ва соликка хос бўлган сифатларни кўрамиз. Бу кечада қора ранг устунлик қилади. Бу қасрда Баҳром Дилоромга борар йўл – сабр ва саъй-ҳаракатдан дарак топади. Ҳикоятни тинглаган Баҳромнинг қалбида Дилором ишқига талаб яна кучаяди ва айни пайтда, тақдирга таҳаммул туй-

ғулари ҳам ривожланади. Ушбу ҳикоятда Ахийдаги саховат ва мардлик каби фазилатлар улуғланиши б-н бирга Фаррухнинг ундан таъсирланиши ва охир-оқибат ўзи ҳам ахийга айланиши тараннум этилади. Навоий бу ҳикоят орқали Баҳром руҳиятига ҳам Дилором васлидан дарак, ҳам жавонмардликдан таълим беради. Мақсадга етиш учун тақдирга таҳаммул ва ўзликдан кечиш даражасидаги мардлик хислатлари зарурлигига ишора қилади. Навоий қора рангга янгича ёндашиб, уни умидбахшлик маъносида талқин этади:

Қора ранг элга тожи торакдур,
Ким бу ранг ичрадур, муборакдур.
Шоми ҳижронға қолмағай жовид,
Қайда субҳи висол тутқай умид.

Ҳикоятдаги қора палос детали эса Фаррух ва Ахийнинг рамзий маънода тас. амалиётини ўтаганларига далил, фақирлик тимсолидир. Ушбу ҳикоятдан кейин Баҳромнинг руҳиятида ўзгариш содир бўлади. Унинг қалбида умидбахш нишоналар пайдо бўла бошлайди.

Якшанба, яъни қуёш ҳомийлик қилган куни шоҳ зарнигор қасрда зарбоф кийимлар кийиб, сариқ либосли Рум маликаси ҳузурида румлик мусофирдан заргар Зайд Заҳҳоб ҳақидаги ҳикоятни тинглайди. Унга кўра, Рум мамлакатида подшоҳнинг Зайд исмли хос заргари бор эди. У шоҳга турли хушомадлар қилиб, олтин тахт ясаб беришни таклиф этади. Бу антиқа ўзи юрар зина ва яна аллақанча гаройиботлардан иборат бўлади. Бироқ подшоҳ Зайднинг душманларидан тахт олтиндан эмас, кумушдан ясалганлигини, фақат унга олтин суви югуртирилганлигини билиб қолади ва Зайдни зиндонбанд қилади. Ҳийлакор Зайд зиндондан чиқиш йўлини ҳам эплайди ва ўз юртидан қочиб, Фаранг диёрига боради. Ундаги бир бутхонада олтин бутларни кўргач, ўзини бутпараст қилиб кўрсатади. Маҳаллий аҳолининг эътиборини қозониб, руҳоний бўлиб олган Зайд икки ҳамроҳи б-н барча бутларни кемага ортиб, ўз юртига олиб келади ва ўз шоҳига инъом этади. Бу орада касалликка чалинган подшоҳни даволагач, ганимларидан уч олиб, яна унинг энг яқин кишисига айланади. Бу ҳикоят орқали Баҳромга аввал хато қилганни карам қилиб кечириш зарурлиги ва тақдирга таҳаммул б-н бирга тадбиркорлик ҳам лозимлиги уқтирилади.

Ой ҳомийлик қилган душанба куни Баҳром навбаҳор рангли кийим кийиб, яшил қасрда сабза либосли малика б-н "ҳаёт" сувини ичади ва шаҳрисабзлик мусофир шоҳга Саъд ҳақидаги мароқли ҳикояни айтиб беради. Кеча тасвири ва ҳикоятда яшил ранг ҳукмронлик қилади. Ҳикоятда тасвирланишича, бир сахий савдогарнинг Саъд исмли меҳмоннавоз ўғли бўлади. У худди Фарҳод сингари барча ҳунарда моҳир бўлиб етишади. Қизиқарлиси шундаки, нафақат қаҳрамонлар, балки ҳикоя сюжети ҳам "Фарҳод ва Ширин"га жуда ўхшайди. Бир куни савдогарнинг саройига яшил либос кийган икки мусофир келиб, меҳмон бўлишади. Саъд уларни ҳам одатдагидай яхши кутиб олгач, ажойиб-ғаройиб ҳикояларни сўзлаб беришларини сўрайди. Меҳмонлар юртлари томонда Китвар номли ажойиб ўлка борлигини, унда бир бутхона мавжуд бўлиб, унда бир кеча тунаган киши ўз тақдирини, келажагини билиб олишини айтишади. Бу сирга қизиққан Саъд улар б-н Шаҳрисабзга йўл олади ва ўша бутхонага кириб, бир кеча тунайди. Унинг тушида бир қуш учиб чиқиб, унга Шарқ қуёшидай гўзал насиб қилишини айтса, иккинчиси Саъдни дев асир қилиб, икки оёғига занжир солишини башорат қилади. Тушининг таъбирини билиш учун Саъд муаббирнинг ҳузурига боради. Пайлақус ҳаким номи б-н танилган бу зот "Фарҳод ва Ширин"даги Суқрот ҳакимга ўхшайди. Пир Саъднинг тушини ҳам таъбирлаб, ҳам Суқрот Фарҳодга ёрдам бергани каби йигитга ёрдам беради. Саъд унинг кўрсатмалари б-н ҳаракат қилади. Устоз панду ҳикмати ва ўзидаги жасурлик хислати б-н Саъд ўзининг бошига тушган кийинчиликларни енгиб ўтади. Бу йўлда унга куч-қудрат ва жасурлик ҳам, тадбиркорлик ҳам, илму хирад ҳам ёрдам беради ва Саъд ўз мақсадига эришади. Саъднинг меҳмоннавозлиги, олийҳиммат-лилиги ҳам футувват талабларидандир. Ҳикоя якунлангач, сайёҳ ўзининг Рум мамлакатидан, Зайд Заҳҳобнинг авлодларидан бири эканлигини айтади. Шоҳ Баҳром бу сайёҳга ҳам мурувват кўрсатиб, саройда олиб қолади.

Баҳром Мирриx ҳомийлик қилган сешанба куни гулгун (қизил) либосда гулнорий қасрга кириб, шафақгун либосли малика б-н ёқут қадаҳда лаъл ранг май ичиб, Жуна ва Масъуд ҳикоятини тинглайди. Бу кечада айтилган ҳикоятда эҳтиёжсизлик мадҳ этилади. Воқеа Масъуд исмли йигитнинг таъриф-тавсифсиз сахийлиги ва бошига тушган мусибатларга сабр-бардоши ҳақида бўлса-да, асл маъноси соликнинг бу ҳолатдаги руҳий аҳволи тўғрисидадир. Ҳикоятга кўра, Деҳлида султонлик қилган Жуна саховатда чексиз бўлиб, бир куни саройида меҳмон бўлган мусофир унга рост гапирган одамнинг юзини оқ, ёлғончининг юзини қора қилиб кўрсатадиган кўзгу совға қилади. Шоҳ Жуна мусофирни сийлаб, ундан дунёда мендан ҳам ўтадиган сахий борми, деб сўрайди. Йўқ, деб жавоб берган сайёҳнинг юзи кўзгуда қора бўлиб кўринади. Шоҳ ўзидан ҳам сахийроқ киши борлигини, у Тароз ўлкасида яшовчи Масъуд эканлигини билгач, тезда Тарозга жўнайди. У ерда Масъуд б-н учрашиб, дўст тутинади. Масъуд унга ўзи учун энг азиз бўлган нимаики бўлса, ҳаммасини иккиланмай ҳадя қилиб юборади: севимли, куй ва қўшиқда моҳир канизагини, майи тугамайдиган жомини, Гулгун лақабли отини. Бундан таъсирланган шоҳ Масъудни Тарозга ҳоким қилиб тайинлаш тўғрисида фармон беради. Тароз ҳокими Жайпур эса бундан безовта бўлиб, Баллу деган қаттол вазири б-н маслаҳатлашиб, Масъудни йўқ қилиш режасини тузади. Жайпур Масъуд б-н дўст тутиниб, ҳийла б-н уни маст қилиб, чоҳга ташлатади. Баллунинг гўзал ва оқила қизи Масъудга ошиқ бўлиб қолади ва икки содиқ канизи ёрдамида уни қутқариб, отасининг саройидан Масъуд б-н қочиб кетади. Жайпур уларга етолмай догда қолади. Икки севишган йўлда кўп қийинчилик б-н Деҳлига бориб қоладилар. Масъуд ўзи меҳмон қилган Жунанинг шоҳ эканини билмасди, шунинг учун пул топиш илинжида шоҳ саройига борганда сеҳрли жомини, куй чалиб, қўшиқ айтаётган канизини, Гулгун отини кўриб, аввал ҳайрон бўлади, кейин шоҳнинг ҳам Жуна эканлигини билиб қолади. Масъуд таниган бошқа маҳрамлар бу ҳақда Жунага айтадилар. Дўстини йўқотиб, ҳажр азобида қолган шоҳ бундан бағоят шодланиб, унга меҳрибонлик кўрсатади, ёрини ҳам олиб келади, Жайпур ва Баллуни эса жазолайди. Ҳикоятни тинглаган Баҳромнинг юзларига қизиллик югуриши б-н бирга қалбида саховат ва олийжаноблик туйғулари жўш уради. Ҳикоятдаги отасининг душмани бўлган бегуноҳ йигитни қутқаришдай жасоратга қўл урган Баллу қизининг ҳимматини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Айтиш мумкинки, Навоий ушбу асарда нафақат йигитларни, балки вафодор ва жасоратли қизларни ҳам мадҳ этади. Баллунинг қизи б-н бирга хожасига вафодор Ахийнинг рафиқаси, севгилиси Суҳайлга садоқатли Меҳр ҳамда Баҳромдан айрилишни ўлим деб билган гўзал Дилором – нафақат садоқат ва вафо, назокат ва ҳаё, балки шижоат ва жасорат тимсоллари ҳисобланадилар.

Аторуд ҳомийлик қилган чоршанба куни Баҳром мовий ранг уст-бош б-н нилуфарий гумбазда осмон рангидаги либос кийган гўзал б-н феруза қадаҳда кўкимтир май ичади. Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофир унга Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги ҳикоятни сўзлаб беради. Ҳикоятда Жобир зиндонига тушиб қолган Суҳайл исмли шаҳзодани севгилиси Меҳрнинг қутқариб олиши тасвирланади. Бу ҳикоятда жўмардлик, садоқат, вафо туйғулари улуғланади. Дарҳақиқат, севгилиси деб узоқ ва машаққатли йўлга чиққан ва номард Жобирнинг ҳийласига учраб, ғирром жангда мағлуб бўлган Суҳайл ҳам, золим қўлида асирликда бўлса-да, ўз муҳаббатига содиқ қолган Меҳр ҳам жўмардлик рамзларидир. Дарҳақиқат, Меҳр ва Суҳайл Жобирнинг зулмидан қутулгач, унинг зиндонидаги бошқа одамларни ҳам озодликка чиқарадилар. Ҳикоятни тинглаган Баҳромнинг қалбида ҳам олийҳиммат туйғулар барқ уради.

Муштарий ҳомийлик қилган пайшанба куни шоҳ сандал (жигар ранг) тусидаги либос кийиб, сандал қоматли ёр б-н сандал ифорли бода ичиб, Муқбил ва Мудбир ҳақидаги ҳикоятни тинглайди. Ушбу ҳикоятда Муқбил исмли тақводор ва покиза йигитнинг бир кимсасиз оролга тушиб қолиши ва ундаги бир чашмага чўмилганида кўрган ғаройиб воқеалари ҳақида ҳикоя қили-

нади. Чашмадан бош кўтарган йигит ўзини ажойиб бир боғ ичидаги ҳовузда кўради. Боғнинг соҳиби бир гўзал маҳбуба бўлиб, у йигитга кўп илтифотлар кўрсатади, қадаҳ тўлдириб, май узатади. Маст бўлиб ухлаб қолган йигит эртаси куни ювиниб олиш учун ҳалиги ҳовузга тушади-ю, ўзини яна ўша аввалги чашма бошида кўради. Ўзи кўрган ҳовузу боғ ҳам, сандал дарахтидан ясалган тахту гўзал қиз ҳам кўздан йўқолган эди. Муқбил бу ҳолатдан ҳайратга тушади. Кўрган воқеалари тушидами ё ҳушида содир бўлганлигини англай олмай, ҳайрон қолади. Оқибатда покдомонлиги туфайли бир подшонинг меҳрига сазовор бўлган йигит унинг қизига уйлангач, худди ўша боғ, ҳовуз ва тахтни, ҳаммадан ажабланарлиси, ўша қизни кўргач, яна ҳуши бошидан учади. Ва бунинг сабабини аёлидан сўрайди. Малика бу жинлар шоҳининг иши эканлигини айтиб беради. Қизга ошиқ бўлган жинлар шоҳи унинг сиймосини денгиз остидаги қасрда акс эттирган экан, Муқбил ўша сиймони кўриб, унга ошиқ бўлган ва бу ҳолдан ҳайратга тушган. Ушбу ҳикоятда футувватнинг тақво ва таҳаммул деган шартлари ҳам улуғланади. Дарҳақиқат, саҳро ва денгиздаги қийинчиликларга бардош берган, ростгўй ва олийжаноб Муқбил охир-оқибат подшоҳнинг эътиборига тушиб, унга куёв бўлади. Аксинча сабрсиз ва ёлғончи Мудбир эса ўз жазосини олади. Бу ҳикоятни тинглаган Баҳром ҳам энди такаббур ва худбин шоҳ эмас, балки хокисор инсонга айланади. Ниҳоят, ҳафтанинг Зуҳра ҳомийлик қилувчи еттинчи жума (одина) куни Баҳром оппоқ – кофурий кийимда оқ қаср ичида фил суягидан ясалган тахт устида ўтириб, оқ кийимли гўзал б-н биллур жомда оқ май ичади ва Чин гўзали қошида хоразмлик мусофирнинг ҳикоясини тинглайди. Ушбу кечада айтилган ҳикоятда ҳажр ва изтиробда ўртанган Баҳром севгилиси Дилоромдан хабар топади. Сайёҳдан эшитишича, у Хоразмда соғ-саломат, лекин Баҳромга азбаройи садоқати туфайли ўзини ўлган ҳисоблаб, кафанга монанд оппоқ либос кийиб юрар, Хоразм шоҳининг муҳаббатини ҳам рад этган, кундузлари ноиложликдан соз чалиб, элни хушнуд қилса-да, ўзининг чеҳраси очилмас, тунлари эса кўзда ёш б-н Тангрига тоат-ибодат қилар экан. Баҳром ҳам ёрига етиш учун етти қаср аро покланиб, кафанга монанд оппоқ либос кийган эди.

Ниҳоят тақдир унинг тақдирга таҳаммул, тадбиркорлик, жасурлик, сахийлик ва қаноат, жўмардлик, тақво ва вафодорлик ҳислатларини жавобсиз қолдирмайди. Баҳром ҳам етти қаср аро, ундаги ҳикоятлар, тақдирлар ва ибратлар аро покланиб, Дилором даражасига эришади. Энди у Дилоромнинг шунчаки гўзал қиз ва севимли маъшуқа эмас, балки садоқатли ва олийжаноб инсон эканлигини англайди ва ўзи ҳам унга муносиб бўлишга интилади – унга жон нисор этмоқчи бўлади.

Ҳикоятларда қандай туйғулар мадҳ этилса, уларнинг акси бўлган иллатлар қораланади. Жумладан, биринчи ҳикоятда тақдирга таҳаммул ва футувват – мардлик туйғуси улуғлангани ҳолда пасткашлик қораланса, иккинчи ҳикоятда тадбир ва айёрпешалик улуғлангани ҳолда ғийбатчилик ва фисқу фужур қораланади. Учинчи ҳикоятда жасурлик ва илму маърифат улугланади. Тўртинчи ҳикоят қаҳрамони Маъсуднинг рақиби Баллу ва Жайпур, бешинчи ҳикоят қаҳрамони Суҳайлнинг рақиби Жобир, олтинчи ҳикоят қаҳрамони Муқбилнинг рақиби Мудбир очиқдан-очиқ мағлуб бўладилар ва қилмишларига яраша жазоланадилар. Бироқ еттинчи ҳикоят қаҳрамони Дилоромнинг рақиблари бўлган сарой созандалари ва Хоразм шоҳи унинг руҳиятидаги назокат ва жасорат тажассуми каби туйғуларни кўриб, унга қойил ва мафтун бўлишади. Бу ўринда ёвузлик жазоланмайди, балки эзгуликка айланади.

Баҳром биринчи ҳикояни ўз руҳий ҳолати каби қора қасрда, қора либосда тинглаган, чунки у ўз Дилоромидан айрилган, ҳижрон зулматига гирифтор бўлган эди. Еттинчи ҳикояни эса оқ қасрда оқ либосда тинглайди ва бу ҳикоят унга висол умидидан дарак беради, унинг қалбига ёруглик олиб киради. Лекин Баҳром Дилоромни топгач, яна овга, айш-ишратга берилади. Бир куни у сарой аҳли, сонсиз қўшин ва Дилором б-н катта овга чиққанида, ёмғир ёғади ва эски ботқоқнинг оғзи очилиб, Баҳромни Дилором ва бутун аркони давла-

ти б-н бирга ер ютади. Достон сўнгидаги ҳалокат мавзуси б-н Навоий яна бир фикрни, яъни ёмон ниятли шоҳнинг нафақат ўзига, ўзининг севган инсонига, балки барча раиятга ҳам зарари тегади, деган фикрни олға суради ва бу фикр б-н улуғ гуманист шоир ва мутафаккир ўз даврининг подшосига адолат ва шафқатдан, эзгулик ва ҳалолликдан таълим беради. Баҳром бўлиб ўтган воқеалардан ва тинглаган ҳикоятларидан хулоса чиқармайди: ошиқлик ва шоҳликни бир қиёфада олиб бормоқчи бўлади, аслида эса чин ошиқлик тожу тахт ва бойлик б-н мувофиқ келмайди, муроса қилмайди.

Алишер Навоийнинг "С." достони – буюк бир панднома, ибратнома бўлиб, унда башариятнинг асрий орзулари, эзгу мақсадлари, шу б-н бирга ёмонликка, ёвузликка, зулм-зўрликка, севгида беқарорликка нисбатан улуғ мутафаккирнинг, у орқали инсониятнинг муросасизлиги мужассамлашган. Навоий наздида ҳақиқий ошиқ фақат ўз севгилисини эмас, айни чоғда унинг халқини, юртини ҳам севиши, эъзозлаши ва унга комил бир фарзанд сифатида хизмат қилиши керак.

Асарни қасрлар, кечалар, ҳикоялар ва ранглар б-н боғлиқ ички, яъни тас-ий маънода ҳам талқин қилиш мумкин. Бунда Навоий анъанавий қолипга ўз новаторлик санъатини маҳорат б-н тилсимлаганлиги кўринади. Зоҳиран қараганда, достондаги дастлабки олти ҳикоянинг қолипловчи ҳикояга алоқаси йўқ. У фақат Баҳромнинг руҳий ҳолатини яхшилаш ва Дилоромни унутиши учун айтилгандек. Аслида эса Шарқ ҳикоячилик анъанасида асар ичидаги ҳикоятлар асарга бевосита таъсир этиши керак, аниқроғи бир бутуннинг қисми каби боғлиқ бўлиши лозим.

Баҳром ҳам етти кечада етти қаср аро покланиб, фано ҳолатига етиб келади. Қасрлар ва кунларнинг қорадан оққа қараб ривожланиши ҳам шуни кўрсатади. У энди Дилоромга аввалгидай оддий бир созанда ва канизак, ҳатто аёл сифатида ҳам қарамайди. У Дилоромга жонини нисор қилишни хоҳлайди. Натижада, у Дилоромни топиш арафасида ва уни топганидан кейин фано даражаси – мақомига етди. Бироқ ҳақиқий фанога етиш учун жон жисмни тарк этиши керак эди. Бу ҳолат "Лисон ут-тайр"да иккинчи фано тарзида ифодаланади. Навоийнинг барча асосий қаҳрамонлари: Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, шайх Санъон ва тарсо қиз фано ҳолига етишгач, бу оламни тарк этадилар. Ўттизта қуш ҳам Симурғ даргоҳидан қайтмайдилар. "С."да эса бу ҳолат, яъни иккинчи фано тасвири Баҳром ва Дилоромнинг ов пайтидаги ҳалокати б-н тасвирланади. Эътибор қаратилса, ҳалокат арафасида қаҳрамонлар ҳолати:

Саъй ила бир-бирин тутушдилар,
Муғтанам айлабон қучуштилар.
Бор эди ул қучушмак андак руст,
Ким бир ўлдилар ики ҳамдам чуст.
Бўйла ваҳдат чу ошкор ўлди,
Бир-бирига икав шикор ўлди

— тарзида таърифланади. Яъни икки дўст (Баҳром ва Дилором ҳалокат муқаррар эканлигини билиб) бир-бирини шунчалик қаттиқ қучдиларки, орадан иккилик йўқолиб, тавҳид (бирлик) ҳосил бўлди, иккови ҳам бир-бириларига ўлжа бўлдилар, яъни бир-бириларига қурбон бўлдилар, деган сатрларда тавҳид орқали фанога етиш ҳақида ишора қилинса, худди шу жойда, яъни Баҳром Гўрнинг овга чиққанлиги ҳақидаги 35-бобнинг сўнгида бевосита фано ҳақида сўз боради:

Бордур андир биравға истиғно,
Ким шиори эрур тариқи фано...

Кимнинг шиори – мақсади фано бўлса, унда бошқага эҳтиёжсизлик бўлиши керак. Боб сўнгида шоир тахаллусини қўллаб, ўзўзига мурожаат қилар экан, яна фанони эсга олади ва қаҳрамонларининг йўқликка етишганлари сабабли уларга ҳеч нима ҳавф сололмаслигини айтиб, уларга ҳавас қилади:

Эй Навоий, вужуд ҳарфин унут,
Адам ўлмак била фано йўлин тут.
Сен чу урсанг фано йўлида алам,
Йўққа мумкин эмас етишмас адам.
Аламин кўрмайин десанг йўқ бўл,
Сени йўқ топса, ўзга нетгай ул?

Достоннинг сўнгги уч боби (36–38-боблар) хотимани ўз ичига олади. Навоий дунёнинг бевафолигини, шоҳу гадонинг қисмати фано (ўткинчилик) эканлигини айтиб, бу йўлда фано (тас.даги энг олий мақом – Яратганнинг зотига сингиб кетиш) тариқи-

ни тутиш энг тўғри йўл эканлигини баён этади. Шу маънода Навоий достоннинг 37 бобида туш курганлигини айтади. Тушида шоирни шоҳ Баҳром йўқлаб, уни назм мулкида соҳибқирон деб атаб, ёзган достонига юқори баҳо беради ва фарзанди қаторида саналмиш Султон Ҳусайн Бойқарони дунёнинг бевафо эканлигини, шоҳларнинг олий мақсади – оламда яхши ном қолдиришдан иборатлигини айтади. 37 боб сўз ва назм (шеърият) ҳақида бўлиб, унда Навоий даҳосининг қудрати шоирнинг ўз тилидан айтилган ўринларда намоён бўлади. Жумладан, достон якунига якинлашганда шоир асарнинг ҳажми, ёзилиш муддатига тўхталиб, шундай ёзади:

Бўлди чун бу рақам иши тайёр,
Қўйдум отини "Сабъаи сайёр".
Тортқонда бу турфа савти маддин,
Байти беш мингга тортти аддин.
Манга айёми гарчи ёд эрмас,
Лек тўрт ойдин зиёд эрмас.
Бўлсам ўзга умурдин эмин,
Бор эди тўрт ҳафта ҳам мумкин...

Шоир достон сўнгида ҳам еттиликка мурожаат этиб, уни қуйидаги байт б-н якунлайди:

Етти афлокни анга ёр эт,
Етти иқлим элин харидор эт.

"С." хафиф баҳрининг хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун мафоилун фаилун) вазнида ёзилган. Аслида мазкур вазн 8 та ритмик вариацияга эга бўлиб, бу ритмик вариациялар достон мисраларида ўзаро алмашиниб қўлланаверади ва достон матни б-н муносабатга киришади. Мазкур ритмик вариацияларнинг достон таркибида ўзаро алмашиниб қўлланилиши тасодифий бўлмай, достондаги воқеалар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, бир ҳикоятдан бошқасига ўтиш пайтлари, сюжет чизиқларининг ўзгаришига кўн жиҳатдан боғлиқ *(яна қар.: хафиф)*.

"Сабъаи сайёр" достони юзасидан А.Рустамов, С.Ҳасанов, М.Муҳиддинов, М.Нарзиқулова, О.Иброҳимов каби олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб борган.

Ас.: Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1992, 10-ж; Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011. 7-ж.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.; Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. Т., 1991; Хасанов С. Роман о Бахраме. Т., 1988. Юсупова Д. Алишер Навоий "Хамса"сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги.Т., 2011.

Дисс.: Ҳасанов С. "Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" достонининг киёсий-типологик таҳлили: ф.ф.д., Т., 1990; Муртазоев Б.Х. Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" ва Хусрав Деҳлавий "Ҳашт беҳишт" достонларининг қиёсий таҳлили: ф.ф.н., 1991.

"САБЪАИ САЙЁР" ҚЎЛЁЗМАЛАРИ.

"Сабъаи сайёр"нинг алоҳида кўчирилган қўлёзмалари кам учрайди. У асосан "Хамса"даги бошқа достонлар б-н бирга кўчирилган.

Унинг илмий-танқидий матнини Порсо Шамсиев тузган ва номзодлик диссертацияси сифатида 1952 й.да ҳимоя қилган. "Сабъаи сайёр" матни шу номзодлик диссертацияси таркибида келтирилган. Уни тузишда олим қуйидаги уч қўлёзмага суянган:

1. Абдулжамил Котиб кўчирган қўлёзма нусха (Тошкент, ТошДШИ ШҚМ, инв. рақами – 5018). Мазкур нусхани котиб 1485 й. Ҳиротда кўчирган. Навоий "Хамса"ни 1485 й. ёзиб тугаллаганлигини ҳисобга олсак, бу қўлёзма Навоий назорати остида кўчирилган ва "Хамса"нинг биринчи қўлёзмаси саналади. У илмий-танқидий матнни тузишда таянч нусха сифатида хизмат қилган.

2. Султонали Машҳадий 898/1492-93 й. кўчирган қўлёзма нусха. Санкт-Петербургда сақланади (Россия Миллий кутубхонаси, инв. рақами– Дорн 560). Қўлёзма рассоми – Мавлоно Ёрий, саҳҳоф – Султонали Марвий.

3. Тошкентда сақланаётган нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 7554).

4. Тошкентда сақланаётган яна бир нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 1679/2).

5. Тошкентда сақланаётган яна бир нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами – 3459). Уни хаттот Сайид Маҳмуд ибн Турди Сайид ал-Хоразмий 1215/1800–1801 й. кўчирган.

6. Тошкентда сақланаётган яна бир нусха (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, инв. рақами –3466). Котиби – Ҳожи Муҳаммад Ҳижрий. 1246/1830–31 й. кўчирилган.

“САБЪАТ АБҲУР” (“Етти денгиз”) – Алишер Навоийга нисбат берилган асар. Араб тили луғатшунослигига бағишланган. Асарнинг муаллифи масаласи адабиётшуносликдаги баҳсли масалалардан бўлиб, мазкур мавзуда тадқиқот олиб борган олим Б.Ҳасановнинг фикрига кўра, “С.” Навоий қаламига мансуб. Б.Ҳасанов ўз фикрини далиллашда асарнинг кириш ва хотима қисмида котиб Аҳмад ибн Али Дамашқий Маниний келтирган қуйидаги фикрларни асос қилиб олган: “Бу вақт ва замон ягонаси Хуросон уфқида порлаган қуёш Мир Алишер Навоий тартиби, таълифи, яхшиланиши ва таснифи устида заҳмат чеккан “Сабъат абҳур” мусаввадасидан топилган нарсаларнинг сўнггидир”.

Асарнинг “С.” деб аталишига сабаб унинг учун араб луғатшунослигига мансуб етти китобнинг манба қилиб олинганлиги бўлиб, ушбу асарлар қуйидагилардир:

1) Жавҳарийнинг “Саҳоҳ” изоҳли луғати;

2) Соғонийнинг “Такмила” луғати;

3) Замахшарийнинг “Кашшоф” (Қуръон тафсирига оид) асари;

4-5) Ибн Ҳожибнинг грамматикага оид “Муфассал” (иккита муқаддим ва шарҳлари);

6) “Ғаройибу-л-ҳадис” – ҳадис сўзларига тузилган луғатлар;

7) турли муаллифлар, девон, рисола ва бошқа асарларнинг шарҳлари. Улар шартли равишда “Завойид” номи б-н аталган.

“С.”нинг таркибий тузилиши асосига ўзак тизими (флексия) қўйилган. Араб тилидаги сўзлар (мисол учун: катаба – мактуб – котиб – китоб – мактаб)да ўзак чиқариш қоидасига асосан сўз таркибидаги қўшимча унлилар тушириб қолдирилгандан кейин қоладиган маъно ташувчи ҳарфлар маълум бир маъноли ўзакни ташкил қилади (КТБ – катаба). Ўзаклар охирги ҳарфига кўра алифбо тартибида 28 бобга ажратилган. “С.” ўз ичига 8609 луғат мақолани киритган бўлиб, ундаги лексиканинг асосий қисмини уч ҳарфли ўзаклар ташкил қилади (6451 луғат мақола). Миқдор жиҳатдан иккинчи ўринни тўрт ҳарфли ўзаклар эгаллайди (2056 та). Учинчи ўринда беш ҳарфли ўзаклар туради (94 луғат мақола). Араб тилига четдан кирган кам истеъмолдаги сўзлар олти (1 луғат мақола) ва етти ҳарфли (2 луғат мақола) сўзлардир.

“С” асари араб луғатшунослиги ривожланиши сусайган даврда вужудга келганлиги б-н алоҳида аҳамият касб этиб, араб лексикографияси тарихида Жавҳарийнинг “Саҳоҳ” ва Фирузободийнинг “Қомус” луғатлари б-н бир қаторда туради. Асар бўйича Огоҳ Сирри Лаванд, Аҳмад Оташ, Ҳамид Арасли, Муҳаммад Ёқуб Воҳидий Жузжоний, С.Ҳасанов, Б.Ҳасановлар изланишлар олиб борганлар.

Ад.: Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг “Сабъат абҳур” луғати. Т., 1981.

Дисс.: Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг “Сабъат абҳур” асари: ф.ф.н. Т., 1974

САВОДУЛ-ВАЖҲИ ФИД-ДОРАЙН – тасаввуфий истилоҳ. Ирфоний манбаларда “Ал-фақиру саводул-важҳи фид-дорайн” (Фақир – икки оламда юзи қаро кимсадир) ҳадисидаги юзқароликдан мурод – юзида нурларнинг асли бўлмиш қора нур (баъзи манбаларда – саводи аъзам) тажаллий топадиган, фано мартабасига етган дарвишнинг сифати ўрнида фақру фано ва ишроқ наз-яси асосида талқин қилинади. Ўтмишда бирор гуноҳ иш қилиб қўлга тушган кишининг юзига қора ранг суртилиб, шаҳарни айлантириш одати ҳам бўлган. Шу сабабли, ишққа мубтало бўлган кишининг ишлари жамиятдаги мавжуд баъзи меъёрларга тўғри келмаса-да, ният тўғрилиги ва кўнгил поклигидан бу юзиқоралик шараф деб ҳисобланган.

Эйки истарсиз
саводул-важҳи фид-дорайндин
Бохабар бўлмоқ,
мени юзи қародин истангиз.
(“Бадоеъ ул-васат”, 200-ғазал)

САВОЛУ ЖАВОБ (ар. – савол ва жавоб) – шеърда икки шахснинг ўзаро савол-жавобига асосланган бадиий санъат. С.ж. гоҳ мисра, гоҳ байт, гоҳ байтлар аро содир бўлиши мумкин. У шеърга жонлилик, ҳаётийлик бахш этади.

Навоий ўз ғазаллари ва достонларида С.ж. санъатидан маҳорат б-н фойдаланган. Мас.:

Дедим кўнглумга: "Ҳар ёндин
хадангнинг не эрур ёра?
"Муҳаббат утиға, – деди, –
утиндурким, қолайдурман.
("Ғаройиб ус-сиғар", 452-ғазал)

С.ж. икки рақибнинг кескин баҳсу мунозарасини ифодалаш учун ҳам қўлланилади. "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Хусрав ва Фарҳод мунозараси бунинг ёркин мисолидир:

Деди: Бу ишқдин инкор қилғил!
Деди: Бу сўздин истиғфор қилғил!..
Дедиким: Шаҳға бўлма ширкатандеш?
Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!

С.ж. мунозара жанрида ҳам кенг қўлланилади.

САВСАН – игнабарглилар оиласига мансуб ўсимлик, гулсапсар. Гуллари оқ (С.и озода), кўк (С.и азрақ), сариқ (С.и хитойи) бўлади. Филгўш ва занбақ деган номлари ҳам бор. Майда гуллари кўп бўлганлиги сабабли С.и озодани ўн тилли С. деб ҳам аташади. Шунингдек, асосан бинафша рангига бўялган "савсаний" деб аталган бир мато ҳам бўлган. С. рамзлар тилида ҳурлик тимсолидир. Навоий шеъриятида С.нинг барча турлари ўз ўрнида қўлланилиб, турли ахлоқий ва эстетик вазифаларни бажаришга хизмат қилган. "Бадоеъ ул-васат" девонининг 399 ғазалида С. образи ҳар бир байтда қўлланилиб, турли жиҳатларига эътибор қаратилган.

Бу чаман кайфиятин
озодаеким қилди фаҳм,
Ўн тили савсандек ўлса
ҳайрат айлар лол ани.
("Ғаройиб ус-сиғар", 606-ғазал)

САВСАНИЙ – савсан ранг, яшил ранг.

Арғувоний ашк аро
савсан масаллиг лолмен,
То тўнингдур арғувоний,
кўнглакингдур савсаний.
("Ғаройиб ус-сиғар", 604-ғазал)

"САДДИ ИСКАНДАРИЙ" – Алишер Навоий "Хамса"сининг хотималовчи, ҳажман энг йирик достони. 1484 йил ёзилган. 34 боб, 7215 байт, 14430 мисрадан иборат. Шарқда шоҳлар ҳақида битилган аксарият достонлар каби мутақориб баҳрининг мутақориби мусаммани маҳзуф *(фаувлун / фаувлун / фаувлун / фаул: ∪ ‒ / ∪ ‒ / ∪ ‒ / ∪ ‒)* вазнида ёзилган.

Дунё халқлари тарихида, жумладан, Шарқ мумтоз ад-тида Искандар образи б-н боғлиқ кўплаб асарлар мавжуд. Турли даврлардаги илмий, тарихий, бадиий манбаларда мазкур шахс ҳақида қимматли маълумотлар учрайди. Бадиий ад-тдаги Искандар образи б-н тарихий Искандар (Александр Македонский) айнан бир шахс эмас, адабий асарлардаги Искандар намуна (салбий ёки ижобий) даражасидаги бадиий образ. Жумладан, Навоий қаҳрамони ҳам тарихий шахс – лашкарбоши эмас, ижодкор қарашлари, мақсадлари ифодаси учун хизмат қилувчи поэтик тимсолдир.

Искандар образининг бадиий ад-тда пайдо бўлиши ва тадрижига оид кўплаб тадқиқотлар яратилган. Уларнинг аксариятида бу образининг Аристобул, Арриан, Клитарх, Онескрит асарларидан Плутарх, кейинчалик Каллисфен афсоналарига, ундан "Худойнамак", сўнгра Фирдавсий "Шоҳнома"сига ўтиб, форс-тожик ад-тига кириб келгани айтилади. Гарчи Шарқ ва Ғарб халқлари орасида қадимдан жаҳонгир Искандар ҳақида кўп ҳикоят ва ривоятлар тарқалган бўлса-да, лекин у ҳақда жанг-нома характерида достон ёзган биринчи ижодкор Фирдавсий ҳисобланади (Ҳомидий Ҳ.) Озарбайжон мутафаккири Низомий Ганжавий 1196-1201 й.да Искандар ҳақида махсус достон ёзгач, унга жавобан Хусрав Деҳлавий "Ойинаи Искандар" достонини битгани, шундан сўнг мазкур образ хамсачилик анъанасида муқим бўлиб қолган, деб айтади. Ана шу анъанага мувофиқ Навоий ҳам "Хамса"нинг якунловчи достонини Искандар образига бағишлади. Навоий Искандар ҳақида достон ёзгунга қадар туркий ад-т бу борада муайян тажрибага эга эди. Искандар тўғрисида бир қанча оғзаки эртак, ривоят, афсоналар, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғот ит-турк" асарида (муайян атама ва жой номларини изоҳлаш муносабати б-н тилга олинган) турк хоқони Шу ва Искандар тўғрисидаги ривоят, Рабғузийнинг "Қисас ул-анбиё" (14-аср) асари каби ёзма манбалар мавжуд эди. Навоий ўз достонини ёзишда салафлари ютуқларидан ташқари туркий ад-т тўплаган тажриба ва адабий анъаналарга таянган.

Шоир Искандар образини яратишда "Форслар тарихи", Носириддин Байзавийнинг "Низом ут-таворих", Банокатийнинг тарихий асарлари, "Девон ун-насаб" каби кўплаб тарихий манбалар, Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Низомийнинг "Искандарнома", Хусравнинг "Ойинаи Искандарий" каби достонлари, Искандар ҳақида ўзигача яратилган адабий асарлар, халқ ривоят ва афсоналари б-н танишиб чиққан. Искандар тўғрисидаги тарихий ҳақиқатларнинг афсона ва ривоятларга қоришиб кетгани адибни ҳайратда қолдирган. Айниқса, Искандарнинг насаби масаласи Навоийни анча иккилантирган. Муаррихларнинг баъзилари Искандар Доронинг фарзанди деса, баъзилари ("Тарихи фурс") аслида икки Искандар бўлган, уларнинг бири Доро б-н разм қилган, иккинчиси Яъжуж-Маъжужларга қарши девор тиклаган, дейди. Банокатий учун эса Искандар Бозурнинг ўғли. Шунда Навоий маслаҳат учун Абдураҳмон Жомий ҳузурига боради. Жомий бу борада муаррихларнинг ихтилофлари тўғри эмаслиги, Искандарни Файлақус асраб олгани ҳақидаги қараш ҳақиқатга яқинлигини айтади. Навоий ўз достонида ана шу фикрга асосланди. Низомийдагидек бўлгани сингари Искандарни асраб олинган фарзанд сифатида тасвирлаш Навоийга бу шахс ҳақидаги қарама-қарши фикрлар, фактлар зиддиятидан халос бўлиш, Искандар образи воситасида ўз қарашларини кенгроқ ифодалашга имкон берди. Навоийни иккилантирган яна бир масала — Искандар ҳақидаги беҳисоб воқеа ва ҳодисаларни тизимлаштириш, яъни достоннинг тузилиш структураси ва композициясини белгилаш эди. Низомий бу борада Искандарнинг жаҳонгирлигига урғу берган, Хусрав Дехлавий унинг изидан бориб, аксарият ҳолларда, ўз бадиий маҳоратини Низомий анъаналаридан четга чиқмай намойиш этади. Навоий салафлари тажрибасидан илҳомланиб, ўз достонида Искандарнинг ҳарбий юришларига ҳам, мазмундор сўзлари-ю ҳикматга бой суҳбатлари тасвирига ҳам эътибор қаратади. Таъкидлаш керак, Навоий композиция борасида салафлари ютуқларининг ўзига хос жиҳатларини умумлаштирган ва кўпроқ, Хусрав Деҳлавий тажрибасига эргашган.

"Садди Искандарий" ўз композицияси б-н Навоийнинг "Хамса" таркибидаги бошқа достонларидан ҳам, салафларининг шу мавзудаги достонларидан ҳам фарқ қилади. Достоннинг умумий тузилиши уч қисмдан иборат:

1. Муқаддима – I – XIV боблар.
2. Асосий қисм – XV – XXXII боблар.
3. Хотима – XXXIII - XXXIV боблар.

"Садди Искандарий" "Хамса" умумий композициясида алоҳида мавқега эга. Навоий бешлик таркибига кирувчи ҳар бир достонни ўзаро мувофиқлаштириб, "Хамса"ни яхлит система ҳолида шакллантиради. Мас., бешликнинг дебочаси бўлган "Ҳайрат ул-аброр"да қолган тўрт достоннинг мавзу ва мазмуни ҳақида муайян йўналиш берилади: дастлабки достон бутун бешликнинг дастури сифатида тасвирланади. "Хамса"нинг сўнгги достони "Садди Искандарий"нинг эскизи ҳам биринчи достон – "Ҳайрат ул-аброр"даги ҳикоятда келган. Бир бу эмас, Карам ҳақидаги боб, "Икки дўст" ва "Фахр Розий" каби ҳикоятлар ҳам "Садди Искандарий"да қайта ишланган ҳолда тасвирланади. "Хамса" композициясининг бундай поэтик мутаносиблиги унинг таркибидаги барча достонлар ички тузилишида ҳам акс этади. Шунга мувофиқ "Садди Искандарий" композицияси уч жиҳатга эга: 1) достоннинг умумий композицияси; 2) боблар композицияси; 3) бўлимлар композицияси.

Достоннинг умумий композицияси XIV муқаддима, XVIII асосий ва II хотима бобдан иборат. Боблар композицияси кириш ва хотима боблар, сарлавҳа ва мавзу баёнидан ташкил топган бўлса, асосий боблар "Саргузашт", "Мулоҳаза", "Ҳикоят" ва "Ҳикмат" каби тўрт бўлим асосида тартибга солинган. Бўлимлар композицияси ҳам ўзига хос: "Саргузашт"лар сарлавҳа, кириш байт, воқеалар баёни ва хотима ўрнида сокийнома, муғаннийнома, мурожаатномалардан тузилган. "Мулоҳаза", "Ҳикоят" ва "Ҳикмат"лар эса бир хил: сарлавҳа ва мавзу баёнидан иборат.

Боблар бир-бири б-н мантиқий боғланган, нисбий маъно мустақиллигига эга бўлиб, уларда Шарқ мумтоз эпик поэзия-

си анъаналари б-н бирга шоирга хос новаторлик ҳам намоён бўлади. Навоий XV бобдан XXXIII бобга қадар бир фикрни тўрт йўналишда ифодалайди. Бундай ўзига хослик "Искандарнома"ларнинг ҳеч бирида учрамайди. Мутафаккир салафларини такрорламаган ҳолда ҳар бобнинг ўзини тўрт қисмдан иборат кичик бир бутунлик сифатида тартиблайди ва маълум масала бўйича, дастлаб, Искандар б-н боғлиқ "Саргузашт", кейин "Мулоҳаза", сўнгра "Ҳикоят" ва охирида "Ҳикмат" келтиради, натижада фикрий мукаммаллик композицион мураккабликни келтириб чиқарган. Мақсаднинг бундай кўламдор ва мураккаб ифодаси Шарқ ад-ти учун янгилик эмас эди. Маълум мавзуга оид фикр билдиргач, унинг бадиий ифодаси, исботи учун ҳикоя келтириш Навоийгача Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларида ҳам. Фаридиддин Аттор маснавийларида ҳам учрайди. Низомийнинг "Искандарнома", Деҳлавийнинг "Ойинайи Искандарий", Жомийнинг "Хирадномайи Искандарий" достонларида ҳам Навоийга яқин усулни кўриш мумкин, бироқ улар "Садди Искандарий"дан композицион жиҳатдан ҳам, бадиий мақсадига кўра ҳам фарқланади. Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да "Садди Искандарий"ни Жомий "Хираднома"сига татаббуъ деса-да, "...унда Низомий ва Амир Хусрав достонлари анъаналари ҳам ривожлантирилган. Навоий асарида ҳам Искандар ҳаёти, уруш ва юришлари Низомийники каби кенг ёритилган. Чунки у ўзбек тилида Искандар ҳақида ёзилган илк достон эди". (Абдуллаев О. Амир Хусрав Деҳлавий ва Амир Алишер Навоий (анъана, янгилик ва маҳорат масалалари). Навоий достонни ёзишда Жомий "Хирадномаи Искандарий"сидан илҳомландим деса-да, лекин татаббуъни назарда тутмаган. "Садди Искандарий" ва "Хирадномайи Искандарий" бир пайтда ёзилган бўлиб, Навоий бундай дейиш орқали камтарлик б-н ўзининг бадиий ижод, хусусан, хамсанавислик борасида устозига издош эканлигини таъкидлашни назарда тутади. Шунга қарамай, Навоий ўз достонини мазмун ва тузилишига кўра ривожлантирган, бадиий концепцияси учун мураккаб ва оригинал шакл танлаган.

Мутафаккир "Ҳайрат ул-аброр"даги каби "Садди Искандарий"нинг муқаддимасида ҳам асардан кўзланган асосий бадиий мақсад ва маърифий муддаони ифодалайди. "Хамса"да Навоий, айрим сиёсий-ижтимоий ва фалсафий мулоҳазаларини усталик б-н пардалаб ўтса-да, асосий юқорий-бадиий концепцияси ва новаторлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Ана шу ният асарнинг умумий архитектоникасини ҳам белгилаган: гўё достонлар (сюжетлилари) икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда, традицион ҳамду наътдан ташқари, авторнинг юқорий-эстетик концепцияси ҳам баён қилинади. Иккинчи қисм эса муайян концепциянинг бадиий иллюстрациясидан иборат. Биринчи ва охирги достонда эса ана шу масалада ўзига хослик мавжуд (концепция ва исбот достон ичида ҳам берилади). Шунинг учун ҳам "Хамса" достонларининг муқаддима қисмларини синчиклаб ўрганиш, биринчи навбатда, ҳар бир достон ёхуд ҳикоянинг туб моҳиятини тўғри тушунишга йўл очса, иккинчи томондан, шоир фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашларининг муҳим қирраларини тўғри белгилашга ёрдам беради." (Исҳоқов Ё.)

Навоий "Хамса" таркибидаги барча достонларда муқаддимани асар композицияси ва мазмунига мувофиқлаштириш тамойилига амал қилади. "Ҳайрат ул-аброр"нинг кириш қисмида *бисмилло* сўзининг арабий ифодасидаги ҳарфлар шакли воситасида асарнинг дидактик мавзуси ва фалсафий мазмунига ишора қилган Навоий "Фарҳод ва Ширин"нинг бошланишида Фарҳод, Ширин, Мулкоро, Хусрав, Борбад номларини такрор-такрор тилга олиш орқали муқаддимани достон мундарижасига мувофиқлаштиради. "Лайли ва Мажнун"да телба мазмунида мажнун, тун маъносида лайло сўзларининг истиоравий характерда қўллаш воситасида кириш асар мазмунига уйғунлаштирилса, "Сабъаи сайёр"да етти осмон ва етти қаср, етти сайёра ва етти мусофир, етти иқлим ва етти ранг каби махсус иборалар орқали кириш достон мазмунига ишора қилади. "Садди Искандарий"да ҳам бу услуб ўзига хос тарзда давом эттирилади, муаллиф қайси мавзуда сўз юритмасин

жанговар рух ва жаҳонгирлик мавзуси сезилиб туради:

Билик тахти узра чиқиб ўлтурай,
Хаёл элчисин ҳар тараф чоптурай.
Намудори расми раёсат қилиб,
Ибо айлаганга сиёсат қилиб.
Маоний сипоҳини жон мулкидин,
Не жон мулкидин, ломакон мулкидин,
Ясоқ бирла еткурайин фавж-фавж
Ки, тутсун черик не ҳазизу не авж.
Йиғилғоч сипаҳ тарки базм айлайин,
Жаҳонгирлик сори азм айлайин.
Солиб танга суз жавшану багтарин,
Қўюб бош узра пок назм афсарин.
Минай кўшишу саъй рахшига тез,
Сипаҳ зийнатига қилойин ситез.

XIV кириш боб "искандарнома"лар муқаддимасини ҳам, Навоий "Хамса"сидаги бошқа достонлар муқаддимасини ҳам такрорламайди. Гарчи уларда мавзу ва мақсад муайян ўхшашликларни юзага келтирган бўлса-да, лекин ижодкор кириш бобларнинг ҳар бирида асар мавзуси ҳамда моҳиятига мувофиқ янги қиёфа, янгича тасвир орқали намоён бўлади.

Достоннинг дастлабки II боби (Тавҳид ва Муножот) ҳамдлар бўлса, III – IV боблар (Тавсиф ҳамда Меърож) наътлардир. V боб асар ёзишга киришаётган шоир кайфияти, ижодкор руҳиятини акс эттиради: у муайян даражада "Садди Искандарий" мазмуни ҳақида. VI боб сўз таърифида ҳамда Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий мадҳи ва Ашраф Марағий ёдига бағишланган. Жомий таърифига алоҳида боб (VII) ажратилган. Навоий VIII бобда "Хамса" ёзиш каби улуғ муддаоси ва бу жараёндаги заҳмат-машаққатлар ҳақида сўз юритса, IX бобни шоҳ Fозий мадҳига, X бобни эса шаҳзода Бадиуззамонга бағишлайди. XI, XII, XIII, XIV бобда Навоий Форс-Эрон шоҳлари тўрт табақасининг қисқача тарихини беради. Навоийнинг тўрт бобда пешдодий, каёний, ашконий ва сосонийлар тарихи ва исмларини келтиришдан мақсади хронологик тарих битиш эмас, балки асарда кўзланган – фонийлик концепциясини тарихий воқелик воситасида рад этиб бўлмайдиган тарзда исботлаш бўлган. XIV кириш боб композицион жиҳатдан жуда пишиқ. Кириш боблар кетма-кетлиги шоирнинг ижодий кайфияти, руҳий ҳолатларини ҳам тадрижий акс эттиради. Муқаддима ва хотима бобнинг яхлит асар тузилишида тутган ўрни яна шуниси б-н аҳамиятлики, уларда муаллиф ўз асарини ўзи талқин этган ҳолатлар кўп учрайди. Ўқувчи бадиий асарни яхлит, бир бутунликда тасаввур этиши учун муқаддима ва хотима бобда баён қилинган муаллифнинг асар ҳақидаги қарашлари муҳим аҳамиятга эга.

Асосий бобнинг дастлабки "Саргузашт" қисмида қайд этилишича, Файлақус овдан қайтаётиб бир вайрона ичида онаси кўз ёрибоқ вафот этган чақалоқни топиб олиб, уни фарзандсизлиги туфайли асраб олади ҳамда тахт вориси этиб тайинлайди, тарбиясини донишманд Нақумоҳисга топширади. Нақумоҳис боланинг толеъномасидан аллақачон бохабар эди (худди "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳоднинг бутун тақдиридан Суқрот воқиф бўлгандек). Донишманд гўдакнинг қадами покиза ва қутлуғ экани, бахт-саодатли, соф виждонли шоҳ бўлажаги, шон-шавкати кўкларга чиқиши-ю юриш қилиб, бутун шоҳларни бўйсундириб, жаҳонни фатҳ этажаги, осмон жисмлари табиатини билишга бел боғлаб, коинотга оид мушкулларни ҳал қилажаги, нозик таъб эгаси сифатида илм-ҳикмат ёрдамида тилсимлар-мўъжизалар кашф этажаги, билимлар ёрдами б-н ҳар қандай фитнанинг йўлига сад – ғов чекажагини, денгизга сафар қилиши-ю Худо унга ҳўлу қуруқликни насиб айлажагидан воқиф эди. Шу боис устоз тезда унинг тарбиясига киришади, Искандар эгаллаш. лозим бўлган барча билимни эгаллайди:

Бори ишда бир ерга етти иши
Ки, мумкин эмас андоқ
ўлмоқ киши.

Бу орада Файлақус вафот этиб, Искандар тахтга чиқишга мажбур бўлади. Ҳақиқат сирларидан бохабар устоз таълимини олган, дунёнинг фоний эканлигидан воқиф Искандар отасининг ўлими воқеасида билими амалини аён кўргандек бўлди: *Сикандар чу кўрди ато маргини, Яқин эрди қилғай жаҳон таркини.* Ва бундан хулқида шундай ўзгариш рўй бердики, натижада оламни тарк этишини (худди дарвешлардек) истай бошлади, аниқроғи

кўнглида шундай ният пайдо бўлди (ҳиммат сўзининг луғавий маъноларидан бири ҳам ният эди). Бу Искандар қалбида энг ноёб сифатлардан бўлган ҳимматнинг илк намоён бўлиши эди. Энг муҳими, унинг ҳиммати икки оламга татирли, улуғ ва буюк бўлиб, дунёга эмас, ундан воз кечишга қодирдир. Бироқ Искандардаги бу ҳол пинҳонлигича қолади ва у, Навоий таъкидлаганидек, улуғ ҳиммати туфайли отамерос тожни кияди ҳам, ҳиммат ҳақидаги фикрнинг давоми ҳам, Искандарнинг тахтга чиқишига изоҳ ўлароқ "Мулоҳаза" бобида ҳам ҳиммат ҳақида сўз боради: ҳиммати баланд киши олам аҳли аро аржуманд, кишининг бойлиги қаро мис эмас, балки ҳимматдир. Ҳиммат вужуд кимёси, саховат аҳли ҳам ундан қадр топади. Дунё халқи наздида ғаний ҳурматга сазовор бўлса-да, ҳимматсиз бой ҳурматсиздир, ҳиммат аҳлининг кўнгли кенг, уларнинг олдида ғино б-н фақр тенгдир. Кимга ҳиммат ёр бўлса, у жаҳондорлик эмас, гадолик тилайди. Фақр кўйида саргардон бўлганларни гадо дейиш тўғри эмас, чунки Тангри уларни шоҳларнинг шоҳи қилиб яратган.

Назарий қарашларга бадиий исбот тарзида келган ҳикоят сарлавҳасида ҳимматнинг моҳиятини акс эттирувчи нозик сўз ўйини бор: Искандар била ул гадолиқ ихтиёр этган подшо... – аввал подшо бўлиб, сўнг гадоликни ихтиёр қилган одам; ...балки филҳақиқат, подшолиққа етган гадо – аксинча, аввал гадо бўлиб, сўнгра шоҳликка етган инсон, – ҳикояти. Сарлавҳадаёқ дунё мулкини эгаллаш ниятидаги шоҳлик, аслида, гадолик, аксинча, ўткинчи дунё мулкидан кечиб, ҳақиқат оламига талабгорлик – шоҳлик эканлиги таъкидланмоқда. Бу оддий ҳикоя эмас, аксинча бутун асар мазмун-моҳиятини акс эттирувчи, қараш ўқ-илдиз. Ҳикояда қайд этилишича, Искандар Мағриб ўлкаларини босиб олганида у ерларнинг ҳукмдорлари жангда ҳалок бўлгани боис, тахт учун муносиб номзод қидира бошлайди ва қабристонларда юрувчи, ниҳоятда билимдон шаҳзода ҳақида эшитади. Уни ҳузурига олиб келишни буюради. Гадо қўлида вафот этган икки одам суягини кўтарган ҳолда келади. Гадо буларнинг қайси бири шоҳники-ю қайси бири гадоники эканини сўраганда шоҳ жавоб бера олмайди, Гадо ҳам ҳар доим бу икки сўнгак олдидан ўтганда уларга назар солишини, аммо ҳануз фарқлай олмаслигини айтади. Бу Искандарга қаратилган ўлгандан сўнг барча бир бўлгач, тирикликда бундай талашиб-тортишишлар, урушлар нечун, буларнинг барчаси шаклбозликдан бошқа нарса эмасми, инсон қадри бундай арзимас ишлардан баландроқ-ку деган кучли риторик сўроқ эди. Ҳикоядаги шоҳ ва гадонинг драматик суҳбати жараёнида (Хусрав ва Фарҳод диалоги каби) ҳимматнинг моҳияти ҳақидаги қарашлар янада теранлашади. Искандар унга шоҳлик ва мол-мулк таклиф қилганида Гадо дунё молига ҳожатманд эмаслиги ва ҳимматининг бу қадар паст эмаслиги, ҳиммати қарилиги йўқ ёшлик, ғами йўқ шодлик, охири йўқ бойлик ва абадий ҳаёт каби мангу мулкларга талабгор эканини айтади. Гадонинг орифона фикрлари Шарқда мавжуд бўлган шоҳ ва гадо ҳақидаги қарашлар моҳиятини акс эттиради. "Ҳикмат"да Искандарнинг Арастуга берган саволлари ҳам мазкур ҳақиқатни тасдиқлайди: 1) мақсудға қайси мақом яқинроқ? 2) ул мақом сари не навъ хиром муносиброқ? Дастлабки саволда кўзда тутилган мақсуд – Ҳақ марҳамати, мақом эса инсондаги сифатлар ва улар уйғунлашган руҳий даража, бу ўринда, фақирлик мақоми маъносида. Искандар саволларини шундай тушуниш мумкин: 1. Ҳақ марҳаматига қандай хулқли киши муносиб? 2. Бундай хулқ эгаси бўлиш учун қандай йўл тутиш лозим? Арастунинг жавоби: 1. Халқдан ўзни фард айламак, фано кўйи йўлинда гард айламак; 2. Ул кишиким тавонгардурур, анга хайр кўпрак муяссардурур. Яъни: 1) асл мақсаддан чалғитувчи ҳар қандай нарсадан қўл тортиш ва бутун диққатни Ҳақ томон қаратиш, яъни фақр (ўзликдан кечиш) сифатига эга бўлиш ва фақирлик йўлини тутиш керак; 2) тавонгар – давлати кўп, имкониятлари кенг киши эса мақсадга етиш учун яхши амаллар, савоб ишларни кўп қилиши лозим, шундагина висолдан умид қилса бўлади. Аслида, Арасту берган икки жавоб мазмунан бир хил. Ҳар икки йўлнинг шар-

ти – ўзликни енгиш, мақсади – висолдан баҳрамандлик.

Шу тариқа 18 асосий бобнинг ҳар бири мураккаб ва яхлит бутунлик сифатида саргузашт, мулоҳаза, ҳикоят ва ҳикмат каби тўрт қисмни ўз ичига олади ҳамда ҳар бир бобда жойлашган ўрнига мувофиқ муайян мавзу батафсил баён этади.

II бобда тасвирланишича, Искандар Арасту б-н суҳбатдан сўнг подшолик тожидан бош, тахтдан оёқ тортади, аммо отасининг васияти, халқ истаги, улуғ ҳиммати ва тақдир ҳукмига кўра давлатни бошқаришга рози бўлади, мамлакатда адолат ўрнатади. Шунга мувофиқ бобнинг "Мулоҳаза", "Ҳикоят" ва "Ҳикмат" қисмида адолат мавзусига эътибор қаратилади. Дунё иши б-н банд одам ҳарчанд уринмасин, фақирчалик марҳамат қозона олмайди, аммо бу савобли ишдан тўхташ керак, дегани эмас. Сидқидилдан қилинган ҳар қандай тўғри ишнинг хайрли экани ҳисобга олинса, дунё ишлари маъносиз эмас. Демак, манзил бир, йўл турфа. Искандар тоифасидаги кишиларга иккинчи йўл мос ва бутун асар давомида Искандар мана шу йўлдан боради. "Садди Искандарий"га оид тадқиқотларда эътибордан четда қолган муҳим жиҳатларидан бири шуки, Искандар тимсоли фақат воқеалар баёнида эмас, балки бутун достон давомида – "Мулоҳаза", "Ҳикоят", "Ҳикмат"ларда юқоридаги каби динамик ҳаракатда бўлади. Навоий "Искандар тимсоли тасвири орқали инсоний қусурлар, интилиш ва армонлар фожиаси ва зиддиятларни очиб беради. Шу заминда ўзининг қарашларини изчил баён этиб, агар шоҳнинг қалбида адлу инсоф, илму ҳикмат жўш урса, у жаҳонгир бўлса ҳам, дарвеш (вали) мартабасига муяссар бўлиши мумкин, деган концепциясини қадам-бақадам исботлаб боради". (Комилов Н. Хизр чашмаси, Т., 125 б.)

Кейинги бобда Доро элчисининг уч минг тилла тухум солиқ сўраб келгани тасвирланади. Искандар "тилла тухум қўядиган қуш учиб кетган" деб элчини ортига қайтаради. Иккинчи бор келган Доро элчиси Искандар қаршисига гўй, чавгон ва бир халта кунжут қўяди. Бунинг маъноси шу эдики, сен (Искандар) ҳали ёш бола экансан, менинг кимлигимни билганингда элчимга бундай жавоб бермаган бўлардинг, чавгонни олгинда гўй (тўп) ўйна, агар менинг кимлигимни билмоқчи бўлсанг, кунжутга боқ, аскарларим кунжут зарраларидек беҳисоб. Искандар эса Доро юборган нарсаларни, масалан, гўй – ер каби думалоқ, демак, Доро менга ўз қули б-н бутун дунёни беряпти деб талқин қилар ва кунжутни бир тўда товуқ олиб келиб едириб юборади. Шундан сўнг икки шоҳ ўртасидаги уруш муқаррар бўлиб қолади: Доро б-н Искандар жанг қилади, Доро хиёнат туфайли ўлдирилади ва Искандар ғалаба қозонади. Искандар дунё тахтини эгаллагач, Доронинг васиятига мувофиқ қизи Равшанакка уйланади. Мулозимлар бир неча юз йиллардан буён форс шоҳлари тўплаган хазинани хатлаб, етти юз минг туманли хазинанинг бир қисмини икки йил давомида шоҳ девонига ташийди, қолган қисми ўз жойида қолади. Искандарнинг фармонига мувофиқ Доронинг 600 000 сипоҳига улуф берилади ва халққа нисбатан адолат таъминланади. Сўнг Доро ҳукми остида бўлган барча ҳукмдорларга нома юбориб, ўзига итоат этишларини сўрайди. Бу таклифни Кашмир, Ҳинд ва Чин ҳукмдорларидан бошқа барча шоҳлар қабул қилади. Шундан кейин Искандар бу уч юртга юриш қилишга тараддуд кўра бошлайди, аммо қиш фасли яқинлиги учун харбий одатга кўра юришни тўхтатиб туради. Арроннинг Қорабог деган жойида қишлаган Искандар ҳамал киргач Хуросонга етиб келади ва Ҳиротни барпо этади, Мовароуннаҳрни олиб, ўхшаши йўқ Самарқанд тарҳини тузиб, сеҳр-жоду мамлакати Кашмирга юриш этишга жазм этади. Мусодек акл ишлатиб жодуланган кашмирийлар қалъаларини бузиб киради, лекин ерли халқнинг илтимоси б-н уларга озор бермайди, аксинча у ердаги беҳисоб ажойиботларни томоша қилади. Ундан сўнг Искандар Кашмир шаҳрига боради. Халқдан Маллу ҳақида сўраганида, тилсимланган қўрғондан ўт ва елни ўгирлаб, бир қалъада беркиниб ётганини эшитади. Кашмир гарчи чаманзору кўп гулзорга ўхшаса ҳам хавоси ҳайратланарли даражада иссиқ, агар доим руҳпарвар насим эсиб турмаса, нақ жаҳаннамнинг ўзи эди. Шун-

дай гўзал диёрда ўт ва елнинг йўқлиги, албатта, ажабланарли ҳол. Афлотун бошлиқ олимлар уч кун ичида Маллу яширинган тилсим қўрғондан олов ва ел манбаини топишиб, мушкулни бартараф этишади. Маллу ибн Мабок ўлими олдидан Искандар пойига тиз чўкиб, ўғли Феруз ва қизини афв этишни, қизига уйланишни илтимос қилади. Искандар унинг илтимосини қабул қилиб, Ферузга насиҳат қилади, отасининг тахтини ёш шаҳзодага топшириб, ўзи Ҳинд сари йўл олади. Искандарнинг Ҳиндистонга йўл олаётганидан хабар топган Рой турли совға-саломлар, туҳфалар ҳозирлаб бир гуруҳ олиму донишмандларни шафеъ келтириб, узрхоҳлик билдиргач, шоҳ уни афв этади ва Ҳинд юртини яна унинг ўзига тортиқ қилади.

Ҳиндистоннинг Нигор ўрмонида қишлаган Искандар қиш тугагач Чин сари юриш қилади. Улуғ Хоқон дастлаб қўшин тўплаб Искандарга қарши чиқади, лекин Искандар қўшинининг ҳайбати Чин лашкарига таҳлика ва қўрқув уйғотади. Бундан хавотирланган Хоқон элчи юбориб, сулҳ таклиф этади. Лекин Искандар кўнмайди. Шунда Хоқоннинг ўзи халқидан яширинча Искандар ҳузурига элчи қиёфасида келади. Искандар б-н сулҳ тузиб, Чинга гўё фарзандидек, Хоқоннинг ҳурматини жойига қўйиб ташриф буюришини илтимос қилади. Шундай йўл б-н урушнинг олди олиниб, Хоқон ўз обрў-эътиборини сақлаб қолади. Искандар Хоқон б-н яширин сулҳ тузгач, Чинга ташриф буюради. Хоқон меҳмон учун ҳашаматли зиёфат ҳозирлайди. Меҳмондорчилик пайтида ойинаи чин ва Луъбати чин каби муъжизавий ҳодисалар тортиқ қилади. Искандар бутун қиш давомида ҳукамо иттифоқи б-н олам ва фалакиётнинг сир-асрорини текшириш ва билиш учун хуршиддек порлоқ устурлоб ҳамда қуёшсифат ойина ихтиро қилади. Баҳор кириб келган пайтда яқинлари маслаҳати б-н зурриёд ва валиаҳд қолдириш мақсадида Доронинг қизи Равшанак ва Маллунинг қизи Ноз Меҳрни никоҳига олади. Искандар Баҳорда Чинни тарк этиб, Мағриб сари йўл олади. Йўл-йўлакай жуда кўп шаҳар ва диёрларни, сўнг Мағрибни фатҳ этади, йўлдаги ажойибот ва ғаройиботларнинг кўплигидан Румга қайтиш нияти ортга сурилади. Искандар кўрган ғаройиботлардан бири чумолисимон, итга ўхшаш, шердай бақувват махлуқлар б-н тўла биёбон эди. Улар ўзларидан ҳам каттароқ ва зўрроқ ваҳшийлар тўдасини, ваҳшийлар эса олтин ҳамда кумуш тоғларни қўриқлар эди. Ваҳшийларнинг одати ғалати булиб, ўн кун ухласа, ўн кун уйғоқ юрарди. Искандар улар ҳақида ерли халқдан обдон сўраб билгач, чорасизликдан ўзи ҳам, донишмандлар ҳам ожиз қолади. Олимлар б-н маслаҳатлашган Искандар аввал чумолилар хайлини, сўнг ваҳшийлар тўдасини овлаш учун қўшинини сафга тизади. Қўшиннинг жангга ҳозирланаётганидан хабар топган ваҳшийлар ҳам чумолилар хайлидан ўтиб саф тизади. Ваҳшийлардан бири ўртага чиқиб, Искандарнинг ишонган бир неча паҳлавонини яккама-якка курашда ер тишлатади. Унга қарши чиқишга барча ҳадиксираб турган пайтда ўртага эпчил бир киши тушиб, уни усталик б-н енгади. У Хоқон ҳадя этган Чин гўзали эди. Шу пайтга қадар Луъбати Чиннинг бундай фазилатга эга эканини билмаган шоҳ уни ҳам ўз ҳарамига олади. Искандар асир тушган девсифат ваҳший б-н суҳбатлашиб, уни озод этишга қарор қилади, ўз навбатида, ваҳший зўравон ҳам жанг пайтида асир тушган Бориқи Барбарий ва Раъдни эсон-омон шоҳга қайтаради. Искандар мағрибзамин фатҳидан сўнг Румга кетаётиб Қирвон ўлкасига дуч келади. Ерли халқнинг арз ва илтимосига кўра, уларга кулфат келтирган йиртқич яъжужларга қарши сад – девор қуради. Яъжуж балосини дафъ қилгач, ўз юрти Румга қайтади.

Бир муддат ором олган Искандар денгиз сафари учун ҳозирлик кўра бошлайди ва Рум денгизи соҳилларида уч минг кема ясатиб, керакли яроғ ва озуқа олиб йўлга чиқади. Искандар олимлардан денгиз ҳақида сўраганида донишмандлар бу саволга фақат Суқрот жавоб бера олишини айтишади. Суқрот ернинг тузилиши, сув ичида туриши, ернинг сувдан ташқари қисми жаҳон, обод жойлари эса ер юзи деб аталиши, Баҳри Муҳит ҳамда ундан чиқувчи етти денгиз: Рум-Фаранг, Мағриб, Зангу Ҳабаш, Ҳинд, Чин-Хи-

той, Дувонг, Машриқ, улардан чиқувчи 16 дарё ва ўрин олган 16 000 орол ҳақида батафсил маълумот беради. Искандар, дастлаб, етти денгизга, ундан сўнг Баҳри Муҳит томон сузишга қарор қилади. Искандар етти денгиз ва ўн икки минг оролни фатҳ этгач, Баҳри Муҳит атрофини паргордек бир бор айланиб, унинг марказига бир йилу тўққиз ойда етиб боради. Шунда Искандарнинг қулоғига ғойибдан "Эй беҳуда уринувчи одам боласи! Шунча йил юриб, охирул-амр муродинг талаб қилган ерга етдинг", деган хушхабар эшитилади. Искандар бу пайтда шундай маъ-ий камолот ҳосил қилган эдики, ўн уч йиллик денгиз сафари, сафар чоғида кечирган бехад ранж ва машаққатлар шусиз ҳам пок бўлган кўнгилни янада тозалаб, кўзини валийлик, пайғамбарлик нури б-н ёритади. Шу сабабли у Баҳри Муҳит ва денгиз тубидаги барча ажойибот сир-асрорини ҳеч қандай воситасиз ва пардасиз кўра бошлайди. Қайси томонга боқмасин, у, хатто, махфий нарса бўлса ҳам аён кўра бошлайди ва ўзи кутганидан ҳам зиёда иқболга, яъни абадий бахтга эришади. Сўнг кемаларга ўтириб ортга қайтади: уларнинг тезлиги шу қадар шитоб эдики, ҳатто самовотнинг айланиши уларга тенг келолмасди. Бир йил деганда соҳилга қайтишади, аммо бу вақтга келиб Искандар бетоб бўлиб қолади. Шу боис аркону аъёнлари, амиру султонлар б-н давлатни бошқариш борасида насиҳат қилади, агар ким айтганларига амал қилса, етти юз йилча султонлик қилиши мумкинлигини айтади. Сўнг ватани сари тўхтовсиз от суриб, жазирама чўллардан ўтиб борар экан оғриқдан пинҳона инграйди, охири иссиққа дош бера олмай отдан йиқилади. Бир муддат ётиб кўзини очса, тагида темирдан ясалган уруш асбоби, тепасида олтин қалқон турганини кўради ва беихтиёр бир пайтлар ўзининг тақдири ҳақида очилган фол ёдига келади. Фолга мувофиқ, Искандар ўлими олдидан темир ер устида ва олтин осмон остида ётиши керак эди. Искандар шунда видолашув онлари яқин эканлигини билади. Ажал исканжасида ожиз ётган Искандар онасига васиятнома ёзиб, ўз ўлими учун аза тутишни манъ этади ва ҳамроҳларига ўлганидан сўнг тобутдан қўлини чиқариб қўйишларини васият қилади, токи одамлар бундан ибрат олеин ва ғафлат уйқусидан уйғониб, оламга тийрак кўз б-н боқсин. Васиятига мувофиқ буюк шоҳ Искандарияга дафн этилади.

Сўнгги асосий бобнинг (XXXII боб) "Саргузашт" қисмида шаҳзода Музаффар Ҳусайн ибн Султон Ҳусайн номига мадҳ битилади, "Мулоҳаза"да Арасту, Суқрот, Афлотун каби ҳакимлар тилидан олам ва унинг моҳияти, шоҳлик ва унинг тартиб-қоидалари тўғрисида насиҳатномалар келтирилади. XXXIII бобда Навоийнинг ҳокимсурату дарвештабиат укаси Дарвеш Алига насиҳатлари битилса, сўнгги XXXIV бобда "Садди Искандарий" ва "Хамса"га якун ясалади.

Достоннинг асосий қисмига оид фикр ва мулоҳазалар тўрт йўналишли воқеалар ривожида шу тариқа тасвирланади. "Саргузашт"ларда Искандарнинг жаҳонгирлиги ҳикоя қилинади, аммо бир қарашда реал воқеликдай тасаввур ҳосил қилувчи саргузаштлар рамзий-мажозий хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг комил ахлоқ ҳосил қилиш йўлида кўрган-кечирганлари, чеккан машаққатларини англатади. Навоийнинг маҳорати шундаки, асарнинг маърифий, ирфоний жиҳатини ҳаётий материал б-н санъаткорона уйғунлаштиради, натижада асарни ҳам дунёвий, ҳам ирфоний тушуниш имконияти юзга келади. Воқеаларда асар мазмуни бадиий қобиққа ўралиб, реал воқеликдай тасвирланади, натижада саргузаштлар китобхонда тарихий қиссадек тасаввур қолдиради. Бироқ воқеалар ривожидаги айрим сирли-сеҳрли ҳамда фантастик тасвирларни сиёсий ёки ижтимоий-маиший планда тушунтириш қийин – реалистик метод талабларига сиғмайди. Мазкур бўлим таркибидаги кўплаб ўринлар асарнинг ирфоний мазмунга эга эканлигини ошкора тасдиқлайди. Қолаверса, "Саргузашт"ларнинг узвий давоми ҳисобланган "Мулоҳаза", "Ҳикоя" ва "Ҳикмат"ларда баён қилинган фалсафий-тас-ий қарашлар воқеаларни назарий қисмларга мувофиқ изоҳлашни тақозо этади. "Саргузашт"лар композицияси ҳам ўзига хос бўлиб, аввал, саж усулида ёзилган сарлавҳа, кейин кириш байт, сўнгра воқелар баёни, охирида соқийнома, муғаннийнома ва мурожаатнома ўрин олади. Сарлавҳа ва воқеалар ба-

ёни каби қисмларнинг тузилиши, ҳажми ҳар бир бобда турлича, аммо кириш байт ва тугалланмалар ҳажми қатъий тартибга эга, кириш байтлар аксарият бир байтдан, тугалланмалар эса ҳар доим икки байтдан иборат. Навоий бош қаҳрамон Искандарни бутун воқеалар давомида динамик характерга эга, ўсиб борувчи образ сифатида тасвирлайди. Қаҳрамоннинг туғилиши б-н бошланган саргузашт вафоти б-н якунланади.

"Мулоҳаза"ларда воқеаларга доир асосий масаланинг назарий жиҳатлари таҳлил этилади. "Мулоҳаза"лар ҳиммат, адолат, мухолафат, шоҳлик қоидалари, қиш, баҳор, афв, тўғрилик, меҳмондорчилик, йигитлик, ҳажр, сафар, аза каби жами 17 мавзуга бағишланган. Навоий турли мавзуга оид мулоҳазалар баёнида ижтимоий-сиёсий мазмундан ташқари ирфоний ҳақиқатларни ҳам асос қилиб олади, ҳар қайси масала баёнида мана шу икки жиҳат ўзаро мувофиқлик касб этиб боради. "Мулоҳаза"лар тегишли масалага доир назарий қарашларни Навоийга хос бадиий маҳорат воситасида ифодалаши б-н ҳам қимматли. Шоир издивож, ташбиҳ, таносуб, талмеҳ, такрир, ибҳом, иштиқоқ, ружу, муболаға, истиора, тамсил, тарсе каби бадиий санъатлардан бошқа қисмларга нисбатан "Мулоҳаза"ларда энг кўп фойдаланган, уларга қайта-қайта мурожаат этган. Чунки мавҳум тушунча ва фикрларни ўқувчиларга тушунарли қилиш мақсади ифода йўсинида бадиий санъатларга кўпроқ мурожаат этишни тақозо қилган. Шу боис "Мулоҳаза"ларда Навоийнинг дунёқараши, поэтик маҳорати бошқа ўринларга нисбатан бўртиброқ кўзга ташланади. Достондаги бош мақсад, асосий нуқтаи назар айни шу қисмларда ойдинлашади. "Мулоҳаза"ларни Искандар саргузаштлари ҳақида Навоийнинг назарий қарашлари умумлашмаси, Искандар саргузаштларининг мазмун-моҳияти, дейиш мумкин.

"Ҳикоят"лар эса "Мулоҳаза"лардаги қарашларнинг муайян бир жиҳатини акс эттиради. Ҳикоятларнинг умумий сони – 18 та ("Искандар била ул гадолик ихтиёр этган подшо", "Маҳмуд ҳикояти", "Икки жаҳондор мухолафати ҳикояти", "Султон Абу Саид Кўрагон ҳикояти", "Мажнун ҳикояти", "Икки рафиқ ҳикояти", "Ул ғофил йигит ҳикояти", "Ул тожир ҳикояти", "Ардашер ҳикояти", "Баҳроми Гўр ҳикояти", "Бўлбул ҳикояти", "Ул болиқлар ҳикояти", "Мажнун ҳикояти", "Ул кабутар ҳикояти", "Машриқда ганж топган киши ҳикояти", "Луқмон ҳикояти", "Ул илки кесилганнинг ҳикояти", "Гадойи камсармояи баландпоя ҳикояти"). Уларда образли фикрлаш, қаҳрамон яратиш ва чинакам бадиий асарга хос хусусиятлар етакчилик қилади. Ҳикоятларда илмий-фалсафий таҳлилдан кўра бадиий мушоҳада кучли. Улар ижодкор мулоҳазалари учун шунчаки бадиий иллюстрация эмас, Искандарнинг руҳий-маъ-ий сафари босқичлари, моҳиятини англатувчи муҳим таркибий қисмдир. Ўн саккиз ҳикояда иштирок этувчи қаҳрамонлар, бир қарашда, алоҳида воқелик, мутлақо мустақилдек тасвирланса-да, аслида, бош қаҳрамон Искандар тимсоли моҳиятини очувчи эпизодик образлардир.

Достондаги "Ҳикмат"лар сони ҳам 17та. Уларда Искандар саргузашти фалсафий йўсинда мушоҳада этилади, ўрни б-н рационал таҳлил устуворлик қилади. Мазкур қисмда муаллиф қарашларининг исломий асослари бўртиб кўринади. Диалог тарзида баён қилинган фикрлар илмий, фалсафий тус олиш б-н бирга аниқлик, теранлик ҳамда хулосавий характерга эга. Ҳикматларда савол ҳам, жавоб ҳам мутлақо маърифий мазмунда бўлиб, айни шу таркибий қисм орқали Искандарнинг маънавий сафари ва маърифат мартабаларидан юксалиб бориши анча аниқ тасаввур қилинади. "Ҳикмат"ларда муаллиф фикр-мулоҳазалари бутун қамрови б-н намоён бўлади. Бу бир жиҳатдан шарқона тарбия шаклининг классик намунаси – устоз-шогирдлик, пиру муридликни ёдга солади. Савол-жавоб тарзидаги "Ҳикмат"лар бошқа хамсанависларнинг шу мавзудаги асарларида айнан учрамайди. Жомийнинг "Хирадномайи Искандарий" достонида ҳакимлар тилидан келтирилган хирадномалар услуб ва бадиий мақсадига кўра Навоий "Ҳикмат"ларига якин. "Хирадномайи Искандарий" ҳамда "Садди Искандарий" бир вақтда ёзилган. Икки достондаги бу ҳолат адабий издошликнинг

эмас, балки мавзу ва мақсад муштараклиги натижасидир. "Ҳикмат"ларга хос яна бир жиҳат шундан иборатки, Искандарнинг қурукликдаги сафарига оид саволларига Арасту, денгиздагисига Суқрот жавоб беради. "Ҳикмат"ларда асосий қаҳрамон юнонларнинг уч тарихий шахси: Искандар, Арасту ва Суқрот. Тарихан Арасту б-н Искандар бир даврда, Суқрот эса улардан бир неча аср илгари яшаган. Навоий уларни замондош қилиб тасвирлаш орқали муайян мақсадларни кўзлайди. Улар гарчи номусулмон юнонлар бўлса-да, суҳбатлари мазмунан шарқона дунёқарашга таянади, исломий ҳақиқатларни ифодалайди.

XXXI бобда Арасту, Афлотун, Суқрот, Файсағурс, Асқалинус, Ҳурмус, Искандар ва Навоий тилидан келтирилган маслаҳатларни Навоийнинг давлат ҳукмдори эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар ҳақидаги рисоласи, кичик "Шоҳнома"си дейиш мумкин. Сиёсий панд-насиҳат руҳида битилган бобнинг достон тузилиш структурасининг сўнгига жойлаштирилиши поэтик тасвир мантиғига мувофиқ келади. Унда ҳукмдорларга оид сифатлар лўнда, аниқ ва хулоса характерига эга. "Улуг мартабали шоҳга дағал сўзлари б-н насиҳат қилган камбағал" ҳикояси, "Машваратда гапирувчига эмас, айтган гапига аҳамият бермоқ керак" сарлавҳаси остидаги мулоҳаза XXXII бобга илова қилинган Навоийнинг ўзи ҳақидаги асар қисмларидир. *Сузчи ҳолин боқма, бок суз ҳолини, Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер,* ("Бадоеъ ул-васат", 488 б.) деб тугалланувчи Навоийнинг машҳур қитъаси мазмуни бу икки иловада қайта бадиий талқин қилинади. Мазкур ҳикоя ва мулоҳаза ҳам асар композициясида муайян вазифага эга бўлиб, уларда шакл ва мазмун масаласи ўртага ташланади. Эътиборли томони шундаки, сўзловчига эмас, унинг гапига, сўз шаклига эмас, маъносига эътибор бериш лозимлиги сўнгги бобда қайта-қайта уқтирилади. Навоий асарлари мазмунан серқатлам, турли талқинларга бой, аммо ҳар қандай таҳлилу талқинда бош асос – Навоийнинг ўз асари. Композицион қурилишнинг фикр ифодасига бу тарздаги поэтик мутаносиблиги асар мазмунига моҳирона ишора ҳамдир. XXXIV боб фақат "Садди Искандарий" эмас, балки туркий ад-тнинг ноёб ҳодисаси бўлган "Хамса"га ҳам хос якун эканлиги б-н эътиборга молик. Хотима кўп жиҳатдан аҳамиятли бўлса-да, муҳим уч нуқтани таъкидлаш лозим: 1. Достоннинг яратилиш тарихи ва хотимасининг акс эттириши; 2. "Хамса"га умумий якун эканлиги ва достонлар мазмунига ишоралар борлиги; 3. Навоий биографиясига оид қимматли маълумотларнинг учраши. Навоий достонда "Хамса"нинг яратилиш тарихини умумийроқ тарзда эслаб ўтар экан, улуғ шоирлар панжасига панжа уриш осон эмаслигини айтади, ўзини бундай йирик ва машаққатли ишга ҳали тайёр, деб билмаган. Нияти бўлган-у, қувватсизликдан чўчиган, бироқ "Хамса" ёзиш фикри хаёлини бутунлай банд қилган. Навоий маслаҳат учун Жомий ҳузурига борганида устоз шогирдининг нима мақсадда келганидан огоҳ эди ва муриди кўнглидан кечаётган кечинмаларни айнан айтиб беради. Жомий шогирдини бу ишга тезроқ киришишга даъват этиб, мукаммал асар яратишга руҳлантирган, шундан сўнг Навоий "Хамса" ёзишга қатъий жазм қилган. Бирин-кетин тўрт достонни тамомлаб, бешинчи достонни бошлаш олдидан бироз тараддудда қолган. Шоир ўзининг бу пайтдаги ижодий кайфияти, тўрт достонни битириш жараёнида бошидан кечирган ранж-машаққат, ҳузурларни шундай эслайди:

Бу буртоғлиқ бирла юз печ анга,
Чиқа олмағудек киши ҳеч анга.
Чиқар йулида тўрт оромгоҳ,
Бешинчиси мақсад билоиштибоҳ...
Қилиб танга осудалиғни харом,
Ҳамул турт манзилни қилдим хиром...
Кўюлди чу тўртунчи манзилга гом,
Дедимким, қилай турт-беш кун мақом...

Навоийнинг "Хамса" таркибига кирувчи тўрт достонни оромгоҳ, "Садди Искандарий"ни эса мақсад манзили, деб аташи диққатга молик. "Хамса"нинг муқаддимаси "Ҳайрат ул-аброр" бўлса, "Садди Искандарий" унинг хотимаси. Гарчи Навоий бошқа достонларга нисбатан сўнгги достонни битиш чоғида кўпроқ машаққат чеккан бўлса-да, уни муваффақият б-н тамомлаган. Қўлёзмаларни жилдимга солиб пир ҳузурига олиб борар эканман, турли уй-хаёлларга ботдим, дейди. Хусусан, Ни-

зомий "Панж ганж"ини ҳеч кимга аралашмай, ўн беш йил хилватда заҳмат чекиб ёзди, уни таҳрир қилгунча яна ўн беш йил ўтди. Хусрав бўлса, кўн афсоналарни қисқартириб, фақат шу ҳақда бош қотириб, ўн йилга яқин вақт сарфлаган. Бунга жазм қилган қолганлар ҳам шундай йўл тутган. Аммо Навоий устида эл-юртнинг ҳаддан зиёд ташвиши бўлгани ҳолда ижод қилиб икки йил ўтар-ўтмас бошлаган ишини охирига етказган. Агар фақат ёзиш учун кетган вақт ҳисобланса, "Хамса"дек улкан асар олти ойда якунлаган. Навоий истиҳола б-н Жомий ҳузурига боради. Асар Жомий илтифотига муаллиф кутганидан ҳам ортиқ даражада сазовор бўлади. Албатта, Жомий билдирган илтифот замирида Навоий ижоди, хусусан, "Садди Искандарий" ва "Хамса" муваффақиятини, оригиналлигини тан олиш ва эътироф этиш мавжуд. Анъана ва мавзу кўп муштаракликларни келтириб чиқарган бўлса-да, Навоий достони аксарият жиҳатлари б-н хамсанависликда янгилик эди.

Навоийнинг Искандар ҳақидаги достони аввало, туркий тилда битилгани б-н аҳамиятлидир. Чунки, Низомий, Деҳлавий ва Жомий хамсалари анъанага мувофиқ форс тилида ёзилган, қолаверса, "Садди Искандарий" композиция борасида ҳам бошқа хамсанависларнинг шу мавзудаги асарлари тузилишини такрорламайди. Бешликларнинг сўнгги достонлари мавзуси бир хил бўлишига қарамай, Искандар ва у б-н боғлиқ тафсилотлар тасвирида тафовутлар аниқ сезилиб туради. Мас., Низомий ва Жомийда бир масала анъанавий икки кўринишда – маълум мавзу ва унга мос ҳикоя келтириш воситасида талқин этилса, Деҳлавийда бир мавзу уч йўналишда мулоҳаза – ҳикоят – саргузашт кўринишида талқин қилинади. Навоийда эса ҳар бир асосий боб воқеа – мулоҳаза – ҳикоят – ҳикмат кўринишидаги тўрт бўлимдан иборат мураккаб бир бутунлик сифатида тартибланган. Искандар б-н боғлиқ воқеликнинг Навоий достонида салафларига нисбатан кенг ва кўламдор талқинга эга бўлишига сабаб, биринчидан, Искандар ҳақидаги мавзунинг ўзбек ад-тига биринчи марта олиб кирилгани бўлса, иккинчидан, бу достон ўзбек ад-тида эпик жангнома ёзиш анъанасини бошлаб берган. "Садди Искандарий" достонининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда салафларнинг бу мавзуда тўплаган тажрибалари умумлаштирилади. Мас., Низомий "Искандарнома"сининг биринчи қисми – "Шарафнома"да соқийга, иккинчи қисми – "Иқболнома"да мутрибга мурожаат қилинади. Хусрав Деҳлавий "Ойинаи Искандарий"да соқий ва мутрибга, Навоий достонида эса соқий ва мутрибдан ташқари ўз-ўзига мурожаат ҳам учрайди. Бу Навоийнинг лирик хотима борасидаги тажрибаларни умумлаштиргани ва такомиллаштирганини кўрсатади. "Искандарнома"лар композициясининг давр нуқтаи назаридан бундай ўзгаришларга учраши Шарқда хамсачилик анъанаси такомиллашувининг бир жиҳатини кўрсатиш б-н бирга, салафлар новаторлиги ва индивидуал услубини белгилашга ҳам хизмат қилади. Навоий достонининг яна бир ўзига хослиги, Искандар б-н боғлиқ воқеаларни замонавийлаштирганида, яъни ўз замонига мослаштирганида, давр б-н боғлаганида кўзга ташланади. Чунончи, достонда Султон Абу Саид Кўрагон б-н боғлиқ тарихий воқеликнинг ҳикоя тарзида учраши, Самарқанд, Ҳирот, Хуросон б-н боғлиқ тасвирларга кенг ўрин берилиши шундай дейишга асос беради. Достондаги тимсол, воқеа, мулоҳаза, ҳикоят ва ҳикматлар композицион мукаммаллик ва ижодкор бадиий концепцияси учун ўзига хос вазифани бажаради. Улар мутаносиблиги ва яхлитлигини тадқиқ этиш, асарга тизимли ёндашув ниҳоятда долзарб. Ифода усулларини англамай туриб, мазмун ҳақида тўғри ва тўла хулоса чиқариб бўлмайди. Мазмун ва шакл бирлиги, мазмун ифодасида шаклнинг тутган ўрни, мажоз ва ҳақиқат меъёрини аниқлаш – ярим моҳият дегани. Асарнинг тузилиши, қисмларнинг ўзаро жойлашув тартиби, тил хусусиятлари ва бадиий воситалари тўла таҳлил этилганда маъно ҳам тўғри талқин қилинади.

Алишер Навоий Искандар сиймоси ҳақида "Садди Искандарий"дан ташқари "Тарихи анбиё ва ҳукамо" ва "Тарихи мулуки Ажам" асарларида ҳам маълумот беради,

"Хазойин ул-маоний" таркибидаги 17 ғазал, 1 қитъа ва 2 соқийномада Искандар (ёки Сикандар) номидан талмеҳ сифатида фойдаланган.

Адабиётшунослигимизда "Садди Искандарий"га бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Мустақилликка қадар яратилган тадқиқотларда достон, асосан, реалистик метод асосида тадқиқ этилган ва ҳукмрон мафкура таъсири, мақсадли ёндашув, таҳлил услубига мувофиқ асарнинг кўпроқ ижтимоий мазмунига эътибор қаратилди. Аммо мустақилликдан кейин достон поэтикасининг ирфоний мазмун-моҳиятини тадқиқ қилишга бўлган ҳаракатлар кўзга ташланди. Достоннинг тас-ий моҳияти, образ ва тимсолларнинг ирфоний-рамзий маънога эга эканлиги ҳақидаги тадқиқотлар юзага кела бошлади. Н.Комиловнинг "Хизр чашмаси", Ё.Исҳоқовнинг "Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти", А.Ҳайитовнинг "Алишер Навоий "Хамса"сини насрийлаштириш: анъана, табдил ва талқин", А.Эркиновнинг "Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XX аср манбалари", Н.Ғаффаровнинг "Алишер Навоий "Хамса"сида суфийлар тимсоли" каби тадқиқотлар шулар жумласидандир. Бу борадаги янги таҳлил ва талқиилар эса навоийшуносликнинг галдаги энг муҳим вазифалари қаторида турибди.

Кейинги йилларида "Садди Искандарий"ни махсус ўрганишга бағишланган тадқиқотлар юзага келди. Хусусан, А.Эркинов "Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати ("Садди Искандарий" достони мисолида)" мавзусида номзодлик (1990), М.Ҳамидова "Садди Искандарий" достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи" (1994) мавзусида докторлик, И.Салимов "Алишер Навоийнинг бадиий образ яратиш маҳорати" ("Садди Искандарий" мисолида) мавзусида номзодлик (1994) диссертацияларини ҳимоя қилишган. 2013 йил Озода Тожибоева Мир Махдум ибн Шоҳюнус 1906 йил насрий баён қилган "Насри Хамсаи беназир"нинг "Садди Искандарий"га оид қисмини "Искандарнома" номи б-н кирилл ёзувида чоп эттирди.

Ас.: Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 20 жилдлик. Т., 1993, 11-ж; Алишер Навоий. Садди Искандарий. ТАТ. 10 жилдлик. Т., 2011, 8-ж.

Ад.: Бертельс Е. Роман об Александре и его главной версии на Востоке / Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965; Қаюмов А. Садди Искандарий. Т., 1975; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т., 1977, 2-ж.

Дисс.: Эркинов А. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати ("Садди Искандарий" достони мисолида): ф.ф.н. Т., 1990; Ҳамидова М. Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: ф.ф.д.Т., 1994; Салимов И.М. Алишер Навоийнинг бадиий образ яратиш маҳорати ("Садди Искандарий" достони асосида): ф.ф.н. Т., 1994.

"САДДИ ИСКАНДАРИЙ" ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. Мазкур асар П.Шамсиев нашридан ўрин олган. Унинг илмий-танқидий матнини 1994 йил Мавжуда Ҳамидова тайёрлаган. Унга қуйидаги қўлёзмалар асос қилиб олинган:

1. "Садди Искандарий"нинг Англиянинг Оксфорд шаҳрида жойлашган Бодлеян кутубхонасида Elliot 339 рақами остида сақланаётган нусхаси. У 890/1485–1486 й. кўчирилган. Мазкур қўлёзма таянч нусха вазифасини ўтаган.

2. "Садди Искандарий"нинг Абдулжамил Котиб кўчирган нусхаси. У "Хамса" таркибига кирган (Тошкент, ТошДШИ ШҚМ, инв. рақами – 5018). Мазкур нусхани котиб 1485 й. Ҳиротда кўчирган. Навоий "Хамса"ни 1485 й. ёзиб тугаллаганлигини ҳисобга олсак, бу қўлёзма Навоий назорати остида кўчирилган ва "Хамса"нинг биринчи қўлёзмаси саналади.

3. Султонали Машҳадий 898/1492–93 й. кўчирган қўлёзма нусха. Санкт-Петербургда сақланади (Россия Миллий кутубхонаси, инв. рақами – Дорн 560). Қўлёзма рассоми – Мавлоно Ёрий, саҳҳоф – Султонали Марвий.

4. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Топкопи-Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланаётган Навоий куллиёти таркибидаги "Тарихи мулуки Ажам" асари. Бу куллиёт 1495–1500 й. Ҳиротда кўчирилган. Котиби – Дарвеш Муҳаммад Токий.

5. Парижда сақланаётган куллиёт таркибидаги нусха. Мазкур куллиёт Франция Миллий кутубхонасида Suppl. turc. 316–317 рақамлари остида сақланади икки жилддан иборат. Уни хаттот Али Ҳижроний 1526–27 й. Ҳиротда кўчирган.

6. "Хамса" таркибидаги қўлёзмаси. Тошкентда сақланалди (ТошДШИ ШҚМ, 3-фонд, инв. рақами № 2630). Котиб – Ибн Абулмакорим Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий. Китобат санаси – 988 йил 11 рабиъ ул-аввал / 1580 йил 26 апрель.

САДР – 1) бошланиш, ибтидо:

"... ва садрда мастур бўлғон хизматлардин бу фақири шикаста ва бу ҳақири дилхастаға муносиброқ хизмат ул эрдиким, зубдаи авқотим ва хулосаи ҳаётимни ул Ҳазратнинг мадҳи зоти ва таърифи сифотида сарф қилсам эрди" ("Вақфия").

2) юқори, улуғ:

Ки, уч кимсадур садри мажлиснишин,
Қилиб шарҳ бир-бир аларнинг ишин.
("Садди Искандарий", 89-боб)

3) кўкрак қафаси, кўкс:

"Ва мисол муни дебдурким, бировнинг оти "Садр"дур. Яна биров сўрсаким, отинг недур? Айт! Ул илик кўксига қўйса, далолат анга қилурким, оти Садр бўлғай" ("Мажолис ун-нафоис", 4-мажлис).

4) лавозим номи. С. ўрта асрларда вақф мулкларини назорат қилиб, вақф ерларида деҳқончилик ишларини ташкиллаштириш, хонақоҳ, масжид ва мадраса аҳлига вақф ерларидан қилинган даромадни тақсимлаш, сайидлар, дин арбоблари ва нуфузли шайхларга тайинланган маошни тўлаб бориш каби масъулияти вазифаларни бажарган. Ҳар бир туман ва вилоятнинг ўз С.и бўлиб, уларни тайинлаш қозининг тавсияси б-н амалга ошган. Кўпинча бу вазифага пайғамбар авлодлари – сайидлардан тайинланган.

"Маҳбуб ул-қулуб"да Навоий ноқобил С.ларнинг ҳажвий портретини чизгандан сўнг ҳақиқий С. қандай бўлиши кераклиги ҳақида ёзади: "Садр керак уламоға дастёр бўлса ва машойихқа коргузор ва хизматкор ва содотға мумид ва фуқаро хизматида мужид. Зулм риштасин узгувчи ва авқоф бузугин тузгувчи ва зироат касратида саъй кургузгувчи" ("Маҳбуб ул-қулуб", 2-қисм, 6-фасл).

5) адабиётшунослик истилоҳи. Байтнинг биринчи мисрасидаги биринчи рукнининг номи. С. б-н боғлиқ "Радд ул-ажуз иласадр" ва "Радд ус-садри илал-ажуз" каби шеърий санъатлар ҳам яратилган.

"... билмак керакким, бу саноат арбоби аввалғи мисраънинг бурунқи жузвин "садр" дерлар, сўнгғи жузвин "аруз" дерлар ва сўнгғи мисранинг бурунқи жузвин "ибтидо" дерлар ва сўнгғи жузвин "зарб"" ("Мезон ул-авзон").

САДРИДДИН ҚУНАВИЙ, Муҳаммад бин Исҳоқ ибн Муҳаммад бин Юсуф бин Али (ваф. 1275, Кўнё) – файласуф, ваҳдат ул-вужуд таълимотининг намояндаси. Ибн ал-Арабийнинг ўгай фарзанди ва шогирди. Насириддин Тусий б-н илмий ҳамкорлик қилган ҳамда турли фалсафий масалалар бўйича ўзаро мактублар ёзишган. Ҳадис илмида муҳаддис Мавлоно Қутбиддин Аллома Шерозийнинг устози бўлган. "Тафсири Фотиҳа", "Нақд ун-нусус фи шарҳил-Фусус" ("Фусус ул-ҳикам шарҳида олтин сўзлар"), "Мифтоҳ ул-ғайб" ("Ғайб оламининг калити"), "Қирқ ҳадис шарҳи", "Шарҳи Асмо ул-ҳусно" каби китоблар муаллифи. Ўзининг тариқат йўлида ҳосил қилган тажрибаларини "Нафаҳоти илоҳия" ("Илоҳий шабадалар") китобида келтирган. Ибн Арабийнинг таълимотини шариат ва ҳикмат илмлари мезонларига мувофиқ шарҳлаган. Жалолиддин Румий б-н дўстона муносабатда бўлган. Румий вафот этганда васиятига мувофиқ жаноза намозини С.Қ. ўқиган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"САЖАНЖАЛ УЛ-АРВОҲ" ("Руҳлар кўзгуси") – Саъдиддин Ҳамувийнинг асари. Тўлиқ номи – "Сажанжал ул-арвоҳ ва нуқуш ул-алвоҳ" ("Руҳлар кўзгуси ва лавҳалар нақши"). Асарда Қуръони карим оятлари тафсири, Аллоҳ исмлари ва сифатлари, инсон ва шайтон тушунчалари баён этилган. "С." мураккаб услубда ёзилган бўлиб, унда рамзлар ва англаш қийин бўлган сўзлар доира ҳамда жадваллар воситасида ифодаланган. Навоий

ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Саъдиддин Ҳумувийга доир бобда тилга олади.

САЖЪ (ар. – булбул, тўти, қумри каби хушовоз қушлар овозининг уйғунлашиб келиши, ўлчови) – бир ёки бир неча гаддаги айрим сўзларнинг вазн, равий ёки ҳар иккаласида ҳам мос келишидан иборат лафзий санъат. У гапга равонлик, оҳангдорлик бағишлаб, тасвирнинг таъсир кучини оширади, унинг ўқувчи (ёки тингловчи) ёдида қолишини осонлаштиради. Шунинг учун кўпинча насрдаги С. назмдаги қофияга ўхшатилади. С. санъати қўлланилган насрни насри мусажжаъ, шеърни назми мусажжаъ деб юритадилар. Матнга равонлик ва оҳангдорлик бағишлаши жиҳатидан нафақат адабий, балки илмий, тарихий, дидактик асарлар, ҳатто ўзаро ёзишмаларда ҳам сажъ қўлланилган.

С. санъатининг уч хил тури бўлиб, Алишер Навоий ижодида, хусусан, "Маҳбуб ул-қулуб"да ҳар учаласи ҳам кенг қўлланилган.

1. С.и мутавозий (тўлиқ С.) да сўзларнинг вазнда ҳам, равийда ҳам бир-бирига мос келиши талаб қилинади. М.: *"Ҳар соҳибдавлатка бу огоҳлиғ бир васила била етибдур ва ҳар саодатманд бу иқболни бир восита била касб этибдур" ("Маҳбуб ул-қулуб")*.

2. С.и мутарраф (қофияли С.)да сўзлар равийда ўзаро мос бўлса ҳам, ҳамвазн бўлмайди. М.: *"Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар" ("Маҳбуб ул-қулуб")*.

3. С.и мутавозин (вазндош С.)да сўзлар вазндош бўлади-ю, мос тушмайди. М.: *"Фосиқ олим донишваредир ўз нафсига золим, ғанийга бахил нодондур ўз зиёниға мухил ("Маҳбуб ул-қулуб")*.

Шунингдек, Навоий ўз девонларига ёзган дебочаларида, "Хамса" достонлари фасларининг насрий сарлавҳаларида, "Мажолис ун-нафоис", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Мезон ул-авзон", "Вақфия", "Муншаот" асарларида ҳам С.дан унумли фойдаланган.

С. аслида насрга хос бўлиб, назмда бу вазифани қофия бажаради. Лекин баъзилар шеърдаги ички қофияни ҳам С. ҳисоблаб, бундай шеърларни назми мусажжаъ деб атайдилар.

САЙДАЛОНИЙ, Абу Жаъфар – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Жунайд Бағдодий, Абулаббос Ато ва Абу Саид Харроз суҳбатига мушарраф бўлган. *Абулҳасан Сойиғ Динаварий* ва *Муҳйиддин ибн ал-Арабий*нинг устози. Узоқ йиллар Маккада мужовир бўлган. Мисрда вафот этган. Қабри Абу Али Заққоқ Мисрийнинг ёнида. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САЙДИЙ АҲМАД БИН АБУЛҲАСАН РИФОЪИЙ (ваф. 1183) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Басра ва Восит шаҳарлари ўртасидаги Батойиҳ кентида яшаган. Имом Мусо Козим авлодидан. Силсила омонати беш нисбадан кейин Шайх Абубакр Шиблийга етган. Ирфоний шеърлар ҳам ёзган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

САЙЁРАЛАР – Қуёш атрофида айланувчи йирик осмон жисмлари. Птолемей С.ларнинг (улар сирасига қуёш ва ой ҳам киради) изчиллигини қуйидагича деб белгилайди: Ой, Меркурий, Венера, Қуёш, Марс, Юпитер, Сатурн (Уран ва Нептун анъанага мувофиқ ҳисобга олинмайди). Ҳар бир сайёрага ўзига хос тавсифлар берилган ва аниқ туйғу, металл, ҳид, ҳайвон, ўсимлик, бурж ва ҳоказолар б-н қиёсланган. Қуёш – ирода ва фаоллик б-н, Ой – хаёлот ва шакллар дунёси б-н, Марс – таъсир ва вайрон қилиш б-н, Венера – муҳаббат ва ўзаро муносабатлар б-н, Сатурн – чидамлилик ва босиқлик б-н боғланган. Бу С. ва уларда мужассамлашган кучларнинг ҳар бири ўз хусусияти ва сферасига эга, айни шу нарсалар унинг "осмони" эканлигини билдиради.

Етти сайёра етти иқлим, пантеон (дастлабки маданиятларда барча маъбудларга атаб қурилган ибодатхона)нинг етти асосий маъбуди ва ҳафтанинг етти куни б-н ҳам боғланади.

С. Алишер Навоий ижодида, хусусан, "Меърожнома"лар ва "Сабъаи сайёр"даги аҳамиятли тимсоллардан ҳисобланади. Бу тимсоллар қадимги Бобилнинг етти илоҳига бориб тақалади.

Илоҳлар	Сайёрлар	Ҳафта кунлари
Шамаш	Қуёш	якшанба
Син	Ой	душанба
Нергал	Миррих (Марс)	сешанба
Набу	Аторуд (Меркурий)	чоршанба
Мардук	Муштарий (Юпитер)	пайшанба
Иштар	Зуҳра (Венера)	жума
Ниниб	Зуҳал (Сатурн)	шанба

С.нинг образ сифатидаги вазифаси Навоийгача бўлган Шарқ ад-тида маълум тартибга туширилган. Ушбу тартиб Навоий "Хамса"си меърожномалари ва айрим ғазалларида учрайди:

Сайёралар	Тегишли осмон қавати	Ҳосиятли ёки ҳосиятсиз эканлиги	Ҳомийлик қиладиган кун	Вазифаси
Зуҳал (Кайвон, Сатурн)	еттинчи	Наҳси асғар (хосиятсиз кичик сайёра)	душанба	Само ҳиндуси, қора рангли сайёра
Муштарий (Биржис, Юпитер)	олтинчи	Саъди акбар (хосиятли катта сайёра)	сешанба	Само қозиси, минбар эгаси, фиқҳлар ҳомийси
Миррих (Баҳром Марс)	бешинчи	Наҳси асғар(хосиятсиз катта сайёра)	чоршанба	Уруш ва жангу жадал ҳомийси, жаҳлдор ва кучли эркак сифатида тасаввур қилинган
Қуёш, (Меҳр)	тўртинчи		пайшанба	Шоҳи анжум (Юлдузлар шоҳи)
Зуҳра (Ноҳид, Чўлпон)	учинчи	Саъди асғар (хосиятли кичик сайёра)	жума	Гўзаллик ва мусиқа ҳомийси. Само мутрибы, чанг ва даф чалувчи. Гўзал қиз сифатида тасаввур қилинган
Уторуд (Аторуд, Меркурий)	иккинчи		шанба	Котиб ва ижодкорлар ҳомийси, само котиби
Ой	биринчи		якшанба	

"Сабъаи сайёр" достонида эса ушбу тартиб бошқача – Низомий бошлаб берган ва Хисрав Деҳлавий маромига етказган уйғунлик асосида кечади. Унга қуйидагича тартиб бериш мумкин:

Ҳикоялар тартиби	Ҳафта куни	Сайёра номи	Ранг	Ҳикоя номи
Биринчи ҳикоя	шанба	Зуҳал, Кайвон (Сатурн)	қора	Ахий ва Фаррух
Иккинчи ҳикоя	якшанба	Қуёш	сариқ	Заргар Зайд
Учинчи ҳикоя	душанба	Ой	яшил	Саъд ва Шаҳрисабз
Тўртинчи ҳикоя	сешанба	Миррих (Марс)	қизил	Масъуд ва шоҳ Жуна
Бешинчи ҳикоя	чоршанба	Муштарий(Юпетир)	мовий	Меҳр ва Суҳайл
Олтинчи ҳикоя	пайшанба	Аторуд	сандал	Муқбил ва Мудбир
Еттинчи ҳикоя	жума	Зуҳра (Венера)	оқ	Дилором

САЙЁРИЙ, Абулаббос Қосим бин Қосим бин Маҳдий (ваф. 953) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, фақиҳ ва муҳаддис. Марв шаҳрида туғилган. Абубакр Воситийнинг шогирди. Сайёрия тариқатининг асосчиси. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САЙЁРИЙ, Абдулвоҳид бин Али (ваф. 986) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абулаббос Сайёрийнинг жияни. Самоъ мажлисида суфийларнинг бири фано мақомига етишганини кўриб, ўз саройини дарвешларга вақф этиб берган. Тогаси Абулаббос Сайёрийдан ҳикоят келтирган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

САЙИД АБДУЛЛАТИФ (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган машҳадлик шоир, муаммо илмининг билимдони. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг ўн тўрт-ўн беш ёшида муаммони зийраклик б-н айтиши ва ечишини ҳайрат б-н таъкидлаб, бу ёшда ҳеч ким бундай муваффақиятга эришмаганлигини айтади ва унинг "Ҳайдар" исмига битилган муаммосини келтиради.

САЙИД АБДУЛҲАҚ (15-аср) – форстожик тилида ижод қилган астарободлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинган. Навоий уни хуштабъ ва хушсуҳбат йигит сифатида таърифлаб, Хўжон вилоятидан келган бир кишининг садрга эшакни пора сифатида бериб, қози лавозимига тайинлангани ҳақидаги ҳажвий қитъасини келтиради:

Ҳаме гашт дар шаҳр шахсе зи Хўжон
Ки, қози шавад, садр рози намешуд,
Бидодаш харе ришваву гашт қози,
Агар хар намебуд, қози намешуд.

(Мазмуни: Хўжондан бир киши қози бўлмоқ мақсадида шаҳарга келган эди, бироқ садр унинг қози бўлишига рози эмас эди. Сўнг садрга бир эшакни пора қилиб бериб, қози бўлди. Агар эшак бўлмаса, қози бўлмас эди). Сўнгги мисрада *ийҳом* санъати қўлланилган бўлиб, уни икки маънода тушуниш мумкин. С.А.нинг қабри Астаробод вилоятида деб тахмин қилинади.

САЙИД АЛИ ҲОШИМИЙ (15-аср) – Мирзо Улуғбек саройидаги сипоҳий ва шоир, *Абдуллатиф Мирзо*нинг мулозимларидан. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг сипоҳийлик қилиш б-н бирга шўх табиатли шоир бўлганлигини ҳам таъкидлайди ва қуйидаги байтини келтиради:

Дар биёбони адам будам
ба фикри он даҳан,
Шуд падид он хатти
сабзу гашт Хизри роҳи ман.

(Мазмуни: Йўқлик даштида у оғизни мудом ўйлаб юрардим, у сабза мийиқ кўринди-ю йўлимнинг Хизри бўлди).

САЙИД АСАДУЛЛОҲ (15-аср) – форстожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг яхши назмий табъи борлигини айтиб, "Гадо" ва "Амин" исмига битилган муаммоларини келтиради.

САЙИД АТО – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Хожа Аҳмад Яссавийнинг мусоҳибларидан. Навоий унга "шуҳрати баъзоят кўптур ва даъвоомиз сўзи ҳам кўп", деб баҳо берган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

САЙИД АҲМАД (15-аср) – шоир. Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли. Сайид Аҳмад "Таашшуқнома" ("Ошиқлик мактуби") асари б-н ўзбек мумтоз ад-тида ўзига хос ўрин эгаллайди. Хоразмийнинг "Муҳаббатнома", Хўжандийнинг "Латофатнома" асарларига эргашиб ёзилган ушбу маснавий муаллифининг шеърий салоҳияти баланд бўлганлигидан далолат беради. С.А. ўз асарида туркий ва форсий ад-т

ютуқлари, ўзбек тилининг кенг имкониятлари, жумладан, туркий шеъриятга хос машҳур тажнис бадиий санъатидан маҳорат б-н фойдаланади. Иккинчи нома бошдан-оёқ тажнис асосига қурилган. "Сўзнинг хулосаси" деб номланган қисмда, асосан, дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг бевафолиги хусусида сўз боради. "Таашшуқнома" тас.ий мазмундан ҳам холи эмас. Чунончи, ошиқ ҳар қанча интилмасин, висол барибир муяссар бўлмайди, сени излаб, ҳеч ким тополмайди, ёдинг б-н қаноатланаман, бунга ҳеч ким монелик қилолмайди мазмунидаги қатор байтлар шундан далолат беради.

Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида маълумот беришича, у "салимтабъ ва покзеҳн киши эрди. Хеле машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида "Латофатнома" анингдур. Бу туркча матлаъи яхши воқеъ бўлубтурким:

Сайд этти фироқинг
мени мурғи саҳаридек,
Қил одамилик, қилма
ниҳон юзни паридек.

Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:
Маҳам гар пеш аз ин пинҳон бимонад,
Ажаб, агар бедилонро жон бимонад".

(Мазмуни: Агарда ой юзли севгилим бундан кейин ҳам пинҳон қоладиган бўлса, ошиқларнинг омон қолиши ажабланарлидир).

Шоирнинг девони бизга қадар етиб келмаган.

САЙИД БУРҲОНИДДИН МУҲАҚҚИҚ ТЕРМИЗИЙ (вафо. 1241) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. "Сайиди сирдон" номи б-н машҳур бўлган. Баҳоуддин Валаднинг мурид. Шаҳобиддин Суҳравардий б-н ҳамсуҳбат бўлган. Жалолиддин Румий унинг қўлидан хирқа кийган. Туркиядаги Қайсария шаҳрида вафот этган. "Маориф" асари Румийнинг "Маснавийи маънавий"си учун асосий манбалардан бири бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги боби айнан киритган.

САЙИД ЖАМОЛ СУРХ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Деҳлининг Фазни дарвозаси ёнидаги қабристонда дафн этилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

САЙИД ЖАЪФАР (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий у ҳақда: *"Акаси Шоҳ Косимдан кўра яхшироқ эди. Хуросонга келгач, подшоҳ кўп иззат-икром кўрсатиб, йилига беш минг олтин танга ва икки юз харвор маош белгилади, лекин у кам деб рози бўлмади ва Арабистонга кетди"* деб ёзади. Отаси Сайид Муҳаммад Нурбахш маҳдийлик даъво қилганидан кейин бошига кўп балолар ёғилади, лекин "отам – Маҳдий эди" деган ақидасини ўзгартирмайди. С.Ж. хуш табъли шоир бўлиб, Муҳаммад Қазвинийнинг ёзишича, унинг девони ўз даврида машҳур бўлган.

"Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Турки ман даст чу бар
ханжари бедод барад.
Ташнаро оби зулоли Хизр аз ёд барад.

(Мазмуни: Гўзалим зулм занжирига қўлини солса, ташна одамнинг (ҳатто) Хизр оби ҳаёти ҳам ёдидан кўтарилади).

САЙИД ИМОД (15-аср) – яздлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг олтинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Ироқдан қонуншунослик унвони б-н келганлигини ва Ҳиротда анча илтифот кўрганлигини, лекин беақллиги, чоғир ва нардга муккасидан кетганлиги учун топгани елга совурилганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дилам нашкуфт дар
боғи жаҳон чун ғунчаву лола,
Зи пайконии он маҳ
то нашуд паргола-паргола.

(Мазмуни: Ул ойнинг ўқларидан пора-пора бўлмагунча, жаҳон боғида лола ва ғунчадек кўнглим очилмади).

САЙИД КАМОЛ КАЧКУЛ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган балхлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий С.К.К.нинг кўп саёҳат қилгани, у бормаган жойи деярли қолмагани, у б-н боғлиқ ҳайратомуз ҳолатлар кўплигини ёзади. С.К.К. дан эллик минг байтдан иборат шеър мерос қилган. Унинг бир қасидасига ўн икки минг байт б-н *маснуъ* битиш мумкин бўлган. Хожа Абу Наср Порсо вафот этганида ҳам ажойиб бир марсия ёзади. Ундаги бир неча байтнинг ҳар мисраси Хожанинг вафоти таърихи, яна бир неча байти уч ёки тўртта таърихдан иборат бўлади ва энг муҳими, маънога путур етмайди. С.К.К. тўқсон ёшдан ортиқ умр кўрган ва Балхда вафот этган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилади:

Эй равшани аз нури рухат дидаи жонро,
Бар хок нишонда қади ту сарви равонро.

(Мазмуни: Эй (гўзал), жоним кўзининг равшанлиги сенинг юзинг нуридан. Сенинг қаддинг (ҳатто) сарвни (дарахтини) ҳам ерга ўтқизадириб қўйган).

САЙИД КОЗИМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг хуштабъ ва хушчақчақ табиатлиги, сипоҳийликда эпчиллигини, замона подшоҳи номидан Хожаи Жаҳонга элчиликка бориб, қайтишда Ироқда қолгани ва у ердан Навоийга икки мактуб жўнатгани, Шерозда вафот этганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг *Бобо Савдойи* таврида қасида битгани айтилиб, икки матлаъси келтирилган. Улардан бири қуйидагича:

Шукри худо ки қозии шаҳри Ҳари наям,
Дар силки одами сифатонам харе наям.

(Мазмуни: Худога шукрки, Ҳирот шаҳрининг қозиси эмасман, инсонлар қаторидаман, эшак эмасман).

САЙИД МУҲАММАД МАДАНИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф намояндаси, Навоийнинг замондоши. Султон Ҳусайн Бойқаро унга ихлос қўйиб, зиёратига бориб турган. Асли мадиналик бўлиб, Нисо шаҳрида яшаган. Унинг вафотидан кейин башоратига мувофиқ Нисода вабо офати бартараф бўлган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

САЙИД НАҚИБИЙ (15–16-аср) – ҳиротлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Мир Абдуқодир Нақиб б-н ҳамсуҳбат ва ҳамдамлигидан шундай таҳаллус олганлигини айтади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дидаам то шуда аз мохрухи ёр жудо,
Дил жудо хун шудаву
дидаи хунбор жудо.

(Мазмуни: Кўзларим ой юзли ёрга боқишдан жудо бўлганидан бери дилим қондан жудо, кўзлар қон тўкишдан жудо бўлди).

САЙИД ОРИФ (15–16-аср) – форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад шоирларидан эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Эй пари рў гар нишини
дар сарои чашми ман,
Дил бияндозад гилем
аз пардаҳои чашми ман.

(Мазмуни: Эй паричеҳра, сен агар кўзларим саройига келсанг, дилим сенга кўзларим пардасидан поёндоз тўшайди).

САЙИД ХАНЖАР (15–16-аср) – чечактулик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг таҳсил олиш учун Ҳиротга келгани, лекин тез орада таҳсилни тарк этиб, сипоҳийликни ихтиёр қилгани ҳақида маълумот бериб қуйидаги матлаъсини келтиради:

Жудо зи ёр ба жуз дарди
иштиёқ надорам,
Ажал, биёки, дигар
тоқати фироқ надорам.

(Мазмуни: Ёрдан жудоликда иштиёқдан бўлак дардим қолмади. Эй ажал, кела қол, айриликка тоқатим қолмади).

САЙИД ҚУРОЗА (15–16-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шерозлик шоир. Таҳсил олиш мақсадида Хуросонга келади. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унга ночор ва ғариб, жуссаси ва ёши кичиклигидан шафқат ва мурувват кўзи ила қарагани, алоҳида муҳофаза қилганлигини ёзади. Бироқ С.Қ. бир оз муддат ўтиб, Хуросонда яшолмай, Самарқандга кетади ва у ерда майхўр йигитлар б-н жанжаллашади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Дигар он фасл шуд к-аз лола
шамъи базм даргирад,
Гули раъно шароби лаългун
даржоми зар гирад.

(Мазмуни: Яна ул фасл келдики, базмнинг шамъи лоладек порлайди. Раъно гули лаъл каби қип-қизил майни олтин қадаҳда кўтаради).

САЙИД ҚУТБ ЛАКАДАНГ (15–16-аср) — форс-тожик тилида ижод қилган самарқандлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг *Сайид Қурозага* ўхшаш сажияга эга экани, бир гуноҳи учун ўлимга ҳукм қилингани, лекин жазоси енгиллаштирилиб, зиндонга солингач, Самарқандга қочиб боргани ва у ердаги мажлисларда Сайид Қурозага рақиб бўлгани ҳақида ёзади. С.Қ.Л. шеър айтишда кўпроқ муаммога рағбат билдирган. "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Фарид" исмига битилган муаммоси келтирилади.

САЙИД ҒИЁСИДДИН (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Машҳад сайидлари ва улугларидан эканлигини айтиб, жуда шўх ва табъи ҳазилмутойибага мойиллиги ҳақида маълумот беради. Замондошлари унинг юзидаги сариқликка қараб, "Сайид ширға" (сўлғин), баъзан "маймун" ҳам деб атар эканлар. Навоий мутойиба б-н "мен бундай беадаблик қила олмайман, лекин Мирнинг отини маймун миндирилган бир итга ўхшатаман" деб айтади. Бу гаплардан С.Ғ. гарчи ранжиса ҳам ҳазилга йўйиб кўя қолар экан. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Даме аз дасти дунё во нарастам,
Биё, соқийки, як дам майпарастам.

(Мазмуни: Бирор дам ҳам бу дунё дастидан қутула олмадим. Эй соқий, кел, бир нафас, (бугун мен) майпарастман).

САЙИД ҲАЗИНИЙ (15–16-аср) – астарободлик форсийнавис шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг Астаробод шаҳридан эканлигини айтиб, қуйидаги матлаъсини келтиради:

Водии ҳижронки, набвад
ғайри дарду ғам дар ў.
Бо хаёли ў фароғат дорам аз олам дар ў.

(Мазмуни: Ҳижрон водийсида дард б-н ғамдан ўзга нарса йўқ. Унда ёрнинг хаёли б-н олам ташвишларидан осойиш топаман).

САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР (1415/16 – Ҳирот – 1488/89) – зуллисонайн шоир, олим, сўфий ва донишманд. Навоий учун дўст, устоз, пир, маъ-ий ота мақомидаги улуг инсон бўлган.

С.Ҳ.А.нинг отаси Ардашер Шоҳрухнинг ўғли Бойсунғур саройида дастлаб қушчи, кейинчалик қушбеги лавозимида хизмат қилган. С.Ҳ.А. саройда тарбияланиб, ёшлигидан фавқулодда қобилияти ва ўткир зеҳни б-н ажралиб туради. Араб, форс тиллари ва ад-ти, фиқҳ, ҳадис, калом, тарих, мантиқ, тафсир, шеър, муаммо, мусиқа, нужум илмларини яхши ўзлаштирган бўлсада, ғоят камтарлигидан давраларда ўзини кўрсатишга интилмаган. Бойсунғур Мирзо унинг хулқу одобини болаларига ибрат қилиб кўрсатар экан.

Навоий ўспиринлик чоғларида (1455–1456) С.Ҳ.А. б-н кўришиб танишади ва бир умрга унга боғланиб қолади. С.Ҳ.А.нинг оққўнгиллиги, самимийлиги, дилкаш ва хушмуомалалиги, хусусан, дарвешона феъл-атвори Навоийни шунчалик мафтун этадики, бир кун кўрмаса, суҳбатини олмаса туролмайдиган даражага келади. С.Ҳ.А. Навоий ҳаётида қандай мавқега эгалигини ёш шоирнинг 27 ёшида Самарқанддан унга

йўлланган шеърий мактуби – "Маснавий" яққол кўрсатади. Мактубдан С.Ҳ.А. Навоий ишонадиган ва суянадиган, ўзини тушунадиган ва қўллаб-қувватлайдиган, ҳамдард ва ҳаммаслак бирдан-бир инсон эканлиги англашилади. Унда устозини фазилат осмонининг қуёши, вафо ва саховат кони деб улуғлайди, ўзининг унга шогирду фарзанд қаторида экавлигини шараф б-н эътироф этади.

"Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг иккинчи мажлисида унга алоҳида мақола бағишлаб, туркий ва форсийлар орасида ундан комилроқ киши йўқлигини таъкидлайди. Дунёвий илмларни эгаллаган бўлсада, тас.га майли кучлилигини айтади. Ҳар икки тилда маҳорат б-н қалам тебратгани ҳақида маълумот бериб, форсий қитъаси ва туркий байтини мисол тариқасида келтиради.

Устозининг вафотига бағишлаб:

Даҳр боғики, жафо
шореъидур ҳар чамани,
Жуз вафо аҳлиға сончилмади
онинг тикани, –

байти б-н бошланувчи 7 бандлик таркиб-банд – марсия ёзиб, узининг чуқур қайғусини изҳор этган. Уни маърифат денгизининг гавҳари, сирлар кашшофи, фақр йўли раҳбари, фано аҳли сарвари, ҳиммат аҳли муршиди, замоннинг ягонаси каби сифатлар б-н улуғлаб, ўзига бир неча ришталар б-н боғланганини шундай ифодалайди:

Мени мотамзадаға ҳам ота,
ҳам муршиду пир,
Балки ҳам ғамхуру ҳам ёвару ёр қани?

"Соқийнома"сининг 26-бобини ҳам С.Ҳ.А.га бағишлаб, унинг ўзига қанчалик яқинлиги ва тас.даги мақоми хусусида фикр юритади:

Фонийи мутлақ, озода ҳам ул,
Парирў, соликн афтода ҳам ул.
Йўқ фано дайрида ўздин хабаре,
Қолмайин ўзлукидин ҳам асаре.

"Насойим ул-муҳаббат"да С.Ҳ.А.ни комил инсон сифатида машҳур шайху авлиёлар қаторида зикр этиши эса Навоийнинг устозига берган энг юксак баҳосидир. "Ҳолоти Сайид Хасан Ардашер" маноқиби б-н устозига ўлмас адабий ҳайкал қўйди. Асарда унинг бутун ҳаёти, фаолияти ва маъ-ий оламининг асосий нуқталарини мўъжаз шаклда ёритади. (қар.: "*Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер*")

САЙФИЙ БУХОРИЙ, Сайфий Арузий Бухорий (15-аср 2-ярми, Бухоро – 1503) – шоир ва ад-тшунос. Аввал Бухоро, кейин Ҳиротда таҳсил олган. С.Б.нинг фавқулодда қобилиятини кўрган Навоий унинг тарбиясига алоҳида эътибор берган. Бунинг натижасида у ўз илмини камолга етказиб, ўткир шоир ва муаммонавис бўлиб етишади. Лекин шуҳрат юкини кўтаролмай кибру ғурур пайдо қилади, шаробхўрликка берилади. Навоийнинг насиҳатлари таъсирида яна тўғри йўлга кириб, гўзал асарлар яратади.

Навоий С.Б.нинг назмда маҳорат ҳосил қилиб, шеърлари эл орасида машҳур экани, айниқса, масални яхши айтиши ҳақида маълумот беради. Икки матлаъ байти ва бир муаммосини мисол тариқасида келтиради. Жумладан:

Дило, васфи миёни нозуки
жонони ман гуфти,
Накў рафти, ҳадисе аз
миёни жон ман гуфти.

(Мазмуни: "Эй кўнгил, менинг жононимнинг нозик белини васф этдинг, бу б-н менинг жонимнинг нозик жойини васф этдинг").

С.Б.нинг икки шеърий девони, "Саноеъ ул-бадоеъ" тўплами, "Рисолаи аруз", "Рисолаи мусиқий" асарлари мавжуд. "Саноеъ ул-бадоеъ" тўплами машҳур бўлиб, ундаги 100 ғазалнинг ҳар бири бир касбу ҳунарга бағишланган. Бу шеърлари б-н у шаҳрошуб жанрига асос солган. Шунингдек, муаммога оид бир рисола ҳам ёзган.

"Рисолаи аруз", "Илм ул-аруз", "Мезон ул-ашъор", "Рисолаи Сайфий" номлари б-н шуҳрат қозонган аруз ҳақидаги рисоласи шеъру шоирлик моҳияти, шарҳу баён, истилоҳот, аруз қонун-қоидаларидан баҳс этади. У муқаддима ва 112 фаслдан иборат. Арузшуносликдаги анъаналарни давом эттирган бу асар ўзидан кейинги арузга оид рисолаларга кучли таъсир кўрсатган.

САККОК, Абубакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Пичоқ ясаганлиги учун "Саккок" номи б-н

машҳур бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

САККОКИЙ (14-аср охири – 15-асрнинг биринчи ярми) – туркигўй шоир. Асл исми номаълум. С.нинг номи "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида тилга олинган, Навоий унинг мовароуннаҳрлик эканлигини, Самарқанд аҳли унга кўп ихлос қўйганини ва муболағ б-н таъриф қилишларини айтади. Хусусан, мухлислар орасида Лутфий С. шеърларини ўзлаштириб, ўз номига нисбат берган, деган мазмундаги "ўхшаши йўқ ва мазасиз"овозалар ҳам тарқалганлигини таъкидлаб, уларни рад этади.

Шунингдек, Навоий С.ни "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ҳам эслаб, туркий тилда юзага келган шеъриятнинг хуштаъб вакилларидан бири сифатида тилга олади, "Бадоеъ ул-бидоя"га ёзган дебочасида С. нинг "ширин абёти иштиҳори Туркистонда беғоят" эканлигини айтади. Шоирнинг шеърлари бизгача девон шаклида етиб келган, девоннинг бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Лекин уларнинг бирортаси ҳам тўлиқ ҳолда эмас. Девон қасида ва ғазал жанридаги шеърлардан иборат бўлиб, унда "алиф"дан "нун"гача бўлган ҳарфлар, сўнг "вов" б-н тугалланувчи ғазаллар йўқ. Девонда жами 11 қасида (баъзи маълумотларга кўра 13) ва 40 ғазал мавжуд. Қасидалар Хожа Муҳаммад Порсога, Халил Султонга, Мирзо Улуғбекка ва Арслонхожа Тархонга бағишланган. "Мажолис ун-нафоис"да С.га нисбат берилувчи қуйидаги матлаъ келтирилган:

Не нозу бу, не шевадур, эй жоду
кўзлук, шўхшанг,
Кабки дарий товусда йўқ албатта
бу рафтору ранг.

"САЛАВОТ УТ-ТОЛИБИН" – Муҳаммад бин Ҳаммавия Жувайнийнинг асари. Тас-ий мавзуда битилган. Баъзи манбаларда Муҳаммад бин Умар Жувайнийга нисбат берилади. Навоий ушбу асар номини "Насойим ул-муҳаббат"да Муҳаммад бин Ҳаммавия Жувайнийга доир бобда тилга олади.

САЛМОН СОВАЖИЙ (1300, Сова – 1376) – форс-тожик шоири. Асл исми Жамолиддин бўлиб, Салмон унинг адабий тахаллусидир. Форс вилоятининг молиявий ишларини бошқарган отаси Хожа Алоуддин бой-бадавлат бўлиб, ўғлига яхши таҳсил берди ва у ёшлигиданоқ элхонийлар саройига йўл топди. Бу сулола инқирозга учрагач, унинг ўрнига келган жалойирийлар хонадони муассиси Шайх Ҳасан Бузург уни Бағдодга – ўз ҳузурига даъват этди. Шоирнинг қарийб эллик йиллик умри жалойирийлар саройида ўтди ва бу хонадон ҳукмдорларига бағишлаб кўплаб қасидалар битди.

С.С.дан бизгача қасида, ғазал, қитъа, таржиъбанд ва рубоийларни ўз ичига олган каттагина бир девон ҳамда "Фироқнома", "Жамшид ва Хуршид" достонлари етиб келган.

С.С. ўзидан кейинги шоирлар, жумладан, Ҳофиз Шерозийга кучли таъсир кўрсатган. "Маҳбуб ул-қулуб"даги шоирлар таснифида уни ижодида мажозий иш: тасвири устун ижодкорлар қаторига киритган. Навоий турли баҳрлар ва ранг-баранг шеърий санъатлар асосида яратилган ниҳоятда мураккаб ва бадиий баркамол маснуъ қасидасига татаббуъ ёзган.

САЛОМИЙ, Абулҳусайн – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ансорийга кўра, тарихий асар ҳам ёзган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САЛСАБИЛ – Жаннатдаги булоқнинг номи. Қуръони каримнинг "Даҳр" сурасн 18-оятида С. ҳақида сўз юритилган. Навоий шеъриятида бу сўз образ даражасига кўтарилган – Ишқ бодаси, Ёрнинг каломи ва лаби С.га ўхшатилган:

Базми ишқинг бодасин кавсар
дейин ё салсабил,
Жоми Жам ул жонфизо
саҳбоға соғар бўлди, тут.
("Бадоеъ ул-васат", 69-ғазал)

САЛХ – 1) ойнинг охирги куни:

Шайх Аҳмад олти юз олтмиш тўққуз
да рабиъ ул-охир ойининг салхида дунёдан
ўтти.
("Насойим ул-муҳаббат", 482-фасл)

2) руҳий тарбияга оид тушунча. Тас. да С. орқали моддий дунёга боғлаб турган барча кишанлардан қутулиш, нафси амморага қарши курашиш, кунгилни ҳирсу ҳаво ва нафсоний истаклардан поклаш тушунилади. Дор ус-салх – руҳий покланишга эришган кишиларнинг мақоми ҳисобланади. Дор ус-салхга азм айлаш – *талвин* мақомидаги соликларга буюриладиган амаллардандир.

Курдиким дафъ ўлмас эрди бу сифат,
Муршиди комил буюрди оқибат.
Ҳар кун ўз нафси била разм айламак,
Доғи дор ус-салҳқа азм айламак.

("Лисон ут-тайр", 95-боб)

САМАНДАР – ўтда ёнмаслик хислати б-н шуҳрат топган афсонавий ва муқаддас жонивор. Носир Муҳаммаднинг талқинига кўра, С. гоҳ қуш, гоҳ калтакесак сингари ҳайвон деб таърифланса-да, унинг ўтда ёнмаслик хусусиятига кўпроқ эътибор берилади. Бу ҳақда кўплаб ривоятлар мавжуд. Мас., улардан бирида айтилишича, С.нинг терисидан салла тикиб, ўша давр пошоҳларидан бирига совға қилибдилар. Ҳар қачон кир бўлса, уни оловга солар, салла яна топ-тоза бўлиб қолар экан.

Мумтоз ад-тимизда, хусусан, Навоий ижодида С. рамзий маънода умрбоқийлик ва ишқ маъносида қўлланилади. Жумладан, "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳодга унинг устози Суҳайло ҳаким нафс рамзи бўлмиш аждаҳони енгиш, унинг ўтини қайтариш учун Самандар ёғини беради.

Деди: "Бу зарфким марғи булодур.
Самандар ёғидин билким тулодур.

Кўп оташгоҳ ўтидин тормишам доғ
Ки, то жамъ айламишмен бу қадар ёғ.

("Фарҳод ва Ширин", 21-боб)

САМАРҚАНД – Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири, Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган йирик маъмурий, иқтисодий ва маданий марказ. С. 2750 йилдан ортиқ тарихга эга. Мил.ав. 4-асрдан мил. 6-асргача Сугд давлатининг пойтахти бўлган. Мил. 6-асрда Турк хоқонлиги таркибида бўлган ва маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. 712-йилда Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араблар қўшини С.ни эгаллаган. 9-асрдан С.ни бошқариш Сомонийлар қўлига ўтган. 11-асрдан С. Қорахонийлар давлати таркибига кирган. Кейинроқ уни салжуқийлар босиб олган. 12-асрда яна Қорахонийларга тобе бўлган. 1210 йилдан Хоразмшоҳлар давлати таркибида. 1220 йили Чингизхон қўшинлари С.га бостириб кириб, аҳолини қатлиом қилган. Мўғуллар даврида С. Чиғатой улуси таркибига кирган. 14-асрнинг 2-ярмидан бошлаб, С. Темурийлар сулоласининг пойтахти бўлиб, Мовароуннаҳрнинг энг йирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказига айланган.

Навоийнинг ҳаёт ва фаолиятида С. муҳим ўрин эгаллаган шаҳарлардан ҳисобланади. Навоий 15-асрнинг 60-йилларда С.га илм ўрганиш мақсадида бориб, у ерда Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий каби йирик олимлар ҳузурида сабоқ олган. С.да дастлабки йиллар моддий қийинчиликларни бошдан кечирган бўлса-да, кейинчалик Аҳмад хожибек ҳомийлигида илм ва ижод учун имконият топган. 1469 йили Ҳиротга қайтган Навоий қолган умри давомида ҳам С. илмий-адабий муҳити билан яқин алоқада бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, "Мажолис ун-нафоис"да 30 га яқин самарқандлик ижодкорлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг ижодидан намуналар келтиради. "Тарихи мулуки Ажам"да келтирилишича, С. қўрғони Гуштосп замонида бунёд этилган. "Садди Искандарий"да С. шаҳрининг бунёд этилиши Искандарга боғлаб талқин қилинган. "Ҳайрат ул-аброр"да Ҳирот гўзаллик ва мухташамлик бобида С.ва Мисрга қиёсланиб, улардан афзал эканлиги қайд этилган.

С.сўзи Навоий ижодида икки маънода – шаҳар ҳамда жуғрофий минтақа (Мовароуннаҳрнинг синоними) маъносида қўлланилган.

Чу маъбар бўлуб Мовараннаҳр анга,
Ясолиб Самарқанддек шаҳр анга.

("Садди Искандарий", 23-боб)

САМАРҚАНДИЙ, Абулқосим Ҳаким Исҳоқ бин Муҳаммад бин Исмоил – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абубакр Варроқ Термизий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Бир муддат

Самарқандда қозилик ҳам қилган. Чокардиза қабристонида дафн этилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

САММОК, Абу Жаъфар – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Багдодда яшаган. Узлат ва хилватдаги риёсиз ибодатларни, халқ б-н алоқани узиб, Ҳақ ёди б-н яшашни тарғиб этган. *Сарий Сақатий*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САМНУН БИН ҲАМЗА МУҲИБ КАЗОБ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Кунялари – Абулҳасан, Абулқосим. Руҳий тарбияда муҳаббат мақоми ҳақида кўп гапиргани учун уни "Муҳаббат пешвоси" деб аташган. Илоҳий муҳаббатда содиқлик бобида ўз нуқсонини билгани учун ўзига "Казоб" (ёлғончи) деган лақаб қўйган. Сарий Сақатий, Муҳаммад бин Али Қассоб, Абу Аҳмад Қалонисий, Жаъфар бин Муҳаммад бин Нусайр Хулдий, Абдуллоҳ бин Абдураҳмон Розий суҳбатига мушарраф бўлган. Араб тилида тас-ий шеърлар ҳам ёзган. Унинг самоъ мажлисларида орифа аёллар ҳам қатнашган. Жумладан, *Фотима бинти Абубакр Каттоний* унинг мажлисида важд ҳолига тушиб, вафот этган.

САМОЪ МАЖЛИСИ – тариқат аҳлининг ибодат тури. Умумий маънода Ҳаққа таважжуҳни кучайтириш ва кўнгил сафоси мақсадида қуръон оятлари, ҳадис, мавъиза ва илмий маърузани тинглаш маъносида, тор маънода илоҳий ишқ тараннумидан иборат шеър, қўшиқ ё оҳангни эшитиш тушунилади. Азизиддин Насафий С.м. ҳақида шундай ёзади: "Агар бирор дарвеш риёзат ва мужоҳадада сустқашлик қила бошласа ёки димоғида бирор халал пайдо бўлса, дарров унинг муолажасига машғул бўлиб, мувофиқ ёглар, яхши таомлар, мўътадил ҳаво билан тадбир этишсин. Бу иллатни олдини олишга ёқимли овоз ҳам мадад беради. Овози хуш ва ҳазин бўлган дарвешлардан бири беморнинг олдида ўтириб, ҳар замонда бирор нарса хиргойи қилиб берсин. Агар ҳеч ким касал бўлмаса-ю, дарвешларнинг хотири малул бўлса, малулликнинг дафъи учун мувофиқ бир вақтда, муносиб жойда, авом кишилар йўқлигида дарвешларнинг бири чиқиб, бирор нарса айтиб бериши жойиздир. Чилдирма чалиб айтса ҳам бўлади. Соликлардан айримларига С.м.да ҳоллар юзланади ва бу ҳоллардан улар кўп фойдалар ва кушойишлар топарлар. Бундай кишиларнинг агар замон, макон ва ихвон (дарвеш бирадарлар) учлиги жамланса, самоъ қилишлари яхшидир... Дарвешлар муносиб вақт, яхши жой ва фақат дарвешлардан иборат жамоа бўлган пайтдагина С.м. тузишлари мумкин, ўшанда машойих суннатини бажо келтирган бўлишади...

Агар самоъ вақтида шайх, ё бирор улуг киши ҳозир бўлса, расми шуки, агар шайх ё ўша улуг киши ўрнидан турса, барча дарвешлар шунга мос равишда ўрниларидан туришади. Ҳар бир дарвеш ўз жойида қолиб, ўртага тушмайди. Шайх бирортасини ўртага тортса, ўша киши бир ўзи даврага тушади. Агар уч-тўрт киши ёки ҳаммани даврага тортса, ўшанда ҳамма ўртага тушишади. Агар шайхнинг салласи бошидан тушса, барча шайхга издошлик юзасидан саллаларини бошларидан оладилар. Агар шайх ўтирса, ҳамма шайхга мувофақат қилиб, ўтиришади. Агар бирор дарвешга ҳол юзланиб ўрнидан турса, шайх ҳозир бўлса-ю, ўрнидан турса, ҳамма ўрнидан туради. Агар шайх ўрнидан турмаса-ю, бошқаларга туринглар, деб айтса, ҳамма ўрнидан туради; агар туринглар, деб айтмаса, ҳеч ким ўрнидан турмайди. Агар дарвеш ўз ҳолига қайтса, дарров ўз ўрнига ўтирсин. Агар бирор дарвешнинг салласи бошидан тушса, шайх ҳозир бўлса-ю, бошидан салласини олиб ташласа, бошқалар ҳам бошларидан саллаларини олиб ташлайдилар. Агар шайх салласини олиб ташламаса, бошқалар ҳам саллаларини олишмайди.

Агар С.м.да шайх ҳам, бирор улуг киши ҳам бўлмаса, дарвешлардан бирортаси агар ўрнидан турса, барча дарвешлар бир-

дамлик рамзи сифатида ўринларидан туришади. Агар бирорта дарвешнинг салласи бошидан тушса, ҳамма бирдамлик учун салласини бошидан олади. Шайхга мувофақат қилиш шарт ва лозимдир, дарвешга мувофақат қилиш карам ва мурувватдир. Агар бирор кишига саллани бошдан олиш қийин бўлса ёхуд мувофақат қилмаса, унга бошидан салласини олиши кераклигини эслатиб қўйишади".

Абубакр Розий Бажалий, Ибн Жавзий, Суфён Саврий, Имом Шофиъий каби ориф ва фақиҳлар самоъни ҳаром, деб билишган. Абубакр Розийнинг фикрига кўра, самоъ – ҳақиқат аҳли учун мустаҳаб, олимлар учун мубоҳ, фосиқ ва фожирлар учун макруҳдир. Нақшбандийлик тариқати самоъ масаласида мўътадил йўлни танлаб, С.м.лари тузмаганлар, инкор ҳам этишмаган. Навоий замондошларидан Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад, Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кусуйи Жомий, Мавлоно Муҳаммад Тободгоний, Хожа Абдулазиз Жомий С.м.га сайру сулукнинг таркибий қисми сифатида қараганлар.

Навоий ҳақиқат аҳли иштирокидаги С.м.ларига қанчалик ҳурмат билан қараган бўлса, риёкор шайхларнинг бидъат ва хурофот, риё ва найранг, содда одамларнинг тузоғига айлантирган шу номдаги йиғинларига кескин муносабатда бўлган. Унинг фикрича, С.м. сулук аҳли учун хатарли бир манзил бўлиб, бунда ҳам камол топиш имкони, ҳам гумроҳ бўлиш хавфи мавжуд:

"...Сулук аҳлига бир маҳуф ер бу манзилдурким, анда ҳам камол, ҳам нуқсон ҳосилдур. Солик бу ерда бир муҳлик оҳ била ҳам мақсудға етубдур ва бир наъраъи жонкоҳ била йиллар қозғонғони ҳам илгидин кетибдур.

Шиблий ва Нурий (қуддиса сирруҳумо) самоъда кеттилар, бу йўл сулуки била мақсуд сарманзилиға еттилар. Басо аҳлуллоҳки, арғанун унидин дайрға кирди ва дин ва ислом нақдин муғбачаларға бой берди ("Маҳбуб ул-қулуб", 1-боб, 22-фасл).

САМУР – териси қорага мойил жигарранг мўйнали, тулкисимонлар тоифасига мансуб жонивор; қундуз. Қимматбаҳо терисидан пўстин тикилиб, ўрта асрларда, асосан, беклар ва нуфузли саркардаларнинг кийими ҳисобланган.

Кийиб самур ила киш қилма
асру раъноликъ,
Ипак либос ила тутма
ғурур жоми тўло.
Тийиннинг ўз туки-ўқ
бўлди жониға офат,
Фарисанинг паридин келди
ўз бошиға бало.
("Ғаройиб ус-сиғар", 38-қитъа)

САМЪУН, Абулҳусайн Муҳаммад бин Аҳмад бин Исмоил – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ҳикмат ва фал.ни яхши билгани учун уни "ҳикмат нотиғи" деб аташган. Абубакр Шиблий б-н ўспиринлик чоғида учрашган. Ҳусрий б-н кўп мунозара қилиб, ранжитгани учун Ансорий шундай дейди: *"Мен ибн Самъун б-н яхши эмасменким, ул маниңг устодим Ҳусрийни ранжида қилур эрди. Ҳар кишиким, сенинг устодингни ранжида қилур бўлса, сен андин ранжида бўлмасанг, ит сендан яхшироқ!" ("Насойим ул-муҳаббат", 299-фасл).* Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САНАМ – бут; маж. маънода гўзал маҳбуба. С. ирфоний ад-тларда Ҳақ таоло ва банда ўртасидаги моддий ва маъий тўсиқлар (дунё ва унга боғлиқ ҳавас ва истаклар), шунингдек, Мутлақ Борлиқ тажаллийсининг мазҳари, муршид, пири комил маъноларида талқин қилинган (яна қар.: *Бут*).

Дайру ҳарамда сар-басар,
ул юздин истарлар хабар,
Кўп ҳам низоъ этма агар
ул дер самад, бу дер санам.
("Бадоеъ ул-васат", 398-ғазал)

САНГБАСТ РАБОТИ – Машҳад шаҳридан ўттиз етти километр узоқликда, Сангбаст деган жойда бунёд этилган гумбаз ва минорали тарихий иншоот. С.р. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг замондоши Тус ҳокими Арслон Жозибнинг мақбараси (ҳук. 999–1030), деб айтадилар.

Ушбу бинода тўртбурчак шаклдаги бир хона бўлиб, илгарилари унинг ички деворлари пишиқ ғиштдан қилинган безаклар б-н безатилган ҳамда асил буёқлар б-н бўялган бўлган. Ҳошиядор деворининг юқори қисмида гулларнинг тасвирлари б-н безатилган фонда оқ ранг б-н куфий ёзувида битилган битик кўзга ташланади. Баландлиги унчалик катта бўлмаган гумбази саккиз бурчакли қурилма устида жойлашган. Бино тиргаклари орасида ярим ой шаклидаги туйнуклар очилган бўлиб, уларнинг ҳар бири остида эшик қўйилган.

С.р. минораси қўш ғиштларни бир-бирининг устига териш орқали қурилган бўлиб, юқори қисмида кириш эшиги очилган. Унинг безакли ғиштлари остида ғиштларни териш орқали куфий ёзувида ёзилган битик мавжуд. Мазкур битикнинг юқориси ва атрофларида ғазнавийлар даври безаклари сақланиб қолган.

С.р. ҳоз. Эрон ҳудудида ғазнавийлар давридан ёдгорлик, қолаверса, мустаҳкам, яхши сақланган ва пишиқ қурилган ягона меъморий обидадир.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, ушбу бинонинг работи бузилганидан сўнг Амир Алишер Навоий унинг ёнидан янги бир работ қурган. Давлатшоҳ Амир Алишер Навоий қурган ушбу работнинг чиройлилиги ва катталиги тўғрисида "Олам кўзи ҳалигача бундай иморатни кўрмаган", деб ёзади.

Хондамир ўзининг "Макорим ул-ахлоқ" асарида С.р.ни Амир Алишер Навоий қурган работлар жумласидан санаб ўтади.

САНДАЛ – маржон ўтдошлар оиласига мансуб доим яшил усимлик, ёқимли ҳид таратувчи дарахт. Бўйи 10 м, айланаси 1–2 мгача бўлади. Барги чўзиқ, туксиз, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, дастлаб сариқ, кейин тўқ қизил тусга киради.

Малага ярим ороли, Малайзия архипелаги ва Ҳиндихитойда тарқалган. Жанубий Ҳиндистоннинг тропик қисмида ўстирилади. Поя ва илдизида атир-упа саноатида ишлатиладиган эфир мойи бор. Унинг ёғочи оловда куйдирилганда, ёқимли ҳид таратади. С. бош оғриғи, шамоллаш ва асаб касалликларида тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади.

Май била майхонанинг
хиштин тош узра ҳал қилинг,
Чун хуморидин судоъ
ўлса ани сандал қилинг.
("Наводир уш-шабоб", 356-боб)

САРАТОН – Қуёш галактикасидаги зодиак юлдуз туркумларидан бири. Осмоннинг Шимолий ярим шарида жойлашган. Ўн икки буржнинг тўртинчиси. Навоий асарларида Харчанг номи б-н ҳам аталади. Шамсий йил ҳисобида тўртинчи ойнинг номи С. деб аталади. Григориан тақвимига кўра, 21 июнь – 22 июлга тўғри келади. Кенг маънода ёз фасли ўрнида ҳам қўлланилади. С. атамаси бурж маъносида асосан, меърожномаларда қўлланилган. "Фусули арбаа" туркумидаги қасидаларнинг иккинчиси ёз фасли таърифида бўлганлиги учун "С." деб аталган.

"САРАТОН" ("Ёз") – "Фусули арбаа" қасидалар туркуми таркибига кирувчи қасидалардан бири. Ҳажман 71 байтдан иборат. Мазмунига кўра васф ва мадҳ хусусиятларини ўзида бирлаштирган қасида ҳисобланади. "С."да ёз фасли тасвири б-н бирга замона ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро мадҳ қилинади, унинг таърифу тавсифи келтирилади "С." тузилишига кўра тўлиқ қасида бўлиб, унда насиб (лирик кириш) каттагина қисмни (йигирма беш байт) эгаллайди. Айнан насибда қасиданинг васфий хусусиятлари намоён бўлади. Қасида саратоннинг кириб келиши тасвири б-н бошланади:

Боз оташи ҳўр сохт самандар саратонро
Афрўхт чу оташкада гулзори жаҳонро.
(Мазмуни:

Қуёш оташи саратонни яна самандарга айлантирди,

Жаҳон гулзорини оташкада каби ловиллатди).

Кейинги байтларда саратон жазирамаси тасвирланар экан, иссиқдан бутун борлиқ гўё оташга айланганлиги ва саратоннинг инсонга кўрсатган жисмоний таъсири тасвирланади. "С."да гуризгоҳ (киришдан асосий қисмга ўтувчи кўприк) нисбатан

кичик (икки байт) бўлиб, унда "ёзнинг тафтидан паноҳ изловчи кишилар учун Ҳусайн Бойқаро туғи сояси макондир" деган фикр орқали асосий қисм – Ҳусайн Бойқаро мадҳига ўтилади. Мадҳда шоҳнинг адолати, саховати, дўстларга меҳри-ю, душманларга қаҳри баён қилинади. Қасиданинг қасд қисми (хотима) олти байтдан иборат бўлиб, унда муаллиф ўзининг фақир ва гуноҳкор эканлигини таъкидлайди ҳамда шоҳнинг лутфу иноятига умид билдиради.

Қасида ҳазаж баҳрининг ўйноқи ритмга эга бўлган вазни – ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: *мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун* – – V V – – V V – – V V – –)да ёзилган. Бу вазн кўпроқ жисмоний – енгил ва шахдам ҳаракат, шўхчан кайфият баёнига мос келади.

САРВ – жанубий ўлкаларда тик ўсадиган, игнабаргли ва доим яшил дарахт. Асл ватани Ливан, Кипр ва Сицилия ороллари ҳисобланади. Ушбу дарахт қадимдан турли маъноларнинг рамзи ва тимсоли бўлиб келмоқда. Мас., юнон асотирларида С. таъзия ва айрилиқ рамзи саналади. "Таврот"га кўра, С. абадийлик хусусиятига эга бўлгани учун, пайғамбар Нуҳ (а.) ўз кемасини С. ёғочидан ясайди. Зардуштийлар эътиқодига кўра, Кашмирда экилган С.ни Зардушт жаннатдан олиб келади. Араб халқи бу дарахтни шажарат ул-ҳаёт (тириклик дарахти) деб атайди.

С.нинг бир неча тури бор. С.и сиҳий – икки шохи тик ўсадиган С. бўлса, С.и ноз – шохлари одам қўлларидек икки томондан пастга мойил С. туридир. С.и озод эса шох-шаббасиз, тик ўсади. Халқ орасидаги инончларга кўра, қаерда С. бўлса, илон ин қуради. Шунинг учун, кўп ҳолларда ёрнинг хуш қомати С.га, сочи эса илонга ўхшатилади.

Гул паришон улдию сарви
сиҳий топти шикаст,
Боғ аро гулгашт ул сарви
гуландом айлагач.
("Фавойид ул-кибар", 97-ғазал)

САРГАШТА – паришон, овора, саргардон. Фаолиятида мунтазамлик ва мантиқлилик кўринмайдиган кимса ё нарсанинг сифати. Илоҳий ишқ йўлида ҳайрат ва паришонлик ҳолига тушган ошиқнинг ҳислати:

Дўстлар, кўнглум ҳадисин
демангиз Тенгри учун
Ким, мен ул девонайи
саргаштадин безормен.
("Ғаройиб ус-сиғар", 479-ғазал)

САРИЙ БИН МУҒАЛЛИС САҚАТИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абулҳусайн. Бағдоддаги тас. мактабининг асосчиларидан. Тас. илмини Маъруф Кархий ва Абу Жаъфар Саммокдан ўрганган. Фиқҳ ва ҳадис илмининг чуқур билимдони бўлган. Тас.да шариат аҳкомига риоя қилишга алоҳида аҳамият берган. Абу Ҳамза Бағдодий, Абулҳусайн Нурий, Абулаббос бин Масруқ, Абу Абдуллоҳ Антокий, Али бин Муҳаммад Газоирий, Ҳасан бин Али Мусуҳий, Аҳмад бин Иброҳим Мусуҳий, Самнун бин Ҳамза, Муҳаммад бин Аҳмад Абулвард, Абу Наср Саррож, Шайх Фарид Шакарганж ва Иброҳим Сайёд Бағдодий унинг суҳбатидан файз топганлар. *Жунайд Бағдодий* ва *Хайр Нассож* унинг муридларидан бўлган. Бағдоднинг Шунизия масжиди ёнидаги қабристонга дафн этилган.

САРИЪ – (ар. – шитоб б-н юрувчи, тез) туркий ва форсий шеъриятда қўлланилган аруз баҳрларидан бири. С. баҳри махсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *мустафъилун (– – V –), мустафъилун (– – V –)* , *мафъувлоту (– – – V)* бўлиб, шеъриятда М.нинг фақат мусаддас рукнли вазнларидан фойдаланилган. Алишер Навоий "Мезон ул-авзон"да ривоятларнинг баҳрлар қисмида С.нинг бешта вазнини, "Доираи мужтамиа"ни изоҳлаш қисмида бир вазнини (жами 6 вазн) келтириб ўтади. "Хазойин ул-маоний" куллиётида эса С.нинг бир вазни, "Ҳайрат ул-аброр" достонида эса икки вазнидан фойдаланилган.

Алишер Навоий шеъриятида қўлланилган ва "Мезон ул-авзон"да келтирилган сариъ баҳрига доир вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т/р	Вазн номи	Рукнлари ва тақтиъи	Келтирилган вазн номи
1	Сариъи мусаддаси матвийи мақшуф	муфтаилун муфтаилун фоилун, – V V – / – V V – / – V –	Оҳки, ишқ айлади шайдо мени, Солди жунун куйига савдо мени. *("Бадоеъ ул-васат", 639-ғазал)* Бас ани инсон атағил бериё, Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё. *("Ҳайрат ул-аброр")* Бизга қизил гул юзунг афкандаси, Савсани озод қадинг бандаси. *("Мезон ул-авзон")*
2	Сариъи мусаддаси матвийи мавқуф	муфтаилун муфтаилун фоилон, – V V – / – V V – / – V ~	Ўз ишингга ҳар неча кўп бўлса майл, Тенгри ишига ани қилғил туфайл. *("Ҳайрат ул-аброр")* Йўқ манга ҳажрингда жуз оҳу фиғон, Ишқу муҳаббат утидин алъамон. *("Мезон ул-авзон")*
3	Сариъи мусаддаси матвийи аслам	муфтаилун муфтаилун фаълун, – V V – / – V V – / – –	Истамасанг эсламасанг бизни, Мен ўпарам йўлунг уза изни. *("Мезон ул-авзон")*
4	Сариъи мусаддаси махбуни матвийи мақшуф	мафоилун мафоилун фоилун, V – V – / V – V – / – V –	Қаро кўзум, бирор биза боқ ахи, Жароҳатимға марҳаме ёқ ахи. *("Мезон ул-авзон")*
5	Сариъи мусаддаси матвийи махбуни мақшуф	мустафъилун мустафъилун фаилун, – – V – / – – V – / V V –	Сендин яна ўт ичрадур юраким, Ўтумға сув ур, васл ила мираким. *("Мезон ул-авзон")*
6	Сариъи мусаддаси солим	мустафъилун мустафъилун мафъувлоту, – – V – / – – V – / – – V	Сендин йироқ кўзнинг эрур ҳайронлиғи, Ҳажринг аро ҳар лаҳза саргардонлиғи. *("Мезон ул-авзон")*

САРИҚ (ранг номи) – туркий халқлар маданиятида муқаддас саналган.

Руҳшунослик илмида кишининг бу рангга мойиллиги унинг атрофдагиларда яхши таассурот қолдиришини таъминлар экан. Аурадан сариқ рангнинг таралиши бу инсоннинг эҳтиросли ва шиддаткорлигини, кайфияти кўтаринки, беғубор ва хушчақчақ эканлигини билдиради. Замонавий тиббиётда асабларни тинчлантирувчи хусусияти ҳам бор.

Навоий ижодида синиқлик ранги, ишқ рамзи. Ошиқнинг ҳижронзада юзи ҳам шу ранг орқали ифодаланади.

Бу сариғ рухсора бирла
қон ёшимдин ёд қил,
Ичсанг олтун жом ичинда
бодайи рангин солиб.
("Гаройиб ус-сиғар", 54-ғазал)

"Фарҳод ва Ширин"да Хоқон Фарҳодга атаб қурдирган тўрт қасрдан бири шу тусда бўлган. Достонда бу ранг хазон ва кексалик рамзи бўлиб келган. Заъфарон, заъфароний каби синонимлари ҳам мавжуд.

"Сабъаи сайёр"даги иккинчи қаср олтинранг бўлиб, ундаги барча жиҳозлару қаср соҳибаси бўлмиш Рум гўзалининг либоси ҳам заъфароний тусда бўлади. Ушбу кеча, яъни қуёш ҳомийлик қилган якшанба кечаси ҳикоят айтувчи сайёҳ шоҳга Зайд Заҳҳоб ҳақидаги ҳикоятни айтиб беради. Ҳикояда бадиий деталь бўлиб олтин (сариқ) бутлар хизмат қилади. Бу қаср ва кечада устунлик қиладиган сариқ ранг ҳақида Н.Комилов шундай ёзади; "...Бундан кейин тариқат бошланади. Солик қалбида муҳаббат қўзғалади, у Аллоҳ ёди б-н яшайди ва бу сариқ рангга тўғри келади", дейди.

Олтун ул элни кулдуруб чандон,.
Заъфарон уйлаким қилур хандон.
("Сабъаи сайёр")

САРКИЙ, Абулҳусайн – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абулҳусайн Сирвонийи Сағир, Абулаббос Суҳравардий, Шайх Усома, Абулхайр Ҳабаший, Абусаид Шерозий, шайх Муҳаммад Сохарий суҳбатига му-

шарраф бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

САРОБ – нотекис ҳароратга эга бўлган ҳаво шароитида нурларнинг ўзига хос синиши натижасида уфқ ортидаги нарсаларнинг хаёлий, сохта тасвирлари пайдо бўлиши. Кучма маънода алдамчи тасаввур, хаёлот. Моддий дунё рамзи.

Даҳр биносини хароб англағил,
Не кўрунур анда сароб англағил.
("Ҳайрат ул-аброр", 20-мақолат)

САРРОЖ ҲОФИЗ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган ҳиндистонлик тасаввуф шайхи. Амир Сабуктегин Ғазнавийнинг укаси Кумуштегиннинг авлодидан. Хизр алайҳиссаломдан ладунний илмни ўрганган. Ҳиндистон аҳолиси ҳар душанба куни унинг мозори зиёратига боришни одат қилган. "Насойим ул-муҳаббат"га ушбу шайх б-н боғлиқ фасл Навоий томонидан қўшилган.

САФО – поклик, софлик, ғилу ғаш ва кудуратлардан тозалик. Маъ-ий ҳодиса сифатида кўнгилнинг дунё ҳою ҳавасларидан пок бўлиши ва риёзат орқали сайқал топиб жилоланиши тушунилади. Абдураззоқ Кошонийга кўра, С.нинг уч даражаси бор: 1) Илм С.си – шариат ва ахлоқ меъёрлари асосида нафсни поклаш; 2) Ҳол С.си – маърифат камоли ва тажаллий нурларининг кўнгилда жилоланиши орқали илоҳий жамолни мушоҳада этмоқ; 3) Иттисол С.си – башарий хислатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар б-н зийнатланиш орқали ҳосил бўладиган кўнгил поклиги.

Эй Навоий, кўнглунгга
берсанг сафо, ёр оллида
Фош ўлур сирринг,
не ҳожат айламак изҳор лафз.
("Бадоеъ ул-васат", 285-ғазал)

САЪД – "Сабъаи сайёр" достонидаги учинчи ҳикоят қаҳрамони. Мисрлик аслзода, савдогарнинг ўғли, илмли ва тадбирли, меҳмондўст йигит. Фарҳод сингари барча ҳунарда моҳир. У ҳар куни мусофирларни ўз уйига чорлаб, меҳмондўстлик расмини бажо келтирар, кейин эса улардан қизиқ ҳикоялар айтиб беришини сўрайди. Қизиқарлиси шундаки, ҳикоя сюжети ҳам "Фарҳод ва Ширин"га жуда ўхшайди. Бир куни савдогарнинг саройига яшил либос кийган икки мусофир келиб, меҳмон бўлишади. Саъд уларни ҳам одатдагидай яхши кутиб олгач, ажойиб-ғаройиб ҳикояларни сўзлаб беришларини сўрайди. Меҳмонлар юртлари томонда Китвар номли ажойиб ўлка борлигини, унда бутхона бўлиб, бир кеча тунаган киши ўз тақдирини, келажагини билиб олишини айтишади. Бу сирга қизиққан Саъд улар билан Шаҳрисабзга йўл олади ва ўша бутхонага кириб, бир кеча тунайди. Унинг тушида бир қуш учиб чиқиб, "Сенга Шарқ қуёшидай гўзал насиб қилади" дейди. Иккинчиси эса "Сени дев асир қилиб, икки оёғингга кишан солади" дейди. Тушининг таъбирини билиш учун Саъд кишиларнинг тушини таъбирловчи пирнинг ҳузурига боради. Пайлақус ҳаким номи билан аталадиган бу зот "Фарҳод ва Ширин"даги Суқрот ҳакимга ўхшайди. Пир Саъднинг тушини таъбирлабгина қолмай, Суқрот Фарҳодга ёрдам бергани каби, у ҳам йигитнинг мушкулини осон қилади. У парининг қасри уч қават кўрғон билан ўралганлигини, биринчи қаватда Қатрон деган девсифат занги туришини, уни куч билан енгиб бўлмаслигини айтади ва Саъдга муҳра-мунчоқ беради. "Уни оғзингга сол ва Қатрон дев билан олишаётганингда унга қарата туфла", деб ўргатади.

Иккинчи кўрғонда эса Исо нафасли устоз бўлиб, унинг саволларига жавоб бериш керак бўларкан. Учинчи кўрғонда сеҳр мавжуд бўлиб, унинг сирини ечиш талаб этиларкан. Пайлақус ҳаким бир мактуб ёзиб бериб, ўша олим унинг шогирди эканлигини, хатни кўрсатса, Саъдга яхши муомала қилиб, сеҳрни ечиш йўлини ўргатишини айтади.

Ушбу шартларни устоз ўгити ва ўз тадбири асосида амалга оширган Саъд оқибатда ўз бахтига эришади. Навоий бу тимсол воситасида инсон ўз бахтини излаб саъй-ҳаракат ва тадбир ишлатмоғи керак, деган ғояни илгари суради.

Айлади амр Саъди озода
Сафар асбобин этмак омода.
("Сабъаи сайёр")

САЪДИДДИН КОШҒАРИЙ (ваф.1456) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тас. сирларини Мавлоно Низомиддин Хомуш ва Шайх Зайниддин Хавофийдан ўрганган. Хуросонда нақшбандийлик тариқатининг ёйилишида катта ҳисса қўшган. *Абдураҳмон Жомий*нинг пири. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САЪДИДДИН ҲУМУВИЙ, Муҳаммад бин Муайяд (ваф. 1260, Баҳробод) – кубравийлик таълимоти намояндаси. Шайх *Нажмиддин Кубро*нинг муриди. Иршод олганидан сўнг дастлаб Қосиюн тоғи (Сурия), сўнг Баҳробод (Хуросон)да кубравийлик тариқатининг ёйилишига жонбозлик кўрсатади. "Ал-мисбоҳ фит-тасаввуф" ("Тасаввуф машъали"), "Маҳбуб", "Сажанжал ул-арвоҳ" ("Руҳлар кўзгуси") китобларининг муаллифи. Асарлари мураккаб услубда ёзилган бўлиб, рақамлар, турли геометрик шакллар кўп қўлланилган. "Насойим ул-муҳаббат"да С.Ҳ. Шайх Маждидидин Багдодий б-н Шайх Нажмиддин Кубро ўртасидаги кудуратни бартараф қилинишида воситачи бўлганлиги ҳақида маълумот бериб, у ҳақда алоҳида фасл ажратилган.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ, Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифиддин (1203 – Шероз – 1292) – машҳур форс-тожик шоири, адиб ва мутафаккир. Отадан ёш етим қолган С.Ш. бошланғич маълумотни туғилган шаҳри Шерозда олгач, Бағдоддаги "Низомия" ва "Мустансирия" мадрасаларида калом, фиқҳ, тафсир илмлари, араб тили ва форс ад-ти, Шарқ фал.си, тарих, мантиқ, тиб, табиий ва аниқ фанларни ўрганади. Ўз даврининг донгдор тас. олими ва файласуф адиби Шаҳобиддин Суҳравардий ҳамда йирик илоҳиёт алломаси Абулфараж Абдураҳмон ибн Жавзий қўлида таҳсил олади.

Мадрасани тугатган С.Ш. 20 йилдан ортиқ вақт давомида илм талабида Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон каби мамлакатларни кезиб чиқади. Бу саёҳатлари давомида С.Ш. ҳаёт илмини чуқур ўрганиб, инсон феълини бутун мураккаблиги б-н англаб, ўз даврининг донишманд кишиси бўлиб етишади. 1257 й. ўрталарида Шерозга қайтиб келган шоир дунё ташвишларидан ўзини четга олиб, шаҳар чеккасидаги шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф хонақосида фақирона ҳаёт кечиради.

Форс-тожик ад-тида С.Ш. юксак мақомга эга. Хусусан, бой ҳаётий тажрибаси асосида яратган "Бўстон" (1257) ва "Гулистон" (1258) асарлари унга оламшумул шуҳрат келтирди. С.Ш. ғазаллари 4 девондан иборат бўлиб, улар "Таййибот" ("Латиф ғазаллар"), "Бадоеъ" ("Янги ғазаллар"), "Хавотим" ("Хотима ғазаллар") ва "Ғазалиёти қадим" ("Эски ғазаллар") дан иборат. С.Ш. таржиъбанд жанрини ривожлантириб, уни юксак босқичга кўтарди. Ундан кейин ўтган шоирлар, ҳатто Ҳофиз ва Жомий каби буюк сўз санъаткорлари ҳам бу борада унга эргашдилар. С.Ш. форс-тожик бадиий насрининг ҳам асосчиларидан ҳисобланади.

С.Ш. ўзидан кейинги Шарқ ад-ти вакилларига кучли таъсир кўрсатган забардаст сўз санъаткоридир. Шоир асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машҳур бўлган. "Бўстон" ва "Гулистон" асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилган. Ўзбек шоирлари ундан ўрганган, таъсирланган. "Гулистон" 1390–1391 йилдаёқ Сайфи Саройи томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Алишер Навоий "Девони Фоний"да Саъдий ғазалига 22 та татаббуъ битган, шунингдек, унинг тавриda 4 та ғазали мавжуд.

С.Ш. асарлари Навоий ижодига катта таъсир кўрсатган. Бевосита "Гулистон" таъсирида ёзилган "Маҳбуб ул-қулуб" асарида уни "ҳақиқат асрорига мажоз тариқин" омухта қилган шоирлар гуруҳига киритиб, "маоний аҳлининг нуктапардози" деб улуғлайди. "Насойим ул-муҳаббат"да эса С.Ш.га алоҳида фасл ажратиб, унинг батафсил таърифи ва у б-н боғлиқ ривоятларни келтиради.

"Лисон ут-тайр" достонида мактабда "Мантиқ ут-тайр" б-н бир қаторда "Бўстон" ва "Гулистон" асарларидан ҳам таълим олгани ҳақида маълумот беради.

САЪДУН МАЖНУН – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Басрада яшаган. Ато бин Сулаймон б-н бўлган суҳбати "Иҳёу улум ад-дин" ва "Равз ур-раёҳин"да ҳам тилга олинган ҳикоятларда дуоси мустажоб бўлган зотлардан эканлиги ойдинлашади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САЪИДИЙ, Абулҳасан Али бин Ҳумайд (ваф. 1215) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Отаси буёқчи бўлганлиги, ўзи ҳам ёшлигида ушбу касб б-н шуғулланган учун "Ибн Саббоғ" (буёқчининг ўғли) номи б-н ҳам эсланади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

САҚАФИЙ, Абу Али Муҳаммад бин Абдулваҳҳоб (ваф. 940) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопурда шариат пешволаридан бири бўлиб, сўнг тариқатга юз тутган. Абу Ҳафс Ҳаддод, Ҳамдун Қассор, Абубакр Фарроъ, Абу Усмон Ҳирий, Ҳусайн бин Муҳаммад Сулламий, Абу Али Суълукий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

САҚҚО, Абубакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мешкоблик б-н шуғулланган учун "Саққо" номи б-н шуҳрат топган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САҚҚО, Али бин Шуъайб – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Нишопурнинг Ҳийра мавзесида туғилган. Касби мешкоблик бўлгани учун "Саққо" номи б-н шуҳрат топган. *Абу Ҳафс Ҳаддод*нинг шогирди. Эллик беш марта ҳаж амалини бажарган. "Нафаҳот ул-унс"да қурб мақоми ҳақида тафаккур қилганида ўн уч кун ўзидан ғойиб бўлганлиги ҳақида маълумот берилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

"САҒИР" – Абдураҳмон Жомийнинг муаммо илмига доир асари. Тўлиқ номи – "Рисолаи сағир дар муаммо". 1480 й.нинг 9 августида ёзиб тугалланган. Ушбу рисолада Жомий олдинги рисолаларидан фарқли равишда муаммо қоидаларини тўртта гуруҳ – тасҳилий, таҳсилий, такмилий ва тазъилийга ажратган. С. номи "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин"нинг учинчи мақолатида Жомий асарлари рўйхатида келтирилган.

САҒИР, Абубакр Заққоқ Муҳаммад бин Абдуллоҳ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, муҳаддис. Бағдодда туғилган. Жунайд Бағдодий ва унинг сафдошлари суҳбатига мушарраф бўлган. Абубакр Заққоқ Кабирнинг шогирди. Тажрид ва таваккулга алоҳида аҳамият берган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САҲЛ БИН АБДУЛЛОҲ ТУСТАРИЙ (819–896) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Йирик суфий ва олим. Дастлабки таълимни тоғаси Муҳаммад Саввордан олган. *Зуннун Мисрий*нинг шогирди. Жунайд Бағдодий, Ҳамдун Қассор, Абу Солиҳ Музаййин, Абулаббос Аҳмад Яҳё Шерозий, Абулаббос бин Муҳаммад Музаййин, Абдураҳим Истахрий, Абдуллоҳ Қассор, Абу Наср Саррож каби орифлар б-н ҳамсуҳбат бўлган. Абу Абдуллоҳ Солимий ва Абу Муҳаммад Журайрийнинг устози. Абу Ҳамза Исфаҳоний унинг увайсий муридларидан бўлган. Кўп беморлар унинг дуолари баракотидан шифо топганлар. Аммо ўзи бавосил касаллигига чалинган бўлса-да, сабр қилган, ўзини дуо қилиб, шифо сўрамаган, берган дардига ризо бўлиб, бу дунёни шукроналик ва сабр мақомида тарк этган.

САҲЛ БИН АЛИ МАРВАЗИЙ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Марв тас. мактабининг намояндаси. Абдуллоҳ Муборак б-н ҳамсуҳбат бўлган. Кўнгил хотиржамлигини энг илоҳий

марҳамат, деб ҳисоблаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

САҲЛИ МУМТАНЕЪ (ар. – осону имкони йўқ) – шеъриятда теран ва серқирра мазмунни содда ва оддий ифодалаш услуби. Атоуллоҳ Ҳусайний таъбири б-н айтганда, бундай шеърни "айтмоқ осону енгил кўрунур, аммо анингдек қилиб айтмоқ мумкин бўлмас, ё қийин бўлур". Шарқ ад-тшуносларн Рудакий ва Саъдий услубини С.м. деб ҳисоблайдилар. Чунки уларнинг шеърлари бир қарашда оддий ва содда кўринса-да, лекин уларга ўхшатиб ёзиш осон эмас. Чунки бу соддалик чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба, юксак ижодий маҳорат б-н омухта буюк соддалик бўлиб, унга ҳар қандай шоир етишолмаган. Бундай шеърларни Шайх Аҳмад Тарозий ўкилиши осону ёзилиши қийин, деб лутф этади.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича, Навоийнинг аксар туркий ва форсий байтлари айнан С.м. услубида яратилган. Халқ оғзаки ижоди намуналари, мақолу ҳикматларга ўхшаб кетадиган бундай назм дурдоналари оддий ва содда кўрингани б-н уларни яратиш ҳар қандай қалам соҳибининг қўлидан келавермайди.

Одамий эрсанг, демагил одамий,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,

байтини олиб кўрайлик. Бу оддий, лекин теран, содда, аммо серқирра, тушунарли, бироқ мураккаб, айни пайтда аниқ, равон, жарангдор, таъсирчан, бадиий жиҳатдан баркамол мисраларда мутафаккир шоирнинг инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, инсон ҳаётининг моҳияти ва умрининг мазмуни ҳақидаги қарашларининг энг муҳим нуқталари қисқа ва лўнда ўз ифодасини топганки, мана, олти асрдан буён тилдан-тилга, китобдан-китобга ўтиб келаётганининг ўзи унинг қанчалик халқчиллиги ва умрбоқийлигини кўрсатиб турибди. А.Рустамов уни изоҳлаб, ўнта маъносини кўрсатиб берган. Бундай байтлар буюк сўз санъаткори меросида жуда кўп.

САҲОБ (ар.) – булут. Ирфон тилида файзи муқаддас, поклик ва эҳсон манбаи тушунилади (яна қар.: *Абр, Булут*).

Ёр гулгун тўн енгинму
юзга айлабтур ҳижоб,
Ё ёшурмиштур қуёш
рухсорини гулгун саҳоб.
("Бадоеъ ул-васат", 41-ғазал)

СЕЛ/САЙЛ – шиддатли, кучли ёғин, жала ё қор эришидан ҳосил бўладиган кучли сув тошқини. Маж. маънода бирор-бир воқеа-ҳодисанинг, жараённинг кучли, кўпайган ҳолати. Тас.да солик кўнглида ҳолларнинг ғалабаси ва туғёни тушунилади.

Кўйи деворидин оғрик
танға тушкон соядек,
Сели ғамдин эмди соя ўрниға девор эмиш.
("Наводир уш-шабоб", 268-ғазал)

СЕРПАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттизинчиси. Мазкур сўз эски ўзбек тилида *силта, куч б-н кескин торт* маъносини англатувчи *серп* феълига *кучайтириш* маъносини ифодаловчи *–а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган. Луғатларда бу сўз *сепмоқ, сочмоқ, сачратмоқ, пуркамоқ, ёғмоқ* (ёмғир) маъноларини англатиши қайд этилган. Ҳозирда ҳам бу феъл Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ва унинг атрофида яшовчи аҳоли тилида *силтамоқ, туртмоқ, жеркимоқ* маъноларида қўлланилади: *аёл боласини серпаб ташлади.* Бу феъл *зарб б-н урмоқ, солмоқ* маъноларини ҳам англатади: *Қилич б-н серпаб ўтмоқ.*

Шак эрмас партаве тушгач,
уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу гўристон гадойи сермагай
шамъи мозоримни.
("Ғаройиб ус-сиғар", 638-ғазал)

СЕҲР – ғаройиб ишларни қилишга қодир бўлиш учун малака ҳосил қилишни ўргатадиган фан. Хожа Абдуллоҳ Ансорий ақидаси бўйича сеҳргарлик уч хил бўлади: 1) кўзбўямачилик – қўл чаққонлиги б-н турли найранг ва фокуслар кўрсатиш; 2) баъзи нарсаларнинг хосиятини билиш орқали турли томошалар ва ғаройиб ҳодисаларни кўрсатиш (магнит ёрдамида темирни тортиш ва б.); 3) жин ва девлар каби ғайритабиий, ёвуз кучлар ёрдамида одамлар руҳиятига таъсир ўтказиш. Дастлабки

икки ҳолатдан фарқли ўлароқ, ғайритабиий кучлар ёрдамида одамлар руҳиятига кучли таъсир ўтказиш Қуръони Каримда ҳаром ва у б-н шуғулланиш ширк, деб қатъий белгилаб қўйилган. С.ни фақат ундан сақланмоқ ва зиёнини қайтармоқ мақсадида имони мустаҳкам кишилар ўрганмоғи жоиз, деб фатво берилган.

Лаби жонбахшинг ўлди
юқори ул холи жодудин
Ки, тенг эрмастур иъжоз
аҳлию сеҳр аҳлиға поя.
("Фавойид ул-кибар", 542-ғазал)

СИДДИҚ – 1) нияти, сўзи, амали, ҳолати, яшаш тарзи, хулқ-атвори тўғриликка асосланган ва бу тўғрилиги б-н бошқа кишиларга ҳам ижобий таъсир кўрсата оладиган киши:

Келиб сидқинг оллида сиддиқлар,
Анингдекки, сиддиқу аҳли риё.
("Фавойид ул-кибар", 6-ғазал)

2) Юсуф пайғамбарнинг сифати:

Борди Юсуф, қолмади
Қобус ҳам булмай адам,
Ичтилар жоми фано
Сиддиқ ҳам, зиндиқ ҳам.
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

3) Халифа Абубакрнинг машҳур сифати:

Муқтадои зумраи таҳқиқ ул,
Собиқ ислом аҳлиға сиддиқ ул.
("Лисон ут-тайр")

4) валийларнинг олий тоифасига мансуб кишилар. С.лар Ҳақ таоло нурининг тажаллийсини мазҳарлар воситасисиз кўрадилар ва зот жамоли мушоҳадасига ғарқ бўлган фонийи мутлақдирлар. Улар Ишқнинг энг юксак ва аъло мартабасидан баҳраманд комил инсонлар ҳисобланади. С.лар маъно оламида валийлардан аъло ва набийлардан қуйи турадилар. Навоий Абу Саид Харроз ва Закарийё бин Яҳё Ҳиравийни С.лардан деб билган.

СИДРА, Сидрат ул-мунтаҳо – еттинчи фалакда жойлашган дарахтнинг номи ("Нажм" сураси, 13-оят). Манбаларга кўра, С.нинг барглари филнинг қулоғидек, мевалари хумдек келади. С. – фаришталар ва жамийки мавжудот илмининг ниҳоясидир. С.дан ташқари бўлган оламни фақат ислом пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) кечаси сайр этган, ҳақиқати эса Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум.

Навоий меърожномаларида С. – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг Меърождаги сафардошлари – Жаброил (а.) ва Буроқни қолдириб, Ломакон оламига ёлғиз қадам қўйган жой, руҳларнинг энг олий мақоми, Симурғнинг ватани сифатида ҳам талқин қилинган.

Тубий била шохи сидра келди,
Қадринг чаманида икки хошок.
("Гаройиб ус-сиғар", 323-ғазал)

СИЁВУШ – мифик қаҳрамонлардан бири. Отаси – Кайковус, онаси – туронлик зодагон аёллардан бири. Ғўдаклигида онасидан етим қолган С.ни Рустам тарбия қилади. Сиёвушга ўгай онаси Судоба ошиқ бўлиб қолади. Сиёвуш уни рад этганида Судоба туҳмат қилади. Оташпарастлик (ўтга, оловга топинувчи) одатига кўра, Сиёвушнинг отаси унинг поклигини исботлаш учун от б-н гулхандан ўтказади. Аланга шу ондаёқ гулшанга айланади. Сиёвуш Туронга, унинг подшоҳи Афросиёб томонга ўтади. Афросиёб Сиёвушга қизи Фарангизни бериб, куёв қилиб олади, лекин кейинчалик саройдаги фитналар натижасида ундан бадгумон бўлиб, бошини танасидан жудо қилади. С.нинг тақдири "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Кайковус ҳақидаги бобда мухтасар баён қилинган. "Фарҳод ва Ширин" достонида янги туғилган Фарҳод поклик бобида оловдан эсон-омон ўтган С.га қиёсланади. "Садди Искандарий"да ҳам "Каёний подшоҳлар зикрида"ги бобда С. тақдирига ишора бор.

Тушуб ишқ аҳли ичра ҳар тараф жўш,
Чу туғди ўтда сайр айлар Сиёвуш.
("Фарҳод ва Ширин")

СИЁҚАТ УЛ-АЪДОД (ар. – кетма-кет санаш) – шеърда содда отларни муайян тартиб б-н кетма-кет келтиришга асосланган санъат. Илми бадиъга доир мумтоз манбаларда *таъдил* номи б-н ҳам келади. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ" (15-аср) асарида ушбу санъатга шундай таъриф берилади: *"Араб фусаҳоси ва баъзи ажам шуароси қошинда содда отларни бир*

тартибу бир тариқада келтирмактур”. Муаллифнинг фикрича, агар шеърнинг охиригача бу санъатга риоя қилсалар, шеърнинг ҳусни ортади.

Шунингдек, асарда “шоир бир неча сонни ўз сираси бўйинча ёки сирасининг аксинча ёки тартибсиз тарзда” келтирса ҳам, С. санъати ҳисобланишига эътибор қаратилади.

Алишер Навоий ижодида С. санъатининг истифода этилишини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1) Бир байт ичидаги мисра доирасида С.ни қўллаш. Мас.:

Меҳру Моҳу Муштарию
Зуҳра *чун қилди тулуъ,*
Ҳеч наҳс ахтар тулуъи анда
қатъо бўлмаса.
(Фавойид ул-кибар, 24-ғазал)

Хизр монанд сабзадин ранги,
Сабзаси, суйи, кўзгуси, занги.
(“Сабъаи сайёр”)

2) Бир шеърни тўлалигича С. санъати асосида ёзиш. Бунда сонларни кетма-кет келтириш йўлидан борилади. Мас.:

Тариқи ишқ аро гар ўзни
фард қилса ***биров,***
Ҳариф эмас еру кўк,
неча гар эрурлар ***иков.***

Кўнгулдин айла маволид
майлини кам-кам,
Бўлурға фард мавонигъдурурлар
ушбу ***учов.***
Десанг фалакка чиқай,
фоний ул ***аносирдин,***
Нединки, руҳунгадур чормих бу ***тўртов.***
Ҳавоси хамс ила мақсуд
бўлмади мудрик,
Кўнгулни топ ики-уч узв,
беш эмас бу ***бешов.***

Фаноий маҳз етар “Ситтаи зарурия”
Нединки йўққа зарурат эмас
бу навъ ***олтов.***

Хилофи шаръ агар етти
кўкка чиққунгдур,
Яқинки, етти тамуғдин
батардур ул ***еттов.***

Навоиё, секиз учмоқ ҳавосидин кечгим,
Булар мавониъ эрур,
ёр истар ўлса биров.
(“Фавойид ул-кибар”, 506-ғазал)

СИЖЗИЙ, Абу Абдуллоҳ – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хуросондаги жавонмардлик тариқатининг йирик намояндаси. Сейистон ш.да туғилган. Абу Ҳафс Ҳаддод б-н ҳамсуҳбат бўлган. Таваккул ва тажрид мақоминининг соҳиби. Хирқа кийишни жуда катта масъулият деб ҳисоблагани учун дарвешларнинг махсус кийимида юрмаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

СИЗҒУРМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш бешинчиси. *Куйдирмоқ, ўртамоқ, эритмоқ; сездирмоқ* каби маъноларни англатади. Мазкур феъл ўзидан олдин жойлашган *ўртанмак* феъли билдирган маънодан нозик фарқ қилувчи куйишнинг эриш даражасига етганини англатади. С. феъли Навоийнинг бошқа асарларида учрамайди.

СИЙЛАНМОҚ – Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттиз биринчиси. Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, *совға, мукофат* маъносини англатган *сый* отидан эски ўзбек тилидаги *–ла* қўшимчаси б-н ясалган. Навоий ҳам бу сўзни *ҳурматланмоқ, сийланмоқ, ўзини ўзи силамоқ, сийпамоқ* маъноларида қўллаган.

СИЙМИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган нишопурлик шоир. Номи “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг шеърият, *муаммо* ва хаттотлик илмида шуҳрат қозонганлигини, бир куни подшоҳ мадҳида икки минг байт шеър битганлигини ва ўз муҳрига қуйидаги байтни ёздирганлигини айтади:

Як рўз ба мадҳи шоҳи покиза сиришт
Сиймий ду ҳазор байт гуфту бинавишт.

(Мазмуни: Покиза хилқатли подшоҳ

мадҳида Сиймий бир кунда икки минг байт айтди ва ёзди). "Мажолис ун-нафоис"да унинг "Нажм" исмига битилган муаммоси ҳам келтирилган.

СИЙПАМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик иккинчиси. *Совурмоқ, силамоқ, сийпамоқ* маъноларини англатувчи бу феъл Навоийнинг бошқа асарларида ҳам кенг қўлланилган:

Важҳни оз кунда борин сийпади,
Гавҳар олғач чун ул ишни англади.

("Лисон ут-тайр", 48-боб)

"Агарчи тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сийпамоқ бошқа офатдур, айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма".

("Маҳбуб ул-қулуб")

СИККАИ БЕҲБУД – олтин, кумуш ва чақа пул устида сўқилган тамғанинг устига янги тамға уриш орқали қийматини кўтариш; пул девальвацияси. Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 й. июнь-июль ойларида молиявий ислоҳот ўтказиб, пулнинг қурбини кўтариш учун С.б. уриш ҳақида фармон чиқарган. Навоий шеъриятида С.б. образ даражасига кўтарилган.

Тошларингдин яхшироқ бўлмоқ
танимда доғлар,
Сиккаи беҳбуд урғондек дурур динорға.

("Бадоеъ ул-васат", 545-ғазал)

СИМУРҒ, *Семурғ* – Шарқ халқлари мифологиясида сеҳрли, барча нарсага қодир қуш рамзи. У бургутсимон тумшуқли, катта қанотли, баҳайбат ва патлари ҳам сеҳрли бўлган улкан қуш тарзида тасаввур этилади.

С. "Авесто"да "Варағн", "Саэна иргға" шаклида келтирилган. Ўзбек халқ эртакларида ҳам С. образи давлат қуши, бахт қуши тимсолидир. Эртакларда С. подшоҳларни ўзига жалб этадиган, бир пати ярим подшоликка тенг ноёб қуш, гоҳ бош қаҳрамоннинг ҳомийси, гоҳ ҳимоячиси қиёфасида келади.

*Фирдавсий*нинг "Шоҳнома"сида Симурғ тимсоли ота-бола паҳлавонлар *Зол* ва *Рустам*нинг ҳомийси, нажоткор ва кўрқмас, доно ва муъжизакор қобилиятга эга образ тарзида намоён бўлади. Тас. манбаларида С. Аллоҳ таоло, Ақли Кулл, комил инсон, ғайб оламининг асрори маъноларида қўлланилгани қайд қилинади. Ишроқ фал.сида С. етакчи тимсоллардан бўлиб, Суҳравардий бу тимсол орқали ўз таълимотининг асосий тамойилларини ёритишга ҳаракат қилган.

Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарида С. бош қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Аттор бу образни ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитиб, рамзийлик анъанасига асосан унга Яратганнинг тимсоли вазифасини юклайди. С. сўзи қушлар подшоси номини англатиши б-н бирга, ундан форс тилидаги сўз ўйини орқали Симурғ – ўттиз қуш сўзининг ҳам пайдо бўлиши муаллиф мақсадига мос келади.

Навоий ҳам "Лисон ут-тайр"да С. образини ўз достонининг бош қаҳрамони қилиб олади. Навоий достонида ҳам С. идеал образ сифатида "парда орқасида" тасвирланади, яъни асосий воқеалар майдонига чиқмайди. Унинг таърифини "Лисон ут-тайр"да ҳам Ҳудҳуд сўзлайди.

Навоий С. таърифига Атторга нисбатан кўпроқ мулоҳаза ва тасвир юклайди. Е.Бертельснинг фикрига кўра, "Навоий қушларни ўзларининг сирли подшоси ҳақида қизиқишга икки ҳисса кўпроқ мажбур қилади."

Достоннинг *"Қушлар ўз нисбатларини С.га Ҳудҳуддин сўрғонлари"* бўлимида Навоийнинг С. тимсолига нисбатан Аттордан фарқли муносабати янада ойдинлашади.

Атторнинг фикрича, бу дунё, ундаги қушлар С.нинг сояси холос, яъни улар С.га интилганларидагина аҳамиятли. Қушлар (инсонлар)нинг бу дунёдаги ҳаёти ҳижрон ва айрилиқда. Аттор мана шу фикрни таъкидлар экан, унинг нуқтаи назари бўйича инсоннинг шахс сифатида мавжудлиги унинг С.га (Аллоҳ васлига) интилиши б-н аҳамиятли.

Навоий эса инсоннинг яратилишини ҳижрон ва айрилиқ эмас, балки Яратувчининг ҳикмати, деб баҳолайди. У "Мен махфий хазина эдим, ошкор бўлишни хоҳладим" мазмунидаги қудсий ҳадисга асосланиб шундай фикрга келади.

Достон якунида бу фарқ яна ... намоён бўлади. Бир қарашда бир хилдай ту-

юлган бу фикр икки даҳо ижодкор қаламида икки хил хулоса беради: Аттор фикрича, ўттиз қуш (тариқат йўлидаги соликлар) риёзат чекиб С. (Ҳақ таоло) даргоҳига етдилар ва унга айландилар, яъни ўзликдан юксакликдаги илоҳий Узликка етдилар.

Навоийнинг нуқтаи назари бўйича эса ўттиз қуш (тариқат йўлидаги соликлар) риёзат чекиш асносида табиатлари софланиб, ўзларидаги С.ни (Аллоҳнинг зуҳурини) кашф қилдилар, яъни ўзларидаги Илоҳий Узликни қайта кашф этдилар.

Демак, Навоий достонида С. – ўттиз қуш, Аллоҳнинг рамзий тимсоли талқинидан ташқари янги – комил инсон маъносини ҳам англатади.

Шуҳрати Симурғ ила офоқ аро,
Зоти мамлу чарх олий тоқ аро.
("Лисон ут-тайр")

СИНҒАН САФОЛ – Навоий кашф қилган тасаввуфий тимсоллардан бири. Совет тузуми – дин ва тас.га йўл берилмаган, таъқиқланган даврда А.Рустамов: "С.с.дан мурод, биринчидан, синиқ кўнгил, яъни дардли кўнгил, иккинчидан, фақр, яъни бойликка ҳирс қўймасликдир. Ҳақиқат майининг айшини суриш учун ортиқча молу мулк, олтин-кумуш бўлиши шарт эмас", деб ёзган эди. Н.Комиловнинг фикрича С.с. ишқ майидан маст хароботийларни англатади. У Яссавий ижодидаги "кўнгли бутун" ва "кўнгли синиқ" тимсолларининг моҳиятини тушунтирар экан, "кўнгли бутунлик – илоҳий жазба ва ишқдан бехабарлик, кўнгли синиқлик эса илоҳий ишқ шавқига тушган одам қалби"ни билдириши ҳақидаги фикрни илгари суради. А.Қурбонов Навоийнинг кўплаб байту ғазаллари таҳлили мисолида бу иборанинг маъно доирасини анча кенг ва чуқур тадқиқ қилади. Унинг хулосасига кўра: "Соф май ҳам, лойқа май ҳам суфиёна истилоҳда илоҳий тажаллий бўлса ҳам, уларнинг бир-биридан фарқи бор: соф май сифотий тажаллий бўлиб, сифотий тажаллий Ҳақ етти зотий сифатининг кўнгилда жилва қилишидирки, бу даражага етишиш учун солик фоний бўлиши лозим. Май лойқаси эса осорий тажаллий бўлиб, осорий тажаллий илоҳий жамолнинг мулк олами, яъни биз яшаб турган олам ашёларида жилва қилишидир. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, соф май ва май лойқаси илоҳий тажаллийнинг икки кўриниши – икки босқичи бўлиб, соф май илоҳий жамолнинг олами аъло – юксак оламда, лойқа май эса илоҳий жамолнинг олами суфло – қуйи оламда жилва қилишидир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: С.с – зоҳирий оламга хос ҳусн жилваланган кўнгил.

Маълум бўладики, С.с.нинг маъно доираси анча кенг бўлиб, у – синиқ кўнгил, дардли кўнгил, илоҳий ишқдан бохабар кўнгил, фақр, қадаҳ ва жом тимсолидир. Бу истилоҳ воситасида шоир илоҳий ишқдан бехабар ва бохабар кишиларни ўзаро зид қўйиб тасвирлайди. Жамшид жомига қарши қўйилгани, гоҳи ҳатто ундан устун саналгани б-н охир-оқибатда С.с. ҳам Жамшид жомига айланади.

Эй хуш ул майким, анга зарф
ўлса бир синған сафол,
Жом ўлур гетийнамо,
Жамшид – ани ичган гадо.
("Гаройиб ус-сиғар", 1-ғазал)

СИНГРАМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг қирқ еттинчиси. Навоийнинг таъкидлашича, туркий тилдаги *сингранмоқ* феъли *дард б-н яширин, оҳиста йиғламоқ* каби маъноларни ифодалаш учун қўлланган.

Ва инграмоқ ва синграмакким,
дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур:
"Истасам давр аҳлидин
ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим,
гаҳ синграмак".
("Муҳокамат ул-луғатайн")

СИНГУРМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг саксон биринчиси. Ушбу феъл Навоий асарларида *қайғурмоқ, ғамни ичига ютмоқ, нола қилмоқ, сингдирмоқ, ҳазм қилмоқ* маъноларида қўлланган.

Кўп мададдур ҳажр андухида
совуғ оҳлар,
Ким сингурса мен киби
ўзига қасди жон қилур.
("Гаройиб ус-сиғар", 156-ғазал)

СИНЖОНИЙ, Амир Қавомиддин (1334–1416) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Хавоф кентидаги Синжон қишлоғининг оқсоқоли бўлган. Илоҳий жазба етиб, тариқатга кирган. Унг қўлини Худо йўлига вақф қилиб, унинг воситасида бажарган ишлари учун ҳақ олмаган. Жалолиддин Румий ғазалларига кўп татаббуъ ёзган. Шайх Зайниддин Хавофий б-н замондош ва ораларида ўзаро ёзма мулоқот бўлган. "Жунун ул-мажонин" ("Ишқ девоналарининг жунунлари") номи б-н бир китоб ёзиб, унда тас.га оид фикрларини баён этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

СИПҚОРМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг етмиш биринчиси. Навоийнинг таъкидлашича, туркий тилдаги мазкур феъл *шимирмоқ, ҳеч қолдирмай ичмоқ, даст кўтариб ичмоқ* каби маъноларни ифодалайди.

"Шуаро акобиридинки, баъзи "май" таърифида муболаға қилибдурлар ва бу мўътаддун бих амредурки, май ичмоқ қавоидида сўз кўп суруп, зарофат ниҳоятсиз зоҳир қилурлар. Бири сипқармоқ лафзидурки, муболаға мундин ўтмас. Туркча назмда бу матлаъ бордурким":

"Соқиё, тут бодаким,
бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча
тутсанг лабо-лаб сипқарай".
("Муҳокамат ул-луғатайн")

СИР – ўзгалардан махфий тутилган ёки ҳақиқати ҳеч кимга маълум бўлмаган бирор сўз, иш, нарса ва б. Ирфоний манбаларда С. қуйидагича шарҳланган: бир гуруҳ мутасаввифлар С.ни аъён (ўзгармас моҳиятлар) ва Ҳақ таоло б-н банда ўртасидаги яширин қоладиган ҳол, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ақидаси бўйича, Ҳақ таоло ва банда ўртасида бир С. борки, Ҳақ таоло ва бандадан ўзга ҳеч кимга маълум эмас. Бундан ташқари, сирр ус-сир деган бир нарса борки, Ҳақ таоло Зотидан ўзга ҳеч ким ундан хабардор эмас.

Мутасаввифларнинг бошқа бир гуруҳи С.ни руҳ ва қалб каби руҳоний латифа (моддият оламидан хориж бўлган борлиқ тури) ва мушоҳада жойи, деб билганлар. Улар ўз навбатида С.ни таърифлашда бир неча гуруҳга бўлинадилар. Айримлари С.ни қалб ва руҳдан устун турадиган руҳоний латифлик деб билсалар, бошқа бир гуруҳ С.ни қалб ва руҳ ўртасидаги латифлик деб талқин қиладилар. Абдуллоҳ Ансорий бу ҳақда шундай ёзади: *"Бу жамоатнинг С.ни руҳдан устун латифлик деб билишларига сабаб шуки, улар руҳни қалб ва нафс тааллуқоти (боғлиқлиги)дан буткул қутулган ҳолатда олдин бўлмаган бир сифатда кўрдилар. Ўйладиларким, бу руҳдан устун бошқа бир руҳоний латифликдир. Улар бу нарса аслида янги ва нодир бир сифат б-н сифатланган ўша руҳ эканлигидан бехабар қолдилар".*

С.ни латифликда қалбдан устун ва руҳдан қуйи деб ҳисоблаганларнинг бу фикрга келишларига сабаб шуки, қалб ҳоллар мартабасининг ниҳоясида буткул нафсоний булғанишлардан озод бўлиб, нафс қутқулари ва шайтоний васвасалардан қутулади ва шундай янги ва нодир бир сифат б-н сифатланадиким, буни айримлар қалбдан ўзга бир латифлик деб ўйладилар.

Иззуддин Кошонийнинг таъриф беришича, С. – руҳнинг энг ички қисмида жойлашган латиф бир маънодирким, ақл унинг тафсиридан ожиз қолади. Шунингдек, С. – қалбнинг сувайдоси (қалбнинг энг чуқур жойи)да яширин бир латиф маънодирким, тил уни тавсифлашга иқтидорсиз. Тил – қалбнинг таржимони бўлганидек, ақл ҳам руҳнинг таржимонидир. Руҳ ғайб оламдан кашф қилган нарсаларни ақл моҳият назари-ла уни мушоҳада этиб, қалбга етказади, аммо айрим ҳолатларда руҳ кашф қилган нарсаларнинг моҳиятини англашда ақл ожиз қолиб, қалбга етказишга қийналади. Худди шунингдек, қалб ҳис этган нарсаларнинг барчасини ҳам тил таърифга келтиришга ожиз қолади. Руҳдан қалбга етказилмаган ёки қалбдан тилга кўчмаган латиф маънолар С. ҳисобланади.

Абдураззоқ Кошоний С.ни онгости сезимлар мажмуи деб билади. Нажмиддин Доя С. деб, тажарруд ва сафо туфайли руҳ

мақомидаги латифликка эришган қалбни назарда тутган.

Ҳақ сиррини ҳар кимга
баён этма, Навоий,
Тағн айламагай, билмас
улус англаса ногаҳ.
("Фавоийд ул-кибар", 526-ғазал)

СИРВОНИЙ, Абулҳусайн Али бин Муҳаммад – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тас. сирларини Абубакр Мавозиний ва Абубакр Мағозилийдан ўрганган. Абулҳусайн Саркий, Абуллаббос Суҳравардий, Абубакр Тарсусий, Абулҳусайн Жаҳзам Ҳамадоний, Абулхайр Ҳабаший, Абусаид Шерозий, Шайх Муҳаммад Соғаржий суҳбатига мушарраф бўлган. *Абулҳусайн Сирвоний Сағир* ва *Шайх Аму*нинг устози. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СИРВОНИЙИ САҒИР, Абулҳусайн Али бин Жаъфар бин Довуд – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тариқат сирларини Абулҳусайн Сирвоний Кабир, Иброҳим Хаввос, Муъоз Мисрийдан ўрганган. Абубакр Мавозиний, Жунайд Бағдодий, Абубакр Шиблий, Абулхайр Тайнотий, Абу Али Рудборий, Абубакр Каттоний, Абу Али Котиб, Абубакр Мисрий, Шайх Аму, Абуллаббос Суҳравардий, Шайх Абулҳасан Саркий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Ўз замонида Макка шайхи бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СИРЖОНИЙ, Абу Али – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Тавозе ва хоксорликда ўз замонасида беназир бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СИРМАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг ўттиз бешинчиси. Мазкур феълнинг *юлиб олмоқ, илиб олмоқ, уғирламоқ, англамоқ, ажратилмоқ, ажратиб олинмоқ, шипириб олмоқ, чирмамоқ, шимармоқ* маънолари ҳам мавжуд.

Анингдек сирмадим Биржисдин тож,
Ки боши тайласонға бўлди муҳтож.
("Фарҳод ва Ширин", 54-боб)

"СИРОЖ УЛ-МУСЛИМИН" ("Мусулмонлар чироғи") – Алишер Навоийнинг диний мавзудаги асари. Ҳижрий 905-да (милодий 1499–1500-й.) ёзилган бўлиб, жами 208 байтдан иборат. "С."да муаллиф ҳар бир оддий мусулмон билиши зарур бўлган ақидавий ва фиқҳий масалаларни ёритишни мақсад қилиб, исломнинг беш рукнини қисқача тарзда ўзбек тилида баён этган. "С." басмала боби, китобнинг ёзилиш сабаби баён этилган боб, турли диний мавзуларга бағишланган 25 боб ва хотимадан иборат. Беш байтли басмала бобида Навоий аввал одоб доирасида ҳамд, наът ва салавот айтиб, сўнг ушбу асарнинг ёзилиш тарихини қуйидагича баён этади: Султон Ҳусайн Бойқаронинг бевосита рағбати ва ҳиммати туфайли ҳам маъ-ий обидалар, ҳам кўплаб бинои хайрлар қуришга муяссар бўлган Навоийнинг бу ишлари турли мажлис ва маҳфилда суҳбат мавзусига айланган. Ана шундай маҳфилларнинг бирида Навоийнинг хайрихоҳларидан бири унинг саъй-ҳаракати туфайли бунёд этилган "олий работ"ни мақтаб қолади. Шу мажлисда султоннинг яқин кишиларидан бўлган бошқа бир киши, "шеърларида ишқу ошиқликни мадҳ этиб, дину диёнат уйини хароб этувчи кишининг бинойи хайр қурдириши ҳисобга ўтармикан?" деган маънода эътироз билдиради. Бу хабар Навоийга етиб келган. танқидда қайсидир маънода жон борлигини англаган шоир ақида ҳамда ислом аркони масалаларини оддий туркийзабон кишиларга тушунарли тил ва услубда соф диний асар ёзишни ният қилади. Аммо ушбу пайтда турли ташвиш ва муаммолар сабаб унинг бу нияти амалга ошмай қолади. Бир куни Самарқанд шаҳридан Ҳиротга келган мартабали бир киши Хожа Аҳрор б-н суҳбатлари чоғида Навоийни ҳам эсга олиб, "диний мавзуда ҳам бир асар яратса, яхши бўларди", деганини айтиб қолади. Натижада, бурунроқ режалаштирилган хайрли иш Хожа Аҳрорнинг таклифи б-н амалга ошади.

Навоий асарда дастлаб шариат ҳукмлари ҳамда ақида қоидаларини баён қилади. Бу бежиз эмас. Чунки шариатда эътиқод бирламчи, амал эътиқодга нисбатан иккиламчи даражада туради. Худога ва Унинг пайғамбарига эътиқод қилмасдан туриб, шариат аҳкомларини бажариш – илдизи йўқ дарахтни парвариш қилиш каби самарасиз. Шунинг учун ҳар бир инсон энг аввало эътиқод асослари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиши лозим:

Амалдин чун бурун келди ақойид,
Бас, андин еткурай аввал фавойид.

Аллоҳ таоло ақл-ҳуши жойида ҳамда балоғатга етган бандасига фарз қилган биринчи нарса – имон келтиришдир. Имон келтириш – 1) бутун борлиқни йўқдан бор қилган, ўхшаши ва тенги йўқ яккаю ягона Аллоҳга; 2) Аллоҳ яратган фаришталарга; 3) Аллоҳ юборган илоҳий китобларга; 4) Аллоҳ бандаларига юборган пайғамбарларга; 5) қиёмат кунига; 6) тақдири илоҳийга шак-шубҳасиз ишониш ва унга амал қилиш демак.

Навоий имоннинг моҳиятини шарҳлар экан, ақида илмининг муҳим масалаларидан бири – Аллоҳ таолонинг зотига оид саккиз сифатини келтиради. Шунингдек, мусулмон киши эътиқод қилиши лозим бўлган – қабр азоби, икки фариштанинг савол-жавоби, қиёмат куни Аллоҳни кўриш мумкинлиги, сирот кўприги ва гуноҳ-савоблар тарозуси, жаннат ва дўзахнинг борлиги, пайғамбарлар мўъжизалари, охирзамон пайғамбарининг қиёмат куни шафоат қилиши каби бир қатор ақидавий масалаларни ҳам баён этади. Бу масалаларни қисқача бўлса-да, тилга олишдан асосий мақсад, аввало аҳли суннат ва жамоанинг эътиқодини баён этиш, шу баҳонада маслак ва мазҳабини ҳам очик-ойдин равишда мотуридия эътиқодида эканлигини билдиришдир. Чунки ақидавий масалалар турли мазҳабда турлича амал қилган. Навоий баҳсга киришмасдан, ўзи эътиқод қилган ҳақиқатларни келтириб, хулоса чиқаришни ўқувчига ҳавола қилишни маъқул кўрган.

"Ислом арконининг шарҳи" боби б-н бошланадиган қисмда Навоий ислом динининг беш рукни – шаҳодат калимаси, намоз, закот, рўза ва ҳаж ҳақида маълумот беради. Шаҳодат калимаси – Аллоҳ таолонинг ягона маъбуд ҳамда Муҳаммад Унинг расули деб гувоҳлик бериш эканлигини қайд этиб, сўнг "салоти хамс" – беш маҳал фарз қилинган намознинг шарт ва тартибларини келтиради. Намознинг биринчи шарти поклик бўлганлиги сабабли, олдин таҳоратнинг тўрт фарзи – юзни ювиш, икки қўлни икки тирсаги б-н қўшиб ювиш, бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш, икки оёқни тўпиғигача ювиш ҳақида маълумот беради. Таҳорат суннатлари 12 та бўлиб, улар – "бисмиллоҳ" сўзини айтиш, ният, қўлни бўғимлари б-н уч марта ювиш, оғизни уч марта чайиш (мазмаза), уч марта бурунга сув олиб қоқиш (истиншоқ), соқол ва қўл-оёқ бармоқларини хилол қилиш, ҳар бир аъзони уч марта ювиш, таҳорат тартибларини ўзгартирмаслик, ҳар бир аъзони кетма-кет ва узлуксиз ювиш (муволот) дан иборат. Ундан сўнг таҳоратнинг 6 та мустаҳаби – ният, муволот, бошга масҳ тортиш, тартиб, бўйинга масҳ тортиш, ҳар бир аъзони ювишда ўнг томондан бошлаш каби амаллари ҳақида сўз боради. Мустаҳаб деб кўрсатилган ният, муволот, бошга масҳ тортиш ва тартиб аслида суннат бўлиб, олдинги бобда суннатлар сифатида қаламга олинган. "Вузуъ ноқизлари" бобида таҳоратни бузадиган нарсалар ҳақида фикр юритилган. Кейинги бобда эса ғуслни вожиб қилувчи сабаблар санаб ўтилган. Ундан сўнг ғуслнинг фарзлари (оғизни чайиш ва бурунга сув олиб қоқиш, сўнг барча аъзоларга сув қуйиш) ва суннатлари (аввал қўлни, сўнг аврат аъзолари ҳамда нажосат теккан жойларни ювиш, таҳорат олиб, сўнг барча аъзоларга сув қуйиш) келтирилган. Намоз ўқишга пок бўлиш учун таҳорат ва ғусл қилиш учун имкон бўлмаганида қўлланиладиган таяммумнинг фарзлари (ният, покловчи тупроқ жинсини махсус суратда икки қўл ва юзга суртиш) ва таяммумни бузадиган нарсалар (таҳоратни бузадиган нарсалар ҳамда ичиш учун зарур бўлган сувдан ташқари, таҳоратнинг фарзини бажаришга етарли сув топилиши) ҳақида маълумот берилганидан сўнг намознинг фарзлари ҳақида сўз боради. Намоз фарзларидан олтитаси намоздан ташқарида бўлиб,

улар – таҳоратли бўлиш, намоз ўқиладиган жой покиза бўлиши, аврат аъзоларини беркитиш, намознинг қайси вақтда эканлигини билиш ва шунга риоя этиш, қиблага юзланиш, ният қилишдир. "Намозда олти дохил фарзнинг баёни" бобида такбир, намозда қиёмда бўлиш, қироат, рукуъ қилиш, саждага бориш, охирида қаъдада ўтиришдан иборат бўлган олтита ички фарз баён этилган. Сўнг еттита вожиб амаллар – "Фотиҳа" сурасини ўқиш ва унга яна бир сура зам қилиш, белгиланган тартибга риоя қилиш, аввалги икки ракъатда қироат қилиш, сажда, рукуъ ва бошқа амалларида бир муддат тин олиб туриш, уч ва тўрт ракъатли намозларда иккинчи қаъдада ташаҳҳуд ўқиш тартиб б-н келтирилган. Намознинг суннатларига шарҳ бераркан, бу суннатлар жами 20 та бўлиб, 10 таси қавлий (нутққа тегишли) ва 10 таси феълий (амалий) эканлигини қайд қилади. Қавлий суннатлар – санони ўқиш, "аъузу биллоҳ" ва "бисмиллоҳ"ни айтиш, "Фотиҳа" сурасидан кейин "омин" дейиш, рукуъдан туришда "Самиъаллоҳу лиман ҳамидах" дейиш, учинчи ва тўртинчи ракъатларда "Фотиҳа" сурасини ўқиш (дастлабки икки ракъатда "Фотиҳа" ўқиш фарз амаллардан ҳисобланади), рукуъ ва саждада икки такбир ("Аллоҳу акбар" дейишлик) ва икки тасбеҳ (рукуъда уч марта "Субҳона Раббиял-ъазим", саждада уч марта "Субҳона Раббиял-аъло" дейиш)ни айтишликдан иборат. Феълий суннатларни адо этиш учун қўлни қулоққача кўтариш, қиёмда ўнг қўлни чап кўл устига қўйиш ва нигоҳни сажда ўрнига қаратиб туриш, рукуъда қўлни тиззага қўйиб, шу ҳолатда белни текис тутиш, саждада кафтлар қаерга қўйилса, бошни уларнинг орасига қўйиш, сажда қилганда қоринни тиззадан, қўлни оёқдан узоқ тутиш, чап товон устига ўрнашиб, ўнг оёқ бармоқларини қиблага қаратиб ўтириш лозим бўлади. Намозлар умумий ҳисобда ўн етти ракъат (бомдод – икки, пешин ва аср – тўрт ракъатдан, шом– уч, хуфтон – тўрт ракъат) бўлиб, хуфтонда уч ракъат витр намози вожиб қилинган. Суннат намозлари эса жами ўн икки ракъатдир:

Икирар ракъат ўлди субҳ ила шом,
Ул икки туртар англа барча айём.

Исломнинг учинчи рукни – закот ҳақида маълумот бераркан, закот – моли нисобга етган киши учун фарз бўлиб, мол-давлатидан қирқдан бир ҳиссани мустаҳиқ – закот олишга ҳақли бўлган инсонларга бериш буюрилгани, аммо кийиб юрилган кийим-кечаклар, зарурий эҳтиёжга қўлланиладиган от-улов ва бошқа нарсалардан закот берилмайди. Навоий талқинида, закот – балоларни қайтарувчи ҳамда қиёмат куни гуноҳларни енгиллатувчи амаллардан ҳисобланади:

Адосида балонинг радди англа,
Яна қилмоқ сабукбор узни тонгла.

Исломнинг тўртинчи рукни – рўза тутиш рамазон ойи давомида тонгдан шомгача таом, ичимлик ва жинсий яқинликдан узоқ бўлишлик фарз этилган. Фарз рўзаларда тонг отмай туриб ният қилиш афзал, нафл рўзаларда эса пешингача ният қилиш жоиз эканлиги билдирилган. Рўзани бузмайдиган нарсалар сифати чивин, пашшадек майда нарсаларнинг бехосдан оғизга кириб кетиши, туз ё сиркани тил учида тотиш, қон олдириш, гўдакка овқатни чайнаб бериш, рўзадор экалигини унутиб, бирор нарса еб ё ичиб қўйиш каби ҳолатларни келтириб, сўнг рўзани бузадиган ҳолатлар ва уларнинг каффорати ҳақида маълумот берилган. Жисмга озуқа ёки лаззат бермайдиган нарсалар б-н рўзасини бузган киши бир кунига бир кун қазо рўзасини тутиб беради. Агар озиқланиш ёки шаҳватга берилиш сабабли рўза бузилса, олтмиш кун сурункали тарзда рўза тутиш, бир қулни озод этиш ёки олтмиш кишини таомлантириш кафорат қилиб белгиланган. Исломнинг бешинчи рукни – ҳаж ҳам фарз амаллардан бўлиб, бу амалнинг фарзга айланишига муайян шартлар мавжуд. Улар – ҳаж қилишга моддий имконият, йўлнинг бехатарлиги, қарздор бўлмаслик, ҳаж сафарида бўлиш муддатига етадиган оиланинг таъминоти мавжудлиги, ҳаж сафарига чиқишга монеълик қила оладиган касаллик йўқлиги бўлиб, бу шартлар ижобий ҳал қилинганда ҳаж амалини бажо келтириш фарз бўлади.

Хотима қисми асарнинг ёзилиш санаси (ҳижрий 905/мил. 1499-1500-й.), асарнинг номланиши қайд қилиниб, дуо истаги б-н тугайди.

"С."нинг содда тил, равон услуб ҳамда мантиқий изчиллик б-н ёзилганлиги ўрта асрларда урф бўлган "назми таълимий" (шеър б-н ёзиладиган ўқув қўлланма) анъаналарини эслатади. Араб ва форс шеъриятида фал. ва ирфон, ахлоқ ва дин, риёзиёт ва луғатшунослик фанларига бағишланган шеърий асарлар мавжудлигидан яхши хабардор бўлган Навоий "С." воситасида ушбу анъанани туркий шеъриятга ҳам жорий қилишга эришган. Шунингдек, Ҳусайн Бойқаро олиб бораётган бағрикенглик сиёсати туфайли Ҳиротда фаолият олиб бораётган бошқа мазҳаб ва фирқаларнинг ақидаларини камситмаган ҳолда ўзи эътиқод қилган аҳли сунна ва жамоанинг мўътадил қарашларини ҳимоя қилиб чиққан. "С." ўзбек тилида яратилган илк диний-ақидавий манбаларнинг бири сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

"СИРОТ УЛ-МУСТАҚИМ" ("Тўғри йўл") – Амир Ҳусайнийнинг сайру сулукнинг моҳияти ва соликнинг вазифалари ҳақида форс тилида ёзган қисқа рисоласи. Навоий ушбу китоб ҳақида "Насойим ул-муҳаббат"да маълумот беради.

"СИТТАИ ЗАРУРИЯ" ("Олти зарурат") – Алишер Навоийнинг форсий тилда яратган қасидалари туркуми. "Девони Фоний" таркибига киритилган. Олти қасидадан иборат бўлиб, уларнинг мавзуси ҳақида "Муҳокамат ул-луғатайн"да шундай маълумот берилади: "Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва мавъизатдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат". Ушбу қасидалар *"Руҳ ул-қудс"*, *"Айн ул-ҳаёт"*, *"Туҳфат ул-афкор"*, *"Қут ул-қулуб"*, *"Минҳож ун-нажот"*, *"Насим ул-хулд"* деб аталиб, улардан "Туҳфат ул-афкор" 1476 й.да, қолганлари 1494–1497 й.лар орасида ёзилган. "С." махсус дебочага эга. Унда қасидалар туркумининг яратилиш сабаблари, номланиши, мавзуи ҳақида маълумот берилади. "С."ни тузишга Навоийни аввал устози Жомий, унинг вафотидан сўнг эса Султон Ҳусайн Бойқаро илҳомлантирган. Бу ҳақда мажмуага ёзилган дебочада маълумот келтириб ўтилади. "С." Аллоҳ ва олам алоқадорлигига доир ҳодисаларнинг узвийлиги, Илоҳиёт ва илоҳиётга яқинлаштирувчи Комиллик тариқати б-н боғлиқ ғояларни баён этувчи яхлит бир туркумдир. Ундаги олти қасида Рух қувасидаги олти жиҳатни ўзида акс эттиради. Улардан биринчисида илоҳий тавҳид – олам ягоналиги, ягона абадий ва азалий борлиқ, ягона Парвардигорнинг қудрат ва азимати мадҳ этилса, иккинчисида Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг меърожи тасвирланади, учинчи қасидада фақр ва салтанат ўзаро қиёсланиб, фақирнинг улуғлиги тавсифланади, тўртинчи қасидада дунёнинг фонийлиги, фалакнинг золимлиги таъкидланиб, инсонларнинг бу ўткинчи дунёга меҳр қўймай, руҳий-маъ-ий юксалишга эътибор қилишлари зарурлигига диққат қаратилади, бешинчи қасидада жаннатдан қувилган Одам Ато фарзандларининг Комил инсонга хос бўлмаган номуносиб ахлоқи танқид остига олинади ва олтинчи қасидада ана шу нуқсонлардан қутулиш йўли тариқат эканлиги, тас. ва тариқат – комилликнинг бош йўли эканлиги таъкидланади.

"С."даги қасидалар ўзаро бир-бирига вобаста бўлиш б-н бирга уларнинг ҳар бири алоҳида хусусият ва услубга эга, чунончи бирида қиёсий ташбиҳлар, бошқасида таҳлилийлик, яна бирида тасвирий усул етакчилик қилади. Мас., "Руҳ ул-қудс" самовий ва ердаги ҳодисаларни кетма-кет баён этиш, бу ҳодисаларнинг илоҳий қудрат натижаси эканлигини тафаккурий таҳлил орқали очиб бериш асосида яратилган бўлса, "Айн ул-ҳаёт" қасидасида ҳам тамсил, ҳам баён, ҳам кўтаринки руҳдаги тасвирлар бор. "Туҳфат ул-афкор"да тамсил келтириш, араб ҳарфлари асосида тимсол яратиш (китобат санъати) асосий ўрин эгаллайди. Қасидада ҳар бир байтнинг биринчи мисрасидаги фикр иккинчи мисрада бир ташбиҳий мисол б-н далиллаб борилади. "Минҳож ун-нажот" эҳтирос ва замирида танбеҳ – насиҳат оҳанги устувор тил б-н ёзилган.

Олти қасидада аруз тизимининг уч вазни қўлланилган: "Руҳ ул-қудс" ва "Қут ул-қулуб" мужтасс баҳрида, "Айн ул-ҳаёт" ва "Туҳфат ул-афкор" рамали мусаммани мақсур вазнида, "Минҳож ун-нажот" ва "Насим ул-хулд" қасидалари эса ҳазажи

мусаммани солим вазнида ёзилган. Бу ҳар бир қасидага хос алоҳида салобатли маром ва оҳангни юзага келтиришга хизмат қилган. "С." қасидалар туркуми бўйича Ҳ.Сулаймон, М.Қодирова, Н.Комилов илмий изланишлар олиб борган.

СИҒИНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг уттиз саккизинчиси. Ҳоз. ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланадиган мазкур феъл Навоий асарларида *топинмоқ, сажда қилмоқ; умид билдирмоқ, ихлос қўймоқ* сингари маъноларда қўлланган:

Яқинроқ сиғинди висол истабон,
Висол авжиға иттисол истабон.

("Садди Искандарий")

СИРРИҚМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг уттиз еттинчиси. Манбаларда мазкур феълнинг *яширинмоқ, писиб (биқиниб) кетмоқ; чақмоқ, хабар бермоқ, сиғдирмоқ, жойланмоқ* каби маъноларни англатиши айтилган. Навоийнинг бошқа асарларида С. феъли айни шу шаклда қўлланилмаган.

"СИҲОҲИ СИТТА" ("Олти саҳиҳ") – аҳли сунnат ва жамоат томонидан энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтита ишончли ҳадислар тўплами. Булар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–874)нинг "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ", имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (819–874) нинг "Ас-саҳиҳ ал-Муслим" (бу икки асарни "Саҳиҳайн" – икки ишончли тўплам деб ҳам аташади), имом Абу Исо Муҳаммад ибн ат-Термизий (824–892)нинг "Сунани Термизий", имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (817–880)нинг "Сунани Аби Довуд", имом Аҳмад ан-Насоий (830–915)нинг "Сунани Насоий", Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа (824–886)нинг "Сунани Можжа" номли ҳадислар тўпламидир.

СОБИТ ХАББОЗ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Касби – новвойчилик. Жунайд Багдодий ва Руваймдан тас.дан сабоқ олган. Тариқатда саҳв тарафдорларидан бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "Нафаҳот ул-унс"даги ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан келтиради.

СОВРУЛМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг йигирма бешинчиси. Мазкур феъл Навоий асарларида *шамолда учиб сочилмоқ, тузмоқ* каби маъноларни ифодалаш учун қўлланган: *"Баҳор фасли бўлуб айш гули очилғони ва ғам хазони елидин сабри хирмони совурулғани бобида дейилибдур"*.

("Мажолис ун-нафоис")

"Девони луғотит-турк"ка кўра, қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл *савур* тарзида талаффуз қилинган: cawурді – совурди, шопирди; *әр тарiғ cawурді* – одам бугдойни хирмонда шопирди (совурди, тозалади).

СОЙИЛ – 1) савол берувчи:

Сойил этиб бўлса дури нукта гўш,
Оғзи садаф оғзидек ўлди хамўш.

("Ҳайрат ул-аброр", 23-боб)

2) тиланчи, гадо, дарвеш, фақир:

Шоҳ дарду ишқ агар қилса ҳавас,
бор уйлаким,
Сойил эткай салтанат жоҳу
жалолин орзу.

("Фавойид ул-кибар", 516-ғазал)

3) фақру фано ва илоҳий ишқ маслагини ихтиёр этиб, ўз ҳожатини Яратгандан ўзгага изҳор этмасдан, ҳидоят талабида бўлган дарвеш, тариқат аҳли:

Фано дайрида сойилиқни
султонликдин ортуқ тут
Ки, ўлмакликда тенгдурлар
агар сойил, агар султон.

("Фавойид ул-кибар", 450-ғазал)

СОЛБЕҲ, Абулҳусайн (вафо. 1080) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Шайх Абу Муслим Фасовийнинг шогирди. Ўзи ҳам кўплаб шайхларни тарбиялагани учун "Шайх уш-шуюх" ("Шайхлар шайхи") унвонига сазовор бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СОЛИК – тасаввуфий тарбия б-н машғул киши, тариқат аҳли. Ўзликни англаш орқали Ҳақ таолога етмоқни мақсад қилиб, руҳий-ахлоқий тарбия йўлига кирган сўфий. Имом Ғаззолий "Мезон ул-амал" китобида С.нинг асосий аломатлари ҳақида шундай ёзади: "Билгилки, Аллоҳ йўлидаги ҳақиқий солик оздир ва соликман, деб даъво қилувчилар кўпдир. Биз сенга соликнинг икки аломатининг таърифини берурмиз, токим, кўзинг очилиб, нафсинг уларни танишга имкон топсин. Биринчи белги шуки, соликнинг жамийки ихтиёрий аъмоли шариат мезонларига мос келиши шарт. Унинг сўзлари, босган қадами, эзгу амалларга рағбати ҳамда ёмон ишлардан нафсини жиловлаши – барчаси шариатга мос бўлсин, негаки бу йўлда сулук қилиш фақат шариат макорими б-н зийнатлангандан кейингина мумкин бўлади. Шариат амалларини тўкис бажариш эса гўзал ахлоқ б-н хулқланган кишиларгагина насиб этади.

Иккинчи белги шуки, соликнинг қалби барча ҳолатларда Аллоҳ ёди б-н машғул бўлиши шарт. Бунда қалб ҳузури такаллуф юзасидан эмас, балки хузуъ, хушуъ ва синиқлик б-н вужудга келиши керак. Ўшанда солик Аллоҳнинг буюклиги ва азамати мушоҳадасидан руҳий маъ-ий лаззат олиб, Унинг жалоли ва жамолининг баҳосини биладиган бўлади".

Навоий давлати боқий тилар
булсанг яқин билким,
Эрур соликка мушкил топмоқ
ани бўлмайин фоний.
("Гаройиб ус-сиғар", 596-ғазал)

СОЛИМИЙ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Аҳмад Солим Басрий – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. *Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий*га ўттиз йилдан ортиқ муридлик қилган. Валийликнинг аломатлари – ширинзабонлик ва тўғрисўзлик, гўзал ахлоқ, очиқюзлилик, саховатпешалик, инкор ва эътирозга йўл бермаслик, ҳамиша ризо ва шукр мақомида туришлик, кечиримлилик, ёмону яхшига бирдек шафқатли бўлишда деб билган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СОЛИҲ I – яхши ишлар қилувчи, гўзал ахлоқ соҳиби, тўғри йўлдаги киши. Журжонийнинг талқини бўйича, С.ларнинг мартаба ва даражаси зоҳидлар ва обидлардан ҳам улуғроқдир. С. киши бўлишнинг олтита шарти бор: 1) роҳат-фароғатга берилмаслик; 2) иззатталаб ва ҳашаматга ўч бўлмаслик; 3) одамларнинг манфаатини ўзининг роҳатидан устун қўйишлик; 4) кам ухлаб, бедор ва огоҳ бўлишлик; 5) дарвешлар табиатида бўлмоқлик; 6) дунёвий орзу-истаклардан воз кечиб, охират сафарига мудом тайёр турмоқ.

Азалда чунки раҳам топти
толиҳу солиҳ,
Манга бу пандларинг бежиҳаттур,
эй носиҳ.
("Фавойид ул-кибар", 101-ғазал)

СОЛИҲ II – Самуд қавмининг пайғамбари. Қуръони Каримнинг "Аъроф" сураси (73, 79-оятлар) ҳамда "Шамс" сурасида (13-оят) С. ҳақида маълумот берилган. Бутпараст бўлган қавмини узоқ йиллар яккахудоликка асосланган Нуҳ пайғамбар шариатига даъват қилади. Кўпчилик унинг даъватини қабул этмай, мўъжиза талаб қиладилар. С.нинг дуоси барокати ва Ҳақ таолонинг иродаси б-н харсангтош ёрилиб, ичидан туя ва бўталоғи чиқади. Ўшанда ҳам қавм С.нинг пайғамбарлигини тан олмайди. Самуд қавми ўттиз йилдан сўнг туяни ўлдиради, бўталоғи эса тоққа қочиб кетади. С. қавмини Ҳақ таоло интиқомидан огоҳлантиради. Биринчи кун қавмнинг юзи сариқ, иккинчи куни тўқ қизил, учинчи куни қора бўлади. Сўнг малакут оламидан маҳобатли бир овоз келиб, имон келтирганлардан ўзга барча Самуд қавми ҳалок бўлади.

С. ҳақида "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да алоҳида фасл мавжуд:

Солиҳ келди Самуднинг қавми чоғи,
Толиҳ эдилар бу қавм бошдин оёғи.
Бу турфаки чарх золининг уйнамағи,
Толиҳни дағи қўймади, Солиҳни дағи.
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

СОЛИҲ БИН МАКТУМ – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Балх шаҳридан. Абубакр Варроқнинг шогирди ва тариқатининг давомчиси. На-

воий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СОМ I – Пайғамбар, Нуҳ пайғамбарнинг ўғли. Абул-фурс ва Абул-ажам номи б-н ҳам аталган. Араб, Ажам ва Рум халқларининг аждоди. С. ҳақида "Муҳокамат ул-луғатайн" ва "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да маълумот берилган.

"Сомни ҳам баъзи пайғамбари мурсал дебдурлар ва кўпрак анбиё. Ва Эрон мулуки анинг наслидиндурлар".

("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

СОМ II – афсонавий паҳлавонлардан бири. Рустам Достоннинг бобоси, Манучеҳр замонида лашкарбоши бўлган. "Шоҳнома"да келтирилишича, Мозандарондаги аждаҳони ўлдириб, у ердаги халқни бир умрлик мусибатдан қутқарган. Ад-тда жасорат ва ботирлик тимсоли сифатида қўлланилган.

Қолмади Рустам ила Сом дағи,
Яздижурд ўттию Баҳром дағи.

("Соқийнома", 1-боб)

СОМИРИЙ – Мусо пайғамбар замонидаги сеҳргарнинг номи. Исломий манбаларга кўра, Мусо (а.) ўттиз кунлик узлат учун Тур тоғига кетган пайтида С. яҳуд қавмининг олтинларидан бузоқ ясаб, Жаброил (а.) отининг изи қолган тупроқдан унга дам солса, олтин бузоқ тирик жонзотдек овоз чиқарган. Шундан сўнг Яҳуд қавмининг бир қисми ана шу бузоқчага сажда қила бошлайди. Мусо (а.) келганидан сўнг С.нинг сеҳри ўз кучини йўқотади. Мумтоз ад-тда С. сеҳр-жоду, макр ва ҳийла, охири пушаймонлик б-н тугайдиган амалларнинг тимсолидир.

С. ҳақида "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да маълумот берилган.

Кўзни афсунсоз этиб жонбахш
лабдин нукта айт,
Сомирий сеҳрин, Масиҳо
муъжизин изҳор қил!

("Ғаройиб ус-сиғар", 353-ғазал)

СОСОНИЙЛАР – "Тарихи мулуки Ажам"да тилга олинган тўртинчи сулола. С.ни акосира (Кисролар, Хусравлар) деб ҳам атаганлар. 226 й.дан 646 й.га қадар ҳукмронлик қилган. С.нинг насаби Ҳумойнинг Сосон исмли ўғлига бориб тақалади. Навоий "Шоҳнома", "Тарихи гузида" ва б. тарихий манбаларга таянган ҳолда, С.нинг ҳокимият тепасига келишини баён этган. "Садди Искандарий"да, С. сулоласига мансуб подшоҳлар миқдори 29 кишидан иборат, дейилган.

СОҚИЙ I – майхона ва майхўрлик базмида май қуювчи киши; косагул. Ирфон тилида Мутлақ файз улашувчи Зот – Худо, Кавсар С.си – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.), маърифат майини тарқатувчи пири комил каби турли маъноларда қўлланилади.

Ташналаб ўлма, Навоий,
чун азал соқийсидин
"Ишрабу ё айюҳал-атшон",
келур ҳар дам нидо.

("Ғаройиб ус-сиғар", 1-ғазал)

СОҚИЙ II (15-аср) – хуросонлик зуллисонайн шоир, Жаъфар бахшининг ўғли. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг ёшликдаёқ жуда қобилиятли эканлигини, ҳам туркий, ҳам форсийда шеър айта олишини, сиёсий ишларида Хуросон аҳлининг таҳсинига сазовор бўлганлигини, аркони давлат, ҳатто замона подшосининг илтифотига мушарраф эканлигини айтиб, нима бало бўлдики, буларнинг барчасидан маҳрум бўлди деб ёзади. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги байти келтирилган:

Қилодаи саги ў кун зиҳи гиребонам,
Ки, ҳар замон нафитад чок то ба домонам.

Шунингдек, Навоий унинг от таърифида битган туркий маснавийсидан ҳам бир байт келтиради:

Тазарве эрди раънолиқда оти,
Ики ёнчоқ бўлуб икки қаноти.

СОҚИЙНОМА (соқий – ар. май қуювчи, нома – ф-т. хат) – май қуювчига мурожаат тарзида ёзилган, маснавий шаклида қофияланадиган катта ҳажмли лирик жанр. С. бир неча банддан ташкил топади. Туркий ад-тда Алишер Навоий ижодигача мустақил

жанр сифатида тараққий этмаган. "Муҳаббатнома" ва бошқа туркий номалар таркибида соқийга мурожаат тарзида яратилган 2–3 байтли шеърлар учрайди. Навоий "Хамса"си таркибига кирувчи "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин" ва "Садди Искандарий" достонлари бобларида ҳам соқийга мурожаатни ифодаловчи лирик хулоса тарзида ёзилган кичик С.лар мавжуд.

С.нинг махсус жанр сифатида туркий ад-тдаги асосчиси Алишер Навоийдир. Унинг "Хазойин ул-маоний" куллиётида битта С. мавжуд бўлиб, "Фавойид ул-кибар" девони таркибига киритилган. Алишер Навоий С.си турли ҳажмдаги 32 қисм (банд)дан иборат. Жами 458 байтни ўз ичига олади. Биринчи банд ҳажман анча катта (41 байт) бўлиб, қуйидаги байт б-н бошланади:

Соқиё, тут қадаҳи шоҳона,
Қатраси лаъл вале яқдона...

Ушбу банд замона ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро мадҳида бўлиб, шоир унда дунёнинг фонийлиги, фалакнинг бевафолиги ҳақидаги фикрларини ҳам баён қилади. Кейинги бандлар темурий шаҳзодалар (Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари, жиянлари, невaралари) таърифи ҳақида. 21-бандга келиб, Алишер Навоий ўзининг марҳум икки ҳабиби Мирзобек ва Мир Дарвешни изтироб б-н ёдга олади:

Бири ҳам ёр манга, ҳам фарзанд,
Жонға орому юракка пайванд.
Бири ҳамсуҳбату ҳамдарду рафиқ,
Тўққанимдин доғи юз қатла шафиқ.

22–23-бандларда Навоийнинг ижодкор дўсти Шайхим Суҳайлий ва у яратган қасидалар, 25-бандда Абдураҳмон Жомий, 26-бандда Сайид Ҳасан Ардашер, 27-бандда Паҳлавон Муҳаммад ҳақида сўз боради. 28-банд ишқ таърифига бағишланган. Навоийшуносликда ушбу банд "Севгинома II" деб аталган (А.Қаюмов). 29-банд эса вафо таърифи ҳақида бўлиб, шоир олам аҳлида вафо йўқлиги тўғрисида шундай ёзади:

Олам аҳлида чу йўқ аҳли вафо,
Аиларам мен доғи жонимға жафо.

30–31-бандлар Алишер Навоийнинг дўстлари: пири Муаммоий, Хожа Камол, Мир Садр, Ёр Танбал, Олим Сабзорий, Мир Атойи, Фанойи, Осафий Ҳиравий, Биноий, Султонали Машҳадий, Котибий таърифига бағишланган бўлиб, Алишер Навоий қолган дўстларини "Мажолис ун-нафоис"да зикр этиб ўтганлигини таъкидлайди:

Ўзгасин қилмадим андин мазкур,
Ки "Мажолис"да эрурлар мастур.

Сўнгги 32-банд Навоийнинг соқийга мурожаат қилиб, уни риндлар базмига киритишини сўраб қилган истак, илтижоси б-н бошланиб, риндлар шоҳи Султон Абулғозий Ҳусайн Бойқаро таърифи ва унга умрбоқийлик тилагини билдириш б-н якунланади.

С. шоир фикрларининг ёркин ифодаси учун хизмат қилган ўзига хос услубга эга. Ҳар бир банд соқийга мурожаат б-н бошланиш асносида ушбу бошланмада бандининг мундарижасига алоқадор бўлган имо-ишоралар ҳам келтириб ўтиладики, натижада бароати истеҳлол санъатининг бетакрор намунаси вужудга келади.

С. рамал баҳрининг рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъ ёки маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фаилотун фаълун ёки фаилун – V – – / V V – – / – – ёки V V –) вазнида яратилган.

СОҒАР – шароб ичишга мўлжалланган махсус идиш. Мажоз тилида орифнинг ғайб олами нурларидан мунаввар ва илоҳий маърифатга лиммо-лим бўлган қалби, тариқатдаги кишининг сукр ва шавқ мақомидаги ҳолати маъноларида қўлланилади.

Ҳамеша дайр ичида
булмоғамға муғбачалар
Карашмасию фано соғари эрур боис.
("Ғаройиб ус-сиғар", 91-ғазал)

СОҲИБ БАЛХИЙ (14–15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган шоир, мусиқашунос. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий С.Б.нинг "шеър фанида маҳоратлик", "адвор ва мусиқий илмида комил" бўлганлигини таъкидлаб, ўз ғазалларига ўзи куй басталаганини айтади ҳамда шаҳзода Жўғи Мирзо мажлисларида унинг

Ҳамчу субҳ аз меҳри руят
мезадам дамҳои сард,
То расам рузе ба кўят
дил басе шабгир кард

(Мазмуни: Юзинг меҳри (қуёши)дан тонг сингари совуқ дамлар ураман; бирор

кун (сенинг) қўйингга етишим учун дил кўп саргардон қилди) – деб бошланувчи ғазалига боғланган, "Чаҳоргоҳ" деб аталувчи куйидан бошқаси тингланмаслиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, "Мажолис ун-нафоис"да айтилишича, С.Б. *Салмон Соважий*нинг маснуъ қасидасига жавоб айтган. Таъмагирлик хислати учун фазл аҳли орасида ҳурмати камроқ бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий С.Б.нинг "Шарифий" тахаллуси б-н шеърлар битганлиги ҳақида маълумот беради. "Девони Фоний"да С.Б.ғазалига битилган бир *татаббуъ* мавжуд бўлиб, қуйидаги байт б-н бошланади:

Ишқ ажзои вужудамро
ба роҳат хок кард,
Санги бедодат аз он хокам
бурун овард гард.

(Мазмуни: Ишқ вужудим парчаларини йўлингда тупроқ қилди, зулминг тоши у тупроғимдан чанг чиқарди).

СОҲИБҚИРОН (ар. – қирон соҳиби) – ўрта асрлар нужум илмига кўра, муайян сайёраларнинг эклиптика даврида маълум даражасида тўқнаш келиши – қирони даврида туғилган кишига нисбат бериладиган атама. Сайёраларнинг қирони икки хил: қирони саъд (бахт келтирувчи қирон) ва қирони наҳс (мусибат келтирувчи қирон) га бўлинади. Зуҳал ва Муштарий, Зуҳра ва Муштарий, Зуҳра ва Қуёшнинг қирони қирони саъд ҳисобланиб, бу даврда туғилган киши саодат ва шараф соҳиби бўлиши башорат қилинган. Жумладан, Зуҳра ва Муштарий қирони даврида туғилган Амир Темур ўз замонидаёқ илм аҳли томонидан С. номига муносиб, деб топилган. Амир Темурдан кейинги ҳукмдорларнинг С.и сонийлақаби б-н эсланиши сайёраларнинг қирони эмас, балки ҳукмдор қудрати ва шавкатининг Амир Темурга нисбатан қиёси натижасидир.

С. маж. маънода жаҳонгир, бахтли, ўз соҳасида биринчи бўлиш шарафига муяссар бўлган кишига нисбатан ҳам қўлланилади. Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро ўз "Рисола"сида Алишер Навоийни "сўз мулкининг соҳибқирони", "фасоҳат мулкининг соҳибқирони", деб улуглаган. Ўз навбатида, Навоий ҳам С.сўзини Ҳусайн Бойқаронинг сифатига айлантириб, кўп жойда "Султони соҳибқирон" деб тилга олган. Лирик асарларда ҳусн мулкининг подшоҳи бўлган маҳбуба С. деб ҳам тавсифланган.

Маҳвашеким, чеҳра давринда
қирон этмиш аён,
Даврнинг маҳвашларида
улдурур соҳиб қирон.
("Бадоеъ ул-васат", 443-ғазал)

СУБАЙҲИЙ, Абулҳасан Ҳусайн бин Абдуллоҳ бин Бакр – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Куняси – Абу Абдуллоҳ. Басра шаҳрининг улуг шайхларидан. Риёзат ва мужоҳадада ўз даврининг беназири бўлган. С. "ғариб" сўзига уч хил шарҳ берган: 1) ўз Ватанида мусофир бўлган киши; 2) ўзига ўхшаш кимсани топмаган киши; 3) ўзига ўхшаш кишилар б-н суҳбатдош бўлган киши. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СУБҲ – зрталаб, тонг; саҳар. Маж. маънода ваҳдат нурининг таралиши, олами ғайбдан нузул этиб, таайюнот (аён нарсалар, дунё ғоялари) зулумотини ошиқнинг кўнгил саҳифаларидан сидириб ташлайдиган илоҳиёт тажаллийси маъносида қўлланилади. С.и козиб (ёлғон тонг) ва С.и содиқ (чин тонг) турлари фарқланади. С., айниқса, орифона шеърларда кўп қўлланилади. У – илоҳий файз тимсоли, нуроний одам даракчиси. Илоҳий дийдор талабидаги одам бу нурга етишиши учун кўпдан-кўп руҳий қийноқлар, ҳижрон азобларини бошидан ўтказиши лозим. Шунингдек, "тонгдаги Қуръон қироати фаришталар ҳозир бўладиган вақтдадир" ("Бани Исроил" сураси, 78-оят). "Наводир уш-шабоб" девонидаги девонидаги 104-ғазал "С." радифи б-н тугалланган.

Ахтарин ашк эттию
совуғ нафасни оҳ субҳ,
Бўлди гўё шоми ҳажрим
ҳолидин огоҳ субҳ.
("Наводир уш-шабоб", 104-ғазал)

СУКАДАМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъ-

кидлаган юзта феълнинг олтмиш бешинчиси. Мазкур феъл *ҳурмат кўрсатмоқ, тиз чўкмоқ* маъноларини англатади. С. феъли Навоийнинг бошқа асарларида қўлланилмаган.

СУКР ВА САҲВ (ар. – бехудлик ва ҳушёрлик) – тасаввуфнинг асосий категорияларидан. Сукр – Ҳақ таоло муҳаббатининг ғалабаси, илоҳий муҳаббат шаробидан сармастлик. Саҳв – асл муродга қалб ҳузури ва ҳушёрлик ҳолатида етишмоқ. Мастлик ва ҳушёрлик орифлар таълимотида С. ва С. иборалари б-н изоҳланади. Бу тушунчалар турли талқин ва изоҳларга учраган. Абу Саид Харроз С. ва С.ни ғайбат ва ҳузурга ўхшаш, аммо ғайбат ва ҳузурдан кўра мукаммалроқ, тамомроқ ва кучлироқ ҳолдир, деб таърифлаган. Ҳужвирийга кўра, сукр – Боязид Бистомий ва унинг тарафдорларининг таълимоти бўлиб, уларнинг фикрича, шавқ, мастлик ва бехудлик ҳолатидагина маъ-ий камолотга эришмоқ мумкин. Ҳушёрлик ва эътидол – ўз аъмолини доимий назорат остида олмоқ Ҳақ йўлидаги ҳижоблардан бири бўлиб, бунда худбинлик ва ўзликка боғланиб қолишлик офати мавжуд. Саҳв аҳли (Жунайд Бағдодий ва унинг тарафдорлари) эса, сукрни маъ-ий камолот йўлидаги дастлабки босқичларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ақидаси бўйича, сукр – ҳолнинг паришонлиги, адашиб қолиш, иккиланиш ва ҳайратга сабаб бўладиган офатларни юзага келтириши мумкин. Ҳол саҳиҳ бўлмаган пайтда муродга етишмоқ имконсиздир. Маъ-ий камолотга етишмоқнинг асл мақсади – барча ашёларнинг моҳиятига басират кўзи б-н назар солмоқ ва англамоқ экан, сукр ҳолатида бунга эришиб бўлмайди. Нақшбандийлик таълимотига эътиқод қўйган Навоий ҳам саҳв аҳли тарафдорларидан бўлиб, сукрга маъ-ий камолотнинг бир босқичи сифатида қараган.

Малул ўлубмен ўзумдин,
фано майи тутқил
Ки, рангу атри вужудумни
айлагай нобуд.
Вагар сумурса Навоийға
еткай андоқ сукр
Ки, фарқ топмағай
оллинда шоҳиду машҳуд.
("Наводир уш-шабоб", 122-ғазал)

СУКУТ – хомушлик, жим туришлик. Фано тариқини ихтиёр этган соликнинг адаб шартларидан бири. Жомийнинг ақидасига кўра, С. икки навдир: тил С.и ва қалб С.и. Тил С.и деганда, тариқат аҳли ахлоққа зид ҳамда нафснинг истакларини ифода этувчи сўзларни тилга келтирмаслик ҳамда ўз ҳолини бошқалардан махфий тутишликни тушунганлар. Қалб С.и эса кўнгилга нафс қутқуси ва шайтоний васвасаларни йўлатмаслик, ботин оламини зоҳир оламидан-да гўзал ва пок тутишликдир. Қалб С.ига эришмагунча солик маъ-ий поклик ва камолотга эришолмайди.

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул
Не воҳиф анча фиғону улуғ димоғи била.
("Ғаройиб ус-сиғар", 556-ғазал)

СУЛАЙМОН – исломиятдан олдин ўтган пайғамбарнинг номи. *Довуд* алайҳиссаломнинг ўғли. Айрим исломий манбаларга кўра, мил. ав. 2-асрда яшаган. С. исми Қуръони Каримда 17 марта зикр этилган.

С. қиссаси "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да мухтасар келтирилган. Унда айтилишича, дунёга якка ҳукмдор бўлиш фақат тўрт кишига – иймон аҳлидан С. ва Зулқарнайн, куфр аҳлидан Намруд ва Бухтуннасрга насиб қилган. С. бу учта ҳукмдордан фарқли равишда фақат одамларга эмас, балки қилган дуоси туфайли оламдаги жамийки махлуқотга ҳам ягона подшоҳ бўлган. С. кўп мўъжиза кўрсатган. Бири – бутун ҳарбий қўшини сиғадиган учар гилам эдики, унинг амри б-н шамол истаган жойига олиб борарди. Иккинчиси, Исми Аъзам ўйилган узук эдики, бу узук шарофати б-н барча махлуқот унга сўзсиз итоат қиларди. Учинчиси, С. оламдаги барча махлуқотнинг тилини биларди. Тўртинчиси, отаси Довуд (а.) замонида бошланган Масжиди Аксонинг қурилиши унинг даврида ниҳоясига етди. Бешинчиси, Байтулмуқаддас шаҳрини девлар ёрдами б-н жуда кўркам ва гўзал қилиб қурдирди.

Мумтоз ад-тимизда С. б-н боғлиқ ҳикоятлар, айниқса, С. ва чумоли, С. ва Билқис, С. узуги, С.нинг тахтиравони, С. ва унинг вазири Осаф ибн Бархиё, С. нинг олам аҳлининг ризқини бир кун ўзи

бериши, С. мулки каби воқеа ва ҳодисалар турли муносабат б-н талмеҳ қилинган ҳамда мустақил асарлар яратилган. Алишер Навоий С. образидан мадҳ, васф, ахлоқ мавзуларини ёритишда маҳорат б-н фойдаланган.

Кўнгулдур ул паридин
ишқ мулкининг Сулаймони
Ки, ҳам бор оҳидин ел ҳукмида,
ҳам доғидин хотам.
("Наводир уш-шабоб", 426-ғазал)

СУЛАЙМОН ХОТАМИ – "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳод Аҳраман девни енганидан сўнг Жамшид жоми б-н бирга қўлга киритган, асли Сулаймон пайғамбарга тегишли афсонавий буюм. Диний ривоятларга қараганда, Сулаймонга Худонинг мукаддас, яширин ва сирли исми маълум бўлган ва бу сўз (исми аъзам) унинг хотам(узук)ига нақшланган – ўйиб ёзилган экан. Бу узук воситасида Сулаймон фақат одамларга эмас, балки ҳайвонлар, ҳашаротлар, инсу жинсларга ҳам ўз ҳукмини ўтказа олар экан.

"Ва елни фармонига киюрди ва исми аъзам ёзилган хотам каромат қилдиким, мазкур бўлғонлар анинг баракотидин."
("Тарихи анбиё ва ҳукамо")

СУЛАЙМОНИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг биринчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг *Абулқосим Бобур* хизматида бўлгани, бадиҳа (ҳозиржавоблик)да моҳир эканлигини айтиб, *Ҳофиз Шерозий*нинг:

Ёд бод он ки сари кўи туам манзил буд,
Дидаро равшани аз хоки
дарат ҳосил буд –

(Мазмуни: Ёдингда бўлсинки, сенинг кўчанг менинг манзилим эди;

Остонанг тупроғидан кўзим равшанлик топар эди) ғазалига жавобан ёзган:

Ҳалли он нуктаки, бар пири хирад
мушкил буд.
Озмудем, ба як журғаи май ҳосил буд.

(Мазмуни: Ақл устози учун ечилиши қийин бўлган нозик маъно, синаб кўрганимизда бир қултум май б-н ҳал бўлар эди) байти ёмон эмаслигини айтади. Шунингдек, Навоий халқ орасида тарқалган овозаларга кўра гўёки ушбу шеър "Мавлоно Ҳаким табибнинг хотуни Меҳрибингдур" деган фикрининг тўғрилигига шубҳа билдиради.

СУЛЛАМИЙ, Абу Абдураҳмон Муҳаммад бин Ҳусайн бин Муҳаммад Мусо (942–1021) – тасаввуфнинг йирик назариётчиси ва тарихчиси. Шиблий Багдодийнинг мурид и – *Шайх Абулқосим Насроба дий*нинг қўлидан хирқа кийган. "Ҳақойиқ ут-тафсир" номи б-н Қуръони Каримнинг ирфоний тафсирини ёзган. Араб тилида тасниф этган "Табақот ус-сўфия"да ўзигача яшаб ўтган сўфийларни етти гуруҳга таснифлаб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берган. Бу китобни Хожа Абдуллоҳ Ансорий Ҳирот шевасига таржима қилиб, қўшимча ва иловалар киритган. Мазкур китоб Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" ҳамда Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" тазкираси учун асосий манба бўлган.

"Насойим ул-муҳаббат"да С.нинг валийлардан бўлмиш бобоси *Абу Амр Нужайд*, устози *Абу Бакр Рози Бажалий* ҳамда замондошлари *Абулҳусайн Ҳусрий, Абулқосим Муқрий, Абулҳусайн Сирвоний* Сағирлар б-нқилган суҳбатлари ҳақида маълумот берилган.

СУЛТОН АБУ САИД (1424–1469) – давлат арбоби, темурий ҳукмдор. Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг набираси. Ёшлик йиллари Мирзо Улуғбек саройида кечган, унинг вафотидан сўнг Темурийлар салтанатида бошланган тож-тахт учун курашларда иштирок этган. Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф даврида Бухоро зиндонига ташланган ва Абдуллатиф вафотигача зиндонда сақланган (1450). С.А.С. ҳибсдан озод этилгач, яна тож-тахт учун курашга киришиб кетган ва 1451 й.да Самарқанд тахтини эгаллаган. Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур вафоти (1458)дан сўнг Ҳирот, Астаробод ҳамда Мозандаронни эгаллаган ва марказий ҳокимиятнинг тикланишига эришган. 1469 й. Муғон даштида Оққуюнлилар салтанати ҳукмдори Узун Ҳасан б-н бўлган жангда мағлубиятга учраб, ҳалок бўлган.

С.А.С. даврида Мовароуннаҳр ва Ху-

росонда маданий ҳаёт анча ривожланган, кўплаб иншоотлар, боғ-роғлар бунёд этилган, ҳунармандчилик, ободончилик ва савдо-сотиқ ишлари кенг йўлга қўйилган.

Алишер Навоий ҳаётининг ёшлик даври С.А.С. ҳукмронлигига тўғри келади. Навоий асарларида ушбу ҳукмдорга нисбатан салбий муносабат кўзга ташланади. Бундай муносабатнинг сабаблари ҳақида навоийшуносликда яқдил фикр мавжуд эмас. Бир гуруҳ олимлар буни Навоийнинг С.А.С. томонидан Самарқандга сургун қилинишини б-н боғласалар, иккинчи гуруҳ олимлар Навоий тоғаларининг Ҳусайн Бойқаро тарафдорлари сифатида қатл этилишини асосий сабаб қилиб кўрсатадилар. Алишер Навоийнинг ўзи Самарқандга сафарининг сабабини бевосита С.А.С. билан боғламаган. Навоийшуносликдаги кейинги тадқиқотлар мазкур масалага чуқурроқ ва холис ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда (Ш.Сирожиддинов).

Алишер Навоий С.А.С. сиймосига "Хамса" таркибидаги достонларида мурожаат қилган. Хусусан, "Садди Искандарий" достонининг 29-бобида С.А.С. ҳақида ҳикоят келтириб, унда султоннинг сипоҳларига яхши муносабатда бўлмаганлиги учун ўз кишилари томонидан қатл этилганлигини айтиб ўтади ва бу ҳолни Дорога ўз қўшинидаги кишилар тарафидан уюштирилган суиқасд б-н қиёслайди. "Ғаройиб ус-сиғар"дан ўрин олган маснавий мактубда "...эл манзилин шаҳ катакдек бузуб, Товуғ ўрнига чўғ ўлтурғузиб" деган сатрлар остида С.А.С. назарда тутилган, деган қарашлар мавжуд. Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида машҳадлик кекса шоир Камол Турбатий б-н илк танишуви С.А.С. даврида бўлганлигини айтиб ўтади: "Султон Абу Саид мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъада йиқилиб эрдим..."

СУЛТОН АЛИ ҚОЙИНИЙ (15-аср) – форс-тожик тилида ижод қилган ҳиротлик шоир ва хаттот. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг дарвеш йигитлиги, Абдураҳмон Жомий хизматида бўлгани, асосан, Жомий асарларини китобат килгани, кўп йил Маккада яшаганлигини айтиб, қуйидаги байтини келтиради:

Эй ишқат оташ дар зада
номусу нангу номро,
Дода ба бод нести ю ҳастии хосу омро.

(Мазмуни: Сенинг ишқинг ор-номус ва обрўни ўтга солди, катта-кичик барча халқнинг бор-йўғини елга совурди).

СУЛТОН ВАЛАД, Баҳоуддин Муҳаммад Валад (1226 – Қуниё – 1312) – тасаввуф олими, шоир. Тас. ва шеъриятга муҳаббат отаси – Жалолиддин Румийдан ўтган. Унинг суҳбатларида қатнашиб, илоҳиёт илми ва тас. сирларини эгаллаган фозил ва маърифатли инсон бўлиб етишади. Жалолиддин Румий асос солган мавлавия тариқатини ривожлантирган, унинг тартиб қоидаларини ишлаб чиқиб такомиллаштирган, Қуниё ва бошқа шаҳарларда мавлавия жамоаларининг ташкил этилишига раҳнамолик қилган.

Валад тахаллуси б-н форсий ва туркий тилда ижод қилган, у усмонли турк ад-тининг асосчиси ҳисобланади. Ғазал ва рубоийлари, "Валаднома" достони бизгача етиб келган. "Валаднома"да тариқат қоидалари ва тавҳид ғоялари бадиий талқин қилинган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да бу ҳақда "бир маснавийси бор Ҳаким Санойи "Ҳадиқа"си вазнида, басе асрору нукта анда дарж қилибдур", деб ёзади.

СУЛТОН ИБРОҲИМ МУШАЪШАЪ (15-аср) – шоир ва хаттот, Арабистон подшоси Султон Муҳсиннинг укаси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг тўртинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг донишманд ва тақводор киши эканлиги, араб тилида шеърни яхши ёзиши ва девони ҳам борлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг қуйидаги арабча байти келтирилган:

Силил ҳабла фимо байна
фалбайну сойилин
Фикам жазза ҳаддал байни
мо байна кам ҳаблин.

(Мазмуни: Ўртадаги арқонни боғла, у орани боғловчидир, зеро ўртадаги кесилган кўплаб арқонлар яқинликларни йироқлаштирувчидир).

СУЛТОН МАЖДУДДИН ТОЛБА – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Имом Фахриддин Розийнинг замондоши. Қаттиқ сел келганида каромат кўрсатиб, аҳолини бу офатдан қутқарган. Ҳиротнинг шарқий томонидаги Дарби Хушк дарвозаси ва Фирўзобод ўртасидаги мақбарада дафн этилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СУЛТОН МАСЪУД МИРЗО (15-аср) – темурий шаҳзодалардан, Абусаид Мирзонинг набираси, Султон Маҳмуд Мирзонинг тўнғич ўғли, онаси Хонзодабегим. Отаси даврида Ҳисорда ҳукмронлик қилган. Ўзаро низолар оқибатида Хусравшоҳ С.М.М.нинг кўзларига мил тортиб, кўр қилади, бу воқеадан сўнг Ҳусайн Бойқаро унга қизи Бегим Султонни беради. С.М.М. Шайбонийхон томонидан қатл эттирилган. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг еттинчи мажлисида унга алоҳида мақола бағишлаб, уни "равшан зеҳнлик ва муҳтаҳсан табълиқ ва покиза ҳисол ва маҳмуд фиол йигит" деб таърифлайди, назмдаги иқтидорини таъкидлаб ўтади. "Мажолис ун-нафоис"да С.М.М.нинг қуйидаги байти келтирилган:

Ер бориб жонға қўйди
доғи фурқат, эй рафиқ,
Кўнглума кор этмасунму
дарди ғурбат, эй рафиқ?

СУЛТОН МАҲМУД (15–16-асрлар) – журжонлик форсийнавис шоир, *Хожа Мансур*нинг қариндоши. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи мажлисида тилга олинган. Навоий унинг Хожа Шамсиддин Муҳаммад котибнинг ўғли эканлигини, нужум илмини яхши билишини таъкидлаб, "Мажолис ун-нафоис"да қуйидаги байтини келтирган:

Шуд рўзгори ман сияҳ аз ҳажри ёри ман,
Касро мабод рўзи ману рўзгори ман.

(Мазмуни: Ёримнинг ҳажридан кунларим қаро бўлди. Менинг кунларим ва (бошидан) кечирганларим ҳеч кимнинг боши га тушмасин).

СУЛТОН МУҲАММАД (15-аср) – темурий шаҳзода, давлат арбоби. Шоҳрухнинг невараси, Бойсунғур Мирзонинг ўғли. 1442 йилдан бошлаб Гарбий Эрон ва Ироқда ҳукмронлик қилган. 1446 й. бобосига қарши исён кўтариб, Ҳамадон ва Исфаҳонни босиб олган, Шерозни қамал қилган. Шоҳрух Мирзо унга қарши қўшин тортиб борганда тоққа қочади. Шоҳрух вафотидан кейин (1447) ўз вилоятларини кайта қўлга киритади, Шерозни ҳам босиб олади. 1449 й. Хуросонни эгаллаб, Ҳирот тахтига ўтиради. Лекин ўша йили Шоҳрух тахти учун яна бир даъвогар – Абулқосим Бобур б-н бўлган урушда ҳалок бўлади.

СУЛТОН МУҲАММАД НУР (1470–1533) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Ҳирот хаттотлик мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан, Алишер Навоийнинг шахсий котибларидан бири. Хондамир "Хулосат ул-ахбор" асарида С.М.Н. ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Мавлоно Султон Муҳаммад Султон ҳазратлари яқин дўсти амир Алишернинг иноята остида бўлган котиблар қатори ҳунари ривож топган, хуснихатда етакчидир. Ул ҳазрат амир Алишер оғзидан кўп бор: "настаълиқ ёзишда ҳеч ким унга тенг келолмайди", деган сўзларини эшитганман. С.М.Н. Навоийнинг терма девонларидан бирини нафис настаълиқ хати б-н кўчирган (РМК Шарқ бўлими, Дорн 563). Қўлёзма ҳажми 90 варақдан иборат. Бу қўлёзманинг чармдан ишланган муқовасига олтин суви б-н ўйма нақшлар туширилган. С.М.Н. Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий асарларини ҳам кўчирган.

СУЛТОН МУҲАММАД ХАНДОН (ваф. 1551) – Навоий асарларини кўчирган хаттотлардан бири. Ҳирот хаттотлик мактаби намояндаси. Хондамир Навоий кутубхонасида ишлаган хаттотларни санаб ўтганида, С.М.Х.ни "настаълиқ б-н хат ёзишда катта қобилиятга эга, найни ҳам яхши чалади" деб эслайди. С.М.Х.нинг 1528–29 й. Ҳиротда кўчирган Навоий терма девони бизгача етиб келган. Мазкур қўлёзма РМК Шарқ бўлимида, ТНС 57-рақам остида сақланади, ҳажми 192 варақдан иборат. Котиб қўлёзмага "Султон Муҳаммад Хандон" деб имзо

қуйган. Бу қўлёзмага Ҳирот мусаввирларидан бири еттита расм ишлаган бўлиб, улар 1а, 11б, 12а, 53а, 90а, 123б, 146б саҳифаларга жойлаштирилган. Шунингдек, С.М.Х. "Ҳайрат ул-аброр" достонини 1497–98 й. кўчирган. Айни қўлёзма Истанбулда кўчирилган бўлиб, Аё-София кутубхонасида 4334-рақам остида сақланади. Қўлёзма ҳажми 141 варақ. Бу котиб кўчирган бошқа бир неча қўлёзмалар ҳам бизгача етиб келган.

СУЛТОН ТЎҒРУЛ, Муҳаммад Тўғрулбек Рукниддин Абу Толиб (993–1063) – салжуқийлар салтанатининг асосчиси ва биринчи султони (ҳук.й. 1038–1063). Салжуқбекнинг невараси. 11-асрнинг бошларида биродари Чағрибек Довуд (990–1060) б-н бирга кўчманчи ўғузлар – салжуқийларнинг ҳарбий бирлашмаларига бошчилик қилади. Халифалик пойтахти Багдодни эгаллаб (1058), ўз номига хутба ўқитгач, аббосийлар сулоласи халифаси ал-Қоим унга "Шарқ ва Ғарб султони" унвонини беради. Аввал Рай, кейин Исфаҳонни пойтахт қилган. Маърифатли ва донишманд ҳукмдор бўлиб, шеър ҳам ёзган.

Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида С.Т.ни шеър айтган ҳукмдорлар қаторида санаб ўтади: *"...сорт салотинидин ҳам Султон Тўғрулбек ва Шоҳ Шужоъдек олийқадр подшоҳлар ва рафеъмартаба ан жумансипоҳлар рангин абёт ва ширин ғазалиёт айттилар ва замонларида машҳур булди ва рузгорлари авроқида мастур"*.

СУЛТОН ХАЛИЛ (ваф. 1478) – *Оққуюнлилар* сулоласининг машҳур ҳукмдори Узун Ҳасаннинг (1453–1478) ўғли. 1478 й. олти ой мобайнида Оққуюнлилар салтанатини бошқарган. Укаси *Султон Яъқуб* (1478–1490) томонидан ўлдирилган. С.Х. даврида пойтахт Табриз шаҳрида бўлган. 1471–1478 й.лари Оққуюнлилар салтанатининг йирик шаҳарларидан бўлган Шерозга ҳокимлик қилган. *Анисий* томонидан Шерозда 1471 й. кўчирилган, Алишер Навоий шеърларидан иборат *"Оққуюнли мухлислар девони"* С.Х. учун тайёрланган деган тахминлар ҳам бор, чунки айни девоннинг кўчирилиши даврида Абдураҳим Хоразмий Шероздаги С.Х. саройида хаттот сифатида фаолият олиб борган.

СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИЙ (1437 – Машҳад – 1520) – машҳур хаттот, ҳуснихат назариётчиси, истеъдодли шоир. "Султон ул-хаттотин" ("Хаттотлар султони"), "Қиблат ул-куттоб" ("Котиблар қибласи"), "Зубдат ул-куттоб" ("Котиблар сараси"), "Котиб ус-султоний" ("Султон котиби") номлари б-н шуҳрат қозонган. С.М.нинг 7 ёшлигида отаси оламдан ўтиб, онаси б-н ёлғиз қолади. Мадраса таҳсили вақтидаёқ хат машқ қила бошлаган. Умрининг охирида ёзган "Қавоиди хутут" ("Хат қоидалари") рисоласида эътироф этишича, у илк араб ёзуви куфий хатининг кошифи бўлган Ҳазрат Али ибн Абу Толиб мозори зиёратига борганида тушида Ҳазрат Али унга ўз либосини инъом қилади. Шу тариқа, хаттотлик унинг қисматига айланади.

С.М. замонасининг моҳир хаттотлари Заҳириддин Азҳар ва Хожа Ҳофиз Муҳаммаддан хаттотлик сирларини ўрганади. Хусусан, настаълиқда довруғ таратган. Аввал Султон Абусаид Мирзо саройида, кейин Ҳиротда яшаб, Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлган. Навоийнинг назарига тушиб, унинг кутубхонасида китобат ишлари б-н шуғулланган. Бобурнинг "Бобурнома"да маълумот беришича: "Ҳар кунда ўттуз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди". Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган "Илк девон"и ҳам С.М. қаламидан чиққан.

Мирзо Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида маълумот беришича, қитъа кўчириш, кичик ва катта ҳарфларда ёзиш, насх ва таълиқ хатларида унгача ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч ким С.М.га тенглашолмаган. Ҳуснихатнинг барча қоидалари ва нозик сирларини мукаммал ўзлаштириб олган. Хаттотликда у намоён қилган санъат ҳали ҳеч кимга муяссар бўлмаган.

Бу даврда Ҳиротда 40 дан ортиқ хушхат хаттотлар фаолият кўрсатиб, С.М. уларга раҳбарлик қилган. Улар ўз ҳунарларини нафис санъат мактаби даражасига кўтарганлар. Камолиддин Беҳзод ҳам унинг шогирдларидан ҳисобланади. Бу икки истеъдодли инсон ўзаро ҳамкорли-

гининг меваси сифатида дурдона қўлёзмалар вужудга келганки, улар ҳозиргача жаҳоннинг кўплаб санъат кошоналари, музейлар ва қўлёзма фондларини безаб турибди.

С.М. кўчирган 50 дан ортиқ китоб ва 500 дан зиёд китъалар бизгача етиб келган. Улар хаттотлик санъатининг ноёб намуналари ҳисобланади. У кўчирган Навоийнинг 3 девони, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ҳотамнома" ва "Жавоҳирнома" асарлари ТошДШИда, "Хамса" асарининг намуналари Англия, Россия ва Туркияда, Алишер Навоий девони Англия ва АҚШда, Саъдий ва Ҳусайний девонлари Туркияда сақланади. Теҳрондаги шоҳ кутубхонасидан у кўчирган Ҳофизнинг икки девони, Жомийнинг "Туҳфат ул-аҳрор", Низомийнинг "Махзан ул-асрор" достонлари, Султон Ҳусайн Бойқаро девони, Алишер Навоий "Хамса"си ва С.М.нинг ўз китъалари ўрин олган.

С.М. ўймакорлик санъатида ҳам моҳир бўлган. Ҳусайн Бойқаронинг "Боғи Жаҳоноро" боғидаги иморатлар ва бошқа биноларнинг деворларига матнлар ўйиб ёзган. Ҳусайн Бойқаронинг қабр тошидаги ёзувлар ҳам унинг қаламига мансуб.

С.М. хат ёзиш усул ва қоидалари тўғрисидаги "Қавоиди хутут" шеърий рисоласининг ҳам муаллифи. Рисола 298 байтдан иборат бўлиб, унда хатнинг келиб чиқиши ва хаттотлик санъати ҳақида фикр юритилади.

С.М. кўп шогирд тарбиялаб етиштирди ва ўзидан кейинги хаттотлик санъатига катта таъсир ўтказди.

С.М. кўчирган китоблар узоқ-яқин ўлкаларга тарқалиб, шунчалик шуҳрат топганки, унинг қўли б-н кўчирилган китоб бўлмаган кутубхона ҳатто шоҳларники бўлса ҳам кутубхона ҳисобланмаган.

Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротни забт этганидан сўнг у туғилган юрти Машҳадга қайтган ва шу ерда вафот этган.

С.М. нозиктабъ шоир ҳам бўлган. Унинг девон тузган-тузмаганлиги маълум бўлмаса ҳам, газал, қитъа, рубоий ва алоҳида байтлари турли тазкира ва баёзлар орқали бизгача етиб келган. Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида унинг хаттотликдаги маҳорати, эзгу хулқи ва шеърий табъини таърифлаб шундай ёзади: *"Бу куни Хуросонда ва оламнинг аксар билодида настаълиқ хатида қиблат ул-куттобдур ва китобат мулкининг қаламрави як қалама анга мусалламдур. Онча ҳамида ахлоқ ва гузида атвор била ороста ва пиростадурким, шарҳидин қалам тили ожиз ва ҳусни хулқда назири йўқтур ва табъи доғи хуб воқеъ бўлубтур. Бу матла анингдурким:*

Гул дар баҳор аз он рухи
гулгун намунаест,
Чун ашки ман, ки аз
дили пурхун намунаест.

(Мазмуни: Кўзим ёши қон тўла дилимдан намуна бўлганидек, баҳор гули ҳам у гул рангли юздан намунадир).

Навоий "Комил қаламзан сўзидаким, таърифи лозим келгайки, қалам тилин билур киши ани билгай" сарлавҳали қитъасида уни шундай таъриф этади:

Қиблат ул-куттобким,
дерлар ани Султон Али –
Ким, қазо килки масаллик
хомаси ёзмас ғалат.
Қайси қитъамники езди –
борди андин шеърлик,
Эл солурлар жузвдонгаким,
эрур бир қитъа хат.

(Мазмуни: Бир котиблар қибласи боркким, унинг отини Султонали дейдилар. Тақдир қалами янглиғ унинг қалами ҳам сира хато қилмайди. У қайси қитъамни кўчирган бўлса, улар шеърлик хусусиятидан мосуво бўлди, чунки ўқиган кишилар уларни қитъа йўсинида ёзилган мактуб фаҳмлаб, халтачаларига солиб қўядилар).

СУЛТОНАЛИ МИРЗО (вафо. 1500, Самарқанд) – темурий шаҳзода. *Султон Абусаид Мирзо*нинг невараси, *Султон Маҳмуд Мирзо*нинг учинчи ўғли. Тархонларнинг қўллаб-қувватлаши б-н акаси Бойсунғур Мирзони енгиб, 1499 й. унинг ўрнига тахтга ўтиради. Онаси Зуҳра бегим Абу Юсуф арғуннинг маслаҳати б-н Шайбонийхонга яширинча мактуб ёзиб, агар ўзига уйланса, унга Самарқандни беришини, у эса, ўз навбатида, ўғли С.М.га отасининг вилоятини тортиқ қилишни маълум қилади. Шайбонийхон рози бўлиб, Самарқандни жанг-

сиз қўлга киритгач, шаҳзодани қатл этиб, Зуҳра бегимга эса назар ҳам солмайди.

Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг Амир Темур ва темурий шаҳзодаларга бағишланган 7-мажлисида С.М. табъини назмга мойил дейдилар ва ушбу матлаъни унга нисбат берадилар деб, қуйидаги байтини келтиради:

Васлида мағрур бўлдунг,
ҳажрида зор, эй кўнгул,
Не анинг бирла, не онсиз
тоқатинг бор, эй кўнгул.

СУЛУК – йўл тутиш, туз йўлга кириш, суфийларнинг маънавий камолот сари бўлган руҳоний сайри. Насафий талқини бўйича, С. сўзи араб тилида бормоқ, юриш маъносини билдиради. Яъни борувчи зоҳир оламида сафар қилса ҳам, ботин оламида сафар қилса ҳам, шу сўз қўлланилади. Тас. аҳли наздида бу сўздан мурод хос сафарни билдиради, бу – сайр илаллоҳ (Аллоҳга сафар) ва сайр филлоҳ (Аллоҳда сафар)дир. С.да бўлган кишини солик деб атайдилар. С.нинг ўз шартлари ва одоблари, босқич ва даражалари бор. Кимки С. қилса, тўрт нарсанинг маърифатини билиши зарурдир: биринчиси, мақсаднинг маърифати, иккинчиси, мақсад томон борувчининг маърифати, учинчиси мақсадга элтувчи йўлнинг маърифати, тўртинчиси ҳидоятга даъват этувчи – шайх е пирнинг маърифати. С. шартлари олтитадан иборат. Биринчиси, тарқдир – мол-дунёни тарк этмоқ, амал-мансабни тарк этмоқ, мол-дунё ва амал-мансаб ҳавасини тарк этмоқ, гуноҳ қилишни тарк этмоқ, ёмон хислатларни тарк этмоқ. Иккинчиси – сулҳ. Яъни олам аҳли б-н бирваракайига сулҳ қилур, ҳеч кимга қўл ё тили б-н озор бермас, шафқат ва марҳаматини ҳеч кимдан дариғ тутмас, ҳаммани ўзидек ожиз, бечора ва толиб деб билар. Учинчиси – узлатдир. Тўртинчиси – хомушликдир. Бешинчиси – очликдир. Олтинчиси – сеҳр ҳақида билим ҳосил қилишдир.

С.нинг рукнлари ҳам олтитадир. Биринчи рукн – ҳодий, яъни раҳнамодир. С. раҳнамосиз муяссар бўлмас. Иккинчи рукн раҳнамога иродат ва муҳаббатдир. Солик раҳнамо, яъни пирга етишгандан сўнг уни бутун олам ва ундаги жамийки мавжуд нарсалар ва кимсалардан кўра кўпроқ яхши кўриши керак. Ўшанда у мақсадга тезроқ етишади, чунки соликнинг бу йўлдаги улови иродат ва муҳаббатидир. Агар муҳаббат кучли бўлса, улови ҳам шунча бақувват бўлур, улови бақувват кишига йўлнинг машаққати писанд эмас. Лекин агар иродат ва муҳаббатига заррача халал тушса, улови чўлоқланиб қолар ва солик йўлдан қолар.

Учинчи рукн эътиқод ва амалда барча ишларда буткул пирга бўйсунишдир. Яъни солик ота-онага тақлид қилишни тарк этмоғи лозим. Ҳидоятга даъват этувчи пирга ҳам эътиқод, ҳам амалга издошлик қилмоқ зарур. Чунки пир – табиб, мурид эса бемор. Бемор агар табибнинг буйруғига итоат қилмаса ёки унинг айтганларига хилоф иш тутса, ҳеч қачон тузалмас. Тиббий китобларга қараб, ўзини-ўзи муолажа қилиш ҳам фойдадан кўра кўпроқ зарар етказади. Балки, ҳар куни дарди кучайиб, касаллик чуқурроқ илдиз отади. Агар бемор ҳақиқатда тузалишни истаса, табибнинг ҳузурига бориши ва унинг айтганларига сўзсиз амал қилмоғи керак. Ўшанда дард ва касаллик ўз-ўзидан барҳам топади.

Тўртинчи рукн – ўз фикр-андиша ва хоҳиш-истагини бутунлай тарк этмоқдир: солик бирор ишни ўзбошимчалик б-н, ўз хоҳиш ва иродасига таянган ҳолда – ҳаттоки бу иш ибодат бўлса ҳам – амалга оширишдан воз кечиши керак. Негаки, нимаики солик ўз ихтиёри б-н бажарса, бу нарса пирдан ва мақсад йўлидан узоқлашувига сабаб бўлади. Солик ўз раҳнамо пирининг бирор сўзига эътироз билдирмасин, бирор ишини инкор этмасин, чунки солик яхши-ёмоннинг фарқига бормайди; тоат ва маъсият (гуноҳ) ўртасидаги тафовутни англамайди. Ҳолбуки яхши-ёмоннинг, ибодат ёки гуноҳнинг фарқига бориш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган улуг ишдир. Мусо ва Хизр алайҳиссаломнинг ҳикояти бу маънидан хабар берур.

Кўп сўзлар борки, муриднинг наздида яхшидир, аммо шайхнинг олдида ёмондир; кўп сўзлар борки, муридга ёмон кўринар, аммо шайхнинг наздида яхшидир. Амалларда ҳам шу ҳолдир. Шунинг учун, муридга энг яхши йўл – бирваракайига буткул эътироз ва инкорни тарк этсин, шайхдан нимаики эшитса, яхши деб эшитсин, ни-

маики ундан кўрса, яхши деб қабул қилсин. Эътироз ва инкор муридга ғашлик ва зулмат келтирур ҳамда мурид ва шайх ўртасига айрилиқ бўлади.

Олтинчи рукн собитлик ва доимийликдир. Солик С. шартларига узоқ й.лар собитқадамлик б-н риоят қилиши керак. Негаки, дунёвий ишларда ҳам, охират ишларида ҳам собитқадам бўлмаган киши ҳеч нарсага эришолмайди.

"... Неча йил алар суҳбат ва мулозаматларида сулук қилиб, хонақоҳларида азим арбаинлар чиқардилар ва фақру фано сулукида куллий манозиллар қатъ қилдилар ва улуғ мартабалар ва бийик мақомларға қадам қўйдилар ва аларнинг сулук ва муомалаларин ул хонақоҳ аҳли, дарвешлар – борча мусаллам тутуб, изҳори иродат ва ихлос қилурлар эрди".

("Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер")

СУМАН – ёсмин гули, зайтундошларнинг бир туркуми. Тропик ва субтропик ўлкаларда 200 га яқин тури бор. Шундан икки тури доривор ўсимлик бўлиб, ёввойи ҳолда ўсади. С. гулидан қимматли эфир мойи олинади, чойга хушбўй ҳид бериш учун ишлатилади. Ўзбекистонда С. манзарали ўсимлик сифатида экилади. Бўйи 100–150 см, барглари оддий ёки уч бўлакли. Гули сарик, оқ. Май ойида гуллайди. Мумтоз ад-т, жумладан, Навоий ижодида унинг барглари маъшуқанинг гўзал оқ юзига, хуш бўйи муаттар сочларига муқояса қилинади. Навоий шеъриятида С. сўзи негизида ясалган қуйидаги сўзларни учратамиз: суманбар – оқбадан гўзал; маж. севгили; суманбез – хуш ифор таратувчи; сумансо – С.дек оппоқ, гўзал; сумансо(й) – хушбўй ҳид таратувчи; ёр зулфининг сифати; суманбўй – С.дек ифорли.

Лек ул тиканлар ичра хаёлинг била кўнгул
Ўйнар магар гул узраю ағнар суман аро.

("Ғаройиб ус-сиғар", 21-ғазал)

СУМИНОТ – Ҳиндистондаги катта бутхона. Султон Маҳмуд Ғазнавий С.ни бузиб, ўрнига катта масжид қурдирган. "Насойим ул-муҳаббат"да Саъдий Шерозий С.га кириб, энг катта бутни синдиргани ҳақида маълумот берилган, лекин бу ҳақиқатдан анча йироқ кўринади.

СУНБУЛ, Сумбул – бошоқ шаклида бинафшаранг гул соладиган шифобахш, хушбўй ўсимлик. Фалакдаги ҳомийси – Зуҳра сайёраси. Танаси бурама шаклда бўлгани сабабли маъшуқанинг сочи С.га ўхшатилади. Ҳиндий С. ўсадиган жойда заҳарли илон кўп бўлгани учун агар терлаган кўл б-н узилса, С.одамни ҳалокатга учратади, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Эй насими субҳ, аҳволим
дилоромимға айт.
Зулфи сунбул, юзи гул,
сарви гуландомимға айт.

("Ғаройиб ус-сиғар", 84-ғазал)

СУРАЙЖ, Абулаббос Аҳмад бин Имрон бин Сурайж (ваф. 916-917) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Ироқда яшаган. Фиқҳ илми билимдони бўлгани учун уни "Кичик Шофиий" деб улуғлашган. Шерозда тас.нинг ёйилишида катта хизмат қилган. Фиқҳий масалаларни тас. истилоҳлари воситасида тушунтиришда моҳир бўлган. Мансур Ҳалложни қатл этиш учун фатво сўраганларида рад жавобини берган. Жунайд Багдодийнинг яқин суҳбатдоши. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

СУРЁНИЙ – Сурия ва шимолий Ироқда яшовчи қавмларнинг қадимги номи. С. тилида исломиятдан аввалги асрларда кўп илмий, диний-мазҳабий, фалсафий асарлар яратилган. Монийнинг олтита китоби айнан шу тилда ёзилган. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Идрис (а.) С. пайғамбарлардан эканлиги ҳақида маълумот берилган.

Ибрию юнонию сурёни ҳам,
Ҳинди агар сўрса, билур они ҳам.

("Ҳайрат ул-аброр", 11-мақолат)

СУРҚАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик тўртинчиси. *Бир нарсани бошқа бир нарсанинг юзасига бир неча марта сур* маъносини англатувчи

бу сўз ўзбек тилида *сур-* феълининг *бирор юзага суртиб ёпиштир* маъносидан *такрор* маъносини ифодаловчи *–ка* қўшимчаси б-н ҳосил қилинган: **сур + ка / сурка**. *Сурканмоқ* феъли *бирор нарса бетини бошқа бир нарса бетига ишқаш, бир нарса юзига юқадиган ёки сингадиган нарса суртиш* маъносини англатувчи *сурка* феълининг ўзлик нисбатдаги шаклидир. Бу сўзнинг *суйкамоқ* шакли ҳам мавжуд. Масалан, *суймаганга суйкалма; эчкининг таёқ егиси келса, чўпоннинг таёғига суркалади* каби. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, *суркамоқ* феъли қад. **туркий** тилда *сатҳдан узмай куч б-н силжит, бир жойдан бошқа жойга итариб ўтказ* маъносида қўлланган *сургамоқ* феъли б-н мазмунан анча яқин.

Заъфдин куйингга бордим
сурканиб атфолдек,
Раҳм қилғилким, бу йўлда
ҳаддин ошди эмгаким.
("Бадоеъ ул-васат", 241-ғазал)

СУРОҲИ(Й) – шароб солишга мўлжалланган шиша идиш. С.нинг дастаси борлиги ҳамда оғзи қил б-н ёпилгани учун ошиқ рамзи сифатида ҳам қўлланилади. Тас.да С. – унс мақомидаги соликнинг тимсолидир.

Суроҳи то майи лаълинг
висолин орзу қилмиш,
Ани бу орзу девонаи жўлидамў қилмиш.
("Наводир уш-шабоб", 263-ғазал)

СУРУР – моддий оламдаги ютуқлар ёки руҳоният оламидан ҳосил бўлган файзлардан кўнгилда туғилажак шод-хурсандлик ҳисси, нашъаси; севинч, қувонч, фараҳ. Абдураззоқ Кошоний маърифат ҳосил қилишнинг илмул яқин, айнул яқин ва ҳаққул яқин босқичларига боғлаган ҳолда С.ни уч гуруҳга таснифлайди: 1) завқ С.и – умид, маърифат ва висолдан ҳосил бўладиган С. Бундай С. ҳам жисмоний ва ҳам руҳий оламга бирдек тааллуқли ҳисобланади. 2) Мушоҳада С.и – энг улуғ ҳижоб бўлмиш илм эгаллагандан кейин қалбда пайдо бўладиган ғурур ва такаббурлик зангини кеткизиб, айнул яқин мақомига эришиш. 3) Ижобат С.и – фано босқичига етган соликнинг кўнгил ҳолати. Навоийнинг асарларида С. сўзи, асосан, луғавий маънода қўлланилиб, қуйидаги байтда С.нинг биринчи босқичи ҳақида сўз юритилган:

Май ичра аксинг аро
софчашға айшу нашот,
Қадаҳда нашъанг ила
дурдкашға завқу сурур.
("Наводир уш-шабоб", 132-ғазал)

СУРУШ (авес. Сраоша – итоаткор, бўйсунган) – зардуштийлик динидаги маъбудлардан бири. "Авесто"да С. ғолиб, муқаддас, ажр берувчи, меҳрибон, ботир, қудратли каби сифатлар б-н зикр этилган. С. одамларга илоҳий хабарларни етказувчи фаришта сифатида ҳам талқин қилинади. Шунингдек, қад. манбаларда С. "порсо Эзад" (тақводор Маъбуд) деб эсланиши кейинчалик тас. ад-тида С.ни комил инсоннинг тимсоли сифатида талқин қилинишига замин яратган.

Навоий шеъриятида С. фаришта, комил инсон, ғайбдан етган илҳом маъноларида қўлланилган.

Турмади шайхи риёий,
чун етишти пири дайр,
Қочмайин Иблис нетсун,
чун нузул этти суруш.
("Наводир уш-шабоб", 262-ғазал)

СУСИЙ, Абу Яъқуб Юсуф бин Ҳамдон – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Эрондаги Хузистон вилоятига қарашли Сус шаҳрида туғилган. *Абу Яъқуб Нахражурий ва Абу Али Маштул*нинг устози. Басрада яшаб, ижод қилган. Алоуддавла Симноний хирқа силсиласида унинг номини ҳам зикр этган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

СУСИЙ, Абубакр Муҳаммад бин Иброҳим (ваф. 996) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Рамла шаҳрида яшаган. Умрининг охирида Дамашққа бориб, ўша ерда вафот этган. Самоъ мажлисига кўп аҳамият берган. Унинг даъвати ва раҳнамолиги туфайли Муҳаммад Табароний деган созанда тавба қилиб, тариқат аҳлининг шайхи даражасига етишади.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СУФЁН САВРИЙ, Абу Абдуллоҳ Суфён бин Саъид бин Масруқ Саврий (туғ. 778) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, муҳаддис ва фақиҳ. Аббосий халифалар – Мансур ва Маҳдий даврида яшаган. Қозилик мансабини қабул этмасдан, бир муддат яширинча яшашга мажбур бўлган. Абдуллоҳ Муборак, Фузайл бин Иёз, Робиа Адавия, Умми Ҳассон каби тариқат пешволари б-н ҳамсуҳбат бўлган. *Абу Абдуллоҳ Хубайқ Собик Антокий* ва *Жунайд* С.С.нинг издошлари саналади. С.С. тариқатда саҳв тарафдори бўлган.

СУХРАНМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг эллик биринчиси. *Минғирламоқ, ғунғилламоқ, мужмал гапирмоқ, пичирламоқ* маъноларини англатувчи мазкур феъл Навоийнинг асарларида қўлланмаган.

СУЪЛУКИЙ, Абулсаҳл Муҳаммад бин Сулаймон Суълукий (ваф. 979) – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Абубакр Шиблий, Муртаъиш, Абу Али Сақафий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Абулҳасан Фушанжий, Абу Наср Сафҳор Нишопурий, Абубакр Шукайр б-н дўст, ҳамсуҳбат тутинган. Самоъни ҳақиқат аҳли учун мустаҳаб, илм аҳли учун мубоҳ, фисқ ва фужур аҳли учун макруҳ амал, деб ҳисоблаган. Ўз даврида Нишопурда муфтийлик қилган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СУЮТИЙ, Абулҳасан – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Мисрнинг Суют (ҳоз. Суэц канали соҳилидаги ш.)да туғилган. Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий б-н бирга сафар қилган. Маслакдошлар хизматини ўзига вожиб деб билган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни қисқартириб киритган.

СУҚЛАТМОҚ – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон тўққизинчиси. Ўзидан олдин келган *сундурмак* феълига шартли антоним бўла олиши мумкин бўлган бу феъл (иштаҳани) *очмоқ, қузғатмоқ; суқланмоқ, хирсланмоқ* маъноларида қўлланган. Мазкур феъл қад. туркий тилда мавжуд бўлган *ўзганинг овқатига олиб ейиш истаги б-н тикилувчи, очкўз* маъносини англатган **суқ** сифатига *–ла* феъл ясовчиси ҳамда *–т* орттирма нисбат қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинган.

СУҚРОТ (мил.ав. 5-4-асрлар) – юнон файласуфи. Аттика шаҳрида ҳайкалтарош Софроникс ва доя Фенаретта оиласида дунёга келган. У жуда кўримсиз қиёфага эга бўлган. Мил.ав. 399 й. Суқрот бир юртдошининг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини бузганлиги, шаҳар сиғинган худоларни ҳурмат қилмай, янги худоларни киритиш ва ёшларнинг фикрларини бузишда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл этилган. Судда Суқротнинг оғзидан чиққан сўнгги сўзлар шундай бўлган: "Менга ўлиш учун, сизга эса яшаш учун бу ерни тарк этиш фурсати етди. Фақат бунинг қай бири афзаллиги Худодан ўзга ҳеч кимга аён эмас".

С. вафотидан сўнг, гўё халқнинг кўзи очилади. Уни айблаганлар жазога тортилади, Афинада унга атаб, олтин суви юргизилган ҳайкал қўйилади.

С.нинг шогирди Афлотун ўз асарларида барча ҳикматли сўзларни устози номидан сўзлайди. Балки айнан шу ҳолат Ўрта асрлар Шарқ фал.си ва ундан таъсирланган ад-тда Суқрот номининг бадиий образ даражасига кўтарилишига сабаб бўлгандир.

Навоий тарихий С.га эмас, кўпроқ донишмандлик хислатлари инъикоси, ўзининг бадиий тўқимаси бўлмиш ҳакимга мурожаат қилади, бироқ ушбу образнинг баъзи жиҳатлари тарихий С. б-н билвосита боғланганга ўхшайди.

Бу боғлиқликнинг биринчиси С.нинг ахлоқ ҳақида айтган фикрларида намоён бўлади. Чунки С. фал. тарихида биринчи бўлиб, ахлоқ ва унинг категориялари ҳақида сўз юритган ҳакимдир. "Тарихи ан-

биё ва ҳукамо"да ўқиймиз: "*Суқрот ҳаким Буқротиснинг шогирдидур ва Ҳумой бинти Баҳман замонида эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, нодонға тавозуъ қилмоқ ҳанзалға сув бермакдурким, неча кўп ичса, талхрок булур*".

Бу боғлиқликнинг иккинчиси эса С. қарашлари б-н боғлиқ. Маълумки, С.га қўйилган айбловлардан бири юнон илоҳларига қарши боргани, Ягона Илоҳий қудратни тарғиб этган ғоялари эди. Навоий "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Садди Искандарий" достонларида С.ни илоҳий асрордан огоҳ бўлган комил инсон сифатида тасвирлайди.

Навоий ушбу образга "Фарҳод ва Ширин" достонида алоҳида эътибор бериб, Фарҳоднинг устози, комил инсон қиёфасида талқин этган. Аслида С. тимсолининг асар таркибига киритилиши тасодифий бўлмай, бош мақсадни очиб бериш йўлидаги муҳим воситадир. Н.Комиловнинг ёзишича, С. пири комил тимсоли бўлиб, усиз Фарҳоднинг ўз мақсадига эришиши мумкин эмас эди. Навоий С.ни қуёш каби порлоқ сиймо, жисми пок руҳ каби, шахси – ақлнинг ҳайкали деб таърифлайди. У камолот чўққисини эгаллаган комил инсон, ўзи бир жойда ўтирса ҳам, руҳи бутун дунёни кезиб чиқади. Жамшид жоми, Искандар кўзгуси ҳам унинг кўнгил кўзгуси олдида хира тортади. Фарҳод б-н яккама-якка суҳбатлашиб, уни ўз фарзандидай эъзозлайди. Чунки бу йигит сиймосида у ўз сулук (йўл)ининг давомини кўради. С.нинг ўзи ғорда муқим ҳолда бўлса ҳам, лекин руҳан дунёни сайр этиши нақшбандийликнинг ўн рашҳасидан бири ҳисобланган "Сафар дар ватан"ни изоҳлашига эътибор берадиган бўлсак, достонда С. – нақшбандия тариқатининг комил пирлари тимсолини гавдалантирмоқда. Дарҳақиқат, у Фарҳодга дунё ва ҳақиқат аҳли, мажозий ва ҳақиқий ишқ, дунё ва ишқ аҳли ҳақидаги сўзларни айтиш б-н Навоийнинг эстетик идеалини ифодалайди.

Эрур Юнонда Суқроти замон ул,
Тутуб Суқротдек ғори ниҳон ул.
("Фарҳод ва Ширин")

"Садди Искандарий"да ҳам у Искандар атрофидаги мусоҳиб файласуфлардан ҳисобланади. Ер юзидаги етти мамлакатни забт этишида унга Арасту ёрдам берган бўлса, денгиз саёҳати, етти денгиз ва ундаги ўн икки минг жазира (орол)ни забт этиши, сув ости саёҳатларида С. раҳнамолик қилади. Достоннинг 73-бобидан у фаоллашади. Искандар денгиз ҳақида ким яхшироқ билишини сўраганида, барча ҳакимлар С.ни тавсия этишади. Шунда С. етти денгиз ва ўн икки минг жазира ҳақида билганларини баён қилади. Шундан кейин Искандар С. ҳакимдан денгиз ва унинг остига қиладиган сайёҳатида йўлбошчи бўлишни сўрайди. Шу тариқа у худди Илёс пайғамбар каби Искандарга раҳнамо бўлди, дейди Навоий. Бу ўринда ер усти мамлакатлари зоҳирий илмлар тимсоли бўлиб, уларни Искандар (толиб) Арасту – соҳиби мантиқ ёрдами б-н ўзлаштирилган бўлса, ер ости дунёси – ботиний илмларга илоҳиёт илми отаси бўлмиш С. ҳаким воситасида эришади.

Сўз андин суруб шоҳи дарёжаноб,
Бериб бўйла Суқроти доно жавоб.
("Садди Искандарий", 73-боб)

СУҲАЙБ – Муҳаммад (с.а.в.)нинг яқин саҳобаларидан. Асли румлик бу зот исломнинг ҳижратдан олдинги давридаёқ мусулмон бўлган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг "Кашф ул-асрор"ида келтирилишича, исломнинг илк даврида тўрт киши дунёнинг тўрт бурчагидан Маккага келиб, дини муҳаммадийга имон келтирганлар. Булар – С. Румий, Салмон Форсий, Абу Зарр Ғифорий (Ямандан) ҳамда Анас ибн Молик (Мағрибдан). Бу ҳодиса келажакда ислом динининг дунёнинг барча ўлкаларида ёйилиши, ислом жаҳоний дин эканлигига башорат эди.

Чун ҳабибим чеҳра очди,
шавқ ўтиға куйдилар,
Бузар ўлсун ёки Салмон,
ё Анас, ёхуд Суҳайб.
("Наводир уш-шабоб", 51-ғазал)

СУҲАЙЛ I – энг ёруғ юлдузлардан бири. Яманда ёрқинроқ кўрингани сабабли С.и яманий деб ҳам аталган. Араб мунажжимлари С.ни жануб юлдузи деб билишган ва карвонлар кечаси йўлдан адашмаслиги учун унинг жойлашувини мўлжал олиш-

ган. С.нинг осмонда аниқ кўриниши иссиқ кунларнинг тугаши ҳамда сел келишининг нишонасидир. Қадимда қимматбаҳо маъданлар, айниқса, ақиқ С. юлдузи нурининг таъсиридан ҳосил бўлади, деган тасаввур шаклланган. Навоий шеъриятида С.нинг ушбу хосияти турли поэтик вазифаларни бажаришда қўлланилган.

Қатраи саҳбо Суҳайлидин
лабинг майгун эмас
Ким, ақиқедур буким
ранг олур андин юз Суҳайл.
("Наводир уш-шабоб", 365-ғазал)

СУҲАЙЛ II – "Сабъаи сайёр" достонидаги бешинчи ҳикоят қаҳрамони, Яман подшоси Нўъмоннинг ўғли. Ақлли, тадбирли ва олийжаноб йигит, *Меҳр*нинг ошиғи.

Ҳикоятда тасвирланишича, у Меҳрга уйланиш учун кетаётганида қароқчи Жобир б-н тўқнаш келиб қолади. Суҳайлдан енгилишини билган Жобир кемани тешиб, уни асир олади ва қасридаги чуқур чоҳга ташлайди. Уни чоҳдан севгилиси Меҳр қутқаради ва Суҳайл Жобирни енгиб, нафақат севгилиси, балки золим Жобир қўлидаги барча асирлар, жумладан, уларни озод қилиш учун йўлга чиқиб, Жобир қўлига асир тушган отаси Нўъмон ва Меҳрнинг отаси Навдар шоҳларни ҳам озод қилади.

Тоб ила ул Суҳайл ранги раҳиқ,
Чеҳра рангин ясаб нечукки ақиқ.
("Сабъаи сайёр")

СУҲАЙЛО ҲАКИМ – "Фарҳод ва Ширин" достонидаги персонажлардан бири; Юнондаги машҳур донишманд ҳакимнинг номи. "Фарҳод ва Ширин" достонида С.Ҳ. тилсимли кўзгу сирини очолмай юнон элига борган Фарҳодни беш юз йилдан бери кутаётганлигини айтиб, унга бир қанча насиҳат беради. Кўзгу Искандар кўзгуси деб аталиб, унинг сирини Суқрот ҳаким билишини, унинг қошига бориш учун уч хатардан ўтиш даркор эканлигини айтади. Биринчи хатар аждаҳо бўлиб, ундан ҳимояланиш учун ҳаким Фарҳодга саманлар ёғини беради.

Ушбу образ ўзбек халқ оғзаки ижоди (эртак ва достонлар)да асосан, бош қаҳрамонга ҳомий сифатида намоён бўлади. Бироқ бу ҳомийлик фақат халоскорлик б-н чекланиб қолмай, Н.Комиловнинг "Тасаввуф" китобида қайд этилишича, пирлик даражасига кўтарилган. Яъни достондаги Фарҳод саҳв йўли б-н камолотга эришаётган толиб (солики мажзуб), Суҳайло эса унинг тариқатдаги биринчи пири сиймосида қўлланилган.

Ўтуб беш юздин айёми ҳаёти,
Суҳайлойи ҳаким эл ичра оти.
("Фарҳод ва Ширин")

СУҲБАТ – икки ва ундан ортиқ киши ўртасидаги ўзаро сўзлашиш; мусоҳаба, гурунг. Муносабат, яқинлашиш, дўстлашиш маъноларини ҳам ифодалайди. Сайру сулукда С. одоби асосий масалалардан саналади. Азизиддин Насафийнинг фикрига кўра, С. кучли таъсир ва азим хосиятларга эга. Комил инсоннинг С.и – қудратли кучга эга, у юракка етиб боради ва моҳиятларни англашга кўмаклашади. Кимки (тариқат йўлида) бирор нарсага эга бўлган бўлса, бу донолар суҳбати туфайлидир. Қолган барча усуллар воситадир, холос. Риёзат ва ҳаракат, жаҳду жадаллар кўп. Аммо барча риёзат, одобу шароитлар пир суҳбатига етишга тайёргарликдир, холос. Солик пир суҳбатига муносиб бўлса, унинг иши ниҳоясига етган, яъни тариқатни охирига етказган бўлади.

Кўп одамлар борки, гарчи пир суҳбатига эришган бўлсалар ҳам, аммо фойда топмаган. Бунда икки ҳолат бўлиши мумкин: ё у одамда истеъдод йўқ ёки мақсади пир мақсади б-н яқин, маънодош эмас. Истеъдоди йўқ одам суҳбат аҳлидан, истеъдоди бўла туриб, ҳаммақсад бўлмаса, ҳамсуҳбат эмас. Зеро, ҳамсуҳбат бўлиш мақсад бирлиги, яъни ҳаммақсадликдан ҳосил бўлади. Қачонки икки ёки ундан ортиқ одамлар орасида мақсад ягоналиги бўлса, улар ҳамсуҳбат бўла оладилар, аксинча – мақсадлари битта бўлмаса, ҳамсуҳбат бўла олмайдилар.

Навоий таъбири б-н айтганда, пиру истеъдоду тавфиқсиз бў йўлга кириб бўлмас.

Тас.да, айниқса, нақшбандийлик таълимотида С.га алоҳида аҳамият берилиб, мурид нинг руҳий тарбиясида пирнинг С.и кучли таъсир хосиятига эга, деб ҳисоблашган.

Ҳақ йўлида собиткадам бўлиш, асл мақсадга етиш йўлида донишманд ва тақволи зотлар С.и қанчалик фойдали бўлса, дунёвий мақсадлар ва нафсоний истакларга қувват берувчи С.лар инсоннинг маъ-ий олами учун шунчалик хатарлидир.

Халойиқ суҳбатидин минг ғамим
бордурки, муфт ўлғай
Агар минг жон бериб билсамки,
бир ғамдин нажотим бор.
("Ғаройиб ус-сиғар", 133-ғазал)

СУҲОИЙ, Абдулваҳоб (15-аср) – хуросонлик форсийнавис шоир, Шайхим Суҳайлийнинг холаваччаси. Номи "Мажолис ун-нафоис"нинг бешинчи мажлисида тилга олинади. Навоий унинг сипоҳишева йигитлиги, "Абдолнома" асарини ёзгани, лекин уни кўрмаганлиги ҳақида маълумот беради. "Мажолис ун-нафоис"да унинг бировнинг кўзи оғриганда ёзган қуйидаги байти келтирилган:

Доштам аз чашми бемораш
ба дил сад гуна дард,
То ба чашми худ надид
он дардро бовар накард.

(Мазмуни: Бемор кўзларидан дилимда юз хил алам, дард бор эди, (лекин у то) ўз кўзи б-н кўрмагунча, бу аламга ишонмади).

СУҲРАВАРДИЙ, Абулаббос – "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Султония ва Ҳамадоннинг ўртасида жойлашган қад. Суҳравард қишлоғида туғилган. Курд миллатига мансуб. Маккада яшаган. Абулҳусайн Сирвоний, Абулҳасан Саракий б-н замондош бўлган. Самоъ мажлисига алоҳида аҳамият берган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

СЎЗ I – Алишер Навоий ижодида катта моҳият касб этувчи истилоҳ. Навоий ушбу истилоҳ остида инсониятнинг ҳамма маънавий бойлигини: алоҳида ижтимоий категория бўлган тилни ҳам, мафкура шаклларидан ҳисобланган фал. ва бадиий ад-тни ҳам назарда тутади. Навоий "Хамса"сининг деярли ҳамма достонида "Сўз таърифида..." атамаси б-н махсус боблар келтирилган ("Ҳайратул-аброр"да 14–15-боблар, "Лайли ва Мажнун"да 5-боб. "Сабъаи сайёр"да 5-боб, "Садди Искандарий"да 6-боб). "Хамса"даги достонларнинг Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийга бағишланган бобларида ҳам сўзнинг қудрати, таъсири ва моҳияти ҳақида тўхталиб ўтилади.

Навоий "бадиий сўзнинг жамиятдаги киши онги ва психологиясига ижобий ва салбий таъсир кучи" (А.Ҳайитметов) ни яхши билгани ҳолда, ҳар бир шахсга, оҳанг ва мазмунига кўра ҳам турлича таъсир этиши мумкинлигини кўзда тутиб, "Ҳайратул-аброр"да шундай ёзади:

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила тониб ўлик тан ҳаёт.

Навоий ижодида С. қуйидаги маъноларни англатиб келади:

1) гап-сўз, нутқ:
Гар Навоий сўз узатти фақрдин
эрмас деманг,
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин қайда бу
журъат анга?!
("Ғаройиб ус-сиғар", 8-ғазал)

2) ҳикоя, қисса, нақл:
Тавбадин сўз, Навоиё, демаким,
Ҳеч ёқмайдур ул фасона манга.
("Наводир уш шабоб", 13-ғазал)

3) ваъда, аҳд:
Ваъдаи васлидин этса ул сўзи
ширин ҳадис,
Гарчи ёлғон айтур, ани соғинурмен
чин ҳадис.
("Бадоеъ ул-васат", 91-ғазал)

4) Жавоб:
Маҳвашимни сўзга тортармен
тахайюл кунжида,
Ҳар сўзумга ким жавоб айтур,
саволе юзланур.
("Бадоеъ ул-васат", 138-ғазал)

5) бадиий адабиёт:
Қирон қилдинг, Навоий,
назм ароким илтифот этмас,
Сўзунгдин ўзга сўзга
хусрави соҳиб қирон ҳаргиз.
("Ғаройиб ус-сиғар", 209-ғазал)

"Ғаройиб ус-сиғар" девонининг 219-ғазалида С. радиф вазифасини бажарган.

СЎЗ II – 1) куйдириш, ўрташ; олов, аланга:

Эмди ғами йўқ, солди чу кўнглум
ар минг сўз,
Оҳим ўтидин ўчса ҳамул шамъи
дилафрўз.
("Бадоеъ ул-васат", 214-ғазал)

2) сўз бирикмаларида куйдирувчи, ўртовчи маъноларини англатади:

Эй ишқ ўтин айлаган жаҳонсўз,
Ҳар бир шарарини хонумонсўз.
("Лайли ва Мажнун", 1-боб)

СЎНДУРМАК – Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида таъкидлаган юзта феълнинг тўқсон саккизинчиси. *Сўн* ўзагидан ҳосил бўлган ва *олдинги кучи, шиддати озаймоқ, пасаймоқ, сусаймоқ* каби маъноларни англатган бу феъл қад. туркий тилда ҳам шу мазмунда қўлланган. Ўзидан кейин келган *суқлатмоқ* феълига шартли антоним бўла олиши мумкин бўлган бу феъл Навоий асарларида қўлланилмаган.

СЎФИЙ – тасаввуф тариқатига кирган киши; дарвеш, фақир, аҳли ҳол. С. сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Мустамлий Бухорий бу сўзни "сафо" (поклик)дан келиб чиқишини таъкидлаб, зоҳир ва ботин оламини Ҳақ таоло зикри ва буюрган амалларини бажариш орқали пок этган кишига нисбатан қўлланилишини таъкидлаган. Абу Райҳон Беруний ва Абулқосим Қушайрий акидаларига кўра, "С." этимологияси араб тилидан олинмаган, балки юнонча "софия" (ҳикмат)нинг арабчалашган кўринишидир. Жунайд Багдодий С. сўзини уч ҳарф – "сод", "вов" ва "фо" ("суф")нинг бирикмасидан ҳосил бўлиб, бунда "сод" – сабр, сидқ (тўғрилик, садоқат) ва сафо (поклик), "вов" – вудд (дўстлик), вирд (зикр) ва вафо, "фо" – фард (ёлғизлик), фақр ва фанога ишоратдир, деб ҳисоблайди. Тас-ий манбаларда энг машҳур ва кўпчилик қабул қилган талқинга кўра, С. сўзи "суф" (жун)дан ясалиб, дарвешлар ва фақр аҳли жундан тўқилган кийим – хирқа кийишни одат қилгани сабабли уларни С. деб аташган.

С. ва тас. сўзларининг истилоҳий маъноси ҳақида ҳам ягона тўхтамга келинмаган. Инглиз олими Р.Никольсон 11-асргача ёзилган манбалардан тас. ва С.нинг 75 таърифини аниқлаган. С.нинг Абдулқоҳир Багдодий 1000 га яқин, мисрлик олим Аҳмад эса Заррук 2000 га яқин таърифини келтирган. Бу таърифлар сиртдан қараганда қанчалик ихтилофли бўлмасин, моҳият эътибори ила барчаси покланиш ва тақво мартабасини англатади.

С.лар шариат буюрган ибодатларни тўла-тўкис бажариш ҳамда пир буюрган қўшимча жисмоний ва руҳий риёзатларни чекиш орқали инсоннинг нафсига оид бўлган ширк, ёлғон, ҳасад, кибр, риё каби ёмон хислатлардан покланиш, сабр, қаноат, ризо, шукр, тақво, муҳаббат, хоксорлик сингари гўзал инсоний хислатлар б-н ботин оламини безаб, шу тариқа нафсни тарбиялаб бориш, қалб ва руҳ ҳурриятига эришиб, ўз ҳожатини фақат Аллоҳдан сўрашни одатга айлантириш, ҳам зоҳиран, ҳам ботинан Ҳақ йўлида собит бўлишни асосий маслакка айлантирганлар. Шиҳобиддин Суҳравардийга кўра, С. – ҳар бир нарсани ўз жойига қўядиган, вақтлар ва ишларни илм ила тадбир қиладиган, халқни ўз мақомига, Ҳақ таолонинг амрини ўз жойига қўядиган, беркитилиши лозим бўлган нарсани беркитадиган, очилиши лозим бўлган нарсаларни очадиган ва ишларни ҳузури қалб ила, сиҳҳати тавҳид ила, камоли маърифат ила, риояти сидқу ихлос ила ўз ўрнида адо этадиган шахсдир.

Ёшурун май тарки этмон,
гарчи шайхи хонақаҳ,
Эй Навоий, суфию
зоҳид ҳаёл этмиш мени.
("Фавойид ул-кибар", 620-ғазал)

СЎФИЙ САЙРАФИЙ, Али бин Бундор бин Ҳусайн (ваф. 970) – "Насойим улмуҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи, муҳаддис. Куняси – Абулҳасан. Нишопур тас. мактабининг сўнгги вакили. Заргарлик буюмлари савдоси б-н шуғулланган. Абу Усмон Ҳирий, Маҳфуз, Муҳаммад Фазл Балхий, Муҳаммад Ҳомид, Али Жузжоний, Юсуф бин Ҳусайн Розий, Жунайд Багдодий, Рувайм, Самнун Муҳиб, Ибн Ато, Журайрий, Тоҳир Мақдисий, Абу Абдуллоҳ Жал-

ло, Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий, Абу Амр Димишқий, Абу Бакр Мисрий, Абу Бакр Заққоқ, Абу Али Рудборий суҳбатига мушарраф бўлган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га "Нафаҳот ул-унс"дан ушбу шайх ҳақидаги бобни айнан киритган.

"СЎФИЯ ИСТИЛОҲОТИ" – Шайх Камолиддин Абдураззоқ Кошийнинг араб тилида ёзилган асари. "С.И." асарида 420 тас. истилоҳлари шарҳи берилган бўлиб, уларни мазмун-моҳиятига кўра уч қисмга ажратиш мумкин: 1) тас. аҳлининг барча тариқатлари учун умумий бўлган тушунча ва тамойиллар (ҳол, мақом, ризо, талвин, шуҳуд ва б.); 2) ваҳдат ул-вужуд наз-ясида қўлланиладиган атама ва истилоҳлар (вужуд, таайюн, аъёни собита, маротиб ва ҳ.к.); 3) асмо ул-ҳуснонинг тас-ий талқини. "С.И." асари кейинги асрларда ваҳдат ул-вужуд масалаларини ёритиш ва талқин қилишда мўътабар манбалардан бири ҳисобланган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида Шайх Камолиддин Абдураззоқ Кошийга бағишланган фаслда "С.И." асарини қайд қилиб ўтган.

Илмий нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ: ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ

1-жилд

Нашр гуруҳи:

Равшан Жумабоев, Баҳодир Туламетов, Носиржон Жураев, Барнобек Эшпўлатов, Вафо Файзуллоҳ, Ҳабибулло Солиҳ, Иноят Убайдуллаева, Нигора Абдукаримова, Нодира Бозорбоева, Жаҳонгир Мейлиев, Илҳом Жуманов, Дилсўз Турсунова, Райҳон Яхшибоева

"Sharq" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2016

Муҳаррир *Исмат Худоёров*
Бадиий муҳаррирлар: *Элеонора Абдикайирова, Феруза Башарова*
Рассом *Сарвар Ғайратов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчилар: *Улуғбек Саидов, Мастура Атхамова*
Мусаҳҳиҳ *Диёра Абдужалилова*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 22.06.2015 й. Босишга рухсат этилди 03.03.2016 й. Бичими 84x108 $^{1}/_{16}$ "UZ-SkoolBook" гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 55,44+16б зарв. Нашриёт-ҳисоб табоғи 52,63. Адади 3000 нусха. Буюртма № 4177.

"Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

ISBN 978-9943-26-459-5